

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA
MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

DAVLAT TILINI RIVOJLANTIRISH DEPARTAMENTI

BUXORO VILOYAT HOKIMLIGI

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

*(O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining 31 yilligiga
bag‘ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari)*

BUXORO, 2020-yil,16-oktabr

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Davlat tili – ijtimoiy taraqqiyot va milliy yuksalish mezoni” mavzusida Respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani ilmiy maqola va tezislari to‘plami. (2020-yil,16-oktabr). Buxoro: 2020-y. 706 bet.

MAS’UL MUHARRIR:

Ahmedov A.R. – f.f.n., dotsent

TAQRIZCHILAR:

Abuzalova M.Q. – f.f.d., prof. Nazarova S.A. – f.f.n., dots.
Eshonqulov H.P. – f.f.n., dots. Yo`ldosheva D.N. – p.f.n. dots.

TO’PLOVCHI VA NASHRGA TAYYORLOVCHI:

G’aybullayeva N.I. – f.f.f.d (PhD)

Tosheva D.A. – f.f.f.d (PhD)

G’ulomova Sh.Q. – f.f.f.d (PhD)

Ushbu Respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumanining ilmiy maqola va tezislari to‘plamida O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni qabul qilinganining 31 yilligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5850-son Farmonida ko‘zda tutilgan “O‘zbek tili bayrami kuni”ni keng nishonlash, jumladan: o‘zbek tilining davlat tili sifatida nufuzini oshirish va qo‘llanish ko‘lamini yanada kengaytirish shuningdek o‘zbek tilining davlat va jamiyat hayotidagi mavqeyini yanada yuksaltirish, davlat tilining rivojlanishi, tarixiy taraqqiyoti, istiqboli bilan bog‘liq ilmiy tadqiqotlar samarasini oshirish, o‘zbek nazariy tilshunosligi, leksikologiya hamda leksikografiyasi, til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasida belgilangan vazifalar va amaliy filologiyani rivojlantirish, o‘zbek tili ta’limi muammolari, davlat tilida ish yuritish va nutq madaniyati masalalari borasida fikr va tajriba almashish, sohada amalga oshirilayotgan ishlarni tahlil qilish va bu boradagi takliflarni ishlab chiqish bo‘yicha ilmiy, amaliy va uslubiy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Mazkur to‘plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma’lumotlar hamda bildirilgan fikr va mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas’uldirlar.

MUNDARIJA

№	Muallif(lar)	Mavzu	Bet
1	Xamidov Obidjon	Kirish	14
2	Umarov Farhod	Davlat tili milliy yuksalish mezon	17
2	Qirg'izboyev Abdug'affor	Ona - tilimiz rivoji va taraqqiyoti yo`lida	19
3	Azimov Inomjon	Ta'lim tizimida davlat tilini o`q`itish muammolari	26
4	Hamroyev Mirali	Tilga hurmat – millatga muhabbat	31
5	Ibragimova Feruza	Davlat tilining umrboqiyliги va sofliги unga sadoqatimizga bog`liqdir	33
6	Qahhorov Otabek	Davlat tiliga ehtirom	36
7	Rajabov Dilshod	Til – inson kamolotining ko`zgusi	38
8	Nazarova Saida	Davlat tili – ijtimoiy taraqqiyot mezon	40

1-SHO`BA: DAVLAT TILIDA ISH YURITISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

Muallif (lar)	Mavzu	Bet
Aslonov J.	Davlat tili nufuzi va amaldagi mavqeyi	45
Аслонова Э.	Государственный язык- неотъемлемая часть духовной национальной культуры государства	48
Axmedova Sh.	O`zbek tilining nufuzini oshirish muammolari	51
Bobomurodov K.	Millatning hayoti til bilan tirik	54
Yo`ldosheva D.	Til – millat mulki	57
Jumayeva S.	Tilimiz tariximiz, bugunimiz va kelajagimizdir	62
Jo`rayeva B.	Til – ruh, nutq – husn	64
Abdullayeva D.	Tilga e`tibor - elga e`tibor	68
Ne`matova P.	Ona tili bu – millat ko`zgusi,uning	71

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

	g'ururidir	
Saidova M.	Til – buyuk qadriyat	73
Saidova X.	Davlat tilida ish yuritish: muammolar va yechimlar	75
Salixova Z.	Davlat tili – milliy qadriyatlarimizning asosi	79
Salomova M.	Til – xalqlararo madaniyat ko'prigi	82
Samadov A.	Davlat tiliga bo'lgan munosabat – vatanga bo'lgan hurmat va sadoqatdir	85
Sodiqova M.	Savodxonlik – yuksak madaniyat belgisi	89
Халикова М.	Композиционные особенности письма	93
Xayitov H.	O'zbek adabiy tili taraqqiyotida muhim tashabbuslar va strategiyalar	95
G'aybullayeva M.	Kitobxonlik til va tafakkurimizning bezagidir	98
Shoyimqulova M.	Jamiyat tizimida tilning o'rni	101
Shukrulloev N.	Yana lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi haqida	105

**2-SHO'BA: ONA TILI TA'LIMIDA MILLAT KELAJAGINING
IN'IKOSI**

Muallif (lar)	Mavzu	Bet
Abdullayeva M.	Og'zaki nutqni o'stirishda interfaol metodlardan foydalanish	109
Ahmedov A. Yoqubova Sh.	Umumiy o'rta ta'lim bosqichlarida ona tili ta'limi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlaridan foydalanish haqida	112
Akramova S.	O'zbek tili ta'limidagi muammolar va ularning yechimlari	115
Amonova K.	Ona tilim – millat g'ururi	120
Asadova Sh.	Ona tili ta'limida integrativ yondashuv	124
Ахмедов Б.	К вопросу о методике изучения глагольных словосочетаний на русском языке в нерусской аудитории	129
Ashurbayeva R.	Maktab ona tili ta'limida integratsiya	133
Buvajonova M.	Maktab yoshi o'quvchilarida kitobxonlikni	137

	rivojlantirish	
Fuzaylova N.	Ona tilini o'qitishda paronimlar va variantdosh so'zlarni farqlash	141
Ismatova H.	Ona tili va adabiyot darslarida xalq og'zaki ijodi orqali o'quvchilarni tarbiyalash asoslari	143
Istamova Sh.	O'zbek tili – xalqning ma'naviy mulki	145
Jamilova B.	Boshlang'ich sinflarda badiiy so'z va ona tiliga muhabbat motivlarini shakllantirish	148
Jumayeva Z.	Til – millat ko'zgusi	153
Jo'rayeva N.	Til – millat ko'zgusi	155
Mamatova X.	O'quvchilarga til qurilishini emas, til imkoniyatlaridan foydalanishni o'rgatish kerak	159
Muzaffarova I.	O'quvchilarga til imkoniyatlaridan foydalanishni o'rgatish	163
Obloqulova Sh.	O'quvchilar lug'at boyligini oshirish-nutq madaniyatini rivojlantirish	168
Otayeva R.	Ona tili va adabiyot darslarida innovatsion texnologiyalaridan foydalanish	171
Umarova F.	Milliy tilga e'tibor – vatanparvarlik	174
Hojiyeva S.	Ona tili darslarida milliy tilga e'tiborni oshirish masalasi	179
Qodirova B.	Sifat so'z turkumiga doir terminlar qiyosi	181
Ramazonova G.	Ona tili ta'limidagi muammolar va ularning yechimlari	185
Rahimova F.	Umumiy o'rta ta'lim maktablarida to'garak mashg'ulotlari orqali o'quvchilarning imlo savodxonligini oshirish	187
Rajabova O.	Ona tilimiz - milliy ma'naviyatimizning bitmas-tuganmas bulog'idir	189
Rustamov A.	Ona tili darslarining qisqaruvi to'g'risida	191
Ro'ziyeva N.	Ona tili darslarida o'quvchilarda mumtoz matn bilan ishlay olish ko'nikma va malakalarini shakllantirish	196
Samatova N.	Maktabgacha yoshdagi bolalarni	200

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

	tarbiyalashda ona tilining tarbiyaviy ahamiyati	
Sattorova F. Axmedova G.	O'zbek tilini o'qitishda kompetensiyaviy yondashuv	202
Soliev K.	Ta'lim bosqichlarida ona tili darslarini Integratsiyalab o'qitishning bugungi holati	205
Toyirova G.	Til ta'limdagi muammolar va ularning yechimlari	209
Toshboyeva M.	Ona tili va adabiyot fanlarini o'qitishda interfaol ta'lim metodlarining o'rni	212
Turayeva Z.	Til – millat iftixori	216
To'xtamisheva S.	Joy nomlari – tarixdan darakchi	218
Вохидова С.	Родственные языки и их особенности при обучении английскому языку	221
Хайруллайева D.	Ona tili va adabiyoti fanini o'qitishda "imak"(ishontirish maktabi) texnologiyasi	225
Xojiyeva L.	O'zbek tili ta'limdagi muammolar va ularning yechimlari	228
Yo'ldosheva D.	Oliy ta'limda nostandart topshiriqlardan foydalanish	232
Sharipova F.	Ona tilini o'qitish metodikasi va ilmiy asoslari	239
Sharipova V.	Ona tilim – onajonim tili bu	241
Shirinova A.	An'anaviy mavzuning yangicha talqini	245
Zaripov R.E.	O'zbekistonda alifbo va imlo masalalarining tadrijiy taraqqiyoti	249

**3-SHO‘BA: O‘ZBEK TILINING LUG‘AVIY
IMKONIYATLARI: MILLIY LUG‘ATCHILIK VA
ATAMASHUNOSLIK MASALALARI**

Muallif(lar)	Mavzu	Bet
Abduraxmonova N. Babajanova U.	O‘zbek tili terminlar bazasi lingvistik portalining funksional imkoniyatlari xususida	252
Adizova N.	Buxoro tumani gidronimlarining leksik-semantik xususiyatlari	255
Asadov T.H.	-an, -ona o‘zlashma affikslarining derivatsiyaga munosabati	259
Bozorova L.	Nomlar haqida ba’zi mulohazalar	262
Hamroyeva S.	Kommunikativ kompetensiyaga tez kirisha oladigan faol shaxsni tarbiyalash	265
Hojiyeva N.	O‘zbek tilida mevachilik leksikasi	269
Ibroimova M.	Til bilgan – el biladi	273
Isayeva G.	Роль паремий и фразеологических единиц в межкультурной коммуникации.	276
Mustafojeva L.	Tabibchilik asosida shakllangan xalq maqollari	280
Nigmatova L. Sharipov S.	Lug‘atda so‘z, ma‘no tanlanishi va izohi muammosi	282
Ochilova M.	Lug‘at va elektron lug‘atlar xususida	286
Qobilova A.	Perifrastik nominatsiyaning xususiyatlari	291
Salimova D.	Maktabda o‘quv lug‘atlaridan foydalanish	294
Salomova M.	Ona tili fani o‘qituvchisining nutqiy madaniyati	298
Safarova M.	XIX asrda o‘zbek etnonimiyasi	300
Sayliyeva Z.	Ona tilim – jon-u dilim	303

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

Tosheva D. Ubaydova D. Raximova N.	Ot komponentli o‘zbek xalq maqollarining milliy-madaniy hamda lisoniy xususiyatlari	306
Ubaydullayev X.	Nemis tilidagi o‘simlik nomlari bilan qo‘llanilgan frazeologik birliklar xususida	310
Xasanov R.	O‘zbek tilidagi sportga oid ayrim inglizcha so‘zlar	313
Xayrullayeva M	Toponimiyasiga xos ayrim xususiyatlar	315
Xolmuxamedov B.F.	Sifatdagi leksemalashuv hodisasi haqida	318
Yigitaliyev U. Umidjonov Sh.	Leksik birliklarning assotsiativ tadqiqi	321
Zayirova K.M.	Qoraqalpoq tilida erkak odamlarning bosh kiyimi atamalarining lingvistik tahlili	326
Ziyotova S.E.	“Mehrobdan chayon” asarida moliya-soliqqa oid terminlarning qo‘llanilishi	330
O‘rayeva D.	O‘zbek ijodkorlarining pereyonimlardan foydalanish mahorati	334
Qilichev B.E	Arg`un, chandir, saroy, etnonimlari haqida	337
G‘aybullayeva M.I.	Termin va terminologiyaning o‘rganilish tarixi	341
G‘aybullayeva N.I. Sayfulloyev A. A.	Tibbiyot leksikografiyasiga oid ayrim mulohazalar	345
Sharipova M. J.	“QO‘Y” LMGi asosida shakllangan o‘zbek xalq maqollarida variantlilik	350
Shoyimqulova M.Sh.	Texnik oliy o‘quv yurtlarida o‘zbek tili ta’limi va mustaqil ishlarda testlardan foydalanish	353
Po‘latova S	Shevaga bugungi munosabat	355

**4-SHO‘BA: AMALIY FILOLOGIYANI RIVOJLANTIRISH
IJTIMOIIY ZARURIYAT SIFATIDA**

Muallif (lar)	Mavzu	Bet
Abuzalova M.K.	Til – har bir millat madaniyatining o‘zagi	358
Absaidova M.	Tilning – turizm sohasini rivojlantirishida tutgan o‘rni	364

Ahmadova U.Sh.	Hunarmandlar nutqida perifrazalar	366
Gulyamova Sh.K.	An’anaviy tilshunoslik va kompyuter lingvistikasida polifunksionallik masalasi	369
Karimova G. Sh. Muqimova G.R.	O‘zbek tilida o‘simlik nomlari asosida shakllangan ko‘chma ma’noli so‘zlarning izohi	377
Jumayev T.	Lisoniy relik – tarixiy qoldiq sifatida	381
Jo‘rayeva D.	Nutqning ta’sirchanligi – murabbiy yutug‘i	386
Mustaqimova Q.S. Sayfulloyev A. A.	Zamonaviy reklama tili va uslubi	389
Norova M.F.	Ingliz va o‘zbek tillarida grafostilemlar	392
Pardayev A.B.	Ziddiyat va uning yordamchi so‘z turkumlarida namoyon bo‘lishi	395
Salixova Z.A.	O‘zbek tili millat ko‘zguvidir	400
Sidikova Z.M.	Badiiy adabiyot asosida kichik maktab yoshi o‘quvchilarida nutq madaniyatini shakllantirish	402
Xamroyeva Sh.M. Kuramshin R.M.	O‘zbek tili morfologik analizatorini yaratishda “STARLING” morfologik analizatori tajribasidan foydalanish xususida	405
Cho‘llyeva G.T.	Intonatsion birliklar	409

5-SHO‘BA: ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING MILLIY YUKSALISH VA ILMIY TAFAKKUR TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI

Muallif (lar)	Mavzu	Bet
Abuzalova M.K. Axmadova D.A.	Tibbiyot sohasiga oid publitsistik matnlarda metaforalar	415
Abuzalova M.K. Nurboyeva M.V.	Leksemalarning gender xususiyatiga asoslangan assotsiatsiyalar qiyosi (A.Oripov va E.Vohidov ijodi misolida)	418
Ahmedov.A.P.	O‘zbek shevashunosligi vazifalari haqida	423
Ahmedova D.B. Jo‘rayev Q.I.	Semantik razmetkaning o‘rganilishi va amaliyotda qo‘llanilishi	426

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

Asadova M.F.	Zamonaviy tilshunoslikning milliy yuksalish va ilmiy tafakkur taraqqiyotidagi oʻrni	431
Berdiyeva D.T. Alloqov F.B. Yaxshiqulova M.T.	Ayrim Qorakoʻl shevalarining leksik-semantik xususiyatlari	435
Boltayeva N.Oʻ.	Publitsistik matnlarda sarlavhaning ifoda usullari	441
Bozorova G.Z.	Oʻzbek tilidagi pleonastik birliklar tasnifi	445
Halimov E.	Ona tili – millat gʻururi	458
Hamroyeva N.N.	Iltifot shaxslararo ogʻzaki muloqotning muhim tarkibiy qismi sifatida	454
Hamroyeva Sh. Gulyamova Sh.	Elektron lugʻatlar kompyuter leksikografiyasi mahsuli	459
Haydarov A.	Ingliz va oʻzbek tillarida onomatopeyalarning uslubiy xususiyatlari	465
Haydarova N.	Oʻzbek tili frazeologizmlarida milliy xususiyatlarning aks etishi	472
Islamov Oʻ.	Til madaniyatining taraqqiyoti xususida	475
Karimov S. Rashidova U.	Oʻzbek tilida uslublararo frazema qoʻllashda xilma-xillik	479
Moʻminov Sh. Madaminova S.	Rahbar nutqida hozirjavoblik	483
Nazarova S. Xojiyeva M.	Soʻz birikmalarida sintaktik va nominativ xususiyatlar uygʻunlashuvi	486
Qobilova A.	Perifrastik nominatsiyaning xususiyatlari.	490
Raximova R.	Oʻzbek tili tarixiga bir nazar	493
Salixova N.	Oʻzbek tilida undov soʻzlarning oʻrni	498
Qodirova Z.	Qisqa matnlarning lingvistik xususiyatlari	501
Sobirova D. Ziyoyeva M.	Oʻzbek muloqotida pleonazm	504
Sobirova D.	Publitsistik matnlarda soʻz birikmasi-sarlavhalar	506
Toirova G.	Milliy korpus fragmenti interfeysini	509

	shakllantirish algoritmi	
Usmonova S.	Qo'qon shahri tarixiy mikrotoponimlarining lug'aviy qatlamlari	513
Yoqubova Sh.	So'z birikmalari tasnifini matn asosida o'rganish	517
Zaripova A.	Xayrlashuv – fatik muloqotning bir ko'rinishi sifatida	522
Zoxirov N.	Madaniy aloqalarni rivojlantirishda milliy va xorijiy tillarning o'rni	526
Sharipova F.	Язык - душа народа и зеркало, в котором отражаются наши мысли и устремления	529
Shirinova A.D.	An'anaviy mavzuning yangicha talqini	532

6-SHO'BA: BADIY SO'Z SAN'ATI VA LINGVOPOETIKA

Muallif (lar)	Mavzu	Bet
Adizova N.I.	Ona tili umummillat mulkidir	536
Adizova N.B.	Qiziqmachoqlarning bolalar ma'naviy kamolotida tutgan o'rni	540
Adizova O.	Biografik metodning taraqqiyotida fransuz adabiyotshunosi Sharl Sent B'yovning o'rni	544
Azimova M. S.	Obidalarni kuylagan muarrix shoir	548
Baxshilloeva M.I.	"G'aroyib us-sig'ar" devonidagi an'anaviy obrazlar, ularning g'oyaviy-badiiy vazifalari	551
Davlatova D.Sh.	Qadring baland bo'lsin, ona tilim!	555
Dosjanova G.D.	Qaraqalpaq tilinde seslik simvolizm ham seslerdin poetikaliq xizmetleri	559
Ergasheva L.	O'zbek tili - faxrimiz, g'ururimiz	561
Eshonqulov H.P.	Ma'shuqa epitelarining istioralashib qofiyaning hosil qilishi	564
Hamdamova N.E.	Nutqimizdagi lingvoma'naviy vositalar tadqiqi	568
Hayitov Sh.A.	Hofiz ijrosidagi bir so'z qimmati	571
Hamroeva H. Murodova M.	Enaxon Siddiqova she'riyatida metafora	574

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

Nasrullayeva G.		
Исматова Ҳ.С.	Две жемчужины узбекской поэзии	580
Rajabov D. Ro`ziyev N.	O`zbek xalq qo`shiqlarida kompozision usullar	583
Karimova L.I.	"...Yovvoyi tog' kiyigin..." qo'lga o'rgatgan yusuf xos hojib	587
Kenjayeva A.	Taqdirimsan, baxtimsan, ona tilim	590
Mardonova S.O.	Individual nutq neologizmlari haqida	592
Mukumova D.B.	Davlat tili – ijtimoiy taraqqiyot va milliy yuksalish	595
Mizrobova J.I.	Tragediyada lingvopoetik xususiyatlar	598
Mo`minov S. Umarova N. Yuldashev A.	So`z qimmati	601
Muxammedova Sh.	Ona tilimizni asrashga har birimiz birdek mas'ulmiz, aziz zamondosh!	605
Nurullaeva S.M.	Zamonaviy o`zbek she`riyatida humo mifologik obrazi stilizatsiyasi va metaforizatsiyasi	611
Qodirova N.S.	Adabiy-tanqidiy matnda tilning o`rni	615
Quvvatova D. Xodjjeva G.	"Yuragimning ostida sayrab turgan bulbulim"	619
Qurbonova O.	Adabiy tanqidda tildan foydalanish mahorati	621
Rajabova I.T.	Boqiysan iftixorimsan, ona tilim	624
Rajabov D.Z.	O`zbek xalq qo`shiqlarida tabiatni poetik talqin qilish usullari	625
Rajabova M.B.	Behbudiyning adabiy til muammolariga munosabati	629
Rahimov K.	Fors yozuvidagi "yo" va "kasra"ning kirill yozuvidagi ifodasi	632
Salohiddinova L. Q.	Oddiy folklorizmning she`rdagi o`rni	638
Samandarova G.Y.	Hasharot nomlari asosida shakllangan o`zbek xalq paremalari izohi	641

Safarova H.O.	Samandar Vohidov ijodida vaqt va zamon kengliklari manzaralari	644
Sayfullayeva R.R.	She'riyatda graduonimlarning qo'llanilishi xususida	649
Sayfullaeva R. Hamroeva H.	Ozod Sharafiddinov va ona tili	655
To`xtamisheva S.	O`zligimga qaytgan tilim barhayotdir!	660
Yusupova O.S.	Atov gaplar lingvopoetik vosita sifatida	663
Zoyirova G.N.	Samandar Vohidovning so'z qo'llash mahorati	668
O'roqova N. Sharipova M.	Mirzo Kenjabek she'rlari badiiy tili	672
G'ayratova G.S.	O'zbek zamonaviy nasri va Ulug'bek Hamdam lingvopoetikasi	675
Sharipova L.F.	So`zni madh etgan shoir	680
To`xsanov Q.R	Qayta tarjima talablari	684
Xudoyorova N. Obidova F	Til - bebaho boylik	688

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

КИРИШ

Тил инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, англаш, билиш, сўзлаш, алоқа-муносабат воситаси, мансуб-хослик омили бўлгани боис ҳамиша жамият равнақининг асосий мезонларидан бўлиб келган. Жумладан, ўзбек тили ўзбек миллатининг узоқ тарихий илдиэларига, ўз сиёсий-ҳуқуқий асосларига эга муқаддас қадрияти, улкан маънавий ютуғидир. Бугунги тараққиётига қадар шонли ва шарафли йўлларни босиб, кескин ва шиддатли тўфонларни енгиб келаётган миллий тилимиз давлат мақомида янада улугвор ва устуворлигини намоён қилмоқда.

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши том маънодаги жасорат ва истиқлол сари қўйилган илк қадам сифатида улкан аҳамиятга эга. Истиқлол йилларида она тилимизнинг нуфузини янада ошириш, оммавий муомалада адабий тил меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олиш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли ишлар ўз самарасини берди. “Давлат тили ҳақида”ги қонунга асосан иш юритиш, таълим-тарбия, оммавий ахборот воситалари, ноширчилик соҳаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда, ўзаро мулоқот воситаси сифатида мавқеи тобора ошмоқда.

Дарҳақиқат, тилимиз шу даражага етишишига минглаб аждодларимизнинг машаққатли ҳаёти, чексиз меҳнати ётади.

2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунини қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан кенг миқёсида маънавий маърифий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Шунингдек ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази ва

кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун 21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

2020 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли қарори қабул қилиниб ушбу қарор билан Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар хокимликлари тузулмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, унинг вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

2020 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “21 октябрни “Ўзбек тили байрими куни ” деб эълон қилиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

Бу Қонун ўзбек тилининг нуфузини юртимиз ва дунё ҳамжамияти олдида юксалтириш бўйича қўйилган дадил қадам бўлди.

Жаҳон ареналарида байроғимиз ҳилпирраганини ёки мадҳиямиз жаранг сочганига, минг шукурким, бир неча марта гувоҳ бўлганмиз. Куни кеча, яъни 2020 йил 24 сентябрда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўз нутқларини она тилимиз бўлмиш ўзбек тилида баён этганлари ҳаммамизнинг қувончимизга сабаб бўлди. Ахир, бизнинг тилимизни бутун жаҳон тинглади. Бу, албатта, бутун миллатимиз, юртимиз ва шу забонда сўзлашувчилар учун чексиз фахр ва ифтихор туйғусини бахш этгани шубҳасиздир.

Жаҳон минбарида янграган тилимизда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган глобал мавзулар ўзбек тилида жаранг сочди ва буни бутун жаҳон тинглади. Халқимиз ва миллатимиз Президентимиз ортида туриб, яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Она тилимиз янада куч олди.

Бугун юртимизнинг давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида ўзбек тилининг ўз ҳақиқий ўрнини эгаллашини

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

таъминлашга эришишимиз зарур. Шу муносабат билан университетимизда ҳам кўплаб илмий-амалий ишлар олиб борилди. Филология факультетида ўзбек тилини халқаро муносабатларда расмий таржима тиллар сафига киритиш мақсадида ҳар томонлама мукамал мутахассис устозлар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Иқтисодиётимизнинг барча секторларида ўзбек тилига иш юритиши, малакали мутахассислар тайёрлаш учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилмоқда. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолияти самарали йўлга қўйилди. Бундан ташқари давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малакасини ошириш Бухоро ҳудудий маркази ҳам яқинда ўз ишини бошлади. Мана шундай янгиланишлар шиддати ва улуғ мақсадларга шайланиш жараёнлари аро маънавиятимизнинг, маърифатимизнинг ўзаги бўлмиш она тилимизни эъзозлаб “Ўзбек тили байрами куни” эълон қилинишининг ўзийёқ катта бир байрамдир. Шу муносабат билан ушбу байрамимиз бутун Ўзбекистон халқига, ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчи кўплаб кишиларга ва дунёнинг турли ўлкаларидаги “Ўзбек тили дўстлари”га қутлуғ бўлсин деймиз. Шон-шарафли миллатимиз, она тилимиз, давлатимиз мангу гуллаб-яшнайверсин!

Обиджон Хамидов
БухДУ ректори

ДАВЛАТ ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Тил бу – миллий бойлик, миллий ўзлик, энг улуғ қадрият! Отабоболардан қолган бу меросни асрамоқ, ривожини учун муносиб ҳисса қўшмоқ ҳар бир кишининг чин фарзандлик бурчи. Мамлакатимиз давлат мустақиллиги сари илк қўйилган дадил қадам – «Давлат тили ҳақида»ги қонунинг қабул қилиниши ва ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши эди. Мана, ушбу тарихий воқеага 31 йил бўлди. Бу ўтган даврда тилимиз ривожини, унинг давлат тили сифатидаги мақомини кўтариш, унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш борасида жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда дунё бўйича ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони 50 миллионга етади. Бу ҳазилакам гап эмас, тилимиз давлат тили мақомига эга бўлган юзта тилдан биридир.

Сўнги йилларда давлатимиз томонидан ўзбек тилига берилаётган эътибор эътирофга сазовор. Биргина 2019 йил 21 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган **“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармон мисолида олсак, унда белгиланган вазифалар ижроси бўйича жуда кўп амалий ишлар қилинди. Хусусан, мамлакатимизда тилимизга ҳурматни юксалтириш, аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш борасида кенг кўламли вазифалар ижроси таъминланмоқда. Жамоат жойларида, бозор, дўконларда, биноларнинг пештоқида, ташқи рекламалардаги битиклар кўздан кечирилиб, улардаги камчиликлар тузатилмоқда. Давлат раҳбари бу йўналишдаги ишлар назоратини ўз қўлига олиб, тегишли тузилмалар тузилгани, мутасаддилар тайинланиб, ваколатлар, вазифалар, чора-тадбирлар белгилангани юртбошимиз ватанпарварлиги ва миллатсеварлигининг амалий ифодасидир. Бу борада юрт раҳбари барчамизга ўрнак. Зеро, ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч манбаи экан, бутун кучни халқ ичидан олгувчи ва қучоқ очиб халқ ичига талпингувчи юртбошимизнинг ўзбек тилининг мақомини ошириш борасидаги фаолиятлари таҳсинга сазовор.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан вилоятимизда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмаларида, раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Мазкур лавозимдаги шахслар ташкилот ва муассасаларда давлат тилига оид қонун ҳужжатлари, дастурлар, “йўл хариталари”нинг ижросини таъминлаш, бу борадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ходимларнинг давлат тилини чуқур ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш сингари вазифалар билан шуғулланмоқдалар. Уларга Олий таълим муассасаларидан бириктирилган мутахассислар кўмак бермоқдалар. Ишончим комилки, бу каби тизимли ишларнинг самараси ўлароқ ўзбек тилимизнинг давлат тили сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланиб, жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Ўзбек тақвимида яна бир муқаддас байрам “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган 21 октябрь юртимизда “**Ўзбек тили байрами кун**и” деб белгилангани шу она заминга содиқ, миллати ва тилини эъзозловчи барча ўзбек халқини жуда севинтирди. Яратган инъом этган буюк неъмат, улуғ аждодларимиздан қолган бебаҳо бу бойликни келажак авлодларга тўлалигича етказиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир!

Умаров Фарход Бақоевич
Бухоро вилоят ҳокими в.в.б

ОНА - ТИЛИМИЗ РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Абдуғаффор Қирғизбоев

профессор, Вазирлар Маҳкамасининг
Давлат тилини ривожлантириш
департаменти мудир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина она тилимизга бўлаётган эътибор ва унинг том маънода давлат тили сифатидаги мавқеини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишларни эслашнинг ўзи кифоя.

Ўтган йили мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан “21 октябрь - Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги илк бор мамлакат миқёсида кенг нишонлангани ва ушбу санага бағишланган тантанали тадбир пойтахтимиздаги энг мухташам бинода давлат раҳбари иштирокида ўтказилгани, унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тилимиз ривож ва тарраққиёти йўлида қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берган маърузаси ва шу куни “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида”ги тарихий фармони эълон қилингани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Мазкур тарихий фармонда она тилимиз ривож ва тарраққиёти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Жумладан, қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш Департаменти ташкил этилди ва у бугунги кунда мазкур ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўналишида:

мазкур йўналишда давлат тилини ривожлантиришга қаратилган **1 та** қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг **8 та** қарори қабул қилинди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни билан **21 октябрь Ўзбек тили байрами куни** этиб белгиланди.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-қарори билан “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Департамент билимли ва юқори малакали ходимлар, ўзбек тилининг чин фидойиси бўлган мутахассислар билан тўлдирилди.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан **300 дан ортиқ** давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг *маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисилавозими жорий этилди.*

Тўртинчидан, 2020 йил 29 январда ҳукуматнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **Атамалар комиссияси** ташкил этилди. Комиссия таркибига давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган илм-фан намояндалари, филолог, иқтисодчи, тарихчи, техник ва бошқа соҳаларнинг **49 нафар** вакили киритилди ва мазкур комиссия жамоатчилик асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бешинчидан, 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар маҳкамасининг қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилиб, унинг **10 нафар** васийлик кенгаши аъзолари, тузилмаси ва Низоми тасдиқланди. Жамғарма таркиби тўлиқ шакллантирилди. Бугунги кунда Жамғарма мазкур низомга мувофиқ фаолият олиб бормоқда.

Олтинчидан, 2020 йил 3 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Университет ҳузурида **Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва**

малака ошириш маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказида жами 13 та филиали ташкил этилди.

Ҳозирги кунга қадар мазкур Марказда давлат бошқаруви органларининг 300 дан ортиқ ходимни давлат тили борасидаги малакаси оширилди. Шунингдек, юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ташкил этилди.

Еттинчидан, ўзбек тилини тарғиб қилиш ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида 2020 йил 11 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тузилмасида қўшимча 5 та штат бирлигидан иборат **Социоллингвистика бўлими** ташкил этилди.

Саккизинчидан, ёшлар, жумладан, талабалар ва ўқувчилар ўртасида улуғ мутафаккирларимиз ва атоқли адибларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, рағбатлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш мақсадида 2020 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Тўққизинчидан, 2020 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Унинг асосий мақсади олий таълим муассасаларида шоир-ёзувчилар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқиш ва тилимиз ривожига хизмат қилишга даъват этиш ҳамда шу асосда уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтиришдан иборадир..

Ўнинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни лойиҳасининг янги таҳрири ҳамда ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан **айрим қонун ҳужжатларига**

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди.

Ўн биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Айни кунларда, Департамент томонидан манфаатдор вазирлик

ва идоралар билан ҳамкорликда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида” ги қарори;

– Вазирларнинг Маҳкамасининг “Умумтаълим фанларидан билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида” ги қарори.

б) ташкилий ва амалий чора-тадбирларни кўриш йўналишида:

Жорий йил 22 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раёсат мажлисида “Давергеодезкадастр қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги аппарати, туман ва шаҳар ҳокимликларида Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” ги масалалар кўриб чиқилди.

Географик объектлар номлари соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган 15 062 та географик объект номи экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 7 745 таси давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ деб топилиб, ҳудудий комиссияларга қайтарилди. Ҳозирги кунда 3 951 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Департамент ташаббуси билан Давергеодезкадастр қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлар базаси билан бирлаштирилиб, географик объектларнинг жойлашган жойи, номи тўғрисида маълумот берувчи, фойдаланувчилар учун қулай, ном бўйича ўз таклиф ва тавсиясини жойлаштириш имконияти мавжуд

бўлган **“geonames.uz”** (<http://geonames.uz/>) ҳаволаси орқали **“Географик объектлар номлари давлат реестри”**нинг ахборот веб-портали ишга туширилди.

Департамент ходимлари томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида **“Давлат тили ҳақида”, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”** ва **“Реклама тўғрисида”**ги қонунлар ижроси ўрганилди.

Ўрганишлар давомида Тошкент шаҳридаги ташқи рекламаларнинг **17 фоизи** давлат тилида, **83 фоизи** аралаш тилларда экани аниқланди. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига зид, реклама қонунчилигига мос бўлмаган икки мингдан ортиқ пешлавҳа олиб ташланишига эришилди.

Бундан ташқари, **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Астрономия, Зоология институтлари, Давлат божхона қўмитаси** ва **Олий аттестация комиссияси** ҳамда **Тошкент шаҳар** ва **туман ҳокимликларида** давлат тилига риоя этиш ҳолати мақсадли ўрганилди. Ўрганиш натижалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилди.

Шу билан бирга, **300 дан ортиқ** давлат органи ва хўжалик бирлашмаларида раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси тайинланишига эришилди. Маслаҳатчилар томонидан амалга оширилган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида **ҳафталик ҳисобот тизими** жорий этилди.

Пандемия шароитида жамоатчиликка тезкор маълумотлар бериб турган **“Коронавирус-инфо”** Телеграм канали техник ва ижодий гуруҳига матндаги хатоликларни электрон аниқлаб, тузатиб берадиган **“Юрида-Орфо”** дастури ўрнатиб берилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Департамент томонидан давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрида ташкил этилган **Адиблар хиёбони**га ташрифи давомида берилган топшириқлар ва ўтказилган мажлис баёни бандларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва назоратга олинди.

в) илмий фаолиятни мувофиқлаштириш йўналишида:

Департамент ташаббуси билан 3 минг нусхада **“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”** (5 жилд) ва 3 минг нусхада **“Давлат тилида иш юритиш”** қўлланмалари нашр қилиниб, тақдимотлари ўтказилди ва

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

мазкур китоблар вазирлик ва идораларга, таълим муассасаларига бепул тарқатиб берилди.

Ҳозирги кунда Департамент томонидан Фанлар академияси тассарруфидаги ўзбек тили ва адабий ва фольклори институти олимлари билан ҳамкорликда “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-кўргазмали луғати”, “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли луғати”, “Терминларнинг таржима луғатлари”, “Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукамал энциклопедияси”, “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек адабиёти хазинасидан”, “Ўзбек халқ шевалари” каби илмий-амалий асарлари устида иш олиб борилмоқда.

г) халқаро ҳамкорлик йўналишида:

Департамент томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги

36 та элчихона ва консулхоналарга ўзбек тили дарсликлари, методик қўлланмалар, илмий ва бадиий китоблар жами **250 номдаги** адабиёт электрон кўринишда тарқатилди.

Шунингдек, **АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Украина** сингари давлатларда ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услубларига бағишланган **10 га яқин** вебинар (онлайн семинар) ўтказилди.

д) тарғибот ва ташвиқот йўналишида:

Департаментнинг бутунжаҳон Интернет тармоғида **til.gov.uz** веб-сайти ишга туширилди ва унга тилшунос-мутахассисларнинг соҳага оид **100 дан ортиқ** материали жойлаштирилди.

“Фейсбук” ижтимоий тармоғида Департаментнинг расмий саҳифаси очилди. Қисқа вақт ичида саҳифага **3500 га яқин** обуначи аъзо бўлди. Бундан ташқари, Департамент ҳамкорлигида “Фейсбук” ижтимоий тармоғида термин ва атамаларнинг электрон манбаини тўплашга қаратилган “Ўзбекчаси бор-ку!” онлайн канали йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу канал **2 мингдан зиёд** фойдаланувчисига эга.

“Телеграм” мобиль мессенжериди ҳам расмий тарғибот канали йўлга қўйилди ва унга ҳозирга қадар **1500 га яқин** фойдаланувчи аъзо бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси муассислигидаги “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетасида департамент ташаббуси билан “Тил –

миллат ғурури” номли янги рукн ташкил этилди ва уда давлат тили билан боғлиқ мақолалар департамент ходимлари, жойлардаги маслаҳатчилар томонидан мунтазам мақолалар чоп этиб бориш тизими йўлга қўйилди.

ОАВда давлат тили бўйича тарғибот қилинаётган материалларни доимий равишда мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди. Натижада ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга қаратилган ислохотлар самарадорлиги бўйича ОАВ ва Интернет тармоғида жами **505 та** материал эълон қилинди. Уларнинг **161 таси (31,8 фоизи)** босма даврий нашрларда, **201 таси (39,8 фоизи)** телерадиоканалларда ва **143 таси (28,3 фоизи)** Интернет тармоғи орқали эълон қилинди.

Умуман, она тилимиз ривож ва тараққиёти йўлидаги ишлар тизимли олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари яқинда мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада сўзлаган маърузасида, жумладан, шундай деди: “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь- Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”.

Ҳа, бугун мазкур санани муносиб нишонлаш буйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Департамент томонидан байрам муносабати билан “Қадринг баланд бўлсин она тилим!” мазусида мамлакат миқёсида, халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида “Ўзбек тили бўйича энг яхши видеодарс”, Олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқитувчилар ўртасида “Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси” буйича кўрик-танловлар эълон қилинди, шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда тилимиз ривожига қаратилган тўртта йўналиш бўйича грант эълон қилинди. Мазкур танловлар ғолиблари тилимиз байрами арафасида аниқланади ва Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Иномжон Азимов,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори, ф.ф.н., доцент

2019 йилни том маънода мамлакатимиз маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясаган йил деб аташ мумкин. Дастлаб давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ҳукумат миқёсида байрамни нишонлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Республиканинг барча вилоятларида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан давлат тадбири ўтказилиб, унда Президентимизнинг шахсан иштироқи ҳамда давлат тилининг нуфузини янада ошириш бўйича билдирган таклифлари, белгилаб берган вазифалари, қолаверса, "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил қилиниши, 21 октябрни мамлакатимизда она тили байрами сифатида нишонлаш бўйича қонун қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартдаги 117-сонли қарори асосида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш малака ошириш марказининг, Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳузурида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг ташкил қилиниши она тилимиз – ўзбек тилига ҳурмат ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг дунёнинг олий

мартабали йиғилишида она тилимизда нутқ сўзлаши барча ҳамюртларимиз қалбида ўзбекона ғурур ҳиссини уйғотди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, она тилимиз ривож ва такомилга, унинг ҳимоясига масъул бўлган Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида департамент томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, давлат тилига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Лекин ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар, муаммолар талайгина. Қуйида таълим тизимида она тили ўқитилиши билан боғлиқ муаммоларга тўхталинади.

Жадид намояндаларидан бири Ҳожи Муин “Ёшларга мурожаат” мақоласида шундай ёзади: “Ҳамиятли қариндошлар! Кўпдан бери газета ва журналларда ўқиб ва билиб келмакдадурсизки, ҳар миллатнинг тараққийси энг аввал мунтазам мактаблардан бошланур. Зотан инсоннинг саодати мактаб тарбиятидан вужудга келмасми? Тил ва миллий адабиёт, дин ва халқ таълимнинг ўрни мактаб бўлганидек, ҳаёт ва саодати башарнинг эшиги ёлғуз мактабдур”.

Ҳа, миллат тараққиёти, ривож ва мактабдан бошланади. Фарзандларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бунинг учун эса тил ва миллий адабиётимизин чуқур ўргатиш мактаб остонасидан бошланади. Бунга алоқадор бўлган мутасаддилар бу ҳақиқатни тушунмасалар ёки тушунганини истамасалар, билингки, бу энг катта фожиа.

Авваллари диктант, иншо, баён каби назорат ишларига жиддий эътибор қаратиларди. Диктант ёзилиб, баҳолангандан кейин хатолар устида ишлаш бўйича алоҳида машғулот бўларди. Хато қилинган сўзларни қайта-қайта ёзардик. “Ўқитувчилар газетаси”да иншо мавзулари эълон қилинарди, ҳар бир мавзу учун кечалари ўтириб иншо ёзардик. Ҳозирчи! Ўқувчилар тугул, кўп ўқитувчиларнинг ўзи иншо ёзишни, унга режа тузишни билмайди, диктант ўтказиш методикасини тушунмайди!

Энг ачинарлиси, мактабдаги таълим жараёнига, фарзандларнинг илм олишига ота-оналар ҳам бефарқ бўлиб қолгандек. Мактаб нимани ўқитарди, репетиторга бераман, деган нотўғри тушунча шаклланди. Юқори синф ўқувчиларини имкон қадар ўқишга

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

юбормасдан, ўқув марказларига жўнатишга ҳаракат бошланди. Ўқув марказлари ҳам болани асосан тест жараёнига тайёрлади, маълумотларни қуруқ ёдлатишга ружу қўйилди, ёзма ва оғзаки саводхонликка эътибор берилмади. Абитуриент тестни беҳато ечиб, бир амаллаб талабага айланса бўлди, кейинчалик унинг саводини ким текшириб ўтирарди, деган тушунча шаклланди.

Ўша, биз қоралайдиган эски даврда ўқув марказлари, репетиторлар йўқ эди. Лекин ўқувчилар бинойидек саводхон эди, мактабда олган билими билан олийгоҳларга ҳам кирарди. Шу ўринда савол туғилади: ўша даврда таълим тизими яхши йўлга қўйилган, ўқитувчилар фидойи эдими ёки ўқувчилар бошқача эдими? Бу, албатта, жиддий таҳлил қилинадиган ва бош қотирадиган мавзу.

Бизнингча, инсон капиталини ривожлантиришнинг бош омили – таълим-тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйилиши. Қайси мактабда ўқувчилар қўшимча дарс олиш учун бошқа мактабга ёки ўқув марказига кетаётган экан, билингки, ўша мактабда ўқитувчилар жамоаси ўз устида ишламайди, салоҳияти ва малакаси терли даражада эмас, мактаб раҳбарияти ўқув жараёнини тўғри йўлга қўя олмаган.

Қолаверса, фарзандининг ўқишини, берилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ота-оналар зиммасида масъулият. Уни бажармаслик ёки эътиборсизлик қилиш нафақат фарзандининг, балки жамият келажагига ҳам болта уришдир. Мактабларда хўжақўрсинга тузилган ота-оналар кенгашлари эса таълим-тарбия жараёнини, ўқитувчининг касбий маҳоратини кузатиб бориш ўрнига мактаб таъмирига пул ва турли байрамларга совға-салом йиғиш билан овора. Яъни жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларида мактабларда унумли фойдаланилмаяпти.

Яна бир жиҳатга эътибор берилиши хоҳлардим. Бу ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш, ўз устида ишлашига имконият яратиш. Бу бўшлиқни аслида малака ошириш тизими тўлдириш керак. Табиий савол туғилади, ўқитувчи малака оширишдан ўзи учун фойдали нима оляпти? Ҳозирги кузатишларимиздан айтарли ҳеч нарса деган савол келиб чиқади. Малака ошириш жараёни ўқитувчи учун худди бир жазо майдонига ўхшайди. Биринчи кундан тестдан қандай ўтаман, малака ҳимояси

қандай бўлади, деган саволлар билан машғул бўлиб, ўзини у ёққа, бу ёққа уриб малака оширишни яқунлайди. Хўп, малака ошириш сизнинг касбий маҳоратингизнинг ошишига қанчалик фойдали бўлди, деган саволни беринг. Худога шукур, ўтиб олдим, деган қисқагина жавобни оласиз. Шунинг учун ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳар ойда келадиган тингловчиларга ўзгармас мавзуларни тўтиқушдек такрорлаб ўтирадиган мутахассислар ўрнига республикадаги тажрибали, салоҳиятли педагогларни жалб қилган ҳолда, илм-фанда ва методикада бўлаётган янгиликлар билан таништириш, иншо, диктант, баён ўтказиш бўйича ўқув машғулоти ташкил қилиш керак. Қолаверса, малака ошириш жараёни ўқитувчи учун тест ёдлаш, тайёр малака ишларини кўчиришдан эмас, фаннинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор қиладиган, тажрибали устозлар иш услубини ўрганадиган, муҳими, ўз устида ишлашга рағбатлантирадиган фаолиятга айланиши керак. Шу билан бирга, ҳурматли ўқитувчиларимиздан ҳам ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, дунёқарашини тубдан ўзгартиришларини сўраб қолган бўлардик. Ташқаридан ҳар қанча таъсир кўрсатилмасин, ички ўзгариш бўлмаса, натижага эришиш мушкул. Айтмоқчимизки, касбий маҳоратини ошириб бориш, таълимда бўлаётган ўзгаришларни кузатиб, унга мослашиш, ўз устида тинимсиз ишлаши ўқитувчининг ўзигагина боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат тилини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўрта умумий таълимда, ўрта махсус ёхуд олий таълимда ҳам. Олий таълимнинг барча йўналишларида ўзбек тили ва адабиёти, давлат тилида иш юритиш, ўзбек тили (ўзга тили гуруҳлар учун), ҳатто араб ёзувига асосланган эски ўзбек ёзуви фанлар ўқитилган. Кейинчалик ўзбек тили ва адабиёти, давлат тилида иш юритиш, эски ўзбек ёзуви каби фанлар ортиқча фанга айланиб, ўқув режадан чиқариб ташланди. Ўзбек тили бўйича ўзга тили талабалар учун Давлат аттестацияси белгиланган эди, кейинчалик Давлат аттестацияси ҳам бекор қилинди. Бу ишларни ташқаридан келиб кимдир қилгани йўқ, ўзимиз қилдик, давлат тилига “ҳурмат” сифатида. Она тилимизга муносабат ўзимизда шундай бўлгач, ватанимизда яшовчи бошқа миллатлардан нимани

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

кутишимиз мумкин? Шунинг учун ҳам уларга Ўзбекистонда яшагач, давлат тилини билишинг керак, десанг “Зачем?” деган савол қўйишади. Улардан хафа бўлмаслигимиз керак, ҳамма айб ўзимизда, чунки давлат тилига кераксиз нарса сифатида қараймиз. Яна қўшни Қирғизистондан мисол келтирамиз. Уларда барча таълим йўналишларида мажбурий фан сифатида “Қирғиз тили ва адабиёти” ҳамда “Манасшунослик” фанлари ўқитилар экан. Хоҳ давлат фуқаролари бўлсин, хоҳ хорижий талабалар бўлсин, бу фанларни ўзлаштиришга мажбур. Қозоғистонда ҳам худди шундай экан, “Қозоқ тили ва адабиёти”, “Абайшунослик” мажбурий фан сифатида белгиланган. Ёки Грузиянинг “Давлат тили тўғрисида”ги қонунига кўра ўрта махсус, олий таълим муассасаларига кириш ва битириш имтиҳонларида грузин тили бўйича имтиҳон мажбурий қилиб қўйилган.

Тилимизга нисбатан бепарволик натижасида жамиятдаги саводхонлик даражасига ҳам ўз таъсирни ўтказяпти. Олий ўқув юртига келаётган аксарият ёшлар ҳатто оддийгина ариза ёзишнинг эплай олмаётгани ачинарли ҳолат. Айниқса, педагоглар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида давлат тилининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки биз тайёрлаётган мутахассислар таълимнинг қўйи бўғинида фарзандларимизнинг саводхонлигига бевосита масъул ҳисобланишади. Лекин ҳозирги умумий аҳволимиз ҳеч кимни қониқтирмаса керак.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги Сирдарё вилояти ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини мутахассислиги бўйича синовдан ўтказгани, аксарият педагоглар қониқарсиз баҳо олганини ўқиб қолдим. Тўғри, бунинг объектив, субъектив сабаблари бор. Ўқитувчини ортиқча ҳужжатларга кўмиб қўйган эдик. Лекин Халқ таълими вазирлиги бундай ҳужжатлар босимини бекор қилди, ўқитувчиларга ўз устида ишлашларига шароит яратилмоқда. Энди ҳамманинг ўзига боғлиқ, касбий маҳоратини ошириб бориш масаласини жиддий ўйлаш керак. Эҳтимол, ҳозир педагоглар етишмаслиги сабабли, билимсизлар ҳам амаллаб ишлаб юриши мумкин. Лекин йилдан йилга қабул квоталари ошиб борапти, янги олий таълим муассасалари очиляпти. Яқин беш йил ичида

мутахассислар рақобати юзага келиши аниқ. Бу муаммо нафақат ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига, балки барча фан ўқитувчиларига тегишлидир.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Кейинги ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари босқичма-босқич модуль тизимига ўказиляпти. Мана шу жараёнда юқоридаги фанлар қўшни давлатларимиздаги каби талаба ўзлаштириши шарт бўлган мажбурий фанлар рўйхатида туриши керак.

Тилимизга давлатимиз раҳбари томонидан шундай эътибор қаратилаётган экан, ҳар биримиз она тилимизга ҳурмат, эътиборни ўзимиздан бошлашимиз керак. Она тилимиз бизга онамиз алласи билан руҳимизга кириб, миллий ғуруримизни юксалтираётган бебаҳо неъматдир. Бу неъматни авайлаб-асраш, уни ривожлантириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз саналади.

ТИЛГА ҲУРМАТ – МИЛЛАТГА МУҲАББАТ

Мирали Хамроев,

вилоят ҳокими ўринбосари

Тил – ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгиси, миллатнинг руҳидир. Мана, халқимиз ўзлигининг асоси, улуғ миллий қадриятимиз бўлган ўзбек тилимизнинг жаҳон минбарида баралла янграшига дебоча бўлган қутлуғ кунни нишонлаш арафасида турибмиз. Ушбу тарихий кунга ҳам 31 йил тўлди! Бир инсоннинг туғилиб, ўсиб, камолотга эришиши учун етгулик бу муддатда ўзбек тилимиз ҳам ижобий маънода улғайди, камолга етди. Миллатимиз ва халқимизни севиб, унинг орзулари рўёбига бел боғлаган ҳукуратимиз томонидан бугунги кунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва эътиборини ошириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари ташкил этилди. Тилимиз софлиги ва ривожига эътибор бериш, унинг мавқебини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йил 21 октябрь куни Давлатимиз раҳбари томонидан

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзоланди. Айтиш ўринлики, бу фармоннинг имзоланиши тилимизга, у орқали халқимизга бўлган улкан хурмат ва муҳаббатнинг амалий ифодасидир. Фармонда белгиланган кўплаб вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, ушбу департамент тилимизнинг келгуси тараққиётига оид бир қатор ишларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 73-сонли қарорига биноан, ўзбек тилини ривожлантириш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, тилимизни ривожлантириш лойиҳаларига грантлар ажратиш, китоб ва қўлланмалар чоп этиш, медиа-масулотлар, компьютер дастурлари, мобил иловалар тайёрлаш, бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш сингари эзгу фаолиятга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси” ташкил этилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази”нинг ташкил этилганлиги аҳолининг ёзма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, ўзбек адабий тили меъёрлари, ўзбек тилининг тузилиши бўйича амалий билимлари, кўникма ва маҳоратини тизимли асосда ошириб бориш бўйича таъсирчан чоралар кўришда муҳим аҳамият касб этади.

Қалбимизда фахр билан айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ўзбек тили жаҳон ҳамжамиятида ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимиз кенг қўлланилиб, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси, 72-сессиясида ўзбек тилида нутқ

сўзлаши ўзини ўзбекман деган ҳар бир шахснинг қалбини ифтихорга тўлдирди.

“Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланиши ҳам қувончли ҳодисадир. Зеро, азал-азалдан тилга эътибор – элга эътибор деб бежизга айтишмаган. Бу ўз тақдирини шу халқ тақдирига бобаста деб билган ҳар бир ўзбек учун катта шодиёна. Ушбу қутлуғ кун барчангизга муборак бўлсин!

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ УМРИБОҚИЙЛИГИ ВА СОҒЛИГИ УНГА САДОҚАТИМИЗГА БОҒЛИҚДИР

Феруза Ибрагимова,

Бухоро вилояти ҳокимининг маслаҳатчиси

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, энг аввало, ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги беқиёс аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий ҳужжат ўзбек тилини давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида қўллашнинг қонуний асосларини яратиши баробарида, уни асраб-авайлаш, янада бойитиш, илмий-ижодий фаолиятда тўлақонли фойдаланиш имконини берди.

Мазкур ҳужжат давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли муносабатларда давлат тили ҳамда бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солувчи нормаларни қамраб олган.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари давлат тилида қабул қилиниб, шу тилда ва бошқа тилларда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда яшовчи турли миллат ҳамда элатларнинг нафақат ўз тилларидан эркин фойдаланиши, балки юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

асосларидан ўз вақтида бохабар бўлиши, қонун нормаларини тўғри талқин этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, унда давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш, ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда эълон этиш давлат тилида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилгани ҳолда, ушбу ҳужжатлар бошқа тилларда таржима қилиниши ва эълон этилиши, маҳаллий ҳокимият ҳужжатлари муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда мазкур миллат тилида қабул қилиниши ҳамда эълон этилиши ифодаланган. Бу уларга ўз тилларидан фойдаланишида кенг имконият туғдиради, ўз фикрини тўлиқ ва тушунарли тилда баён қилишга шароит яратади.

Бундан ташқари, судлов ишларини юритиш, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларни тўлдиришда ҳам бошқа тилларда таржимаси такрорланишини ёки ўз тилида сўзлашни, таржимонлар жалб этишни белгиловчи нормалар билан тўлдирилгани инсоннинг шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу унинг туйғулари дахлсизлигига шароитлар туғдиради.

Ахборот олиш кафолатлари ҳамда эркинликларини таъминлаш мақсадида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ноширлик, реклама фаолиятида ҳам давлат тили билан бир қаторда, бошқа тилларга етарлича шароит яратилишига эътибор қаратилган. Бугунги кунда ўн икки тилда телекўрсатув, ўн уч тилда радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани қонун нормаларининг амалдаги ифодасидан далолатдир.

Шу ўринда она тилимиз нуфузини мустаҳкамлаш, софлигини сақлашда вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилаётганини қайд этиш жоиз. Хусусан, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг жойлардаги ижросига жиддий эътибор қаратилаётгани, бу борада учраётган айрим муаммолар ечимини топаётгани халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги бўлган она тилимизнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, бу борада шаҳар ва туманларда, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида, жамоатчилик жойларида очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, экспертлар, соҳа мутахассислари иштирокида мутасаддилар билан мазкур Қонун талаблари ҳаётийлигини

таъминлашга қаратилган муҳокамалар ўтказиб келинаётгани диққатга сазовор.

Мамлакатимиз Президенти 2019 йил 21 октябрь куни “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги яна бир тарихий Фармонга имзо чекдилар. Мазкур Фармон билан 21 октябрь-ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани муносабати билан “Ўзбек тили байрами куни” этиб белгиланди. Айтиш мумкин, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир аҳил оиладек яшаб келаётган бўлсалар, уларнинг ўз она тилларини эркин қўллаш ва ривожлантириш борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, қувонч билан таъкидлаш керакки, улар ҳам ўзбек тилини она тиллари каби ардоқлаб, ўрганиб, турмушда эмин-эркин қўллаб келмоқдалар. Зотан, ҳаёти, тақдири Ўзбекистон билан чамбарчас боғланган, шу тупроқда туғилиб ўсган минг-минглаб турли миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутган эканлар, нега шу юрт давлат тилини ўрганмасликлари керак? Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқи бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солди. Тарихда биринчи марта дунёнинг энг нуфузли, энг олий минбарида соф ўзбекча сўз жаранглади. Мустақил Ўзбекистон раҳбарининг: “Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади”, деган сўзлари инсониятни огоҳликка чорлади.

Маълумки, халқлар ўртасидаги мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик тил орқали амалга оширилади. Бинобарин, “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини қўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.

Юртимизда синовли ва оғир кунлар, пандемия даври кечаётган бир пайтда давлат тили масаласининг ҳам кўтарилгани ўзини шу юрт фуқароси деб билган барчани Ватанпарварликка, тилга, миллатга садоқат билан хизмат қилишга, шарафли ишга чорлайди. Бу борада касб-кори, мансаб-мавқеи, жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, барча бирдек масъулиятни зиммасига олиши, авлодларга соф, теран

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ва ранг-баранг сўз бойлигига эга тил қолишини таъминлашлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу кеча-кундузда қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ижросига эътибор сустиги, кўча-кўйда тилни бузиб қўлашлар, ташқи реклама баннерлари, савдо дўконлари пешлавҳаларида оддий имловий хатоликларга тўла ёзувлар битилаётгани, бу ҳолатлар албатта, эндигина саводхонлигини ошираётган баркамол авлод эртаси учун маънавий таҳдид эканлиги бот-бот таъкидланмоқда. Ҳатто Қонун қабул қилингани сезилмайди ҳам, деган ҳақли эътирозлар қулоққа чалинади ҳам.

Ҳар қайси халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти унинг тилида ўз ифодасини топади. Ўзини она юртининг келажагига масъулман дея ҳисоблайдиган ҳар бир йигит-қиз она тилимизни соф ҳолида асраши, унинг бетакроп имкониятларидан оқилона фойдаланиши ва уни бузмасдан талаффуз этиши, амалдаги Қонун меъёрлари бажарилишини таъминлашда фаоллигини намоён этиши лозим. Буларнинг барчаси давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ҳаётимизда самарали татбиқ қилинишига қаратилгани билан эътиборлидир. Зеро, она тили – миллатнинг тарихий, маънавий-маданий қиёфасини ўзида ифодаловчи беқиёс хазина.

DAVLAT TILIGA EHTIROM

Otabek Qahhorov,
Bux.DU prorektori

Yurtimizda olib borilayotgan islohotlar, albatta, shu zaminda yashayotgan har bir inson taqdiriga bevosita daxldor desam, yanglishmagan bo'laman. Buni birgina ona tilimizga bo'lgan yuksak ehtirom, qolaversa, mana shu tilimizga bo'lgan e'tiborning hukumatimiz kun tartibiga qo'yilgan bosh masalalaridan biri ekanligida ham ko'rishimiz mumkin. Bundan o'ttiz bir yil muqaddam o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi bilan ona tilimizga haqiqiy tamal toshi qo'yildi. Mamlakatimiz rahbarining "O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019-yil 21-oktabrdagi PF-5850-son Farmoni ham mana shu tarixiy islohotning uzviy davomi bo'ldi. Farmon ijrosini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 20-

yanvardagi qaroriga muvofiq barcha viloyat hokimlari davlat tili to'g'risidagi qonun hujjatlariga so'zsiz rioya qilinishi, ish yuritishning davlat tilida tashkil etilishiga shaxsan javobgar ekanliklari belgilab qo'yildi. Chunonchi, hokimliklarda davlat tili to'g'risidagi qonun hujjatlariga so'zsiz rioya etilishini ta'minlash masalalari bo'yicha hokim maslahatchisi lavozimining joriy etilishi ham ona tilimizga hukumat darajasida berilayotgan e'tiborning yuksak ko'rinishidir.

Yaqinda Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi Buxoro hududiy bo'linmasining ochilish marosimida ishtirok etdik. Tilshunoslikda o'zining mislsiz hissasini qo'shib kelayotgan fidoyi olimalarimizning yaratgan darsliklari, monografiyalari, o'quv qo'llanmalarini ko'rib quvondik. Qolaversa, xalqimizning savodli bo'lishiga hissa qo'shuvchi bunday markazning tashkil etilishi ham kishida mamnunlik hissini uyg'otdi.

Bugun shahrimizning go'zal ko'chalarini keza turib, binolar peshtoqiga yozib qo'yilgan "Dolce Vita", "Versal", "Eldorado", "Bagira", "Другой", "Estel", "Katy & Artem", "Diadema", "Голубые купола", "Big burger", "King burger", "BigMac", "Lavita" kabi turli tillardagi nomlarga ko'zimiz tushadi. Tilimiz shu qadar qashshoq ekanmi, boshqa tillardagi so'zlarni olib jimjimador harflar bilan binolar peshtoqini bezashyapti, deya beixtiyor o'yg'a toladi kishi. Shu o'rinda muhtaram Prezidentimizning "Bizning yoshlar, albatta, boshqa tilni bilish uchun sa'y-harakat qilsinlar, lekin avval o'z ona tilini ko'zlariga to'tiyo qilib, ehtirom qilib ko'rsatsinlar. Zero, o'z tiliga sadoqat – bu vataniy ishdir", – degan so'zlarini keltirishni o'rinli deb bilaman. "Vataniy ishimizni" amalga oshirish har birimizning yurt oldidagi burchimiz hisoblanadi. O'ylaymanki, tez orada yuqoridagi kabi holatlar bartaraf etiladi. Hukumatimiz tomonidan ona tilimizga shu qadar ehtirom ko'rsatilib turgan bir paytda bizning ham ona tilimizga befarq emasligimizni isbotlash payti keldi, deb o'ylayman.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA

MILLIY YUKSALISH MEZONI

TIL – INSON KAMOLOTINING KO‘ZGUSI.

Dilshod Rajabov,

Filologiya fakulteti dekani

O‘z vataningga bo‘lgan chinakam muhabbatingni o‘z tilingga bo‘lgan muhabbatingsiz tasavvur etish mumkin emas.

(K.G.Paustovskiy)

Har bir inson qalbida Vatan muhabbati pinhona yashaydi. Mana shu mehr-muhabbatni nutqida ifodalash uchun esa unga o‘z milliyligini aks ettira olgan ona tiliga ehtiyoj seziladi. O‘zbek xalqi rasman 31 yildan beri mana shu baxtni tuyib yashamoda. O‘zbek tiliga Davlat tili maqomining berilishi, “Davlat tili haqida”gi qonunning qabul qilinishi, 21-oktabrni “Til bayrami” sifatida nishonlashni belgilanishi, “O‘zbek tilining Davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoninig qabul qilinishi, Davlat tili markazlarining tashkil etilishi yurtimizda tilga , davlat tiliga bo‘lgan e‘tiborning yuksak darajada ekanligini e‘tirof etmay ilojimiz yo‘q. Buni qaranki, tilimizning sofliqi, uning rivoji, jamiyat hayotidagi o‘rni va jahondagi nufuzini oshirish uchun yurtimizda sezilarli ishlar amalda yo‘lga qo‘yilgan.

Til – bu inson kamolotining ko‘zgusi, til millat ruhi, shu tariqa tilga bir qancha tashbehlarni keltirishimiz mumkin. Til benihoya muqaddas va mo‘tabar ne‘mat, u inson degan mavjudotni shakllantirgan, taraqqiyot bosqichlariga olib chiqqan, ruhiy komillikka boshlagan, ijtimoiy munosabatlarga yo‘l ko‘rsatgan, tafakkur qulflarini yechgan, ilm yo‘lida mayoq, zulmatlarda chiroq bo‘lgan sehrli bir jilodir. Shuning uchun ham tilga hurmatsizlik, insoniyatning o‘ziga bo‘lgan behurmatligidir. Bejiz emaski, xalqimiz tilga, xususan, o‘zining ona tiliga muntazam muhabbat bilan e‘tiborda bo‘lgan, uni e‘zozlab ardoqlagan, o‘zbek tilining mukammalligi va betaktorligidan faxr-u iftixor qilgan.

Bugun o‘zbek tili dunyo tillar qatori jahonda o‘z o‘rni, obro‘ va maqomiga ega. Shu bilan birga bugun ona tilimiz imkoniyatlarini qay darajada namoyon eta olyapmiz, degan haqli savol ham borki, u har birimizni o‘ylantirishi, mushohadaga tortishi, shu jumla qalbimizda isyon qilib turishi darkor. Biz kelajak avlodni tilimiz boyliklari bilan ta‘minlashimiz, til xazinamizning nodir me‘rosini saqlab turgan

asarlarmizni ularga kengroq o'rgatishni insoniylik va pedagoglik burchimiz deb bilishimiz lozim.

O'zbek tili boyligini yaxlit holda tasavvur etish uchun eski o'zbek adabiy tilining asoschisi, Maqsud Shayxzoda ta'biri bilan aytganda, so'z mulkining sultoni Mir Alisher Navoiy asarlari dunyosiga bir nazar tashlashning o'zi kifoya. Bu olamda butkul koinot aks etadi, bu bepoyon tafakkur va tuyg'ular olami adabiyot va ilm ummoniga boshlab boradi. Alisher Navoiy ijodiga nazar tashlasak, ona tili ravnaqi uchun ulkan ishlarni amalga oshirganini guvohi bo'lamiz. Alisher Navoiy o'zbek tilini xazina deb baholaydi. Bu xazinani esa "ilon" va "tikanlar" o'rab turganini ta'kidlaydi. Navoiy "Muhokamat-ul lug'atayn" kabi lingvistik ahamiyatdagi asari bilan bemisl xazina – tilimiz qadr-qimmatini oshirdi, sharq mumtoz adabiyotining hamma janr va turlarida betakror asarlar yaratdi. Bu tilda birinchi "Xamsa"ni, birinchi "Majolis un-nafoisni" yozdi. Mavjud adabiy an'analarga yangiliklar kiritdi. Xalq madaniyati, ma'rifati va ma'naviyatining yuksalishida tilning muhim vosita ekanligini, til bashariyat naslini o'tmish va zamon bilan bog'lovchi timsol ekani shoir va arbob Navoiyning hamisha diqqat markazida bo'ldi.

Mumtoz adabiyotimiz vakillarining xalq dostonlari – "Alpomish", "Kuntug'mish", "Rustamxon", "Go'ro'gli" turkumdagi asarlarining ta'rifga sig'mas boy tili, shuningdek Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Fitrat, Oybek, G'afur G'ulom, ularning izdoshlari Hamid Olimjon, Zulfiya, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Muhammad Yusuf, Shavkat Rahmon va boshqa ijodkorlar yaratgan go'zalliklar ham, "Boburnoma"day asardagi tafakkur saltanati ham o'zbek tili buyukligini, yuksakligini namyon etadigan bebaho, o'lmas adabiy boylikdir. Nutqning go'zalligi, tilning burroliqi, ifodaning aniqligi inson uchun o'ziga xos husndir, bu husn esa oxir-oqibatda jamiyatning millatning yuzinini ko'rsatadi.

Yozuvchi Ulug'bek Hamdam ham: "Til – millatning ma'naviy pasporti", – deya ta'rif bergan edi. Haqiqatan ham, tilda millat ruhi yashaydi, millat hayotida yuz berayotgan o'zgarishlar tilda xuddi ko'zgudek aks etib turadi.

I.G'ofurov shunday degan edi: "Til millatning birinchi haqqidir. Shu haq o'ksitilgan bo'lsa, demak, millat o'zini o'zi o'ksitib kelgandir". Shuning uchun ham milliy til har qanday davlatning ramzlaridan biri hisoblanib, tilning takomili, rivoji davlat himoyasida bo'ladi. Har bir davlat o'z rasmiy

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tilining sofligi va boyib borishini ta'minlaydi va uning iste'mol doirasi kengayib borishi uchun turli davlat dasturlarini ishlab chiqadi, o'rganish uchun esa qulay shart- sharoitlar yaratib beradi. Biz ham ona tilimiz mavqeyining oshishi, milliy yuksalishi, ravnaq topishi va yana-da takomillashuvi uchun o'z hissamizni qo'shishimiz lozim.

Bugun yurtimizda "Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari" degan ustuvor g'oya ilgari surilmoqda. Barcha sohalar bilan birga davlat tilining jamiyatdagi o'rni va nufuzini oshirish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzini oshirish, davlat tilini milliy qadriyat sifatida targ'ib qilish, unga nisbattan milliy g'urur hissini tarbiyalash, tilimizning xalqaro mavqeyini mustahkamlash, yana muhimi, davlat tiliga oid muammolarni hal etishda ijodiy yondashuvni rivojlantirishda bizning fakultetda ham bir qancha ishlar amalda yo'lga qo'yildi.

Xususan, joriy yilda 10.00.01 – O'zbek tili, 10.00.02 – O'zbek adabiyoti ixtisosligida filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini beruvchi Ilmiy kengashning ochilishi, professor-o'qituvchilarimiz tomonidan darslik, monografiya, o'quv qo'llanmalarining nashr etilishi, davlat tilini o'qitish markazi filialining ochilishi, talabalarimizning fan olimpiadalarida yuqori o'rinlarni qo'lga kiritishi fikrimiz dalilidir.

ДАВЛАТ ТИЛИ – ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Назарова Саида,
БухДУ доценти, ф.ф. номзоди

Тил миллат ва жамият мавжудлигининг далили, борлиги ва ҳаётининг мислсиз кўзгуси, тараққиётининг ўлчовидир. Ҳар қандай миллатнинг ижтимоий шаклланишини белгиловчи бош мезон ҳам унинг тилидир. Инсоният тамаддун чўққиларига етган XXI асрда миллий тил даражаси, давлат тили рутбаси насиб этмаган минглаб элатлар ва оилавий, маиший эҳтиёжларгина сақлаб турган тилларнинг борлиги – уларнинг тақдирига ачинишдан кўра оғирроқ дард – миллий руҳ ва ўзлик, эрк ва ҳақ-ҳуқуқ, анъанаю одатларни йўқотиш ёхуд бу қадриятларни асраб қолиш ва ҳимоялаш учун

бериладиган қурбонликлар ларзага солади. Зотан, “тилнинг ўлими – миллатнинг ўлими” (тожик шоираси Гудрухсор Сафиева: “Марги забон – марги миллат аст”, деганидек) асл Ғожиа ҳисобланса, тилнинг мавжудлиги ва давлат тили рутбасига эгаллиги миллатнинг барҳаётлиги ва ижтимоий тараққиёт белгиси, демак, бахтидир.

Ўзбек тили 33 миллионлик мустақил давлат Ғуқароларининг маиший ҳаётда оилавий турмуш эҳтиёжларини қондиришгагина эмас, ижтимоий муносабатларида сиёсат, иқтисодиёт, маънавият, маданият, илм-фан, таълим ва тарбия, оммавий ахборот билан боғлиқ ҳар бир соҳада иш юритишларига хизмат қилувчи давлат тили мақомига эга. Бу мақом унинг миллий тил сифатидаги тараққиёт даражаси ва жаҳондаги нуфузини белгилайди.

Ўзбек миллатининг ўзлиги, тафаккури, руҳияти, маданияти, ўтмиши инъикоси, энг асосийси, миллат истиқболи ва мустақиллиги кафолати – она тилимиз давлат тили мақомига эришган кун тарихий воқеадир. Зеро, мустақил Ўзбекистон суверен давлатлар қаторидан жой олишидан бир мунча илгари – 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ўзбек тилининг миллий тил сифатидаги кадр-қиммати, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ҳамда турли миллату элатлар орасидаги ўрни, обрў-эътибори, ижтимоий мавқеини белгилаш баробарида миллий тилимиз қонуний ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 октябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш” тўғрисидаги Қарор бу тарихий воқеа ўзбек жамияти ҳаётида миллий байрамга айланганлигининг исботидир. Қарорда миллий тилимиз “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадрият” сифатида баҳоланиши ҳам бежиз эмас.

Айни замонда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган куннинг 31 йиллигини ва Ўзбекистон Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармонида кўзда тутилган “Ўзбек тили байрами куни”ни кенг нишонлаш арафасидамиз.

Ўзбек тилига унинг ижтимоий мавқеи, нуфузи, қадр-қимматини белгиловчи улуғ рутба – давлат тили мақоми берилган санадан ҳозирга қадар босиб ўтилган 31 йил миллатнинг “ойинаи ҳаёти”да лисоний тафаккур тарзи, маданий савия, нутқ одоби қай даражада ривожланиб борганлиги, жамият аъзолари мулоқоти ва иш юритишида давлат тили сифатида қандай амал қилганлиги ҳақида далилларга бой ва баҳолаш учун ҳам етарли муддатдир.

Ўттиз бир йиллик тараққиёт ўзбек тили давлат тили сифатида обрў-эътибор қозонганлигига етарлича гувоҳлик беришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо унинг давлат тили сифатида қўлланилиши, она тили сифатида ўрганилиши ва ўқитилиши билан боғлиқ айрим муаммолар борки, уларни бартараф этиш миллат ва давлат равнақи учун беҳад зарур.

Биринчидан, ўзбек тилининг давлат ташкилотлари ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, ҳатто давлат ва жамият бошқарув органлари иш фаолиятида, айниқса, иш қоғозларининг юритилиш жараёнида давлат тили сифатида тўла амал қилмаётганлигини алоҳида қайд этиш керак: юридик кучга эга расмий ҳужжатлар, иш қоғозлари, хусусан, низом, далолатнома, ҳисобот ва ҳатто қарорлар ҳамон рус тилида расмийлаштирилаётганлиги давлат тили барча соҳаларда бирдай қўлланмаётганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидения фаолиятида ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилинмаётганлиги, телекўрсатувлар, соҳа ходимлари нутқида оғзаки нутқ меъёрлари, нутқий маданиятнинг асосий талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги (аксарият Тошкент шеvasига хос фонетик, морфологик хусусиятларнинг етакчилиги, умуман, бу шевада сўзлаш ва мулоқот қилиш урфга айланганлиги)ни таъкидлаш лозим. Жамият аъзоларининг ўзаро алоқаси ва мулоқотида давлат тилининг асоси – миллий тилнинг сайқал топган шаклидан тўғри, ўринли ва моҳирона фойдаланиш, айниқса, оғзаки нутқ орқали таъсир доираси кенг ва кучли, оқибати ибрат намунаси бўлган журналистика, телевидения, театр, киноматография, таълим, тарбия, фан, тиббиёт, давлат

бошқаруви, дипломатия (в.б.) каби соҳаларнинг мутахассис ва ходимлари (журналист, суҳандон, актёр, режиссёр, ўқитувчи, мураббий, тадқиқотчи, олим, шифокор, сенатор, депутат, дипломат в.б.) нутқий фаолиятида ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқ сўзлаш маҳоратини шакллантириш, қолаверса, нотиқлик санъати даражасига етказиш маданий нутқ, миллий маданий савиянинг юксалишига хизмат қилади.

Учинчидан, таълим тизимида миллий тилимизнинг ўқитилиши ва она тили ёки давлат тили сифатида ўрганилиши билан алоқадор қатор муаммолар унинг сифати ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда:

1) она тилида саводли ёзиш ва фикрни мантиқан тўғри баён этиш кўникмаларини шакллантирувчи дарслик ва ўқув қўлланмалари замон талабларига мос эмас: уларда ҳануз тилимизнинг илмий-грамматик талқини ҳукмрон; гарчи бунинг оқибатлари тўғрисида танқидий мақолалар, кўплаб баҳсу мунозаралар, моҳиятан жиддий таклифлар оммавий ахборот воситалари ва даврий нашрларда кучайиб бораётган бўлса-да, ҳаракатлар натижаси талабни қондирмайди;

2) ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш мақсади белгиланган таълим бўғинларида она тилимиз лисоний имкониятлари бойлиги, ранг-баранглиги ва гўзаллигини яққол намоён этувчи ўқув, изоҳли ва хорижий тиллар билан қиёслашга имкон берувчи таржима луғатлари етарли эмас; мавжуд луғатлар ахборот алмашинуви жадаллашган, глобал ривожланиш асрида жамиятда шиддат билан кечаётган ўзгаришу янгиланишлар ва, табиийки, унинг лисоний тафаккурдаги аксини қамраб ололмайди; ҳолбуки, 2016 йил 13 майдаги Президент фармонида: «...биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб тургани» қайд этилган;

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

3) ҳукуматнинг давлат тилига доир деярли барча ҳужжатларида она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, давлат тили нуфузини оширишга урғу берилган, бу вазифаларни амалга ошириш учун “Давлат тилида иш юритиш” (ёки “Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш” деб номланувчи) ўқув фани лицей ва коллеж талабалари ўқув режасига киритилган; йилдан-йилга соатлар тақсимооти ўзгариб турган бу ўқув курси олий таълимда ҳам ўқитилади; бироқ ўқув режасига мувофиқ тузилган фан дастурида маъруза соатлари амалий ва семинар машғулотлар умумий миқдorigа яқин, яъни курс амалий билим-қўникмаларни ривожлантиришга қаратилиши ва натижадорлиги ҳисобга олинмаган; ўқув курси назарий пойдеворини шакллантирувчи ўқув адабиётлари етишмайди; муаммоларни ечиш асносида яна бир муҳим масалани ҳал қилиш лозим: бизнингча, давлат тилида кенг қамровда иш юритилиши қонуний – юридик асосга эга экан, олий таълимда тайёрланаётган кадрлар ўз мутахассислиги бўйича давлат ташкилотлари, бошқарув органларида фаолият турлари талаб қилган расмий ҳужжатлар билан иш юритишини назарда тутиб, олий таълимнинг барча йўналишларида “Давлат тилида иш юритиш” ўқув курсининг ўқитилиши ва ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақил Ўзбекистонда ўзбек эли ва тилига муносабат – давлат аҳамиятидаги устувор масала. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг ижтимоий қиммати қонуний кучга кирган санадан бошлаб миллий байрамга айланганлиги ва миллатимиз барҳаётлиги қадар нишонланиши билан белгиланади. Давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, ўзбек миллатининг кенжа авлодидан тортиб улуғигача давлат тили қонуний амал қилиши ва ижтимоий нуфузи ошиб бориши учун бир ҳақиқатни – “Тилни билиш эмас, балки унда яшаш, у билан нафас олиш керак” эканлигини англаб етиши зарур.

1-SHO‘BA: DAVLAT TILIDA ISH YURITISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

ДАВЛАТ ТИЛИ НУФУЗИ ВА АМАЛДАГИ МАВҚЕИ

Аслонов Жасур

Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бухоро туман бўлинмаси раҳбари

АННОТАЦИЯ. Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири бу тил экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга бошқа миллатларнинг она тилига ҳам ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина тилнинг, миллатнинг қадри ва обрўйи, нуфузи ошади. Тил тарихини, унинг меъёрий нуқтаи назардан шаклланиш жараёнини, ривожланишини миллат тарихидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Тил – муқаддас ва эъзозланган тушунча, ҳар бир инсон учун ўз онаси каби азиз ва мўътабар. Тил – ҳаётнинг бошланиши. Инсон ўз она тили ёрдамида янги тушунчалар ва муносабатларни англай бошлайди. Она тили бизга она сути билан сингдирилади. Инсон улғайган сайин атрофидагилар билан мулоқот қилиш, бадий китоблар ўқиш орқали сўз бойлигини ошириб боради. Ота-боболаримиз тарихи, миллий ва маънавий қадриятларимиз бизга она тилимиз ёрдамида мерос бўлиб қолди. Халқлар тарихи – бу улар тилининг тарихи. Давлат ривожланиши билан давлат тили ҳам ривожланади. Халқ мустақиллигининг асосий белгиси – бу она тили ва миллий маданияти. Дунёнинг барча давлатлари ўз она тилларини асраб-авайлашга интилишади, шунинг учун ҳар қандай давлат ўзининг маданий мероси ва она тилини алоҳида ҳурмат қилади.

Юқори ривожланган давлатлар даражасига эришиш ва рақобатдош бўлиш учун Ўзбекистон фуқаролари халқаро тилларни билишлари муҳим, албатта. Чунки биз глобал ривожланиш тенденцияларидан орқада қола олмаймиз, лекин шуни унутмаслик

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

керакки, ўзбек тили дунёдаги барча расмий тиллар қатори суверен тил мақомини олган экан, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилини билиши шарт. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз она тилига бўлган ҳурматни йўқотмаслиги керак. Тилга ҳурмат – бу халққа ҳурмат. Ўз она тилига эга бўлмаган халқ мамлакат бўлолмайди. Тилнинг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам миллий тил софлигига путур етади. Тил давлат тимсоли, мулки ҳисобланади. Тил маданиятга амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу сабабли, бу улкан ҳодисанинг туб моҳиятини келажак авлод онгига сингдириш, она тилига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бинобарин, ўзини ўзбек миллатининг фарзандиман, деб билган ҳар бир шахс она тилимизга эътиборли бўлиши, унинг софлигини асраб-авайлашни муқаддас бурчи деб билиши шарт.

Ўзбек тилининг Ватанимизда давлат тили сифатида амал қилинишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни уч тамойилга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Дунёда таниқли мамлакат бўлиш учун биз давлат тилининг мақомини кўтаришга эришишимиз лозим.

Сўнги йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили ҳисобланади ва давлат органлари ишининг давлат тилида юритилиши қонун талаби эканлигидан ҳаммага аён. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг 10-моддасида “Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда, бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин” деб белгилаб қўйилганлиги рус тилининг ўзбек тили билан муқобил алоқа тили сифатида қўлланилишига йўл очиб берган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, қонунда келтирилган “Ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда, бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин” жумласи ўзбек миллатига мансуб русийзабон ватандошларимизга қўл келган. Тилнинг ҳам ижодкори, ҳам истеъмолчиси бўлган халқ ўз лисонини асло беэътибор қолдирмаслиги лозим.

Соф ўзбек тилида мулоқот қилиш миллат тилига бўлган ҳурмат нишонаси саналади. Тилнинг миллий жозибасини оширувчи қудрат қонун эмас, балки халқнинг ўзидир. Чунки муайян тилда ҳеч ким гапирмай қўйса, у ижтимоий муносабатлар жараёнига татбиқ этилмаса, ўз жозибасини йўқотади. Бир сўз билан айтганда, тил миллатнинг маънавий-руҳий бойлиги, мулки экан, уни эъзозлаш, юксалиши, софлиги, бойлиги йўлида курашиш, миллий қадрият даражасига кўтариш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Й. Ҳамроҳим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 17.
2. Rahmatullayev Sh., Hojiyev A. O'zbek tilining imlo lug'ati. –Т.: O'qituvchi, 1995.
3. Ўзбек тилининг имло луғати. – Т.: Akademnashr, 2013.
4. Mahmudov N. Tilimizning tilla sandig'i. – Toshkent, 2012.

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЯЗЫК- НЕОТЪЕМЛЕМАЯ
ЧАСТЬ ДУХОВНОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ
ГОСУДАРСТВА**

Аслонова Э.С

Депутат Законодательной палаты Олий Мажлис.

Гумбольдт: "Язык есть как бы внешнее проявление духа народа; его язык есть его дух, и его дух есть его язык – трудно себе представить что-либо более тождественное".

Язык – тысячелетнее творчество народа, тут его характер и душа, свобода и память, философская система. Известно, что язык – один из важнейших признаков нации, он органически связан с культурой, он развивается в ней и выражает её. Государственный язык является важной структурой в развитии социально- политического и экономического строя. И сегодня как никогда необходимо понимать важность сохранения и уважительного отношения к государственному языку. И именно сегодня, когда наша страна находится на пути третьего ренессанса, когда идёт внедрение широкомасштабных реформ, когда изменения затрагивают все сферы общества. Государственный язык требует неотъемлемой поддержки государственной политики. Наше общество должно осознавать органическую связь своей цивилизованности с родным языком.

Язык - никогда не увядающий и вечно вновь распускающийся цветок народа и всей его духовной жизни. В национальном языке одухотворяется весь народ, вся его жизнь, история, обычаи. Узбекский язык- это история народа, путь цивилизации и культуры от истоков до наших дней. И именно родной язык является частью духовной культуры человека, а духовная культура представляет собой деятельность, направленную на духовное развитие индивидуума и общества. Это – гармония мысли, чувства, воли. Духовная культура пробуждает, поддерживают и развивают человека как личность. Культура – это развитие человеческого творчества. Человек – творец, через культуру он открывает и изменяет мир, а также самого себя. К сожалению, следует отметить, что в последние годы духовность начинает терять свои позиции, что непосредственно отражается и в

языке. Люди становятся менее грамотными. Новая реальность, в которой оказалось человечество на пороге третьего тысячелетия, обусловленная усилением тенденций глобализации в ключевых областях деятельности (экономике, политике, языковой сфере, культуре и т.д.) в целом ряде отношений определяется проявлением различных противоречий и именно языковая коммуникация есть способ услышать друг друга, чтобы разобраться в условиях возникших противоречий, выявить механизмы их реализации. Огромный поток иностранной лексики охватил многие слои нашего общества. Наша страна, как и многие другие, под влиянием процессов глобализации переживает вторжение широкого пласта чужеземной культуры. И дело не только в Интернете, вся рабочая терминология которого основана на английском. Примером проблемы расшатывания норм литературного языка могут служить резкие изменения в газетно-публицистическом стиле, в широком использовании молодёжного сленга. Слова-паразиты всё чаще засоряют разговорный язык, прорываясь в литературный стиль, игнорируется пунктуация, наблюдаются явления некорректной ассимиляции и аккомодации. Сегодня необходимо осознавать важность сохранения чистоты и красоты родного языка. Осознавать насколько государственный язык является средством трансляции культуры, язык прорастает в неё и выражает её. Поэтому Узбекский язык необходимо рассматривать составной частью культуры, её орудием, действительностью нашего духа, ликом культуры. Язык обнажает специфику национальной ментальности. Он есть одновременно и продукт культуры, и её важная составная часть, и условие существования культуры. Более того, язык – специфический способ существования культуры, фактор формирования культурных кодов. Культура живёт и развивается в «языковой оболочке». Но человечество в своём большинстве воспринимает язык как данность, как само по себе разумеющееся, то, что не является экологическим объектом. На самом же деле язык не только орудие общения, он – бесценный памятник истории и сокровищница культуры народа. Культура, в том числе и речевая, как панцирь, защищает цивилизационное ядро нации, актуализируя в нашем сознании духовно-нравственные ценности общества. Самым большим богатством человека является культурная идеология,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

распространение культурных ценностей, получение образования – в центре всего этого стоит язык.

Необходимо учитывать так же роль Государственного языка и во взаимодействии культур. Здесь важно содружество национальных культур, которое может осуществляться лишь на основе взаимного изучения языков, стремления преодолеть противоречия и кризисные явления. Знание языков позволяет приобщиться к национальному богатству других народов, помогает организовать обмен достижениями культуры. И решение проблемы сохранения языка и духовности, которая не только остаётся, но и встаёт особенно остро в последние годы, необходимо с учётом многонациональности нашего государства. И именно государственный язык должен служить важнейшим фактором единения всех узбекистанцев

Язык – явление очень живое, постоянно меняющееся. Язык, как и культура в целом, отражает все изменения в жизни общества, что ведёт к появлению неологизмов и заимствований. В процессе развития духовной культуры у человека создаются новые образы, приобретаются знания. Любое историческое событие оставляет свой след, как в языке, так и в культуре. Подводя итоги, хочется сделать следующие обобщения: национальный язык и национальная духовная культура взаимосвязаны. Чем, выше культура человека и общества, в котором он находится, тем выразительнее и красочнее его родной язык. Именно язык является своего рода лакмусовой бумажкой, которая свидетельствует о культурном уровне не только самого человека, но всего общества. Язык является частью духовной культуры, а духовная культура – это гармония мысли и чувства

Список литературы:

1. Исаев М. И. Взаимосвязь и взаимообусловленность языка и культуры // Русский язык.
2. Ожегов С. И. Словарь русского языка / под ред. Н. Ю. Шведовой. М.: Русский язык, 1989.
3. Человек в мире культуры: исследования, прогнозы: материалы Междунар. науч. конгр. (Казань, 17-18 апр. 2007 г.) / Федеральное агентство по культуре и кинематографии РФ. М

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Ахмедова Шоира,

БухДУ профессори, ф.ф.доктори

АННОТАЦИЯ. Мақолада миллий тил- ўзбек тилининг жамиятда тутган ўрни ва уни асраш, нуфузини кўтариш муаммолари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Миллий тил - бу миллатнинг кўзгуси, унда миллатнинг руҳи, қалби, ҳаёти бор бойлиги акс этади. Миллий тилнинг ривожини миллат тараққиётининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Дунё таҳликага тушган синовли кунларда Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинганлиги, Президентимизнинг ушбу Қонунни имзолагани, яна бир лойиҳанинг умумхалқ эътиборига ҳавола этилганлиги халқимизнинг, она тилини, ватанини севадиган ҳар бири кишининг, айниқса, биз муаллимларнинг қалбимизни ғурурга, ифтихорга тўлдирди. Шундай экан, глобаллашув даврида она тилимизни бойитиш, уни асраш, унинг нуфузини кўтаришга барчамиз масъулмиз.

Кириш. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокаматул луғатайн”да шундай ёзади: “...уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўпдур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаъидур”. “Маншаъи” келиб чиқиш жойи, бошланиши деган маънони билдиради. Демак, бизнинг она тилимиз жуда кўп тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган ва қадим, бой тилларданки, биз бундан фахрланишимиз, уни бойитиш йўлида ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Асосий қисм. Буюк маърифатпарвар, қомусий олим Абдурауф Фитрат “Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча!”. Ўзбек тилининг бахтсиз тил эканлигидан афсусланган олим унинг бойлигидан фахрланади: “Туркча бахтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин битмамишдир. Битмас яшамишдир. Яшар. Негаки, бойдир... Бу

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

тилнинг бойлиги ва тилдаги сўзнинг кўплигидир; яъни тилнинг грамматик қонуниятлар жиҳатидан мукамаллиги... дея ХХ асрнинг бошларидаёқ бонг уриб, уни асрашга чақирган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Фитратнинг Тошкентдаги энг катта ишларидан бири "Чиғатой гурунги"ни йўлга қўйгани бўлди. Ўтмиш меросини ўрганиш ва ундан халқни баҳраманд этиш, тилимизнинг бойлигини, софлигини асраш, авлодларни аждодларининг ўлмас руҳияти билан боғлашда бу жамият жуда катта хизмат қилганлиги маълум. "Иштирокиюн" газетасида "Чиғатой гурунги" аъзолари номидан шундай мурожаат босилиб чиқди: "Бизни душманамиз деб ҳисоблайдиган кимсалардан мард бўлишларини сўраймиз, чунки биз янги имло қабул қилдик. Турк дунёсини уйғотиш йўлида жонини тиккан адиблар шу муносабатда қай томонда бўлмоқликлари керак? Сизнинг тарафдами ё "Чиғатой гурунги" тарафдами? Бизнинг барча саъй-ҳаракатимиз турк дунёси учундир".

"Чиғатой гурунги" маданий-адабий ташкилот эди, унинг фаолияти асосида ислохотчилик ғояси ётар эди. Бу ҳақда Фитрат ёзади: "Тузук, "Чиғатой гурунги" бевосита сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шуғулланди". Кўринадики, Фитрат миллат кўзгуси бўлган тил ва унинг келажаги ҳақида биринчилардан бўлиб қайғурди. Шоир Боту билан биргаликда "Чиғатой гурунги" даврасида ўзбек тилнинг назарий масалаларини муҳокама қилиб, бадиий асарлар яратдилар.

Биз эса шундай бой, гўзал тилимизга эътибор бермадик. Болаларимизни рус мактабларга бердик, русча фикрласа қувондик. Бир устозимиз бор эдилар, олима (жойлари жаннатдан бўлсин), болаларим ёшлигида менга яна уларни рус мактабларига берманг деб қайта-қайта таъкидлардилар, нега десам, бошларини сарак-сарак қилиб, биттаю битта ўғлимни рус мактабда ўқиттирдим, русча ўйлайди, рус маданиятига интилади, шунча ҳаракат қилсам ҳам, афсуски, ўзбекона миллий тарбиямизга қайтаролмадим дея афсусланган эдилар. Бу аччиқ ҳақиқат, унга ҳаётда неча марталаб дуч келмадик? Бундай мисоллар ҳаётда жуда кўп.

Афсуски, рус мактаблари боланинг онгига, шуурига эътиқодни, русий тарбияни шу қадар сингдирадики, бу бола

улғайгандан кейин ҳам қалбида ўзбекона, миллий тарбияга, кадриятга ўрин қолмайди.

Яна бир ачинарли бир ҳолат: бугунги глобаллашув даврида биз ўзбеклар фарзандларимизга ҳам хорижий исмлар қўйиш йўлига ўтаяпмиз. Кўп бўлмаса-да, бундай ҳолатга ҳам учраб бораётганимизни афсус билан қайд этиш мумкин: Александра, Смит, Елина, Стиф, Фернандо ва ҳ.к

Ўзбек тилининг нуфузини ошириш барчамизнинг вазифамиздир. Қачон ўзлимиз, миллий ғуруримиз ҳақида ўйлаймиз? Келажак авлодга нимани қолдирамиз? Аждодларимиз қанчадан-қанча тилларни билишган, Форобий бобомизни эслайлик. Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бошларида “Биз, туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур”, - деб ёзган ва унинг сабабларини асослаб берган эди. Бундан ташқари “Тил масаласи” мақоласида “Дунёимизни илм-фанидан хабардор бўлмоқ учун рус, немис, франсавий, англис, итолиёли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмоқ керак...” дея ёшларни тил ўрганишга чақирган эди. Мана орадан бир аср ўтибдики, бугунги кунда аксарият талабалар, магистрлар рус тилини яхши билмаслиги афсусланарли. Чет тилларини ўрганишга эътибор кучаяётганлиги маърифатпарвар боболаримизнинг орзуси амалга ошаётганини кўрсатади. Худди шунингдек, маърифатпарвар аждодларимизни ўйлангирган, миллий тилга эътиборни, ғурурни қандай кучайтирамиз деган оғриқли савол Ватанини севган ҳар бир инсонни мушоҳадага чорлаши, шубҳасиз. Ота-онага, яқинларимизга, Ватанга, табиатга, жамиятга муносабатда буни кўриб турибмиз, бугунги таҳликали даврда буни ҳаммамиз тан олаяпмиз. Биринчи навбатда боғчалардан бошлаб, миллий, диний тарбияни бошлаш зарур, миллий тилимиздаги жозибани қадимий ўғитлар асосида жажжи гўдақларимизни тарбиялашни тизимли равишда йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун мактабгача таълим муассасалари дастурларини миллийлаштириш, миллий, ўзбекона кадриятларимизни, миллий тилимизни бутун гўзаллиги билан уларнинг онгига, қалбига сингдириш зарур. Шундагина жамиятни ўзгартириш, инсонни ўзгартириш ҳақида фикрлаш мумкин. Бунинг учун нафақат тилшунос олимлар, мутахассислар, ҳар бир зиёли, ўзини шу миллатнинг вакили деб билган ҳар бир инсон Ватан,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

миллат, она тили олдидаги бурчини, масъулиятини чуқур ҳис этсагина, мақсадга эришиш мумкин.

Айни вақтда она тилимизга бўлаётган эътибор жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп ишлар қилишимиз лозимлигини ҳам унутмасликка чорлайди. Мустақил Ўзбекистонда ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган сайъ ҳаракатлар, шу билан бирга Қонун ва Қарорлар моҳиятидан келиб чиқиб, она тилимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва юксак мақомга эга бўлиши учун, халқаро минбарларда баралла янграши учун барчамиз масъул бўлишимиз лозимлигини англаб етишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Навоий А. Муҳокамат ул -луғатайн. 16-жилд.–Т.: Фан, 2000. 84-б.
2. Маҳмудхўжа Б. Танланган асарлар.– Т:Маънавият, 1999.– 151-б.
3. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. –52-б.
4. Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд–Т:Маънавият, 2006.–336 б.

MILLAT HAYOTI TILI BILAN TIRIK

Bobomurodov Karim,

Respublika Ma'naviyat va ma'rifat
markazi Shofirkon tuman bo'linmasi
rahbari

ANNOTATSIYA. Har yili 21-oktabr kuni mamlakatimizda til bayrami sifatida keng nishonlanishi an'anaga aylanib qolgan. Chunki, mamlakatimizda ona tilimizni yanada rivojlantirish va takomillashtirish, uning milliy ruhini oshirish, madaniyat va san'atni yuksak pog'onalarga ko'tarish, shuningdek, lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish sohasida qabul qilingan Davlat dasturi ijrosini ta'minlashdek, ustuvor yo'nalishdagi vazifalarni bajarish tom ma'noda kundalik hayotimizga tobora singib bormoqda.

Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 30-апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига о'зgartirishlar va qo'shimchalar

kiritish to'g'risida»gi 621-II son Qonuni asosida mazkur qonunning ijro muddati 2005-yil 1-sentabrdan 2010-yil 1-sentabrgacha uzaytirilgan.

Mamlakatimizda izchillik bilan amalga oshirilayotgan tub islohotlarning markazida iqtisodiy islohotlar bilan bir qatorda ma'naviy-ma'rifiy, ijtimoiy-siyosiy va huquqiy islohotlar turganligi o'z samarasini bermoqda. Ayniqsa, mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida, bozor iqtisodiyoti munosabatlarining tobora shakllanishida, inson tafakkurining o'zgarishida fan, ta'lim, madaniyat, ma'naviyat va ma'rifat, shuningdek, o'zbek tili va til madaniyatining rivojlanishi xalqimizning avloddan-avlodga o'tib kelayotgan tarixiy urf-odatlarini, udumlari, an'analari, tartib-qoidalar, turmush tarzi va azaliy qadriyatlarining asosiy mezoni sifatida namoyon bo'lib kelmoqda.

O'zbekiston mustaqillikka erishgach, huquqiy davlatchilikka asos solindi. Huquqiy davlatchilikning asosini fuqarolik jamiyati tashkil etadi. Fuqarolik jamiyati esa, huquqiy munosabatlardan tashkil topadi. O'z haq-huquqini bilgan, uni qonuniy yo'l bilan talab etadigan, himoya qiladigan huquqiy ma'rifati yuqori bo'lgan xalqning istiqboli porloq, hayoti farovondir. Shu bois ham istiqbolning dastlabki yillaridayoq, davlatimiz rahbari Islom Karimov: «...aholi o'rtasida huquqiy targ'ibot ishlarini jonlantirmoq, aholining o'z haq-huquqlarini bilishi, tanishi va amaliyotda qo'llash uchun huquqiy targ'ibot ishlarini keng yo'lga qo'yimoq ayni muddaodir», – deb ta'kidlagan edi.

Insoniyat tarixida tilga doimo katta e'tibor berib kelingan. XX asr oxirida tilga ijtimoiy hodisa sifatida qarash g'oyasi keng yoyildi. Bu bejiz emas. Chunki jahondagi ko'pgina mamlakatlar o'z mustaqilligiga erishib, milliy tillar davlat tili yoki rasmiy til maqomiga ega bo'ldi.

Mustaqillik yillarida o'zbek tilining jamiyatimizning barcha sohalarida keng qo'llanilayotganligi, xalqaro miqyosda kompyuter va internetda foydalanilayotgani ham ijodiyot va idoraviy ish yuritishda o'z samarasini berib kelmoqda. O'zbek tili xalqaro miqyosda keng va faol muloqot vositasiga aylanib, uning xorijiy davlatlar rahbarlari bilan olib borilayotgan muzokara va uchrashuvlarda, yuksak darajadagi rasmiy tadbirlarda qo'llanilayotganligi barchamizda g'urur-iftixor tuyg'usini uyg'otishini davlatimiz rahbari Islom Karimov o'zining «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» nomli asarida alohida ta'kidlab o'tganlar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

Tilshunos olimlarning fikriga ko'ra, turkiy tillar eramizning IV asrida uch guruhga bo'lingan hamda qarluq, qipchoq, o'g'uz guruhlari vujudga kelgan. Bular orasida eng qadimgi yozuv tili qarluq guruhi zaminida shakllangan azaliy o'zbek tilidir. Tarixda eng ko'p adabiy va ilmiy asarlar ham shu tilda ijod qilingan. Lutfiy, Sakkokiy, Navoiy, Bobur singari so'z ustalari ijodi bilan bu til yanada sayqallangan va rivojlangan.

Taniqli rus tarixchisi A.P.Grigoryev shunday deb yozgan: «O'sha paytda (XIII-XIV asrlar) Oltin O'rdada so'zlashuv va yozuv tili sifatida qipchoq lahjasi qo'llanilgan bo'lsada, rasmiy yozishmalar va adabiy matnlarda Chig'atoy lahjasi, ya'ni eski o'zbek tili qo'llanilgan».

Xulosa qilib aytganda, Oltin O'rdaning rasmiy va adabiy tili turk tilining Chig'atoy lahjasi, ya'ni o'zbek mumtoz adabiy tili bo'lgan. Ajdod va avlodlarimizning asrlar osha sa'y-harakati bilan ona tili — o'zbek tilida samarali ijod qilib, tilni qadrlab, adabiy tilni rivojlantirib, boshqa el-ulus, millat va elatlar o'rtasida keng mushohada qilish hamda o'zaro muloqot o'rnatib, til madaniyatining ta'sirchanligi va nufuzini oshirib kelganlar.

Abdulla Avloniyning ona tili va adabiyotni buzish, boshqa tillar bilan aralashtirib, mazmun-mohiyatini o'zgartirish, pirovard natijada, bir tilning boshqa tildan ustun turishiga, tilning ruhiyatini buzishga qaratilgan har qanday urinish va zid harakatlarga qarshi chiqqanligi quyidagi purma'no so'zlarida yaqqol isbotlanadi. «Zig'ir yog'i solub, moshkichiri kabi qilub, aralash-quralash qilmak tilning ruhini buzadir. Bobolarimizga etishg'on va yaragan muqaddas til, adabiyot bizga hech kamlik qilmas. Dunyoning lazzati sodiq do'stlar ila suhbat qilmoqdan iborat».

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.

2. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томли. 2-том. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.

ТИЛ – МИЛЛАТ МУЛКИ

Дилором Йўлдошева,
БухДУ доценти

Шукурлар бўлсинки, бутунги кунга келиб *тил* каломининг сифатловчиси сифатида *она* сўзининг танланиши ва онаю тил алфозлари муштараклик касб этиб она тилимизнинг пайдо бўлганлигини; оналарни яратувчи, инсон зотининг ер юзида мавжуд бўлишини таъминловчи зот сифатида қай даражада ардоқласак, миллат маънавиятининг кўзгуси бўлмиш она тилимизни ҳам асраб авайлаш, бу учун ҳамиша ҳаракатда бўлишимиз зарурлиги ҳар биримизнинг энг олий бурчларимиздан бири эканлигини англаб етдик. Бу борада ҳукумат томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, тилимиз давлат тили мақомига эришган кунни «Ўзбек тили байрами» деб эътироф этилиши, асосийси, амалий фаолиятнинг жонланиши кишини қувонтиради. (Зеро, бу ҳаракатлар уммондан томчи, холос. Қачонки, ҳар биримиз қаерда, қандай шароитда бўлмайлик, она тилимизга «ўқрайган кўзларни ўйиб олиш» даражасида тилпарвар бўлмас эканмиз, ҳар қандай расмий қоғозлар расмиятлигича қолаверади.)

Тилимизнинг оналаримиздай муқаддас, туғилган заминимиздек улуғ, тинч ҳаётимиз каби тотли эканлигини; ўзбекнинг «биз»лигини таъминловчи тириклик, аждодларимиздан етиб келган мағзи тўқ маънавий меърослигини, уни авлодларга (ғорат қилмасдан) бор таровати, имконияти, залвори билан етказиш зарурлигини миллат онгига сингдириш жуда-жуда муҳим.

Хўш, бу машаққатли ишни ким бажаради? Ким ва кимлар ўзлигидан кечиб бу заҳматга бел боғлайди? Албатта, ҳаммамиз. Аммо халқимизда бир ажиб нақл бор: «Ошпаз кўп бўлса, шўрва ҳам тагига олади». Демак, бу борада тил эгаларининг барига бирдек ишониб қўя қолиш ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермайди. Ҳар бир касб эгаси «ўз юмуши»ни сидқидилдан бажарсин: халққа, касбига, виждонига хиёнат қилмасин. Яратгандан қўрқиб, бандасидан уялиб иш тутсинки, шунда турмушимиз ўзлигимиз ўзанларида оқади... (Бугун ХХІ аср одамлари ниҳоятда майдалашиб, очкўзлашиб кетганлигимизни инкор этиб бўлмайди. Афсуски, аксарият ташвишимиз қорин дарди,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

моддий бойлик ғами. Бу тождор вабо бутун дунёга қутқу солган шу кунларда кўпроқ сезилди: ҳатто хайрия маблағларини ҳам еб қўядиган даражада манқуртлашибди-я, одам зоти...)

Бугун она тилимизга эътиборни оиладан, оналаримиздан бошлаб мактабгача таълим муассасаларида, мактаб таълимида давом эттиришимиз керакки, яна масъулият, асосан, устоз-мураббийларнинг зиммасига тушиши табиий ҳол. (Эслийлик: болалигимизданоқ оналаримиз, кейин устозларимиз ҳар бир нарсдан маъно ахтаришга ўргатмадиларми?! Тилимиз, дилимиз, қаддимиз уларнинг ўғитларига қараб ростланмадимми?! Она тили ўқитувчимиздек сипо сўзлашни йиллаб машқ қилмадикми?! Устозимиздек ашъорларни ёд ўқишга тиришмадикми?! Ватан, она, мактаб сўзларини эшитганда жон томиримизга қадар энтикиш туғенини дилимизга муаллиму муаллималаримиз солмадиларми?!)

Зеро, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши натижасида давлатнинг расмий тили – ўзбек тилига эътибор кучайди. Она тили таълими олдидаги асосий вазифа ижодий тафаккур соҳибларини етиштириш деб белгиланди. Демак, мустақиллигимиздан олдинги давр мафқурасининг тил сиёсатига доир манфаати – (мактаб болаларига фақат грамматика ўқитилиб миллийликдан чалғитиш; шўронинг “Бўл тайёр!” ига “Доим тайёр!” ларни тарбиялаш) ижтимоий буюртмаси ўз кучини йўқотди.

Миллий истиқлол шарофати билан фарзандларимиз тафаккурини тилшуносликнинг қоидаю таърифлари билан банд этиш занжирини уздик. Ўқувчиларимиз қўлига тилимизнинг сон-саноксиз имкониятлари калитини топшириш, ўзбекона калом сеҳри, жозибаси, тароватини ҳис этишга ўргатиш замони алақочон келиб бўлди, кадрли ҳамкасбим. (Энди мактаб партасида ўтирган барча ўқувчидан “тилшунос” тайёрлашга белимизни боғлаган шўро даврининг “сохта белоғ”идан воз кечмас эканмиз, болаларимиз мағзи тўқ, данаги қаттиқ тилимизнинг пўст қисмидан лаззат тополмайди. Болаларимизни данакнинг тўқ мағзидан ҳамиша барака топиш бахтидан Мосуво қилмайлик.)

“Мактабда грамматика ўқитмасак, нимани ўқитамиз?” деган саволнинг жавобини (бугун инглиз тили таълими “илиб кетган”)

жадид устозларимизнинг ўқитиш усуллари(берилган (ўқувчининг ёшига мос, миллийлик заминига зичланган) тарбиявий матнни мазмунига мос тарзда *ўқий олиш*; ўқиганларини *уқиш* ва мазмунини сўзлаб бера олиш; ҳажман қисқа матнни кенгайтириб ёки ҳажман кенг матнни қисқа тарзда хатосиз *ёзма баён эта олиш*)дан излашимиз жуда ўринли.

“Она тили дарсларида грамматика ўқитишдан мутлақо воз кечамизми?” деган саволнинг жавоби қуйидагича: Мактаб она тили машғулотида ўқувчиларга 3 турдаги қоидалар сингдирилиши зарур:

1) орфография қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма саводхонлигини тартибга солиб туради);

2) орфоэпия қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг оғзаки нутқини адабий меъёрларга мослаштириб туради);

3) пунктуация қоидалари (Бу қоидалар умр бўйи кишининг ёзма нутқида нима демоқчилигини кўрсатиб туради).

Қолган барча дарслар амалий характерда бўлиб уларда ўқувчини сўз мантиғини англаш, сўз ва бирикмаларни ўз ўрнида қўллай олиш малака ва кўникмаларини, шунингдек, шарқона нутқ одобини ўргатиш зарур.

Шунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган она тили дарслари ўқувчига тилшунослик асосларини эмас, тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланишни, яъни тилни ўргатади.

Аксариятимизга таниш бир манзара бор. Тонгни қаршилаётган туриб телевизор мурувватини бураймиз. Юртимизнинг давлат мадҳияси янграйди. Телелавҳаларда мактаб остонасига қадам қўйган болажонлардан тортиб халқаро аренада ғолибликни қўлга киритган спортчиларимизгача, бободехқону шифокор, ўқитувчию муҳандис, ҳарбий аскар юрт раҳбаригача қўли кўксида миллий қўшиғимизга жўр бўлишади. Бу кўпчилигимиз учун оддий ва одатий ҳол. Бироқ эътибор беринг-а, мадҳия бўлиб жаранг сочаётган она тилимиз каттаю кичикнинг юрагига бир хилда ифтихор туйғусини солмоқда. Биласизми нега? Сабабки, тафаккуримиз, шууримиз, қўйингки, бутун борлиғимиз, сийратимиз она тилимиздаги ҳар бир ширин, ҳикматли каломдан маънавий озуқа олади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Мен тилпарастман. Ўзбекпарастман. Шунинг учун баралла айтаманки, она тилим бетакрор, унинг дунё тиллари аро жозибадорликда қиёси йўқ. Ўзбек тилидек сўзга, иборага, ибрату ҳикматга бой тиллар санокли. Жумладан, тилимизда биргина *согинмоқ* феъли билан боғлиқ градуал қаторда *ичикмоқ* сўзи ҳам туради ва согинчдан ҳатто хаста бўлиб қолиш даражасини ифодалайди. Ёки биргина *йигламоқ* феълнинг антонимини ўндан ортиқ бирликларда ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда ифодалай оламиз: *жилмаймоқ* – *кулимсирамоқ* – *табассум қилмоқ* – *табассум ҳадя этмоқ* – *кулмоқ* – *қаж-қажламоқ* – *қажқаж урмоқ* – *қажқаж отмоқ*; *илжаймоқ* – *иржаймоқ* – *тиржаймоқ* – *ишшаймоқ* – *иршаймоқ* – *иршангламоқ*; *огзининг таноби қочмоқ* – *огзи қулогига етмоқ* – *ўттиз икки тишини кўрсатмоқ* – *даҳанини йигиштиролмаслик* – *огзи ёпилмайди каби*.

Хўш, айнан *ичикмоқ* сўзини (*согинмоқ* феълени эмас) дунё тилларига таржима қилиб кўринг-чи?! (Рус тилидаги *скучатъ* ёки инглиз тилидаги *get bored* ўзбек тилидаги *согинмоқ* маъносини беради, холос.) Ёки *кулмоқ* сўзининг йигирмага яқин муқобили яна қайси тилда учрайди?

Бу сингари ҳамма тилларда ҳам учрайвермайдиган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу фақатгина заррадек кўзга илинмас менинг ифтихорим эмас, туркий тилга “адабий ёдгорлик” ўрната олган бобокалоним Маҳмуд Қошғарийнинг эътирофидир. М.Қошғарий туркий тилларнинг бошқа тиллардан қолишмайдиган жозибасини нозик тарзда очиб берганлигини, унинг мавқеи, мақомини кўтариш масаласида бор маҳоратини ишга солганлигини, бунга умрининг “гул даври”ни бахшида этганлигини яхши биламиз. Ўз даврдаёқ олим “*араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган туркий тилни ўрганиш*”ни “*вожиб амал*” деб ёзган эди. Қошғарий мазкур фикрининг тўғрилигини исботлаш учун “ишончли бир бухоролик ва яна нишопурлик бошқа олимдан шундай бир хабар эшитган эдимки, улар бу сўзни пайғамбар (с.а.в.)га нисбат бериб айтган эдилар: ... “турк тил (лосон)ини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади. Ҳадиснинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш *вожиб*”

(зарур)дир”, деган далилни келтиради ва фикрини давом эттириб бу масалада қатъий хулоса қилади: “ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам, уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади”.

Шундай экан, мен ҳам борлигимга она алласи бўлиб кирган, ақли ҳушимнинг (бир инсонга хос) тетапоясидан камолотига қадар мени етказган, шодлигимда энтикиб, ютуқларимда ардоқлаган, туйғуларимни қулоғимга шивирлаб, қайғуларимда тўкилиб ўғит берган онажон тилимдан нега ифтихор этмай...

Куни кеча ўзбек тилим жаҳон минбарида янгради! Бугун бизни, тилимизни, элимизни дунё тан олаётганининг ёрқин исботи – бу! Аждодларимиз Маҳмуд Қошғарий, Юсуф ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, хожа Аҳмад Яссавий, ҳазрат Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳриддин Бобур, “туркийларга туркона айтган” Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Фитрат, Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирий сингари минг-минглаб тилдошларимиз руҳи олдида юзи ёруғликка юз тута бошладик. Хайрли ишларимиз бардавом бўлсин...

Бугун борлигини, борлиғини, бойлигини тантана қилаётган она тилим, ўзбек халқининг энг асосий мулки, хазинаси бўлган ҳифзи лисоним, дунё бор экан, жаранглаб тургин.

Тириклик бор экан, мангу яшайвергин, Онажон Тилим!

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори.

2.5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.–Тошкент, 2017.–45 бет.–6-бет.

3.Лернер И.Я., Скаткин М.Н. О методах обучения. – М.: Педагогика, 1979. – стр.115-121.; Розиков О., Оғаев С., Маҳмудова М., Адизов Б. Дидактика. – Т.: Фан, 1997. – 184-202-б.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**TILIMIZ – TARIXIMIZ, BUGUNIMIZ VA
KELAJAGIMIZDIR**

Jumayeva Saodat,

Peshko' tumanidagi 1-maktab oliy toifali
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada buyuk ajdodlarimizning til haqidagi qarashlari, fikr va mulohazalar bayon qilingan. Har bir millatning buguni, tarixi va kelajagini bevosita bog'lab turuvchi qadriyatlardan biri bu-ona tilidir.

Dunyo tillari ichida o'zining betakror va jozibadorligi bilan ajralib turadigan ona tilimizning tarixiy ildizlarini qadimiy O'rxun-Enasoy obidalaridan, birinchi tilshunos olim Mahmud Koshg'ariyning "Devoni lug'otit-turk" ("Turkiy tillarning grammatikasi"), Yusuf xos Hojibning "Qutadg'u bilig" ("Baxt-saodatga yo'llovchi ilm") asarlarida ko'ramiz.

O'zining bebaho asarlari bilan ona tilimizning qadrini va qaddini tiklagan buyuk mutafakkir ajdodimiz Alisher Navoiy hayoti va ijodining mukammal ensiklopediyasining yaratilayotganligi biz uchun eng muhim tarixiy voqeadir. Ayniqsa, XV asrda o'zbek tilining asoschisi Alisher Navoiy turkiy, ya'ni o'zbek tilining nihoyatda serjilo, go'zalligini o'zining o'lmas asarlari orqali ko'rsatdi. Bundan V asr muqaddam Navoiy hazratlari

"Turk nazmida chu men tortib alam,
Ayladim ul mamlakatni yakqalam", -deb yozgan edi.

Ya'ni ul zot ona tili bayrog'ini baland ko'tarib, butun el-ulusni, yurtlarni shu bayroq ostida birlashtirdim, deb iftixor qiladi.

Shu bois ham, Hazrat Alisher Navoiy yashagan davr- Oltin davr deya e'tirof etiladi.

Ona tilimiz asrlar davomida xalqimiz tomonidan zargarona sayqal berilib, bugungi kundagidek mukammal holga keltirilganligi qalbimizni g'urur va iftixorga to'ldiradi. Muhtaram yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev o'zbek tili haqida quyidagi fikrlarni bildirganlar: "O'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchilik timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir".

Darhaqiqat, ona tili-millat ruhi, ko'zgusi, milliy ma'naviyatimiz poydevori. Yurtimizda davlat tilining nufuzini yanada oshirish borasida ko'plab islohotlar amalga oshirilmoqda. Quvonchlisi shuki, mamlakatimizda muhtaram yurtboshimiz tomonidan 21-oktabr-"O'zbek tili bayrami kuni" deb belgilandi.

Prezidentimizning bu farmonini butun xalqimiz, qolaversa, biz-ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari uchun unutilmas kun, bayram bo'ldi desak, aslo mubolag'a bo'lmaydi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o'zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqida shunday deydi: "Biz yoshlarimizning jahon tillarini egallashga bo'lgan ulkan qiziqish va intilishlarini har doim qo'llab-quvvatlaymiz. Men bugun aziz bolalarimizga murojaat qilib, ulug' alloma, XX asr boshida olti tili - o'zbek, arab, fors, hind, turk va rus tillarida lug'at tuzgan Is'hoqxon Ibratning mana bu hikmatli so'zlarini eslatmoqchiman:"Bizning yoshlar albatta boshqa tilni bilish uchun sa'y-harakat qilsinlar, lekin avval o'z ona tilini ko'zlariga to'tiyo qilib, ehtirom ko'rsatsinlar. Zero, o'z tiliga sadoqat-bu vataniy ishdir".

Shuningdek, o'zbek tilining qo'llanish doirasini kengaytirish, adabiy tilning sofligiga erishish, mamlakatimizda yashayotgan turli millatlarga mansub vatandoshlarimizning davlat tilini o'rganishlari uchun tegishli sharoit yaratib berish, yurtimizda va xorijda o'zbek tilini o'rgatadigan o'quv markazlari zarur.

Bugungi kunda yaratilayotgan o'quv darsliklari o'quvchilarni, avvalo, mustaqil fikrlashga, lug'at bilan ishlash, matnni nazariy va amaliy bilimlar asosida tahlil qilishga undaydi. Shunga mos ravishda zamonaviy ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi innovatsion texnologiyalardan foydalanib o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama yetuk, yuksak salohiyatli, barkamol shaxs qilib tarbiyalashi lozim.

Demak, har birimiz davlat tiliga bo'lgan e'tiborni mustaqilligimizga bo'lgan e'tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni ona-Vatanimizga bo'lgan ehtirom va sadoqat deb bilishimiz lozim. Bunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantiraylik!

Zero, shoir aytganidek:

Yangi zamon, yangi avlod kelajakdir,

Ona tilim-millat ruhi bo'lajakdir,

Hali buyuk allomalar chiqajakdir,

Tamadduning osmonida porloq nurim!

Sen mangusan, barhayotsan, Ona tilim!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov H, Eshonqulov E. O'zbek tili. –Toshkent, 1982.
2. Aliqulov A. Leksemalarning tasnifiga doir// TAT, 2005. –2-son

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

3. Abduraxmonov H, Mahmudov N. Soʻz estetikasi. – T.: Fan, 1981.
4. Jamolxonov H. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. – T.: Toʻlqin, 2005.

TIL – RUH, NUTQ – HUSN

Joʻrayeva Bibish,

Davlat tilida ish yuritish asoslarini
oʻqitish va malaka oshirish markazining
Buxoro hududiy boʻlinmasi rahbari, f.f.d.

ANNOTATSIYA. Til insoniyatga tabiat tomonidan inʼom etilgan buyuk moʻjizadir. Chunki insonlar til orqali jamiyat taraqqiyotini boshqaradilar, oʻz fikrlarini ifodalaydilar, bu esa til hamda nutq orqali amalga oshiriladi. Donishmandlardan biri: “Til insoniyat jamiyati buyuk ishlab chiqarish faoliyatining samarasidir, u tinimsiz mehnat harakatlari, imo-ishoralari va ulardan paydo boʻlgan ruhiy gʻayrat-shijoatning billur qotishmasidir”, degan edi.

Til jamiyatda paydo boʻlganidan boshlab ijtimoiy xarakterga ega. Chunki til kishilar jamoasida ijtimoiy mehnat jarayonida yuzaga kelgan boʻlib, oʻzaro aloqa bogʻlash, fikr almashishga xizmat qiladi. Til faqat jamiyatda, odamlar oʻrtasidagina mavjud boʻlgan ijtimoiy quroldir. Tilning taqdiri jamiyat taqdiri bilan bogʻlangan. Jamiyat yoʻq ekan, til ham boʻlmaydi. Juda katta shov-shuvga sabab boʻlgan Tarzan haqidagi “Mutlaq hukmronlik” filmini eslang. Kema halokatidan soʻng angliyalik er-xotin omon qoladilar va oʻzlarini yovvoyi junglida koʻradilar. Kunlar oʻtib ular farzand koʻrishadi. Bola hali chaqaloq ekan, ona kasallanib vafot etadi, ota esa maymunlar hujumidan halok boʻladi. Chaqaloqni maymunlar oʻzlari bilan olib ketadi va bola maymunlar orasida, maymunlar uyasida balogʻatga yetadi. Uning harakati maymuniy, yemishi maymuniy, dard-u qaygʻusi maymuniy, «tili» maymuniy., insoniy nutq va harakat unga tamoman begona boʻladi. Hatto insonlar orasiga qaytib, toʻrt-besh inglizcha soʻzni oʻrganganidan keyin ham bu «yot» muhitga u aslo koʻnika olmaydi, yana jungliga qochib ketadi.

Kaykovus oʻzining “Qobusnoma” asarida shunday nasihat qiladi: “Ey farzand, toki qila olsang, soʻz eshitmakdin qochmagʻilkim, kishi soʻz eshitmak bila suxangoʻylik hosil qilur. Avvalo, buni shundoq dalillash mumkin: agar bir oʻgʻlon onadin tugʻilsa, unga urning ostidan bir joy qilib,

sut berib, ul joyda parvarish qilsalar, onasi va doyasi unga gapirmasalar, u o'g'lon hech kishining so'zin eshitmasa, ulug' bo'lg'onda lol (soqov) bo'lur. Ko'rmasmusankim, barcha lollar kar bo'lurlar..." [3, 47].

Demak, eshitish qobiliyati tufayligina insonda til, nutq paydo bo'ladi – qulog'idan kirgan tovush, so'z, gap va iboralar og'zidan chiqadi. Shuning uchun ham xalqimiz: "Suv onasi – buloq, so'z onasi – quloq" deb bejiz aytmagan.

Ammo tilning vazifasi va mohiyatini uning eng muhim aloqa vositasi bo'lgan ijtimoiy hodisa ekanligi bilan cheklab qo'yish ham jo'n bo'lar edi, chunki tilning aloqa vositasi sifatidagi ijtimoiy mohiyati uning juda ko'plab vazifalaridan faqat bittasidir. Ayni paytda har bir tilda shu til egasi bo'lgan millatning sa'jyiasi, ruhiyati aks etadi. Shuning uchun ham bolaning tili ona tilida chiqib, ona tilida kamol topgandagina uning shuurida tom ma'nodagi milliy ruh barqaror bo'ladi. Millat saodati yo'lida jon fido etgan A.Fitrat "Rahbari najot" asarida shunday yozgan edi: "Suv qaysi rangdagi idishda bo'lsa, o'sha rangda tovlangani kabi bolalar ham qanday muhitda bo'lsalar, o'sha muhitning har qanday odat va axloqini qabul qiladilar" [2, 198].

Chindan ham ona tili bilan birga bolada o'zbekona milliy ruh, milliy muomala madaniyati, milliy ong, qisqasi, milliy o'zlik shakllanadi.

Kishilarning aloqa vositasi bo'lgan tilga qanchalik diqqat qaratish lozim bo'lsa, bu tildan foydalanayotgan shaxslar nutqiga ham shunchalik e'tibor zarur.

O'zbek ma'rifatparvarlik harakatining yo'l boshchisi A.Avloniy ta'kidlaydi: "So'z insonning daraja va kamolini, ilm-fazlini o'lchab ko'rsatadurg'on tarozisidir. Aql sohiblari kishining dilidagi fikr va niyatini, ilm va quvvatini, qadr va qiymatini so'zlagan so'zidan bilurlar" [1, 238].

Shuning uchun ham A.Avloniy yoshlarni so'zdan o'rinli foydalanishga, so'z qadriga yetishga da'vat etadi. Chunki so'z insonning qudratli quroli, ezgulikka ham, razillikka ham sabab bo'luvchi tengsiz vositadir. Ana shuni hisobga olgan holda yana A.Avloniy yozadi: "Agar so'z aql va hikmatga muvofiq bo'lub, o'ziga yoki eshituvchiga bir foyda chiqadurg'on bo'lmasa, asalarilar orasida qovoqari kabi quruq g'ung'urlamoq faqat bosh og'rig'idan boshqa narsa emasdur. Boshimizga keladurg'on qattiq kulfatlarning ko'pi yumshoq tilimizdan keladur" [2, 242].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

O‘z milliy tilining bilimdoni bo‘lgan har bir shaxs shu tilda go‘zal nutq irod qila olmog‘i, xalqning muomala odobidan ham boxabar bo‘lmog‘i lozim.

“Mol olasi tashida, odam olasi ichida» deganlaridek, har doim ham odamning suratidan uning siyratini bilib olish imkoni bo‘lavermaydi. Faqat ro‘paramizda turgan kishining o‘ylari tovushlarga, nutqqa aylanib, bizga yordamga kelgandan keyingina uning asl qiyofasini chuqurroq anglay boshlaymiz. Chunki “nutq har birimizning kimligimizni har qanday pasportdan ko‘ra yaxshiroq dalillaydi” (Korney Chukovskiy). Buning asosiy boisi shundaki, so‘z odamning qalbidan chiqadi. A.Yassaviyning fikricha, “tan so‘zlamas, jon so‘zlamas, iymon so‘zlar”, iymon esa qalbdan bo‘ladi. Dili pok odamning ko‘zi ham, o‘zi ham pok bo‘ladi. Shuning uchun ulug‘ bobokalonimiz Mir Alisher Navoiy Farhodga tavsif berar ekan:

Demonkim ko‘ngli pok-u ko‘zi pok,

Tili pok-u so‘zi pok-u o‘zi pok, – deya lutf qiladi va boshqa bir baytida:

Fahm ayla, kishi holin so‘z demagidin

Kim berdi xabar hadisi ko‘ngildagidin, – deb bu fikrni yanada rivojlantiradi.

Xalqimizning “Yaxshining so‘zi moy, yomonning so‘zi loy”, “Yaxshi topib gapirar, yomon qopib” singari maqollaridan ham ma‘lum bo‘ladiki, har kim o‘z saviyasiga yarasha so‘zlaydi.

“Dil – dengiz, til – qirg‘oq”. Dengiz to‘lqin ko‘tarsa, qo‘ynida borini qirg‘oqqa chiqarib tashlaydi (Jaloliddin Rumi). Shundan bo‘lsa kerak, shoir yozadi:

Balo boshi dema suyaksiz tilni,

Unga to‘nkayverma, gunoh sabilni.

Tildan ilgariroq gunohkor sana

Suyaksiz yurakni, suyaksiz dilni [4, 8].

Bundan ko‘rinadiki, tilimiz nojo‘ya so‘zlarni aytmasligi uchun, eng avvalo, dilimiz pok bo‘lishi kerak. Zero, dilni, siyratni poklamay turib, tilni ham poklab bo‘lmas.

Dehqonga ketmon, karvonga sarbon, chavandozga qamchi, bog‘bonga qaychi, musavvirga bo‘yoq, cho‘ponga tayoq, ovchiga miltiq, oshpazga masalliq, tikuvchiga igna-ip, o‘qituvchi – tarbiyachiga esa til, so‘z, nutq kerak. Kerak bo‘lganda ham eng chiroyli, eng shirin, eng

madaniyatli, eng mazmunli nutq zarur. Agar shu talablar o'qituvchi nutqi sifatlarida bo'lmas ekan, uning barcha harakatlari behuda, befoya.

O'qituvchi, o'qitish, o'qitishga o'rgatish. Bu so'zlar zamirida bir narsa yotadi. Bu – ilm! Ilm nima? – aqliy shakllanish. Undan qanday maqsad chiqadi? – faoliyatida aqlli ishlarni bajarish, odamlar bilan chiroyli muomalada bo'lishga o'rganish. Bu fazilatlar umrboqiylik kasb etsa-chi, unda nima bo'ladi? Chiroyli nutq yaratiladi. Chiroyli nutqning nima ahamiyati bor?

Chiroyli nutq odamlar qalbiga shodlik olib keladi. Ilmiy anjumanlarga chiroy, majlis-yig'inlarga ko'rk-mazmun, dars mashg'ulotlariga ma'no-mohiyat bag'ishlaydi. Oilalarga xurramlik, bemorlarga kuch-quvvat, insonning ish faoliyatiga baraka ulashadi. Go'zal nutq eshituvchini sehrlab qo'yadi. Eshituvchi butun vujudi bilan shu shirin kalima asiriga aylanadi. Gapiruvchiga tahsinlar o'qiydi, unga bo'lgan mehr-muhabbati ortadi.

Yoshlar ustozlari nutqidan faxrlanishadi, boshqalarga g'ururlanib so'zlab beradi. To'y-ma'raka, majlis, yig'inlarda so'zlangan chiroyli nutq tinglovchiga huzur-halovat baxsh etadi, so'zlovchi martabasini esa yuksaklikka ko'taradi.

Odamlar chiroyli nutq egalariga juda katta hurmat bilan qarashadi. Ularga o'xshashni, ulardek mazmunli, qisqa va lo'nda, shirali va nazokatli, hammaga ma'qul va manzur bo'ladigan nutq so'zlashni orzu qilishadi.

Suqrotidan "Dunyoda eng qiyin va og'ir ish nima?" – deb so'rganlarida olim: "So'zlash", deb javob bergan ekan. So'zlovchining madaniylik darajasi o'z nutqini tinglovchilarga moslay olishida, natijada turli saviyadagi kishilar uni maroq va huzur bilan tinglashlarida namoyon bo'ladi.

O'zbek muloqot xulqini – kim kim bilan qachon qanday sharoitda qaysi maqsadlarda qanday gapirishi lozimligini bilishimiz lozim, bu ham bizning o'zligimizning, milliyligimizning tarkibiy qismlaridan biridir. Muloqot xulqi inson, qolaversa, millat o'zligini namoyon qilishining muhim omillaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Авлони́й А. Тошкент тонги. – Т., 1979.
2. Фитрат А. Танланган асарлар. V жилд. – Т.: Маънавият, 2010. – 304 б.
3. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 168 б.
4. Мўмин С. Дили покнинг тили пок. – Фарғона, 1997. – 56 б.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

TILGA E`TIBOR - ELGA E`TIBOR

Abdullayeva Dilorom Axmedovna
BuxDTI dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Annotatsiya: Ushbu maqolada o‘zbek tilining o‘zbek millatining faxri, g‘ururi ekanligi, tilsiz hech bir millat to‘laqonli xalq bo‘la olmasligi, O‘zbekiston Respublikasida o‘zbek tilini o‘rganish uchun barcha shart-sharoitlar yaratilganligi yoritilgan.

Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo‘lgan o‘zbek tili xalqimiz uchun milliy o‘zlik va mustaqil davlatchilik timsoli, bebaho ma‘naviy boylik, mamlakatimizning siyosiy-ijtimoiy, ma‘naviy-ma‘rifiy taraqqiyotida g‘oyat muhim o‘rin egallab kelayotgan buyuk qadriyatdir. Til – har bir millatning qalbi, g‘ururi, mustaqillik belgisi, kelajagi. Tilsiz hech bir millat to‘laqonli xalq bo‘la olmaydi. Usiz Vatanning erki yo‘q. O‘zbek tili ham millatimizning faxri, dunyo tan olishiga hissa qo‘shgan aloqa vositasidir.

1989 - yil 21- oktabr. Bu qutlug‘ kun O‘zbekiston tarixiga, o‘zbek millati yilnomasiga zarhal harflar bilan bitildi. “Davlat tili haqida”gi qonun qabul qilindi.

Sobiq ittifoq davrida ardoqlagan ana shu muqaddas tilimiz qog‘ozda bor bo‘lsa-da, amalda yo‘q edi. Biz ko‘p yillar buyuk ajdodlarimiz muloqot qilgan, olamshumul tarixiy asarlar yaratgan tilimizdan ayri yashadik. Dilimizdagini tilimizda ayta olmadik. Shoir Muhammad Yusuf yozganidek:

*Kimdir mayda millat bo‘ldi, kimdir katta,
Katta millat Afandisi yo‘qdir hatto,
Biz piyoda, biz boqqanlar yurdi otda,
Zulm o‘tsa faqat sendan o‘tdi zulm,
Ona tilim, kechir meni, ona tilim.*

Sobiq ittifoq davrida bunday qonunning qabul qilinishi jasorat, o‘ziga xos ma‘naviy inqilob, mustaqilligimiz sari qo‘yilgan eng dadil qadam edi. “Davlat tili to‘g‘risida”gi qonun loyihasi 1989-yilning boshlarida matbuotda e‘lon qilinib, umumxalq muhokamasiga qo‘yildi. Bu qonun

loyihasi zo'rama-zo'rakilik asosida tayyorlangan edi. Davlat boshqaruvi organlarida, yetakchi vazirliklarda barcha yozuv-chizuv ishlari, so'zlashuvlar, avvalgidek, rus tilida amalga oshirilar, uzoq tumanlardagina qisman davlat tilida ish yuritilardi. Qonun loyihasi bo'yicha matbuotda aniq va dadil fikr-mulohazalar aytila boshlandi. O'zbek tili davlat tili bo'lishi kerakligini hech hayiqmay aytayotgan ziyolilar, ijodkorlar ko'p edi. Lekin ikki tillilikni xohlayotgan, rus tilisiz hayot, taraqqiyot yo'q, deyaotganlar ham bor edi.

O'zbek tili – O'zbekiston Respublikasi aholisining ko'pchiligi bo'lmish o'zbek xalqining ona tilidir. Mustaqillik yillarida mamlakatimizda o'zbek adabiy tilini rivojlantirish masalalariga alohida e'tibor qaratildi. Natijada o'zbek tilining xalqaro miqyosdagi nufuzi oshib, faol muloqot vositasiga aylanib bormoqda. Turli darajadagi rasmiy uchrashuvlar, muzokaralarda tilimiz keng qo'llanilmoqda, xorijdagi ko'plab universitetlar, ilmiy muassasalarda o'zbek tili markazlari tashkil etilib, ularda ona tilimizni o'rganishga qiziquvchilar safi tobora ortib bormoqda.

Shuni alohida e'tirof etish joizki, yurtimizda amalga oshirilayotgan til siyosati barcha demokratik tamoyillarga mos keladi. Buni O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasidagi «O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlar va an'analari hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi», degan me'yorlar misolida ko'rish mumkin.

Demak, O'zbekiston Respublikasida davlat tilini o'rganish uchun barcha fuqarolarga shart-sharoit hamda uning hududida yashovchi millatlar va elatlarning tillariga izzat-hurmat bilan munosabatda bo'lish ta'minlangan va bu tillarni rivojlantirish uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan. Bu qonun millatlararo totuvlikni mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega.

Qonunning 6-moddasida O'zbekiston Respublikasida yashovchi shaxslarga ta'lim olish tilini erkin tanlash huquqi berilgan. Davlatimiz o'z zimmasiga farzandlarimizning davlat tilida, shuningdek, boshqa tillarda ham umumiy, o'rta maxsus va oliy ma'lumot olishni ta'minlash vazifasini ham olgan.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

O'zbek tili kompyuter va Internet, aniq fanlar, tibbiyot, iqtisodiyot kabi maxsus termin va tushunchalarni talab qiladigan sohalarda ham keng qo'llana boshlandi.

Mustaqillik sharofati bilan tilimizning nufuzi hatto chet mamlakatlarda ham oshib bormoqda. Ommaviy axborot vositalari orqali chet ellik mehmonlarning o'zbek tilida so'zlaganlarini eshitib qolamiz. Bizning tilimizda boshqa millat vakillari, ayniqsa, xorijlik mehmonlar so'zlashganini eshitganimizda qalbimizga bir xursandchilik kiradi. Bu albatta, Vatanimizning jahon hamjamiyatidagi o'рни tobora mustahkamlanib borayotganidan dalolat beradi.

Mamlakatimizda 7 ta tilda (o'zbek, rus, qoraqalpoq, qozoq, qirg'iz, tojik va turkman tilida) ta'lim olib borilayotganligini va shu tillarda darsliklar, adabiyotlar va ta'lim olish uchun zaruriy manbalar yetarlicha ta'minlanayotganligi, yurtimizda "Tilga e'tibor – elga e'tibor" kabi hikmatli so'zlarning jamiyat hayoti farovonligida o'zining munosib o'rnini topayotganligini ko'rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullayev A.B. Til – tafakkur ko'zgusi. Buxoro – 1989
2. Abdullayev A.B. Til haqidagi qonun va o'zbek tilida so'z qo'llash masalasi. – Buxoro davlat pedagogika instituti professor-o'qituvchilari XXXV ilmiy-nazariy konferensiyasi materiallari. Buxoro – 1990 yil.

ONA TILI BU – MILLAT KO‘ZGUSI, UNING G‘URURIDIR

Ne‘matova Parizod,

Buxoro. 51-maktab o‘quvchisi

ANNOTATSIYA. Ona tili bu har bir insonning faxri. Ona tili har bir insonning faxri bo‘lishi bilan bir qatorda, uning g‘ururi, or-nomusi kabi bo‘lmog‘i lozimdir. Men o‘z ona tilim bilan faxrlanaman.

O‘sha buyuk deb buyuklangan, "o‘lka"da, ulug‘ deb ulug‘langan o‘lkada, o‘z tarixiga buyuklangan urf-odatiga, tiliga tahqir ko‘zi bilan qaraldi. Biz uzoq vaqt milliyligimizdan, urf-odat va qadriyatlarimizdan yuz o‘girdik. Yaxshiyamki, xalq baxtiga qayta qurish, yangilanish ijobat bo‘lib, tilga munosabat tubdan o‘zgardi. Ayniqsa, o‘zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, ushbu boradagi g‘alabalardan biri bo‘ldi. O‘zbek tiliga davlat tili maqomi 1989-yil 21-oktabrda berildi, 24 moddadan iborat qilib qo‘yildi. "Davlat tili" to‘g‘risidagi qonun qabul qilindi. Jamiyatda kishilar o‘rtasida tilsiz hech qanday aloqa bo‘lmaydi. Jamiyat bo‘lmasa, til ham bo‘lmaydi. Bu ikki narsa bir-biri bilan bog‘liq. Til jamiyat a‘zolarining hammasiga bir xilda bab-barovar xizmat qiladi. Til odamga o‘z manfaatlarini qondirish uchun emas, aksincha, fikrini, o‘y-xayollarini, tuyg‘ularini, o‘zidagi haqiqat va ilhom uchqunlarini ifodalash va o‘zgalarga in‘om etish uchun beriladi. Kishilik tafakkurining eng yuksak masalasi, eng teran bilimlar va eng ehtirosli tuyg‘ular agarda so‘zda ravshan va aniq ifodalanmasa, odamlar uchun noma‘lumligicha qolaveradi. So‘z adabiyot quroli bo‘lganidek, til fikrni ifoda etish qurolidir. Shuning o‘zidan ham ko‘rinib turibdiki, buyuk adibimiz Abdulla Qahhor: "Adabiyot atomdan kuchli", -deb bejizga aytmagan. Til millionlarcha ajdodlar tomonidan yaratilgan tirik jondir. Til tafakkur quroli... Tildan noo‘rin foydalanmaslik kerak.

Zero, til olloh tomonidan berilgan buyuk in‘omdir. Tildagi ravshanlik ravshan fikr natijasidir, ravshan fikr turgan gapki, ravshan ifodani talab qiladi.

Til bilmoq, el bilmoq. Biz yuqorida o‘zbek tilining buyukligi haqida gapirdik. Lekin, dunyoda boshqa bir tillar borki, ularni o‘rganish bugungi davr talabidir. Til bilish dunyoni bilishga yo‘l ochadi. Biz qancha ko‘p

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tillarni o'rgansak, shuncha xalqlarni, elatlarni taniymiz, ularning tarixini bilamiz. Til o'rganish bizga har qanday xalqning milliy urf-odatlarini bilishni o'rgatadi. Agar biz boshqa tillarni ham o'rgansak dunyo qarashimiz boyiydi. Bugun bizni ko'plab imkoniyatlar kutmoqda. Atrofimizdagi chet elliklar bilan bemalol axborot almashinishga keng yo'l ochadi. Bu esa har bir sohani yuksak cho'qqiga olib chiqadi. Biz til o'rgansak, dunyoni bilsak va shu bilan birga o'z ona tilimizni hurmat qilib, sevib, uni ham o'zgalarga o'rgatsak, uning keyingi avlodga yetib borishini taminlasak, ona tili oldidagi burchimizni bajargan bo'lamiz.

Men xulosa o'rnida Muhammad Mustafo sallallohi alayhi vassallamning aytgan hikmatli so'zlarini joiz deb topdim: "til, Oллоh Taolo o'z bandalariga bergan hisobsiz ne'matlar qatoriga kiradi.

Kishi bu ne'matning qadriga yetmasa, shukronasini qilmasa, ikki dunyo xijolatlikka sabab bo'ladi".

Zero, jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilning betakror jozibasi bilan singadi.

Ona tiliga muhabbat bu - insoniyatga, vatanga, onaga, yaqin insonlarga muhabbatdir. Har kim o'zligini, tarixini, dinini, o'z ona tilini va, albatta, o'z ildizlarini anglab yetmog'i joiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.
2. "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.
3. Salomov G'. Til va tarjima. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 384.

TIL – BUYUK QADRIYAT

Saidova Mohira,
BuxDU dotsenti, f.f.n.

ANNOTATSIYA. Ushbu tezisda o‘zbek tilining boy imkoniyatlari bayon qilingan. “Davlat tili haqida”gi Qonunning mazmun-mohiyati, ijrosi haqida fikr-mulohaza yuritilgan.

O‘zbek tili yer yuzidagi eng boy va qadimiy yozma an‘analarga ega bo‘lgan tillardan biridir. Uning ildizlari tarixning ming yilliklari qa‘riga borib taqaladi, ana shunday chuqur manbalardan quvvat va qudrat oladi. Bu til bugunni moziy bilan, ajdodlarimizning benazir tafakkuri va taxayyuli mahsuli bo‘lmish aqliy va badiiy tafakkurlari bilan muntazam bog‘lab turuvchi mustahkam ko‘prik. Bu til o‘zbekning hech narsa bilan qiyoslab bo‘lmaydigan bebaho boyligi, o‘zligining o‘zagi, “men”ligining mag‘zi maqomidagi muhtasham mulki. Yaqin o‘tmishimizdagi istibdod davrida o‘zbek tilining yagona vatani bo‘lmish O‘zbekistonda bu tilning haq-huquqlari benihoya bepisandlik bilan poymol qilindi, uning qo‘llanishi “qizil quyushqon”ga solindi, u rasmiy muloqot maydoniga yo‘latilmadi. Albatta, bunday munosabat xalqning, millatning hamiyatiga qilingan tajovuz edi va bu xalq qalbidagi adoqsiz og‘riq edi.

O‘zbek tiliga davlat tili maqomini berish to‘g‘risidagi masalaning kun tartibiga chiqishi shunchaki muallaq tasodifning taqozosi emas, balki xalq qalbidagi asriy og‘riqqa malham topish, tarixiy adolatni tiklash yo‘lidagi jiddiy va jasur sa‘y-harakatlarning, ta‘bir joiz bo‘lsa, ibtidosi edi. Albatta, mazkur qonunning tayyorlanishi va qabul qilinishi, osonlik bilan bo‘lgan emas. 1988-yilda “Davlat tili haqida”gi Qonun loyihasini tuzish bo‘yicha tilshunoslar, huquqshunoslar, adiblar va boshqa tegishli mutaxassislardan iborat komissiya tuzilgan. O‘sha vaqtdagi rahbariyat topshirig‘i va qat‘iy talabiga ko‘ra “Tillar to‘g‘risida”gi qonun loyihasi hozirlanib, matbuotda e‘lon qilingan edi. Ammo bu loyiha keng jamoatchilikning haqli va jiddiy e‘tiroziga sabab bo‘ldi. Chunki mazkur loyiha, nomidan ham ko‘rinib turganiday, bir til haqida emas, balki bir nechta tillar haqida bo‘lib, mamlakatda o‘zbek va rus tillariga davlat tili maqomini berish qoidalashtirilgan edi. Albatta, loyihadagi ikki tillilik g‘oyasi behad qizg‘in bahs-munozaralarda, keng omma o‘rtasidagi muhokamalarda e‘tirozlarga sabab bo‘ldi. O‘sha paytdagi vaziyat

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qanchalik murakkab, qaltis, qanchalik tahlikali bo‘lmasin, nafaqat markaz, balki o‘zimizdagi ikki tillilikning tarafdorlari bo‘lar-bo‘lmas shovqin-suron qilishmasin, yangi qonun loyihasi tayyorlandi, unda ikki tillilik g‘oyasi bartaraf etildi. Faqat o‘zbek tiliga davlat tili maqomini berish qoidalashtirildi, shuning uchun qonun loyihasi ham to‘g‘ridan to‘g‘ri “Davlat tili haqida” deb nomlandi. Mazkur qonun o‘zbek tiliga davlat tili maqomini berish bilan bir qatorda O‘zbekistonning davlat mustaqilligi sari dadil qo‘yilgan ilk amaliy qadamlardan biri bo‘lganligini ta’kidlash lozim. O‘zbek tili ozod O‘zbekistonning davlat tili ekanligi haqidagi qoida Asosiy Qonunimizning 4-moddasida ham mustahkamlab qo‘yilgan. Ushbu qonunlar asosida mustaqil mamlakatimizda hech kimning, biron-bir boshqa millat vakilining ko‘ngliga hech bir ishtiboh solmaydigan, hamiyatiga tegmaydigan, har qanday demokratik tamoyillarga mos keladigan, benihoya xolis va oqilona til siyosati shakllangan. Yurtimizning turli millatga mansub fuqarolari o‘zbek tili bilan bir qatorda o‘z ona tillarini ham mukammal o‘rganmoqdalar, davlat tilidan tashqari turli tillardagi ta’lim, davriy nashrlar, televideniye va radio dasturlari muntazam yo‘lga qo‘yilgan.

Mamlakatimiz istiqloлга erishgach o‘zbek xalqining madaniy-ma’naviy hayotida ulkan ijobiy o‘zgarishlar yuzaga keldi. Milliy qadriyatlar tiklandi, xalqimizning ma’naviyati, madaniyati, axloqiy e’tiqodlari milliy ruh va yangi mazmun bilan to‘ldi. O‘zbek tili sohasida ham milliy ruh va imkoniyatlarni tiklash uchun harakat kuchaydi. Shu kundan boshlab ona tiliga bo‘lgan e’tibor yuksak qadrlandi. Ushbu kunni o‘zini o‘zbek deb hisoblagan har bir inson cheksiz quvonch va iftixor bilan nishonlashga haqli. Zero, inson o‘z ona tili bilan ulg‘ayadi, kamolga yetadi, yashaydi. Komillikning birinchi belgisi ham tilda namoyon bo‘ladi. Ona bizga jon baxsh ato etgan bo‘lsa, til bizga aql-zakovat ato etadi. Shuning uchun ham o‘zbek tili buyuk va muqaddasdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olilanob xalqimiz bilan birga quramiz. –Toshkent: O‘zbekiston, 2018.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. 1992.
3. “O‘zbekiston Respublikasining davlat tili haqida”gi Qonuni. 1989-yil 21-oktabr.

DAVLAT TILIDA ISH YURITISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

Saidova Xurshida,

Shofirkon tumani 52-sonli
umumta'lim maktabining o'qituvchisi

ANNATATSIYA. Ma'lumki, hujjatchilik yoki munshoat, ya'ni davlat tilida ish yuritish hujjatlarsiz ish yuritmaydigan davlat va jamiyatning o'zi yo'q. Biroq soha mutaxasislarining hammasi ham hujjatchilik va davlat tilida ish yuritish malakalariga ega emas va bu davrning dolzarb muammosi hisoblanadi. Quyidagi maqolada davlat tilida ish yuritish muammolari va yechimlari haqida fikr-mulohazalar berilgan.

Kirish. Mustaqilligimiz asoschisi birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov shunday degan edi: "O'z fikrini mutlaqo mustaqil, ona tilida ravon, go'zal va lo'nda ifoda eta olmaydigan mutaxasisni, avvalombor, rahbar kursisida o'tirganlarni bugun tushunish ham, oqlash ham qiyin". Agar xodim yoki rahbar yozma va og'zaki nutq layoqatiga ega bo'lmasa, uni chin ma'noda chalasavod deyish mumkin. Afsuski, rahbar nomiga ariza, ishga oid bayonnoma, dalolatnoma kabi hujjatlarni yozish layoqatlari bizda juda sayozdir.

Asosiy qism. Bugungi kunda biron – bir tashkilot, korxonalar muassasa yo'qki hujjatlarsiz ish ko'rsin. Hujjatlar kishilik jamiyatini uzluksiz tartibga solib turadi. Ma'lumki, 1924- yilning 31- dekabrda 48-raqamli qarori bilan O'zbekiston jumhuriyatida o'zbek tilida ish yurgizish haqida qaror qabul qilingan edi. Bu qarorni amalga oshirish uchun maxsus ish qog'ozlari tayyorlangan. Lekin 30-yillarning 2-yarmidan boshlab o'zbek tiliga bo'lgan e'tibor rasman susaydi. Bu esa Sobiq Ittifoqning mafkurasi ostida ma'naviy hayotimizni oyoqosti qilinishiga sabab bo'lgan edi.

Aytish lozimki, yaqin o'tmishda barmoq bilan sanarli miqdordagi hujjatlar o'zbek tilida yozilgan. Ammo hujjatlarni sof o'zbekcha yozilgan deyish ancha qiyin. 1989- yil O'zbekistonning "Davlat tili haqida"gi qonunning 7-moddasiga ish yuritish o'zbek tilida yuritiladi,- deb yozilgan", 22- moddasida esa ish qog'ozlarining matnlari o'zbek tilida bo'lishi aytilgan. 1992- yil 8- dekabrda qabul qilingan. O'zbekiston

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Respublikasi Konstitutsiyasining 4- moddasida ham O‘zbekiston Respublikasining davlat tili o‘zbek tilidir deyilgan. Ammo shunga qaramay hali ko‘p korxonalar, tashkilot va muassasalarda hujjatlar o‘zbek tilida to‘liq olib borilmayotir. Olib borilayotganlari ham talab darajasida emas. Shundan kelib chiqadiki, ish yuritishni o‘rganish, o‘rgatish muhim vazifalardan hisoblanadi. Ayniqsa, aloqa hamda hisob – kitob umuman iqtisodiyot bilan bog‘liq sohada ko‘plab hujjatlar bilan ishlashga to‘g‘ri keladi. Hisob-kitob hujjatlarining aksariyati rus tilida, vaholanki, Davlat tili haqidagi qonunda ish yuritish hujjatlari o‘zbek tilida yuritilishi belgilangan, holbuki, o‘zbek tili Davlat tili maqomiga ega.

O‘zbek tilida grammatik qoidalariga javob beradigan, umumstandart me‘yoriga mos bo‘lgan ish yuritish qog‘ozlari, ularning turlari, yo‘nalishlari, asoslarini bilib olish, hech bo‘lmaganda umumiy tushuncha va tassavuriga ega bo‘lish kerak. Buning uchun esa hujjatchilik fanining asoslarini ishlab chiqish alohida ahamiyatga ega. Ta‘lim muassalarida hujjatchilik fanini joriy etish va soha mutaxassislarini jiddiy tayyorlash lozim. Hujjatchilik shunday fanki, u korxonalar va tashkilotlar faoliyatida olib boriladigan hujjatchilikning nazariy va amaliy jihatlari bilan tanishtiriladi.

Inson faoliyatida hujjat muhim ahamiyat kasb etadi. U kishilik jamiyatini uzluksiz tartibga solib turadi. “Boshqaruv sohasidagi kamchiliklarning, asosiy sabablaridan biri, - deb yozadi yirik hujjatshunos A.S. Golovich (Oformlenie dokumentov-Kiev-Dones-1983), - soha xodimlarining ko‘pchiligida nazariy va amaliy tayyorgarchilikning bo‘shligidir..” . Ba‘zan hujjatlarga jiddiy munosabatda bo‘lmaymiz. Mukammal va oqilona tashkil etilgan hujjatchilik har qanday idoradagi ish yuritish asosidir. Bugungi kunda, ayniqsa, o‘zbek tilida ish yuritish hujjatchilikning asoslarini bilish alohida o‘rin tutadi. Yosh mutaxassislariga bu sohada bilim berish davr taqozosidir.

Hujjatlar u- bu xodisani, holatini tasdiqlovchi va qayd qiluvchi ro‘yxatdan o‘tkazish maqsadida tuziladi.

Hujjatlar davlat, respublika, shahar, korxonalar, tashkilot tarixini yozish uchun axborotlar manbasi sifatida o‘rin egallaydi. Ular u yoki bu xodisani tasdiqlab berishga asos bo‘lib xizmat qila oladi.

“Hujjat” o‘zbek tilining izohli lug‘atida arabcha so‘z bo‘lib, uning yuqorida qayd qilingan asosiy ma‘nosidan tashqari ilmiy, ijtimoiy yoki

tarixiy ahamiyatiga ega bo'lgan yozuvlar, suratlar, asar yoki adabiyot ma'nosini ham anglatishi ta'kidlangan. O'rxun – Enisey yozuvlari eng qimmatli tarixiy hujjatdir. Rasmiy hujjat o'rnida biz "ish qog'ozlari" ni ishlatamiz. Qog'oz so'zi asli fors – tojikcha so'z bo'lib, u so'zlashuv tiliga xosdir. Eski kitobiy tilda rasmiy yozishma, maktub, xat ma'nosi o'rnida, "noma" fors – tojik so'zi keng qo'llangan. "Noma" kitob, asar ma'nosini ham ifodalagan. Rus tilidagi "Документ" so'zi esa lotincha bo'lib "ibratli, namunali misol", "isbotlovchi yo'l"- degan ma'noni anglatadi. Bu atama rus tiliga Petr davrida kirib kelgan bo'lib, huquqiy ahamiyatga doir ish yuritish qog'ozlari hujjat – document deb yuritila boshlangan. Keyinchalik bu so'z ikkita ma'noda: tom ma'noda – shaxsni tasdiqlovchi passport, ko'chma ma'noda – biron narsani tasdiqlash uchun guvoh sifatida qullangan.

Iqtisodiy jihatdan o'sish, fan va ishlab chiqarishda sifatli o'zgarishlarning yuz tutishi bilan informatsiyalarning ortib borishi boshqarish masalasiga alohida e'tiborni ko'zda tutadi. Bu o'rinda boshqarish mehnatini tashkil qilish va takomillashtirish masalasi muhimdir, shu jumladan, hujjatchilikni va hujjatchilik jarayonini takomillashtirib borishi chetda qolmaydi. Shu sababli barcha boshqaruv rahbarlaridan hujjatlashtirish va hujjatlar bilan ishlashni tashkil qilish masalasiga alohida e'tiborni talab qiladi.

Xat xabarlarini hisobga olishda progressiv shakllarni izlash, ishlab chiqish muhimi kompyuterdan foydalanish, uning ishlatish yo'llarini yaqin yillar ichida boshqaruv tizimida ishlovchilarga o'rgatish kerak bo'ladi. Rejalashtirish, moddiy texnika ta'minoti, hisob - kitob hamda tashkiliy – farmoyish va boshqa hujjatlar doirasida standartlash ustida ish olib borishni kengaytirish zarur, chunki hisoblash texnikasi ishonchli, ahamiyatga ega bo'lgan axborot ma'lumotlarni olish imkoniyatiga, shuningdek vaqtdan tejaydi va qo'l mehnatini yengillashtiradi. Ammo inson baribir asosiy vazifani bajaradi, xulosa chiqarish o'qish faoliyati bilan bog'liq bo'ladi. Mashina esa yordamchi vazifani bajaradi.

Boshqarishni kompyuterlash, qog'ozsiz hujjatlarni uzatish uchun sharoit tug'diradi. Huquqiy va tarixiy ahamiyatga ega bo'lgan davlat arxivida saqlanishi lozim bo'lgan ish qog'ozlari, buyruq, hisobot, reja bajariladi. Respublikamizda bu ancha orqada edi. Oxirgi yillarda, bu masalaga ham e'tibor kuchaydi kompyuterlash va undan foydalanish keng

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

quloq olmoqda. Kompyuterda hujjatlarni tahrirlash uchun ish yuritish qog'ozlarini mukammal o'rganish va uni o'zbek tilida yozish malakalari bilan jiddiy shug'ullanish juda zarur.

Hujjatlar u yoki bu xodisani tasdiqlovchi qayd qiluvchi ro'yxatdan o'tkazish maqsadida tuziladi. Shuningdek, hujjat korxonasi, tashkilot va ayrim shaxslarning huquqini qayd qiladi. Hujjatlarning nazariy va amaliy jihatlari bilan tanishtirish, ish qog'ozlarining asosini o'rgatish hujjatchilik fanini zimmasida.

Hujjatchilikning muhim vazifasi – ma'muriy faoliyatini hujjatlash, barcha hujjatlarni ishlab chiqish, ularni saqlashdir.

Talabalarga hujjatchilik fanini o'rgatishdan maqsad – hujjatning o'zi nima degan savolga javob bera olish, hujjatning o'rnini, ahamiyatini talabalarga etkazish, hujjat turlari, shakllari va namunalarini tushuntirish, ish qog'ozlarining uslubi, lug'aviy hamda grammatik xususiyatlari haqida nazariy ma'lumotga ega bo'lish, sohaga oid hujjatlarning o'ziga xos xususiyatlari, tuzish tayyorlash qoidalari va me'yorlarini nazariy hamda amaliy jihatdan o'rgatish, yo'riqlar ko'satish muhimdir.

Xulosa. Hujjatchilik, avvalo, til fani bilan bevosita bog'liq. Ma'lumki, ish qog'ozlari nutqi – rasmiy uslub aniqligi, mantiqli, ixcham lo'nda, qisqa hamda ishonarli bo'lishi bilan xarakterlanadi. Hujjatlar nutqi umumiste'moldagi adabiy tildan ajramagan holda ish ko'radi, ya'ni o'zbek adabiy tili qoidalari, qonuniyatlariga rioya qilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Yuqoridagi muammolar va uning yechimi borasida Davlat tilini rivojlantirish departamenti nazorat qilsa va jiddiy shug'ullansa, ish yuritish hujjatlarida xato va kamchiliklar bartaraf etilar edi. Bu esa o'z-o'zidan Davlat tilining nufuzini yanada oshirish, jamiyat hayotida tutgan o'rnini mustahkamlash uchun muhim omil bo'lar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Davlat tilini rivojlantirish departamenti to'g'risida. Nizom . – Toshkent . 2019-yil
2. I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent . 2008-yil
3. Davlat tili haqida. Qonun. – Toshkent, 1989-yil
4. N. Mahmudov va boshqalar. O'zbek tilida ish yuritish. – Toshkent. 1990-yil

ДАВЛАТ ТИЛИ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИ

Салихова Замира,
БухДУ ўқитувчиси
Садуллаева Муниса,
БухДУ талабаси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада давлат тилининг мақоми муҳокама қилинади. Дунёда олти мингга яқин тил ва диалект мавжуд. Уларнинг юзга яқини давлат тили мақомига ега. Ўзбек тили давлат тили бўлганига ўттиз йилдан ошди. Биз ўзбек тилини бойитиб, тилнинг ёш авлодга бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтиришимиз керак.

Тил миллат кўзгуси, ғурури, тафаккур манбаидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”.

Бугун дунёда олти мингга яқин тил ва шева бўлса, улардан бор-йўғи юзга яқини давлат тили мақомига эга. 1400 та тилнинг йўқолиб кетиш хавфи борлигини эътиборга олсак, давлат тили мақомини олган шу юзга яқин тил орасида Она тилимизнинг борлигидан қанча ғурурлансак шунча оз.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йилдан ошди. Бироқ ўтган даврга назар ташланса, ўзбек тилининг аҳволи анча абгор ҳолга келиб қолганлиги сир эмас. Мустақиллик йилларида 21 октябрь арафасида ОАВларида қатор-қатор чиқишлар қилинар, мақолалар чоп этилар, кўрсатувлар тайёрланар, ўқув муассасаларида турли бадий ва маънавий тадбирлар ташкил этилар, жамоат бирлашмалари ва бошқа муассасалар томонидан кўрик-танловлар ўтказилар, аммо байрамдан сўнг буларнинг ҳаммаси унутиларди. Муаммолар, таклифлар қоғозда қолиб кетарди. Она тилимизнинг аҳволи эса кундан-кунга ёмонлашиб борди.

Тўғри мустақиликдан сўнг мамлакатимиз ривожланишининг турли босқичларида ўзбек тилининг ривожлантириш борасида бир

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

неча хужжатлар қабул қилинган бўлсада, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва халқ ичида истеъмол қилиниши тобора ёмонлашиб борди.

Ривожланган хорижий давлатларга эътибор қаратсак, давлат тилига эътибор жуда юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Реклама, эълонлар, баннерлар, кўрсаткичлар давлат тилида. Сиз у ерда аллақандай ажнабий мамлакатда эмас, айнан ўша мамлакатда юрганингизни ҳис қиласиз. Аммо туб аҳолининг ўз она тилларига бўлган бундай эътибори қолган тилларни ҳурмат қилмаслик дегани эмас. Уларнинг хорижий тилларни билиш даражаси ҳавас қилгулик. Ўз она тилларидан ташқари, инглиз, немис, рус ва бошқа тилларда бемалол сўзлай олади.

Дорихона, китоб дўконлари номи ва ҳоказоларнинг ўз она тилида ёзилганига диққатни тортади. Масалан, бизда дорихона эмас, кўпинча "аптека" ёзилади. Бизнинг шаҳарларимизда юрсангиз, ўзингизни ажнабий мамлакатда юргандай сезасиз. Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, дўконлар, реклама номлари инглиз ёки рус тилида. Камига ўзбек тилидагисида кўплаб хатоликлар. Афсуски, бундай ҳолатлар одатий ҳолга айланган.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда она тилимизнинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йилда Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 21 октябрь – “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Департаментнинг асосий вазифаларидан бири давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини жорий этишдан иборат деб белгиланган.

Фармонга кўра, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилади, шунингдек, илмий асосланган янги сўз ва

атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмаларида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида раҳбарнинг маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Унга кўра маслаҳатчилар давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишида иштирок этиш;

- маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат тилини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш;

- давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларида, шунингдек, уларнинг тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ходимларига давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат тилини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, шу жумладан, “Ўзбек тили байрами куни”ни нишонлаш бўйича маданий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- географик ва бошқа топонимик объектлар, маданий мерос объектларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

- ҳудудлардаги барча ташқи ёзувлар, шу жумладан лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлашда иштирок этиш;

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- davlat organlari va hўжалик бирлашмаларида davlat tilini rivojlantirishga oid ilmiy-tadqiqot ishlarini qўllab-quvvatlash, ilmiy asoslangan yangi sўz va atamalarни istemolga kiritish, zamonauiy atamalarning ўzbekona muqobilларани yaratish buyicha takliflar kiritish kabi vaqolatlar berilgan.

Endilikda ўz faoliyatini tashkiliy jihattan rivojlantirayotgan departament va maslahatchilarning faoliyati samaradorligini viloyat, shahar va tumanlarda olib borilayotgan ishlardan, kuchalarдаги lavhalar, eʼlonlar, reklama va kurgazmali bosqa axborot matnlari, tashqi reklama materiallarining davlat tilida urnatiliшида kuzatib borishimiz mumkin. Zera, ўzbek tili mavqeiни kutarish, uni haqiqiy davlat, ona tiliga aylantirish uchun har bir fuqaro masul bulishi lozim.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A.A. Azizov "Rus va ўzbek tillarining qiesiy grammatikasi T. "Ukituvchi" 1983.
2. M. Mirtojiyev 4. M. Mirtajiyeв «Ўzbek tili fonetikasi» T. 1991 год. T. 1991. ўzbek tili.
3. N.A. Baskakov «Ўzbek tillarining tarixiy va tipologik fonologiyasi», Moskva, 1988.

ТИЛ – ХАЛҚЛАРАРО МАДАНИЯТ КўПРИГИ

Саломова Малика,
Бухоро МТИ катта ўкитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ushbu maqolada til va madaniyatning ўzaro bogʻliqliги hamda ahamiyatli jihatlari xususida sўz boradi. Ayniqsa, bu jihatt чет tilini ўkitish jaraoida yaqqolroq sezilishi taʼkidlangan.

Кириш. Halqimizda "Til bilgan dil topari" degan hikmatli ibora bor. Bu ibora zaмиrida katta maʼno etadi. Chunki biror tilni muqammal bilgan kishigina shu tilда ўz fikrini tўgʻri va gўzal tarzda suxbatdosiga etkazishi mumkin. Agar biz muomaladaги tilни yaxshi bilmasak, bu tilда ўz fikrimizni notўgʻri baen qilishimiz va

суҳбатдошимизнинг дилини оғритиб қўйишимиз мумкин. Бундан ташқари тилни мукамал билган киши мўйқалам наққош ўз яратаётган асарига минг хил ранглар ишлатиб, жило бергани каби ўз нутқини энг гўзал сўзлар билан безаб, суҳбатдошининг қизиқишини янада орттириши, чиройли сўзлари билан уни ўзига ром этиши ва, ниҳоят, унинг кўнглини кўтариши мумкин. Бунга мисол тарзда қуйидаги ҳикматли ҳикояни эслаш мумкин. “Бир куни бир подшоҳ тунда ухлаб туш кўрибди. Тушида барча тишлари тушиб, оғзида фақат битта тиши қолганмиш. Эрталаб туриб, у кўрган тушини вазирларига айтиб берибди ва улардан тушининг таъбирини сўрабди. Шунда вазирлардан биттаси ўйламай-нетмай, “Қариндош уруғларингизнинг барчаси вафот этади ва сиз ўзингиз ёлғиз қоласиз” – дебди. Шунда подшоҳ бу вазирнинг бошини танасидан жудо қилишни буюрибди. Шунда ўз ақли ва ширинсуханлиги билан сарой аҳлининг ҳурматини қозонган бош вазир ўйлаб туриб шундай дебди: “Жуда яхши туш кўрибсиз. Барча қариндош уруғларингизнинг умри зиёда бўлур, сизнинг умрингиз эса уларникидан ҳам зиёда бўлур.” Бундай таъбирни эшитган шоҳаншоҳ вазирга бошдан-оёқ сарпо кийдиришни буюрибди”.

Асосий қисм. Бугунги, ватанимиз мустақилликка эришган бир даврда, нафақат она тилига, балки хорижий тилларга бўлган эътибор ҳам янада ортиб бормоқда. Бу дегани ҳар бир зиёли фуқаро бирорта хорижий тилда ўз фикрини тўғри баён эта олиши керак деганидир. Бу нарсага Кадрлар Тайёрлашнинг Миллий Дастурида ҳам алоҳида урғу бериб ўтилган. Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучлироқ, билимлироқ ва албатта, бахтлироқ бўлиши керак” деган сўзларини бир ёдга олайлик. Қандай инсон кучли бўлиши мумкин? Албатта, билимли инсон. Инсон ўз билимини китоб ўқиши ва бошқа миллат вакиллари билан тажриба алмашиши орқали оширади. Бошқа миллат вакиллари билан тажриба алмашиш ва мулоқотда бўлиш учун, албатта, шу миллатнинг тилини билиш зарур. Мутафаккир олимлардан бири, “Кишининг маданиятлиги даражасини унинг нечта тилни билиши орқали аниқлаш мумкин” деган. Албатта, киши бирор тилни ўрганар экан, у фақат тил ўрганиш билан чекланиб қолмайди, балки, тилини ўрганаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари ва ҳаёт тарзи билан ҳам танишади. Бунинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

учун тил ўргатаётган ўқитувчининг ўзи ҳам тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари, буюк кишилари, ҳаёт тарзи ва, албатта, давлат тизими ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак.

Мисол тариқасида қуйидаги матнларни кўриб чиқишимиз мумкин.

1. Easter day is named after the Saxon goddess of spring, Easter, whose feast took place at the spring equinox. Easter is now the spring feast of the Christian church, commemorating the resurrection of Jesus. It falls on a Sunday between 22 March and 25 April, according to the church calendar. Traditionally Easter eggs, dyed and decorated or made of chocolate, are given as presents symbolizing new life and the coming of spring. Egg rolling competitions take place in northern Britain on Easter Monday; hard-boiled eggs are rolled down a slope, with the winner being - according to local preference - the one which rolls the furthest, survives the most rolls, or is successfully aimed between two pegs! The best publicized event takes place at Avenham Park in Preston, Lancashire.

2. Art and Culture of Russia. Russian culture is associated with the country of Russia and, sometimes, specifically with ethnic Russians. It has a rich history and can boast a long tradition of excellence in every aspect of the arts, especially when it comes to literature and philosophy, classical music and ballet, architecture and painting, cinema and animation, which all had considerable influence on the world culture.

Folklore. Old Russian folklore takes its roots in the pagan beliefs of ancient Slav land now is represented in the Russian fairy tales. Epic Russian bylinas are another important part of Slavic mythology. The oldest bylinas of Kiev an cycle were actually recorded mostly in the Russian North, especially in Karelia, where most of the Finnish national epic Kalevala was recorded as well.

Юқоридаги каби матнлар нафақат талабанинг оғзаки нутқини ўстиришда қўлланилади, балки улар тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари, байрамлари, ҳаёт тарзи ва, албатта, давлат тизими ҳақида маълумот бериш каби тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда, яъни кўпгина хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва, албатта, маданий

алоқалар ўрнатмоқда. Бундай алоқаларни йўлга қўйишда бирорта чет тилини мукамал эгаллаган мутахассисларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистонлик ёшлар халқаро фестиваллар, илмий анжуманлар, спорт мусобақалари ва ҳар хил кўرғазмаларда иштирок этиб келмоқдалар. Бундай вазиятда улар мазкур давлат тилида музокаралар олиб бора олишлари билан Ўзбекистоннинг санъати ва маданиятини дунёга танитишлари ва ўз навбатида дунё санъати ва маданиятидан бохабар бўлишлари мумкин.

Хулоса. Чет тиллардан мукамал билимга эга бўлиш хорижий давлатлар билан ҳар қандай алоқаларни ўрнатишнинг биринчи шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Imomov K. O`zbek xalq nasri poetikasi. - Toshkent: Fan, 2008.
2. Jo`rayev M., Rasulova Z. Mif, marosim va ertak. - Toshkent: Mumtoz so`z, 2014. B.9.
3. English proverbs. SC Active Business Development Srl .October 10, 2016. P.112

ДАВЛАТ (ЎЗБЕК) ТИЛИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ВАТАНГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА САДОҚАТДАНДИР

Самадов Абдусалом,
СамДУ доценти, ф.ф.н

АННОТАЦИЯ. Мақолада таълим тожик тилида олиб борилаётган мамлакатимиз олийгоҳларида давлат (ўзбек) тилининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида таклиф-мулоҳазалар ўртага қўйилган.

Бугун мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн олтига диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликка яшаб, елкама-елка мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Эътиқод эркинлиги ҳамда миллатлараро тотувлик, бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу эса юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг, давлат ва

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

жамият тараққиётининг гаровидир. Давлатимизда таълим соҳасида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши, фикрлаш доираси кенгайиши, ижтимоий фаоллигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Таълим тизимида қаратилган эътибор, олиб борилаётган ислоҳотлар шу юртда истиқомат қилаётган барча миллату элатлар фарзандларининг илм олиши, ҳунар ўрганиши, баркамол бўлиб вояга етиши учун мавжуд имкониятлар бор эканлигини ҳар бир юртдошимиз эътироф этаётир.

Самарқанд давлат университетининг 9 та факультетида ҳам давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган йигит-қизлар тожик тилида таълим олишмоқда. Таълим тожик тилида олиб борилаётган филология, физика, математика, тарих, биология, бошланғич таълим каби факультетларнинг ушбу гуруҳларида дарс ўтишнинг янги, ноанъанавий усулларида фойдаланиш, ўзига хос услублар кашф қилиш ва эришилган ютуқларни оммалаштириш ишлари ҳам талаблар даражасида йўлга қўйилган.

Маълумки, янги педагогик технология профессор-ўқитувчи раҳбарлигида талабани мустақил равишда билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолайдиган жараёндр. Шунингдек, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, талаба шахсига йўналтирилади. Илғор педагогик технологиянинг марказида эса таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъектию объекти бўлган профессор-ўқитувчи ва талаба туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши, бунинг учун, биринчи навбатда, профессор-ўқитувчи таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш принциплари ҳамда йўллари, талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, талаба фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши зарур.

Ана шу вазифаларни бажаришда ўзбек (давлат) тилининг бой имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айтиш жоизки, мустақилликка эришгандан сўнг давлат тилининг мавқеи ниҳоятда ошди. “Давлат тили ҳақида” республикамизнинг қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилининг давлатимизнинг халқ турмушидаги ўрни янада мустаҳкамланиб, иш юритиш, ўқув, илмий, бадиий адабиётлар нашр этиш соҳасидаги мавқеи янада юқори кўтарилди. Олий ўқув юрларида нутқ маданиятини ўргатиш соҳасидаги таълим йўналишига ҳам эътибор кучайди. Шунга қарамасдан ана шу жараёни таҳлил қилиш, назарий хулосалар чиқариш, тавсиялар ишлаб чиқиш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш кабилар долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда таълим тожик тилида олиб борилаётган Самарқанд, Тирмиз, Фарғона, Чирчиқ, Бухоро олийгоҳларида талабаларга мўлжалланган “Нутқ маданияти асослари”, “Нотиқлик санъати” каби махсус курсларни ўқитишни такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. Нутқ маданиятини оширишга қаратилган машғулотларда давлат тилида иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштиришда кўрғазмали воситалардан фойдаланиш, семинарлар ташкил қилиш, амалий ёрдам бериш ҳам муҳим рол ўйнайди. Иш юритиш қоғозлари намуналари акс эттирилган электрон қўлланмалар яратиш ва ундан талабалар намуна сифатида фойдаланиши учун шароит яратиш лозим. Бу гуруҳларда ҳам Ўзбек тили байрамини ўтказиш, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили”, “Тилга эътибор - элга эътибор”, “Тил маданияти ва маънавияти” каби ўзбек тили нутқ маданиятига доир анжуманларда маърузалар ташкил қилиш билан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Зеро ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш катта аҳамиятга эга. Давлат тили таълими баркамол шахс тарбиясида маънавий сифат ва ижодий тафаккурни ривожлантиради. Шу юртда яшаётган миллат ва элатларнинг ўзаро алоқасини таъминловчи муҳим восита, унга бўлган муносабат Ватанга муносабат ва садоқатни белгилайди. Таълим тожик тилида олиб борилаётган гуруҳларда ҳам давлат (ўзбек) тилини ўқитиш ана шу ғоя ва руҳни талабаларга сингдиришда хизмат қилиши табиий ҳолдир. Ана шу маънода ўзбек тили таълимини ушбу гуруҳларда самарали йўлга қўйиш, амалий

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

самарадорликка эришиш давр талабидир. Бу масъулиятли жараён ўзбек тилининг жонкуяр тарғиботчиси бўлган профессор-ўқитувчилар олдига қуйидаги жиддий талаб ва вазифаларни қўймоқда.

- таълим тизимида узлуксизни таъминлаган ҳолда давлат (ўзбек) тилини ўқитишнинг замонавий технологиялари ва услубияти асосида тил, нутқ, ўқиш ва саводли ёзиш тажрибаларини такомиллаштириш мақсадида машғулотлар учун миллий ва маҳаллий руҳдаги ўқув дастурларини ислоҳ қилиш, қўлланмалар ва дидактик (матнлар, аудио, видео ва бошқа) материалларнинг янги авлодини яратиш;

- талабаларда адабий тил меъёрларини сингдириш масаласига асосий эътибор бериш, маданий оғзаки нутқ компетентларини такомиллаштириш, ўзбек тили фани ўқитилиши жараёнида ижодий машқлардан самарали фойдаланиш;

- таълимнинг ёрдамчи ўқув воситаларидан кенг фойдаланиб, талабалар малакасини ҳосил қиладиган мустақил изланиш тажрибасини мустаҳкамлаш;

- замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, айрим тожик тилида таълим олган ўқитувчилар, базавий маълумотларни етарли олмаганлиги ва ўз устларига ишламаётганликлари, масъулиятни тўла ҳис этмасликлари, ўзбек тилига эътиборсизликлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида нутқ маданиятига эътиборнинг сустлиги оқибатида ҳужжатларни давлат тилида расмийлаштириш, иш юритишда айрим камчиликларга йўл қўйиб, материални ўқувчиларга тўлиқ етказа олмаяптилар. Улар нутқлари зерикарли, маърузалари турли олди-қочди сўзлар, пойма-пой жумлалар, ортиқча тафсилотлар билан ўтилаётганлиги сабаб ўзларининг касбий маҳоратларини тўлиқ кўрсата олмаяптилар. Давлат (ўзбек) тилини талаблар даражасида ўрганилган тақдирдагина улар бугунги кунда иш юритишга доир барча ҳужжатларни ўзбек тилида ихчам, содда, қонун талаблари асосида мазмунли, вазифалар аниқ белгиланган ҳолда тайёрланишига эришадилар. Мажлисларни ўзбек тилида ўтказишга қийналмасдан,

хужжатларни расмийлаштириш, юритишда айрим камчиликларга йўл қўймайдилар. Бунинг учун улар кўпроқ амалий кўникмалар ҳосил қилишлари, нутқ маданиятини ўзлаштиришлари лозим. Зеро Н.Бекмирзаевнинг тўғри таъкидлашича, “Кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади” (1; 7).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида давлат тили ўзбек тили эканлиги алоҳида таъкидланиб, шундай дейилган: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” (2; 4).

Шунинг учун ҳам давлат (ўзбек) тили мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатлардан ҳурмат-эътиборни талаб этади. У барчамизнинг ғурури, ифтихори ҳисобланади. Давлат (ўзбек) тили юртимизда яшаётган барча миллату элатларнинг маданияти, маънавияти, зиёлилик даражасини аниқ кўрсатадиган муҳим тарбия воситаси сифатида буюк мақсадлар сари йўналтиради, руҳлантиради, эзгу орзу-умидлар билан яшашга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари: Ўқув қўлланма. - Тошкент: Фан, 2006, 7-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008, 4-б.

SAVODXONLIK – YUKSAK MADANIYAT BELGISI

Sodiqova Mohlaroyim,
FarDU talabasi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqola savodxonlik masalasiga bag'ishlangan bo'lib, unda savodxonlik insonning chuqur bilim egasi va madaniyatli, ziyoli shaxs ekanini ko'rsatib turuvchi vosita ekanligiga alohida to'xtalib o'tilgan.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

Til kishilarga fikrlashuv, fikrlash quroli bo'lib xizmat qiladigan noyob ijtimoiy hodisa. Har bir tilning sohibi bo'lmish jamoaning bebaho mulki bo'lib, o'z jamoaning nomi bilan ataladi: o'zbek jamoasiga xizmat qiluvchi tilga o'zbek tili deyiladi. O'zbeklar o'z tilidan ko'p asrlar davomida foydalanib keladi. Dastlab og'zaki muloqotni ta'minlagan o'zbek tili keyinchalik yozma shaklda ham namoyon bo'lgan. Yozma nutqda til hodisalaridan foydalanishning ma'lum me'yorlarini ishlab chiqish zaruriyati paydo bo'lgan. Til hodisalaridan ma'lum me'yor asosida foydalanish adabiy o'zbek tilining shaklanishiga olib kelgan. Til millat faxridir [3]. Bugungi kunda o'z tilimizga qay darajada e'tiborlimiz, uni yetarlicha qadrlayapmizmi, uning nufuzini oshirish uchun nima qila oldik? Shu kabi savollar bugungi kun yoshlarini qiziqtirmoqdami, albatta, har narsaning ikki tomoni bo'lganidek, bu savollarga javob bera oladigan yoshlar ham, javob bera olmaydigan yoshlar ham ko'p uchraydi. Til o'zi nima degan savol tug'uladi, til millatning tub negizi, uning tarixi, ajdodlarni tanituvchi, buyuklik sari yo'l ochuvchi bir manbayidir. Har bir shaxs jamiyatning tuganmas kuchidir. Tilimizning rivojlanishida, uning qadrlanishida biz yoshlarning ahamiyatimiz katta. O'zbek tili o'z davrida har qanday til bilan bahsga kirisha oladigan va o'zining boyligi fusunkorligi bilan nutqdagi chiroyli talaffuzi bilan ajralib tura olar edi. Buyuk bobokolonimiz Alisher Navoiy turkiy tilning asoschisi desak mubolag'a bo'lmaydi. Buyuk bobomiz tilimizni tuganmas xazinaga qiyos etib, ushbu xazinani ilonlar va tikonlar o'rab turganini va o'zbek adabiy tilini ana shu "ilon" va "tikon"lardan savodxonlikni oshirish, sababi hozirda tilimizga hurmat bir qancha susaydi. Buning isboti sifatida ko'chalarda, joy nomlarida, bekatlarda, ovqatlanish joylarining nomlaridagi imloviy xatolar, so'zlarning yozilishiga e'tiborning susayganidir. Atrofga ahamiyat bering bunday hollar hozirda juda ko'p uchramoqda. Bu o'z tilimizga hurmatsizlik emas, shunday hollatlarning oldi olinmas ekan jamiyat ichida nutqiy qoloqlik va omilik vujudga kelmaydimi. O'sib kelayotgan yosh avlod tafakkurida noto'g'ri tushuncha hosil bo'lishi tabiiy holatdir. Ayniqsa kichik yoshdagi bolajonlarimiz atrofni sinchiklab kuzatishadi, ularni o'rab turgan atrof muhitdagi hech bir narsa e'tibordan chetda qolmaydi. Katta-katta afishalarda yozilgan so'zlar bola ongida saqlanib qoladi va atrofdagi yozuvlar kitobda ko'rgan so'zlarga qaraganda ko'proq yodida qoladi, natijada bolalarda savodsizlik

vujudga keladi, bu esa achinarli holatdir. Avtomobil ortiga yozilgan soʻzlar, turli etiketka, markalarda bugungi kunda imloviy xatolar juda koʻp uchramoqda, nahotki bu ahamiyatga molik boʻlmasa. Tilimizning goʻzal husniga dogʻ tushurmaydimi.

Jamiyat ichida savodxonlikning susayib borishi achinarli holdir. Bugungi yosh avlod tarbiyasida, ularning bilim va koʻnikmalarini oshirishda, tilimizga hurmat uygʻotishda bizning xatti-harakatlarimizning ahamiyati katta. Davlat tili bu mamlakatimizning muhim bogʻinidir, har bir rasmiy hujjat va shartnomalar, oʻquv qoʻllanma, darsliklar barchasi davlat tilida yuritiladi va bu asosiy hujjatlarda ham biz kuzatgan xatoliklar uchramoqda. Eng koʻp xatoliklar yumshoq “h” va qattiq “x”, “oʻ” va “o” harflarida juda koʻp uchramoqda. Aynan shu harflarning imloviy yozilish jihatiga eʼtibor juda sust. Yoshlarning mana shu holatlarga munosabati qanday degan savol tugʻiladi. Bu holatlarning oldi olinmasa jamiyatda asta-sekin savodsizlik vujudga kelishi mumkin. Tashqaridan oddiy va eʼtiborga loyiq emasdek koʻringan bu holat vaqtlar oʻtib farzandlarimiz ongiga oʻrnashib tilimizning boyligiga uning tobora oʻz ahamiyatini yoʻqotib borishiga sababchi boʻladi. Bizning ona tilimiz ne zamonlardan beri oʻzining goʻzal ifodasi va shirin kalomi bilan butun jahonni maftun etib kelgan. Bobolarimiz tilimizning bugungi holatga kelguncha ne mashaqqatlarni bosib oʻtganlar, uning ravnaqi uchun juda koʻp ter toʻkanlar, bugun arzimagan xatoliklar ularning mehnatlarini poymol qilmoqda. Ayni vaqtda maktab yoshidagi oʻquvchilarni tashqi omillar koʻproq qiziqtiradi. Ular soʻzlarning orfografiyasi va orfoepiyasi haqida juda kam maʼlumotga ega boʻladilar, jamiyat ichidagi xatoliklar ularning ongiga oʻrnashib qoladi [4]. Oʻquvchilarda toʻgʻri yozuv malakasini shakllantirish grammatik nazariyani va imlo qoidasini oʻzlashtirishga asoslanadi. Imlo qoidalari bir soʻznigina emas, balki umumiylik mavjud boʻlgan butun soʻzlar guruhining yozilishini tartibga soladi. Bu xususiyati bilan u qoida xat yozuvchini har bir soʻzni yodda saqlash, xotiralashdan qutqaradi va qoidaga amal qilib, belgilangan meʼyorga muvofiq butun soʻzlar guruhini yozish imkoniyatini yaratadi.

Imlo qoidasi grammatik umumiylik asosida birlashgan soʻzlarning yozilishini bir xillashtiradi. Bu yozma ravishdagi aloqani yengillashtiradi va imlo qoidalarining ahamiyatini taʼkidlaydi. Imlo qoidalariga asosan yozish faqat rasmiy shaxslarga ustoz murabbiylargina foydalanishi uchun

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yaratilmagan balki jamiyat ichida savodxonlikni oshirish, tilning yozuvdagi ahamiyati ham muhim bo'g'inimiz ekanini anglashdir. Afsuski bugungi kunda shu holat uchraydi imlo qoidalariga faqat shu sohaga tegishli shaxslargina foydalanishi sir emas. Savodxonlik ham insonning chuqur bilim egasi va madaniyatli, ziyoli shaxs ekanini ko'rsatib turuvchi vositadir.

Imlo qoidalarining yaratilishining ayni sababi ham shundaki xalq orasida tilimizning og'zaki va yozma manbalariga e'tibor qaratish, ularni amalda qo'llash va insonlar ongiga singdirish, yozuv qoidalarini ahamiyatini oshirishdir. Bugungi kunda bu sohada izlanishlar juda katta.

Barcha sohalar singari ona tilimiz va u bilan bog'liq muammolar ham asta-sekin yechimini topmoqda. Xususan nutq madaniyatiga doir masalalarni hal qilishda tilshunos olimlarning mehnatlari tahsinga loyiq [2].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Ona tilimiz – milliy ma'naviyatimizning bitmas-tuganmas bulog'idir. Shunday ekan, unga munosib hurmat va ehtirom ko'rsatish barchamizning nafaqat vazifamiz, balki muqaddas insoniy burchimizdir" [1]. Albatta bu so'zlar haqiqatdir, o'z tilini bilmagan, uning qonun qoidalariga amal qilmagan, uning obro'sini oshirish uchun kurashmagan insonni qanday qilib o'zbek deyish mumkin. Bugungi kunda jamiyat ichida tilning ahamiyatini oshirishni oddiy narsalar bilan boshlash lozim, buning uchun juda katta ish qilish emas, balki atrofimizda uchraydigan mayda xatoliklarga barham berishning o'zi kifoya. O'sib kelayotgan yosh avlod ongida tilga hurmat, unga e'zoz tuyg'ularini shaklantirish o'z qo'limizda.

Biz yoshlar birlashib tilimizning nufuzini oshirish uchun uning bugungi kundagi ahamiyatini yo'qotmaslik uchun bor kuchimiz bilan kurashishimiz lozimdir. Ayni damda yurtning katta kuchi bu yoshlardir, ularning jamiyatdagi o'rni ham juda kattadir. Biz olib boradigan ishlar jamiyatni jalb etadigan, muhokamaga sabab bo'lishga arziydigan, xalq ichida savodxonlikni oshirishga da'vat etadigan bo'lmog'i shartdir.

Tilimizning ravnaqi, uning yuksalishi o'z qo'limizda, kelajak avlod uchun ham bugungi xatolarni bartaraf etish, yozma manbalarimizga hurmat bilan qarash, ularni tiklash, yoshlar ichiga tatbiq etish va ularning

ahamiyatini oshirish vatanimizning yanada tilga bo'lgan e'tiborini va bobolarimizning merosini qadrlash tuyg'ularini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Sh.M.Mirziyoyevning o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. 21.10.2019, uza.uz

2.Rasulov R., Husanov N., Mo'yudinov Q. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati. – Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2006.

3.Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili (darslik). – Toshkent: Universitet, 2006.

4.Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi – Toshkent : “Nosir” nashriyoti, 2009.

КОМПОЗИЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПИСЬМА

Халикова Мохигул,
Магистрант университета
Узбекского языка и литературы

АННОТАЦИЯ. В последние десятилетия письма стали объектом многоаспектного изучения: исследователи анализируют жанрово-стилевую специфику эпистолярия, структуру писем, особенности функционирования в эпистолярных текстах языковых единиц разного уровня.

Письмо имеет свои композиционные особенности, а также определённый набор семантических частей текста. С точки зрения клишированности (по степени соответствия строгим формам, штампам) письма подразделяют на три группы:

1. Стандартные - самые «жёсткие» виды письма, имеющие клишированный набор фраз и постоянную бланкированную композицию. Это деловые, особенно коммерческие и промышленные письма. Например: «I apologise for not getting in contact with you before now- Прошу прощения за то, что не связывался с вами раньше , It is very kind of you to- очень любезно с вашей стороны, In case- в случае.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

2. «Полужёсткие» - письма, в которых наблюдается жёсткая постоянная последовательность, но выбор фраз зависит от пишущего. Такими являются письма-соболезнования, поздравительные, извинения и т.д. все частные деловые письма являются «полужёсткими». Например: «I regret any inconvenience caused - Я сожалею о причиненных неудобствах; Unfortunately - К сожалению; I am afraid that- Я боюсь что...

3. Относительно свободные - письма, которые сохраняют лишь стандартные начала и концовки, а в основной части являются свободными. Это частные неофициальные письма, особенно описательного и эмоционально-оценочного типа. Однако даже в таких письмах можно выделить постоянные фразы, вводящие свободный текст, заключающие и скрепляющие его. Например: «Further to our meeting last week - В дополнение к нашей встрече на прошлой неделе ; If I can help in any way, please do not hesitate to contact me - Если я могу чем-либо помочь, пожалуйста, не стесняйтесь обращаться ко мне.

С точки зрения строения все типы письма, как любые другие виды текста, имеют три композиционные части: зачин, срединная часть, концовка. Деловое письмо имеет строго клишированный зачин, который в практике деловой корреспонденции называется заголовком. Сюда входит: название организации-отправителя (внешний адрес); название организации-адресата (внутренний адрес) и имя получателя, дата написания, обращения, повод написания письма, который чаще всего вводится словами касательно, по поводу. Частное письмо в зачине содержит меньше стандартизированных элементов: дату и место написания (факультативно), которые располагаются в верхнем правом углу листа, и обращение (возможно вместе с приветствием в неофициальном письме), написанное в середине листа. К зачину можно отнести и стандартизованную начальную фразу о состоянии переписки. В концовку русского делового письма входят слова вежливости (например, с уважением), должность подписавшего лица (слева), подпись и расшифровка подписи.

Частное (особенно неофициальное) письмо имеет большой набор ритуализованных элементов, входящих в концовку: извинения за написанное (за стиль, небрежность и т.д.), повторные поздравления,

благодарности, извинения, заверения писать и просьба не забывать писать, передача приветов, прощания, слова вежливости и подпись, постскрипtum, дата и место написания (если их нет в начале письма). Срединная часть любого письма начинается в зависимости от темы, а заключается или обобщающими фразами, или специальными фразами-концовками.

Таким образом, письмо помогает понять характер человека, оценить его личностные качества, т.к. письмо – это не только средство общения, но и способ самовыражения. А самовыражение, является одной из важнейших потребностей человека. В наше время цифровых технологий коммуникативная связь между людьми осуществляется в режиме онлайн, смс сообщения на телефоне, с помощью электронной почты на компьютере или общения в социальных сетях. Процесс вытеснения письма этими видами связи осуществляется особенно интенсивно и привлекает внимание лингвистов к стилю ведения переписки в XXI веке.

Библиография:

1. Аругюнова, Н.Д. Дискурс//Языкознание:Большой энциклопедический словарь. М., 1998.
2. Бахтин, М. М. Постановка проблемы и определение речевых жанров /М. М. Бахтин // Бахтин, М. М. Автор и герой : К философским основаниям гуманитарных наук / М. М. Бахтин. – СПб. : Азбука, 2000. – С. 249–250.
3. Бельчиков, Ю. А. Литературный язык / Ю. А. Бельчиков // Русский язык: энциклопедия / под ред. Ф. П. Филина. – М. : Сов.энцикл., 1979. – С.131.

O‘ZBEK ADABIY TILI TARAQQIYOTIDA MUHIM TASHABBUSLAR VA STRATEGIYALAR

*Хайитов Hamza,
Buxoro tuman o‘qituvchisi*

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada hozirgi o‘zbek adabiy tilining rivojlanish tarixi va genezisiga doir muhim ilmiy ishlar va muhim tashabbuslar, qonunlar, farmonlar va ularning ijrosi haqida qiyosiy tipologik, tekstologik tahlillar yoritilgan.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Ishonchli bir buxorolik olimdan va nishopurlik boshqa bir olimdan shunday eshitgan edim, ular bu soʻzni paygʻambar alayhis-salomga nisbat berib, sanadi bilan aytgan edilar: Paygʻambar alayhis-salom qiyomatning belgilari, oxir zamon fitnalari va oʻgʻuz turklarining xuruji haqida gapirganda, shunday degan edi: “Turkiy tilni oʻrganing, chunki u boy va uzoq hukmronlik etuvchi tildir”. “Agar hadis toʻgʻri boʻlsa turkiy tilni oʻrganish zarurdir, toʻgʻri boʻlmaganida ham bu tilni oʻrganishni aql taqozo qiladi” [2.14-bet]. Fikrimizni turkiy tilshunoslikning bizga maʼlum boʻlgan ilk yirik manbasi, shu bilan birga tengi yoq ulugʻ yodgorlik, arab tili orqali Sharq-u Gʻarb xalqlariga qadimgi turkiy til tarixi, madaniyati toʻgʻrisida toʻliq maʼlumot beruvchi qomusiy kitob “Devoni lugʻotit turk” asari muqaddimasidan bir iqtibos bilab boshladik.

Dunyoda yetti mingdan ortiq til mavjud. Til millatning qalbi, uning oʻtmishi, buguni va kelajagi sanalanadi. Shu maʼnoda har bir millatning ona tilisida uning bebaho xazinasini, minglab soʻzlar saqlanadi. Bu soʻzlarni asrlar davomida xalq yaratadi, unga sayqal beradi, asrab avaylaydi. Oʻzbek tiliga davlat tili maqomi berilganiga bu yil 31 yil toʻladi. Oʻtgan davrda ona tilimizning yanada sayqallanishi, badiiylik, tarixiyligi, dunyo miqyosidagi ahamiyati hamda nufuzini oshirishga qaratilgan qator madaniy, maʼnaviy maʼrifiy izlanishlar, ilmiy tadqiqotlar olib borildi. Har yili 21-oktabr kunini mamlakatimizda til bayrami sifatida keng nishonlash anʼana tusini olgan. Chunki mamlakatimizda ona tilimizni yanada rivojlantirish va takomillashtirish, uning milliy ruhini oshirish madaniyat va sanʼatni yuksak pogʻonalarga koʻtarish, shuningdek, lotin yozuviga asoslangan oʻzbek alifbosini joriy etish sohasida qabul qilingan davlat dasturi ijrosini taʼminlash borasida amalga oshirilayotgan ishar eʼtirofga loyiq.

1995-yil 25-dekabrda “Oʻzbekiston Respublikasi Davlat tili haqida” gi Qonuniga oʻzgartirishlar va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qonun qabul qilindi. Shuningdek, Vazirlar Mahkamasi tuzilmasida Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashkil etildi. Shu bilan birga, 2020-2030-yillarda oʻzbek tilini rivojlantirish hamda til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi va davlat dasturi ishlab chiqildi. Bunda davlat tili sofligini saqlash, uni boyitib borish va aholining nutq madaniyatini oshirish kabi yoʻnalishlar qamrab olinadi. Ijtimoiy hayotning barcha sohalarida amalga oshirilgan tub islohotlarning samarasi oʻlaroq “Hozirgi oʻzbek adabiy tili”

fani uchun DTS lari yaratildi, shular asosida darsliklarning yangi avlodi shakllantirildi. “Hozirgi adabiy tili” fanining 1-3-kitoblari 2001-2003-yillarda bosilib chiqqan edi. 2013-yil uchala kitob birlashtirilib bir jildga keltirildi. “Hozirgi adabiy tili” darsligi qayta ishlandi va o‘quvchilarning qiziqishlari hamda intilishlariga moslashtirildi. Uning fonetika, grafika, orfografiya, orfoepiya, leksikologiya, frazologiya. Leksikografiya, etimologiya, morfemika, morfologiya, sintaksis, puntuatsiya, uslubiyat kabi bir qator bo‘limlari yangi nazariy va amaliy materiallar bilan boyitildi. Ona tili o‘qitish prinsiplari ham metodlari ham bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki, yozma shakllarda tog‘ri, ravon ifodalash ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish uchun xizmat qilmoqda.

Xulosa qilib shuni aytmoqchimizki, hozirgi o‘zbek adabiy tili bir necha yuz yillik shakllanish va taraqqiyot bosqichlarini bosib o‘tgan bolib, uning tarixi qadimgi turkiy til davriga (7-10-asrlar) borib taqaladi. Turk-run yozuvida bitilgan O‘rxun- Enasoy bitiklari, sanskrit so‘g‘d, xitoy tillaridan boshlab taraqqiy qilib kelgan va Turk xoqonligi davrida ajdodlar yashagan keng hududdagi lisoniy vaziyat, adabiy til va jonli so‘zlashuv tili uzoq yillar mobaynida taraqqiy qilib bugungi mukammal holiga kelgan. Til millat ko‘zgusidir, uni ichki va tashqi imkoniyatlar doirasida rivojlantirish, avaylab asrash bugungi kun kishilarining dastur ul amali bo‘lmog‘i kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. “Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir”. Toshkent, “O‘zbekiston” nashriyoti 2018-yil
2. Qoshg‘ariy M. “Devonu lug‘otit turk” Toshkent “G‘afur G‘ulom” nashriyoti 2017-yil
3. “Hozitgi o‘zbek adabiy tili”. Toshkent “Ilm ziyo” nashriyoti Toshkent 2015-yil

КИТОБХОНЛИК ТИЛ ВА ТАФАККУРИМИЗНИНГ БЕЗАГИДИР

Ғайбуллаева Муаззам,

Бухоро туман 6-мактаб

АННОТАЦИЯ. Мақолада инсон нутқий безаги саналган муомала одоби ҳақида фикр юритилди. Ёшларимизнинг муомала маданиятини, нутқий саводхонлигини оширишда китоб ўқиш маданияти энг асосий муҳим манба саналади.

Учта тушунча замон ва макон танламайди. Булар сўзлаш, тинглаш ва англашдир. Одамзот яралибдики, ўзаро муносабат жараёнида ана шу уч бирликка амал қилиб келинади. Бунинг намоён бўлиши ҳар бир халқнинг ўз менталитетига мос ва хос. Ўзаро муносабат, мурожаат қилиш жараёнидаги ўзни тутиш ва фикр алмашувлар муомала маданияти тушунчасида уйғунлашади. Муносабат, мурожаат, мулоқот, мунозара, мубоҳаса, муҳокама, мулоҳаза сингари тушунчаларнинг барчаси муайян миллатнинг тийнатига мос бўлган зийнатлар бўлиб, у этик ва эстетик меъёрлар, қоидалар билан амалга оширилади. Дунё гўзаллик қонуниятларига биноан қуриларкан, демак, инсоннинг хулқи ва нутқи ҳам, кўриниши ва кийиниши ҳам, муносабати ва мулоқоти ҳам гўзал бўлиши мақсадга мувофиқ. Халқимизнинг “Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар” – деган ўғити бежиз эмас.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида муомала маданиятининг йўқолиб боришининг асосий сабаби фарзандларимизнинг интернет тармоқларига боғланиб қолиши ва китобхонлик маданиятининг пасайиб кетиши натижасидир. Ҳар бир кишининг безаги бўлган нутқ одоби, китоб мутолаа қилганлиги билан ўлчанилади. Бугунги кунда халқимиз орасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни оммавий китобхонликка жалб этиш борасида давлат сиёсати даражасида бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Чунки Президентимиз ҳам ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун китоб ўқиётган бола эртага ўнта телевизор кўраётган болаларни бошқариши аниқ. Буни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови

орқали сезиш қийин эмас. Бу танлов янги даврнинг “китобхонлар авлоди”ни шакллантира олди. Шу ўринда яна бир муҳим масала борки, у ҳам бўлса, ёшларга қандай китобларни ўқитиш масаласи. Чунки ҳозир нима кўп? Маълумот кўп. Бозор иқтисодиётини баҳона қилган ҳолда китоб дўконларимизга турли китоблар кириб келаётгани бор гап. Навоий бобомиз айтганларидек, “Чанқаган одам саҳрода сув топганда унга синган сопол ёки олтин идиш фарқсиздир”. Яъни у қандай қилиб бўлмасин, чанқоғини қондиришга интилади. Бутун вужуди билан илмга интилаётган ёшлар ҳам шундай. Ўзининг тафаккурини тўлдириш учун яхшими ёмонми турли китобларни ўқийди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” экан, демак, илм-фанга, она ватанга муносабат ўз-ўзидан маънавиятли, баркамол инсон тарбиясида муҳим ва муқим ўрин тутиши муқаррардир. Бунга муносабат эса шубҳасизки, шахснинг муомала маданиятидан келиб чиқади. Бу эса баркамоллик белгиси бўлган таълим ва тарбияга, маънавият ва маърифатга бориб боғланади. Ақлан, руҳан ва жисмонан соғлом авлодгина юртнинг порлоқ келажагидир. Қушнинг парвозини қўш қанотисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, инсоннинг иқболи ва юрт истиқболини ҳам таълим-тарбия ва маънавият-маърифатсиз тушуниш, идрок этиш мушкул.

Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, янги китоблар тақдимотларини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилиш ҳам фарзандларимиз нутқ, муомала кўникмаларини ривожланишига туртки бўлади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шаклланиши, дунёга танилиши, замонлар ошса-да аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб орқали юз берди. Бугунги авлодлар томонидан ана шу олимларнинг илмий-маърифий бисотига бот-бот мурожаат қилинишининг сабаби ҳам улар томонидан яратилган китоблар туфайлидир. Юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, қорачиғидек асраганларни зиёли, деб атаганлар. Зиёли – нур тарқатувчи, у ўзининг саъй-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар ҳисобланган. Шу ўринда ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонида “Ўзбек тили ва адабиёти” фанидан иншо ёзиш бўйича қўшимча синовни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Ҳар йили мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни мингдан ортиқ йигит-қиз битириб, олий таълим муассасаларига ўқишга киришга ҳаракат қилади. Иншо уларнинг бадий асар ўқишга бўлган масъулиятини оширади. Ёзма нутқини ривожлантиради.

Китоб мутолаа қилиш, мамлакат ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила олишда шу билан бирга юқори малакали мутахассислар этиб тарбиялашда ёзма нутқ ва мустақил тафаккурнинг ривожланишида асосий мезон саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ф.Умарова ва бошқалар. Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим. 2-модуль. Т.: 2011
2. “Мактабгача таълим” журнали. 2018 йил №3
3. Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. – № 1. – Б. 8-13.
4. Абдиев М., Сафаров П., Ноанъанавий дарс шакллари. (Она тили ва адабиёти учун қўлланма). Самарқанд. 1996. 22б.

ЖАМИЯТ ТИЗИМИДА ТИЛНИНГ ЎРНИ

Шойимқулова Маҳзуна,
Бухоро МТИ, катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Тилнинг энг муҳим алоқа воситаси эканлиги, унинг тафаккур билан боғлиқлиги, билиш жараёнидаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, бу ижтимоий феноменнинг эволюцияси, адабий тилнинг жамият ҳаётидаги роли таҳлил қилинган.

Ижтимоий ҳаёт шароити инсоннинг яратувчанлик ва билимга йўналтирилган фаолияти шахсларнинг доимий равишда ўзаро мулоқотга киришувини тақазо этган. Инсоний муносабатларнинг асосини тил белгилари орқали алоқага, мулоқотга киришиш ташкил этади. Ана шу жиҳатдан тилнинг энг муҳим алоқа воситаси сифатидаги коммуникатив қудрати, ривожланиши даражаси яққол кўзга ташланади. Тил инсоннинг ниҳоятда катта бойлигидир. Тил тафаккур ва билишнинг ҳам муҳим қуроли ҳисобланади. Шунга кўра жамият ва тил муносабатини ўрганиш фалсафа ва тилшунослик фанларининг умумий вазифасидир. Тилнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, у жамият, миллат, элат ҳамда турли қатламларнинг тарихини намоён қилади. Тил турли даврларда яшаган халқларнинг эҳтиёжлари ва талабларига мос равишда ўз ички қонунлари асосида тадрижий равишда тараққий этиб борган. Бошқача айтганда, жамиятнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигини, тилнинг мавжудлиги эса жамиятнинг мавжудлигини талаб қилади. Шунга кўра жамият тушунчаси қай даражада ўз таърифига эга бўлса, тил тушунчаси ҳам шу даражада ўз таърифи, тавсифига эгадир. Фалсафий нуқтаи назарга биноан муайян тилга эга бўлган инсон(шахс) ўзи мансуб ижтимоий воқеликни фаол ўзгартирувчи мавжудод сифатида намоён бўлади. Албатта, инсоннинг бундай ўзгартирувчилик фаолияти бевосита бошқалар билан кундалик ва мунтазам ижтимоий муносабатлар орқалигина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун тил жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муайян рол ўйнайди. Хусусан, тилдан тўғри, малакали ва оқилна фойдаланиш жамият ахлоқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин. Агар аксинча ҳолат кузатилса, жамиятнинг ривожланишига монелик қилувчи вазият

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

юзага келади. Шу туйғайли тилнинг табиати, жамият ҳаётидаги ўрни, роли ва вазибалари масаласи билан нафақат тилшунослик, балки фалсафа ҳам жиддий шуғулланади. Маълумки, жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий институтларнинг фаолиятида ахлоқий мезонларга амал қилиш орқалигина жамиятнинг ривожланишига ва барқарорлигини таъминлашга эришилади. Бундан ташқари тил, индивид ижтимоийлашувининг зарурий шарти ва воситасидир, ижтимоийлашмасдан, яъни бошқа одамлар билан ҳамкорликда ҳаёт кечирмасдан, социал қонун-қоидалар, маданиятни ўзлаштирмасдан, авлодлар меҳнати билан яратилган бойликларни эгалламасдан туриб, одам ўзини одам сифатида ҳис қила олмайди. Шундай қилиб, “инсон”(“одам”), “тил”, “жамият” тусунчалари бир қаторда туриб, алоҳида-алоҳида мазмунга эга эмас, улар бир-бири орқали очилади. Жамиятда бошқа одамлар билан ҳамкорликда ҳаёт кечириш, фаолият кўрсатиш, қонун-қоидаларга амал қилиш, маданият ва қадриятларни ўзлаштириш одамнинг ижтимоийлашуви жараёни маҳсулидир. Шу асосда, инсоннинг ижтимоийлашувига болалиқда бошқа одамлар билан узоқ муддатли алоқалари ҳал қилувчи таъсир ўткази, деган хулоса қилиш мумкин. Я. Гримм 1848 йилда эълон қилинган «Немис тили тарихи» асарида жамият тарихини ўрганишда тилнинг асосий, энг муҳим манба эканлигини эътироф этади ва тилни у ёки бу халқнинг маданий-тарихий тараққиётининг маҳсули деб ҳисоблайди. Шу асосда бу олим «Бизнинг тилимиз бизнинг тарихимиздир» деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, «Халқлар ҳақида суяклар, қуроллар ва мазорларга қараганда жонлироқ гувоҳ бор. Бу тилдир». Тил ижтимоий характерга эга, чунки у жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келади. Тил фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий қуролдир. Тил уруғ ва қабила, элат ва миллат тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун унда кишилиқ жамиятининг тарихи бевосита ўз аксини топади. Тил қадимги халқларнинг ҳаёт тарзи, моддий ва маънавий маданияти ва ижтимоий муносабатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Баъзида тил қадимги халқларга хос предмет, урф одат, ритуал кабаларни кўрсатувчи ягона гувоҳ саналади. Тил авлоддан авлодга узатилиши билан ворисийлик характери касб этади. Шунинг учун фикрни

ифодалайдиган ва муҳим коммуникатив вазифани бажарадиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиши ва боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндиси ҳисобланадиган тил тайёр ҳолда жамиятнинг барча аъзоларининг маънавий мулкига айланиши мумкин. Демак, тил белгилари (бирликлари) моддий (материал) ва руҳий (психик, идеал) томонларнинг, товуш ва маънонинг бирлигидан иборат бўлиб, бири иккинчисисиз бўлмайди, улар ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда, ижтимоий вазифани бажаради, жамиятга хизмат қилади, фикр алмашувни- коммуникатив жараёни таъминлайди. Шунингдек, тил инсониятнинг ўтмиш, ҳозирги замон, келажак авлодлари ўртасидаги алоқаларини турли манбалар ва воситалар орқали ҳам боғлаб, жамият ижтимоий тараққиётида узвийликни таъминлайди. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам, индивидуал ҳодиса ҳисобланиб, шахсга ҳамда умумга хосдир. Тил алоҳида шахслар ва бирор-бир тилда сўзлашувчиларнинг ижоди маҳсулидир. Шу билан бирга бу олим тилларнинг энг аввало халқлар ижоди сифатида анча олдин яратилганлигини эътироф этади. Тиллар ҳамма вақт миллий шаклга эга бўлиб, улар нутқий фаолият натижасидир. Халқ руҳининг умумийлиги ва ўзига хослиги тилларнинг умумийлиги ва индивидуаллиги асоси ҳисобланади. Инсоннинг ким эканлигини билиш учун буюк тилшунос Гумбольдт фикрича, 56 инсонни инсонга айлантирувчи кучни аниқлаш лозим. Бундай кучни у лисонда кўради, чунки, лисон инсон руҳининг фаолияти сифатида қаралади. Лисон инсон борлигини тўлигича қамраб олувчи миллатнинг яхлит қувватидир. Гумбольдтнинг фикрларига асосланиб, тил инсонларнинг бу соҳадаги фаолияти ва ижтимоий тажрибаси синтези деган, фикрни билдириш мумкин. Шу билан бирга тил алоҳида шахсларнинг ҳам ижоди ҳисобланади, чунки бирор бир тилда сўзлашувчилар ижодкорлар ҳамдир. Шу томондан олиб қараганда, тил алоҳида шахслар ижоди мевасидир. Тиллар (халқлар ижоди сифатида) шахслар ижодидан анча олдин яратилган. Тиллар ҳамма вақт миллий шаклга эга бўлиб, бевосита халқ томонидан яратилган, уларнинг нутқий фаолияти натижасидир. Классик тасаввур нуқтаи назаридан тилнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ролига ниҳоятда катта ўрин ажратилади. Жамият ва тил тадрижий ривожланишининг ўзаро алоқадорлигида ҳар бир тилнинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

базарадиган вазифаси услублари масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Вазифавий услубларнинг ривожланиши тарихий ва зарурий ҳодиса бўлиб, бу ривожланаётган ҳамда шаклланаётган миллий бирликнинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётининг янада ўсиши, жамиятда тилга бўлган янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини тақозо этади. Тилсиз маданиятнинг бирор-бир соҳаси мавжуд бўла олмайди, тилни тизимий таҳлил қилиш орқали турли давр, халқларнинг маданиятини ўрганиш имконияти туғилади. Жамиятнинг маданий савияси ҳар бир кишининг тилдаги услубий жиҳатларни эгаллаб олишини, яъни услублардан вазиятга қараб фойдаланишини тақозо этади. Тил ва жамият муаммосини янада чуқурроқ ва аниқроқ англаш учун уларнинг тил тизими тил қурилишига муносабатини тўғри англаш муҳимдир. Ҳар бир адабий тилда сўзлайдиган ёки ёзадиган киши шароит тақозасига кўра тилда мавжуд сўзлар, грамматик шакллар, сўз бирикмалари ва гап тузилишининг маълум қисмидангина фойдаланади. Мана шу маънода тилнинг зоҳирий имкониятлари ҳаттоки жамоа нутқи доирасида ҳам ҳеч қачон тўлиғича ишга солинмайди. Тил ҳамма даврларда жамоанинг мулки бўлиб келган. Биргаликдаги меҳнат фаолиятининг ташкил қилиниши, ижтимоий институтларнинг мавжудлиги, маданиятнинг ривожланиши жамоа аъзоларининг доимий ва фаол нутқий мулоқотларининг бевосита шартидир. Кўп ҳолларда бир тилда сўзлашувчи (“тил умумийлиги”) кишилар жамоаси бу этник жамоа ҳисобланади. Баъзи этник жамоаларнинг тиллари этникаро алоқа воситаси сифатида қўлланилади.

Тарихий сабабларга кўра баъзи ҳолларда бир этник жамоада бир тил эмас, балки икки(ва ҳатто кўпроқ) тил ишлатилиши мумкин. Аммо одатда улардан фойдаланиш соҳаси у ёки бу даражада фарқ қилади. (Мисол учун, бир тил-уйда, дўстлар даврасида, иккинчиси-ишда, учинчиси-расмий вазиятларда). Аксинча ҳам бўлиши мумкин. Баъзи пайтларда бир тил бир қанча халқларда асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Этник умумийликнинг тили қоида сифатида ўзи тарқалган ҳудудларда ва фойдаланиладиган соҳаларда мутлақ ягона бўлмаслиги мумкин. Унда муайян ички фарқлар кўзга ташланади. Жумладан, ягона адабий тил одатда ўзаро фарқ қиладиган диалектларга маълум даражада зид бўлади. Адабий тил –умумхалқ

тил варианты бўлиб, намуна сифатида қаралади. У ёзма(китоб,газета, расмий ҳужжатлар) ва оғзаки шакл(оммавий чиқишларда, театр,кино, радио ва телекўрсатувларда)ларда ишлатилади. Адабий тил учун онгли равишда қўлланиладиган қонун-қоидалар хосдир. Бу қонун-қоидалар мактаб остонасидан бошлаб ўрганилади. Адабий тилнинг ёзма тури кўриниши қатъий кодланган, оғзакиси ҳам, жумладан орфоэпик қонун-қоидалар (тўғри талаффуз қилиш қонун-қоидалари) билан қатъий(регламентация) белгиланади.

Оғзаки ва ёзма нутқда индивидуал хусусиятларнинг мавжудлиги фан тилида “идеолект”(тилнинг индивидуал варианты) деб аталади. Шунинг учун олимлар томонидан алоҳида шахслар, жумладан, ижоди билан умумхалқ тилининг мулкига муҳим ҳисса қўшадиган буюк ёзувчилар идеолектларини тадқиқ қиладилар. Аммо “идеолект” тушунчаси тилнинг ижтимоийлигини бекор қила олмайди. Демак, тил муҳим алоқа воситаси сифатида жамият тараққиёти ва авлодларнинг тадрижий ривожланиши жараёнида халқ бирдамлиги, мамлакат мустаҳамлигини таъминлаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Бушуй, Ш.Сафаров. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. “Фан”, 2007.

2.Бушуй Т.А. Язык в истории развития человеческой мысли. Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан. Т. 2011.

3. Сосновский Б. А. Мотив и смысл (психолого-педагогическое исследование). М.: Прометей, 1993.

ЯНА ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ҲАҚИДА

Шукруллоев Насруллох,
п.ф.н., доцент

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги sh, ch, ng ҳарф бирикмалари ва O'o' ва G'g' ҳарфларининг ёзилиши ҳамда рус тилидан ўзлашган сўзлардаги ц ни ифодалаш ҳақида фикрлар билдирилган. Ҳозир амалда бўлган лотин

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг саводхонлик даражасига таъсир этувчи айрим жиҳатлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганига (1993 йил 2 сентябрь) уч кам ўттиз йилдан, уни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори чиққанига (1995 йил 24 август) чорак асрдан ошди.

Ўтган асрда “Мактабларда янги алифбога ўтиш 1927-28 ўқув йилидан бошланиб, 1929-30 ўқув йилида тугалланган, давлат идораларида 1928-30 йилда ўтилган. Лотин алифбосини ҳаётга жорий қилиш жараёнида унга айрим тўлдириш ва тузатишлар киритиб борилган”. [1: 17-бет.]

Юқорида зикр этилган муддатдан буён ҳозир амалда бўлган алифбони мукаммаллаштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг кўпида ҳарф бирикмалари тўғрисида сўз юритилади.

Ҳақиқатан ҳам **SH sh** ҳарфлар бирикмаси тил олди жарангсиз сирғалувчи ундош (кирилл алифбосида **Ш**)ни ифодалаш учун ёзилиши таъкидланиб, қоиданинг давомида (17-модда) “**S h** harflari ikki tovushni ifodalasa, ular orasiga ’ tutuq belgisi qo’yiladi: *Is’hoq, as’hob kabi*” дейилади. [2.] Бундай изоҳ-иловалар таълим жараёнини мураккаблаштириши ўз-ўзидан аён. Бу – биринчиси. Иккинчидан, **SH** ҳам, **CH** ҳам туркийзабон тиллар алифболарига хос эмас. Кўп туркий тилининг лотин ёзувига асосланган алифбосида асосан **Ş** ва **Ç** литерларидан фойдаланилади. Ўзини оқлаётган бу нарса бизнинг ўзбек тилимизга ҳам мос келади: 1940 йилгача қўлланилган ўзбек алифбосида ҳам шундай бўлган.

Фикримизча, ҳозир амалда бўлган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига лотин алифбосининг ўз **С** ҳарфини киритиш лозим кўринади. Рус тилидан ўзлашган сўзлар [улар кам эмас: “Ўзбек тилининг имло луғати” [3]да **Ц** билан бошланадиган сўзлар икки юзга яқин: **ц** нинг сўз ўртаси ва охирида келиши ҳам анчагина] таркибидаги **ц** ни **ts** ёки **s** билан эмас, бир ҳарф **С** билан ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади (рус тилида – Авиценна, лотин тилида – Avicenna). Бунда, биринчидан, **CH** ҳарф бирикмасининг биринчи

харфи қаердан олинган?” деган саволга эҳтиёж қолмайди. [Харф бирикмасидан воз кечиб, тил олди жарангсиз қоришиқ (*чол, аччиқ, соч*)ни ифодалаш учун харф ҳосил қилганда ҳам С га қўшимча белги қўйилади.] Иккинчидан, С (tse) харфи математикада қўлланганда (Δ ABC учбурчак) англашилмовчилик бўлмайди. Учинчидан, лотин алифбосида битилган сўзларнинг кириллчага ва, аксинча, транслитерацияси қулайлашади. Эътибор беринг: *litsey (licey) – лицей, aviatsiya (aviaciya) – авиация, seksiya (seksiya) – секция, shpris (shpric) – шприц; qiyoslang: otsiz – отсиз, uzatsa – узатса, yotsirash – ётсираш.*

Тил орқа овоздор (сонор) бурун товушини ифодалаш учун (*singil, teng*) ёзиладиган **ng** харф бирикмаси [1940 йилда қабул қилинган кирилл алифбоси асосидаги янги алифбо (рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви)даги **нг** (*кўнгул, тенг*)нинг транслитерацияси] ҳар икки ёзувда ҳам қатор қийинчиликларга сабаб бўлмоқда: *o'zin-giz – ўзин-гиз, ken-gaymoq – кен-гаймоқ, ko'n-gil – кўн-гул, sin-gil – син-гул* тарзида бўғинга бўлиш ва кўчиришларни кўз олдимизга келтирайлик. Буни бартараф этиш ҳам ўтмишга қайтишни – кўпчилик туркий халқ алифбосида, жумладан, қорақалпоқ ёзувида ишлатилаётган, 1940 йилгача қўлланилган ўзбек алифбосида мавжуд бўлган **ң** ни қабул қилишни тақозо этади.

Шундай қилиб, **sh** ўрнига **Ş**, **ch** ўрнига **Ç**, **ng** ўрнига **ң** ни ва рус тилидан ўзлашган сўзлардаги **ц** ни ифодалаш учун **с** ни қабул қилиш ўзини оқлайди, таълим жараёнида ижобий силжишга олиб келади, деб ўйлаймиз.

Алифбони такомиллаштириш билан боғлиқ яна бир масала: ўзбек тилининг ўзига хос орқа қатор ўрта кенг унлини ифодалаш учун ёзилаётган **О' о'** ва чуқур тил орқа жарангли сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзиладиган **Г' г'** литерларидаги босма харфларда харфнинг юқори қисми бараварлигида пастдан тескари вергул шаклида қўйиладиган кўчиш белгиси (ёзма харфларда харфнинг устки қисмида тўлқинсимон чизиқ тортилади) ҳам ўзини оқламаётир. Чунки, аввало, босма ва ёзма харфларда кўчиш белгисининг ўрни ва шакли бир хил эмаслиги у қадар маъқул эмас; қолаверса, аксарият ҳолатда кўчиш белгиси тескари вергул экани унутилмоқда: кўпинча, босма маҳсулотларда унинг ўрнига тутуқ белгиси (') ишлатилаётир. Шу сабабли кўчиш

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

белгиси (агар шундай атайверилса) ҳарф устига бир хил шаклда (ҳарқалай, тескари вергул шаклида эмас) қўйилгани маъқул.

Яна бир мулоҳаза: зикр этилаётган икки ҳарф (**O'o'** ва **G'g'**) кирилл алифбосида **Ў ў** ва **Ғ ғ** шаклида. Кўраётганимиздек, буларнинг қўшимча белгилари ҳам ҳар хил: биринчисида ҳарфнинг устки қисмида, кейингисидида ҳарфнинг белида. Латин алифбосида, биринчидан, таъкидлаганимиздек, ҳарф устида бўлса яхши. Иккинчидан, орқа қатор ўрта кенг унлини ифодалаш учун **O o** га эмас, **U u** га қўшимча белги қўйиш (**Ў ў**) ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди (кирилл алифбосида шундай йўл тутилган: **У у** ва **Ў ў**). Шундай қилинганда, қўшимча белги – кўчиш белгисини билмаган ёки эътибор бермаган кимса *O'tkir* – *Ўткир*, *o'sma* – *ўсма*, *bo'ston* – *бўстон*, *o'zbek* – *ўзбек* каби сўзларни *Уткир*, *усма*, *бустон*, *узбек* деб ўқиса, *Otkir*, *osma*, *boston*, *ozbek* дегандан кўра яхшироқ бўлармиди?

Иккинчи мулоҳаза: негадир кирилл алифбосидаги **ё** латин алифбосида қисқартма сўз таркибида **YO** тарзида ёзиб келинмоқда. “Автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси” латинча **AYOQSH**, “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш” **FHDYO** деб битилмоқда. Бунга ҳеч қандай асос йўқ. *Shavkat Rahmatullayev*, *Azim Hojiyev* “*O'zbek tilining imlo lug'ati*” [2]да “*Tuzuvchilardan*” сарлавҳали маълумотда проф. Тожиёв исми (Ёрмат)ни қисқартирганда латин алифбосида **YO** эмас, **Y** ёзганлар (5-бет).

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, олдинги тажрибага асосланиб, ҳарфлар тартиби **Aa, Bb, Cc, Çç, Dd, Ee, Ff, Gg, Ğğ, Hh, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, ñ, Oo, Pp, Qq, Rr, Ss, Şş, Tt, Uu, Ўў, Vv, Xx, Yy, Zz** тарзида жойлашса деймиз.

Хулоса шуки, ёзувимиз қанча такомиллашса, саводхонлик ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдош Абдуллаев. Ҳамроҳим. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996, 17-бет.
2. *Shavkat Rahmatullayev*, *Azim Hojiyev*. *O'zbek tilining imlo lug'ati*. – Toshkent, “O'qituvchi”, 1995.
3. Ўзбек тилининг имло луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2013.

2-SHO‘BA: ONA TILI TA‘LIMIDA MILLAT KELAJAGINING IN‘IKOSI.

OG‘ZAKI NUTQNI O‘STIRISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

Abdullayeva Maxfirat,

Romitan tumani 33 –maktab o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu tezisda og‘zaki nutqni o‘stirishda interfaol metodlardan foydalanish va ularning samaralari xususida mulohazalar ifodalangan.

O‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirish, ularni har tamonlama komil inson qilib tarbiyalash bugungi kunning dolzarb muammosi sanaladi. Shu tufayli har bir o‘quvchi bilan individual shug‘ullanish, ularni zamon talabiga mos ravishda voyaga yetkazish har bir ota –onaning, qolaversa, pedagogning vazifasidir.

Fan-texnika rivojlangan bir davrda o‘quvchilarning og‘zaki nutqi rivojlantirishga e‘tibor qaratish muhim va dolzarb masala sanaladi. Yoshlarimiz ko‘p vaqtlarini electron texnologiyalarga sarflamoqda. Bu esa ularni nutq o‘stirishida sustlikka olib keladi.

Ma‘lumki, nutq og‘zaki va yozma ko‘rinishga ega. Og‘zaki nutq gapirib turgan vaqt birligidagina mavjud bo‘lib, bu jarayon tugashi bilan nutq ham tugaydi. Og‘zaki nutq tezkorlik bilan amalga oshadi va tahrir imkoniyatiga ega bo‘lmaydi.

Og‘zaki nutqda, odatda, muloqot uchun eng zarur narsalarnigina zikr etiladi. Bu bir tomondan vaqt iqtisodi bilan ikkinchidan nutq kuchini tejash bilan bog‘liq. O‘quvchilarning og‘zaki nutqini ilmiy va badiiy jihatdan o‘stirish mumkin. Bunday vazifa ko‘proq pedagoglar zimmasiga yuklanadi. Ayniqsa, ona tili va adabiyot darslarida turli ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda ularning nutqini o‘stirishimiz mumkin.

Og‘zaki nutq har bir kishidan o‘z suhbatdoshining fikrini tez anglashni, suhbatda zarur bo‘lgan so‘zni topish va har bir so‘zning suhbat ma‘nosiga mos ma‘nodoshini qo‘llay olishini talab qiladi. O‘g‘zaki nutqda o‘ylab so‘z qo‘llashga vaqt bo‘lmaydi, avval tayyor bo‘lgan so‘zlardan

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

foydalaniladi. Bu esa o`quvchidan nutqining ravonligini, so`z qo`llash mahoratining mavjudligini talab qiladi .

Avvalambor, o`quvchini to`liq va ravon so`zlashga, har qanday mavzuda fikrlay olishga tayyorlash lozim. Buning uchun ona til darslarida “Tasvirlar tili”, “So`zdan so`zning farqi bor “, “Raqamlar tilga kirganda”, “Men ijodkorman” kabi usullardan foydalanish mumkin.

“Tasvirlar tili” usulida o`qituvchi tomonidan doskaga ilingan ko`rgazmada tasvirlangan rasm yoki voqea haqida o`quvchi og`zaki matn tuzadi. Matn tuzish davomida so`zlardan o`rinli foydalanish, ularni ma`nodoshi bilan erkin almashtira olish, ham mavzuga mos o`xshatishlarni to`g`ri qo`llay olishiga e`tibor berish lozim bo`ladi.

Yoxud shu orqali o`tilgan mavzuni mustahkamlash ham mumkin Masalan, doskada bahor tasviri ilinib, “Bog`lovchi” mavzusi mustahkamlanishi mumkin. Bunda o`quvchilar hikoya davomida bog`lovchilardan o`rinli foydalanishi lozim .

Mana o`lkamizda o`zining tarovati, go`zalligi va (1) nafosati bilan barchani lol qiluvchi fasllar kelinchagi bahor kirib kelmoqda . Butun tabiat o`zgarmoqda, ya`ni (2) uyqudan uyg`onmoqda. Samolarda qaushlarning ovozi-yu (3) parvozini his qilish naqadar baxt! Anhorlar bo`yida chuchmoma ham (4) binafshalar o`z qomatlari ko`z-ko`z qilgani uyg`onmoqdalar...

Eng yaxshi va jozibador nutq egasi o`qituvchi tomonidan rag`batlantiriladi.

“So`zdan so`zning farqi bor” metodida esa o`quvchilar doskada yoki monitoringda (ko`chma doskada) mavjud bo`lgan sinonim so`zlar ishtirokida mahoratlaridan kelib chiqqan holda gaplar yoki matn tuzadilar . Bu mavzuni 10-sinf ona tili darslarida va 5-sinfda ona tilida “Leksikalogiya” bo`limida qo`llash qulayroq.

“Men ijodkorman” metodi iqtidorli o`quvchilar uchun mo`ljallangan bo`lib, unda bir o`quvchi yoshidan kelib chiqqan holda turli bir -biriga bog`liq bo`lmagan tushuncha, voqea- hodisa hamda predmetlar haqida bog`lanishli matn tuzadi . Matnda tushunchalarninf o`zaro bir -biriga bog`liqligi, so`z qo`llash mahorati va mantiqan yaxshi g`oyalarning mavjudligiga qarab baholanadi. Bu usulda o`qituvchi ijodkor o`quvchiga kamida 5 ta surat yoki tushuncha, predmetni ko`rsatadi. O`quvchilar ularni o`zaro bir-biriga bog`lab matn tuza olishi shart.

“Ogʻzaki nutqdan kuzatiladigan maqsad bayon qiladigan fikrlarga mos soʻzlarni tezlik bilan topa olishga, nutq davomida fikrni tizimlashtiruvchi reja tuzishga, oʻz fikrini ishonarli va va qatʼiy bayon qilishga oʻrgatish va nihoyat, oʻquvchilarda hozirjavoblikni oʻstirishdan iborat” (H. Ubaydullayev)

Yuqoridagi usullar oʻquvchining ijodiy fikrlashini orttirs, ayrimlari ularning ilmiy salohiyatiga taʼsir qiladi. “Raqamlar tilga kirganda” metodi ham shular jumlasidan.

Bu metoddan adabiyot darslarida qoʻllash mumkin. Shoir yoki yozuvhiga oid raqamlar yoziladi, oʻquvchilar ular haqida toʻliq maʼlimot beradilar. Masalan, Alisher Navoiy hayoti va ijodi haqida 9-sinflarda dars boʻlsa, unda quyidagi sonlarni keltirish mumkin: “Xamsa “dostoni 5 dostonlardan iborat va hokazo.

Darslarda berilgan savollar oʻquvchilarni toʻliq javob berishga oʻrgatish ham, ona tilimizga boʻlgan hurmatning bir belgisidir. Ayniqsa, sof adabiy tilga soʻzlashish katta mahoratni talab qiladi.

Ona timizni koʻz qorachigʻimizdek asrash; uni kelajak avlodga sof, tabiiy holda yetkazish; uni dunyo boʻylab targʻib qilish; tilimizning imkoniyatlaridan oqilona foydalanish har bir oʻzbek farzandining burchidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Husanboyeva Q. Tahlil-adabiyotni anglash yoʻli. – Toshkent, 2013.
2. Mahmudov N. Oʻqituvchi nutq madaniyati. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
3. Mirqosimova M. Oʻquvchilarda adabiy tahlil malakasini shakllantirish va takomillashtirish asoslari. – Toshkent: Fan, 2006.
4. Toʻxliyev B. Adabiyot oʻqitish metodikasi. – Toshkent: Oʻqituvchi, 1992.

**UMUMIY O’RTA TA’LIM BOSQICHLARIDA ONA
TILI TA’LIMI JARAYONIDA KOGNITIV-
PRAGMATIK USUL ELEMENTLARIDAN
FOYDALANISH HAQIDA**

Ahmedov A.,

BuxDU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Yoqubova Sh.,

BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA. Ushbu tezisda umumiy o’rta ta’lim bosqichlarida ona tili ta’limi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlaridan foydalanish yo’llari ko’rsatilgan. Kognitiv-pragmatik usul elementlaridan boshlang’ich sinf ona tili darslarida foydalanish kerakligi misollar asosida ta’kidlangan.

Kelajagimiz bo’lmish yosh avlodning munosib ta’lim olishi va kelajakda yuksak marralarni qo’lga kiritishi uchun ta’lim tizimida yangi islohotlar amalga oshirilmoqda. 2020-yil 23-sentabrda O’zbekiston Respublikasining “Ta’lim to’g’risida”gi O’RQ-637-son Qonunining qabul qilinishi ham shular jumlasidandir. Bugungi ta’lim tizimimiz bilimli shaxsni emas, balki bilimlaridan jamiyat talablariga mos foydalana oladigan, mustaqil fikrlaydigan, madaniyatli, ma’naviyatli shaxsni tarbiyalashni o’z oldiga maqsad qilib qo’ygan. Bu maqsadni amalga oshirishda ona tili ta’limining o’rni beqiyosdir. Ona tili darslarining boshqa o’quv fanlaridan farqi shundaki, u boshqa barcha sohalarga oid bilimlarni o’zlashtirilishi uchun kerakli kognitiv tasavvurlarni hosil qilishga xizmat qiladi. Ya’ni ona tili darslarida o’quvchilar og’zaki va yozma savodxonlikka o’rgatiladi. Shu bilan birga ona tiliga oid nazariy bilimlar ham egallanadi. Shu boisdan so’nggi yillarda ona tilimizga e’tibor yana-da kuchaydi. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PF-5850-son Farmonining ijrosi yuzasidan mamlakatimizda juda ko’p ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu asosda DTSlar ona tili ta’limi oldiga quyidagi maqsadni qo’yadi: “Ta’lim oluvchida ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq

vaziyati, soʻzlovchi maqsadi va tinglovchi saviyasiga mos ravishda ogʻzaki va yozma shakllarda toʻgʻri, ravon va loʻnda ifodalash, oʻzgalar fikrini toʻgʻri anglash koʻnikmalarini shakllantirishi lozim”. Zamonaviy taʼlimning bosh maqsadi oʻquvchi tafakkurini rivojlantirishdan iboratdir. Bunda esa kognitiv-pragmatik usuldan foydalanish juda muhim hisoblanadi. Uzluksiz taʼlimning tayanch oʻrta (V-IX) va oʻrta (X-XI) taʼlim bosqichida induktiv mohiyatli kognitiv-pragmatik usuliga asoslanib oʻqitish allaqachon yoʻlga qoʻyilgan. Biroq boshlangʻich taʼlim boʻginida deduksiyaga asoslangan reproduktiv usuldan foydalanish hali ham davom etmoqda. Boshlangʻich taʼlim tizimida kognitiv-pragmatik usuldan foydalanish uchun amaldagi darsliklarga qisman oʻzgartirish kiritish lozim boʻladi. Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi mazmuni toʻrt yoʻnalishdagi bilimlarni oʻz ichiga oladi. Bular quyidagilar:

Birinchi yoʻnalish. Ona tili qurilish birliklari haqida elementar bilimlarni oʻzlashtirish. Bunda oʻquvchilar nutq tovushi, harf toʻgʻrisidagi dastlabki bilimlarni, unli va undosh tovush, jarangli va jarangsiz undosh tovush, boʻgʻin, ochiq va yopiq boʻgʻin, boʻgʻin koʻchirish qoidalariga oid axborotlarni oʻrganadi. Shuningdek, soʻz va uning maʼnolarini farqlashga oid, soʻz maʼnolari va soʻroqlariga koʻra guruhlash – ot, sifat, son, feʼl, olmosh soʻz turkumlari haqida ilk tasavvurga ega boʻladilar.

Ikkinchi yoʻnalish. Ona tilidan ilk ilmiy axborotlarni oʻzlashtirish nutq koʻnikmalarini shakllantirish bilan uzviy aloqadorlikda oʻrgatiladi. Ona tilida soʻzlash va aytilganlarni yozuv vositasida qayd etish, gapirish va eshitish, fikrni nutq vositasida roʻyobga chiqarish ehtiyoji oʻquvchilarda nutq koʻnikmalarini shakllantirish, ularni malaka darajasiga koʻtarish imkoniyatlarni yuzaga chiqaradi. Boshlangʻich sinflarning ona tili oʻquv predmeti boʻyicha hosil qilinadigan koʻnikma-malakalar quyidagi guruhlarga ajratib tahlil qilinadi.

1. Fonematik eshitish malakalari – nutq tovushini soʻz tarkibida toʻgʻri ijro etish va eshitish, nutq tovushlariga koʻra soʻz maʼnolarini farqlash, urgʻuli va urgʻusiz boʻgʻinlarni talaffuz qilish, soʻzlarni boʻginlar ketma-ketligida aytish va eshitish layoqatlari.

2. Grafik malakalar – har bir nutq tovushini oʻziga xos harf va belgilar yozish demakdir.

3. Orfografik malakalar – soʻz va uning tarkibiy qismlari – asos, yasovchi, turlovchi va tuslovchi qoʻshimchalarni, ajratib va qoshib

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

yoziladigan soʻzlar, soʻz birikmalarini, atoqli otlarni orfografik qoidalar asosida yozish.

4. Uslubiy malakalar – soʻz va uning tarkibiy qismlarini matnda ortiqcha takrorlamasdan, gap tarkibida gap boʻlaklari tartibiga rioya qilib, matn shakllantirish.

5. Tinish belgilarini yozma nutqda toʻgʻri ishlatish malakalari – boshlangʻich sinflarning dasturlari va Davlat taʼlim standartlarida koʻzda tutilgan nuqta (.), soʻroq(?), undov(!), vergul(,) kabi belgilarni matnda toʻgʻri ishlatish va matnni jonlantirish, yaʼni ularga rioya qilgan holda oʻqish faoliyatini amalga oshirish.

6. Prosodik malaka – nutq tempi, ovozning past-balandligi, diksiya, ohangga rioya qilib oʻqish, gapirish malakalari.

Uchinchi yoʻnalish. Ijodiy faoliyat tajribasini rivojlantirish. Bola ona tili vositasida ijtimoiy tajriba va uni oʻzlashtirish vositalarini egallaydi.

Toʻrtinchi yoʻnalish. Tilga, til orqali til ijodkori boʻlgan – xalqqa munosabatni shakllantirish. Bu yoʻnalish boshlangʻich sinf ona tili taʼlimida yetakchi boʻlib, bolalarda til bilimlari asosida dunyoqarashni, tabiat va jamiyat hodisalariga munosabatlarni tarbiyalashni taqozo qiladi.

Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi jarayoniga kognitiv-pragmatik usul elementlarini kiritish orqali oʻqitishda quyidagilarga alohida eʼtibor qaratish zarur:

1. Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlari asosida oʻqitish – oʻziga xos nazariy va amaliy asosga, yaʼni oʻz maqsadi, tamoyillari, usullariga ega mustaqil tizim.

2. Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlarini kiritish asosida oʻqitish bolalarning ichki affektlari – emotsiya, motiv, qiziqishlarini ragʻbatlantirishga moʻljallab oʻtkaziladi.

3. Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi jarayonida kognitiv-pragmatik usul elementlarini kiritish oʻquvchilar tafakkuri va mustaqil fikrlash layoqatini oʻstirishning yetakchi vositasidir.

4. Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimiga kognitiv-pragmatik usul elementlarini kiritish taʼlim jarayoni samaradorligini, oʻquvchilar oʻzlashtirishi sifatini yaxshilashga olib keladi.

Boshlangʻich sinf ona tili taʼlimi jarayonini kognitiv-pragmatik usul elementlari ijodiy taʼlim kontekstida tashkil etish talab etiladi. Bu esa oʻqitishning samaradorligini, yoshlarni hayot, ishlab chiqarish va ijtimoiy

munosabatlarga tayyorlashning sifatini yaxshilashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Kognitiv-pragmatik ta'lim usulida ta'lim jarayonining subyekti – faol o'rganuvchisi, ta'lim tizimi markazi – o'quvchi. O'quvchiga o'rgatilmaydi, u o'rganadi. Ta'lim jarayonining hamma tarkibiy qismlari mana shunga muvofiqlashtirilishi lozim. Ona tili darslari ham tafakkur, fikrlash darslari, bilim olishga ehtiyoj – izlanish, topish, tahlil qilish va qo'llash – foydalanish darslari bo'lishi lozim. Kognitiv-pragmatik usul elementlaridan boshlang'ich sinf ona tili darslarida foydalanish kerak. Bu o'quvchilarning tashabbuskorligi, mustaqilligi va fikrlashga asoslangan ongni rivojlantirishga qaratilgan, ijodiy fikrlaydigan, o'z fikrini mustaqil ravon bayon eta oladigan shaxsni shakllantirishda ona tilining o'rni yana-da oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони.

2. Ҳамроев А. Бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементларидан фойдаланиш хусусида// Педагогик маҳорат. – 2014. – Б. 39-42.

O'ZBEK TILI TA'LIMIDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI

Sanobar Akramova

Buxoro. 18-sonli o'rta maktab o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada maktab darsliklardagi mavhumliklar va ziddiyatlar haqida fikr yuritilgan.

Yosh avlodda milliy ong va taffakurni shakllantirish bevosita ona tili ta'limi bilan bog'liq. Til ijtmoy ruhiy hodisa sifatida har bir millatning milliy boyligi sanaladi. O'quvchilarni savodli, bilimli, mantiqli fikrlashga o'rgatish ona tili darsliklarining mukammalligiga ham bog'liq. Afsuski, hamma darsliklarni ham mukammal deb bo'lmaydi. Fikrimizni quyidagi aniq misol va takliflar bilan isbotlashga harakat qilamiz...

Izoh: Amaldagi 5-sinf darsligida sifat darajalari 3 ga (oddiy, qiyosiy, orttirma), 6-sinf darsligida esa to'rtga (oddiy, qiyosiy, orttirma,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ozaytirma) ajratiladi. Eng qizig'i ularning turlarida ham farqli jihatlar mavjud.

Ritorik so'roq gaplar uslubiyati Ritorik so'roq gaplar javob talab qilmaydigan, tasdiq mazmunidagi javobni o'zida yashirin ifodalaydigan gaplar bo'lib, ular eng kuchli uslubiy vositalardan sanaladi. Bunday so'roq gaplarda fikr kuchli his-hayajon, emotsionallik bilan juda ifodali, ta'kidli va ta'sirchan tarzda beriladi. Shunday uchun bunday gaplar, asosan, so'zlashuv, badiiy va publitsistik uslublarda keng qo'llaniladi. Misollar: Hozir erta turmasa bo'ladimi?! (O'. Umarbekov) Xalqini sevgan qaysi farzand vatanini ozod ko'rishni xohlamaydi?! (Erkin A'zam) Oliy adolat degani mana shu emasmi?! (Erkin A'zam) (N. Mahmudov va boshqalar. Ona tili. O'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalari o'quvchilari uchun darslik T.,2017, 72-bet).

Bu nazariy matn berilishidan oldin, sintaksisga oid dastlabki chuqur ma'lumotlar beriluvchi 8-sinfda ritorik so'roq gaplar haqida ma'lumot berilishi kerak edi.

So'z birikmasi va so'zlar qo'shilmasi, qo'shma so'z So'z birikmasi so'z qo'shilmasi (teng bog'lanish) va qo'shma so'zga o'xshaydi. So'z birikmasi va so'z qo'shilmasi nutqda hosil qilinadi. Qo'shma so'z nutq jarayonigacha mavjud bo'ladi. Shu boisdan u lug'atlarda aks etadi. (8-sinf, 37-bet).

Izoh: Darslikda, avvalo, tartib bilan olganda, so'z qo'shilmasi haqida ma'lumot berilishi lozim edi. So'z qo'shilmalarning ichiga so'z birikmasi ham kirishi, ya'ni so'z birikmasi so'z qo'shilmasi ichida yashashi misollar bilan tushuntirilishi kerak edi. Holbuki darslikda so'z birikmasiga ham, so'z qo'shilmasiga ham misollar aks etmagan.

Kesimning turlari. Kesim qanday mustaqil so'zlar bilan ifodalanishiga ko'ra ikki xil bo'ladi. 1. Fe'l kesim, 2. Ot kesim (5-sinf, 41-bet).

Kesim tuzulishiga ko'ra 2 xil bo'ladi: 1. Sodda kesim 2. Murakkab kesim.

Birgina so'z bilan ifodalangan kesim sodda kesim deyiladi. Paxta va tilladan yurt bezanadi. Alisher Navoiy she'riyat mulking sultoni. Ikki va undan ortiq so'z bilan ifodalangan kesim murakkab kesim deyiladi. Ayoqli kunlr o'tib borayotir. Uchrashuv qiziqarli bo'ldi.

Murakkab kesim tarkibidagi so'zlardan biri yordamchi so'zlar (ko'makchi fe'l, bog'lama, nisbiy so'zlar va bosh..lar) dan bo'lishi mumkin. 9-8-sinf, 61-bet)

Izoh: Darslikda keltirilgan misollar munozarali. Chunonchi Alisher Navoiy she'riyat mulkining sultoni gapida she'riyat mulkining sultoni qismi kesim bo'lib murakkab kesim hisoblanadi. Uchrashuv qiziqarli bo'ldi gapida esa aksincha, bo'ldi sodda kesim bo'lib, qiziqarli esa tarz holidir.

Izoh: Amaldagi 8-sinf darsligi mualliflari sodda gaplarni «Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusi ostida izohlashar ekan, ularni egali va egasiz gaplarga bo'lishadi. Avvalo, sarlavhaning qo'yilishi biroz tahrirtalab, egali so'zning aksi egasiz, ega ishtirok etmagan bog'lanmasining aksi esa ega ishtirok etgan deb olinsa mantiqan to'g'ri bo'lar edi. Demak, sarlavha yo «Egali va egasiz gaplar», yo «Ega ishtirok etgan va ega ishtirok etmagan gaplar» deb qo'yilishi maqsadga muvofiq bo'lardi.

Yana o'qiymiz: «Egasi mavjud bo'lgan gaplar shaxsli gaplar... egasi mavjud bo'lmagan gaplar shaxssiz gaplardir», Bizningcha, endi ta'riflar shaxsli gaplar, shaxssiz gaplar deb emas, balki egali va ega ishtirok etmagan gaplar (to'g'rirog'i egali va egasiz gaplar) deb yakun topishi kerak edi. Bu esa sarlavha va shu sarlavha ostida berilgan nazariy fikrlarning mutanosibligini, izchilligini ta'minlardi. Hozirgi holatida esa u o'quvchini biroz chalg'itadi.

«Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusidan keyin bularning qismlari, turlari izohlansa, nazariy fikrni berishdagi izchillik, ketma-ketlik ta'minlanar edi. Xolbuki, «Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusidan keyin «Egasi yashiringan gaplar», ularning turlari haqida ma'umot beriladi, undan keyin esa yana «Ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusi berilib, unda ega ishtirok etmagan gaplarning turlari izohlanadi.

Ega ishtirok etmagan gaplarga ta'rif berilar ekan: «...egasi mavjud bo'lmagan gaplar shaxssiz gaplardir» deyiladi, ega ishtirok etmagan gaplarning turlaridan shaxsi noma'lum gap izohlanar ekan: «Bu gaplar shaxssiz emas...» deya yana qayd etiladi

Izoh: Amaldagi 8-sinf darsligi mualliflari sodda gaplarni «Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusi ostida izohlashar ekan, ularni egali va egasiz gaplarga bo'lishadi. Avvalo, sarlavhaning qo'yilishi biroz tahrirtalab, egali so'zining aksi egasiz, ega ishtirok etmagan

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

bog'lanmasining aksi esa ega ishtirok etgan deb olinsa mantiqan to'g'ri bo'lar edi. Demak, sarlavha yo «Egali va egasiz gaplar»,yo «Ega ishtirok etgan va ega ishtirok etmagan gaplar» deb qo'yilishi maqsadga muvofiq bo'lardi.

Yana o'qiymiz: «Egasi mavjud bo'lgan gaplar shaxsli gaplar... egasi mavjud bo'lmagan gaplar shaxssiz gaplardir». Bizningcha, endi ta'riflar shaxsli gaplar, shaxssiz gaplar deb emas, balki egali va ega ishtirok etmagan gaplar (to'g'rirog'i egali va egasiz gaplar) deb yakun topishi kerak edi. Bu esa sarlavha va shu sarlavha ostida berilgan nazariy fikrlarning mutanosibligini, izchilligini ta'minlardi. Hozirgi holatda esa u o'quvchini biroz chalg'itadi.

«Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusidan keyin bularning qismlari, turlari izohlansa, nazariy fikrni berishdagi izchillik, ketma-ketlik ta'minlanar edi. Holbuki, «Egali va ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusidan keyin «Egasi yashiringan gaplar», ularning turlari haqida ma'lumot beriladi, undan keyin esa yana «Ega ishtirok etmagan gaplar» mavzusi berilib, unda ega ishtirok etmagan gaplarning turlari izohlanadi.

Ega ishtirok etmagan gaplarga ta'rif berilar ekan : «... egasi mavjud bo'lmagan gaplar shaxssiz gaplardir» deyiladi, ega ishtirok etmagan gaplarning turlaridan shaxsi noma'lum gap izohlanar ekan: «Bu gaplar shaxssiz emas...» deya yana qayd etiladi.

Yoyiq atov va so'z gaplar: Atov gaplar turli xildagi sodda va murakkab aniqlovchilar bilan bemalol kengayadi: May. Kunduz soat to'rtlar chamasi. Yangi shahar ko'chalari.

Atov gap kengaygan harakat nomi birikmalari bilan ham ifodalanishi mumkin: Oila davrasida yayrab o'tirish. Rohatbaxsh bahor havosidan to'yib-to'yib nafas olish.

So'z-gaplarning kengayishi juda qiyin va o'ta chegaralangan.

Ba'zan so'z-gaplar takrorlanib qo'llanadi:

Ergash tushunmadi:

Nima-nima? –dedi ko'zini katta ochib .

Biror gap eshitdingizmi?- so'radi Jo'raxon.

Yo'q-yo'q! (As.M.) (8-sinf, 74-bet).

Izoh: Yuqoridagi matndan ko'rinib turibdiki, darslik mualliflari nima-nima? Ni, ya'ni so'roq olmoshining takroridan hosil bo'lgan to'liqsiz gapni ham so'z-gap deb berishyapti.

Uyushiq kesim: Gap tarkibida ikki va undan ortiq atov birliklari (so'z, ibora, so'z birikmalari) bilan ifodalangan kesim bo'lib, kesimni shakllantiruvchi vositalar faqat keyingi kesim tarkibida ifodalanib, barchasiga aloqador bo'lsa, bunday ko'p kesimli gap uyushiq kesimli gap sanaladi: Siz a'lochi va jamoatchisiz.-Siz a'lochisiz va jamoatchisiz. Biz harbiy uchuvchi va Vatan posbonlari bo'lamiz. –Biz harbiy uchuvchi bo'lamiz va vatan posbonlari bo'lamiz. Gap juftliklardagi birinchi gaplar uyushiq kesimli sodda gaplar, ikkinchi gaplar esa qo'shma gaplardir, deb ko'rsatiladi 8-sinf maktab darsligida (108-109 –betlar).

Shakllangan, ya'ni kesimlik shakllari (tasdiq, inkor, mayl, zamon, shaxs-son ma'nolari) ga ega bo'lgan kesim alohida bir hukmni ifodalaydi, muayyan gap markazini tashkil eta oladi. Shuning uchun ikki va undan ortiq shakllangan kesimli gaplar (lekin bunday gaplardagi kesimlar uyushiq bo'laklar tarzida bo'lmasa) qo'shma gaplar sanaladi (8-sinf, 109-bet).

Izoh: Mualliflar garchi «...ikki va undan ortiq shakllangan kesimli gaplar qo'shma gaplar sanaladi» deb qasd qilishgan bo'lishsa-da, 228-mashqda gaplarni sodda va qo'shma gaplarga ajratishda kesimni emas, balki ega va kesim munosabatini asos qilib olishgani ko'rinib turibdi: Hamma chuqur xo'rsindi, Anorxon piq-piq yig'ladi. (O.)

Kelgusida maktab uchun darslik yozadiganlar amaliyotchi o'qituvchilarning ham fikr-mulohazalarini inobatga olsalar ona tili ta'limimiz yanada mukammal bo'lar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.O'zbek tilining izohli lug'ati. I-V. -T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006-2008. T. I. 2006. -680 b.; T. II. 2006. -672 b.; T. III. 2007. -688 b.; T. IV. 2008. -608 b.; T. V. 2008. -592 b.

2. Qo'ng'irov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. –T.:Fan,1977. -187 b.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI
ONA TILIM - MILLAT G'URURI**

Kumush Amonova

Shofirkon tumanidagi 4-maktab o`quvchisi

ANNOTATSIYA. Millatning shunday bebaho boyligi borki, bu boylik uni asrlar silsilasidan opchlab o`tkazib, xalq, davlat sifatida bo`y ko`rsatishi uchun asos, poydevor vazifasini o`taydi. Uning sehrli jozibasidan yaralgan so`zlarning mehrdan ko`zmunchoq taqqan ohanglari chaqaloqni bolaga, bolani o`smirga, o`smirni yigit-qizga, yigit-qizni otanaga aylantiradi. Shu bilan millat bardavomligi ta`minlanadi.

Otalar ma`naviy merosi farzandlar ko`ksidan joy oladi. Ona tiliga bo`lgan hurmat, mehr asta-sekin Vatanga muhabbatga aylanadi. Tuyg`ulari Vatan ishqiga oshufta ko`ngillarda o`zlikni anglash, g`urur, ornomus hislari yaproq yozadi, g`uncha ochadi. Bu haqida bir rivoyat eshitganman.

Qadim zamonda ikki do`st bir qizni sevib qolibdi. Qiz judayam go`zal bo`lish bilan birga aqlli ham ekan. Ular o`rtasida nifoq yuzaga kelmasligini uchun ikkalasini bir donishmand huzuriga yo`llabdi. Donishmand yigitlarga bir savol beribdi:

Siz qizga uylangach, tug`ilajak farzandingizga qanday tarbiya berar edingiz?

Birinchi yigit shunday debdi:

– Men farzandinga dunyoviy bilimlarni o`rgatuvchi ustoz yollayman, xorijiy tillarni o`rgataman, chet ellarga yuboraman, fan yangiliklaridan xabardor qilaman, qisqasi, mening o`g`lim zamonaviy ilmlar egasi bo`ladi...

Ikkinchi yigit esa quyidagilarni bayon qilibdi:

Men, avvalo, farzandimni ona tilini e`zozlashga, unga chuqur hurmat va ehtirom bilan qarashga, shu orqali ajdodlar o`gitlarini dasturulamal deb bilishga o`rgataman. Shundan keyin uni zamonaviy bilimlar, ilm-fan yutuqlari bilan tanishtiruvchi ustozlar qo`liga topshiraman. Natijada u o`z xalqiga, millatiga xiyonat qilmaydigan, uning yuksaltiradigan inson bo`ladi.

Donishmand bir oz sukutdan keyin ikkinchi yigitga shunday debdi:

– Qizning qalbi kimni tanlaydi, bilmadim-u, ota bo`lish sharafiga sen munosibroqsan...

Ha, dunyodagi eng buyuk zot ona deb e'tirof etilsa, u bizni dunyoga keltirgan tuproq – ona Vatan, u bizga o'rgatgan so'zlar – ona tili, onalar birlashib yaratgan mo'jiza esa ona xalq ataladi. Inson ruhiga ona suti, ona allasi bilan singadigan vatanparvarlik tuyg'usining ilk kurtaklari uning aytgan so'zida, gapida namoyon bo'ladi. Bolaga berilgan mehr-muhabbatning javobini ona tilida ilk bor "onajon", "dadajon" so'zlari orqali eshitar ekanmiz, mehnatimiz samara berganidan quvonamiz.

Hazrat Navoiy "Insonni so'z ayladi judo hayvondin", - degan edilar. Neajabki, millatni boshqa millatdan ajratib turuvchi belgi ham so'z, ya'ni tildir. To'g'ri, xalqlar bir-biridan qosh-ko'zi, urf-odatları, kiyinishi, an'ana va qadriyatları bilan ham farq qiladi. Ammo sanalganlarning barchasi bir tomon, til esa tarozining boshqa tomoniga qo'yilsa, ikkinchi tomon og'ir keladi, ya'ni tilidan ayro millatni millat deb bo'lmaydi.

Tilimiz juda qadimiy tarixga ega bo'lib, Oltoy tillar oilasining yuzga yaqin jonli tilni o'z ichiga qamrab oladi. Butun yer yuzasida bir necha yuz million kishi turkiy tilda so'zlashadi. Bizga turkiy tillarning uzoq tarixga ega ekanligini shu tillarda bitilgan dastlabki yodgorliklar "Xuastuanift" va O'rxun-Enasoy obidalari isbotlaydi. O'zbek tili rivojlangan tillar qatoriga kirib, bugungi kunda dunyo bo'yicha 25 milliondan ortiq va ba'zi manbalarda aytilishicha, 40 milliondan ortiq kishi ona tilimiz bo'lmish o'zbek tilida so'zlashadi. O'tgan davr mobaynida faxrimiz va g'ururimiz bo'lgan ona tilimiz tarixida ko'plab o'zgarishlar yuz berdi. Bu o'zgarishlar ichida eng ahamiyatlisi va e'tiborlisi- bu 1989-yil 21-oktabrda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganligidir. 1994-yil 29-fevralda esa O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori bilan "Davlat tili to'g'risida"gi Qonun qabul qilindi va 1995-yil 21-dekabrda qayta ko'rib chiqilib, yangi moddalar kiritildi.

Olimlarimiz tilimiz tarixini O'rxun Enasoy obidalari bitilgan "Qadimgi turkiy til", "Hibbat ul haqoyiq", "Devoni lug'otit-turk", "O'g'uznoma", "Muhabbatnoma", "Qissasi Rabg'uziy" kabi sara asarlar yaratilgan eski turkiy til, Lutfiy, Sakkokiy, Durbek, Atoiy, Navoiy, Bobur, Muhammad Solih, Mashrab, Ogahiy, Gulxaniy, Abulg'oz Bahodirxon, Feruz, Muqimiy, Furqatlarni dunyoga tanitgan eski o'zbek adabiy tili, Fitrat, Cho'lpon, A.Qodiriy, A.Qahhor, G'afur G'ulom, A.Oripov, E.Vohidov, O'Hoshimov, O.Yoqubovlar ijod qilgan hozirgi o'zbek adabiy tili bosqichlariga bo'lganlar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

O`zbek tili mustaqil til sifatida XI asrdan shakllana boshlagan va XX asr boshigacha turk, sart, chig`atoy, o`zbek atamasi bilan nomlanib kelgan. Manbalarda turk atamasining urug`, elat, “bahodir”, “qalpoq”, “bo`ri”, “kuchli”, “qudratli”, “qurolsiz”. “dubulg`asiz” degan ma`nolarda ishlatilgani yozilgan. Turk nomi o`tmishda turkiy tilning umumiy nomini bildirishi bilan birga o`zbek xalqi va tiliga nisbatan ham ishlatilgan. O`zbek so`zi urug`, qabila, elat sifatida “saxiy”, “odamiy”, “dil tortuvchi”, “sevgili” ma`nosida Lutfiy, Atoiy va Navoiy ijodida uchraydi. Demak, o`zbek tili XI asrdan mustaqil til sifatida boshqa turkiy tillardan ajrala boshlab, XV asrda eski o`zbek adabiy tili sifatida to`la shakllangan.

Shuni ta`kidlash joizki, A.Navoiy bu tilning ravnaqi uchun juda ulkan xizmatlar qilgan. O`zining shoh asarlari bilan o`zbek degan nomni dunyoga tanitish bilan birga davlat arbobi sifatida Husayn Boyqaroga shu tilda asarlar yaratish to`g`risida farmon chiqartirgan. O`sha paytlarda tilimiz chig`atoy tili deb atalgan.

Ha, turk nazmida mehnat-u mashaqqat chekib, bu mamlakatni “yakqalam” etgan Navoiy, “Ikki asr yarim dunyoni zir qaqshatgan” Sohibqiron Amir Temur, “Ollohning qo`shnisi” degan nomga sazovor bo`lgan Az-Zamaxshariy, “Din va millatning hujjati” e`tirofiga sazovor bo`lgan Burxoniddin Marg`inoniy, dunyoning narigi chekkasiga borib ham o`z ona tilining jozibasini ko`z-ko`z qilgan hamda Vatan tarkini “yuz qarolig`” atagan Zahiriddin Muhammad Bobur, “Moziyga qaytib ish ko`rish xayrli” ekanini ta`kidlab, o`ziga shu til bilan “O`tgan kunlar” degan betakror haykal o`rnatgan A.Qodiriy, “Nega ko`cha qoidasini buzgan kishiga hushtak chalinadi-yu, til buzganga hech kim indamaydi” deya bong urib, so`zni sozday sayratgan Abdulla Qahhor, “Bulbul kuyin she`rga solgan” Abdulla Oripov va o`zbek tiliga muhtasham obidalar barpo etgan boshqa farzandlari haqqi-hurmati ona tilimiz bugun ham millat timsoli, iftixori sifatida o`z jilosini saqlab qolmoqda.

Xayriyatki, tilimizning “xushxon bulbullari”, jonkuyar farzandlari bor ekan. Ular XX asr navoiylari bo`lib, yurtimiz rahbariga tilimizning yo`qolib borayotgan nufuzini tiklash to`g`risida bong urdilar. Bularning samarasi sifatida o`zbek tili rasman “O`zbekistonning Davlat tili” deb e`lon qilindi. Kundan kunga gurkirab borayotgan, eng boy tillardan biri sifatida dunyo xalqlarining e`tirofiga sazovor bo`lgan, milliy g`ururimiz va

millatimiz ruhi ona tilimiz mavqeyi yo`lchi yulduzimiz bo`lgan Konstitutsiyamizda belgilab qo`yildi. Uning 4-moddasida:

“O`zbekiston Respublikasining davlat tili o`zbek tilidir. O`zbekiston Respublikasi o`z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va ellatlarning tillari, urf-odatlari va an`analarining hurmat qilinishini ta`minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi” degan fikrlar yozib qo`yilgan.

Mustaqil davlatimiz o`z Davlat Gerbi, Davlat Bayrog`i, Davlat Madhiyasi qatorida o`z Konstitutsiyasiga ham ega bo`ldi. Muhammad Yusuf aytganidek: “Sening qaytgan kuning – men tug`ilgan yilim”...

Ha, bundan roppa-rosa o`ttiz yil oldin dunyo daftariga o`zbek degan nom qayta yozildi. Shundan beri har yili bu sanani bayram qilamiz. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev tashabbusi bilan, ayniqsa, bu yilgi tantanalar o`zgacha nishonlanmoqda. 2019-yil 4-oktabr kuni e`lon qilingan qarorga asosan turli ko`rik-tanlovlar, bayram sayllari, adabiy kechalar o`tkazilmoqda. 21- oktyabrning O`zbek tili bayrami kuni deb e`lon qilinishi bu yo`lda muhim qadam. Bugun faoliyat yuritayotgan Alisher Navoiy nomidagi o`zbek tili va adabiyoti univeriteti bitiruvchilarining faoliyati o`zbek tilimizni dunyo tiliga aylanishi va minbarlarida yangrashi uchun xizmat qilsa, ne ajab.

Vatanga mehrimiz ona tilimizdan kuch oladi. U zabonimizda yangragan qudrat, ta`riflashga so`zlar-da o`zlik qiladigan boyligimiz.

Millatning tilidagi gavhar, ijodidagi qudrat, ko`ksidagi bebaho olmosi bo`lgan ona tilim! Bugun seni madh etmoqchi bo`ldim-u, ammo o`z ishimdan ko`nglim to`lmadi. Demak, seni o`rganishda qandaydir kamchiliklarga yo`l qo`yibman. Aslida, har kuni, har soatda o`zimiz bilmagan holda senga hurmatsizlik qilamiz. Sening muqaddas kalomlaringni buzib talaffuz qilganimizda ham, o`zimizcha madaniyatli ko`rinamiz, deb gaplashganda chet so`zlarni tushunib-tushunmay nutqimizga qo`shib, ma`naviyatsizlik qilganimizda ham, sening jozibang ila sayqal berilgan asarlarga befarq qaraganimizda ham bizni kechirgansan. Onamiz kabi qanday bo`lsak, shunday yaxshi ko`raverasan, qabul qilaverasan.

Bugun yana shuni tushundimki, Vatanimizda ulg`ayayotgan har bir yosh, har bir o`zbek g`urur va iftixorni saqlab qolishi uchun seni asrashi va hurmat qilishi lozimdir:

Menga iftixordir na mulk, na bisot,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Chunki sizdan buyuk meros – ona tilim bor!

Onajon, bu menga tiriklik, najot

Ona tilim deya qilgum iftixor.

Seni asrash esa bizning bilim olishga chanqoqligimizda, kitobga mehr-muhabbatimizda, yuksak marralar sari intilishimizda ko`rinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 177 б.
2. <http://n.ziyouz.com/kutubxona>
3. <https://bolalardunyosi.uz/content/read360.html>
4. <http://buxdu.uz/index.php/ru/sotsialnaya-sfera/duhovno-prosvetitel-skie-meroprijatija/1898-til-millat-ko-zgusi>.

ONA TILI TA'LIMIDA INTEGRATIV YONDASHUV

Asadova Sh.A.,
BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA. Mazkur maqolada umumiy o`rta ta`lim maktablarining ona tili mashg`ulotlarida fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish samaradorligi xususida mulohaza yuritilgan.

Kirish. Ona tili ta`limida grammatik bilimlarning ko`p va xo`p berilishi yoki o`quvchi xotirasiga tilshunoslik asoslarining ketma-ket singdirilishi ham ona tilidan DTS(malaka talablari)da ko`zda tutilgan uzviylik emas. (Odatda, ona tili dastur-u darsliklarida belgilangan mavzularni tahlil qilsak, muayyan mavzu doirasida berilgan nazariy ma`lumotlar ijtimoiy ehtiyojga o`xshab ko`rinadi. Masalan, 6-sinf "Ona tili" darsligida "Fe`lning vazifa shakllari" mavzusi ta`limida fe`lning vazifa (xoslovchi) shakllari hisoblangan harakat nomi, sifatdosh, ravishdoshning ta`riflari tavsiya etiladi va shu o`rinda harakat nomi nima ekanligi, sifatdosh deb nimaga aytilishi yoki ravishdoshning ta`rifini yod bilish, o`zlashtirish, fe`lning vazifa (xoslovchi) shakllarini hosil qiluvchi qo`shimchalar va ularning turlari haqidagi ma`lumotlar [2] ijtimoiy ehtiyojdek ko`rinadi. Biroq sanab o`tganlarimiz sun`iy holat bo`lib, ijtimoiy ehtiyoj darajasiga ko`tarila olmaydi. Sababki, o`rta umumta`lim maktablarida tahsil olgan biror o`quvchi hayoti davomida nutqi tarkibida

ishlatilgan birliklar (nutq tovushi, bo'g'in, urg'u, ohang, so'zshakl, so'z birikmasi, gap, matn va hokazolar)ning lingvistik ta'riflarini bilishga zarurat sezmaydi. Zero, til ta'limining oltin qonuni – ta'lim oluvchi tinglaganini to'g'ri tushuna olishi, xatosiz o'qib hamda uqib bilishi, bexato yozish malakasini egallashi, asosiysi, qayerda, nimani, qanday shaklda aytishni bilishi kerakligidan iborat.)

Asosiy qism. Uzviylik bir sinf yoki bir fan doirasida chegaralanib qolishi ham mumkin emas. Zero, ta'limni globalashtirish, ya'ni ta'lim-tarbiya jarayoniga kompleks yondashishni amalga oshirish shu kunning dolzarb masalalaridan biri ekanligini inobatga olsak, inson hayoti o'tmish, hozir va kelajak bilan uzviy bog'lanmasa, o'z mazmunini yo'qotib, fayzsiz va zavqsiz bir hodisaga aylanib qolganidek, ona tili ta'limi jarayonini ham adabiyot, tarix, biologiya, kimyo, geografiya, qolaversa, ta'limning barcha tur va bosqichlarida o'qitiladigan o'quv predmetlari bilan mushtarak holda bog'lama ekanmiz, ta'lim uchun sarflagan vaqtimiz, mehnatimiz zoye ketaveradi. Hozirgi kun ta'limi o'quvchilarni borliqni yaxlit bir tizim sifatida qabul qilishga o'rgatishi, hodisa va voqealar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni tushunish ko'nikmasini hosil qilishi, fanlararo aloqadorlik, har bir fanga taalluqli umumiylik va shu umumiyliklarning xususiyliklarda yuzaga chiqishi, mohiyat, imkoniyat hamda sababning hodisaviylik, voqelik, oqibat holatlaridagi o'zaro munosabati va ularning bir-biriga ta'sirini anglashga yordam berishi zarur.

“Xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq”[1] ekan, respublikamizda uzluksiz ta'lim-tarbiya tizimi integratsiyalashuvini ta'minlash, mazkur jarayonni takomillashtirish, shu asosda ta'lim sifatini jahon andozalariga moslashtirish eng dolzarb vazifa bo'lib qolaveradi. Zero, butun ta'lim tizimini, jumladan, umumta'lim maktablarini isloh qilish, uning moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, axborot asrida o'z o'rnini topa oladigan, jahon andozalariga mos raqobatbardosh, intellektual salohiyatga ega bo'lgan kadrlarni tayyorlashda davlatimiz bosh islohotchi bo'lib maydonga chiqqanligining asosiy sababi ham shu vazifa ijrosi bilan kesishadi. Fanlararo bog'liqlik asosida o'quvchi shaxsining to'la rivojlanishi, tez o'zgaruvchan hayotga har taraflama tayyor bo'lishi, ularning mustaqil ravishda bilim olish ko'nikmalarini, ijodiy fikrlashini rivojlantirish, ulkan axborot makonida axborotlarni tanqidiy nuqtayi nazardan to'g'ri izlash, tanlab olish, oldida turgan muammolarni nafaqat ko'ra bilish, balki ularni ifodalash va hal eta olish yotadi.

Maktab ona tili ta'limida fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish jarayonida o'quvchilarda dunyoqarash, tashqi muhitga ongli munosabat,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

vatanga, ota-onaga, do'stga muhabbat, sadoqat, so'z sehrini seza olish va tilga ehtirom tuyg'ulari, har bir kishi uchun zarur bo'lgan milliylik, milliy g'urur, mustaqillik, tashabbuskorlik, aniqrog'i, dunyoni bilish hamda ijtimoiy hayotga to'la moslashish sifatlari tarbiyalab boriladi. Ana shu mantiq maktabda ona tili ta'limini o'rta mumta'lim bosqichining boshqa o'quv predmetlari bilan bog'lab o'qitish zaruratini izohlaydi. Bu zarurat ona tili ta'limi maqsadining ro'yobini ta'minlash vositalaridan biriga aylanadi. Zero, ona tili ta'limi maqsadining ro'yobini ta'minlash uchun tegishli davlat ta'lim standarti(malaka talablari)da quyidagi uch parametr asosida ish ko'rish muhimligi belgilab qo'yilgan:

1. *Ijodiylik;*
2. *Mustaqil fikrlash;*
3. *Fikr mahsulini nutqiy vaziyatga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish* [3].

Ya'ni:

–o'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgarlar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish;

–o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish;

–ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda to'g'ri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik kompetensiyalarni shakllantirish[5]dan iborat.

Berilgan parametrlar o'quvchilarning lug'at boyligini oshirish, og'zaki va yozma nutq madaniyatini shakllantirishni nazarda tutadi. O'quvchining so'z boyligi qancha ko'p bo'lsa, uning nutqi, imloviy savodxonligi ancha yuqori bo'ladi. O'quvchilarning so'z boyligi esa bevosita ona tili mashg'ulotlarida boyitib borilishi lozim. Ta'limda nafaqat bilim berish, balki uni qanday yetkazib berish ham muhim sanalib, o'quvchilarga dars jarayonida ilmiy bilimlar bilan birga axloqiy, estetik ta'lim-tarbiya ham berib borilar ekan, bunda fanlararo integratsiyalashuv jarayoni muhim rol o'ynaydi va ta'lim samaradorligini oshiradi. Ta'limda integratsiyalashuvni ta'minlash har bir o'qituvchining qobiliyati va mahoratiga bevosita bog'liq.

O'quvchini mustaqil fikrlay oladigan shaxs sifatida kamol topishida ona tili ta'limining ham, ona tili o'qituvchilarining ham roli beqiyos. Shunday ekan, mustaqil fikrlay oladigan shaxsni tarbiyalashi zarur bo'lgan

o'qituvchining o'zida chuqur bilim, tajriba, yuqori darajadagi malaka, iqtidor va bilimni yetkaza olish mahorati to'la shakllangan bo'lishi, ayniqsa, uning zamon bilan hamnafas fikrlaydigan bo'lishi talab qilinadi. Zero, bugun ona tili ta'limining asosiy maqsadi ijodiy fikrlovchi shaxsni tarbiyalashdan iborat ekan, har bir dars mavzusi, unda qo'llaniladigan ta'lim vositalari, darsda beriladigan topshiriqlar ham shunga mos tarzda tanlanishi zarur. O'qituvchi darsga tayyorlanish jarayonida o'quvchilar tafakkurini o'stirish uchun vazifa turlarini tanlaydi, darsning materialini va uni o'zlashtirishda bolalar bajaradigan aqliy faoliyat mashqlarini ham belgilab oladi. O'quvchilarga beriladigan nazariy bilim tildan ongli foydalanish imkonini bergandagina ahamiyatli. Darsda belgilab olinadigan tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlar orqali beriladigan bilimlarda o'quvchilarning ma'naviy va axloqiy xislatlari tarbiyalanib boradi. Shuning uchun ham o'qituvchi dars loyihasini tayyorlar ekan, dars maqsadi o'rganilayotgan bo'lim maqsadiga, o'rganilayotgan bo'lim maqsadi esa mazkur o'quv predmetining xususiy maqsadiga mos ravishda oydinlashtirilishi va shu maqsad asosida o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyati shunday tashkil etishilishi lozimki, belgilangan maqsad to'liq amalga oshsin.

Chunonchi, yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni so'rash va mustahkamlash qismida turli xil ta'limiy o'yinlar va topshiriqlardan unumli va samarali foydalanish, dars jarayonini maktabda o'quvchiga ona tili o'quv predmeti bilan parallel o'qitiladigan boshqa o'quv predmetlari (masalan, adabiyot, tarix, chet tili, geografiya, botanika, biologiya, zoologiya kabilar) bilan aloqadorlikda shakllantirish o'quvchilarning darsga qiziqishlarini oshiradi, ta'lim samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Masalan, ona tilidagi "Sintaktik aloqa" (8-sinf) mavzusi fizikadagi "Kuch" (7-sinf) va ximiyadagi "Valentlik" (8-sinf) mavzulari bilan o'zaro aloqador. So'zlarning lug'aviy hamda grammatik ma'nolari orasidagi bog'liqlik so'z birikmasi hamda gap tarkibini yuzaga keltiradi: *qizil gul* (gul – o'simlik; tirik mavjudlik). Uning gul kosasidagi yaproqlari rangi qizil bo'lishi mumkin. Demak, *qizil gul* birikmasida [qizil] + [gul] hosilalari mantiqan biri ikkinchisini talab qiladi (Bu fanda leksik valentlik deyiladi). Grammatik jihatdan esa [rang-tus sifati]+[turdosh ot; o'simlik nomi] sifatida morfologik uyg'unlik(valentlik)ni yuzaga keltirgan.) Biz hech qachon *qizil sevgi*, *qizil tuyg'u*, *qizil chopmoq*, *qizil uxlamog* yoki *semiz gul*, *oriq gul*, *sal gul*, *xiyla gul*, *qovurigan gul*, *ichiladigan gul* deya olmaymiz. Chunki bu birliklarning tarkibidagi so'zlar bir-biri bilan moslashmaydi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Fizikada jismlarning o‘zaro ta‘sirini tavsiflovchi fizik kattalik *kuch* deyiladi [4]. Kuch – o‘zaro ta‘sir va bog‘lanish demakdir. Masalan, magnitni temir qoshiqqa yaqinlashtirsak, temir qoshiq magnit tomonga harakatlanadi va u magnitga yopishadi. Ammo magnitni bir parcha taxtaning ustiga qo‘ysak ham, u magnitga yopishmaydi. Nega? Javob oddiy: temir qoshiqning ichki potensiyasida magnit bilan tortish va tortilish kuchi bor. Taxta parchasida esa bu xususiyat yo‘q.

Valentlik atamasi, eng avvalo, kimyo faniga tegishli bo‘lib, biror kimyoviy element atomining boshqa element atomlaridan muayyan sondagisini biriktirib olish xossasidir. Ximiyada “bir valentli”, “ikki valentli”, “ko‘p valentli” atamaları ishlatiladi. Buni qanday tushunish kerak? Chunonchi, H₂O (suv) – suv molekulasida bitta kislorod atomi (O) bir valentli bo‘lib, u vodorod (H) atomining ikkitasi bilan birikkan. Demak, bu yerda kislorod ikki valentli(H₂)dir.

Ammiak tarkibida (NH₃)gi azot (N) bir valentli, vodorod (H) esa uch valentlidir.

Xulosa. Demak, sintaktik aloqa ham, kuch ham, valentlik ham o‘zaro ta‘sir va bog‘lanish, demakdir. Qachonki, ona tili o‘qituvchisi o‘quv predmetlari mavzulari orasidagi aloqadorlikni ziyraklik bilan topib, o‘quvchilar shuuriga oson va sodda tarzda singdira olsa, ya‘ni o‘quvchi tafakkurini turli hodisalardagi assosiativ aloqadorliklarni anglash va topishga odatlantirsa, ona tili ta‘limi maqsadining ro‘yobi ta‘minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak malakali mutaxassislar–taraqqiyot omili.–T.: O‘zbekiston. 1995.–128 b.

2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumta‘lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik.–T.:Tasvir, 2019.– 183 b.

3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. – Т.: Шарқ, 1999. – 304 б.; Umumiy o‘rta ta‘limning ona tili fanidan davlat ta‘lim standarti va o‘quv dasturi.– Toshkent, 2019.–69 b.

К ВОПРОСУ О МЕТОДИКЕ ИЗУЧЕНИЯ ГЛАГОЛЬНЫХ СЛОВСОЧЕТАНИЙ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ В НЕРУССКОЙ АУДИТОРИИ

Ахмедов Б.,

доцент кафедры методики преподавания
языков РЦППКРНО Бухарской области

АННОТАЦИЯ. В настоящее время ВУЗы Узбекистана готовят преподавателей русского языка и литературы из лиц местной национальности. Большинство студентов этих факультетов – выпускники сельских школ с узбекским языком обучения. С целью подготовки студентов к слушанию систематического курса «Современный русский язык» и других лингвистических дисциплин на первом курсе ведутся занятия по практическому курсу русского языка, где на основе знаний, приобретенных студентами в школе, совершенствуется и активизируется их русская устная и письменная речь.

Практика преподавания данного курса показывает, что наибольшее количество ошибок при конструировании сочетаний слов на русском языке приходится на глагольные словосочетания. Это можно объяснить следующими факторами: во-первых, частотой употребления глагольных словосочетаний в речи; во-вторых, отсутствием таких грамматических категорий в узбекском языке, как вид, род, частичным несовпадением некоторых форм времени; в-третьих, несовпадением объема значений многих глаголов русского и узбекского языков (особенно при сочетании с другими словами).

Рассмотрим ошибки, допускаемые в словосочетаниях с глаголами двух тематических групп – движения и говорения. Глаголы данных групп наиболее употребительны на всех этапах обучения русскому языку нерусских.

Материалом для наблюдения явились письменные работы студентов (сочинения, изложения, упражнения с грамматическими заданиями) и устная речь (пересказы текстов, ответы на вопросы, составление коротких рассказов по заданной ситуации и т.д.)

Наиболее распространенные ошибки делятся на три группы:

1. Ошибки, обусловленные неправильным употреблением видов глагола.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

2. Неправильное употребление в конструкциях типа «глагол + существительное с предлогом» как предлога, так и падежной формы существительного.

3. Ошибки, обусловленные незнанием полного объема значений глагола.

Для устранения этих ошибок необходимо было выявить причины, порождающие их.

Одной из основных причин возникновения всех вышеуказанных типов ошибок является интерферирующее влияние родного языка. Например:

1. Неразличение студентами-узбеками видов глагола обусловлено отсутствием данной категории в их родном языке (*сказал целый час* вместо *говорил целый час*; *сразу отвечал на вопрос* вместо *сразу ответил на вопрос*; *отвечал на письмо* вместо *ответил на письмо* и др). Ошибки данного типа трудно поддаются исправлению.

В практике преподавания основной формой различения видов глаголов является постановка вопросов что делать? и что сделать? Для учащегося-узбека эти вопросы идентичны: к каждому из видов он может задать любой из этих вопросов.

Для различения и правильного употребления в речи видов глагола надо обращать внимание студентов как на формальные признаки (морфемные – приставки, суффиксы; фонемные – чередование гласных и согласных в корне), так и на содержательные (пояснение различий в значениях глаголов, особенности употребления видов в различных временах).

При таком подходе к изучению употребления видов глагола в речи значительно сократилось количество ошибок.

2. В словосочетаниях типа «глагол + существительное с предлогом» имеет место:

а) неправильное употребление (выбор) предлога или его отсутствие (*ушел в фронт* вместо *ушел на фронт*; *ушел школа*, вместо *ушел в школу*).

б) правильное употребление предлога, но неверный выбор падежной формы существительного (*вошли в трамвае* - вместо *вошли в трамвай*; *рассказала об Улугбек* - вместо *рассказала об Улугбеке*).

Эти ошибки обусловлены, во-первых, тем, что русские предлоги могут передаваться в узбекском языке при помощи послелогов и падежных окончаний (этим, в частности, и объясняется пропуск предлога в словосочетаниях); во-вторых, в русском языке с одной падежной формой могут употребляться несколько предлогов

(например, с родительным падежом – предлоги для, от, из, до, у, из под и т.д.), а также в связи с тем, что несколько значений того или иного русского падежа передаются в узбекском языке одним и тем же послелогом или падежным окончанием. Например, предлоги в и на могут передаваться в узбекском языке одним падежным аффиксом –да: в портфеле – портфелда; на столе – столда.

Учитывая все вышесказанное а также и то, что предлог играет роль «уточнителя падежа» (*для сестры, у сестры, от сестры...и т.д.*) и «уточнителя глагола» (*иду к..., иду от..., иду на .., иду в..., иду из-за... и т.д.*), изучение конструкций существительных с предлогами увязывается одновременно с глаголом в определенных речевых моделях, в которых раскрывается значение каждого предлога и его соотношенность с различными падежными формами существительных. Это помогает не только выработке автоматизированных речевых навыков при усвоении моделей типа «глагол + существительное с предлогом», но и сознательному усвоению значений предлогов, падежей, видов и времен глаголов в каждый конкретной словесной конструкции. Например, изучение глагольной приставки сочетается с изучением предложных конструкций: войти в комнату (*во что? куда?*); выйти из комнаты (*из чего? откуда?*); налететь на стол (*на что?*) и т.д.

3. Неправильное употребление в конструкциях типа «глагол + существительное» обусловлено, как уже отмечалось выше, незнанием полного объема значений русского глагола. Объем значений русских глаголов во многих случаях не совпадает с объемом значений тех же глаголов в узбекском языке. Отсутствие различий в значениях русских глаголов (*ехать, идти – бормоқ; уехать, уйти - кетмоқ*) приводит к ошибкам типа: *ходил домой вместо ездил домой, пошел в Ташкент вместо поехал в Ташкент.*

Русские глаголы *сказать, говорить*, в основном, имеют следующие соответствия в узбекском языке: *айтмоқ, демоқ, гапирмоқ (гаплашмоқ), сўзламоқ*. Выбор русского глагола обусловлен в данном случае употреблением в нужном виде (*сказать – сов.в.; говорить – несов.в.*), в узбекском языке градация значений, а следовательно употребление этих слов в речи, обусловлен в данном случае употреблением в нужном виде (*сказать – сов.в.; говорить – несов.в.*) в узбекском языке градация значений, а следовательно употребление этих слов в речи, обусловлена другими, отличными от русского, факторами языка. Поэтому узбекские учащиеся часто вместо глагола *сказал* употребляют глагол *говорил*. Кроме того, значение многих глаголов движения в русском языке это передается другим глаголом, например, *идти –*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

бормоқ, прийти – келмоқ, уйти – кетмоқ и т.д. Для устранения данного типа ошибок необходима работа над глагольными синонимами, расширение и углубление знаний учащихся о многозначности данных слов в русском языке путем сопоставления их с родным языком.

Практика преподавания русского языка нерусским показала, что правильное конструирование словосочетаний (в данном случае глагольных) учащимися возможно лишь в том случае, если грамматические формы данного языка будут усваиваться не изолировано, а в предложениях в других словесных конструкциях. Там, где грамматическая форма усваивается лишь путем заучивания правил, в лучшем случае достигается только знание этих правил без сознательного овладения речевыми навыками изучаемого языка. Учащиеся могут знать падежные вопросы, падежные окончания и даже просклонять существительное или проспрягать глагол, но они не смогут сконструировать словосочетание или предложение, не допустив ошибок в этих же падежных окончаниях существительных и личных формах глагола.

Выработка у учащихся «сознательных» (термин А.А. Леонтьева) речевых навыков ведет к прочному усвоению языкового материала неродного языка и к снижению числа ошибок в речи. Развитие речевых навыков на сознательной основе предполагает использование таких приемов усвоения языкового материала, как сравнение и противопоставление изучаемых явлений, в также их обобщение и дифференциацию.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Шамхалов А. Методика обучения падежной и предложно-падежной системе русского языка. Махачкала 2003г.
2. Назаренко Е. Способы минимизации трудностей при овладении категорией родительного падежа иностранными учащимися. Педагогика высшей школы 2015г. №2
3. Крючкова Л.С. Падежная и предложно-падежная система русского языка. Функционально – семантический аспект. М. – 2020 г.

MAKTAB ONA TILI TA'LIMIDA INTEGRATSIYA

Ashurbayeva R.,
BuxDTI o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada maktab ta'limida integratsion yondashuv soha mutaxassislaridan, fan o'qituvchilaridan chuqur bilim va yuksak salohiyatni talab etishi va kutilgan samarani bera olishi xususida mulohaza yuritilgan.

Kirish. Muayyan fan, o'quv predmeti doirasida bo'limlararo, mavzulararo, hatto bir mavzu doirasida berilgan mashq-u o'quv topshiriqlariaro ham integratsiya bo'lmasa, ta'lim oluvchi tafakkurida assotsiativ bog'liqlikni hosil qilib bo'lmaydi. Tabiiyki, bir-biri bilan bog'lanmagan, o'zaro assotsiativ zanjir hosil qilmagan bilimlar kishi tafakkurida uzoq saqlanmaydi: ular tezda o'chadi, ba'zan izsiz yo'qolishi ham hech gap emas. Zero, maktabda o'quvchi ayni "yoshlikda olgan bilimni toshga o'yilgan naqsh kabi" bezashga fiziologik, psixologik, pedagogik jihatdan tayyor bo'lgan davrda ularga singdirilayotgan har bir bilim-malaka-ko'nikmani fanlararo bog'lash, o'quv predmetlari mohiyatini ijtimoiy hayotning yoki tabiatni, uning bir bo'lagi bo'lgan inson zotini o'rganishning turli qirralari deb tushuntirish kelajak avlod ongida olamni bir butun holatda tushunilishini ta'minlaydi. Shuningdek, maktabda o'qitiladigan o'quv predmetlarini bir-biriga yaqinlashtiradi, ularning bir-birini to'ldirishiga keng yo'l ochadi.

Asosiy qism. Kuzatishlarimiz asosida ayta olamizki, ta'lim integratsiyasining bir necha turlarini ajratish mumkin:

- 1) ta'lim tizimi va uning tarkibiy qismlari integratsiyasi;
- 2) ta'lim maqsadi va uning mazmuni integratsiyasi;
- 3) ta'lim maqsadi, uning mazmuni va usuli integratsiyasi;
- 4) ta'lim maqsadi, uning mazmuni, usuli va vositalari integratsiyasi;
- 5) ta'lim maqsadi, uning mazmuni, usuli, vositalari va ta'lim oluvchi-ta'lim beruvchi munosabatlari integratsiyasi yoki
 - 1) ta'limda ilmiy yondashuvlar, usullar, metodlar, amaliyotlar va texnologiyalarning o'zaro integratsiyasi;
 - 2) ta'lim tizimida bixivioristik, integrativ va kompetensiyaviy yondashuvlar integratsiyasi;
 - 3) ta'lim tizimida an'anaviy va noan'anaviy usullar integratsiyasi;
 - 4) ta'lim tizimida innovatsion va interaktiv metodlar integratsiyasi;

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- 5) ta'lim tizimida "Axborot banki" materiallari integratsiyasi va b. Shuningdek, mohiyatga qaysi tomondan yondashishga qarab yana quyidagilarni ham mavzu doirasida guruhlash mumkin:
- 1) ta'lim tizimlari va bosqichlari integratsiyasi;
 - 2) uzluksiz ta'lim (maktabgacha ta'lim, umumiy o'rta (boshlang'ich va umumiy) ta'lim, o'rta maxsus ta'limi, oliy ta'lim (bakalavriyat va magistratura), oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim, kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash, maktabdan tashqari ta'lim) tizimi integratsiyasi;
 - 3) muayyan o'quv predmeti mavzulariaro integratsiya;
 - 4) ta'lim jarayonida nazariy ta'lim va uning pragmatikasi integratsiyasi;
 - 5) ta'lim jarayonining turli ishtirokchi (ta'lim oluvchi~ta'lim beruvchi~ota-ona yoki maktab~ oila~mahalla~ta'limga bevosita tegishli (turli davlat va nodavlat) ijtimoiy-huquqiy tashkilotlar va hokazolarni yagona tizimga birlashtirish integratsiyasi;
 - 6) ta'lim jarayonida (ta'lim oluvchiga nisbatan) ta'lim, tarbiya va intellektual rivojlantirish integratsiyasi;
 - 7) ichki milliy ta'limning yagona global jarayonga integratsiyasi va b.

Mavzulararo integratsiya – bir fan doirasidagi tushunchalarni individual mavzularda birlashtirish.

Fanlararo integratsiya – faktlar, tushunchalar, prinsiplar va boshqalar sintezi; integral darsni tayyorlashda o'qituvchi foydalanishi kerak bo'lgan ikki yoki undan ortiq fanlar.

Trans jismlararo integratsiya – (trans-mavzu) ta'limning asosiy va qo'shimcha tarkibiy qismlari sintezi. (Trans so'zining izohi: Trans - [lot.. trans – orqali, orasidan, ichidan; orqasida; mobaynida] Baynalminal o'zlashma qo'shma so'zlarning birinchi qismi bo'lib: 1) biron bir fazo, maydon orqali harakatlanib, uni kesib o'tish (masalan, *transatlantik*); 2) muayyan narsa ortidan, biror narsaning narigi tomonidan borish, joylashish (masalan, *transuranlar*); 3) biror narsa vositsida ko'rsatish; belgilash, yetkazish (masalan, transliteratsiya) kabi) [2].

Mazkur integratsiya turlarini darsda qo'llash, bu darsning o'z oldiga qo'ygan maqsadlariga bog'liq. Ta'lim beruvchi mavzu yuzasidan beriladigan bilimlar yuzasidan integratsiya turlaridan birini tanlashi o'rinli.

Istalgan sohada tanlangan tushuncha (birlik, voqelik, jarayon yoki tizim va b.) va u bilan bog'liq tomonlar integratsiyasining ikki jihatini –

nazariy jihatlar integratsiyasi va amaliy faoliyat integratsiyasini – ajratish mumkin. Masalan, ta’lim jarayonining didaktik jhati nazariy integratsiyani tashkil etsa, pedagogik tomoni pragmatik integratsiya bilan bog’lanadi. Tabiiyki, o’z o’rnida ham nazariy, ham amaliy integratsiya dialektik jihatdan umumiylik va xususiylik xarakteriga ega bo’ladi. Eslatib o’tish joizki, amaliy integratsiya mustahkam nazariy asosga ega bo’lishi shart, ayni paytda pragmatik qiymatga ega bo’lmagan nazariya ham “quruq”dir [1].

Maktab ta’limida omilkor va tadbirli o’qituvchining fanlararo, mavzulararo aloqadorlikka asoslangan, avvaldan o’ylab, puxta loyihalashtirilgan har bir darsi o’quvchini mantiqiy fikrlashga undaydi; dars jarayoniga bo’lgan qiziqishini orttiradi; o’quvchida intellektual salohiyat, keng dunyoqarashni shakllantiradi; qobiliyatli bolaning tafakkuriga ijobiy ta’sir ko’rsatadi. Asosiysi, o’quvchini ham, o’qituvchini ham bir xillikka solib qo’yishdan uzoqlashtiradi. Ta’lim jarayonidagi o’quv predmetlari(fanlar)ni birinchi darajali yoki ikkinchi darajali deb qarash integratsion ta’limning mohiyatiga “soya tashlaydi”. Zero, har bir fan integratsiya tamoyili asosida tashkil qilinganda, samarali natija beradi. Masalan, o’rta umumta’lim maktablarning ona tili darslarini tashkil etishda, fikrimizcha, uni quyidagi o’quv predmetlari bilan bog’lab o’qitish o’rinli va foydali:



Ona tilining fonetika, dialektologiya, leksikologiya, morfologiya, sintaksis, uslubiyat, qolaversa, har bir mavzusini *adabiyot, tarix, chet tili, tasviriy san’at* o’quv predmetlari bilan bog’lab o’qitish imkoniyati mavjud. Shuningdek, fonetika, morfemika mavzularini *fizika, informatika, anatomiya, musiqa* o’quv predmeti bilan; so’z birikmasi yoki gap taribini yuzaga keltirgan sintaktik aloqani *kimyo* o’quv predmetlari mavzulari bilan bog’lab

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

o'qitish muhim. Bu kabi misollarni har bir fan, har bir o'quv predmeti doirasida keltirish mumkin.

Xulosa shuki, ona tili mashg'ulotlarini ingertasiyalashgan ta'lim asosida tashkil etish quyidagi natijalarga olib keladi:

– ta'lim jarayonini bir xil qolipga tushib qolishdan saqlaydi va ta'lim oluvchilarning darsga qiziqishi pasayishining oldini oladi;

– ta'lim beruvchilarni o'z ustiida ishlashini taqozo etadi va ta'lim tizimida sifatli kadrlar qolishini ta'minlaydi;

– ta'lim oluvchilarning tafakkurida borliq xususida assotsiatsiyani shakllantiradi va rivojlantiradi;

– ta'lim oluvchilarda istalgan voqelikning sabab va oqibatini mantiqiy bog'lash hamda undan to'g'ri xulosa chiqarish ko'nikmasini paydo qiladi;

– ta'lim oluvchilarda mustaqillikni kuchaytiradi, mantiqiy va ijodiy tafakkurni tarbiyalaydi, tizimga soladi;

– ta'lim jarayoni ishtirokchilarining innovatsion texnologiyalardan xabardor bo'lishini ta'minlaydi;

– ta'lim oluvchilarga olamni, undagi turfaliklarni bir butun tarzda anglash va anglatish imkonini beradi [3].

Tabiiyki, ta'limda integratsion yondashuv soha mutaxassislaridan, fan o'qituvchilaridan chuqur bilim va yuksak salohiyatni talab etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ne'matova G., Ashurbayeva R., Yo'ldasheva D.N. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog'lab o'qitish.– Toshkent: Muharrir, 2019.–124 b.

2. Yo'ldoshev J. Xorijda ta'lim. Integratsiyalashgan va maxsus kurslar.– T.: Sharq, 1995.–128 b.

3. Yuldasheva D., Ashurbayeva R., Asadova Sh., Yusupova D. Use of an Integrative Research on the Education System.– Scopus: International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-4, November 2019.– Pag.7661-7664.

MAKTAB YOSHI O`QUVCHILARIDA KITOBXONLIKNI RIVOJLANTIRISH

M. Buvajonova,
FarDU o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada bolalarni kitob mutolaasiga o`rgatish, bolalarning kitobxonlik yoshiga qarab guruhlariga bo`linishi va bu guruh yoshidagi bolalarga tavsiya etiladigan asarlar to`g`risida ma`lumot berilgan.

Dunyoda, bu hayotda kitobdan go`zal narsa yo`q! Kitob – nur, ziyo, ma`naviyat belgisi, ma`rifatga olib boruvchi mash`al. Kitob bilan do`st tutinganning fikri mag`izli, so`zi mulohazali bo`ladi. Yurtimizda bu borada amalga oshirilayotgan islohotlar zahirida kitobxonlar salohiyatini boyitish hamda kitobxonlik madaniyatini shakllantirish, bu orqali esa yuksak ma`naviyatini qaror toptirish maqsadi mujassam. Har qanday bilimning yuragi, joni, barcha fanlarning ibtidosi, insoniyat yaratgan eng buyuk mo`jizalarning eng buyuk mo`jizasi bu – kitobdir. Kitob insonlarni baxt sari, porloq kelajak sari olg`a borishga chorlaydigan, ezgulikka undaydigan sodiq do`stdir. Biz mana shu do`stimizdan tarixni, ajdodlarimizning asrlar sinovidan o`tgan boy tajribasini o`rganamiz. Turli jumboqlarga javob topamiz. Bola qalbi – saxiy tuproq. Unga tushgan har qanday urug` albatta, unib chiqib, meva beradi. Bugun kelajagimiz bo`lgan yosh avlodni ma`nan yetuk etib tarbiyalashda asosiy omillardan biri – bu ularni badiiy kitob mutolaa qilishga qiziqtirishdir. Bolalarni kitob mutolaasiga o`rgatish, uni tabiiy kundalik ehtiyojga aylantirish bugun ota-onalar va o`qituvchilar oldidagi dolzarb muommolardan biri ekanligi sir emas.

Kitobning inson hayoti, kishilik jamiyati ma`naviy taraqqiyotidagi beqiyos o`rni qadimdan ma`lum. U dunyoni tanish, bilim berish bilan birga go`zallikka muhabbat uyg`otish, undan zavqlanish, yovuzlikdan nafratlanish tuyg`usini paydo qiladi. Bolalar kitobxonligini tashkil qilishda pedagoglar hamda ota-onalar zimmasiga nihoyatda murakkab va ma`suliyatli vazifa yuklanadi. Buning uchun ota-onalarning o`zi ham yuksak didga ega bo`lishlari kerak.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ma'lumki, bola kitob o'qishni bilgan taqdirdagina, kitob uning ma'naviy hayotida muhim rol o'ynaydi. Haqiqatdan ham kitobxonlik insonni barkamollikka yo'llasa, uni o'qimaslik johillikka, ma'rifatsizlikka olib kelib, natijada ma'naviy qashshoqlikni keltirib chiqaradi.

Bolalar kitobxonlik yoshiga qarab 3 guruhga bo'linadi.

1. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar kitobxonligi (2 yoshdan 7 yoshgacha).

2. Maktab yoshidagi kichik bolalar kitobxonligi (7 yoshdan 11-12 yoshgacha).

3. O'rta va katta maktab yoshidagi bolalar kitobxonligi (13-14yoshdan

15-17 yoshgacha)

1-guruh. Bu davr bolalar kitobxonligi, asosan, ota-onalar, buvi-bobolar, mahalla yetakchilari-yu tarbiyachilar tomonidan amalga oshiriladi. Hali o'qish, yozish, chizishni bilmaydigan maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar dunyo sirlaridan bexabar bo'ladilar. Kattalar o'qib, aytib, hikoya qilib beradigan asarlar bu davr bolalari uchun muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Bu davr bolalariga o'qib beradigan har qanday asarning hajmi qisqa, mazmuni sodda bo'lishi zarur. Shuningdek, bunday kitoblarning rasmlari rang-barang, harflari esa yirik-yirik bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Bog'cha yoshidagi bolalarga ham, avvalo, maqol va topishmoqlarni, so'ng hayvonlar haqida, tabiatni sevishga o'rgatuvchi ertaklarni aytib berish yoki o'qib berish juda foydalidir. Ularga mehnatsevarlikni o'yinlar orqali o'rgatilsa, yaxshi ta'sir ko'rsatadi. Masalan, "Sholg'om", "Bo'ri bilan Qo'zichoq", "Tulki bilan Turna", "Tulki bilan uzum", "Ur, to'qmoq!" kabi masal va ertaklar bolalarni mehnatsevarlikka, tabiatni sevishga, rostgo'ylikka o'rgatadi, aldamchilik va xudbinlik, baxillik va ochko'zlik yomon illat ekanligini tushunadilar.

"Ayrilganni ayiq yer, bo'linganni bori yer", "Hunar hunardan unar", "Birlashgan o'zar, birlashmagan to'zar", "Mehnatning tagi rohat" kabi xalq maqollarini yodlatish va ularning mazmunini yaxshilab tushuntirish bolalar tarbiyasiga samarali ta'sir ko'rsatadi. O'qish orqali rivojlanish va yangi narsalarni o'rganish mumkin. Nafaqat darsliklar, balki ertaklar va hikoyalar ham bolaga bilimlarning ulkan dunyosini ochib beradi. Bolani kitob o'qishga qanday o'rgatish mumkin? Bolani bunga qanchalik erta undasangiz, uning hisobidagi o'qilgan kitoblar shunchalik ko'p bo'ladi. Bu

odatni bolada shakllantirish va har tomonlama qo'llab-quvvatlash kerak. Kitob bilan bog'liq ilk tajribalar boshlash uchun hech qachon erta bo'lmaydi: sizga bola kitob o'qish uchun hali juda yosh bo'lib tuyulsa-da, unga kitobni "tatib ko'rish" uchun bering. Kitob bilan birinchi tanishuv bola hali o'qishni bilmagan vaqtda ham bo'lib o'tishi mumkin. Buning o'rniga u kitobga chizishi, ulardan uycharlar yasashi, kitobni g'ajishi mumkin. Bolaga harfli kubiklar, o'rgatuvchi nakleykalar, uni mutolaa dunyosiga tezroq olib kirishga yordam beradigan har qanday buyumlarni olib bering.

Uyqudan oldin kitob o'qish an'anasi. Uxlashdan oldin ona bag'rida o'tirib yoqimli ertak o'qish yoki eshitish har qanday multfilmdan yaxshiroq. Bunday an'ana bolada kitobga nisbatan katta muhabbatni uyg'otishi mumkin.

Eng qizigan joyida! Bolalar juda qiziquvchan bo'ladi. Ularda o'qish istagini hosil qilishda ushbu xususiyatdan foydalanish mumkin. Bolaga kitob o'qib berayotib, voqealar eng qizg'in tus olgan joyida hikoyani to'xtatish mumkin. Shunda sabrsiz bola keyingi kunni kutib o'tirmay, uni o'zi o'qib olishga harakat qiladi.

Audiokitoblardan foydalaning. Mahoratli aktyorlar ovoz bergan audioertaklar bolaga kuchli hissiyotlarni berishi mumkin. U o'zini teatrda paydo bo'lib qolgandek tasavvur qiladi, shuningdek, u to'g'ri nutqni o'zlashtiradi va ohangni his qilishni o'rganadi. Biz bolalar kitobxonligini oshirish uchun har xil qiziqarli o'yinlar va musoboqalar o'tkazishimiz mumkin. Bolalar ko'pincha «Tasviriy san'at» to'garagida qatnashishadi. Masalan: «Siz ertak qahramonlarini qanday tasavvur qilasiz».

2-guruh. Bu yoshdagi bolalar kitobxonligi avvalgisidan biroz farq qiladi. Bu farq bolalarning yoshi, bilimi, saviyasi bilan bog'liq. Maktabgacha yoshdagi bolalar, asosan, tarbiyachilari, ota-onalari yordamida badiiy asarlar bilan tanishsalar, boshlang'ich sinf o'quvchilari bu ishni mustaqil bajaradilar. Mustaqillik ularga ishonch va zavq-shavq bag'ishlaydi. Bu yoshdagi bolalarni tevarak-atrofdagi turli voqea-hodisalar nihoyatda qiziqtiradi. Ularning bizni qurshagan olam haqidagi savollariga badiiy asarlarda mufassal javob berilgan.

Bu davr bolalariga tavsiya etiladigan asarlarning hajmi avvalgisiga nisbatan kattaroq, ma'no va mazmuni murakkabroq bo'lishidan tashqari, harflari ham yirik-yirik bo'lib, rasm va bo'yoqlarga boy bo'lishi talab

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

etiladi. Bu davr bolalar kitobxonligida kichkintoy, albatta, bajarishi zarur bo'lgan mas'uliyat bor. Masalan, ota-ona, tarbiyachi, muallim topshirig'ini so'zsiz ado etish, namunali o'qish, yurish-turishda o'zgalarga ibrat bo'lish, ona-Vatanni sevish va boshqalar. Shu o'rinda Quddus Muhammadiyning "Avval o'yla. so'ngra so'zla" she'ri yuksak darajada turadi. Chunki bola maktabga qadam qo'yishi bilan uning bolaligi, hayotga mas'uliyatsizligi tugaydi. Har bir bosgan qadamiga, gapiradigan gapiga e'tibor berishi talab etiladi.

Bu yoshdagi bolalar bilan guruhlar aro "Ertaklar bilimdonlari", "Ertaklar dalasi", "Ona tabiat quchog'ida", Bolalar ertaklari qirg'og'i", "Kitob shahriga sayohat" kabi adabiy o'yinlarini tashkil etishimiz mumkin.

Hikmatli so'zlar va maqollar insonni axloq-odobga o'rgatsa, topishmoqlar uni mantiqiy fikrlashga, topqirlikka, hozirjavoblikka undaydi. Hayotdagi saboqlar va maqol inson nutqini bezaydi (xalqimizda «So'z ko'rki maqol», deb bejiz aytilmagan), uning ta'sir kuchini oshiradi. Biror-bir fikrni uqtirishda ishlatilgan maqol uni chuqur o'zlashtirishga xizmat qiladi. Maqollar pand-nasihatlar, tarbiyaviy suhbatlarda o'git sifatida ham keladi. Buning boisi, har bir maqol va hikmatli so'zlar otabobolarimiz tomonidan yaratilib, bir necha mingyilliklar davomida sayqal topib kelayotgani, yaxshilik, ezgu ishlarga undaydigan bebaho ma'naviy boyligimiz ekanidir.

Bu hikmatli so'z va maqollardan har mashg'ulotlarda foydalansak, o'quvchi ko'proq kitob o'qishga qiziqishi ortib o'qiydi, o'rganadi, izlanadi.

3-guruh. Bu yoshdagi bolalar o'zlari mustaqil ravishda kitob o'qib qolmay, balki kitob qahramonlarining xatti-harakatlarini baholashga o'rganadilar, zarurat bo'lsa, ular ko'rsatgan mardlik va jasoratlarni takrorlashga hozirlanadilar.

Ularga xalqimizning shonli tarixi, bugungi hayoti haqida yozilgan turli janrdagi asarlarni tavsiya etish mumkin. "Shiroq", "To'maris" kabi afsonalar bilan birga, Elbek, Oybek, G'afur G'ulom, Zafar Diyor, Quddus Muhammadiy, Hakim Nazir, Shukur Sa'dulla, Anvar Obidjon, Tursunboy Adashboyev, Qambar Ota, Safar Barnoyev va boshqalarning zamonaviy mavzudagi eng yaxshi asarlari muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

Sharq mutafakkirlaridan Al-Xorazmiy, Al-Farg'oniy, Ahmad Yugnakiy, Al-Buxoriy, Farobiy, Beruniy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad

Yassaviy, Rabg'uziy, Navoiy va boshqalarning asarlari bolalar dunyoqarashini shakllantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Shunday ekan, hozirgi zamon kitobxonlari, xususan, kichik maktab yoshidagi bolalar kitob dunyosini hayotdan uzilgan bir zavqlanish vositasi sifatida qabul qilmasligi zarur, balki ko'zga tashlanmaydigan yoki oddiy ko'nikmaga aylangan hayotni chinakam hikmatlar xazinasini ekanligini, unda ibratga molik mantiqlar to'lib-toshib yotganligini anglashi, botiniy olamini ma'naviy ozuqaga to'yintirishi muhimdir. Shunda u Vatan kelajagini, xalq ertasini ilm taraqqiyoti bilan obod etish mumkinligini tushunadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ma'qulova B. va boshqalar. Boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari. – T.: «O'qituvchi», 2006.
2. Mirzayev I. Dars tahlili. – T.: «O'qituvchi», 2005.
3. Oripov K, Obidova M. Ifodali o'qish. – T.: «O'qituvchi», 2002.
4. Qosimova K. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi. T.: O'qituvchi", 2005.

ONA TILINI O`QITISHDA PARONIMLAR VA VARIANTDOSH SO`ZLARNI FARQLASH

Fuzaylova Nozigul,

Buxoro viloyati G'ijduvon tumani

17-maktab o'qituvchisi

ANOTTATSIYA. Ushbu maqolada paronim so'zlar va variantdosh so'zlar o'rtasidagi farqlar yoritilgan bo'lib orfoepik me'yorning buzilishi haqida fikr yuritilgan.

Bizga ma'lumki **Paronim**-talaffuzi bir-biriga yaqin, ammo yozilishi va ma'nosi har xil bo'lgan so'z. Masalan, asr va asir, afzal va abzal, sher va she'r, adib va adip kabi so'z talaffuzda bir xil aytilsa-da, yozilishda farq qiladi. Ma'nosi ham butkul boshqa-boshqa. Paronim ikki xil yozilishga ega bo'lgan, ammo ma'nosi bir xil bo'lgan dubletlardan farqlash kerak: arava-aroba, bekik-berkik, benihoya-benihoyat, gado-gadoy, kabutar-kaptar,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

barobar-baravar kabilar paronim emas, balki dublet, variantdosh soʻzlardir.

Paronimlar soʻzlarni orfoepik qoidaga rioya qilmasdan talaffuz qilishdan paydo boʻladi. Paronimlarni toʻgʻri qoʻllamaslik oqibatida ham xatolik yuz beradi: Chanoqdagi loʻppi ochilgan paxta quyoshda yarqirab kumushdek toblanadi. Bu gapdagi toblanadi soʻzi oʻrnida tovlanadi soʻzi ishlatilishi kerak.

Variantdosh soʻz ikki yoki bir necha xil yozilishga ega. Hammasi ham imlo qoidasiga binoan toʻgʻri yozilgan hisoblanadi. Bu soʻzni paronim va sinonimdan farqlash kerak. Paronimda yozilishi va aytilishi bir-biriga yaqin boʻlgan ikki soʻzning maʼnosi butunlay boshqa-boshqa boʻladi. Sinonimda esa shakli butunlay oʻzgacha, maʼno qirrasida ham farq sezilib turadi. Variantdosh soʻz maʼnoda zarracha farq qilmaydi. U bir soʻz. Faqat yozilishda farq bor, xolos. Buning sababi bir variant fonetik yozuv asosida boʻlsa, ikkinchi variant morfologik yoki boshqa yozuv qoidasi asosida yozilganidir.

Quyidagi variantdosh soʻz turli xil yozilishi bilan farq qilib turadi:

Abr va avr , Adab va odob , Ajdarho, ajdahor, ajdar va ajdaho

Bobo va boboy, Beklamoq va berklamoq, Dirham va diram
Hiylagar va hiylakor, Igna va nina, Isirgʻa va sirgʻa, Iymon va imon
Jinday va jindak, Karta va qarta , Maʼno va maʼni, Mahtal va maʼtal kabilar

Baʼzi variantdosh soʻzning koʻpchiligi bermoq, olmoq, yubormoq koʻmakchi feʼli bilan bogʻliq. Bu koʻmakchi feʼl oʻzi qoʻshilib kelgan yetakchi feʼlga –vermoq, -olmoq va –vormoq tarzida qoʻshiladi:

Bajara olmoq va bajarolmoq Beravermoq va berabermoq

Berolmoq va beraolmoq Deyaolmoq va deyoalmoq kabilar;

Yuqorida keltirilgan soʻzlarning etimologik kelib chiqishiga eʼtibor beradigan boʻlsak, bobo va boboy soʻzlarini tahlilda keltirib oʻtamiz.

Bobo „otaning yoki onaning otasi“, „buva“. Oʻgʻlim bobosi bilan bozorga ketdi. Qadimgi turkiy tilde baba tarzida talaffuz qilingan bu soʻz asli „**onaning otasi**“ maʼnosini anglatgan, keyinchalik maʼnoda kengayish voqe boʻlib, „**otaning otasi**“ maʼnosini ham anglata boshlagan.

Boboy Yoshi ulugʻ erkak kishiga murojaat qilishda ishlatiladigan soʻz. Bardammisiz, boboy? Bu soʻz baba otining „**izzat-ikrom**“ maʼnosini ifodalovchi –y qoʻshimchasini olgan shakli boʻlib keyinchalik maʼno

taraqqiyoti natijasida murojaat soʻziga aylangan: Bizning boboyga til tekizmang.

Koʻrinadiki, ona tilimizning imkoniyatlaridan toʻgʻri foydalanish uchun uning soʻz boyligi-yu, grammatik qonun-qoidalarni bilish kifoya qilmaydi. Buning uchun adabiy tilimizdan maʼlum nutqiy vaziyatga muvofiq ravishda foydalana olish koʻnikmasiga ham ega boʻlishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baxtiyor Mengliyev, „Oʻzbek tilidan universal qoʻllanma“ Toshkent „Akademnashr“ 2012

2. Shavkat Raxmatullayev „Oʻzbek tilining etimologik lugʻati“ Toshkent „Universitet“ 2000.

ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA XALQ OGʻZAKI IJODI ORQALI OʻQUVCHILARNI TARBIYALASH ASOSLARI

Ismatova Huriyat,

Buxoro tumani 20-umumiy
oʻrta maktab oʻqituvchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada xalq ogʻzaki ijodi orqali yoshlarni tarbiyalash omillari keltirilgan.

Bebaho qadriyatimiz-xalq ogʻzaki ijodi manbalaridan farzandlarimiz tarbiyasida foydalanishimiz zarur. Zero, yurtboshimiz taʼkidlaganlaridek, odobli, bilimdon va aqlli, mehnatsevar, iymon-eʼtiqodli farzand nafaqat ota-onaning, balki butun jamiyatning eng katta boyligidir.

Xalq ogʻzaki ijodida barkamol avlod tarbiyasi, uning kamolotiga oid barcha masalalarni oʻzida mujassam etish bilan birga oʻquvchi yoshlar tarbiyasiga ijobiy fazilatlarni singdirish va turli yomon illatlardan yiroq tutish yoki xoli qilish boʻyicha qator tarbiya metodlari, usul va vositalari mavjud.

Oʻgit-nasihat qilish, ibrat-oʻrnak koʻrsatish, ragʻbatlantirish va qoralash kabi metodlarni xalqimiz asrlar davomida qoʻllab kelgan boʻlib, uning quyidagi ijobiy shakllari: tushuntirish, oʻrgatish, mashq qildirish, kun tartibini rejalashtirish, yaxshi xislat va ishlarga undash, istak bildirish,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

maqtash, olqish aytish, duo qilish, alqash, mukofotlash, taqdirlash, ishonch bildirish, oqlash, vasiyat qilish kabi metod va vositalar yoshlar tarbiyasida muhim o'rin egallaydi.

Xalq og'zaki ijodi janrlarining tarbiyaviy ahamiyati juda ham katta. Milliy urf-odatlar, an'analar, udumlar, xalq o'yinlari va o'yinchoqlari, bayram va marosimlarning tarbiya vositasi sifatidagi o'rni, oila tarbiyasi, yoshlarni tarbiyalashning metod, usul va vositalari, islom dinining odob-axloq, ilm-fan haqidagi ta'limotlari, xalq amaliy san'ati va hunarmandchiligi, milliy me'morchilik, milliy musiqa, xalq qo'shiqchiligi, raqs san'ati va milliy teatrlarning axloqiy tarbiyadagi o'rni, o'zbek xalqining muomala madaniyati, axloqiy me'yorlari, tabiat va inson munosabatlari, sog'lom turmush tarzi masalalari asosiy o'rinni egallaydi.

O'zbek xalqi azal-azaldan yosh avlodni komil inson sifatida voyaga yetkazishga katta e'tibor qaratib kelingan. Xususan, shuning natijasida yurtimizda Alisher Navoiy, Beruniy, ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Amir Temur, Jaloliddin Manguberdi, Al-Xorazmiy, Bobur, Al-Buhoriy, Farobiy va shu kabi buyuk olim-u fuzalolar tarbiya topganlar. Bundan tashqari yurtimizda XIX asr va XX asrda yashab ijod etgan bir qancha ijodkorlarni Usmon Nosir, Fitrat, Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor, Cho'lpon, Oybek, G'ofur G'ulom, Ozod Sharafiddinov kabi vatanparvarlar, Nodirabegim, Uvaysiy, Anbar Otin, Zulfiya, Saida Zunnunova kabi vafoda tengi yo'q, ilmda zukko ayollarimizni ham tilga olish zarur.

Ota-bobolarimiz bu darajaga yetishish uchun, eng avvalo, qalblarda Allohga bo'lgan muhabbat va e'tiqodlari, vatanga bo'lgan sadoqatni, maqsadga yarasha intilish zarurligini, ilm ulug'ligini namoyon etganlar.

Asosan yoshi ulug'lar, ota-onalar farzandlarining ijobiy ishlaridan minnatdor bo'lishganda o'zlarining chuqur ichki istak va niyatlarini alqash orqali amalga oshirganlar. Keyinchalik, bu istak va tilaklarni ollohdan so'raydigan bo'lganlar va shu tariqa alqash-duolar yuzaga kelgan, alqashdan oldin "ilohim" so'zi ishlatila boshlagan. Quyida alqash-duolarga misollar keltiramiz: (ilohim) umringdan baraka top; qo'ling dard ko'rmasin; tan-u joning sog' bo'lsin; ilohim niyatingga yet; to'y bo'lsin, g'am bo'lmasin; yaxshi kunlarga yetkazsin; ko'p bersin, ko'l bersin, keng fe'l, ketmas davlat bersin; biring ikki, ikking tuman bo'lsin; yegan noning halol bo'lsin; farishtalar omin desin va hakazo.

Bolalarni tarbiyasida maktab darsligida berilgan xalq og'zaki ijodiga mansub materiallarni o'qish jarayonida o'quvchilar nafaqat o'zbek xalqining o'lmas ma'naviyat buloqlaridan bahramand bo'ladilar, balki o'zlari ham sevib o'qigan ertak-dostonlardagi qahramonlar kabi vatanparvar, mard, jasur, to'g'riso'z, mehnatsevar, kamtar va mehribon insonlar bo'lib yetishishni orzu qiladilar. Ana shunday kishilar haqida tasavvur hosil qiladilar; ezgulikni hayotdagi o'rnini bilib oladilar. Bularning hammasi bola shaxsining shakllanishiga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: ФаҢ, 2005.

2.Xolmuhammedov M.M. va boshkalar. Ta'lim pedagogik texnologiyalari. Uslubiy ko'llanma. – Samarkand, 2005.

O`ZBEK TILI – XALQNING MA`NAVIY MULKI

Istamova Shamsiya,

Shofirkon tumanidagi 27-maktab, 11-sinf o'quvchisi

ANNOTATSIYA. Ona tili – millatning ruhi, uning or-nomusi, ma'naviy qiyofasi namunasidir. Ona tili millatning birligi va birdamligi timsolidir. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofida birlashtiradi va dunyoda borligini ta'min etadi. Har bir millatning o'z Vatani, oilasi bo'lgani kabi uning jonajon va betakor ona tili ham bo'ladi. Inson uchun uning ona Vatani, ota-onasi, oilasi qanchalik qadri bo'lsa, uning ona tili ham shu qadar aziz va muqaddas bo'ladi. Hattoki, go'dak ham o'z Vatani, ota-onasini, dunyoni o'z ona tili orqali anglaydi. Farzand tarbiyasida onaning o'rnini beqiyos bo'lganidek, insonni hayotda o'z o'rnini topishida, kamolga topishida tilning o'rnini ulkan ahamiyatga ega. Shu bois tilni, onaga qiyoslab ona tili deb ataydilar. Til inson vujudida qon-qoniga singib oqadi. Jamiki, ezgu fazilatlar, avvalo, ona allasi va ona tilining bebaho jozibasi orqali singgadi. Inson qalbida ona tiliga nisbatan sof tuyg'u, mehr-muhabbati alanga oladi.

Suvsiz daryo bo'lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga bo'lmaydi. Biror millatga mansub bo'lgan til o'sha millat yashaydi va bardavom bo'ladi. Ota-bobolarimiz qadimdan tilni asrab-avaylashga

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

o`z hissalarini qo`shganlar. Jumladan, so`z mulkining sultoni Alisher Navoiy, shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur, Lutfiy va shu kabi bir qancha bobokalonlarimizni aytib o`tish joizdir. Ular o`zbek tilining rivoji uchun beqiyos hissa qo`shganlar. Turkiy tillar oilasiga mansub bo`lgan o`zbek tilimiz bizning bebaho boyligimizdir. Buyuk mutafakkir, davlat arbobi Alisher Navoiy o`zi yashagan murakkab davr- XVasrda tilimiz himoyasiga otlanib turkiy tilning o`z imkoniyatlari jihatidan boshqa tillardan sira qolishmasligini ilmiy va amaliy jihatdan isbotlab berdi. O`zining „Xamsa“ kabi shoh asarini turkiy tilda yaratdi. Hozirda ham bir qator shoirlarimiz o`zbek tilining boyligini uning buyukligini namoyon qiluvchi asarlar yaratmoqdalar. Buning boisi shuki, buyuk adabiyoti bo`lgan xalqning buyuk tili ham bo`ladi. Har bir insonning qanday ma`naviyatga ega ekanligini uning tilidan, chiroyli nutqidan anglasa bo`ladi. Til millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasini, tuganmas mulkidir. Chunki millatning tarixi, uning madaniy, ma`naviy merosi, urf –odatlarini, an`analari mujassam bo`ladi. Shu sababli ona tilimizni asrab –avaylash hamda uni boyitmog`imiz va uni kelajagi buyuk davlatning komil farzandlariga to`laligicha yetkazishimiz kerak. Birinchi Prezidentimiz ta`biri bilan aytganda “O`zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o`rtasidagi ruhiy-milliy bog`liqlik til orqali vujudga keladi”. Bu fikrlarni doimo yodimizda, ong-u shuurimizda tutmog`imiz lozim. Darhaqiqat, tilsiz millat rivojlanmaydi, taraqqiy ham etmaydi. 1989-yili 21-oktabrda O`zbek tiliga Davlat tili maqomi berildi. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida o`zbek tili maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo`yildi. O`zbek tili haqidagi qonun qabul qilingandan so`ng barcha davlat hujjatlari o`zbek tilida yuritila boshlandi, gazeta va jurnallar esa o`zbek tilida chop etildi. Dunyoda 5600 dan ortiq tillar mavjud bo`lib, bundan 200 tasigina davlat tili sifatida qabul qilingan. Ularning orasida o`zbek tiling borligi uning naqadar sof, mukammal purma`no ekanligidan darak beradi. Bas, shunday ekan ona tilimizning go`zalligini, sofligini keljak avlodlarga yetkazish bizning burch va vazifamizdir.

Til muloqot vazifasi ham hisoblanadi. Hammamizga ma`lumki, bobomiz Navoiy tili bilan aytganda, „Ko`ngil qulfi maxzanining qulfi til va qulfin kaliti so`z bil”. Inson qalbining xazinasini til, bu qalb xazinasining kaliti so`zdir. O`zbek tilining so`zlari shunchalik ko`pki, bitta ma`noga ega bo`lgan tushunchani bir necha ma`nolari bor. Bundan tashqari bir necha adabiyot namoyondalarimiz til haqida juda

ham ko`plab hikmatli so`zlarni aytganlar. Masalan: „Til -ma`naviyat ko`zgusi“, „Til -dil kaliti“, „Til- millat ko`zgusi“ va bir qancha hikmatlarni misol keltirishimiz mumkin. Til millat qiyofasining bir boyligi. Dunyodagi barcha xalqlar o`zining milliy rasmiy tiliga ega emas, bu esa ularning mustaqilligi bilan bog`liqdir. Chunki aynan til tufayli xalq va elatlarning madaniyati, urf- odatlari saqlanib qoladi.

Til- millatning ma`naviy boyligidir. Til nafaqat muomala vositasi- balki xalqning turmush tarzi, tarixidir. Turli xalqlarning tillariga hurmat esa o`z navbatida o`zaro tushunishni muloqotlarga imkoniyat yaratadi. Tillarni saqlanib qolishi uchun esa bu yillarni qo`llab –quvvalash zarurdir. Ona tili–millatning ruhi. Shunday ekan ona tilimizning xalqaro miqyosdagi obro`-e`tiborini yuksaltirishda, uni milliy va umumbashariy tushunchalar asosida taraqqiy etgan tillar safiga qo`shishda har birimiz tilimizga chuqur hurmat bilan yondashishimiz kerak.

“Til yashasa, millat yashaydi”. Agar biz o`z ona tilimizni yanada ravnaq topishini, boyligini dunyoga tarannum etsak, millatimiz yanada nurafshon bo`ladi va birligimiz mustahkam bo`ladi. Zero, rus tarixchisi Shobelev aytganidek: „Milatni to`q qilish uchun u yerga qurol ko`tarib borish shart emas, uning tilini, ma`naviyatini, adabiyotini yo`q qilish kerak, Shunda millatning o`zi yo`q bo`lib ketadi“ degan fikr naqadar to`g`ri ekanligini ko`rishimiz mumkin.

Men o`zbek farzandi sifatida tengdoshlarimga shuni ayta olamanki, bizga yaratib berilgan imkoniyatlardan oqilona foydalanib, nafaqat o`z tilimizni balki borliqdagi butun jonzotdan tortib to bir xasgacha ko`z qorachig`idek asrab , yuqorida aytilganidek, butunligicha yetkazib, O`zbekistonimizning bayrog`ini yanada yuksalarga ko`tarmog`imiz shart va zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.

2. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.

3. Salomov G'. Til va tarjima. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 384.

**BOSHLANG'ICH SINFLARDA BADIY SO'Z VA ONA
TILIGA MUHABBAT MOTIVLARINI
SHAKLLANTIRISH**

Bashorat Jamilova,
BuxDU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

ANNOTATSIYA. Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilaida badiiy so'z va tushuncha, badiiy matn orqali turkiy so'zlar lug'ati, jna tiliga muhabbat motivlarini uyg'otish ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Bunda boshlang'ich sinf O'qish kitoblari hamda ona tili , o'qish darslari asosiy omil ekanligi ta'kidlangan.

Kirish. So'z – til orqali ifodalanadi. U inson tafakkurining mahsulidir. Har bir xalqning milliy tili o'z xalqidan qolgan ma'naviy merosidir. Shuning uchun ham ajdodlarimiz so'z va til orqali o'zining urf-odat, an'ana va qadriyatlarini keyingi avlodlarga yetkazib kelmoqda. Garchi go'dak ona allasidan, ilk tili chiqqan kundan boshlab ona tilida so'zlashni o'rgana boshlab, tushunib-tushunmay she'r, ertaklarni yod olsa ham boshlang'ich sinflardagina o'qish va ona tili darslari orqali til o'rganish imkoniyatlari oshib boradi. Ammo, boshlang'ich sinflarda ham o'quvchilar ko'p so'zlarning ma'nosi haqida to'liq tushunchaga ega bo'lmasligi rost. Ana shu o'qish va ona tili darslarida ularning so'z boyligiga aniqlik kiritish va lug'atlarini boyitish imkoni kengayadi. Shuningdek, boshlang'ich sinflarda bolalarning so'z boyligi hali tartibli emasligini inkor qilib bo'lmaydi, ular so'zlarning ma'noviy tovlanishlarini yaxshi bilmaydilar. Garchi bolalarning lug'at boyligi rivojlangan bo'lsa ham unda kundalik hayotda ishlatiladigan oddiy so'zlar kuzatiladi, xolos. Ya'ni, ular lug'atida hali rang-barang ma'noli, badiiy bo'yoqdor so'zlar, turli sohalarga oid terminlar kam uchraydi. Shuningdek, kichik maktab yoshidagi o'quvchilar ayrim so'zlarni eshitganda, o'qiganda tushunadi-yu, o'zi bu so'zlarni mustaqil nutqida ishlata olmaydi, yoki noto'g'ri qo'llaydi. Binobarin, boshlang'ich sinf o'qish darslarida bola lug'atini faollashtirish, o'rgangan so'zlarini o'z nutqida ham qo'llay olishga erishishi zarur.

Boshlang'ich sinf o'qish darslarida badiiy so'z hamda tushunchalarning ma'nosini anglatish va o'quvchilar nutqida uni qo'llashga o'rgatishning usullarini kengaytirish shu ma'noda muhim.

Asosiy qism. Alisher Navoiy siymosi va u yaratgan bebaho soʻz durdonasi, asarlari shunday eng aziz adabiy xazina hisoblanadi. Zotan bu ulugʻ siymoning soʻz haqidagi taʼrifi-yu tavsifi asrlar oʻtgani sari hamon qadrli, yuksak bahoga sazovordir. Alloma va soʻz mulking sultoni oʻzining “Hayrat ul-abror” dostonida soʻz va uning maʼnosini alohida fasllarda taʼriflaydi. Navoiy taʼbiricha soʻz gavharining sharofati shunchalar yuksakki, gavhardek qimmatbaho narsa ham unga sadaf boʻla olmaydi. Toʻrt sadaf(suv, havo, yer, oʻt) ichidagi gavharga quti ham shu soʻz, yeti osmon yulduzlarining burji ham shu soʻz. Soʻz dunyoda bor barcha koʻngillarning qutisidagi javhar, hammaning ogʻiz qutisidagi qimmatbaho gavhardir. Agar til bamisoli bir poʻlat xanjar boʻlsa, soʻz unga qadalgan injulardir. Til bu chamanning ochilgan lolasi boʻlsa, soʻz durlari unga qoʻngan shabnamdir. [1,14]

Darhaqiqat, soʻzning qudrati haqida donishmand xalqimiz ham talay maqollar yaratgan. “Oʻynab gapirsang ham, oʻylab gapir”, deganda soʻzlayotgan soʻz maʼnosi nazarda tutiladi. Biz kundalik hayotimizda, tele-radio eshittirishlari orqali ham turfa xil insonlarning soʻzini eshitamiz, oʻzimiz ham ogʻzaki muloqot davomida rang-barang nutqimizni bayon qilamiz. Shularning asosi ham soʻz, albatta. Ammo unutmaylikki, bu soʻzlar oqimi bizning fikr dunyomiz, koʻnglimiz xazinasining mulkidir. U joyda qayerdan toʻplanish manbayiga eʼtibor qaratsak, har bir natijaning sababi ayonlashadi. Va bu oʻz-oʻzidan taʼlim jarayoni, jumladan, boshlangʻich sinf oʻqish darslariga borib taqaladi. Chunki, bola ilk savodi chiqqach, mustaqil mutolaa qiladigan darslik bu – Oʻqish kitobi. Unda uchraydigan har bir jumla, soʻz, tushuncha bola uchun yangi dunyo ochadi. Oʻsha gavharlarni koʻngil xazinasiga jo etib boradi. Bunda oʻqituvchi nutqi, lugʻat boyligi ham muhim rol oʻynaydi, albatta. Eng avvalo oʻqituvchining oʻzi soʻz qudrati, uning beqiyos nutq jilosi mahsuli, fikr taʼsirchanligining quroli, nutq mazmuni va mohiyatining asosi ekanligini chuqur his etmogʻi lozim. U soʻz maʼnosi, oʻrni va kuchini bolalarga oʻrgatish orqali ularda ona tilimizga, xalqimizga va buyuk ona – Vatanimizga muhabbat uygʻota boradi.

Aytaylik, 3-sinfda oʻquvchilar Oybekning “Bola Alisher” qissasidan parcha oʻqiydilar. Unda kichkina Alisherning otasi Gʻiyosiddin bilan ilk marta maktabga borishi voqeasi, Alisherning odob-axloqi, oʻqishga, ustozga boʻlgan hurmati aks etgan.[6,74] Qissada ham Kichkina Alisher togʻasi, otasi va uning doʻstlari huzurida gʻazal oʻqiganda, qurʼonning magʻzini chaqishga kirishganida turkiy tilga alohida muhabbat bilan

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

qarashi ta'riflanadi. Xususan, tog'asi Mirsaid "go'yo Alisherning qalbiga kirmoqchidek" shunday deydi: "...Fors shoirlari yuksak tuyg'ular, teran fikrlar ila to'la ajib she'rlar yaratmishlar. Bizning turk shoirlari ham ularga ergashib, forsiy she'rlar ijod etishni odat qilib olmishlar. Turkiston o'lkamiz vodiylari, sahrolari keng, tog'lari buyuk, aholisi turk-o'zbekdur. O'zimizga xos odatlarimiz, an'analarimiz, qo'shiqlarimiz, dostonlarimiz, ertaklarimiz bor. Bular--cheksiz boyligimiz. Ayniqsa, tilimiz go'zal, shirin va rangli! Jiyan, o'z yo'lingni topsang, bas... Alisher Qur'onning mag'zini chaqishga kirishadi. Forsiyni yaxshi bilardi, lekin arab tilini o'rganishga endi kirishgan. Turkiy esa ona tili; turkiy baytlarni zo'r maroq ila o'qir, kundankunga yoddan biladigan g'azallari ko'payib borur edi. Maqollar, masallar, ertaklarni obdon sevardi." [6,67] Qissada bu tafsilotning ikki-uch marta keltirilishi bejiz emas, albatta. Birinchidan, Oybek bu asarni Navoiy haqidagi teran tadqiqotlaridan so'ng, badiiy ijodining kamolot davrida yozgan. Ya'ni, adibni ulug' mutafakkir asarlari tili, ruhiyatiga anchayin oshno edi, deyish mumkin. "Oybek oltmish yoshga to'lishi munosabati bilan, - deb yozadi N.Karimov, - o'z hayot yo'lini qayta nazardan o'tkazib, bu yo'ning mashaqqatli tomonlarini faylasuf shoir so'zi bilan munavvar etish, ulardan falsafiy xulosalar chiqarishga urindi". [4, 86]

Anglashiladiki, adibning bu qissasi aynan shu yoshdagi kitobxonlarga mo'ljallab yozilgan. Chunki mazkur asarda yuzlab so'zlarning rang-barang ma'no kasb etishi, masalan, ichmoqning "sipqarmoq", "tomshimoq"; yig'lamoqning "yig'lamsinmoq", "ingramoq", "singramoq", "siqtamoq", "o'kurmak", "inchkurmak", "hoy-hoy"lab yig'lash lafzlari chiroyli misollar vositasida asoslanib, bu tilning, elning ulug'ligi ta'kidlangan. Oybek bu manbadan ijodiy ilhomlanib, "Bola Alisher" qissasini qadimgi turkiy so'zlar bilan jilolantirishga erishgan. Binobarin, qissada yozuvchi turkiy-o'zbek tilining deyarli barcha imkoniyatlaridan foydalanib, Navoiy davri ruhini va tilimiz so'z boyliklarini bera olgan. Bu avvalo, Oybekning badiiy so'zga e'tiborini yorqin ko'rsatadi. Qolaversa, o'zbek tilining jozibadorligini mustaqillik tufayli angelayotgan bugungi avlod uning bardavomligini teran his qiladi. Muhimi, Oybek o'z asarlari orqali Navoiyni zamondosh o'quvchiga yaqinlashtirib, tilimizning, xalqimizning ma'nan yuksak va serqirra ekanligini yosh avlodga "badiiy vasiyat" qilib qoldirganiga, yana bir karra ishonch hosil qilamiz.

Zotan, maktab o'quvchilari boshlang'ich sinflardayoq ertaklar, matallar, dostonlar og'ushida ulg'ayishsa, qahramonlar makoni bo'lgan

o`sha ertaklar ularni ma`naviyat olamiga – kitoblarga oshno tutadi. O`sha ertaklarga ergashib kitob bilan, o`qituvchi bilan ko`ngildosh bo`ladi. Zotan, darslarda badiiy asarlardan keng foydalanish darkor. O`qituvchi har bir bolaning ko`nglida ezgulik uyg`otadigan eng birinchi inson. Uning kamol toptiradigan kasbi shuning uchun ham mas`uliyatli, zahmatli va sharaflidir. U shuning uchun ham birinchi muallim. O`z o`quvchisini adabiyotga oshno qilib o`stirgan, tarbiyalagan ustoz sharafi ikki hissa ziyoda. Uni hayotga, orzu qilishga o`rgatsagina, bola o`qigan asarlaridagi ezguliklarga yondosh bo`lib o`sadi. Zero, boshlang`ich sinflarda Alisher Navoiy ijodini o`rganishda ham ko`zda tutilgan maqsad shu! Maktabga endigina qadam qo`ygan, beg`ubor ko`ngil olami, oppoq qog`oz kabi toza ongu shuurida Alisher Navoiydek poktiynat, yuksak ma`naviyatli, cheksiz iste`dod egalarining ibratli hayoti, ilmga chnqoq bolaligi, barkamol ijodiy qirralari muhrlansa, ular uchun abadiyatga daxldor mayoq bo`la oladi. Boshlang`ich sinflarda Navoiydek buyuk zotlarni tanigan, shunday mutafakkirlar haqida tasavvurga ega bo`lgan bolalarning ertangi kunlari yanada istiqbolli bo`lishi tayin. Shu ma`noda, boshlang`ich sinf o`qish kitoblarida buyuk siymolar haqidagi adabiy-badiiy matnlar, maqola-yu hikoyalar, yoxud, ular obrazi talqin etilgan badiiy ijod namunalari hamisha muhim ta`lim-tarbiyaviy ahamiyat kasb eta oladi.

Umuman, boshlang`ich sinflarda ona tiliga muhabbat uyg`otuvchi she`rlarning ko`lamdorligi ham o`quvchilarda bu tuyg`uni tarbiyalashga xizmat qiladi. M.A`zamning ona tili haqidagi she`ri istiqbol yillarida O`qish kitoblaridan joy oldi. Shoirning yosh lirik qahramoni endi o`z ona tilini kattalardan kam sevmaydi:

Ona tilim, turkiy tilim,

Ardoqligim o`zbek tilim,

Avaylayman seni doim

Qaboq ila ko`zdek, tilim. [3, 140]

Ta`kidlab ko`rsatilgan so`zlar to`rt bandli she`rning har birida turli sifatlar bilan qo`shib takrorlanadi. Bunda o`zbek tilining qadimligi, ko`rki, donoligi, onaga tengligi uchun ham uni almashtirib bo`lmasligi ta`kidlana boriladi. Shoir ona tilini avaylashni ko`zu qaboqqa mengzashi ham bejiz emas. Ko`z insonga berilgan ilohiy ne`matlar ichida eng ardoqlisi. U yorug`olam ma`nosi bo`lishdan tashqari, inson botinini o`zida namoyon etadi. Donishmandlar odamni ko`ziga qarab, kimligini ayta olgan. Ko`zimizni asrash bilan nafaqat, hayot mazmunini, demakki, o`zligimizni,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ko`nglimizni asragan bo`lamiz. Xuddi shu xususiyat ona tiliga ham xosligini shoir:

Turkiy tilim, ko`rkli tilim,
O`zbek tilim, ko`zdek tilim,

misralariga jo etgan. Chindan ham istiqlool tufayli bu mavzu bolalar adabiyotida ham turli ohang va mazmunda jilolandi. T.Adashboev she`rining jajji lirik qahramoni, ona tilini “jahon bo`ylab dovrug` solgan” buyuk Temur, Mir Alisher, Bobur Mirzo she`rlaridan rang va qiyos olgan” ligini ta`kidlab:

Shunday tildan tonar bo`lsam,
Qiyma-qiyma bo`lsin tilim.
Alla bo`lib jarang olgan,
Ona tilim-jon-u dilim,- deya qasamyod qiladi. [6, 10]

Shu kabi she`rlarning endilikda boshlang`ich sinf darsliklaridan keng o`rin egallashi ham aslida ma`naviyatimiz o`zanlarining mustahkamligi dalolatidir.

Xulosa. Til - millat beshigi, ko`zgusi deb bejiz aytilmaydi. Bunga yaqqol dalil qilib Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 75-sessiyasida o`zbek tilida so`zlagan nutqiga Turkiyada chiqadigan “Jumhuriyat” gazetasi munosabatini keltirish mumkin [7]. Bu ijtimoiy-siyosiy jihatdan naqadar muhimligiga e`tibor qaratilsa, chindan ham BMT tarixida 6 ta dunyo tilida nutq so`zlash andozasidan chekinib maqolada ta`kidlanganidek, o`zbek liderining ilk bor o`z ona tili – buyuk Navoiy, Sohibqiron, Temur, Bobur, Jaloliddin Manguberdi tilida so`z aytishi, jadid ma`rifatparvarlari orzu qilgan turkiy tilning qadrini dunyoga tanitishga katta qadamdir. Demak, bu qadr-qimmatni, ona tilimizni e`zozlashni oiladan, loaqal ilk bilim o`chog`i-boshlang`ich sinflardan boshlash naqadar muhimligi yaqqol anglashiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alisher Navoiy. Hayratul-abror. Toshkent, 1974. –B.14
2. Matjonov S., Shojalilov A., G`ulomova X., Sh.Sariyev, Dolimov Z. O`qish kitobi. 4-sinf uchun. –Toshkent, “Yangiyo`l poligraf servis”, 2018, – b 240.
3. M.Аъзам. Сайланма. 1-жилд. Т., “Чўлпон”, 2005, 140-141-б.

TIL – MILLAT KO`ZGUSI

Jumayeva Zarina,
Buxoro vil. Romitan t.
16-son MTT tarbiyachisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada millat madaniyati va ma'naviyati taraqqiyotida tilning o`rni haqida fikr yuritilgan.

Kirish. Til ijtimoiy hodisa bo`lib, shubhasiz, bani basharga berilgan eng buyuk va qudratli ne'matdir. Avaz O`tar aytganidek:

«Har tilni biluv emdi bani odama jondur,
Til vositayi robitayi olamiyondur».

Darhaqiqat, til insonlarning o`zaro muomala vositasidir. U xalqlarni bir - biriga yaqinlashtiruvchi omildir. Dunyoda juda ko`p xalqlar yashaydi. Har bir xalq o`z dini, urf-odatlariga ega bo`lgani kabi o`z tiliga ega. Bu tilda xalqlarning madaniyati o`z aksini topgan.

Asosiy qism. Qadim – qadimdan shakllangan tillar o`z tarixiga ega. Ushbu tillar asrlar davomida sayqallanib, bugungi kunda o`z maqomiga erishgan. Bizning ona tilimiz – o`zbek tili ham necha – necha asrlar mobaynida tarix zarbalarida sayqal topib, o`zbek xalqining milliy tili sifatida shakllandi. O`zbek tili turkiy tillar oilasiga mansub bo`lib, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi buyuk shoirlar asarlari shu tilda yozilgan. G`azal mulking sultoni Alisher Navoiy o`zbek tilining rivoji uchun ulkan hissa qo`shgan buyuk adibdir. U o`z asarlari orqali tilimizning naqadar boy, chiroyli til ekanligini isbotlab berdi. O`zbek tili nafaqat serqirra, balki juda go`zal va rangli. Bunga dalil sifatida barcha adib yozuvchilarimizning asarlarini ketirishimiz mumkin.

Buyuk ma`rifatparvarlar Mahmudxo`ja Behbudiy, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniy, Is`hoqxonto`ra Ibratlar ham tilimizning bebaho ekanligini o`z asarlari orqali xalqimizga yetkazishdi.

Ming afsuski, sobiq sho`rolar davrida o`zbek tiliga past nazar bilan qaraldi. O`zbeklarning o`z davlatida davlat tili rus tili deb qonuniylashtirildi. Barcha hujjatlar rus tilida rasmiylashtirilar edi. Yillar davomida davom etgan bunday ishlarga 1989-yilning 21-oktabrida chek qo`yildi. Xuddi shu kuni o`zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. Shu kundan e`tiboran xalqimiz o`z ona tiliga g`ururiga qayta erishgandek bo`ldi

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

go'yo, o'z ona tilida erkin suhbat qilish bilan birga, barcha hujjatlar o'zbek tilida yuritiladigan bo'ldi. Mustaqillikka erishganimizdan so'ng milliy qadriyatlarimiz, urf – odatlarimiz, tariximizni o'rganishga keng yo'l ochildi. Shu bilan birga ona tilimizning ijtimoiy vazifalari yanada kengaydi. Davlatimiz Rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning BMT bosh assambleyasining yubiley 75- sessiyasida va Oliy Majlis senati raisi Tanzila Norboyevaning BMTning sammitida ona tilimiz o'zbek tilida so'zga chiqishi butun xalqimiz uchun xursandchilik onlari desak, mubolag'a bo'lmasa kerak. Bu, albatta, o'zbek tilining jahon miqyosidagi o'rnini ko'rsatadi.

Har bir til o'z millatining ko'zguvidir. Qaysiki xalqning axloqini bilmoqchi bo'lsang, uning badiiy adabiyotiga nazar sol, deyishadi. Til - millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasini, tunganmas mulkidir. Chunki millatning tarixi, uning madaniy-ma'naviy merosi, urf-odatlarini, an'analari unda mujassam bo'ladi. Zamonasining yetuk arboblari bo'lmish Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor, G'afur G'ulom, Oybek, Zulfiya, Said Ahmad, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov singari mashhur adiblarimiz o'zbek tilining rivojiga juda katta hissa qo'shdilar.

Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovning "O'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy - milliy bog'liqlik til orqali vujudga keladi" degan fikrlari haligacha dolzarbligicha qolgan.

Xulosa. Bugungi kunda har bir o'zbek farzandi tilimiz rivoji uchun, uni kelajak avlodga benuqson yetkazish uchun o'z hissasini qo'shmog'i darkor. Biz tarbiyachilardan talab qilinadigan asosiy vazifa ham shunda, bolajonlarimizning sof o'zbek tilida ravon so'zlasha olishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratish, qo'shimcha mashg'ulotlar, badiiy kechalar, so'z o'yinlari tashkil etib, bolajonlarning o'zbek tilimizga bo'lgan mehrini uyg'otish va shakllantirishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi, 2017, 7-fevral.
2. To'xliyev B. Adabiyot o'qitish metodikasi. - T., 2010.

TIL – MILLAT KO'ZGUSI

Jo'rayeva Nargiza,

Buxoro viloyati G'ijduvon tumani 9-DMTT mudirasi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o'zbek tilining keng imkoniyatlari, o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, o'zbek tilining taraqqiy topishi va rivojlanishi to'g'risida fikrlar yuritilgan.

KIRISH. Til – insoniyat paydo bo'libdiki, til ular o'rtasida aloqa vositasi bo'lib xizmat qiladi. Bilamizki har bir millatning o'z tili aloqa vositasi mavjud! Shu jumladan bizning yani O'zbek xalqaimizning ham o'z milliy tili mavjud. O'zbek tilini shunday ajoib o'tmish va kelajagi borki bu tilni qancha ulug'lasak ham kam. O'rta asrlarda yashagan allomalarimiz bu tilni juda yuksak baholagani ham bejiz emas aslida.

ASOSIY QISM. O'zbek xalqini ham asriy qadriyatlari qaytdi va nihoyat 1989-yil 21-oktabr o'zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. Bu esa tilimizga bo'lgan hurmatni yana bir bor ko'rsatib berdi. Til – millat ko'zgusi. Shu birgina jumlada milliy tilning o'rni qanchalik yuksak darajada ekanligidan darak beradi. Shuningdek biz yani jamyatdagi insonlar, shaxslar ham milliy til taraqqiyotga o'z hissamizni qo'shishimiz, milliy tilimizga hurmat bilan qarashimiz lozim, chunki tilimiz qanchalik taraqqiyot topib boraversa ijtimoiy, iqtisodiy, manaviy taraqqiyot yuksalib boraveradi.

"Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadurgan oyinai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur" – degan edi Abdulla Avloniy. Inson yer yuzidagi eng oliy darajada taraqqiy etgan mavjudot sanaladi. Insonga tabiat tomonidan ato etilgan sifatlar, imkoniyatlar juda ko'p va behisob. Ana shunday imkoniyatlardan biri bu uning tilidir. Til – aloqa-aralashuvning eng muhim va betimsol vositasi sifatida insonlar hayotida beqiyos darajada amaliy ahamiyatga ega. Odamlar ana shu til vositasida bir-birlari bilan suhbatlashadilar, fikr berib, fikr oladilar. Ming afsuski, hamma ham o'zi uchun berilgan bu cheksiz imkoniyatdan - tildan o'rinli foydalana olmaydi. Hayotimizda xushmuomala, shirinso'z odamlar bilan birgalikda so'zlashish madaniyatidan yiroq, dag'al va qo'pol so'zli kimsalar ham tez-tez uchrab turadi. Odamning ular bilan suhbatlashishdan yuragi bezillaydi, chunki bu

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

toifadagi kishilar o'ransiz gap-so'zlari bilan suhbatdoshining diliga ozor yetkazadi. Shu o'rinda xalqimiz tomonidan aytilgan "Tig' yarasi bitadi, ammo til yarasi bitmaydi" degan maqolda ham bir olam ma'no bor, aslida. Til o'quv va bilimning tarjimoni hamdir. Kishiga ro'shnolik, yaxshilik va ezguliklar til tufayli keladi. Qadr- qimmatni ham, obro'-e'tiborni ham kishi til orqali topadi. Tili shirin odamlarning so'zi dilimizga xuddi moydek yoqadi, tili zahar insonlarning so'zi esa dilni jarohatlaydi. Tildan muloqot davomida qay yo'sinda foydalanish o'zimizga bog'liq, biroq shuni unutmasligimiz lozimki, til - dil qulfining kaliti.

Yuqorida ma'rifatparvar Abdulla Avloniy ta'kidlaganlaridek, til va adabiyot har bir millat, har bir xalqning dunyoda borligini ko'rsatadigan ko'zgusi, oyinai hayotidir. Milliy tilni yo'qotish millatning ruhini yo'qotishdir. Chindan ham, biror davlat yoki mamlakatning nomini tilga olganimizda, eng avvalo, o'sha davlatdagi millat vakillari ko'z oldimizda gavdalanadi. O'sha insonlarning qaysi millatga mansub ekanligini esa ularning urf-odatlarini, fe'l-atvorlari, madaniyati va eng asosiysi o'zlarining ona tillari belgilab beradi. Xalqning, millatning o'zligini namoyon etishda tilning o'rni va ahamiyati beqiyosdir. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov o'zlarining "Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch" asarlarida shunday fikrlarni bayon qiladilar: "...o'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'ladi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili – bu millatning ruhidir". Darhaqiqat, ona tili – ezgu fazilatlar, yuksak tuyg'ular manbayi. U inson kamolotida betakror o'rin tutadi. "Qancha ko'p tilni bilsangiz, shuncha yaxshi. Biroq odam ona tilida tafakkur qiladi, ona tilida tush ko'radi, ona tilida yig'laydi... O'lim oldidan onasini ona tilida yo'qlaydi...", – deb o'zbek adabiyotining mashhur yozuvchisi O'tkir Hoshimov o'zining "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asarida ham haqiqatni yozgan. Til – xalqning, millatning eng buyuk qadriyatlaridan biri. Shuning uchun xalqning ozodlikka, o'zligini anglab yetishga intilishida tilning qadrini tiklash, nufuzini oshirish muhim o'rin tutadi. Shu tufayli ham, O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining 1989 yil 21 oktyabrda bo'lib o'tgan sessiyasida ona tilimizga davlat tili maqomini berish to'g'risidagi qonun qabul qilindi. Mana 30 yildirki, har yili ana shu kunni til bayrami

sifatida nishonlaymiz. Zero, bu shodiyona o'zligimiz hamda milliyligimiz nishonasidir.

Biroq o'z tilini o'z onasidek asrab-avaylab, hurmat qilish o'rniga vaqtini huda-behuda sarflab, yuqorida aytib o'tilgan so'zlarning ma'nosini hali-hanuzgacha chaqa olmayotgan yoshlar ham oramizda bor, afsuski. Til o'rgangan yaxshi, albatta, lekin so'zlayotgan vaqtida o'zining "madaniyatli" ekanligini ko'rsatish uchun 3-4 xil tildagi so'zlarni ma'nosi bir-biriga to'g'ri kelmasa ham qo'shib- chatib gapirish bu, aslida, o'z tiliga nisbatan madaniyatsizlik hisoblanadi. Bu uning o'sha 3-4 tilni mukammal bilishini emas, aksincha, birorta tilni ham to'liq bilmasligini anglatadi. Har bir tilni o'z o'rnida qo'llab, o'sha tilda gaplashadigan millat vakillarini hurmat qilishni o'rganaylik. Axir, Navoiy bobomiz ham "Tilga ixtiyorsiz elga e'tiborsiz" deb bejizga aytmaganlar. O'zbek romanchiligining asoschisi bo'lmish Abdulla Qodiriy maqolalaridan birida "O'zbek tili kambag'al emas, balki o'zbek tilini kambag'al deguvchilarning o'zi kambag'al. Ular o'z nodonliklarini o'zbek tiliga to'nkamasinlar", - degan fikrni aytadi. Mana tilga bo'lgan chin muhabbat. Ana shu muhabbat orqali o'zbek adabiyotida, o'zbek tilida ilk roman vujudga kelgan. Biz nima qilayapmiz? Asar yozish u yoqda tursin, o'z tilimizda to'g'ri gaplasha olmayapmiz. O'z tilimizni onamiz singari hurmat qilaylik.

So'zlayotganimizda bilib so'zlaylik. Chunki Jaloliddin Rumiy aytganlaridek, "So'z insonning qiymati qadar qadrlidir". Ona tili ko'hna tariximiz, din-u diyonatimiz, xalqimizga xos dunyoqarash, his-tuyg'ular evolutsiyasini ko'rsatadigan, ajdodlar merosini avlodlarga yetkazadigan millatimiz ko'zgidir.

Ona tili – bu millatning ruhidir. Ma'lumki, o'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liklik til orqali namoyon bo'ladi. Inson qalbigabarcha fazilatlar, avvalo, ona allasi, ona tilining batakror jazibasi bilan singadi. Ona tilimizning, asrlar davomida sayqallanib, bugungi davrgacha madaniyatimizning, ma'n rivojlanib, yana ham yuksak darajaga erishishidagi o'rni, ahamiyati juda katta.

O'zbek tiliga "Davlat tili" maqomining berilishiga bu yil 31 yil to'lmoqda. Shu munosabat bilan respublikamizning barcha jabhalarida bayram kechalari, turli uchrashuvlar, adabiy-badiiy kechalar, turli

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tanlovlar o'tkazilmoqda. Kechada maktab o'qituvchilaridan tashqari mahalla faollari, ota-onalar qatnashdi.

Til xalqning yagona bir millat sifatida milliyligini, o'zligini, madaniyatini ko'rsatuvchi ko'zgudir. Millatning borligi va birligining bosh belgisi til hisoblanadi. Shuning uchun ham biz o'zbek tilini ona tili sifatida ulug'laymiz, e'tirof etamiz. Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "O'zbek tili O'zbekiston Respublikasining gerbi, bayrog'i, madhiyasi bilan bir qatorda turuvchi, qonun bilan himoyalovchi muqaddas timsollardan biridir".

O'zbekiston Respublikasining "Davlat tili to'g'risida"gi Qonuni qabul qilinganligining 26 yilligini munosib nishonlash maqsadida viloyat xalq ta'limi boshqarmasi tomonidan "Til - millat madaniyatining ko'zgusi" mavzusida (sinflar kesimida) insholar tanlovi o'tkazildi. Ushbu tanlovni o'tkazishdan maqsad o'quvchi-yoshlarni milliy tilimizning qadriga yetish, uni asrab-avaylash, e'zozlash va uning go'zalligi, sofligi, tozaligi, qudrati, ravnaqi uchun kurashish yuksak insoniy burch ekanligini anglab yetishlariga ko'maklashishdir.

XULOSA. Milliy g'oya targ'ibotida ona tiliga muhabbat tarbiyasi muhim o'rin tutadi. Yurtboshimiz e'tirof etganlaridek, inson qalbiga barcha ezgu fazilatlar til vositasidasingdirilar ekan, demak ona tiliga e'tiborfaqat til bayrami kunlaridagina emas, har kuni, har daqiqada davom etishi kerak. Shundagina o'zbek tili kundalik hayotda ham, adabiy hayotda ham doim yuksalishda va rivojlanishda bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev.Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: "O'zbekiston", 2018.
2. Mirziyoyev.Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: "O'zbekiston", 2016. – 56 b.
3. Mirziyoyev. Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: "O'zbekiston", 2017.

O‘QUVCHILARGA TIL QURILISHINI EMAS, TIL IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISHNI O‘RGATISH KERAK

Mamatova Xurshida,
Qorako‘l tuman 2-umumiy
o‘rta ta‘lim maktabi o‘qituvchisi

Barchamizga ma‘lumki, ona tili fani o‘qituvchisining bosh maqsadi – o‘quvchilarni ijodiy fikrlashga, o‘z fikrini erkin va ta‘sirli qilib yozma va og‘zaki shaklda ifodalashga, o‘zbek tili qonun-qoidalarini ongli ravishda o‘rganishga o‘rgatish. Shuningdek, ularning fikr doirasini kengaytirishga, Vatanimiz, milliy an‘analarimiz, boy ma‘naviyatimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashdan iboratki, shu bois bugungi kunda, o‘zbek tili barcha ta‘lim bosqichlari va yo‘nalishlaridagi rus va ta‘lim boshqa tillarda olib boriladigan ta‘lim muassasalarida o‘qitilmoqda, uning qo‘llanish doirasi tobora kengayib, respublikamizda millatlararo aloqa vositasi sifatida nufuzi har tomonlama ortib bormoqda.

Hozirgi kunda ijtimoiy tarmoqlarda keng muhokamalarga sabab bo‘layotgan muhim hodisalardan biri bu ona tili darslarining qisqartirilganligidir. Albatta, bunga turlicha fikrlar bildiriliyapti, aksariyat fikrlar ona tili darslarining qisqartirishiga norozilikdir. Lekin biz, tilchilar faqat dars soatlarining kamayishiga norozilik bildiryapmiz-u, ammo asosiy yana bir narsani e‘tibordan chetda qoldiryapmiz, ya‘ni ona tili ta‘limidagi ortiqcha ilmiylik, keraksiz grammatika. Mana biz nimalarga e‘tibor berishimiz kerak.

20-asrning birinchi yarmida adabiy til me‘yorlarini belgilash, uni omma ongiga singdirish, savodsizlikni tugatish talabi asosida ona tili ta‘limi maqsadi belgilangan. Ta‘lim oluvchilarni tilning ichki qurilishi bilan tanishtirish, qonuniyatlarni o‘rgatish asosida xalq ongiga adabiy til me‘yorlari shakllantirilgan. Shuning uchun tilshunoslikda qo‘yilgan, hal etilgan vazifalar va qo‘lga kiritilgan yutuqlar asosida ilk ona tili darsliklari yaratilgan. Darsliklarda o‘zbek tilining imlosi, fonetik va grammatik qurilishini chuqur va atroflicha o‘rgatishga katta e‘tibor qaratilgan. Tilshunoslikdagi ilmiy yutuqlar davr sinovidan o‘tib, maktab ona tili darsliklaridan o‘rin ola boshlagan. Bu darsliklar asosida kishilarning

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

savodi chiqib, adabiy til me'yorlari ijtimoiy hayotning barcha sohalarida ommalashgan. Jamiyat yaxlit va yagona adabiy til me'yorlariga ega bo'lgan [4].

Ammo ona tili darsliklari grammatizmda chuqurlashib boraverdi. Natijada ona tili ta'limining tom ma'nodagi vazifasi – o'quvchilarda ona tili imkoniyatlaridan foydalanish ko'nikmasini shakllantirish va malakasini o'stirish amaliyoti unutila boshlandi. Bunga birgina misol qilib, boshlang'ich sinf ona tili darsliklaridan tortib yuqori sinf darsliklarigacha bo'lgan mavzular, asosan, til qurilishi, ya'ni o'quvchilarga tilshunoslik bo'yicha bilim berilayotganligini olishimiz mumkin [4]. Vaholanki, biz nima qilyapmiz? Maktab partasida o'tirgan o'quvchilarning barchasidan tilshunos tayyorlamayapmizmi, axir ularning barchasi ham tilshunoslikka qiziqmaydi-ku, boshqa soha egasi bo'lmoqchidir. Shunday ekan, ona tili ta'limini o'quvchilarga murakkabliklar asosida o'rgatishning bizga nima keragi bor. Sodda ona tilini o'rgatsak bo'lmaydimi? Shu o'rinda "Sodda ona tili" deganda nimani tushunishimiz kerak? degan savolga filologiya fanlari doktori, professor Baxtiyor Mengliyev sodda va asosli fikrni yaqinda chiqqan muhokamalar markazidagi ona tili ta'limidagi "Qo'y yog'i" maqolasida aytdi: "Ko'pchilik ona tili sodda bo'lishi kerak degan fikrni jo'n, "dehqoncha" tilda gapirish va yozish deb tushunmoqda va o'zaro suhbatlarda fikr sohibini qamchilashga tushib ketdi. Aslida nima nazarda tutilyapti? Qoidalar, ta'riflar, izohlar sodda bo'lsin deyilmoqda. Qoidalar o'quvchining nutqini isloh qilishga ishlashi urg'ulanayotir. "Gapning grammatik markazi bo'lib, ega haqidagi axborotni bildiradigan, shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, mayl-modallik ma'nolariga ega bo'lgan bo'lak kesimdir" degan ta'rifni "odamshavanda" qilib, "gapdagi xabarni bildiradigan bo'lak kesim deyiladi" shaklida berish kerakligi ta'kidlanayapti" [6].

Darhaqiqat, biz o'quvchilarga qoidalarni ko'r-ko'rona, qoriday yodlatishni emas, aksincha, bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishimiz kerak. Zero, ona tili ta'limining bosh maqsadi ham aynan shudir. Axir, o'quvchining ona tili ta'limi bo'yicha natijalari uch mezon asosida baholanadi:

1. O'qish texnikasi;

2. O‘z fikrini to‘g‘ri ifodalash;
3. O‘z galar fikrini to‘g‘ri anglash malakasi.

Demak, ona tili imkoniyatlarini egallash hamda shu asosda barkamol inson sifatida shakllanishiga bo‘lgan talab bu o‘quv predmeti yoki fan metodikasi oldiga juda ko‘p vazifalarni qo‘yadi. Ta‘lim oluvchilar til qurilishini mukkasidan tushib o‘rganardi. Unli va undosh tovushlar, tovush o‘zgarishlari, urg‘u va uning turlari, tilning leksik tizimi, so‘z turkumlari ularning ichki ma‘noviy guruhlari, so‘z yasalishi, grammatik shakllar tizimi, sintaktik hodisalar – so‘z birikmasi, gap bo‘laklari, ularning tuzilishi, ma‘no turlari va ifodalanishi, sodda va qo‘shma gap, qo‘shma gaplarning ma‘no turlari va bog‘lovchi vositalar kabi nazariy ma‘lumotlar darsliklardan shu qadar ko‘p o‘rin egalladiki, natijada o‘qituvchi o‘quvchining nutqini o‘stirishga, og‘zaki va yozma nutqini shakllantirishga vaqt ajratolmay qoldi. Ta‘lim mazmuni til qurilishi bo‘yicha nazariy bilimlardan iborat bo‘lib qoldi. Muxtasar qilib aytganda, ona tili darsliklari tilshunoslik faniga aylantirib qo‘yildi. Nutq o‘stirish grammatizm soyasida qolib ketdi. Masalan, birgina 5-sinfni bitirayotgan o‘quvchi 250 dan ortiq qoidani yod olishi lozim. Endi tasavvur qilib ko‘ring, bu o‘quvchi 11-sinfni bitirayotganida bu egallagan 250 ta qoidasiga yana nechta qo‘shilib, qanchaga yetadi? Bu qoidalar uning keying hayotida kerak bo‘ladimi, foydasi bormi, bu bilan hech kimning ishi yo‘q. Vaholanki, biz davlat ta‘lim standartlariga muvofiq o‘quvchilarga o‘rganilgan bilim, ko‘nikma va malakalarini hayotda qo‘llay olish kompetensiyalarini shakllantira olishimiz lozim.[2] Ular bugungi kunda ona tili ta‘limi bo‘yicha olgan bilimni ertaga amaliyotga qo‘llay olsin. Tasavvur qiling: bozorga bordingiz, kartoshka olmoqchisiz, ammo cho‘ntagingizdagi pulni uyda qoldirib kelgansiz. Shunda siz sotuvchiga “kechirasiz, pulim yo‘q edi, men sizga so‘z turkumlaridan otni qoidasini aytib beray, siz menga kartoshka bering”, - deb iltimos qilsangiz, sotuvchi sizga qoida evaziga kartoshka beradimi, afsuski yo‘q. Shunday ekan, bu o‘quvchining hayotida as qotmaydigan qoidalar kimga yoki nimaga kerak. Undan ko‘ra mana shunday pulsiz vaziyatda qolganda, chiroyli nutq, so‘z sehri bilan sotuvchini o‘ziga mahliyo qildirib, kartoshka oladigan o‘quvchilarni yetishtiraylik va bu uchun maktab darsliklarini tubdan isloh qilaylik. Demak, ona tili ta‘limi jarayonida o‘quvchining so‘z boyligini oshirish, so‘zlarning ma‘no nozikliklari, farq va o‘xshashliklarini his qilish,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

anglab yetish, bexato talaffuz qilish va yozish, soʻzlarni bogʻlab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi maʼnoviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatish, bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklash kabi qator mantiqiy mashqlarni bajarish, nutq vaziyatini toʻgʻri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish koʻnikmalarini shakllantirish va malakasini oʻstirish, oʻquvchiga mana shu vazifalar uchun zarur boʻlgan muhim fonetik, leksik, grammatik qoidalarnigina berish, fikrni ifodalash va anglashning turli shakllari va usullarini ularni turli nutq sharoitiga mos ravishda qoʻllash yoʻllarini tavsiya etish, bunga asoslangan mashq va topshiriqlar tizimini ishlab chiqish lozim. Shuningdek, oʻquvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qoʻyilmasligi lozim. Bu borada, albatta, keyingi yillarda salmoqli oʻzgarishlar olib borildi. Oʻquvchilarning ogʻzaki va yozma nutqining, badiiy tafakkurining shakllanishiga oid bir qancha yangi mavzular maktab darsliklariga kiritildi. Masalan:2017-yilda chop etilgan 6-sinf ona tili darsligining 11-sahifasidan 19-sahifasigacha “Matn, matn turlari, hikoya matni, tasviriy matn, muhokama matni”[5] kabi oʻquvchining ham ogʻzaki ham yozma nutqini rivojlantiradigan, tafakkurini oʻstiradigan, matn tuzish orqali soʻz boyligini oshirishga xizmat qiladigan mavzular kiritildiki, bu ham ona tili oʻqitish tizimining yangilanib borayotganligidan dalolat berdi. Shuningdek, 10-sinf ona tili darsliklarida ham lugʻatshunoslik bilan bogʻliq mavzular kiritildi. Har bir oʻrganilayotgan yangi mavzudan soʻng lugʻat soʻzlar berildi, bu ham oʻquvchilarning oʻzbek tilidagi soʻzlarning maʼnolarini izohli lugʻatlardan, sinonimlarini sinonimik lugʻatdan bilish imkoniyatini yuzaga chiqardi. Maktab oʻquvchilari uchun ham maxsus lugʻatlar tayyorlash kerak va ulardan, albatta, dars jarayonida samarali foydalanishni yoʻlga qoʻyish kerak. Ammo, tan olib aytish kerakki, bugungi kunda oʻquv lugʻatchiligi amaliyoti maʼlum darajada yoʻlga qoʻyilayotgan boʻlsa-da, uning ilmiy-nazariy asoslarini ishlab chiqish, muayyan oʻquv lugʻatlarini tuzish tamoyillarini belgilash, ularning lingvistik, pedagogik asoslarini ishlab chiqish hanuz dolzarb masala boʻlib qolmoqda. Zero, ona tili mashgʻulotlari oʻquv lugʻatlaridan foydalanishga muhtoj.

Xulosa qilib aytganda, ona tili mashgʻulotlarini tafakkur darslariga aylantirishimiz kerak. Chunki, milliy oʻzlik, milliy ong, milliy qadriyatlar

har bir o‘quvchi tafakkuriga beqiyos ozuqa beradi. Demak, tafakkur rivojlansa, til rivoj topadi, uning son-sanoqsiz, rang-barang imkoniyatlari yuz ochadi, nutq ravonligiga, mantiqiylikiga erishiladi. Aniq fikrlaydigan inson ravon gapiradi. Zero, hurmatli prezidentimiz Sh.Mirziyoyev: “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, - deb bejizga ta’kidlamaganlar [1].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh. Mirziyoyev. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: “O‘zbekiston”.2016.14-b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi “Umumiy o‘rta va O‘rta maxsus, Kasb-hunar ta’limining Davlat ta’lim standartlari to‘g‘risida” gi 187-sonli qarori.
3. G.H.Ne‘matova, R.Q.Ashurbayeva, D.N.Yo‘ldosheva. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog‘lab o‘qitish. - T.: Muharrir, 2019.

O‘QUVCHILARGA TIL IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISHNI O‘RGATISH

Muzaffarova Iqbol,

G‘ijduvon tumani 17- maktabining o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o‘quvchilarga ona tili ta’limida til imkoniyatlaridan foydalanish, tilimizning naqadar boyligini, uning lug‘at zahiralari, leksikologiyasi, imlo, o‘quvchilarning so‘z boyligini, mantiqiy fikrlashini oshirishga doir fikrlar bildirilgan.

Barchamizga ma’lumki, ona tili fani o‘qituvchisining bosh maqsadi – o‘quvchilarni ijodiy fikrlashga, o‘z fikrini erkin va ta’sirli qilib yozma va og‘zaki shaklda ifodalashga, o‘zbek tili qonun-qoidalarini ongli ravishda o‘rganishga o‘rgatish, shuningdek, ularning fikr doirasini kengaytirishga, Vatanimizga, milliy an‘analarimizga, boy ma’naviyatimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalashdan iboratki, shu bois bugungi kunda, o‘zbek

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tili barcha ta'lim bosqichlari va yo'nalishlaridagi rus va ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan ta'lim muassasalarida o'qitilmoqda, uning qo'llanish doirasi tobora kengayib, respublikamizda millatlararo aloqa vositasi sifatida nufuzi har tomonlama ortib bormoqda.

Hozirgi kunda ijtimoiy tarmoqlarda keng muhokamalarga sabab bo'layotgan muhim hodisalardan biri bu ona tili darslarining qisqartirilganligidir. Albatta, bunga turlicha fikrlar bildirilayapti, aksariyat fikrlar bu – ona tili darslarining qisqartirilishiga norozilikdir. Lekin biz, tilchilar faqat dars soatlarining kamayishiga norozilik bildiriyapmiz-u, ammo asosiy yana bir narsani e'tibordan chetda qoldiryapmiz, ya'ni ona tili ta'limidagi ortiqcha ilmiylik, keraksiz grammatika. Mana biz nimalarga e'tibor berishimiz kerak.

20-asrning birinchi yarmida adabiy til me'yorlarini belgilash, uni omma ongiga singdirish, savodsizlikni tugatish talabi asosida ona tili ta'limi maqsadi belgilangan. Ta'lim oluvchilarni tilning ichki qurilishi bilan tanishtirish, qonuniyatlarni o'rgatish asosida xalq ongida adabiy til me'yorlari shakllantirilgan. Shuning uchun tilshunoslikda qo'yilgan, hal etilgan vazifalar va qo'lga kiritilgan yutuqlar asosida ilk ona tili darsliklari yaratilgan. Darsliklarda o'zbek tilining imlosi, fonetik va grammatik qurilishini chuqur va atroflicha o'rgatishga katta e'tibor qaratilgan. Tilshunoslikdagi ilmiy yutuqlar davr sinovidan o'tib, maktab ona tili darsliklaridan o'rin ola boshlagan. Bu darsliklar asosida kishilarning savodi chiqib, adabiy til me'yorlari ijtimoiy hayotning barcha sohalarida ommalashgan. Jamiyat yaxlit va yagona adabiy til me'yorlariga ega bo'lgan. [4]

Ammo ona tili darsliklari grammatizmda chuqurlashib, boraverdi. Natijada ona tili ta'limining tom ma'nodagi vazifasi – o'quvchilarda ona tili imkoniyatlaridan foydalanish ko'nikmasini shakllantirish va malakasini o'stirish amaliyoti unutila boshlandi. Bunga birgina misol qilib, boshlang'ich sinf ona tili darsliklaridan tortib yuqori sinf darsliklarigacha bo'lgan mavzular asosan til qurilishi bo'yicha, ya'ni o'quvchilarga tilshunoslik bo'yicha bilim beriladi.[4] Vaholanki biz nima qilyapmiz o'zi? Maktab partasida o'tirgan o'quvchilarning barchasidan tilshunos tayyorlayapmizmi, axir ularning barchasi ham tilshunoslikka qiziqmaydiku, boshqa soha egasi bo'lmoqchi. Shunday ekan, bizga nima keragi bor, ona tili ta'limini o'quvchilarga murakkabliklar asosida o'rgatishning. Sodda ona tilini o'rgatsak bo'lmaydimi? Shu o'rinda "Sodda ona tili

deganda nimani tushunishimiz kerak?” degan savolga filologiya fanlari doktori, o‘zbek tili professori Baxtiyor Mengliyev sodda va asosli fikrni yaqinda chiqqan muhokamalar markazidagi ona tili ta’limidagi “Qo‘y yog‘i” maqolasida aytdi: “Ko‘pchilik ona tili sodda bo‘lishi kerak degan fikrni jo‘n, “dehqoncha” tilda gapirish va yozish deb tushunmoqda va o‘zaro suhbatlarda fikr sohibini qamchilashga tushib ketdi. Aslida nima nazarda tutilyapti? Qoidalar, ta’riflar, izohlar sodda bo‘lsin deyilmoqda. Qoidalar o‘quvchining nutqini isloh qilishga ishlashi urg‘ulanayotir. “Gapning grammatik markazi bo‘lib, ega haqidagi axborotni bildiradigan, shaxs-son, zamon, tasdiq-inkor, mayl-modallik ma’nolariga ega bo‘lgan bo‘lak kesimdir” degan ta’rifni odamshavanda qilib, “gapdagi xabarni bildiradigan bo‘lak kesim deyiladi” shaklida berish kerakligi ta’kidlanayapti”. [6]

Darhaqiqat, biz o‘quvchilarga qoidalarni ko‘r-ko‘rona , qoriday yodlatishni emas, aksincha, bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki va yozma shakllarda to‘g‘ri, ravon ifodalash ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishimiz kerak. Zero, ona tili ta’limining bosh maqsadi ham aynan shudir. Axir, o‘quvchining ona tili ta’limi bo‘yicha natijalari uch mezon bilan o‘lchanadi:

1. O‘qish texnikasi;
2. O‘z fikrini to‘g‘ri ifodalash;
3. O‘z galar fikrini to‘g‘ri anglash malakasi.

Demak, ona tili imkoniyatlarini egallash hamda shu asosda barkamol inson sifatida shakllanishiga bo‘lgan talab bu o‘quv predmeti yoki fan metodikasi oldiga juda ko‘p vazifalarni qo‘yadi. Ta’lim oluvchilar til qurilishini mukkasidan tushib o‘rganardi. Unli va undosh tovushlar, tovush o‘zgarishlari, urg‘u va uning turlari, tilning leksik tizimi, so‘z turkumlari ularning ichki ma’noviy guruhlari, so‘z yasalishi, grammatik shakllar tizimi, sintaktik hodisalar – so‘z birikmasi, gap bo‘laklari, ularning tuzilishi, ma’no turlari va ifodalanishi, sodda va qo‘shma gap, qo‘shma gaplarning ma’no turlari va bog‘lovchi vositalar kabi nazariy ma’lumotlar darsliklardan shu qadar ko‘p o‘rin egalladiki, natijada o‘qituvchi o‘quvchining nutqini o‘stirishga, og‘zaki va yozma nutqini shakllantirishga vaqt ajratolmay qoldi. Ta’lim mazmuni til qurilishi bo‘yicha nazariy bilimlardan iborat bo‘lib qoldi. Muxtasar qilib aytganda ona tili darsliklari tilshunoslik faniga aylantirib qo‘yildi. Nutq o‘stirish grammatizm soyasida qolib ketdi. Masalan, birgina 5- sinfni bitirayotgan o‘quvchi 250 dan ortiq

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qoidani yod olishi lozim. Endi tasavvur qilib ko'ring bu o'quvchi 11- sinfni bitirayotganida bu egallagan 250 ta qoidasiga yana nechta qo'shib, qanchaga yetadi o'rganilishi lozim bo'lgan qoidasi. Bu qoidalar uning keyingi hayotida kerak bo'ladimi, foydasi bormi, bu bilan hech kimning ishi yo'q. Vaholanki, biz davlat ta'lim standartlariga muvofiq o'quvchilarga o'rganilgan bilim, ko'nikma va malakalarini hayotda qo'llay olish kompetensiyalarini shakllantira olishimiz lozim.[2] Ular bugungi kunda ona tili ta'limi bo'yicha olgan bilimni ertaga amaliyotga qo'llay olsin. Tasavvur qiling: bozorga bordingiz, kartoshka olmoqchisiz, ammo cho'ntagingizdagi pulni uyda qoldirib kelgansiz. Shunda siz sotuvchiga "kechirasiz, pulim yo'q edi, men sizga so'z turkumlaridan otni qoidasini aytib beray, siz menga kartoshka bering", – deb iltimos qilsangiz, sotuvchi sizga qoida evaziga kartoshka beradimi, afsuski yo'q. Shunday ekan, bu o'quvchining hayotida as qotmaydigan qoidalar kimga yoki nimaga kerak. Undan ko'ra mana shunday pulsiz vaziyatda qolganda, chiroyli nutq, so'z sehri bilan sotuvchini o'ziga mahliyo qildirib, kartoshkani oladigan o'quvchilarni yetishtiraylik va bu uchun maktab darsliklarini tubdan isloh qilaylik. Demak, ona tili ta'limi jarayonida o'quvchining so'z boyligini oshirish, so'zlarning ma'no nozikliklari, farq va o'xshashliklarini his qilish, anglab yetish, bexato talaffuz qilish va yozish, so'zlarni bog'lab gap, gaplardan esa matnlar tuza olish, birikmalardagi ma'noviy va grammatik, matnlardagi mantiqiy xatoliklarni topish va tuzatish, bir fikrni turli vositalar bilan ifodalash, uzilgan fikrning davomini tiklash kabi qator mantiqiy mashqlarni bajarish, nutq vaziyatini to'g'ri baholash va til imkoniyatlaridan unga mos ravishda foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish va malakasini o'stirish, o'quvchiga mana shu vazifalar uchun zarur bo'lgan muhim fonetik, leksik, grammatik qoidalarnigina berish, fikrni ifodalash va anglashning turli shakllari va usullarini ularni turli nutq sharoitiga mos ravishda qo'llash yo'llarini tavsiya etish, bunga asoslangan mashq va topshiriqlar tizimini ishlab chiqish lozim . Shuningdek, o'quvchining aqliy faoliyati zinhor lingvistik qoidalar va til qurilishiga doir bilimlar bilan band qilib qo'yilmasligi lozim. Bu borada, albatta, keyingi yillarda salmoqli o'zgarishlar olib borildi. O'quvchilarning og'zaki va yozma nutqining, badiiy tafakkurining shakllanishiga oid bir qancha yangi mavzular maktab darsliklariga kiritildi. Masalan: 2017-yilda chop etilgan 6-sinf ona tili darsligining 11-sahifasidan 19-sahifasigacha "Matn, matn turlari, hikoya matni, tasviriy matn, muhokama matni"[5]

kabi o'quvchining ham og'zaki ham yozma nutqini rivojlantiradigan, tafakkurini o'stiradigan, matn tuzish orqali so'z boyligini oshirishga xizmat qiladigan mavzular kiritildiki, bu ham ona tili o'qitish tizimining yangilanib borayotganligidan dalolat berdi. Shuningdek, 10- sinf ona tili darsliklarida ham lug'atshunoslik bilan bog'liq mavzular kiritildi. Har bir o'rganilayotgan yangi mavzudan so'ng lug'at so'zlar berildi, bu ham o'quvchilarning o'zbek tilidagi so'zlarning ma'nolarini izohli lug'atlardan, sinonimlarini, sinonimlar lug'atidan bilish imkoniyatini yuzaga chiqardi. Maktab o'quvchilari uchun ham maxsus lug'atlar tayyorlash kerak va ulardan, albatta, dars jarayonida samarali foydalanishni yo'lga qo'yish kerak. Ammo, tan olib aytish kerakki, bugungi kunda o'quv lug'atchiligi amaliyoti ma'lum darajada yo'lga qo'yilayotgan bo'lsa-da, uning ilmiy-nazariy asoslarini ishlab chiqish, muayyan o'quv lug'atlarini tuzish tamoyillarini belgilash, ularning lingvistik, pedagogik asoslarini ishlab chiqish hanuz dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Zero, ona tili mashg'ulotlari o'quv lug'atlaridan foydalanishga muhtoj.

Xulosa qilib aytganda, ona tili mashg'ulotlarini tafakkur darslariga aylantirishimiz kerak. Chunki, milliy o'zlik, milliy ong, milliy qadriyatlar har bir o'quvchi tafakkuriga beqiyos ozuqa beradi. Demak, tafakkur rivojlansa, til rivoj topadi, uning son-sanoqsiz, rang-barang imkoniyatlari yuz ochadi, nutq ravonligiga, mantig'iga erishiladi. Aniq fikrleydigan inson, ravon gapiradi. Zero, hurmatli prezidentimiz Sh. Mirziyoyev: "Yoshlarimizning mustaqil fikrleydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz", – deb bejizga ta'kidlamaganlar. [1]

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh. Mirziyoyev. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: "Ozbekiston", 2016.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017- yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va O'rta maxsus, Kasb- hunar ta'limining Davlat ta'lim standartlari to'g'risida" gi 187- sonli qarori.

3. G.H.Ne'matova, R.Q.Ashurbayeva, D. N.Yo'ldosheva. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog'lab o'qitish. – T.: Muharrir, 2019.

O'QUVCHILAR LUG'AT BOYLIGINI OSHIRISH- NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH

Shaxnoza Obloqulova,

Shofirkon tuman XTB ona tili va adabiyot fani metodisti

ANNATATSIYA. Ushbu maqolada o'quvchilar nutqidagi qo'pol xatoliklar, muloqotda nutqning sayozligi sabablari, tilga e'tiborsiz bo'layotgan yoshlarimizning saviyasizligi, til o'qitish muammolari, dolzarb masalalar, muammolar yechimi, nutqiy madaniyatni takomillashtirish tavsiyalari haqida fikr-mulohazalar bildiriladi.

Asrlar osha til madaniyatiga e'tibor yuksak bo'lgan. Qadimda yunon faylasuf va notiqklarining dunyoda mashhurligi, ularning voizlik san'ati ijodkorlar, filologlar uchun namuna maktabini o'tagan. Afsuslar bo'lsinki, mashhur bo'lish uchun o'zga millat tilida she'r-qo'shiqni qiynalib, kuchanib aytish "urf"ga aylandi. Ba'zida shoubiznesda peshqadam bo'lish uchun o'zbek tilidan bexabar qo'shiqchining so'z ta'afuzlarini buzib kuylashi, yoki aksincha, inglizcha so'zlarni notog'ri aytish til madaniyatining oqsayotganidan darakdir go'yo. Kundalik muloqotda yoshlarimiz orasida "tolko o'zim rishat qilaman, uje, yeslicho, pozna, mujik, devchonki,, luchshiy, korochochi, okey, yest, zvaniq qil, xatyabi..." kabi vulgarlarning surunkali ishlatilishi ommaviy madaniyatning "yuksalishiga" sabab bo'lmoqda. Vaholanki, bu so'zlarni nutqimizda bot-bot takrorlashni zamonaviylikka yo'yuvchilar aslida ma'naviy qashshoq kishilardir. Bu kabi vulgarizmlarni ixtiyorsiz ishlatilishi, tilimizga, milliy o'zligimizga befarqlikdir, deb baholash qiyin emas. Uning ustiga yoshlarimiz eng yomoni yuqoridagi vulgar so'zlarning tarjimai va ma'nosini tushunmay so'zlashishadi.

O'quvchilarga til ta'limini o'rgatish borasida olib borilayotgan amaliy darslar qatorida ularning nutqiy layoqatlarini takomillashtirish, lug'at boyligini oshirish, mantiqiy teran va mukammal fikrlashga o'rgatish milliy o'zlikni anglatish, muqaddas tilimiz bo'lgan ona tilimizga hurmat va ehtiromni yuksak tutish bugungi kunning dolzarb masalasidir.

Ayni paytda yoshlarimiz o'zlarini zamonaviy sanab sof va keng ma'noga ega bo'lgan ona tilimizning beqiyos imkoniyatlaridan foydalanmay, xorijiy tillardan ijtimoiy tarmoqlar orqali o'qib kelayotgan

so'zlarni ishlatishlari, tilimizning ma'naviy xuruj iskanjasiga tutib berayotgani hech kimga sir emas va bunga jimgina qarab ham turolmaymiz. Radio,televideniya,ijtimoiy tarmoqlardagi ommaviy kanallarda so'zlarning notog'ri va jumlalarning xato qo'llanilayotgani bu yoshlar ongiga singiyotgani ta'lim va tarbiyaning salbiy tomonga og'ishini ko'rsatyapti. Muloqot jarayonida shevaga oid so'zlarning kimo'zarga muloqot jarayonida qo'llanilishi esa milliy o'zligini anglagan, e'tiqodi butun kishilar ta'bini xira qilishi tayin. Holbuki, adabiy tilning ta'siri bilan shevalar zaiflashishi kerak. Garchi milliy tilimizning bir bo'lagi sanalgan shevalarimiz bilan lug'atimiz salmog'dor bo'lsa ham, ommaviy axborot vositalarida shevaga oid so'zlarning qo'llanishi odatiy holga aylanmoqda. Bu esa nutq sayozligiga, salohiyatsizligiga sabab bo'lmoqda.

Peshlavha va reklamaga oid matnlarda ham nutqiy kamchiliklar talaygina. Uslubiy xatoga uchragan matnlar va imloviy xatolar chalasavodlik belgisidir. Afsuski, buning jiddiy kamchilik ekanligi haqida e'tiborsizmiz. Bu kabi kamchiliklarni o'quvchilar payqasa, yoshi ulug' nashriyot mutaxasislarini savodsizlikka chiqarishi aniq.

Tarixning guvohlik berishicha, buyuk vatandoshimiz bo'lgan Mahmud az-Zamahshariy bobomiz arab tili grammatikasi haqida kitob yozib, arablarga o'z tilida to'g'ri yozishni o'rgatgan. Bu kabi kitoblar o'zimizga ham kerakka o'xshaydi. Chunki o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganiga 30yildan oshibdiki, bu sohada oqsamoqdamiz. Natijada savodsizlik kuchaymoqda.

O'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'lar ekan, biz, soha, mutaxasislari, xalqimiz bilan birgalikda tilimizni turli xurujlardan tahdid va o'zgarishlarsiz kelajak avlodga qoldirishimiz shart.

Tilshunos olimlarimiz va filologlarimiz tomonidan o'quvchilar uchun bir nechta qo'llanmalar chop etilgan, biroq uni amaliyotga qo'llash va unga har kuni murojaat etish zarur. Masalan, B. Mengliyevning umumiy orta ta'lim maktablari uchun yaratgan bir nechta ilmiy risolalari mavjud. "Qomus" kitobida tilshunoslikka oid atamalar nazariy ma'lumotlar sifatida berilsa, shakldosh so'zlar, ma'nodosh so'zlar, zid ma'noli so'zlar lug'ati kabi kitobchalar amaliy bilimlar hosil qilishi, o'quvchining yonida doimiy bo'lishi katta ahamiyatga ega. Bundan tashqari har bir ona tili va adabiyot fani o'qituvchilari o'zbek tiliga xos 3-4ta so'z mazmunining izohini yoritib

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

borishi kerak. Buning uchun u yoniga doimiy izohli lugʻat kitobini olib yurishi lozim.

Oʻquvchilar soʻz boyligini oshirish uchun quyidagi mashqlar va uslublarni qoʻllash samarali vositadir:

1. Oʻquvchilarni kitobxonlikka chorlash va kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish;

2. Doimiy ijodiy fikrlash, hikoya matni, tasviriy, tanqidiy-tahlili, muhokama matnini yozish layoqatlarini rivojlantirish va baholab borish;

3. Insho sanʼatini rivojlantirish uchun oʻquv dasturiga qoʻshimcha yarim yillik dars soatlari ajratish;

4. Maʼnodosh soʻzlar yodlatish va soʻz boyligini oshirish;

5. Xatolar ustida ishlashni oʻrgatish (tarqatmalarda yoki monitorda imloviy, uslubiy, ishoraviy xatolarga toʻla matnlar havola etish va uning kamchiliklarini tuzatish mashgʻulotlari)

6. Milliy drama va teatr toʻgaraklarini tashkil etish juda zarur.

Butun xalqning, millatning oʻz salohiyatini, maʼnaviyatini, yutuq va kamchiliklarini koʻrsatib beradigan eng asosiy qurol shu millatning tilidir. Farzandlarimizga nutq jarayonida soʻzlarimizning toʻla maʼnosini anglagan holda oʻz fikrini bayon eta olishni oʻrgatish oʻta muhim. Shunda ularning fikri mantiqan tushunarli va joʻyali boʻladi.

Oʻzbek tili shunchalik mantiqiy teran va soʻzlarga boyki, ona tilimiz haqida Gʻarb olimi Maks Myuller quyidagicha taʼkidlaydi. “Xuddi bir guruh mutaxassislar birgalashib ishlab chiqqanday mukammal”. Nutqimizda oʻrinsiz gaplarni, gaplar ichida oʻrinsiz soʻzlarni qoʻllash tilni qashshoqlashtiradi. Maʼnaviyatimiz koʻzgusi boʻlgan ona tilimizni sof holda saqlaylik va uni sayqal topishida oʻz hissamizni qoʻshaylik, zero ona tili dunyoda borligimizni koʻrsatadigan oyinayi hayotimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Oʻzbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari toʻgʻrisidagi Prezident farmoni Toshkent. 2019-yil 19-dekabr.

2. I.A.Karimov. Yuksak maʼnaviyat yengilmas kuch. Toshkent. 2008-yil.

ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Otayeva Rohila,

Buxoro viloyati Vobkent tumani 28-maktab direktori

ANNOTATSIYA. Ona tili va adabiyot darslarida innovatsion texnologiyalarning ahamiyati va ulardan foydalanish samaradorligi tahlil qilingan.

Bugun mamlakatimizda o'zbek tilining nufuzini oshirish borasida bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 21-oktabrda o'zbek tilining xalqimiz ijtimoiy hayotida va xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini tubdan oshirish, unib-o'sib kelayotgan yoshlarimizni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarga sadoqat, ulug' ajdodlarimizning boy merosiga vorislik ruhida tarbiyalash, mamlakatimizda davlat tilini to'laqonli joriy etishni ta'minlash maqsadida qabul qilingan -O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi Farmonini ham bu boradagi muhim qadamlardan biri deya e'tirof etish mumkin.

Ma'rifatparvar Abdurauf Fitrat ta'biri bilan aytganda, ma'rifat dunyosining manbai sifatida tanilgan yurtimiz o'z ta'lim tizimiga, ularda amal qilingan sharqona o'qitish usullariga ega ekanligini manbalar tasdiqlab turibdi. Mumtoz adabiyot namunalari asrlar davomida ajdodlarimiz tomonidan mehr-muhabbat bilan o'rganib kelingan va ma'lum maskanlarning o'quv dasturlariga kiritilgan. Adabiyotimiz qanchalik ko'hna tarixga ega bo'lsa, ularni o'rganishning usullari ham shunchalik qadimiydir. Xo'sh, ajdodlarimiz tomonidan kashf qilingan usullar qanday nomlangan? Har bir davrning uslubshunoslari asirlar davomida yaratilgan o'qitishning sharqona usullari matndagi murakkabliklarni ochib berishga xizmat qilganmi? Shu masalani o'rganish asnosida manbalarga murojaat qilar ekanmiz, turli –tuman o'qitish usullari mavjudligiga guvoh bo'lamiz

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Bugun umumiy oʻrta taʼlim maktablarida oʻquvchilarga ona tili va adabiyot darslarini oʻqitishda bir qator innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanilmoqda.

Innovatsiya inglizcha (in-kiritish, novus-yangi) yangilik kiritish, yangilik degan maʼnoni anglatadi.

Pedagogik innovatsiya – taʼlim va tarbiyaning samaradorligini oshirish maqsadida uning mazmuni, texnologiyasi hamda tashkil etish kesimiga kiritilgan yangiliklarni anglatadi. Shunday qilib innovatsiya jarayoni taʼlim-tarbiyani tashkil etish va uning mazmunini oʻstirishga kiritilgan yangiliklardan iborat tushunchadir.

Innovatsion taʼlim deganda, odatda oʻquv jarayoniga yangi elementlar olib kirish tushuniladi. Shuning uchun taʼlim tizimida innovatsiya oʻzgartirish bilan bevosita bogʻliq. Bunday oʻzgartirishlar taʼlim tizimining:

- maqsadiga, mazmuniga, metod, texnologiyasiga, tashkil etish shakli va boshqaruv tizimiga;

- pedagogik faoliyatdagi oʻziga xoslik va oʻquv-bilish jarayonini tashkil etishga;

- taʼlim darajalarini nazorat qilish va baholash tizimiga;

- oʻquv-metodik taʼminotiga;

- tarbiyaviy ishlar tizimiga;

- oʻquv reja va oʻquv dasturlariga;

- oʻquvchi va oʻqituvchi faoliyatiga bogʻliq.

Didaktik oʻyinli texnologiyalar oʻquvchilarning bilim olish faoliyatini oʻyin faoliyati bilan qoʻshib olib borishdan iborat. Didaktik oʻyinlar musobaqa, raqobat, oʻzaro yordam, hamkorlik tarzida olib boriladi. Buning uchun oʻqituvchi didaktik oʻyindan koʻzda tutilgan maqsad, uni amalga oshirish yoʻllari oʻyin mazmuni va ishtirokchilari faoliyatini aniqlab oladi. Didaktik oʻyin darslari taʼlim va tarbiya berish, oʻquvchilar faoliyatini yoʻnaltirish, kasbga yoʻnaltirish, oʻquvchilarning muloqot va nutq madaniyatini rivojlantirish, ularning bilimlarini chuqurlashtirish va shaxsini rivojlantirish vazifasini bajaradi. Didaktik oʻyinli darslar mazmuniga koʻra sahnalashtirilgan rolli oʻyinlar, ijodiy ishbilarmonlik oʻyinlari, konferensiya va oʻyin mashqli darslarga ajratish mumkin.

Ishbilarmonlik oʻyinlarida ishtirokchilarga oʻyin mavzusi taklif etiladi. Mavzu boʻyicha ular oldiga taklif etilgan muammoni yechish

vazifasi qo'yiladi. Har bir ishtirokchi o'z roliga muvofiq keladigan chiqish tayyorlaydi va bu haqda barcha ishtirokchilar bilan maslahatlashadi. Guruhning barcha a'zolarining faoliyati umumiy maqsadga erishishga qaratiladi. Baholash o'quvchilarning tashkiliy faoliyati va ularning umumiy maqsadga erishishdagi rolli o'yinlarining mazmuni bilan belgilanadi.

7-sinf ona tili darslarida —Yordamchi so'z turkumlari bo'limini o'rganish jarayonida —Ko'makchilar, —Bog'lovchilar, —Yuklamalar mavzularini o'rgangandan so'ng, mustahkamlash jarayonida didaktik o'yinli texnologiyalardan samarali foydalanish mumkin. Masalan, —Yuklamalar mavzusi o'tilgandan so'ng, uning turlari bo'yicha o'quvchilar bilimini tekshirish va mustahkamlash uchun —Yuklamalar oilasi rolli o'yinidan foydalanish mumkin. Bunda o'quvchilar besh guruhga ajratiladi. Ularga —Kuchaytiruv-ta'kid yuklamalar oilasi, —Gumon va inkor yuklamalari oilasi va hokazo nomlar beriladi. Har bir guruh a'zolari shu oilaga kiruvchi yuklamalar sifatida o'zlarini tanishtirib, bajaradigan vazifalarini aytishadi. Baholashda har bir o'quvchining va guruhning faolligi, mustaqil fikrlashi inobatga olinadi.

Muammoli ta'lim – o'quvchilar faoliyatini nazariy va amaliy muammolarni va ushbu muammolar kuchi orqali yaratilgan muammoli topshiriqlarni hal etish orqali yangi bilimlarni o'zlashtirishga asoslangan holda tashkil etish usulidir.

Muammoli o'qitish, o'qitishning shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalariga taalluqli, chunki bu yerda shaxs sub'yekt sifatida qaraladi, muammoli vaziyatlarning maqsadi – pedagogik jarayonda o'ziga xos qiziqish uyg'otishdir.

Muammoli ta'limda o'quvchi oldiga bilim berishga yo'naltiradigan masalalarni qo'yish ham, uning ma'naviyatini shakllantirish yo'lidagi muammoli savol yoki topshiriqlar ham muhim o'rin egallaydi. Ular muammoli vaziyat hosil qilishning asosiy sharti sanaladi. Bilim berish yoki ma'naviyatni sog'lomlashtirishga qaratilgan muammoli savol yoki topshiriqlar o'quvchi uchun ma'lum qiyinchilik tug'diradigan darajada bo'lishi, avval egallagan bilimlariga mos kelishi, shu bilan birga, uning imkoniyatlari doirasidan chetga chiqmasligi lozim. Ya'ni muammoli vaziyatlar bolaning hayotiy tajribasi va nazariy bilimni hisobga olgan holda yaratilishi kerak.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Muammoli ta'lim texnologiyasidan 7-sinf adabiyot darsligidagi O'lmas Umarbekovning "Me'mor" asarini o'rganishda samarali foydalanish mumkin. Bunda o'quvchilarga —Sarsonboy otaning yigirma yil Haydaralining omonatiga xiyonat qilmaslikka undagan tuyg'u nima: lafzga sodiqlikmi, odamiylikmi, vijdoniylikmi, do'stlikmi, o'z manfaatimi? kabi muammoli savol bilan murojaat qilish mumkin. Umumiy o'rta ta'lim ona tili va adabiyot darslarida innovatsion pedagogik texnologiyalar, xususan, didaktik o'yin texnologiyalari va muammoli ta'lim texnologiyalaridan foydalanish dars samaradorligini oshirish bilan birgalikda, o'z mazmun-mohiyati bilan shaxs shakllanishida ma'lum darajada ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, o'qituvchi mehnatining mohiyatida uning ma'naviy saviyasini ko'rsatadigan intellektual ong, yuksak ma'naviyat, asriy an'analar va umumbashariy qadriyatlarga tayanadigan, zamonning ilg'or yutuqlaridan oziqlanadigan milliy dunyoqarash va e'tiqod kabi mezonlar mavjud bo'lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони.

2. Хамроев А. Бошланғич синф она тили таълими жараёнида когнитив-прагматик усул элементларидан фойдаланиш хусусида// Педагогик маҳорат. – 2014. – Б. 39-42.

3. Yo'ldosheva D. Ona tili ta'limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti. – T.:O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2019.

MILLIY TILGA E'TIBOR – VATANPARVARLIK

Umarova Farangiz,

G'ijduvon tuman 58-maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, o'zbek tilining taraqqiy topishi hamda rivojlanishi, tilimizning keng imkoniyatlari, o'zbek tilini o'rganish va o'rgatishning ahamiyati to'g'risida fikrlar yuritilgan.

KIRISH. Bundan yigirma yil avval qabul qilingan “Davlat tili haqida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni o‘zbek tilining mamlakatimizda asosiy til sifatida qo‘llanilishi va o‘rganilishida muhim omil bo‘lmoqda. O‘tgan davr mobaynida o‘zbek tilini davlat tili sifatida o‘rganish, mavqeyini oshirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirildi. Ta‘lim muassasalarida o‘qish-o‘qitish ishlari, idora va tashkilotlarda hujjatlar yuritish va boshqa jarayonlar davlat tilida olib borilishi belgilab qo‘yildi. Yurtimizdagi ma‘muriy-hududiy birliklar, toponimik obyektlar nomlarining xalqimiz ma‘naviyatiga mos hamda davlat tilida bo‘lishini ta‘minlash yuzasidan qonunchilik asoslari yaratildi. Qonunga binoan, geografik nomlar, shaharlar, qishloqlar, ko‘chalar, maydonlar, tarixiy hamda madaniy yodgorliklar, turar-joy massivlari, savdo rastalari va boshqa ijtimoiy-madaniy ahamiyatga molik obyektlarning nomlari davlat tilida bo‘lishi lozim. Til haqidagi qonun hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2004-yil 11-avgustda qabul qilingan «O‘zbekiston Respublikasidagi ma‘muriy-hududiy birliklar, aholi punktlari, tashkilotlarga va boshqa toponimik obyektlarga nom berish ishlarini tartibga solish to‘g‘risida»gi qarori asosida viloyatimizda bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Yuqorida ta‘kidlaganimizdek, «Davlat tili haqida»gi Qonun qabul qilinganidan buyon uning ijrosi yuzasidan salmoqli ishlar amalga oshirilganini e‘tirof etish lozim. Xalq, millat bor ekan uning tili ham sayqallanib, takomillashib boraveradi. Binobarin, tilning obro‘-e‘tibori, shon-shuhrati shu tilda so‘zlovchilarning madaniyati, ma‘naviy salohiyatiga bog‘liq ekanini unutmasligimiz darkor

ASOSIY QISM. Til – xalqning, millatning eng buyuk qadriyatlaridan biri hisoblanadi. Shuning uchun xalqning ozodlikka, o‘zligini anglab yetishga intilishida tilning qadrini tiklash, nufuzini oshirish muhim o‘rin tutadi.

Inson tug‘ilib, voyaga yetar ekan, u ona tili, ona Vatan, ona zamin kabi milliy qadriyatlarini shu til vositasida anglaydi va his qiladi. Shuning zamirida unda milliy ong, vatanparvarlik, millatparvarlik, mustaqillik kabi tushunchalar paydo bo‘ladi va singib boradi. Til har bir xalqning ulkan boyligi, bebaho mulki, qalbi va ovozi hisoblanadi. Bugun o‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganliga 31 yil to‘ldi. Til xalqni birlashtiradi, tarbiyalaydi, o‘qitadi, urf-odat va an‘analarini saqlaydi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ona tili – millatning ruhi, uning or-nomusi, ma'naviy qiyofasi, orzu-umidlarning namunasidir. Ona tili millatning birligi va birdamligining timsolidir. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofida birlashtiradi va dunyoda borliqni ta'min etadi. Har bir millatning o'z Vatani, oilasi bo'lgani kabi uning jonajon va betakror ona tili ham bo'ladi. Inson uchun uning vatani, ota-onasi, oilasi qanchalik qadrli bo'lsa, uning ona tili ham shu qadar aziz va muqaddas bo'ladi. Hattoki, go'dak ham o'z vatanini, ota-onasini, dunyoni o'z ona tili orqali angelaydi va atay boshlaydi. Farzand tarbiyasida onaning o'rni beqiyos bo'lganidek, insonning hayotda o'z o'rnini topishida, kamolotga erishuvida tilning o'rni ulkan ahamiyatga ega. Shu bois tilni, onaga qiyoslab ona tili deb ataydilar. Til inson vujudida qon-qoniga singib oqadi. Jamiki, ezgu fazilatlar, avvalo, ona allasi va ona tilining bebaho jozibasi orqali singadi. Inson qalbida ona tiliga nisbatan sof tuyg'u, mehr-muhabbat alanga oladi. Turk dunyosining buyuk ma'rifatparvar ijodkori Ismoilbek Gaspirali aytganidek : "Millatning ikki asosi bordur. Bu ularning tili va dinidur. Agar millat hayotidan shu ikkisidan biri sug'urib olinsa, bu millat tanazzulga yuz tutur". Suvsiz daryo bo'lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga kelmaydi. Biror millatga mansub bo'lgan til, o'sha millat bilan yashaydi va bardavom bo'ladi. Otabobolarimiz qadimdan tilni asrab avaylashgan, rivojlantirishgan. Masalan, A.Navoiy, Zahridin Muhammad Bobur, Lutfiy va boshqalar o'zbek tilining rivoji uchun beqiyos hissa qo'shganlar. Turkiy tillar oilasiga mansub bo'lgan o'zbek tilimiz bizning bebaho boyligimizdir. So'z mulkining sultoni, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o'zi yashagan murakkab davr – XV asrda tilimiz ximoyasiga o'tlanib, turkiy til o'z imkoniyatlari jihatidan boshqa tillardan sira qolishmasligini ilmiy va amaliy jihatdan isbotlab berdi. O'zining "Hamsa" kabi shoh asarini turkiy tilda yaratdi. Hozirda ham shoirlarimiz o'zbek tilining boyligini, uning buyukligini namoyon etuvchi asarlar yaratmoqdalar. Boisi buyuk adabiyoti bo'lgan xalqning buyuk tili ham bo'ladi. Insonning qanday ma'naviyatga ega ekanini uning tilida, chiroyli nutqida namoyon bo'ladi. Til millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasi, tuganmas mulkidir. Chunki millatning tarixi, uning madaniy, ma'naviy merosi, urf-odatlar va an'analari unda mujassam bo'ladi. Shu sababli ona tilimizni asrab-avaylash, uni boyitishimiz va avlodlarga to'liqligicha yetkazishimiz kerak. Birinchi Prezidentimizning ta'biri bilan aytganda "O'zlikni anglash, milliy

ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-milliy bog'liqlik til orqali vujudga keladi". Bu fikrlarni doimo yodimizda tutishimiz kerak. Darhaqiqat, tilsiz millat rivojlanmaydi, taraqqiy etmaydi.

1989-yil 21-oktabrda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida o'zbek tili maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yildi. O'zbek tili haqidagi qonun qabul qilinganidan so'ng barcha davlat hujjatlari o'zbek tilida yuritiladi, gazeta va jurnallar o'zbek tilida chop etila boshlandi. 1993-yil 2-sentabrda "Lotin tiliga asoslangan o'zbek alifbosini tuzish tog'risida"gi qonun qabul qilingandan so'ng, mamlakatimiz har tomonlama rivojlandi va jahon kommunikatsiya tizimidan munosib o'rin egallash muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Shu sababli chet ellarda ham o'zbek tiliga qiziquvchilar, uni o'rganuvchilar soni ortib bordi. Dunyoda 5600 dan ortiq tillar mavjud bo'lib, bundan 200 tasigina davlat tili sifatida qabul qilingan. Ularning orasida o'zbek tilining borligi uning naqadar sof, mukammal, purma'no va jozibadorligidan darak beradi. Rossiyalik tilshunos olim, professor A. M. Kozlyanina "O'zbek tili nafis va musiqa ohangidek jozibador" deb bejiz ta'kidlamagan. Shunday ekan ona tilimizning shundayin go'zalligini, sofliqini keying avlodlarga yetkazish bizning vazifamizdir. Negaki, ona tilni ulug'lash, asrab-avaylash o'sha tilda so'zlashadigan har bir insonning burchidir.

Til muloqot vositasi ham hisoblanadi. Hammamizga ma'lumki, mashhur A.Navoiy bobomizga tegishli "Ko'ngil qulfi maxzanining qulfi til va qulfin kalitin so'z bil". Inson qalbining xazinasini til, bu qalb xazinasining kaliti so'zdir. O'zbek tilining so'zlari shu qadar ma'noli, ko'pki bitta ma'noga ega bo'lgan tushunchasi bir nechta so'zlar orqali ifodalash bo'ladi. Masalan, birgina ko'z so'zining bir necha ma'nolari bor. Bilamizki bir tushunchaga tegishli so'z, bir necha so'zlar bilan ifodalansa, ya'ni sinonim so'zlari qanchalik ko'p bo'lsa, ayni shu til boy til hisoblanadi. Ko'plab adiblarimiz til haqida ko'plab hikmatli so'zlarni aytganlar va tilni turlicha ta'riflaganlar. Masalan, "Til-millat ko'zgusi", "Til-ma'naviyat ko'zgusi", "Til-millatning bebaho boyligi" va shu kabilardir. Shuni ta'kidlash kerakki, o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi xalqimizning milliy mustaqillikka erishish yo'lidagi muhim qadamlaridan biri bo'lgan edi. Istiqloq yillarida mamlakatimizda barcha sohalarda bo'lgani kabi tilimiz taraqqiyotida ham muhim o'zgarishlar yuz berdi. O'zbek tilining xalqaro

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

miqyosda obro'si oshdi. "Davlat tili haqida"gi qonun ona tilimizning bor go'zalligi va jozibasini to'la namoyon etish bilan birga, uni ilmiy asosda rivojlantirish borasida ham keng imkoniyatlar yaratdi. Olimlar va mutaxassislar tomonidan ilm-fan va turli sohalarga oid ensiklopediya va lug'atlar, darslik va o'quv qo'llanmalari chop etildi. Mumtoz adabiyotimiz namunalari, sakson mingdan ziyod so'z va so'z birikmasini, fan, texnika, sanoat, madaniyat va boshqa sohalarga oid atamalarni, shevalarda qo'llaniladigan so'zlarni o'z ichiga olgan besh jildlik "O'zbek tilining izohli lug'ati" bu borada amalga oshirilgan ishlarning eng muhimlaridandir.

XULOSA. Tilni sevish, uni ardoqlash, millatni sevish va uni qadrlash bilan teng hisoblanadi. Har qaysi xalqning turmush tarzi, urf-odatlarini, madaniyatini uning tilida o'z ifodasini topadi. Til – millat ko'zguisi, deb bejiz aytilmagan. Xalqimizning necha asrlik boy tarixi, ko'hna va serqirra madaniyatini o'zbek tili ta'sirida shakllangan. Ulug' shoirimiz Alisher Navoiy shu tilda bebaho asarlar yaratib, dunyoni lol qoldirgan. Bugungi kunda jahonning barcha mamlakatlarida davlatimiz delegatsiyalari tashrifi, yoshlarimiz yutuqlari, sportchilarimiz g'alabalari sharafiga o'zbek tilida madhiyamiz kuylanayotir. Biz o'z ona tilimizni asrab-avaylashimiz, uning nufuzini oshirishimiz, go'zal va sofligini avlodlarga meros sifatida qoldirishimiz, dunyoga tanitishda o'z hissamizni qo'shishimiz kerak. "Til yashasa, millat yashaydi". Agar biz o'z tilimizning ko'rkamligi, boyligini dunyoga tarannum etsak, millatimiz yanada charog'on bo'ladi va birligimiz mustahkam bo'ladi. Zero rus tarixchisi Shobelev aytganidek "Millatni yo'q qilish uchun u yerga qurol ko'tarib borish shart emas, uning tilini, ma'naviyatini, adabiyotini yo'q qilish kerak, shunda millatning o'zi yo'q bo'lib ketadi" degan fikri naqadar to'g'ri ekanligini ko'rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. "O'zbekiston" 2018 yil
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi". "Ma'rifat" gazetasi T. 1997-yil, oktyabr.
3. www.ziyonet.uz

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ТИЛГА ЭЪТИБОРНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ

Ҳожиёва Садоқат,

Бухоро вилояти Шофиркон тумани
55-ИДУМнинг она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада бугунги кунда давлат тилига берилаётган эътибор, она тили таълимидаги ўзгаришлар ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, бугунги кун ўқитувчиси ўқувчиларда ўзбек тилига муҳаббатни ошириш ва уларнинг нутқини ривожлантириш учун нималарга эътибор бериши борасида мулоҳаза билдирилган.

Калит сўзлар: миллий тил, миллий ўзлик, тил таълими, ривоят, ватанпарварлик, нутқни ривожлантириш.

Миллий тил, миллий ўзлик, миллий қадрият, миллий мерос – булар бевосита бир-бири билан боғланган ва бир-бирисиз мавжуд бўлиши маҳол бўлган тушунчалардир. Ушбу қаторнинг энг аввалида тил масаласи турар экан, шубҳасиз, миллий тил – халқнинг, миллатнинг юзи эканлигини таъкидлаш жоиз. Халқ ўз она тилига эга бўлмаса, уни Миллат дея атаб бўлармикин? Зеро, Абдулла Авлоний айтганидек, “Миллий тилни йўқотмак, миллатнинг руҳини йўқотмақдир”.

Қадимдан тилга эътибор – элга эътибор деб бежизга айтишмаган. Бугун биз ўз тилимиз билан фахрланишимиз, уни жаҳон минбарларида баралла янграётганини кўришимиз мумкин. Бу бахтни ҳис этиб яшаш қанчалик ёқимли бўлса, тилимиз мавқеъини янада юксалтириш, тилни улуғ қадрият деб билган боболаримизга муносиб авлод бўлиш барчамизнинг бурчимиздир.

Бугунги кунда таълим тизимимизда олиб борилаётган ислохотлар барчани сергакликка чорлайди. Тил таълимини ҳам замон талабларига мос равишда янгилаш, мактабларда бугунги кун эҳтиёжларидан, талабларидан келиб чиққан ҳолда она тили ва адабиёт дарсларини ташкил этиш вазифасини олдимизга қўяди. Ҳозирга қадар тилшунослигимиз назарий жиҳатдан кўплаб ютуқларга эришди. Уларнинг амалий ифодасини топишида

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

кўмаклашиш, миллатимиз фарзандларини саводхон қилиш, уларнинг нутқини ривожлантириш, ўз она тилига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш биз, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг шарафли вазифамиздир. Ўқитувчи она тилини ўқувчи қалбига сингдирар экан, аввало, ўзи шу тилни севиши, унда равон сўзлай олиши шарт. Дарс жараёнларида муаммоли вазиятлар яратиб, ўқувчи нутқини ривожлантириш учун уни фикрлашга, фикрини баён этишга ундамоғи ўқувчи нутқини ўстиришга кўмаклашади. Мен ўз дарсларимда бир ривоятни кўп бор эслайман: Ривоят қилинишича, қадим замонларда оқил бир одамнинг сулув қизи бўлган экан. Унга икки фариштанинг ишқи тушибди. Қиз улардан қайсини танлашни билмай қолибди. Ниҳоят қиз уларга шундай дебди: “Мен юрт фарзанди бўла оладиган ўғилга она бўлишни истайман. Уни қандай тарбиялашга қодирлигинингизни билишим керак. Ана шунга қараб сизга жавобимни айтаман”. “Бу иш фақат менинг қўлимдан келади. Мен унга илм ўргатаман, риёзиёт, фалакиёт сабоқларини бераман, ажнабий тилларни ўрганади, оламга ном таратади”, - дебди биринчи фаришта. Навбат иккинчисига келганда у шундай дебди: “Авлодлардан-авлодларга мерос қоладиган асосий бойлик – Тил. Она тили бор экан, Ватан бор. Халқнинг умр ўлчовини тили белгилайди. Дунёдаги бор гўзаллик ва сеҳр она алласини эшитганинг – тил бағрида. Мақсадимни англагандирсан? Мен ўғлингни тилига хиёнат қилмасликка, она тили ҳимояси учун жонини ҳам аямасликка ўргатаман”.

Улар қайси фариштанинг мақсади тўғрилигини аниқлаб бериши учун донишманднинг ёнига боришибди. Донишманд уларни тинглагач, иккинчи фариштага дебди: “Қиз сени севадимми-йўқми, билмайман. Лекин оталик шарафига сен лойиқсан...” Ушбу қисқагина ривоят қаърида жуда катта тарбиявий маъно мужассам. Ушбу ривоят орқали ҳар бир инсон ўз она тили тақдири учун қайғуриши лозимлиги, унинг келажаги учун қўлидан келганча ҳаракат қилиши кераклиги таъкидланган. Зеро, ўз тилини севамаган, унга содиқ бўлмаган фарзанд ҳар қанча илмли бўлса ҳам, Ватанпарвар бўла олмайди. Кўринадики, биз ўқувчиларга она тили таълимини берар эканмиз, уларнинг мурғак қалбларида ватанпарварлик туйғуларини ҳам жо этар эканмиз.

Ўқувчи қачон ўз она тилини севади? Қачонки унинг жозибаси, малоҳатини ҳис этса. Тилнинг жозибаси эса сўз санъати бўлмиш адабиётда кўринади. Шундай экан, дарс жараёнларини ташкил этишда тилни адабиёт билан алақадорликда олиб бориш ўқувчини тилга меҳр қўйишида жуда самаралидир. Тил адабиёт ўқитувчиси ҳар бир дарсини мавзуга боғлаб шеърини парча билан бошлаши, шу тахлит тугатиши ҳам ўқувчини фанга бўлган муносабатига ижобий таъсир этади.

Хулоса қилиб айтганда, дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир. Ушбу қадриятни асраб-авайлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз эканлиги унутмаслигимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айтбаев Д., Айтбаева Г., Темирбаева М. Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 7-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: Sharq, 2017. – 160 б.

2. Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазаы тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2015. – 224 б.

СИФАТ СЎЗ ТУРКУМИГА ДОИР ТЕРМИНЛАР ҚИЁСИ

Қодирова Барно,

СамДУ филология факультети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мазкур илмий мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилган “Ona tili” ва “Қазақ тілі” дарсликларидаги сифат сўз туркумига доир терминлар қиёсий-типология жихатдан ўрганилган. Бунда бир оилага мансуб бўлган икки қардош тилдаги терминларнинг бир-бирига

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

боғлиқлиги, ўхшашлиги ҳамда уларнинг фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Маълумки, ҳозирги давр тилшунослигида жаҳон тилларининг ўхшаш ва фарқли аломатларини ўрганиш “тиллар типологияси” номи билан юритилади. Икки ёки ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган ҳар хил тизимдаги тилларнинг айрим хусусиятларини қиёсий типология ўрганади. Шунинг учун тилларнинг қиёсий-типологик хусусиятларини бир тил оиласига мансуб қардош тилли гуруҳлар ўртасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, узоқ тарихий ривожланиш илдизларига эга бўлган ўзбек ва қозоқ тилларининг тилшунослик терминларини қиёсий ўрганиш бутунги кун нуқтаи назари билан қараганда долзарб аҳамиятга эга. Ҳар икки тил қурилиши қонуниятлари таҳлили шуни кўрсатадики, тилшунослик терминларининг берилиши ва унинг хусусиятлари ўзига хос характерга эга. Масалан, тадқиқот объекти сифатида танланган мактаб дарсликларида сифат сўз туркумига доир терминларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини кузатиш мумкин.

Сифат сўз туркумига доир терминлар 5, 6-синф “Ona tili” дарсликларида жами 21 та [4, 5], 5, 6, 7-синф “Қазақ тілі” дарсликларида 12 та [1, 2, 3] келтирилган. Қардош тилларнинг бир бобо тилдан тарқалганлиги боис сифат сўз туркумига оид терминлар изоҳида ҳам ишлатилишида ҳам ўхшашликлар кўзга ташланади. Жумладан, *сифат* – изоҳ: “Отга боғланиб, унинг белгисини билдирадиган ва “қандай?”, “қанақа?” сўроқларига жавоб бўладиган сўзларга *сифат* дейилади” [5, 133]; *сын есім* – изоҳ: “Заттың түсін, сапасын, белгісін, күйін, салмағын, көлемін білдіретін сөздер сын есім деп аталады” [2, 112]. Сифатларнинг таркибига кўра турларини билдирувчи *туб* ва *ясама* сифатлар қозоқ тилида *негізгі ва туынды сын есім* терминлари билан аталади. Ҳар иккала тилдаги *туб* ёки *ясамалик* сўз ясовчи қўшимчанинг сифат асосларига қўшилиш-қўшилмаслиги билан ҳосил қилинади. Солиштиринг: “Таркибида сўз ясовчи қўшимчалар бўлмаган сифатлар *туб сифатлар*, асос ва сўз ясовчи қисмдан иборат бўлган сифатлар *ясама сифатлар* ҳисобланади” [5, 135]; “Негізгі сын есімдерге – түбір сын есім жатады. Түбір сын есім жұрнақсыз, басқа сөздермен бірікпей, қосарланбай, тіркеспей, жеке тұрып-ақ сындық мағына береді. Түбір сөзге жұрнақтар жалғану арқылы жасалған сын есім *туынды сын есім* деп аталады” [2, 114]. Шунингдек, ўзбек тилида *аслий сифат* ва *нисбий сифат*, қозоқ тилида

сапалық сын есім ва қатыстық сын есім терминлари ҳам турлича аталса-да, айнан бир тушунчани ифодалайди.

Маълумки, ўзбек тилида сифатлар тузилишига кўра тўрт тур (содда, қўшма, жуфт ва такрорий сифатлар)га, қозоқ тилида эса икки тур (дара сын есім, күрделі сын есім)га бўлинади. Қозоқ тилида қўшма сифатлар икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг қўшилиб, жуфтланиб, такрорланиб келишидан ясалади. Ўзбек тилида эса икки ва ундан ортиқ асосдан таркиб топган сифатлар *қўшма сифатлар* ҳисобланади ҳамда қўшма сифатлар, асосан, қўшиб ёзилади. Ўзбек тилида икки асоснинг жуфт келишидан ҳосил бўлган сифат *жуфт сифат*, бир асоснинг айнан такрорланишидан ҳосил бўлган сифат *такрорий сифат* терминлари билан аталади. Чизиқча билан ёзилувчи бу терминлар “Қазақ тілі” дарсликларида учрамайди. Худди шундай қиёсланаётган тиллар ўртасида сифат даражаларининг ҳам ўхшаш жиҳатлари билан биргаликда, фарқли хусусиятлари ҳам мавжуд. Жумладан, қуйидаги жадвалда даража шаклларининг қиёси келтирилган:

1-жадвал

Сифат даражалари

Ўзбек тилида	Қозоқ тилида
оддий даража	жай шырай
қиёсий даража	салыстырмалы шырай
ортгирма даража	асырмалы шырай
озайтирма даража	-
-	күшейтпелі шырай

Бунда мазкур тиллардаги дастлабки терминлар (оддий даража – жай шырай) бир хил тушунча ифодалайди. Кейинги терминлар эса айрим жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, ўзбек тилидаги *қиёсий даража шакли* термини *-роқ* қўшимчаси билан ҳосил бўлса, қозоқ тилида *-рақ, рек; – лау, –леу, –дау, –деу, –тау, –теу; –қыл, –гыл, –қылт, –гылтым; -шыл,-шылтым; -аң, –қай, –гыш, –ілдір* каби қўшимчалар *салыстырмалы шырай* терминини ҳосил қилади.

Ўзбек тилидаги белгининг меъёрдан кам эканлигини билдирувчи сифатнинг *озайтирма даража шакли* оддий даража шакли олдида *сал, бироз, пича, хийла, ним* сўзларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Ранг-тус билдирувчи айрим сифатлардан *-(и)мтир, -иш*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

қўшимчалари ёрдамида ҳам озайтирма даража шакли ясалади. Орттирма даража шакли эса қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

1) оддий даража шаклидаги сифат олдидан *энг, гоят, жуда, ниҳоятда, багоят* сўзлари келтирилади: *жуда қизил, гоят ширин.*

2) оддий даража шаклидаги сифатнинг биринчи бўғини товуш ўзгариши билан такрорланади: *бус-бутун, кап-катта, тўппа-тўғри.*

Қозоқ тилида *асырмалы шырай* термини нарсанинг сифатини жуда ҳам ошириб ёки жуда ҳам пасайтириб кўрстади. Масалан, *аса үлкен, тым кішкене, өте ауыр, ең жақсы, орасан зор, кәдімгі жаман* каби. *Күшейтпелі шырай* эса нарсанинг сифатини ортиқ ёки кам эканлигини кучайтириб кўрсатувчи сифат туридир. Улар сифатга кучайтирма бўғин қўшилиши орқали ясалади. М: *жап-жақсы, жап-жаман, күп-күрең, кіп-кішкене, сап-сары.* Демак, *асырмалы шырай, күшейтпелі шырай* терминларини ҳосил қилувчи грамматик шакллар ўзбек тилидаги битта термин билан номланувчи *орттирма даража* ҳосил қилувчи шаклларига тўғри келади. Ўзбек тилидаги *озайтирма даража* шакли “Қазақ тілі” да, қозоқ тилидаги *күшейтпелі шырай* терминининг муқобили “Ona tili” да қузатилмайди.

“Ona tili” дарслигида сифатларнинг қандай белгини ифодалашига кўра *хусусият сифатлари, ранг-тус сифатлари, маза-таъм сифатлари, ҳажм-ўлчов сифатлари, ҳид билдирувчи сифатлар, макон-замон белгисини билдирувчи сифатлар* каби терминлар билан номланувчи турлари кўрсатилган. Қозоқ тили дарсликларида эса бу каби белгилар сифатларга хос хусусиятлар сифатида изоҳланган, махсус термин билан номланмаган.

Қардош ўзбек ва қозоқ тилларидаги сифат сўз туркумига оид терминлар қиёсланганда тиллардаги муштарак хусусиятлар қузатилди. Шу билан бирга сифатнинг тузилишига кўра турлари, ҳамда даража шаклларининг ички тузилишида айрим фарқ ва тафовутлар аниқланди.

Тадқиқот давомида ўзбек ва қозоқ тилларидаги маълум бир терминларнинг ёзилиши ва талаффузи бир-бирига яқинлиги улар илдизининг умумийлиги ҳамда тилларнинг фонетик қурилиши билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айтбаев Д., Айтбаева Г., Темірбаева М. Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 7-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: Sharq, 2017. – 160 б.

2. Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазаы тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2015. – 224 б.

3. Исабаев Ә., Исаев С., Дәулетбекова Ж., Нишанова Г. Қазақ тілі. 6-сыныпқа арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2019. – 108 б.

ONA TILI TA'LIMIDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI

Ramazonova Gulnoz,

Buxoro tuman 9-maktab o'qituvchisi

Hammamizga ma'lumki, ona tili ta'limining bosh maqsadi – har tomonlama barkamol, mustaqil fikrlaydigan savodxon shaxsni kamol toptirishdir. Ana shu maqsaddan kelib chiqib, ta'limdagi barcha islohotlar zamirida ona tili ta'limining ham o'rni beqiyosdir.

Har sohada bo'lganidek, ushbu sohada ham bir qator muammolar mavjudki, bularning yechimlari xususida o'z nuqtayi nazarimdan kelib chiqqan holda o'rtoqlashmoqchiman.

Ona tili ta'limidagi muammolardan biri o'quvchilarning imlo savodxonligi darajasining yaxshi emasligidir. O'quvchilar boshlang'ich sinfdan yuqori sinfga o'tganda diktant, bayon, insho yozishda juda qiynaladilar. Gap tuzishda uslubiy xatoliklarga yo'l qo'yadilar. Oddiy imlo qoidalarini bilmaydilar. O'quvchilarning so'z boyligi juda kam. Fikrlash darajasi juda past.

Bundan kelib chiqadiki, boshlang'ich sinflarda o'quvchilarga diktant yozdirilsa-da, matn tuzish, bayon yozishga kamroq e'tibor beriladi. Shuni tavsiya etardimki, boshlang'ich sinf o'qituvchisi har tomonlama mukammal savodxon bo'lishi kerak. Chunki o'quvchining husnixati ham, savodxonlik darajasi ham boshlang'ich sinfdan shakllanadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchi va o'quvchisining stoli ustida, avvalo, imlo lug'ati turishi lozim. Har bir so'zning yozilishini va imlo lug'atidagi to'g'ri yozish qoidasini bu o'qituvchi bilishi lozim. Har bir o'quvchini ham imlo lug'ati bilan ishlashga o'rgatish kerak, deb o'ylayman. O'quvchilarning so'z boyligini, fikrlash darajasini oshirish uchun ularni badiiy asar o'qishga o'rgatish kerak. Shu o'qigan ertak va hikoyalarini o'quvchi mustaqil, og'zaki va yozma qayta hikoya qilib turishi lozim. O'quvchining salohiyatiga qarab o'qituvchi ko'proq uyda ishlash uchun topshiriqlar berishi kerak.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ona tili ta'limidagi muammolardan yana biri yuqori sinflarda ona tili va adabiyot fanidan ko'rgazmali qurollarning yo'qligi uslubiy-metodik qo'llanmalarning juda ozligi va talab darajasida emasligi. O'qituvchi o'zi tayyorlagan ko'rgazmalarning standart talablariga javob bermasligidir.

Har bir mavzu bo'yicha ko'rgazmali qurollar, disklar, turli xil slaydlar, qo'shimcha materiallar bilan boyitilgan uslubiy-metodik qo'llanmalar chop etilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi. Adabiyot fanidan shoir va adiblarning suratlari tushirilgan standart ko'rgazmalar, ularning ovozlari yozilgan disklar maktablarga yuborilsa, ayni muddaodir.

Ona tili o'qituvchisiga yordam sifatida maktab kutubxonalari turli xildagi lug'atlar bilan boyitilsa va darslarda so'z boyligini oshirish uchun o'quvchi lug'atlardan foydalansa edi. Lug'atlarimiz esa juda kam va sayoz.

Darslik kitoblarining tez-tez almashayotgani ham o'quvchilar bilimidagi tarqoqlikka va izchillikning yo'qolishiga olib kelmoqda.

Yuqori sinflar uchun (5-11) mukammal ishlangan diktantlar va bayonlar to'plami chop etilsa, yaxshi bo'lardi. Darslarda diktantning turli xillaridan o'qituvchi foydalanardi. Shu bilan birga darslikda har bir bo'lim o'tilgandan so'ng mustahkamlash uchun variantli testlar berilsa, PISA testlari jamlanmasi chop etilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

So'zim oxirida shuni ta'kidlar edimki, ulug'larimiz aytganidek, "Bir soatlik yaxshi dars yirik bir asardir". Biz shuni unutmasligimiz kerak. Darsni darsdek o'tishimiz va uni hech qanday o'yinga aylantirmasligimiz lozim. Darsda qo'llaydigan interfaol o'yinlarimiz maqsadli va mazmunli bo'lsin. Biz o'quvchiga nazariy bilim, ko'nikmalarni bera olishimiz kerak. Dars muqaddas va uning har bir daqiqasining qadriga yetishimiz lozim. Har bir darsni izlanib, ijod qilib, o'z loyihamiz bilan internetdan ko'chirmasdan chin yurakdan o'taylik. Ana shundagina o'quvchimiz qalbidan joy olamiz. Vijdonimiz oldida esa xotirjam bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Sh. Mirziyoyev "Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir". Toshkent, "O'zbekiston" nashriyoti 2018-yil

2. M.Qoshg'ariy "Devonu lug'otit turk" Toshkent "G'afur G'ulom" nashriyoti 2017-yil

3. "Hozitgi o'zbek adabiy tili". Toshkent "Ilm ziyo" nashriyoti Toshkent 2015-yil.

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA TO'GARAK MASHG'ULOTLARI ORQALI O'QUVCHILARNING IMLO SAVODXONLIGINI OSHIRISH

Farog'at Rahimova,

G'ijduvon tuman maktab-internati o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Bugungi kunda har bir sohada imlo savodxonligiga ega yosh kadrlar zarur. Ushbu maqolada umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilarining to'garak mashg'ulotlarida imlo savodxonligini oshirish uchun diktant turlarini yozdirishning ahamiyati haqida tavsiyalar keltirilgan.

Har qanday davlat va jamiyat taraqqiyoti uchun o'sha davlatning asosiy kuchi-yoshlari yetuk bo'lishi kerak. Yetuk avlodni voyaga yetishida ta'lim sohasi asosiy vazifani bajaradi. Yurtimizda ta'lim sohasidagi olib borilayotgan islohotlar talaygina. Ammo bu sohada muammolarimiz ham bor. Jumladan, yosh kadrlarning imlo savodxonlik darajasi. Imlo savodxonlik esa umumiy o'rta ta'lim maktablarida ona tili fani orqali shakllantiriladi. Ona tili darslarida o'quvchilarning yosh xususiyatlariga mos ravishda o'rganilgan mavzular doirasida diktant turlari-lug'at, saylanma, ta'kidiy diktantlarini yoza olish kabi nutqiy kompetensiyalar rivojlantiriladi. Yozma nutqni o'stirishda diktant yozishning ahamiyati juda katta. Diktant yozishda yozuvchi uchun muhim narsa grafik va orfografik qoidalarni bilish va shunga oid ko'nikmalarga ega bo'lishdir, chunki ushbu holat uchun og'zaki nutqda ifodalanayotgan axborotni shu til qonun-qoidalari asosida to'g'ri qayd etib borish birlamchi hisoblanadi. Diktant yozuvchining diqqat-e'tibori aytilayotgan matnni to'g'ri qayd etishiga qaratilgan bo'lishi kerak. Diktantning barcha turlari, ayniqsa, ijodiy saylanma va lug'at diktantlar o'quvchilarning "til sezgirligi"ni oshirib, o'zbek imlosi haqidagi bilim saviyasini kengaytirish, fikrlash qobiliyatini hamda nutqini o'stirish vazifalarini ham hal etishda samarali natijalar berishi, shubhasiz.

Quyidagi tavsiya etmoqchi bo'lganim "Savodxonlik-bilimdonlik" to'garagi maqsadi ham o'quvchilarning imlo savodxonligini va o'tilgan mavzular yuzasidan olingan bilimlarni oshirishga qaratilgan. To'garak

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

mashg'ulotlari uchun darsliklarda berilgan to'g'ri yozishni o'rganadigan mavzularni tanlab olish lozim. Masalan, 5-sinf ona tili darsligidagi "Unlilarning talaffuzi va yozilishi", "Ayrim undosh harflarning talaffuzi va imlosi", "Ko'chirma gaplarda tinish belgilarining qo'llanilishi", "Undalmalar va ularda tinish belgilarining ishlatilishi" va hokazo. Mavzu: O unlisining talaffuzi va yozilishi.

Ushbu mashg'ulotda saylanma lug'at diktant olish maqsadga muvofiqdir. O harfli so'zlar audio orqali o'qib eshittiriladi. O'quvchilar talaffuzda farq qiladigan o harfli so'zlarni ajratib, ikki ustun shaklida yozadilar.

So'zlar: Olmazor, globus, futbol, kombinat, pianino, direktor, bronza, kino, sodiq, doimo, agro-nom, avtobus, trolleybus, transport, koinot, komediya, konchilik, kongress, mohirona, mojaro, monitoring, morfema, moychechak, traktor.

O harfi talaffuzda farq
qilmaydigan so'zlar :

Doimo
avtobus
globus
futbol
bronza
kino
sodiq

O harfi talaffuzda farq
qiladigan so'zlar:

olmazor
kombinat
pianino
direktor
agronom
trolleybus
komediya...

Ushbu saylanma diktant orqali o'quvchilar o unlisining to'g'ri yozilishi va talaffuzini o'rganishadi.

5-,6-,7-sinf o'quvchilari ona tili darsligi orqali tilshunoslikning morfologiya bo'limini o'rganishga e'tibor qaratilgan. To'garak mashg'ulotida bu bo'limga oid mavzularni mustahkamlash uchun grammatik topshiriqli diktant yozdirish maqsadga muvofiq. Buning uchun diktant matnni aytib turish yo'li bilan yozdiriladi. So'ng o'tilgan mavzu doirasida til hodisalarini aniqlash va izohlash talab etiladigan topshiriq beriladi. Masalan:

Grammatik topshiriqli diktant

Har odamning gullagan fasli, ya'ni umrning gurkiragan davri bo'ladi!
Bu yoshlik. Hayotimizning mazmun-mohiyati,

to'lishimiz, meva berishimiz, ya'ni, bu dunyoi dunda Odam bo'lib tura bilishimiz, ildizimizning tiriklik zamiriga chuqur ketishi ana shu davrda, yoshlikda gullashimiz, qanday gullashimiz bilan bog'liq hodisa. O'smirlikning olov chog'larida dunyoni bilmoqqa intilish, jamiyatda shaxs bo'lib qolishga urinish eng ulug' fazilat. Eskidan bir gap bor: "Yoshlikda o'rgangan ilm toshga o'yilgan yozuvdir".

TOPSHIRIQ: Fasl, yoshlik, ildizimiz, chuqur, ana shu, qanday, hodisa, intilish, bilmoq, o'rgangan, bor kabi so'zlarning qaysi so'z turkumlariga oid ekanligini aniqlang.

Xullas, to'garak mashg'ulotlarida olib boriladigan har bir diktant turlari o'quvchilarning ona tili fani bo'yicha qo'yilgan malaka talablari-nutqiy va lingvistik kompetensiyalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Har qanday diktant turi orqali o'quvchi har jihatdan bilimini oshiradi.Imlo savodxonlik esa bilimdonlik sari yo'l ochadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi.Toshkent-2018
2. A.Mirzayev. Diktant metodikasi. O'qituvchilar uchun qo'llanma. Toshkent, "O'qituvchi", 1979
3. O'zbek tilining imlo lug'ati."O'qituvchi" nashriyoti, Toshkent-2011
- 4.Diktantlar to'plami. O'qituvchilar uchun qo'llanma. "Tafakkur", Toshkent-2012

ONA TILIMIZ - MILLIY MA'NAVIYATIMIZNING BITMAS-TUGANMAS BULOG'IDIR

Rajabova Orzigul,

Jondor tuman 16-umumta'lim maktabining
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada o'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'lishi o'z ifodasini topgan. Ona tili – bu millatning ruhidir. Ta'kidlandiki, 1989 yil 21 oktabrda o'zbek tiliga Davlat tili maqomi berildi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida ham "O'zbekiston Respublikasining davlat tili o'zbek tilidir" deb yozib qo'yilgan. Demak, bu kunni cheksiz quvonch va iftixor bilan bayram

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qilishga haqlimiz. Darhaqiqat, inson o'z ona tilisi bilan ulg'ayadi, kamolga yetadi. Mana shu til bilan yashab o'tadi. Komillikning birinchi belgisi ham tilda namoyon bo'ladi.

Kirish. Inson tug'ilib o'sgan joyi ona tuproq muqaddas Vatandir. Biz dunyoga kelib oq onajonimizni, ona Vatanimizni ko'ramiz, endigina tilimiz chiqqan damlarda aytilayotgan so'zimiz bu ona so'zidir. Biz eng aziz, eng mo'tabar inson nomini o'z tilimizda onadek muqaddas ataymiz. Ona bizga jon baxsh ato etgan bo'lsa, til bizga aql-zakovat ato etadi. Shuning uchun ham o'zbek tili buyuk va muqaddasdir. Mamlakatimizda demokratik huquqiy davlat, erkin fuqarolik jamiyati qurish jarayonida, eng avvalo, o'zbek tilining mavqeini yuksaltirishda bu qonunning qabul qilinishi beqiyos ahamiyat kasb etadi. Ushbu huquqiy hujjat o'zbek tilini davlat va jamiyat hayotining barcha sohasida qo'llashning qonuniy asoslarini yaratishi barobarida, uni asrab-avaylash, yanada boyitish, ilmiy-ijodiy faoliyatda to'laqonli foydalanish imkonini paydo qiladi. **Asosiy qism.** Davlat tilini o'rganish uchun fuqarolarga shart-sharoit yaratish, shuningdek, yurtimizda yashovchi millat hamda elatlarning tillariga izzat-hurmat bilan munosabatda bo'lish Qonunning alohida moddasida mustahkamlab qo'yilgan. Albatta, bularning barchasi "Davlat tili haqida" gi Qonunning hayotimizda samarali tatbiq qilinishiga qaratilishi bilan e'tiborlidir. Zero, ona tili – millatning tarixiy, ma'naviy-madaniy qiyofasini o'zida ifodalovchi beqiyos boylikdir. Uning sofligini saqlash esa millat qiyofasini, ruhining pokizaligini ta'minlash bilan chambarchas bog'liq.

Ona tilim sen borsan shaksiz,
Bulbul she'rin kuyga solaman.
Sen yo'qolgan kuning shubhasiz
Men ham to'ti bo'lib qolaman.

O'zbek tili asrlar davomida shakllanib, sayqallanib kelmoqda. Bunda albatta buyuk ajdodlarimiz Mahmud Qoshg'ariy, Yusuf xos Hojib, Mavlono Lutfiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Boburlarning o'rni beqiyosdir. Ajdodlarimiz, olimlarimiz asrlar davomida o'zbek tilining davlat tili bo'lishini orzu qilishdi, yaratganga behisob shukrki bunday ne'mat bilan Alloh bizni siylab qo'ydi.

Til millatning boyligi, tunganmas xazinasi, ko'zguni hamdir. Shu sabab ham "Ona tilimiz - milliy ma'naviyatimizning bitmas-tunganmas bulog'idir" deyishadi. Ona tilimiz shunday bir tiniq buloqdirki, qancha ichsak ham yana ichgimiz kelaveradi. Tilimiz shunday tubsiz ummondiki, har sho'ng'iganimizda, betakror dur-u javohirlar teramiz. Tilimizni asrash, avaylash, boyitish, mazmunli so'zlash har har birimizning burchimiz va vazifamiz hisoblanadi.

Marhum birinchi Prezidentimizning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida qayd etilganidek, "Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi". Xulosa o'rinda marhum shoir Muhammad Yusufning "ONA TILIM" she'rining bir misra bilan yakunlamoqchiman:

Bir qaragam har shevangda ming jilolar,
Har novdangda, har mevangda ming jilolar.
Qodiriylar, Cho'lponlar-u, Abdullolar,
Sen qaytgan kuning men tug'ilgan yilim,
Ona tilim, ey muqaddas Ona tilim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. I-V. -T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006-2008. T. I. 2006. -680 b.; T. II. 2006. -672 b.; T. III. 2007. -688 b.; T. IV. 2008. -608 b.; T. V. 2008. -592 b.
2. Qo'ng'irov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari.–T.:Fan,1977.-187 b.
3. Xoshimxo'jaeva Moxirux Muzaffarovna. olamning lisoniy tasvirida fitonimlar (ingliz, rus va o'zbek tillari misolida) filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (phd) dissertatsiyasi vtoreferati. Toshkent shahri: 2018 yil.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИНИНГ ҚИСҚАРУВИ ХУСУСИДА

Рустамов Акбар.

Бухоро вилояти ҳокимлиги
аппарати котибият мудири

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада халқ таълими тизимида она тили дарсларининг қисқаруви ва унинг келгусидаги оқибатлари мушоҳада қилинган.

Халқ таълими вазирлигининг мактабларда она тили дарсларини қисқартиришга оид хабари анчайин баҳсларга сабаб бўлди. Аммо мавзуга оид билдирилган баҳсларда аксарият ҳолларда мазкур муаммонинг узоқ келажакдаги оқибатлари эмас, балки таълим тизими асоратлари билангина чегараланиб қолинди. Яъники, ўқитувчилар дарс соати қисқаруви, нега хорижий тиллар ўқитишда синфлар кичик гуруҳларга бўлиниши-ю, она тили дарсларида бу тизимга амал қилинмаслиги, хорижий тилларда таълим берувчи ўқитувчилар учун қисқартирилган дарс соатлари ҳисобига бошқа дарслар (тарбия, шахмат ва ҳ.к.) машғулотларини ташкил этиш... Ҳолбуки таълим фақатгина таълим жараёнидагина қолиб кетмаслиги, у келажакда салоҳиятли кадрлар етиштиришга хизмат қилмоғи керак. Қолаверса, мазкур баҳсларга масала моҳиятини тўла англаб етмаган бошқа соҳа вакиллариининг шунчаки пиар учун қўшилаётгани ҳам оддий аҳолида мавзуга нисбатан бир қатор чалкаш хулосаларни олиб келмоқда.

Тўғри, вазирликнинг мазкур ишни амалга ошириш юзасидан келтирган важи ўринли. Она тили дарсларининг тил ва нутқ эмас, балки кўпроқ тилшуносликни ўрганиш машғулотига айланиб бораётганлиги хусусида биз ҳам “Маҳалла” газетасининг аввалги сонларида ўз мулоҳазаларимизни баён этганмиз. Аммо важ, сабаб тўғри танлангани ҳолда уни амалга оширишдаги нотўғри ёндашув мақсадга эришиш воситаси бўла олармикан?! Негаки шундоқ ҳам инқирозда деб таъкидланаётган тил таълимини ривожлантиришга уриниш ўрнига мавжуд дарс соатларини қисқартириш амалиёти қай даражада самара беради?

Аввал алифбо, кейин таълимдаги қисқариш...

Шундоқ ҳам сўнгги 100 йил давомида ўзбек алифбосини ўзгартиришга бўлган тўрт маротаба уриниш, аввалига араб, кейин лотин, сўнгра крилл ва яна лотин ёзувларининг қўлланилиши миллатнинг нафақат давлат тили, балки барча фанлардаги саводхонлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатди. Ўртача олганда ҳар 25 йилда бир ёзув алмашмоқда. Энди айни пайтдаги кирил ва

лотин ёзувлари орасидаги аросат гирдобига маҳкум бўлган тил таълимидаги методикада ҳам буткул инқилобий йўлни танласак, соҳани бутунлай фалажлантириб қўймаймизми?

Аслида она тили дарсларида оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга эътибор қаратиш янгилик эмас. Бундан ўн беш-йигирма йилча муқаддам амалиётга татбиқ этила бошлаган янгича руҳдаги она тили дарсликларида ана шу мақсад кўзда тутилган эди. Аммо бир томондан дарслик муаллифларининг бу борадаги тажрибасизлиги, қолаверса кўп жиҳати амалдаги она тили фани ўқитувчиларининг янгича тизимга тўла тайёр бўлмаганликлари, методикани чуқур ўзлаштира олмаганликлари сабабли дарсларда дарсликдан ўзгача равишда анъанавий тилшунослик қоидалари ўрганиб келинди.

Ўтган йиллар давомида тизим босқичма-босқич ривожланди. Шу йигирма йил ичида дарсликлардаги янги ғоялар мазмун-моҳиятини олий таълим даргоҳида чуқур ўзлаштирган янги ўқитувчилар авлоди шаклланди. Қолаверса, дарсликлардаги айрим кичик методик камчиликлар тuzатилди.

Яқинда ўғлимнинг саккизинчи синф она тили дарслигини кўздан кечириб чиқдим. Ҳар бир дарсда грамматиканинг бошланғич асослари билан бирга шу мавзуга мос бола оғзаки ва ёзма нутқини шакллантиришга оид машғулотлар ҳам келтирилган. Менимча, бу ерда ортиқча нарсани қўшишнинг ўзи ортиқча. Шу боис келгуси ўқув йилидан оқ она тили дарсларини қисқартириш, ушбу дарс предметида грамматика қоидаларидан кўра нутқ маданиятини ўргатишни амалда татбиқ этмоқчи бўлган Вазир жанобларига амалдаги дарсликларни ўзлари бир қўлга олиб ўқишларини (русча таълим олган, рус тилида фикрлайдиган киши учун бу анчайин оғир бўлса-да) тавсия этардик. Агар шунда ҳам қониқиш ҳосил қилмасалар, у ҳолда она тили таълими йўналишидаги янги дарсликлар тайёрлаш, методикасини ишлаб чиқиш, кейин эса уни таълим жараёнига татбиқ этиш талаб этилади. Бу эса шошма-шошарлик билан нафақат икки-уч ой, балки бир-икки йилда битадиган иш эмас.

Парадокс: дарслик яхши бўлса, нега самарасиз?

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Жуда ҳам тўғри эътироз қияпсиз: она тили дарсликлари яхши ишланган, методикаси пухта бўлишига қарамай ўқувчилар мактабни нутқий жиҳатдан “соқов” ёки “дудук” бўлиб битиришмоқда.

Саволнинг жавоби оддий: таълимга нисбатан нотўғри муносабат. Агар ҳурматли Вазиримиз она тили дарслари, умуман барча фан предметлари самарадорлигини оширишни мақсад қилган бўлсалар, у ҳолда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Фикримизни исботлаймиз: бугун бола нима учун мактаб боради? Ота-онаси фарзанди учун мактаб танлаганда асосий мезонни нимада кўради? Билим олишми? Кечириб қўясиз: Йўқ. Жавоб бошқа: бирор олий таълим даргоҳига кириш! Иккиси бир эмасми, дейишингиз мумкин. Йўқ. Бир эмас.

Агар ўқувчи она тили ва адабиёт дарсларида билим олиш, нутқ ўстириш қобилиятини ривожлантиришни мақсад қилганда, у ҳолда мактаб дарсларини кунт билан ўзлаштирган бўлар эди. Аммо у институтга киришни мақсад қилгани боис кўпроқ вақтини тест ишлашга йўналтиради. Тест нутқингизни эшитармиди? Фикрлаш доирангиз кўзгуси бўлган иншоингизни таҳлил қилармиди? Йўқ. Формал қоидалардан савол беради. Чунки бу формал қоидаларнинг тест учун асос бўла оладиган аниқ жавоби бор. Ёнига тўртта нотўғри жавобни вариант сифатида келтирсангиз компьютер текширадиган савол тайёр.

Натижада бола нима қилади: нутқ маданиятини секингина чеккага сурадида тилшунослик қоидаларини ёдлашга тушади. Боз устига ҳозирги дарсликларда тилшунослик атамалари камроқ эмасми, шу боис саволлар қамровини ошириш мақсадида тест тузувчи дарслиқдан ташқари, фақат мутахассислар учун мўлжалланган адабиётлар асосида савол тузади. Бола ҳам репититор ёрдамида дарслигидаги мавзуларни ташлаб мутахассис учунгина керакли бўлган қоидаларни-да ёдлашга киришади. Гарчи у келгуси ҳаётида мутлақо кераксиз бўлса-да...

Шу боис Халқ таълими вазирлиги олий таълимга ўқишга кириш имтиҳонлари тайёрланишида ўзини четга олмасдан, барча саволларни ўз таълим предмети асосида тайёрланганини назорат қилиши лозим.

Иккинчидан, тест синов имтиҳонларида энг адолатли тизим бўлиши мумкин, аммо оғзаки ва ёзма нутқни баҳолашда тугал холис мезон бўла олмайди. Афсуски, ижодий имтиҳон сўзини ишлатганимизда беихтиёр коррупция тушунчаси ҳам намоён бўлади. Шу сабабли она тили имтиҳонларини оғзаки суҳбат ва иншо тартибида ўтказишда ҳар қандай қинғирликлардан холи холис тизимни татбиқ этиш талаб этилади.

Таълим ислоҳоти жарроҳлик амалиёти эмас.

Жарроҳликда бирор бир тана аъзоси тикланмайдиган даражада жароҳат олса, у бошқа аъзоларга зарар етказмаслиги учун кесиб ташланади. Бугунги кунда муаммолар гирдобидаги она тили дарсларимиз жароҳатга йўлиққани сир эмас. Аммо уни жарроҳлик йўли билан буткул кесиб ташлаш эмас, балки чуқур эътибор, алоҳида қаров билан парваришlash керак. Тил таълимида муаммолар бўлса, ундан буткул воз кечиш ўрнига қайтага нутқ машғулотларини татбиқ этиш учун қўшимча дарс соатларини ҳам жорий этишсин. Ана ўша усул орқали босқичма босқич тилшунослик таълимидан чинакам тил таълимига ўтиб борамиз.

Балки таълимни бошқа тилда олган кишилар тўла тасаввур этолмас, она тили дарси бу шунчаки бир фан эмас, балки миллат, халқнинг тарихи, генезиси, тадрижий тараққиётини акс эттирувчи маъво. У нафақат бизнинг бугунги сўзлашув нутқимиз, балки узоқ аجدодларимиз, ота-боболаримиз тилини ҳам тадқиқ этади. Айнан шу тилда баён этилган сўзлар орқали биз аجدодларимизнинг қайғули кунларидаги фарёдларини, яхши кунларидаги шодликларини ҳис этамиз. Илгари ким эдик, бугун киммиз, эртага ким бўлишимизни англаймиз. Ўзлимизни идрок этамиз. Айрим оврўпапарастлар ташаббуси ила миллий тилимиз дарс соатлари қисқара-қисқара тугатилсачи? Унутманг, ҳар бир миллат, халқ ўз тили билан тирик. Тили бўлмаса ўша миллатнинг мавжудлигидан ҳам маъни қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T., 2006.
2. Mahmudov N. Tilimizning tilla sandig'i. – Toshkent, G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi, 2012.

**ONA TILI DARSLARIDA O‘QUVCHILARDA
MUMTOZ MATN BILAN ISHLAY OLISH KO‘NIKMA
VA MALAKALARINI SHAKLLANTIRISH**

Ro‘ziyeva Nasiba,

Buxoro tuman 21-umumta‘lim maktab o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada bugungi kun uchun dolzarb bo‘lgan mumtoz matn va lug‘atlar bilan ishlash bo‘yicha o‘quvchilarda ko‘nikmalarini shakllantirish “Yo‘l xaritasi” texnologiyasi asosida ochib berilgan. Bu orqali mumtoz adabiyotning durdona asarlari bilan yaqindan tanishish, uning zohiriy va botiniy ma‘nolarini anglab yetish, o‘qish, tinglab tushunish, gapirish va yozish malakalari ham rivojlanib boradi.

Buyuk maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o‘rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarining o‘rni beqiyos. Bunday raqobatbardosh kadrlarga bo‘lgan ehtiyojni qondirish zamirida, inson, uning salohiyatini kashf etish hamda uni buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug‘vor vazifalar turadi. Zero, Yurtboshimiz ta‘kidlaganlaridek, “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma‘naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”[1.]. Mana shu vazifalarni amalga oshirish, avvalo, yosh avlodni kamol toptirayotgan ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari zimmasidagi mas‘uliyatni oshiradi. Masalaning mohiyatini topish uchun ona tili ta‘limining mazmuni aks ettirilgan hujjat – davlat ta‘lim standartlariga yuzlanamiz: “Umumiy o‘rta ta‘lim muassasalarida **ona tili fanini o‘qitishning maqsadi** – o‘quvchilarda og‘zaki va yozma nutq ko‘nikmasini, ijodiy fikrlash malakasini, kitobxonlik va nutq madaniyatini rivojlantirishdan iborat. **Ona tili fanini o‘qitishning asosiy vazifasi** – o‘quvchi shaxsini fikrlashga, o‘zgalar fikrini anglashga, o‘z fikrini og‘zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish; o‘quvchilarda grammatikaga oid o‘zlashtiriladigan bilimlarni (fonetika, leksikologiya,

soʻzning tarkibi, soʻz yasalishi, morfologiya, sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarni) rivojlantirish hamda ona tilining keng imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda toʻgʻri va ravon bayon eta olishni rivojlantirishga qaratilgan lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishdan iborat”[4].

Ona tili fanining maqsad va vazifalari bilan tanishar ekanmiz, bugungi davr uchun nechogʻli ahamiyatli ekanligini ham anglab yetamiz. Muhtaram Prezidentimiz tomonidan qabul qilingan “Oʻzbekiston Respublikasi xalq taʼlimi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi Farmon[5] va Vazirlar Mahkamasining “Xalq taʼlimi tizimida taʼlim tizimini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarorlaridan[6] koʻzlangan asosiy maqsad ham oʻsib kelayotgan yosh avlodni maʼnaviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga koʻtarish, oʻquv-tarbiya jarayoniga taʼlimning innovatsion shakllari va usullarini joriy etishdan iborat. Ayniqsa, PISA dasturida **oʻqish savodxonligining asosiy maqsadi oʻquvchilarda axborotni topish va ajratib olish, integratsiyalash va sharhlash, matndan tashqari bilimlarga tayanish, tushunish va baholash, matnning mazmunini anglash kabi koʻnikmalarni hosil qiladi.**

Demak, DTS va PISA dasturi talablari oʻzaro hamohang ekan, bu uzviylik ona tili darsliklarida qay darajada aks ettirilgan? Soʻnggi yillarda yaratilgan yangi avlod darsliklarida grammatik qoidalarni yodlatishdan voz kechish, ijodiy tafakkur tarzini shakllantirish, oʻquvchilarning nutqi malakasini yuzaga keltirish, matn bilan ishlay olish koʻnikmalarini rivojlantirishga qaratilgan. Jumladan, umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 9-sinfi uchun darslikda⁵ 14 ta mavzu va 8-sinf uchun darsligida⁶ 50 dan ortiq matnlar berilgan. Ushbu matnlar bilan ishlash oʻqituvchidan ham, oʻquvchidan ham maxsus tayyorgarlikni talab qiladi. 8-sinf darsligidagi matn bilan ishlashga doir mavzular ikkiga boʻlinadi:

1. Matn va lugʻatlar bilan ishlash (31, 38, 41, 52-53, 64, 69-70, 72-73, 75, 84-85, 94-darslar. Jami:14 soat).

2. Mumtoz matn va lugʻatlar bilan ishlash (25-26, 29, 36, 59-60, 62, 81-82-darslar. Jami: 9 soat) .

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ushbu mavzular bilan ishlashda “Yo‘l xaritasi” metodikasidan foydalanish samarali natija beradi. “Yo‘l xaritasi” texnologiyasining bosqichlari (“Talab vodiysi” matni asosida):

1. Mumtoz asar haqida tushuncha berish.
2. Asarni vazn talablariga mos holda o‘qish (tinglab tushunish orqali)
3. Asar lug‘ati ustida ishlash.
4. Asarning nasriy bayonini tayyorlash (she‘riy matnlar uchun)
5. Topshiriq va mashqlar ustida ishlash.
6. Matn mazmunini hozirgi davr bilan bog‘lab, xulosa chiqarish.

1. Mumtoz asar haqida tushuncha berish.

Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” asari Farididdin Attorning “Mantiq ut-tayr”

dostoniga javoban 1498-1499-yilda yozilgan falsafiy doston bo‘lib, shoir unda majoziy obrazlar, qahramonlarning sarguzashtlari orqali tasavvufiy g‘oyalarni ifodalagan. Navoiy asarda Xudo tashqarida emas, sening o‘zingda, degan fikrni ilgari suradi. Asar 3598 baytdan (176 kichik bobdan) iborat. Undagi bosh qoliplovchi hikoya: jahon qushlarining yig‘ilishib martaba va fazilatlariga ko‘ra joy talashishlari voqeasidan tortib, qushlarning Hudhud yo‘lboshchiligida Simurg‘ni izlab yetti vodiyan (Talab, Ishq, Ma‘rifat, Istig‘no, Tavhid, Hayrat, Faqru Fano) o‘tishlari va Simurg‘ni topolmay, Simurg‘ – Simurg‘ni izlashga chiqqan “si murg‘” (o‘ttiz qush)ning o‘zlari ekanliklarini bilib oladilar.

2. Asarni vazn talablariga mos holda o‘qish (tinglab tushunish orqali)

Asar aruz vaznining ramali musaddasi maqsur (foilotun – foilotun – foilon) vaznida yozilgan.

fo- i- lo- tun / fo -i- lo- tun / fo -i- lon

– V – – / – V – – / – V ~

TALAB VODIYSI

Chun talab vo/diysig‘a qo‘y/sang qadam,

Ollinga har/ dam kelur yuz / ming alam.

Har dam anda/ yuz malolat/ yuzlanur,

Har nafas ming/ sa‘b holat/ yuzlanur.

Istamak ran/ji ko`ngulni/ zor etar,

Topmomog'liq/ ruhni af/gor etar.
Jonni kuydur/mak bo`lub mah/rumliq,

Vaslining mi'/odi noma'/lumliq.
Ranj-u ko`shish/ sanchibon jis/mingg'a nesh,

Dardi noyob/ aylabon jo/ningni resh.
Istabon top/may duri no/yobni,

Mundadur tar/k aylamak as/bobni.
Mol-u mulk-u/ har nedur so/likka band,
To`rt takbi/ri fano ur/moq baland.

(Alisher Navoiy, "Lison ut-tayr")

3. Asar lug'ati bilan ishlash

T/r	So'zlar	Ularning ma'nolari
1	afgor	xor bo'lish, ezgin holatga tushish
2	ko'shish	sa'y-harakat
3	Malolat	malol kelish, og'rinish
4	mi'od	muddat, ijro vaqti
5	Nesh	nish, tig'
6	Resh	yara, jarohat
7	sa'b	qiyin, og'ir
8	Solik	komillik sari harakat qilayotgan kishi
9	takbiri fano	o'tkinchi dunyoni ulug'lash

4. Asarning nasriy matnini tayyorlash.

O'qituvchi lug'at yordamida nasriy matnni tayyorlashda o'quvchilarga ko'maklashadi. Shu orqali o'quvchilarda mumtoz matnning nasriy bayonining og'zaki va yozma shakllarini ifodalash ko'nikma va malakalari shakllanadi. Shundan so'ng keying bosqichga o'tiladi.

5. Topshiriq va mashqlar ustida ishlash.

Darslikda berilgan mumtoz matn yuzasidan berilgan mashq va topshiriqlar ketma-ketlikda bajariladi.

6. Matn mazmunini hozirgi davr bilan bog'lab, xulosa chiqarish.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Matn mazmuni to‘liq xulosalanadi, bugungi davr bilan bog‘lanib, uning ma‘naviy-axloqiy jihatlari ochib beriladi. Xulosa qilib aytganda, mumtoz matn bilan ishlashda “Yo‘l xaritasi” texnologiyasi o‘quvchilarda mantiqiy va ijodiy fikrlash ko‘nikmalari, lug‘at bilan ishlay olish malakalarini rivojlantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birga barpo etamiz. – Toshkent, “O‘zbekiston”, 2016-yil, 16-bet.

2. N.M. Mahmudov va boshqalar. Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – Toshkent. 2019-yil, “Tasvir” nashriyot uyi .

3. M. Qodirovlar va boshqalar. Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarining 8-sinf uchun darslik. – Toshkent. 2019-yil Cho‘lpon nomidagi NMIU

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI TARBIYALASHDA ONA TILINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

Samatova Nilufar,

Buxoro viloyati Romitan tuman
2-maktabgacha ta‘lim tashkiloti
metodisti

ANNOTATSIYA. Ushbu tezisdagi maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda ona tilining tarbiyaviy ahamiyati haqida fikr-mulohazalar ifodalangan.

Tilning tarbiyaviy ahamiyati deganda ushbu tilda yozilgan bir-biridan ajoyib yozma manbalarni ham ko‘rsatishimiz mumkin. Ularda hayotni tarix bilan bog‘laydigan hamda ulg‘ayayotgan yosh avlodni ajdodlarga munosib avlod sifatida tarbiyalaydigan xususiyat ham borki, ularning barchasi til yordamida yuzaga chiqqan. Negaki aynan shu asarlar orqali til yashab avloddan avlodga o‘tib yashab kelmoqda. Farzandlarini ma‘naviyatli, axloqli qilib tarbiyalash qadim zamonlardan dunyo xalqlarining asriy orzusi bo‘lib kelmoqda.

Buyuk allomalarimiz fikriga e'tibor qaratadigan bo'lsak, so'z mulkining sultoni, Alisher Navoiy "Ko'ngil maxzanining qulfi til va ul maxzanning kalitin so'z bil" deb uqtirsa, Abdulla Avloniy "Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadigan oyinayi hayoti til va adabiyotdir. Milliy tilni yo'qotmak milat ruhini yo'qotmakdir" - deb ta'kidlaydi. Shu o'rinda rus tarixchisi Shobelevning ona tilining xalqlar hayotidagi o'rnini anglab "Millatni yo'q qilish uchun u yerga qurol ko'tarib borish shart emas, uning tilini, ma'naviyatini, adabiyotini yo'q qilish kerak, shunda millatning o'zi yo'q bo'lib ketadi" degan fikrini ham keltirishimiz mumkin.

Bizning buyuk bobolarimiz ham o'z ona tilimizning boy imkoniyatlaridan keng foydalangan holda avlodlarga haqiqiy ma'noda tilimiz imkoniyatlarini ko'rsatadigan va shuning bilan birgalikda ma'naviy-ahloqiy jihatdan dasturul amal bo'ladigan ko'pgina yozma manbalar ham yozib qoldirganki, ular bugungi avlodni ota-bobolariga mos, mard, tanti va eng asosiysi yuksak ma'naviyatli va teran axloqli qilib tarbiyalashda yetakchi o'rinni egallab kelmoqda. Bunday shoh asarlar qatoriga xalqimiz bilan birgalikda boyib borayotgan og'zaki ijod namunalarimizning gultoji bo'lgan "Alpomish" dostonini kiritishimiz mumkin. Doston va u yozilgan tilning ahamiyatini ustozimiz N.Mahmudov ta'biri bilan aytganda "Alpomish" dostonida o'zbek xalqining ko'hna va hamisha navqiron tili o'zining butun salohiyati bilan jilvalangan. Bundan ko'rinib turibdiki, doston nafaqat o'z g'oyasi bilan, balki o'z tili bilan ham xalq yuragidan chuqur iz olgan.

Bundan tashqari o'zbek adabiy tilining shakllanishiga va yangi taraqqiyot pog'onasiga ko'tarilishiga ulkan hissa qo'shgan buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o'zining shoh asari "Xamsa" ni turkiy tilda yaratib, tilning cheksiz imkoniyati va yuksak qudratini yaxlitligicha namoyon qildi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, dunyoning taniqli yozuvchilari Aleksandr Pushkin o'z asarlarida 21193 ta, Vilyam Shekspir 20000 dan ortiq so'z qo'llagan bo'lsa, Alisher Navoiy 26035 ta so'zdan foydalanib yana bir bor tilimizning boy imkoniyatlarini ko'rsatib yosh avlodga har jihatdan o'rnak bo'ladigan qahramonlar obrazini yaratdi. Ayniqsa, Xamsa dostonlari tarkibiga kiruvchi "Farhod va Shirin" dostoni bosh qahramonlaridan biri Farhod timsolida ma'naviy-ahloqiy jihatdan yetuk, komil inson timsolini yaratib zamonlar osha barchaga o'rnak

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

bo'larli obraz yaratdi.

Til fikrni shaklantirish va bayon qilish, taassurot, his, kechinmalarni ifodalashda muhim o'rin tutadi. Til jamiyat a'zolarining bir-biri bilan o'zaro aloqasi uchun xizmat qildigan vositadir. Bu vosita qanchalik takomillashsa, fikr shunchalik aniq, ta'sirchan ifodalanadi. Hozirda tilimiz o'zining boy imkoniyatlariga tayanib bugungi kun farzandini turli davralarda bo'ladigan muloqotga mos nutq egasi sifatida ham tarbiyalaydi, ya'ni kim bilan qanday muomala qilish, kabi sifatlar ham borki, ularsiz kishi qanotini yo'qotgan qushga o'xshab qoladi. Zero, dono xalqimiz bejizga "Til - dil kaliti" deb uqtirmaydi. Ona tilimiz, o'zbek tilimizning keng imkoniyatlarini ilg'ab rossiyalik tilshunos olimi A.M.Kozlyanina "O'zbek tili nafis va musiqa ohangiday jarangdor" deb tan olgani ham bejiz emas, albatta.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T., 2006.
2. Mahmudov N. Tilimizning tilla sandig'i. – Toshkent, G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot- matbaa ijodiy uyi, 2012.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЈАВИЙ ЁНДАШУВ

**Сатторова Феруза,
Ахмедова Гулмера,**

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани
2-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчилари

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ўзбек тилини ўқитишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимдан фойдаланиш ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан тенг муносабатда бўлишлари, барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун ўзбек тили таълими халқаро стандарт талабларига жавоб бериши, уларнинг турли нутқий вазиятларга мос равишда эркин мулоқотга кириша

олиш компетенцияларини, лаёқатларини шакллантириш керак бўлади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади.

Компетенциялар икки асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади. Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади. Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Ўзбек тили таълимида ўқувчи-талабалар нутқий, лингвистик, ижтимоий-маданий ва прагматик компетенциялардан иборат хусусий компетенцияларни эгаллашлари талаб этилади.

1. Нутқий компетенция тил таълимининг қуйидаги тўрт амали бўйича: тинглаб тушуниш бўйича (эшитилган ва эшиттирилган нутқни, тингланган матндаги асосий ахборотни, долзарб мавзулардаги радио ва теледастурларни тушуниш); гапириш бўйича (монологик, диалогик оғзаки нутқ турларида ўз шахсий қарашлари ва фикрларини билдириш, мавзу доирасида тақдимот қила олиш кўникмаларини ривожлантириш); ўқиш бўйича: мавзуга оид материалларни, адабий-бадий матнларни, оммабоп материалларни (газета, ҳикоя, шахсий ва электрон хатларни) ўқиш; ёзиш бўйича (диктант, баён, иншо ёза олиш, ижодий матнлар туза олиш, расмий иш қоғозларини юритишни билиш).

2. Лингвистик компетенция: кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган ижтимоий мавзуларга оид ва касб-хунарга йўналтирилган луғат бойлигини ошириб бориш, ўзбек тилининг сўз

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ясалиши воситаларини билиш луғат бойлигини ошириб боришдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича назарий билимларни муайян изчилликда эгаллаш воситасида амалга оширилади.

3. Ижтимоий-маданий компетенцияда эшитилган нутқни шу халқнинг миллий хусусиятларини билган ва ўз она тили ва миллий анъаналари билан таққослаган ҳолда муайян нутқий вазиятга мос лингвистик шакл, ифода усулида тақдим эта олиш қобилиятини шакллантириш. Ушбу лаёқат ўқувчи-талабаларни ўз халқининг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқиндан танишиш, ўзбек адабиёти намуналарини, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакиллариининг ижодий меросини ўқиб ўрганиш орқали шакллантирилади.

4. Прагматик компетенция кундалик ҳаётда ўзбек тилидан эгаллаган билим, кўникмалари асосида муайян нутқий вазиятда мустақил мулоқотга кириша олиш қобилиятини, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга қўшилиш, суҳбатдошининг нутқини секинлаштиришга ундашга оид муомала одоби воситаларини, тушунмовчиликлар пайдо бўлганда қайта сўраш, узр сўраш орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш, тилнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдалана олиш қобилиятини шакллантиришни назарда тутди. Қайд этилган компетенциялар таълим олувчиларда шахсий, маънавий, ижтимоий, касбий кўникма-малакаларини таркиб топтиришга ва эгаллаган билимларини турли ҳаётий вазиятларда мустақил қўллашга қаратилган лаёқатларини шакллантиришга олиб келади ва нутқий коммуникатив малакани эгаллаш орқали таълим олувчиларда метакомпетенциялар таркиб топишига олиб келади. Бироқ кўзда тутилган пировард натижага эришиш учун ҳар бир таълим босқичи битирувчилари учун белгиланган компетенцияларнинг меъёрий даражаси талабларини бажарилишини таъминлаш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдошев Р. А. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси. – Т., 2015.- 157 б.
2. Интернет маълумотлари.

TA'LIM BOSQICHLARIDA ONA TILI DARSLARINI INTEGRATSIYALAB O'QITISHNING BUGUNGI HOLATI

Soliyeva Kamola,

G'ijduvon tuman 14-son maktab o'qituvchisi

Maktabda o'qitiladigan har qanday fandan beriladigan bilim, tarkib toptiriladigan ko'nikma va malakalarning shakllantirilishida turdosh o'quv fanlarning o'zaro uyg'unlikdagi imkoniyatlaridan yetarlicha fodalalanishning ahamiyatini chuqur anglab yetmog'imiz har bir pedagog va tarbiyachi o'zining kundalik pedagogik faoliyatini o'z fani doirasida fanlararo aloqani amalga oshirishga yo'naltirish zarur va muhim masalalar tarkibiga kiradi. Ulug' didaktik Yan Amos Komenskiy ta'kidlashicha: "Bir-biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa, xuddi shunday holda o'rganilishi kerak". Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondoshib, uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. D.Lokk g'oyasiga ko'ra: "Ta'lim mazmuning aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari va faktlari bilan to'ldirilishi kerak". I.V.Pestalossi o'zining didaktik maqolasida o'quv darsliklaridagi bog'liqlik masalasiga keng to'xtalib o'tar ekan: "Bir-biri bilan bog'liq fanlari ongiga keltir, ularni tabiatdagi uzviy bog'liqlik holatida ekanini angla" -deydi. Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto xavfliligini ta'kidlaydi. O'tmish pedagogikasida didaktik ta'sirining ruhiy-pedagogik xususiyati hamda psixologik-pedagogik bog'liqlik to'g'risida K.D.Ushenskiy shunday deydi: "Har qanday fan tomonidan xabar qilinayotgan bilim va g'oya dunyo va hayotga keng nigoh va yorituvchan holatda berilishi lozim". Fanlararo bog'liqlik nazariyasining ishlab chiqishda K.D.Ushenskiy juda katta ta'sir ko'rsatdi. Ushbu metodika rivojida X.V.Stoyunin, N.F.Bunakov, V.I.Vodovozov va boshqa pedagoglar samarali ish olib bordilar. Fanlararo aloqa va integratsiyaning maktablarda o'qitish va tarbiyalashdagi ahamiyati juda ko'p pedagog olimlar tomonidan ko'rib chiqiladi. Fanlarni integratsiyalab o'qitish muammosini hal etish uchun fanlarning paydo bo'lishi tarixi va ularning taraqqiy etishini anglab yetmoq zarur. Buning uchun fanlarning rivojlanish tarixini bilish lozim. Ana shunda fanlarni

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

integratsiyalab o'qitish muammosining hozirgi holatini, fanlarning paydo bo'lish tarixi va taraqqiyoti qanday bo'lganligini, kelgusida qanday fanlar bo'lishi lozimligi haqida fikr yuritish mumkin. Buyuk pedagog olim Yan Amos Komenskiy bu xususida shunday yozadi: "Barcha o'zaro bog'liqliklar aynan ana shu bog'liqlikda o'rganilishi zarur". Keyinchalik ko'plab olimlar mazkur fikrni umumlashtirgan holda uni yanada rivojlantirdilar. Ta'lim integratsiyasining bosh maqsadi - shaxsning har tomonlama kamol topishini ta'minlashning muhim prinsipi sifatida maydonga keldi. Integratsiyalashgan ta'lim shaxsni intellektual va madaniy rivojlantirishning bosh omili bo'lib qoldi. Fransuz olimi Dj.Dyuining fikricha, "Ayni paytda ta'limda uning og'irlik markazini siljitishga qaratilgan o'zgartirishlar boshlandi. Bu o'zgarishlar, Kopernikning tabiatshunoslikda olam markazini yerdan Quyoshga siljitgan inqilobga juda o'xshab ketadi. Bizning misolimizda bola (o'quvchi) Quyosh kabi, uning atrofida esa ta'lim vositalari girdikapalak bo'lib aylanadi. Bola, atrofida shakllantirilayotgan vositalarning markazidir",-deb qaraladi. Integrativ ta'limda – fanlararo bilimlarni (integrativ bilimlarni) chuqurlashtirish va oshirish, ularni shakllantirish o'rganiladi. Integrativ ta'lim zamonaviy bilimlarning har bir bo'limini qamrab oluvchi asosiy fanlar asosida tuziladi. Ular qatoriga pedagogika, pedagogik texnologiya, pedagogik psixologiya, inson yoshi psixologiyasining rivojlanish jarayonini o'rganuvchi pedagogik psixologiya, fanning insonning boshqa hayot jarayonlariga bog'liqligini o'rganuvchi: kibernetika - boshqarish, aloqa va informatsiyani qayta ishlash: informatsiyaning tuzilishi va xususiyatlarini, uning shaxs shakllanishidagi o'rnini o'rganuvchi fan informatikani kiritish mumkin. O'quv jarayonini tashkil etishdagi asosiy vazifa pedagogik texnologiyadan samarali foydalanish ekanligi isbot talab qilmaydigan haqiqatdir. Ammo shu kunga qadar pedagogik texnologiyaning aksariyati nazariy muammolarga bag'ishlangan bo'lib, uning amaliyotga ta'siri kamroq sezilmoqda. Buning uchun zamonaviy texnologiyalarni tezroq amaliyotga joriy etish usullarini ishlab chiqish talab etiladi.

Ta'lim integratsiyasi – fanlararo aloqaning yuqori darajasi, bir butun

integrallashgan bilimlarni yaratishga imkon beruvchi vosita.

Integratsiya

tushunchasiga berilayotgan ta'riflar turlicha ushbu ta'riflarning umumiylik tomoni - integratsiya bu atrofimizdagi borliqqa yaxlit qarashga erishishdan iborat. Integratsiyaning asosini fanlararo aloqadorlik tashkil etadi va o'zining rivojini integratsiya g'oyasida topadi. Integrativ mazmunga ega bo'lgan predmetlarni o'rganish bo'lajak mutaxassislar bilimi, ish uslublari, shaxsiy fazilatlarini yaxlit, bir butunligini ta'minlovchi omil sifatida qaraladi.

Ta'limdagi integratsiyani quyidagicha ifodalash mumkin:

1. Butun borliq haqida yaxlit tasavvur hosil qilish (bu yerda integratsiya

ta'lim maqsadi sifatida qaraladi);

2. Turli fan bilimlarini yaqinlashtirish uchun umumiy platforma topish

(bunda integratsiya vosita sifatida ishlatiladi);

3. Rivojlantiruvchi ta'lim berish vositasi sifatida;

4. Umuminsoniy, milliy tarbiya vositasi sifatida.

Ikki o'quv fani o'rtasidagi aloqalarni o'rnatishda va ularning integratsiyasida

vaqti-vaqti bilan u yoki bu fan tayanch bo'lib xizmat qiladi. Turli o'quv fanlardagi mavzularning uzviy bog'liqligi va mantiqiy o'zaro aloqadorligi integratsiyalashgan darslarning asosi bo'lishi kerak. Integratsiyalashgan dars natijalari o'qituvchilarning ijodiy fanlari rivojida namoyon bo'ladi. Fanlararo integratsiya - bir necha o'quv predmetning bir- biriga taalluqli sohalarini ko'rsatish emas, balki integratsiyalab o'qitish orqali o'quvchilarga atrofimizdagi dunyoning yaxlitligi haqida tasavvur berishdir. Olimlarning ta'kidlashicha, integratsiya o'quvchi dunyoqarashini shakllantirishni tezlashtiradi.

Integratsiyaning quyidagi darajalarini belgilash mumkin.

1. Tematik (mavzuiy) integratsiya

2. Muammoli integratsiya

3. Konseptual integratsiya

4. Nazariy intergratsiya Bugungi kunda ona tili fani o'qituvchilari mazkur imkoniyatlarning baridan unumli foydalanmoqdalar va dars jarayonida barchasini qo'llashga harakat qilmoqdalar. Ona tili

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

darslarini huquq, tarix, rus tili, geografiya, biologiya, matematika fanlari bilan bog'lab o'qitish o'qituvchidan o'z faniga bo'lgan qiziqishlarini uyg'otadi. Shuningdek, son ishtirok etgan maqollar; "Sanamay sakkiz dema", "Ikki o'n besh bir o'ttiz" kabi maqollarni mazmuni sharhlash, unda ishtirok etgan sonlarning turini aniqlash va sonlar ishtirok etgan maqollar ro'yxatini tuzish kabi topshiriqlar beriladi. "Qo'shma so'zlar" mavzusini bolalarga har tomonlama puxta tushuntirishda botanika fani materiallaridan keng miqyosda foydalanish darsni yanada qiziqarli va samarali bo'lishini ta'minlaydi. Masalan: 5-sinf "Botanika" kitobida o'simliklarning ro'yxati berilgan. Unda keltirilgan so'zlarning 47 tasi o'simliklarning nomi qo'shma so'zlardir. Anjirpiyoz, atirgul, boychechak, kampirkanop, ituzum, oqjo'ra, sallagul, dalachoy, qirqbo'g'im, chinnigul singarilar shular jumlasidandir. Integrativ manbada hamma fanlar rivojlanayotgan ijod mahsuli sifatida hal qilinishi, texnologik integratsiya asosga umumta'lim jarayoni kompyuterlashtirish yo'nalishiga o'tish, dars jarayonida hamma o'qituvchilar uchun aktiv bo'lgan usulda o'qitish usullarini va sintetik xarakterga (Dunyo badiiy madaniyatiga) ega bo'lgan darslar hamda sun'iy ravishda barpo etilgan metopredmetlar (belgi, son, simvol) bo'lishi nazarda tutilgan. Hozirgi vaqtda ham integratsiya muammosiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Hozirgi vaqtda maktablarda integratsiya deganda biz yangi aktiv pedagogik izlanishlarni, pedagogik jamoada ijodiy o'sishni, o'quvchilarga foydali, o'quvchilar ongiga singdirishning qulay usullarini qo'llash mahoratini tushunamiz. Ta'lim jarayoni maqsadini tahlil qilishni yana davom ettirsak, xususiy maqsadni, xususiy maqsadni amalga oshirishda rioya qilinadigan juz'iy maqsadni, juz'iy maqsadning uzvlari yoki yaqin didaktik maqsadni ajratib olish mumkin. Umuman olganda, fanlararo aloqalarni amalga oshirishning turli xil usullari mavjud. Ona tili darslarida badiiy matnning til xususiyatlarini, uslublarini o'rganish, shu orqali o'quvchilarning nutq madaniyatini rivojlantirishda bajariladigan ish turlaridan biri undan biror til hodisasi yoki uslubini aniqlash va izohlash, bunda o'quv fanlararo integratsiyalashdan foydalanishdir. Mazkur ish usuli mohiyatan hosil qilinayotgan bilimlarni mustahkamlash jarayonini ifoda etadi. Dastlab o'qituvchi uslublar haqida umumiy ma'lumot beradi va o'quvchilarga kerakli manbaalarni yozdirib o'tadi. Mavzu tushintirib

berilgan keyin, bevosita boshqa fanlar bilan bog'laydi. Ta'lim bosqichlarida, xususan, dars jarayonida "Uslubiyat" mavzusini o'tishda qo'shimcha manbalardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. Buning uchun o'qituvchi o'quvchilar qo'liga har-xil turdagi matnlar aks etgan tarqatma materiladan foydalanishi mumkin. Bu bilan o'qituvchi darsning qiziqarli o'tishi va shu bilan bir qatorda o'quvchining faol bo'lishiga imkon yaratadi. Shunday qilib o'quv materiallarini integratsiyalashga bo'lgan intilish butun dunyo va bizning maorif tizimimizda asosiy e'tiborda turgan muammolardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – 1994. – № 1. – Б. 8-13.
2. Абдиев М., Сафаров П., Ноанъанавий дарс шакллари. (Она тили ва адабиёти учун қўлланма). Самарқанд. 1996. 22б.
3. Бобомуродова А. Она тили таълими жараёнида ўйин топшириқлардан фойдаланиш. – Пед. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т.: 1997.

TIL TA'LIMDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI

Toyirova Gulsanam,

Buxoro tumanidagi 8-umumiy o'rta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada umumta'lim maktabi o'quvchilariga ona tili ta'limini o'rgatish jarayonida yuzaga kelayotgan muammolar va ularning yechimlari xususida to'xtalib o'tilgan.

Kirish. Milliy istiqlol sharofati bilan umumiy o'rta ta'limda ona tili o'qitishning maqsadi yangilangach, uning ta'limi tizimini ham tubdan isloh qilish zarurati tug'ildi. Sababki, insonning ma'naviy kamolotini ta'minlashda ona tilining o'rni beqiyosligini va uning vazifasini boshqa biror vosita bosa olmasligini yaxshi bilamiz. Zero, «Ona tili–bu millatning ruhidir. O'z tilini yo'qotgan har qanday millat o'zligidan judo bo'lishi muqarrar».

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

Asosiy qism. Maktabni biirib chiqqan yoshlar ijtimoiy , iqtisodiy va madaniy hayotning rang-barang jabhalarida, muloqot va munosabatning barcha turlarida ona tilidan bemalol-erkin, samarali va to'g'ri foydalana olishi, uning cheksiz imkonoyatlaridan to'laqonli bahramand bo'lishi, zaruriy ko'nikma va imkoniyatlarga ega bo'lishi kerak. Zero, maktabda ona tili fanini o'qitishning asosiy maqsadi o'z fikrini og'zaki va yozma tarzda to'g'ri va ravon bayon qiladigan, kitobxonlik madaniyati shakllangan, mustaqil va ijodiy fikrlay oladigan , o'z galar fikrini angelaydigan-muloqot va nutq madaniyati rivojlangan shaxsni kamol toptirishdan iborat ekan, tilni o'qitishdagi "og'riqli nuqtalar" – muammolar siz-u bizni befarq qoldirmaydi. Biz o'quvchilarga til ta'limidan saboq berar ekanmiz, mashg'ulotlar davomida quyidagi muammolarga duch kelamiz:

- undalma va ega orasidagi muayyan farqlarni to'liq anglamaslik;
- o'quvchilar og'zaki va yozma nutqining sayozligi;
- iboralar mazmun-mohiyatini anglashdagi tushunmovchiliklar;
- kitob mutolaasining susayishi;
- kelishik qo'shimchalarining qo'llanilishidagi xatoliklar;
- o'quvchilar nutqida sheva so'zlarining qo'llanishi;
- tutuq belgisining qo'llanilishidagi xatoliklar;
- so'zlarning asl ma'nosini tushunib olish muammosi;
- gap bo'laklarni aniqlashda: tarkibi o'zgartirilgan gaplarni tahlil qilishdagi chalkashliklar;
- o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqlarining sayozligi, badiiy adabiyotni kam mutolaa qilishi va hokazolar.

Bularning barchasining negizi , albatta, kitobxonlikka borib taqaladi. Badiiy adabiyot mutolaasi ona tili va adabiyot darslaridagi a'lo bahoni ta'minlabgina qolmay, o'quvchi yoshlar uchun kelgusida kattagina hayot maktabi va yo'llarini yoritguvchi mayoq vazifasini o'taydi. Zero, yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda:

"Bugungi bolalar ertaga butun xalqqa aylanadi. Yoshlarni kitobga qaytarishimiz kerak. Yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqishini kuchaytirishga, ularning kitob bilan do'st bo'lishiga, kitobxonlik saviyasini yanada oshirishga alohida e'tibor qaratish lozim bo'ladi" . Bu esa , o'z navbatida , har bir ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi zimmasiga yuksak mas'uliyat yuklaydi. Buning uchun esa ona tili va adabiyot

darslarida yangi axborot va ilg'or pedagogik texnologiyalaridan foydalanib o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqlarini rivojlantirish, ijodiy qobiliyatlarini oshirishni maqsad qilib qo'ygan har bir o'qituvchi quyidagi ishlarni amalga oshirishi maqsadga muvofiqdir:

-Dars boshida o'quvchilarni yangi nashr etilgan adabiyotlar bilan tanishtirib borish hamda mutolaa daqiqasini tashkil etish.

- O'quvchilarni ko'proq badiiy asar o'qishga jalb etish.
- O'quvchilarga qo'shimcha adabiyotlardan yangi ma'lumotlar berish.

- Ona tili darsliklarida har bir mavzu haqida yanada kengroq ma'lumot berish

- Badiiy asar qahramonlarining nutqini yod olish.

- Masalan, Abdulla Qodiriy qalamiga mansub "O'tkan kunlar" asaridagi Otabek va Kumush maktublarini o'quvchilar xotirasida muhrlash, undagi so'z tanlash mahorati va ma'no nozikliklari ustida munozaralar tashkil etish:

- Darslikdagi topshiriqlar bilan cheklanmaslik;

- .Darslikda berilgan parchalarning to'liq matnini o'qib kelishni buyurish;

- Mumtoz asarlar lug'ati bilan ishlash;

- Aruz vazni tahliliga e'tibor qaratish;

- Darslarda va darsdan tashqari to'garaklarda, uy vazifalarini bajarishda imlo lug'atidan keng foydalanishni yo'lga qo'yish.

- Turli mavzudagi matnlardan foydalanish, badiiy asarlar va she'rlardan foydalanib o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini shakllantirish

-o'quvchilarda mustaqil ijodiy fikr, olgan bilimni hayot bilan bog'lay olish, kasb-hunarga qiziqish, iqtisodiy, huquqiy, ekologik madaniyat kabi ko'nikmalarni rivojlantirish. Ularda Vatanni, uning tarixi, madaniyati, urf-odatlari, ilmiy dunyoqarashi, estetik did, insonparvarlik va boshqa bir qator xislatlarni mujassamlashtirish.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, o'qitish samaradorligini oshirish uchun ona tili dasturiga mos, o'quvchilarga mo'ljallangan izohli, sinonim, zid ma'noli, shakldosh, eskirgan, uyadosh so'zlar, qo'shma so'zlar, paronim, dubletlar, imlo, o'zlashgan so'zlar kabi o'nlab lug'atlarga ehtiyoj sezilmoqda. Chunki so'z ma'nosini farqlash jarayonida, ijodiy ishlar

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yo'zishda bunday qo'llanmalar o'quvchi tafakkuri uchun ma'naviy ozuqa vazifasini o'taydi. Shundagina o'quvchilarning ona tili fani bo'yicha o'zlashtirgan bilimlari mustahkamlanadi, imloviy savodxonligi ortadi, hozirjavoblik qobiliyati rivojlanadi, fikrini qisqa va lo'nda ifodalash qobiliyati shakllanadi.

Xulosa. Har bir ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi yuqorida tilga olingan muammolar ustida bosh qotirib, turli yechimlar o'ylab topib, samaradorlikka erishsa, ma'naviyatli, mantiqiy fikrlash qobiliyatiga ega, badiiy asarni mustaqil ravishda muhokama qila oladigan, o'z fikrini mustaqil bayon eta oladigan, nutqi ravon, har jihatdan yetuk va barkamol shaxsni kamol toptirish uchun o'z hissasini qo'shgan hisoblanadi .

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.I.A.Karimov."Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch". –Toshkent, 2008-yil.
- 2.Umumiy pedagogika. –Toshkent, 2013-yil.
- 3.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 13.09.dagi PQ-3271-sonli Qarori.

ONA TILI VA ADABIYOT FANLARINI O'QITISHDA INTERFAOL TA'LIM METODLARINING O'RNI

Toshboyeva Muqaddam,

Buxoro viloyat Buxoro tumani 44- maktab o'qituvchisi

ANNOTATSIYA.Ushbu maqolada maktab ta'limida interaktiv ta'lim metodlarining o'rni ,ulardan samarali foydalanish usullari, o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan qiziqishlarini oshirish yo'llari haqida fikr yuritiladi.

Maktab o'quvchilarda bilim motivatsiyasini, bilim olishga qiziqishni, hamkorlikka tayyorgarlikni, qobilyatni, o'qituvchi va sinfdoshlari bilan birgalikda faoliyat olib borish axloqiy muomalani o'rgatish ya'ni shaxsning jamiyat va odamlar bilan munosabatini aniqlaydigan muomalani ta'minlashi shart.

O'quvchini nafaqat bugun bilim olishga balki butun hayoti davomida izlanishga o'rgatish lozim. Shunday ekan, oldimizda zamonga hamnafas

interaktiv ta'lim metodlaridan foydalanib bugungi yosh avlodga ta'lim berish imkoniyatlari turibdi.

I.A.Zimneyning fikricha interaktiv ta'lim bu :

- ta'lim oluvchining atrof-muhit bilan o'zaro aloqasi;

- inson psixologiyasi o'zaro aloqadorligi;

- barcha o'quvchilar o'zaro faol aloqa qila oladigan qulay ta'lim tashkilotlari asosida qurilgan ta'limdir.

Interaktiv ta'lim metodlari ta'lim jarayoni qatnashchilari hamkorligiga, o'quvchining faollik pozitsiyasi rivojiga, "yashay olish", "bo'la olish", "harakat qila olish"ga bolani o'rgatish uchun mo'ljallangan. Interaktiv ta'lim yagona so'zlovchining boshchilik qilishiga ,boshqalar fikridan ustunlik qila olishga qaratilgan.

Dialog ta'limda o'quvchilar tanqidiy fikrlash, murakkab muammolarni mos ma'lumotlar va holatni analiz qilgan holda yechish, o'ylab yechilgan javobni qabul qilish, diskussiyalarda ishtirok etish, faol muomalaga kirishishni o'rganadilar.


Shunday qilib, pedagog va o'quvchilarning dars jarayonida hamkorlik bilan ishlashlari, har bir o'quvchida nafaqat bilim olish , balki birgalikda ta'lim jarayonini olib borish qobiliyatini kengaytirib boradi. Interfaol ta'lim jarayoni olib borish shakli har xil :

a) Individual b)juft holda s)guruh bo'lib

O'quvchilar ijodiy ishlarni bajarishda , hujjatlar bilan ishlashda birikuv shaklini mustaqil tanlaydilar. Interfaol usullar qo'llanadigan darslarda o'qituvchi o'quvchilar orasida ularning harakatini boshqarishda darsning o'z maqsadiga erishishida asosiy rol o'ynashi muhimdir. Bunday darslarni o'tish shunchaki bo'lmay, balki zamonaviy dars tuzilishi o'zida axborot texnologiyalarini qamrab olib, oddiy dars tuzilishidan farq qiladi.U o'qituvchidan tajriba va professionallik, mukammal tayyorgarlik, interaktiv rejimda amaliy malakaning bo'lishini talab qiladi. Dars jarayonida o'quvchilar faoliyati ustidan nazorat olib borishi muhim. Interfaol usullar asosida darsda o'quvchilarning o'zaro birikib harakat qilishi o'quv faoliyatini butunligicha natijaviyligini oshiradi.Interfaol usullar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

"Bekat" usuli.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI



Bu usul darsda va to'garaklarda bilim olishda samarali hisoblanadi. Bu metod 5-6-sinflarda olib borilsa samarali bo'ladi. Bu usulga ko'ra, o'quvchilar uch guruhga bo'linadi. Guruhlar bekat bo'ylab harakatlanadilar. Bekatdan bekatga ko'chadilar, har bir bekatda guruhlar navbatma navbat topshiriq bajaradilar. Har bir topshiriqqa tegishli vaqt ajratiladi. Bu vaqt ichida ulgurishlari va topshiriqni bexato bajarishlari kerak. Boshqa guruh ham kelib bu topshiriqni bajaradi va oldingi guruh tajribasidan foydalanadi. Bunda o'zaro nazorat bo'ladi: o'quvchilar bir-birlarini xatolarini tuzatadilar, ma'lumotlarni to'ldiradilar.

Masalan: 1-bekatta berilgan topshiriq bo'yicha I guruh quyidagi ma'lumotni aytishlari mumkin:

- Gap bo'laklari bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga bo'linadi.
- Bosh bo'laklar-ega va kesim, ikkinchi darajali bo'laklar-to'ldiruvchi, aniqlovchi, hol hisoblanadi.

II guruhda quyidagicha ma'lumotni kengaytirishlari mumkin:

- Kesim o'z ichida ot-kesim va fe'l-kesimga bo'linadi, to'ldiruvchi vositali, vositasiz to'ldiruvchiga bo'linadi, aniqlovchi sifatlovchi aniqlovchi, qaratqich aniqlovchiga bo'linadi, hol esa tarz holi, payt holi, o'rin holi, miqdor holi, maqsad holi kabi turlarga bo'linadi.

III guruh esa ma'lumotni quyidagicha to'ldirishlari mumkin:

- Gap tarkibidagi kim?, nima?, qayer? so'rog'iga javob bo'luvchi so'zlar ega vazifasida, kimdir?, nimadir?, qayer?, nima qildi?, nima qilyapti?, nima qilmoqchi? so'roqlariga javob bo'luvchi so'zlar kesim vazifasida keladi. To'ldiruvchi kimga?, nimaga?, kimni?, nimani?, kimdan?, nimadan?, kim bilan?, nima haqida? so'roqlariga, aniqlovchi qanday?, qanaqa?, qaysi?, kimning?, nimaning? so'roqlariga, hol esa qayerda?, qay holda?, qachon? so'roqlariga javob bo'ladi.

Shu tariqa barcha bekatlarda ma'lumotlar aytilib, to'ldirib boriladi.

Adabiyot darsida ham bu usuldan quyidagicha foydalansa bo'ladi:

- shoir va yozuvchilar ijodini o'rganishda;

- asar mazmunini ochib berishda;

Topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchilar o'zlarining bilimi va tajribalarini qayta ishlaydilar. Bunday holatlarda o'quvchilar nafaqat darsda olgan bilimlarini balki mustaqil olgan bilimlarini ham qo'llaydilar. Bu usullardan foydalanish o'qituvchi uchun samarali, ammo o'qituvchi faqatgina topshiriqlar berib, natijalarni tayyorlamasdan, o'quvchilar duch keladigan murakkab holatlarni oldindan ko'ra bilishi, vaqtida ularni qo'llab yuborishi lozim.

“Pazl” metodi.

Bu metod qismlar asosida butun suratni yig'ishga mo'ljallangan. Adabiyot darslarida bu usul ma'lum bir mavzuni guruh bilan ishlashda foydalaniladi. Bunda ko'ra qismlarga parchalangan matnlar yozilishi kerak. Qismlar guruhlariga tarqatiladi. Guruhlar o'z navbatida matnlarni o'qib, boshqa guruhning matnidan davomini topishlari va surat qismlaridan bir butun rasmni shakllantirishlari kerak.

O'quvchilar bunda matn mazmunini tushunishni, qayta mustahkamlashni o'rganadilar. Bu nafaqat malakaning rivojlanishiga olib keladi, balki diqqatni jamlashga, tinglay olish va tinglaganini qayta aytib berishga yordam beradi, o'quvchining javobgarligini oshiradi. Bu usulni qisqacha yoki batafsil matnni so'zlab berishda qo'llash mumkin.

Interfaol ta'lim bir paytda bir necha masalalarni yechadi:

✓ kommunikativ ko'nikma va malakani rivojlantiradi, o'quvchilar orasida emotsional aloqani o'rnatishga yordam beradi;

✓ birgalikda faoliyat olib borishga yordam beradigan ma'lumotlar masalasini hal etadi;

✓ umumiy o'quv, ko'nikma va malakalarini rivojlantiradi (analiz, sintez, maqsadlar qo'yish va hokazo) ya'ni ta'lim masalalari yechimini ta'minlaydi;

✓ guruhlarda ishlash va o'zgalarning fikrini eshitishni o'rgatadi;

Shakllangan ko'nikmalar quyidagilarga qaratilgan:

■ Har bir o'quvchini o'quv materialini o'rganilayotganidafaol qamrab olish;

■ Muvaffaqiyatli muloqatda kirishish malakalarini o'rganish;

■ Liderlik sifatlarini tarbiyalash;

■ Guruh bo'lib va guruhda ishlash olish ko'nikmalari;

■ Natijaga erishguncha o'ziga javobgarlikni olish.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Interfaol metodlar shaxs manfaatini ta'minlovchi ishonchli vositadir. Bu intrfaol metodlarning muhim o'ziga xosligi sanaladi. Shuning uchun ular har bir pedagog ishida keng qo'llanishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Bocharnikova M. Kompetentnostniy podxod: istoriya ,soderjaniye,problem realizatsii// Nachalnaya shkola. 2009. N:3. S.86-92
- 2.Zimnyaya I.A.klyucheviye kompetentnosti kak rezultativno-selevaya osnova kompetentnostogo podxoda v obrozavanii.Avtorskaya versiya. M:Iss.S.prob.kachest.podgot.spetsial.,2004.42 s
3. M.M. Toshboyeva "Metodik tavsiya" 2020-y.mart

TIL –MILLAT IFTIXORI

Turayeva Ziyoda,

Jondor tuman 1-umumta'lim maktab o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Milliy g'urur, ona tilimizning taqdiri, uni asrash kelajak avlodlarga yetib borish imkoniyatini yaratish bilan bog'liq. Qolaversa, o'z milliy tiliga hurmat mamlakatimizning dunyoda munosib e'tirofga ega bo'lishda ham muhim omil sifatida qaraladi. Chunki, bugungi globallashuv davrida o'zligini anglagan har bir xalq millati va milliy qadriyatlarini asrab qolish ustida tinimsiz bosh qotirmoqda. Texnikaning shiddatli rivoji, siyosiy –qtisodiy jarayonlar sur'ati va madaniyatlararo muloqat kuchayib borayotgan hozirgi davrda zamon bilan hamnafas yurishga,o'zini tili, madaniyatiga bu jarayonlarning "yemirish "va "yoq qilish" darajasidagi salbiy ta'sirini imkon qadar kamaytirishga harakat qilmoqda. Mazkur jarayonlar biz ham jarayondan chetda qolayotganimiz yo'q,albatta.

Kirish. Ona tilimiz , o'zbek tili, davlat tili masalalarida endi ehtirolarga berilish davri o'tdi. Davlat tili maqomini mustahkamlashga harakatni har birimiz o'zimizdan,o'z faoliyatimizdan boshlashimiz kerak.Millatning borligi va borlig'ini ko'rsatuvchi tilimizni asrab-avaylash , oila, jamoa, mahalladan boshlanadi. O'zbekiston Respublikasining istiqloqlga intilishi , mustaqillikka erishish arafasidagi dastlabki dadil qadami o'zbek tiliga Davlat tili maqomini berishdan boshlandi. Mustaqillik e`lon qilinmay turib , uzoq yillar davomida bo`g`ilib ,

qadrsizlanib kelinayotgan milliy tilimizni saqlash , tiklash , asrash , yuksaltirish uchun huquqiy zamin yaratildi. Bu ham til erki , ozodligi , taraqqiyotning millat taqdiriga , milliy hurriyatga nihoyatda chambarchas bog'liq ekanligini , millat va til taqdiri o'zaro mustahkam rishta bilan payvand etilganligini namoyish etuvchi tarixiy haqiqatdir.

Asosiy qism. O'zbek tilini ta'limning eng quyi bosqichlaridan o'rgatib borish bo'yicha zamonaviy metodika ishlab chiqish zarur. Agar o'qituvchi sinfda yoki auditoriyada yoshlarda o'zbek tilini o'rganishga qiziqish va ehtiyoj uyg'otib, unda tilga hurmat tuyg'usini uyg'ota olmas ekan, davlat tilining jamiyatdagi mavqeini ko'tarish mushkul ish. Bu borada masofaviy ta'lim, mustaqil o'rganishga yo'naltirilgan video darslarni ham ko'paytirish va internet tarmoqlariga joylashtirish maqsadga muvofiqdir. Darhaqiqat, o'zbek tili shu kungacha ko'p ming yillik tarixiy taraqqiyot yo'lini mardonavor bosib kelmoqda. O'rxun-Enasoy yodgorliklaridagi bitiklardan tortib, hozirgi davrgacha yaratib kelinayotgan adabiy ifodasi, ma'no qatlamlari, lug'at tarkibi to'g'risida atroflicha va asosli ma'lumotlar bera oladi.

Xalq og'zaki ijodining nodir namunalaridan boshlab, qadimiy bitik toshdagi yodnomalar, Mahmud Zamaxshariy, Mahmud Qo'shg'ariy, Ahmad Yassaviy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yungakiy, Lutfiy, Alisher Navoiy, Bobur, Mashrab, Ogohiy, Nodira, Uvaysiy, Furqat, Behbudiy, Fitrat, Qodiriy, Cho'lpon, Usmon Nosir kabi ijodkor mutafakkirlar merosi bu boradagi salmoqli manbalar sirasiga kiradi. Shu bilan bir qatorda, keying avlod vakillari, XX-XXI asr ma'rifati, adabiyoti namoyondalari, tilshunos va adabiyotshunos allomalari ham o'z adabiy, ma'naviy – ma'riiy boyish va yuksalishiga, tobora sayqallanib kamol topishga benazir hissa qo'shib kelmoqda.

Biz adodlarimizning merosini, uzoq va yaqin o'tmish hayot lavhalarini, davlatchiligimizni tarixiy asoslarini, milliy qadriyat va an'analarimizni ana shu milliy til vositasidagina yanada chuqurroq anglaymiz, o'zlashtiramiz, mustahkamlaymiz, kelajak avlodga yetkazilishini ta'minlab bera olamiz. Shu boisdan ham o'zbek tili o'zbek xalqining "milliy o'zlik va mustaqil davlatchilik timsoli, buyuk qadriyat" sifatida yuksak maqomga ega.

Xulosa qolib, shuni ta'kidlash joizki, ilmiy – texnik, ijtimoiy – iqtisodiy, siyosiy-mafkuraviy o'zgarish va yuksalishlar, dunyoviy

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

hamkorlik va aloqalar bevosita tilga ham o'z ta'sirini o'tkazadi: adabiy til lug'at tarkibida, ma'no qatlamlarida eskirish, yangilanish jarayonlari kechadi, hattoki, tilning grammatik tabiatida ham o'zgarishlar sodir bo'ladi.

Shu bois til hamisha tahriru tadqiqqa, e'tibor-u e'zozga ehtiyoj sezadi, muntazam faollikda bo'ladi. O'zbekiston Respublikasining "Davlat tili haqida"gi qonuni qabul qilinganini har yili keng nishonlashga, shu munosabat bilan: Tariximsan, Taqdirimsan, Kelajagimsan, ona tilim!" degan ezgu g'oyani o'zida mujassam etgan ma'naviy – ma'rifiy, madaniy targ'ibot tadbirlarini o'tkazishga qaratilgan respublika miqyosidagi amaliy harakat yuqoridagi jihatlarni to'la qamrab olgani bilan katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 17 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.
3. <https://studfile.net/preview/2532712/page:3/>

JOY NOMLARI – TARIXDAN DARAKCHI

To'xtamisheva Saltanat,

Jondor tumanidagi 1-umumta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Tilshunoslikda joy nomlarini o'rganuvchi soha toponimiya deb yuritiladi. Ko'p yillik tarixga ega xalqimizning asrlar osha tili, urf-odatlari, an'ana va maishiy hayoti ham takomillashib borgan. Bu, albatta, uning tarixiga, yashash sharoitiga o'z ta'sirini o'tkazgan. Xalqning yashash tarzi, nasl-nasabi, mashg'uloti va boshqa- boshqa jihatlari ular yashaydigan hududga ham o'z ta'sirini o'tkazgan. Men Jondor tumanida tug'ildim va shu yurtda voyaga yetdim. Jondor tumani mustaqillik davridan so'ng qayta o'z nomini olgan. Sobiq sovet davrida tumanimiz Jondor emas, Sverdlov deb yuritilgan.

Kirish. Tilshunosligim va toponimlarga qiziqqanim uchun tumanimiz va undagi qishloqlar nomini qanday va qayerdan kelib chiqqanini imkon qadar o'rganaman. Bobo va buvilarimiz biz uchun - tirik tarix. Keksalardan joy nomlari bo'yicha ba'zi ma'lumotlarni eshitganman. Avvalo, Jondor so'zining etimologiyasiga, ya'ni kelib chiqishiga bir nazar salsak. Rivoyatlarga ko'ra, Buxoro hukmdorlaridan birining yakka-yu yolg'iz o'g'li bedavo dardga chalinibdi. Tabiblar uning dardiga hech davo topisholmay, havo almashtirishni maslahat berishibdi. Hukmdor kasalmand o'g'lini olib yo'lga chiqibdi. Shunda to'satdan bola og'irlashib qolibdi. Mulozimlar darhol bolani Zarafshon daryosi qirg'og'iga keltirib unga suv ichirishibdi. Nafas ham olmay qolgan bola birdan nafas olib ketganini ko'rib mulozimlar hukmdorga qarab "Jon dorat" (tojikcha joni bor, tirik) deyishibdi. Bundan xursand bo'lgan hukmdor ham shu kalomni qayta-qayta takrorlabdi. Shundan Jondor so'zi kelib chiqqan ekan. Bu, albatta, rivoyat. Haqiqat yoki yolg'onligi hech kimga ayon emas.

Asosiy qism. Tumanimizdagi qishloqlar nomi ham bir-biridan ajoyib va xilma-xil. Ba'zi qishloqlar nomi o'sha yerlik xalqlarning mashg'uloti va kasb-koridan kelib chiqqan. Masalan, Xumdonak, Xumin, Tobagar, Asbob qishloqlarida yashovchi aholi qadimda tandır- xumdonlar va qozon-tobalar, turli xil asboblari tayyorlashgan,

Arabxona, Arabon, Qalmoq, Qipchoq, Qazoqon, Urganjiyon, Mang'it, Yobu qishloq nomlari esa bevosita elat va millat nomi bilan bog'liqdir. Tarixda o'zbeklarning to'qson olti urug'i tarqalgan. Yuqoridagi nomlar ham bevosita shu urug'lar nomi bilan bog'liq bo'lsa kerak.

Tumanimizda qadim payg'ambarlar, avliyolar nomi bilan bog'liq qishloqlar ham mavjud. Dovud, Xo'jalar, Aleli, Zangi, Oqxo'ja, Luqmon, Demun, Darveshi kabi qishloqlar nomi bevosita ana shunday tabarruk zotlar nomi bilan bog'liq.

Ba'zi bir qishloqlar esa turli mansab va lavozimlar nomi bilan bog'liqligini ham ko'rishimiz mumkin. Masalan: Beklar, Amino, Sherboyon, Mirzayon kabi nomlar amin, mirza, bek kabi lavozimlar bilan bog'liqdir.

O'rta asrlarda rabot – arablarning mustahkamlangan qarorgohi, dastlab g'oziyalarga mo'ljallab qurilgan maxsus bino ma'nosini bildirgan. Keyinchalik rabot faqat qo'rg'on, istehkom ma'nosidagina emas, balki, mehmonxona, karvonsaroy mazmunida ham tushunilgan. Rabot so'zi qadimda karvonlar qo'nib o'tadigan joy ma'nosini anglatgan. Bu so'zini biz

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yassaviy asarlarda ham uchramiz. Adiblar o'z asarlarida rabot deb ko'chma ma'noda "o'tkinchi dunyo" ma'nosida ham ishlatishgan. Rabot so'zi tor ma'noda qishloq, aholi yashaydigan joy ma'nosiga o'tgan va shu ma'noda qo'llanadi. Respublikamizning barcha viloyat va tumanlarida tarkibda rabot so'zi qo'shilgan joy nomlari talaygina. Jumladan, bizning Jondor tumanimizda ham shunday joy nomlarini ko'plab uchramiz. Masalan: Rabot, Hafrabot (Yetti rabot), Navrabot (yangi rabot) Oqrabot kabilar shular jumlasidandir.

Men o'zim asli Aleli qishlog'ida tug'ilganman. Bundan bir necha yillar ilgari qishlog'imiz nomi va tarixi bilan qiziqib tumanimiz gazetasiga kichik bir maqola ham yozgan edim. Hozir qishlog'imiz nomi qanday qilib Aleli nomini olgani haqida keksalardan eshitgan rivoyatni bayon qilmoqchiman.

Aytishlaricha, payg'ambarimizning kuyovlari va chahoryorlardan biri bo'lmish Ali raziyallohu anhu o'zlarining sevimli otlariga minib dunyo kezibdilar. Suvsizlik va uyqusizlik g'olib kelib Ali ot ustida behold bo'lib uxlab qolibdilar. Otning egarida yotib boraveribdilar. Ancha paytdan keyin o'zlariga kelib ko'zlarini ochib qarasalar, ot bu muborak zotni ajoyib o'tli, suvli ko'l oldiga olib kelgan ekan. Otdan asta tushib, suv ichib o'zlariga kelib u yerda yasovchi insonlar bilan ham tanishibdilar. Ularning tantiligi va mehmondo'stligini ko'rib "Bu mening elim – Ali eli ekan", deb aytibdilar. Shundan keyin bu qishloq Ali eli, yillar o'tib xalq tiliga moslashib Aleli deb nom olgan ekan. Yana bir ma'lumotlarga ko'ra arablar yurtimizni bosib olgach, shu qishloqqa Ali raziyallohu anhu avlodlari maskan tutganligi ham aytib o'tilgan. Bu rivoyatlar, albatta, ilmiy isbotlanmagan. Lekin har bir qishloq nomi ostida qat-qat tarix yashirindir.

Darhaqiqat, biz qaysi hudud, qaysi qishloqdan bo'lmaylik o'z yashash joyimiz tarixi, nomlanishi haqida ma'lumotga ega bo'lishimiz va shu ma'lumotni yosh avlodga to'lig'icha yetkazishimiz lozimdir.

Mustaqillik davrida, xususan, oxirgi yillarda atamashunoslik, joy nomlarini qayta nomlash bo'yicha talaygina ishlar amalga oshirildi. Qishloqlar, turli muassasalar, korxonalar va tashkilotlar nomi va ular imlosi bilan bog'liq xato va kamchiliklar tuzatildi. Albatta, bular hali hammasi boshlanishi, oldinda turgan ishlar har bir O'zbekiston fuqarolari, xususan, biz tilshunoslar zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. -415 b.

2.O'zbek tilining izohli lug'ati. I-V. -T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006-2008. T. I. 2006. -680 b.; T. II. 2006. -672 b.; T. III. 2007. -688 b.; T. IV. 2008. -608 b.; T. V. 2008. -592 b.

3. Qo'ng'irov R.O'zbek tilining tasviriy vositalari.–T.: Fan,1977.-187 b.

**РОДСТВЕННЫЕ ЯЗЫКИ И ИХ ОСОБЕННОСТИ
ПРИ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ**

Вохидова Ситорабону,
преподаватель кафедры «Методика
преподавания языков» Бухарского
РЦПиПКСНО.

АННОТАЦИЯ. Английский язык считается самым легким языком во всем мире. Главная причина этого факта в том, что этот язык можно изучать даже за месяц! Существуют несколько методов и техник по которым можно проверить данный факт. В своей практике я часто использую метода диаграммы Венна.

Диаграмма Венна. Впервые прием описан английским ученым Джоном Венном в книге «Символическая логика». Это графический способ, который используется, когда нужно сравнить два или более понятия, явления, способа, предмета. «Кольца Венна» помогают выявить общее в двух или нескольких явлениях, подчеркнуть различия и обобщить знание по заявленной теме [1].

Диаграмму Венна применяю на практических уроках, с той целью чтоб участникам удалось легко и просто изучать новый язык. Создаю атмосферу на котором они чувствовали себя свободно и уверенно. И для этого мне пригодится знание нескольких языков, в особенности, родственных языков, таких как, английский, немецкий, русский и таджикский языки. Все эти языки относятся к индоевропейской языковой семье. К этой индоевропейской языковой семье ученые относят следующие группы нескольких языков:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

1. **Славянские** (основные): восточные — русский, украинский, белорусский; западные — польский, чешский, словацкий; южные — болгарский, македонский, сербохорватский, словенский, старославянский.

2. **Балтийские**: литовский, латышский, древнепрусский (мёртв.).

3. **Германские**: английский, немецкий, нидерландский, африкаанс (в ЮАР), идиш, шведский, норвежский, датский, исландский, готский (мёртв.) и др.

4. **Кельтские**: ирландский, валлийский, бретонский и др.

5. **Романские**: испанский, португальский, французский, итальянский, румынский и др. языки, образовавшиеся на основе латинского языка.

6. **Албанский**.

7. **Греческие**: древнегреческий и новогреческий.

8. **Иранские**: афганский (пушту), таджикский, осетинский, курдский, авестийский (мёртв.) и др.

9. **Индийские**: хинди, урду, цыганский, непальский, санскрит (мёртв.) и др. исторически некоренные языки Индии, появившиеся в ней после прихода индоевропейцев.

10. **Армянский**.

11. **Анатолийские** (мёртв.): хеттский, лувийский и др.

12. **Тохарские** (мёртв.): турфанский, кучанский и др [2].

Первое сходство английского с немецким, русским и таджикским языками в том, что морфология этих языков одинаковы. Грамматически они похожи, именно порядком слов в предложении.

Например:

I am from Bukhara (английский язык);

Ich bin von Buchar (немецкий язык);

Я из Бухары (русский язык);

Ман аз Бухоро (таджикский язык).

В этих утвердительных предложениях использована следующая формула подлежащее+глагол быть (to be)+предлог+сказуемое. В современном русском и таджикском языках глагол быть скрывается в предложениях. В древнем русском языке говорили «Я есть из Бухары». Также в древнем таджикском языке говорили «Ман хастам аз

Бухоро». Но, в настоящее время, глагол быть (to be) уже не используется в современном русском и таджикском языках.

Следующее предложение ясно доказывает, что эти языки не только сходятся морфологически, но и лексически тоже. Например:

My name is Star (английский язык);

Meine name ist Stern (немецкий язык);

Номи ман Ситора (таджикский язык).

Мое название Звезда / Меня зовут Звезда (русский язык);

Если разобраться в лексике английского, немецкого, русского и таджикского языков, то в этих предложениях очевидно, что фонетика этих языков тоже до сих пор совпадают. Для примера, возьмём русское слово *мать*, в английском *mother*, в немецком *mutter*, в таджикском языке *модар*. Испокон веков все эти слова одного значения, лексически и фонетически звучат и пишутся почти одинаково. Кроме этих слов до нашего времени сохранились еще несколько схожих вариантов.

Например:

Английский яз.	Немецкий яз.	Русский язык	Таджикский яз.
Daughter	Tochter	Дочь	Духтар
Door	Tür	Дверь	Дар
Brother	Bruder	Брат	Бародар
My	Mein	Мой	Ман
Two	zwei	Два	Ду
Three	Drei	Три	Се
Five	Fünf	Пять	Панч
Six	sechs	Шесть	шаш

Мы сравнивали и разобрали сходства этих древних языков друг с другом морфологически, лексически и фонетически. На примере нескольких предложений привели факты с родственными языками и установили связь между ними. Нужно учитывать того факта, что в каждом сходстве есть отличие. По диаграмме Венна учитывая сходства, также нужно определить отличия в этих родственных языках.

В настоящее время английский, немецкий, русский и таджикский языки имеют некоторые грамматические отличия. Например, в русском языке местоимение *мой* имеет четыре формы: *мой-моя-мое-мои*, также и по-немецки: *mein-meine*. Но в английском и

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

таджикском языках существует только одна форма *ту* (английский язык), *ман* (таджикский язык). В русском и немецком языках имя существительное склоняется по числам и падежам, а глагол спрягается. А в английском и таджикском языках окончания слов в предложениях не изменяются, так как эти языки не имеют рода (мужской, женский, средний) как в предыдущих языках. Но в таджикском языке глагол спрягается так как в русском и немецком языках, хотя не имеет рода. А в английском глагол спрягается только в третьем лице единственного числа.

Русский язык	Английский язык	Таджикский язык	Немецкий язык
Я люблю жизнь. Ты любишь жизнь. Он любит жизнь. Она любит жизнь. Мы любим жизнь. Вы любите жизнь. Они любят жизнь.	I love life. You love life. He loves life. She loves life. We love life. You love life. They love life.	Ман ҳаётро дӯст медорам. Шумо ҳаётро дӯст медоред. Вай ҳаётро дӯст медорад. Мо ҳаётро дӯст медорем. Шумо ҳаётро дӯст медоред. Онҳо ҳаётро дӯст медоранд.	Ich liebe das leben Du liebst das Leben. Er liebt das Leben. Sie liebt das Leben. Wir lieben das Leben. Du liebst das Leben. Sie lieben das Leben.

По диаграмме Венна анализировали четырех языков, таких как английский, немецкий, русский и таджикский языки из индоевропейской языковой семьи. Они имеют несколько сходств и отличий друг от друга, которые были классифицированы с примерами.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <http://nitforyou.com/venn/>
2. <https://studfiles.net/preview/3052850/page:13/>
3. Ожегов С. И. Толковый словарь русского языка. - Москва, 2007.
4. Дешериев Ю.Д. Закономерности развития и взаимодействия языков. – М., 1986.

ONA TILI VA ADABIYOTI FANINI O'QITISHDA "IMAK"(ishontirish maktabi) TEXNOLOGIYASI

Xayrullayeva Dilfuza,

Vobkent tuman 28- maktab o`qituvchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada ona tili va adabiyot fanini o`qitishda noan`anaviy pedagogik texnologiyaning ahamiyati yoritib berilgan .

Bugungi kunda Respublikamizda ta`lim sifatini yanada oshirish bo`yicha ulkan ishlar olib borilmoqda. Bunday islohatlar har bir fan oldiga katta ma`suliyat yuklatiladi. Bu ma`suliyatli vazifani ado etish, ayniqsa, ona tili va adabiyot o`qituvchisi oldiga ulkan vazifalar qo`ymoqda. Til o`qitishning metodik masalalariga aniqlik kiritish, bu sohada umumta`lim, nazariyani amaliy bilan, shuningdek barcha boshqa fanlar bilan bog`lab o`qitish zamonaviy pedagogik texnologiyalarini ta`limga joriy etish maktablarda ta`lim usularini ishlab chiqish hozirgi metodikamiz,.

Ta`lim jarayonini yangi mazmun va shakilda yo`lga qo`yish malakasi, eng avvalo, ona tili va adabiyot ta`limiga ta`luqlidir. Chunki har qanday fanning mohiyati ona tili va adabiyot fani orqali iroda qilinadi va idrok etiladi. Keyingi yillarda til o`qitishda metodik jixatdan o`quvchilarni faollashtirish masalasi nazariy jihatdan jonlangan bo`lsa-da, uni amaliy qo`llash juda sekin bormoqda va bu masalani amalga oshirishga bag`ishlangan o`zbek tilidagi metodik adabiyotlar yetarlicha emas, buning uchun xar bir o`quvchi shu soxada yetarli darajada maetodik adabiyotlar bilan taminlangan bo`lishi, zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan qurollangan bo`lib, o`qituvchining o`zi shu jihatdan yetarli darajada bilimga ega bo`lmog`i tildagi har bir xodisalarni, qonuniyatlarni tushuntirishda falsafiy jixatdan tayorlangan bo`lmog`i kerak. Bugungi kunda ona tili va adabiyot darslari oldiga qo`ygan vazifalarining asosiysi yoshlarda o`z fikirlarini mantiqiy izchil, barcha imkoniyatlari gavdalangan holda ta`sirli ravishda yetkazib berishdan iboratdir.

Adabiy ta`lim oldida turgan vazifalar ham badiiy asarni guruhlarda tahlil etishni talab qiladi. Maktab o`quvchilarida kitobga muhabbat, o`qilgan kitobning sir-asrorlarini bilganidan so`ng bilinadi. Badiiy asar

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tahlili yoʻnalishiga qarab ikki turga boʻlinadi: filologik (ilmiy), va didaktik (oʻquv) tahlili.

Badiiy asarni tahlil qilishda estetik asosning ustivorligi. Yakka va guruhli ishlash. Buning uchun oʻqituvchidan darsni tashkil etishda yuksak mahorat talab etiladi. Oʻqituvchi dastlab darsning mavzusiga mos innovatsion gʻoya bilan darsni oʻyin texnologiyalari bilan boyitishi lozim. Bu esa, albatta, darsning oʻqituvchi va oʻquvchi uchun qiziqarli va zavqli tashkil etilishining bosh omili hisoblanadi.

—IMAK|| (Ishontirish maktabi) texnologiyasi

Texnologiyaning maqsadi: oʻquvchilarning ishontirish (dalillar topish va ularni asoslashni bilish) va boshqara olish malakasini hamda tashkilotchilik qobiliyatlarini shakllantirish, shuningdek, jamoada va turli xil vaziyatlarda oʻzini tuta olishga oʻrgatadi.

Oʻtkazish tartibi: oʻquvchilar texnologiyaning oʻtkazish tartib-qoidalari bilan tanishtiriladi. Ulardan biri shartga koʻra xonadan chiqadi. Qolgan ishtirokchilar esa ziddiyatni nazarda tutuvchi muammoli holatni oʻylab chiqadilar, muhokama qiladilar va tayyorlaydilar. Yaʼni muammoli holatni rollarga boʻlinib ijro etadilar. Masalan: —Maktabda taʼlim sifatini oshirish uchun oʻquvchilarga nimalar zarur?, —Sinfimiz qanday qilib yetakchilikka erisha oladi?, —Ona tili fanida qoidalarni yodlash shart emas! Oʻquvchilar tanlangan muammoni tayyorlayotgan vaqtda tashqaridagi qatnashchiga muammo tanishtiriladi va maktab direktori, sinf rahbari yoki fan oʻqituvchisi rolini oʻynashi kerakligi tushuntiriladi. Tayyorgarlik uchun vaqt ajratiladi. Bir ozdan soʻng xonaga taklif etiladi. Qolgan ishtirokchilar oʻylab topgan va sahnalashtirilgan ziddiyatli vaziyat ijro etiladi. Ijro vaqtida ular har xil xarakterdagi oʻquvchilar rolida boʻlib, ziddiyatni keltirib chiqarish uchun ularning qiliqlari, odat va soʻzlari, harakatlarini ishlatadilar. Maktab direktori, sinf rahbari yoki fan oʻqituvchisi rolidagi oʻquvchi ushbu sahna koʻrinishida oʻzining tashkilotchilik qobiliyati, ishontira olish malakasi, holatni nazorat qilib turishi, turli vaziyatlar va sharoitlarda oʻzini tuta bilishi, boshqara olishi, mazkur holatdan tarbiyaviy usullardan foydalangan holda vaziyatning, ziddiyatning ijobiy yechimiga erisha olishini namoyish eta olishi kerak. Soʻngra barcha oʻquvchilar oʻqituvchi bilan birga asosiy rol ijrochisining oʻzining tutishi, oʻz fikriga qay darajada ishontira olishi, madaniyati va harakatlaridagi ijobiy, salbiy tomonlarini muhokama

qiladilar, berilgan muammoli vaziyatdan chiqishning qulay usullarini aniqlaydilar, shuningdek, maktabda, sinfda, darslarda uchrab turishi mumkin bo'lgan muammoli holatlar va ularning yechish usullarini ishlab chiqadilar.

Texnologiyadan sinf rahbarlari tarbiyaviy soat darslarida, fan o'qituvchilari o'z vaqtida foydalansalar, yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammoli vaziyatlar oldi olinadi, o'quvchilar bilan yaqinlik o'rnatiladi, ulardagi mustaqil fikrlash va bunga ishontira olish qobiliyatlari rivojlanadi, sahna va nutq madaniyatlari ham sayqallanib boradi. Zero, ta'limning buyuk maqsadi bilim berish emas, balki hatti- harakatlarga o'rgatishdir, - degan edi G.Spenser.

Zamonaviy pedagogik texnologiya shuni talab qiladiki, dars jarayonida, ta'lim-tarbiyada o'quvchi asosiy harakatlantiruvchi kuch, ta'lim jarayonini subyekti bo'lishi kerak. O'qituvchi esa o'qitishdan o'qishni o'rgatishga, bilim berishdan bilimlarni o'quvchilar mustaqil egallashlariga qo'lanilishi zarur. O'qituvchini ehtiyoj tug'dirishdan muhit yaratishga va undan masulyatni sezishga yo'llashi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh. Mirziyoyev. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: "Ozbekiston".2016.14-b.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va O'rta maxsus, Kasb-hunar ta'limining Davlat ta'lim standartlari to'g'risida" gi 187-sonli qarori.

3. G.H.Ne'matova, R.Q.Ashurbayeva, D.N.Yo'ldosheva. Maktabda ona tili darslarini adabiyot, biologiya mavzulari bilan bog'lab o'qitish. - T.: Muharrir, 2019.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР ВА
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Хожиёва Лайло,

Когон шаҳар 3-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ўзбек тили таълимидаги айрим муаммолар хусусида сўз юритилган. Муаллиф томонидан мактаб дарсликларидаги назарий маълумотлар таҳлилга тортилган.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ривожланган, ижтимоий мавқеи юксалган, сайқал топган фонетик ва лексик-грамматик жиҳатдан меъёрлашган миллий тилдир. Давлат (ўзбек) тили дарсларининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларига эга бўлишидир. Ижтимоий муҳитнинг тилдан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Кишилар ўз нутқларида билиб билмай ёки эътиборсизлик оқибатида бошқа тил элементларидан ҳам фойдаланадилар. Бошқа миллат вакиллари билан биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, хуллас, муомала жараёнида шундай ҳоллар юз беради.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш нутқда заруриятга кўра улардан фойдаланиш салбий ҳодиса эмас. Бироқ ўқувчиларимизнинг бир-бири билан ҳеч тилга қарамайдиган аралаш бир тилда сўзлашиши муомала маданиятининг пасайиб кетаётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда дарсларда ўқувчиларининг адабий тил меъёрларига асосланган нутқ билан сўзлашишларига эришиш бош вазифа бўлиши керак.

Ўзбек тили фанидан дарс жараёнида асосий эътибор ўқувчининг оғзаки нутқини ўстиришга қаратилгани ҳолда, грамматик мавзулар бўйича ёзма топшириқларни бажаришга етарли эътибор қаратилиши лозим.

Дарсда грамматик билимларни кўрсатмалар воситалар (плакатлар, тарқатма материаллар, дидактик материаллар) асосида ташкил қилиш, ўқувчилар билан дарсликдаги грамматик материаллар бўйича машқ ва топшириқларни дастлаб оғзаки, кейин доскада, дафтарда ишлатиш, ўтилган мавзунини мустақамлаш учун

педагогик технологияларнинг илғор усулларидан ақлий хужум, занжир, ҳамкорликда ишлаш, “Ким кўп билади?” ва шу каби усулларни қўллаш орқали, нутқий мавзудан келиб чиқиб, ролли ўйинлар, суҳбатлар ташкил қилиш орқали кутилган натижага эришиш мумкин. Бунда аввало, ўқитувчи ўқувчининг ҳар бир тузган жумласи, унда ўрганилган грамматик материалнинг элементларини қўллаяптими, йўқми, шуни назорат қилиб бориши, хато ва камчиликларини ўрнида тузатса бўлади.. Дарсни ташкил қилишдан олдин кичик ҳажмда (5-8 дақиқалик) диктант ўтказиш, дарс якунида эса шу кунги ўрганилган мавзу юзасидан 5-8 тагача тест саволини тарқатиш орқали янги мавзунинг ўқувчи томонидан ўрганилганлик ҳолатини аниқлаш имконияти юзага келади. Ана шу ҳолат мунтазам такрорланиб борсагина, ўқувчининг оғзаки нутқини билан ёзма нутқини ривожлантириб боришга эришиш мумкин бўлади.

Дарсликлар билан ишлаш жараёнида ўқитувчилар дарслик материаллари билан чегараланиб қолмасдан, қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда яъни ўқувчилар учун қизиқарли бўлган бирор бир бадиий асар, эртақлар, ҳикоялардан ҳикоя қилиб беришлари, асардаги ўзлари ёқтирган қаҳрамонларни таҳлил қилишлари, интернет материалларидан, видеодарслар, турли спектакль, кинофильмлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбек тили ўқитишнинг дастлабки босқичида дарсни турли ўйинлар билан қўшиб олиб бориш ўқувчиларда тил ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширади. Айниқса, ўйинларнинг мазмуни ва хилма-хиллиги дарс пайтида ўтиладиган мавзуга яқин бўлса, бундай ўйин турлари ўқувчиларни зерикишига йўл қўймаслиги, ўргатилган сўзлар ва грамматик материалларни пухта ва аниқ тушуниб олишларига, уларни фаоллаштиришга имкон яратади.

Давлат (ўзбек) тили фани бўйича муаммоларни бартараф этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак.

- педагогик технологиянинг инновацион метод ва усулларидан дарсларда фойдаланиш;
- дарс жараёнини натижавийликка асосланиб режалаштириш;
- методика бўйича соҳанинг етакчи ва амалиётчи мутахасасислари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- таълимга оид меъёрий хужжатлардаги янгиликларни мавзулар мазмунига сингдириб ўқитиш;
- тилшунослик бўлимларини рус тили (қардош тиллар) билан қиёслаб ўқитиш методикасини;
- ўқувчилар оғзаки нутқи ва ёзма саводхонлигини ошириш мақсадида матн яратиш машғулотларини (дақиқаларини шакллантириш);
- ўқувчиларнинг мустақил синфдан ташқари китоблар ўқишига ўргатиш;
- Давлат (ўзбек) тили дарсларида расм-матн (қўшиқ, шеър) устида ишлаш ва кўرғазмали қурооларни тайёрлашда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш;
- Давлат (ўзбек) тили фани дарсларида бадиий матн билан ишлаш;
- дарс жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш;
- мактабда Давлат (ўзбек) тили бўйича синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар ҳамда тўғарак ишларни режалаштириш, уларни ташкил этишда замонавий методикалардан фойдаланиш;
- Давлат (ўзбек) тили дарсларини ўқитишда замонавий АКТ ва ОАВлардан унумли фойдаланиш;
- Давлат (ўзбек) тили дарсларида тил ва нутқ кўникмаларини назорат қилиш, ёзма ишларни ўтказиш, мураккаб мавзулар бўйича тестлар тузиш ҳамда уларни ўринли қўллаш;
- Давлат (ўзбек) тили дарсларида интернет, мультимедия электрон дарсликлардан фойдаланишда замонавий педогогик технология методлари, расми анимациялар, фойдаланиш.

Синфдан ташқари ишлар учун характерли нарса оғзаки нутқни ўстиришдир. Асосий фарқлар:

- қатнашишнинг эркинлиги (у ёки бу турни ўзлари эркин ҳолда танлаб олишлари керак);
- дарснинг структурасига нисбатан эркинлик (паркда, музейда, ҳовлида ўтилиши мумкин);

Синфдан ташқари ишларни ўзбек тилида концерт, кеча, йиғилиш ўтказиш, стенд чиқариш ва деворий газетани безаш орқали олиб борилиши мумкин. Бунда ўқувчилардан мустақиллик, ижодийлик, фаоллик талаб қилинади.

Юқори синфларда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш шакллари: «Таржима тўғараги», ўзбек тилида сахналар қўйиш, бадиий адабиётдан парча ўқиш, шеърлар ўқиш шаклларида олиб бориш мумкин.

Синфдан ташқари ишда ишлатиладиган материал ўқувчилар учун қизиқарли, маълумотларга бой ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши керак.

Кейинги йилларда мактаблар учун яратилган она тили дарсликларининг мазмун-моҳиятида ижобий силжиш бўлганлиги, яъни ўқувчиларнинг ижодий фикрлашига кенг ўрин ажратилганлиги, назарий маълумотларнинг бир қадар камайтирилганлиги эътиборга молик. Аммо шундай бўлса-да, олий ўқув юрти ва мактаб дарсликларида назарий маълумотларнинг берилишидаги номуносибликлар ўқитувчини ноқулай аҳволга солиши шубҳасиз.

8-синф дарслигида ҳол ҳақида қуйидаги назарий маълумотлар келтирилади:

Ҳол кўпроқ кесимга боғланиб, ундан англашилган иш-ҳаракатнинг ўрнини, пайтини, ҳолатини, бажарилиш сабабини, мақсадини, даража-миқдорини билдирадиган иккинчи даражали бўлакдир.

Ҳол равиш, келишик шаклидаги ва кумакчили отлар, олмошлар, сифат, сон, тақлид сўз ва феълнинг хосланган шакллари билан ифодаланиши мумкин. (8-синф, 80-бет)

Худди шу дарсликда тўлдирувчи ҳақида ўқиганимизда назарий қарашлар мисоллар билан далилланганига гувоҳ бўламиз.

Нега ҳол ҳақидаги назарий қарашлар мисоллар билан далилланмайди-ю, тўлдирувчига келганда эса мисоллар келтириш билан бир қаторда ҳатто отлашиш масаласига ҳам дахл қилинади? Аниқловчи ҳақидаги маълумотлар ҳам мисоллар билан мустаҳкамланади.

8 синф мактаб дарслигида қуйидаги назарий маълумот берилган: *Кесим ифодаланишига кўра феъл-кесим ва от-кесимга ажралади. Феъл-кесим соф феъл ва баъзан равишдош билан ифодаланади. 1. Ҳасад билан газаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади. (Абу Райхон Беруний) 2. Ишнинг боши-бошлангунча. Эслатма -гунча қўшимчасини олган равишдошгина кесим бўлиб келиши мумкин. Феълдан бошка сўз туркумлари (от, сифат, сон,*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

олмош, равиш, тақлид сўз) билан, шунингдек, феълнинг ҳаракат номи шакли билан ифодаланган кесим от-кесим дейилади. Феъл-кесим иш ҳаракатни, от-кесим предметнинг тури ёки белгисини ифодалайди.(8-синф,53-бет)

Худди шу муаллифларнинг олий ўқув юрти учун ёзилган дасрликларида эса ёзилади:

Феъл билан ифодаланган кесим: 1. Мақсадим – ўқимоқ. 2. Қарасам, қарамайсан. 3. Ишнинг боши бошлангунча. 4. Яшнаганим яшнаган. 5. Йигит кишининг уялгани – ўлгани (346-бет).

Мактаб дарслигида сифатдош от-кесим, олий ўқув юрти дарслигида эса феъл-кесим сифатида берилган. Бундан ташқари худди шу дарсликда сўз бирикмаси ҳақида гап кетар экан, муаллифлар ёзади: “Феълли сўз бирикмасида хоким сўз феъл билан ифодаланади. Китобни ўқиди, дафтарга ёзмок, тез югурган, оҳиста гапириш, таъсирли сўзлаб, завк билан уқимок”.

Демак, муаллифлар феълли сўз бирикмасига соф феълни ҳам, равишдош ва сифатдошни ҳам киритишяпти. Ахир бир муаллифнинг ўзи уч ўринда уч хил йўл тутса, ўқитувчи қайси бирига эргашсин-у, қайси биридан воз кечсин? Ўқувчиларни ижодийликка йўллаш назарий фикрларнинг пойма-пой берилиши эвазига бўлмаса, яхши бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. www.ziyonet.com
2. www.lingvist.ru

OLIIY TA'LIMDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH

Yo'ldosheva D.N.,
BuxDU dotsenti, p.f.nomzodi

ANNOTATSIYA. Mazkur maqolada oliy ta'lim bosqichi filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) ta'lim yo'nalishida mutaxassislik fanlaridan bir necha javobli nostandart topshiriqlardan foydalanish tajribasi xususida mulohaza bildirilgan.

Kirish. Oliy ta'lim bo'g'ini – bakalavriat va magistratura ta'limi maqsadida jahon standartlariga mos, raqobatbardosh, intellektual

salohiyatli mutaxassisni jamiyatga yetishtirib berish mo'ljali turadi. Zero, har qanday mamlakatning asosiy kuchini ziyolilar tashkil etadi, jamiyat taraqqiyoti ziyolilarning ma'naviy yetukligi, intellektual salohiyatga qay darajada egaligi bilan belgilanadi. Bo'lajak mutaxassislarning ma'naviy yetukligi, intellektual salohiyati esa ta'lim tizimining mazmuni, shaxsning har tomonlama shakllanishi uchun xizmat qiluvchi moddiy va ma'naviy shart-sharoitlarning mavjudligi, jamiyatda qaror topgan ijtimoiy sog'lom muhit darajasi, ijtimoiy munosabatlar mazmuni, shuningdek, aholining etnopsixologik xususiyatlari, axloqiy qarashlari va hayotiy e'tiqodlari asosida shakllantiriladi.

Asosiy qism. Oliy ta'lim bosqichida yetuk mutaxassis tayyorlash maqsadini ro'yobga chiqarish uchun dastlab oliy ta'limning tur va bosqichlarida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayoniga qo'yiladigan malakaviy talablar, davlat buyurtmasi va ijtimoiy buyurtmani aniqlab olish muhimdir. Chunonchi, 5120100 – Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrning tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan umumiy malakaviy talablar [2,6] quyidagilar:

- dunyoqarash bilan bog'liq tizimli bilimlarga ega bo'lishi; gumanitar va ijtimoiy-iqtisodiy fanlar asoslarini, davlat siyosatining dolzarb masalalarini bilishi; ijtimoiy muammo va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi;

- vatan tarixini bilishi; ma'naviy milliy va umuminsoniy qadriyatlar masalalari yuzasidan o'z fikrini bayon qila olishi va ilmiy asoslay bilishi, milliy istiqlol g'oyasiga asoslangan faol hayotiy nuqtayi nazarga ega bo'lishi;

- tabiat va jamiyatda kechayotgan jarayon va hodisalar haqida yaxlit tasavvurga ega bo'lishi, tabiat va jamiyat rivojlanishi haqidagi bilimlarni egallashi hamda ulardan zamonaviy ilmiy asoslarda foydalana bilishi;

- insonning boshqalarga, jamiyat va atrof-muhitga munosabatini belgilovchi huquqiy hamda ma'naviy mezonlarni bilishi, kasb faoliyatida ularni hisobga ola bilishi;

- axborotni yig'ish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish usullarini egallagan bo'lishi, o'z kasb faoliyatida mustaqil asoslangan qarorlar qabul qila olishi;

- tegishli bakalavriat yo'nalishi bo'yicha raqobatbardosh umumkasbiy tayyorgarlikka ega bo'lishi;

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI


– yangi bilimlarni mustaqil egallay bilishi, o‘z ustida ishlashi va mehnat faoliyatini ilmiy asosda tashkil qila olishi;

– sog‘lom turmush tarzi va unga amal qilish zaruriyati to‘g‘risida ilmiy tasavvur hamda e‘tiqodga, o‘zini jismoniy chiniqtirish o‘quv va ko‘nikmalariga ega bo‘lishi lozim.

Oliy ta‘lim muassasalarida tashkil etiladigan ta‘lim-tarbiya jarayonidan kutiladigan natijalar bakalavrning tayyorgarlik darajasiga qo‘yiladigan umumiy va xususiy malaka talablarida o‘z ifodasini topgan. Mazkur talablar asosida oliy ta‘lim muassasalarida tashkil etiladigan o‘qitish jarayonining ta‘lim mazmuni belgilanadi. Mazkur mazmun huquqiy va me‘yoriy hujjatlarda rasmiylashtirilgan.

Oliy ta‘lim muassasalarida pedagogik faoliyat yuritadigan professor-o‘qituvchilar zimmasiga mazkur mazmunning muayyan bir qismi, ya‘ni belgilangan o‘quv fani bo‘yicha o‘qitish jarayonini tashkil etish vazifasi yuklatilgan.

Malaka talablari aniq. Hamma gap uning bajarilishida. Xo‘sh, bu borada kamchiliklar mavjudmi? Ma‘lumki, oliy ta‘lim muassasalari professor-o‘qituvchilar o‘z zimmalariga yuklatilgan fan mazmuni talabalar tafakkuriga jo etish maqsadida talabalarning o‘quv-bilish faoliyatini tashkil etadilar. Talabalarning muayyan bir o‘quv fani bo‘yicha o‘quv-biluv faoliyatini tashkil etish uchun o‘rganiladigan mavzu mazmuniga mos holda o‘qitish vositalari, metodlarini maqsadga muvofiq tanlashi, ta‘lim mazmuniga mos o‘qitish vositalari, o‘qitish metodlari o‘qitish shakllarida mujassamlashadi. Ya‘ni



Oliy ta‘lim tizimida jamiyatga o‘z ixtisosligini puxta biladigan ijodiy tafakkurli shaxsni yetishtirib berish *ijtimoiy buyurtma* sifatida namoyon bo‘lsa, jahon standartlariga mos, raqobatbardosh, intellektual salohiyatli mutaxassisni tayyorlash *ta‘lim madsadi* hisoblanadi. Ijtimoiy buyurtma talabi va ta‘lim maqsadi o‘zaro uyg‘unlikda davlat talabi – barkamol shaxsni tarbiyalashni namoyon etadi.

Oliy ta‘lim tizimida *ta‘lim mazmuni* ta‘lim usuli, vositalari, ta‘lim natijasini o‘z ichiga oladi. U–ta‘lim maqsadining yoyilmasi; ta‘lim

materiali, usuli va vositalari, ta'lim jarayoni ishtirokchilari o'zaro munosabatlarining oldindan loyihalashtirilgan modelidir.

Oliy ta'lim muassasalarida *ta'lim shakllariga*: ma'ruza, laboratoriya, amaliy va seminar mashg'ulotlari, mustaqil ta'lim, o'quv, dala, pedagogik va ishlab chiqarish amaliyotlari, bitiruv malakaviy ishlar kiradi. Professor-o'qituvchilar mazkur o'qitish shakllarida pedagogik va axborot texnologiyalardan o'rinli va samarali foydalanish yo'llarini loyihalashlari zarur. Ta'lim-tarbiya jarayonida teskari aloqani amalga oshirish uchun, ya'ni olingan natijalarni tahlil etish uchun talabalarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma, malakalari va kompetensiyalarini nazorat qilish va o'z-o'zini nazorat qilish jarayoni yo'lga qo'yilishi juda-juda muhimdir.

Ta'lim usuli ta'lim mazmunining voqelanish shaklidir. Ta'lim usullari, shu jumladan, ona tili ta'limi usullari ham hech qachon universal, umumiy, qat'iy, qotib qolgan va yakka-yu yagona to'g'ri bo'lishi mumkin emas. O'qituvchi sharoitga, muayyan holatga, talabalarning yosh, tajriba, taraqqiyot xususiyatlariga muvofiq ravishda, har bir holatga uyg'un tarzda shu – faqat mavjud sharoit va shu shaxs uchun mos bo'lgan usul tanlay olsagina, ko'zlangan maqsadga yetishi aniq.

"Eng samarali usul"– bu ijodkor o'qituvchi ma'lum bir maqsadga erishishning xilma-xil yo'l va usullaridan (ta'lim va ta'sir usullaridan) xuddi mana shu sharoit hamda holatga mos tanlagan turidir.

Ta'lim usulini bir invariantga keltirish mumkin bo'lmasa-da, didaktlar uning asosiy ko'rinishlarini ma'lum bir tiplarga, turlarga birlashtiradilar [3]: Chunonchi, O.Roziqov, M.Mahmudova, B.Azizov, S.Og'ayevlar ta'lim usullarining asosiy ko'rinishlari sifatida og'zaki bayon (hikoya, ma'ruza, suhbat), ko'rgazmali, muammoli izlanish, mustaqil ishlash, didaktik o'yinlar, amaliylik kabi usullarni (metodlarni) ko'rsatsalar, I.Y.Lerner va M.N.Skatkin o'zlarining ushbu mavzuga bag'ishlangan maxsus tadqiqotlarida ta'lim usullarini reproduktiv ko'rgazmali bayon (репродуктивность, объяснительно-иллюстративность), muammoli (проблемный), tadqiqiy (исследовательский) kabi turlarga ajratadilar va ulardan har biri ma'lum bir maqsadni ko'zlashi, hech qachon barcha holatlar uchun qat'iy va mutlaq bo'la olmasligini takror va takror uqtiradilar. Demak, ta'lim usuli hech qachon va hech bir zamonda yagona, mutlaq bo'lishi mumkin emas. U mavzu xususiyati, o'qituvchi va o'quvchi saviyasi, ta'lim sharoiti hamda

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

juda ko'p holatlar hisobga olingan ravishda ta'lim (mavzu)ning har bir turi, bosqichi, bo'g'ini uchun muayyan ravishda tanlansa-da, ta'lim maqsadi bilan uzviy bog'liq tarzda ta'lim turi, ma'lum o'quv fani uchun global (umumiy) ravishda ma'lum bir yetakchi, asosiy, bosh ko'rinishga ega bo'la oladi.

Ta'lim vositalari deganda ta'lim jarayonida ishlatiladigan, foydalanadigan barcha vositalar – birinchi navbatda darslik, metodik tavsiyalar-u ishlanmalar, ko'rgazma va tarqatma materiallar, lug'atlar (axborot banklari), qomuslar, ma'lumotnomalar (spravochniklar), texnik asbob-uskunalar majmuyi tushuniladi. Mazkur *maqsad~mazmun~shakl~usul~vosita~o'quvchi~talaba munosabati*

zanjiri ta'lim oluvchida quyidagilarni hosil qilishga xizmat qilmog'i lozim:

bilim ~ malaka ~ ko'nikma ~ odat ~ tabiat

Ana shundagina ta'limning turli tur va bosqichlarida ijtimoiy buyurtma sifatida belgilangan ona tili o'qitishning xususiy maqsadlari ro'yobini ta'minlashga erisha olamiz. Mir Alisher Navoiy aytganlaridek:

*Tabiatga har neki odat erur,
Chu eskirdi odat tabiat erur.*

Demak, jamiyat ta'lim oldiga bilimli shaxsni emas, balki bilimlaridan jamiyat talablariga mos foydalana oladigan, mustaqil fikrlaydigan, bunday odat uning tabiatiga aylangan, ya'ni tarbiyalangan, madaniyatli, ma'naviyatli shaxsni yetishtirishni maqsad qilib qo'ydi [4].

Professor-o'qituvchilar tomonidan tashkil etiladigan ta'lim-tariya jarayonining samaradorligini o'rganish va statistik ma'lumotlar natijasi talabalarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish talab darajasidan ancha pastligini ko'rsatmoqda. Odatda, nazoratlar standart o'quv savolnomalari yoki test topshiriqlari asosida olib borilayotganligi, umumiy va xususiy kompetensiyalarni nazorat qilish e'tibordan chetda qolayotganligi, talabalarning o'z-o'zini nazorat qilish va boshqarish jarayoni to'liq tashkil etilmayotganligini ko'rsatdi.

Jahon ta'lim tizimiga nazar tashlasak, dunyoning rivojlangan mamlakatlarida ta'lim beruvchilar tomonidan o'quv fanlari mazmuni bo'yicha nostandart test topshiriqlari banki tuzilgan, mazkur testlar My test dasturi vositasida tuzilgan adaptiv test topshiriqlari bo'lib, talabalarning o'z-o'zini nazorat qilish, bilim, malaka va ko'nikmalarini sinovdan o'tkazish

jarayoni tashkil etilmoqda va bu jarayon ta'lim samaradorligining ortishiga ham bevosita, ham bilvosita ta'sir ko'rsatmoqda.

Har bir o'quv fanining ta'lim mazmunini tahlil qilishda muayyan nazariy asoslarga tayanilishi kerak. Chunonchi, oliy ta'lim tizimida o'quv-biluv jarayoni didakt olim I.Y. Lerner tomonidan taqdim etilgan ta'lim mazmuni mezonlarini to'la qamrab olishi zarur. Bular: 1) ilmiy tushunchalar, g'oyalar, qonunlar, ilmiy nazariyalardan iborat bilimlar; 2) talabada orttirilishi zarur bo'lgan ko'nikma va malakalar, ya'ni faoliyat usullari; 3) ijodiy faoliyat tajribalari; 4) qadriyatlar tizimidir. Amaldagi o'quv-biluv jarayonida, odatda, nazariy bilimlarga urg'u berilib, ta'lim mazmunining keyingi uchta tarkibiy qismi (faoliyat usullari (ko'nikma va malakalar), ijodiy faoliyat tajribalari, qadriyatlar tizimi) e'tibordan chetda qolayotganligi hech birimizga sir emas. Yanayam aniqroq aytadigan bo'lsak, oliy ta'lim tizimida o'quv fanlari bo'yicha tuzilgan test topshiriqlari yoki savolnomalarning aksariyat qismi reproduktiv darajadagi topshiriqlar bo'lib, ular, asosan, ishchi dasturda ko'rsatilgan bilim, ko'nikma va malakalarning faqat bilim darajasini aniqlash imkonini beradi. Ko'nikma va malakalarni aniqlash uchun tavsiya etilgan topshiriqlar ham "haminqadar" bo'lib, ular ijtimoiy buyurtma talablarini 10-15 foizgagina ado eta oladi, xolos.

Oliy ta'lim tizimida dars berayotgan har bir professor-o'qituvchining pedagogik faoliyatida vujudga kelayotgan "kemtikliklar"ni bartaraf etish, talabalar o'zlashtirishlari lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni aniq loyihalash va uni amalga oshirish uchun talabalarga ta'lim beruvchi tomonidan taqdim etilayotgan nazorat topshiriqlarini xilma-xillashtirish, darajalash, ya'ni talabani fikr yuritishga undaydigan topshiriqlar, testlar bankini yaratish lozim. Toki talabaga taqdim etayotgan testlarimiz, topshiriqlarimiz ularni o'quv materialini qayta ishlashga, aqliy operatsiyalar bajarishga, xotirada saqlangan ma'lumotlarini tizimlashtirishga unday olsin. Masalan,

Lisoniy ziddiyat turi to'g'ri ko'rsatilgan mos raqamlarni jadvalning o'ng tomoniga yozing.

1) choy~ovqat 2) do'stona~do'stlarcha~do'stlarga xos 3) fonema, sillabima, leksema 4) lisoniy birlik~morfema 5) ot, uyur, hayvon 6) picha~ancha 7) ot~baytal 8) ot~biya 9) qogoz, varaq, daftar, kitob 10) ot, eshak, xachir 11) balo~o'lim 12) g'o'nan~do'nan~osi 13) shoir~shoira

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

14) samimiy~nosamimiy 15) tobe~hokim 16) kelishik~jo'nalish 17) bexirad
~ nodon~johil 18) bug'~suv~muz 19) tog'a~xola 20) lablangan~lablanmagan

Lisoniy ziddiyat turi	javob raqamlari
noto'liq (privativ)	
darajali (gradual)	
teng qiymatli (ekvipolent)	

Tilshunoslik bo'yicha tavsiya etayotgan nostandart topshiriqlarimizdan (talabalar tomonidan bajarilishi ko'zda tutilgan ta'lim mazmunining asosiy tarkibiy qismlaridan biri) ijodiy faoliyat tajribalari bosqichini aniqlashda qo'llaniladigan nazorat turi sifatida foydalanish mumkin. Bu talabalar tomonidan aqliy operatsiyalar: tahlil, sintez, taqqoslash, qiyoslash, umumlashtirish va xulosa yasashni, ya'ni ijodiy fikr yuritishni talab etadi.

Xulosa shuki, butun mamlakatimizda oliy ta'lim sohasida tub islohotlar [1] amalga oshirilayotgan bir davrda an'anaviy shakl va usullardan voz kechishimiz, samara bera oladigan yangiliklar, masalan, nostandart topshiriqlardan unumli foydalanib, ta'lim samaradorligining oshishini ta'minlamog'imiz zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори.

2. 5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари.–Тошкент, 2017.–45 бет.–6-бет.

3. Лернер И.Я., Скаткин М.Н. О методах обучения. – М.: Педагогика, 1979. – стр.115-121.; Розиков О., Оғаев С., Махмудова М., Адизов Б. Дидактика. – Т.: Фан, 1997. – 184-202-б.

4. Yo'ldosheva D.N., Cho'lliyeva G.T. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar.– Germaniya: "Globe Edit international Publishing Group" ISBN-13: 978-620-0-60918-2.– 2020.–172 с.

ONA TILINI O'QITISH METODIKASI VA ILMIY ASOSLARI

Sharipova Firuza,

Buxoro MTL, "Xorijiy tillar" kafedrası o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ona tili o'zbek xalqining milliy tili bo'lib, u kasb-hunar kollejlarda asosiy o'quv predmeti sifatida o'qitiladi. Ona tilini o'rganish natijasida o'quvchilarning aqli, ongi, umumiy madaniy darajasi oshadi, tevarak - atrofimizdagi voqea – hodisalar, tabiat va jamiyat qonuniyatlarini to'laroq tushunib boradilar. Ona tilini bilish natijasidagina o'quvchining og'zaki va yozma nutqi rivojlanadi, o'rganiladigan boshqa o'quv predmetlarini yaxshiroq bilib olishga erishadi, tevarak atrofdagi voqea – hodisalar, umuman, borliq, dunyo to'g'risidagi bilimlari kengayadi.

Til o'zaro muomala, aloqa vositasi, tafakkur quroli. Dunyo xalqlari uchun o'z ona tili bebaho qadriyat, millat g'ururi. Til millatning ongi va xotirasi, ruhiyati, ma'naviy-madaniy qiyofasi, milliy qadriyatlari, o'tmishi, tashqi olamga munosabatining in'ikosi hamdir. Tilning millat, davlat, jamiyat taraqqiyotidagi o'rni juda muhim, o'ta zaruriy va dolzarb. Zero, bu tushunchalar o'zaro dialektik bog'liq va aloqador. Millat, davlat, jamiyat taraqqiy qilar ekan, uning ona tiliga bo'lgan e'tibori va mehri kuchaya boradi. Ijtimoiy hayotdagi taraqqiyot tildagi taraqqiyotni belgilab beradi. Prezidentimizning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida qayd etilganidek, "Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi". Ulug' allomalarimiz kitoblarida ham til, so'zlashuv odobi, nutq madaniyati haqida g'oyat qimmatli fikrlar bayon etilgan.

O'quvchilarga ona tilini o'rgatish, ularni tarbiyalash, har tomonlama o'stirish vazifasidan kelib chiqib, bilish nazariyasiga asoslanib, barcha yaqin, o'zaro bog'liq fanlar tavsiyalariga asoslanib ona tili o'qitish metodikasi o'z tamoyillarini ishlab chiqadi. Bu tamoyillar umumdidaktik tamoyillardan tashqari tamoyillar bo'lib, o'qituvchi bilan o'quvchi o'rtasidagi o'quv mehnatining yunalishlarini belgilab beradi.

Ona tili o'qitish tamoyillari 5 ta:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

1. Til materiyasiga, nutq organlarining o'sishiga, nutq malakalarinikg to'g'ri rivojlanishiga e'tibor berish tamoyili. Nutq, til qonuniyatlariga, oz bo'lsa-da, e'tibor bermaslik amaliy nutq faoliyatini egallashga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Masalan, fonetik ko'nikmalarga yetarli e'tibor berilmasa imloviy savodxonlikka putur yetadi. Bu ta'lim tamoyili tildan olibboriladigan mashg'ulotlarda eshituv va ko'ruv ko'rsatmaliligini ta'minlashni va nutq organlarini mashqlantirishni (gapirib berish, ifodali o'qishni, ichida gapirishni) talab etadi.

2. Til ma'nolarini (leksik, grammatik, morfemik, sintaktik ma'nolarini) tushunish tamoyili. So'zni, morfemani, so'z birikmasini, gapni tushunish borliqdagi ma'lum voqea-hodisalar o'rtasilagi bog'lanishni aniqlash demakdir. Til ma'nolarini tushunish tamoyiliga amal qilishning sharti tilning hamma tomonlarini, tilga oid barcha fanlar (grammatika, leksika, fonetika, orfografiya, stilistika)ni o'zaro boglangan holda o'rganish xisoblanadi. Masalan, morfologiyani sintaksisga tayangan holdagina o'rganish, o'zlashtirish mumkin. Sintaksisni o'rganishda esa morfologiyaga suyaniladi, orfografiya fonetika, grammatika, so'z yasalishiga suyanadi va h.k. So'zni morfemik tomondan tahlil qilish uning ma'nosini tushunishga yordam beradi. Tilning hamma tomonlari bir-biri bilan o'zaro boglangan bo'lib, o'qitishda buni albatta xisobga olish kerak.

3. Tilga sezgirlikni o'stirish tamoyili. Til - juda murakkab hodisa, uning tuzilishini, sistemasini fahmlab olmay turib, sal bo'lsa-da, uning qonuniyatlarini, o'xshashliklarini o'zlashtirmay turib uni yodda saqlab bo'lmaydi. Bola gaplashish, o'qish, eshitish bilan til materiallarini yig'adi, uning qonunlarini o'zlashtiradi. Natijada kishida tilga sezgirlik (til hodisalarini tushunish) xususiyati shakllanadi.

4. Nutqning ifodaliligiga baho berish tamoyili. Bu tamoyil til hodisalarini tushunmay turib savodli yozish, nutq madannyati vositalarining xabar berish funktsiyasini tushunish bilan bir qatorda, uning ifodalilik (uslubga oid) funktsiyasini tushunishni, mazmuninigina emas, balki so'z va nutq tarkibining, tilning boshqa badiiy-tasviriy vositalarining hissiy ta'sir etishini ham tushunishni ko'zda tutadi. Bu tamoyilga amal qilish uchun, birinchi navbatda, badiiy adabiyotlardan, shuningdek, tilning funktsional-stilistik xususiyatlari aniq ifodalangan boshqa matnlardan foydalanish talab etiladi.

5.Og'zaki nutqni yozma nutqdan oldin o'zlashtirish tamoyili. Bu tamoyil ham kishi nutqining rivojlanishiga ta'sir etadi va til o'qitish metodikasini tuzishda xizmat qiladi. Metodika tamoyillari, didaktika tamoyillari kabi, o'qituvchi bilan o'quvchining maqsadga muvofik; faoliyatini belgilashga, ularning birgalikdagi ishlarida qulay yunalishini tanlashga yordam beradi, metodikaning fan sifatida nazariy asoslash elementlaridan biri bo'lib xizmat qiladi.

Bir so'z bilan aytganda, til millatning ma'naviy-ruhiy boyligi, mulki ekan, unga hurmat bilan qarash, e'zozlash, uning yuksalishi, tilimizning sofliigi, boyligi yo'lida kurashish, milliy qadriyat darajasiga ko'tarish barchamizning burchimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.T.Bushuy, Sh.Safarov. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. "Fan" nashriyoti.2007.

2.Abduraxmonov X, Rafiyev A.Rafiyev, D.Shodmonqulova. O'zbek tilining amaliy grammatikasi. –T.: "O'qituvchi", 1992.

3.Блонский П. П. Как обеспечить будущим учителям знание возрастных особенностей детей // Пед. образование. 1934. № 6. С. 40—44.

ONA TILIM-ONAJONIM TILI BU

Sharipova Viloyat,

Shofirkon tumanidagi 49-maktab o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Har bir millat o'z hayoti davomida aloqa-aralashuv quroli sifatida, asosan, bitta tildan foydalanadi. Farzandni tarbiyalab voyaga yetkazishda onaning o'rni beqiyos bo'lganligi, bola ilk tovushlarni,so'zlarni onasidan eshitganligi bois, bu tilga ona tili deyiladi. Ota-bobolarimiz asrlar davomida ona tilimizni asrab-avaylab kelganlar. 1989-yilning 21-oktabr kuni o'zbek tiliga Davlat tili maqomi berildi. Shundan boshlab ta'lim-tarbiya ishlari, majlislar, ish qog'ozlari, asosan, o'zbek tilida yuritiladigan bo'ldi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili millatning ruhidir. O'z tilini yo'qotgan har qanday millat o'zligidan judo bo'lishi muqarrar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Darhaqiqat, til-millat ko'zgusi. Til – inson aqliy, ruhiy va amaliy faoliyatining quroli va harakatlantiruvchi kuchi, bu faoliyat natijasi sifatidagi tajribalarning jamlovchisi va saqlovchisi, kishilar o'rtasidagi, ajdod va avlod orasidagi bilim-u axborot “oldi-berdisi”ning ta'minlovchisi. U yo'qolsa, tamaddun tugaydi, u salomat bo'lmasa, millat sochilib ketadi. Shuning uchun ma'rifatli xalq, erki o'zida davlat til muhofazasini ulug' maqsad deb biladi, uni rivojlantirish qayg'usini bir lahza unutmaydi.

Xalqimiz orasida til haqidagi bir qancha maqol va hikmatli so'zlarbor:

Ona tilim-jon-u dilim.

Ona tilim-jonimga masih.

Ona tilini unutganlar xor bo'ladi.

Tili shirinning do'sti ko'p bo'lar.

Til-millatning qalbi.

Tilingni avayla omondir boshing,

So'zingni avayla uzayar yoshing.

Tilga e'tibor-elga e'tibor.

O'z vataningga bo'lgan muhabbatini o'z tilingga muhabbatingiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadurgon oinai hayoti til va adabiyotidir.

Til kishini baxtli qiladi. Til kishini xor-zor ham qiladi. Til tufayli odamning boshi ham ketadi. Ikki narsa bilan kishi qarimaydi: biri – ezgu xulq, biri yaxshi so'z.

Bu maqol va hikmatli so'zlar ona tilimizga bo'lgan muhabbatimizni kuchaytiradi

Dunyoga kelgan har bir bola haqiqiy inson bo'lib yetishishi uchun juda ko'p narsalarni bilishi kerak. U o'ziga kerakli bilimni ko'rib, eshitib va o'qib o'rganadi. Eshitib va o'qib o'rganish til vositasida amalga oshadi va uning imkoniyati cheksizdir. Agar til bo'lmay, har bir kishining tirikligi uning o'z tajribasiga asoslangan bo'lsa edi, inson shu kungacha hayvon qanday yashasa, shunday yashagan va bugungi moddiy va ma'naviy taraqqiyotga erishmagan bo'lardi. Tilning birinchi ma'rifiy ahamiyati shundan iboratki, til tufayli jamiyat a'zolarining har birida hosil bo'lgan bilim ommalashib, uning ko'pchilik tomonidan rivojlantirilishiga imkon tug'iladi. Undan tashqari, til tufayli bilim avloddan avlodga og'zaki yoki yozma tarzda qoldiriladi. Natijada yangi avlod o'tgan avlodning ishini

yangidan boshlamasdan, uni davom ettiradi. Bu bilan yana taraqqiyot ta'minlanadi.

Buyuk bobomiz Mir Alisher Navoiy ham o'z asarlarida so'z, til borasida juda ko'p fikrlarni keltirib o'tganlar. Jumladan, biz yuqorida epigrafda keltirgan baytimizni olaylik. Kimki bir ko'ngli buzilib turgan insonning ruhini, kayfiyatini ko'tarsa, u vayron bo'lgan Ka'bani tuzatganning savobini olgan bo'ladi, degan mazmun anglashiladi. Yoxud shoirimizning "Xamsa"sidagi bir necha boblar so'z ta'rifiga bag'ishlangan. Ularni mutolaa qilar ekanmiz, so'zning qudrati, ta'sir kuchi, jilvasiga alohida urg'u berganligiga guvoh bo'lamiz. Shoir, avvalo, hayot mohiyati hisoblangan to'rt unsur: suv, havo, olov, tuproqning ham, yetti qavat osmondagi yetti sayyoraning ham so'z tufayli vujudga kelganini ta'kidlaydi.

Insonni hayvonot olamidan farqlovchi asosiy belgi ham so'z ekanligini aytadi:

Insonni so'z ayladi judo hayvondin,
Bilkim, guhari sharifroq yo'q ondin.

Shunday ekan, so'z gavharining sharofati shunchalar yuksakki, uning qarshisida eng qimmatbaho narsalar ham qadrsizlanadi:

So'z guhariga erur oncha sharaf,
Kim bo'la olmas anga gavhar sadaf.

Shunday qilib, Alisher Navoiy asarlari bizni dunyoning eng sirli mo'jizasi hisoblangan so'zga ehtiyotkorlik va mas'uliyat bilan munosabatda bo'lishga, uni qadrlashga chorlaydi. Zero, buyuk ma'rifatparvar, millatparvar bobomiz Abdulla Avloniy aytganidek:

Umumiy tilni saqlamak ila barobar xususiy og'iz orasidagi tilni ham saqlamak lozimdur. Chunki so'z insonning daraja va kamolini, ilm va fazlini o'lchab ko'rsatadurgan tarozusidur. Aql sohiblari kishining dilidagi fikr va niyatini, ilm va quvvatini, qadr va qiymatini so'zlagan so'zidan bilurlar.

Boshimizga keladurgan qattig' kulfatlarning ko'pi yumshoq tilimizdan keladur. Shuning uchun: "Ko'p o'yla, oz so'zla", – demishlar. Tillarning eng yaxshisi – so'zga usta til, so'zlarning eng yaxshisi bilib, oxirini o'ylab so'zlangan so'zdur.

Insonning o'z ona tiliga bo'lgan mehr-u muhabbati va hurmati, o'z tilini qanchalik bilish bilmasligi undagi madaniylik darajasiga o'lchovdir. Madaniyatning tom ma'nosini tushungan, ya'ni madaniylik qonun

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qoidalari tanasiga singib ketgan har bir odam o'zi gapirgan tilning sofligi, tantanasi uchun hamma vaqt jon kuydiradi. Bunday odam ruscha gapirayotganda, rus tilining, o'zbekcha gapirayotganda o'zbek tilining sofligini saqlaydi. Madaniyatning nima ekanini anglamagan, o'z ona tilini qadrlamagan saviyasi past odamgina ruscha gapirib turib o'zbekcha so'zlarni, o'zbekcha gapirib turib ruscha so'zlarni aralashtiradi. Bu esa har ikkala tilni buzish, ikkala tilning yuziga oyoq bosishdan boshqa narsa emas. Mazkur tillarda har qanday fikr va mulohazani juda chiroyli qilib bildirish, har qanday lavha va manzarani odam hushini oladigan qilib tasvirlash mumkin.

Haqiqatan ham, bir tilda toza gapira olmagan yo toza gapirishni mensimagan odamni aslo madaniyatli deb bo'lmaydi. Madaniyatli bo'lish uchun odamga shirinso'zlik, tozalik, saranjomlik, og'irlik, halollik va eng muhimi, o'z ona tiliga muhabbat va uning sofligini saqlashga harakat ham zarurdir.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, biz yoshlar ona tilimizning sofligi uchun kurashuvchi asosiy kuch bo'lishimiz lozim. Buning uchun, avvalo, ona tilimizni chuqur va puxta o'rganmog'imiz lozim. Shunda tilimiz bor bo'y-basti, chiroyi bilan namoyon bo'ladi.

Ona tilimiz bizning g'urur va orimizdir. Ajdodlarimizdan meros qolgan, buyuk Navoiy yuksak cho'qqilarga olib chiqqan tilimizni asrab-avaylash bizning farzandlik burchimizdir.

Ona tilim-onajonim tili bu, Beshikdanoq singgan jon-u quloqqa.

El-u yurtim xonumonim tili bu, Qadimlikda o'xshar ona tuproqqa.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маққеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.
2. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.
3. Salomov G'. Til va tarjima. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 384.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.

AN'ANAVIY MAVZUNING YANGICHA TALQINI

Shirinova Aziza,

BuxDU Adabiyotshunoslik (o'zbek adabiyoti) yo'nalishi 2-bosqich magistanti

ANNOTATSIYA. Muhabbat mavzusiga aloqador an'anaviy obrazlar sanalmish oshiq, ma'shuqa va ag'yor mumtoz adabiyotning asosiy obrazlari sirasiga kiradi va bu boradagi tadqiqotlar yetarli. Maqolada ana shu an'anaviy obrazlarning Shavkat Rahmon she'riyatida tutgan o'rnini xususida fikr yuritilgan.

Asosiy qism. An'anaviy obrazlar ma'lum bir xalq adabiyotida uzoq davr mobaynida shakllangan, ma'lum ma'noda qolipga tushgan obrazlardir. Mumtoz she'riyatda an'anaviy mavzu sanalgan muhabbat bilan bog'liq obrazlar: oshiq, ma'shuqa va ag'yor ana shunday obrazlar sirasiga kiradi. Ammo mavzu hamda obraz an'anaviy bo'lsa-da, har bir ijodkor uni o'ziga xos uslubda idrok etadi va badiiy gavdalantiradi. Ayniqsa, XX asr o'zbek she'riyatida ishqning yangicha ifodalari ko'zga tashlandi. Vatanga, xalqqa muhabbat ifodasi kuchaydi. Ayni damda, adabiyotning doimgi, an'anaviy mavzusi hisoblangan yor ishq mavzusi saqlanib qoldi, saqlanib qoladi ham. Ammo ifoda, munosabat yangilanib boraveradi. Bu holatni Shavkat Rahmon she'riyati misolida ko'rish mumkin.

Shavkat Rahmon she'riyatida an'anaviy mavzu va obrazlar shoirning poetik maqsadi yo'lida xizmat qildirilgan. Adabiyotshunos Ulug'bek Hamdam shunday yozadi: "Shavkat Rahmon ko'p qirrali shoir: u – tabiat oshig'i, u faylasuf, u – ijtimoiy adolat himoyachisi, u – muhabbat kuychisi" [1.113.]. Quyidagi satrlarda ham ma'shuqadan ayrilgan oshiqning dil tuyg'ulari aks ettirilgan:

Muhabbat – chiroyli kapalak,
Qo'rqaman sho'rlikni tutgani.
Kapalak quvganim yodimda,
Yodimda yo'q ammo yetganim.

Ehtimol, shundandir hamisha
Gul kabi ochilmas tunlarim.
Qarayman, muncha ko'p umrimda
Kapalak quvmagan tunlarim [2.127.].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

She'rni o'qir ekansiz, shoir tashbehlariga nisbatan savol tug'ilishi tabiiy o'quvchida. Nega muhabbat chiroyli kapalak? Nega tunlar gul kabi ochilmaydi? Agar tabiatni teran nigoh bilan kuzatsangiz, unda hech bir narsa ortiqcha yoxud xunuk emas. Uning har bir zarrasi orasida ajralmas zanjir mavjud. Biz adabiyotni hayotning in'ikosi deb ataymiz. Shundan kelib chiqqan holda birinchi misradagi tashbeh ham o'zini to'la oqlaydi. Jonli mavjudot ichida eng go'zali, eng nozigi va ayni damda, eng qisqa umr ko'ruvchisi kapalak hisoblanadi. Uni ozmuncha mehnat bilan qo'lga kiritish mumkinmi? Qo'lga kiritgach ham kapalak ma'lum soniyadan so'ng bu yorug' olamni tark etadi. Uni faqat tabiat qo'ynida kuzatib, chiroyidan bahra olish mumkin. Xuddi shu holatni lirik qahramon o'z muhabbatiga o'xshatadi. Erisholmagan muhabbatini ortidan quvib yetolmagan kapalakka mengzaydi. Bu she'rda oshiq obrazi bor. Oshiq – lirik qahramon. U quvib yetolmagan kapalak – muhabbatning ortida ma'shuqa yashirin. Madomiki, ular hijronda ekan, demak she'rda mutlaqo ko'rinmay turgan ag'yor ham bor:

Yuragim ranjigan boladay
Na ermak, taskinga ko'nadi.
Muhabbat – chiroyli kapalak,
Hali ham gullarga qo'nadi.

Ortidan halloslab chopaman,
Uyalib ketaman g'o'rlikdan –
Men qancha yugurmay, baribir
Orqada qolardim sho'rlikdan [2.127].

Endi ikkinchi banddagi o'xshatishga diqqatni qaratadigan bo'lsak, tunlarining gul kabi ochilmasligini oshiq aynan kapalakka yetolmagani, ya'ni muhabbatiga yetolmagani bilan bog'laydi. Negaki, oshiq kunduzlari tabiat quchog'ida kapalakni – muhabbatini garchi quvib yetolmasa-da – ko'rib, joni ozgina orom topadi. Tunda esa hijron uni kemirib ado qiladi. Agar kapalakni tuta olganda edi, hijronli tunlar visol bilan almashar va oshiqning tunlari ham gul kabi ochilib, chiroyli bo'lar edi. Mumtoz adabiyotda oshiq, ma'shuqa, ag'yor obrazlari aksariyat hollarda aniq ifodalanadi. Ko'rinadiki, shoir Shavkat Rahmonning an'anaviy obrazlarga yondashuvi o'ziga xos. Oshiq yuragidagi g'alayonlarni aks ettirishning juda mohirona usulini topgan shoir uni ranjigan bolaga o'xshatadi. Ayriliq

bilan yakun topgan muhabbat mumtoz adabiyotdagi kabidir. Ammo bu she'rdagi biz oshiq deb atayotganimiz lirik qahramon ma'shuqa tomonidan sevilganmi?! Ag'yor aslida kim, tarzidagi savollarga aniq javob yo'q. An'anaviy obrazlarga munosabatning o'zgaligi shu jihatlarda bilan ham bog'liqdir.

Shavkat Rahmon ijodida muhabbat haqidagi she'rlar ko'pchilikni tashkil qilmaydi. Muhabbatni chiroyli kapalakka o'xshatgan shoir boshqa bir she'rida uni go'zal qushchaga qiyoslaydi. Avvalgi she'rida kapalakka mengzalgan muhabbatning bu she'rdagi qushchaga o'xshatilishida asos bormikan? Nega shoir endi uni go'zal qushcha deyapti? Yoxud kapalakka yetolmagan oshiq bu she'rdagi visolga yetdimikan?

Muhabbat

bir go'zal qushchadir,

u kelar,

dil-dildan og'rinib,

hayotni sog'inib,

bir o'zing

o'ylanib, qiynalgan chog'ingda [2.94].

Yuqorida tahlilga tortilgan she'rdan farqli o'laroq bu she'rdagi lirik qahramon muhabbatdan mamnun. "Go'zal qushcha diling og'riganda, hayotdan zerikib, qiynalganingda uchib keladi", – deydi shoir va she'rxonda umidvorlik yuzaga keladi. Demak, bu muhabbatdan oshiq mamnun. Endi she'rning qolgan misralarini tahlilga tortamiz. Oshiq holatidagi bu ruhiyat asar oxirigacha davom etadimi?

U kelar,

qo'lingni uzatsang

yetguday bir joyda tovlanar,

Bilmayman,

chiroyli bu qushcha

qay usul, qay holda ovlanar.

Umrimga ko'p bora ko'rganman,

har safar o'ylab men tutishni,

ortiqcha harakat, sharpa-la

uchirib qo'yganman bu qushni [2.94-95].

Mumtoz adabiyotdagi kabi an'anaviy mavzu – ishq mavzusi. Ammo "ishq" so'zi o'rnida "muhabbat" so'zi qo'llanmoqda. Muhabbat tuyg'usi obrazlantirilgan. Muhabbat – qushcha. Xuddi oldingi she'rdagi kabi hijron

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

boru, uning sababi ifodalanmagan. Bu hajrning gunohkorlari ma'shuqa va ag'yor obrazi yashirin.

Shoirning she'riyatini nazardan o'tkazib, shunday fikr paydo bo'ladi: Shavkat Rahmon she'riyatining lirik qahramoni bo'lgan oshiq muhabbatiga yetolmagan, hijrondan iztirob chekkan, lekin bundan hech bir yomonlik axtarmaydigan, ezgu tasavvurli qahramondir:

Bu qushcha sira ham tutilmas,
Kuzatmoq kerakdir yiroqdan,
Nafasing chiqarmay bir umr
Bir umr, bir umr
Titroqda [2.95].

Navoiy hazratlari "Layli va Majnun"da ifodalagan pokdomon ishq ifodasining yangicha, betakror ifodasi she'rxonni maftun qiladi. Shoir shunday ishqning tarafdori sifatida she'rxonni o'z safiga torta oladi. Chunki qushchanning qay usulda ovlanishini bilmay nuqul uchirib yuborayotgan kishi muhabbatiga erisha olmagan oshiq bo'lishi bilan bir qatorda poklikda tengsiz ham-da. Oshiqning bu holati o'quvchi ongida ham muhabbat haqida o'zgacha bir tuyg'u tug'diradi: oshqlik faqat visoldan iborat emas. Agar diqqat qilinsa, mavhum tushuncha hisoblangan muhabbatni aniq gavdalantirish uchun istifo'da etilgan har ikki obraz (kapalak, qushcha)da ma'lum bir umumiylik bor. Kapalak ham, qushcha ham shu darajada nozikki, biror harakat tugul, oddiy sharpadan ham hurkib ketadi. Ular go'yo zaminiy mavjudotlar emas. Ular erkin-erkin uchib yuradigan samo mavjudotlaridir. Shuning uchun ham ularning har ikkisini tutish mumkin emas. Kapalakni ham, qushchani ham tutish – ularni o'z mohiyatidan mahrum qilish demak. Shoir tasavvurining kuchi bilan topilgan har ikkala obraz ham muhabbatning ilohiy bir tuyg'u ekanligini juda aniq-tiniq ifodalaydi. Xulosa shuki, Shavkat Rahmon qalamga olgan an'anaviy mavzu ifodasi, an'anaviy obrazlar tasviri o'ziga xoslik kasb etgani bilan e'tirofga loyiq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ulug'bek Hamdam. Shoir – "tuzalmas" haqiqatparast / Kitobda: Shavkat Rahmonni xotirlab. – Toshkent: Sharq NMAK, 2012. – B.107-122.
2. Shavkat Rahmon. Abadiyat oralab. – Toshkent: Movarounnahr, 2012. – 384 b.

O‘ZBEKISTONDA ALIFBO VA IMLO

MASALALARINING TADRIJIY TARAQQIYOTI

Rafiqjon ZARIPOV Ergashboy o‘g‘li

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU doktranti.

Annotatsiya: maqolada alifbo va imlo masalalarining tadrijiy taraqqiyoti yoritilgan bo‘lib, bu borada istiqloldan avvalgi hamda mustaqillik yillarida qabul qilingan qonun hujjatlari mohiyati yoritilgan. Shuningdek, ushbu masalaga jamoatchilik munosabati tahlil qilingan va har bir davrda alifbo va imlo masalalari dolzarb bo‘lib kelganligi misollar asosida bayon qilingan. Maqola so‘ngida mamlakatimizda ushbu masalada muammolar vujudga kelganligi hamda bu boradagi yechimlar keltirilgan.

Respublikamiz mustaqillikka erishgach har jabhada yangilanishlar ko‘zga tashlanib, yuksaldi. O‘zbekiston Respublikasi «Davlat tili haqida»gi Qonunning qabul qilinishi o‘zbek tilining taraqqiyotida, bugungi kundagi rivojida muhim ahamiyat kasb etdi. Ona tilimizga bo‘lgan e‘tibor yozuvda ham aks etdi, ya‘ni yozuv takomili ham amalga oshirildi. Bu borada aytishimiz lozim bo‘lgan jihat kirill yozuvidan lotin yozuviga o‘tganimizdir. Biz ba‘zi faktlarga qiyosiy va mustaqil yondashuvlar asosida e‘tibor qaratmoqchimiz.

20-yillar boshidayoq o‘zbek adabiy tili va yozuvini takomillashtirish bo‘yicha ikki asosiy taklif ko‘rib chiqila boshlandi: birinchisi, arab alifbosini o‘zbek yozuvi uchun asos sifatida saqlab qolish. Lekin ushbu holatda uni jiddiy isloh etish lozim (unlilar kiritish, belgilar sonini kamaytirish, har bir harfni yozish bo‘yicha yagona qoida ishlab chiqish va hokazo). A.Fitratning o‘zi shu g‘oya tarafdori edi.

Keyingi taklif ancha keskin bo‘lgan – arab alifbosini lotin yozuvi bilan almashtirish. Ushbu variant yosh ziyolilar tomonidan ilgari surildi.

O‘zbek adabiyotining bir qator yosh namoyandalari (Fitrat, Elbek, Q. Ramazon va boshqalar) umuman ko‘p asrlik eski o‘zbek adabiyotidan, arab, fors tillariga ergashishdan voz kechib, tilni ommaga iloji boricha yaqinlashtirishni taklif qildilar(5). Tilni u yoki bu darajada yangilashni ko‘plab shoir, yozuvchi va publitsistlar yoqladilar(5).

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Garchi isloh etilgan arab yozuvi 1929-30-yillargacha istifoda qilingan bo'lsa-da, 1923-24-yillardayoq turkiy tillar uchun lotin alifbosini tuzish bo'yicha metodik va tashkiliy ishlar boshlandi.

1924-yili mashhur turkiyshunos, sharqshunos va tarixchi Y. D. Polivanov «O'zbek yozuvi uchun lotin shrifti loyihasi»ni nashr qildi.

1926-yil 26-fevral, 6-mart kunlarida Bokuda I Umumittifoq turkiyshunoslar syezdi bo'lib o'tadi. Unda sobiq SSSRdagi barcha turkiy tillarni 1928-29-yillardan boshlab lotin yozuviga o'tishi haqidagi qaror qabul qilindi. 1926-27-yillarda tatarlar va qirg'izlar lotin yozuvidan foydalana boshladilar. 1923-yillarda ozarbayjon, boshqird, turkman, qoraqalpoq, qozoq, qrim-tatar, 1930-yildan esa uyg'urlar ham (SSSR qismidagilari) uni istifoda qilishga kirishishdi.

O'zbekistonda 1929-yili lotin yozuvi davlat yozuvi deb e'lon qilinib, asta-sekin unga o'tish dasturi ishlab chiqildi.

1940-yil mayda sobiq O'zbekiston SSR Oliy Soveti o'zbek alifbosini rus grafikasiga o'tkazish bo'yicha qonun qabul qilib, yangi alifbo loyihasini tasdiqladi.

Nihoyat, 1956-yili «O'zbek tili imlosining asosiy qoidalar»i qabul qilindi.

50-yillar o'rtasidan 80-yillar o'rtalarigacha o'zbek tilida mohiyatan o'zgarish kuzatilmadi. Ma'lum ma'noda bu davrda «turg'unlik» bo'lgan.

80-yillar o'rtalaridan ommaning o'zbek tiliga davlat tili maqomini berish uchun faol harakatlari boshlandi. Ushbu urinishlar hosilasi sifatida 1989-yil 21-oktabrda o'zbek tili taraqqiyotida tarixiy hodisa bo'lmish "Davlat tili haqida"gi Qonun qabul qilindi. O'zbekiston respublikasining "Davlat tili to'g'risida"gi qonunning 1989-yilgi nashri 30 moddadan iborat edi. Istiqlol qo'lga kiritilgach yillar davomida ushbu qonun amalda bo'lib keldi. Davlat ishlarida ikki til teng maqomda qo'llanildi. Keyinchalik o'zbek tilining nufuzini ko'tarish ehtiyoji yuzaga keldi. Buning natijasida 1995-yil 21-dekabrda ushbu qonun yangi tahrirda zamon talablari asosida tahrirlanib qabul qilindi. Yangi tahrirdagi "O'zbekiston Respublikasining Davlat tili haqida"gi qonunga o'zgartirishlar va qo'shimchalar kiritish to'g'risida(2) O'zbekiston Respublikasining qonuni 24 moddadan iborat bo'ldi. Shu kabi qator o'zgarishlar kiritilgan qanun o'zbek tilining yuqori sur'atda rivoji uchun keng yo'l ochdi.

Mamlakatimizda o'zbek tilining huquqiy me'yorlari belgilanishi bilan birga alifbo va imlo masalalari ham qonuniy tartibga solindi.

Mustaqillikning ilk yillarida yurtimizda amalda krill alifbosidan foydalanilar edi. Keyinroq lotin yozuviga o'tish masalasi kun tartibiga ko'tarildi. Buning qator sabablari mavjud bo'lgan. Jumladan, o'zbek tilining imkoniyatlari krill alifbosidan ko'ra lotin yozuvida to'laroq, kengroq ifodalanishida edi. Shunday qilib, mamlakatimizda 1993-yil 2-sentyabrda Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida(1) O'zbekiston Respublikasining Qonuni qabul qilindi. Unga ko'ra yurtimizda lotin alifbosida faoliyat olib borish belgilangan edi.

Keyingi yillarda krill alifbosidan lotin alifbosiga o'tish muammosi bilan birga yurtimizda qabul qilingan lotin alifbosida ham qator kamchiliklar mavjudligi yuzaga chiqdi. Yillar davomida bir alifbodan boshqasiga o'tishda sustkashlikka yo'l qo'yilib kelindi, buning oqibatida qator muammolar haligacha yuzaga kelmoqda. O'zbek lotin alifbosining ham mukammal emasligi alifboni qo'llashda muammolar shakllanishiga olib keldi. Aytishimiz mumkinki, lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi boshidayoq muammoli bo'lgan, ammo o'sha davr nuqtayi-nazaridan olganda alifbodagi harflar hech qanday munozaraga sabab bo'lmaydi deb hisoblangan. Bugungi kunga kelib internet, texnologiyar insoniyat hayotiga kirib kelgan paytda ushbu alifbodagi harflarning barchasi ham mukammal va qulay emasligi ko'zga tashlandi. Hozirgi sivilizatsiya va globallashuv davrida qulaylik, mukammallik alohida ahamiyatga ega. Shuning uchun ham alifbo harflari har tomonlama imkoniyati keng bo'lishi darkor. Respublikamizda lotin yozuvidagi ayrim harflar jumladan Sh Ch O' G' harflari xalqimiz orasida yozuv masalasida muammolarni yuzaga keltirmoqda. Ushbu jihatlarni bartaraf etish uchun esa, o'zbek lotin alifbosi islohoti o'tkazish maqsadga muvofiq ekani, shu orqali alifbodagi ayrim harflar mukammallashtirilishi ko'plab mutaxassislar tomonidan ta'kidlanmoqda. Haqiqatdan ham alifbodagi ayrim harflar yuzasidan islohotlar o'tkazish xalqimizning mukammal alifboga ega bo'lishiga olib keladi. Bu taxnologiyalar olamida ham o'zbek tili o'z o'rniga tezroq ega bo'lishi uchun asosiy omil bo'lib xizmat qiladi.

**3-SHO‘BA: O‘ZBEK TILINING LUG‘AVIY
IMKONIYATLARI: MILLIY LUG‘ATCHILIK VA
ATAMASHUNOSLIK MASALALARI**

**O‘ZBEK TILI TERMINLAR BAZASI LINGVISTIK
PORTALINING FUNKSIONAL IMKONIYATLARI
XUSUSIDA**

Abduraxmonova Nilufar,
TDO`A dotsenti, f.f.f.d. PhD,
Babajanov Umar,
UrDU magistranti

ANNOTATSIYA. Ushbu tezisda o‘zbek tili uchun terminologik ma’lumotlar bazasi uchun lingvistik portal yaratish masalasi ko‘rsatib o‘tilgan. Ushbu portal orqali terminlarni doimiy ravishda yangilab borish va himoyalash mumkin. Shuningdek, lingvistik bazadan soha mutaxassislarining matn bilan ishlashda yangi kirib kelgan terminlarni doimiy ravishda nazorat qilish va tarjimasini bazaga kiritish imkoniyati yaratiladi.

Terminologik lug‘atlarni strukturalash va ularni ma’lumotlar bazasida loyihalash ahamiyatga ega. Mashina tarjimasida terminografiya alohida o‘rganilishi uning lingvistik ta’minotda asosiy qism ekanligini ko‘rsatadi. Mashina tarjimasida terminlarning alohida sohaviy lug‘atlari yaratilishi, tarjimaning sifatini oshiradi. Terminologiya hamisha o‘zgarib boruvchi soha bo‘lgani uchun rivojlangan davlatlarda bu yo‘nalish jiddiy tadqiq etilgan. Ammo o‘zbek tilshunosligida kompyuter terminografiyasi deyarli o‘rganilmagan. Terminografiyada quyidagi masalalar o‘rganiladi:

- 1) u yoki bu terminning ikkinchi bir tilda aynan mavjud bo‘lmasligi;
- 2) terminlarning so‘z birikmalari tarzida ifodalanishi;
- 3) matnning uslubini aniqlash va ilmiy terminlarning ma’nolarini uslubga ko‘ra o‘zgarishi;
- 4) muayyan soha doirasida bir leksemaning turli ma’noda qo‘llanilishi.
- 5) muayyan terminning bir necha sohada turli shaklda ifodalanishi


Masalan, texnika sohasida qo'llaniladigan inglizcha *pin* termini ot so'z turkumi sifatida quyidagi ma'nolarga ega: *barmoq, shtift, shpilka, shplint* va h.k., shuningdek, ushbu leksema boshqa so'z turkumi sifatida ham turli ma'nolar kasb etadi: *hayotini buzmoq, so'zidan ilib olmoq* va h.k.

Olimlar fan va texnikaga oid terminlarni standartlashtirishga oid fikrlarni beradilar. Muayyan terminning iste'molga kirib kelishida uning yaratuvchisi yoki ijtimoiy hodisalari ta'sirida ba'zi terminlarning o'rniga boshqa birining qo'llanish holatlarini inkor etib bo'lmaydi.

Endilikda mashina tarjimasidagi asosiy masalalardan biri bu terminlarning tarjimasini to'g'ri amalga oshirishdir. Lingvistik ta'minotda terminlar lug'atining to'liq berilishi tarjima sifatini oshirishga xizmat qiladi. Bundan tashqari soha mutaxassislari uchun ham kompyuter texnologiyalardan foydalanishning bir qator afzalliklari bor. Chunki termin sifatida yangi kirib kelgan so'zlarning tarjimasini to'g'ri tushunishda hamda muayyan terminning bir necha sohada qo'llanib, turli ma'no kasb etgani bois ularning lingvistik bazasini yaratish uning nechog'lik dolzarbligini ko'rsatadi. Chunki ma'lumotlar bazasidagi ma'lumotlarni doimiy ravishda yangilab boorish, o'zgartirish va himoyalash mumkin.


Biz taqdim qilayotgan lingvistik portal o'zbek tili terminlar bazasiga mo'ljallangan bo'lib, u quyidagi funksional imkoniyatlarga ega:

1) serverga uzatiladigan so'zlar filtrlash bloki orqali tahrir qilinadi. Bunga ko'ra qidiruv interfeysi onlayn tarzda internetdagi veb-sahifalarni korpus sifatida matnlarni jamlaydi hamda lokal tarmoqda ham ma'lumotlar bazasi bilan ta'minlangan bo'ladi;




DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

2) har bir soʻzning soʻz turkumi koʻrsatiladi va tegishli terminlar maxsus toʻplamlarga birikadi. Oʻzbek tili izohli lugʻatining umumiy bazasi matnlardan olingan namunalar va har bir soʻzga berilgan izohlar bilan toʻldiriladi (1-rasm);



3) har bir terminning unga berilgan izohi va qoʻshimcha ravishda qaysi uslubga tegishli ekanligi koʻrsatiladi (2-rasm);



4) qidirilayotgan soʻzni veb maʼlumotlardan ham qidirish imkoniyati mavjud boʻladi. Qidirilgan soʻz administrator tomonidan portal texnik jihatdan nazorat qilinadi. Unga koʻra portal uch xil rejimga ega boʻladi:

a) ekspert rejimi bunda terminlar saralanib, tegishli sohaga ID boʻyicha biriktiriladi;

b) foydalanuvchi rejimi, bunda interfeys orqali qidirilayotgan terminga izoh yozish, forumda qatnashish va portaldan foydalanish imkoniyati mavjud;

c) administrator ekspertni tanlash va ularga portalga kirish imkonini yaratadi.

Umid qilamizki, ushbu oʻzbek tili terminlar portali soha mutaxassislar uchun bir qator yengilliklar yaratadi, yaʼni terminlar tarjimasini tushunish va korpus texnologiyasi yordamida matn tarkibida ulardan toʻgʻri foydalanish imkonini yaratadi. Shuningdek, ushbu portal kompyuter lingvistikasiga doir tadqiqotlar uchun ham lingvistik baza sifatida foydalanishda qoʻl keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Онанченко А.В. Способы образования переводческих терминов в русском языке. 2001
2. Гул Хасан Лексико–семантические особенности перевода научно-технического текста с языка урду на русский язык: Дисс. ... док-ра филос.наук. – Исломобод, 2007. –С.18

БУХОРО ТУМАНИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нодира Адизова,
БухДУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада Бухоро туман гидронимларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Кириш. Топонимлар тилшунослик, география, тарих, геология каби фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Уларда халқ ҳамда эл-юртнинг тарихи – тақдири ўз ифодасини топган. Жой номлари

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

қадим тарихга эга бўлган элат, миллат ҳамда халқларнинг ўзига хос ноёб ёдгорликларидан бири саналади. Сабаби, уларнинг ўзи бир олам тарих ҳамда тақдирни ифодалаб туради. Ономастика тилшуносликнинг атоқли отлар ҳақидаги алоҳида бўлими бўлгани каби, унинг бир соҳаси бўлган топонимикада топонимлар ва улар луғавий асосларининг этимологик тадқиқини амалга ошириш ҳам синхрон, ҳам диахрон ҳолатда катта назарий, амалий аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Бухоро туман гидронимларининг рақамларда ифодаланишига назар ташласак, манзара қуйидагича намоён бўлади: ариқлар – 106, қудуқлар – 21, каналлар – 18, ҳовузлар – 14 та номни, захкаш – 10 та, чашма – 4, кўл – 3 та, сув омбори – 1, жами 177 тани ташкил этади. Бу умумий жой номларининг 18,1 фоизидир. Бухоро туман топонимларида гидронимларнинг анҳор, сой, денгиз, шаршара, ботқоқлик, кечув каби турлари аниқланмади.

Бухоро тумани сув таъминоти тизими Шоҳруд канали ҳамда Аму-Бухоро машина каналининг шимолий-ғарбий тармоғига таянади. Худуддан оқиб ўтувчи Жўйзар, Аму-Бухоро каналининг Жондор тармоғидан ўтказилган ариқ/каналлар туман гидротизимининг асосини ташкил этади. Тумандаги ариқларнинг 29 таси Жўйзар каналидан, 52 таси Жондор каналидан, қолганлари аҳоли пунктлари орасида чиқарилган.

Аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши, ҳудуддаги гидротизимнинг кенгайиши натижасида туман гидронимлари гуруҳида ҳам ўзгариш рўй берган. Авваллари Зарафшон дарёсига боғлиқ бўлган гидротизим бугунги кунда тўлиқ сунъий суғоришга боғланиб қолган.

Худуддаги барча гидронимлар номлари маҳаллий аҳоли томонидан қўйилган. Тумандаги гидронимларни табиий ва сунъий сув иншоотларига ажратадиган бўлсак, уларнинг атиги 4 таси (чашма номлари) табиий, қолганлари эса сунъий сув иншоотларини ташкил этади.

Аниқланган гидронимларнинг 106 таси ариқ, 14 таси ҳовуз, 2 таси канал, 21 таси қудуқ, 10 таси захкаш, 1 таси чашма.

Бухоро тумани гидронимлари тизимида салмоқли ўрин эгаллаган сунъий сув иншоотларидан бири ариқ номларидир. Қайд этилганидек, ҳудудда 106 та ариқ номи мавжуд. Ариқ индикатори билан боғлиқ гидронимлар топоним сифатида луғатда берилган 1-

маънода шакланган: сунъий равишда ясалган сув йўли, ўзани ва ундаги сув; жўяк .

Ариқ сўзи ҳақида Ш.Рахматуллаев аслида қадимги туркий тилдаги оқ(моқ) маъносини англатган *а:р* феълидан *–(ы)қ* қўшимчаси билан ясалган, кейинроқ *а:* унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, ўзбек тилида *а* унлиси *й* унлисига алмашган, *ы* унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *а:р + ық = а:рық > арық > йриқ*, [5]дея фикр билдирган.

Машҳур турколог Э.В.Севортян ариқ сўзи ҳақида қадимги туркий тилидаги оқ маъносини англатган *а:р* феъли + *ық* қўшимчасидан ташкил топган ва «кичик сув йўли» маъносини ифодалайди, деган. [6,188]

Топонимларнинг ясалишидаги бир номнинг иккинчисига кўчиш қонунияти ариқ номларининг ҳосил бўлишида ҳам амал қилган ва бу ҳолат уларнинг семантик гуруҳларида акс этиб туради. Аниқланган гидронимларнинг 6 таси ариқ индикатори билан ифодаланган. Бунда ариқ индикатори қуйидаги мавзу гуруҳларига мансуб гидронимларни ҳосил қилган:

- антропоним: *Раҳмонхўжа ариги, Қаямбобо тутлари ариги, Шарифобод ариги, Хидиробод ариги, Бозоробод ариги, Сатторобод ариги, Файзулло Аълоев ариги, Обид Убайдов ариги, Наврўзобод ариги;*

- этнотопоним: *Талалиён ариги, Туркон ариқ, Ўзбакон ариқ;*

- топоним: *Амиробод, Бахмалбоф, Бодок, Денов, Деҳсаидон, Ёржон, Кўчкича, Мижона, Навметан, Обиторат, Сарҳанг, Чорбоғ, Юрун, Ўзбекистон, Қоражери, Қуйи Чорбакр* ва б.

- объектнинг ўлчовини билдирувчи номлар: *Каттаарик;*

- объектнинг табиий ҳолатини билдирувчи номлар: *Кумлик ариқ.*

Қайд этиш кераки, аниқланган гидронимларнинг аксарияти аҳоли пункти номи асосида шакланган.

Бухоро тумани гидронимиясида ариқ номларидан кейинги ўринни қудуқ номлари эгаллайди. Чўл ва чўлолди ҳудудларда кўп учрайдиган ва сув етишмовчилиги мавжуд бўлган жойларда, шунингдек кўпинча аҳоли пунктларида сув таъминоти учун хизмат қиладиган сунъий иншоот бўлган қудуқ билан боғлиқ номлар Бухоро туманида 21 тани ташкил этади. Аниқланган қудуқ номларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- антропоним асосли: *Раҳмонбобо қудуғи, Тошбобо қудуғи, Болтабой қудуғи, Файзуллобой қудуғи, Тешабой қудуғи, Фозилбой қудуғи. Ушбу*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

қудуқлар унинг қазилишига алоқадор бўлган кишиларнинг номлари билан аталган. Эътиборлиси шуки, антропоним асосли қудуқ номлари таркибида *бобо, бой* индикаторлари қатнашган. Бу кекса, ёши улуғ, тажрибали ёки бой-бадавлат кишиларнинг қудуқ қазилишга саъй-ҳаракат қилганларидан далолат беради.

-топоним асосли: *Обисанг, Ўба қудуғи, Арабхона қудуғи, Қўшработ қудуғи, Урганжийлар қудуғи, Калон қудуғи, Ваҳмкор қудуғи, Маҳалла қудуғи, Тошмасжид қудуғи, Оқработ қудуғи, Лейлак қудуғи*. Бу турдаги қудуқ номлари объектнинг аҳоли пунктларига мансублиги жиҳатидан шундай номланган.

- бирор белги асосли: *Тошқудуқ;*
- тегишлилик белгиси асосли: *Маҳалла қудуғи, Чуқурқудуқ;*
- жойлашиш ўрнига кўра номлаш: *Мозоролди қудуғи.*

Каналлар сунъий сув иншоотининг бир шакли бўлиб, мазкур сўз лотин тилидан рус тили орқали ўзбек тилига ўтган. Канал сўзининг маъноси экин майдонларини сув билан таъминлаш ва ортиқча сувларни тўплаб бир йўналиш бўйича оқизиш мақсадида узоқ масофадан ерни қазиб ҳосил қилинган чуқур оқар сув йўли, анҳордир. Канал сўзи ўзбек тилига ўтган асрнинг биринчи ярми охирларида кириб келган.

Бухоро тумани ҳудудида канал номлари 18 та бўлиб, уларнинг барчаси аҳоли пунктлари номларига канал индикаторини қўшиш орқали ясалган: *Богидашт канали, Бухоро Жондор канали, Жўйзар канали, Катта Қўргон канали, Мавлабиён канали, Наврўз канали, Отқучи канали, Фарахкент канали, Фошун канали, Шоҳруд канали, Чорбакр канали, Қуйимозор канали, Қуйи Шоҳруд канали.*

Гидрология соҳасида гидрообъектларни номлашда рақамлардан фойдаланилади. Шу сабабли ҳудуддаги айрим номларнинг рақамлар билан ифодаланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин: *Чорбакр-2 канали, Ғозиобод-1 канали, Юқори Ғозиобод-2 канали, Қуйи Ғозиобод-3 канали, Қуйи Чорбакр-1 канали* каби.

Хулоса.Таҳлиллар шуни кўрсатдики, канал номлари аҳоли пунктлари номлари билан узвий боғлиқ. Каналлар тегишли аҳоли пункти ҳудудидан оқиб ўтганлиги ёки маълум аҳоли пунктини сув таъминлашга хизмат қилиши сабабли шундай номланган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Аслонов А.С. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили:Филол.фан. ном. ... дисс. –Т.: 2005-1876
- 2.АдизоваН.“The role of ethnotoponym in the toponym of bukhara District” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science p- ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81 Published: 30.01.2020 <http://T-Science.org>414-416

-AN, -ONA O‘ZLASHMA AFFIKSLARINING DERIVATSIYAGA MUNOSABATI

Asadov To‘lqin Hamroyevich,
BuxDU dotsenti

ANNOTATSIYA. Maqolada ravish va u bilan bog‘liq -an, -ona affikslari, ularning grammatik-semantik tabiati haqida ma‘lumot berilgan. Mazkur affikslarning derivatsiyaga munosabati asosli tahlil etilgan, shuningdek, bu shakllarning hozirgi kundagi faoliyati bo‘yicha ma‘lumot berilgan, misollar bilan izohlangan.

Bir tildan ikkinchi tilga o‘zlashish nafaqat leksemalarga, balki affikslal morfemalarga ham xos xususiyat sanaladi. So‘z va qo‘shimchalarning o‘zlashishi ijtimoiy zarurat mahsuli sifatida baholanadi.

O‘zbek tilida o‘zlashma affikslar qatorida -an, -ona shakllari ham mustaqil o‘ringa ega. Mazkur affikslar ravish yasovchi sifatida keng talqin etiladi. Biroq ularning tabiati haqidagi fikrlar yillar davomida deyarli o‘zgarishsiz bir manbadan ikkinchisiga o‘tib kelyapti.

-an shakli arabiy so‘zlar (aynan, lutfan, qisman) tarkibida kuzatilib, [ot yoki sifat+an=holat ravishlari] tarzidagi tarixiy qolip hosilalari sifatida keng iste‘molda qo‘llanilib kelmoqda. O‘zbek tili lug‘at qatlamida -an affiksi bilan aloqador *tarkiban, taqriban, qalban, javoban, tuban, qasdan, voqean, tadrijan, farazan, majozan, lafzan, avvalan, masalan, xayolan, shaklan, aslan, rasman, isman, qisman, umuman, taxminan, aynan, vijdonan, chunonam, mazmunan, zohiran, fikran, e‘tiboran, takroran, majburan, qiyosan, xolisan, asosan, xususan, nisbatan, odatan, tabiatan, hurmatan, zaruratan, daf‘atan, haqiqatan, tasodifan, lutfan, tarixan, qat‘iyan, tamoman, majburan, ruhan,*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

shaxsan kabi soʻzlar mavjudligi kuzatildi [2,119-121]. Mazkur soʻzlarni sof maʼnodagi yasalmalar deyish mushkul. Chunki bularning asosini aniq bir maʼnoviy tipdagi soʻz turkumi bilan chegaralab boʻlmaydi. Keltirilgan misollardagi -an affiksidan oldingi qism ham otlar (*vijdonan, ruhan, fikran, zohiran*), ham belgi ifodalovchi sifatlar (*takroran, xolisan, qatʼiyan*), ham maʼno ifodaga ega boʻlmagan soʻzlar (*aynan, taqriban*)dan iborat. Otlar maʼno jihatdan turlicha. Qolaversa, bu qolip yaqin yillarda biror bir (tasodifan ham) yangi yasalma yuzaga chiqara olgan emas. Bu dalillar esa -an affiksli soʻzlarni oʻzbek tilida shu holicha olinmalar sifatida qabul qilish lozimligini koʻrsatadi. Ularning tarkiban boʻlinishi faqatgina tarixan (diaxron) boʻlib, [ot yoki sifat + an= holat ravishi] faoliyati juda cheklangan, qolip yangi-yangi soʻzlarni hosil qilish imkoniyatiga ega emas. Tarkibida -an elementi mavjud 50 ga yaqin soʻz oʻzbek tili leksik qatlami tadrijiy rivoji davomida arab tilidan toʻgʻridan toʻgʻri oʻtgan yoki fors-tojik tili orqali oʻzlashgan.

-an affiksli soʻzlarda soʻz yasash qolipining birinchi qismi (soʻz yasashga asos boʻluvchi lugʼaviy morfema – leksema) ham, ikkinchi qism (leksema maʼnosini oʻzgartiruvchi qoʻshimcha – yasovchi qoʻshimcha)ning ham [1,39) faoliyati oʻta cheklangan. Aniqrogʻi, -an affiksi yangi nutqiy hosila yasashi uchun avvalo muayyan bir arabiy soʻz paydo boʻlishi lozim. Shundagina qolip “jonlanib”, ishlash jarayoni boshlanadi. Aniqrogʻi, til ehtiyojiga koʻra -an elementli yangi soʻz tayyor holda oʻzlashadi.

Xullas, -an hozirgi oʻzbek tilida muayyan bir soʻz yasash qolipini shakllantira olmas ekan, nutqda tayyor leksemalar tarzida voqelanar ekan, demak, -an affiksi mavjud barcha soʻzlarni soddalanish mahsuli sifatida baholash lozim. Ularning asos va qoʻshimchaga boʻlinishi aslida “soʻz oluvchi til” (oʻzbek tili) nuqtayi nazaridan emas, balki “soʻz beruvchi til” (arab tili) fanniy qarashlari asosida boʻlishi lozim.

-ona qoʻshimchali soʻzlar ham ravishlar guruhida oʻrganiladi. Buning bosh sababi mazkur soʻzlarning morfologik oʻzgarmasligidir. Fors-tojik tilidan oʻzlashgan -ona affiksi bilan hosil boʻlgan 80ga yaqin soʻz nutqimizda ishlatiladi. Bular: *beadabona, boadabona, adabona, muhibbona, gʻoyibona, gʻolibona, gʻaroyibona, raqibona, aybona, donishmandona, rindona, mardona, ojizona, fojiona, goʻdakona, dadilona, odilona, razilona, oqilona, johilona, muloyimona, olimona, zolimona, maʼsumona, xoinona, pahlavona, qahramonona,*

majnunona, dilbarona, payg'ambarona, dilovarona, firibgarona, ig'vogarona, birodarona, kamtarona, muzaffarona, mutakkabirona, mag'rurona, ayyorona, mug'ombirona, bahodirona, botirona, faqirona, tahqirona, mohirona, hiylakorona, devkorona, riyokorona, tajavuzkorona, makkorona, sitamkorona, isyonkorona, fidokorona, xaloskorona, tashabbuskorona, xiyonatkorona, san'atkorona, ehtiyotkorona, lutfkorona, namoyishkorona, oshkorona, jinoyatkorona, ma'yusona, mastona, do'stona, badbaxtona, betarafona, zaifona, xarifona[2,22-24]. Shulardan 60 ga yaqini "Ozbek tilining izohli lug'ati" da keltirilgan.

Bu qo'shimchani tilimizga o'zlashishi nisbatan keyingi davrlarga to'g'ri keladi. -an elementli so'zlardan farqli o'laroq -ona qo'shimchali yasama so'zlar yasash asosi ma'lum bir qat'iy ma'no guruhidagi so'zlarga egaligi bilan xarakterlanadi. -ona affiksli so'zlar yasash asosini sifat va otlar tashkil etadi. Shundan kelib chiqib, yuqorida sanalgan so'zlarni [sifat/ot+ona=holar ravishlari] qolipi hosilalari deb qarash mumkin. Mazkur qolip hosilalari yuqoridagi so'zlar bilangina cheklanmaydi. O'zbek xalqi nutqida *sharqona, o'zbekona, turkona, alpona, qodironava* h.k. kabi so'zlar ham qo'llanadi. Tilshunos olim A.Hojiyev bu kabi (jumladan, sayrona, shekspirona kabi) so'zlarni okkazional (nutqiy) yasash deya ta'kidlaydi. Olimning ta'kidicha, bu kabi yasash sun'iy bo'lib, yasashning me'yoriy holatiga bo'ysunmaydi.[3,44].

Bizningcha, har qanday yasama so'z dastlabki holatda individuallik kasb etib, eshituvchi uchun g'ayritabiiy tuyulishi mumkin. Masalan, *ishchi, suvchi, nonchi, temirchi* kabi 1- guruh yasama so'zlar (til birliklari) *niananaschi, bananchi, paynetchi* kabi 2- guruh so'zlari (nutq birliklari) bilan qiyoslaganda 2-guruh nutqiy yasalmalarning g'ayritabiiyligi sezilib turadi. Vaqt o'tgan sari aksariyat okkazional yasashlar usual yasash ko'rinishini oladi. Bu hol tilning ijtimoiyligi bilan bog'liq.

Qodirona (pafos), qahhorona, shekspirona yoki yusufona (usul) kabi nutqiy yasalmalar ilk davrda har qanday kishi uchun g'ayritabiiy tuyulishi tabiiy. Biroq har bir yasama so'z ehtiyoj mahsuli tufayli yuzaga kelishini nazardan qochirmaslik kerak. Misollarni kuzatamiz: 1) *G'afur G'ulom bejizga "qahhorona qisqalik" iborasini ishlatmagan. Abdulla Qahhor bir varaqlik hikoyalari ham butun kitoblarning zalvorli yukuni jo qila olgan.* (K.Azzamov) 2) *Sharq va G'arbda yashab o'tgan ko'plab mutafakkirlar asarlarida ham navoiyona donishmandlikni ko'ramiz.* (R.Jabborov) Ma'lum bo'ladiki, -ona affiksi shaxs

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

nomlaridagina yangi yasalmalar vujudga keltira oladi xolos, o'zgacha holat kuzatilmadi. Demak, [shaxs oti+ona] qolipi faoliyati davom etyapti, deya xulosa chiqarishga asos bor.

-ona affiksi ayni paytda -chasiga, -larcha affikslari bilan ma'nodosh bo'la oladi: *mardona – mardchasiga – mardlarcha; qahramonona – qahramonchasiga – qahramonlarcha*. -ona qo'shimchali so'zlar shaxs nomlari asosida yasalganda -chasiga affiksi bilan o'rin almasha oladi. Ular orasidagi farq faqatgina uslub jihatdan ("-ona" badiiy uslubga tegishli) bo'ladi.

-ona affiksi -an affiksidan farqlicha nafaqat o'zi mansub til birliklari ("ona til" elementlari) dan, balki o'zga til leksemalaridan ham so'z yasay oladi. Masalan: *chexovona, shekspirona, gogolonava* b.: *Bularning barchasiga chexovona nozik istehzo mavjud.* (S.Saidmurodov)

Xullas, -ona affiksi faol so'z yasovchilar qatorida bo'lmasa-da, o'rni-o'rnida yangi so'zlar yasashda ishtirok etyapti, deb aytish mumkin. Bu uchun shaxs nomlari asos bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Қўнғуров У., Тихонов А. Ўзбек тилининг терс луғати. – С., 1968.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида равиш ясаиши тизими масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 2-сон, 41-45-б.

NOMLAR HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR

Bozorova Lobar,
VPXQTMOI o'qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada tilimizda ishlatiladigan zooykonimlar va fitooykonimlar xususida mulohaza yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *zooykonim, fitooykonim, joy nomlari, oykonimlar*

Atrofimizni o'rab turgan borliqni o'simliklar olamisiz yoki hayvonot dunyosisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Qadimdan foydali o'simliklarga, hayvonlarga mehr qo'yilgan, o'rni kelganda ular ko'paytirilgan, ulardan foydalanilgan. Inson zotining bu kabi harakatlari ularning joy nomlarini atashida ham yaqqol seziladi. Shu boisdan ham toponimlarning kattagina

guruhini o'simlik nomlari asosida yaratilgan nomlar tashkil etadi. O'simlik va daraxt nomlari bilan atalgan aholi maskanlari nomi fitooykonimlar (yunoncha fitos – o'simlik demakdir) deb atalsa[1], hayvon, qush, parranda nomlari bilan bog'liq aholi maskanlarining nomi zooykonimlar atamasi bilan yuritiladi. Nomidan ko'rinib turibdiki, zooykonimlarning vujudga kelishida hayvonlar, qushlar, parrandalar va boshqa jonivorlar nomlari asos vazifasini o'taydi. Zero, toponimistlar ta'biri bilan aytganda, istalgan toponim informatsiyaga ega va u real hodisani aks ettiradi.

Fitooykonimlar hamda zooykonimlarning vujudga kelishi toponimikada nisbiy negativlik deb ataladi va bu holatga muayyan joylarni geografik qonuniyat asosida nomlash sifatida qaraladi.

Fitooykonimlar hamda zooykonimlar respublikamiz hududlarida keng tarqalgan. Chunonchi, fitooykonimlar ko'cha, daha, mahalla, guzar, bozor, xiyobon, maydon nomlari (urbonimlar) sifatida:

a) mevali daraxt nomlari asosida shakllangan fitooykonimlar: O'rikzor (Toshkentda bozor nomi), Olmazor (Toshkentda daha nomi), Olmazor (Samarqandda mahalla nomi), Shaftolizor (Buxoroda ko'cha nomi), Anorzor (Andijonda ko'cha nomi), Uzumzor (Buxoro tumanida mahalla nomi), Yong'oqzor (Sho'rchi tumanida mahalla nomi), Bodomzor (Toshkentda daha nomi), Jiydali (Xorazmda ko'cha nomi), Olmaliq (fitoastionim: Toshkentda tuman nomi), Konibodom (Namanganda guzar nomi) va b.;

b) mevasiz daraxt nomlari asosida vujudga kelgan fitooykonimlar: Qatortol (Toshkentda daha nomi), Mingchinor (Samarqand viloyatida dam olish maskani nomi), Mingarcha (Samarqand viloyatida dam olish maskani nomi), Terakzor (Buxoroda ko'cha nomi), Yakkatut (fitooykonim: Navbahor tumanida qishloq nomi), Keskanterak (fitooykonim: Navbahor tumanidagi qishloq nomi), Sadaqayrag'och (Qumtepa tumanida mahalla nomi), Archali (Navoiy viloyatida ko'cha nomi), Tutcha (Navbahor tumanida maydon nomi), Mayqayin (fitooykonim: Chiroqchi tumanida qishloq nomi);

v) o't-o'lan, o'simlik nomlari bilan shakllangan fitooykonimlar: Gulzor (Toshkentda ko'cha nomi), Gulobod (fitooykonim: Namanganda qishloq nomi), Guliston (Navoiyda bozor nomi), Jambil (Navbahor tumanida mahalla nomi), Zirabuloq (fitooykonim: Kattaqo'rg'onda qishloq nomi), Qamishli (Navbahor tumanida ko'cha nomi), Nayiston

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

(fitooykonim: Beshkent tumanida qishloq nomi), Paxtachi (Samarqandda qishloq nomi) va b.;

g) donli hamda poliz ekinlari nomi asosida shakllangan fitooykonimlar: Sholipoya (Oqqo'rg'on tumanida mahalla nomi), Bug'doyzor (Navoiy tumanida guzar nomi); Sholg'omxo'ron (Buxoro tumanida qishloq nomi) va b.

Toponimist olim S.Qorayev o'simliklar nomidan olingan aholi maskanlari nomini fitooykonimlar guruhiga emas, iqtisodiy oykonimlar guruhiga kiritadi[3]ki, bu toponimlarning tasnifida serqirralik mavjudligidan dalolat beradi.

Zooykonimlar joy nomlari sifatida:

a) uy hayvonlari nomi asosida shakllangan zooykonimlar: Sigirxona (Buxoro tumanida qishloqcha nomi), Molguzar (Surxondaryoda qishloqcha nomi), Tuyamo'yin (Xozarasp tumanida joy nomi), Oqbura (Samarqand tumanida qishloq nomi), Otchopar (Amudaryo tumanidagi qishloq nomi), Govxona (Bog'dod tumanida qishloq nomi) va b.;

b) yovvoyi hayvonlar nomi asosida shakllangan zooykonimlar: Jayronxona (Kitob tumanida qishloq nomi);

v) suv jonivorlari nomi asosida shakllangan zooykonimlar: Baliqchi (Andijon viloyatidagi tuman nomi), Maybaliq (Chiroqchi tumanida qishloq nomi), Bo'rbaliq (Oltiariq tumanida qishloq nomi);

g) qushlar, parrandalar, umuman, ucha oladigan jonzodlar nomi asosida shakllangan zooykonimlar: Kaptarxona (Buxoro tumanida qishloq nomi), Laylakxona (Oqqo'rg'on tumanida mahalla nomi), Xonqizi (Farg'ona tumanida qishloq nomi) va b.

Tilimizda zooykonimlar fitooykonimlarga nisbatan kamroq uchraydi.

Ta'kidlashimiz muhimki, ba'zi zooykonimlarning ham, fitooykonimlarning ham etimologiyasi, ifodalayotgan lug'aviy ma'nosi alohida tahlilni talab etadi. Chunki zooykonimlar ham, fitooykonimlar ham ayrim holatlarda ko'chma ma'noda qo'llangan bo'lishi ham mumkin. Masalan, T.Nafasov, A.Nurmonov, S.Qorayev, N.Oxunov kabi toponimistlarning tadqiqotlarida Baliqchi toponimi "baliq" (riba) so'ziga mutlaqo aloqasi yo'q deb hisoblangan [3] va u zooykonim emas, etnooykonim (urug' nomi asosida nomlanuvchi qishloq nomi) sifatida talqin etilgan. Ammo bu tadqiqotlar hali to'laligicha asoslanishi, to'ldirilishi zarur.

Xulosa shuki, nomshunoslik ilmida xoronimlar, astionimlar, komonimlar, oykonimlar, urbonimlar, agionimlar, doronimlar, silenimlar, agroonimlar, drimonimlar, gidronimlar, pelagonimlar, limnonimlar, gelonimlar, potamonimlar kabi fitooykonimlar hamda zooykonimlar ham o'z tadqiqotchilarini kutmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Ahmadaliyev Y.I.Farg'ona viloyati toponimlari.–Farg'ona,2009.– B.30.
- 2.Do'simov Z. Toponimlar tasnifi masalasiga doir // O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent: 1978. –№1. –B. 17-21.
- 3.Qorayev S. Andijon viloyati toponimlari // O'zbekiston viloyatlari toponimlari. – Toshkent: O'zME, 2005. – B.34-38.

LEKSIKOLOGIYA BO'LIMIGA OID BILIMLARNI AMALDA QO'LLASH ORQALI KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYAGA TEZ KIRISHA OLADIGAN FAOL SHAXSNI TARBIYALASH

Hamroyeva Sanobar,

Vobkent tumani 21-umumiy o'rta ta'lim maktabi

ANNOTATSIYA : Maqolada tilshunoslik bo'limlaridan biri bo'lgan leksikologiya bo'limi ma'lumotlarining o'quvchilar og'zaki nutqini rivojlantirish , to'g'ri va ravon nutqi jarayonidagi ahamiyati , ularning so'z boyligini oshirishdagi ahamiyati, bo'limni o'rganishga doir metodik tavsiyalar o'rtaga tashlangan. Ko'p ma'nolilik, shakldoshlik , ma'nodoshlik , ibora , tasviriy ifoda kabi leksikologiya bo'limiga doir tushunchalarni o'rganishga doir fikrlar berilgan.

Kirish.Ona tilidan bilimlarni tanlashning bosh mezonini uning foydalilik va amalda qo'llanila olish darajasidir . Biz ona tilidan savodli yozish, ijodiy fikrlash , fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki , yozma shakllarda to'g'ri , ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish uchun xizmat qiladigan , ularni yuksak insoniy fazlatlar ruhida

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tarbiyalash va rivojlantirishni ta'minlaydigan bilimlarni tushunamiz . Darsliklar faqat o'quvchining ona tilidan bilishlari lozim bo'lgan til hodisalarini emas , balki ularning bajarishi zarur bo'lgan amaliy ko'nikma va malakalarni ham o'z ichiga olishi kerak . Ona tili mashg'ulotlarida o'quvchilar egallayotgan ko'nikmalar , asosan , tilning grammatik qurilishini o'rganishga qaratiladi . Ularning so'z boyligini oshirish , so'zdan to'g'ri va o'rinli foydalanish , fikrni bayon qilishning samarali yo'llarini aniqlash kabi foydali , amaliy ko'nikmalar birmuncha chetda qoladi . Shuning uchun ona tili dasturi o'quvchilarni ko'proq ana shu foydali , amaliy ko'nikmalar bilan qurollantirishga yo'naltirilishi lozim.

Asosiy qism. Tilshunoslikning leksikologiya bo'limi o'quvchilarning so'z boyligini oshirishga va uni amalda qo'llash bilan bog'liq tushunchalarni shakllantirishga xizmat qiladi. Leksikologiyada so'zning o'z va ko'chma ma'nosi , shakldosh , ma'nodosh , paronim , atamalar , olinma so'zlar kabi tushunchalar o'rgatiladi. Mavjud maktab darsliklarida berilgan ma'lumotlar ko'proq qoidalarga urg'u berilgan. Mashqlardagi gaplarga ham ko'proq o'quvchiga kundalik hayotda ma'lum bo'lgan tushunchalar berilgan . Mening fikimcha , darslikdagi ma'lumotlarni birmuncha boyitish lozim. O'quvchi uchun ma'nosi izoh talab so'zlardan kiritish , shu orqali o'quvchilar so'z boyligini oshirib borish kerak deb hisoblayman.

So'zning o'z va ko'chma ma'nolarini bilish nutq uchun muhimdir. Bu mavzu yuzasidan o'quvchilar amaliy ko'nikma va malakalar hosil qilishlari uchun ko'proq berilgan matndagi ajratilgan so'zlarning ma'no xususiyatlari ustida ishlari , so'zlarning ma'nolarini farqlay olishlari va so'zlar vositasida so'z birikmalar hosil qilish orqali nutqda qo'llashlari lozim. Darsliklardagi ma'lumotlarni ma'na shu asosda tuzish lozimki , o'quvchi so'zlardagi ko'p ma'nolilik hodisasi haqida aniq ma'lumotga ega bo'lsin. Afsuski berilgan ma'lumotlar juda sayoz , juda yuzaki . Ushbu mavzularga ajratilgan soat mavzuni to'laqonli o'quvchiga yetib borishida yetarli xizmat qila olmaydi .

So'zning o'z va ko'chma ma'noda qo'llanilayotganini farqlash uchun ularning har biriga ma'nodosh so'zlar tanlash maqsadga muvofiqdir. Bu faqat so'z boyligini oshirishga emas , balki so'z ma'nolarini to'g'ri sharhlash va tushunishga imkon beradi . Shu bilan birga o'quvchi egallagan bilimlarni amalda qo'llay olish imkoniyatini yaratadi.

O'quvchi ma'lum yordamga asoslangan holda til hodisalarining o'xshash va farqli tomonlari ustida o'ylashi va uni aniqlashi ,oldin egallangan bilimlarni qisman noma'um sharoitlarda qo'llashi kerak bo'ladi. Ko'nikmaga ega bo'lgan o'quvchi hech qanday tashqi yordamsiz olgan bilimlarini butunlay yangi sharoitda amalda qo'llay olish , nutqi uchun zarur bo'lgan , lekin o'zida bo'lmagan bilimlarning manbalaridan yangi bilim olish malakasiga ega bo'ladi .Agar o'rganilgan bilimlar yangi bir ko'nikma , yangi bir ijodiy, amaliy faoliyat muammolarini o'zlashtirishga xizmat qilmasa , ularni eslashdan hech bir foyda yo'q . Shuning uchun ona tili darsliklarida ko'proq nutqni boyitishga qaratilgan ma'lumotlar berilishi lozim .

Leksikologiyaga doir bilimlarni tilshunoslik sathidagi barcha sinf ma'lumotlariga singdirish , aynan qoidalarini eslatish emas ,aksincha amaliy mashqalar jarayonida berib borish lozim. Qaysi mavzu bo'lishidan qat'iy nazar berilgan matn yoki mashq tarkibidagi gaplarga o'quvchining leksikologiyaga doir bilimlarini takrorlashga xizmat qiladigan ma'lumotlar tizimli berib borilishi kerak. Aytaylik , kesim turlari haqidagi mavzu mashqlarida ham leksikologiyaga doir bilimlarni mustahkamlashga qaratilishi mumkin .Gaplardagi ajratib ko'rsatilgan so'z ustida o'qituvchining yoki o'quvchining ozgina mulohaza yuritishi foydadan xoli bo'lmas edi. O'quvchi so'zga qanchalik boy bo'lsa , uning boshqalar bilan aloqaga kirishuvi , kommunikativlik qobiliyati shunchalik kuchli bo'ladi.

Ona tili darsliklardagi ko'proq grammatikani o'rgatishga qaratilgan mavzular ketma-ketligi o'quvchini burro gapirish o'rniga , aksincha tushunchalar dunyosiga g'arq bo'lishiga olib kelmoqda. Haqli savol tug'iladi , o'qituvchi shundan xabardor ekan , nega shuni o'zi qo'shimcha materiallar orqali amalga oshira olmaydi?

Haqli savol! O'quvchining oliygoh talabasi bo'lishi uchun esa ona tili darsligidagi uzundan uzoq qoidalar ham kamlik qilmoqda. Faqat maktab darsligidagi ma'lumotlar bilan cheklangan o'qituvchi ham , o'quvchi ham zamondan orqada qolib ketmoqda , ular maxsus fanning ma'lumotlari chuqurroq yoritilgan qo'shimcha adabiyotlarni o'qishga majbur. Ona tili fani qoidalarini o'rganish fani bo'lib qolmoqda. Agar o'qituvchi darslikdagi ma'lumotdan tashqari o'quvchi nutqini rivojlantirish uchun qo'shimcha

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

topshiriqlar bilan ovora bo'lib qolsa , o'quvchi oliygoh talabasi bo'la olmaydi.

Ona tilidagi qoidalar zarur , albatta . Taklifim- o'sha qoidalar uchun berilgan amaliy mashqlar jarayonida leksikologiyaga doir bilimlarni tizimli berib borish orqali o'quvchining lug'at boyligini oshirib borish lozim.

Keyingi yillarda ona tili darsliklarida izohli lug'atdagi ba'zi so'zlarning berib borilishi o'qituvchiga ham amaliy yordam bo'lmoqda. Masalan , 9-11-sinf darsliklarida bu holni kuzatish mumkin. Berilgan lug'atlar bo'yicha fikrlarim turlicha . Masalan, 9-sinf darsligida berilgan "tafakkur" so'zining izohi o'quvchi uchun qo'shimcha ma'lumotlar bera oladi. Shu darslikda berilgan "g'urur " so'zining izohi oq'uvchiga ancha tanish , uning o'rniga o'zbek tilidagi soyapar , fatila kabi so'zlarning izohini bergan ma'qul . O'quvchi gurur so'zini ishlatib gap tuza oladi , lekin soyapar , fatila so'zini ishlata olmay , xuddi xorijiy tildagi so'zdek ma'nosini anglayolmay turaveradi.

Shuni ta'kidlash lozimki yaxshi, ravon , aniq va ta'sirchan ifoda uslubini hech bir shaxs uslubshunoslik fanini o'rganish natijasida o'zlashtira olmaydi . Ta'sirchan , aniq uslub tuyg'usi tilning barcha sathlarini o'rganish jarayonida ma'nodoshlik , shakldoshlik munosabatlari asosidagi bog'lanishlarni taqqoslash orqali shakllanadi . Bu ona tili o'qituvchisining hamisha diqqat markazida turishi lozim . Shuning uchun ona tili o'qitishda nutq sharoitiga mos ravishda to'g'ri , ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish talablari qo'yilgan . Bu ona tili mashg'ulotlarining bosh muammosi va maqsadi . Ravon nutq , so'z boyligi va so'zlarni to'g'ri qo'llash eng muhim masala bo'lishi kerak .

Ibora va tasviriy ifodalar o'quvchilar nutqini boyitishda muhim ahamiyatga ega . Matnda o'z va ko'chma ma'noda ishlatilgan so'zlar va iboralarni ajratish , ularning qo'llanishini izohlash , iboralar va tasviriy ifodalar lug'atini tuzish , ular ishtirokida badiiy tasvir yaratish kabi amaliy ishlar tilimizning bu boy imkoniyatidan nutqda unumli foydalanish imkoniyatini yaratadi

Xulosa.Dars – ta'limda eng muqaddas jarayon.O'qituvchi va o'quvchilar uchun bu birdek mas'uliyatli va muhim bo'lishi lozim.Oquvchining dars jarayonida o'tgan vaqtini hech kim qaytarib bera

olmaydi. O'qituvchi o'quvchining har bir o'tgan oniga javobgar. Shu sabab "Dars muqaddas" deya ta'riflaymiz. Bugungi kun talabiga ko'ra o'qituvchi dars jarayonini mohirlik bilan o'tkazishi, vaziyatdan kelib chiqib, dasturga ko'ra osonlashtirishi, oddiylashtirishi yoki murakkablashtirishi, o'quvchilar ruhiyatiga ta'sir etishi, ular sog'ligiga e'tibor berishi darkor.

Har bir darsning samarali, unumli va biz kutgandek natija berishi uchun har bir dars diqqat markazida o'quvchi turishini unutmashimiz kerak, albatta.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Ta'lim tarbiyada innovasion pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: "O'qituvchi", 2017
2. Mahmudov N.M., Nurmonov A., Sobirov A.Sh. Ona tili 9-sinf darslik. – Toshkent: "Tasvir", 2019
3. Gulomov A., Ne'matov H. Ona tili ta'limi mazmuni. – Toshkent: "O'qituvchi", 1995

O'ZBEK TILIDA MEVACHILIK LEKSIKASI

Hojiyeva Nigina Hayotjon qizi,
BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA: Mazkur maqolada o'zbek tili mevachilik leksikasiga tegishli ba'zi so'zlar xalq tili lug'at boyligining ajralmas qismi sifatida tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada mevachilik leksikasini til nuqtayi nazaridan yig'ish, o'rganish, ular bilan bog'liq izohli lug'atlar tuzish, meva nomlariga berilgan ta'riflarni til imkoniyatlaridan foydalanib soddalashtirish hamda mukammallashtirish xususida mulohaza bildirilgan.

Kirish. Har qaysi xalqda, har bir millat yashagan joyning tabiiy sharoiti, iqlimi, o'simlik va hayvonot olami bilan bog'liq bo'lgan holda, turli mamlakat xalqlarining yonma-yon yashashi, o'zaro moddiy va madaniy aloqalarining o'sishi natijasida mevalar va mevalardan tayyorlangan mahsulotlar turi ham, tabiiyki, ularning nomlari ham ko'payib borgan. Mevachilikning taraqqiy etishi tilda leksik qatlamning boyishini ta'minlagan. Zero, mevachilikning vujudga kelishi insoniyat tarixi bilan, insonning mehnat jarayonini o'zlashtirish tarixi bilan uzviy aloqador.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Asosiy qism. Izohli lug'atlarda meva nomlariga berilgan ta'riflar turlicha. Buni *olma* mevasiga berilgan izoh misolida kuzatamiz. "O'zbek tilining izohli lug'ati" (O'TIL)da *olma* so'zining izohi quyidagicha:

"**OLMA**1 Atirgullilar oilasiga mansub ko'p yillik mevali daraxt. *Olma ko'chati. Bu olmalar hosilga kirgach, besh-olti yil o'tishi kerak. S.Zunnunova. Olov.*

2 Shu daraxtning mevasi. Oq olma. Qizil olma. *Juvon qo'lidagi olmani ustma-ust bir necha marotaba tishladi va chala chaynab yutdi. A.Qahhor. Ming bir jon.*"[2]

"O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi" (O'zME)da esa *olma* so'zi bilan bog'liq quyidagi izohga duch kelamiz: "**Olma (Malus)** – ra'nodoshlar oilasiga mansub, barg to'kuvchi daraxtlar yoki butalar turkumi; urug'li meva daraxti. Shimoliy va janubiy yarim sharning mo'tadil mintaqalarida olmaning 25-30 turi, jumladan, O'rta va Sharqiy Osiyo, O'rta Osiyo va Kavkazda 10 turi tarqalgan. Ekiladigan mevali daraxtlar orasida maydoni jihatidan birinchi o'rinda turadi... O'zbekistonda 8 turi yovvoyi holda uchraydi. Dunyo bo'yicha yetishtiriladigan navlarining asosiy qismi xonaki olma (*domestica*) turiga kiradi..."

Mevasi yangiligida yeyiladi, qoqi, konserva, murabbo, jem qilinadi... Odatda, bog'ga o'tqazilganidan keyin 4 yil o'tgach, hosilga kiradi. 40-50 yil mo'l hosil beradi... O'rta Osiyo mahalliy navlari – oq olma, qizil olma, Samarqand olmasi, Namangan olmasi, achchiq olma, qimizak olma, Xorazm olmalari guruhi va boshqa olmaning mahalliy navlari O'zbekistonning tuproq-iqlim sharoitiga moslashgan, issiqqa, sovuqqa chidamli. Mevasi shirin, ertapishar... Olma (*Malus domestica*) turiga mansub mevali daraxt va uning mevasidir." [3]

Izohlarga e'tibor bersak, O'TILda ham, O'zMEda ham *olma daraxti* biologik nuqtayi nazardan izohlangan. *Olma mevasi* xususida esa bor-yo'g'i "*shu daraxtning mevasi*", "*uning mevasi*" yoki "*mevasi shirin, ertapishar*" izohlari berilgan, xolos.

"Rus tilining izohli lug'ati" da *olma* so'zining izohi quyidagicha:

"**Яблоко** – сочный кислосладкий плод яблони, который употребляется в пищу в свежем виде, служит сырьём в кулинарии и для приготовления напитков. Наибольшее распространение получила яблоня домашняя, реже выращивают яблоню сливолистную. Размер красных, зелёных или жёлтых шаровидных

плодов 5-13 см в диаметре. Происходит из Центральной Азии, где до сих пор произрастает дикорастущий предок яблони домашней – яблоня Сиверса. На сегодняшний день существует множество сортов этого вида яблони, произрастающих в различных климатических условиях. По времени созревания отличают летние, осенние и зимние сорта, более поздние сорта отличаются хорошей стойкостью...”[5]

E'tiborlijihatishundaki, internettizimidagiruswiki.rulug'atidaolmatushunchasi (etimologiyasi, botanikxususiyati, tarqalishtarixi, ozuqalilikqiymati, olmadanyeguliktayyorlashdafoydalanish, olmasavdosi, uningturlarivah.) bilanbog'liq 13tamavzuyiguruhma'lumotlarikeltirilgan. Shuningdek, internettizimidagi “ruswikisitatnigi” daolmatushunchasibilanbog'liq 5 turdagi – “Prozadaolmatimsoli” (“Яблоко в прозе”), “She'riyatdaolmaobrazi” (“Яблоко в стихах”), “Olmahaqidamaqollar, topishmoqlar” (“Пословицы, загадки”), “Olmabilanbog'liqmanbalar” (Источники), “Olmahaqidayanaqarang” (См. также) – qiziqarlimalumtlarjamlangan [6].

Большая русская энциклопедия” (ЯБЛОНЯ / Е. Н. Седов // гл. ред. Ю.С.ОСИПОВ. – М., 2004–2017.)daham, “Rustiliningizohlilug'ati” dahamolmaso'ziga (olmadaraxtigaemas, uningmevasiga): “Yangi (uzilganidayoq) yeyiladigan, shuningdek, (turli yeguliklarni) pishirishda va ichimlik tayyorlashda xomashyo sifatida ishlatiladigan; olma daraxtining suvli, nordon-shirin ta'mli mevasi. Qizil, yashil yoki sariq sferik mevalarning diametri 5–13 sm bo'ladi” tarzida izoh berilgan.

Ko'rinadiki, rus lug'atlarida olma va olma daraxti tushunchalari o'zbek lug'atlariga qaraganda aniqroq izohlangan. Vaholanki, o'zbek tilida ham yoki istalgan tilning leksik qatlamida ham gipo-geperonimik munosabatlarda ular boshqa-boshqa (*meva* va *daraxt* kabi) uyalarda turadi. Ya'ni:

- **o'zbek tilida:** “*meva uyasi*”: *olma, o'rik, olcha, olxo'ri, uzum, behi, nok, shaftoli, anor, banan, apelsin, mandarin* va b.

“*daraxt uyasi*”: *terak, tol, archa, olma, o'rik, olcha, olxo'ri, uzum, behi, nok, shaftoli, anor, banan, apelsin, mandarin, dub, qarag'ay* va b.

- **rustilida:** “*фруктовое гнездо*”: *яблоко, абрикос, вишня, слива, виноград, айва, груша, персик, гранат, банан, апельсин, мандарин* и так д.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“гнездо дерева”: тополь, ива, пихта, яблоко, абрикос, вишня, слива, виноград, айва, груша, персик, гранат, банан, апельсин, мандарин, дуб, сосна и др.

- **ingliztilida:** “fruitnest”: apple, banana, orange, mandarin, kiwi, apricot, cherry, plum, grape, quince, pear, peach, pomegranate etc.

“Tree nest”: poplar, willow, fir, apple, apricot, cherry, plum, grape, quince, pear, peach, pomegranate, banana, orange, mandarin, oak, pine etc.

Yana shu o‘rinda aytish mumkinki, garchi O‘zME izohlarida: “O‘zbekistonda olmaning 10ta navi yetishtiriladi”, deyilsa-da, “O‘zbekiston Respublikasiga 2010-2015-yillar mobaynida olib kelingan olma navlari ro‘yxati”[6]da quyidagi olma turlari sanab o‘tilgan: *aydored, jonagold, alva, arnabel, topred, arnika, ligol, topaz, florina, mutsu, fridom, gala, kiku, gibson, pinova, chempeon, gloster, piros, golden, empayter, jinjergold* va b. Bu navlar soni 40dan ortiq.

O‘zbekiston Respublikasi M. Mirzayev nomidagi bog‘dorchilik, uzumchilik va vinochilik ilmiy-tadqiqot institutining olimlari tomonidan yaratilgan olma navlari ham allaqachon yurt dasturxoniga chiqqan. Bular: *Toshkent borovinkasi, Samarqand a‘losi, afrosiyobi, oydin, bolajon, farangiz, go‘zal, feruza, kamola, cho‘lpon, mehmoniy, tilla olma, nafis.*

Xalq tilida olma navlarini *tramayi (kuzgi), eshakolma (xarseb), naqsholma, olmacha (ertapishar nav), dumchaolma (dumchaborik), kelinolma, farangolma, xashaki* deb atalishini ham kuzatamiz. Davrimiz kishilari, odatda, olma sotib olganda, sotganda, yeganda yoki ko‘rganda mazkur mevani rangiga qarab ajratadilar, xolos. Ya‘ni– sariq olma, qizil olma, ko‘k olma, yashil olma.

Xulosa. Tilning lug‘at tarkibini o‘xshashlik jihatlariga ko‘ra muayyan paradigmatic qatorlarga birlashtirish tilning o‘zi kabi murakkab, xilma-xil va ayni paytda o‘ta qiziqarlidir. O‘zbek tilidagi mevachilikka oid so‘zlarni yig‘ish va muayyan mavzuviy guruhlariga birlashtirish ham xuddi shunday murakkab masala bo‘lsa-da, sohaning so‘z va atamalarini yig‘ish, o‘xshashlik belgisi ostida paradigma qatorlarini tuzish, lug‘atlarda nafaqat meva daraxtlarining nomini, balki meva va unga tegishli atamalarni ham (faqat biologik xususiyati nuqtayi nazaridan emas) til egalari ongida qanday o‘rinlashganligiga qarab izohlash zarur. Bu, tabiiyki, soha leksikasi uchun ham muhim.

Fikrimizcha, ijtimoiy hayotimizdagi har bir sohaga tegishli birliklar til nuqtayi nazaridan tadqiq etilishi, ularga tilimizni boyituvchi manbalar sifatida qaralishi, zaruriy o'rinlarda ularning imlo va izohli lug'atlari tayyorlanishi zarur. Zero, o'zbek tilda mevalikka oid leksikani o'rganish ham alohida ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Аброоров Ш., Султонов К., Нормуратов И. Ўзбекистонда замонавий интенсив олма боғлари. –Тошкент: Baktria press, 2016.– 132 б.

2. www.twirpx.com Ўзбек тилининг изоҳли луғати. О ҳарфи.

3. <https://aim.uz> / Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. О ҳарфи.

TIL BILGAN – EL BILADI

Ibroimova Mahliyo

Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu maqoladayurtimizda tilning rivojlanishi uchun yaratilayotgan katta imkoniyatlar, tilningning rivojlanishi, kelajagi porloq bo'lishi—davlat ahamiyatiga ega bo'lgan masalalardan ekanligi, tilimizga e'tiborning tarixiy ildizlari chuqur ekanligi tahlil qilingan.

Kirish. Har bir millatning o'ziga xos udumlari, qadriyatleri, bayramlari bo'lganidek, o'z tili ham bor. Shu millatlarning aholisi bir-biriga o'zaro til orqali fikrini bayon etadi va gaplashadi. Fikr almashish ya'ni tafakkur uchun ham eng asosiy qurol – til hisoblanadi. Tafakkur va til bir-biri bilan chambarchas bog'liq ijtimoiy hodisadir. Inson nutqi, til vositalari bo'lmasa, fikrlash ham gumon. Qisqacha qilib aytganda, til va tafakkur doimo bir-birini taqozo qiladi, bir-birining yashashi va rivojlanishiga ham yordam beradi. Shuning uchun ham til jamiyatdagi eng muhim vositalardan biridir.

Asosiy qism.Har bir mustaqil davlatning o'z tili bor. Davlat tili haqida esa har bir davlatning Konstitutsiyasida aytib o'tilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4- moddasida “ O'zbekiston Respublikasining davlat tili o'zbek tilidir”, - deb belgilab qo'yilgan. Bundan tashqari, Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov 1989-yil 21-oktabrda o'zbek tiliga davlat tili maqomini bergan edilar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Xuddi shu yildan e`tiboran, har yili 21-oktabrda “ Til bayrami” keng nishonlanadigan bo`ldi. Birinchi Prezidentimiz til haqida o`zlarining “ Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch” asarlarida shunday xitob qiladilar: “ Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili – bu millatning ruhidir”. Til haqida yana ko`pgina shoir va yozuvchilar ham o`z fikrlarini bayon etganlar:

_ Til fikrni yaratuvchi organdir. Aqliy faoliyat va til yaxlit butunlikni tashkil etadi. (V. Fon Gumbolt)

_ So`zlash qobiliyati – hodisalar ichiga kirishning yagona va bebaho vositasi. Ushbu fikrlarni L.N. Tolstoy aytib o`tgan. Til tufayli eng qadimgi ma`lumotlarga ega bo`lamiz, hatto kelgusiga oid ma`lumotlarni olamiz. Til tufayli sezgi a`zolarimiz bilan bilib bo`lmaydigan narsalarni ham o`rganamiz. Alisher Navoiy bobomiz aytganlaridek: “ Ko`ngil mahzanining qulfi til va ul mahzanning kalitin so`z bil”.

Hayotda o`z ona tilini bilmaydigan, sevmaydigan, uni qadrlamaydigan inson bo`lmasa kerak. Chunki har bir inson o`z tilini sevadi, uni asraydi, avaylaydi. Barchamiz ilk marotaba onajonlarimizdan alla eshitamiz. Xuddi shu payt quloqlarimiz ostida ona tilimiz jaranglaydi. Har bir inson o`z ona tiliga ulkan mehr qo`yadi. Hattoki, shoir, yozuvchilarimiz ham o`z ona tillarini boyitishga qo`llaridan kelgunicha harakat qiladilar. Abdulla Oripov aytganidek, Sohibqiron Amir Temur tig`i bilan olomagan joyni Alisher Navoiy qalam bilan tilga oladi. Alisher Navoiy ona tilimizning bizgacha yetib kelishi, uning yo`qolib ketmasligi uchun ulkan hissa qo`shgan. Hozirgi o`zbek adabiyotida ham til haqida yozilgan she`r va asarlar behisob. Abdulla Oripov, ayniqsa, ona tilini yuksaklarga ko`targan va shunday bir she`r yozgan:

Ona tilim sen borsan, shaksiz

Bulbul kuyin she`rga solaman.

Sen yo`qolgan kuning, shubhasiz

Men ham to`ti bo`lib qolaman.

Xurshid Davron esa insonlarni o`z tilini unutmaslikka chorlaydi:

O`z tilini unutgan xalqning

Bog`larida o`sgan gullarin

Chirmab olar zaharli ilon

O`z tilini unutgan xalqning

Osmonida porlamas quyosh –
Nur o`rniga to`kiladi tosh.

Har birimiz ona tilimizga hurmat bajo keltirib, uning yuksalishi uchun o`z hissamizni qo`shishimiz kerak.

Inson faqatgina ona tili bilan kifoyatlanib qolmaydi. Iloji boricha til o`rganishga harakat qiladi. Til bilgan inson, hech qachon xor bo`lmaydi. Nafaqat xor bo`lmaydi, balki insonlar orasida o`z o`riga ega bo`ladi, ishlari o`ngidan keladi. Mamlakatimiz ravnaq topayotgan bir paytda til o`rganish ustuvor masalalardan biriga aylandi. Chunki har bir soha vakillari uchun chet tilini bilish shartdir. Misol qilib aytadigan bo`lsak, shifokorlik kasbi – o`ta murakkab kasb. Ular inson salomatligi, uning hayoti bilan shug`ullanishadi. Birgina xato qo`yilgan tashxis u insonning o`limiga sabab bo`lishi mumkin. Shifokorlar ingliz yoki rus tilini bilmasa, bu tillardagi nodir qo`lyozmalardan foydalana olishmaydi yoki chet eldagi hamkasblari bilan tajriba almasha olmaydi. Qarabsizki, shifokorlar qancha bilim-u tajribadan xabarsiz qolishadi. O`qituvchilar ham chet tilini bilishi kerak. Chunki o`quvchiga o`rgan deyishdan oldin o`zi o`rganib, o`quvchiga o`rnak bo`lishi kerak. Bugungi kunda o`qituvchining obro`si oshdi, o`qituvchiga bo`lgan hurmat yanada kuchaydi. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan o`qituvchilarga juda keng imkoniyatlar, sharoitlar yaratib berildi. Bunday imkoniyatlardan foydalanmaslik bu –nomardning ishi deb o`ylayman. Bugungi tahlikali zamonda, butun dunyoga rahna solayotgan koronavirus balosi tufayli bizning jonajon yurtimizda ham karantin davri davom etmoqda. Shunday bo`lishiga qaramay, maktablarda, oliy o`quv yurtlarida o`quv jarayoni davom etmoqda. Darslar online, masofadan olib borilmoqda. Maktab o`quvchilari va o`qituvchilari, jamiki ta`lim sohasi vakillari uchun turli xil tanlovlar e`lon qilingan. Bunday tanlovlarning tashkil etilishidan maqsad esa talaba- yoshlarning bo`sh vaqtini mazmunli o`tkazish hamda o`z iqtidorini namoyon qilishga imkoniyat yaratishdir.

Xulosa. Bizning uyda qolishimiz yurtimiz tinchligi va ravnaqi uchun foyda keltiradigan bir paytda uyda qolib foydali va kerakli mashg`ulot bilan foydalansak, bu o`zimiz uchun ham, yurtimiz uchun ham ayni muddao bo`lardir. Shunday ekan til o`rganib, bilimimizni boyitaylik va vaqtimizni mazmunli o`tkazaylik! Xulosa o`rnida ma`rifatparvar bobomiz

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Avaz O`tarning “ Til” g`azalini keltirmoqchiman. Zero, “ Til bilgan – el biladi”. Ushbu g`azal ham kelajak avlodni til o`rganishga undaydi.

Har tilni biluv emdi bani odama jondur,
Til vositai robitai olamiyondur.
G`ayri tilni sa`y qiling bilgani yoshlar,
Kim ilm-u hunarlar bilonki ondin ayondur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 144 б.
2. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 272 б.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. I – V томлар.– Тошкент: Фан, 1977 – 1980.

Роль паремий и фразеологических единиц в межкультурной коммуникации.

Исаева Г.А

Старший преподаватель кафедры русского языка и литературы

АННОТАЦИЯ. Статья посвящена роли паремий и фразеологических единиц в межкультурной коммуникации. Согласно идее нового мышления, сформулированной недавно, активность изучения фразеологических единиц отнюдь не случайна: в них хранится отражение глубинных мифологем и архетипов человеческого сознания. И в двадцать первом веке пословицы воспринимаются как явление мысли, выражение народного мировоззрения.

Ключевые слова: пословица, паремия, фразеологическая единица, смысл, значение, содержание, коммуникация, культура, язык.

Каждое общество, обслуживаемое данным языком, имеет и национально-своеобразную культуру. Язык – хранитель культуры, с его помощью культура наследуется новыми поколениями людей данного общества.

Сам термин «культура» должен пониматься здесь достаточно широко. Это не только богатства литературы и искусства, накопленные в течение многих веков развития данного общества, но и традиции человеческого общежития, обряды, обычаи, общепринятые формы повседневной деятельности. Все эти проявления культуры бывают в значительной степени национально-своеобразными. Носители того или иного языка, с детства овладевая словарем, грамматическими формами, произносительными нормами данного языка, постепенно впитывают и национальные формы материальной и духовной культуры. Нередко эта культура бывает связана со специфическим использованием выразительных средств языка.

К выразительным средствам языка относятся пословицы, поговорки, крылатые слова, устойчивые сравнения и словосочетания и фразеологические единицы.

Рубежи между пословицей и близкими ей жанрами весьма неустойчивы, подвижны. Бесспорно одно: все вместе они служат образным, выразительным средством речи и являются её цветом, ароматом, украшением.

Фразеологические единицы свойственны прежде всего речи обиходной, а также употребляются в художественной литературе и в публицистических материалах для усиления выразительности, для живости и образности высказывания. Таковы, например, обороты семь пятниц на неделе; водить за нос; без царя в голове; при царе горохе и др. Стилистически нейтральных фразеологизмов немного, к тому же они большей частью напоминают составные наименования: точка зрения, поднять уровень, раздвигать рамки, восходящая звезда и др. Как показывают наши наблюдения, студенты- узбеки, плохо знающие русский язык, нередко понимают фразеологическое выражение буквально, еще не умея увидеть за буквальным смыслом образное, переносное значение фразеологизма. В осмыслении таких оборотов, как падать от усталости, вылететь в трубу, положить зубы на полку и под., у них нередко преобладает чисто зрительный образ, а не те значения, которые имеют эти обороты в общем употреблении (сильно устать, разораться, голодать). Это происходит от незнания русского языка, непонимания смысла, неумения подобрать аналоги в родном языке. Эти обстоятельства должны быть учтены преподавателем и потребовать от последнего вдумчивой работы со

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

студентами с разъяснением содержания фразеологизмов, исправления и предупреждения ошибок в их осмыслении, по возможности используя родной язык обучаемых. В узбекском устном словотворчестве предстает особый мир со своими необычными красками, сравнениями и образами, как будто их высмотрел из окружающего мира оригинальный художник. Например, «Вздумал тубетейкой запружать плотину; «Хилый: дунешь – в Бухару улетит» и др. Характерно, что в фольклоре и образно-речевом арсенале того или иного народа большею частью фигурируют именно те предметы, вещи и явления, которые типичны для его быта. Вместе с тем это типичное, как правило, оказывается и передающим национальный колорит. Узбекский язык богат меткими и остроумными выражениями.

«Поэзия и мудрость, искусство ёмкого слова, способного охватить одновременно и малое, и большое, меткость, пронизательность жизненных характеристик – все здесь заставляет думать о творческом гении народаязыкотворца и мастера -художника» (В.П.Аникин) В узбекской речи бытует много образных выражений-сравнений и присказок, речений и присловий, которые украшают и делают её более образной, гибкой, выразительной.

Узб: Беш бармоғини оғзига тикади. Суёт в рот все пять пальцев. Аналогия в русском языке: Не суй все пять пальцев в рот –подавишься

Узб: Беҳидек сарғайиб, ипакдек ингичка тортиб қолибди. Он стал желтее шафрана и тоньше шёлка. Аналогия: Выжатый как лимон.

Узб: Бир пулга қиммат. Не стоит гроша. Аналогия: Не стоит ломаного гроша.

Узб:Боши оққан томон Куда заблагорассудится голове. Аналогия: Куда глаза глядят.

Узб: Гапга бичган. Красноречивый, мастер на слова. Аналогия: Язык хорошо подвешен. Говорит как пишет.

Узб: Ёт товукдай. Как чужом курица- чужак курица!

Аналогия: Белая ворона.

Узб: Очиқ кўнгил (кўнгли очиқ) Открытая душа. Аналогия: Душа нараспашку.

Узб: Юлдузни бенарвон уради Он (с неба) без лестницы достанет звезду. Аналогия: Звезды хватает с неба.

Узб: Ўнг қўлим, сўл қўлим-бари ўз қўлим. Правая рука, левая рука-все (они) мои руки. Аналогия: Своя рука-владыка.

Узб: Тилларда дoston. Поэма у всех на устах. Аналогия: Притча во языцах. Сравнение узбекских и русских фразеологических выражений имеет практическое значение: как при изучении народного языка, так и в процессе перевода с одного языка на другой. Эти и другие выявленные эквивалентные отношения между фразеологическими выражениями родного и неродного языков помогут преодолеть эти трудности. Перевод на русский язык и подбор русского соответствия помогут студентам овладеть этими трудными, порой, казалось бы, грамматически неправильно построенными выражениями, сохранившими слова, вышедшие из употребления или имеющие ограниченное распространение.

Пословицы и поговорки- это тот жанр фольклора, которым каждый из нас пользуется ежедневно, часто даже того не замечая. Их называют алмазными гранями народной мудрости. Древнейшая мудрость народа прекрасно вписывается в современность, она отражает отстоявшуюся в веках народную философию, национальный и общечеловеческий исторический опыт.

То, что разделяет людей на те или иные народы, гораздо меньше того, что объединяет их под общим названием человечества. Идея нового мышления, сформулированная недавно, еще раз напоминает нам об этой истине.

Использованная литература

1.Аникин В.П. Русские пословицы и поговорки / под ред. В.П. Аникина. – М., 1988. – 431 с.

2.Батырова М.А. «Пословицы и поговорки в русском, узбекском и иностранных языках» (Межкультурные коммуникации). Методическое пособие.Т.- 2010

3.Жўраева Бибиш Муҳсиновна; Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари. Филология фанлари доктори (DSc) диссертациясиавтореферати; Самарқанд – 2019, стр.47

4.Сидоркова Г.Д. Прагматика паремий: пословицы и поговорки как речевые действия / Г.Д. Сидоркова. – Краснодар, 1999. – 249 с.

TABIBCHILIK ASOSIDA SHAKLLANGAN XALQ MAQOLLARI

Mustafoeva Lobar Mahmutovna

BuxDU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqollar xalqning ma'naviy madaniyati, urf-odati, kasbi, turmushi bilan bevosita bog'liq bo'lib, qisqa, ixcham, ma'no jihatidan salmoqdor birliklar sifatida har bir davr ruhiga mos keladi. Maqol va iboralar turli soha mutaxassislari hisoblangan olimlar – paremiologlar, tilshunoslar, adabiyotshunoslar, folklorshunoslar, etnograflarning tadqiqot olib borishlari uchun “hosildor maydon” hisoblanadi. Bu tabiiy hol, chunki maqol shaklan ixcham, sodda bo'lishiga qaramay, turli tadqiqot nuqtai nazarlaridan ko'rib chiqilishi mumkin.

Xalqning turmush tarzi, uning kasb-kori doirasida shakllangan xalq maqollari juda ko'p bo'lib, ular qisqa va lo'nda bo'lishiga qaramay, xalqning hayoti, qarashlari u yoki bu kasbga bo'lgan munosabatini ochib beradi. Hech qachon eskirmaydigan va o'z ahamiyatini yo'qotmaydigan kasblardan biri tabibchilik kasbidir. Tibbiy yordamga ehtiyoj hamma vaqt bo'lgan va bundan keyin ham bo'ladi.

“Tabib” 1. Bemorlarnidavolovchi mutaxassis, shifokor.

2. Zamonaviy meditsina ilmidan bexabar bo'lgani holda bemorlarni ishontirib, ularni bilar-bilmas davolashni o'ziga kasb qilib olgan kishi [1, 103].

Tabib so'zining har bir izohiga to'g'ri keladigan maqollarni topishimiz mumkin, masalan: “Oftob kirmagan uyga tabib kiradi”, “Bemor tuzalgisi kelsa tabib o'z oyog'i bilan kelar”, “Tabibga ishonmagan bemor tuzalmas”, “Dardning vaqti o'tsa tabibdan o'pkalama” singari maqollarda *tabib* so'zi bemorlarni davolovchi mutaxassis, vrach ma'nosida keladi. “Tabib – tabib emas, boshidan o'tgan tabib”, “Kasal jonning harakatida, tabib pulning harakatida”, “Tabib haqi naqd bo'lmasa bemor dardi tuzalmas” kabi maqollarda esa *tabib* so'zi zamonaviy meditsina ilmidan bexabar bo'lgan holda bemorlarni ishontirib, ularni bilar-bilmas davolashni o'ziga kasb qilib olgan kishi ma'nosida ishlatiladi.

Tabib tabib emas, boshidan o'tgan tabib. O'tmishda azayimxon, parixon, mulla, eshon va boshqalar tabiblik niqobi ostida kasalga

chalinganlarning bor-yo`g`ini shilib olardilar-u, ammo dardini davolay olmasdilar. Bu maqol nodon tabiblarga nisbatan bo`lgan ana shunday munosabat mahsulidir. Nodon tabiblar chinakamiga xalq dardini bilmaydilar va ularning kasalligini tuzata olmaydilar. Qaytaga o`z dardingni o`zing yaxshi bilasan, uni o`zing bartaraf qilish harakatida bo`l degan fikr nazarda tutilgan. Agar o`z aqling yetmasa, biladigan, o`z boshidan kechirgan odamlardan so`ra [2, 526].

Avom tabib – ofati jon maqolida kasal bo`lsang, kasalingning nimaligini biladigan, davolash qo`lidan keladigan odamga o`zingni qarat, deyilgan. Kasbini bilmagan tabib esa bemorning umriga zomin bo`ladi.

Bemordan seskangan tabib tabib emas. Seskanmoq – jirkanib yoki bexos tashqi ta`sirdan cho`chib, sapchib tushmoq, keskin qimirlamoq [1, 601]. Tibbiyot sohasi vakillari shu kasbga qadam qo`yishdan oldin Gipokrat qasamini ichadilar, ushbu qasamda aynan shifokor o`z bemori qay ahvolda bo`lishidan qat`i nazar jirkanmasligi, o`zini olib qochmasligi kerakligi ta`kidlangan. Tabibning vazifasi har qanday ahvolda ham o`z bemorining xavfsizligini ta`minlashdan iboratdir. Har bandani Alloh nozik xilqatdan yaratadi. Jirkanish esa Allohga shirk keltirish bilan barobardir.

Oftob kirmagan uyga tabib kiradi. Ushbu maqol xalq tabobati natijasida kelib chiqqan. Kishilar kundalik hayotda o`z hayotiy tajribalarida quyosh taftining, musaffo suvning, sof havoning inson salomatligi uchun bag`oyatda zarur ekanligini o`zlarining ibratli, hikmatli so`zlari vositasida aytib o`tganlar. Quyosh, havo, suv, tabiiy ne`matlardan iloji boricha unumli foydalanish inson salomatligi uchun naqadar koni foyda bo`lishini uqtirganlar. Qolaversa, quyosh, suv, havodan foydalanish zarurligini ta`kidlabgina qolmay, bu ishning amaliy tadbirlarini ham ko`rganlar. Masalan, uy-joy qurganlarida imoratni, uyning eshik va derazalarini oftob tushib turadigan tomonga qaratib qurganlar. Oftobga qaratib solingan imorat qishning sovuq kunlarida ham asqotgan. Teskari usulda qurilgan bo`lsa, uyning havosi buzuv, zax bo`ladi, insonni kasallikka chalintiradi.

Dardning vaqti o`tsa tabibdan o`pkalama. Ushbu maqolda inson o`z sog`lig`iga e`tiborli bo`lishi, og`rib qolsa o`z vaqtida tabibga uchrab davolanishi kerakligi, aks holda dardi og`irlashib, hatto tabib ham yordam berolmay qolishi mumkinligi nazarda tutilgan.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Tabibga ishonmagan bemor tuzalmas. Aslini olganda, kasallikni davolayotgan tabibga nisbatan ishonch bo'lishi kerak. Sababi inson o'zi ishonmagan, ixlos qilmagan ishi teskariga qarab tus olishi mumkin. Maqol orqali aynan tabiblarga ishonish emas, balki insonda ichki xotirjamlik, qalb osoyishtaligi, ruh sog'lomligiga ishora berilgan. Qalban his qilish va ishonish orqali inson oyoqqa turadi.

Ushbu maqollardan bilib olishimiz mumkinki, xalq orasida tabiblikka va tabiblarga nisbatan ikki xil qarash mavjud bo'lgan. O'z kasbining mohir ustasi, fidoyi, jonkuyar va insofli bo'lgan tabiblar maqtalib ta'riflangan bo'lsa, faqat o'z manfaatini ko'zlab bemorlarni davolovchi tabiblar tanqid ostiga olingan. Bundan tashqari tabiblikka oid maqollarda inson sog'lig'i uchun oftob, toza havo, suv, tabiiy ne'matlarning o'rni juda kattaligi, bularning qadriga yetib unumli foydalanish kerakli bayon etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. Ikki jildlik. 2-jild. A-R. Moskva: Rus tili. 1981, 103; - 601 b.
2. Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh. Hikmatnoma: O'zbek xalq maqollarining izohli lug'ati. – T.: O'zb. Sovet Ensiklopediyasi Bosh redaksiyasi, 1990. – 528 b.

ЛУҒАТДА СЎЗ, МАЪНО ТАНЛАНИШИ ВА ИЗОҲИ МУАММОСИ.

Л.Х.Нигматова
ф.ф.н., доцент. БухДУ.
С.С.Шарипов
ассистент .БухДУ

Аннотация. Назарий ва амалий луғатчиликнинг муаммолари сирасида сўз танлаш, шарҳлаш ва далиллаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай лексикограф учун ҳам, луғатчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам луғат тўлиқ, изоҳлар (зарур бўлса) ҳам максимал даражада бўлиши пировард мақсад ҳисобланади. Аммо ҳақиқат нисбий бўлганлиги сабабли, бошқа ишларда бўлгани каби луғатчиликда ҳам бунинг максимал даражада амалга оширилиши имконсиз, албатта. Зеро, катта тилларда сўзлар захираси муттасил

бойиб боради, ўзлашма сўзлар оқими шиддат билан давом этади. Шунга мувофиқ равишда луғатларда қамраб олинган лексика ҳажмининг бўрттирилиши анъанага айланиб бораётганлиги ҳам лексиканинг қамрови луғатнинг таянч хусусияти эканлиги билан белгиланади.

Кириш. Сўз танлаш ҳар қандай луғатчилик муаммоларининг марказида туради. Ҳеч қачон ҳар қандай луғат сўзларининг миқдори бўйича мутлақ таҳсинга лойиқ эмас. [1] Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий тилларнинг лексикасидан орқада юради. Бунинг ташқи ва ички омиллари мавжуд:

биринчидан, луғатлар ташқи жиҳатдан чекланганлик хусусиятига эга;

иккинчидан, луғатлар ички жиҳатдан ўзини чеклаш хусусиятига эга. [2]

Ана шу иккинчи жиҳат сўз танлаш муаммоси билан боғланиб кетади. Зеро, адабий нутқ ва шевавий нутқ, эскирган қатлам ва замонавий қатлам, фаол қатлам ва нофаол қатлам, апеллятив қатлам ва терминологик қатлам орасидаги чегара аниқ эмас ва тилнинг узлуксизлиги бу чегаранинг бўлмаслигини тақозо этади. Шунингдек, кундан-кунга ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мос равишда луғатлар турларининг кўпайиб кетаётганлиги, луғатларда ихтисослашувнинг кучайиб бораётганлиги:

биринчидан, қайси луғатга қайси сўзни танлаш;

иккинчидан, қайси сўзни қайси луғатда бериш;

учинчидан, қайси луғатда қайси сўзни бериш;

тўрттинчидан, қайси луғатда қандай далиллардан фойдаланиш муаммоси луғатларга сўз танлаш масаласини мураккаблаштираётган замонавий лексикографик масалалардан ҳисобланади.

Асосий қисм. Ҳар қандай борлиқ ҳодисаси каби серқирра бўлганлиги каби тилдаги сўзлар ҳам кўп қиррали бўлиб, у ҳар бир қирраси билан бошқа-бошқа луғатларга мансуб бўлиш имкониятига эга. Масалан, *темир*, *сув*, *ҳаво* каби сўзлар кенг ва чуқур маъновий қамровга эга ва полифункционал бўлиб, уларни луғатларда бериш қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги бежиз эмас. *Сув* сўзининг луғатда берилишига эътибор қилинг:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

СУВ 1 Водород билан кислород бирикувидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буғ ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организм ва кўпгина модданинг таркибий қисми.

2 Шундай суюқ ичимлик сифатида.

3 Соё, кўл, дарё ва ш.к. нинг сувли сатҳи.

4 Хўл мева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик.

5 Тирик организм ва аъзолардан ажралиб чиқадиган суюқлик, шира.

6 Умуман, турли нарсалар таркибидаги намлик.

7 *кўчма с.т.* Маза-матраси, шираси ёки жири йўқ (мева ёки овқат ҳақида).

8 Каштачиликда: тўғри ёки тўлқинсимон чизик шаклидаги гул элементи.

9 *эск.* Ўн танобга тенг ер ўлчов бирлиги.

10 Турли бирикмали номлар таркибида келади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати оммабоп луғат бўлгани ҳолда терминологик маънонинг биринчи ўринга чиқарилиши лексеманинг терминологик қиррасига устуворлик бериб юборилганлигини кўрсатади. Буни *темир, ҳаво* сўзлари изоҳида ҳам кузатамиз:

ТЕМИР 1 Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, болғаланганда яссиланадиган, исталган шаклга кирадиган, углерод билан қўшилганда, пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир кумуш рангли оғир металл.

ҲАВО [*а.*–атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] 1 Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимлик ҳаёти учун зарур, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси.

Луғатларнинг ўзаро фарқ ва ўхшашликлари ҳақида гап кетар экан, Л.В.Шчербанинг бу борадаги қимматли бир мулоҳазасини келтиришни ўринли деб биламиз: “Менинг вазифам бирмунча бошқачароқ: биринчидан, луғатлар орасидаги фарқларни кўрсатишдан кўра, ўхшашликларни таъкидлаш керак деб ўйлайман. Луғатларни шу нарса яқинлаштирадики, барча луғатлар сўзлар ва нарсалар билан иш кўради, барчаси инсоннинг аниқ билимлари дунёси билан бирга, тасаввур оламини акс эттирадиган тил лексикасини таҳлил қиладди. Аммо луғатлар у ёки бу даражада сўз ёки

нарсалар мавжудлиги, ҳатто сўз ёки нарса фақат инсон тасаввуридагина ҳукм сурганлиги учун муаммога дуч келадилар, агар борлиқда ҳам, тасаввурда ҳам улар бўлмаса, муаммо ҳам бўлмас эди. Бу барча материалистик лексикография тамойиллари мавжудлигининг асоси. Ҳар қандай сифатли энциклопедик луғат Менделеев даврий жадвалидаги барча терминларни, хусусан, *перекись, окись* сўзларини қамраб олар экан, *ксенон, гафний* деган ифодалар изоҳини махсус терминологик луғатлар учун қолдиради. Шунингдек, қомусий луғатда *бормоқ, гапирмоқ* феълларини, *етарли, кўпинча* деган равишларни учратмаймиз[5]. Изоҳли луғатдан фарқли равишда қомусий луғатлар кўп ҳолларда сезим асосли бирликларни тавсифлаб, англаш асосидаги ифодаларни четлаб ўтади. Изоҳли луғат, асосан, фаол қўлланадиган сўзларни, қомус ва терминологик луғатлар кунда қўлланмайдиган нофаол сўзларни танлайди, шарҳлайди, изоҳлайди. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам тушунча (фаол/нофаоллигига қарамасдан) нима билан ифодаланиши, ифода (кунда қўлланадиган/кунда қўлланмайдиган бўлишига қарамасдан) нимани ифодалашди диққат марказида туради ва танлов шунга йўналтирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лексикографияда табиий ва сунъий тил ҳам омиклашиб кетганлигини кўраимиз. Бу масалани қўйиш ўринлими, терминологик системани “тилнинг ижтимоий келишув асосида шаклланган сунъий тизими” деб аташ тўғрими деган муаммо ҳам пайдо бўлади. Аслида муайян бир тилда терминологик тизимдаги сўзлар икки кўринишда бўлади:

-ўз қатлам терминлари;

-ўзлашма қатлам терминлари.

Ўз қатлам терминлари аслида тилимизда мавжуд бўлган сўзларнинг терминологик моҳият касб этишидир: *қўшув, айирув, бўлиш, кўпайтириш, ёниш, тезлик, куч* каби. Бу ифодаларда ҳеч қандай сунъийликни кўриш ёки қидириш мумкин эмас. Бироқ ўзлашма терминлар гўё ўйлаб топилгандек тасаввур уйғотади. Аммо улар ҳам қайси тилдан ўзлашган бўлса, ўша тил учун бизнинг ўз қатлам терминларимиз каби табиийликка эга.[3] Шунингдек, терминологик қатламга мансуб бўлмаган ўзлашмаларни сунъий деб баҳолай олмаслигимиз ҳам “сунъий” терминларга муносабатимизни

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ўзгартиришни талаб этади. Ҳеч қачон қандайдир бир алоҳида фан тили бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат яхлит лисоний имкониятдан ўзига хос кўринишда намоён бўлган илмий нутқ, фан баён услуби бор, холос. Шунда яна асосий муаммо қайси луғатда қайси маънога урғу ва устуворлик бериш, изоҳ учун қайсисини танлаш масаласи бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. Психология чувственного познания. – М., 1960. – С.25. Аникин А. Е. Русский этимологический словарь. Вып. 10 (гáлочка I — глы́ча). — М.: Ин-т рус. яз. им. В. В. Виноградова РАН; Ин-т филологии Сибирского отделения РАН, 2016. — 368 с.
2. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов .- М.: Изд-во МГУ, 1989.-С.12-13
3. Виноградов В. В. Лексикологические заметки // Уч. зап. Моск. гос. педаг. дефектологического ин-та. М., 1941, т. 1, с. 18—19.
4. Парандовский Я. Алхимия слова. – М., 1972. – 146.

ЛУҒАТ ВА ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТЛАР ХУСУСИДА

Меҳринисо Очилова
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириш, янги фаол лексикографик системаларни яратиш, бунинг натижаси сифатида анъанавий луғатлардан автоматлашган (электрон) луғатлар яратиш долзарблиги хусусида фикр юритилган. Хусусан, интернет тизимида мавжуд электрон луғатларнинг анъанавий луғатлардан устунлиги, қулайлиги ҳақида маълумот берилган..

Миллий истиқлол туфайли ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Чунки "...биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зарур". Маълумки, кейинги йилларда ўзбек тилининг тарихи, субстанциал

табиати, имкониятлари, бошқа тиллар сирасида тутган ўрни каби жиҳатларини ўрганиш ва ёритиб беришга бағишланган турли илмий ишлар билан бир қаторда этимологик, антропонимик, диалектал, топонимик, морфемик, синонимик, антонимик, омонимик каби луғат турлари нашр этилди. Бироқ дунёнинг турли тилларида, хусусан, инглиз, немис, испан, француз, рус ва бошқа тилларда идеографик луғатнинг тезаурус, аналогик, ассоциатив каби турлари нашр этилгани ҳолда ҳозирги ўзбек тилида идеографик луғатнинг яратилмаганлиги, назарий асослари ишланмаганлиги ва илмий тамойиллари белгиланмаганлигини ўзбек луғатчилигининг келгусидаги вазифалари дейиш мумкин.

Ахборот-қидирув тизимида солинган луғатлар тўплами электрон луғатлар ҳисобланади. Турли мақсадлар учун йиғилган, ўзгарувчан ҳажмга эга электрон луғатлар тўплами киберлексикографияга мисол бўла олади. Бундай электрон луғатлар тўпламида сўзлар битта тилга хос ёки шу тилга хос бошқа вариантларда берилган бўлиши, улар қайсидир жиҳатдан бири-бирига ўхшаш бўлиши табиий.

Луғат нима? “Ўзбек тили изоҳли луғати”да «луғат» сўзига қуйидагича таъриф берилган: «арабча» сўздан олинган бўлиб, “тил, шева, сўз, ибора” маъноларни англатиб, “бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб ва тилдаги барча сўзлар мажмуи; сўз бойлиги”[11] каби маъноларда қўлланилади. Google тизимида интернет манбаларда эса: «Луғат» - аҳамияти, ишлатилиши, келиб чиқиши, таржимаси бўйича маълум бир тартибда жойлаштирилган сўзлар тўпламини: морфемалар, сўз бирикмалари, идиомалар ва бошқалар тўпламини – лингвистик тўпламини; фан, маданиятнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатган машҳур кишилар тўғрисидаги маълумотларни – янги энциклопедик тўпламини ўзида сақловчи бир китоб” деган таъриф келтирилади[12].

Француз ёзувчиси Анатолий Франс: «Луғат – бу алифбо тарзида жойлаштирилган коинотдир», - дея таъриф берган. Анатолий Франс тўла ҳақли. Унинг фикрича, “луғатлар бизга ниманидир билмаганмиздагина керак эмас, балки улар миллий маданиятнинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

муҳим бирлигини намоён этганлиги учун, миллатнинг ўзлигини кўрсатиш учун аҳамиятлидир”[3].

Олимларнинг таъкидлашича, луғатларни турларга ажратиш турли сабабларга кўра юзага келади: луғатнинг мақсади, ҳажми, унда сўзлар қандай жойлаштирилганлиги, тавсиф объекти ва ҳоказоларга боғлиқ. Ушбу фарқланувчи хусусиятларнинг аксарияти бир-бирига суянган ҳолда бир хил луғатда бирлашади, бошқалари эса бир-биридан ажралиб туриб, мутлақо бошқа турдаги луғатлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электрон луғат нима? Интернетнинг wikipedia тизимида: «электрон луғат» сўзи “компьютерда ёки бошқа электрон техник воситалардаги луғатдир”, деб таърифланган. Ахборот-қидирув тизимига солинган луғатлар тўплами электрон луғатлар ҳисобланади. Турли мақсадлар учун йиғилган, ўзгарувчанҳажмга эга электрон луғатлар тўплами киберлексикографияга мисол бўла олади. Бундай электрон луғатлар тўламида сўзлар битта тилга хос ёки шу тилга хос бошқа вариантларда берилган бўлиши, улар қайсидир жиҳатдан бири-бирига ўхшаш бўлиши табиий. Луғатлар маълумотлари керакли сўзларнинг морфологияси ва сўз ибораларини ишлатилиши ҳамда уларни чет тилига таржимаси жиҳатидан тез топишга ёрдам беради. Техник жиҳатдан электрон луғат бу зарур сўзларни (сўз бирикмалари, ибораларни)тез қидириб топишга имкон берадиган махсус кодлаштирилган мақолалардан иборат компьютер маълумотлар базасидир. Шу билан бирга дастлабки электрон луғатлар бир дастур қобилигига бирлаштирилган оддий “dic” дастурдан, бир неча рукнли луғатлар яъни “lingvo” каби кўринишларда бўлади[6,9].

Луғатлар қоғозли ва электрон бўлади. Бундан ташқари луғатлар турли вазифаларга эга ва улар шу хусусияти билан фарқланади. Масалан: электрон луғатларфақат бир вазифани бажарувчи (масалан: «Дальнинг онлайн изоҳли луғати») ва кўп вазифаларни бажарувчилар (масалан: «abby lingvo») кўринишларга бўлинади. Луғатларнинг online- таржимонлар ва google луғатлар каби электрон турлари мавжуд. Бунда ихтиёрий сўзнинг қидирувидан сўнг сўзининг таржима (изоҳ) варианты ва уни сақлаш жавоби таклиф этилади. Энциклопедия wikipedia шу схемада ишлайди.

1990

йиллардан бошлаб, CD-Rom ва DVDRom каби электрон маълумот сақловчи мосламалардан фойдаланиш электрон луғатларнинг шаклланишига туртки бўлди. Бундай мосламалар қоғоздаги маълумотларни электрон воситаларга кўчиришидан бошланган эди. Кейинчалик электрон маълумот ташувчи мосламалардаги катта ҳажмдаги лексикографик маълумотлар интернетда жойлаштирилди. Мана шу тарзда ягона электрон лексикографик маълумотлар базаси яратиш асос солинди. Электрон луғатлар ёрдамида қуйидагилар амалга оширилади: замонавий луғатларга таяниб сўзларнинг бир неча вариантларини аниқлаш; матн бўйича сўзларни қидириш; бир луғат нашрининг хронологик тартиби бўйича сўзларни аниқлаш; луғатлар ичида сўзларни қидириб топиш.

Бугунги кунда лексикологиянинг янги йўналишини ифодаловчи киберлексикография тадқиқотчилар зиммасига катта вазифани юклайди. Ўзбек тилшунослигида киберлексикография янги соҳа бўлгани боис, унинг ривожлантиришида, ундаги имкониятларидан амалий фойдаланишида ҳамда бу соҳанинг самарадорлигини оширишда электрон луғатларни яратишни талаб қилади[8].

Электрон луғатларнинг шунга ўхшаш нашрий намуналардан афзаллиги нимада? Электрон луғатлар анъанавий луғатларга нисбатан аниқ ва муҳим афзалликларга эга. Электрон луғатлар нафақат ўз ҳажми жиҳатидан китобий луғатлардан бир неча баробар устун. Фойдаланувчиларга зарур сўзларни васўз бирикмаларини жуда тез топади. Бундай луғатларда ҳар қандай қидирув шаклини амалга ошириш мумкин. Масалан, инглиз тилига мослаштирилган *abby lingvo* электрон луғати нафақат транскрипцияларни, балки сўзлар талаффузини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Бунда иккита ёндошув кузатилади. Мультилексда товуш синтезатори ўрнатилган ва унда барча сўзлар талаффузи мавжуд. Лекин ундаги транскрипцияни назорат қилмасдан туриб унга тўлиқ ишониш ҳам мумкин эмас. Чунки синтезатор урғуни нотўғри қўйиши билан сўзларни бузиб айтилишига сабаб бўлади. Синтезаторлардан *abby lingvo* да лексикани диктор оксфорд шеvasида эшиттиради. Лекин, албатта, электрон луғатларнинг энг асосий устунлиги шудаки унда сўз нафақат луғавий шаклда, балки базанинг бутун ҳажми миқёсида қидирилади. Бу эса қоғоз вариантыда иложсиздир.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Техник нуқтаи назардан қараганда, электрон луғат – компьютердаги маълумотлар базаси, яъни луғатга оид мақолаларни кодланган тартибдаги кўриниши бўлиб, керакли сўзларни (фразалар, сўз бирикмалари) тез излаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда электрон луғатлар бўйича жуда кенг кўламдаги танлов мавжуд (одийликдан тортиб, токи битта дастурий қобикқа жамланган, бир нечта махсус мавзуга оид луғатлар мавжуд, масалан, *lingvo*). Фойдаланувчи у ёки бу дастурий маҳсулотни ўз имконият даражаси, молиявий ҳолати, бажарадиган иш кўлами ва ўз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда танлаш имкониятига эга. Мультмедия луғатининг яна бир устунлиги шундаки қоғаз вариантга нисбатан луғат китоб шаклининг (сараланган сўзлар, дефинициялар, сўзлар тартиби, иловалар) кўплаб мультмедия қулай ва қизиқарли интерфейсда ишлатилишидадир. Бундай имкониятлар қийин талаффузли сўзлар айтилишидаги, синоним, омоним, антонимларга гипер иловалардаги, қулайликларда кузатилади. Электрон луғатлар қоғоз луғатлардаги ҳажмий чекланишлар билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтишга имкон беради. Ундаги энг асосий муаммо сўз изоҳининг бошқа сўзлар қиёсий таҳлили билан боғлиқлиги мультмедия воситалари орқали олиб ташланади. Бунда экран варақларнинг ўзига хос ҳолати орқали кенг кўламдаги маълумотларга, анимация орқали бўладиган матн бўйлаб йул очилади. Бу электрон шакл лексикографик майдон ичидаги анъанавий жанр чегараларини ўчириб ташлашга олиб келади. Изоҳли, махсус, комусий, икки тили ва кўп тили таржима луғатлар орасидаги фарқлар учиб ягона тил базасида луғатнинг улкан варианты юзага кела бошлайди. Фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган барча йўналишлар (талаффуз, этимология, энциклопедик маълумотлар, синонимлар, сўзларни қўллаш ва ҳоказолар) бўйича ҳоҳлаган маълумотларини олишлари мумкин бўлади. Хўш, электрон луғатлар камчиликлари нимада? Электрон луғатлар кўплаб дастурлар билан боғлиқки, улар қўшимча техник воситаларни талаб қилади. Лекин компьютерлаштириш тезлигининг юқори даражаси, ноутбук, смартфонлар бу муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Яна бир муаммо бу электрон луғатларнинг қоғоз вариантларга нисбатан қимматлигидадир. Масалан, *Oxford English*

Dictionary, Terimium тизимлари хизмати пулликдир[9]. Улардан талабалар, ўқувчилар, тадбиркорлар ва турли соҳа фойдаланувчилари фойдаланишлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Замонавий тилшуносликнинг ютуқлари асосида бугунги кунда ўзбек тили луғатларини компьютер технологиялари асосида қуриш ва қайта ишлаш, унинг қўлланишини маълум бир шароит, турли шароит учун моделлаштириш, она тилимиз компьютер моделларини лингвистика ёки бошқа соҳаларда қўллаш, техника таржимаси кабилар бўйича эришилаётган сезиларли ютуқлар киберлексикографиясини йўлга қўйишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Карпова О. М., Менагаришвили О. В. Электронные словари и кибернетическая лексикография :метод. рекомендации к спецкурсу. - Иваново: Иван. гос. ун-т, 2002. -45 с.

2. Кибернетическая лексикография Захаров В. 1 А -10 ФИЯ ЧГУ имени И. Н. Ульянова. электр.ресурс

3. Крысин Л. «Учительская газета», №5, 9 февраля 2010 года.

4. Мадвалиев А. Термин - терминологик луғат - изоҳди луғат // Ўзбек

ПЕРИФРАСТИК НОМИНАЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қобилова А.Б.
БухДУ ўқитувчиси

Перифраза - лингвистик фанда аниқ тушунчага эга бўлмаган ҳодиса. Бу бирлик тавсифловчи ифода сифатида белгиланади ва троп сифатида кўпинча бошқа тил бирликлари қаторида қўйилади. Бу ҳақда И.Э.Умаров қуйидагиларни таъкидлайди: "...парафразалар бадий тавсир воситаларидан бири сифатида оғзаки нутқимизда ҳам, ёзма нутқимизда ҳам кўп қўлланилади, тилнинг бойишини, маъно имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади".

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Бирок, деярли барча тадқиқотчилар перифразанинг номинативлигини, тил номинацияси жараёни билан алоқасини тан оладилар. "НОМИНАЦИЯ (лот. *nominatio* - номлаш, ном қўйиш, аташ) (тилшуносликда) - номлаш хусусиятига эга бўлган, яъни нолисоний борлик унсурларига ном бериш ва уларни ажратиб кўрсатиш, улар ҳақида тегишли тушунчаларни шакллантириш учун хизмат қиладиган тил бирликлари" [<https://qomus.info/>].

Перифраза объектлар ёки ҳодисаларни билдиради, лекин унинг номинал функциясида перифраза мустақил эмас – у сўзга нисбатан иккинчи даражали. Перифраза ҳар доим сўз билан номзод бўлган нарсаларни чақиради, яъни перифразанинг ҳар доим сўз билан умумий денотати мавжуд бўлади. Нутқий жараёнда сўз билан перифразада ўзаро алоқадорлик мавжуд. Перифразанинг қиймати фақат сўзнинг маъноси билан ўзаро боғлиқлиги туфайли мавжуд. Сўз билан ассоциатив алоқасиз-вариантдош перифраза объект билан алоқани йўқотади. Шунинг учун, кўпинча перифраза ва сўз айрим матнларда параллел равишда ишлатилади. Масалан, *Стенокардия - юракни гижимлайдиган дард. Стенокардия-юрак ишемик касалликларининг кенг тарқалган тури бўлиб, одамлар орасида "юрак сиқиши" номи билан машҳур.* ("Даракчи".№15. 11.04.2019. 43-б.). *Микроинсулт – организм "сигнали"га безътибор бўлманг!* ("Даракчи" №18. 02.05.2019. 46-б.). *Вакцинация – вирусларга қарши қалқон.* ("Суғдиёна" №40. 04.10.2018. 33-б.).

"Эмланиш – организм ва хасталик учрашуви". ("Доктор пресс" №6. 09.02.2017.1-б.) каби. Матнда перифразалар сўз билан параллел равишда қўлланганда матн маъносига ойдинлик киритади, матн мазмунини муайянлаштиради.

Шундай қилиб, перифрастик номлаш бу сўз муаллифини муайян вазиятда асосий ном (сўз) эмас, балки такрорий (перифраза) нутқий бирликдан фойдаланишга мажбур қилади ва прагматик қийматга эга бўлади: *У киши агар бераман деса, илмда дарёйи азим. Фойдаланиб қолиш керак улардан. Улар ҳам ганимат одамлар.* ("Гирдоб" романи 43-бет). *"Пахтанинг пири" деб ном қозонган Матвеевич уруш йилларида вақтинча университетни қўйиб, Марказий Комитет секретарининг ёрдамчиси лавозимида ишлаган.* ("Гирдоб" романи 57-бет). Матнда келтирилган дарёйи азим, "Пахтанинг пири" бирикмаларида

образлилик кучли бўлганлиги учун фикрни ёрқин ифодалаш мақсадида сўзловчи сўз вариантдори перифразани қўллаган. *Марҳамат, ака, - деди чаккасини қашиб илжайганча. -Эшитишимча, ҳамма болаларингиз олий мактабни битиришган экан....Шундайми? Ушбу гапда "олий мактаб" перифразаси қўлланган. Бу бирлик университет ёки институт сўзлари ўрнида қўлланилган бўлиб, уни оддий халқ вакили, деҳқон ёки чорвадор айтаётганидан далолат беради.*

Тавсифловчи ном гапирувчига мавзуни ифодалаш учун лингвистик воситаларни танлашда кўпроқ эркинлик беради, бу эса нутқнинг ифодасини яратиш учун жуда муҳимдир. Бир объектни бир неча ном билан белгилаш имкониятини амалга ошириш номинация назариясида гетерономинативлик деб аталади. Матндаги номинацияни ўзгартириш муаммолари фанда ўзгариш сабаблари ва мақсадлари нуқтаи назаридан муҳокама қилинган (қаранг: В.Гак, Арутюнова ва бошқалар). Ҳар бир объект жуда кўп хусусиятларга эга ва маълум бир баёнда у ўзига хос хусусиятлар тўплами ёки улардан бири билан белгиланиши мумкин, лекин объектни ифодаловчи турли хил оғзаки ифодалар объектлар ҳақида турли хил маълумотларга эга бўлади. Маъно ва қиймат ўртасидаги фарқ номинациянинг умумий назарияси ва номинация типологиясини ишлаб чиқиш, шу жумладан перифрастик номинациянинг хусусиятларини тавсифлаш учун муҳимдир. Турли номинациялар бир хил объектни кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

Перифраза, иккинчи даражали исм сифатида, муайян сўзларни ишлатиш учун диний ёки ахлоқий тақиб мавжуд бўлганда ҳам қўлланилади. Бундай ҳолда, перифразанинг асосий вазифаси номинатив алмаштириш функциясидир. Одамлар подшоҳи -Оллоҳ (Нисо сураси, 2-оят). Ушбу перифразада нафақат одамнинг, балки бутун ер юзидаги мавжуд жамики нарсаларнинг яратувчиси - Аллоҳ эканлигига ишора қилинган; Жазо куни - Қиймат . "Фотиҳа " сурасининг 35 - оятидаги ушбу перифраза гуноҳлари учун жазоланадиган, эзгу амаллари учун мукофотланадиган кунни ифодаламоқда.

Хуллас, жаҳон тилшунослигида тилимиз бойлиги ва маъно имкониятларининг нақадар кенг эканлигини кўрсатувчи асосий

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

омиллардан бири ҳисобланган, периферик номларни ўз ичига олган ноаниқ номинация воситалари алоҳида қизиқиш уйғотиб келган. Нутқнинг аниқ, таъсирчан ва, албатта, бетакрор бўлишига хизмат қиладиган тасвирий ифода (перифраза)ларнинг матнларда ҳосил бўлиш хусусиятлари, қардош ва қардош бўлмаган тиллар қиёсида лингвомаданий тадқиқ этилишига зарурият сезилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умаров И.Э. Ўзбек тилида парафразалар. Номзод. дисс. автореферати. –Тошкент, 1996. 3-бет.
2. <https://qomus.info/>
3. “Даракчи”. №15. 11.04.2019

МАКТАБДА О‘QUV LUG‘ATLARIDAN FOYDALANISH

Salimova Dildora
BuxDU magistranti,

ANNOTATSIYA Maqolada o‘zbek o‘quv lug‘atchiligining ilmiy asoslarini ishlab chiqish, o‘quv lug‘atlarini yaratish tamoyillarini yanada takomillashtirish, ayni damda dars jarayonlarida o‘quvchilarda lug‘atlardan foydalanish ko‘nikmasini rivojlantirish xususida so‘z yuritiladi.

Mustaqillikdan so‘ng davlat ahamiyatiga molik islohotlar birinchi o‘rinda ta‘lim tizimidan boshlandi. “Ta‘lim to‘g‘risidagi qonun”, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” ishlab chiqildi. Maktab va oliy ta‘lim oldiga intellektual salohiyati keng, ongi yetuk, ijodiy tafakkur sohiblarini yetishtirib berish talabi qo‘yildi. Bu talabning to‘la bajarilishi o‘z navbatida tilimizning o‘ziga xos xususiyatlariga bag‘ishlangan ilmiy va ommabop kitoblar, o‘quv qo‘llanmalari, yangi-yangi lug‘atlarni ko‘plab chop ettirishni talab etmoqda.

Jahonning taraqqiy etgan mamlakatlarida “O‘quv lug‘atchiligi” sohasi o‘rta asrlardayoq paydo bo‘lib, turli yoshdagi ta‘lim oluvchilar uchun mo‘ljallangan sanoqsiz lug‘atlar yaratilganligiga qaramay, O‘zbekistonda bu masala hozirgi kungacha tilshunoslikda ham, ta‘limda

ham kun tartibiga qo'yilmagan. Globallashuv davrida yosh avlodni ma'naviy barkamol, umummilliy qadriyatlarga sodiq qilib tarbiyalash talabi lug'atlarga bo'lgan ehtiyojni oshirmoqda.

Yalpi axborotlashuv, texnika asrida o'quvchilarni kitobga jalb qilish oson kechmaydi. O'quvchi kerakli ma'lumotni tez va qulay topish yo'llarini izlaydi, o'quv lug'atlari uning yoshi, qiziqishlari, dunyoqarashiga mos tuzilib, e'tiborini torta olish talabi qo'yildi. Bu talabning to'la bajarilishi o'z navbatida tilimizning o'ziga xos xususiyatlariga bag'ishlangan ilmiy va ommabop kitoblar, o'quv qo'llanmalari, yangi-yangi lug'atlarni ko'plab chop ettirishni talab etmoqda.

Yosh avlod ong-u tafakkurini yuksaltirishda lug'atlarning o'rni beqiyosdir. Buni jahon tajribasi amalda ko'rsatib berdi, albatta. Insonning mustaqil fikrlash, o'z nutqini to'liq bayon eta olish qobiliyati, ijodiy tafakkurini o'stirish harakatlari, odatda, yoshligidan boshlanadi.

Mustaqillikdan keyin lug'atchilik birmuncha jonlandi; siyosiy, ma'naviy, ijtimoiy jihatdan eskirgan lug'atlarni qayta nashr qilish, yangilash hisobidan kattagina ishlar amalga oshirildi; tilshunosligimizning lug'at xazinasini boyidi. Biroq bu bilan uni rivojlangan davlatlar darajasiga yetdi deb ayta olmaymiz. Ingliz, fransuz, ispan, nemis, rus tilshunosligida lug'atchilik ayni paytda juda yuqori pog'onaga ko'tarilgan, ayniqsa, turli yoshdagi bolalar uchun rangli, bezakli maxsus o'quv lug'atlari tuzish bilan shug'ullanuvchi tarmoq ancha taraqqiy etgan.

Lug'at-ma'lum bir til so'zlarining muayyan bir maqsad, mavzu ostida jamlangan yig'indisidir. So'zni to'g'ri yozishda, ma'nosini, etimologiyasini aniqlashda, tarkibini tahlil qilishda, jumla tuzishda, biror tushuncha haqida qo'shimcha ma'lumot olishda lug'atlar yordamga keladi. Lug'atlar o'quvchining fikrlash qobiliyatini kengaytiradi, fanning turli sohalari, texnika, san'at, adabiyot, nutq madaniyatini egallashda, milliy madaniyatni o'zlashtirishda, nutq madaniyatini egallashda muhim rol o'ynaydi.

Zamonaviy maktab uchun maxsus lug'at yaratish harakatlarining paydo bo'lishi ta'limga ilg'ar pedagogik texnologiyalarni kiritish, xususan, retroskopik ta'limdan verbal kognitiv ta'lim usuliga o'tish davriga to'g'ri keladi. Ma'lumki, kognitiv ta'lim retroskopik ta'limdan o'quv materialining darslik materialidan bir necha marotaba kattaligi,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

o‘quvchining o‘z ustida mustaqil ishlashi, zaruriy ma‘lumotlar axborot banklari – lug‘atlar – ona tili xazinalaridan izlanishi bilan farqlanadi. Darslikdan barcha zaruriy ma‘lumotlarni olgan o‘quvchida izlanish, mustaqil ishlashga ehtiyoj qolmaydi. O‘quvchini izlab topishga, mustaqil xulosalar chiqarishga yo‘naltiradigan bu texnologiya zamonaviy pedagogik amaliyotda eng samarali usul deb topilgan va jahonning bir qator ilg‘or davlatlarida XX asr boshlaridayoq ta‘lim tizimiga joriy etilgan.

Umumiy o‘rta ta‘limda o‘quvchilarni mustaqil va ijodiy fikrlashga yo‘naltirish, milliy o‘zligini tanitish, ongida ma‘naviy-ma‘rifiy inqilob hosil qilish, tafakkur mahsulini yozma va og‘zaki usullarda savodli bayon qilish ko‘nikmalarini shakllantirish vazifasi ona tili ta‘limi zimmasiga yuklatiladi. Shu boisdan ham mustaqillikdan keyin ona tili ta‘limi mazmuni va tadriji tubdan o‘zgardi. Uning bosh maqsadi ijodiy tafakkur sohiblarini yetishtirish, har bir maktab bitiruvchisining o‘z ona tilida fikrini yozma va og‘zaki shakllarda savodli bayon qilish ko‘nikmasini shakllantirish deb belgilandi. Kognitiv texnologiya asosida yaratilgan ona tili darsligi bilan ishlash lug‘atlarga bo‘lgan talabni yanada oshirdi. Umumiy ta‘limning davlat ta‘lim standartida ona tili o‘qitishning zaruriy vositasiga darslik bilan bir qatorda lug‘atlar ham kiritildi. Ona tili ta‘limidagi bu yuksalishlar o‘zbeko‘zbek o‘quv lug‘atchiligining ham yangi bosqichga ko‘tarilish davri yetganidan dalolat bermoqda. Xususan, rus tilshunosligiga nazar tashlasak, ayni damda Rossiya makablarida ta‘lim olayotgan har bir o‘quvchiga 10-15 tadan lug‘at to‘g‘ri keladi. Xo‘sh, bizda-chi? Mamlakatimizda nashr etilayotgan lug‘atlar tahsil olayotgan o‘quvchi-yoshlarimizni qay darajada to‘liq qamrab olmoqda?

O‘zbek tilshunosligi lug‘atshunoslik sohasida juda katta tarixga ega. O‘tgan asrning 40-yillaridan boshlab leksikografiya tilshunoslikning alohida tarmog‘i sifatida shakllanishi natijasida uning xima-xil turlari maydonga keldi. Umumiy va xususiy izohli lug‘atlar paydo bo‘ldi. Lug‘atning yangi-yangi turlari: ensiklopedik, imlo, orfoepik-morfem, chastotali, ters, frazeologik, dialectal, etimologik lug‘atlar paydo bo‘ldi.

O‘zbek tilining barcha leksemalarini izohlashga bag‘ishlangan lug‘at esa umumiy izohli lug‘at hisoblanadi. 60 ming so‘zni o‘z ichiga olgan ikki jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” (1981) o‘zbek leksikografiyasi tarixidao‘zbek tilining barcha leksemalarini izohlashga qaratilgan ilk izohli lug‘atdir.

2006-2008-yillarda chop etilgan besh tomlik “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” ni bugun kitob rastalaridan topish qiyin. Oradan o‘tgan qariyb o‘n besh yil davomidatilning leksik qatlamida ham, lug‘atshunoslikda ham ko‘p o‘zgarishlar bo‘ldi. Shularni nazarda tutib Vazirlar Mahkamasining Davlat tilini rivojlantirish departamenti buyurtmasi asosida O‘zFA O‘zbek tili va folklori tomonidan tayyorlangan, to‘ldirilgan qayta nashr “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” nashriyotida 3000 nusxada chop etildi.

2020-yilning iyun oyida o‘zbek tilining izohli lug‘ati nashr etildi . Lug‘at 80 mingdan ortiq o‘zbek adabiy tilida keng iste‘molda bo‘lgan so‘z va so‘z birikmalari, fan, texnika, san‘at va madaniyat sohalariga oid terminlar, shevada qo‘llanadigan so‘zlar, tarixiy atamalarni o‘z ichiga olgan.

Bugungi kunda yoshlar lug‘at , ayniqsa, kitob shaklidagi lug‘atdan foydalanishni, ochig‘i, yaxshi bilmaydi. Demak, yana bir vazifa-lug‘at darslarini tashkil qilish, lug‘atdan foydalanish ko‘nikmalarini rivojlantirishdan iborat.

O‘zbek maktablari uchun mavzuiy o‘quv lug‘atlari yaratish uchun dastlabki harakatlar boshlanib, ularning samarasi o‘laroq qator o‘quv lug‘atlari – izohli lug‘at, ma‘ndosh so‘zlar lug‘ati, antonimlar lug‘ati, darajalanish lug‘ati, tarixiy so‘zlar lug‘ati, shevaga xos so‘zlar lug‘ati, iboralar lug‘ati, so‘zlarning birikuvchanlik lug‘ati, uyadosh so‘zlar lug‘ati, shakldosh so‘zlar lug‘ati, so‘z tarkibi lug‘ati, talaffuzdosh so‘zlar lug‘ati, shuningdek, har bir fan bo‘yicha alohida terminologik lug‘atlar va qomuslar yuzaga keldi. O‘quv lesikografiyasi oldida turgan endigi vazifa ona tili darslarida ulardan foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish, o‘quvchilarni lug‘atlarning qimmatli ma‘lumotnoma ekanligiga o‘rgatish, har bir lug‘at uchun lug‘atning ish uslubi bilan tanishtiradigan ilmiy-metodik asosnomalarni ishlab chiqishdan ibortadir.

O‘quvchilarning ijodiy tafakkuri, mustaqil fikrlash darajasi, ijodiy fikr mahsulini og‘zaki va yozma shakllarda ravon bayon etishga olib keladigan qimmatli va boy so‘z zahirasini vujudga keltiradigan kichik hajmli lug‘atlargao‘quv lug‘atlari deyiladi.

Bugungi kunda nafaqat ona tili ta‘limi, balki ta‘limning barcha tarmoqlarida lug‘atlarga bo‘lgan ehtiyoj oshib bormoqda. Maktab

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

lugʻatlarini yaratish tamoyillarini ishlab chiqish va ularni yaratish ona tili taʼlimining dolzarb masalalaridan biriga aylandi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mengliyev B.R. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. Fonetika-fonologiya. Grafika. Imlo. Leksikologiya-semasiologiya. Leksikografiya. I qism Qarshi. 2004.

2. Mengliyev B. Xudoyberdiyeva M. “Oʻzbek tili iboralari oʻquv lugʻati” 2007-2009.

3. Mengliyev B.M., Bahriddinova B.M. “Oʻzbek tilining soʻz tarkibi oʻquv lugʻati” 2007-2009.

ONA TILI FANI OʻQITUVCHISINING NUTQIIY MADANIYATI

Salomova Malika Zoxirovna

Buxoro MTI oʻqituvchisi

ANNOTATSIYA. Oʻzbek tiliga davlat maqomi berilganligi, til mustaqilligiga erishganimiz Oʻzbekiston istiqlolining buyuk neʼmatlaridir. Tilimiz boy va jozibali, uning inson hayotida tutgan oʻrni beqiyos, bu esa oʻz oʻrnida ustoz va murabbiylardan muomala madaniyati va nutq odobi haqida bilim va koʻnikmalarga ega boʻlishni talab etadi.

Inson umri davomida erishgan muvaffaqiyatlari, yutuqlari, maʼnaviy kamoloti uchun ustozlari oldida qarzdir. Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy soʻzlari bilan aytganda uning haqqini “yuz ganj ila ado” etib boʻlmaydi. Oʻzbek tiliga davlat maqomi berilganligi, til mustaqilligiga erishganimiz Oʻzbekiston istiqlolining buyuk neʼmatlaridir. Tilimiz boy va jozibali, uning inson hayotida tutgan oʻrni beqiyos, bu esa oʻz oʻrnida ustoz va murabbiylardan muomala madaniyati va nutq odobi haqida bilim va koʻnikmalarga ega boʻlishni talab etadi. Nutq madaniyati umuminsoniy madaniyatning tarkibiy qismi hisoblanadi. Kishilarning nutqiy madaniyati ularning yuksak madaniyatini belgilovchi omillardan biridir. Ayniqsa oʻqituvchilik faoliyatida nutq madaniyatining oʻrni beqiyos.

Nutq madaniyatini toʻliq egallagan oʻqituvchi oʻz oldiga qoʻygan maqsadiga toʻliq yeta oladi. Nutq odobi insonning umumiy ahloqini belgilovchi asosiy mezondir. Nutq odobi- aytilishi zarur boʻlgan xabarlarini tinglovchini hurmat qilgan holda, uning koʻngliga mos, adabiy normadagi

ifodalar bilan yetkazishdir. Muloyim, yoqimli, odobli soʻzlash uchun tilning lugʻat boyligini egallash, mashqlar qilish, notiqlardan oʻrganish talab etiladi. Oʻquvchi uchun eng yaxshi namuna oʻqituvchi nutqidir. Oʻqituvchi buni har doim oʻzida xis etishi va oʻz nutqida hech vaqt odob-ahloq, nutq madaniyati normalaridan chiqmasligi lozim. Nutqning toʻgʻri boʻlishi uning asosiy xususiyati hisoblanadi.

Nutqning toʻgʻri boʻlishi soʻzlovchi va tinglovchining bir-birlarini tez va oson tushunishlarini taʼminlaydi. Oʻqituvchi nutqining toʻgʻri boʻlishini belgilaydigan omillar:

- a) nutqda adabiy til meʼyorlariga rioya qilish;
- b) soʻz va iboralarni toʻgʻri talaffuz qilish, ohang va pauzalarga eʼtibor berish;
- c) terminlarni toʻgʻri qoʻllay olish;
- d) grammatik meʼyorlarga diqqat qilish, yaʼni oʻzak va qoʻshimchalarni qoʻshishda xato qilmaslik, kelishik qoʻshimchalarini oʻz oʻrniga qoʻyib talaffuz qilish.

Nutqning sof va toza boʻlishi oʻqituvchiga qoʻyiladigan asosiy talablardan biridir. Nutqning tozaligi deganda adabiy til meʼyorlariga mos xolda fikr ifodalash tushuniladi. Oʻqituvchi nutqi mahalliy shevalardan, varvarizm deb ataladigan unsurlardan xoli boʻlmogʻi lozim. Varvarizmlar oʻrinsiz ishlatiladigan boshqa tilga oid soʻzlar boʻlib, xalqaro terminlar bundan mustasno. Masalan, tak, nu, znachit, sovsem, pochti, uje, kak raz kabilar.

Soʻz va qoʻshimchalarning notoʻgʻri talaffuz etilishi, masalan, daftarrri oling, yozvotti kabilar nutq tozaligiga salbiy taʼsir koʻrsatadi. Parazit soʻzlar deb ataluvchi leksik birliklar ham til madaniyatiga yotdir. Masalan baʼzilar nutq jarayonida oʻzlari sezmagani xolda demak, xoʻsh, anavi kabi soʻzlarni bir necha marotaba qaytarishga oʻrganib qoladilar. Bular ham adabiy til meʼyorlarining buzilishiga olib keladi.

Nutqning sofligiga xalal beradigan yana bir unsur-vulgarizmlardir. Adabiy tilda qoʻllanmaydigan qoʻpol soʻzlar, soʻkinish, xaqorat soʻzlari soʻzlovchining madaniyatsiz ekanligidan dalolat beradi. Oʻqituvchi nutqida bunday soʻzlardan foydalanmasligi qatʼiy belgilab qoʻyilgan. Oʻqituvchi nutqining taʼsirchan boʻlishi oʻquvchining fanga qiziqishini orttiradi. Soʻzlovchi va tinglovchi oʻrtasida samimiyat xosil qilish, mavzuga doir xalq maqollari, rivoyatlar, sheʼrlardan foydalanishi nutqning taʼsirini kuchaytiradi. Xushmuomalalik, odoblilik, sinfga hurmat nazari bilan qarash nutqning eʼtibor bilan tinglanishiga sabab boʻladi. Xulosa qilib aytish mumkinki, oʻqituvchining nutqi oquvchini tarbiyalaydi, oʻquvchiga

DAVLAT TILI – IJTIMOYIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

namuna bo'ladi. Shu sababli, nutk madaniyatiga ega bo'lmoqlik o'qituvchilar uchun zaruriy ehtiyojdir.

Shunday ekan, o'qituvchi o'quvchiga tilini o'rgatishdan oldin o'zining nutqiga e'tibor berishi shart. Shundagina o'quvchilarimiz sof o'zbek tilida gaplasha oladi va nutq madaniyatiga ega bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "O'qituvchi nutqi madaniyati." Navoiy, 2008.
2. Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek tili. – T.: O'zMU. 2007.
3. Актуальные проблемы преподавания психологии в пединституте и в школе; Тезисы докладов конференции. М. : Прометей, 1990.

XIX ARSDA O'ZBEK ETNONIMIYASI

Maftuna Safarova
BuxDU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: *maqolada turkiy etnonimlar, ularning o'rganilishi hamda Buxoro hududiga mansub ayrim etnonimlar tahlili berilgan. Shuningdek, etnonimlarning tarkibiy bo'linishlari tadqiqiga ham e'tibor qaratilgan.*

Etnonimlar orqali xalqning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy, etimologik, lingvistik va boshqa ko'pgina xususiyatlari namoyon bo'ladi. Ularda davr muhiti aks etib, keyinchalik axborot tashishga xizmat qiluvchi ma'naviy merosga aylanib boradi. Etnonimlarni tadqiq qilish o'zbek tilining kelib chiqishini, shakllanish tarixini, o'zbek tilida uzoq tarix davomida yuzaga kelgan o'zgarishlarni, undagi integratsiya (qo'shilish) va differentsiya (ajralish) jarayonlarini o'rganishga zamin yaratadi. O'zbek adabiy tili hamda o'zbek milliy tili rivojiga qaysi qabila yoki urug' tili qanday hissa qo'shganligi va o'zbek xalqining boshqa qardosh xalqlar bilan o'zaro aloqalari haqida ma'lumot tashiydi. Etnonimlar nafaqat tilshunoslik, balki tarixshunoslik, etnografiya va arxeologiya uchun ham ulkan material beradi.

Shuning uchun ham har bir davrda etnonimlar masalasi olimlarimiz nazaridan chetda qolmagan. Qavm va qabila nomlari qadimgi asrlardan tortib to bugungi kungacha o'rganilishi muhim bo'lgan soha sifatida qaralmoqda. Xususan, etnonimlar, ya'ni urug' va qabila nomlari haqidagi qadimiy va qimmatli ma'lumotni qadimiy turkiy tilga oid yozma

bitiklarda, M.Qoshg'ariyning "Devonu lug'ati turk" va "Jome-at tavorix", "Pavzat-us safo", "Zafarnoma", "Boburnoma", "Shajarayi turk", "Shajarayi tarokima", "Tarixi Abulxayrxon", "Shayboniynoma", "Abdullanoma", "Tarixi Muqimxoniy", "Tarixi Abulfayzxon", "Tarixi Salotini mang'itiya" kabi tarixiy va tarixiy-badiiy asarlarda [3], shuningdek, o'rta asrlarga mansub arab va fors tillarida yozilgan bir qator bitiklar orqali bizgacha yetib kelgan.

XIX asrda etnonimlarning ilmiy tadqiqida salmoqli ishlar amalga oshirildi. Bular qatorida etnonimiya sohasida bir qancha ilmiy izlanshlar olib borgan, turkiy xalq nomlarini ilmiy jihatdan o'rgangan bir qator rus va Yevropa olimlarini sanab o'tish mumkin. Masalan, N. Xanikov, L.Z.Budagov, N.N.Muravyov, A.P. Xaroshxin, V.V.Radlov, N.A.Aristov, M.N.Galkin, A.Borns, G.Vamberi, D.N. Logofet, K.Bades kabi olimlarni kiritish mumkin. Quyida qabila va qavmlarning tarkibiy bo'linishi va tarqalishi jihatdan bir nechta etnonimshunoslarimizning qarashlarini keltirib o'tamiz.

XIX asr tarixiy voqealarini, urug' va qabilalarning bo'linishi va milliy-madaniy xususiyatlarini yoritishda N.Xanikovning "Buxoro xonligining tavsifi" kitobi ahamiyatlidir. U Buxoro xonligida yashagan o'zbeklarning son jihatidan tashqari o'zaro birliklar jihatdan ham boshqaruvchiliklari borligini qayd etadi. Muallif o'zbeklarning urug' va qabilalarga hamda bo'laklarga bo'linishi haqida to'xtalib, o'zbeklarning quyidagicha urug'larga bo'linishini aytib o'tadi:

1. Mang'it. Mang'it o'z ichida yana 3 qismga bo'linadi: a) To'q mang'it; b) Oq mang'it; d) Qora mang'it. **2. Ming.** **3. Yuz.** **4. Qirq.** **5. O'ng.** **6. O'ng'ochit.** **7. Jalayir.** **8. Saroy.** **9. Qo'ng'irod.** Qo'ng'irod ham o'z ichida besh qismga bo'linadi: a) Qonjag'ali (Xonjig'ali bo'lishi kerak – X.D.); b) Oinli; d) Qushtamg'ali (qushtamg'ali); e) Uvoqtamg'ali; f) Qir.

Shundan keyin muallif o'zbek urug'larining asosiy ro'yxatini 97 taga yetkazadi va bu urug'lardan 28 tasini Buxoro xonligi hududida tarqalganligi haqida ma'lumot beradi.

A.Bornsning "Buxoroga sayohat" asarida ta'kidlanishicha, o'zbek xalqining 32 ta urug'ga bo'linishini eshitib bilganligi to'g'risida ma'lumot beradi va eng muhimlarini sanab o'tadi. **1. Mang'it – Buxoroda,** **2. Yuz – Qo'qonda,** **3. Yuz – Hisorda,** **4. Lokoy – Hisorda,** **5. Qo'ng'irod – Boysunda,** **6. Qatag'on – Qunduzda,** **7. Qipchoq – Balxda,** **8. Yobu – Balxda,** **9. Ming – Maymanda,** **10. Qo'g'irod – Urganchda** uchraydi [5].

Yana bir mashhur sharqshunos etnograf olim Vamberi o'zining "O'rta Osiyo bo'ylab sayohat" kitobida Xiva xonligi hududidagi qabila va

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

urug'lar haqida ma'lumot beradi. Ushbu hududdagi qabila va urug' nomlari keltirib, qaysi hududda qaysi qavm tarqalganligini ko'rsatadi: 1.Qo'ng'iroq, 2.Qipchoqlar, 3.Mang'itlar, 4. No'kis, 5.Nayman, 6.Qulam, 7.Qiyot, 8.Oz (os), 9.Toz, 10.Sayyod, 11. Jig'atoy, 12.Uyg'ur, 13.Oybet, 14.Do'rman, 15.O'shin (Uyshun) [4], 16.Qanjig'ali, 17.No'g'ay, 18.Bolg'ali, 19.Metan (Mitan), 20.Jalayir, 21.Kenagas, 22.Qangli, 23.Ichkili, 24.Bag'urli (Bavurli), 25.Olchin, 26.Ochmoyli (Ochamayli) [1], 27.Qoraqursoq, 28.Birquloq, 29.Tirlish, 30.Katta kesar, 31.Ming. Bundan tashqari Zarafshon hududida tarqalgan etnonimlar xususida ham to'xtalib, ularning o'ziga xos xususiyatlarini aytib o'tadi.

O'zbek xalqining qabila va qavmlarining tadqiqi xususida rus olimlaridan biri A.P.Xoroshinning ham xizmati katta. U "Qitmir" kitobida o'zbek urug'lari ro'yxati keltirib, ularni 92 ta deb ma'lumot beradi. Ammo X.Doniyorov "Bu ro'yxatda ham o'zbek xalqining 92 qabilasi qatoriga kirishi aniq bo'lmagan yoki bo'linishi chalkash bo'lgan har xil mayda bo'laklarga ham ancha ko'p o'rin berilgan", - deb ta'kidlaydi. Ba'zi chalkashliklarga yo'l qo'yilgan bo'lsa-da, Xoroshinning asari tarixiy va etnografik asar sifatida juda ahamiyatlidir [2].

XIX asrda ushbu sohaga katta hissa qo'shgan mashhur turkolog olim akademik V.V.Radlovning xizmatlari beqiyosdir. U tilshunoslik sohasida ko'pgina tadqiqotlar olib borish bilan bir qatorda, turkiy xalqlarning tillarini ularning urug' va qabila tillari bilan bog'lab o'rgandi hamda turkiy xalqlarning etnografiyasi sohasida anchagina ilmiy izlanishlar olib bordi. Olim "Zarafshon vodiysining o'rta oqimi" maqolasida shu hududda yashovchi xalqlarning turmush-tarzi, urug' va qabilalarga bo'linishi, qavm nomlari, ularning yashash joylari tog'risida batavsil ma'lumot beradi. Uning ko'rsatishicha, qurama qabilasi 5 ta urug'ga bo'lingan: 1.Jalayir, 2.Tilov, 3.Toma, 4.Jag'alboyli, 5.Taroqlilar. Qurama va quramaliklarning kelib chiqishi xususida gapirib, ular qozoqlar bilan o'zbeklarning aralashuvida kelib chiqqan degan xulosani beradi. Shuningdek, muallif Qo'qon xonlarining ming qabilasida kelib chiqqanligi haqida ma'lumot berib, kenagas, mang'it, bahrin, misit, burqut, olot, botosh, qoraqalpoq, turkman kabi urug'larning izohini keltiradi. Akademik V.V.Radlovning ushbu xizmatlari etnonimiya uchun qimmatli manbadir [3].

N.A.Aristov o'zining "Turkiy qabila va xalqlarning etnik sostavi bo'yicha mulohazalar va ularning soni to'g'risida ma'lumotlar" asarida turkiy xalqlar tarixi va etnografiyasini chuqur yoritib bergan.

Bulardan shunday xulosa kelib chiqadiki, o'zbek etnonimlariga bo'lgan qiziqish, ularni tadqiq etish XIX asrda ham dolzarb masalalardan bo'lgan. Lingvistika, etnografiya, geografiya, tarix va boshqa bir qator sohalar uchun juda qimmatli manbaa bo'lib xizmat qilib kelgan va XXI asrda ham dolzarbligini yo'qotgani yo'q. Bu bizning keyingi tadqiqotlarimizda o'z ifodasini topadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 1-том. –Москва: рус тили, 1981. – 50б.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 1-жилд. –Т.: ЎзбМЭ ДИН, 2000.
3. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. “Фан”, -Т.: 1968 й.

Ona tilim – jon-u dilim

Sayliyeva Zebiniso

Jondor tumanidagi 1-umum ta'lim maktabi o'qituvchisi.

ANNOTATSIYA. Ona tili – millatning ruhidir. Til – davlat timsoli, mulki. Tilni asrash, rivojlantirish – millatning yuksalishi demak. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida davlat tilining maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yilgan. Shu tariqao'zbek tili mustaqil davlatimizning Bayrog'i, Gerbi, Madhiyasi qatorida turadigan, qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas davlat ramziga aylandi. Bundan 27 yil muqaddam o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan edi. Bu o'z davrida tom ma'noda olamshumul voqea bo'lgan edi.

Kirish. Beruniy, Ibn Sino, Al Xorazmiy, Al Farg'oniy, Alisher Navoiy, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Bobur Mirzo singari buyuksiymolarni yetishtirgan xalq tili yo'qolish arafasiga kelib qolgan edi. Mustaqillikka ilk qadamlar tashlanayotgan davridayoq prezidentimiz tomonidan o'zbek tiliga davlat maqomi berish masalasi kun tartibiga qo'yilib, bu ish amalga oshirilgan edi. Ona tilimiz – o'zbek tiliga 1989 yil 21 oktabrda davlat tili maqomi berildi. bu mamlakatimiz, yurtdoshlarimiz hayotidagi unutilmas, tarixiy voqeaga aylandi. Agar o'shanda til to'g'risida qonun qabul qilinmaganda edi, o'zbek tili ham tarix saxifalaridan joy olgan bo'larmidi?!. Shuni ta'kidlash kerakki, o'zbek tiliga davlat tili maqomining

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

berilishi xalqimizning milliy mustaqillikka erishish yo'lidagi muhim qadamlaridan biri bo'lgan edi. Istiqlol yillarida mamlakatimizda barcha sohalarda bo'lgani kabi tilimiz taraqqiyotida ham muhim o'zgarishlar yuz berdi. O'zbek tilining xalqaro miqyosda obro'si oshdi.

Asosiy qism. “Davlat tili haqida”gi qonun ona tilimizning bor go'zalligi va jozibasini to'la namoyon etish bilan birga, uni ilmiy asosda rivojlantirish borasida ham keng imkoniyatlar yaratdi. Olimlar va mutaxassislar tomonidan ilm-fan va turli sohalarga oid ensiklopediya va lug'atlar, darslik va o'quv qo'llanmalari chop etildi. Mumtoz adabiyotimiz namunalari, sakson mingdan ziyod so'z va so'z birikmasini, fan, texnika, sanoat, madaniyat va boshqa sohalarga oidatamalarni, shevalarda qo'llaniladigan so'zlarni o'z ichiga olgan besh jildlik “O'zbek tilining izohli lug'ati” bu borada amalga oshirilgan ishlarning eng muhimlaridandir. Til – millat qiyofasining bir bo'lagi. Dunyodagi barcha xalqlar o'zining milliy rasmiy tiliga ega deb aytolmaymiz. Chunki bu xalqning milliy mustaqilligi bilan bog'liq. Mutaxassislarning so'zlariga qaraganda, bugungi kunda har ikki xaftada bitta til yo'qolib bormoqda. Bu o'z navbatida o'sha tilda so'zlashuvchi xalqlarning yo'qolishini anglatadi. YuNeSKO vakillarining so'zlariga qaraganda, qachonlardir odamlar so'zlashadigan tillarning soni 7 mingdan 8 mingtagacha yetgan bo'lsa, bugungi kunda sayyoramizda 6 mingta til mavjud bo'lib, ularning 90 foizi yo'qolib ketish arafasida turibdi. Bu asosan sivilizatsiya tufayli madaniyatidan ayrilayotgan kam sonli millatlarning tillaridir. Bu tillarda so'zlovchi aholining ayrimlari yozuvga ega bo'lsa, ayrimlari bundan bebahradir. Masalan, Afrika tillarida so'zlashuvchi aholining 80 foizi xamon o'z yozuvlariga ega emas. Minglab tillardan ta'lim tizimida foydalanishning imkoniyati yo'q. Internetdan foydalana olmaydigan tillar haqida-ku aytmasa ham bo'ladi. Chunki yangi texnologiyalarning rivojlanishi tufayli ayrim xalqlar o'z tillaridan ko'ra zamonaviy tillardan foydalanishga majbur bo'lmoqda. Bugun Internet tilining 81 foizi ingliztiliga to'g'ri keladi. To'g'ri, avvallari ham tillar paydo bo'lgan, muammolada bo'lib, ma'lum vaqtdan so'ng yo'q bo'lib ketgan. Lekin hozirgidek tillarning jadallik bilan yo'qolishi tarixda kuzatilmagan. Yo'qolib ketish havfida bo'lgan tillarning saqlab qolish yo'lida amalga oshirilayotgansa y-harakatlarning asosiy maqsadi ham madaniyatlar va tillar xilma-xilligini ta'minlashdan iboratdir. Chunki aynan til tufayli xalq va elatlarning madaniyati, urf-odatlarini saqlanib qoladi, sayyoramizda yashayotgan xalqlarning o'tmishi vadamaniyati hurmat qilinadi. Tilshunoslar yo'qolib ketish arafasida turgan tillarni saqlab qolishning

imkoniyatlari hozircha qo'ldan boy berilmaganini aytishadi. Tillarni saqlab qolish uchun esa, BMT ekspertlarining fikricha, bu tillardan ta'lim tizimida keng foydalanishni yo'lga qo'yish kerak. Til – millatning ma'naviy boyligidir. Til nafaqat muammola vositasi – balki xalqning madaniyati, urf-odati, uning turmush tarzi, tarixidir. Turli xalqlarning tillariga xurmat esa o'z navbatida o'zaro tushunishni, muloqotlarga imkoniyat yaratadi. Tillarni saqlanib qolishi uchun esa bu tillarni qo'llab-quvvatlash zarurdir. Aynan til tufayli insoniyat uyoki bu xalqqa mansubligidan faxrlanib yashaydi. Barcha tillarni tan olish va xurmat qilish tinchlikning birdan bir kafolatidir. Shu sababli ham xar bir xalq o'z tili saqlanib qolishi uchun harakat qiladi. Lingvist olimlarning fikricha, yana 25 yildan so'ng xozir muamolada bo'lgan tillarning o'ntasidan bittasi saqlanib qolar ekan. Bugungi kunda dunyoda 6809 ta til mavjud bo'lib, ularning teng yarmi sakkizta davlat – Meksika, Indoneziya, Kamerun, Braziliya, Hindiston, Xitoy, AQSh va Rossiya xissasiga to'g'ri keladi. Eng ko'p tilli mamlakat sifatida Hindiston tan olinadi. Bu mamlakatda axoli 845 tilva laxjada so'zlashadi. Ikkinchi o'rinda esa 600ta til va shevada so'zlashuvchi Papua – Yangi Gvineya turadi. Sayyoramizda eng ko'p aholi so'zlashadigan til sifatidaxitoy, ingliz va ispan tillari tan olingan. Birinchi o'nlikka hindi, bengal, arab, portugal, nemets, rus va yapon tillari ham kiritilgan. Jaxon tillarining atigi 4 foizi Yevropa qitasiga to'g'ri kelsa-da, eng ko'p so'zlashuvchi tillarning teng yarmi “ko'hna qita”da ekani ma'lum bo'ldi. 341 million kishi ingliz tilini ona tili sifatida tan oladi, biroq yana 350 million kishi bu tilni ikkinchi ona tili sifatida ko'rishini ma'lum qilgan. Taxlilchilar xitoy va ingliz tillari foydalanish bo'yicha o'z mavqeini oshirib borayotganini aytishadi. Vaziyatni o'rganayotgan kuzatuvchilarning fikricha, foydalanuvchilar soni bo'yicha ayni damda ingliz tili yetakchilik qilayotgan bo'lsa, XXI asr o'rtalarigaborib, xitoy tili asosiy til bo'lib olishi mumkin. Mavjud tillarining 90%ning har biridan 100.000 aholi foydalanadi. Mana shuning o'ziyoq bu tillarning kelajagi qorong'uligidan dalolat beradi. Bugungi kunda 357 tilda atigi 50 nafar kishi so'zlashar ekan. 46 tildan esa atigi bir kishining foydalanishi aytiladi. Ularning o'limi bilan bu tillar ham yo'qoladi. Olimlarning fikricha, til yashab qolishi uchun undan kamida bir millon kishi so'zlashishi kerak ekan. Biroq bunday tillar dunyoda atigi 250 tadir. O'zbek tili ham mana shu 250taning ichida ekani quvonarli, albatta. YuNeSKO tomonidan nashr qilinadigan “Yo'qolib ketish xavfi arafasida turgan jahon tillari atlasida”da Yevropadagi 50ta, Tinch okeani mintaqasida esa 200ta til yo'qolib ketish arafasida ekani ta'kidlanadi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Afrikadagi 1400ta tildan 600tasi kelajakda, 250tasi esa yaqin orada butunlay yo'qolishi haqida bong urilmoqda. AQSh hududlariga yevrropaliklar qadam qo'yganlarida bu mintaqadaminglab tillar mavjud edi. Ayni damda shimoliy Amerika hindularning kamida 150ta tili saqlanib qolgan. Leyptsig universiteti xodimi Baltazar Bikelyaning so'zlariga qaraganda, Kavkazda atigi 3-4 kishi so'zlashuvchi tillar bor.

Biz o'z ona tilimiz bilan faxrlanamiz. Faqatgina faxrlanib qolmasdan, uning yuksalishiga ham o'zimizning munosib hissasmizni qo'shmog'imiz lozim.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.
2. <https://studfile.net/preview/2532712/page:3/>
3. <https://annapal.jimdofree.com>

ОТ КОМПОНЕНТЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ҲАМДА ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилдора Тошева
БухДУ ўқитувчиси, PhD
Дилрабо Убайдова
БухДУ ўқитувчиси
Нодира Рахимова
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада от образи, у иштирокидаги мақоллар ўзбек халқ оғзаки ижодининг салмоқли қисмини ташкил этиши ва уларга намуналар, отнинг халқнинг кундалик турмуш тарзидан тортиб, насл-насаб, тарбия, оила, дўстлик, меҳнат каби тушунчалар ифодаси ҳам тасвирлаш вазифасини ўташи таъкидланган.

Кириш.Халқимиз: “От – мурод”, – деб айтади. Отнинг муродлиги замирида олам-олам маъно бор. Бу отнинг неча минг йиллар давомида халқимиз турмуши, ижтимоий, сиёсий, диний-

эътиқодий ҳаётида тутган мавқеини кўрсатади. *От битди – қанот битди; Оти бор – ботир, оти йўқ – ётир; Оти борнинг қаноти бор, моли борнинг – бахти; Этик кийсанг, эр бўласан, отга минсанг, шер бўласан* мақолларида ҳам от мард ва жасур йигитлар орзу-ҳаваси, муродининг ҳосил бўлиши сифатида ифода этилган. Яъни куч-қудратда тенгсиз йигитлар эгарланган уловда қанотли қуш мисол шиддат билан ҳаракат қилишган. Шу боис отли ботир – бахтли ботир саналган. Ўзбек халқида отлиқ йигит енгилмас куч-қудрат эгаси ҳисобланган. Шу билан бирга, отга инсоннинг мол-давлати, мавқеини белгиловчи восита сифатида ҳам муносабатда бўлинган.

Асосий қисм. От хонадонга қут-барака, бахт ва омад келтирувчи асос сифатида қаралган. От савдоси амалга оширилган бозор “бахт бозори” дея сифатланган. *От бозори – бахт бозори* мақоли мазкур тушунчалар таъсирида шаклланган.

Азалдан туркий қабилалар отни қадрлашган ҳамда бедов бия ва байталларни қўлга ўргатиб хонакилаштиришган. Тарих зарварақларида чинликлар эътиборини қозонган ва “Самовий отлар” дея доврўғи оламга ёйилган айғирларни секин-асталик билан қўлга ўргатган Марказий Осиё аҳолиси ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Шунинг учун туркий халқлар тарихини отсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ота-боболаримиз илоҳий мўъжиза саналмиш бу ҳайвоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини биринчилардан бўлиб жуда яхши англаб, уни ардоқлаш, тарбиялаш ва ундан фойдаланиш борасида бошқа қўплаб халқларга ўрнак бўлишган. *Бошсиз бўрк бўлмас, тотусиз – турк* мақолида отнинг туркий халқлар ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этгани тасвирланган. Яъни қалпоқни бошсиз, туркий қавмларни эса отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси от билан биргаликда олиб борилади.

От отсимонлар оиласига мансуб тоқ туёқли ўтхўр ҳайвонлар авлоди бўлиб, бошқа жониворлардан тез югуришга яхши мослашгани, катта тортиш кучига эгаллиги билан ажралиб туради. Дунёдаги барча мамлакатларда 250дан зиёд от зотлари мавжуд бўлиб, улар 25, баъзан 40 ва ундан ортиқ йил яшайди. Ўрта Осиё ва Европанинг жануби-шарқий қисмида хонаки отлар милоддан аввалги учинчи минг йилликдан мавжуд бўлган. Ёввойи отлар уюри Европа,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Осиё ва Африкада учраган. Отлардан кўп асрлар мобайнида транспорт воситаси, қишлоқ хўжалигининг асосий иш ҳайвони сифатида фойдаланилган. Техника имкониятларининг от кучи билан ўлчаниши ҳам шундан далолат беради. Бир от кучи 746/736 Watt га тенг.

Бир мих бир нағални, бир нағал бир отни тутар мақолида кишилик жамиятига хос тадрижийлик ўз ифодасини топган. Дунёни ларзага соладиган оламшумул воқеа-ҳодисалар ёки кашфиётлар ортида муайян шахс томонидан амалга оширилган ҳаракат ётади. Мақолда қўлланилган от, нағал ва мих образлари ҳаёт ҳақиқатини ёритишга хизмат қилган.

Ҳарбий юришларда ҳам кўшиннинг куч-қудрати ундаги отлик аскарлар сони ва жанг қилиш маҳорати билан баҳоланган. Ўз юрти ва халқи тинчлиги, фаровон ҳаёти учун курашган жасур ва мард йигитлар кўзи тўқлиги, босиқлиги, камтарин ва бир сўзли эканлиги билан ажралиб турган. Мақтанчоқ, ўзига бино қўйган, ўз куч-қудрати ва давлатига ҳаддан зиёд баҳо берадиган одамлар халқ орасида танқид қилиниб, қораланган. *Кишнаган айғирнинг уюрин кўр, чиранган йигитнинг – уйин* мақолида ҳам кўча-куйда мақтанадиган, мол-давлатини кўз-кўз қиладиган кимсалар назарда тутилган. Мақтанчоқ ва ҳавоий кимсаларнинг аслида ҳар бир хатти-ҳаракатни сунъий тарзда амалга ошириши, бировга орқа қилиши, ўзгалар ютуғини ўзиникидек кўрсатишга одатланганлиги қораланган. Кишнаган айғирнинг кучи уюр орасида билинса, мақтанган йигитнинг асл ҳоли уй тутишида намоён бўлади. Бу ўринда *уй* концепти шахснинг оиласи, яшаш тарзи, яқинларига муносабати, рўзғор тебратиш имконияти каби тушунчаларни ўз ичига олади.

От образи иштирокидаги мақоллар ўзбек халқ оғзаки ижодининг салмоқли қисмини ташкил этади (246та). Уларда халқнинг кундалик турмуш тарзидан тортиб, насл-насаб, тарбия, оила, дўстлик, меҳнат каби тушунчалар ифодаси ҳам тасвирланган. Қуйидаги мақолларда баркамол авлод тарбияси учун муҳим саналган муомала маданияти, андиша ва ор-номус тушунчалари асрий қадриятларимиз инъикоси сифатида намоён бўлган. *Одам – сўзлагунча, йилқи – кишнагунча; От кишнашиб топишар, одам – эслашиб* мақолларида жамият асосини муомала маданияти ташкил этиши таъкидланган.

Яъни киши ҳаётда ўз ўрнини топишида, атрофидаги инсонларнинг ҳурмат-эҳтироми ёки нафратига сазовор бўлишига унинг муомала маданияти сабаб бўлади. *Ғайрат – отда, ҳаё – кўзда* мақоли ҳам халқ донолиги намунаси сифатида асрлар давомида ўзбек тилида муомалададир. Маълумки, қадимдан тажрибали онахонлар, гапга чечан янгалар қизлардаги ҳаё ва ибони уларнинг кўзига қараб билишган. Аёллардаги ор-номус, эркаклардаги куч-ғайрат улар бўйнига тақиб юрадиган тумор мисол қадрланган. Мақолда шу каби жиҳатларга ишора қилинган. *Отангни кўрсанг, отдан тушма* мақолида эса ҳар қандай вазиятда киши ўз отасига ҳурмат кўрсатиши, иззатини жойига қўйиши лозимлиги таъкидланган. Зеро, инсон ҳаёти давомида эришган барча муваффақиятларнинг сабабчиси уни дунёга келтирган, вақтида тўғри тарбия берган ота-онаси саналади. Отани улуғлаш, қадрлаш ўзбек халқининг азалий қарашларини ифода этади. *Ота рози – Худо рози* жумласи замирида ҳам ўзбекона тарбия ва асрий анъаналар яширинган.

От образи иштирокидаги мақолларнинг аксариятида оила концепти ифодаси учун хизмат қилувчи масалалар ёритилган бўлиб, улар оиланинг ўзбек халқи ҳаётидаги аҳамиятини намоён этади. Масалан, *Қобил ўғил отга миндирар, ноқобил – отдан туширар* мақолида қобил ва ноқобил фарзанд хусусида фикр юритилган. Бинобарин, қобил фарзанд ота-онасининг ҳурмат-иззатини жойига қўяди. Қариган чоғида уларга тиргак бўлиб, қўлидан келганича асраб-авайлайди. Уйининг тўридан жой беради. Топган-тутганини биргаликда баҳам кўради. Эл ҳурматига сазовор этади. Ноқобил фарзанд эса ота-онаси умрининг эгови бўлади. Кўпчилик олдида юзини шувут қилади, обрўсизлантиради. Мақолда қўлланилган от образи қариллик даврининг роҳат-фароғати, тинч ва осойишта кунларни ифодалаш учун хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Тошкент, 2000.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. VI. – 593 б.

NEMIS TILIDAGI O'SIMLIK NOMLARI BILAN
QO'LLANILGAN FRAZELOGIK BIRLIKLAR
XUSUSIDA

Ubaydullayev Xurshid Shavkatovich,
o'qituvchi, FarDU.

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada nemis tilidagi o'simlik nomlari bilan qo'llanilgan frazeologik birliklarining ijobiy va salbiy jihatlari haqida so'z yuritilgan.

Atrofdagi olamni, madaniyatni, kundalik hayotni va boshqa xalqlarning hayotini o'rganish usullaridan biri – bu, til orqali bilishdir.

Frazeologiya (yun.*phrasis*, *phrásaōs*– ibora *valogos*– so'z, ta'limot) – til frazeologik tarkibining zamonaviy holati va tarixiy taraqqiyotini o'rganadigan tilshunoslik bo'limi [1, 560].

Tilshunoslikning mazkur bo'limi frazeologik birliklarni ikkinchi darajali nominatsiyaning maxsus turi mahsuli sifatida ko'rib chiqadi. Bunga yorqin misol qilib inson tafakkurining assotsiativ xususiyatiga asoslangan bilvosita nominatsiyani aytish mumkin. Nominatsiya (lot. *nominatio* – atash, nom qo'yish) – tilda nomlash vazifasini bajaruvchi birliklarni (so'z, so'z birikmasi kabilarni) hosil qilish [2, 70].

Bilvosita nominatsiya jarayonida biri boshqasining ma'nosini hosil qilish uchun qoida tariqasida ikkita nomdan foydalaniladi. Frazeologizmlar so'zlarning to'liq yoki qisman qayta ishlangan ma'noga ega bo'lgan barqaror birikmalardir, ular lug'at bilan taqqoslanganda kamroq til o'zgarishlariga duch keladi. Aynan ular milliy madaniyat, urf-odatlarining elementlarini rivojlantirishga hissa qo'shib, atrofdagi dunyoga munosabatni shakllantiradi, o'tmishdagi muhim voqealar haqida gapira oladi, shuningdek zamonaviy hayot hodisalarini tavsiflaydi.

Barcha tillarda milliy o'ziga xosliginiva milliy-madaniy semantikasini aks ettiruvchi juda ko'plab frazeologik birliklar mavjud. Ushbu maqolada biz o'simlik tarkibiy qismiga ega bo'lgan nemis tilidagi frazeologik birliklarning milliy-madaniy xususiyatlarini ko'rib chiqamiz.

Qadimda olmon dehqonlari o'zlarining farovon hayot kechirishlari uchun o'rmondagi o'tindan qurilish, hayvonlarga ozuqa, yoqilg'isifatida foydalanib, o'rmon yerlariga katta ahamiyat berishgan. Xattoki insonlar

o'zlarining tashqi qiyofalari hamdaemotsional holatlarini ifodalashda daraxtlarningishonchlik va mustahkamlik ramziga suyanganlar. Shuning uchunolmon tilida *Baum*, *Akazie*, *Palme*, *Pinie*, *Tanne* komponentlari bilan frazeologik birliklarni ko'p uchratish mumkin.

Masalan:

- *Auf die Bäume!* – *Daraxtlarga!* (*Надеревья!*). XIX asrdan boshlab bu ibora harbiylar leksikonida *shoshilish* yoki *balandlikka ko'tarilishbuyrug'i* sifatida ishlatilgan;

- *groß und stark wie ein Baum* –*eman kabi kuchli* (*крепкий как дуб* (о человеке) [3]. Bu ibora to'liq ishonchliknianglatib, ildizlari bilan yerga mahkam o'rnatilgan daraxtga o'xshatiladi;

- *Schlank wie eine Tanne*-archa kabi *xushbichim, ingichka*(*стройныйкакель*). Shunday qilib, ular *ingichka* va *kelishgan qomatga ega bo'lgan inson haqida* aytadilar. Archa sarodoshlar oilasiga mansub, doim yashil buta yoki daraxtlar turkumi [4, 102];

- *Jemandem auf die Palme bringen* – *jmdn. erbösen; jmdn. in Wut bringen* –разг. вывестииизсебя, довести добелогокалениякого-л. Qonini qaynatmoq, qattiq jahlini chiqarmoq[5, 101]. Insonning xissiy holatidan kelib chiqib, daraxtning tepasiga ko'tarilish nihoyatda qiyinligi bilan taqqoslanadi (u g'azablanganidan palma daraxtiga chiqishga tayyor).

Qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanish davomida sabzavot, mevali va rezavor ekinlarning tarkibiy qismi bo'lgan frazeologik birliklarning shakllanishiga turtki bo'ldi. Masalan:

- *sein Weizen blüht* –они преуспевает, егоделаютхорошо [*процветают*]; *емувезёт, емусчастливудача* – *uning ishi gullab-yashnayapti, omadi chopmoqda* [3]. Nemis dehqonlari orasida bug'doy farovonlikning ramzi hisoblangan, chunki unumsiz tuproqdan yaxshi hosil yetishtirish oson emas edi.

- *Es sind kleine Kartoffeln* – *hayotdagi kichik, arzimas, tashvishlanmaslik kerak bo'lgan ahamiyatsiz narsalar;*

- *Kohl reden* – *safsata, bo'lmagan hapni gapirmoq;*

- *Wie Kraut und Rüben* – *aralash-quralash, tartibsiz;*

- *Dumm wie Bohnenstroh* – *o'ta kaltafahm, befarosat;*

- *Ein fauler Apfel verdirbt den ganzen Korb* - *Unangenehme Menschen können ein ganzes Gruppengefühl nachteilig verändern.* – *kichkina buzoq butun podani bulg'aydi;*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- *Rot wie Paprika/Tomate werden* – hijolatdan yuzi qizarib ketmoq;
- „*Birne*“ so'zi inson boshini ifodalaydi. „*Der Mensch hat eine weiche Birne*“ iborasi – bu odam ahmoq, hatto aqldan ozgan degan ma'noni anglatadi. Ammo „*Etwas in der Birne haben*“ esa aksincha, aqlli inson ekanligini ko'rsatadi.

Shu bilan birga nemis tilida gullar mavzusiga oid frazeologik birliklar ham muhim ahamiyatga ega. Masalan:

- *Etwas durch die Blume sagen – etwas nicht offen aussprechen; sondern nur andeuten* – иносказательно, говорить намёками, обиняками (говорить, выражаться) – kinoya (piching) qilib gapirmoq, kpsaning tagida nim kosasi bor, gapning tagida gap bor [5, 17].

- „*j-m nur Blumen auf den Weg streuen*“ iborasi esa aksincha, kimgadir yaxshilik qilish, yomonlik qilmaslik ma'nosini bildiradi;

- *Geduld bringt Rosen* – Atirgul nemis frazeologik birligida muvaffaqiyat timsoli sifatida qo'llanilib, o'zbek tiliga *sabrning tagi oltin* deb tarjima qilish mumkin. Bu ibora orqali sabr qilish bilan muvaffaqiyatli natijalarga erishish mumkinligi tushuniladi.

Yuqoridagifikrlarni umumlashtirib shuni ta'kidlash mumkinki, nemis tilidagi ijobiy va salbiy jihatlariga ega bo'lgan o'simlik tarkibli frazeologik birliklarning milliy-madaniy xususiyatlarini o'rganishda insonning bajarayotgan faoliyat turi, tashqi qiyofasi va aqliy qobiliyatlarini ifodalash muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyot

1. Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В.Н. Ярцева. – 2-изд., доп. – М.: Большая рос. энцикл., 2002.
2. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
3. АBBYY Lingvo x3, electronic dictionary, 2008.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СПОРТГА ОИД АЙРИМ ИНГЛИЗЧА СЎЗЛАР

Хасанов Рустам
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ: мақолада ўзбек тилига турли йилларда инглиз тилидан ўзлашган спортга оид айрим сўзлар мавзу гуруҳлари бўйича таҳлил этилган ҳамда баъзи атамаларга хос маънолар таҳлил қилинган.

Ўзбек тилининг ўзлашма қатлами ўз ичига бир қатор мавзу йўналишидаги сўзларни қамраб олади. Булар сирасида спортга оид сўзлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбек тилига инглиз тилидан *бадминтон, баскетбол, безбол/бейсбол, бокс, ватерпола, воллейбол, гандбол, гольф, каноэ, крикет, кросс, пинг-понг, поло, теннис, футбол, хоккей* ва бошқа бир қанча спорт турларига мансуб сўзлар ўзлашган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу спорт турлари Британия ёки АҚШда дунёга келган ҳамда уларга хос атамалар ҳам инглиз тили доирасида шакланган. Ушбу сўзлар 20-асрнинг биринчи ярмидан бошлаб ўзбек тилига ўзлашганлигини қайд этиш лозим.

Маълумки, бокс спорт турининг ватани Британия ҳисобланади. Ушбу спорт тури Британиядан бутун дунёга тарқалди. Шунинг учун боксга оид сўзларнинг аксарияти инглиз тилига мансуб. Жумладан, боксга оид **аут** (*боксда бош ҳакамнинг берадиган буйруғи, рингда йиқилган боксчини, яъни жангда ютқазган боксчининг жангдан чиқишини билдиради*), **бокс** (*ҳакамнинг боксчиларга жангни давом эттириши учун берадиган буйруғи*), **боксёр** (*бокс билан шуғуланадиган спортчи, боксчи*), **директ** (*боксчига олдиндан берилган тўғри зарба*), **жеб** (*боксда узоқ мософадан енгил зарба бериш*), **жолт** (*боксчининг танасига қисқа тўғри зарба бериш*) ва ҳ.к. атамалар ўзбек тилида кенг қўлланади. Шунингдек, *инфайтинг, клинч, крауч, нокаут, нокдаун, раунд, ринг, свинг, спарринг, спикер* кабилар ҳам бокс оид инглизча ўзлашмалар саналади.

Инглиз тилидан футболга оид бир қатор сўзлар ўзлашган. Буларга **бутси** (*футболчининг остига тишлар ўрнатилган оёқ кийими*), **гол** (*футбол ўйинида рақиб дарвозасига тўп киритилган*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ҳолат), **голкипер** (дарвозабон – футболда жамоа ўйинчиси бўлиб, унинг вазифаси ўз дарвозасига тўп киришидан ҳимоя қилиш), **пенальти** (жазо, жарима: футболда 11 метрлик масофадан рақиб дарвозасига жарима зарбаси) ва ҳ.к. киритиш мумкин. Қолаверса, *аут, аутсайд, аутсайдер, бек, инсайд, офсайд, пас, тайм, тренер, фол, форвард, хендс* каби инглизча атамалар ҳам футболга оиддир.

Теннисга оид сўзларнинг аксарияти ҳам инглиз тилидан ўзлашган. Буларга *волей, гейм, корт, ласт-болл, пинг-понг, сервер, сервис, сет, сингл, смэш, теннис* кабилар киради.

Аутсайд, аутсайдер, бек, гол, голкипер, инсайд, сервер, сервис, тайм, хендс каби атамалар икки ёки уч спорт турида қўлланади. Улар спорт турларида турлича маъно ифодалаши мумкин. Жумладан, **тайм** футболда 45 минут вақт даврини, хоккейда эса 20 минут вақт даврини ифодалайди. Ёки **хендс** футболда – *тўпга қўл билан тегиш рақиб фойдасига жарима зарбаси билан белгиланадиган ҳолатга* нисбатан қўлланса, хоккейда – *қўл билан тўпни нотўғри тўхтатиш* маъносида ишлатилади.

Инглиз тилидан ўзлашган айрим атамалар спортдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам қўлланади. Масалан, **бокс** – 1) спорт тури: ҳакамнинг боксчиларга жангни давом эттириши учун берадиган буйруғи; 2) омборларнинг бир-биридан ажратилган хоналари. Ёки **спикер** – 1) Англияда жамоа палатаси раиси; 2) АҚШ палатаси вакиллари раиси; 3) боксда – ҳакамлар қарорини томошабинларга эълон қиладиган шахс.

Ўзбек тилига спорт билан алоқадор тушунча ва предметларни ифодалайдиган бир қатор инглизча сўзлар ҳам ўзлашган. Булар сирасига *баттерфляй, бобслей, бутси, каноэ, карт, корт, ринг, старт, трек, яхта, яхт-клуб* кабиларни киритиш мумкин.

Инглиз тилидан ўзлашган *аут, аутсайд, аутсайдер, гол, матч, пас, пенальти, рекорд, рекордсмен, спортсмен, старт, тренер, финиш, чемпион* каби атамалар спортнинг ўнлаб турларида қўлланиши билан бошқа ўзлашмалардан фарқланади.

Маълум бўладики, спортнинг бир қанча турлари бўйича инглизча атамалар дунё бўйлаб тарқалган. Жаҳоннинг турли

тилларида *бокс, футбол, хоккей* ва шу каби инглизча сўзларни учратиш мумкин. Бу инглиз тилининг дунё бўйлаб машхур бўлиши сабабларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек тилидаги *кураш, ҳалол, чала, ёнбош, қўлжанги, яккакураш* каби сўзлар ҳам олам аҳлига маълум бўлмоқда. Бу ўзбек тилининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз муносиб ўрнини эгаллашида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбек тилининг инглиз, рус, француз ва шу каби бошқа халқаро тиллардек жаҳон миқёсига чиқишида спортнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга тилимизга эътибор, унинг ривожланиши ва оммаланишида барчанинг масъулиятли бўлиши ҳамда ўзбек тилининг катта имкониятларидан ўринли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўхтаева М., Киличев Б. Ўзбек тилига ўзлашган инглизча сўзларнинг изоҳли луғати. –Т.: Фан. 2007. – 29 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. – М.: Русский язык, 1981. I том. – 631 б.; II том – 717 б.

TOPONIMIYASIGA XOS AYRIM XUSUSIYATLAR

Hayrullayeva Marjona
BuxDU magistranti

Annotatsiya: ushbu axborotda Buxoro viloyati Vobkent tumani toponimiyasi, uning tarkibi, mavzu guruhlaridan antropotoponimlar xususida ma'lumot berilgan.

Toponimlar joy nomlarining atoqli oti hisoblanadi. Ular uzoq tarixga aloqador bo'lib, o'tmishda yashab o'tgan ajdodlarimizning kundalik turmushi, siyosiy-ijtimoiy, madaniy-ma'naviy, diniy-falsafiy qarashlari kabilarni o'zida aks ettirgan. Aytish mumkinki, joy nomlari o'zbek xalqi va tilining tarixiy boyligi, xalq ijodkorligining namunasidir.

Mustaqil vatanimizning Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning «Ma'naviyat o'z xalqining tarixi, uning madaniyati va vazifalarini chuqur bilish va tushunib etishga suyangandagina qudratli kuchga aylanadi. Tarixga

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

murojaat qilar ekanmiz, bu xalq xotirasi ekanligini nazarda tutishimiz kerak. Xotirasiz barkamol kishi bo'lmaganidek, o'z tarixini bilmagan xalqning kelajagi ham bo'lmaydi»[1, 71], degan fikri xalqimizning boy toponimiyasiga ham dahldor.

O'zbek tilining atoqli otlari yigirmanchi asrning ikkinchi yarmidan boshlab ilmiy asosda o'rganila boshlandi. Bugungi kunga qadar o'zbek toponimiyasini tadqiq qilish borasida ko'plab ishlar amalga oshirildi. Bu yo'nalishda ko'plab olimlar, jumladan, H.Hasanov, T.Nafasov, Z.Do'simov, S.Qorayevlar e'tiborga loyiq, salmoqli tadqiqotlarni e'lon qildilar. Ushbu olimlar va bir qator boshqa nomshunoslarning sa'y harakati tufayli Xorazm, Qashqadaryo, Surxondaryo, Samarqand, Toshkent toponimlarining materiallari to'plandi va chuqur tahlil qilindi. Buxoro viloyati oykonimiyasi umumiy tarzda S.Nayimov tomonidan tadqiq qilindi. Ushbu ishda, asosan, Buxoro viloyati oykonimlari bilan bog'liq masalalar bayon etilgan.

Respublika hududiga mansub joy nomlarining umumiy jihatlarini o'rganish, uning til lug'at boyligi ko'lami haqida yaxlit fikr bildirish va vatanimiz joy nomlari xaritasini tuzish o'ta dolzarbdir. Bu borada qadim tarixi va keng toponimik manbaga ega bo'lgan Vobkent tumani toponimlarining lisoniy xususiyatlarini tadqiq qilish ham o'ziga xos ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.

Vobkent tumani toponimiyasi turli mavzu yo'nalishidagi nomlarni o'zida jamlagan. Tuman toponimiyasida kishi nomlari bilan aloqador atamalar miqdoran ko'pchilikni tashkil etadi.

Joylarni kishilarning ismi laqabi va familiyasi bilan, ba'zi hollarda taxallusi bilan atash juda qadimiy tarixga ega hodisadir. Bunday rasm-rusumning qachon paydo bo'lganligi haqida nomshunoslar turlicha fikrlar bildirishadi. Taniqli nomshunos V.A.Nikonov "Введение в топонимику" kitobida bu jarayon feodalizm davrida, yerga egalikning kuchayganligi bilan izohlaydi. Ammo ba'zi tadqiqotchilar antropotoponimlarning toponimlarga o'tishini qadimiy hodisa deb biladi: «Antroponimika va toponimika sohalari tarixan bir-biri bilan bog'liqdir. Chunki bir qator antroponimlar toponimlar asosida paydo bo'lgan, ko'pgina toponimlar esa kishilarning ismlaridan yasalgandir» [2, 4], deb qayd etgan.

Kishi nomi asosida shakllangan toponim – antropotoponim [3, 16] to'rt xil sababga ko'ra paydo bo'lishi mumkin:

1) obyekt uni bunyod etgan, uning yuzaga kelishi uchun sababchi bo'lgan shaxs nomi bilan ataladi;

2) obyekt unga egalik qiluvchi kishi nomi bilan ataladi;

3) biror shaxs ideallashtiriladi yoki ilohiylashtiriladi hamda ma'lum obyektlar uning nomi bilan atala boshlanadi;

4) shaxs nomi rasmiy ko'rsatma va qaror asosida biror joyga beriladi (memorativ toponimlar).

Ayniqsa, keyingi holat sho'rolar davrida nihoyatda avj olgan va toponimik siyosatining tarkibiy qismiga aylangan edi. Antropotoponimlar, ya'ni odamlarning ismlari tarixiy geografiyada keng tarqalgan bo'lib, Sharq va G'arb mamlakatlarning qadimgi va o'rta asr toponimiyasida turli geografik nomlar tarkibida ko'plab uchraydi. Jahonning turli qadimiy madaniyat markazlarini bog'lovchi karvon yo'llarining tutashgan yerida joylashgan Buxoro ham bundan istisno emas. Shuning uchun uning tarixiy toponimiyasida turli madaniyatlar va tarixiy davrlarga taaluqli bo'lgan antropotoponimlar o'z aksini topgan.

Vobkent toponimiyasida keyingi davrda tarixiy shaxs yoki adabiyot, fan namoyandalarining nomlarini abadiylashtirish maqsadida *Muhammad Narshaxiy, Beruniy, Ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Mirzo Bobur, Nodirabegim, Muqimiy, Ahmad Donish, Fayzulla Xo'jayev, Abdulla Qodiriy, Sadridin Ayniy, Sattor Yarashev, Sulton Jo'ra, Hamid Olimjon, G'afur G'ulom, Hamro buvi Rahimova* kabi toponimlar paydo bo'lgan. Bular mashhur tarixiy shaxs yoki fan va san'atning namoyandalari, shuningdek hududda salmoqli xizmat qilgan, xalq e'tibori va e'zoziga sazovor kishilar sanaladi.

Vobkent tumani toponimiyasida quyidagi antropotoponimlar mavjud:

1. Shaxsning ismi: *Imomqozixon, Boltabek, Mirsulaymon, Mo'minobod, Niyozxo'ja, Qo'ldosh, Qoryog'di, Shofayoz, Shamsiobod* kabi. Ba'zan kishi ismi *obod* komponenti bilan birikib toponim hosil qiladi: *Mo'minobod* tipli toponimlar zamirida ham aslida antroponim yotadi.

2. Kishining laqabi yoki ismi va laqabidan yasalgan toponimlar: *Latifsobungar* kabi.

3. Kishining ismi va familiyasidan yasalgan toponimlar. Bunday nomlar, asosan, sho'rolar davrida keng udum bo'ldi va ko'proq ko'chalar,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

guzarlar, maydonlar, xiyobonlar kishining ismi va familiyasi bilan ataladi: *Sattor Yarashev, Fayzulla Xo‘jayev, Hamro buvi Rahimova* kabi.

4. Kishining taxallusi asosida shakllangan toponimlar. Tuman toponimiyasida keyingi davrda tarixiy shaxs yoki adabiyot hamda fan namoyandalarning nomlarini abadiylashtirish maqsadida *Alisher Navoiy, Mirzo Bobur, Nodirabegim, Muqimiy, Ahmad Donish, Abdulla Qodiriy, Sadriddin Ayniy, Sulton Jo‘ra, Hamid Olimjon, G‘afur G‘ulom* kabilarni kiritish mumkin.

Tuman antropotoponimlarning paydo bo‘lish tarixi, etimologiyasi, nomlanish motivlari, ularning morfem xususiyatlari alohida tadqiqni talab etadi.

Xullas, Vobkent tumani toponimiyasida kishi nomlari asosida shakllangan toponimlar ko‘pchilikni tashkil etadi. Ularning yanada keng qamrovli tadqiqi hudud toponimiyasining mukammal tahlilini olib borishda hamda tegishli lug‘atlar tuzishda qo‘l keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.71.
2. Никонов В.А. Введение в топонимику. –М., Наука, 1965. –С.4.
3. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. –Б.16

СИФАТДАГИ ЛЕКСЕМАЛАШУВ ҲОДИСАСИ ҲАҚИДА

Холмухамедов Бахтиёр
СамДУ ўқитувчиси (PhD)

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада ўзбек тилидаги лексемалашув ҳодисаси, унинг белги билдирувчи – сифат сўз туркуми мисолидаги намоён бўлиш ҳолатлари баён этилган.

Кириш. Ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг асосий қисми академик Азим Ҳожиёв қаламига мансуб [1].

Сўз ясалиш назариясига оид мулоҳазаларни А.Ҳожиёв тадқиқотларидан ташқари А.Ғуломов [2], М.Миртожиёв [3],

А.Нурмонов ва Н.Маҳмудов [4]ларнинг кузатишларидан ҳам топиш мумкин. Ушбу ишлар ҳам ўзбек тили сўз ясалишига бўлган муносабатга аниқликлар киритилишига, бинобарин, бу соҳада тадқиқот кўламининг кенгайишига олиб келади. Ушбу тилшуносларнинг тадқиқотлари натижасида ўзбек тили тараққиётининг бугунги босқичида сўз ясалиши тадқиқидаги кўпгина мунозарали масалаларга ойдинлик киритилди дейиш мумкин. Жумладан, шу пайтга қадар сўз ясалиши ҳодисаси морфология соҳасида ўрганилиб келинган бўлса, энди у тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида тан олинди ва шундай ўрганила бошланди. У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевлар томонидан 1965 йилда «Ўқитувчи» нашриётида олий таълим филология факультетлари талабалари учун қўлланма сифатида чоп этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» асарида сўз ясалиши тилшуносликнинг «Морфология» бўлимида берилган бўлса, бу асарнинг кейинги нашрларида унинг алоҳида бобда мустақил лингвистик соҳа сифатида берилиши бунга мисол бўла олади [5].

Асосий қисм. Сифат сўз туркумига мансуб сўзларда лексемалашув ҳодисаси ўзига хос жиҳатлари билан намоён бўлади.

Сифат сўзлар лексемалашувини тўлиқ ёритиш ва бу борадаги тасаввурларни бойитиш учун, аввало, уларга диахроник аспектда ёндашишга эҳтиёж сезилади. Дарҳақиқат, ўзбек тилида сифатлар, асосан, тарихан лексемалашувга учраган. Э.Фозилов қадимги обидалар тилида *йабыз йаблақ “ёмон”, чоғлуғ йалынлығ “оташли, оловли”, аруқ туруқ “озгин”, ач туруқ “оч”, иринч йарлығ “камбағал, қашшоқ”, йоқ чыгай “қашшоқ”, асан тўкэл “соғ”, эдгу огли “донишманд”, адасыз тудасыз “хавфсиз”* сингари сифатлар лексемалашганлиги ҳақида маълумот беради [6]. Уларнинг бирортаси ҳам шу ҳолатда ҳозиргача етиб келган эмас. Аммо шу моделда ясалган от туркумидаги *бўйинтуруқ* сўзи “1. Омочнинг иш ҳайвони бўйнига тақиладиган қисми. 2. *кўчма*. Жабр-зулм, асорат” [7] маъноларида ҳозирги ўзбек тилида мавжуд. Бу сўзнинг ўзи ифода этаётган тушунчага боғлиқ равишда дастлаб асосий, кейинчалик *кўчма* маънолари ҳам маълум вақтдан кейин йўқолиб кетиши, ҳеч бўлмаганда пассивлашиб қолиши мумкин.

Ж.Ҳамдамов сифатларнинг ясалиши хусусида сўз юритар экан, уларнинг синтактик усул билан ясалиши масаласига ҳам тўхталиб

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ўтади. Олимнинг кўрсатишича, сифатларнинг *сифат+сифат*, *сон+сифат*, *сифат+от*, *сон+сифатдош*, *от+сифат*, *от+от*, *равиш+сифат*, *олмош+сифат* қолипидаги турлари бор [7]. Ясалиш кўламининг бу қадар кенг бўлишига қарамасдан, лексемалашув уларнинг барчасида ҳам рўй бермайди. Бу ўринда фақат *сифат+от* қолипида ясалган сифатларнинг лексемалашуви ҳақида гапириш мумкин: ул қара қаш (Лутфий), чақыр қанат [қуш] (Навоий), раҳмы йоқ қаттиғ конул (Хўжаназар Хувайдо) каби. Аммо гап шундаки, уларни қора қош қиз, чақир қанот қуш, қаттиқ кўнгил одам бирикмали ҳолатида лексемалашув ҳодисаси юз берган деб бўлмайди. Улар шунчаки қиз, қуш, одам сўзларининг сифати, аниқловчиси, холос. Агар улар метафоризация ҳодисасига учраб, матнда қора қош, чақир қанот, қаттиқ кўнгил шаклида алоҳида қўлланса ва қиз, қуш, одам маъноларини ифода этсагина, уларнинг лексемалашув ҳодисасига учраганлигини эътироф этиш мумкин.

Худди шундайоммабон, хомхаёл, соддадил, софдил, баландпарвоз, қизил кўк, жигар ранг, саккиз тепки, мош ранг, қиммат баҳо, оқкўнгил, қиррабурун, оёқ яланг, яланг оёқ, шалпанг қулоқ, тош юрак, қилтомоқ, кул ранг, ҳаво ранг, енгил табиат, эркесевар, меҳнатсевар, эртапишар, тезюрар, ёқавайрон, хонавайрон сўзларининг ҳаммаси ҳам бир хилда лексемалашмаган. Улар орасидаги хомхаёл, саккиз тепки, қилтомоқ, ишёқмас, ёқавайрон, хонавайрон сингари сўзлар тўлиқ лексикализациялашиб бўлган.

А.Ҳожиёв оромбахш, роҳатбахш, ҳузурбахш, жонбахш, ҳаётбахш сўзларининг *бахш*; хушмуомала, хушмуомала, хуштабиат, хушфеъл сўзларининг *хуш* қисми ҳозирги ўзбек тилида мустақил қўлланилмаслигини, ҳозиржавоб, ёлғизоёқ, камҳосил, камқувват, ишёқмас, хушёқмас, ўзибилармон, ўзбошимча бирикмалари таркибидаги сўзлар ўз мустақиллигини йўқота бориб, қўшма сифатларга яқинлашиши ва охири бутунлай қўшма сифатга айланиши мумкинлигини айтади [9]. Бу эса сифатлар лексикализациялашуви нафақат диахроник, балки синхроник, шу билан бирга, узлуксиз жараён эканлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, лексикадаги қатор луғавий бирликлар каби сифат туркумига оид сўзларда ҳам лексемалашув

ҳодисасининг катта таъсири бўлиб, бу ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш жараёни маҳсулдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиши. – Тошкент, 1989. -111 б.;
Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. -168 б.
2. Ғуломов А. Сўз ясаиши // Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Тошкент: ФаҢ, 1975. –Б.7-52.
3. Миртожиёв М.Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: ЎЗМУ, 2000;

ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ АССОЦИАТИВ ТАДҚИҚИ

(“одам” концепти мисолида)

Умиджон Йигиталиёв

Қўқон ДПИ доценти, PhD

Шохруҳбек Умиджонов

ТДУТАУ талабаси

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида тилда инсон омилининг ўрни масаласи бўйича кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган [2, 37-67; 3,422-428; 8,49-58]. Мазкур ишларда *инсон* тушунчасининг барча фанлар, шу жумладан, тилшуносликнинг ҳам ўрганиш предмети эканлиги ғояси илгари сурилди. Шунингдек, турли тилларда “одам” концептининг ифодаланиши, хусусан, шахснинг баҳо сифатларини ифодаловчи мақоллар, зоонимик ва фитономик лексик бирликлар орқали воқеланиши масаласини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди [1,89-91,4;5.]. Албатта, концепт ментал тузилма бўлса-да, унинг моддийлашуви бевосита лисон билан боғлиқ, шу боис концептни инсон онги ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсули сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Англашиладики, тилда инсон омили муаммоси тадқиқотчидан тилдан фойдаланувчи шахсга хос хусусиятларнинг тилда воқеланишини аниқлашдек мураккаб вазифаларни ўрганишни тақозо этади. Негаки тилшуносликда *шахс* тушунчаси, биринчидан,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ижтимоий тараққиётнинг натижаси сифатида қаралиб, кишининг *касбий, ижтимоий, жинсий, ёш, ирқий, этник, диний, ҳуқуқий* ва бошқа муносабатлари натижасида рўёбга чиқади.

Фанимизда инсон омили муаммосини концептуал тадқиқ этишда концептнинг тил воситалари орқали ифодаланиши масаласини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Зероки, *концепт* антропоцентрик парадигманинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ҳозирги замон тилшунослигида концептнинг ифодаланиши хусусида деярли фикрлар бир хил. Чунончи, концепт лисоний тизимда, асосан, лексик ҳамда лексик-фразеологик бирликлар орқали ифодаланади. Тилшуносликнинг кейинги тараққиёт босқичида синтактик концептлар ҳақидаги назарий қарашлар, монографик тадқиқотлар ҳам майдонга келди [6,87-90].

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида лексемалар гуруҳида “шахс” тушунчаси хусусида айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай, *одам* концепти ўзининг тўлиқ лисоний-фалсафий ҳамда концептуал-ассоциатив тавсифига эга бўлганича йўқ.

Нутқда концептнинг воқеланиши лексема ва фраземаларда кенг тарқалган. Шунингдек, лексик бирликларнинг маъно кўчиши ҳодисасида ҳам концептнинг реаллашувини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилида *ота, она, қиз, ўғил, ака, опа, ука, сингил* каби қариндошликни билдирувчи шахс отлари, илмий фаолият ва илмий унвон эгаларини билдирувчи *аспирант, докторант, доцент, профессор* лексемалари; кишиларнинг яшаш жойини ифодаловчи *уй, қаср, кошона* лексемалари; инсонга нисбат берилувчи *эсли, доно, ақлли, аҳмоқ, қўрқмас, жасур, ландавур, камтар, софдил, мағрур, уятчан, тортинчоқ, ишбилармон, моҳир, зийрак, билимдон, чидамли, хотамтой, саҳоватли* лексемалари инсон (*одам*) семасига эга бўлиб, тил эгалари хотирасида бевосита “одам” концептини тиклай олади.

Бу хусусият инсон ҳатти-ҳаракатлари, турли ҳолатларини англатувчи *тингламоқ, гапирмоқ, уришмоқ, ҳидламоқ, мизгимоқ, тановул қилмоқ, бетоб бўлмоқ, фарзанд кўрмоқ, кийинмоқ, ечинмоқ, аччиқланмоқ, ранжимоқ, кексаймоқ* лексемалари; *мен, сен, у, биз, сиз, улар, ҳамма, барча, аллаким, ҳеч ким, кимдир* каби ишора бирликларига ҳам хос. Демак, *одам* семаси билан боғланган ҳар қандай лексик бирлик

ассоциатив тарзда тил эгалари хотирасида “одам” концептини воқелантира олади.

Бундан ташқари, ўзбек тилида “одам” концептининг лексик бирликларнинг семантик сатҳида ҳосила маънонинг юзага келиши натижасида ҳам ассоциатив тарзда воқеланиши кузатилади. Масалан, М.Миртожиев томонидан келтирилган қуйидаги изоҳга эътибор қаратайлик: “Уламоқ феъли “учларини”, “бириктириб”, “боғламоқ” лексик маъноси – семемасига эга. У яна «учига», “қўшиб”, “узайтирмоқ” ҳосила маъно – семемани орттирган. Улар билдирган ҳаракат ўртасида ўхшашлик бор. Яъни ҳосила маъно юзага келиши метафора ҳисобланади” [9,95]. Мазкур ҳолатда ҳосил қилувчи семеманинг ҳам, ҳосила семеманинг ҳам учтадан семаси бор. Улар изоҳдаги биттадан сўзда ифода топган: ҳосил қилувчи семема семалари “учларини”, “бириктириб”, “боғламоқ” бўлса, ҳосила семема семалари “учларини”, “қўшиб”, “узайтирмоқ” дан иборат. Улардаги (ҳосил қилувчи ва ҳосила семемалардаги) биринчи семалар умумий, иккинчилари ўхшаш, учинчилари фарқлидир. Ҳосил қилувчи ва ҳосила семемаларнинг иккинчи семалари референтларининг ўхшаш эканлигини қайд этади [9,95].

Умуман олганда, фанимизда маъно кўчишнинг фаол усулларида бири бўлган метафоранинг когнитив фаолиятга хос ҳодиса эканлиги тилшунослар томонидан далилланган. Чунончи, жаҳон тилшунослигида метафоранинг антропологик қийматини бош мезон сифатида тадқиқ этган назарийчи тилшунослар Н.Д.Арутюнова, Э.В.Будаев, Н.С.Валгина, Ж.Лакофф, М.Жонсонларни мисол қилиб келтириб ўтиш мумкин [7,387-415]. Ўзбек тилшунослигида эса Г.Қобулжонова, Н.Маҳмудов ва Д.Худойбергеновалар тадқиқотларида метафора антропоцентрик аспектда ўрганилди [10].

Метафорага яқин турувчи маъно кўчишнинг фаол усулларида бири метонимия ҳам ўзига хос когнитив фаолият маҳсули бўлиши мумкинлиги қуйидаги ҳолатлар орқали кўзга ташланади. Метонимик муносабатларда «одам» концептининг ифодаланиши икки хил кўринишда бўлади: умумлашган лексик маънога асосланган метонимия ва хусусий лексик маънога асосланган метонимия. Тилшуносликда қайд этилишича, метонимия ҳосила маъно юзага

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро алоқадор бўлишига асосланган кўринишидир.

Умумлашган лексик маънога асосланган метонимия луғавий бирлик сифатида сўз таркибида акс этувчи лексик маънога асосланиб содир бўлувчи метонимиядир [9,101]. Уларда ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар бир-биридан фарқли сема билан ўзаро туташиб туради. Феъл туркумига оид «адашмоқ» сўзининг *йўлини йўқотмоқ*, сифат туркумига оид “зийрак” сўзининг *тез фаҳмловчи* лексик маънолари бўлиб, улар умумлашган характердадир. Нутқда *адашмоқ* феълининг “дайдимок”, *зийрак* сифатининг “зеҳдли” метонимик ҳосила маъноси юзага келади. Булар умумлашган лексик маънога асосланган. Яъни: *Водийларда ёлғиз адашдим* (Ҳамид Олимжон). *Зийрак, аълочи, мактабида у ўрнак* (П.Мўмин).

Эътибор берилса, мазкур матнлар орқали нутқ эгаси хотирасида ассоциатив тарзда «одам» концепти жонланади. Худди, шундай, сўзлашув нутқида инсонга нисбатан қўлланувчи *калта соч, жинси, сариқ кўйлак* каби метонимик қўлланишлар орқали ҳам ассоциатив тарзда «одам» концепти воқеланади. Масалан: *Орқада турган калта соч навбат кутмай олдинга ўтиб кетди*.

Тилда метонимия атоқли отларнинг турдош отларга ўтиши натижасида ҳам юз беради. Масалан: *Адам берган хитойдан ясадим варрак* (Қ.Ҳикмат). Бу мисолдаги *хитой* сўзи ассоциатив тарзда *юпқа қоғозни ёдга туширади*. Демак, метонимик кўчимлар ҳам ассоциатив тарзда ҳосила маънони хотирада жонлантиради.

Тилда маъно кўчишининг метафора ва метонимиядан бошқа усуллари, хусусан, синекдоха орқали ҳам «одам» концепти ифодаланиши кузатилади. Бу ўринда тилшуносликда синекдохани тасниф қилишдаги нуқтаи назарларни эътиборга олиш лозим. Яъни сўзнинг лексик маъноси бутун референтни ифодалайдими ёки бўлак референтними? Бу жиҳатдан синекдоханинг қуйидаги турлари фарқланади: 1) бўлак номидаги синекдоха, 2) бутун номидаги синекдоха. Масалан, *Фарёд қилдим, захар ичирдинг: кўрсатмадинг тирноқ зотини!* (Д.Файзий) гапида *тирноқ* сўзи «фарзанд» ҳосила маъноси билан воқеланган. Бу сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси «бармоқ учидаги мугуз»ни ифода этади. Бу ўриндаги маъно тараққиёти бўлак номидаги синекдоха деб юритилади.

Уста Олим ошга сабзи босиш билан овора эди (А.Қодирий) гапидаги *ош* сўзи «палов» ҳосила маъносида воқеланган. Ушбу сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси «умуман иссиқ овқат»ни билдирар эди. Бу ўринда бутун номи билан бўлак аталган.

“Одам” концептининг синекдоха орқали воқеланиши қуйидаги феъл-лексеманинг кўчма маънода қўлланиши орқали кузатилади: *Севишганлар қўли билан бир-бирига чирмашди* (Шухрат).

Бу гаптадаги *чирмашмоқ* феъли “ёпишмоқ” ҳосила маъносида келиб, бевосита “одам” концептини хотирада тиклайди. Аслида бу феълнинг ҳосил қилувчи маъноси “ўралишмоқ” ифодасини беради. *Чирмашмоқ* сўзидаги ҳосила маънонинг юзага келиши бутун номидаги синекдохага мансубдир. Албатта, бу ўринда синтактик қурилма ҳам “одам” концептининг ассоциатив тарзда реаллашувида муҳим ўрин тутади.

Ўзбек тилида *отланмоқ* феъли аввал “отга минмоқ”, *ечмоқ* феъли “тугундан ҳоли қилмоқ” генетик маъносига эга бўлган. Давр ўтиши билан *отланмоқ* феъли “бирор жойга бориш”, *ечмоқ* феъли “тугмани ёриқдан чиқармоқ” маъносини англатадиган бўлган [Миртожиев, 108]. Бизнинг назаримизда, ҳар икки ҳолатда ҳам функционимик кўчимлар орқали тил эгалари хотирасида “одам” концепти тикланади. Ушбу феълларда акс этган ҳаракатнинг инсон билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши улар орқали инсон хотирасида “одам” концептининг ассоциатив воқеланишига туртки беради.

Айтилганлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек тилида «одам» концептининг ассоциатив тарзда воқеланишида *одам* семасига эга лексик birlikлар, метафора, метонимия, синекдоха каби кўчимларга учраган лексемалар муҳим ўрин тутади. Бу birlikлар тил эгалари хотирасида “одам” концептини ёдга солишига кўра умумийлик хусусиятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акопова С.Л. О зоонимической лексике // РЯШ. – 1983. – №3. – С.89-91.
2. Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка: Попытка системного описания / Ю.Д. Апресян // Вопросы языкознания. – 1995. – № 1. – С.37-67.
3. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. – М.: Языки русс. культ., 1999. – 895 с.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ЭРКАК ОДАМЛАРНИНГ
БОШ КИЙИМИ АТАМАЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК
ТАҲЛИЛИ

Зайрова Қ. М.

Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ: Мақолада халқнинг ўтмиши, маданияти, миллий қадриятларимиз, бир қанча тарихий даврларни бошидан кечириб, халқ билан биргяша бекелаётган, моддий маданиятининг бир тури бўлган кийим-кечак атамаларидан эркак кишиларнинг бош кийим атамалари хусусида сўз боради. Уларнинг номланиши, қўлланилиши, айниқса, унутилиб бораётган эски бош кийим ва ўзлаштирилган бош кийим номларининг лексик қатламдаги ўрни очиқ берилди.

Тил – ҳаёт ҳақиқати. Бу ҳақиқатда вақт изн солган сирларни очиб билсак, у бизга халқимизнинг шажарасини танитгандек бўлади. Ўтмишда бўлган ҳар бир нарса ўзидан из қолдирмай кетмайди. Шундай ҳақиқатга қорақалпоқ миллий дастурининг бир бўлимисифатида кийимларнинг этнолингвистик табиатини очиқда этномаданиятшунослик катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Этносинг ўтган йўли тилнинг этномаданий қатламида сақланади. Шу боис ҳам қорақалпоқ халқида урф-одат, дастурга боғлиқ бош кийимларга катта эътибор берган. Биз бу мақоламизда эркак кишиларнинг кундаликли турмуши билан доимий боғлиқ бўлган бош кийим атамаларига тавсиф бермоқчимиз.

Қорақалпоқ тилида эркак кишиларнинг бошига қиядиган кийим турларининг атамалари жуда кўп учрайди. Улардан – *тақья, қалпақ, малақай, бөрик, топты, дегелей, салле, шөгирме, телпек, қулақшын, қураш, папақ* шунингдек, рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келган *шапка, шляпа, кепка, берётка, желетка, капюшон, панама, фуражка, каска* каби бир қанча атамалар бор. Қорақалпоқ тилида эркак кишиларнинг бош кийимларига доир атамаларнинг ривожланиш тарихига диққат қаратадиган бўлсак, айримлари ҳозирги тилимизга ўз атамаси билан етиб келса, айримлари эса фонетик ва лексик ўзгаришларга учраган.

Ҳозирги кунда тилимизда эркак кишиларнинг бош кийимларидан айрим атамалар деярли қўлланилмай эскирган,

тарихий лексик қатламга кирган. Буларга–*бөрик, шөгирме, дегелей, сәлле, телпек, қулақшын, қураш* атамаларинимисол қилишимиз мумкин. Дарвоқе, тилимизнинглуғат таркибибу каби атамаларнинг ўрнига янги ўзлаштирилган атамалар биланбойиб борди. Бу борада қорақалпоқ тилидаги бош кийим атамалариданайримларинингривожлаништарихига тўхтаб ўтсак:

Қорақалпоқ тилидаэркаккишиларнинг бош кийиминингэнгэски тури *шөгирме*бўлибҳисобланади. Олим К.Мамбетов ишида «Ҳар бир этнограф тан олганикаби халқнингташқи белгисинингалоҳида кўзгаташланадиган нарсаси бу кийим ҳисобланади. Қорақалпоқ халқининг негизи бош кийимдан келибчиққаниучунми, улар бош кийимни ниҳоятда қадрлайди»[6.39-40]–деб келтиради. *Шөгирме* қорақалпоқларнинг миллий бош кийими саналади. Қорақалпоқ тилида*шөгирме*–олтиойлик ёки бир йиллик кўзи терисидан тикилган бош кийим деб тушунтирилиб, шөгирме атамаси билан бирга *телпек, қураш* бош кийим атамалари ҳам учрайди. Масалан:

*Бир атың телпекдур, бир атың қураш,
Заманыңда кийим болганың ырас.
Түрли баслар менен сен болып сырлас,
Талай асыўларды астың шөгирме (И.Юсупов).*

Қорақалпоқ тилидаодатий бош кийимлари бўлган *бөрик, телпек, шөгирме, дегелей, қулақшын, қураш, соппас* атамалари ҳозирги тилимизда қўлланилмайди. Уларниадабий-бадийиасарларни ўқиганимиздагина халқимизнинг ўтмиши, тарихибилан танишамиз. Масалан: *Басқа сәл сарғый дегелей, я шөгирме кийиў керек. Бул аласапыран дүньяда қудайдан жақсылық күте-күте саргайғанымыздың белгиси. Бирақ «қарақалпақ қыраны» бәрха мыйық тартып жүретугын болыўы тийис* [5,3,151]. ...*аўылларда аспанга телпек зыңгытысна болып атырған 1873 жылдың жазында, Қарақумның ортасында әри аштан, әри шөлден болдырып, өмир менен өмирдің ортасында жанталасына түсип, саргышлаў жүзин кебиртеңнің жантағындай сақал басқан, азғын Қаллибек бир жолдасы менен жатыр еди* [5,3,426].

Бөрик – атамаси қорақалпоқ тилида ҳар хил теридан тикилган бош кийим *малақай, тумак, қураш, телпек, дегелей* деб тушунтирилган [4,1,350]. Масалан, *Бас шытнаса, бөригиниң астында...* (Г.Даўлетова).Бу туркий сўз бўлиб, қалпоқ сўзи қадимда*бөрик* атамасибилан аталган. *Тагсиз түрк болмас, башсиз бөрк болмас* [2.1,333].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Берикжудақадимдаги бош кийим бўлиб, у археологик қазилмаларда VI асргатегишли бўлган ҳайкалчадатопилган, XIV-XV асрлардан бошлаб берикнинг қўринишларидан бири қалпоқ атамаси билан атала бошлаган. Ш.Усманованинг илмий ишида бош кийим атамаларининг кўпчилиги «қопламоқ» семасини олган феъллардан юзага келган: *börk* < *börü-/bürü* – қоплаш, ёпиш; *bügünçük* < *bügü* қоплаш, ёпиш [8,200] – деб, қиёсий турда кўрсатиб ўтади. Бу атама Ш.Рахматуллаев ишида қадимги туркий тиллардаги «қопла», «ёп» маъносини англатадиган *börü+k=börük* > *börk* > *börk* бўлиб ясалган деб исботлаб кўрсатади [7,77].

Қалпақ – бу атама ҳозирги қорақалпоқ тилида қўлланилади. Бу атама қўшни туркий тилларида қирғиз тилида *қалпақ*, ўзбек тилида *қалпоқ*, қозоқ тилида *қалпақ* тарзида учрайди. Ўзбек тилида қалпоқ сўзини, умумий бошга кийиладиган қишки кийим – деб тушунтирилган бўлса [1,32], қорақалпоқ тилида эса, кўпинча ёзда кийиладиган бош кийим деб тушунтирилган [4,III,110]. Бизнинг халқимизнинг тарихий атамаси «қалпоқ» ёки «қорақалпоқ» бўлиб, А.Н.Кононов «Қалпоқ» сўзи қадимги туркларда «Главарь» (басшы) маъносини англатади деб ёзади [3,112]. Шу боис бизнинг халқимиз атамаси бош кийим билан боғлиқ бўлса керак» деган маълумотларбор [6,114]. Қорақалпоқ этнонимининг қисқартилиб «қалпоқ» шаклида қўлланилиши қорақалпоқ халқининг шажарасида ҳам берилган. Масалан:

Кийген экән қарақалфақ,

Шундан қалфақ, болган экән (Бердақ).

Тилимизда қалпоқ атамаси ранги билдирувчи қора сўзининг қўшилиши билан миллатимизнинг грамзисифатида кенг қўлланилади.

Масалан:

Дослық кўшли, бир-бирине берилсе,

Қара таўдан қара қалпақ былғайман (И.Юсупов).

Ҳозирги тилимизда бош кийимнинг бир тури *малақай* атамаси кўп қўлланилади. Қорақалпоқ тилида *малақай* атамаси теридан тикилган бош кийим, *қулақшын, ийтқулақ, туммақ, топпы* деб тушунтириб ўтилган. Масалан: *Тўлки тери малақайын сэл көтериңкиреп айыл бийи Мухамеджан бекке қарай үнсиз еки қәдем атты* [5,2,209]. Ҳозирги вақтда тилимизда *қулақшын, ийтқулақ* атамалари қўлланилиши чекланган бўлиб, *туммақ*

атамасимаъновийжихатданторайиб, кичкина болалар киядиган бош кийимни англатади. Аммо қорақалпоқ тилининг шарқий диалектида малақай атамаситумақ, топпы бўлибишлатилади. Масалан: – Бул исиңиз жүдә әнтек болыпты, - деп ата бий шошақ баслы тумағын шешип, киршиксиз пахтадай аппақ басын биразга шекем қасып турды [5,2,252]. Илгари халқимизда ётиш олдидан киядиган бош кийим жатақ малақай деб аталган. Масалан: Айдос шыдамай тикленип, үстиндеги көрпесин серпип таслады. Басынан түсип қалган жатақ малақайын тайўип кийип, сыртынан ақ белбеўин орады...[5,2,277]. Ҳозирги кунда малақай атамаси, фақатгина эркаккишиларнинг бош кийими эмас, балки маъно жиҳатидан кенгайиб хотин-қизларнинг ҳам бош кийимини англатади. Малақай ҳар хил ҳайвон териларидан тикилгани учун, тилимизда уларнинг қундыз малақай, қамар малақай, ондатра малақай турлари учрайди. Масалан: Бенде, күнниң ыссылығына қарамастан, басына қундыз тыслы малақай кийген, үст кийимлери де ҳасыл, қойыў қаслы сулыўшық адам екен...[5,3,332]. Ҳозирги тилимизда қундиз терисидан тикилган малақай норка малақай атамаси биланишлатилади.

Тўппи – ҳозирги вақтда тилимизда жуда кенг қўлланилади. Бу қорақалпоқ тилида «ичига пахта солиб, сирилган ҳолда болаларга аталган бош кийим», – деб тушунтирилган [4,IV,312]. Илмий ишларда бу атаманинг эски ёзма эсдаликларда учрамаслиги ҳақида сўз этилган. Қорақалпоқ тилида топпы атамасининг Бердақ шеърияти тилида учрашини кузатамиз. Масалан, Бердимурат суўпы болды, Кимге мегзер сениң топпың.

Тўппи атамаси ўзбек тилида дўппи–бош кийим, уйғур тилида *törä*–қишки бош кийим, қирғиз тилида *топу*– юпқа тикилган енгил бош кийим, шунингдек, турк тили диалектларида *tepelik* –безакли бош кийим деб аталиб, эски туркий тилдаги *törü* «төбе» сўзидан чиққани исботланган [8,202].

Бош кийимнинг яна бир тури тақья бўлиб, бу атама ҳозирги вақтда тилимизда кенг қўлланилади. Масалан:

Тақьяңды шеккеге қойып, шертесең тарды, гөззал,

Шерт, бирақ мениң жаныма бунша дарт салма деймен (И.Юсупов).

Ўзбек тилида тақья сўзининг вариант сифатида *тўппи//дўппи* атамаси ишлатилади. Қозоқ тилида тақия бўлиб қўлланилади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Шунингдек, қорақалпоқ тилининг лексикасига рус тили ва рус тили орқали европа тилларидан кириб келган янги ўзлаштирилган бош кийим атамалари ҳамучрайди. Улардан: *шапка, шляпа, кепка, берётка, желетка, капюшон, панама, фуражка, каскава* ҳ. к. Масалан:

Галстук таққан, *Шляпа* кийген,

Сып-сымбатлы-ақ адамлар (И.Юсупов).

Шапкилер кийимбе сениң қасыңда,

Мухтариятлы мўлким қарақалпағым (Ә.Әжиниязов).

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак атамалари бошқа тил бирликлари каби қорақалпоқ тилининглуғаттаркибида белгили ўринни эгаллайди. Уларнингмаъноларини ҳалиям тўлиқроқ очиб бериш учун теранроқ ўрганилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. Тошкент, 1981.
2. Девону луғотит турк. I том. Тошкент, 1960.
3. Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М., 1960.

“МЕҲРОБДАН ЧАЁН” АСАРИДА МОЛИЯ- СОЛИҚГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Зиётова Сурайё Эркин қизи,
ТошДЎТАУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ: Мақолада бадий матндаги молия-солиқ тизими билан боғлиқ терминлар тарихий, этимологик ва лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Терминларнинг ҳозирги ўзбек тилида маъно кенгайиш ва маъно торайиш муаммоси ёритилган.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашади ва шу тилнинг лексик қатлами ривожланиб боради. Муайян адабий тилнинг сўз бойлиги ўз таркибида махсус тушунчаларни ифодаловчи терминологик лексикани у ёки бу даражада қамраб олиши лингвистикада эътироф этилган воқелик ҳисобланади.

Хонликлар даври туркий халқлар тарихида алоҳида бир босқич ҳисобланади. Қўқон хонлиги, Худоёрхон даври тарихдан маълумки, ўзига хос молия-солиқ тизими шакланган эди. Молия-солиқ соҳасидаги ўзгаришлар, савдо-сотик муносабатлари хонликлар даври тилида, хусусан, шу давр ҳаёт тарзини ёритиб берган “Меҳробдан чаён” асарида ҳам ўз ифодасини топган.

Асар матнида бир қанча молия-солиқ терминлари қўлланган: *даромад, чиқим, келим, пул, ақча, чақа, танга, мохона, таноб, дархонлик қогози, маблағ, бозор, раста, дўконхона, закотчи, саркорлар, чўғоллар*.

Қўқон хонлигида ҳам давлат хазинаси учун, мамлакатнинг эҳтиёжи учун солиқ ундириш тизими шаклантирилган эди. Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан Қўқон хонлигида солиқларнинг тури кўпроқ бўлган. Моллар ва ҳайвонлардан олинадиган, тўйлардан олинадиган солиқ, меросларни бўлишда тушадиган солиқ, дўконлар, карвонсаройлар, омборхоналардан олинадиган солиқ, дарё кечувларидан ўтиш солиғи, туз солиғи, хонга қарашли бўлган ижарага берилган ерлардан олинадиган солиқлар ва ҳоказо... Хонликда солиқгарнинг миқдори хоннинг ихтиёри билан тез ўзгариб турган. Айни бу жараённи муаллиф асарда келтирган. “...Худоёрнинг Сирдарёдан сув чиқариш можаросини мисол учун олайлиқ. Хоннинг раъйи сув чиқаришга тўхтади. Хазинанинг бўшлигини, ўйланган ишнинг ниҳоятда улуглигини андиша қилмади. Қаламравидаги барча шаҳар ва қишлоқларга **саркорлар, чўғоллар** тарқатди. Улар халқдан **солиқ йиғишқа**, ёрдам тўплашқа буюрилган эдилар. Бу ихтиёрий равишдаги ҳозирликдан сўнг, “мамлакатимдаги ҳар бир хонадон битта кетман ва битта мардикор берсин!” деб истисносиз умумий бир фармон ҳам бўлди..”.(125-бет). Саркор ва чўғол мансабдорлари солиқ ижросини таъминловчилар ҳисобланган.

Саркор — термини форс-тожик тилида “бош” маъносини англатадиган *сар* оти билан “иш” маъносини англатадиган *кор* отидан ясалган бўлиб, “ишбоши”, “бошқарувчи” маъносини англатади. Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши; йўлбошчи. Солиқ йиғиш ишларини бошқариш бек томонидан тайинладиган саркор қўлида бўлган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да **чўғол** лексемаси икки хил изоҳланган:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

1. Бақувват, тўладан келган; ғўлабур.
2. Бақувват, кучли хизматкор.

Икки хил изоҳда ҳам бақувват семаси етакчи бўлиб, чўғол мансабининг шаклланишига айна сема асос қилиб олинган. “... *Худоёр чўғоллари* (золим табиъатлик, раҳмсиз солиқ йиғувчилар) қишлоққа чиқиб, Назмининг отасини сиққанлар, урғанлар...”(152-бет).

Закот бу арабча сўз бўлиб, “кўпайди”, “иши ривож топди” каби маънони англатувчи *zaka* феълидан–*at(un)* кўшимчаси билан ясалган от ҳисобланади, араб тилида “поклик”, “садақа”, “ўндан бир улуш” каби маъноларни англатади; ўзбек тилида бу сўз “мол-дунёли мусулмоннинг ўз бойлигининг қирқдан бир улушини рўза пайтида бева-бечора, қашшоқ кишиларга берадиган хайр-садақаси” маъносини англатади. Хонликлар даврида бу сўз хазинага юқоридаги миқдорда тўланадиган солиқни ҳам англатган. “...*Бир йиллик закотинг деб кўтарди кетти...*”(72-бет). Закот солиғини йиғувчи амалдорлар эса **закотчи** деб аталган. “...*Бирарта мушкит изво қилдими закотчининг томоғи тақилладими, ҳарчи фалакат, қўлтуғимдаги бўзни ёппа олди, қўйди...*”(72-бет).

Таноб арабча кўп маъноли *tanaba* феълининг “ўлчаш, ажратиш учун ип, чилвир тортди” маъносини англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида “маълум ҳажмдаги ер саҳни” маъносини англатиш учун ишлатилган. “...*Иккинчи қабатда мураббаъ, ярим таноб чамаси боқча, бунда шафтолу, олма, анжир каби мевалик дарахтлар ва бир неча кекса сўри тоқлар қулпуриб ўсқан эдилар...*”(24-бет). Ўрта Осиё хонликларида экин майдонини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб 3600м. Солиқ йиғувчи ва солиқ ҳажмини белгиловчи амалдор **танобчи** ҳисобланиб, ҳар бир таноб ердан солиқ олувчидир. Солиқ, тўлов ва мажбуриятларнинг йилдан йилга ошиб бориши натижасида Кўқон хонлигида халқнинг норозилиги ортиб бориб, хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви давлатнинг сиёсий инқирозини таъминлаб берган эди.

Анъанавий солиқларга тўй маросимларидан, мерос бўлинишидан, тарозидан, дарёдан ўтиш учун соллардан, қирғиз ва қозоқларнинг чорвасидан олинадиган ва шунга ўхшаш солиқлар кирган. Хонликда булардан ташқари яна турли хил фавқулодда солиқлар мавжуд бўлиб, у тилла пули ва мис пули, улов пули, алаф пули, нафсона, муштак, кафсан, яксара ва бошқалардир. Асарда

хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум бир амалдорларга солиқлардан озод этиш **дархонлик қоғози** берилиши келтириб ўтилган. “...Моҳонадан ташқари солиқлардан ҳам **дархонлик қоғози** олди. Солиқлардан дархонлик махдумдинг рўзгорига катта енгиллик эди...” (59-бет). **Моҳона** лексемаси маош, ойлик маъносини билдирган, ҳозирги даврда архаизм лексемага айланган. **Дархон** термини мўғул тилидан ўзлашган лексема бўлиб, “темирчи”, “озод киши” маъноларни билдириб, солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз деган маънони англатган. **Дархонлик қоғози** эса қабила, уруғ ёки мансабдор шахсларнинг хонликлар давридаги солиқлардан озод қилиш имтиёз қоғози эди. Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ҳамда ўз вақтида йиғилиши шарт бўлса-да, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу ҳолат ўзгариб турган. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқларнинг тури ва миқдори оширилган. Қўқон холигида солиқлардан озод қилинган, яъни, “мулки хур” ерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари бўлган саййид, хўжалар, шайхлар ва эшонлар хоннинг махсус иноятномалари асосида барча солиқлардан озод қилинганлар. Шунингдек, хонзода ва тўралар, баъзи қози, раис, амин, дарвеш ва сўфилар ҳам таноб солиғидан озод қилинган. Асар лексик қатламида форс-тожик тилидан ўзлашган **даромад** лексемасининг ўрнига муаллиф кўпроқ унинг синоними бўлган соф туркий **келим** лексикасидан унумли фойдаланган. “...Бирар жойдан **келим** бўлмаганликдан бу оила кўб тангликка тушиб охирда Солиҳ махдум таҳсилни тарк этишга, қорин тўйдирарлик бир касб излашга мажбур бўлди...” (10-бет). **Келим** лексемаси келмоқ феълидан ҳосил бўлиб, “келиб турадиган даромад”, “фойда” деган маъноларни билдиради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида соф туркий **келим** лексемасидан фаол фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ, чунки ушбу термин даромад лексемасининг барча семаларини ифодалай олади.

Бадий асарда пул, махона лексемалари билан бирга **оқча** термини ҳам фаол қўлланган. “...Икки юз тиллодан кўб **оқчаси** (бу **оқчаларни** ҳусули тўғрисида кейин сўз бўлур) ва саводлик бўлган болалар зиёфатидан кийган икки сандиқча сарпоси бор эди...” (19-бет). Ушбу лексема эски туркий тилда ақча/оқча вариантлари ишлатилган бўлиб, пул мазмунини ифодалаган, ҳозирга ўзбек адабий тилида эса бу

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

лексема нофаоллашган, семантик маъно торайишига учраган. Ақча – майда пул маъносида ишлатилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қайд этилган фактлар асардаги молия-солиқ тизимига оид терминлар таҳлили жараёнида хонликлар даври молия-солиқ тизими жараёнида ниҳоятда мураккаб ва лексик қатламдаги терминларнинг аксарияти историзмга айланганини аниқлашимиз мумкин. Қодирий асарда туркий сўзлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган, лекин ҳозирги ўзбек адабий тилида ушбу лексемалар маъно торайишига учраган. Молия-солиқ соҳаси терминологик тизим ривожига тадқиқотида бадиий асарлардаги терминларнинг маъно семаларидан фойдаланиш муҳим жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дадабоев Ҳ.А. Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси. – Тошкент, 2016.
2. Қодирий А. Меҳробдан чаён. – Т.: Ғофур Ғулом, 2018.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I ва IV том

ЎЗБЕК ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ПЕРЕЙОНИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Ўраева Дармоной,
БухДУ профессори, ф.ф.д.

Ҳаракатланиш воситалари – транспорт турларига берилган атоқли отлар “перейонимлар” деб юритилади. Бундан транспорт турларининг ҳавода, сувда, қуруқликда ҳаракатланишига қараб турдош ва атоқли отларга бўлиниши англашилади. Жумладан: самолётлар (“Ан-40”, “Ту-14”, “Ту-134”, “Боинг-777”), вертолётлар (“Агуста А106”, “Қора акула”, “Ка-50”), кемалар (“Титаник”, “Аврора”), автобуслар (“Дэу”, “Отайўл”, “Исузу”, “Икарус”), автомашиналар “Москвич”, “Волга”, “Запорожец”, “ВАЗ-21”, “ВАЗ-24”, “Тико”, “Дамас”, “Нексия”, “Ласетти”, “Жентра”, “Кобальт”,

“Малибу”, “Эпика”, “Каптив”, “Лексус”, “Камаро”, “Роллс-Ройс”), юк машиналари (“ЗИЛ”, “Камаз”, “Алка”) турларини фарқлашда уларга қўйилган атоқли номлар муҳим аҳамият касб этади. Уларни номлашда ишлаб чиқарган шахснинг ёки корхона, фирманинг, ёйинки ишлаб чиқарилган жой номи қисқартириб олинган. Шунингдек, рамзий номлардан ҳам фойдаланилган.

Перейонимлар ўзига хос лисоний хусусиятлари билан бир қаторда юртимизда ҳаракатланиш транспорт воситаларининг пайдо бўлиши, тараққиёти, турлари, халқ маданий-маиший турмушида тутган ўрни ҳақидаги маълумотларни ҳам мужассамлантириб келиши жиҳатидан муайян қиммат касб этади. Шунингдек, улар лексикологиянинг бойишида ҳам ўз ўрнига эга. Айниқса, мустақиллик йилларида ўзбек автомобилларининг ишлаб чиқилиши йўлга қўйилгач, тилимизда енгил автомашиналар русумини ифодаловчи “Тико”, “Дамас”, “Нексия”, “Ласетти”, “Жентера”, “Кобольт”, “Каптив” сингари қатор перейонимлар пайдо бўлди. Масалан, шу тарихий воқеликка ишора қилиб, О.Ҳожиева ёзади:

“ЎзДЭУ” да табладаги
Қорабайирдай кишнаб
“Нексия” лар чиқаверар
Дарвозадан ирғишлаб.

Умуман айтганда, кейинги йилларда ўзбек адабиёти намуналарида ЎзДЭУда ишлаб чиқилган машиналар номигатез-тез дуч келиш мумкин:

“Тико” минган санамлар,
Ҳуснингиз ром этибди.
Бир зум тўхтаб қаранглар:
Баҳор ўтиб кетибди.

Перейонимлар ономастикадаги макроқўламлардан (масалан, поездлар, юк машиналари, енгил машиналар номлари ва ҳ.к) бири бўлиб, у яна кичик, микроқўламларга (масалан, юк машиналари: “КАМАЗ”, “ЗИЛ” каби) бўлинади.

Ўзбек ономастикасида перейонимлар атоқли отларнинг алоҳида бир типи бўлиб, уларнинг ономастик тизимдаги чегараси ва қўламини – тарқалиш чегараларини аниқлашда бадий асарлар

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

кулай восита сифатида хизмат қила олади. Масалан, ўзбек адиби Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида мустақиллигимизгача кенг қўлланилган “Москвич”, “Жигули”, “Волга”, “ВАЗ-21”, “Газик” сингари енгил автомашиналар турларининг атоқли номлари келтирилган. Бу жиҳатдан ёзувчининг “Битикли тош” ҳикоясидаги “Шойим Шайдулов битта бюро аъзосининг **“Москвич”** машинаси ёнида эди”, “Хорун-ар-Рашид” ҳикоясидаги “Мелибой **“Волга”**нинг ортидан айланиб ўтиб, беихтиёр орқа эшикни очди”, “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикоясидаги **“Газик”** сойга тушиб, сувдан ўтди”, “Булут тўсган ой” ҳикоясидаги “Омадни қарангки, енгил машиналар тўхтамига чиқсак, битта **“ВАЗ-21”**дан елкасига чарм тўрва осган ажнабийлар тушишмоқда, ҳайдовчи орқа қопқани очиб, гилдиракли чарм чамадонни чиқармоқда эди... Гулсара кабинага кираётганда атайин кулиб: “О, боссларнинг мошинаси-ку! Суперволга” – деди” парчаларга эътибор қаратиш мумкин. Ҳатто адиб бир ҳикоясини “Яшил “Нива” перейоними билан атаган. Ҳикояда, шунингдек, “Жигули” номи ҳам келтирилган. Уларнинг кенг оммалашган, харидоргир рангларига ҳам эътибор қаратилган. Адиб ёзади: “Пироварди, яшил **“Нива”**нинг ҳам уруги сероб” ёки “Мана шу қизил **“Жигули”**дамиз: хотиним, ўғлим, қизим. Ўзим рулдаман”.

Ш.Холмирзаев “Қадимда бўлган экан” ҳикоясида “Газ-157” юк машинаси (Ўсарнинг“Газ-157” машинаси ана шу “дарвоза”га етган чоғда бирдан тормоз берди-да, сапчиб кетган кампирни бир қўлида қучганича уловни йўлдан чиқариб тўхтатди”), “Булут тўсган ой” ҳикоясида “Дэу” автобус русумининг номини тилга олиб ўтган. (Иморат олдидаги майдончада “Дэу” тамгали автобус турарди”.

Ў.Ҳошимовнинг “Ўрис боланинг ойиси” ҳикоясида “ЗИЛ” юк машинасининг (Шифер томли уй олдида “ЗИЛ” турибди (132-бет), “Баҳор қайтмайди қиссасида эса “Волга” автомашинасининг номлари келтирилган.

Кузатишлар перейонимларнинг тузилишига кўра кўпроқ содда ва қисқартма бўлишини кўрсатади. Уларни ҳосил қилишда лексик-семантик (ономастик конверсия), аббревиация усулларидан фойдаланилади.

Перейонимлар жонсиз нарсага атаб қўйилган ном сифатида, асосан, қўштирноқ ичида ёзилади. Айримлари таркибида сонлар учрайди ва сонлар олдидан чизиқча қўйиб ёзилади.

Хулоса қилиб айтганда, переѐйонимлартранспорт турларидан бир донасини алоҳида ажратиб якка ҳолда номлаш асосида, уни бошқаларидан фарқлаш зарурий коммуникатив эҳтиёжи туфайли юзага келган лисоний бирликлардир.Ўзбек тилшунослигида ва ономастикасида атоқли отларнинг кўпгина типлари етарли даражада тадқиқ қилинган бўлса-да, аммо переѐйонимларнинг лингвистик тадқиқи ҳали етарли деб бўлмайди.

АРҒУН, ЧАНДИР, САРОЙ ЭТНОНИМЛАРИ ҲАҚИДА

Киличев Байрамали

филология фанлари номзоди, доцент БухДУ

АННОТАЦИЯ: мазкур ахборотда ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган арғун, чандир, сарой этнонимлари, шу этнонимлар асосида шакланган топонимларнинг этимологияси ва семантикаси ҳақида маълумот берилган.

Ўзбек миллати узоқ ва мураккаб тарихий ривожланиш ҳамда халқ сифатида шаклланиш жараёнини бошдан кечирган. Ўзбек халқи таркибида ноқардош халқлар – юнонлар, форс-тожиклар, араблар; қардош халқлар – бошқирд, гагауз, озарбайжон, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқаларларнинг авлодлари мавжуд. Лекин ўзбекларнинг асосий этногенезини 92 боғли туркий қабила ташкил этади. Ўзбек халқи таркибидаги қардош ва ноқардош этник қатламларнинг мавжудлигини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига турли халқ вакилларининг кўчиб келиши, узоқ давр давом этган иқтисодий-сиёсий ҳамда маданий алоқаларнинг натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Аввалги изланишларнинг бирида ўзбек халқи билан яқин алоқада бўлган, узоқ қўшничилик ва турли муносабатлар натижаси сифатида пайдо бўлган этнонимлар ҳақида фикр юритган эдик [1, 77-81]. Ушбу ахборотда эса ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган айрим туркий қабилалар ҳақидаги фикрларимизни баён этамиз.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўзбек халқининг асосини ташкил этувчи 92 боғли қабила ҳақидаги фикрлар бир неча аср олдин пайдо бўлган. Бу ҳақда фикр юритган таниқли олим Худойберди Дониёров Н.Аристов, Н.Хаников, А.Якубовскийларнинг қарашларига таяниб, ўзбек халқининг асоси қарлуқ, чигил, ўғуз, тангут, арғу каби туркий қабила-уруғларнинг бирлашуви натижасида ташкил топганлигини қайд этган [2, 3-8].

Туркий қабила-уруғларнинг энг кўп тарқалган шакллари сифатида *аргин, баҳрин, жалойир, мангит, минг, сарой, юз, қалмоқ, қатагон, қирқ, қипчоқ, қўнгирот* ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон худудида ушбу этнонимлар асосида шакланган минглаб жой номларини – этнотопонимларни учратиш мумкин. Юқорида номлари зикр этилган айрим этнонимлар асосида пайдо бўлган топонимларнинг этимологияси ва морфем хусусиятларини таҳлилга тортамыз.

Арғун – *Арғун/Орғун/Орғун* – Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда ҳам этноним ёки топоним сифатида учраб туради [3, 442]. Бухоро вилоят Қорақўл туманида Орғун аҳоли пункти мавжуд.

Арғунлар ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман каби туркий халқлар таркиби сингиб кетган бўлиб, Маҳмуд Кошғарий *арғу* шаклида кўрсатган ҳамда туркий ва форсий тилда сўзлашганини қайд этган [4, 65]. Т.Нафасов ушбу сўз *ар+ғун* ёки *ар+ғу+н* шаклига эгаллиги бўлиши мумкинлигини ҳамда унинг арғу/арғун/арғын/ кўринишлари борлигини кўрсатган [5, 48].

Мазкур топоним ҳақида фикр юритган Т.Джанузаков *арқа+ғун* компонентларидан *арғун* номи шакланганлиги ҳамда *арғун* – қабилалар *иттифоқи, қабилалар жамланмаси, қабилалар тўдаси* каби маъноларга эга [6, 63] деган.

Чандир – туркий қабила. 8-9-асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида, Орол денгизининг жанубидаги чўлларда яшовчи ўғузлар таркибида бўлганлар. Кейинчалик чандирларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга ўтиб, ўзбеклар ва туркманлар билан аралаш яшаб, улар таркибига сингиб кетган. Айрим гуруҳлари ўғузлар таркибида Озарбайжонда ўрнашиб қолган. 19-аср охири – 20-аср бошларида чандирларнинг айрим гуруҳлари ўтроқ ҳаёт кечириб, асосан, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган [7, 571].

Бухоро вилоятининг Жондор, Олот, Ромитан, Шофиркон ва Қорақўл туманларида Чандир этнотопоними мавжуд. Бухоро туманида эса Чандирработ аҳоли пункти учрайди.

Чандир туркман халқи таркибидаги қадимий уруғ, қабиладир. С.Қораев Бухоро воҳасида Чандир деган қишлоқлар учраши, маҳаллий халқ қишлоқ номини “чодир” (чайла), чандир тери” деган сўз билан изоҳлашини, қолаверса, Абу Ҳайён чандир сўзини “дурагай, қурама” деб изоҳлаганини қайд этган [8, 207].

Т.Нафасов ҳам чандир этнонимининг туркман халқига мансублигини таъкидлаб, човдир қабила, уруғ номи ўзгариб чандир шаклига ўтган, човдир/чавдур/чавдир/ уруғ, қабила тамғасига нисбатланиб номланган, деб изоҳлаган ҳамда чов – қўш панжаси шакли, яъни уч чизик бир нуқтага келиб бирлашадиган белги/тамға [5, 290] эканлигига эътиборни қаратган.

Сарой – ўзбек халқининг шаклланишида фаол иштирок этган туркий қабила номи. Саройларнинг 14-15-асрларда Дашти Қипчоқда шаклланганлиги, 16-асрда эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кириб келганлиги ва кенг тарқалганлиги маълум. Шу сабабли республикамиз ҳудудида Сарой сўзи иштирокидаги қўплаб топонимлар учрайди. Бухоро вилоятининг Когон, Пешқў, Ромитан туманларида Сарой аҳоли пунктлари мавжуд. Шунингдек, Ромитанда *Миёнсарой*, Вобкентда *Катта Сарой*, Юқори *Сарой*, Кичик *Сарой*, Когон ва Ромитан туманида *Сароён*, Пешқўда *Саройча*, Ғиждувонда *Қумработ Сарой* каби топонимлар учрайди.

Айтиш лозимки, *Катта Сарой*, *Юқори Сарой*, *Кичик Сарой*, *Қумработ Сарой* қабилар топонимик объектларни номлашнинг кейинги даврига мансубдир. Маълум ҳудудларда бир номнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун мавжуд номларни *катта*, *кичик*, *юқори*, *қуйи*, *ўрта* каби аниқловчилар билан қўллаш анъана тусига кирди.

Сарой этнонимининг *оссарой*, *қирғизсарой*, *қўнғиротсарой*, *можарсарой*, *наймансарой*, *қипчоқсарой*, *иламжисарой*, *жомонсарой*, *чемсарой*, *жолонғочсарой* каби бўлимлари бор [5, 226]. *Сарой* этнонимининг этимологияси ҳозирча аниқланган эмас.

Хуллас, ўзбек халқининг шаклланишида қўплаб қабила, уруғ ва қавмлар иштирок этган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиш тарихи ва

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

этимологиясини аниқлашга қаратилган тадқиқлар олиб бориш, республикамиз ҳудудида тарқалиш жараёнларини аниқлаш халқимиз тарихини янада чуқурроқ англашга ҳамда миллий қадриятларининг улуғланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kilchev B., Safarova M. Xalq va millat nomlari asosida shakllangan etnotoponimlar/Buxoro davlat universiteti Ilmiy axborotlari. 2019, 2-son. – B.77-81.
2. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т.: Наврўз, 2017. -134 б.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. –Б.442.

ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ғайбуллаева Муниса

Бухоро туман 3- мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада терминлар ва турли ҳажмдаги терминологик луғатларнинг халқаро миқёсида шу билан бирга ўзбек тилшунослигида яратилиши ва нашр эттирилишига оид маълумотлар ҳамда олимлар томонидан янги терминларнинг қайд этилиши, уларнинг илмий истемолга олиб кирилиши ҳақида маълумот берилган.

Тилшунослик фанининг муҳим тармоқларидан бўлган лексикографияда луғат тузиш борасида бевосита махсус терминологик тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Бу турли ҳажмдаги терминологик луғатларнинг яратилиши ва нашр эттирилишида ўз ифодасини топиб, олимлар томонидан янги терминларнинг қайд этилиши, уларнинг илмий истемолга олиб кирилишини талаб қилади. Бу дарсликлар, илмий асарлар, ўрта ва олий ўқув юртларидаги ўқитиш ишлари ва улар билан боғлиқ фан соҳасидаги терминлар яратиш масалаларини ҳал этиб боришни ҳам тақозо қилади. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб дунё мамлакатлари орасида иккита йирик терминологик марказ вужудга келди. Булар Австрия ва собиқ шўролардавлатида бўлиб, уларнинг асосий вазифалари мавжуд терминларни тартибга солиш (унификация қилиш) ва янгиларини яратиш ишлари билан шуғулланиш эди. Сўнги ўн йилликларга келиб эса Канада мамлакатиди ҳам терминологик ишларга бўлган қизиқиш кучайди. Австриядаги терминологик марказга узоқ йиллардавомида Э. Вюстер ва Х. Фельберлар раҳбарлик қилишди. Э.Вюстер фан ва техникадаги коммуникация масалалари билан шуғулланиб, терминология ва лексикография принципларини (тамоийларини) ишлаб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди. Терминлардан миллий ва халқародоирада фойдаланишасосларини яратишга ҳаракат қилди. Вюстернинг иши амалиёт билан боғлиқ йўналишда олиб борилди. Унинг раҳбарлигида халқаро терминологик луғатлар тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, терминологик системаларни аниқлаш каби ишлар амалга оширилди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Россиядаги терминологик марказ С.А.Чаплигин, Д.С.Лотте, С.И.Коршунов, Т.Л.Канделаки, В.И.Сифоровлар номи билан боғлиқ. Канадалик терминолог Г.Рондонинг қайд қилишича, Россияда терминология илмий фан сифатида шакланган бўлса, Австрияда терминологик материалларни ишлаб чиқиш методлари билан шуғулланилди. Бунда етакчи тилшунос олимлар Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, С.И.Ожеговларнинг иштироклари ҳам муҳим рол ўйнади.

Чехословакияда ҳам 30-йиллардан бери терминология билан шуғулланилди. Агар собиқ шўролар мамлактада байналмилал терминларга эътибор қаратилган бўлса, Чехословакияда немис ва латин-грекча терминларга қарама-қарши миллий славянча эквивалентлар яратиш борасида ишлар олиб борилди. Канададаги терминологик ишлар, асосан, фан ва маданият соҳасидаги инглизча терминларни француз тили материаллариасосида яратилган терминология билан алмаштириш руҳида бўлди ва бунга муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган иш сифатида қаралди.

Гарчижаҳон тиллари сони 2000 дан зиёд ҳисобланса-да, тараққий қилган илмий терминологияга эга бўлган тиллар сони олтмишдан ортмайди. Жами 300 га яқин фаннинг терминологияси ишлаб чиқилган бўлиб, алоҳида олинган тилда улар сони анча кам. Терминларнинг ишлаб чиқилиши фанлар ривожига, тараққийси, унда иштирок этувчи олимлар саъй-ҳаракатива халқаро алоқаларнинг даражаси билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, терминологик жиҳатдан тараққий этган ва тараққий этмаган тиллар мавжуд. Олимлар терминологик жиҳатдан тараққий этган тиллар жумласига инглиз, француз, немис, итальян ва рус тилларини киритадилар. Кейинги ўн йилликларда терминологияси ишлаб чиқилаётган тиллар сони ошиб бормоқда.

Терминологияси тараққий этган тилларда тушунча ва номларни қатъий чегаралаш унча талаб қилинмайди. Агар бирор мамлакатнинг миллий тилидаги терминология ишлаб чиқилмаган бўлса, у ҳолда бошқа тилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу тил кўп ҳолларда инглиз тили бўлиб чиқади. Терминологиянинг система сифатида мураккаблиги, ишнинг қийинлиги, машаққатли илмий изланишларни талаб қилиши бошқа тилларда ишланган тайёр терминлардан фойдаланишни тақозо қилади.

Шўролар даврида русча терминларни маҳаллий тилга таржима қилиш орқали истеъмолга киритишга бўлган уринишлар муваффақиятли чиқмади. Натижада ҳар бир тилнинг ўз терминологик системасини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж кучайди. Тилда ҳар бир ижтимоий соҳада бўлгани каби ҳаётда содир бўлган воқеа-ҳодисалар ўз номига эга бўлиши талаб қилинганлиги терминологияни ривожлантиришни талаб қилади. Терминларни яратишдаги сунъийлик эса уларнинг ҳаётда қўлланиб, яшаб қолишида тўсиқ бўлади. Агар яратилган термин тил системасида ўз ўрнини топмаса, у ўз аҳамиятини йўқотади.

Терминларга бўлган талаб мактаб, олий таълим ва илмий муассасаларда юқори даражада бўлиб, бу мамлакатда фан ва маданиятнинг ривожланиши билан ортиб боради.

Ўзбек терминологияси, унинг тарихи, ўсиб бориш тараққиёти масалалари тилшуносларимизнинг доимий диққат марказида турибди. Йирик олимларимиздан Т.А.Саримсоқов, К.Абдурашидов, З.Саидносирова, Т.З.Зоҳидов, А.А.Асқаров, В.В.Решетов, Ф.Камолов, Х.Рашидий кабилар терминологик луғатлар соҳаси билан шуғулланишиб, ўзбек терминологияси фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Ҳозирга келиб уларнинг сафи янги-янги номлар билан бойимоқда. Тилшунослик, сиёсат, иқтисод, диншунослик, фан-техника, санъат ва бошқа соҳаларга оид яратилаётган терминологик луғатлар фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари, лингвист олимларимиз терминологик системада юз бераётган жараёнларни диққат билан кузатишиб унга ўз муносабатларини билдириш билан маълум бир изга солиб туришибди. Тўғри, терминология бир ёки бир неча кишининг иши бўлмаганлиги фанларнинг тури ва ҳажми билан боғлиқ ҳолда мураккаб соҳа бўлганлиги туфайли мазкур масаланинг чигал томонлари чиқиб туради. Шунга қарамай кейинги пайтларда олимларимиз бу борада анча катта ютуқларни қўлга киритдилар. Вақтли матбуотда „Ўзбек тили ва адабиёти “ журналида терминологияга доир илмий оммабоп ва илмий мақолалар чоп этиб турилибди. Терминлар ҳақида айрим рисоалар ҳам нашр қилинмоқда. Аммо терминология масалаларини кенг қамраб олган илмий тадқиқот яратишкелажакнинг иши бўлиб қолмоқда.

Шунга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда мустақиллик йилларида қайта ўзгаришлар бўлгани, таълим

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

соҳасидаги янгиликлар туфайли ўзбек лексикасига кириб келган янги-янги терминларни тадқиқ қилиш, уларни тўплаш, нашр қилиш тилларнинг жонланишига сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослиги терминологиясининг айрим масалалари бўйича қилинган ишлар пайдо бўлди. Жумладан, А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримоваларнинг “Ўзбек ҳуқуқий атамалари муаммолари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1993,), А.Ҳожиёвнинг “Методика ёки услуб?” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995,2-сон), Р.Дониёров, А.Қосимовларнинг “Терминология ва сўз ясалишининг айрим масалалари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995,4-сон) каби мақолалар фикримизнинг далилидир.

Кейинги йилларида фан ва маданият тараққиёти янги ривожланиш босқичига кўтарилишимуносабатибилан миллий терминологиямизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу ҳолат қуйидаги масалаларни кун тартибига қўйди:

- тилдаги мавжуд терминлар системасини янгилаш;
- фан ва техника, маданият, сиёсат ва бошқа соҳалардаги терминларни унификациялаш;
- тилимизга ўзлашгаётган терминларнинг миллий шаклини тартибга солиш;
- терминологик луғатлар тузиш ва нашр қилиш;
- бошқа тиллардан терминлар ўзлаштиришда халқаро коммуникация масалаларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш енгил кечмайди. Янги миллий терминологияни шакллантириш ва унинг ривожланишини таъминлашда ўзига хос қийинчиликлар, чекинишлар ва ютуқларга эришилмоқдаки, буларнинг барчаси тил қонуниятлари асосида амалга ошириб борилмоқда. Шу билан бирга бу борадаги ишлар кўлами ҳамон катта бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азизов О. Тилшуносликка кириш, Т., 1963, 54-бет
2. Дониёров Р, Қосимов А. “Терминология ва сўз ясалишининг айрим масалалари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995,4-сон)
3. Раҳматуллаев Ш. Хозирги адабий узбек тили. Тошкент, Университет, 2006, 91-92-бетлар

ТИББИЁТ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Н.И.Файбуллаева

БухДУ ўқитувчиси PhD

А. А.Сайфуллоев

БухДУ изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада тиббиёт терминологиясининг тарихи тўғрисида халқаро ва республика миқёсида қилинган илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирга ўзбек тилшунослигидайўқолиб бораётган халқона атамаларимизни қайта тиклаш, ёки лингвистика ва тиббиёт оралиғида ечимини кутаётган муҳим масалаларни бартараф этилишига оид электрон луғатлар яратилиши муҳимлиги таъкидланди.

Асосий қисм: Давлат тилининг нуфузи масаласи ҳамон ҳамманинг диққат марказида. Бу – миллий ғурур, она тилимизнинг тақдири, уни асраш, келажак авлодларга етиб бориш имкониятини яратиш билан боғлиқ. Қолаверса, ўз миллий тилига ҳурмат мамлакатимизнинг дунёда муносиб эътирофга эга бўлишида ҳам муҳим омил сифатида қаралади. Чунки, бугунги глобаллашув даврида ўзлигини англаган ҳар бир халқ миллати ва миллий қадриятларини асраб қолиш устида тинимсиз бош қотирмоқда. Техниканинг шиддатли ривожини, сиёсий-иқтисодий жараёнлар суръати ва маданиятлараро мулоқот кучайиб бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас юришга, ўзининг тили, маданиятига бу жараёнларнинг “емирилиб кетиш” даражасидаги салбий таъсирини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай глобаллашув жараёнида нафақат тилшунослар учун балки, барча касб эгалари учун миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Айни дамда тилшунослик ва тиббиёт кесишувида амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар мазкур вазифалар ечими сифатида тиббий терминология равнақи учун асос вазифасини ўтайди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Тиббий терминология соҳаси алоҳида семантик майдон сифатида фан билан, фан тараққиёти, ундаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади, яшайди ва соҳа учун хизмат қилади. Тиббиётни терминсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки фаннинг мавжудлиги ва ривожланиши маълум маънода терминлар билан боғлиқ. Термин фаннинг яшаш ва курашиш қуролидир.

Тиббиётга оид терминлар узоқ-узоқ ўтмишдаёқ шакллана бошланган. Тиббиёт терминологияси тарихига назар ташлаймиз. Сурия, Бобил, қадимги Миср ва қадимги Юнонистон тиббиётнинг асосини ташкил этган бўлсада, бизгача шифокорлар ёзувларидан ҳеч қандай тил далиллари топилмаган. Ҳиндистон, Миср халқларнинг тиббий луғати ва Европа тиббий терминологиясининг хронологияси Гиппократнинг асарлари ва унга бағишланган “Гиппократ тўплами” дан кўплаб тиббий мерос бизгача етиб келганлигидан хабар беради. Аристотель ҳам тиббий луғатни тўлдириш учун кўп ишларни амалга оширган. Тиббий атамалар тарихидаги кейинги босқич Элинистик давр Рим ва Лотин терминологиясининг ривожланиши билан боғлиқ. IX- X асрларда араб тиббий терминологияси ривожлана бошланди. Гиппократнинг деярли барча асарлари араб тилига таржима қилинди.

XV асрга келиб араб тиббиёт тили кучсизланиб, яна лотин тиббий терминологияси ривожлана бошланди. Қадимги рус тиббий луғатлари яратила бошланди. Рус тиббий терминологияси юнон-лотин тиллари асосида ривожланди. Дунё тилшунослигида тиббий терминология кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва турли илмий муҳокамага сабаб бўлган масаладир. А.А. Реформатского, Г.О. Винокура, В.В. Виноградова, Д.С. Лотте, В.М. Лейчика, В.П. Даниленко, Б.Н. Головина, С.В. Гринева, В. А. Татарина, А.И. Моисеева, В.В. Виноградов, Г.О. Винокур, Д.С. Лотте, Кобрин, А.С. Герд, В.А.Татарин, Н.Б. Гвишиани, ПН. Денисов, Л.А. Капанадзе, Т.Л. Канделаки, А.В. Суперанская, Г.П. Немец, И.М. Кобозева, Т.Х. Каде, Л.Ю. Буянова, С.Г. Казарина каби тилшунос олимлар томонидан тиббий терминлар, тиббиёт лексикасининг турли томонларини лотин-рус-инглиз тили материаллари асосида тадқиқ этишган. Мазкур тадқиқотчилар талқинида тиббиёт терминларнинг турли қирралари, хусусан,

уларнинг этимологияси, шаклланиш омиллари, маъновий гуруҳлари ҳамда функционал жиҳатлари, миллий-ментал хусусиятлари изоҳланган қатор луғат ва электрон луғатлар яратилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тиббий терминология бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Азимжон Қосимовнинг “Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати” (1990) – бу луғат доришунослар учун мўлжалланган бўлиб, дори ва доривор ўсимликлар номи алифбо тартибида берилиб русча, лотинча терминларнинг қисқача ўзбекча таржималари берилган. Масалан:

Бальзам – бальзам – balusum (кўринишида) терминлар берилган.

Бундан ташқари олимнинг “Русча-ўзбекча-лотинча доривор ўсимликлар луғати” (1992), “Доривор ўсимликлар” (1994), “Инглизча-ўзбекча-русча анатомик терминлар луғати” (2006) “Тиббиёт ходимлари луғати” ҳам(1998) мавжуд. Унинг 4 жилдлик “Тиббий терминлар изоҳли луғати” (2003, 2008)нинг биринчи жилдида фақат ўзбекча бир лексемали (туб, ясама, қўшма) ва ўзбекча луғавий birlikлар бирикувидан ясалган бирикма терминлар жой олган. Мазкур луғатнинг ҳам асосий ғояси шундан иборатдир. Ишнинг иккинчи жилдида ўзбек тилига Европа тилларидан рус тили орқали ўзгаришсиз кириб келган терминлар ўз аксини топади. Луғатнинг 3 жилди она тилимиз аффикслари ёрдамида ўзбекчалаштирилган русча – байналмилал лексемалар улар иштирокида ясалган ўзбекча бирикма терминларини қамраб олади. 4 жилдда ҳам фақат ўзбекча терминлар берилган. Луғатнинг тузилиши қўйидаги тартибдадир: дастлаб уяча номи яъни асосий (бош) термин, кейин эса қавс ичида агар бўлса унинг синонимлари, сўнгра эса изоҳ матн берилади. Матн тутагач яна асосий маънога тенг кела оладиган дифференцияланмаган агар бўлса иккинчи асосий термин иккинчи ном (Ик. номи) тарзида келтирилди. Ниҳоят, ўзбекча асосий терминга эквивалент бўла оладиган русча термин мавжуд бўлганда у ҳам (агар бўлса) синонимлари билан бирга кўрсатилган.

Масалан: Елли қорасон – анаэроб инфекциянинг эмфиземтоз хили.

Ик. номи Газли қорасон, Рус. Газовая гангрена

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ёлқин Тўрақуловнинг “Тиббиёт қомусий луғати” да ҳам тиббий терминлар изоҳланган. Ушбу Тиббиёт қомусий луғати ўзбек тилида биринчи марта нашр этилган. У 7000 дан ортиқ терминни ўз ичига олади. Унда тиббиёт амалиётида кўп ишлатиладиган тушунчалар билан бир қаторда унга боғлиқ соҳалар: умумий биология, физиология, биокимё, генетика, вирусология, бактериология, иммунология, молекуляр биология ва ҳ.к. га оид терминлар, шунингдек Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликлар, улардан олинладиган ҳамда сунъий дори-дармонлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Луғатда амалда кенг қўлланиб келинаётган баъзи атамалар (масалан, группа - гуруҳ, нерв - асаб, орган - аъзо, форма - шакл ва б.) нинг иккала шакли ҳам берилган. Ўқувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида китоб охирида қисқача ўзбекча-русча тиббий луғат илова қилинган. Луғат шифокорлар, тиббиётнинг турли соҳаларида илмий иш олиб бораётганлар, тиббиёт институтларининг талабалари ва шу соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

А.Усмонхўжаев ва бошқа ҳаммуаллифлар: Э.И.Баситханова, М.С.Тураханова «Катта тиббиёт ўқув луғати» ҳозирги замон тиббиётида қўлланиладиган 10000 атрофидаги клиник терминлар ва тиббий тушунчаларни ўз ичига қамраб олган. У умумий амалиёт врачлари, фармасевтлар, таржимонлар, тиббиёт муассасалари ходимлари ҳамда тиббиёт институтлари ва коллежлари ўқитувчилари, талабалари учун терминлар моҳиятини русча ва лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ўзлаштиришда бебаҳо ёрдам кўрсатади. Луғатда асосий клиник терминлар ва тиббий тушунчалар билан бир қаторда анатомия, физиология, хирургия, тиббий психология, психотерапия, стоматология, биокимё, фармакология, психиатрия, ҳамширалик иши ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа жабҳаларда кенг қўлланиладиган янги атамалар ҳам ўрин олган. Луғатдаги русча – байналмилал клиник терминларнинг изоҳи русча, ўзбекча-кирилл ва лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида берилган бўлиб у барча врачлар, бакалаврлар, магистрлар, ўқитувчи ва талабаларга қулайлик туғдиради. Луғатнинг анатомияга оид терминлари 2009 йилда нашр қилинган «Тиббий терминлар энциклопедик луғати» га асосланган ҳолда тайёрланган.

Абдукарим Усмонхўжаев, Маҳкам Маҳмуд, Масъуда Тўрахонова, Муҳаммаджон Ҳамроев ҳаммуаллифлигида «Ўзбек халқ табобати атамаларининг изоҳли луғати». «Янги аср авлоди», 2005. Ўзбек халқ табобати асрлар давомида халқ анъаналари асосида эътироф этилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касалликнинг олдини олиш, соғломлаштириш, ташхис қўйиш, инсонни яхлит ўрганиш ва фақат табиий ашёлар билан даволаш ҳақидаги луғатдир. Ўзбек халқ табобати ўзининг назарий асослари ва амалиётидан иборат бўлган яхлит бир илмдир. Фаннинг биринчи қисми тўрт унсур таълимоти, мизож таълимоти, тўрт хилт таълимоти, аъзолар таълимоти, қувватлар таълимоти, руҳ таълимоти каби таълимотлардан ташкил топган ўзига хос мукамал назарий асослардир. Тиббиётга оид араб-форс ва қадимги ўзбек тили асосида тайёрланган.

Бундан ташқари жуда кўплаб тиббий терминларга оид АBBYU Lingvo таркибига кирувчи тиббиётга оид онлайн луғатлар, таржима луғатлари, изоҳли луғатларнинг электрон вариантлари яратилган. Бу луғатларда ҳар бир тиббий терминнинг алифбо тартибидаги изоҳи қидирув тугмаси орқали аниқланади. Тиббий оммабоп порталларда турли хилдаги кассаликлар тарихи, доришунослик атамалари, энциклопедик луғатлар, тиббиёт янгиликлари ҳақида маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Аmmo ўзбек тилшунослигида тиббий атамаларнинг электрон луғатлари мавжуд эмас. Электрон луғатларнинг афзалликлари шундаки, ўзбек тилшунослигида йўқолиб бораётган халқона атамаларимизни қайта тиклаш, ёки лингвистика ва тиббиёт оралигида ечимини кутаётган муҳим масалаларни бартараф этишга хизмат қилади. Тиббий атамалар электрон луғат юқоридаги луғатлардан батамом фарқланиб, унда тиббиётга оид атамалар (терминлардан фарқланган ҳолда халқона услубда яъни оммабоп услубда) бадий тасвирлар орқали изоҳланади. Тиббий лексикография соҳасининг онлайн ривожига ҳамда лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан китобхонга етказиш имкониятини беради. Маълумки, маълумотларни қайта ишлаш тартибини автоматлаштириш, янги фаол лексикографик системаларни яратиш, бунинг натижаси сифатида анъанавий луғатлардан автоматлашган (электрон) луғатлар яратишга ўтиш давр талаби саналади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Зеро, соҳа лингвистикасига киришиш жамият тараққиёти билан амалий боғлиқ. Чунки жамият саломатлиги шахсинг руҳий, жисмоний, маънавий соғломлигига боғлиқ. Демак, бу борада электрон луғат аҳолининг турли тоифа ва қатлам вакиллари билан иш кўрадиган тиббиёт соҳаси мутахассис-ходимлари учун ўз фаолияти жараёнида юксак маданий нутқ кўникмаларига эга бўлишлари ҳамда тил захирасидаги ҳар бир сўздан эҳтиёткорона фойдаланишлари улар касбий маҳоратининг зарурий шарти бўлган лисоний воситаларга масъулиятли ёндашишини талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003. – 568 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. –671 б.
3. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. 164 б.
4. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати // Н. Маллаев таҳририда. –Тошкент: Ўқитувчи, 1967. –300 б.

“QO‘Y” LMG I ASOSIDA SHAKLLANGAN O‘ZBEK XALQ MAQOLLARIDA VARIANTLILIK

Sharipova Maftuna Jamshidovna,

Davlat tilida ish yuritish asoslarini
o‘qitish va malaka oshirish markazining
Buxoro hududiy bo‘linmasi uslubchisi

ANNOTATSIYA: Ushbu ilmiy maqolada xonaki hayvonlar sirasiga kiruvchi “qo‘y” lug‘aviy-ma‘naviy guruhi asosida shakllangan xalq maqollaridagi variantlilik hodisasi yoritilgan. Leksik variantlar o‘z ichida so‘z turkumlari bo‘yicha guruhlariga ajratilgan. Paremlar badiiy asarlardan olingan parchalar orqali izohlangan.

O'zbek tilshunosligida iboralarda variantlilik hodisasi professor Sh.Rahmatullayev [1,264], maqollarda variantlilik hodisasi filologiya fanlari doktori B.Jo'rayeva [2,67] tomonidan tadqiq etilgan.

Maqollardagi variantlilik hodisa 2 guruhga bo'lib o'rganiladi:

1. Leksik variantlar.

2. Grammatik variantlar [2,67].

Leksik variantlar maqol leksik tarkibidagi o'zgarishning xarakteriga qarab, uch turli bo'ladi [2,67]:

1. So'z yoki so'zlarni almashtirish bilan yuzaga keladigan turi – leksik almashtirish.

2. So'z yoki so'zlarni qo'shish bilan yuzaga keladigan turi – leksik qo'shish.

3. So'z yoki so'zlarni tashlash bilan yuzaga keladigan turi – leksik tashlash.

Leksik almashinuvda maqol tarkibidagi ayrim so'zlar almashadi.

Bir qo'chqorning *shoxi singuncha*,

Yuzta *qo'yning* boshi ketadi [3,48].

Bir qo'chqorning *boshi ketguncha*, ming *sovlug* boshi ketadi [3,48];

Bir qo'chqorning boshi ketguncha, necha *to'qlining* boshini yeydi [3,48].

Bir qo'yning boshi ketguncha, necha qo'chqorning boshi ketadi [4, 234].

"Bir qo'chqorning boshi ketguncha, minglab qo'yning boshi kesilar emish, deb ayt domlangga! – dedi [5,160].

So'z almashtirish natijasida hosil bo'ladigan variantlarni qaysi so'z turkumiga mansubligiga ko'ra [2,67] quyidagi guruhlarga bo'lish mumkin:

1. Ot komponentni almashtirishga asoslangan variant.

1) iste'mol mahsulotlari nomining almashinuviga asoslangan variant:

Qo'noq qo'ydan ham yuvosh, *moy* bersang ham yeyaveradi [4, 235].

Qo'noq qo'ydan ham yuvosh, *quyruq* bersang ham yeyaveradi.

Ko'ngli oq qo'ydan ham yuvosh, *moy* bermasang ham yeyaveradi [6, 211].

– *Qo'noq qo'ydan ham yuvosh, quyruq bersang ham yeyaveradi, – dedi* [11,317].

Ho'kizning o'tini yeb, *toyning* qilig'ini qilma [12,209].

Ho'kizning o'tini yeb, *qo'yning* qilig'ini qilma [6,211].

2) Ot va sifat komponentni almashinuviga asoslangan variant:

Qo'y semizi qo'ychidan, To'y *tamiz*[13,655]i – to'ychidan [4,476].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Tamiz – imtiyoz berish; farqlash, sog'lom fikr; fahm-farosat. O'z biligi, aqli, farosati bilan tegishlicha ish tutish qobiliyati; fahm-farosat. Tamiz [7,147] – idrok, fahm demakdir.

Qo'y semizi qo'ychidan, To'ysemizi – to'ychidan [6,211].

2. Sifat komponentni almashtirishga asoslangan variant

Semiz qo'yning umri *qisqa* [3,367].

Semiz qo'yning umri *kalta* [4,398].

3. **Son komponentni almashtirishga asoslangan variant** (bunda “qo'y” LMGi boshqa zoonim nomlari bilan variantlilik hosil qiladi):

Bo'ri qarisa ham *bitta* qo'yga kuchi yetar [6,209] .

Bo'ri qarisa ham *bir* qo'y olar kuchi bor [3,75].

Ming qo'ylining bir qo'yliga ishi tushadi.

Qirq otliqning ishi bir eshakliga tushibdi;

Qirq eshaklikning ishi bir eshaklikka tushibdi.

– *Yo falak!..*

Dunyoning ters kelganini ko'ring endi!..

Ming qo'ylining ishi bir qo'yliga tushadi, deganimi bu? Yoki har zamonda bir zamon deganimi [9,104]?..

4. Fe'l komponentni almashtirishga asoslangan variant:

Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda *qaynamas*;

Ikki qo'chqorning boshi bir qozonda *pishmaydi* [3,48].

5. Ot, fe'l, sonkomponentlarni almashtirishga asoslangan variant:

Bir qo'chqorning *shoxisinguncha, yuztaqo'yning* boshi ketadi.

Bir qo'chqorning *boshi ketguncha, ming sovlug* boshi ketadi.

6. Ravish komponentni almashtirishga asoslangan variant:

Qo'ychivon *ko'p* bo'lsa, qo'y harom o'lar;

Qo'ychivon *mo'lbo'lsa*, qo'y harom o'lar.

Xo'blar tiyg'i yetishmasdin burun bu zor o'lar,

Chin emishkim, bo'lsa ko'p qassob, qo'y murdor o'lar.

(Navoiy) [3,502].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент: Фан, 1966. – 264б.
2. Жўраева Б. Мақолнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва маъновий хусусиятлари. Тошкент:Фан, 2007, – Б. 67.
3. Шомақсудов. Ш., Шораҳмедов. Ш. Ҳикматнома. Тошкент: 1990, 48 бет.

Texnik oliy o'quv yurtlarida o'zbek tili ta'limi va mustaqil ishlarda testlardan foydalanish

Shoyimqulova Mahzuna

Buxoro MTI, katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA: Maqola til o'rganuvchilar uchun samarali usullardan biri bo'lmish test orqali til o'rganishning oson va tez yo'lini ko'rsatib beradi. Bunda test orqali til o'rganishning oldingi o'rganish usullaridan afzallik tomonlari ochib berilgan.

Kirish. Talaba ma'lum miqdorda bilim zaxirasiga ega bo'lmas ekan, u hech qachon o'rganilayotgan tilni egallay olmaydi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, tilni egallashda imkon qadar ko'proq so'z zaxirasiga ega bo'lmoq lozim. Bunda so'zlardagi ko'p ma'nolilik, ma'nodoshlik, shakldoshlik xususiyatlariga alohida e'tibor berish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu xususiyatlarni egallagan talaba ma'lum mavzu ustida mustaqil ishlashda unumli faoliyat ko'rsata oladi.

Asosiy qism. Talabalarda mustaqil ishlash ko'nikmalarini hosil qilishda ko'p ma'noli so'zlar ustida ishlash yaxshi natija berishi amalda ko'p marta sinalgan. Bunday usul ikki bosqichda amalga oshiriladi.

Birinchi bosqichda o'qituvchi talabalarga tegishli materiallarni taqdim etadi: so'zlarda ko'p ma'nolilik xususiyatlarini aniqlash, ularni misollar yordamida ko'rsatib berish. Bunda talabalardan yangi so'zlarni tushunib olish va esda saqlashda izohli lug'at yordamida bajarilish lozim bo'lgan quyidagi mashqlarni tavsiya etish mumkin:

1. Izohli lug'atdan **achchiq** va **shirin** so'zlarining to'g'ri va ko'chma ma'nolarini ko'chiring. Ular yordamida yasalgan so'z birikmalarini toping va rus tilidga tarjima qiling.

2. Lug'atdan **oltin** so'zining izohini toping. Uning qancha ma'nosi borligini aniqlang. Ular yordamida yasalgan so'z birikmalarini toping va rus tiliga tarjima qiling.

So'zlarni shu tariqa o'rganish orqali talabalarning so'z boyligi oshadiva o'zlarining nutqiy faoliyatlarida qo'llash imkoniyati shakllanib boradi.

Ikkinchi bosqichda talabalar so'zlarning ma'no turlarini o'rganadilar, so'z birikmalari hosil qilishdan o'zaro bog'langan yangi matn

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yaratish ko'nikmalarini egallashga o'tadilar. Bunda o'qituvchi o'rganilgan leksik materiallarga mos ravishda erkin mavzu tanlab talabalarga topshiriq berishi mumkin. Yuqoridagi fikrlar asosida bajarilgan amaliy faoliyatdan so'ng quyidagicha xulosalar chiqarish mumkin.

1. Mustaqil ishlash evaziga talabalarda mavzularni o'zlashtirish yuzasidan ijodiy yondoshish shakllanib boradi va o'z ishlarini o'zlari tashkil eta boshlaydilar.

2. O'qituvchining vazifasi talabalarga mustaqul ishlashi uchun yo'nalishni tanlash va sharoit yaratib berishdan iborat.

3. Talabalarning mustaqil faoliyati – bu mavzu yuzasidan yangi bilim va ko'nikma hosil qilish nutqiy imkoniyatlarini kengaytirish natijasida shaxsiy mulohazalarni bayon qila olish malaksini hosil qila olishdir.

Ta'lim sohasidagi ishlar tarixiga nazar tashlasak, talabalar bilimni baholashning turli usullari qo'llanilganligiga guvoh bo'lamiz. Savol-javoblar, yozma ishlar, suhbatlar, ijodiy sinovlar, imtihonlar va boshqalar shular jumlasidandir.

Oliy o'quv yurtlari qabul jarayoniga test usulining kiritilishi taraqqiyotimizda ta'limning ustivorligini ta'minlovchi tadbir bo'ldi.

Bu, shubhasiz, yoshlarning buyuk kelajakka qadam qo'yishlaridagi to'g'ri yo'ldir.

Davlat tili darslarida pedagogic texnologiyalrini qo'llab, talabalarga bilim berish – davlat tili o'qitishning samaradorligini oshirishda muhim vositalardir. Bu vositalardan biri esa davlat tilini o'rgatishda testlardan foydalanishdir. Oliy ta'limda talabalarga davlat tilini o'rgatishda, bunda ijobiy natijalarga erishishi uchun quyidagi jihatlarga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq:

1. Davlat tilidan talabalarning bilim saviyasi, mavzuning oson va murakkablik darajasiga qarab har bir mavzu, bo'lim, bo'limchalardan so'ng testlar olish yo'li bilan ish yuritish lozim.

2. Tilning har bir 354eda bo'limi, ya'ni fonetika, morfologiya, sintaksis va boshqa bo'limlar o'tib bo'lgandan keyin testlar olish va uni baholash yaxshi natijalar beradi.

3. Har bir mavsum yakunida tashkil etiladigan aralashma testlar olish, ya'ni bitirish imtihoni sifatida uyushtirilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Qisqasi yangi 355edagogic texnologiyalarni davlat tilini o'rganishda testlar vositasida olib borilsa,yaxshi samara berishi yaqqol namoyon bo'ladi.

Xulosa. Ta'lim jarayonida test sinovlarining joriy etilishi,undan unimli foydalana bilish, davlat tilida talabalarga yetarli bilim berish ularning bilimini oqilona baholay olishda asosiy omildir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek tili. – T.: O'zMU. 2007.
2. Рогова Г.В. «Методика преподавания английского языка». -М .: Высшая школа», 1990.
- 3.Браун Х.Д. Изучение второго языка. Издательство Кембриджского университета, 1986.

SHEVAGA BUGUNGI MUNOSABAT

Po'latova Sevara
BuxDU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada shevashunoslik oldida turgan muhim vazifalar, uning keyingi bosqichi sanalgan areal lingvistikaning rivoji bugungi kunning muhim vazifalaridan biri ekanligi aytib o'tilgan. Bu ishlarni takomillshtirish esa prezidentimizning qaror hamda farmonlarining ijrosini ta'minlash yo'lidagi izlanishlardan biridir.

Kirish. Respublikamizda so'nggi yillarda olib borilayotgan islohotlar barcha sohalarni qamrab olayotganligi hech kimga sir emas. Ayni vaqtda, bu o'zgarishlarning eng muhimi ta'lim va tilga bo'lgan e'tibor, desak adashmagan bo'lamiz. O'zbek tilining mavqeini oshirish, uni rivojlantirish bo'yicha salmoqli ishlar amalga oshirildi. Muhtaram prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchilik timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir. Har birimiz davlat tiliga bo'lgan e'tiborni mustaqillikka bo'lgan e'tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni, ona vatanga ehtirom va sadoqat deb bilishimiz kerak.

Asosiy qism. Chindan ham, tili – millatning ruhi, uning or-nomusi, ma'naviy qiyofasi, orzu-umidlarning namunasidir. Tili millatning birligi va

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

birdamligining timsoli. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofida birlashtiradi va dunyoda borligini ta'min etadi. Zero, xalq bo'lishi uchun milliy til bo'lishi kerak. Milliy til bu – sheva. O'zbek xalq shevalariga oid ko'plab ilmiy ishlar o'z ahamiyati va qimmatini bilan qadrlidir. Chunki bugungi kunda milliy tilimizga bo'lgan e'tibor davr talabi uchun juda muhim. Shavkat Mirziyoyev Miromonovich aytganlaridek, "Davlat tili masalasi milliy g'oyamizning asosiy tamoyillaridan biri bo'lishi zarur. Yosh avlod qalbiga ona tilimizni bolalikdan singdirish maqsadida ta'limning barcha bosqichlarida o'zbek tilini zamonaviy va innovatsion texnologiyalar asosida mukkamal o'rgatishga alohida e'tibor qaratishimiz lozim. Toki, bolalarimiz o'zbek tilida ravon o'qiydigan, ravon yozadigan va teran fikrlaydigan insonlar bo'lib yetishsin.

Shuningdek prezidentimiz tilshunoslikning bir bo'limi bo'lgan shevashunoslik masalasiga ham e'tibor qaratib quyidagi fikrlarni keltirib o'tadilar: "Biz xalqimizning taqdiri, ertangi kuni haqida o'ylar ekanmiz, eng avvalo, millatimizning asl fazilatlarini, go'zal urf-odatlarimiz, betakror san'atimiz va adabiyotimizni, ona tilimizni ko'z qorachig'iday saqlashimiz zarur. Shuningdek, o'zbek tilining o'ziga xos xususiyatlari, shevalari, tarixiy taraqqiyoti, uning istiqboli bilan bog'liq ilmiy tadqiqotlar samarasini oshirish, kadrlar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilashga erishmog'imiz zarur. Bu ishlar uchun moliyaviy resurslar va mablag'larni also ayamasligimiz kerak.

Shevashunoslikdagi bir qator ishlar o'tgan asrda yakunlangan bo'lishiga qaramay, biz unga qayta va qayta murojaat qilaveramiz. Chunki shevalardagi boylıklarimiz hali ham mavjud. Shevalarni kuzatar ekanmiz undagi so'zlarning izohli lug'atdan o'rin olmaganligi bizni hayratlantiradi.

Turkiy til boy, serqirra ekanligini A.Navoiy o'zining "Muhokamat ul-lug'atayn" asari orqali isbotlab bergan edi. U fors tilidan turk tilini yuksaklarga ko'tardi. Ammo hozirgi kunda tilimiz biroz oqsoslanib qolganday tuyuladi. Sheva va adabiy til o'rtasida jamiyatimiz orasida katta to'siqning qo'yilishi o'z shevamizdan yiroqlashtirdi. Shevada gapirish uyat holat darajasiga yetib keldi. Natijada biz o'z tilimiz, o'zligimiz, milliy boyligimiz, milliy qadriyatimiz, tarixiy etnogenimizdan vos kechyapmiz. Shu jarayonni oldini olish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri tomonidan 2019-yil 11-dekabrda imzolangan "O'zbek tilining davlat tili sifatida qo'llanishini kengaytirish, rivojlantirish, ilmiy tadqiqotlarni qo'llab

quvvatlash, o'qitish metodikasini takomillashtirish bo'yicha 2019-2020-yillarga mo'ljallangan chora-tadbirlar dasturi" da bu masalaga jiddiy e'tibor qaratishimiz va "O'zbek shevashunosligi markazi"ni tshkil etish ko'zda tutilgan. O'ylaymizki, bu mustaqillikning ma'naviy asoslarini mustahkamlash, miliy qadriyatlarimizni asrash borasida xalqimiz, otabobolarimiz ulug'lagan yo'lni davom ettirishimizda huquqiy asos bo'ldi.

Yuqorida keltirilgan fikrlar, Prezident qaror va farmonlari ushbu ishning dolzarbligini ko'rsatib turibdi. Sheva – shunchaki bir hududga tegishli bo'lgan xususiy boylik emas, balki xalq boyligi, xalq g'ururi, xalq o'tmishi va kelajagidir. Biz ularni iste'moldan chiqarib tashlashimiz emas, aksincha, qaytarishimiz kerak.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev har bir sohaga diqqat qaratib, ularni mukammallashtirishga harakat qilayotgan ekanlar, keling, biz ham bu qarorlar ijrosini ta'minlash orqali o'z sohamiz rivojiga hissa qo'shaylik.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Решетов В.В. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 231 б.
2. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – 408 б.

4-SHO`BA: AMALIY FILOLOGIYANI
RIVOJLANTIRISH IJTIMOIIY ZARURIYAT SIFATIDA.

ТИЛ – ҲАР БИР МИЛЛАТ МАДАНИЯТИНИНГ
ЎЗАГИ

Абузалова М.К.

БухДУ профессори, ф.ф.д

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

Абдулла Қодирий

АННОТАЦИЯ. Мақолада айни кунларда давлат тилига эътиборнинг юксалиб бораётганлиги, она тили таълимининг мақсад ва воситалари янгиланаётганлиги мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтириш учун хизмат қиладиган соҳа лингвистикаси ривожини учун таклифлар билдирилган. Барча соҳа вакиллари айниқса тиббиёт ходимлар учун ўзбек тилининг ономастик луғатларини яратишга хизмат қиладиган тадқиқотларни яратиш, қўшни мамлакатлар ва қардош туркий халқлар тиллари билан қиёслаш, луғатлар билан ишлаш имкониятини юзага чиқариш ҳақида муносабат билдирилган.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз бир йил тўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Айтиш мумкинки, маънавияти юксак, миллий қадриятларига содиқ шахсни камол топтиришнинг муҳим воситаси сифатида луғатлар ҳам тан олинади. Гюго таъбири билан айтганда, ҳар бир хонадоннинг ҳақиқий хазинаси бу луғатдир. Айни кунларда давлат тилига эътиборнинг юксалиб бораётганлиги, она тили таълимининг мақсад ва воситалари янгиланаётганлиги мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтириш учун хизмат қиладиган турли типдаги луғатларга эҳтиёжни оширади. Бугун ўзбек тилининг бор бўй-бастини, бойлигини кўрсатиш ва келажак авлоднинг ундан тўла баҳраманд бўлиши учун изоҳли ва имло луғатлари, умумий ўрта таълим ўқувчилари учун алоҳида турли номларда луғатларнинг яратилиши тилимизга бўлган эҳтиромнинг ёрқин намунаси саналади.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ўз даврида қарийб “ўлик” тиллар сафидан жой олган эски туркий тилга “жон” ато этди. XX аср бошларида маърифатпарвар зиёлилар Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудийлар ўзбек тилини такомиллаштириш мақсадида дарсликлар, мақолалар ёзишди, ўша даврда ижтимоий буюртма бўлган халқ саводхонлигини кўтариш мақсадида таҳсинга сазовор фаолият олиб боришди. Бугун ҳам бу жараён тўхтагани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги (1989 йил 21 октябрь) қонуннинг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида “ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш” масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, «Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди... Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ» эканлиги таъкидлаб ўтилди. 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган вазифалар

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

нутқ ҳодисалари қаторида тиббиёт ходимлари нутқини тил-нутқ-маданият алоқадорлигида ўрганишга кенг йўл очди. Барча соҳа вакиллари учун ўзбек тилининг ономастик луғатларини яратишга хизмат қиладиган тадқиқотларни яратиш, қўшни мамлакатлар ва қардош туркий халқлар тиллари билан қиёслаш, луғатлар билан ишлаш имкониятини юзага чиқариш ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинди.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ходимларининг “Давлат тилида иш юритиш асослари” бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими жорий этилди; республика тилшунос олимлари томонидан фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий ва шу каби соҳаларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга доир тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди; замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этишга, атамаларнинг электрон луғати ва мобил иловаларини яратиш ишларига аҳамият қаратилмоқда; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида «Ўзбекча ном яратиш” (нейминг) лабораторияси ташкил этилди.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари учун тиббий атамаларга доир платформа яратиш, электрон луғатлар ва дарслик ҳамда уларнинг мобиль иловаларни яратиш ўзбек лексикографияси, терминологияси, шунингдек, компьютер лингвистикаси ривожини учун муҳим манба саналади. Ҳаётимизга шиддат билан ривожланиб кириб келаётган компьютер лингвистикаси бугун барча соҳалар қаторида тиббиёт соҳасини ҳам бефарқ қолдирмади. Замонавий жамият ҳаётининг ажралмас қисми саналган интернет сайтларидаги ижтимоий тармоқлар ва форумларда биз деярли тасаввур қила олмайдиган ҳар қандай баҳс-талаш ва таҳрирталаб мавзудаги мунозараларни топишимиз мумкин. Албатта турли касалликлар, даволаш билан боғлиқ муаммолар, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тиббий мавзулар бундан мустасно эмас. Пандемия сабабли интернетда ўзларининг соғлиги тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни чоп этаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, тиббий нашрлардаги тахрирталаб матнларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин. Ўзбек тилида қўлланиладиган тиббий атамаларга доир платформа яратилса, мазкур муаммолар ечими сифатида муҳим аҳамият касб этиши табиий. Айтиш мумкинки, электрон луғатларгина лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан китобхонга етказиш имкониятини беради.

Зеро, соҳа лингвистикасига киришиш жамият тараққиёти билан амалий боғлиқ. Чунки жамият саломатлиги шахснинг руҳий, жисмоний, маънавий соғломлигига боғлиқ. Демак, бу борада яратиладиган платформа аҳолининг турли тоифа ва қатлам вакиллари билан иш кўрадиган тиббиёт соҳаси мутахассис-ходимлари учун ўз фаолияти жараёнида юксак маданий нутқ кўникмаларига эга бўлишлари ҳамда тил захирасидаги ҳар бир сўздан эҳтиёткорона фойдаланишлари улар касбий маҳоратининг зарурий шарти бўлган лисоний воситаларга масъулиятли ёндашишини талаб қилади.

Тиббий лингвистиканинг эвфемик, метафорик, перифрастик, гендер хусусиятларини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан изоҳлаш; ўзбек тилида қўлланиладиган маҳаллий тиббий лингвистик бирликларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш; йўқолиб бораётган ноёб тиббий атамаларни тўплаш, уларнинг тасвирий изоҳли луғатини тартиблаш, Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида қўллаган атамаларни изоҳли луғат билан қиёслаш, муштарagini истемолга киритиш ва тавсифлаш (дейлик, “Тиб қонунлари” асарида “мохов” касаллиги “шер касаллиги” билан берилган) каби кўндаланг турган вазифаларни бажариш тиббиёт соҳаси лингвистикаси ривожига хизмат қилмай қўймайди.

Тиббиётга оид атамаларнинг эвфемистик, перифрастик, метафорик кўринишларини тавсифлаш ўзбек тили имкониятларининг кенглигини, бойлигини, вариантдорлигини, туркийзабон халқимизнинг тил маданияти юқорилигини тараннум этиш билан характерланади ҳамда таянч тиббий бирликларга ёндош номлар сифатида нутқда қўлланилади:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

КАР (ГАРАНГ) (*таянч тиббий бирлик*) - товушларни эшита олмаслик касаллиги

ЭВФЕМИК БИРЛИКЛАРИ (мулоимлаштириш)	ПЕРИФРАСТИК БИРЛИКЛАРИ (таъсирлаш)	МЕТАФОРИК БИРЛИКЛАРИ (ўхшатиш)
1. Мулоқот имкониятининг чекланганлиги 2. Эшитиш қобилиятидан бўлмоқ 3. Эшитиш қобилияти ёмонлашиши 4. Эшитиш аъзоларининг зарарланганлиги	1. Қулоғи гуллаган 2. Қарилик даврининг ilk аломати	1. Қулоғи оғир 2. Қулоқдан қолиш

Айни кунларда тавсифий тилшунослик ўз ўрнини соҳавий-тавсиявий тилшунослик йўналишларига бўшатиб берган экан, тиббий соҳага тегишли атамаларни ҳам миллий, ўзбекона, оммабоп вариантларда тайёрлаш – шу соҳадаги илмий муаммонинг ечимига хизмат қилади. Дорихонадан харид қилинган маҳсулотнинг йўриқномасини саводли ҳар бир киши ўқиб тушуна олиши керак. Бунинг учун эса лингвистика билан тиббиёт ҳамкорлиги зарур.

Шундай муҳим ва хайрли ишларга қўл урилаётган бир пайтда она тилимиз камолига ғов бўлаётган, унинг файзли ва мусаффо муҳитини бузишга қаратилган иллатларнинг мавжудлиги кишини хавотирга солади. Биз нимага хато қилдик? Нима учун ўзбек тили мавқеини авайлаш қийин бўлди? Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларидаги “ўзбекона бағрикенглик” сабаб бўлмадимиз? Бугунги кунда мазкур “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганлиги ва янги таҳрирда қабул қилинганлиги дилни қувонтиради. Жумладан, 4-моддада “Ўзбекистон Республикасида ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт.

Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини билмайдиган граждандарга республика давлат тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлайди” дея ўзгартириш киритилиши миллат тилига ҳамда юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари забунига бўлган хурматнинг нишонасидир. 2020 йил апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан давлат тилида иш юритишни тўла таъминлаш мақсадида мансабдор шахсларга жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлигидан барча хабардор. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддаси “Давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун талабларига риоя этмаслик, мансабдор шахсларга базавий маош миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади” жумласи билан тўлдирилди. Мазкур лойиҳа ўзбек тили тақдирига бефарқ бўлмаган зиёлилар ва жамоатчилик томонидан яқдиллик билан қарши олинди.

Бир сўз билан айтганда, тил миллатнинг маънавий-руҳий бойлиги, мулки экан, уни эъзозлаш, юксалиши, софлиги, бойлиги йўлида курашиш, миллий кадрият даражасига кўтариш барчамизнинг олий бурчимиздир. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини янада ошириш ҳақида бош қотиришимиз, бу йўлда собитқадамлик билан амалий ишлар қилишимиз лозим. Ўзимиз аждодларимиздан мерос бўлиб келган она тилимизни асрамас эканмиз, миллатимиз ва маънавиятимиз келажагини улкан хавф остида қолдирамиз. Зотан, ўзбек тили – бу бизнинг бойлигимиз, ор-номусимиз, шаънимиз демак. Уни, энг аввало, ўзимиз асрашимиз, хурматлашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.

2. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI
TILNING – TURIZM SOHASINI
RIVOJLANTIRISHIDA TUTGAN O‘RNI**

Absaidova Muxlisa
Filologiya fakulteti talabasi

ANNOTATSIYA. Mazkur maqolada turizm sohasini rivojlantirish uchun bugungi raqamli iqtisodiyot sharoitida yetarlicha imkoniyat va o‘ziga xos kamchiliklarimiz mavjudligi haqida fikr yuritiladi.

Bugungi kunda dunyo mamalakatlarining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy jihatdan rivojlanishida barcha sohalar qatori turizmning ham o‘rni juda katta. Turizm sohasida qat’iy, amaliy tartib o‘rnatgan, rivojlanishi uchun sharoit yaratgan har qanday davlat o‘z moliyaviy hisobiga yetarlicha mablag‘ olmoqda. Turizm xizmati hozirda iqtisodiyotning yetakchi sohalaridan biri bo‘lib faoliyat yurityapti. Bizning jannatmakon O‘zbekistonimiz o‘zini ko‘z-ko‘z qilishga arzigulik tarovatiga, maftunkor tabiatiga, tarixini buyuk qilgan dono ajdodlariga, asrlar silsilasiga bardosh berib kelayotgan beqiyos minoralari-yu muqaddas qadamjolariga, o‘chmas qadriyat va urf-odatlariga, hayratlanarli yodgorliklariga ega bo‘lgan osoyishta diyorlardan biridir. Hozirda yurtimizda yetti mingdan ortiq tarixiy obida va ziyoratgohlar mavjud bo‘lib, xorijiy mamlakatlar va sayohatchilarni o‘ziga jalb qilmoqda. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tishimiz kerakki, yurtimizda chet ellik sayohatchilar uchun keng imkoniyatlar, qulay sharoitlar yaratib berilgan. Vatanimizning har bir maskani o‘ziga xos jozibadorlikka ega, ammo ularning orasida dunyo tan olgan Samarqand, Buxoro, Xiva, Termiz, Qarshi shaharlarini alohida ajratib, ta’kidlab o‘tmaslikning iloji yo‘q. Asrlar mobaynida O‘zbekiston Buyuk Ipak yo‘lining serqatnov qismida joylashgan bo‘lib, o‘sha davrlardayoq o‘lkamiz savdogar va sayohatchilar uchun qulay mintaqaga aylanib ulgurgan edi. Har zamonda ham O‘zbekiston o‘zining tarixiy, me’moriy yodgorliklari, milliy urf-odatlari, xalqona qadriyat va an’analari, buyuk alloma-yu sarkardalari bilan jahonni hayratga solib kelgan. Ma’lumki, bizning mintaqamiz, avvalambor, bugungi Turon zamini islom ilm-fani va madaniyatining qadimiy beshiklaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, islom dini va hadis ilmini mukammal bilgan avliyo va mutafakkirlarimizning bebaho merosi haligacha o‘rganilib, dunyo

miqyosida qo'llanib kelinmoqda. Buyuk ajdodlarimizni va ulardan qolgan yodgorliklarni o'rganish maqsadida jahonning eng sara mamlakatlaridan malakali professor-olimlar va arxeologlar davlatimizga tashrif buyurib, izlanishlar olib bormoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, yurtimizga keluvchi olimlar va qiziquvchi sayyohlar ko'lami kundan kunga ortib bormoqda, desak adashmagan bo'lamiz.

Turizm sohasini rivojlantirish uchun bugungi raqamli iqtisodiyot sharoitida yetarlicha imkoniyat va o'ziga xos kamchiliklarimiz mavjud. Hozirda jahon mamlakatlari iqtisodiyotiga yangi kirib kelgan "raqamli iqtisodiyot" tushunchasi bizning yurtimizda ham joriy etilib, deyarli ko'pchilikka tushunarli bo'lib bormoqda. Ya'ni mening tushunishim bo'yicha, jamiyatda mavjud barcha sohalarni qulaylashtirish, aholiga xizmat ko'rsatish va turmush sharoitini yengillashtirish maqsadida mavjud yetakchi ijtimoiy-iqtisodiy tarmoqlarga sodda raqamlar orqali murojaat etish va ko'rsatkichlarda ifodalanadigan iqtisodiy tushunchalarni foizlarda emas, balki aniq raqamlar orqali xalqqa yetkazishdan iborat bo'ladi. Shu bilan birgalikda turizm sohasida bu tushunchani qo'llaydigan bo'lsak, masalan, yurtimizga tashrif buyuruvchi sayyohlar soni ko'rsatkichini yanada yuqoriroq darajaga ko'tarish, sayyohlarga raqamli xizmatlar orqali imkoniyat yaratish va boshqalarni aytish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov H, Eshonqulov E. O'zbek tili .Toshkent:1982.-B.
2. Abduraxmonov H, Mahmudov N. So'z estetikasi. Toshkent: "Fan", 1981.-B.
3. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Toshkent: "To'lqin", 2005.-B.
4. "Qutadg'u bilig". Toshkent: "Yulduzcha", 1990-y.-B.

ХУНАРМАНДЛАР НУТҚИДА ПЕРИФРАЗЛАР

Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи,

БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган хунармандчилик соҳасига оид перифрастик бирликлардан мисоллар келтирилиб, нутқий мулоқотни бойитувчи, алоқа-аралашувини таъминловчи бирлик эканлиги асосланган.

Кириш. Тил ўзининг сержило, сермазмун, нозик семаси билан инсон қалбини забт этиб, кишилар руҳий дунёсида эзгулик умидини бунёд этади. Биламизки, ўзбек тили ўзининг сўзга бойлиги, қўлланиш доирасининг ниҳоятда юқорилилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу юқоририликлини таъминловчи услубий воситалардан бири перифразалар ҳисобланади.

Асосий қисм. Ҳар бир сўз халқ тили, кўнглига қанчалар яқин бўлса, у шунчалар тез ва осон сингади. Кундалик турмуш тарзимизни хунармандчилик буюмларисиз тасаввур этиб билмаймиз. *Хунарманд* лексемасининг асоси арабча *хунар* сўзидан олинган бўлиб «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да [2] тилимизда тўрт хил маънода ишлатилувчи полисемантик сўз сифатида тавсифланган ва унинг, асосан, *санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб* лексемалари билан вариантдош эканлиги кўрсатилган. Жумладан,

1. Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб. *Хунар, хунардан унар* (Мақол).

2. Бирор ишдаги маҳорат, санъат; моҳирлик, усталик талаб этувчи иш; хатти-ҳаракат... *Чекиниш учун ҳам хунар керак...бу ҳам санъат талаб қилади...* (Ойбек, Қуёш қораймас).

3. Одат тусидаги иш, ҳаракат. *Агар эски хунарингизни қилиб, отамга чақсангиз, мендан шафқат кутманг* (Мирмуҳсин, Меъмор).

4. Бўлмағур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат. *...гилайлашган кўзларини сузишиб, «хунар»ларини давом эттираверишди* (Газетадан).

Фикримизча, *хунар* сўзи *санъат, билим, кўникма, маҳорат, усталик, касб; ҳаракат, хатти-ҳаракат; қилиқ, одат* сўзлари билан

синоним ҳам, вариантдош ҳам эмас. Масалан, касб ва ҳунар (гарчи луғатларда аралаштириб берилса-да) битта тушунча бўлмайди.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» маълумотида кўра, араб тилидан форсий забонга ўзлашган *ҳунар* лексемаси асосида форсийлар *ҳунарманд* сўзини ясаган. Демак, *ҳунарманд* форсча ясама, сифат сўз туркумига хос сўз бўлиб, *у санъат арбоби; моҳир, юксак маҳоратли; истеъдодли, қобилиятли* каби маъноларни англатади. Кўпмаъноли сўз сифатида биринчи маъносига кўра, уйда ёки ўз дўконидида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб-ҳунар эгаси; косиб. ...*Расталар турли касбдаги ҳунармандлар – темирчилар, мис чўкичлаб, нақшли баркаш, чойдиш, чилобин, хилма-хил буюмлар ясовчи мисгалар...тақачилар, кулол, баққол ва косиблар билан обод эди* (К.Яшин, Ҳамза).

Иккинчи маъносига кўра, ўз иш-касбининг моҳир устаси. ...*Турли хил рангларнинг мутаносиблиги, олтин қўлли ҳунармандлар сеҳрли жозиба бағишлаган шиша буюмларни кўриб кўзингиз тўймайди* (Газетадан).

Тилимизда форсийдан ўзлашган *ҳунарманд* лексемаси асосида *ҳунармандлик, ҳунармандчилик* (*ҳунар* лексемаси асосида эса *ҳунарли, ҳунарсиз*) сўзлари аффиксация усулида ясалганлигини кузатамиз.

Ҳунармандлик – миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида яқка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрладиган касбларнинг умумий номи. Йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келишига қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари кейин ҳам сакланган. Кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида ҳозир ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиқди, турли ижтимоий тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллаша борди, турли ихтисосликлар (*кулолчилик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасозлик* ва бошқалар)га ажралди. Ҳунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, жумладан, пахта ва пилла бор

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ерда тўқимачилик, сифатли хом ашё бор ерда кулолчилик, жун ва тери кўп ерда тўқимачилик ва кўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсозлик, маъданларга бой ерларда металл ишлаб чиқариш ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва бошқа ривож топган. Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимооти билан алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг 3 тури шаклланган: 1) уй ҳунармандчилиги; 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик; 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик [1]. Ҳунармандчилик турлари қанчалар кўп ва хилма-хил бўлса, ҳунар кўринишлари, маҳсуллари ҳақида ёки ҳунармандлар нутқида ишлатиладиган перифразалар ҳам шунчалик кўп ва такрорланмасдир. Масалан, **каштадўзликка оид перифразалар:** *Каштачилик – Ўзбекистон амалий-безак санъати турлари орасида ўзининг қадимий анъаналарига эга бўлган аёллар шугулланиб келган санъат тури ҳисобланади. Ўзбек кашталарининг ноёблиги ва гўзаллиги, унинг безак-нақшлари ва техник усуллариининг кўплиги ва қадимлиги ушбу санъатнинг бой анъаналаридан далолат беради (<http://ich.uz>); Халқимизда чевар каштадўзни «қушдан нусха оладиган» деб таърифлашади.; Кашта – безак санъати тури бўлиб, турли ип ва ипақлар воситасида сидирга мато сатҳига аниқ шакллارни ифодалаган ҳолда игна ёки учи илмоқли бигиз воситасида уста чеварлар томонидан зўр маҳорат билан тикилади ([file /kashtachilik_va_badiij_did](file/kashtachilik_va_badiij_did)). **Зардўзликка оид перифразалар:** ...ҳунармандчиликнинг зардўзлик йўналишида тикилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби рамзлари туширилган зар девор устида Покиза саккиз ой ишлади. Ҳунарманд қўли, кўз нури, қалб қўри қўшилган асарни томоша қилар экансиз, зардўз аёлнинг **қўли гул** эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Зеро, у тиккан зардўзи буюмлар **ҳақиқий нафосат намуналаридир** (<https://handicraftman.uz>). **Новвойликка оид перифразалар:** Андижон шаҳридаги марказий корзинка ёнида **покиза иш жойи** (новвойхона)га **тандир устаси** (новвой) ва **хамир устаси**(новвой)ни ишга таклиф этамиз (Интернетдаги эълондан).; Нон – **дастурхонимиз файзи**. Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Марғилон нонларининг таърифи бутун дунёга машҳур. **Қуёш парчаси яратувчилари** ёнган ялтираб турган нонларга қараб бу неъматни яратган, қалб қўри, меҳри билан эл дастурхонига тортиқ этаётган касб эгаларига таҳсин айтасан (<http://uza.uz>).; – Новвойлик анча*

машаққатли, лекин жуда **шарафли касб**, – дейди Каримжон ота. – Эрта саҳарда туриб, **инсон ризқи** бўлган нонни тайёрлаш ва эл дастурхонига тортиқ қилишининг ҳам ўз гаши бор (<http://uza.uz>).; Нон – **тонгни уйғотган неъмат** (Интернет сарлавҳаси). **Турли ҳунарларга оид перифразалар**: Миниатюра санъати бу дунёни кўриш санъати ҳисобланиб, ундаги ўзига хослик, интерерлик ва қуш парвози баландлигидан туриб дунёни кўриш, ҳис қилиш демакдир (Хунарманд Ф.Темиров нутқидан, 6.02.2020).; Одатда, сайёҳлар дам олиш ниятида оралиқдаги йўлларга яъни **сайёҳлар шоҳ бекатига** қўниб тўхтаб, тунаб ўтишган ва бу жойлар улар учун жуда қадрли ва керакли жой ҳисобланган (Хунарманд Ф.Темиров нутқидан, 6.02.2020).; Миниатюра **шоҳлар баёни санъати** бўлиб, энг кичик, майда мўъжаз асар деб номлаймиз, ушбу асарни яратишдан асосий мақсадимиз воқеликни шартли равишда етказиб беришдир (Хунарманд Ф.Темиров нутқидан, 6.02.2020).

Берилган ва таҳлилга тортилган перифрастик бирликлар халқимизнинг ўлмас қадрияти, анъаналари, узоқ йиллик тарихида ўз аксини топиб, сайқаллашиб келганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://uz.wikipedia.org/w/index.php.title=Hunarmandchilik>.
2. www.ziyouz.com kutubxonasi O'zbek tilining izohli lug'ati "H" harfi.

АНЪАНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК МАСАЛАСИ

Гулямова Шахноза Кахрамоновна,
ф.ф.ф.д (PhD) БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада полифункционал сўзларнинг анъанавий тилшуносликда жаҳон ва ўзбек олимлари томонидан ўрганилганлиги батафсил ёритилган. Унинг ёндош ҳодисалар – омонимия ва полисемияга муносабати ифодаланган. Компьютер тилшунослигида полифункционал сўзлар масаласи ўрганилмаганлиги, унинг корпусда берилиш масаласи ҳал қилинмаганлиги таъкидланиб, бу масалани тезкорлик билан ечиш,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

яъни ахборот қидирув тизимида полифункционалликни фарқлашнинг назарий асосларини яратиш лозимлиги кун тартибига кўйилган.

Полифункционалликнинг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши. Полифункционаллик конверсия ҳодисаси билан боғлиқ жараён. О.С.Ахманова “Словарь лингвистических терминов” да “конверсия маълум бир сўзнинг ҳеч қандай аффикс олмаган ҳолда бошқа сўз туркуми вазафасида келиши ҳодисасидир” [1], деб таъриф беради. Тилшунослиқда полифункционаллик тушунчаси ғоят хилма-хилдир. Замонавий рус олимларининг кўплаб асарларида учрайдиган бу ҳодиса баъзан бутунлай бошқа тилларни англатади. Полифункционаллик тил сатҳлари бирликларининг хусусияти сифатида ажралиб туради: тадқиқотчилар морфемалар полифункционаллиги, сўзларнинг (сўз шакллари) полифункционаллиги ҳамда иборалар полифункционаллиги ҳақида гапиришади. Баъзан полифункционаллик торроқ, баъзан жуда кенг тушунилади. Ушбу атамани қуйи даражадаги бирликлардан олий даражадаги бирликларга принципига мувофиқ жойлаштириб, асосийларини танлаймиз.

1) морфеманинг полифункционаллиги бир вақтнинг ўзида аффикс ва ўзак сифатида ҳаракат қилиш қобилиятидир. В.А.Плунгян ёзади: “Полифункционаллик сўз ясовчи морфемалар (яъни, қўшимчалар сифатида ва мустақил отлар ва феълларнинг ўзаги сифатида) эсперан тилида бутунлай мунтазам ҳисобланади...” [Плунгян, 2000].

2) сўзнинг полифункционаллиги унинг полисемиялиги сифатида сўз шаклининг турли синтактик вазиятларда турли семантик маъноларни ифодалаши, бир лексеманинг муайян лексик-семантик вариантини амалга ошириш қобилиятидир [Бризгунова, 1997; Всеволодова, 2000]. М.В.Всеволодованинг дарслигида равишларнинг полифункционаллиги ҳақида гап боради.

3) сўз шаклининг полифункционаллиги унинг синтактик тузилиши, лексик таркиби, интонация ва семантик боғланишларнинг ўзаро муносабати контекст маъносини ўзгартира олишида намоён бўлади [Всеволодова 2000, Вязовик 1981, Лейкина 1979, ва бошқалар].

Англашиладики, полифункционаллик – (юнончадан *polu* кўп ва лат. *functio* ишлаш, амалга ошириш, фаолият) бир оҳангдошлиқда

турли функцияларнинг комбинацияси. Тилшуносликда полифункционаллик тушунчаси ғоят хилма-хилдир. Полифункционаллик турли даражадаги birlikларнинг хусусияти сифатида ажралиб туради. Айрим тадқиқотчилар морфемаларнинг, бошқалари сўзларнинг (сўз шакллари) полифункционаллигини очиб берадилар.

Полифункционалликнинг тил birlikларига хослиги ҳар доим тилшуносларга маълум бўлган. Аммо турли даврларда бу ҳақиқатга муносабат бошқача эди. Хусусан, рус тилшунослигида полисемиянинг тил ҳаракатидаги муҳим ўрни доим анъанавий йўналиш доирасида тан олинган; аксинча, структуралистик тушунчаларда сўзнинг ноаниқлиги асабийлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олинмайди. Шу сабабли, тилда ҳар доим мавжуд бўлган кўп функционаллик тилшунослар орасида ноаниқ фикрларни келтириб чиқаради. Айрим сўзлардан лексик маъно излаш, сўзлар полифункционаллигини полисемия билан адаштириш ва баъзан полисемияни омонимиядан фарқламаслик ҳолларини юзага келтиради. Кўп лингвистик асарларда полифункционаллик омонимия ҳодисаларига нисбатан қаралади [Виноградов 1977; Лурия 1979; Колесников 1984; Малаховский 1990; Лаптева 1999; Стародумова 2002].

Полисемия маълум бир сўзнинг бир неча лексик маънога эга бўлишидир. Сўзлар полифункционаллигининг юзага келиши эса конверсия билан боғлиқ. Конверсия маълум бир сўзнинг ҳеч қандай аффикс олмаган ҳолда бошқа сўз туркуми вазафасида келиши ҳодисасидир. Конверсияга кўра айрим сўз лексик маъноси иккинчи туркум вазифасини ҳам олиб, қайд этилиши ўша сўзнинг полифункционал ҳолда берилиши бўлади. *Яхши нотик, яхши гапиради* гапида ҳам *яхши* сифати ҳам ўз вазифасида қўлланган, ҳам равиш вазифасини олган – адвербиализация содир бўлган, полифункционал сўз юзага келган. Яна шуни айтиш керакки, феълларнинг кўмакчи маъноси ҳам полисемантик сўз таркибини ташкил қилмайди. Аксинча, у грамматик вазифа бажаради. Шунга кўра айтиш мумкинки, у ҳам полифункционаллик учун восита бўлади. Ҳозирги вақтда нутқнинг муҳим қисмларида полифункционаллик масалаларини ўрганиш билан бирга полифункционал хизмат birlikларини тасвирлаш усули ишлаб

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

чиқилмоқда. Лексик birlikларнинг полуфункционалликка бағишланган кўпгина лисоний тадқиқотларда, жумадан, Плеаскина, Леоненко, Стародумова, Заицева, Болотова, Скрипникова, Сергеева, Кравченко, Крилова ишларида сўз тавсифи акс эттирилган ҳар бир сўзнинг тизим муносабатларининг ўзига хослиги ва уларнинг ўхшашлари синфидан бундай birlikни ажратиш зарурати келиб чиқади.

Дискурсив сўзларнинг прагматик полифункционалликка Е.Ю.Викторова томонидан тадқиқ қилинди. Замонавий тилшуносликда тил кўпмаънолилиги муаммоси кенг муҳокама қилинмоқда. Тадқиқотчилар тилнинг кўпмаънолилиги, омонимиянинг нутқий, синтактик, лексик ва лексик-грамматик, мунтазам ва тартибсизлиги, интонацион кўпмаънолилиги, синкретизми, энантиосемия ва диффузиялиги ҳақида кўп гапирадилар.

“Полифункционалликни турли синтактик вазифаларда-ягона семантик инвариантни сақлаган ҳолда, “синтактик деривация” тушунчасига киритишимиз мумкин”, - дейди Е.А.Стародумовада.

Синтактик дериват – бу бошқа синтактик вазифани бажарадиган сўзнинг асл шакли билан бир хил лексик мазмунга эга бўлган шакл. Биз “деривация” атамасини нафақат баъзи сўзларнинг бошқа сўзлардан шаклланиши, балки айти бир хил сўз турли синтактик шаклларда пайдо бўлиши мумкин деган кенг маънода қўлаймиз” (Курилович, 1962). Синтактик деривацияни Е.Курилович муҳим сўзлар билан боғлиқ деб ҳисобласа, Е.А.Стародумовада шунга ўхшаш ҳодиса ёрдамчи сўзлар соҳасида ҳам содир бўлади, деб таъкидлайди.

Ўзгармас сўзларнинг полифункционалликка тўғрисида В.В.Виноградов шундай ёзади: “Равиш, предлог (олд кўшимча), боғловчи ва модал сўзларнинг вазифалари битта сўз таркибида бирлаштирилиши мумкин” (масалан, *напротив* (қарши томонда) (Виноградов, 1940.).

О.С.Ахманова эса тўлиқ маъноли ва тўлиқсиз сўзлар ўртасидаги муносабатни полифункционаллик сифатида тушунтиради, шу жумладан, агар “сўз ўхшашлиги” бузилмаса: *как* (қандай) (равиш ва боғловчи), *когда* (қачон) (равиш ва боғловчи), *ладно* (аҳил, дуруст) (равиш ва юклама) ва ҳоказо (Ахманова, 1957). Бу ҳодиса бошқа

тадқиқотчилар томонидан ҳам шунга ўхшаш тарзда баҳоланади (Леденев, 1969; Кривоносов, 1975).

Полифункционаллик битта грамматик синф ичида бўлиши мумкин. Ёрдамчи сўзлари соҳасида полифункционаллик кенг тарқалган. Айниқса, у боғловчи ва юкламалар учун характерлидир. Бундай сўзларнинг семантик бирлиги М.И.Черемисина томонидан ишончли тарзда исботланган: “Маълум бир ҳолатда боғловчи юклага ва аксинча, муайян позицияларда юклага боғловчи вазифасини олади” (Черемисина, 1976).

Полифункционаллик ҳодисаси бошқача грамматик омонимия деб аталади, бу атамалар бутунлай синонимга эга. В.В.Виноградов омонимияни грамматик омонимия (полифункционаллик) ва лексик омонимия (омонимия) ларга ажратади. А.Т.Кривоносов шундай ёзади: “агар биз анъанага риоя қилсак, синфдан синфга ўтишда семантик инвариантни сақлаб қоладиган лексемаларни полифункционал лексемалар, синфдан синфга ўтишда семантик инвариантни сақлаб қолмайдиган лексемаларни омонимик лексемалар, деб ҳисоблашимиз мумкин” (Кривоносов, 1975).

Ҳозирги замон инглиз тилида полифункционаллик хусусиятига эга бўлган сўз туркумлари мавжуд. Инглиз тилида полифункционаллик муаммоси сўзларнинг лексик ва грамматик категорияларга бўлиниши билан боғлиқ. Морфологик оппозициялар тизими етишмайдиган, лекин ривожланган ва синтактик алоқаларнинг турлари ҳар доим ҳам аниқ белгиланмаган инглиз тилида, сўзнинг у ёки бу нутқ қисмлари назарияда ҳам, амалиётда ҳам қийинчилик туғдириши мумкин.

Полифункционалликнинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи. М.Миртожиев “Ўзбек тили семасиологияси” китобида полисемия ва унга ёндош ҳодисалар ҳақида фикр юритганда полифункционаллик масаласига тўхталиб ўтади. Полисемия маълум бир сўзнинг бир неча лексик маънога эга бўлиши деб қаралса, сўзлар полифункционаллигининг юзага келиши эса конверсия билан боғлиқ. Тилшунос А.Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” да конверсияга қуйидагича таъриф беради: “Конверсия (*лот. сопугею* — айланиш, ўзгариш). Сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши. Конверсияга кўра

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

айрим сўз лексик маъноси иккинчи туркум вазифасини ҳам олиб, қайд этилиши ўша сўзнинг полифункционал ҳолда берилиши бўлади. Олим шу ўринда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги *баркаш* сўзи изоҳига тўхталади:

1. Жез ёки мисдан тайёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган, доира ёки тўрт бурчак шаклидаги рўзгор буюми. *Мастурахон оппоқ сочиқ тўшалган баркашда қаҳва кўтариб кирди* (А.Аъзамов).

2. Кўчма. Тўгарак, гардиш, юмалок, доирасимон. *Қип-қизил баркаш қуёш қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаёттир* (М.Махмудов). Олим 2-тартиб рақамида кўчма (ҳосила) маъно берилган эмаслигини, у 1-тартиб рақамида берилган лексик маънонинг адъективацияси эканлигини, бу ўринда лексик маъно референти ўз белгиси билан воқеланганлигини, шунинг учун *баркаш* сўзи полисемантик деб эмас, полифункционал деб каралиши кераклигини ўринли таъкидлайди. Шунга ўхшаш яна *чўлоқ* сўзи сифат булгани ҳолда “оқсайдиган” лексик маъносига эга. Шу сўз билан шундай айбга эга шахс аталадиган бўлса, сифат субстантивацияга учраган, яъни белгиси номи билан нарса аталган булади – полифункционал сўз қайд этилади. *Яхши нотик, яхши гапиради* гапида ҳам *яхши* сифати ҳам ўз вазифасида қўлланган, ҳам равиш вазифасини олган – адвербиализация содир бўлган, полифункционал сўз юзага келган. Яна шунини айтиш керакки, феълларнинг кўмакчи маъноси ҳам полисемантик сўз таркибини ташкил қилмайди. Аксинча, у грамматик вазифа бажаради. Шунга қўра айтиш мумкинки, у ҳам полифункционаллик учун восита бўлади.

Ж.Д.Элтазаровнинг “Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш” монографияси ўзбек тили сўз туркумлари назарияси, сўз туркумлари алоқа ҳамда кўчиш масалаларини ёритиб беришга бағишланган. Ишда ўзбек тилининг грамматик табиатига мос келувчи сўз туркумлари таснифи келтирилган, сўз туркумлари парадигмасидаги тарихий-генеологик, иерархик ва тафаккурий алоқалар, парадигма аъзолари ўртасида юз берувчи кўчиш ҳоллари тадқиқ этилган. Олим сўз туркумларида полифункционаллик ҳар доим ҳам кўчиш тарзида намоён бўлавермаслигига урғу беради. Жумладан, олмош бошқа сўз туркумларига кўчмайди, балки у бир қанча СТнинг ўринбосари вазифасини бажаради. Ёрдамчи сўз

туркумлари ўртасидаги полуфункционалликни ҳам, тугал кўчиш деб бўлмайди. Отнинг нутқдаги полифункционаллиги унинг айни семантик жиҳатдан кенг ва мавҳум субстантивлик тушунчаси билан боғлиқлиги, жумла ичида эса ўша кенг категориал маъно имкон берадиган даражада ноанъанавий позицияда қўлланиши билан боғлиқлигини изоҳлайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам кўшимчаларнинг, синтактик конструкцияларнинг ва терминларнинг полисемантиклиги ўрганилган [2]. Терминлар полисемантик, полифункционал ва омонимлик характерга эга бўлади. Полифункционал терминлар полисемантиклик хусусияти сусайган, бироқ омонимлик даражасига етмаган кўп маъноли терминлар, алоҳида маънолари билан турли соҳаларда қўлланади. Масалан: морфология 1 (биол.), морфология 2 (тилш.) кабилар[3].

М.Эрназарова кўплик сон кўрсаткичи [-лар] шакл ва маънонинг яхлитлигидан иборат система эканлигини, бу системанинг нутқий воқеланиши, яъни нутқий системадан унсур сифатида ўрин олиши ва ўзи ҳам бу динамик системанинг таркибида микросистема сифатида мавжуд бўлиши синергетик қонуниятлар асосида юз беришини таъкидлайди. Бу кўрсаткичда полифункционаллик ҳодисаси юз беришини кўрсатади, яъни унинг умумий грамматик маъноси нутққа чиқиш жараёнида парчаланади – дастлаб оралиқ грамматик маъноларга, оралиқ грамматик маънолар эса, ўз навбатида, хусусий грамматик маъноларга ажралади.

Хулоса шуки, кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил полифункционал хусусиятга эгадир. Ҳақиқатан ҳам у фақат коммуникатив вазифа бажармай, тил эгаларининг объектив олам ҳақидаги билимларини ўзида сақлаб, келажак авлодга етказувчи, тингловчига таъсир ўтказувчи ҳамда маълум ахборот объектига баҳо бериши билан характерланади. Тўғри таъкидланганидек, “халқаро сунъий тил ўз системасининг баъзи афзалликларига қарамай, кишиликнинг полифункционал тили вазифасини бажара олмайди. У табиий миллий тилларга нисбатан иккиламчи, ёрдамчидир. Кўринадики, ижтимоий ҳодиса сифатида тилнинг ўзи полифункционал табиатга эга. Шундай экан, унинг ички тузилиш бирликлари ҳам полифункционал хусусият касб этиши табиий ҳолдир.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Компьютер тилшунослигида полифункционаллик ҳодисаси. Компьютер лингвистикасида омоним ва кўп маъноли сўзарни теглаш ва матнни автоматик ўқиш жараёнида омонимлик ҳамда полисемантикликни бартараф этиш масаласига оид қатор тадқиқотлар вужудга келган. Биз изланиш давомида полифункционалликни компьютер тилшунослигида ўрганилиши, сўз маъноларини фарқлашнинг автоматик амалга оширилиши борасида бирон тадқиқот амалга оширилганлигини кузатмадик. Бу, бизнингча, ҳодиса борасида яқдил илмий хулосанинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. И.М.Кобозеванинг “Полисемия дискурсивных слов и возможности ее разрешения в контексте предложения (на примере слова вот)” мақоласида *вот* сўзи ҳам юклама, ҳам олмош вазифасида полифункционал сўз бўлиб келиши ва унинг рус миллий корпусида ифодаланиши хусусида айрим мулоҳазалар келтирилган. Ўзбек тилшунослигининг анъанавий йўналишида полифункционаллик бўйича амалга оширилган тадқиқотларга асосланиб, биз келажакда полифункционал сўзларни семантик филтрлашда коллакациянинг аҳамияти хусусида, матнда полифункционал сўзларни семантик филтрлашда лексик-морфологик ва синтактик омиллар масалаларини ёритиб, полифункционал сўзларни корпусда бериш масаласини ечишга ҳаракат қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966.– С. 197.
- 2.Бердиалиев А. Синтактик конструкцияларда полифункционаллик (Эргаш гапли қўшма гаплар мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти. -1981.-№2.-Б.27.
3. Валиев Т. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини. Фил.фан.бўйича фал.д-ри (PhD) дисс...автор-и. – Самарқанд, 2018. – Б.52.

O‘ZBEK TILIDA O‘SIMLIK NOMLARI ASOSIDA SHAKLLANGAN KO‘CHMA MA‘NOLI SO‘ZLARNING IZOHI

Karimova Gulshod Shavkatovna

Buxoro viloyat maktabgacha ta’lim

boshqarmasi boshlig‘i o‘rinbosari

Muqimova Gulnora Rashidovna

BuxDU o‘zbek tilshunosligi

kafedrası mustaqil izlanuvchisi

ANNOTATSIYA. Mazkur maqolada o‘zbek tilining leksik sathi va leksikologiya, so‘zning metoforik xususiyatlari shuningdek, ko‘chma ma‘noli fitomorflarning izohi haqida ma‘lumot berilgan. O‘zbek leksikografiyasi tajriba va erishgan natijalari, ko‘chma so‘zlar bo‘yicha amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar hamda nashr etilgan tegishli lug‘atlar haqida ham aytib o‘tilgan. O‘zbek tilida o‘simlik nomlari asosida shakllangan ko‘chma ma‘noli so‘zlar–fitomorf metaforalar alohida tizim sifatida voqelanganligi misollar bilan dalillangan. Ular ma‘noviy-tasviriy ifodasi tahlil etilgan hamda tasniflangan

Kirish. Fitonimlar tilning uzoq tarixga ega bo‘lgan qismidir. Ularda xalq hayoti, madaniyati, tarixi, ijtimoiy-siyosiy qarashlaridan tashqari, ularni ijod qilgan xalqning tili va tiliga xos bo‘lgan qadimgi an‘analar saqlanib qoladi. Fitonim termini ostida (yunoncha phyton – o‘simlik + onim – nom) o‘simliklarning nomlari tushuniladi. Fitonimlar ham o‘zbek tili leksikasida o‘ziga xos semantik maydonni hosil qiladi. Bu maydonga —fitonim|| arxisemali birliklar - otlar kiradi. O‘simliklar va daraxtlar bilan bog‘liq leksemalar o‘zbek tili leksikasidagi eng katta semantik maydonlardan birini tashkil qiladi.

Shifobaxsh o‘simliklar bilan nafaqat biolog va zoologlar, tabobat ilmi sohiblari, balki tilshunos olimlar ham qiziqib, turli risola-yu darsliklar yozishgan, lug‘atlar tuzishgan. Jumladan, D.Yormatovanning “O‘simlikshunoslik”, H.Yo‘ldoshevning “O‘simlik kasalliklari”, N.O‘ljaboyevaning “Xalq tabobati xazinasidan javohirlar”, S.Muhamadjonov, F.Jonguzarovlarning “O‘simlikshunoslikka oid ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘at”, S.Sahobiddinovning “Qisqacha ruscha-o‘zbekcha

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

botanika terminlari lug‘ati”ni misol keltirish mumkin. Mazkur maqolada ayrim fitomorflarning izohini berishga harakat qildik.

Metodlar. O‘zbek tilidagi fitonim metaforalarni ma‘noviy-tasviriy ifodasiga ko‘ra tahlil etish hamda tasniflash mumkin

Tahlil va yechimlar: Fitonimlarning motivologik tahlil qilish jarayonida xalqning diniy qahramonlari, kundalik turmush artefaktlari, keng tarqalgan ismlari va hayvonot olami bilan assotsiatsiya asosida shakllangan fitonimlarning ma‘lum miqdorini o‘zida jamlagan o‘ziga xos etnomarkerlangan leksik - semantik maydonlar (keyingi o‘rinda – LSM) aniqlangan. «Diniy-afsonaviy kelib chiqish» LSM ga oid fitonimlar biri *abu jahl tarvuzi* – rivoyatlarga ko‘ra, Abu Jahil payg‘ambar Muxammadning ashaddiy dushmanlaridan biri bo‘lgan. Shafqatsizligi va murosasizligi uchun musulmonlar tomonidan Abu Jahil («johillik otasi») deb atalgan. Eronda shifobaxsh o‘simlik – kolotsint (oddiy kolotsint yoki achchiq tarvuz) taxir mazasi uchun «Abu Jahil tarvuzi» deb nomlangan.

ALAF [a. — o‘t, xashak] Umuman, o‘t, ko‘kat. *Sassiq alaf* 1) burgan, supurgi o‘t. *Ayvon oldida sassiq alafdan qilingan uzun sopli supurgi yotardi.* S. Zunnunova, Ko‘k chiroqlar; 2) *ko‘chma* umuman, yoqimsiz, yaramas shaxs yoki narsaga nisbatan aytiladi. *Sassiq alaf bilan to‘lgan miyangni tozalab qo‘yish kerak. “Mushtum”. Zolimni yuz karra o‘ldirar edim. U sassiq alafni hayot bog‘idan yulib tashlar edim, so‘ldirar edim.* Uyg‘un. Insonlarga nisbatan salbiy ma‘noda ishlatilgan bu o‘simlik nomi nutqimizda tez –tez uchrab turadi.

Bo‘tako‘z fitonimi ham umumturkiy so‘z bo‘lib, asl lug‘aviy ma‘nosi murakkab gullilar oilasiga mansub, binafsha yoki havorang gulli bir yillik begona o‘t [O‘TIL,I,45-b.], u chiroyli ko‘z, shahlo ko‘z va shunday ko‘zli kishiga nisbatan ko‘chma ma‘noda qo‘llaniladi: O‘lan aytib o‘tirgan bo‘tako‘zim, Bari qizdan yaxshisan yolg‘iz o‘zing. (“Oq olma, qizil olma”); YAxshi ekan sizning olgan qizingiz, Qutli bo‘lcin, jezna, bo‘ta ko‘zingiz! (“Gulnorpari”). E‘tibor berilsa, mazkur so‘z ma‘shuqa, farzand va sevimli kishiga nisbatan majoziy ma‘noda qo‘llaniladi. Ushbularning ko‘zi tuya bolasining chiroyli va yoqimli ko‘ziga o‘xshatilgan. Ayrim kishilar qiz farzandlarining ko‘zlari shahlo bo‘lishini niyat qilib, unga Bo‘tako‘z degan ism ham qo‘yishgan. Bunday nom berishlar aksariyat o‘rinlarda hayot tarzi tuya bilan bog‘liq aholida ko‘proq uchraydi.

O‘zbek tilida o‘simliklarni nomlash jarayonida asosan chorvachilik bilan shug‘ullanuvchi ko‘chmanchi qabilalar hayotiy faoliyatiga tegishli maishiy artefaktlar nomidan foydalaniladi. Bu artefaktlar o‘zbek etnomadaniyatining ajralmas qismi hisoblanadi. Masalan: cho‘pontelpak –

o'simlik guli sharsimon qavariq shaklga egaligi telpakka o'xshatilsa, cho'pon so'zi bu o'simlik qo'zilarning sevimli oziqasi bo'lganligi sababli cho'ponlar podasini doim shu o'simlik o'sadigan yerlarga haydab borishlari bilan bog'liq bo'lishi mumkin (o'simlikning ikkinchi nomi – qo'zigul bu fikrni tasdiqlaydi).

O'zbek an'analarida chinor daraxti kuch, sabr va donishmandlik timsoli sifatida ulug'lanadi, bu daraxt o'zbek an'analarida uzoq umr ko'rish, donishmandlik va dovyuraklik timsoli hisoblanadi: bo'ylari chinor – uzun bo'yli kishi haqida; chinordek ulug' – keksa yoshdagi kishilar haqida.

Gul fitonimi insonlarga nisbatan ijobiy semani tashkil etgan eng faol leksema hisoblanadi. Shoir va yozuvchilar ijodidagi nazar tashlaydigan bo'lsak, o'zbek xalq og'zaki ijodi va badiiy adabiyotida gul fitonimining ma'shuqa timsolida kelishi ko'p kuzatiladi. Biroq ayrim hollarda uning yigit, yigitning eng yaxshisi, eng sarasi ko'chma ma'noda qo'llanilishi oz bo'lsa ham uchraydi.

Masalan, yigitning guli, ziyolilarning guli kabi. Yigitning guli birikmasida guli fitonimi yigitlar orasida eng chiroyli, baquvvat, kelishgan yigit, ziyolilarning guli birikmasida esa u ziyolilar orasida bilimi o'tkir, hammadan ajralib turuvchi kishi majoziy ma'noni ifodalagan. Mazkur metaforaning eng yaxshisi, sarasi; fayz kirituvchisi, qizituvchisi ko'chma ma'nolarda kelishiga ayrim misollarni quyida keltirib o'tamiz: - *Shoh qiz, shakar qiz, qizlarning guli, Qoshlaringni ko'rsatgil, men uning quli*. S. Ayniy, Doxunda. *Yigitali kelin-kuyovning maqsadi, borar manzilini bilsa ham, ularning salomlariga alik olgach, ko'ngil uchun so'radi: -Ha, yigitning guli, yo'lingiz bo'lsin?* T. Malik, *Ajab dunyo. Fasli bahor. Qo'shnim G'afur G'ulomning ellik yilligi. O'shanda Bulbul Mamedov to'yxonaning guli bo'lgan edi*. H. Nazir, Maftuningman, Ozarbayjon.

Gul leksemasi ko'pincha birinchi shaxs egalik qo'shimchasi bilan ifodalanib, ma'shuqaga murojaat, sevikli ayol ma'nosida qo'llaniladi. Misol: *Gulim, senga aytar so'zim bor.- Maktubimga javob yozmading, dildori gulim ham bahorim sensan, Gulbahor*. M. Alaviya.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, xalqimiz tafakkurining muhim qismi – metaforalarni madaniyatimiz taraqqiyoti bilan bevosita bog'liq hodisa sifatida o'rganish muhim ahamiyatga ega. Qadim tarixiga ega bo'lgan, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy jihatdan taraqqiy etgan har bir xalqning tilida metaforalar tizimi o'ziga xos tarzda shakllanadi. Ularning katta bir qismi *miflarga, animizmga* borib taqaladi. Metaforalar

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tizimi avlodlardan avlodga o'tib, tarkibi va mazmuni boyib boradi. Metaforalar xalqning o'ziga xos an'analari, rasm-rusmlari, urf-odatlarini, diniy e'tiqodi va madaniyati bilan bevosita bog'liq tarzda paydo bo'ladi. Kishilarning kundalik hayotida ko'p aloqador bo'lgan, ular tomonidan tez-tez murojaat etiladigan aniq narsa, o'simlik va hayvonlar nomi metaforalashtiriladi. Tilda metaforalar tizimi xalqning dunyoqarashi, madaniyati, ruhiyati bilan uzviy holda shakllanadi.

O'zbek xalqining lug'at boyligida o'simliklarga xos bo'lgan ko'pgina xususiyatlar metafora yo'li bilan insonlar xarakteriga ko'chib, yangicha obraz, mazmun ifodalashga xizmat qilgan. Fitomorf metaforalarning mohiyat-mazmunini har tomonlama lingvokulturologik aspektda o'rganish va badiiy adabiyotimizdagi lingvopoetik xususiyatlarini tahlil etish tilshunoslik uchun hamisha dolzarb va ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov X., Mahmudov N. So'z estetikasi. - Toshkent: Fan, 1981. -59 b.
2. Lapasov J. Badiiy matn va lisoniy tahlil. –T.: O'qituvchi, 1995.-88 b.
3. Mirtojiyev M. O'zbek tilida polisemiya. – T.: Fan.,-1975. -140 b.
4. Mirtojiyev M. O'zbek tilida semasalogiyasi. – T.: Mumtoz so'z, 2010.-288 b.
5. Mahmudov N., Xudoyberganova D. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. –Toshkent: Ma'naviyat, 2013. -320 b.
6. Navoiy asarlari lug'ati. –T.: Adabiyot va san'at, 1972. -791 b.

ЛИСОНИЙ РЕЛИКТ – ТАРИХИЙ ҚОЛДИҚ СИФАТИДА

Турсунали ЖУМАЕВ,
филология фанлари номзоди, ҚарДУ доценти

АННОТАЦИЯ. Мақолада жаҳон илмий фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланмиш реликтология ҳамда унинг таркибий қисми ва ўзбек тилшунослиги соҳасида ҳали ўрганилмаган – татбиқ этилмаган, аммо унинг муҳим узви бўлиши мумкин бўлган реликтолингвистика ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Кириш. Ўзбек тили тарихан бошқа туркий тиллар қатори қадимги тиллардан ҳисобланади. У шу кунга қадар жонли тил сифатида мунтазам равишда бир қанча тараққиёт босқичларидан ўтиб келди. Тил қанчалик ривожланмасин, ўз ибтидосидан қанчалик узоқлашмасин энг қадимги белгиларини у ёки бу қадар сақлаб қолаверади, бу белгилар эса ўз кўринишини қисман ёки бутунлай ўзгартирган бўлиши мумкин, аммо шунда ҳам тарихий-ибтидоий – реликацион қолдиқлар сақланиб қолаверади.

Асосий қисм. Реликтология ҳақидаги дастлабки маълумотлар тувалик шарқшунос, буддолог, хитойшунос олим Николай Вячеславович Абаевнинг “Тилшунослик назариясининг асослари – реликтология” мақоласида келтирилади [1].

Реликт – м. реликт (қадимги даврлар қолдиғи сифатида сақланиб қолган нарса, ҳодиса ёки организм) [2]. Реликт атамаси немис географи ва антропологи Оскар Песчел томонидан 1875 йилда фанга киритилган. Аммо бу атама деярли барча фанлар учун умумий бўлиб, унинг семалари ҳар бир соҳа учун бир қадар интеграл ва дифференциал белгилар билан истифода этилади. Масалан:

Биологияда: “Реликт (лотинча *relictum* «қолдиқ») – бу ўтмишдаги геологик даврлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қолдиғи сифатида маълум минтақанинг флора ва фаунасининг бир қисми бўлган тирик организм ва ҳозирги мавжуд шароит билан бир хил номуносивлик. Нисбий нарсалар – бизнинг замонамиздаги ўтмишнинг намоёнидир. Реликт одатда палеоэндемикдир.”

Физикада: Нисбий нурланиш (лотинча *relictum* – қолдиқ),

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

космик микротўлқинли фон нурланиши – оламни водороднинг бирламчи рекомбинацияси даврида пайдо бўлган иссиқлик радиацияси билан бир текисда тўлдиради. $2,72548 \pm 0.00057$ К ҳароратга эга бўлган мутлақо қора танага хос бўлган юқори даражадаги изотропия ва спектр хусусиятларига эга.

Кимёда: Қуёшдан олдинги доналар, шунингдек юлдузлараро доналар ёки қуёшдан олдинги реликтлар деб номланадилар, улар қуёш пайдо бўлишидан олдин ўлаётган юлдузлар атрофида конденсацияланадиган ва Қуёш тизими шаклланишидан кейин ўзгаришсиз қолган минерал зарралардир; асосий («ибтидоий») метеоритларнинг таркибига киритилган.

Тарихда: Реликция (лотин. *relinquere* – «қолмоқ» феълидан) бу ўтмишдаги тарихий ёки диний воқеалар билан боғлиқ бўлган муқаддас сақланиб қолган ва қадрланадиган нарса.

Реликтлар тарихий ёки диний шаклда бўлади. Тарихий реликтлар – бу ўзига хос ҳужжатлар, ўтмиш воқеаларининг гувоҳидир. Жанговар баннерлар, қўлёзмалар ва қадимий қўлёзмалар, ҳокимият регали, давлат муҳрлари ёрқин тарихий ёдгорликлар. Энг машҳурлари орасида: Мономахнинг шапкаси, Петернинг қайиғи ва бошқалар.

Тилшуносликда: Готик лингвистик реликтлари апельсин лексемалари ва готик матнларнинг асосий танасидан ташқарида сақланиб қолган номлардир. Готик апеллатив луғатига оид изланишларни ўрганиш маълумотлар доирасини кенгайтириш ва лотин манбаларида қадимий герман тилидаги сўзларни ёзма равишда тасдиқлаш учун муҳим асосларни тушуниш имконини беради. Мақолада Остроготик ва Витсготик апеллативе луғатларининг қолдиқларини умумлаштириш ва этимологик таҳлил қилиш тақлиф этилади.

Д. Н. Ушаков раҳбарлигида нашр этилган «Толковый словарь русского языка»да унга қуйидагича тавсиф берилган: РЕЛИКТ, а, м. [лотин. *relictus* – ташландиқ] (илмий). Қадимги даврлардан бери ёдгорлик сифатида сақланадиган нарса, ҳодиса ёки организм. Реликт ўсимликлар.

А. П. Евгеньева бошчилигида тузилган “Словарь русского языка”да Реликт. 1. китоб. қадимги тарихий ёдгорлик сифатида

сақланиб қолган организм, объект ёки ҳодиса. Бу палеоботаника фанига кўра, эволюцияни четлаб ўтган ва Перм давридан ҳозирги кунгача сақланиб қолган кам сонли турлардан биридир. Ва бу, тасаввур қилинг, тахминан 215-280 миллион йил олдин Гинкго билоба (*Ginkgo biloba*), игнабаргли дарахтлар каби, гимноспермларга (*Gymnospermae*) тегишли. Ушбу тирик қолдиқ табиатда фақат шарқий Хитойда, асосан Тсхей-Янг провинциясининг тоғларида учрайди” тарзида шарҳланган.


“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да реликт атамасига ўрин берилмаган, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да эса унинг қисқача изоҳи биологик-архиологик аспектда келтирилган: “Реликтлар (лот. *relictum* – қолдиқ) – қадимда кенг тарқалиб, кейинчалик қирилиб битган флора ва фаунадан сақланиб қолган ўсимлик ва ҳайвонлар турлари ва б. таксонлари. Ҳамма палеоэндемиклар (қ. Эндемиклар) Р. ҳисобланади... ва б. [3].

Демак, реликт, реликтология, лингвореликтология атамаларининг илмий тадқиқи ўзбек тилшунослигида ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири эканлиги шубҳасиз. Шу асосда тилшуносликнинг янги бўлими лингвистик реликтология (ёки реликтолингвистика, ретролингвистика)ни очиш мумкин, унинг вазифаси нафақат йўқ бўлиб кетган тиллар тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни йиғиш, балки ҳозир истеъмолда бўлган тиллар замирида унинг ўтмишидан сақланиб қолган унсурларни топиш ва улар орқали бугунги тилларда мавжуд бўлган айрим муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишдан иборат бўлиши мумкин.

Маълумки, тил жуда серқирра, кўп аспекти ижтимоий-руҳий-физиологик ҳодиса, жараён ҳисобланади. Бу қирраларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқ предмети даражасида бўла олади. Шунинг учун тилшуносликнинг бутун тарихи мобайнида тилнинг алоҳида-алоҳида қирраларини ўрганувчи тилшуносликнинг бир қанча бўлимлари ёнма-ён яшаб келмоқда. Шунинг учун лингвистик илмий тадқиқотларда тадқиқ манбаи ва тадқиқ предмети тушунчалари фарқланади. [3] Бундай ҳолатни ўзбек тилшунослигида янги тадқиқот манбаи бўлган реликтология – реликтолингвистика мисолида қуйидагича акс эттириш мумкин: (1-чизма)

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

1-чизма



Чизмадан маълум бўладики, тадқиқ предмети сифатида қаралаётган бирлик турли томондан тасниф манбаи бўла олади, демак, унга кўп қиррали система сифатида ёндашиш лозим.

Тарихий тараққиёт ёки ижтимоий ўзгаришлар ва форматик инқилоблар натижасида халқларнинг идеологик мафкураси билан биргаликда улар азалдан, ўз тилларининг фонетик жиҳатларига анча мос бўлган алифбо ҳам ўзгариши мумкин. Бундай ҳолат тобелантирилган халқлар тилининг фонетик тизимига катта ва, энг ачинарлиси, салбий таъсир этиши табиий. “Хусусан, туркий халқлар IX асрдан бошлаб фойдаланиб келинган араб ёзуви ҳам том маънода Н.М.Дмитриев ва Н.П.Мелиоранскийлар таъкидлаб ўтганидек, “туркий тиллар тарихий фонетикасининг гўркови” бўлди. Чунки араб алифбоси атиги 3 унли фонемали (у, а, и) сомиий тилларнинг фонетик хусусиятларига мослаштирилган ва 11–12 унлили туркий тиллар фонетик тизимига умуман тўғри келмайди.

Реликтология туфайли бундай ишларни қатъий фанлар асосида олиб бориш мумкин. Ҳозирги расмийлаштирилган грамматикаларга реликтологик жиҳатдан ёндашилганда бундай вазифалар назардан четда қолганлигини сезиш қийин эмас.

Реликтология топонимларнинг – оронимларнинг этимологик талқинини юзага келтириш омилларини ҳам ўз ичига олади. Этимология муайян лисоний бирликнинг шаклланиш асосларини бир қанча объектив ва субъектив далилларга асосан (қиёсан) таҳлил этади ва ягона хулосага келади; бу ҳар доим шубҳали ва эътирозли бўлади. Шу боис бу жиҳатга реликцион позицияда туриб ёндашиш моҳиятга бир қадар яқин бориш, унинг юзага келиш омилларини қатъийроқ амалга ошириш имконини беради.

Реликтолингвистиканинг вазифаси нафақат йўқ бўлиб кетган

тиллер тўғрисида сақланиб қолган маълумотларни тўплаш, балки ноёб ва унутилиш хавфи остида бўлган тилларни сақлаб қолиш бўйича тадбирлар, шунингдек, бундай тилларни қайта тиклаш бўйича ташаббусларни ҳам қамраб олади. Аини ҳолда, «реликтолингвистлар» бошқа «тилшунос муҳандислар» билан биргаликда ҳаракат қилишади: интерлингвистлар (сунъий алоқа тилларини ўрганувчилар ва ишлаб чиқувчилар), қиёсий ўрганувчилар (боботилларни қайта тиклаш бўйича мутахассислар), археолингвистлар (қадимги тилларни ўрганувчи филологлар) бир мақсад сари – тиллардаги реликтив ҳолатлар орқали ҳозирги тилларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топишлари, уларнинг бардавомлигини таъминлаш учун биргаликда фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Чунки “Бу дунёда хотира тирик экан, инсон ҳали ўлмайди” (Йўқ бўлиб кетган Прусс тили ҳақидаги Миккелс Клуссис ибораси).

Масалан, ўзбек тилида формал жиҳатидан бир хил бўлган “тилак” ва “юрак” сўзларини олиб кўрайлик. Бугунги тилшунослик нуқтаи назаридан “тилак” – ясама, “юрак” эса туб сўз ҳисобланади. Чунки уларнинг биринчиси *тила* асоси ва *-к* от ясовчи қўшимчаларга ажралади, иккинчи сўзни эса асос асовчи морфемаларга ажратиб бўлмайди. Аммо тарихий нуқтаи назардан ёндашилса, “юрак” ҳам ясамалик хусусиятини намоён этади. Яъни ҳозирги ўзбек тилида *йур*-асосли феъл фаол қўлланади, *-ак* эса қадимги туркий тилдаги *-ги/-гү*, *-ки/-кү*, *-ги/-гү*, *қы/-қу* от ясовчи қўшимчасининг ўзгарган – қисқарган кўриниши ҳисобланади. Бу ясовчи қўшимча ҳозирги *кулги*, *узанги*, *эчки*, *эски* ва бошқа қатор сўзлар таркибида сақланиб қолга. Уларнинг моҳиятини реликтологик таҳлил натижасида аниқлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абаев Н.Б. Основа лингвистической теории – реликтология. – Казан, 2006. –Б.
2. Русч-ўзбекча луғат. М.К. Қўшжонов раислигидаги муаллифлар жамоаси. 2 томли. II том. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. – Б. 352.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 7-том.-Б.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**NUTQNING TA’SIRCHANLIGI – MURABBIY
YUTUG’I**

Dilafro’z Jo’rayeva,

Buxoro shahar 35-umumiy o’rta ta’lim maktabi o’qituvchisi.

ANNOTATSIYA. Nutq ta’sirchanligini ta’minlashda so’zlovchi oldida o’ziga xos mas’uliyat hamda muayyan talablar qo’yiladi. Avvalo, nutq mantiqan to’g’ri, fikran aniq, shaklan sodda, yo’nalishiga ko’ra maqsadli, qolaversa, jo’yali bo’lishi lozim.

Professional bilimga ega bo’lgan kishilar oldida jo’n, sodda tilda so’zlash maqsadga muvofiq bo’lmagani kabi oddiy, yetarli darajada ma’lumotga ega bo’lmagan tinglovchilar oldida ham ilmiy va rasmiy tilda gapirishga harakat qilish maqsadga muvofiq emas[2, 16]. Ta’sirchan nutq sohibi bo’lish har kimga ham nasib etavermaydi. Buning uchun tinimsiz mehnat talab etiladi. Bunda, avvalo, nutqning to’g’riligi va aniqligini ta’minlash lozim bo’ladi. Nutq grammatik jihatdan to’g’ri shakllangan bo’lishi, orfoepik talablar darajasida talaffuz etilishi, gap qurilishida izchillik bo’lishi lozim. Shundagina tinglovchi e’tibori so’zlovchida bo’ladi.

Nutqning ta’sirchanligiga erishishda izchilikka rioya etish o’ta shart. Notiq nutq so’zlash jarayonida so’z borayotgan narsa-hodisa haqida to’liq ma’lumotga ega bo’lishi nutq izchilligini ta’minlovchi birinchi mezondir. Shuningdek, doimo bir xil ohangda, bir xil tempda va ovoz balandligida nutq so’zlar ekan, mazkur nutqning ahamiyatlilik darajasi yuqori bo’lishidan qat’i nazar tinglovchi-o’quvchi zerikishi mumkin. Ta’sirli nutqda ohang ham muhim.

Joiz bo’lsa, aytish mumkinki, ta’sirli nutq teran fikr mahsuli sanaladi. Fikri o’tkir, keng qamrovli, mushohadali insonning nutqi ham shunga loyiq bo’ladi. Chunki o’ylab, fikrlab, aql tarosiga tortilib, so’ng bayon etilgan nutq tinglovchini e’tiborsiz qoldirmaydi, albatta.

So’zlovchining o’z nutqiga munosabati ham muhim. Shunday bo’lgandagina quruq rasmiyatchilikdan qochish mumkin bo’ladi. So’zlovchi va tinglovchi o’rtasida samimiyat paydo bo’ladi. Notiq fikrlarini o’zi yoki auditoriyadagi kishilar hayotidan olingan misollar asosida isbotlashga harakat qilsa, mavzuga doir subyektiv mulohazalarini bildirsa, nutq yana ham ishonarli va ta’sirli chiqadi.

Nutqda fikrni rivojlantira borib, dastlab uning sxemasini tinglovchining aqliga yetkazish, keyin uning tasavvuriga yaqqol

taqqoslarni taqdim etish kerak, nihoyat chiroyli lirik tasvirlar bilan ehtiyotkorona uni tinglovchining yuragiga jo qiling, o`shanda tinglovchi – asiringiz qochib ketmaydi, hatto siz uni erkin qo`yib yuborsangiz ham sizning abadiy itoatgo`y mijozingiz bo`lib qoladi»[3, 21]

Nutq jozibasi-yu ta`sirchanligi ayniqsa, o`qituvchilar uchun zarur bo`lgan shartlardan biridir. Chunki o`qituvchining nutqi o`tmas, nochor bo`lsa, uning bilimi qanchalik chuqur va tugal bo`lmasin, o`ziga ham azob, o`quvchi sho`rlikka ham azob. Ona tilida puxta, lo`nda va shirador nutq tuza olish malakasi va mahorati matematika o`qituvchisi uchun ham, ona tili o`qituvchisi uchun ham birday zaruriy fazilatdir. O`qituvchi go`zal, o`zni ham, so`zni ham qiynamaydigan ravon va ifodalarga boy nutqi bilan o`quvchini mahliyo etib, bermoqchi bo`lgan bilimni yosh inson shuuriga osonlik bilan olib kiradi"[1, 28].

Ko`rinadiki, ta`lim-tarbiya targ`ibotchilari nutqiga qo`yiladigan talab katta. Chunki ularning quroli so`z. So`zdan unumli, o`rinli foydalanish ularning og`irini yengil qilishda asqatadi.

Nutqning ta`sirli, jozibali bo`lishini ta`minlovchi yana quyidagi hodisalarga e`tibor qaratish foydadan xoli bo`lmaydi.

Nutqimizda maqol, matal, ibora (ayniqsa, frazeologik iboralar), hikmatli so`z(aforizm)lardan unumli foydalanish lozim. Masalan:

1. Mirzakarimboy *ilonning yog`ini yalagan* odam edi, mug`ambir, puxta-pishiq, har ishda ehtiyotkorlikni ma`qul ko`rar edi. (Oybek)

2. Dadam bu ishni qilishdan zarracha *tap tortmagan* bo`lsa ham, so`fining somsa yeganini eshitib rangi o`chdi, peshingacha *qo`li ishga bormadi*, nazarimda so`fining azon aytish o`rniga hangrashini, hangrab-cho`chchanglab machitdan chiqib ketishini kutar edik. (A.Qahhor)

3. Dodxohning o`zi bilan birga bu dargohni yerning qa`riga yuborganday ikkala mushtini uch marta yerga qadadi, keyin bu dargohni endi *yelkamning chuquri ko`rsin* deganday bir harakat bilan keskin burilib, aravaga chiqdi, marhumaning bosh tomoniga o`tirdi. (A.Qahhor)

O`rni bilan badiiy adabiyot yoki so`zlashuv jarayonida ba`zida adib tomonidan jo`rttaga nutq to`g`riligiga putur yetkazish holatlari ham uchrab turadi. Aniqrog`i, adib fonetik, leksik-grammatik me`yorning buzilgan ko`rinishlaridan ham kezi kelganda foydalanadi. Bunda muayyan maqsad, ya`ni ta`sirchanlikka erishish ko`zlangan bo`ladi. Abdulla Qahhorning "Bemor" hikoyasini kuzatamiz: "...[bemor] yana ko`zini yumdi, shu yumgancha qaytib ochmadi- saharga borib uzildi. Sotiboldi qizchasini o`lik

DAVLAT TILI – IJTIMOYIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yonidan olib, boshqa yoqqa yotqizayotganda qizcha uyg'ondi va ko'zini ochmasdan odatdagicha duo qildi:

- Xudoyo ayamdi daydiga davo bergin..."

Ko'rinadiki, me'yoriy noto'g'ri nutqdan maqsadli foydalanish nutq ta'sirchanlidini oshirishda qo'l kelishi ham mumkin.

Muayyan ta'sirchanlikni oshirishda ekstralingvistik vositalardan ham foydalanish maqsadga muvofiq. Ekstralingvistik vositalarga kontekst, situatsiya (ma'lum bir vaziyat), ijtimoiy muhit, ikki va ko'p tillilik, mimika va h.k. kabi omillar kiradi. Ta'sirchanlikni oshiruvchi eng asosiy ekstralingvistik vosita mimika va panta mimika hisoblanadi. Vaziyat talabi bilan ulardan o'rinli foydalanish lozim. So'zlovchi ko'chma ma'noli so'zlar (metafora, metonimiya, sinekdoxa, epitet)dan, o'rni bilan mubolag'alardan foydalansa ham, nutq ta'sirchanligiga samarali ta'sir ko'rsatadi.

Ta'sirchan nutq yaratishda vaqtni inobatga olish ham muhim ahamiyatga ega. Ma'ruza so'zlashda vaqtni inobatga olish notiqlik fazilatlaridan sanaladi. Zero, so'zlash muddati oldin e'lon qilinib, bunga amal qilinmasa, tinglovchilar uchun belgilangan muddatdan keyingi nutqqa so'zlovchi e'tiborsiz bo'lishlari mumkin. Chunki tinglovchi miyasi shu muddatgagina moslashib olgan bo'ladi. Qolaversa, nutq muddatdan oldinroq tugatilsa, ayni muddao bo'ladi.

Notiq doimiy ravishda o'z tinglovchilariga xushyor boqishi, zerikish kuzatilgan, qiziqish susaygan vaqtda vaziyatga qarab o'z nutqiga ijodiv yondashmog'i talab etiladi. Notiq muayyan bir mavzu ostida gapirar ekan, o'rni kelganda, o'z hayotidan olingan misollar bilan ma'ruzasini to'ldirishi ham mumkin. Bu ham ishonarli, ta'sirli nutq ko'rinishi bo'la oladi.

Xulosa shuki, ta'sirli nutqqa erishish so'zlovchidan mas'uliyat – izlanish, o'ylov, fikrlash, topqirlik, bir so'z bilan aytganda, til bilimini talab etadi. Tafakkur, ong, aql ko'lami qanchalik yuqori bo'lsa, nutq ta'sirchanligi ham shunchalik yuqori bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mahmudov N. Ma'rifat manzillari.- T., 1999.-B.28.
2. Rasulov R.va b. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati. -T., 2006.-B.16.
3. Razumova L., Sharov V. Lektor nutqining ta'sirchanligi. - T., 1973.- B.21.

ЗАМОНАВИЙ РЕКЛАМАЛАР ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Мустақимова Қундуз Собировна

Бухоро муҳандислик - технология институти
ўзбек ва рус тиллари кафедраси ўқитувчиси

Сайфуллоев Азизбек Амрилло ўғли

БухДУ изланувчиси

АННОТАЦИЯ. Реклама кундалик ҳаётимиз ва маданиятимизнинг ажралмас қисмидир. Реклама матнлари маданий-лингвистик жамият аъзоларига маълум бир коммуникатив таъсир кўрсатиш усуллари сифатида, лингвистик, психоллингвистик ва социологик тадқиқотлар объекти ҳисобланади.

Асосий матн. Иқтисодчилар орасида “Реклама – бизнеснинг асоси” деган таъриф юради. Дарҳақиқат, ишлаб чиқарилган маҳсулот, тақдим этилаётган хизматнинг харидор назарига тушишида рекламанинг ўрни беқиёс. Юртимиз ишбилармонлари томонидан рекламага катта эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас. Бугун кўчаларимизни безаб турган улкан билбордлар, афишалар фикримиз далилидир. Бироқ уларнинг матни она тилимиз қоидаларига қанчалик мос? Бозору кўчаларимизни тўлдирган шиорлар, реклама ва эълонлар матнини нуқсондан холи дея оламизми? Афсуски, йўқ. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг йигирманчи моддасида “Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин” дея қатъий белгилаб қўйилган. Аммо лавҳалар, эълонлар, нархномалар ҳамма жойда ҳам ушбу талабга мос тарзда расмийлаштириляпти, деб бўлмайди. Назаримда, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қошида фаолият кўрсатувчи реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссиялар ташқи ахборот воситаларининг мазмуни, ахлоқ-одоб воситаларига мослиги, тил меъёрларига амал қилингани юзасидан мунтазам мониторинг юритади.

Статистик маълумотларига кўра, шаҳримиз кўчаларида жойлаштирилган тижорат рекламаларининг давлат тилидагиси фақат 25,5 фоизни, давлат тили ва бошқа тиллар аралаш қўлланилгани 57,7 фоизни, фақат савдо белгиси акс этган рекламалар

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

эса 8,3 фоизни ташкил этади. “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига биноан, “Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди”. Бугун шахримиздаги хато рекламаларнинг асосий қисми ана шундай – реклама саналмайдиган пешлавҳаларда учраётгани кишини ўйлантиради.

Бугун юртимизда жамоат транспорти фаолияти самарали йўлга қўйилган. Йўналишли таксиларнинг узоғимизни яқин қилаётганидан ҳаммамиз мамнунмиз. Бироқ бундай автотранспорт воситаларидаги йўналишлар, мўлжаллар номи, турли эълонлар ва огоҳлантирувчи ёзувларнинг саводхонлик қоидаларига мутлақо жавоб бермаслиги киши таъбини хира қилади. Қун давомида битта жамоат транспорти хизматидан минглаб киши фойдаланишини эътиборга оладиган бўлсак, хато ёзув зарарининг қўлами ҳам кенгайиб боришини тасаввур қилиш қийин эмас. Шаҳарни айланар экансиз, “Ксерокопия”, “Оптом”, “Аренда”, “Химчистка” каби хорижий сўзларнинг ўзбек тилидаги “Ксеронусха”, “Улгуржи”, “Ижара”, “Кимёвий тозалаш” каби муқобиллари буткул истеъмолдан чиқариб ташланганига гувоҳ бўласиз, худди одамнинг исмини нотўғри аташдек нохуш ҳолатдир. Қолаверса, бу “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 22-моддасига ҳам зид.

Миллат кўзгуси бўлган тилимизга беписанд муносабатнинг яна бир кўриниши жой номлари, бино ва иншоотларга билиб-билмасдан маъно-мантиқдан холи номлар қўйиш тарзида намоён бўлмоқда. Албатта, ном қўйиш ҳар кимнинг шахсий иши, ўз виждонига ҳавола. Бироқ сиз танлаётган сўз ҳамманинг эътиборига тақдим этилишини инобатга олсак, бу борада ҳам бепарволикка йўл қўйиб бўлмаслиги аёнлашади. Қолаверса, “Реклама тўғрисида”ги қонунда ҳам бу борада меъёрий қоидалар мавжуд. Бугун маҳсулотини ўзбекча номлаётган, чиройли, замонавий бинолари пештоқига ўзбекча ном ёзиб қўяётган кишилар саъй-ҳаракати ҳар қанча олқишга муносиб. Бироқ ҳаммани ҳам бу борада ибратга лойиқ ишлар қиляпти, дейиш қийин. Масалан, ишлаб чиқараётган маҳсулотини “Пацание семки”, “Криешки”, “Тип-топ”, ресторанини “Дракон”, “Тройка”, “Версал”, “Наполеон”, “XXX”, “Цар”, “Империал”, маиший хизмат кўрсатиш муассасасини “GAF”,

“LEADER”, “Carucel”, “Blinoff”, “Bistro”, дўкони “NAF-NAF”, “Вай-фай”, “Korzinka.uz” каби номлар билан атаётган инсонларга қандай баҳо бериш мумкин? Бундай номларни кўрган киши ўзига шундай саволлар бериши табиий: “Бу иморатлар Ўзбекистондами ёки бирор хорижий ўлкада? Шу қадар ажнабий от танлашдан асл муддао нима ўзи? Бундай сўзлар маънавий қадриятларимизга, хусусан, миллатимиз рамзи бўлган ўзбек тили қонуниятларига қанчалик мос? Бу каби номларни танлаётган инсонларда миллий ғурур, она тилимизга ҳурмат деган туйғу наҳотки бўлмаса?”.

Хўш, тилимиз кўркига доғ тушираётган бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ лозим? Турли реклама ва эълонлар кўчаларимиз чиройига путур етказадиган эмас, аксинча, янада кўркамлаштиришга хизмат қилиши учун ишни нимадан бошлаган маъқул? Албатта, ҳеч қандай муаммо ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Шу маънода ҳаётимизда тилимизнинг чиройига доғ бўлиб тушаётган айрим камчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар ҳам борки, уларни аниқлаштирмасдан туриб, нуқсонларни бартараф этмоққа уриниш худди ташхис қўймасдан беморни тузатмоққа уринишга ўхшайди.

Хулоса: Биз бугун она тилимиз софлигига соя солаётган, бой тилимизни бахтсиз қилаётган иллатларнинг айримларинигина тилга олдик, холос. Аслини олганда эса бундай хато ва камчиликлар турмушимизда анчагина томир отган. Ҳаётда эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асл манбаси саботу иродамиз, азму шижоатимиз бўлгани сингари, нуқсонлар сабабини ҳам табиатимиздаги бепарволик, лоқайдлик, нописандлик, манманлик каби қусурлардан изламоқ даркор. Бизга беминнат хизмат қилувчи она тилимиз ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишда ҳам холис бўлсак, жонкуярлик кўрсатсак, ҳамжихатлик билан иш тутсак, эзгу мақсадларимизга эришишимиз муқаррардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sh.Z. Abdullayeva. Pul muomalasi va kredit. O'quv qo'llanma. –T.: «ILM ZIYO» nashriyot uyi, 2013.
- 2.Sh.Z. Abdullayeva. Bank ishi. O'quv qo'llanma. –T.: «Vneshinvetsrom», 2013.
3. Yo.Abdullayev, Sh.Yuldashev. Maliy biznes i predprinimatelstvo. – T.:2008. – 340 s.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ГРАФОСТИЛЕМАЛАР

Норова М.Ф.

БухДУ, илмий изланувчи

АННОТАЦИЯ. Ўзбек тилшунослигида фоностилистика умумийстилистиканинг алоҳида мустақил бир тармоғи бўлиб ажралиб чиққанлигига ҳам қирқ беш йилдан ошди [1]. Бу даврда фоностилистика яна ҳам тармоқланиб, фонографик ва графостилистик бўлимлари пайдо бўлди [5]. Кейинги даврга келиб, фонетик воситалардаги коннотатив маънолар ва уларнинг услубий хусусиятлари монографик тарзда алоҳида ўрганилди [3]. Аммо ўзбек тилида муҳим стилистик аҳамиятга эга бўлган графостилемаларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида тадқиқ манбаи бўлган эмас. Айниқса, график услубий воситаларнинг қардош ва қардош бўлмаган тилларда қўлланиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш долзарб бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тиллари графостилемаларидаги коннотатив маъноларни аниқлаш, уларнинг бадиий нутқдаги услубий хусусиятларини қиёсий таҳлил қилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Графемалар турли нутқ услубларида стилистик жиҳатдан турли-туман коннотатив маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай коннотатив маънолар тилшуносликнинг график стилистика бўлимида ўрганилади.

Сўзловчининг турли ҳис-ҳаяжонини ифодалашда графостилемалар муҳим аҳамиятга эга. У тилдаги эмоционал-экспрессивлик бўёғини график шаклларда беради. Графостилемаларда ёзма матнларнинг типологик хусусиятлари билан боғлиқ маънолар, графемаларнинг ҳажми, ёзилиши, пунктуация ва турли ишора белгиларига хос услубий хусусиятлар акс этади.

Илмий адабиётларда график стилистик воситаларнинг қуйидаги турлари санаб ўтилган:

- 1) Матн бўлақларини абзац билан ёзиш.
- 2) Бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш.
- 3) Турли катталиқда ёзилган ҳарфларни ишлатиш.
- 4) Айрим сўз ёки матн бўлақларини курсив билан ёзиш.

5) Ҳар хил изоҳ ва тушунтиришларда ҳарфларнинг турлича (ингичка, йўғон, қўл ёзма кўринишга яқин) ёзилишларидан фойдаланиш;

6) Сўз ёки матн ва унинг бир қисмини турли хил ранг (бўёқ)лар билан ёзиш;

7) Назмда шеър қаторларини поғона усулида ёзиш;

8) Назмда шеър қаторларидан бирини тушириб қолдириб, унинг ўрнида қатор нуқталар ёзиш;

9) Сўз ва матн, уларнинг айрим қисмлари устига, остига, олдига, охирига турли хил шартли белгилар (узук чизик, бир чизик, икки чизик, ёй, айлана, параграф белгисини ва ҳ.к.) қўйиб, уларни ажратиб ёзиш;

10) Матнда турли тиниш белгиларидан услубий мақсадда фойдаланиш ва бошқалар.

Инглиз ва ўзбек тиллари ёзма матнларининг турли ўринларида айрим сўз ёки гапларнинг тўлалигича бош (катта) ҳарфлар билан ажратиб ёзилиши билан боғлиқ коннотатив маънолар ҳақида фикр юритамиз.

Одатда, орфографик қоидага мувофиқ ҳар бир абзац, нуқта, сўроқ ва ундов белгиларидан кейин бошланадиган гаплар бош ҳарфлар билан ёзилади. Аммо баъзи матнларда гап ўртасидаги айрим сўзлар ёки ибораларнинг атайлаб бош ҳарфлар билан ёзилганлигини ҳам кўриш мумкин. Бундай кўринишдаги ёзувларда маълум бир графостилистик мақсад кўзда тутилган бўлади. Масалан: If way to the **Better** there be, it exacts a full look at the **Worst** (Th. Hardy).

Мисолдаги бош (катта) ҳарфлар билан ажратиб ёзилган сўзларда кучли ҳаяжон, юқори кўтаринкилик қўшимча маъно ифодаланган.

Айрим матнларда бутун бир гапдаги сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилиши мумкин. *Бундай сўзлар кучли ҳис-ҳаяжон билан тўлқинланиб айтилади: "WILL YOU BE QUIET!" he bawled (A. Sillitoe. The key to the door).*

– "How **DISGUSTING!**" (J. Galsworthy) – "MISS **JEMIMA!**" exclaimed Miss Pinkerton (W.M. Thackeray).

Бу усуддан америкалик ёзувчи R. Bradbury "The Rocket» асарида кенг фойдаланганлигини кўриш мумкин, унда фақат сўзларни бош ҳарф билан ёзиш, балки муаллифнинг товуш тонининг кўтарилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин: "Fool!" cried Bramante. "You'll never go. This is a rich man's world." He shook his gray head, remembering. "When I was young they wrote it in fiery letters: **THE WORLD OF THE FUTURE!** Science, Comfort, and New Things for All! Ha! Eighty years. The Future

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

becomes Now! Do we fly rockets'? No! We live in shacks like our ancestors before us..."

Ўзбек тилининг турли жанрларида ёзилган асарларда ҳам графостилемалардан бири бўлган бош (катта) ҳарфлар билан ёзилган турли сўз ва иборалар учрайди. Улар, асосан, тасвирга китобхон диққатини тортиш, турли ҳис-ҳаяжонларни уйғотиш учун хизмат қилади.

Турдош отлар мурожаат, хитоб қилганда ёки жонли образ орқали ифодалаш, гавдалантиришда сўзнинг турли ўринларида бош ҳарф билан ёзилиши мумкин. Бу матнга алоҳида аҳамият, маънодорлик, тантанаворлик, кўтаринкилик ва руҳи баландлик каби қўшимча коннотатив маъноларни беради:

Мен биҳишт шамолин яшириб сўзга

Сўзладим, сўзларим ўпсин ер шарин.

Пири бадавлатлик, ОТАЛАР, Сизга,

Хотиржам бахт Сизга, ОНАЖОНЛАРим! (Ҳ.Худойбердиева).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги бош ҳарфлар билан боғлиқ бўлган графостилемаларни қиёсий ўрганиш, уларда ифодаланган коннотатив маънонинг бир хил ифодаланганлигини кўрсатди. Уларда бундай графостилемалар бир хил вазифада бўлиб, асосан, ажратиб ёзилган сўзнинг моҳиятига ўқувчи диққатини тортиш ва унда турли хил ҳиссий таъсирчанликни ҳосил қилишдан иборатдир.

Юқорида қайд қилинган фикрлардан кўринадики, чоғиштирилаётган тиллар ёзма матнларида бош (катта) ҳарфлар билан ифодаланган графостилемалар бир хил аҳамиятга эга бўлиб, улар функционал-стилистик жиҳатдан кўпроқ бадиий нутқ услубида учрайди ва ўзига хос стилистик вазифани бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуазизов А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. - № 2. – Б. 24-28.

2. Еремина Л.И. Графика как средство образности в произведениях Л.Н. Толстого: Очерки по стилистике художественной речи. – М.: Наука, 1979. – С. 77-113.

3. Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Монография. – Т.: Наврўз, 2017. – Б. 105-117.

4. Leech G.N. Principles of Pragmatics. – London, NY, Longman. 1983. – P. 217-237.

5. Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фан. номз. дисс. – Бухоро, 1996. –Б.132.

ЗИДДИЯТ ВА УНИНГ ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

А.Б.Пардаев,

Филология фанлари доктори, СамДУ
Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори

АННОТАЦИЯ. Борлиқда, табиатда, онгда, тафаккурда зидланишсиз ҳодиса бўлмайди ва бўлолмайди [1]. Шу сабабли лисоний таҳлилда ҳам истаган грамматик шакл бошқа бир – унга зидланган шакл билан қиёсда олинади ва системавий таҳлилнинг асосини ташкил этади. Ўзаро ўхшашлик (парадигматик) муносабатларда бўлган бирликларнинг (ёки бирлик гуруҳларининг) ўхшашлик асосида айрим фарқлар билан бир-бирига қарма-қарши қўйилиши зиддият (оппозиция), зиддиятда иштирок этаётган бирликлар (бирликлар гуруҳи) эса зиддият аъзолари деб аталади. Ҳар бир зиддиятда ушбу аъзолар муайян белги-хусусиятларига кўра бир-бирига қарама-қарши қўйилади [2].

Зиддият хусусида сўз юритганда тил бирликларини диалектик ўрганишда фалсафанинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонунига аҳамият қаратиш лозим. Тил тизимидаги барча ҳодисаларнинг моҳияти уларни қарама-қаршилиқлар асосида кўриб чиққанда очилади. Ш.Шаҳобиддинова қарама-қаршилиқлар муносабати зиддиятни ташкил қилишини айтиб унга шундай таъриф беради: «Зиддият нарсаларни ҳаракатга келтиради, уларнинг яшашини таъминлайди. Зиддият жамият ва табиатнинг ҳамма соҳаларида ҳам ҳаётнинг – ривожланиш ва ўзгаришнинг асосий шартидир. Қиёсиёт ҳамма нарсани қарма-қаршилиқлар йиғиндиси ва бирлиги деб билади. Қиёсиёт дунёни, борлиқни тинимсиз ривожланиш ва ўзгаришда тасвирлайди. Зиддият шу ўзгариш ва ривожланишни таъминлайди. Ҳар бир нарса, у жамият ва табиатда мавжуд экан, ўз моҳияти билан зиддиятдир. Қарма-қаршилиқларни яқинлаштириш, уларнинг бирлигини, алоқа ва бир-бирига ўтишларини кўра билиш – диалектик тафаккурнинг хусусияти. Қарама-қаршилиқлар нафақат курашадилар, балки бирлашадилар ҳам. Улар истисногагина эмас, тақозога ҳам асосланган.» [3]

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ёрдамчи сўзларнинг тил тизимида пайдо бўлишининг ўзиёқ зиддият натижаси бўлиб, уларнинг мақоми мустақил сўзларга зидлантириш орқали (мустақил луғавий маъноли - луғавий маъносизликка кўра) белгиланади. Бир сўз билан айтганда, улар мустақил сўзлар билан, биринчи навбатда, номлаш, аташ (денотатив) хусусиятига эга-эга эмаслигига кўра, иккинчи навбатда шакл ўзгариш-ўзгармаслигига кўра, учинчи навбатда, гап таркибида синтактик бўлак бўлиш-бўлмаслигига кўра зидланади. Аслида кўмакчи, боғловчи, юкламанинг бажарадиган вазифаси ва мазмун-моҳиятига кўра бир категорияга бирлаштиришнинг ўзи нисбийдир. Чунки бу туркум сўзлар табиати хилма-хил бўлиб, улар уч хил позицияда баҳоланади. Уларни бирлаштириб турган нарса ёки бирлашишга «мажбурлаган» ҳолат уларнинг мустақил луғавий маънога эмаслиги. Улар ана шу хусусиятларига кўра, яъни номустақилликларига кўра бирлашади ва мустақил сўзларга нисбатан қарама-қарши қўйилади.

Ва бу сўзлар бир-бирини тақазо этишларига ва туркумлик назариясига кўра мустақил сўзлар билан умумийликда қаралиб, бир парадигмага бирлашади.

Сўзларни туркумларга таснифлаш бўйича мустақил – ёрдамчи зиддияти		
Тасниф мезони	Ёрдамчи сўзлардаги зиддият белгиси	Мустақил сўзлардаги зиддият белгиси
Семантик тасниф	Мустақил луғавий маънога эга эмас	Мустақил луғавий маънога эга
Морфологик тасниф	Ўзгармас	Ўзгарувчан
Синтактик тасниф	Гап бўлаги бўла олмайди, аммо синтактик алоқани таъминлайди	Гап бўлаги бўла олади

Ёрдамчи сўзлар категориясида турли парадигматик муносабатда бўлган бирликларни муайян бирлаштирувчи семалар билан бирга, уларни ўзаро дифференциал фарқловчи семалари ҳам мавжуд. Ана шу дифференциал семалар ёрдамчи сўзлар парадигмасидаги бирликларни ўзаро зидланишини таъминлайди. Масалан, *билан – ва,*

ва – ҳамда, ва – ҳам, ва – -у, ва – -ю, ва – -а, ҳам – билан, -да – -ю, -у – -ю каби бирликлар ўртасидаги турли дифференциал фарқланишлар зидланиш орқали очилади.

Чунки парадигма аъзоларининг ўзаро фарқланиш хусусиятларини зидланиш асосида ёритиш систем тилшуносликнинг асосий тамойилларидан бири саналади. Зидланишни И.Қўчқортоев шундай таърифлаган: «Оппозиция усули тилнинг системали табиатидан келиб чиқади. Тил бирликлари маълум оппозициялар ёрдамида системаларга бирлашади. Бундан оппозиция ва система тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлган, бири иккинчисини тақазо этадиган тушунчалар эканлиги маълум бўлади.

Оппозиция тушунчаси дастлаб муносабат, алоқа тушунчасини ўз ичига олади. Лекин муносабатнинг ўзинигина оппозиция дейиш тил системасини адекват тасвирлашга олиб келолмаслиги сўнгги йилларда маълум бўлиб қолди. Оппозиция тушунчаси бир-бири билан муносабатга киришувчи элементларни ҳам ўз ичига олади. Француз тилшуноси А.Мартиненинг ёзишича, бир парадигматик класс (группа, тўда)га кирувчи икки элементнинг ўзаро муносабати оппозиция ҳисобланади. Демак, таркибида ўзаро тенг (умумий) ва фарқли (хусусий) элементлари бўлган иккита лингвистик бирликнинг бир-бирига муносабати оппозиция дейилади [4].

Дарҳақиқат, лингвистик бирликларни маълум туркумларга бирлаштиришда бирлаштирувчи семалар қанчалик хизмат қилса, бу туркум аъзоларини бир-биридан ажратишда фарқловчи семалар муҳим вазифа бажаради.

Кўмакчи, боғловчи, юкламаларни ўзаро зидланишига сабаб бўлувчи хусусиятларини бинар тамойилнинг «эга-эга эмас»лик белгисига кўра кузатганимизда дастлаб 12 хил асосни кўришга муваффақ бўлдик. Буни тушунилишини осонлаштириш учун қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаймиз:

Бу жадвалда ёрдамчи сўзлар транспозицияси инобатга олинмади. Бинобарин, кўплаб ёрдамчи сўзларда бошқа ёрдамчилар туркумига кўчиб, шунга хос вазифани бажаришга ихтисослашув кузатилади (масалан, *билан* кўмакчисининг, *-у, -ю, -да, ҳам* юкламаларининг тенг боғловчига, *агар, башарти, гўё, гўёки* каби боғловчиларнинг юкламага, балки, қолбуки юкламаларининг боғловчига ўтиши каби).

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

№	Зидланиш асослари	кўмакчи		боғловчи		юклам	
		эга а	эга эмас	эга	эга эма с	эга а	эга эма с
1	Аналитик форма хосил қилиш ва гап бўлақларини шакллантириш	+			-		-
2	Синтактик алоқа ва синтактик муносабатларнинг маркери бўлиш	+		+			-
3	Тенглашиш синтактик алоқасини таъминлаш		-	+			-
4	Тобелашиш синтактик алоқасини таъминлаш	+		+			-
5	Келишик қўшимчалари билан функциядошлик	+			-		-
6	Модал маъно ифодалаш		-		-	+	
7	маълум келишик шаклидаги сўзларни бошқариш – бошқармаслик	+			-		-
8	Турланишга мойилликлик	+			-		-
9	Грамматик маъно ифодалаш	+		+			-
10	Бирикма ёки гап таркибида маъно ва вазифасини юзага чиқаришда шаклий қиймати билан мунтазам иштирок этиш - этмаслик	+			-		+
11	Мустақил сўзларнинг луғавий маъносини шакллантириш	+			-		-
12	Пресуппозицияни юзага келтириш	+			-		+

Бу шуни англатадики, ёрдамчи сўзларнинг ҳар бир категориясига оид белги-хусусиятлар ҳар доим ҳам мутлақ (абдий) бўлмайди. Бу туркумларни ўзаро фарқловчи белгилар баъзан инкор этилиб, бошқа белги-хусусиятлар билан бирлашади. Ёрдамчи сўз

туркумлари транспозицияси, уни юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Ёрдамчи сўзларнинг ички гуруҳланиши ҳам ўзаро зидланиш асосида қурилган. Физик жисм таркибидаги молекулалар бир-бирини ҳам итариб, ҳам тортиб турганидек, ёрдамчи сўзлар ҳам ички гуруҳларида ана шундай ҳолатда, яъни бир-бири билан итаришиб (зидлашиб), бир-бири билан тортишиб (умумий маънога бирлашиб) туради. Масалан, ёрдамчиларнинг ҳар учовида ҳам дастлабки оппозиция белгиси бажарадиган вазифасига кўра соф ва функционал ёрдамчиларга ажралади (соф кўмакчилар↔функционал кўмакчилар, соф боғловчилар↔функционал боғловчилар, соф юкламалар↔функционал юкламалар). Кўмакчиларнинг грамматик табиати соф кўмакчилар↔функционал кўмакчилар зидланишида ёритилса, боғловчилардаги оппозиция ҳолати давом эттирилади. Дастлаб тенглашиш↔эргашиш бўйича зидлаштирилади. Кейин тенглашишдаги бириктирувчи↔зидловчи, бириктирувчи↔айирувчи, зидловчи↔айирувчи қарама-қаршиликлари кўрилса, эргашишдаги аниқлов↔сабаб, аниқлов↔шарт, аниқлов↔чоғиштирув, сабаб↔шарт, сабаб-чоғиштирув, шарт↔чоғиштирув зидликда бўлади.

Сўзимиз хулосасида айтишимиз мумкинки, зиддият ҳар қандай ҳаракатнинг негизи бўлганидек, у сўз бўладими, нарса бўладими ўзида зидликка мойиллик бор бўлсагина, ҳаракатда ва фаолиятда бўлади. Тилимиздаги ёрдамчи сўзларнинг умумийлик-хусусийлик диалектикасига кўра фарқлашда зидланиш тушунчаси қанчалик муҳим эканлигини юқоридаги таҳлилларимиз орқали кўрдик. Демак, тилнинг барча сатҳларида амалда бўлувчи зидланиш ёрдамчи сўзлар тизими учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ – Т., 88-92-б.
2. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. 16-б.
3. Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: филол.фан.номз. дисс. – Самарқанд, 1992. 27-б.
4. Қўчқортюев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги - Т.: Фан, 1977. 57-б; А.Мартине. Структурные вариации в языке, в сб. «Новое в лингвистике», т. 4. М., 1965, стр.455.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛАТ КЎЗГУСИДИР

Салихова Замира Аминовна

БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада давлат тилига катта эътибор берилмоқда, 21 октябрь куни ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, мақолада ўзбек тилининг бойлиги тасвирланган.

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинган кун – 21 октябрь санасининг «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислоҳатларнинг юксак самараси, мустақил Ватанамиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир.

Ушбу муҳим ташаббус давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўз ифодасини топган эди.

- Департамент давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириши ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини жорий этиши;

- 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқилиши белгиланди.

Ўзбек тили ўзининг қадимий ва бой тарихида ҳеч қачон давлат ва жамиятнинг бугунгидек юксак эъзоз-эътибори ва ғамхўрлигига сазовор бўлмаган. Бу «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» дадил қадам қўйган Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг юксак самараларидандир.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистон “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг

қўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир.

Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига хурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва хурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тилини сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади.

Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзгидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Омонов Қ. “Шарқшуносликка кириш” фанидан дарс етакчиси. Тошкент, 2010. Кононов А.Н. История изучения история тюркских языков в России. Л., 1982.-Б.

2.Омонов Қ. “Туркий филологияга кириш” фанидан дарс йўруғчиси. – Туркий тиллар кафедрасининг йўруғи. Турк филологияси бўлими талабалар учун қўлланма. Тошкент, 2008.-Б. 311–336.

3.Рождественский Ю.В. Общая филология. Москва, 1996. Ўзбекистон шарқшунослари. Тузувчи: М. Абдусаматов. Т., 2004.-Б.

BADIIY ADABIYOT ASOSIDA KICHIK MAKTAB YOSHI O‘QUVCHILARIDA NUTQ MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH

Sidikova Zulfiya Murodjon qizi

Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada badiiy adabiyot asosida kichik maktab yoshi o‘quvchilarda nutq madaniyatini shakllantirish masalalari yoritilgan.

Jamiyatni doimiy harakatga keltirib turadigan kuch – bu badiiy adabiyot. Shunday ekan, badiiy adabiyot asosida o‘sib kelayotgan yosh avlodda milliy qadriyatlarni, ilg‘or demokratik qoida va tushunchalarni shakllantirish, boyitish, rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Chunki, boshlang‘ich ta‘lim bosqichida badiiy adabiyot orqali kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarda xalqimizning tarixiy boy ma‘naviy meroslariga hurmat bilan qarash, avaylab-asrash shakllantiriladi. Merosimizni rivojlantirish asosida kelajakka ishonch, mehr-oqibat, insof, sabr-toqat, ma‘rifat, ma‘naviyat milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik tuyg‘ulari kamol topadi. Badiiy adabiyot orqali milliy ong, milliy birdamlik tuyg‘usini, vatanparvarlik, milliy g‘ururni shakllantirishni, ma‘naviy boy,

jismonan sog'lom, aqlan teran, barkamol avlodni tarbiyalash kabi vazifalarni amalga oshirish mumkin.

Shu bilan birga badiiy adabiyot kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda nutq madaniyatini shakllantirishning asosiy omili hisoblanadi.

Badiiy adabiyot mazmunida shaxsni har tomonlama rivojlantirish, har bir kishida nutq, muloqot madaniyatini shakllantirish masalalari chuqur o'rin egallagan.

Badiiy adabiyot voyaga etayogan shaxsda nutq madaniyatini shakllantirishda ham, ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bolalar adabiyoti ommabop tarbiya vositasi sifatida shaxsning madaniyatini shakllantirishda, siyosiy, ma'naviy-axloqiy, huquqiy, ekologik, jismoniy, iqtisodiy tarbiyalashda diqqatga sazavordir.

Badiiy adabiyot hayotning barcha qirralarini aks ettirishi bilan boshqa san'atlardan ajralib turadi. Shu bilan birga badiiy adabiyotning tarbiyalanuvchi hissiyotiga, qalbiga, e'tiqodiga, tushunchasiga, dunyoqarashiga bir yo'la ta'sir etishi o'ziga xos xususiyat hisoblanadi. Boshlang'ich ta'lim jarayonida badiiy adabiyotning tarbiyaviy imkoniyatlaridan izchil foydalanish barkamol inson kamolotida muhim o'rin tutadi.

O'quvchilar og'zaki nutqini o'stirishning asosiy manbalaridan biri badiiy asardir. Badiiy asar o'quvchining aqlini, bilimini, axloqini va mantiqiy hissiyotini tarbiyalash bilan birga, uning lug'at boyligini, nutq madaniyatini o'stirish vositasi hamdir.

Badiiy asar o'quvchilarning nutqi uchun asosiy manba sanaladi, shuning uchun badiiy asarlar mazmunini puxta o'zlashtirish ta'lim jarayonida muhim o'rin tutadi. Badiiy asar matni ustida turli usullar bilan qancha ko'p ish olib borilsa, ularning mazmunini o'quvchilar shuncha puxta va chuqur o'zlashtiradi va fikrini, nutqini ravon, aniq ifodalashga muvaffaq bo'ladi.

Buning uchun, avvalo, boshlang'ich ta'lim tarbiya tizimida badiiy adabiyotni chuqur o'rganishga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiqdir. Chunki, badiiy adabiyot o'quvchilarda nutq madaniyatini shakllantirish bilan birga, ularda xulq-atvor ko'nikmalarini rivojlantirishda, xatti-harakatlar, insoniy tuyg'ularni tarkib toptirishda zarur vositalardan hisoblanadi.

Bizga ma'lumki, 7 yoshdan 10 yoshgacha bo'lgan davr bolalar nutqining rivojlanish davri hisoblanadi. Bolaning idroki, tafakkuri va nutqi unda biror narsani tushunib olishda yordam beradi. Demak, 10 yoshgacha

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

bo'lgan davrdagi bolalarning nutqi sodda va obrazli, ravon ifodalanishi mumkin.

Shuni aytish kerakki, badiiy adabiyot tushunchasi turli yoshdagi bolalarga mo'ljallangan so'z san'ati bo'lib, voqelikni bolalarcha idrok etish, bolalarcha tasavvur va tafakkur obrazlarida gavdalandiruvchi badiiy asarlar majmuasi hisoblanadi.

Boshlang'ich ta'lim jarayonida o'quvchilarning nutq madaniyatini shakllantirish borasidagi pedagogik faoliyatni tashkil etishda quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiq.

O'quvchi badiiy adabiyotni o'rganish jarayonida nutq madaniyatiga doir bilimlarni o'zlashtirishi natijasida nutq his-tuyg'ulari shakllanadi. Nutq madaniyatini shakllantirishda bolalar adabiyotining ta'siri kuchli bo'lib, undagi ma'naviy-ruhiy muhit, voqea va hodisalar o'quvchi tafakkurini rivojlantirishda tarbiyaviy asos hisoblanadi. Badiiy adabiyot shaxsning ma'naviy-ruhiy kayfiyatiga, uning nutq, muomala munosabatlariga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Har qanday kishining jamiyatdagi mavqei, kayfiyati, o'zini erkin his etishi shoirning jo'shqin she'riga, yozuvchilarning asarlaridagi qahramonlarning muomala, ya'ni muloqotni qanday amalga oshirishiga bog'liqdir.

Shu boisdan kundalik hayotda biz uchun zarur hisoblangan badiiy adabiyotni bilish har bir o'qituvchi uchun zarur. Badiiy adabiyot o'quvchilarning so'z san'ati, muloqot, axborot, ma'lumot almashinuvida, nutqini rivojlantirishda muhim o'rin egallaydi. Badiiy adabiyotni o'rganish natijasida o'quvchilarda to'g'ri idrok etish, tushunish, anglash kabilar takomillashib boradi.

Badiiy adabiyot namoyondalarining hayoti va faoliyati bilan tanishtirish asosida kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda nutq madaniyatini shakllantirish uchun badiiy adabiyot haqida ma'lumot berish, badiiy asarlarni o'qish va o'rganish, ifodali o'qish, til, nutq, fikr, tafakkur tushunchalariga e'tibor qaratish kerak.

Foydalanigan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdullyeva Q., Safarova R., Xasanboyeva O. va boshqalar. Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi davlat ta'lim standarti (ona tili, o'qish). – T.: RTM, 2005. –18 b.
2. Ibragimov R. Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilish faoliyatini shakllantirishning didaktik asoslari. Ped.fan.dokt. ... Diss. Avtoreferati. – T.: O'ZPFITI, 2005. –35 b

3.O`rinova F.O`. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq madaniyatini shakllantirish. Uslubiy qo'llanma. – T.: fan, 2007. –50 b.

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИК АНАЛИЗАТОРИНИ ЯРАТИШДА “STARLING” МОРФОЛОГИК АНАЛИЗАТОРИ ТАЖРИБАСИДАН Фойдаланиш хусусида

Хамроева Шахло Мирджоновна,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Курамшин Руслан Минеарович

Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси бош
мутахассиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада “Рутения” платформасининг “Starling” морфологик анализатори, унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилади. Шунингдек, ўзбек тили морфологик анализаторини яратиш учун ушбу морфоанализатор тажрибасидан фойдаланиш хусусида тавсиялар берилади. Ўзбек тили агглютинатив хусусиятга эга бўлганлиги сабабли грамматик маънонинг қўшимча билан ифодаланиш имконияти кенг. Шу сабабли морфологик анализатор тузишда грамматик шаклларнинг унификация қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Компьютер лингвистикаси тажрибасида морфологик анализатор тузишнинг турли усули мавжуд бўлса-да, туркий тилларда яратилган кўпгина анализатор икки даражали морфологик анализатор хусусиятини намоён қилади. Демак, ўзбек тили морфологик анализаторини тузишда ҳам икки босқичли морфологик анализ назариясига асосланиш мақсадга мувофиқ. Мақолада ушбу масалалар батафсил таҳлил этилади.

Компьютер лингвистикасида маълумотларни ахборот-қидирув тизимида қайта ишлаш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Бу машина таржимаси, морфологик анализатор, нутқ синтезатори, тил корпуси каби барча йўналишлар учун бир хилда аҳамиятли. Ушбу йўналишлар барчаси лингвистик ва дастурий таъминотга эҳтиёж сезади. “Рутения” платформасининг “Starling” морфологик

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

анализатори ҳам шундай ахборот таҳлил воситаси саналади. Ўзбек тили агглютинатив хусусиятга эга бўлганлиги сабабли грамматик маънонинг қўшимча билан ифодаланиш имконияти кенг. Шу сабабли морфологик анализатор тузишда грамматик шаклларнинг унификация қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жаҳон тажрибасида кўплаб тилларнинг морфологик анализатори ишлаб чиқилган. Тарту университети (Эстония) рус тили ва адабиёти кафедраси 2000 йилда “Рутения” платформасига асос солган. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади рус тили мутахассиси ҳамда тарихчиларга ахборот-қидирув тизими вазифасини ўтайдиган маълумотлар базасини яратиш бўлган. Кейинчалик лойиҳа кенгайтирилиб, бир неча йўналишда ривожлантирилган. Бу йўналишдан бири морфологик анализатор яратиш бўлган. Бугунги кунда морфологик анализатор on-line форматга эга: морфологик анализатор <http://starling.rinet.ru/morph.htm> манзилида ишлайди, рус тилидаги исталган сўзни морфологик таҳлил қилиб беради. Рус тилида сўз қўллашни ўрганиш учун қулайлиги бўйича барча турдаги дидактик воситалардан афзаллик касб этади. Қуйида ушбу морфологик анализаторнинг қисқача тавсифини келтириб ўтамиз.

Минимал дизайнга эга бўлган (сўз киритиш ва уни тасдиқлаш ойнасидангина иборат) ушбу анализатор маълумотлар базаси С.Ожегов изоҳли луғати [1], А.Зализняк грамматик луғати [2] ҳамда Мюллер луғати[3]ни ўзида сақлайди. Дастурга бириктирилган қўллаш бўйича йўриқнома (тушунтириш хати)да маълумотлар омбори билан ишлаш тамойиллари, маълумотларнинг ифодаланиш формати изоҳланган. Муаллифнинг ёзишича, ушбу дастур орқали “исталган рус тилидаги сўзни таҳлил қилиш, унинг тўла шаклантирилган парадигмасини олиш мумкин. Аслида, ҳамма сўзни ҳам таҳлил қилиб бўлмайди. Шеършунос Д.Семенов таъкидлашича, морфологик анализаторнинг маълумотлар базасида престижитатор, занудствовать, медитировать каби сўзларни топа олмаган. Морфологик анализатор кам ишлатиладиган, янги ўзлашган сўзларнинг таҳлилида хато натижа беради. Ушбу айрим жузъий хато натижаларни ҳисоблага олмаганда, анализатор нисбатан тўлиқроқ таҳлилни амалга ошира олади. Масалан, морфологический сўзи сўровида жавоб сифатида сўзнинг бош шакли сифатида

“морфологический” сўзи чиқади: А.Зализняк луғатидаги индекси “п За!~” шаклига эга. Сўзнинг инглиз тилига таржимаси ойнасида Мюллер луғати мақоласидаги “morphologic(al)” сўзи берилса, морфологик характеристикаси – “Nsm, Asi”; кейин жадвал берилади: сўзнинг келишида турланиши, род бўйича парадигмаси, бирлик/кўплик сонда эканлигини ифодаловчи кўрсаткич индекс; сифатнинг кўпликдаги қисқа шакли келтирилади: “морфологически”. Барча сўзшаклларнинг урғуси кўрсатиб берилади. Ушбу анализаторнинг яна бир муваффақияти А.Зализняк, С.Ожегов, В.К.Мюллер луғатларининг оддий электрон такрори эмаслигида. Ушбу луғатлар маълумотлар омборига айлантирилиб, луғатлардан керакли маълумотни ажратиб олишга эришилганлиги дастурнинг катта ютуғи саналади.

Парсер – рус тилидаги матнларнинг морфологик ва синтактик анализатори. Рус тилидаги матнларни морфологик, синтактик таҳлил қилувчи ушбу парсер қуйидаги вазифаларни бажара олади:

- 1) лексик таҳлил – матнни гап ва сўзга ажратиш.
- 2) сўзнинг морфологик таҳлили – сўзшаклнинг контекстаги позициясидан келиб чиқиб туркумини аниқлаш, род, келишик, сон ва бошқа грамматик хусусиятини аниқлаш.
- 3) лемматизация – сўзни бош шакл (лемма)га келтириш, яъни сўзшаклнинг қайси лексеманинг ҳосиласи эканлиги аниқлаш.
- 4) синтактик таҳлил (dependency parsing) – гаптаги синтактик алоқаларни аниқлаш; эга, кесим, ва б.ларни қидириш.
- 5) соддалаштирилган синтактик таҳлил (chunking) – гапни иккинчи даражали бўлак: тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол гуруҳига ажратиш.

Юқорида саналган амалиётларнинг барчаси анализаторнинг маълумотлар омборидаги луғатда бўлмаган сўзлар устида ҳам бирдек бажарилади. Шунингдек, дастурга “нусхалаш” режими ҳам қўшилса, унда орфографик хатони кўрсатиш/ тузатиш функцияси ҳам пайдо бўлади.

Парсердан фойдаланиш. Парсернинг дастлабки варианты буйруқлар сатри билан ишлайди: кириш сифатида матнли файлни utf-8 га қабул қилади; натижалар XML форматида файл кўринишида сақланади ёки тўғридан-тўғри консолда намоиш этилади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Одатда, анализатор чақирув кетма-кетлиги қуйидагича амал қилади [4]: `parser.exe -verbose -tagger 0 -parser 0 -lemmatizer 0 -emit_morph 0 -d dictionary.xml input.txt -o output.xml`

Параметрлар:

`-verbose` – синтактик таҳлил натижаларини консолга киритиш.

`-tagger 0` – морфологик таҳлилни амалга ошириш учун (Part-Of-Speech tagging) рус ёки инглиз тили морфологиясининг асосий модели (онтологик модели) қўлланилади.

`-parser 0` – синтактик таҳлилни амалга ошириш учун (шажара дарахтини тузиш), асосий shift-reduce базавий парсер ишлатилади.

`-lemmatizer 0` – лемматизация рус тилининг эҳтимолий моделдан фойдаланган ҳамда сўз контекстини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

`-emit_morph 0` – натижалар XML файлида морфологик тегларни чиқармаслик биринчи режим ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

`-d dictionary.xml` – луғат базаси конфигурация файлига ўтилади.

`-o output.xml` – натижалар билан яратилган файлнинг номи; одатда, чиқиш консолга ўтади.

Ishga tushirish намунасини дистрибутивдаги `run.cmd` файлидан топиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, морфологик анализатор тузишда асосий иш лингвистик қоидалар тизимини ишлаб чиқиш, луғатдаги хатони бартараф этишда кўп меҳнат ресурси талаб қилинади. Шундай меҳнатни қисқартириш ва автоматик таҳлилни амалга ошириш учун автоматик таҳлил воситалари талаб қилинади. Морфологик анализаторга тил лексикасининг юқори частотали сўзлари, тилда мавжуд бўлган ҳар қандай сўзни қайта ишлашга оид қоидалар мажмуини ишлатадиган алгоритм киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, морфоанализаторда турли тахминларни инобатга олган ҳолда сўз таҳлили ҳақидаги фаразларни яратишга имкон берадиган мослашувчан созлама бўлиши талаб этилади. Буларнинг барчачи ахборотни автоматик таҳлил қилувчи таҳлил воситалари томонидан амалга оширилади. Ўзбек тили сўзшакллариини автоматик таҳлил қилувчи таҳлил воситаси яратилса, тил корпуси, автоматик таржима, электрон луғатлар яратиш учун

маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш жараёни автоматлаштирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ожегов С. Словарь русского языка. - 1949, 22-е издание, 1990; с 1992 - "Толковый словарь русского языка", совместно с Н. Ю. Шведовой).
2. <http://www.solarix.ru/parser.shtml>
3. <http://www.ruthenia.ru/document/192271.html>
4. <http://starling.rinet.ru/morph.htm>

INTONATSION BIRLIKLAR

Cho'lliyeva G.T.,
BuxDU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Mazkur maqolada og'zaki nutqning asosiy qismi hisoblangan talaffuz bilan bog'liq birliklar va ularning o'zigagina xos ba'zi xususiyatlari tahlilga tortilgan.

Kirish. Bir-biriga qo'shilib, mutatsiyaga uchragan intonatsion elementlar nutqning intonatsion naqshini yaratadi. Nutq ohangining funksiyalari nihoyatda xilma-xil bo'lganligi uchun me'yoriy intonatsiyani aniqlashning yagona mezonini ajratish qiyin. Telefon ixtirochisi bo'lgan fizik olim Bell tovush tezligi-yu, uning ko'tarilish darajasini aniqlagan, shuning uchun tovush tezligining o'lchov birligi uning nomi (detsibell) bilan bog'liq. Ammo muhimi bu emas. Asosiysi, shu mashhur fizik olim tomonidan taklif etigan tovush balandligi me'yorini inson yoshligidanoq bilishi va unga amal qilishi lozim. Ya'ni:

- suhbat jarayoni (me'yor) – 40 db (detsibell) = madaniyatlilik belgisi;
- shovqinli holat (me'yordan oshish) – 80 db (detsibell) = madaniyatlilikdan chekinish belgisi;
- og'riqli holat (me'yorning buzilishi) – 130 db (detsibell) = madaniyatsizlik belgisi.

Bil'aks, boshqalar bilan muloqot, suhbat jarayonida tomoq pardasini yirtgudek holatda qichqirib gapirish kommunikantlar(ham so'zlovchi, ham tinglovchi)ning eshitish a'zolariga og'riq yetkazadi va bu so'zlovchining un paychalarini tiklanmas holatda zararlaydi yoki "o'ldiradi" [2]. Biroq

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

tovush balandligi bilan tovush ohangi aynan bir narsa emas. Chunki baland ovozda samimiyat, mehr tovlanishi, muhabbat pafosi sezilishi mumkin yoki, aksincha, past ovozda mensimaslik, kibr, jirkanish ma'nolarini yuzaga chiqaruvchi ohang bo'lishi ham kutiladi.

Intonatsiya birligi intonema (ohang fonemasi, intonatsiya tuzilishi) bo'lib, u intonatsiya davri, ya'ni bayonot yoki uning qismini farqlash va bayonning kommunikativ turini, sintagmalarning semantik ahamiyatini, mavzularga va qismlarga bo'linish uchun yetarli bo'lgan intonatsion belgilar (parametrlar) to'plamini tashkil etadi.

Intonema atamasi ilk bora XX asrning 40-yillarida nashr etilgan rus tilshunosligiga oid darslik va qo'llanmalarda uchrashini kuzatish mumkin. Bevosita intonatsiya masalalari bilan shug'ullangan rus olimi V.A.Artyomov mazkur atamaning paydo bo'lishini Reformatskiy nomi bilan bog'laydi [1].

V.A.Artyomovning fikricha, intonema turli intonatsion elementlarning odatiy naqshiga ega bo'lgan funksional birligi bo'lib, bu borada intonem va intonatsion invariant tushunchalarini ajratish muhim. Odatda, birinchi atama til tizimi voqeligida nutqning ijtimoiy jihatdan yondashilgan nolisoniy birligi hisoblansa, ikkinchi atama esa spiker nutq – muayyan tilda zarur bo'lgan akustik xususiyatlarning nisbiy modeli (tuzilmasi) sifatida qaralishi nazarda tutiladi.

Intonema intonatsiya birligi, intonatsiya modeli, bayonning ma'nosi bilan bog'liq bo'lgan intonatsion fazilatlarni umumlashtirish natijasidir. Intonema intonatsion muntazamlilikni ta'minlaydi, bu nutqda intonatsion-semantik segmentlarni aniqlashga yordam beradi. Intonemaning moddiysi intonatsion elementlar(to'xtam, sintagma, rema va b.lar)dan hosil bo'ladi, ammo bu intonema shu elementlarning oddiy jamlanmasi degani emas. Intonemaning fizik jihati, odatda, muayyan til egalari nutqida mavjud sof intonatsion tovushlarning o'xshash tomonlari asosida umumlashma hosil qilishi bilan xarakterlanadi. Mutaxassislarning fikricha, intonemalar umumlashma to'plami muayyan tilda (masalan, o'zbek tilida, rus yoki nemis lisonida) so'zlashuvchilarning xotirasida saqlanadi va aniq nutq parchalarining talaffuzida yoki "hazm qilinishi" (tinglanishi)da me'yor vazifasini o'taydi.

Tilshunos olimlar intonemalarni semantik jihatdan tasniflab, ularni to'rt guruhga ajratadilar. Bular quyidagilar:

1) **aqliy intonema** (haqiqiy bo'linish intonemasi, ulanish darajasi intonemasi, ahamiyat darajasi intonemi, savol intonemasi, tasdiqlash intonemasi) sintaktik ma'nolar va kategoriyalarni ajratishga, nutq oqimini ajratishga va savolni tasdiqlash bilan taqqoslashga xizmat qiladi. Aqliy intonemalar har doim nutqda mavjud.

Intellektual intonemalarning qadriyatlarini nutqni shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan tilda aks ettirilgan aqliy faoliyat momentlari, ya'ni intonatsiya yordamida ikkita tanlangan bayon shakllaridan birini amalga oshirish kerak: bayonot (ma'lumot uzatish) yoki savol (ma'lumot olish istagi ifodasi).

Haqiqiy bo'linish intonemasi matnni paragraflarga, abzatlarga, jummalarga, sintagmalarga bo'lish uchun xizmat qiladi va pauza orqali amalga oshiriladi.

Muloqot intonemasi tarkibiy qism bo'yicha haqiqiy bo'linish birliklari o'rtasidagi munosabatni bildiradi. Ko'pincha u ohangdor musiqadan iborat va ko'pincha tezlikni pasaytirib yuboradi. Haqiqiy bo'linish intonemasi va aloqa intonemasi ko'pincha nutq oqimida o'zaro ta'sir qiladi.

Nutqning eng muhim tarkibiy qismlarini ta'kidlash uchun ahamiyatli intonema qo'llaniladi. Bu ikkilamchi balandlik sifatida sekin sur'at va kuchli zichlik bilan ajralib turadi. Muhimlik intonemasi, odatda, sintagmaning bir yoki bir nechta so'ziga qaratilgan mantiqiy ta'sirni ifodalaydi.

2) **ixtiyoriy intonema**, bevosita, so'zlovchi(axborot yetkazuvchi, kommunikant)ning nutq sharoitidagi holatiga bog'liq. Tabiiyki, nutqiy sharoit, tinglovchining diskurs davomida kommunikantga ta'siri, fatika, tashqi ta'sir(axborot uzatuvchining salomatligi, ijtimoiy holati, saviyasi, dunyoqarashi va h.)lar bilan uzviylashadi. Ixtiyoriy intonemalarning ohangdorligi, albatta, jamiyat qabul qilgan me'yordan baland bo'ladi. Chunki kommunikantning ruhiy holati so'zida aks etmasa-da, buni so'zlash ohangida bildirmasligi qiyin. Masalan, "Eri Asadbekning, qizi Zaynabning ayanchli ahvolidan bexabar bo'lsa-da, o'ziga ham noma'lum bir tuyg'u ko'nglini g'ashlik buluti bilan chirmab turardi. Asadbekning telefonda **to'ng ohangda gaplashishi** uni ajablantirmas, bu holatga yillar bo'yi ko'nikib ketgan edi" [4, 2].

Yana bir misol:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“– Xudo sening joningni qaytib berdi, bir o‘lib, bir tirilding, – dedi Jalil. – U dunyoga o‘tishingga bir qarich qoluvdi. O‘lsam nima bo‘laman, deb o‘yladingmi hech?

Bu savol Asadbekning someligi soxta ekani, “amri ma‘ruf”ni tinglamayotganini fosh qilib qo‘ydi.

– Senga gapiryapmanmi yo devorgami? – dedi Jalil **zardali ohangda**.

– Gapingni qaytar, tushunmadim, – dedim Asadbek yengil yo‘talib.

– Eshitsang tushunarding, –Jalil shunday degach, savolini takrorladi” [4, 9].

Demak, parchada so‘zlovch(Jalil)ning tinglovchi (Asadbek) “soxta some”ligidan jahli chiqdi va bu uning zarda ohangida so‘zlashiga sabab bo‘ldi.

Ixtiyoriy intonemalarning ikki guruhi ajratiladi:

1) ixtiyoriy-neytral intonema (yetkazilayotgan axborotga so‘zlovchining shaxsiy munosabatini sezdirmaydi yoki kommunikantning uzatayotgan axborotiga befarq ekanligini bildiradi). Masalan:

“– Qani endi otlaring, xunasalar! Ha, otmaysanlarmi! – dedi u hansirab.

– Baqirma, nega o‘kirasan? – dedi Soliyev **xotirjam ohangda**. Bu xotirjamlik, talvasadan yiroqlik “Qassob”ni bir oz ajablantirdi. Solievning ahvalidagi boshqa odam qo‘rqmagan taqdirda ham asabiylashmog‘i lozim edi” [4,17].

2) rag‘batlantiruvchi intonema (buyurtma, kuchli zichlik, yuqori diapazon xos). Buyurtma qat‘iy aytiladi, so‘zlar aniq ajratilgan va ta‘kidlangan, ohangda keng ko‘tarilish oralig‘ida bo‘ladi. Buyurtma intonemasini amalga oshirish variantlari: qaror, qiziqish istagi, ishontirish, ogohlantirish, so‘rov va b. Ushbu intonema to‘lqinga o‘xshash musiqa bilan ajralib turadi. Musiqa yuqori diapazonga joylashtiriladiki, suhbatdosh suhbatdoshga, odatdagidek, moslashadi. Masalan:

“Bu safar ham ovozi chiqmadi, faqat lablari asta qimirladi. Hamshira lablarning qimirlashidan savolning mazmunini uqqanday, o‘sha soxta jilmayishini kanda qilmagan holda mayin kaftini uning peshonasiga qo‘yib:

– Xavotirlanmang, krizis o‘tdi, – dedi. Keyin **dalda beruvchi ohangda** qo‘shib qo‘ydi, – balki erta-indin reanimatsiyadan umumiy xonaga olishar...” [4,51]

Agar diskursda soʻzlovchining maqsadi nutqda ifodalanayotgan biror fikrni asosiy nutq voqeligiga aylantirmoqchi (gap qoʻzgʻamoqchi, eʼtibor qarattirmoqchi, baʼzan shu orqali biror axborotga ega boʻlmoqchi) boʻlganda ham ragʻbatlantiruvchi intonemadan foydalanadi. Chunonchi: “Bu gap barchaga yoqib tushdi va hammalari bundayin fikr oʻz shuurlarida azaldan bor boʻlganligini, lekin bu qadar sodda hamda taʼsirchan tarzda oʻylab koʻrmaganliklarini, lozim boʻlsa, bundayin sodda yoʻsinda ifoda etolmasliklarini ham tan oldilar. Shuning uchun suhbatdoshlarning bari mamnun bir qiyofada, suhbatning nihoyasidan rozi boʻlib, yengil tin oldilar.

–Chizmalarni ertaga koʻrib chiqamiz chogʻi? - dedi Vositiy **“tursak ham boʻlar”, degan ohangda**” [3,78].

Biz biror narsani isbotlash, tushuntirish asnosida talaffuz qilgan (tarkibi orfoepik meʼyorlarga mos kelmaydigan) jummalarning barchasi ixtiyoriy intonatsiyaga misol boʻla oladi.

3) **hissiy intonemalar** soʻzlovchining hissiy holatini ifoda etishga xizmat qiladi, tuygʻulari(gʻazab, qoʻrquv, muloyimlik, qaygʻu, nafrat, befarqlik, xafagarchilik, shodlik, uyalish, ajablanish va h.)ni intonatsion vositalar bilan ifoda etadi.

Hissiy intonemalar insonning ruhiy kechinmalari bilan bogʻliq boʻlib, ularni ifodalashda mustaqil nutqiy birliklar(his-hayajon undovlari, ritorik soʻroqlar, undov gaplar va b.)dan foydalaniladi. Ammo bu belgilarni ifodalash uchun kommunikantga tegishli hissiy holatning mavjudligi nutq momentida shart boʻlmasligi ham mumkin. Har bir hissiy intonemaning oʻziga xos xususiyatlarini bilish muhimdir. Masalan, gʻazab intonemasi intensivlikning oshishi, pasayishi bilan tavsiflanadi; qaygʻu intonemasi ohangning kichik oʻzgaruvchanligini yuzaga keltiradi, bunda sintagmaning boshlanishi qizgʻin boʻlib, keyin intensivlik pasayadi yoki uzilib qoladi; befarqlik intonemasida ohang quruq, sovuq, pasaygan intensivlik, shuningdek, befarqlik holati xatti-harakatlardagi kabi intonatsiyada ham shunchalik aniqlanmagan mavhumlik seziladi. Xursandchilik intonemasida baland “sakrash” ohangi, koʻtarinkilikning davomiyligi, “yengil”, “iliq” tembr kuzatilsa, ajablanish intonemasida ovoz balandligi yuqoridan pastga qarab yakunlanadi va hayrat, hadiksirash holatlari bilan uygʻunlashib ketadi.

4) **ijobiy intonemada** ekspressiv ekspozitsiyalar, yoqimli hodisalar, chiroyli narsa-buyum, koʻrinish, tafsilotlarning (inson ruhiy holatiga mos)

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

salbiy bo'lmagan xususiyatlari intonatsion vositalarga ko'tarinkilik bag'ishlashga xizmat qiladi. Ushbu intonemalarning semantikasi idrok, sezgi, tasavvur kabi ruhiy jarayonlar bilan bog'liq. Ijobiy intonemalar orasida quyidagilar ajralib turadi: "katta" ("kuchli", "arzirli", "yuk bosadigan") ma'nolarga ega bo'lgan intonema ovozning past darajasi, ya'ni past chastotalar, hissiy uzunlik, sekinlashuv bilan xarakterlanadi: "kichik" ("kuchsiz", "yilt etgan", "miltiragan") ma'nolariga ega bo'lgan intonema baland ovoz bilan ifodalanadi (O'qishga kirdim!); "tez" ("shoshilinch" va h.) ma'nolariga ega bo'lgan intonema tezlashtirilgan sur'at bilan tasvirlanadi; "sokin" ("uzoq", "uzun") ma'nolariga ega bo'lgan intonema sekinlashgan, shiddati past uzunlik bilan ajralib turadi.

Xulosa. Inson nutqiy sharoitga qarab intonemaning barcha turidan unumli foydalana oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Артемов В.А. Речевая интонация// Сб. «Экспериментальная фонетика». Вып. №3. –Минск, 1971. –С. 201.
2. Yuldasheva D., Ashurbayeva R., Asadova Sh., Yusupova D. Use of an Integrative Research on the Education System.– Scopus: International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-4, November 2019.– P.7661-7664.
3. www.nabijaloliddin.uz "Oraliq" romani.
4. www.ziyouz.comkutubxonasi Тоҳир Малик Шайтанат (4-китоб).

**5-SHO‘BA:ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING
MILLIY YUKSALISH VA ILMIY TAFAKKUR
TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI**

**TIBBIYOT SOHASIGA OID PUBLITSISTIK
MATNLARDA METAFORALAR**

Abuzalova Mehriniso Qodirovna

filologiya fanlari doktori,

BuxDU O‘zbek tilshunosligi kafedrası professori

Axmadova Dilnura Ashraf qizi

BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA. Maqolada tibbiyot sohasiga oid publitsistik nashrlardagi metaforalar tahlilga tortilgan. Tibbiy metaforalarning o‘ziga xos xususiyatlari to‘g‘risida mulohaza yuritilgan.

Ma‘lumki, tibbiyot sohasi inson faoliyatining muhim sohalardan biri hisoblanadi. U boshqa ko‘plab sohalardan ancha oldinroq paydo bo‘lgan. Tarixiy ma‘lumotlarga ko‘ra, qadim zamonlarda yashagan ibtidoiy odamlar hali o‘zlari uchun turarjoy qurish, kiyim tikish va ovqat pishirishni bilmay turib, ba‘zi kasallik holatlarida o‘zlarini muolaja qilishni o‘rganib olganlar. Tabiiyki, buni ularning yashash sharoitlari taqozo qilgan. Chunki ibtidoiy odamlar uy-joysiz, o‘rmon va g‘orlarda yashab, ko‘p qiyinchiliklarni boshdan kechirganlar. Buninig natijasida har xil kasalliklarga duchor bo‘lganlar, hatto yirtqich hayvonlar bilan to‘qnashib, tan jarohatlari olganlar. Shu sababli ham bunday holatlarda kishilar kasallikdan qutilish va o‘zlarini davolashga intilganlar. Natijada dastlabki oddiy muolaja usullari kashf etila boshlangan. Bu to‘g‘risida tibbiyot asoschilaridan biri buyuk Hippokrat (Gippokrat) shunday deb yozgan edi: “Hayotninig o‘zi kishilarni tabiblik san‘atini izlab topishga majbur etgan” [3].

Keyinchalik, jamiyat taraqqiyoti natijasida asta-sekin tibbiyot sohasi ham rivojlana boshladi. Yuqorida ta‘kidlab o‘tilganidek, insonlarning hayotiy tajribalari asosida ko‘plab ilmiy tadqiqotlar, xususan, darslik va qo‘llanmalar yaratildi.

Shu bilan birga, O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, jamiyat hayotida katta o‘zgarishlar bo‘lgani kabi OAV tizimida ham tubdan

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yangilanishlar bo'ldi. Jumladan, jurnalistika sohasida o'ziga xos o'zgarishlar kuzatildi. Natijada publitsistikada tibbiyot sohasiga oid ko'plab ko'rsatuvlar (*“Salomatlik sirlari”*, *“TV-shifokor”*, *“O'zingni angla”*, *“Oydin hayot”*, *“Olam va odam”*, *“Tabiat mo'jizalari”* (“O'zbekiston” teleradiokanali), *“Sog'lom oila”*, *“Sog'lom avlod”*, *“Sog'lom hayot”* (“Yoshlar” teleradiokanali), *“Salomat bo'ling!”*, *“Salomatlik xazinasi”* (“Sport” teleradiokanali), *“Puls 1141”* (“Zo'r TV” teleradiokanali), *“Salomat bo'ling”* (“Buxoro” teleradiokanali) bilan bir qatorda, OAV nashrlari (*“DOKTOR PRESS”*, *“SHIFO-info”*, *“Tashxis”*, *“Salomatlik sirlari”*)ga ham keng o'rin berila boshlandi.

Bugungi kunda esa koronavirus infeksiyasi tarqalishiga qarshi kurashish davrida Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan aholini ijtimoiy himoya qilishni kuchaytirishga qaratilgan ko'plab qaror va farmonlarning e'lon qilinishi natijasida tibbiyot sohasi yanada jadallik bilan yuksalib bormoqda. Biz ham mana shu yuksalishga oz bo'lsa-da o'z hissamizni qo'shish maqsadida ushbu kichik tadqiqotimizni aynan tibbiyot sohasiga oid publitsistik matnlardagi metaforalar tadqiqiga bag'ishladik.

Ma'lumki, **metafora** [yun. metaphora – ko'chirish, ko'chim] - so'z yoki iborani o'xshashlik yoki o'xshatishga asoslangan ko'chma ma'noda ishlatish va shunday ma'noda ishlatilgan so'z yoki ibora; istiora, majoz (mas, *quloq* so'zining *dutorning qulog'i* birikmasidagi ma'nosi metafora asosida yuzaga kelgan) [5].

Shu bilan birga, ayrim tadqiqotchilar “metafora – o'xshatishning qisqargan shakli”, - degan fikrni ilgari suradilar [2, 4].

Tilshunos olim E.Qilichev ham o'z tadqiqotlarida metaforaga munosabat bildirgan. Biror predmet, belgi yoki harakatning nomini boshqasiga o'xshashligi asosida ma'no ko'chirishga metafora deyiladi. Bunda predmetlarning rangi, shakli, harakat-holati, xarakteri, o'rni va paytga munosabati jihatidan o'xshashligiga asoslaniladi. Masalan, *choynakning burni odamning burniga, dengiz qo'ltig'i odam qo'ltig'iga* o'xshatiladi [1].

“Infeksiyalar burun yoki og'izdan tushganda, bodomsimon bezlar ularni kutib oladi va ichkariga kiritmaydi. Natijada mikroblar shu bezga joylashib olib, kasallik qo'zg'ashni boshlaydi. Buning oqibatida himoyachi bo'lgan bodomchasimon bezlarning o'zi infeksiya o'chog'iga aylanadi” (“SHIFO-INFO” gazetasi, 31.10.2019, 8-bet).

Bilamizki, anatomiyada tirik mavjudotning yashashi uchun zarur bo'lgan moddalar ishlab chiqaradigan ko'p hujayrali a'zosi yoki shu a'zoning yallig'lanish natijasida shishgan, do'mboqchaga aylangan

holatiga nisbatan *bez* atamasi qo'llaniladi. *Bodomsimon* (yoki *bodomchasimon*) *bezlar* esa tashqi ko'rinishi jihatidan bodomga o'xshaganligi sababli ham xuddi shu nom bilan ataladi. Yana "*kutib olmoq*", "*ichkariga kiritmoq*", "*himoyachi bo'lmoq*" birikmalari ham metafora usulida hosil bo'lgan, chunki bunday birliklar ko'proq insonlar bilan bog'liq harakatlarni ifodalash maqsadida tilimizda faol qo'llaniladi. Shuningdek, "*infeksiya o'chog'i*" birikmasi metaforik birikma hisoblanadi. O'choq – orqa va yon tomonlari yopiq bo'lgan, ichiga o't yoqiladigan, ovqat pishirish uchun ustiga qozon o'rnatiladigan qurilma. Ko'chma ma'noda esa biror narsa paydo bo'ladigan, amalga oshadigan yoki tarqaladigan joy. Demak, *infeksiya o'chog'i* deganda, kasallik paydo bo'ladigan va tarqaladigan joy nazarda tutiladi.

Yuqoridagi misoldan ko'rinadiki, unda qo'llanilgan metaforalar matnning ta'sirchanligini oshirishga va hamma uchun tushunarli bo'lishiga xizmat qilgan.

"Miya qancha boy bo'lsa, tana shuncha sog' bo'ladi" (SHIFO-INFO gazetasi, 06.02.2020, 4-bet). *Boy* so'zi mol-dunyosi, davlati ko'p, badavlat odamga nisbatan qo'llaniladi.

"Qovoq uchishi, asosan, asab tolalarining shamollashi natijasida ham kelib chiqadi" ("SHIFO-INFO". 01.11.2018. 18-bet). *Uchmoq* fe'li qanot vositasida havoda harakatlanmoq, qanot qoqib, biror tomonga yo'nalmoq ma'nolariga ega. Matnda asab yoki boshqa ta'sir sababli qovoqning pirpirab titrashini ifodalash maqsadida ushbu metaforadan foydalanilgan.

Xulosa qilib aytganda, faqat nutqdagina voqelanadigan va shuning uchun ham nutqiy ko'chma ma'nolar deb yuritiladigan metaforalar tibbiyot sohasidagi publitsistik matnlarda ta'sirchanlikni oshiruvchi, o'zbek tilining milliy yuksalishini ta'minlovchi muhim vosita hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро – 2005.-Б.65.
2. Қобулжонова Г. К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2000. 5-б.
3. Qodirov A. O'zbekiston tibbiyoti. Darslik. T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 2004.-B.3.
4. Расулов Т. Истиора //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. 1-сон. 18-б.

**LEKSEMALARNING GENDER XUSUSIYATIGA
ASOSLANGAN ASSOTSIATSIYALAR QIYOSI**

(A.Oripov va E.Vohidov ijodi misolida)

Abuzalova Mehriniso Qodirovna,

filologiya fanlari doktori, BuxDU O'zbek tilshunosligi kafedrasida professori

Nurboyeva Maftuna Vahobjon qizi,

BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA. Maqolada E.Vohidov va A.Oripov ijodidagi gender xususiyatga asoslangan assotsiatsiyalar va ularning spetsifikasi tahlil qilinadi.

Insonning olamni idrok etishi va uni tilda aks ettirishi muammosi tahlilida til egalarining lisoniy ongi, tafakkuri, xotira imkoniyatlari, lisoniy ongida jamlangan leksik birliklar zaxirasi, leksik zaxiradagi birliklarning o'zaro munosabati kabilarni tekshirish assotsiativ tilshunoslik sohasida muhim o'rin tutadi. Shuningdek, leksik zaxira ko'lami va sifati insonning tafakkur darajasini belgilab bersa, uning tarkibi egasining gender belgisini ham namoyon qiladi.

Hozirgi kundagi gender muammosiga oid tadqiqotlarni V.A.Kirilina ikki yo'nalishga ajratadi[2]: 1. Gumanitar fanlar doirasida gender muammosi. Bunda sotsiologiya, psixologiyada o'rganilgan tadqiqotlar tilshunoslik uchun asos bo'ladi. Genderning kategoriya sifatidagi va antologik maqomi o'rganiladi.

a) gender tahlilining umumilmiy prinsiplari.

- gender – madaniyat va jamiyat taraqqiyotining hosilasi bo'lib qiyosiy xarakterga ega; konvensional mohiyat sifatida tan olinadi;
- gender boshqa sotsiomadaniy konstruktlar kabi o'zgaruvchidir;
- gender umumilmiy kategoriyadir; har bir fan doirasida genderning o'ziga xosligini va qaysi metodlar yordamida o'rganilishini e'tiborga olish kerak.

b) gender tahlilining lingvistik prinsiplari.

- gender kommunikativ muloqotning muhim mezoni sanaladi;
- genderning madaniy simvolik tabiati gender bilan bog'liq o'xshatishlarning yuzaga kelishiga olib keladi;

• til va kommunikatsiyalarning gender aspektlarini o`rganish uchun lingvistik metodlar qo`llaniladi. Umuman tilshunoslikda qo`llanilayotgan (sotsiolingvistik, psixolingvistik, lingvomadaniyatshunoslik va boshqa) metodlar foydalaniladi.

2. Lingvistik genderologiya yoki gender lingvistikasi muammosi. Gender lingvistikasi – ilmiy yo`nalishdagi gender tadqiqotlari tarkibiga kirib, lingvistik tushunchalar yordamida genderni o`rganadi.

Bundan tashqari, lingvistik genderologiya har qanday yangi yo`nalish kabi o`ziga xos qirralarga, ya`ni tushunchalar apparati kategoriyalari aniq shakllanmagan yangi yo`nalishdir. Bu yangi yo`nalish o`ziga xos tadqiqot usullari va metodlarining shakllanish jarayonidadir. Shu bilan birga tilshunoslik ilmiy maydonidagi olimlar lingvistik tadqiqotlar metodlaridan hamda, sotsiolingvistika, psixolingvistika va boshqa gumanitar fanlar (lingvistika, tarix, adabiyotshunoslik va boshq.) metodlaridan foydalanishyapti.

Biz ishimizda, asosan, nutqning gender xususiyatlari va gender assotsiatsiyalar haqida fikr yuritib, misollar keltiramiz. Avvalo, tahlil uchun tanlangan she`rlardagi lirik qahramonning gender xususiyatini aniqlab olamiz. Biz ijodini tahlil qilayotgan har ikki ijodkor kuchli jins vakili bo`lganligidan aksariyat she`rlarining lirik qahramonlari ham shu jinsga mansub. Shu sababdan ham stimul so`z(sarlavha) ta`sirida erkak jinsiga tegishli assotsiatsiyalar hosil bo`ladi.

Dastavval, atoqli shoiramiz Zulfiya ijodiga oid -- ayol va erkak jinsining gender xususiyatlari aks etgan ajoyib bir she`rini keltirib o`tamiz:

Sening maftuning

*Yaxshiki, yigitda er yuragi bor,
U sevsa, hech qachon yonmas yashirin.
Sevging to`g`risida o`zing ochding so`z,
Ey ko`zi qop-qora, so`zlari shirin!
Mening sevganimni hali bilmasding,
Tanho o`rtanishdan men oldim lazzat.
Dilimni kemirgan muhabbat sirin,
O`zim ardoqladim, ham qildim izzat.
Qalbinga yozilgan muhabbat so`zi,
O`yimni chulg`adi mening har minut.
Lekin ishondimki, sen so`z ochmasang,*

MILLIY YUKSALISH MEZONI

*Shu dardda o`lsam ham etaman sukut.
Hatto bilmas edim: sevarmiding sen,
Balki, sevganingdir bir baxtiyor qiz.
Balki, xayolingdan men behad yiroq,
Ammo sen dilimda kecha-yu kunduz..
Faqat o`yladimki, uyatdir qizga
Yigitga sevgisin aylasa izhor.
Bu dog' solar dedim qizning husniga,
Endi ilojim yo`q bo`lmayin iqror.
Uzoq men axtardim, ammo o`zimda
Bir kuch topolmadim sevgidan ustun!
Men seni sevaman, sehrigar yigit,
Butun borlig'im-la men senga maftun...*

She'r matnidan ham anglashyaptiki, qarama-qarshi jins vakillariga xos xususiyatlar, odatlar ham bir-biriga zid. Ularning aynan bir voqelikka munosabatlari ham turfa. Erkak va ayol nutqidagi leksemalarni qiyoslab o`rgangan tilshunoslar kuzatishicha, tildagi yangilanish jarayonlari ayollarga nisbatan erkaklar tomonidan tez qabul qilinib, ilmiy va kasb-hunarga oid yangi leksemalar erkaklar nutqida ko`proq va faolroq qo`llanilar ekan[4].

Aytish mumkinki, bir jinsga mansub bo`la turib ham stimuly so`z asosida yuzaga chiqqan assotsiatsiyalar turlicha bo`lishi mumkin. Erkin Vohidov va Abdulla Oripov ijodining ham aynan shu jihatiga e'tibor qaratishga harakat qildik. Xususan, Erkin Vohidovning „Visol sog'inchi“ she'rining matni bilan tanishganimizda shu holatning guvohi bo`ldik:

Visol sog'inchi

*Yor vaslini sog'insam,
Sayr etaymu bog'-rog',
Bog'-rog' sayr etganimdan
Ko`nglim o`lmas chog'rog'.
Xushlamas hijronda ko`nglum
Lolazor saylini ham.
Chunki bag'rim lolalarning
Bag'ridan ham dog'rog'.
Gar sog'imchim sharhin aytsam
Yondirar Farhod o`zin,*

*Yo ochay, Majnunga dardim
Ul-ku mendan sog'rog'.
Dardlashurga do'st qani-u,
Dillashurga yor qani,
Topganim ul oshnoroqdir,
Bul esa o`rtog'rog'.
Intizorlik dardin, Erkin,
Haddi yo`q, poyoni yo`q.
Yor ozor topmasin deb
Men qo`sharman "rog'-rog'".*

She'r matnidan uning muallifini bilmay turib ham satrlar erkak kishi qalamiga mansub ekanligi ayonlashmoqda. She'rdagi "yor", "intizorlik dardi", "hijron", "sog'inch" assotsiatlari umumjins so'zlar hisoblansa, "yor vasli", qolaversa, "Farhod", "Majnun" kabi talmeh san'ati na'munalari erkak kishiga xos assotsiativ leksemalardir. Shoirning "Sevgi otashi" she'rida ham ushbu holatni kuzatamiz:

Sevgi otashi

*Qon emasdur jism aro ul,
Shu'lasidur ishq o'tin,
Mo'y emasdur tan uza bul,
So'xta jonimdan tutun.
Bilmadim, ul otash ichra
O'rtanib bo'lgumado
Yo samandardek chiqarman
O't arosidan butun.
Mumkin ermas xas ichida
Cho'g'ni pinhon aylamak,
Ishq solib jismimga yong'in,
Oshikor o'ldi bukun.*

*Ishqu hajr olamga meros,
Bo'yla merosdur azal
Bizga Farhodan fidolik,
Bizga Majnundan junun.
Ishq bir oftobdur munavvar,
Zarradan Zuhro qadar –
Ul quyoshning tebrasida
Aylanurlar besukun.
Yor sevib, olding sen, Erkin,
Bu jahondin ko'p saboq,
Bundan ortiq qayda maktab,
Qaydadir dorilfunun?*

Anglashilyaptiki, ushbu she'rda ham „ishq o'ti“, „hajr“, „yor“, „otash“ kabi umumjins assotsiatsiyalari; „samandar“ va yuqoridagi she'rda qo'llangan talmehning aynan o'zi ishlatilgan.

Abdulla Oripov ijodida esa bu holat biroz o'zgacha. Ya'ni bu ijodkor shu mavzuga hamohang she'rlarida ma'shuqani tasvirlashga ko'proq o'rin beradi. Bu esa, o'z navbatida, she'rda gender xususiyatining yorqinroq namoyon bo'lishiga hissa qo'shgan. Jumladan, shoirning „Noma'lum qiz suratiga“ deb nomlangan she'rida fikrimiz isbot topadi:

Noma'lum qiz suratiga

*Sen chindan ham go'zalsan,
Lablaring ol, qirmizi...
Sochlaringga sunbul band,
Ko'zlaring tong yulduzi.*

*Sen chindan ham go'zalsan,
Huzuringga keldim bot.
Yolboraman, tush pastga,
Yolboraman, parizod...*

Aytish mumkinki, she'r to'laligicha erkak kishiga xos, gender bo'yoqli assotsiatlardan tashkil topgan. Xususan, „go'zalsan“, „lablaring ol, qirmizi“, „sochlaringga sunbul band“, „ko'zlaring tong yulduzi“, „yolboraman“,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“parizod” kabi assotsiatlar faqat erkak kishi nutqiga xos bo`lib, ayollarga qarata ishlatiladi. Bundan tashqari, shoirning “Sizni uchratguncha..” she`rida ham shu holat kuzatiladi:

Sizni uchratguncha

Qay fursat men sizni ko`rdim banogoh,	Hech kimni hayratga solmas hech qachon,
Endi zarra hijron dilimni g`ashlar.	Mening yoningizda yo`g`im yo borim.
Buncha yarashmasa o`zingizga, oh,	Yo falak, shuncha yil kezibman sarson
Munis tabassum-u ma`yus qarashlar.	Sizni uchratguncha, erka dilbarim...

Mazkur she`rdagi “munis tabassum”, “ma`yus qarashlar”, “erka dilbarim” assotsiatlari ham erkak nutqiga xos bo`lib, ayollar nutqida ishlatilmaydi.

O`zbek tili grammatikasida rod kategoriyasi bo`lmasa-da, erkak va ayol nutqida juda ko`p tafovutlar bor. Tilning jinsga ko`ra xoslanishi ayon fikr deyishingiz mumkin. Lekin nutq bir jins doirasida ham farq qilishini yuqoridagi misollarning o`zi aytib turibdi. Erkin Vohidov ijodida umumjins assotsiatsiyalaridan tashqari, oshiqning iztiroblari, holatini aks ettirishga yo`naltirilgan gender bo`yoqli assotsiatlar uchrasa, Abdulla Oripov ijodida ma`shuqaning ta`rif-u tavsifi asosida erkak nutqiga xos assotsiatlar qo`llanilgan. Bu holatni esa har bir ijodkorning mavzuga o`ziga xos yondashuv uslubi, fikrlash tarzi va tafakkurga ega ekanligi bilan izohlash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. -9-10 б.

2. Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах// Гендерные образование в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 24-25 июня 2003 г. – Иваново: Иван.гост.ун-т, 2003. –с.с.132-138.

3. Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Т.: Академнашр. 2014. – 284 б.

4. Потапов В.В. Многоуровневая стратегия в лингвистической гендерологии // Вопросы языкознания. 2002, 1, С.103-130.

ЎЗБЕК ШЕВАШУНОСЛИГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ахмедов А,

БухДУ доценти, ф.ф.н.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ареалогия, ареал лингвистика, лингвистик география тушунчалари ҳақида ҳамда ареал тилшунослик тарихи ҳақида маълумот берилган. Бу соҳада кўпгина туркий тиллар шеваларининг лингвогеографик ва ареал тадқиқотлари келтириб ўтилган.

Ўтган асрнинг охирларига келиб, ўзбек диалектологияси ўзининг янги босқичини (географик ёки ареалогик лингвистика) бошлади. Ҳар бир воқеа, ҳодиса ва бирликларнинг бошланиши ҳамда давоми бўлгани каби ўзбек шевашунослигининг ҳам мантиқий давоми ареал тилшунослик сифатида юзага келди. Аввало, ареалогия, ареал лингвистика, лингвистик география тушунчалари борасида тўхталиб ўтамиз.

Ареалогия (лот. are – майдон, ҳудуд оддан ясалган сифатнинг юнонча *logikos* – сўз, тушунча, таълим сўзи билан бирикишидан ҳосил бўлган қўшма сўз) маълум бир ҳудудда маълум бир ҳодисаларнинг (ўсимлик, ҳайвонот, ер қатлами, ер ости ва ер усти бойлиллари, аҳоли ҳамда уларнинг тили ва бошқалар) тарқалиш хусусиятларини ўрганишга оид фан бўлиб, бир неча фанларда (жумладан, ботаника, зоология, геология, этнография, филология ва бошқалар) ареалогик йўналиш шаклида мавжуддир. Шунинг учун муян фанларда бу тушунча (ареал лингвистика (тилшунослик), ареал ботаника, ареал геология ва бошқалар) ўз аксии топган.

Ареал лингвистика лисоний ҳодисаларнинг маълум ҳудудларда тарқалиши ва шу асосда тиллараро алоқаларни ўрганувчи йўналишдир. Ареал лингвистика тушунчаси ва атамаси Маттео Жулио Бартоле (1873-1946. Италиялик тилшунос) томонидан XX асрнинг 40-йилларида тилшуносликка киритилган бўлса-да, аммо ареалогик тадқиқотлар ўзининг узоқ тарихига эгадир. Фақат XX аср бошларида тиллар билан боғлиқ ҳудудий масалаларни ўрганувчи йўналиш ареал лингвистика эмас, **лингвистик география** ёки **географик лингвистика** атамаси остида машҳур эди. Бу масала

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

проф. А.Шерматовнинг Тошкентда «Фан» нашрети томонидан 1981 йилда чоп этилган 40 бетлик «Лингвистик география нима» рисоласида ёритилган.

Лингвистик география муаммоларининг XVIII-XX боши тилшунослари, асосан, икки йўналишда кўпроқ шуғулланганлар:

1. Тилшуносликда кенг тарқалган **шевашунослик** (диалектология);

2. Тилларнинг таснифи жараёнидаги **географик** тушунчалар (тилларнинг тарқалиши ва қўлланилиш ҳудудлари).

Лингвистик география (лотинча *lingua* — тил ва *geographie* сўзларидан олинган) тилшунослик фанининг ҳар бир алоҳида тил ҳодисаси тарқалиш чегарасини аниқлайдиган соҳаси бўлиб, унинг ҳам асосий текшириш объекти диалектология сингари диалект ҳисобланади. Чунки диалект тарихан таркиб топган территориал birlikдир.

Туркийшуносликка оид бизгача етиб келган илмий асарларга диққат қаратадиган бўлсак, бу борада жуда катта ютуқлар амалга оширилганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур “Девону луғотит турк” асарида туркий тиллар (шевалар) борасда сўз борганда, «Румдан Чингача» (Кичик Осиёдан Хитойгача) бўлган ҳудудда (геграфик) тарқалган туркий тил birlikлари ва уларнинг таснифлари ҳақида маълумот берилади.

XX асрга келиб ўзбек тилшунослигининг ажралмас тармоғи ҳисобланган ўзбек диалектологияси соҳасида қатор тадқиқотлар майдонга келди. Кўпгина ўзбек шевалари ва диалектлари структураси комплекс равишда ўрганиб чиқилди. Шевалар тадқиқотида асосан тасвирий, қисман экспериментал ва қиёсий-тарихий методлар қўлланилиб, баъзи шевалар атласи устида текшириш ишлари олиб борилди.

Ўзбек тилшунос олимлари Е.Д. Поливанов, Ғ. Олим, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, В.В. Решетов, Ш.Ш. Шоабдурахмонов, А. Ғуломов, С.Иброҳимов, Ф. Абдуллаев, М. Мирзаев, А. Алиев ва уларнинг шогирдларининг ўзбек шевалари юзасидан олиб борган бир қатор илмий изланишларида ўзбек диалектологиясининг лингвогеографик ва ареал тадқиқоти учун манба яратилди.

Ўзбек диалектларида умумтуркий изоглоссалар мавжудлигини дастлаб 1930 йилларда професор Е.Д. Поливанов кўрсатиб ўтган эди.

Профессор В.В. Решетов ўзбек шевалари диалектологик атласи тузиш принципларини белгилаб қурама ўзбек шеваларининг 49 та лингвистик картасини тузди. Бу карталар негадир ҳозиргача нашр қилинмади.

Алишер Навоий номидаги ФА Тил ва адабиёт институтининг ўзбек диалектологияси бўлимида Ш. Шоабдурахмонов бошчилигида Тошкент вилояти шевалари атласи тузиш ишлари олиб борилди.

1970 йилларда қуйи Қашқадарё шеваларн атласи яратилди.

Туркий тиллар атласни яратишга тайёргарлик ишлари эса ниҳоясига етган бўлса-да, аммо ҳалигача ушбу атлас тўлалигича тузилган эмас. Лекин бу борадаги ишлар тўхтаб қолган эмас. Чунончи, кўпгина туркий тиллар шеваларининг лингвогеографик ва ареал тадқиқоти устида илмий текшириш ишлари муваффақиятли олиб борилган

Бунда ўз-ўзидан саво туғилади «Лингвистик география тилшунослик тадқиқотларида (узоқ анъанага эга бўлса) нима учун ХХ асрнинг ўрталарида ареал лингвистика тармоғи ривожланиб, нисбатан тез ва кенг оммалашди»? Бунинг сабаби шундаки, ареал лингвистика диалектологиядан фарқ қилувчи лингвистик ареалогик тадқиқ методидан фойдаланади ва диалектологиядан ҳам, лингвистик географиядан ҳам фарқли бўлган мақсадни кўзлайди. Лингвистик география (ёки географик лингвистика) ва диалектология ҳамда ареал лингвистика (ёки лингвистик ареалогия) тилшунослик фанининг айни бир тармоғининг турлича номланиши эмас, балки серқирра ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлган инсон тилининг турли томонларини турли хил усуллар (методлар) билан ўрганувчи тармоқдир.

Юқорида келтирилган тушунчалардан кўриниб турибдики, ареал лингвистика ва лингвистик география туркийшуносликда бир тушунча сифатида қўлланилмайди. Аммо туркийшуносликда бу тушунчани ўзаро вариант сифатида тушунувчилар ҳам бор.

Ареал лингвистика тадқиқ материали, усуллари билан Ўзбек диалектологияси, Ҳозирги ўзбек тили, Туркий филологияга кириш, Ўзбек тили тарихи каби ўқув фанлари билан узвий боғлиқ. Шунинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

учун бу фанларини ўзлаштирмай туриб, ареал лингвистика фанини мақсадини англаш, мазмунини уқиш ва ўзлаштириш ҳамда ундан илмий-амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Баён қилинган фикрлардан кўриниб турибдики, гарчи ўзбек шевашунослиги ўз олдига қўйган дастлабки мақсадларга эришган бўсада, аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагинадир. Жумладан, лингвистик хариталар тузиш ва ўзбек лингвистик аталасини яратиш тилшунослигимизнинг бу кунги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Решетов В.В. О диалектологическом атласе узбекского языка. “Тезисы докладов II регионального совещания поддиалектологии тюркских языков”, Казан, 1958.

2. Жирмунский В.М. О некоторых проблемах лингвистической географии. — «Вопросы языкознания», 1954, № 4

3. Покровская Л. А., Севортян Э.В. О подготовке диалектологического атласа тюркских языков Советского Союза. — «Вопросы языкознания», 1966. № 3

СЕМАНТИК РАЗМЕТКАНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ахмедова Дилдора Баҳодировна

БухДУ докторанти

Жўраев Қўлдош Исматулло ўғли

БухДУ магистранти

АННОТАЦИЯ. Мақолада семантик разметка ҳақида маълумот келтирилиб, бу борада рус ва Европа тилшунослигидаги ёндашувлар, семантик тегларнинг номланиши ва вазифалари, аҳамияти ҳамда имкониятлари атрофлича тавсифланган.

Семантик тег (рус., разметка) – тил корпусларидаги сўз ёки сўз бирикмасининг маълум бир семантик категория ёки ундан ҳам кичикроқ семантик гуруҳ (ЛСГ, семантик майдон ва тўда)га мансублигини билдирувчи, маънони махсуслаштирувчи белги,

изоҳлар мажмуи. Корпуснинг семантик теглари сўз маъно(лар)и спецификаси, сўзнинг омонимлик, синонимлик билан боғлиқ изоҳлар мажмуини тузиш, сўзни категориялаш, унинг мавзувий гуруҳ, ЛСГ, семантик майдонга мансублигини белгилаш, деривацион характеристикаси, аташ маъноси каби белгиларни қамраб олади.

Семантик разметка – мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилган масала. Тил корпусларининг дастлабки авлоди электрон матнлар йиғиндиси бўлса, ундан кейин сўровга жавоб берувчи интерфейс билан ишловчи восита, кейинчалик лингвистик ва экстралингвистик разметкаланган том маънодаги корпуслар бўлиб шаклланди. Лингвистик разметкаланган корпуслар дастлаб фақат морфологик, кейинроқ морфо-синтактик, охирги йилларда эса лингвистик разметканинг мукамал кўриниши – морфологик, синтактик ҳамда семантик разметкага эга корпус ривожланиш босқичини бошдан кечирди. Корпусга семантик разметка олиб кириш дастлаб назарий жиҳатдан асосланди, семантик разметка муаммолари тадқиқ қилинди. Ю.Д.Апресян, И.М.Богуславский, Б.Л.Иомдин, Е.В.Биряльцев, А.М.Елизаров, Н.Г.Жильцов, В.В.Иванов, О.А.Невзорова, В.Д.Соловьев, И.С.Кононенко, Е.А.Сидорова, Е.И.Яковчук, Е.В.Рахилина, Г.И.Кустова, О.Н.Ляшевская, Т.И.Резникова, О.Ю.Шеманаева, А.А.Кретовларнинг тадқиқотларини шундай ишлар сирасига киритиш мумкин. Қуйида ушбу тадқиқотларнинг семантик разметка муаммолари ёритилган диққатга молик жиҳатларига тўхталамиз.

М.Ю.Загоруйко, И.С.Кононенко, Е.А.Сидорованинг “Система семантической разметки корпуса текстов в ограниченной предметной области” мақоласи семантик разметка тамойиллари, матн семантик разметкаси архитектураси, разметкаланган корпусдан фойдаланиш, корпус атамалар луғатини тўлдириш, семантик-синтактик гипотезалар таҳлилига бағишланган.

Ю.Д.Апресян, И.М.Богуславский, Б.Л.Иомдин “Синтаксически и семантически аннотированный корпус русского языка: современное состояние и перспективы” мақоласида мавжуд семантик разметкаланган корпуслар қиёсий таҳлил қилиниб, муштарак ва фарқли ўринлар кўрсатилган.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

И.С.Кононенко, Е.А.Сидорованинг “Система семантической разметки корпуса текстов как инструмент извлечения экспертных знаний (на материале текстов по катализу)” мақоласида семантик разметкаланган матндан маълумотни ажратиб олиш йўли ва усуллари, интерфейс имконияти очиби берилган.

Е.В.Биряльцев, А.М.Елизаров, Н.Г.Жильцов, В.В.Иванов, О.А.Невзорова, В.Д.Соловьевнинг “Модель семантического поиска в коллекциях математических документов на основе онтологий” мақоласида семантик коллекция моделлари, онтологияга асосланган моделлаштиришнинг афзалликлари баён этилган.

П.В.Желтов “Семантическая разметка национального корпуса чувашского языка” мақоласида Чуваш тили миллий корпуси семантик разметкаси ҳақида сўз юритади. Хусусан, чуваш тили миллий корпусида ишлатиш мумкин бўлган семантик теглар мажмуи тавсифланади. Олимнинг фикрича, ушбу лексик тасниф универсал тасниф саналиб, исталган тилда қўлланиши мумкин. Корпус луғатининг амалий аҳамияти қидирув-сўров сифатини яхшилаш олишида; фойдаланувчига қулайлик яратишида кўринади. Унинг фикрича, семантик тасниф ва разметка бирор-бир дастурлаш парадигмасига мўлжалланган бўлиши керак.

Т.И.Резникова, М.В.Копотевларнинг “Лингвистически аннотированные корпуса русского языка (обзор общедоступных ресурсов)” номли мақоласи рус тилидаги бир неча корпуслар: Рус тили миллий корпуси (НКРЯ), Рус тилининг Тюбинген корпуси, Газета матнлари корпуси, ХАНКО корпусининг лингвистик разметкаси, уларнинг имконияти ва ўзига хослиги таҳлилига бағишланган.

А.А.Кретов “Анализ семантических помет в НКРЯ” номли мақоласида Рус тили миллий корпусида семантик разметканинг аҳамиятини атрофлича изоҳлайди. Унинг фикрича, Рус тили миллий корпуси семантик разметкаси энг камида икки жиҳатдан амалий аҳамиятга эга: тилшунос ва тилшунос бўлмаган мутахассиснинг кундалик эҳтиёжига жавоб беради (1); тилшуноснинг тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилади (2). Биринчи эҳтиёж, одатда, кроссворд ихлосмандалари томонидан ишлатилади: улар сўралган мазмунни ифодаловчи сўз ёки сўзлар гуруҳини қидиришади. Бунда

фойдаланувчи корпусдан ўзига керакли мазмунни ифодаладиган сўзни (синонимик қатор, гипо-гиперонимик қатор, антоним, семантик майдон, ЛСГ ва ЛСМ) имкон қадар кўпроқ топа олиши керак. Қидирувнинг иккинчи хили лексиколог томонидан амалга оширилади: у корпус асосида лексикани типологик, диахрон жиҳатдан тадқиқ этади. Рус тили миллий корпусининг илмий ва амалий аҳамияти замонавий рус тили лексик-семантик системасини тавсифлашдан иборат экан, демак, семантик изоҳлар тизими ҳам шу талабга жавоб бериши лозим.

НКРЯ семантик теглар тизимида ҳар бир тег 3 тадан 7 тагача изоҳдан иборат бўлади. Бу теглар бирликни бутун-бўлак муносабатида, семантик майдон, лексик-семантик гуруҳ ва тўда; марказ, қуршов доирасидаги ўрнини белгилашига қараб ўз номланиши, вазифасига эга бўлади. А.А.Кретов тегларни константа, оператор-классификаторга ажратади. Семантик разметка теглар тизимини мисол асосида ўрганамиз: *Sp t:constr* *бино ва иншоот (уй, чордоқ, кўприк)*. Ушбу теглар тизимида *Sp* константа, *t:constr* эса классификатор.

Рус тили миллий корпусининг тузилиши, хусусияти, аҳамияти, лингвистик разметкаси ва имкониятлари ҳақида кўп сонли тадқиқот олиб борилган. Рус тили миллий корпуси тажрибасини ўрганиш у билан амалий жиҳатдан ишлаш, тадқиқотларни ўрганиш асосида амалга ошади. Шундай тадқиқотларда корпуснинг семантик разметкаси атрофлича тавсифланган, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар, Рус тили миллий корпуси, Чуваш тили корпуси, Қалмиқ тили миллий корпуси, Бошқирд тили корпуси семантик разметкасини таҳлил қилиш асосида семантик разметканинг умумий характеристикасини бериши билан аҳамиятли.

Рус тили миллий корпусида матн разметкаси А.Е.Поляков томонидан яратилган Semmarkup дастури ва Корпус семантик луғати воситасида амалга оширилади. Шунингдек, Корпус интерфейсида лексик-семантик изоҳлар тизими; қидирувнинг асосини ташкил қилувчи, фойдаланувчи томонидан ишлатилувчи асосий семантик категориялар тизими мавжуд. Ушбу белгилар мажмуидан ўзбек тили семантик разметкаси теглар мажмуи ва корпус семантик қидирув

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

интерфейсини яратишда фойдаланиш мумкин. Тўғри, улар рус тили хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган, аммо ушбу тажриба асосида ўзбек тилига хос семантик теглар тизимини яратиш мумкин. Барча корпусларда семантик теглар мажмуи умумқабул қилинган шаклда – инглиз тилида ёзилган.

Ўзбек тили корпуслари семантик разметка тамойиллари ҳақидаги бирорта ишга дуч келмадик. Аммо Ш.Хамроеванинг айрим тадқиқотларида семантик майдон, тўда ва гуруҳ таснифларининг семантик разметка тизимини яратишдаги ўрни ҳақида айрим қайдлар мавжуд.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, семантик разметка тизими разряд, лексик-семантик характеристика ҳамда деривацион тавсифдан иборат. Лексик-семантик теглар таксономия, мереология, топология, каузация, баҳо майдонлари бўйича гуруҳланади. Шу билан бирга, корпусда семантик разметкани амалга ошириш учун унга асос бўладиган база керак бўлади; бу базалар турли лингвистик таъминот, луғат, махсус ишланган тизимлар кўринишида мавжуд бўлади. Семантик разметка тизими сўз ясаши билан боғлиқ морфо-семантик сўз ясаши белгилари, ясаши асосининг қайси туркумга мансублиги, ясалманинг лексик-семантик (таксономик) типи, сўз ясашининг морфологик типи каби бир неча изоҳларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Апресян Ю.Д., Богуславский И.М., Иомдин Б.Л. и др. Синтаксически и семантически аннотированный корпус русского языка: современное состояние и перспективы // Национальный корпус русского языка: 2003-2005. – Москва: Индрик, 2005. – С.193-214.

2. Биряльцев Е.В., Елизаров А.М., Жильцов Н.Г., Иванов В.В., Невзорова О.А., Соловьев В.Д. Модель семантического поиска в коллекциях математических документов на основе онтологий // Труды 12 й Всероссийской научной конференции “Электронные библиотеки: перспективные методы и технологии, электронные коллекции” – RCDL’2010. – Казань, 2010. – С.296-300.

3. Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – 161 с. – С. 48-49.

ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKNING MILLIY YUKSALISH VA ILMIY TAFAKKUR TARAQQIYOTIDAGI O'RNI

Muborak Asadova Fayzulloyevna
Romitan tuman xalq ta'limi bo'limi
ona tili va adabiyot fanlari metodisti

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada tilning sofliğini saqlash, o'zga tillar bilan aralashtirmay so'zlash, adabiy til me'yorlariga rioya qilgan holda rasmiy davralarda, jamoat joylarida o'zaro muloqotga kirishish ona tilimizga hurmatning go'zal ifodasi ekanligi xususida fikr yuritiladi.

Til har bir xalqning oliy qadriyatidir. Jahon tajribasidan ma'lumki, o'z tiliga ega bo'lgan millatning o'tmishi buyuk, kelajagiga ishonchi mustahkam bo'lgan. Zero, o'z ona tilida so'zlashish, o'qish, ta'lim olish kishida milliy o'zlikni anglash tuyg'ularini shakllantiradi. Biz ham shonli tarixi, nodir va noyob madaniy boyliklari tuganmas xazina kabi bo'lgan merosimizni o'zbek tilida o'rganish, bundan iftixor etish baxtiga musharrafmiz. Biroq bu baxtga erishishimiz oson kechgan emas.

Ko'pchilik Alisher Navoiyni o'zbek tilining asoschisi deb e'tirof etadi. Holbuki, til Navoiydan ilgari ham mavjud edi hamda til bir kishi tomonidan yaratiladigan narsa emas, balki keng ijtimoiy hodisa sanaladi.

Faqat o'zbek tili ilk bor hazrat Navoiy zamonlarida davlat tili darajasiga ko'tarilgan bo'lsa va shu asnoda ulug' ijodkor mir Alisher o'z asarlari bilan turkiy tilning ifoda imkoniyati fors hamda arab tillaridan qolishmasligini isbot qildi. Navoiyning yakka o'zi fors tojik adabiyotida X-XV asrlarda yaratilgan asarlarda va shuhrat qozongan badiiy ilmiy janrlarning barchasida – "Mufradot"dan "Xamsa" gacha, maktublardan iqtisodiy siyosiy hujjatlarga, xotiralardan ilmiy nazariy asarlarga, falsafiy va diniy mazmundagi ijod namunalarigacha benazir shoh asarlar yaratib o'z ona tili imkoniyatlari barcha janr, uslub va mavzu talablarini to'la qonli qondira olishini ko'z-ko'z qila oldi. Mutafakkir olim ona tilini rivojlantirish sohasidagi xizmatlarini tilshunoslikka bag'ishlab 1499-yilning dekabrda yozilgan "Muhokamat-ul lug'atayn" asarida ifodalab, o'zi turkiy deb atagan tilning ichki imkoniyatlari jihatidan fors tilidan ustun ekanini, ko'pgina xususiyatlari bilan esa o'sha davrda tengsiz va muqaddas

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

sanalgan arab tili bilan tenglashishini nazariy asoslab, asarlari orqali amaliy natijasini namoyon eta oldi.

XX asr boshlarida jadid namoyondalari tomonidan ko'plab turkiy xalqlarda bo'lgani kabi o'zbek xalqining milliy adabiy tili masalalari siyosat darajasiga ko'tarildi.

Yagona umumturkiy til fikri bilan "Ulfat" gazetasining muharriri Abdurashid Ibragimov chiqdi. Bu taklifni Bog'chasaroyda chiqadigan "Tarjimon" gazetasi orqali Ismoil Gaspirali yoqlab chiqdi. 1906-yilda o'tkazilgan Butunrus musulmonlarining III Qurultoyida ham turkiy xalqlarning "yagona turkiy til" masalalari ko'rildi. Ammo tillarning grammatikasidagi o'ziga xosliklari, lug'at tarkibidagi turlichaliklar bunga yo'l bermasdi. "Oyina" jurnalida "Bizning ayni vaqtdagi yagona vazifamiz til muammolarini hal etishdir", – degan mazmundagi turli maqolalar chiqarildi.

Bu borada Buxoriy yagona adabiy til sifatida fors tilini taklif etdi. Ilg'or fikr egalari adabiy tilni isloh qilish, xalqqa tushunarli tilda yozish masalasini ko'rib chiqishdi. 1918-1920-yillarda xalq ta'limi tizimida boshlang'ich sinflarda, maktablarda o'zbek tili o'rgatilishi taklifi berildi. Yangi yagona adabiy til shakllanmaganligi sababli "adabiy tilni xalqqa yaqinlashtirish" shiori ostida har bir hudud vakili o'z mahalliy shevasi xususiyatlarini yozma adabiyotga olib kirishni tushunar edi. Shuning uchun bu davrdagi adabiyotda, ayniqsa, publitsistikada yagona til haqida gap-so'z bo'lishi mumkin emas edi. 1930 yilga kelib hozirgi o'zbek tili me'yorlashtirildi.

Sobiq Sho'rolar Konstitutsiyasida Ittifoqdagi barcha elat, xalq, millatlar va ularning tillari teng huquqli ekanligi ta'kidlangan bo'lsa ham, lekin amalda rus tili davlat tili edi. Barcha ish qog'ozlari, pochta, telegraf ishlari, turli darajadagi yig'ilishlar, qurultoylar, simpoziumlar rus tilida olib borilardi. Rus tilini bilmaydigan shaxslar uzoqdagi qarindosh-urug'lariga, tanish-bilishlariga oddiy bir telegramma ham jo'nata olmas edilar. Bunday holat rus tilidan boshqa tillar qo'llanish doirasining cheklanishiga olib keldi va bu til vakillarining haqli ravishda noroziligiga sababchi bo'ldi.

1988-yildan boshlab o'zbek ziyolilari ham matbuotda o'zlarining qator maqolalari bilan tilimiz haq-huquqini tiklash, uni davlat tiliga aylantirish muammosini ko'tarib chiqdilar. Bu masalaga bag'ishlangan bir

qancha anjumanlar bo'lib o'tdi. Nihoyat, 1989-yilning 21-oktabrida o'zbek tili O'zbekistonning Davlat tili sifatida rasman e'lon qilindi. Buning natijasida o'zbek tili respublikamizda o'tkaziladigan oliy darajadagi davlat anjumanlarida ham qo'llaniladigan, davlatning rasmiy hujjatlari yuritiladigan, rivojlanish istiqboli qonun bilan belgilangan tilga aylandi. Ana shu nuqtayi nazardan bu qonunning tarixiy ahamiyati kattadir.

«Davlat tili haqida»gi Qonun qabul qilingandan ikki yil vaqt o'tgach, respublikamiz hayotida katta o'zgarish ro'y berdi. Ajdodlarimizning asriy orzusi ro'yobga chiqdi. Mustaqillik qo'lga kiritildi. Dunyoning bir yuz yigirmadan ortiq davlati mustaqil respublikamizni rasman e'tirof etdi va u bilan diplomatik munosabatlar o'rnatdi. O'zbekiston Birlashgan Millatlar Tashkilotiga qabul qilindi. Qisqa muddat ichida Respublikamizning jahon hamjamiyati o'rtasidagi obro'-e'tibori oshdi. O'zbek degan millat va uning milliy tili jahon jamoatchiligining diqqatini tortdi.

Ana shunday sharoitda mustaqillik qo'lga kiritilgunga qadar qabul qilingan «Davlat tili haqida»gi Qonunning ko'p moddalari o'z kuchini yo'qotdi yoki tahrirtalab bo'lib qoldi. Shuning uchun ham amaldagi Qonunni isloh qilish ehtiyoji paydo bo'ldi. Natijada 1995-yilning 21-dekabrida O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IV sessiyasi «Davlat tili haqida»gi Qonunning yangi tahririni qabul qildi. Avvalgi 30 moddadan iborat Qonunning 11 moddasi olib tashlanib, 5-modda yangidan qo'shildi. Natijada 24-moddadan iborat bo'ldi.

«Davlat tili haqida»gi Qonunning 1-moddasida, Konstitutsiyamizning 4-moddasida shunday deyilgan: "O'zbekiston Respublikasining davlat tili o'zbek tilidir".

Yangi tahrirdagi Qonunning muhim jihati shundaki, unda o'zbek tilining bugungi jahon hamjamiyatidagi mavqeyi hisobga olindi. Bu Qonunda O'zbekiston Respublikasining demokratik, tinchliksevar siyosati o'zining aniq ifodasini topdi. O'zbek tili O'zbekiston Respublikasining Davlat tili sifatida tan olinar ekan, bu narsa mamlakat hududidagi boshqa tillarning faoliyat ko'rsatishi, rivojlanishi, O'zbekistonda yashovchi barcha millat vakillarining o'z ona tillarida erkin aloqa qilishlari uchun aslo monelik qilmaydi. Qonunning 2-, 4-, 6, 10-, 14-moddalarida boshqa millat vakillari tillarining amal qilishi himoya qilinadi. Bu esa yangi Qonunning naqadar xolis ekanligini ko'rsatadi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ta'kidlash joizki, 1989-yilning 21-oktabrida Ona tilimizga davlat tili maqomi berilishi mustaqillikning ilk g'alabasi sifatida qo'lga kiritilganligi, ona tilining erki, huquqi uchun kurash tarixda mustaqillik uchun kurashning ramzi sifatida muhrlandi. O'n birinchi chaqiriq O'zbekiston SSR Oliy Sovetining 11-sessiyasida qabul qilingan bu qonun til millatning ulkan boyligi va bebaho mulki ekanining yaqqol namunasi bo'ldi. 1990-yil 19-fevralda O'zbekiston SSR Oliy Sovetining "Davlat tili haqida"gi Qonunni amalga oshirish dasturi tasdiqlangani nafaqat tilimiz qadr va e'zoz topgani, shuningdek, istiqlol nasimi kezib yurganidan dalolat bo'ldi. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 1995-yil 21-dekabrda qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasining Davlat tili haqida"gi Qonunining yangi tahririni amalga kiritish to'g'risida"gi Qarori tilimizga hurmat va muhim tamoyillarning asoslari qayta ishlanishiga zamin yaratdi.

Yuqorida keltirib o'tilgan barcha sanalar o'zbek tili uchun shonli sanalar hisoblanadi desak, mubolag'a bo'lmas. Bugungi kunda tilning rivoji bardavomligi uchun amalga oshirilayotgan islohotlar e'tiborga molikdir. Birgina 80 mingdan ortiq so'z va so'zlar birikmalarini o'z ichiga olgan "O'zbek tilining izohli lug'ati"ning besh tomli tarzda nashr etilgani, Alisher Navoiy nomidagi o'zbek tili va adabiyoti universitetining tashkil qilingani, shuningdek, tilimizning ilmiy-nazariy, amaliy asoslari tadqiqini, tahlillarini ommalashtirishga qaratilgan turli shakldagi kitoblar, qo'llanma, risolalar va monografiya hamda maqolalarning yaratilayotgani so'zimiz isbotidir. Ayniqsa, 2019-yil o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganiga 30 yil to'lishi munosabati bilan hurmatli Yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 4479-sonli Qarorining qabul qilinganligi to'yga to'yona kabi bo'ldi.

Axborot texnologiyalari keng miqyosda taraqqiy etib borayotgan ayni kunlarda tilning rivoji, dunyo tillari bilan bir qatorda mustahkam o'rin egallashi, avvalo, shu tilda so'zlashuvchi millat vakillariga bog'liq. Ayniqsa, "ommaviy madaniyat" tahdidi keskin urchib borayotgan, globallashtirish jarayonlari tobora kulminatsion nuqtasiga ko'tarilayotgan bir paytda milliy tilni qadriyat sifatida asrash, uning kelajagiga o'zini daxldor deb bilish har birimiz uchun mas'uliyat demakdir. Ana shu mas'uliyatni bugungi va kelajak avlodlar ong-u shuuriga, tafakkuriga singdirish ta'lim jarayonlarida har bir ta'lim muassasasidagi ona tili va adabiyot o'qituvchilarining hamda ziyolilarning burchidir. Tilning sofligini saqlash,

o'zga tillar bilan aralashtirmay so'zlash, adabiy til me'yorlariga rioya qilgan holda rasmiy davralarda, jamoat joylarida o'zaro muloqotga kirishish ona tilimizga hurmatning go'zal ifodasidir.

Xulosa o'rnida qayd etmoqchimizki, o'zbek tili bugungi kunga qadar juda katta tarixiy bosqichlarni bosib o'tdi. Mahmud Koshg'ariydan Alisher Navoiygacha, Navoiydan jadid ma'rifatparvarlarigacha, shuningdek bugungi zamonamizga qadar til ilmida fidoyi bo'lgan olimlar, ilm ahllarigacha – barcha o'zbek tilining mavqeyi yuksak ekanini inkor etib bo'lmas ilmiy-nazariy va amaliy ahamiyatga molik risolalari bilan isbot etishgan. Ona tilimizning buyuk milliy qadriyat ekanini chuqur anglash, uni keyingi avlodlarga bor go'zalligi bilan yetkazishga barchamiz birdek kamarbasta bo'lmog'imiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ahmedov A., Yoqubova L. XX asr boshlarida til va imlo // Tilshunoslik va metodika masalalari. – Toshkent “Muharrir”, 2010.
2. Ahmedov A. va b. O'zbek tili tarixi. – Buxoro, 2008.
3. Jumaxo'jayev N. Davlat tili haqida. – Toshkent “Fan”, 2008.
4. Saidov Y. Jadidlar va milliy til. – Toshkent “Fan”, 2006.

AYRIM QORAKO'L SHEVALARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Berdiyeva Dilobar To'raqulovna

Qorako'l tuman 28-maktab o'qituvchisi

Alloqov Farrux Baxodir o'g'li

Qorako'l tuman 29-maktab o'qituvchisi

Yaxshiqulova Moxinur Toxir qizi

TTYMI talabasi

Ma'lumki, shevalar ham adabiy tilimizning shakllanishi va boyishida muhim ahamiyatga egadir. Shu sababdan ularni o'rganish, chuqur tahlil qilish hozirgi davr tilshunosligimizning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi. Bu borada bir qancha tilshunos olimlarimiz ilmiy-amaliy tadqiqotlar olib borgan, ularning fonetik, morfologik va leksik xususiyatlarini o'rganib chiqqanlar va o'zbek shevalarining bir-biridan farqli jihatlarini ko'rsatib berganlar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Faqat ma'lum bir hudud doirasida qo'llanilib, boshqa hududda yashovchi o'zbek tili vakillari uchun xos bo'lmagan so'zlar hududiy chegaralangan(shevaga xos) yoki dialektizmlar deyiladi.

Mahmud Koshg'ariydan so'ng o'zbek xalq shevalarining maxsus holda tekshirilgani aniq emas. O'zbek shevalarini yakka holda o'rganish XIX asr 2-yarmi va XX asr boshlarida sezilarli tartib asosida yo'lga qo'yilgan. Shevalarni bu tariqa o'rganish XX asrning 20-30-yillarida, ayniqsa, rivojlandi va o'zbek shevalarining biz bilmagan yangi qirralari ochila boshlandi. Bu sohada G.O.Yunusov, U.Tursunov, A.Fitrat, E.D.Polivanov, S.Ibrohimov, V..Reshetov, Sh.Abdurahmonov singari tilshunos olimlar samarali faoliyat olib borganlar. Ayniqsa, tilshunos olim V.Reshetov o'zbek shevalarining tarixiy-lingvistik xususiyatlarini va ayrim dialektlarga qo'shni tillar-tojik, qozoq, qoraqalpoq, turkman tillari munosabatini hisobga olgan holda o'zbek shevalarining tasnifini yaratdi. Unga ko'ra o'zbek tili uch turkiy komponentning birikishi natijasida vujudga kelgan:

- 1) qarluq-chigil-uyg'ur lahjasi hozirgi qardosh uyg'ur tiliga yaqin bo'lib, tojik tili bilan yaqin etnolingvistik munosabatda bo'lgan;
- 2) qipchoq lahjasi qardosh qozoq va qoraqalpoq tillari bilan yaqin;
- 3) o'g'uz lahjasi qardosh turkman tili bilan yaqin.

Bular orasida ozarbayjon, turkman, usmonli turk tillariga xos fonetik, morfologik va leksik xususiyatlarni o'zida namoyon qilgan o'g'uz lahjasi shevalari o'zining rang-barangligi bilan e'tiborlidir. Ayniqsa, Buxoro viloyat Qorako'l tumani qishloqlarining ayrim shevalari hozirgi turk adabiy tilida juda keng qo'llanadi. Masalan:

Gechmish – ko'rgan-kechirilgan voqea hodisalar ma'nosida,

Do'nmeke – burilish, orqaga qaytish ma'nosida,

Gunesh – oftob, quyosh ma'nosida juda keng qo'llanadi. Bundan tashqari o'g'uz lahjasiga kiruvchi Qorako'l qishloq shevalari ba'zi xususiyatlari bilan adabiy tildan tubdan farq qiladi. Masalan, Jig'achi va unga yondosh qishloq shevasi ba'zan hatto jins tanlaydi:

Pakana – adabiy tilda past bo'yli odam ma'nosida qo'llanadi, bu so'z Qorako'l shevasida quyidagicha:

Xinti-Jig'achi shevasida past bo'yli erkak, cho'nti-past bo'yli ayol ma'nosida ishlatiladi.

Qorako'l qishloq shevalarida adabiy tildagi ba'zi so'zlar bilan omonimlik munosabatga kirisha oladigan leksemalar mavjud. Masalan:

Oq – adabiy tilda rang, qoraning antonimi, oq-adabiy tilda farzanddan voz kechish, uni la'natlash. Qorako'l shevsida esa oq- qatiq yoki adabiy tildagi ayron ma'nosida qo'llanadi.

Poylamoq – adabiy tilda birovlarini yashirincha kuzatmoq ma'nosida, shevada esa poylamoq-biror narsani taqsimlash ma'nosida qo'llanadi.

Ayniqsa, Qorako'l qishloq shevalarida adabiy tildagi "o'lmoq" fe'lining rang-barang uslubiy qo'llanish shakllari mavjud. Adabiy tilda bu fe'lining noaniq shakli-biologik o'lim, tananing jonsiz holati, vafot etmoq ma'nolarini bildirsa, 2-shaxs buyruq shakli birovga o'lim tilash ma'nosidagi qarg'ishni ifodalaydi. Biroq ayrim Qorako'l shevalarida bu so'z o'z ma'nosidan tashqari quyidagi uslubiy ma'nolarda ishlatiladi:

Ha, o'lma – bu birovning fikrini ma'qullagan shaxsga nisbatan maqtov;

O'la – biror ishni eplolmagan sub'ektga nisbatan tanbeh;

O'lma endi – so'zlovchining tinglovchidan biror narsani qattiq iltimos qilishi;

O'ldimey – bu so'zlovchining haddan ziyod chanqagani, ochiqqani yoki charchab, holdan toyganini ifodalaydi;

O'ldim, o'lmasam – biror kutilmagan hodisa yoki yangilikdan hayratda qolgan so'zlovchi nutqida ishlatiladi;

Ibi o'lay – so'zlovchi tinglovchining fikrini rad etib, o'zinikini isbotlashga uringan vaziyatda ishlatiladi;

O'ldik – bu 2-shaxs ko'plik shakl go'yoki so'zlovchi va tinglovchi kichkina jinoyat yoki tartibsizlik qilgan vaziyatda aybdorlik hissi bilan aralashgan qo'rquvni ifodalaydi;

O'laman – birovning yurish-turishi, xatti-harakatlarini pisand qilmay ularning ortidan kuladigan so'zlovchi tomonidan ishlatiladi.

O'laverdim lekin – biror narsadan yoki kimsadan haddan ziyod bezish ma'nosida ishlatiladi.

Bilamizki, eng yomon qarg'ish bu – birovga o'lim tilashdir. Adabiy tilda buni turli ibora va so'z birikmalari orqali ifodalanadi. Masalan: *Yer yutgur, bo'ying lahadda chirigur, ko'zingni quzg'unlar cho'qigur* va hokozo. Ayrim Qorako'l shevalari ham bu qarg'ishni yuqori darajadagi emotsional-ekspressiv vositalar orqali bayon etadi va ulardagi uslubiy

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

bo'yoqdorlik ba'zi jihatlari bilan adabiy tildan yaqqol ajralib turadi. Masalan, quyidagi frazema darajasiga ko'tarilgan birliklarga e'tibor bering:

Norvonchaga mingur – bolasi aytganini qilmaganda asabiylashgan onaning nutqida qo'llanadi. Norvon-bu adabiy tilda tobut va unga "-cha" kichraytirish qo'shimchasining qo'shilishi orqali qarg'ishga qolayotgan shaxsning yoshi kichikligini ham o'zida ifoda etgan. Bundan tashqari –cha qo'shimchasi salbiy ma'no ifodalaydi. Ya'ni kichkina tobut emas, balki yoshligida vafot etishni xoxlash va o'lim tilash ma'nosida qo'llanadi.

Jumolig'ingga yorasin(yarasin) – biror buyum yoki narsa masalasida ikki kishi tortishganda yutqazgan kishi nutqida norozilik ohangida ishlatiladi. Demak, bunda "juma" hafta kuni, -lig' fonetik o'zgarishga uchragan ot yashovchi -lik qo'shimchasi. Bilamizki, musulmon xalqida inson vafotidan keyin 3-4 hafta mobaynida marhum xotirasi uchun "juma" ma'rakasi o'tkaziladi. Bundan xulosa qilish mumkinki, so'zlovchi bu birikma orqali raqibiga "sen tezroq o'l va menga nasib qilmagan narsani "juma" ma'rakanda ishlat" qarg'ishini ifodalaydi.

Qorako'l tuman Qoraun QFYda esa o'lim tilash qarg'ishi quyidagi birikma orqali keng qo'llanadi:

G'oyib ota challasin – bunda G'oyib ota shu qishloqda yashab o'tgan va yangi qabristonga 1-bo'lib dafn etilgan, shu sababdan qabriston nomi ham "G'oyib ota" nomi bilan aytilgan, "challasin" esa adabiy tildagi "yoniga olsin, chaqirsin" ma'nosiga teng. Demak, bu qarg'ish orqali so'zlovchi tinglovchiga "Sen o'l va G'oyib ota mozoriga ko'mil" demoqchi bo'ladi. Bunday shakldagi qarg'ishlar Qorako'l qishloqlaridagi qabristonlarning nomi bilan uzviy bog'liqdir. Har kim o'z yashash joyiga yaqin mozorning nomi bilan qarg'aydi. Masalan, Quvacha, Jig'achi, Vaxim, Ketmondo'gdi qishloqlari uchun tumandagi eng katta mozor bu-"Buvajesh buva" mozori umumiydir va ushbu qishloq ahlining qarg'ishida "Buvajesh buva challasin" birikmasi keng qo'llanadi. Otam challasin, bovam challasin, otamniyam so'rab qo'y, quymoningni cho'zay (biror kishi vafot etganda ma'rakasida "quymon" degan is-taom pishiriladi) - bu qarg'ishlarni aytadigan so'zlovchining otasi yoki buvasi vafot etgan bo'lishi kerak. Va bu birikmalar "o'l" so'zini ifodalovchi qarg'ishlar hisoblanadi.

Uch kecha bo'lgur – bu birikma, asosan, hayvon va parrandalarga nisbatan aytiladi. Chunki inson vafot etgach "uch", "yetti", "qirq"

ma'arakalari o'tkaziladi va biror jonliq so'yladi. Aslida, hayvon va parranda vositasida uning egasiga salbiy munosabat bildiriladi.

Sasingga suv quyilsin – bunda "sas"-ovoz. Bu birikma ham salbiy bo'yoqqa ega bo'lib, insonning vafot etishiga ishora va istakni bildiradi. Adabiy tilda "suv quyganday jim" iborasi ishlatiladi. Bu ibora haddan ortiq jimlikni ifodalaydi. "Sasingga suv quyilsin"- iborasi ham o'lim tilash ma'nosida ishlatiladi va salbiy ma'no ifodalaydi.

Qoning qotsin – ma'lumki, to'shakka mixlangan odamda harakat kam bo'lgani uchun qoni sekin harakatlanadi, bemorlikning so'nggi nuqtalarida bu qon haddan ziyod quyushib qotadi va hatto yuborilgan ukollar ham "yurolmay" qoladi. Qorako'l qishloq shevalarida so'zlovchi tinglovchiga, aynan, shu taqdirni ravo ko'rgan holda qarg'aydi.

Qizilchada gitgur(ketgur) – qadimda qizamiq kasalligining davosi bo'lmagan va hatto bu kasallik ko'p holatda o'lim bilan tugagan. Bu kasallikdan qutulish uchun uni faqat erkalab aytish kerak deyilgan. Qorako'l shevasida bu kasallik "moma", "gulchechak", "gulxon", "qizilcha" kabi atamalar bilan yuritilgan. Sabab, kasallikni yaxshi gapirib, erkalab, ketishga undaganlar. Lekin bugungi kunda bu kasallik davosi topilgan bo'lsa-da, "Qizilchada ketgur" qarg'ishi el orasida mavjud.

Otaming oyoq uchida – frazeologik jihatdan tahlil qilganda bunday gapni aytadigan kishining otasi vafot etgan bo'ladi. Bu birikma "o'l" so'zini ifodalashdan tashqari ,ko'pincha, yoshi ulug', asabiy insonlar nutqida uchraydi va "yo'q", "bilmayman" singari inkor ma'nolarni ham ifodalaydi. Ya'ni bunday insonlardan biror buyum yoki predmet o'rni so'ralganda inkor ma'nosini (yo'q, bilmayman) bildirish uchun ishlatilgan. Nima sababdan "oyoq uchida" deya ta'kidlanadi? Bunda marhumga nisbatan hurmat ma'nosi bor: bosh ulug' va otaning boshi tepasiga kelib gapirish yoki o'tirish gunoh sanaladi. Hatto dafn qilingan vaqtda ham farzand otadan yuqoriga dafn qilinmaydi. Mana shu odat bu qarg'ishda o'z ifodasini topadi.

Kapiningi(kafaningni)yalmama(yamlama, yutma) – bu frazema darajasidagi birlik Qorako'l qishloq shevalarida o'ta ochko'z insonlarga nisbatan aytiladi, ya'ni hamma narsa menga bo'lsin deydiganlar toifasiga. Bu birlikning asl ma'nosi ham, Qorako'l yoshi ulug'larimizning afsonalariga ko'ra, nisbatan haqiqatga yaqin tushuncha hisoblanadi. Musulmonchilik odatiga ko'ra marhum qabrga kafan bilan qo'yiladi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ba'zan shunday holatlar ham bo'lar ekanki, ma'lum vaqtdan keyin mayit o'z kafanini yutib borarkan. Buni esa donolarimiz o'sha odamning vafotidan keyin uning eng yaqin qondoshlari ham ketma-ket vafot etayotganidan tahmin qilar ekanlar va qabr ustidan bedov otni yuritmoqchi bo'lganlarida agar ot yurmasa, bu qabrdagi marhum aniq kafanini yutgan bo'lib chiqar ekan. "Kapinini yalmamoq" birikmasini ikkinchi tomondan shunday tahlil qilish mumkin. Ya'ni musulmonchilikning asosiy belgilaridan biri o'lim haqligiga ishonish. Shu sabab insonlar "o'limligimga" deb kerakli narsalarni tayyorlab qo'yadi. Ochko'z va xasis odamlar esa mol-dunyo orttirish tashvishida, hatto kafanlikka asragan narsasini ham sotib yuboradi ma'nosida shu birikma ishlatiladi.

Gechchi(echki) angak(chakak) yegan – bilamizki, echki juda ko'p va yoqimsiz maraydi. Qorako'l qishloq shevalarida esa bu tinimsiz, bo'lar-bo'lmas gaplarni gapiradigan, vaysaqi insonlarga nisbatan qo'llanadi.

Yetti qavat patirga o'rab otsang, it ham yetti qadam naridan aylanib o'tadi – bu birikma, asosan, o'z holini bilmay gapiradigan va tashqi ko'rinishidan xunuk bo'lgan kishilarga nisbatan ishlatiladi.

Har qoshiqda bir lo'vla(lovlya) – bu frazema darajasidagi birlik esa har gapga, har narsaga aralashadigan kishilarga nisbatan ishlatiladi.

Mag'liyi qora-mag'liy so'zi adabiy tilda "manglay" so'zi ifodalaydi. Manglay bu birlikda ko'chma ma'noda "tole' " ma'nosida ishlatiladi. "Mag'liyi qora atamasi "baxtsiz", "tole'yi qora" kabilar bilan sinonimlik qatorida turadi. Bundan tashqari, "mag'liyi qora" birligiga qarama-qarshi ma'noda "mag'liyi oq" iborasi ham qo'llanadi. Bu "baxtli", "tole'yi kulgan" ma'nolarini anglatadi.

"Husht" degani qo'y bo'lsa, cho'l-u bediyoga sig'maydi- bu ibora o'ta maqtanchoq, ozgina narsani kata qilib ko'rsatadigan, quruq va'daboz kishilarga nisbatan ishlatiladi. Bu adabiy tildagi "katta gapirmoq", "katta og'iz" iboralariga teng keladi.

Do'vron (Davron) ko'ra (ko'rga) do'vr yetdi- bu iborada Davron atoqli ot sifatida ishlatiladi. Ya'niki, omadi kelmay yurgan odamning birdan omadi kelsa-yu, bosar-tusarini bilmay qolsa, mana shu ibora ishlatiladi. Yana bir tomoni "davr yetmoq" "omadga erishmoq" ma'nosida ishlatiladi. Omadi kelgan odamning atrofida laganbardorlar ko'payadi.

Hatto u “ko’r” bo’lsa-da, uni ko’klarga ko’taradilar. Iborada Davron , davr so’zlari ohangdoshlik hosil qiladi.

Umuman, Qorako’l shevalarida bu kabi birliklar juda ko’p uchraydi. Bu birliklarning paydo bo’lishi hududiy va ijtimoiy hayot tarzi bilan bog’liq hodisadir. Shevaga xos birliklar o’ziga xos joziba,obrazlilikka ega bo’lib, ta’sir doirasi katta. Hatto ba’zi qarg’ish va frazeologik birliklar qofiya va shakliy jihatdan yetuk tuzilganki, bunga she’riyatga yaqin hodisa sifatida baho berish mumkin. O’xshatish, qiyoslash, sifatlash, jonlantirish kabi she’riy san’atlar bu iboralarning tasvir jihatini kuchaytirgan va ta’sirini oshirgan. Respublikamizning chekka hududlarida bu kabi hali o’rganilmagan iboralar, birliklar juda ham ko’p. Ularni o’rganish va fanga olib kirish ona tilimizni boyitadi, rivojlantirishda muhim omil hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Reshetov V., Shoabdurahmonov Sh. O’zbek dialektologiyasi. – Toshkent, “O’qituvchi” nashriyoti. 1978-yil.
2. Erkaboyeva N. O’zbek tilidan ma’ruzalar to’plami. “LESSON PRESS” nashriyoti. – Toshkent, 2017.

PUBLITSISTIK MATNLARDA SARLAVHANING IFODA USULLARI

Boltayeva Nodira O’tkir qizi

BuxMTI o’qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada OAVning kundalik hayotimizdagi ahamiyati va publitsistik matn sarlavhalarining o’ziga xos ifoda usullari xususida mulohaza yuritilgan.

KIRISH. Hozirgi paytda hayotimizni ommaviy axbort vositalarisiz umuman tasavvur etib bo’lmaydi, chunki ular axborot berish bilan birga, insonga badiiy-estetik zavq bag’ishlaydigan vosita vazifasini ham bajarmoqda. Bugungi kunda publitsistika shunchalik tez rivojlanmoqdaki, chop etilayotgan maqolalarning hammasini ham birma-bir o’qib chiqishga vaqtimiz ozlik qiladi ba’zan.

ASOSIY QISM. Gohida matbuot sahifalarini ko’zdan kechirar ekanmiz, avvalo, undagi maqolalar mavzusiga e’tibor qaratamiz va

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

o'zimizga yoqadiganini tanlab, zo'r qiziqish bilan o'qishga kirishamiz. Demak, matnning qay darajada o'qilishida sarlavhalar muhim vazifa bajarar ekan.

Ma'lumki, sarlavha – [forscha+arabcha - kitobda lavha bezak; titul varag'i; epigraf] peshlavha; kitob, asar, maqola va sh.k.ning yoki ularning ayrim qismlarining nomini ifodalovchi so'z yoki jumla" [5]. Sarlavha – maqola va materialning ichki mazmunidan kelib chiqib, unga qo'yiladigan nom" [1].

Matnga sarlavha tanlash yozuvchidan katta mahorat talab etadi. Unda ham ma'lum bir me'yorga amal qilish lozim. Takrorlarga yo'l qo'ymaslik, aynan o'quvchini qiziqitira oladigan va o'qishga chorlaydigan, asosiysi, barchaga tushunarli bo'lgan sarlavha tanlash talab qilinadi. Sarlavha kishilar diqqatini o'ziga jalb qilishi, rom eta olishi lozim. Maqolani oxirigacha o'qib chiqishiga qiziqish uyg'ota olishi ham uning eng muhim xususiyatlaridan hisoblanadi. Aksariyat hollarda, insonlarga umid bag'ishlaydigan yoki muammoni yechishga yordam beradigan sarlavhalar ommani o'ziga jalb eta oladi: *"Bepushtlikka kim ko'p sababchi?"*, *"Tomir tortishganda nima qilish kerak?"*, *"Men yorug' olamni ko'rishdan umid uzgandim"* ("Darakchi", №50(1077) 12.12.2019.); *"Semirishga qarshi tabiiy tavsiyalar"*, *"Bachadon miomasini qanday davolash mumkin?"*, *"Qovuq yallig'lanishining xalqona shifosi"*, *"Sarimsoqqiyoz sog'liqqa qanday ta'sir ko'rsatadi?"*, *"Olma yoshartiradi"* ("SHIFO-info". №51(774) 19.12.2019.) kabi.

Agar sarlavhaning o'zida matnning butun mazmuni oshkor bo'lsa, maqolani oxirigacha o'qishning hojati bo'lmay qoladi. Yozuvchining vazifasi esa maqolani o'qishga qiziqish uyg'otish va chorlash hisoblanadi. Zero, sarlavha bir qarashda o'qiladigan bo'lishi kerak, chunki juda uzun sarlavhalar gazetxonni zeriktirib qo'yishi mumkin.

Sarlavha tanlashda ham o'ziga xos qoliplardan foydalanish maqsadga muvofiqdir: *"Nega ...ning narxi yuqori?"*, *"...ga chek qo'ya olamizmi?"*, *"...ga nima sabab bo'ldi?"*, *"...nega muhim?"*, *"...qanday davolash mumkin?"*, *"...sog'liqqa qanday ta'sir ko'rsatadi?"*, *"...qachon yaxshilanadi?"*, *"...bormi?"*, *"...qanday hujjatlar talab qilinadi?"*, *"...ni bilib qo'ygan yaxshi"* va b. Shuningdek, eng keng tarqalgan sarlavha qoliplaridan biri – *"Qanday qilib ... ?"*. Bu kabi sarlavhalarda muammo va uni hal etish yo'llari to'g'ridan to'g'ri ko'rsatiladi. Agar sarlavhada

raqamlar keltirilgan bo'lsa, maqola o'quvchining tez e'tiborini tortadi. Chunki, ular matnning asosiy tarkibiy qismi sanaladi. Jumladan, *"1-dekabrda boshlab..."*, *"Mehribonlik uylaridagi 88 foiz bolalarning otasonasi bor"*, *"20 nafar mahkuma ozod etildi"*, *"Toshkentda 3 ayol bir bo'lib AQSHni orzu qilganlarni yaxshigina shilishdi"*, *"7 nafar yollanma ishchi"*, *"6 ta holat 20 nafar insonning umriga zomin bo'ldi"*, *"Namanganda 500 kishilik to'y to'xtatildi"*, *"9 marotaba jinoyat qilgan ayol..."*, *"2 mln. so'm mukofot olasiz, faqat bir sharti bor"*, *"27 yoshida beva qoldi"* ("Darakchi". №48(1075) 28.11 2019.) kabilar. Yuqoridagi misollardan ayonki, bunday sarlavhalarni o'qigan kishida oz'-o'zidan "nima uchun?", degan savol tug'iladi va darhol to'liq matn bilan tanishishga bo'lgan qiziqish uyg'onadi, albatta.

Tadqiqotchi Z.T.Toxirov sarlavhani ikki tomonlama tavsiflaydi: "Bir tomondan sarlavha mustaqil, ikkinchi tomondan u asar tuzilishidagi unsur hisoblanadi. Sarlavhalar bilan asosiy matn o'rtasida har doim mantiqiy munosabat mavjud bo'ladi. Umumiy tarzda mazkur munosabatni mantiqiy subyekt bilan predikat o'rtasidagi munosabat tarzida tasavvur etish mumkin. Sarlavhalarning mazmundor xabar yetkazishi lozimligi, ularga qo'yiladigan asosiy talablardan biri hisoblanadi" [4].

Bundan tashqari, kuzatilgan qator tadqiqotlarda sarlavhalar tuzilishi, uslubi va vazifasiga ko'ra turlicha tasniflangan. Gazeta sarlavhalarining turli xususiyatlarini o'rganish sohasida I.Toshaliyev, N.Jumanazarov, N.Abdusamatov, M.Parpixojayev, A.Boboyeva, A.Shomaqsudov, I.Toshaliyev, P.Rustamov, B.Yo'ldoshev, B.Mirzayev, A.Abdusaidovning ilmiy maqolalari, I.Toshaliyevning "Sarlavha stilistikasi" nomli o'quv qo'llanmasi mavjud. A.Abdusaidovning "Gazeta janrlarining til xususiyatlari" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasida gazeta janrlarining turli jihatlari, jumladan, sarlavhalarning xususiyatlari yoritib berilgan [2]. Tadqiqotchilarning qayd etishicha, sarlavhaga juda ko'p vazifa yuklanadi, chunki u orqali gazetxon bilan ilk muloqot amalga oshiriladi. Mavzu haqida xabar yoki ma'lumot berish sarlavhaning birdan bir va asosiy masalasi bo'libgina qolmay, chaqiruvchanlik, tashkilotchilik, safarbarlik, murojaat etish kabi qator-qator xislatlarga ham egadir. Sarlavha nominativlik funksiyasidan tashqari mavzu haqida axborot beradi, ya'ni material mazmunini o'ziga xos tarzda ma'lum darajada

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

aks ettiradi. Reklamalilik, ko'rgazmalilik va ta'sirchanlik funksiyalari ham sarlavhada mujassamlashgan. To'g'ri tanlangan til birligi mavzuni ifodalash bilan birga ma'lum ekspressiv-stilistik vazifani ham bajaradi va gazetxonga ta'sir etadi.

A. Boboyeva esa "Gazeta sarlavhalari haqida" mavsuzidagi maqolasida rus olimi A.S. Popovning qarashlariga tayangan holda sarlavhalar vazifalarini shunday belgilaydi:

- 1) maqolani nomlash;
- 2) maqola mazmunini bildirish;
- 3) reklamalilik.

Olima bir so'zdan iborat sarlavhalar maqolani nomlash, gap shaklidagi sarlavhalar maqola mazmunini bildirish, so'roq gap va noodatiy lisoniy shakllar qo'llangan sarlavhalar esa reklamalilikni aks ettirishga xizmat qilishini ta'kidlaydi. Shuningdek, E. Aliyevaning tadqiqotida ham gazeta sarlavhalarida mazkur uch funksiya mavjudligi qayd etilgan [3].

XULOSA. Matnga sarlavha tanlash ham alohida bir mashaqqatli jarayon hisoblanadi, chunki u axborot uzatuvchilar zimmasiga maqolani tayyorlash va nomlashda nutqiy ta'sirchanlikni ta'minlashga xizmat qiluvchi lisoniy vositalardan mahorat bilan foydalanish mas'uliyatini yuklaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдурахмонов А. Газета журналистикаси терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.-В.30.
2. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Самарқанд – 2005.-В.48.
3. Qurbonova M. Sarlavha matniga ayrim tahliliy chizgilar// "Bir safda". 2014-yil, 5-son.
4. Toxirov Z. Adabiy tahrir. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – T.: "Tafakkur bo'stoni", 2012.-В.128.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. 3-том. "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси". – Т., 2006.-В.451.

O`ZBEK TILIDAGI PLEONASTIK BIRLIKLAR TASNIFI

Bozorova Gulmira Zayniddinovna

BuxDU tadqiqotchisi

ANNOTATSIYA. Maqola o`zbek tilida uchraydigan pleonastik birliklarning tasnifiga bag`ishlangan bo`lib, unda, dastavval, pleonazm tushunchasiga atroflicha izohlar keltirilgan. Bu tushunchaning etimologiyasiga to`xtalish bilan bir qatorda, pleonazm hodisasi haqida antik davr tilshunoslari tomonidan keltirilgan turlicha qarashlar ham ushbu maqoladan joy olgan. Shuningdek, turkiyshunos olimlarning pleonazmlar ustida olib borgan izlanishlari, ba'zi o`rinlarda esa ularning bir-biriga qarama-qarshi bo`lgan fikrlari ham qayd etib o`tilgan.

Pleonazm (yun. pleonasmos-ortiqchalik) — bir xil yoki sinonimik ifoda vositalarining (til birliklarining) semantik jihatdan takror holda qo`llanishi. [5,278] Umuman olganda, pleonazm ma`lum bir tugallangan nutq yoki matnda mazmun jihatdan aynan bir tushunchani ifodalovchi til va nutq birliklarining takror qo`llanishidir.

“Pleonazm” atamasi tarixiga nazar tashlaydigan bo`lsak, bu termin antik davr tilshunosligidan kirib kelgan. Ushbu davr namoyandalari pleonazmga turlicha baho berishgan. Kvintilian, Donat, Diomed pleonazmga stilistik kamchilik sifatida nutqda ortiqcha so`zlarning qo`llanishi deb qarashgan. Bunga qarama-qarshi tarzda Dionisiy Galikarnasskiy bu shaklga nutqni so`zlar bilan boyituvchi hodisa sifatida ta`kidlashi barobarida, ortiqchalik mavjudligini ham inkor etmaydi. Ammo uning fikricha, bir qarashda ortiqchadek tuyulgan so`zlar nutqqa aniqlik, kuch, ritmiklik va pafos bag`ishlaydi [2,107].

Tilshunos olimlardan I.B.Golub va A.Bolganbayevlar pleonazm hodisasiga bir tomonlama yondashadilar. I.B.Golub «So`zlarni aniqlash uchun qo`llanishi shart bo`lmagan so`zlar pleonazm deb ataladi», — deb izohlasa, A.Bolganbayev, aksincha, «pleonastik qo`llanish deb shunday birikmalarni atash kerakki, qaysiki birikma tarkibidagi bo`laklar o`zining asosiy ma`nosini yo`qotmaydi, balki bir bo`lakning ma`nosi ikkinchi bir bo`lakning ma`nosini to`ldiradi va kuchaytiradi», [3,5] — deb ta`kidlaydi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Demak, adabiyotlarda mazkur hodisa haqidagi qarashlarning bir-biriga zidligi kuzatiladi.

Shuni alohida qayd etish kerakki, ko`pchilik hollarda pleonazm va tavnologiya bir xil hodisa sifatida qaraladi. Tilshunoslikda ularning chegarasi masalasi hal qilinmagan. Y.Rizel va A.M.Bushuylar fikricha, prinsip jihatdan ko`pchilik pleonastik konstruktsiyalar bilan tavnologizmlar orasida farq yo`q.

Ayrim ishlarda bu hodisalarni farqlashga harakat qilinib, «tavnologiya — bir xil o`zaklardan hosil bo`lgan so`z birikmasi. Pleonazm esa sinonim so`zlar takrori» kabi tasniflanadi.

Ayrim ishlarda esa har ikkalasi ham tavnologiya sifatida qaraladi. Bu haqda V.I.Korolkov quyidagicha yozadi: «Tavnologiya» va «pleonazm» terminlari amaliyotda ko`p hollarda dubletlar sifatida qo`llanadi. Bizningcha, ular orasidagi farq shundaki, tavnologiya ortiqchaliklarning barchasini o`z ichiga qamrab oladi (jins tushunchasi), pleonazm esa leksik birliklarning «ortiqcha» qo`llanishiga asoslanadi (tur tushunchasi)». Bunga qarama-qarshi tarzda N.Mahkamov o`z tadqiqotida pleonazmga quyidagicha baho beradi: "...pleonazm tavnologiya hodisasiga qaraganda kengroq tushuncha, ya`ni pleonazmda takror (избыточность) qo`llanayotgan forma (so`z, affiks, so`z birikmasi) tamoman ortiqcha bo`lishi yoki qandaydir stilistik funksiya bajarishi mumkin. Tavnologiya ham pleonastik qo`llanishning bir turi bo`lib, takror qo`llanayotgan til birligi ortiqcha bo`lsa va hech qanday funksiya bajarmasa, u tavnologik qo`llanish hisoblanadi. Har qanday tavnologik qo`llanishda pleonazmni kuzatish mumkin, lekin har qanday pleonastik qo`llanishda tavnologiya mavjud bo`lavermaydi. Shunday ekan, pleonazm jins tushunchasi, tavnologiya esa tur tushunchasi sifatida qaralishi kerak." [12,19]

Tavnologiya esa shaklga tayanadigan hodisa bo`lib, kontekstda yaqqol ko`rinib turuvchi shakllarning takror kelishidir. Ortiqchalikni namoyon qiluvchi hodisalardan bo`lmish "tavnologiya - (grek. tautos – aynan o`sha + logos-so`z) bir mazmunni boshqa so`z yoki so`zlar bilan takroran ortiqcha ifodalash, so`zni ortiqcha ishlatish" demakdir [1,86]. Masalan, *gap gapirmoq, yozuvchi yozdi va h.k.* Boshqacha qilib aytganda, pleonazm va tavnologiya til va nutq farqlanishida namoyon bo`luvchi hodisalardir.

Tilshunoslikda ortiqchalik atamasi ikki talqinga ega:

1. Matnda hech qanday semantik yuk olmagan, ya'ni biror vazifa bajarmagan til birligi. Ortiqchalikning bu ko`rinishi tautologiya hodisasida yaqqol namoyon bo`ladi.

2. Adabiy me'yorga nisbatan olinib, shartli ifodalanadi, ya'ni mavjud semantikaning turli til birliklarida takrorlanib, ortiqcha ma'noga egalik qilishi. Ortiqcha deb hisoblangan ma'no fakultativ yoki tautologik xarakterda bo`lmay, ma'lum konnotativ, emotiv ma'no ifodalashga xoslangan bo`ladi. Bu o`rinda esa pleonazmlarning mohiyati yanada oydinlashadi desak, yanglishmaymiz. Ortiqchalik, birinchidan, til birliklarida doimiy o`ziga xoslik sifatida, ikkinchidan, uslubiy ortiqchalik sifatida tushuniladi.

Tilshunoslikda nutq bosqichida takrorlanayotgan birliklarning turi (qo`shimcha, so`z, [gap](#))ga qarab pleonazmning quyidagi turlari ajratiladi:

1. Leksik pleonazmlar. 2. Semantik pleonazmlar. 3. Affiksial pleonazmlar.

4. Leksik-affiksial pleonazmlar. 5. Sintaktik pleonazmlar.

Ma'lumki, o`zbek tili juda boy til. Bir tushunchani ifodalash uchun o`nlab ma'nodosh so`zlardan foydalanish mumkin. Ammo so`zlarning asl mohiyatini tushunmay turib qo`llash nutqda uslubiy xatolarga olib keladi. Xuddi shu xulosani nafaqat so`zlarga, balki qo`shimcha, so`z birikmasi va gap kabi til birliklariga nisbatan qo`llashimiz mumkin. Mazmunan bitta umumiy tushunchani ifodalaydigan birliklarning birga qo`llanishi natijasida pleonazmlar yuzaga keladi.

O`zbek tilidagi pleonastik birliklarni tahlil qilish jarayoni shuni ko`rsatdiki, ularning aksariyat qismi tarkibida o`zlashma so`zlar mavjud birikmalardir. Bunga asosiy sabab chetdan kirib kelgan so`zlarning asl mohiyatini, tub mazmunini bilmay turib qo`llashdir.

Jumladan:

- *atmosfera havosi* birikmasida havosi so`zi ortiqcha. Chunki atmosfera so`zining o`zidan havo ma'nosi anglashiladi. "Atmosfera (yunoncha atmos- bug' va sfera-qobiq, shar) – yer sharini o`rab olgan va u bilan birga aylanadigan havo qobig'i" [7];

- *bo`sh vakansiya* misolida bo`sh so`zini qo`llashga hojat yo`q. "Vakansiya (lotincha vacanc – bo`sh) – muassasadagi bo`sh, egallanmagan lavozim, o`quv yurtidagi bo`sh o`rin" [5,436];

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- *yetakchi lider* birikmasi ham pleonazmning yaqqol namunasi. Zero, lider – inglizcha leader-yetakchi, boshliq, rahbar[5,497] ma'nolarini anglatar ekan, takror ravishda yana yetakchi so'zini qo'llashga na hojat?

- *ilk premyera* – (fransuzcha premiere- birinchi) spektakl, Estrada, sirk tomoshalari, yangi kinofilm (tefilm)ning birinchi bor ommaviy namoyish qilinishi[6].

- *birinchi debyut* – (fransuzcha – birinchi qadam) 1) biror-bir sohada birinchi marta chiqish (masalan, artistning sahnada ilk bor chiqishi); 2) shaxmat, shashka o'yining dastlabki yurishlarini o'z ichiga oluvchi boshlang'ich bosqichi[5,585].

Ko'rinib turibdiki, *premyera* va *debyut* birliklari bilan birga ilk, dastlabki, birinchi kabi so'zlarni qo'llash mazmuniy takronni hosil qilib, nutqda uslubiy xatoni vujudga keltiradi.

- *maxfiy josus* birikmasidagi maxfiy-o'zgaga, begonaga bildirilmaydigan, boshqalardan sir tutiladigan; xufiya, yashirin.[5,560]. Josus – ma'lum bir faoliyatni yashirin, sirli ravishda amalga oshiruvchi shaxs hisoblanar ekan, unga yana maxfiy sifatlashini ishlatish shart emas;

- *umumxalq referendumi* – (lotincha referendum- bildirilishi kerak bo'lgan) – umumxalq ovoz berish yo'li bilan qonunlar qabul qilish va davlat ahamiyatiga molik eng muhim masalalarni hal qilish shakli. [5,380] *Referendum* so'zining tub mohiyatida umumxalq muhokamasi orqali hal qilinishi zarur bo'lgan masala anglashilgani sababli qayta qo'llash ortiqchalikni yuzaga keltiradi;

- *ichki interyer* – (frans. interieur-ichki) me'morlikda bino va inshoot (turar joy, jamoat va sanoat)larning badiiy bezatilgan va jihozlangan ichkari qismi [5,218]. *Ichki* so'zini yana qayta qo'llash ortiqcha, chunki tashqi interyer bo'lmaydi;

- *qo'shimcha bonus* – (lotincha bonus-yaxshi, marhamatli) sotuvchi va xaridor o'rtasida alohida kelishuv yoki sotish shartnomasiga asosan sotuvchi tomonidan xaridorga beriladigan yengillik; odatda to'lanadigan maoshga qo'shimcha mukofot; narxning o'sishi munosabati bilan asosiy ish haqiga qo'shimcha qo'shilgn haq; tovarning sifati uchun qo'shimcha mukofot [5,312].

Semalar takrori natijasida yuzaga kelgan ortiqchalikka semantik ortiqchalik deyiladi, bunda turli so'z turkumlariga kiruvchi hamda bir-biri bilan mazmuniy munosabatda bo'luvchi so'zlar sinfi turkumlararo leksik

maydonni tashkil etadi va takror semalar o'zaro tobelik munosabatida birikadi. Semalarning bir arxisema asosida mazmuniy maydonni hosil qilishi natijasida arxisemaning xususiy semalari reallashtiriladi va konkretlashtiriladi, tanlangan semalar takrorida fikrni ta'kidlash, bo'rttirish, emotsional-ekspressivlik kuzatiladi. Masalan, ba'zan shaxs oti oldidan uning belgisini anglatuvchi so'z keladi, bil'aks ot turkumidagi so'zda uning belgisi aniq bo'ladi:

Qaysi kuni yig'lab ketdi bir mo'ysafid chol.

Chol leksemasining denotativ semalari quyidagilar: "shaxs", "qarilik belgisiga egalik", "soch-soqoli oqargan", "yoshi katta" kabi. *Mo'ysafid chol* konstruktsiyasining ikkala komponentida ham semantik maydon "qarilik" bo'lib, bu o'rinda chol arxisema, ya'ni umumiy sema sanaladi. Mazkur semantik maydon *chol* arxisemasi atrofida bir necha semalarni birlashtiradi. Quyidagi semalar chol arxisemasining xususiy semalari bo'lib, uslubiy farqqa egadir: "mo'ysafid", "keksa", "tabarruk", "munkillagan", "nuroniy" kabi. Poetik matnda arxisemaga atributiv birikkan xususiy semalar semantik ortiqchalik mavqeida bo'lib, mazmunni reallashtiradi. *Ijodkor mo'ysafid chol* birikuvida "nisbatan qari", *keksa chol* birikuvida "ancha qari", *munkillagan chol* birikuvida esa "juda qari", *nuroniy chol* birikuvida "nurli chehra", *tabarruk chol* birikuvida "g'oyat hurmatli" semalarini subyektiv munosabatda ta'kidlab ko'rsatgan. Bunda arxisemaga atributiv birikkan xususiy semalar semantik ortiqchalik mavqeida bo'ladi. [4,15]

Pleonazmlarni tasniflar ekanmiz, ularni tuzilishiga ko'ra quyidagi guruhlarga ajratsak, maqsadga muvofiq bo'ladi:

➤ tub so'zli komponentlardan tashkil topgan pleonazmlar: *pastga tushish, chin haqiqat, qari chol, shaxsan men* va h.k.;

➤ yasama so'zli komponentlardan tashkil topgan pleonazmlar: *bepul sovg'a, yetakchi lider, muzli aysberg, ko'rgazma eksponati, o'lik jasad...*;

➤ ortiqcha komponentli: *fevral(boshqa istalgan oy) oyi, besh ming (boshqa istalgan qiymat) so'm pul.*

Til doimo o'ta aniqlikka intilar ekan, unda ortiqchalikning yuzaga kelishi tabiiydir. Ortiqchaliklar esa ko'pincha uslubiy vazifa uchun xizmat qiladi. Pleonastik birliklar tilning xilma-xilligi, keng qamrovliligi, shuningdek, o'ta nozik ma'no qirralariga egaligini o'rganish uchun juda

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qiziq boʻlgan til birliklaridir. Buni yuqorida tahlilda keltirilgan misollar orqali ham yaqqol koʻrishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳди луғати. –Т.: ЎзМЭ, 2002.
2. Кокенева З., Бердалиева Т., Чумбалова Г. Плеоназм в медицинской лексике // Вестник КазНМУ, №3(2)-2014.
3. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. -Тошкент: Фан, 1988.
4. Yusubova R.N. Hozirgi oʻzbek poeziyasida lisoniy tejamlilik va ortiqchalik (A.Oripov lirikasi misolida). F.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. T.-2011.

ONA TILI – MILLAT GʻURURI

Halimov Erod

9- maktab oʻqituvchisi

ANNOTATSIYA. Inson yaralibdiki, atrof-muhitda sodir boʻlayotgan barcha ish-harakatlar uning faoliyati bilan amalga oshadi. Uning mentaliteti, tarixi, madaniyati va oʻzligi qon-qonidan, jon-jonigacha til orqali singadi. Maqolada mana shular haqida soʻz yuritiladi.

Nemis tilshunosi Gumbold aytganidek, “Til – xalqning ruhi”. Dunyodagi tillar bir-biridan oʻzining leksikasi bilan emas, ana shu ruhi bilan madaniyati va xalqning tafakkur tarzi bilan farqlanadi.

Ona tilimizning yanada sayqallanishi, badiiyligi, tarixiyligi va dunyo miqyosida ahamiyati hamda nufuzini oshirishga qaratilgan qator madaniy, maʼnaviy-maʼrifiy, ijodiy, izlanishlar, ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda.

Har yili 21-oktyabr kuni mamlakatimizda til bayrami sifatida keng nishonlanishi anʼanaga aylanib qolgan. Chunki, mamlakatimizda ona tilimizni yanada rivojlantirish va takomillashtirish, uning milliy ruhini oshirish, madaniyat va sanʼatni yuksak pagʻonalarga koʻtarish, tom maʼnoda kundalik hayotimizga tobora singib bormoqda.

Mamlakatimizda izchillik bilan amalga oshirilayotgan tub islohotlarning markazida iqtisodiy islohotlar bilan bir qatorda maʼnaviy-maʼrifiy, ijtimoiy-siyosiy va huquqiy islohotlar turganligi oʻz samarasini bermoqda. Ayniqsa, mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida,

bozor iqtisodiyoti munosabatlarining tobora shakllanishida, inson tafakkurining o'zgarishida fan, ta'lim, madaniyat, ma'naviyat va ma'rifat, shuningdek, o'zbek tili va til madaniyatining rivojlanishi xalqimizning avloddan avlodga o'tib kelayotgan tarixiy urf-odatlarini, udumlari, an'analari, tartib-qoidalar, turmush tarzi va azaliy qadriyatlarining asosiy mezon sifatida namoyon bo'lib kelmoqda.

Insoniyat tarixida tilga doimo katta e'tibor berib kelingan. XX asr oxirida tilga ijtimoiy hodisa sifatida qarash g'oyasi keng yoyildi. Bu bejiz emas. Chunki jahondagi ko'pgina mamlakatlar o'z mustaqilligiga erishib, milliy tillar davlat tili yoki rasmiy til maqomiga ega bo'ldi.

1989-yil 21-oktabr kuni O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi sessiyasining muhokamasidan so'ng o'zbek tili davlat tili deb e'lon qilindi va bu tarixiy hodisa mustaqillikdan ikki yil oldin ro'y berdi. Bu ulug' maqsadga erishish va tarixiy voqelikning ro'yobga chiqarilishida muhtaram Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov bevosita rahbarlik qilganlar.

Mustaqillik yillarida o'zbek tilining jamiyatimizning barcha sohalarida keng qo'llanilayotganligi, xalqaro miqyosda kompyuter va internetda foydalanilayotgani ham ijodiyot va idoraviy ish yuritishda o'z samarasini berib kelmoqda.

Nafaqat mamlakatimizda, hattoki xorijiy mamlakatlarda adabiyot va san'at yo'nalishida faoliyat yuritayotgan taniqli tilshunos olimlar, turkiy tillarning boyligi va xususiyatlari, jumladan, o'zbek tilining jahon tillari orasida eng go'zal va nafis til ekanligi, tarixiylik bilan ajralib turishi haqida ko'p yozganlar. Turli anjumanlarda ona tilimizning boy til ekanligi haqida odilona-xolisona fikrlar bildirganlar.

Mirzo Ulug'bekning «Tarixi arba' ulus» («To'rt ulus tarixi») kitobida quyidagilar bayon etilgan: Sulton Muhammad O'zbekxon o'zining el ulusi bilan ilohiy saodat va fazilatga yetishgach, hazrati Sayid Otaning g'ayb ishorati va ollohning inoyati bilan ularning barchasini Movarounnahr diyori sari olib keldi. Hazrati Sayd Otaga quloq solishdan bo'yin tovlaganlar bu saodatdan bebahra holda u yerda (Dashti Qipchoqda) qoldilar va «qalmoq» degan nomga mansub bo'ldilarki, buning ma'nosi «qolgan» demakdir. Hazrati Sayd hamda Sulton Muhammad O'zbekxon bilan hamrohlikda Movarounnahrda kelgan kishilardan: «Bu kelgan kishilar kim?» deb so'rardilar. Ularning sardori va podshohi O'zbekxon

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIIYOT VA MILLIIY YUKSALISH MEZONI

bo'lgani uchun ularni «o'zbek» deb atadilar. Shu sababli o'sha zamondan boshlab Movarounnahrda kelgan kishilar «o'zbek» deb atala boshlandi.

XVI asr boshlarida Shayboniyxon boshchiligidagi qavmlarning Movarounnahrda kirib kelishi bilan mahalliy aholi tarkibida «o'zbek»larning nufuzi yanada ortgan va asta-sekin bu nom turkiy aholining umumiy nomiga aylangan. Bu esa turkiy tilning tobora kengayishi va nufuzi oshib borishiga keng imkoniyat yaratib bergan.

Tilshunos olimlarning fikriga ko'ra, turkiy tillar eramizning IV asrida uch guruhga bo'lingan hamda qarluq, qipchoq, o'g'uz guruhlarini vujudga kelgan. Bular orasida eng qadimgi yozuv tili qarluq guruhi zaminida shakllangan azaliy o'zbek tilidir. Tarixda eng ko'p adabiy va ilmiy asarlar ham shu tilda ijod qilingan. Lutfiy, Sakkokiy, Navoiy, Bobur singari so'z ustalari ijodi bilan bu til yanada sayqallangan va rivojlangan.

Ma'rifatparvar va zabardast adibimiz Abdulla Avloniy: «Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadurgan oynai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur», – degan aniq va teran fikrlarni bayon etganda naqadar haq edi.

Abdulla Avloniyning ona tili va adabiyotni buzish, boshqa tillar bilan aralashtirib, mazmun-mohiyatini o'zgartirish, pirovard natijada, bir tilning boshqa tildan ustun turishiga, tilning ruhiyatini buzishga qaratilgan har qanday urinish va zid harakatlarga qarshi chiqqanligi quyidagi purma'no so'zlarida yaqqol isbotlanadi. «Zig'ir yog'i solub, moshkichiri kabi qilub, aralash-quralash qilmak tilning ruhini buzadir. Bobolarimizga etishg'on va yaragan muqaddas til, adabiyot bizga hech kamlik qilmas. Dunyoning lazzati sodiq do'stlar ila suhbat qilmoqdan iborat».

Ushbu dalillar shundan dalolat beradiki, ajdod va avlodlarimiz tomonidan yaratilgan o'zbek tili asrlar osha rivojlanib, turkiy tillik millat va elatlar orasida keng tarqalib, yanada sayqallashib, yuksak madaniy tilga aylanganligi va o'zining tarixiyligi bilan ham ahamiyatlidir.

Ma'rifatparvar va donishmand tilshunos olimlarimizning o'zbek tilining naqadar boy til ekanligi haqidagi purma'no fikrlari hayotimizda isbotlangan. Shu bois, o'zbek tili — ona tilimizga Asosiy qomusimizda davlat tili maqomi berilganligi shu elning fuqarosi sifatida har birimizga milliy g'urur va iftixor baxsh etadi.

«O'zbek tilim — ona tilim — dunyoda eng go'zal, jarangdor va boy tilim». «Dil idroki — til javhari, uni izhor etmak, til ila jarangdor so'zdir».

– deb ta’riflasak, ona tilimizga va madaniyatimizga to’g’ri baho bergan bo’lamiz.

Mustaqillik sharofati bilan 1993-yil 2-sentabrda «Lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosini joriy etish to’g’risida»gi O’zbekiston Respublikasi Qonuni qabul qilindi. Bu huquqiy tadbir, o’zbek tilining xalqaro doirasidagi obro’-e’tibori va nufuzini yuksaltirish, Vatanimizning jahon kommunikatsiya tizimiga bog’lanishini ta’minlash, chet tillar va axborot texnologiyalarini puxta egallash uchun qulay sharoitlar yaratib berdi. Hozirgi kunda yurtimizda maktablarda, litsey va kollejlarda, oliy va o’rta maxsus ta’lim muassasalarida, ya’ni ta’limning barcha bosqichlarida lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosi qo’llanilmoqda. Endilikda bu yozuvda darsliklar, o’quv qo’llanmalari, gazeta-jurnallar, reklama va e’lonlar nashr etilmoqda

Haqiqatdan ham, muomala madaniyati, adabiy til va shevalar munosabati, adabiy talaffuz va stilistik mezonlar haqida nazariy hamda amaliy tadqiqotlar olib borish, o’zbek adabiy talaffuzi lug’atini tuzish zarurligi ta’kidlangan. O’zbek tilida har xil matnlar tuzish tartib-qoidalari chuqur izohlangan ilmiy asarlar, nasr va nazm tiliga doir tadqiqotlar olib borish, turli hajmdagi izohli, sinonim, antonim, paronim, omonimlar va imlo lug’atlari hamda qo’llanmalar tuzish til madaniyatini yuksaltirishda katta ahamiyatga egadir.

Ushbu qonunlarning ijrosi bo’yicha sohada amalga oshirilgan tadbirlar, bajarilgan ishlar darajasi muntazam o’rganilib, sohadagi barcha aksiyadorlik kompaniyalari, jamiyatlar, korxonalar, tashkilot va muassasalarda yuqoridagi qonunlarning ijrosini og’ishmay bajarish, sohadagi barcha xodimlarni lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosini o’rganib, o’zlashtirishlari uchun o’quv kurslari tashkil qilish, xodimlarni korxonalar hisobidan bepul o’qitish, ayniqsa, rusiyzabon xodimlarga o’z ona tilida muloqot qilish hamda davlat tilini erkin va mukammal o’rganib, o’zlashtirishlari uchun muntazam o’quv mashg’ulotlari olib borish, ularning yangicha sharoitlarda ish faoliyatlarini davom ettirishlari uchun qulayliklar yaratib berish, shuningdek, joylarda ish yuritish, hujjatshunoslik va idoraviy yozishmalarni davlat tilida olib borish, har yili 21-oktabr kuni til bayrami tadbirlarini o’tkazish kabi qator ijobiy ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyayevning tashabbuslari bilan 21-oktyabr O’zbek tili bayrami kuni den e’lon qilinishi

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

jamoatchilik tomonidan iliq kutib olindi. Hali hech bir mamlakatda bunday tarixiy jarayon amalga oshgan emas. Dunyo hamjamiyatida O'zbekistonchalik o'z tiliga e'tibor qaratayotgan malakatlar sanoqli. Kamdan kam mamlakatlarda O'zining tilini rivojlantirish uchun alohida oliygoh ochilgan. Bizda esa Alisher Navoiy nomidagi o'zbek tili va adabiyoti univertitetining faoliyati o'zbek tilimizni dunyo tiliga aylanishi va minbarlarida yangrashi uchun xizmat qilsa, ne ajab. Ishonchimiz komilki, o'zbek tili va madaniyati jahon sivilizatsiyasida yanada ravnaq topib, uning purma'noligi, jozibadorligi, talaffuzi ohangli musiqaday jarangdorligi bilan jahon ahlini o'ziga rom qila oladigan xalqaro til darajasiga ko'tariladi va dunyo xalqlari bu tilni sevib o'rganib, samimiy hurmat qiladilar. Ununtmang tilni millat ruhiga aylatirguvchi bu – Xalqdir!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли Фармон.
2. “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. Тошкент, 2020-йил 3-март, 117-сон.
3. Salomov G'. Til va tarjima. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 384.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.

ИЛТИФОТ ШАХСЛАРАРО ОВЗАКИ МУЛОҚОТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Ҳамроева Нафиса,
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақола фатик мулоқот ва унинг вазифалари, самимий мақтов ва хурмат мазмунини акс эттирувчи илтифот ва унинг суҳбат жараёнига таъсири масалаларига бағишланади. Бадиий тасвир ва нутқий жанрларнинг янги бир кўриниши сифатида нутқий мулоқот учун умумий ёқимли муҳитини

шаллантириши, суҳбатдошнинг туйғуси, фикри ва ҳаракатига таъсир кўрсата олиши ҳақида фикр-мулоҳазалар берилган.

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ, нутқнинг ижтимоий аҳамияти, нутқнинг вазифалари каби муаммоларга жуда кўп эътибор қаратилган. Тилшуносларнинг шахслараро вербал мулоқот ва одамларнинг бир-бири билан ўзаро мулоқоти муаммоларига тобора ортиб бораётган қизиқиши тил эгалари нутқий фаолиятининг ҳар қандай шаклини ҳамда уларнинг коммуникатив ва прагматик хусусиятларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Натижада, фатика ва унинг кўринишларига ҳам урғу бериш зарурати пайдо бўлди. Фатик мулоқотнинг бир тури бўлган илтифот – нутқ одобининг алоҳида коммуникатив даражасидир. Нутқ актининг мураккаб, аммо қизиқарли ва самарали элементларидан бири бўлган илтифот (комплимент) соф прагматик характердалиги билан аҳамиятли. Тил тадқиқотлари йўналишларининг антропоцентриклиги, илтифот муаммоларига нисбатан янги комплекс ёндашувлар қўлланилиши шартлиги билан изоҳланади.

Фатик мулоқот: мулоқотга кириши, мулоқотни сақлаб қолиш, мулоқотни яқунлаш каби кўринишларининг илмий амалий аҳамиятини очиб бериш ва шу асосда илмий далилланган тўғри фикрга келиш муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот учун умумий ёқимли муҳитни шаллантирувчи «эмотив восита»ни, яъни мулозамат, илтифотни фатик мулоқотнинг бир жанри сифатида ўрганиш зарурати сезилмоқда. Нутқий бирлик ~ мулоқот бирлиги тушунчаларининг ўзаро муносабати ҳамда дискурсда фатика (мулоқотнинг асосий мақсади билан бевосита алоқадор бўлмаган, янги бир ахборот бермайдиган қисмлар) масаласи нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам мунозарали, жуда кўп ҳолларда умуман ҳали кўтарилмаган, лекин ечимини кутаётган муаммолардан саналади.

Жаҳон тилшунослигида тил ва унинг ижтимоий аҳамиятига бўлган қизиқиш узоқ тарихга эга ва бу соҳада европа ҳамда рус тилшунослигида салмоқли тадқиқот ишлари қилинди. Жумладан, Владимир Аврориннинг “Тилнинг вазифавий томонини ўрганиш масалалари”, Карл Булернинг “Тилнинг қурилиш қолипи”, Юнус Дешериевнинг “Ижтимоий тилшунослик”, Алексей Леонтевнинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Тил, нутқ, нутқ фаолияти”, Наталя Слюсарёванинг “Тилнинг вазифалари тушунчасининг методологик аҳамияти” ва “Тилнинг вазифалари”, Юрий Степановнинг “Тилнинг семиотик қурилиши (тилнинг уч вазифаси ва уч турли воситалар тизими)”, Роман Якобсоннинг “Тилшунослик ва поэтика”, “Тилнинг алоқа-аралашувнинг бошқа воситаларига муносабати”, Борис Норманнинг “Тилшунослик асослари” китобининг “Тилнинг вазифалари” деб номланган махсус ишлари мисол бўлади[1,2].

Фатик мулоқотнинг мулоқотга кириши, мулоқотни сақлаб қолиш, мулоқотни яқунлаш каби кўринишлари бағоят ранг-баранг ва хилма-хилдир. Лекин ўзбек тилшунослигида улар ҳали тадқиқ этилмаган.

Мулозамат, илтифот – фатик мулоқотнинг бир кўринишидир. “Мулозамат” тушунчасини рус тилшунослигида Н.И.Формановская (1989), О.С.Иссерс (1985), Серебрякова(2001); инглиз тилшунослигида В.И.Карасик(1992) ва Е.С.Петелиналар (1988) одобнинг намоён бўлиши ҳамда ўзига хос этикет(хулқ-одоб)нинг шакли сифатида баҳолаганлар.

Л.Э.Безменова “мулозамат” тушунчасига нутқ одобининг алоҳида коммуникатив даражаси дея талқин қилса, Е.С.Петелина “мулозамат” тушунчасига лаганбардорликдан фарқли равишда самимий мақтов ва ҳурмат мазмуни акс этганлиги қайд этади.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да “Мулозамат” сўзига қуйидагича изоҳ берилган: “Мулозамат - [арабча – бирга бўлишлик, ажралмаслик; бирга эргашиб бориш; қатъийлик] Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот; эъзоз-икром, такаллуф”[17].

“Илтифот” сўзи эса, “Илтифот [арабча – ўгириш, буриш; лутф қилиш,эътибор, марҳамат] Кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эътибор, яхши муносабат. Илтифот қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) яхши эътибор, муносабат билдирмоқ”, дея таърифланган[19]. Ҳар икки тушунча ҳам кимнидир мақташ учун ишлатилади. Уни хушомад билан тенглаштирмаслик керак. Хушомад ва илтифот ўртасида катта фарқ бор: бу самимийликдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “хушомад” сўзига шундай таъриф берилган: “Хушомад - [форсча – саломлашиш, салом бериш; ёқимли сўз; тилёғлама мақтов] Бирор кишига тамагирлик билан хизмат қилиш, сермулозамат бўлиш, мақташ ва ш.к.; хушомдгўйлик, лаганбардорлик.

Хушомад қилмоқ – 1)хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. 2) мамнуният ифодаси сифатида “дўст”, “барака топ”, “қурбонингиз бўлай” каби иборалар билан кимсага қарата хитоб қилмоқ” [19].

Ўзбек тилида берилган изоҳлардан келиб чиққа ҳолда, илтифот – хулқ-атворнинг умумий стратегияси доирасида ўрганилган, инсонга нисбатан ижобий туйғуларни билдиришга йўналтирилган фатик мулоқотдир. Илтифотнинг фатик вазифаси – нутқий мулоқот учун умумий ёқимли муҳитини шаклантиришдир. Шу сабабли ҳам илтифот ҳамсуҳбат туйғуси, фикри ва ҳаракатига таъсир кўрсата олади. Илтифот инсон ҳис-туйғуларига таъсир этади. Шу боис уни суҳбат муомаласига таъсир этувчи «эмотив восита» деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Илтифот комуникация воситаси сифатида нутқий мулоқот ўрнатишнинг барча босқичларида – нутқий алоқани ўрнатиш, сақлаш ва яқунлашда жараён муваффақиятини таъминлайди. мулоқот-суҳбатни тузиш мақсадида келтирилган илтифотга диққат қаратайлик:

-Қишлоғимизга хуш келибсиз, меҳмон, қадамларига гул битсин!

Искандар тагин сир бой бермади.

-Ташаккур, оқсоқол...[11]

Меҳмонни ўзига хос иззат-икром билан кутиб олиш ўзбек халқига хос хусусиятдир. Одамлар илтифотга жуда сезгир, чунки улар ёқимли сўзлар тинглаганда ўзгача завқланишни ҳис қилишади. Ишбилармонлар орасидаги мулозаматнинг мақсади келгусида ҳамкорликни бошлаш ёки давом эттириш бўлиши мумкин. Илтифот турларида жинслараро тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Аёл учун унинг ташқи кўриниши, шахсий жозибасини баҳолаш муҳимдир. Эркаклар эса ақл-идроқ, ижтимоий-иқтисодий мақом, қатъиятлилик ҳақидаги илтифотларга сезгир. Аёллар эркакларга қараганда кўпроқ илтифотни талаб қиладилар. Болалар тилидан чиққан илтифот эса ўзига хос жарангдорлик ва самимият билан чиқади:

– Бобожон, тилингизга асал! Кўзим ҳам, юзим ҳам очилиб кетди сўзларингиздан! [12].

Илтифот суҳбатдошга ёқимли сўзларни айтишнинг бошқа усулларида фарқ қилади. Масалан, мактов – ёши катта одам ёки

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

бошлиқ томонидан билдирилган фикрларни ижобий баҳолаш, муносабат билдириши ҳам мумкин. Муболаға – суҳбатдошнинг ютуқларини атайлаб бўрттиради. Натижада бу ҳақиқатдан йироқ бўлиб, рад этилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Илтифот эса суҳбатдошнинг қадр-қимматининг самимийлигини кўрсатади:

– Менга ҳеч нима керак емас, ўзингиз омон бўлсангиз бас, – дерди Онабиби унинг тикандек мўйловига бармоқларини қадаб [9].

Илтифот фатик восита сифатида жинсига кўра фарқланиши мумкин:

– Билагингизда куч кўп амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демақдир! [20].

Ёки:

– Ҳа, онаси, умримнинг азиз йўлдоши, яхшилик учун туғилган экансан, сендан нуқул яхшилик кўрдим... [16].

Бадиий тасвир ва нутқий жанрларнинг янги бир кўриниши сифатида замонавий тилшунослиқдан ва адабиётшунослиқдан ажратилиб, ҳар томонлама ўрганилаётган фатик мулоқот ва унинг турлари билан танишиш натижасида шундай хулосага кела оламизки, фатика бадиий тасвирнинг ўзига хос ва жуда муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мулоқот мавзусига оид янги ахборот (маълумот) бермасида, коммуникантлар шахсиятини, маълум шароитларда ҳолатини очиб беришда катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. Ленинград.Наука. 1974, -с. 452.
2. Бюлер К. Структурная модель языка// Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерка и извлечениях. Часть II. -Москва, 1965, -С.28-37.
3. А.А.Леонтьев. Язык, речь, речевая деятельность. -М. Наука.1969, -с.505.
4. Н.А.Слюсарева. Методологический аспект понятия функций языка //Ж. Известия АН СССР, 1979. вып.2, -С.78.

ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТЛАР КОМПЬЮТЕР ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ МАҲСУЛИ

Ҳамроева Шахло Миржановна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ТошДЎТАУ докторанти (DSc)

Гулямова Шахноза Кахрамоновна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада электрон луғатларнинг мақсад-вазифаси, турлари атрофлича ёритилган. Рус, инглиз тилларидаги оффлайн ва онлайн луғатлар таҳлилга тортилган. Уларнинг ютуқ ҳамда камчиликлари кўрсатилган. Ўзбек тилида мавжуд бўлган электрон луғатлар мукаммаллаштирилиб, тўлдирилиши, уларнинг онлайн ва оффлайн турларини яратиш кераклиги, бу борада эса жаҳон тажрибаси мактаб вазифасини ўташи таъкидланган.

Кириш. Ҳар бир тилнинг нуфузи ва мавқеи, албатта, унинг луғат бойлиги билан ўлчанади. Тилнинг аҳамияти, қиймати яратилган луғатларга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Маълумки, Маҳмуд Кошғарий лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўққига кўтарилди. У XI асрдаёқ туркий сўзларнинг изоҳли луғатини тузди [3. Б. 45]. Луғат тузиш анъаналари асрлар оша такомиллашиб борди ҳамда барча тилда турли луғатлар дунё юзини кўрди. Тил ўрганиш ва ўргатиш масаласининг марказида луғат ётади. Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда замонавий лексикография электрон луғатлар яратиш муҳимлигига катта эҳтиёж сезди.

Асосий қисм. Фанда “электрон луғат”, “луғатнинг электрон версияси”, “автоматик луғат”, “компьютер луғат” каби атамалар қўлланади. Бу атамалар синоним сифатида бир вақтнинг ўзида ягона илмий тадқиқотнинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Келтирилган атамаларнинг мазмунини таҳлил қилсак, уларнинг барчасини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, электрон луғатларнинг босма лексикографик нашрлари версияларини айтиш мумкин. Иккинчиси, луғатлар учун махсус яратилган электрон форматдан фойдаланиб, сўнги компьютер дастурлари асосида яратилган луғатлар [2].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Бизнингча, бу луғатларнинг барчасини компьютер, электрон ва машинкали деб аташ мумкин. Электрон луғат – бу компьютер дастурининг бир қисми сифатида ишлайдиган махсус машина форматидаги ёки бошқа электрон қурилмадаги луғат. Кўпинча морфологияни ва сўз бирикмаларини қидириш қобилиятини (фойдаланиш мисоллари), шунингдек таржима йўналишини ўзгартириш қобилиятини (масалан, инглиз-рус ёки рус-инглиз) ҳисобга олган ҳолда керакли сўзни тезда топишга имкон беради. Бугунги кунда турли хил луғатларнинг электрон версиялари кенг тарқалган. Анъанавий луғатлардан фарқли ўлароқ, электрон луғатматн ва графика билан бир қаторда барча медиа объектларни, шу жумладан, видео ва анимацион парчаларни, овоз, музика ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Барча электрон луғатларни икки турга бўлиш мумкин: 1) якуний фойдаланувчининг автоматик луғатлари; 2) ишлов беришнинг морфологик, синтактик ва семантик хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотни ўз ичига олган сўзларни қайта ишлаш дастурлари учун автоматик луғатлар (булар маълумот қидириш тезауруси, частота луғатлари, рубрикалар, таснифлагичлар, морфологик таҳлил луғатлари; машина таржимаси бўйича луғатлар) [7]. Босма луғатлар билан таққослаганда, компьютер луғатлари фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятларни тақдим этади: 1) қидириш тезлигининг кўпайиши; 2) луғатда жуда кўп киритмалар: луғат, алифбо кўрсаткичи, клавиатурадан ва матн муҳарриридан сўзлар ва ибораларни киритиш; 3) етарлича аниқ имло билан сўзларни қидириш; 4) тўлиқ матнли қидирув (нафақат луғатда, балки барча луғат ёзувларининг матнларида); 5) луғат семантизацияси учун мультимедиа воситаларидан фойдаланиш; 6) гиперҳаволалар тизимининг мавжудлиги; 7) луғатда барча сўзларга ўзаро боғланишлар мавжудлиги; 8) катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш имконияти; 9) икки тилли луғатларда – олдинга ва орқага таржима қилиш имконияти; 10) компьютер луғати таркибига турли хил ва жанрдаги бир нечта луғатларни киритиш; 11) бир вақтнинг ўзида бир нечта луғатларда қидириш; 12) қидирув майдонини калит сўзлар, тематик гуруҳлар, нутқ қисмлари ва бошқалар билан чеклаш; 13) фойдаланувчи томонидан луғатни тўлдириш ёки фойдаланувчи луғатини яратиш; 14) иш жараёни вақтида қидириш кетма-кетлигини

сақлаш (хронология/қидирув тарихи); 15) луғатда “хатчўпларни” сақлаш; 16) муҳаррирлари билан мувофиқлиги, луғат ёзувларини нусхалаш ва муҳаррирдан луғатга мурожаат қилиш имконияти; 17) машинанинг таржима қилиш дастурлари билан мувофиқлиги; 18) веб-браузерлар ва бошқа турдаги дастурлар; 19) тилнинг фонетикаси, грамматикаси, услуби ва бошқа жиҳатлари тўғрисида қўшимча маълумот бериш; 20) луғатларни локал ва глобал тармоқларда ишлатиш имконияти ва бошқалар [8]. Электрон луғатларнинг икки тури мавжуд: оффлайн ва онлайн. Оффлайн луғатлар – компьютер, телефон ёки планшетда ўрнатилган ва интернетга уланмасдан ҳам ишлаш учун мавжуд бўлган дастурлар. Онлайн луғатлар эса ҳеч нарса ўрнатмасдан, фақат интернет орқали фойдаланиш учун мўлжалланган [9]. Бугунги кунда Россияда Lingvo (ABBY Software House), Мультилекс (МедиаЛингва), Polyglossum (ЭТС - "Электрон ва анъанавий луғатлар"), Контекст (Ин-форматик), PROMT (ПРОМТ) каби электрон луғатлар кенг тарқалган. Икки энг машҳур электрон луғат – бу МедиаЛингва фирмаси томонидан ишлаб чиқилган Lingvo компаниясининг Abbyu ва МультиЛекс луғатларидир. Ушбу луғатларни яратган мутахассислар электрон лексикография тамойиллари тўғрисида турли хил қарашларга эга. МедиаЛингва компанияси МультиЛекс луғатларини ишлаб чиқишда таниқли китоб нашрларининг рақамли нусхаларини яратиш стратегиясига амал қилади. Ушбу компаниянинг электрон луғатлари Россиянинг етакчи нашриётларининг замонавий луғатларига асосланади. МультиЛекс луғатлари – бу ўзларининг қоғоз варианты асл нусхаларининг яхшиланган нусхасидир. Улар босма луғатлар таркибини, шу жумладан, асл нашрларнинг муаллифлари ва тегишли маълумот материаллари муаллифларининг сўз бошилари доимий равишда бериб борилмоқда. Дастлабки сўз бирикмаларининг ҳажми сўз бойлиги сифатида кўрсатилган. Фойдаланувчилар ўзларининг ихтиёрида кучли ва хилма-хил қидирув воситаларига эга (барча грамматик шаклларда сўзлар ва ибораларни танлаб олиш, идиомаларни, ибораларни қидириш, улардан фойдаланиш, алфавит бўйича қидириш). МультиЛекс луғатлари билан ишлашда аниқ ва тўлиқ луғат маълумотлари (транскрипция, ҳар бир соҳа ва стилистик ёзувлар, урғу, изоҳлар ва мисоллар) тақдим этилади. МедиаЛингва

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ёндашишида ҳам баъзи камчиликлар мавжуд, чунки қоғоз прототиписига қаттиқ боғланиш электрон луғатни тузатиш ва тўлдиришга, ҳатто луғат ёзувининг тузилишини ўзгартиришга имкон бермайди. Анъанавий лингвистик луғатлар, ҳақиқатан, анча, камида ўн йил орқада қолиб кетган. Электрон луғатларни эса деярли ҳар куни тўлдириш мумкин. Россия тармоғидаги энг машҳур онлайн-луғатлардан бири – Сети-ИПС [index](http://slovari.yandex.ru/). (<http://slovari.yandex.ru/>) луғатидир. Портал инглиз, немис, француз, италян, испан, украин тилларида таржима қилинган. Умумий сўзлар луғатидан ташқари, тиббий, ҳуқуқий, техник ва бошқа маълумотлар мавжуд. Порталдан фойдаланиш жуда осон ва қулай. Mail.ru (<http://multilex.maii.ru/>) портали етти тилдаги луғатларни тақдим этади. Онлайн-луғат умумий сўзлар луғати билан бир қаторда, тиббий, иқтисодий, шунингдек, нефть, газ, қуёш энергияси ва бошқа соҳа луғатларини ҳам ўз ичига олади. ИПС Rambler (<http://www.rambler.ru/dict/>)да тилларни танлаш ҳали кенг эмас, фақат инглиз ва немис тилларини ўз ичига олади.

Инглизча онлайн луғатлар интернет мавжуд бўлганда сўзни таржима қилишга имкон беради. Кўп ҳолларда улар бепул ва доимий равишда янгиланади. Буларга қуйидагилар киради: *Lingvo*, *Мультитран*, *Cambridge Dictionaries*, *Urbandictionary*, *Google translate*, *Translator*. *Lingvo*нинг онлайн луғати энг кенг қамровли бўлиб, бугунги кунгача энг етакчи ҳисобланади. Даврий нашр ва адабиётларда сўзларнинг қандай ишлатилишини мисолларда кўриш мумкин. Салбий томони эса сайт биров секин ишлайди. *Мультитран* – сўзнинг қандай ёзилишини билмаган тақдирда қидирув майдонига унинг эшитилган варианты киритилади. Қолган қисмини таржимоннинг ўзи бажаради. У хотирасида мавжуд бўлган энг яқин сўзларни қидиради ва катта эҳтимоллик билан керакли сўзни топиб беради. *Cambridge Dictionaries* (*Кембридж луғатлари*)да ҳар бир сўзнинг транскрипцияси ва аудиосини эшитишингиз мумкин. Иккала версия – ҳам Британия, ҳам Америка вариантлари мавжуд. Аудио сифати сўзларни тўғри эшитиш ва эслаб қолиш имконини беради.

Инглиз тилининг оффлайн (электрон) луғатларига АВВҮҮ *Lingvo*, *Poliglossum*, Контекст киради. **Ўзбек-рус ва рус-ўзбек йўналишидаги электрон луғати замонавийлик нуқтаи назардан**

анча қулай бўлиб, ушбу электрон ўзбек тилидаги муайян сўзнинг русча маъносини ёки аксинча, рус тилидаги бирор сўзнинг ўзбекча маъносини аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун эса бир неча сониялар кифоя, яъни ушбу илова-дастур вақтимизни тежаши билан ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунга келиб, инглизча-ўзбекча, русча-ўзбекча луғатнинг турли хил вариантлари мавжуд. Тошкент ахборот технологиялари университетида “Ўзбек, рус ва инглиз тиллари асосида ишловчи электрон луғат (компьютер дастурини) ишлаб чиқиш” тўғрисидаги 12-14 сонли қарорга мувофиқ “e-Lug‘at” номли электрон луғат яратилди (Муаллифлар: М.М.Равилов, Ш.Ш.Тоғаев, Х.У.Бахшуллаев, Ҳ.И.Убайдуллаев). Электрон луғат ўзбек, рус ва инглиз тили асосида ишлайди. Ушбу тиллар асосида 6 та йўналиш бўйича сўзларни таржима қилиш мумкин. Таржима йўналишлари [10]: 1) ўзбек-инглиз; 2) ўзбек-рус; 3) инглиз-ўзбек; 4) инглиз-рус; 5) рус-ўзбек; 6) рус-инглиз. Электрон луғатнинг базаси 145 000 тадан ортиқ сўз ва атамалардан ташкил топган. Барча сўзларнинг таржимаси мисоллар орқали кўрсатилган. “Русча-ўзбекча электрон луғат дастури” рус тилидан ўзбекчага ва ўзбекчадан русчага таржима қилувчи электрон луғат дастури [11]. Луғатнинг афзаллиги шундаки, уни ўзингиз янги сўзлар киритиб, бойитишингиз ҳам мумкин. Яқинда соҳа олимлари тилшунослар билан ҳамкорликда “Ветеринария соҳаси атамаларининг электрон интеграцион изоҳли луғати” мавзусида инновацион лойиҳа тайёрлашга келишиб олинди. Бу тилни мукамал ўрганиш ва ўргатиш самарадорлигини оширади ва машғулот вақтини қисқартиради, шунингдек, мунтазам операцияларни автоматлаштиради.

Хулоса. Замонавий электрон луғатларнинг ўзаро таъсири, уларнинг долзарблиги, янгиланиши, фойдаланувчиларга қулай интерфейси фойдаланувчи учун қулай омиллардир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган аср ўрталарида шаклланган кўплаб луғатлар жуда эскирган. Чунки ишлаб чиқариш, фан, бизнес, маданиятнинг янги тармоқлари пайдо бўлди. Оддий оғзаки тилда янги сўзлар, атамалар, барқарор иборалар кириб келди. Кўплаб янги сўзларнинг маъноси эса ҳали йўқ, чунки уларнинг қоғоз луғатларини тайёрлаш учун жуда кўп вақт талаб этилади. Электрон луғатларни эса

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

тезда янгилаш мумкин. Шунингдек, ўзбек тилининг синоним, омоним, антоним, кўп маъноли сўзлар, пароним, орфоэпик, орфографик, изоҳли каби бир қатор онлайн ва офлайн электрон лугатларини яратиш ва ишга тушириш ўз ечимини кутаётган долзарб вазибалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кантышева Н. Гипермедияльные структурные элементы представления специальных знаний в компьютерной лексикографии / Н. Г. Кантышева // Вестник Челябинского государственного университета. Сер. Филология. Искусство-ведение. – 2012. – Вып. 71. – № 32 (286). – С. 47–50.
2. Лаухина С. Электронные словари как продукт современной лексикографии // <https://cyberleninka.ru/a>
3. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 177 б.
4. Селегей В. Лингвистические проблемы автоматического создания интернет-корпуса русского языка / В. П. Селегей // Инновации и высокие технологии : тр. 55-й науч. конф. МФТИ. – М. : Изд-во Московского физико-техн. ин-та, 2012. – С. 53–54.
5. Убоженко Е. Бумажный и электронный словарь: достоинства и недостатки / Е. В. Убоженко // Новые технологии преподавания русского языка в школе и вузе. – Минск : Изд-во БГУ, 2011. – С. 181.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 томлик. // 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 785.
7. <https://studfile.net/preview/2532712/page:3/>
8. <https://annapal.jimdofree.com>
9. <https://www.englishdom.com/blog/uchebnye-materialy-obzor-elektronnyx-slovarj/#>
10. <http://uz.infocom.uz/2014/11/04/e-lugat-dasturining-imkoniyatlari/>
11. <https://dasturim.uz/ozbekcha-dasturlar/ruscha-ozbekcha-elektron-lugat-dasturi/>

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОНОМАТОПЕЯЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳайдаров Анвар Аскаревич
БухДУ

АННОТАЦИЯ. Тилда эмоционал-экспрессивликни таъминловчи воситалар турли хил бўлиб, улардан бири – ономатопея (товушга тақлид) сўзлардир. Ономатопея тасвирланаётган нарсанинг товушга ёки фонетик тақлидини кўрсатади. Ономатопеяларда сўзлар табиий товушларни ифода этиб, турли коннотатив маъноларни ифодалайди. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги ономатопеяларнинг коннотатив маъно ифодалашини ҳақида фикр юритилади, улар инглиз ва ўзбек бадиий асарларидан олинган мисоллар асосида қиёсий таҳлил қилинади.

Тилда эмоционал-экспрессивликни таъминловчи воситалар хилма-хил бўлиб, улардан бири – ономатопея яъни, товушга тақлид сўзлардир.

Бадиий матнда эмоционал-экспрессивликни таъминлашда ономатопеяларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, “Ономатопея – поэтик нутқда шеър ёки насрдаги товуш ҳодисаларига бадиий тақлид қилиш усулидир” [11, 215].

Ономатопея грекча “onomatopedia” – ном ҳосил қилиш, “onoma” – ном, “reiso” – ясайман, қиламан. Ҳайвон, қуш товушлари ва табиий товушларга тақлидан сўз ҳосил қилиш, деб таъриф берилган [12, 64].

Ономатопея тасвирланаётган нарсанинг товушга ёки фонетик тақлидини билдиради. Масалан: Ҳайвонларнинг товушга тақлидини қуйидаги сўзлар билдиради: “вов-вов” – итларда, “миёв-миёв” – мушукларда, “мо-мо” – сигирларда.

Нутқда товуш шаклланиши бадиий ифодавийлик хусусиятини касб этади ҳамда муайян услубий вазифа бажаради. Тилнинг товуш тизимидаги у ёки бу элементларнинг насрий ёки шеърый матнда (унли ва ундош товушлар, урғули ва урғусиз бўғинлар, пауза, интонациянинг турли хиллари, синтактик қурилмалар, сўзлар такрори) қўлланади [6, 101].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Тил тадқиқотчиси Г.Яхшиева ўз тадқиқотида ўзбек тили унли ва ундош товушларига хос бўлган фонографик услубий воситалар хусусида сўз юритган. [9, 16]. Унинг фикрича, нутқ товушларининг турлича талаффузи хилма-хил коннотатив маъноларни ифодалайди.

А.Ҳайдаров эса ўз тадқиқотида нутқ товушлари ўзининг асосий вазифасидан ташқари, эмоционал-экспрессив ва апеллятив вазифаларни бажариши ҳақида фикр юритган. [10, 15].

Тилшунос олим М.Миртожиев “Товушлардаги маъно” рисоласида товушларда ҳам маъно мавжудлигини, улар ҳам маълум маънода образлилик ҳосил қилишини қайд этади [5, 24].

Нутқ товушларининг бадиий матндаги ўрнини тадқиқ этган И. Ларикованинг таҳлили бўйича “а” аъло даража, чексиз кенглик, чуқурлик ва юксаклик, **и, е, ю** эса майинлик, ёқимлилик, йиғига мойиллик каби маъноларни ифодалайди [3, 1].

Нутқ товушлари тадқиқида товушга тақлид сўзлар, яъни ономотопиялар муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан И.Р.Гальперин ономотопеяларни икки гуруҳга бўлиб ўрганади: ўз ва кўчма маъноли [1, 124].

Ўз маъносидаги ономотопиялардаги сўзлар табиий товушларни ифода этиб, турли даражада коннотатив маъно ифодалайди. Жумладан, ҳайвон ва қушлар овозига тақлид сўзлар: *to buzz, to mew*.

Ушбу сўзлар метафорлаштирилган бўлиб, улар инсон нутқини бойитади, бадиий адабиётда эса маълум услубий вазифа бажаради. Ўз маъносидаги ономотопеялар шундай сўзларки, улар товушларга табиий тақлидни кўрсатади. Масалан, **ding-dong, buzz, bang, cuckoo, tintinnabulation, mew, ping-pong, roar** каби.

Юқорида келтирилган тақлидий сўзлар эмоционал-экспрессивликни ифодалайди. Жумладан, **ding-dong** қўнғироқ товушининг давомли жиринглашини ифодалайди.

Эдгар Понинг куйидаги шеърий мисралари бунга мисол бўла олади:

Hear the **loud alarum bells** –
Brazen bells!
What tale of terror, now, their turbulence tells!
In the startled ear of night,
How they scream out their affright!

Too much horrified to speak,
They can only **shriek, shriek**,
Out of tune ...
How they **clang** and **clash** and **roar**!
What a horror they outpour
On the bosom of the palpitating air!
Yet the ear it fully knows,
By the **twanging** and the **clanging**,
How the danger ebbs and flows. (“The Bells” by Edgar Allan Poe)

Шеърда жуда кўп ономотопик бирликлар қўлланилган бўлиб, унда тўрт хил қўнғироқлар: **“loud alarm bells”, “silver bells”, “mellow golden bells”, “iron bells”** тасвирланган. Шеърнинг ҳар бир мисрасида шоир ушбу қўнғироқлар товушни ифодаловчи турли ономотопик сўзлардан ўринли фойдаланган ва ушбу восита орқали шеърнинг таъсирчанлигини оширган.

Жумладан, **“silver bells”** (кумуш қўнғироқлар) га нисбатан **“jungle”** ва **“tinkle”** сўзлари бўлиб, улар енгил завқли товушларни ифодалайди. **“mellow wedding bell”** эса **“gush of euphony”** ибораси орқали ифодаланган. Шеър мисраларидаги **“shriek, clang, roar, twanging, clanging”** каби сўзлар хавотирли, нотинч вазиятни ифодалаш мақсадида шоир томонидан қўлланилган.

Ҳар қандай ономотопик сўзларни нутқда қўллашда уларнинг товуш томони бадиийликни юзага чиқарувчи бошқа воситалар билан бирикиб, мазмун ҳосил этишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун, Г.В. Горбанаевская тақлидий сўзларни товуш манбасига кўра учта гуруҳга ажратади:

1) Табиат ҳодисаларидан **шамол, ёмғир, бўрон** билан боғлиқ сўзлар: *момоқалдироқ*;

2) Турли предметлар, автомобиль, турли аппаратлар чиқарадиган овозлар: *тарақламоқ, чийилламоқ, гижирламоқ*;

3) Инсон ва ҳайвонлар томонидан ҳосил қилинадиган овозлар: *шивирламоқ, мўрамоқ, пишилламоқ*. [2, 73-78]

Шеъринг асарларида тақлидий сўзларнинг товуш томони мазмун билан уйғунлашиб турли вазиятларни ифодалайди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Комик ёзувчи Рой Крейннинг шеърларида тақлидий сўзлардан ҳажвий ва сатирик вазиятлар яратишда фойдаланганликни кўриш мумкин. Масалан,

Ker –splash and lickety –wop

Машхур инглиз адиби В.Шекспир ҳам ўз асарларининг таъсир кучини ошириш мақсадида тақлидий сўзлардан унумли фойдаланган. Масалан:

Ariel:

Hark, hark

Bow-vow.

The watch-dogs bark!

Bow-vow

Hark, hark! I hear.

The strain of strutting chanticleer,

Cry, “cock-a-diddle-dow!”

Тўғридан-тўғри ўз маъносида қўлланган тақлидий сўзлардан ташқари кўчма маъноли оноματοпеялар ҳам тилда мавжуд бўлиб, бунда товушларга тақлид бирор восита орқали амалга оширилади ва ўшанга тақлид қилинади, инглиз тилида бу ҳодиса “echo-writing” дейилади. Масалан: “And the silken, sad, uncertain rustling of each purple of rustling of curtain”.

Юқоридаги парчада “s” товуши такрорига асосланган сўзлар дарежа пардасининг шарпасини эслатади.

Ёки Африка бўйлаб солдат аскарларнинг марш қилиш оқибатида пайдо бўладиган товушларни қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

We are foot –slog –slog –slog –slogging,

Foot –foot –foot –foot –slogging over Africa.

Boots –boots –boots –boots –

Moving up and down again. (R. Kipling)

Қуйидаги инглизча шеърий парчада шамолнинг эсиши “w” товушининг такрор қўлаш орқали ифодаланган:

Whenever the moon and stars are set,

Whenever the wind is high.

All night long with dark and wet

A man goes riding by. (R.S. Stevenson)

Ушбу ҳолатни ўзбек тилидаги куйидаги шеърий мисраларда учратиш мумкин:

Шовқинлар шошадир чирмаб олмакка,

Сирмаб тортаверар умр шамоли.

Ҳақкадай ҳақаллаб ўтаверар вақт,

Қариб қолмоқдамиз, бирга аёлим. (А. Қутбиддин)

Нутқда товуш шаклланиши бадиий ифодавий хусусият касб этади, муайян услубий вазифа бажаради. Нутқ товушлари бадиий тасвирда ўзининг асосий вазифасидан ташқари эмоционал-экспрессив ва апеллятив (эшитиб таъсирланиш) хусусиятига эга.

Товуш шеърий асарларда муҳим функция бажаради. Поэтик асар оҳангдорлик, айрим гап, ибора ва бирикмаларнинг мисралараро тенг ўлчамлилиги, эмоционаллик ва улар турли хусусиятларга эга бўладиги, булар маълум даражада шу асар тилининг товуш томони билан алоқадордир. Шеърий нутқда товушлар ўзининг турли хусусиятлари билан турли хил экспрессив функцияларни бажаради, умуман шеъриятдаги товушнинг табиати бошқа шаклдаги нутқ товушларининг табиатидан фарқ қилади. Шунингдек, тилнинг бошқа фонетик воситалари – интонация ва урғу ҳам шеъриятда алоҳидаликка эга, улар ўз вазифасининг кенглиги билан фарқланади. Чунки шеър оддий нутқдан ҳам, бадиий прозадан ҳам жиддий фарқланувчи ўзига хос ифодалар системаси бўлган алоҳида нутқ типи ҳисобланади. [4, 22].

Буларнинг барчаси фонетик стилистика доирасига кирувчи алоҳида фонетика –поэтик фонетикани вужудга келтиради. Поэтик фонетикада шеърий нутқ бадиийлиги ва экспрессивлигининг фонетика асослари, шунингдек, бадиийликнинг ифодаланиш усул ҳамда воситалари ўрганилади. [7, 53-55].

Тилнинг моддий базаси бўлмиш товушлар ҳам бирор образ яратишда восита ёки ўзлари ҳам образ бўла олади. Шунинг учун шеърий тилда товуш билан ҳолат ўртасидаги муносабат бўлиши эмоционалликни кучайтиради яъни, унда ифодаланган коннотатив маъно кучли бўлади. Товуш орқали пайдо бўлган ҳис-туйғу шеър маъносини берадиган ҳаяжонга зид бўлмаслиги лозим. Шу сабабдан

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

товушлар воситасида яратилган кўшимча маъно ва образлилик шеърни ўқишда ўқувчини зериктирмайди аксинча унга завқ беради.

Товушга тақлид сўзлардан ўзбек бадий насрида дostonчиликда ҳам поэтик образ яратиш мақсадида унумли фойдаланилган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Равшан” дostonида товушлар ёрдами билан поэтик образ яратилган [8, 24].

Масалан:

Ҳасанхоннинг бир оти,
Келди печкандай бўлду.
Бир найзага Ҳасанхон
Жузду чачқандай бўлду
Қорахон шони чироғи
Шу кун ўчгандай бўлду
Гиркўктунг шу кун туёғи
Калла жанчандай бўлду,
Ҳасанхоннинг кўнглида
Кўшун қочқандай бўлду.

Келтирилган бу шеъринг парчада ў, у товушлари кўп марта такрорланган ҳамда ў, у ли сўзларнинг келтирилиши орқасида яъни, қайтарилган ў, у товушлари акустик характери билан сурон, овоз билдиради.

Кўринадикки, шеъринг тил учун товуш билан ҳолат орасида муносабат бўлгани эмоционал таъсир кучини оширади яъни, юқоридаги парчада Ҳасанхоннинг жанг майдонидаги ҳолати товушлар уйғунлигида кўрсатилади.

Худди шундай ҳолатни дostonнинг қуйидаги мисраларида ҳам кўриш мумкин:

Айрилдим кулба хонамдан
Жони чиққан ул танамдан.
Дуогўй пушту панамдан
Бошимдаги парвонамнан
Кеча-кундуз ғамхонамнан
Мен жониман ул танамнан
Чидамасам шўр энамнан
Мийрвоннан жудо бўлдум.

Келтирилган шеърий мисолда ҳам қайтарилган м ўзининг акустик характери эътибори билан **мунг, қайғу, йиғини** билдиради.

Бу товушнинг қайтарилиши эса шу шеърий парчанинг мазмуни билан бирикади. Дорга олиб кетилаётган ёш ботирнинг руҳий ҳолатини, ҳатто инграшини тингловчига етказади.

Достоннинг кўпгина жойларида товушга тақлид сўзлар қўлланилганлиги кузатилади.

От қўяди эгилип,

От жолиға тикилип.

Шиппа-шип қамчи тортти,

Қор ёмғирдай тўкулду.

Мисолдаги **шиппа-шип** тақлид сўзининг талаффузи чошиб кетаётган от оёғидан чиққан овознинг акс-садосига айланиб, китобхонда завқланиш, тўлқинланиш, хайратланиш, руҳий кўтаринкилик каби қатор коннотатив маъноларни ҳосил қилади.

Шундай қилиб, товушлар табиати миллий менталитет асосида юзага чиқади, чунки ўзбекларга хос анъана, урф-одатлар, инглизларга хос анъана, урф-одатларга мос келмаслиги, уларда бошқа маъно касб этиши мумкин.

Товушларнинг товланиши, матн қуршови ва шароитига боғлиқ ҳолда тушунилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги товушга тақлид сўзлар ўзига хос характер касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Galperin I.R. Stylistics. –М.: Higher School. 1977. –Р. 124-125.
2. Горбаневская Г.В. Слова-звуко обозначение в художественной прозе. Русская речь. –М.: 1984. –С. 73-78.
3. Ларикина И.Е. Звуковые средства художественной выразительности // [http. 1, September.ru. festival \(articles\) 210566](http://1.September.ru.festival/articles).
4. Литературный энциклопедический словарь. –М.: 1987. –С. 22.
5. Миртожиев М. Товушлардаги маъно. Т.: Ўзбекистон, 1982.–24-б.

O`ZBEK TILI FRAZEOLOGIZMLARIDA MILLIY
XUSUSIYATLARNING AKS ETISHI

Haydarova Nodirabegim Axtamjon qizi

BuxMTI o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada tilning lingvomadaniy ahamiyati uning lug'at boyligidagi so'zlarning milliylikni aks ettiruvchi xususiyatlari to'g'risida fikr bildirilgan.

KIRISH. Til nafaqat o'tmishni, balki millatning buguni va ertasini ham ko'rsata oladigan mezondir. Milliy uyg'onish davrining zabardast vakili Abdulla Avloniy aytganidek: "Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadurg'on o'ynayi hayoti til va adabiyotdur. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdur". Til jamiyat bilan bir butunlikda rivojlanadi. Bugungi kunda jahon lug'atshunosligida lug'atlarga kiritiladigan so'zning nafaqat ma'nosi, balki madaniy xususiyatlari ham ko'rsatib o'tilmoqda. Zamonaviy tilshunoslikda bu holat lingvokulturologik xususiyatlar deb yuritiladi. Tilning lingvomadaniy ahamiyati uning lug'at boyligidagi so'zlarning milliylikni aks ettiruvchi xususiyatlari bilan ifodalanadi. Shu jumladan frazeologizmlar ham tilning lingvomadaniy qirralarini ochish uchun xizmat qiladi.

ASOSIY QISM. Frazeologizmlar tilning alohida birligi bo'lib, tuzilishiga ko'ra erkin bog'lanma yoki gapga teng, to'liq yoki qisman semantik qayta shakllangan obrazli, turg'un so'z birikmalarini o'z ichiga oladi. Frazeologizmlar xalq tomonidan yaratilgan bo'lib, ularning mualliflari ma'lum emas, kelib chiqish manbalari aniq emas. Shu ma'noda frazeologiya tilning umumiy tizimiga kiruvchi mikrosistema bo'lib, bu tizim o'zida o'tmish merosni, qadriyatlarni aks ettiradi, avloddan – avlodga o'tadi. Binobarin o'zbek tilidagi ayrim frazeologizmlar ham millatimizning urf-odatlarini, an'analari va irimlari ta'siri ostida shakllangan.

Jumladan, o'zbek xalqida azaldan quloqtishlar odati mavjud. Quloqtishlar, ya'ni beshikketdi odati hozirgi kunda Surxondaryo viloyatining ayrim tuman va qishloqlarida saqlanib qolgan. Oilada qiz bola tug'ilib, chillasi chiqqandan keyin beshik to'yi o'tkaziladi. Qarindosh urug', do'st-og'aynilar yangi farzand bilan muborakbod etgani bu oilaga kelishadi. Shunda o'g'illik birodarlardan biri niyat qilib, yetaklab borgan 5-6 yashar o'g'ilchasiga chaqaloq qizchani tilaydi, so'ratadi. Qizi bor oilaning buvasi, buvisi, ota-onasi va qarindosh-urug'lari rozilik berishsa,

“quloqtishlar” odati o‘tkazilgan. Boyagi bolakay beshikda yotgan qizaloqning “qulog‘ini tishlagan”. Qadim zamonlarda bunday “qudachilik” marosimi qabilalar o‘rtasidagi urush-janjallarga chek qo‘ygan. Tinch qo‘shnichilikni saqlab qolgan. Mazkur odatni ifodalovchi, “qiz bolani go‘dakligidayoq bo‘lajak qaylig‘i deb belgilab qo‘ymoq” ma‘nosida *qulog‘ini tishlamoq* iborasi qo‘llaniladi: *Qizimni tilga olaverma, tug‘ilgan kunida qulog‘ini tishlagan kuyovi bor; o‘g‘ling kelib, kuyov bilan oramiz buzilay deb qoldi.*

O‘zbek oilasida bola tug‘ilishi bilan chilla davriga katta e‘tibor beriladi. Farzand ko‘rgan ayol va uning chaqalog‘i chilla davrida maxsus sharoitda saqlanib, turli ins-jinslar va kasalliklardan himoya qilinadi. An‘anaga ko‘ra ona va chaqaloq 40 kungacha uydan chiqmasligi, bolali uyga begona odam kirmasligi va chillali uyda chiroq o‘chmasligi kerak. Chilla an‘anasi “tuqqaniga qirq kun bo‘ldi” ma‘nosidagi *chillasi chiqdi* iborasi bilan ifodalanadi: *Chillasi chiqishi bilan Hadya ham alohida qizlar yacheykasi tuzishga boradi.*

Frazeologik birliklarning tayanch komponenti sifatida tarixiy va diniy-mifologik mashhur shaxslarning nomlari kelishi mumkin: *Xo‘ja ko‘rsinga “shunchaki nomigagina”, Musoning alamini Isodan olmoq “aybdor chetda qolib, aybsiz kishiga qarshi ish tutmoq”, Xizrni yo‘qlasam bo‘lar ekan “kimnidir ko‘rish istagi qo‘qisdan ro‘yobga chiqqanda aytiladigan ibora”.*

Turli geografik joy nomlari ham frazeologik birliklarning tayanch komponentlari vazifasida keladi. Masalan, o‘zbekcha frazeologik birliklar tarkibida O‘zbekiston hududida joylashgan shahar, qishloq, daryo va sahrolar nomlari uchraydi. Frazeologik birliklar tarkibida qo‘llanilgan toponimlar o‘zlari jonlantiradigan sifat va belgilar, chunonchi, uzoqlik, saxiylik, taqvodorlik kabi alomatlar timsollari sifatida namoyon bo‘ladi: *Beva xotinga Buxorodan it xuradi, onasini Uchqo‘rg‘ondan ko‘rsatmoq* frazeologik birliklari tarkibidagi “Buxoro”, “Uchqo‘rg‘on”, O‘zbekiston hududida joylashgan geografik nom bo‘lsa, *tuxumi Bag‘doddan kelibdimi?*, iborasi tarkibida foydalanilgan “Bag‘dod” shahri, o‘zbek xalqi uzoq asrlar davomida munosabat-muloqotda bo‘lib kelgan shahar nomlaridan hisoblanadi..

Ma‘lumki, xalqimiz kiyinish madaniyati nuqtayi nazaridan ham dunyodagi xalqlarning oldingi saflarida turadi. Bir necha ming yillar ilgari ota-bobolarimiz egniga yaktak-lozim, oyoqqa kovush-maxsi, etik, boshga shabpo‘sh, do‘ppi, telpak, ustga chopon, to‘n kiyib, belga belbog‘, qars boylashgan. Shuning uchun ham xalqimizda erkak kishilikni ramziy

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ifodalash xususida “belingda belbog‘ing bormi?” degan ibora qolgan. Har bir xalqning o‘ziga xos kiyim-kechak nomlari va realiyalari ham milliy frazeologizmlarni hosil qilishda asos vazifasini o‘taydi. Masalan, *to‘nini teskari kiyib olmoq* “o‘chakishgan holda qaysarlik qilmoq”, *do‘ppini osmonga otmoq* “juda xursand bo‘lmoq”, *do‘ppi tor keldi* “iloj-imkonsiz og‘ir ahvolga tushmoq”, *bir-ikki yaktakni ortiqroq yirtgan* “yoshi kattaroq, turmush tajribasi ko‘proq” *chorig‘ini sudramoq* “zo‘rg‘a-zo‘rg‘a, amal-taqal qilib yashamoq”, *paytavasiga qurt tushdi* “xotirjamligi buzilib, bir yerda tinch tura olmaslik”, *ko‘rpasiga qarab oyoq uzatmoq* “imkoniyatini hisobga olib ish tutmoq”, *chovlisini solmoq* “aralashmoq”, iboralari shular jumlasidandir.

Iste‘mol qilinadigan taom nomlari mavjud bo‘lgan frazeologik birliklar ham ko‘p hollarda milliy xususiyatga ega bo‘ladi: *osh bermoq* “to‘ymarosim munosabati bilan katta qozonda palov damlatib, ziyofat o‘tkazmoq: *Xuddi shu o‘g‘il tug‘ilganda Pirimqul hoji qo‘y ham, ho‘kiz ham so‘ydirib, yurtga osh berdi* ; *tog‘ni tolqon qilmoq* “har qanday katta va og‘ir ishni ham bajarmoq”: *Undan keyin charchamaguningcha chopma, ayni qizishgan vaqtingda, g‘ayrating kelib, tog‘ni tolqon qilaman deganingda dam ol, birpasgina dam ol!* Turli madaniyatlarda iste‘mol qilinadigan taom turlari haqida gap ketganda, birinchi navbatda, taom tayyorlanadigan mahsulotning halol yoki haromligiga e‘tibor qaratiladi. Shuning uchun ham muayyan lingvomadaniy birliklarning obrazlilik joriy etilgan taqiq asosida yaratiladi.

Ayrim frazeologizmlar tarkibida keladigan musiqaviy asbob nomlari ham iboralarga milliy ruh bag‘ishlaydi. Masalan, o‘zbek tilida “ro‘yobga chiqishi aniq bo‘lmagan narsa haqida hovliqmalik bilan vaqtdan oldin gapirmoq” ma‘nosida *to‘ydan ilgari nog‘ora qoqmoq* frazemasi qo‘llaniladi.

Xulosa. Bugungi kunda o‘zbek tilining frazeologik boyligi haligacha to‘liq shakllantirilmagan. Shuning uchun frazeologik birliklarni yig‘ish, tasniflash, lingvomadaniy nuqtayi nazardan tadqiq etish, ularni o‘zga madaniyat iboralari bilan qiyosiy o‘rganish bugungi o‘zbek tilshunosligining kechiktirib bo‘lmaydigan dolzarb masalalaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari. Darslik. – T: Fan, 2005. – b.239
- 2.Sattorov M. O‘zbek udumlari. – T., 1993. – b. 21-22
- 3.Yo‘ldoshev B. Frazeologizmlarning adabiy til normasi munosabatiga doir.-T.:O‘TA.1992.3-son.-b.37-42.

ТИЛ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

Исламов Ўткур

филология фанлари номзоди Ўзбекистон
давлат санъат ва маданият институти

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада нутқ маданияти соҳасининг шаклланиш жараёнлари хусусида фикр юритилиб, ушбу соҳанинг пайдо бўлиш давридаги ижтимоий ҳолатлар ва бу даврда соҳа қандай муаммоли масалалар қуршовида ривож топганлиги ҳақида гап боради. Шунингдек, мустақиллик даври соҳага қаратилган эътибор ва бу эътиборга муносабат борасида келажакда бажарилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар ҳам назардан четда қолмаган.

КИРИШ. Ўзбек тили қадимий ўтмиш аждодларимиздан улуғ тухфа, муқаддас маданий мулкдир, бебаҳо меросдир. Бу лисоний, маданий-маънавий, этномаданият, этноменталитет, халқимизнинг ўтмиши ва тарихи, кўҳна фалсафий-диний қарашлари, ўзига хос рухий дунёси, эстетик диди ва ахлоқий меъёрларини, оламни англаш, баҳолаш ва билишга оид тушунчаларини ўзида ифода этган тилни қадрлаш, уни теран ҳис қила олиш ғоят муҳимдир.

АСОСИЙ ҚИСМ. Юртимиз Мустақилликка эришгач, бу тухфа, бу мулк ўз тарихий илдизлари, ўзбек менталитети, ўзини англашнинг бой анъаналари асосида ривожланиш ва бойиш йўлига ўтди. Бу ўзбек халқи Мустақиллик туфайли эришган улуғ имкониятдир. Ҳозирда тилшунослиқда “тил маданияти” “нутқ маданияти” деб номланган тушунчалар, умуман одамларнинг уларга ижобий ёки салбий муносабатининг таркибий қисми бўлиб, унинг талаблари тарихий даврларда жамият ва ижтимоий табақаларнинг тилга доир давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ ҳолда ўзгаришлар ҳам учраб турганлигини кўрсатади. Ўтмишда кишилар тил – инсон тарбияси ва ахлоқ-одобининг, шунингдек, комилликка эришишнинг асосий воситаларидан бири, деб билганлар. Шу сабабли нутқ маданиятига алоқадор ҳодисалар, тушунчалар “нутқ одоби”, “нутқий ахлоқ”, “мулоқот одоби”, “муомала одоби” каби номлар билан юритилган.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Яъни одоб-ахлоқ нормалари доирасида, у билан бевосита боғлиқ, деб қаралган.

Инсонга табиат ато қилган ноёб ва нодир, мислсиз бетакрор ҳамда муқаддас неъмат бўлган тил қанчалик қадимий бўлса-да, тилга одамзоднинг муносабати ҳам шунчалик кўхнадир. Тарихнинг хилма-хил силсиласи поғонасида тилни қадрлаш, баҳолаш, она тилини муқаддас, деб билиш ҳисси одамлар қалбини, унинг меҳр дарёсини ҳеч ҳам тарк этмаган. Шу сабабли, кўпгина донишмандлар тилни инсоннинг қалбига қиёслаган. Шу сабабли ҳам, бизнинг қадимий аجدодларимиз ўз она тилини, қалбини – ўз номус-орини, одамийлик виждонини, элу юртини ҳимоя қилгандек асраган, керак бўлса, кўкрагини қалқон қилган. Улар она тилини йўқотиш, ундан жудо бўлиш бу – тил соҳиблари бўлмиш уруғ ва қабиланинг, элат ва халқнинг, миллатнинг таназзули, барҳам топиши, деб билишган. Шу сабабли, бу нозик ҳисси, миллий туйғуни истилочилар, босқинчилар яхши сезишган ва ҳар доим ўзлари истило қилган ўлкалар аҳолиси тилини сиқувга олган, унинг ривожланишига йўл бермаслик учун исканжада ушлаб туришга интилган. Юртимиз, тилимиз душманлари қанчалик ҳаракат қилмасин, она тилимиз жамиятнинг энг кичик паноҳгоҳи – оилалар оғушида яшайверган, бойиб бораверган.

Ушбу шароитдан фойдаланган ҳолда ўзбек тилини яна камол топтириш, унинг шўролар даврида йўқотилган ижтимоий-сиёсий, юридик-функционал мавқеини тиклаш, тилимизнинг ўз миллий-тарихий илдиэларидан фойдаланган ҳолда тараққий эттириш чоралари кўрилди ва кўрилмақда. Мустақиллик туфайли ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилгани, ўзбек алифбоси ва имло қоидаларининг янгилангани, жой номларини тартибга солиш бўйича қонун қабул қилингани, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида тараққий этиш йўлига ўтгани ва бошқалар бунинг ёрқин далили, дейиш мумкин. Мана шу каби ҳайрли ишлар орасида, айниқса, ўзбек адабий тилидан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг янада юқори сифат даражасига кўтариш бугунги куннинг энг долзарб ишларидан бири саналади. Бу масалага нафақат филологлар, тилшунослар, балки Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори [1.1], “Ўзбек тилининг давлат тили

сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони [2.1] ҳамда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли” номли маърузасида [3.1] кенг тўхталиб ўтилди. Республика Президенти томонидан ҳам соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги бу йўлда ҳали қилиниши зарур бўлган муаммолар ўз ечимини кутаётганлигидан далолат беради.

Нутқ маданиятини илмий тушунча, лингвистик талаб ва ҳодиса, деб тушуниш, асосан, адабий тил пайдо бўлиши ва адабий тилнинг қонун-қоидалари, мезонларига, меъёрларига амал қилиб ёзиш ва сўзлаш, маърифатга интилиш билан боғлиқдир. Мана шу маънода “Тил маданияти”, “Нутқ маданияти” тушунчаларининг ахлоқ-одоб категорияси, лисоний категория, илмий тушунча ва халқона тушунча, табиий-одатий ҳодиса ва илмий тушунча сифатидаги хусусиятларини фарқлаш лозим бўлади. Масалан: тил талаб-қоидаларига амал қилиш табиий эҳтиёж сифатида доимо мавжуд бўлган, аммо уни илмий тушунча доирасида умумлаштириш ва “нутқ маданияти” деб номлаш илмий ишларда XX аср бошларида учрайди ва ўтган асрнинг 60-йилларида у тилшуносликда махсус соҳа ва тушунча сифатида шаклланди ва эътироф этилди. Илмда нутқ маданиятининг назарий ва амалий муаммолари махсус тадқиқ қилина бошлади. Натижада мана шу даврга келиб нутқ маданияти мавзусига бағишланган рисолалар, мақолалар, илмий тўпламлар нашр этилди. Нутқ маданияти тилшунослик соҳаси сифатида тан олинди ҳамда соҳанинг илмий режалари тузилди.

Нутқ маданиятига эътибор кучайди, аммо нутқ маданияти тушунчасининг кўпгина муаммолари, тадқиқ методикаси, ушбу соҳанинг тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқли томонлари ноаниқ эди. Ўша пайтда нутқ маданияти ҳақида фикр юритган муаллифлар бу муаммони гоҳ соф назарий ёки соф амалий муаммо сифатида тушунишди. Қайд қилинган ишлар эълон қилингандан кейин анча вақт ўтди. Мустақилликдан сўнг нутқ маданияти соҳасининг бир қатор мураккаб муаммоларига оид анчагина ишлар қилинди. Ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти ўрта мактаб, лицей ва коллежларда кенгроқ ўрганиладиган бўлди. Бунинг учун аввало,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўқитувчининг нутқ маданияти намунали савияда бўлиши алоҳида ўрин тутиши сир эмас, албатта. Ушбу муаммонинг барча томонларига жавоб берувчи, ўқитувчилар учун энг зарур тавсияларни ўз ичига олган қўлланмалар яратилди [4]. Шунга қарамасдан, нутқ маданиятининг бир қатор назарий муаммолари ҳали ҳам ноаниқ, мунозарали ҳолатида қолмоқда.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва вазифаларини, ушбу тушунчанинг моҳиятини аниқ белгилаб олиш мазкур соҳанинг ривожини учун ўта муҳимдир. Айниқса, ушбу масала ўзбек тилшунослиги учун жуда аҳамиятлидир. Нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти, ушбу соҳанинг мақсад ва вазифаларига доир айрим фикрлар ўзбек тилшунослигига доир баъзи ишларда учраб туради [5]. Бундай фикр баён қилинган адабиётларнинг кўпчилиги рус олимлари қаламига мансубдир.

Нутқ маданияти тушунчаси ва соҳасининг бир томондан, ҳали етарли конкрет эмаслиги, иккинчи томондан, ушбу масалаларга оид фикрларнинг кўпчилиги кўп ҳолда бир-бирини инкор этиши ва мунозарали эканлиги бизни ушбу аспектда иш кўришга мажбур этди.

Нутқ маданияти соҳасининг тилшунослиқда, қолаверса, ижтимоий турмушда қандай ўрин тутишини, соҳанинг илмий асосланиши, нутқ маданияти тушунчаси, унинг моҳияти, тушунилиш ва ўрганилиш аспекти, нутқ маданияти соҳасининг объекти, маданий нутқнинг мезони ва категориялари ва бошқалар ҳақида фикр юритилади. Ушбу мураккаб тушунча ва муаммоларни изоҳланар экан, уларни илмий ҳал этдик, деган даъводан узоқмиз. Тадқиқотчилар томонидан олдинга сурилган бир қатор қарашлар мунозарали бўлиши мумкин. Лекин тилга олинган масалаларни тилшунослиқда қўзғамасдан, уларни ҳоли қудрат, тушуниш ва тушунишга интилмасдан туриб нутқ маданияти соҳасини олдинга силжитиш мумкин эмас. Муаллифнинг асосий мақсади ҳам ушбу эзгу вазифага озгина бўлса ҳам ҳисса қўшишдан иборат бўлди.

Тил тараққий этяпти, тилшунослиқ ривожланыпти. Тилшунослиқ соҳалари кенгаяпти. Барча ишлар, соҳалар тил, унинг бирликлар, имкониятларини очишга, бирликлар муносабатларини ёритишга, айнан, инсон учунгина хос бўлган тилдан кишиларнинг фойдаланишлари қандай бўлишини изоҳлашга қаратилляпти. Тилдан

инсонлар фойдаланади. Инсон бўлмаса, тил ҳам йўқ. Демак, у ижтимоий ҳодиса (камида икки киши бўлмаса – сўзловчи ва тингловчи тил ҳақида гапириб бўлмайди. Тил барча учун баробар бир хилда хизмат қилади. У синфий эмас (синфий деб, баҳолаш, давр, қарашлар натижаси, сунъий ҳолат).

Демак, тил ишлатиш эҳтиёжи асосида вужудга келтирилган қурол экан, у энди ишлатилади ва *нутқ* деган ҳосилани беради. Шунга кўра, ҳозирги кунда нутқ термини ҳам жараён маъносида ҳам, ҳосила маъносида ишлатилипти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Р.Қўнғуров., Э.Бегматов., Ё.Тожиев. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1992; Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.

2. Халқ сўзи, 2019 йил 5 октябрь.

3. Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь.

4. Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь.

5. Э.Бегматов ва бошқалар. Ўзбек нутқи маданияти очерклари, Т., 1988 й.

ЎЗБЕК ТИЛИДА УСЛУБЛАРАРО ФРАЗЕМА Қўллашдаги хилма-хиллик

Каримов Суюн Амирович,

СамДУ, филология фанлари доктори, профессор;

Рашидова Умида Мансуровна,

СамДУ катта ўқитувчиси, филология фанлари

бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ. Маълумки, ўзбек тилидаги фраземалар турли услубларда фаол қўлланади. Уларнинг услублараро қўлланиши бири-бирдан фарқ қилади. Мақолада ўзбек тилидаги фраземаларнинг услублараро қўлланишидаги хилма-хиллик ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, сўзлашув, илмий ва бошқа функционал услубларнинг асосини умумадабий, услубий жиҳатдан нейтрал

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

воситалар ташкил этади. Шу билан бирга, ҳар бир функционал услуб учун ўзига хос бўлган сўзлар, иборалар, грамматик форма ва қурилмалар ҳам мавжуд. Жумладан, ўзбек адабий тилининг расмий услуби ана шундай ўзига хос тил воситалари билан ажралиб туради [2, 4-11]. Бу услубда бошқа функционал услублар учун хос бўлган сўз ва ибораларнинг қўлланиши мумкин эмас. Расмий «хужжатлар матнининг холислик, аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқликдан иборат зарурий сифатлари хужжатчилик тилининг ўзига хос услуби, ундаги ўзига хос сўз қўллаш, морфологик ва синтактик хусусиятлар орқали таъмин этилади» [1, 15]. Кўринадики, ҳар бир функционал услуб ўз услубий меъёрларига эга. Муайян бир функционал услуб учун характерли бўлган тил воситалари иккинчи бир услуб учун ортиқча ва кераксиз бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, Л.В.Шчербанинг қуйидаги фикри характерлидир: «Агар бирор киши жиддий китобда «фагоцитлар микробларни пок-покиза туширадилар», деб ёзса бу ноўрин ва аҳмоқона иш бўларди» [6, 139]. Бадиий нутқ услуби учун ҳам турли услубларга хос элементларнинг ноўрин қўлланиши характерли эмас. М.Н.Кожина бадиий нутқдаги услубий хилма-хилликни услублар аралашмаси эмас, балки бадиий нутқда қўлланадиган лексик-фразеологик воситаларнинг турли-туман услубий бўёққа эга эканлиги деб изоҳлайди[4]. Акад.В.В.Виноградов тўғри таъкидлаганидек, “бадиий асар таркибида адабий тилнинг турли услубларига хос ифодалар, бирикмаларнинг аралашуви, қўшиливи ички жиҳатдан асосланган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, хилма-хил услубларнинг комик тўқнашуви юзага келади, бу эса (аниқ мақсадга йўналтирилмаган бўлса) муаллифнинг нутқ маданиятидаги нуқсонидан далолат беради”[3, 197].

Демак, бадиий асарларда услубий хилма-хиллик фақат бадиий приём, восита сифатида ирония, комизм ва кулги ҳосил қилиш учун қўлланилиши мумкин, холос.

Масалан, китобий бирикма саналган «*обод қилмоқ*» унинг учун характерли бўлмаган матнда сўзлашув услубига хос иборалар билан ёнма-ён келганда услубий хилма-хиллик ҳосил бўлади, “*обод*” сўзининг қўштирноқ ичига олиб берилиши эса бу услубий хилма-хилликни таъкидлашга хизмат қилади: «*Багдасарян Бенин Бахратович... қиладиган*

ишининг тайини йўқ...кўп марта Душанба шаҳри район судларини «обод қилган» (ЎзАС, 12.07.2001).

Илмий ёки бошқа китобий матнлар таркибига сўзлашув ибораларини киритиш ҳам функционал услублар меъёрийлигини бузишга олиб келади, бу эса маълум даражада кулги, пичинг ҳосил қилишга восита бўлади: "... ўттинччи йилларнинг охиридаги баъзи газеталарни варақлаб кўринг. Каминага қарши қилич яланғочлаб чиққан мақолаларни ўқиш бахтига муяссар бўласиз" (О.Ёқубов. Диёнат); «Ёши ҳаммамиздан катта бўлган осетиялик журналист Боложон Хугаев оқсоқол сифатида зиёфат жиловини қўлга олди-ю. кавказча расм-русумлар билан қадаҳ сўзи айта бошлади» (Туркистон, 30.07.2001) кабилар.

Қуйидаги мисолда ҳам услубий зид ҳолат юзага келган: «Ўзингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоғи бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир-биримизга сигнал бердикми? Йўқ.. Агар биз ўзибўларчиликка узил-кесил барҳам бериб қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг кўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиққан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнарди» (А.Қаҳҳор. Ҳикоялар).

Оддий сўзлашув ибораларини қўллашда газета ва журнал саҳифаларида, бадий услуб намуналарида баъзан услубий яхлитликка риоя қилинмайди: «Ҳақиқатдан ҳам шу боришда борса, барча баробар бор-бўдидан айрилиб, икки қўли бир тепам бўлиб қолиши мумкин-да» (Туркистон, 30.07.2001); « - ...Шу мажлисда дастлаб кўндан миясини ўйдилаб юрган айрим шубҳали туюлган масалалар устидагина тўхталди» (Ж.Абдуллахонов.Суиқасд).

Ўзга услубга хос ибора персонаж нутқи таркибида ҳеч қандай услубий мақсадсиз қўлланса ҳам салбий тасаввур ҳосил қилади: «... Ўзимизнинг Муножотой ўзбек миллий қўшиқлари билан халққа чинакамига муножот қилаётгани қандай яхши» (Мирмуҳсин. Илон ўчи); «Зеро, ниятимиз, холис: таълим-тарбия масканида, педагогик жамоада соғлом муҳит қарор топсин, ҳақ барҳақ бўлсин деймиз» (Зарафшон, 07.05.2001) кабилар,

У ёки бу иборани қўллашда унинг услубий хосланишинигина эмас, балки экспрессив-баҳо бўёғини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади: «- Сизнинг «Волга» ни? Ўзи ака, жийда-пийданинг тагидан ўтиб колмадингизми, сизларни «Волга» бу ерда, тоғ орасида нима

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

қилади?» (Зарафшон, 18.05.2001); «Унинг қўнғил ярасига малҳам бўлиб, умидсизликка тушиб, қўли ишга бормай қолган шу кунларда сўраб-суриштирадиган, далда берадиган киши борми?» (Зарафшон, 17.05.2001). Келтирилган мисолларнинг дастлабкисида оддий сўзлашув услубига хос «жийда-пийданнинг тагидан ўтиб келмоқ» ибораси чўпон нутқи таркибида экспрессив бўёғи салбий оттенка ифодаламоқда, матн эса ижобий оттенка учун хизмат қилишга бўйсундирилган. Кейинги мисолда биринчи ибора «қўнғил ярасига малҳам бўлиб» ноўрин қўлланган.

Кўпинча ўзга услубга хос иборанинг қўлланишини ҳар иккала томонидан, қўйилган қўштирноқлар кўрсатиб туради. Бундай график белги ўзга услубга хос иборани ажратиб таъкидлаб кўрсатади: «Тилингни чаён чақадими, «да» ни ишлатсанг» дерди дугоналарим» (Туркистон, 09.04.2001); «Ўғирлик қилишга тиши ўтмади» (Туркистон, 18.05.2001) ва бошқалар.

Демак, ўзбек тилидаги ибораларни матнда қўллашда уларнинг услубий маъносини, компонент таркибини, ўша матн билан муносабатини ҳисобга олиш, услубий хилма-хилликка йўл қўймаслик лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аминов А., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш (амалий қўлланма). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 15.
2. Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – С. 4-11.
3. Виноградов В.В. О языке художественных литературы. – М.: Худ. лит-ра, 1959. – С. 197.
4. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 1992. -140 б.
5. Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1983. – С. 199.
6. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. – С. 139.

РАҲБАР НУТҚИДА ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Шерозбек Мўминов,
ФарДУ магистранти
Сарвиноз Мадаминова,
ФарДУ талабаси

АННОТАЦИЯ. Мақолада раҳбар фаолиятида ҳозиржавобликнинг ўрни ва унга эришиш омиллари баён қилинган.

Сўз, сўзлаш қобилияти Аллоҳ яратган мавжудотлар ичида фақат инсонгагина берилган энг олий неъматдир. Меҳр, ғазаб, нафрат каби туйғуларни ҳайвонлар ҳам туйиши, буни ташқи муҳитда намоён қилиши мумкин. Лекин онгли ҳаракат қилиш, бир-бирига ички кечинмаларини сўз ва бошқа тил, нутқ бирликлари ёрдамида ифодалаш фақат инсонгагина хосдир. Инсонлар сўз орқали жамиятда қадр топишади, касбий фаолиятларида муваффақиятга эришишади, янги танишлар орттиришади. Ёки аксинча, юқорида санаб ўтилганларнинг тескариси бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу мақоламиз раҳбар нутқий фаолиятининг бир қирраси – ҳозиржавоблик мавзусига қаратилган бўлиб, аввало раҳбарнинг нутқий фаолияти, унинг сўз сўзлай олиш санъати ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Раҳбарнинг чин маънодаги йўлбошловчилик даражасига етишишида кўп билим, юксак салоҳият, темир интизом, кўп китоб ўқиганлиги, ўз соҳасига доир билимларни мукамал эгаллаган бўлиши ва, шу билан бирга, нотиклик санъати, тадбиркорлик маҳоратининг ўрни бениҳоя катта. Зеро, буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўзларининг машҳур “Темур тузуклари” асарини бежизга қуйидаги жумлалар билан бошламаганлар ва бутун асар давомида муомала, муросою мадора масаласига қайта-қайта мурожаат қилганлар: “Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа тушириш, муҳолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муомала, муросою мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўладим...” [1, 14].

Замонавий раҳбарнинг нотиклик санъатини пухта эгаллаганлиги мажлислар, ходимлар билан бўладиган турли хил йиғинларда ҳамиша диққат марказида бўлишига, бераётган буйруқлари, топшириқларини қўл остидагилар оғишмай бажаришига энг асосий

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

омилдир. Раҳбар нутқ сўзлаётган пайтда қатъият билан, вазиятдан келиб чиқиб, бир оз мутойибага, мақтовга, танбеҳга, рағбатга ҳам урғу бериши унинг нутқидаги таъсирчанликни оширади. Чинакам нутқ катта маҳорат ва пухта тайёргаликнинг маҳсулидир.

Айтиш мумкинки, нотиқлик, муомила маданияти барча касбларнинг, санъатларнинг асосида мавжуд. Ўз фикрини оммага чиройли тарзда, аниқ ва содда тушунтира олиш ва ишонтира билишга бўлган ҳаракат деярли барча соҳа, касб эгаларининг табиатида бор. Тажрибали педагог Ш.Раззоқов “Раҳбарлик учун махсус билимлар, кўникмалардан ташқари, одамлар билан муомила қилиш, кўл остидагилар билан тил топишиш, топқирлик, ҳозиржавоблик, қалтис вазиятлардан чиқа олиш, жараённи баҳолаш, энг асосийси, ҳар қандай мушкул вазифани мураккаб ҳолатларда ҳам удалай оладиган аҳил ва жипслашган жамоа тузиш қобилияти мужассам бўлиши лозим”, – деб таъкидлаган [4].

Нотиқлар нутқидаги энг муҳим хусусият – бу ҳозиржавобликдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу тушунча шундай изоҳланган: “ҲОЗИРЖАВОБ [а. – билағон; гап, суҳбатда ўзини йўқотмайдиган; ҳаёт, давр талабига ўз иш-амали билан жавоб берувчи]”. “ҲОЗИРЖАВОБЛИК – Ҳозиржавоб бўлиш, ҳозиржавоб шахсга хос хислат, муомала, хатти-ҳаракатдир [2, 545].

Ҳар қандай раҳбар ҳозиржавоблик билан ўз қобилиятини намоён этади. Ҳоҳ мажлис пайти бўлсин, ҳоҳ қандайдир тadbир бўлсин, раҳбар ходимлари томонидан берилган саволга ўрнида ва мантиқли жавоб қайтариши зарурдир. Раҳбардаги ҳозиржавоблик нафақат нутқида, балки олиб бораётган фаолиятида ҳам бевосита намоён бўлиши керак. Бунга яққол мисол тариқасида шуни айтиб ўтишимиз жоизки, ҳозирги кунда ўзбек тилига аҳамият ҳар қачонгидан ҳам юқори. Бу масала юзасидан Президентимиз Ш.Мирзиёев кўплаб қарор ва фармонлар чиқармоқдалар. Давлатнинг биринчи раҳбари сифатида олиб борилаётган бу сиёсатга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илк бора ўзбек тилида нутқ сўзлаб ҳозиржавоблик намунасини кўрсатдилар. Жаҳон минбарларида туриб она тилимизда сўзланган ҳар бир жумла қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади. Бу каби ҳозиржавобликни Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг кундалик фаолияти ва нутқида кўришимиз, кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Жумладан, ҳозирги кунда бутун

дунёни кўзга кўринмас ёв деб таъриф берилаётган касаллик ўз исканжасида ушлаб турибди. Унинг инсонлар саломатлигига, иқтисодга, таълимга ва деярли барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Хитойда пайдо бўлиб, бутун дунёга тарқалган бу касаллик юртимизда дастлабки қадамини ташлагандаёқ бундан ҳамма огоҳ этилди. Касаллик яширилмади ва бутун Республикада карантин ҳолати жорий этилди. Бу ҳам Президентимизнинг ҳозиржавоблик билан олиб борган доно сиёсати эди. Буни бошқа давлат раҳбарлари ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Бу каби чуқур ўйлаб тезкорлик билан қарор қабул қилиш раҳбардан кўп маънода ҳушёрлик ва жуда катта масъулиятни талаб қилади. Ф. Нитше раҳбарлик маҳорати ҳақида шундай деган эди: “Буюриш бўйсинишдан кўра қийинроқдир” [3.3]. Ҳақиқатан ҳам, қандай соҳа бўлмасин, муаммо қай даражада катта ё кичик бўлмасин, унинг олдини олиб, ечимини топиб бутун масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда топшириқларни беришнинг ўзи мушкул вазифадир. Шарқ мутафаккирларидан бири Кайковуснинг “Ҳеч ишда шитоб қилмағил. Ҳар ишгаки кирасар бўлсанг олдин ўша ишдин чиқмоқни яхши кўзлағил ва ишни оҳирига қарағил, ҳар бир ишнинг ўлчоғин билғил ва барча ишни ўйлаб қилғил. Барча ишга, сўзга ақл юзи билан қарағил токи ботил кўра билғил”[4]. Кайковуснинг ушбу пурҳикмат сўзлари юқорида келтирилган фикрларимизни тасдиқлайди.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз жоизки, бугунги куннинг раҳбари ўзининг ташаббускорлиги, доимо янги имкониятларни излаб топиши, ҳар бир вақтдан унумли фойдаланиши, нутқида ва олиб бораётган фаолиятида ҳозиржавоблик билан доимо олдинга интилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 5- жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
3. Йўлдошев М, Назарзода Н. Раҳбар психологиясида ахлоқ. – Тошкент: ШАРҚ, 2010.
4. Интернет маълумотлари // xabar.uz.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**SO‘Z BIRIKMALARIDA SINTAKTIK VA
NOMINATIV XUSUSIYATLAR UYG‘UNLASHUVI**

Nazarova Saida Axmedjanovna,
filologiya fanlari nomzodi,
BuxDU O‘zbek tilshunosligi kafedrası dotsenti
Xojiyeva Maxfirat Yusupovna,
BuxDU O‘zbek tilshunosligi kafedrası o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada o‘zbek substansial sintaksisi tadqiqiga doir masalalardan biri – so‘z birikmasi(SB) lisoniy mohiyatida sintaktik va nominativ xususiyatlarning muvofiqlashuvi xususida fikr yuritilgan. Bu masala SB tizimidagi hokim a‘zosi fe‘lli birikmalarning ma‘noviy guruhlari hamda lisoniy qurilish qoliplarining muvofiqligini aniqlash asosida tahlil qilingan.

KIRISH. Til egalarining muayyan kommunikativ maqsadi va ehtiyoji tufayli nutqda turli ma‘noviy munosabatlarni ifodalaydigan so‘z birikma(SB)lari hosil bo‘ladi. Nutqda ro‘yobga chiqqan SBlari tilda mavjud birikish usullari, lisoniy sintaktik qolip(LSQ)lardan biri voqelashganligidan darak beradi.SB o‘z qurilishida tilning sintaktik qonuniyatini aks ettiruvchi sintaktik sath birligidir. Barcha til birliklari kabi SBlari ham ma‘lum vazifaga xoslangan bo‘ladi. Bu sintaktik birlikning vazifasi nominativ tizimga mansubligi va nominativ birliklar sirasidagi o‘rnini belgilaydi.

ASOSIY QISM. SBlarining lisoniy mohiyatida sintaktik va nominativ tabiati uyg‘unlashgan bo‘ladi. Birinchi navbatda, uning sintaktik tabiatiga e‘tibor qaratamiz. Negaki, nutq voqeligida kuzatishda berilgan SBlari o‘zbek tili sintaktik sathida SBlarini hosil qiluvchi 16 xil LSQning hosilalari hisoblanadi. O‘zbek tilida SBlarini hosil qiluvchi 16 turdagi LSQning mavjudligi fikrimizning dalilidir.[1] Til sohiblarining kommunikativ munosabatlarida kuzatiladigan SBlari lisoniy sintaktik birlik maqomidagi mazkur LSQlarning nutqiy voqelanish oqibatidir. SBlari xilma-xil ko‘rinishda bo‘lganligi bois ularni yuzaga chiqaruvchi LSQ turi va miqdori ko‘p. SBlarini hosil qiluvchi 16 xil LSQni tilning tushuncha ifodalash, ya‘ni nomlash vazifasini bajaruvchi sintaktik imkoniyati sifatida e‘tirof etish ilmiy haqiqatga mos. Zero, o‘zbek tilida tushuncha ifodalash

yoki atash vazifasi mavjud lisoniy sintaktik imkoniyatlarning SB shaklida ro'yobga chiqishi natijasida amalga oshiriladi.

SBlari tizimida hokim a'zosi fe'lli birikmalar alohida o'ringa ega. Bu SBlari lisoniy mohiyatida sintaktik va ma'noviy xususiyatlar uyg'unligini tahlil qilishdan avval fe'lli birikmalar guruhini belgilash lozim.

Fe'l nutqda ot, sifat, son, ravish, olmosh va taqlid leksemalar bilan birikib, muayyan predmetga xos harakat va holatning belgi-xususiyatini hamda obyekt bilan bog'liq harakat-holatni ifodalab keladi. Fe'lli birikmalarning *yaxshi o'qimoq, ikki-uch marta kelmoq, pinhona uchrashmoq, har gal aytmoq, milt-milt yonmoq* kabi ko'rinishlari harakat va holatning muayyan belgi-xususiyatini bildiradi. Tobe vaziyatni egallagan leksemalarning sifat, son, ravish, olmosh va taqlid turkumiga mansubligi hosilalarni bir-biridan farqlab turadi. Harakat-holatni anglatish ma'nosi (vazifasi) fe'lning qayd etilgan turkumlarga oid so'zlar bilan sintaktik aloqaga kirishuvida muayyanlashadi.

Bundan tashqari, turli nutqiy ehtiyoj, maqsad, vaziyat talabiga ko'ra yuzaga keluvchi *kitobni o'qimoq, mashqni bajarmoq; maktabga bormoq, muharrirga yozmoq; poyezdda kelmoq, tanlovda qatnashmoq; daladan qaytmoq, temirdan yasamoq, ketmon bilan chopmoq, telefon orqali gaplashmoq, xalq uchun xizmat qilmoq, kelajak haqida o'ylamoq* kabi voqelanishlarda fe'llarning ot leksemalari bilan birikishini kuzatish mumkin. Bu turdagi hosilalarda tobe vaziyatdagi narsa-hodisa, keng ma'noda predmetni nomlovchi leksemalar (otlar) fe'llarga morfologik vosita – kelishik shakli va ko'makchi yordamida birikib, obyektli birikmalarni shakllantiradi. Bu esa fe'lga xos boshqa sintaktik imkoniyatlar mavjudligini, fe'l va ot bog'lanishlarida morfologik va sintaktik omillar voqelanganligini ko'rsatadi.

Fe'lli SBlarini ma'noviy xususiyatlari asosida ikki guruhga ajratish mumkin:

- 1) [belgi-harakat] ma'noli SBlari;
- 2) [obyekt-harakat] ma'noli SBlari.

Demak, hokim a'zosi fe'lli birikmalar ikki ma'noviy guruh: [belgi-harakat] va [obyekt-harakat] ma'noli SBlaridan iborat.

Fe'l ot, sifat, son, ravish, olmosh va taqlid so'zlar bilan sintaktik aloqaga kirishar ekan, hokim mavqeyida gavdalanadi. Mazkur bog'lanishlar natijasida harakat-holatning obyekt va belgi-xususiyatini aniqlashga xizmat qiluvchi SBlari yuzaga keladi. Fe'lga xos

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

biriktiruvchanlik imkoniyatlari faqat hokim mavqeyida voqelanishini belgilaydi. Harakat-holatning belgi-xususiyati yoki obyektga aloqador ma'nolari fe'lga tobelanuvchi ot, sifat, son, ravish, olmosh, taqlid so'zlar tomonidan aniqlashtiriladi. Oqibatda, ikki xil, ya'ni [obyekt-harakat] va [belgi-harakat] ma'nolarini ifodalovchi fe'lli birikmalar hosil bo'ladi. Bunday birikmalarda fe'l o'z lug'aviy ma'nosi, grammatik shakli va sintaktik vaziyatini tobelanuvchi so'z yordamida aniqlashtiradi. Qiyoslang:

1.[Belgi-harakat] ma'noli SBlari: *yaxshi o'qimoq* (sifat+fe'l); *ikki-uch qaramoq* (son+fe'l); *pinhona uchrashmoq* (ravish+fe'l); *allanechuk so'ramoq* (olmosh+fe'l); *sim-sim og'rimoq* (taqlid+ fe'l).

2.[Obyekt-harakat] ma'noli SBlari: *she'rni yodlamoq* (ot+t.k+fe'l); *ko'chaga chiqmoq* (ot+j.k+fe'l); *poyezdda kelmoq* (ot+o'-p.k.+fe'l); *daladan qaytmoq* (ot+ch.k.+fe'l); *ketmon bilan chopmoq* (ot+ko'makchi+fe'l); *vatan uchun xizmat qilmoq* (ot+ko'makchi+fe'l); *farzand haqida qayg'urmoq* (ot+ko'makchi+ fe'l).

Fe'lning semantik, morfologik va sintaktik valentliklari unga tobelantirish, saylash huquqini beradi. Shu bois sifat, son, ravish, olmosh, taqlid leksemalari fe'llarga hech qanday morfologik vositasiz, ma'noviy va sintaktik valentliklari asosida tobelanadi. Fe'l leksemalari ham ayni valentliklarga egaligi tufayli sifat, son, ravish, olmosh, taqlid leksemalarini tobelantiradi. Tobelanuvchi so'zlar hokim mavqeyidagi fe'llar ifodalayotgan harakat-holatning belgi-xususiyatlarini aniqlab, izohlab keladi. Shuning uchun bunday fe'lli birikmalar [belgi-harakat] ma'noli so'z birikmalari deyiladi.

Ism leksemalar (ot, sifat, son, olmosh, sifatdosh, harakat nomi, taqlid, undovlar ham) fe'llarga kelishik ko'rsatkichi hamda ko'makchi yordamida tobelanadi va bu leksemalarga xos ma'noviy, morfologik valentliklar yuzaga chiqqanligidan darak beradi. Demak, hokim vaziyatdagi fe'llar tobe vaziyatni egallagan ismlarni (ot va shunday imkoniyatga ega bo'lgan sifat, son, olmosh, sifatdosh, harakat nomi, taqlid, undovlarni) boshqarib, [obyekt-harakat] ma'nosini shakllantiradi.

Tabiiyki, hokim a'zosi fe'llardan tuzilgan SBlari ham muayyan LSQiga ega. Ammo ularning LSQlari substansial sintaksis nazariyasi zaminida tiklanadi. Negaki, sintaktik sathning substansial tadqiqi lisoniy sintaktik birliklar, ya'ni SBlari va gaplarni hosil qiluvchi LSQlarni aniqlash imkonini berdi. Tilimizda SBLSQLari, ta'kidlanganidek, 16 xil bo'lib, bu

siradan fe'lli SBlarining lisoniy qurilishini umumlashtiruvchi LSQlarni ham aniqlash mumkin.

Lison-nutq farqlanishi asosida tahlil qilinganda nutqda moddiylashuvchi SBlari va gaplar nutqiy birliklar sanaladi. Substansial sintaksis lison sathida faqat SBlari va gaplarning LSQlarini qoldiradi.[2] SB va gaplarning LSQlari substansial sintaksisning tadqiq manbayidir. LSQlar yuksak darajadagi umumiylik bo'lib, ular ongimizda imkoniyat sifatida yashaydi.

So'zlarning o'zaro erkin birikishini ta'minlovchi doimiy o'zgarmas, qat'iy qolip borki, bu benihoya rang-barang birikmalarni istalgan miqdorda hosil qiluvchi $[W\sim W]=NB$ umumiy lisoniy qolipidir. Ism va fe'l birikuvidan iborat qurilma $[W\sim W]=NB$ ga muvofiq quyidagi ko'rinishni oladi: $[I \sim F]=[\text{belgi-harakat}] SB$.

$[I \sim F]=SB$ qolipida $[I \sim F]$ xususiy shakli faqat ismlar va fe'llar orasidagi sintaktik munosabatni umumlashtirsa, $[SB]$ ramzi mazkur munosabatdan kelib chiqadigan sintaktik ma'noni mujassamlashtiradi. Muhimi, bu sintaktik ma'no $[I \sim F]$ qurilmali SBlarini fe'lli birikmalarning boshqa turlaridan farqlaydi. Zero, mazkur birikuvdan $[\text{belgi-harakat}]$ ma'noli SBlari vujudga keladi. $[I\sim F]=SB$ ismlar va fe'llarning birikuvidan hosil bo'ladigan $[\text{belgi-harakat}]$ ma'noli SBlarining sintaktik qurilishini umumlashtiradi.

$[I\sim F]=SBLSQ$ fe'lli birikmalarning $[\text{obyekt-harakat}]$ ma'noli turiga xos lisoniy qurilishni umumlashtira olmaydi. Chunki fe'lli birikmalarning bu turiga tegishli lisoniy sintaktik qurilish xususiyatlarini tobe a'zoning hokim a'zoga kelishik va ko'makchilar yordamida birikish tarzi belgilaydi. Bu morfologik vositalar tushum, jo'nalish, o'rin-payt, chiqish kelishigi va ko'makchi shaklini oladigan ismlarning fe'llarga bog'lanishini ta'minlaydi. Kelishik va ko'makchilarga xos biriktirish qobiliyati lug'aviy asoslarning semantik birikuvchanlik qobiliyati bilan birgalikda yuzaga chiqishi sintaktik qurilishga xos asosiy xususiyatdir. Ismlardan tuzilgan $[\text{obyekt}]$ ma'noli tobe a'zoning fe'llardan iborat $[\text{harakat}]$ ma'noli hokim a'zoga kelishik va ko'makchi vositasida birikishini quyidagi LSQlar o'z mohiyatida mujassamlashtiradi:

1. $[I^{k.k.\sim F}]=[\text{obyekt-harakat}] SB$.
2. $[I^{ko'm.\sim F}]=[\text{obyekt-harakat}] SB$.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

XULOSA. O'zbek tilida [obyekt-harakat] ma'noli SBlarining lisoniy sintaktik xususiyatlari $[I^{k.k.} \sim F] = SBLSQ$ va $[I^{ko'm.} \sim F] = SBLSQ$ mohiyatida aks etadi. Tobe a'zoning umumiy morfologik tabiati ularni $[I^{m.v.} \sim F] = SBLSQ$ qiga birlashtiradi. Demak, til sathida $[I^{m.v.} \sim F] = SB$ qolipi [obyekt-harakat] ma'noli SBlarining, $[I \sim F] = SB$ qolipi esa [belgi-harakat] ma'noli SBlarining umumiy LSQi sifatida lisoniy sintaktik birlik maqomida bo'lib, SBlari tizimida hokim a'zosi fe'lli SBlarining lisoniy va ma'noviy xususiyatlarini uyg'unlashtiradi.

Umuman, SBlari lisoniy mohiyatida sintaktik va nominativ xususiyatlar uyg'unlashuvini o'rganish so'zlarning birikishi va rang-barang nutqiy hosilalar vujudga kelishida ona tilining sintaktik qonuniyatlari amal qilishini kuzatish, tahlil qilish, sintaktik birliklarning qo'llanish doirasi, vazifalar ko'lami va ta'sir quvvatini aniq tasavvur etish, adabiy til me'yorlarini o'zlashtirish va madaniy nutqni shakllantirish, o'z tilini bilish– sevib ardoqlash, ona tilida fikrlash – o'zlikni tanish barobarida milliy g'urur tuyish uchun behad zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Назарова С.А. Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда.–Т.: Фан, 2015. – 112 б.
2. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (соғда гап синтаксиси учун материаллар). – Т.: ЎзМУ, 2002. – 117 б.

ПЕРИФРАСТИК НОМИНАЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қобилова А.Б.

БухДУ инглиз тилшунослиги
кафедраси ўқитувчиси

Перифраза - лингвистик фанда аниқ тушунчага эга бўлмаган ҳодиса. Бу бирлик тавсифловчи ифода сифатида белгиланади ва троп сифатида кўпинча бошқа тил бирликлари қаторида қўйилади. Бу ҳақда И.Э.Умаров қуйидагиларни таъкидлайди: "...парафразалар бадий тавсир воситаларидан бири сифатида оғзаки нутқимизда ҳам, ёзма нутқимизда ҳам кўп қўлланилади, тилнинг бойишини, маъно

имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади”.

Бироқ, деяри барча тадқиқотчилар перифразанинг номинативлигини, тил номинацияси жараёни билан алоқасини тан оладилар. **"НОМИНАЦИЯ** (лот. *nominatio* — номлаш, ном қўйиш, аташ) (тилшуносликда) — номлаш хусусиятига эга бўлган, яъни нолисоний **борлик** унсурларига **ном** бериш ва уларни ажратиб кўрсатиш, улар ҳақида тегишли тушунчаларни шакллантириш учун хизмат қиладиган **тил** бирликлари” [<https://qomus.info/>].

Перифраза объектлар ёки ҳодисаларни билдиради, лекин унинг номинал функциясида перифраза мустақил эмас – у сўзга нисбатан иккинчи даражали. Перифраза ҳар доим сўз билан номзод бўлган нарсаларни чақиради, яъни перифразанинг ҳар доим сўз билан умумий денотати мавжуд бўлади. Нутқий жараёнда сўз билан перифразада ўзаро алоқадорлик мавжуд. Перифразанинг қиймати фақат сўзнинг маъноси билан ўзаро боғлиқлиги туфайли мавжуд. Сўз билан ассоциатив алоқасиз-вариантдош перифраза объект билан алоқани йўқотади. Шунинг учун, кўпинча перифраза ва сўз айрим матнларда параллел равишда ишлатилади. Масалан, *Стенокард* юракни *ғижимлайдиган дард*. *Стенокардия* – юрак ишемик касалликларининг кенг тарқалган тури бўлиб, одамлар орасида “юрак сиқиши” номи билан машҳур. (“Даракчи”.№15. 11.04.2019. 43-б.). *Микроинсулт* – организм “сигнали”га беэътибор бўлманг! (“Даракчи” №18. 02.05.2019. 46-б.). *Вакцинация* – вирусларга қарши қалқон. (“Суғдиёна” №40. 04.10.2018. 33-б.).

“Эмланиш – организм ва хасталик учрашуви”. (“Доктор пресс” №6. 09.02.2017.1-б.) каби. Матнда перифразалар сўз билан параллел равишда қўлланганда матн маъносига ойдинлик киритади, матн мазмунини муайянлаштиради.

Шундай қилиб, перифрастик номлаш бу сўз муаллифини муайян вазиятда асосий ном (сўз) эмас, балки такрорий (перифраза) нутқий бирликдан фойдаланишга мажбур қилади ва прагматик қийматга эга бўлади: *У киши агар бераман деса, илмда дарёйи азим. Фойдаланиб қолиш керак улардан. Улар ҳам ганимат одамлар.* (“Гирдоб” романи 43-бет). *“Пахтанинг пири”* деб ном қозонган *Матвеевич* уруш йилларида вақтинча университетни қўйиб, *Марказий Комитет*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

секретарининг ёрдамчиси лавозимида ишлаган. (“Гирдоб” романи 57-бет). Матнда келтирилган дарёйи азим, “Пахтанинг пири” бирикмаларида образлилик кучли бўлганлиги учун фикрни ёрқин ифодалаш мақсадида сўзловчи сўз вариантдоши перифразани қўллаган. *Марҳамат, ака, – деди чаккасини қашиб илжайганча. -Эшитишимча, ҳамма болаларингиз олий мактабни битиришган экан...Шундайми? Ушбу гапда “олий мактаб” перифразаси қўлланган. Бу бирлик университет ёки институт сўзлари ўрнида қўлланилган бўлиб, уни оддий халқ вакили, деҳқон ёки чорвадор айтаётганидан далолат беради.*

Тавсифловчи ном гапирувчига мавзунини ифодалаш учун лингвистик воситаларни танлашда кўпроқ эркинлик беради, бу эса нутқнинг ифодасини яратиш учун жуда муҳимдир. Бир объектни бир неча ном билан белгилаш имкониятини амалга ошириш номинация назариясида гетерономинативлик деб аталади. Матндаги номинацияни ўзгартириш муаммолари фанда ўзгариш сабаблари ва мақсадлари нуқтаи назаридан муҳокама қилинган (қаранг: В. Гақ, Арутюнова ва бошқалар). Ҳар бир объект жуда кўп хусусиятларга эга ва маълум бир баёнда у ўзига хос хусусиятлар тўплами ёки улардан бири билан белгиланиши мумкин, лекин объектни ифодаловчи турли хил оғзаки ифодалар объектлар ҳақида турли хил маълумотларга эга бўлади. Маъно ва қиймат ўртасидаги фарқ номинациянинг умумий назарияси ва номинация типологиясини ишлаб чиқиш, шу жумладан перифрастик номинациянинг хусусиятларини тавсифлаш учун муҳимдир. Турли номинациялар бир хил объектни кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин.

Перифраза иккинчи даражали исм сифатида муайян сўзларни ишлатиш учун диний ёки ахлоқий тақиб мавжуд бўлганда ҳам қўлланилади. Бундай ҳолда, перифразанинг асосий вазифаси номинатив алмаштириш функциясидир. Одамлар подшоҳи – Оллоҳ (Нисо сураси, 2-оят). Ушбу перифразада нафақат одамнинг, балки бутун ер юзидаги мавжуд жамики нарсаларнинг яратувчиси Аллоҳ эканлигига ишора қилинган; Жазо куни - Қиёмат. “Фотиҳа” сурасининг 35 - оятидаги ушбу перифраза гуноҳлари учун жазоланадиган, эзгу амаллари учун мукофотланадиган кунни ифодаламоқда.

Хуллас, жаҳон тилшунослигида тилимиз бойлиги ва маъно имкониятларининг нақадар кенг эканлигини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланган, периферик номларни ўз ичига олган ноаниқ номинация воситалари алоҳида қизиқиш уйғотиб келган. Нутқнинг аниқ, таъсирчан ва, албатта, бетакрор бўлишига хизмат қиладиган тасвирий ифода (перифраза)ларнинг матнларда ҳосил бўлиш хусусиятлари, қардош ва қардош бўлмаган тиллар қиёсида лингвомаданий тадқиқ этилишига зарурият сезилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умаров И.Э. Ўзбек тилида парафразалар. Номзод. дисс. автореферати. –Тошкент, 1996. 3-бет.
2. <https://qomus.info/>
3. “Даракчи”. №15. 11.04.2019
4. “Даракчи” №18. 02.05.2019.
5. “Суғдиёна” №40. 04.10.2018.

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Рахимова Раъно

Жондор туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада муаллиф ўзбек тилининг вужудга келиши, тараққиёт босқичлари хусусида сўз юритади.

Ҳар бир халқнинг миллат бўлиб шаклланишида, шубҳасиз, миллий тилнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳид адабиётининг йирик вакили Абдулла Авлоний “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдир” деб бежизга айтиб ўтмаганлар. Дарҳақиқат, тил халқнинг улуғ қарвон йўлидир. Бу йўлда аجدодларимиз тарихи, ўтмиши ва авлодларимиз келажаги мужассам бўлади. Ўз миллий тилини йўқотган халқ маънавияти, қадрияти ва миллийлигини йўқотиб, ўзлигидан йироқлашади. Бундай халқнинг эса на келажаги,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

на ўтмиши бўлади. Ҳар бир инсон ўз она тилида илк бор, *она, нон* деган сўзларни айтади. Тили чиқиши биланоқ онаси, юрти билан бир қаторда ўз она тилига ҳам муҳаббати шаклланаверади. Она тилига муҳаббат она алласи, юрт муҳаббати била бирга юксалаверади. Ўз ватанинга бўлган чинакам муҳаббатингни ўз тилинга бўлган муҳаббатингсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Тил ёрдамида суҳбатлашиб, савол-жавоб қилинади. Фикр тил ёрдамида ифодаланиб, узатилади. Аждоддан маълумот олиб, авлодга узатамиз. Тилнинг энг муҳим алоқа воситаси еканлиги шунда намоён бўлади.

Инсоннинг энг асосий, бошқа жонзотдан фарқлаб турувчи белгиси – онг ва тилга эгаллиги. Тил фақат инсонга ва жамиятга хос бўлган ҳодиса. У бир киши томонидан эмас, балки кишилиқ жамияти томонидан узоқ давр мобайнида яратилган. Шунингдек, тил айрим шахсга эмас, балки жамиятга хизмат қилади. Шунинг учун **тил ижтимоий ҳодиса** дейилади.

Шундай миллат ёки халқлар борки, ўзининг маконига, заминига ёки она тилига ега эмас. Шукурки, бизга Ўзбекистондай жаннатмакон бир гўша ва она тилимиз ўзбек тили инъом этилган. Ўзбек тили кўп асрлик тарихга ега бўлиб, қуйидаги тараққиёт босқичлариини босиб ўтган.

Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Ўзбек тили ҳозирги кўринишига қадар узоқ тарихий жараённи бошидан кечирган. Бу жараённи даврлаштиришда ҳар хиллик мавжуд, лекин кўпгина адабиётда ўзбек тили тараққиёти қуйидаги босқичларга бўлинган:

1. Қадимги туркий адабий тил (VII асрдан – XIII асргача).
2. Ески ўзбек адабий тили (XIII–XIV асрдан – XIX асрнинг иккинчи ярмигача).
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили (XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача).

Ўрта мактаб дарслигида қуйидагича: **1. Қадимги туркий тил; 2. Эски туркий тил; 3. Эски ўзбек адабий тили; 4. Ҳозирги ўзбек адабий тили.**

Эски туркий тил даврида ёзилган асар барча туркий халқнинг умумий ёдгорлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу давр тили **умумтуркий адабий тил** сифатида қаралади. Ўрхун-Энасой ёдгорлиги ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Демак, ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида бошқа туркий тилдан ажрала бошлаб, XV асрда эски ўзбек адабий тили тўла шаклланган.

Қадимги туркий тил – (VII асрдан – VIII асргача) Қадимги туркий адабий тил. Турк ҳоқонлиги барпо бўлгандан то Қорахонийлар давригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда рун (Ўрхун-Энасой), уйғур, сўғд, манихей, брахма ёзувларида битилган ёдгорликлар бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар тош, тери, ёғочларга битилган. Ёдгорликларнинг энг машҳури турк ҳоқон ва саркардалари Култегин, Тунюқук, Билга ҳоқон шаънига қўйилган тошёзмалар. Ёдгорликлар Ўрхун дарёси бўйларида топилгани учун Ўрхун ёдномалари ёки турк, рун, дулбарчин ёзувлари деб ҳам юритилади. Ёдномалар XIX асрнинг иккинчи ярмида топилган. Уларни В.Томсен ўқишга, биринчи марта В.Радлов таржима қилишга муваффақ бўлди. Бунга ўхшаш ёдномалар кейинчалик Энасой дарёси бўйларида, Талас водийсидан ҳам кўплаб топилган.

Эски туркий тил XI–XIV асрларда амалда бўлган. Бу тилда «Қутадғу билиг», «Ҳиббатул ҳақойиқ», «Девону луғотит-турк», «Ўғузнома», «Муҳаббатнома», «Қиссаси Рабғузий» каби машҳур адабий асарлар битилган.

Ўзбек тилшунослиги фани М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари билан бошланади. Асар XI асрда яратилган, 1914-йилда Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида топилган. Олим С.Муталлибов девон таржимаси устида самарали ишлаб, 1960–1963- йиллар давомида уч томда ўзбек тилида нашр қилди. Асарнинг луғат қисмида 7500 сўз саккиз бўлимда изоҳланади.

Эски ўзбек адабий тили – XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб XIX асрларгача амалда бўлган адабий тил. Эски ўзбек тилининг асосчиси сифатида биз, аввало, Алишер Навоийни тилга оламыз.

Бу тилда қуйидаги асосий ёзма манбалар яратилди: Хоразмий «Муҳаббатнома»си, Саид Аҳмаднинг «Таашшукнома»си, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» асари, Сайфи Саройининг «Гулистон»и, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони. Шунингдек, Лutfий, Атойи, Саккокий, Яқиний, Аҳмадий, Юсуф Амирий, Мирҳайдар, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ асарлари шу давр тилида. Бу давр тили ўзбек тилига бирмунча яқин.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Том маънодаги фан сифатида ўзбек тилшунослиги XX асрнинг 20–30- йилларида шакллана бошлади ва асрнинг охирига келиб ўзининг юқори чўққиларидан бирига эришди.

XX аср ўзбек тилшунослигининг шаклланишида Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Дмитрий Поливанов, Қажом Рамазон, Фаҳри Камолов ва Айюб Ғуломовларнинг хизмати катта.

Бундан бир неча йиллар муқаддам собиқ тузум даврида бизнинг она тилимиз ҳисобланмиш ўзбек тили ҳам мана шундай машғум жар ёқасига келиб қолган эди. Навоий бобомиз ардоқлаган, Бобур Мирзо қалам тебратган, фарзандлар қалбига она алласи бўлиб сингган ўзбек тили иккинчи даражали тил сифатида қаралган эди. Расмий иш ҳужжатларининг барчаси рус тилида юритилар, кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам деярли ҳаммаси русий забонда олиб бориларди.

Хурлик шамоли энди эсаётган бир пайтда 1989-йил 21-октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди ва 30 моддадан иборат “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4- моддасида ва “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир” деб қайд этилган.

Қонун Ўзбекистон халқи собиқ шўро таркибида бўлган вақтда қабул қилинганлиги сабабли мустақиллик қўлга киритилгандан кейин уни қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирдаги “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Аввалги 30 моддадан иборат Қонуннинг 11 моддаси чиқарилиб, 5 модда янгидан қўшилди. Натижада Қонун 24 моддадан иборат бўлди.

2019-йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Респбликасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунини қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан кенг миқёсда маънавий-маърифий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузулмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Шунингдек ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

2020 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли қарори қабул қилиниб ушбу қарор билан Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар хокимликлари тузулмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қэтилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, унинг вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

2020 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикасининг 21 октябрни “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун ўзбек тилининг нуфузини юртимиз ва дунё ҳамжамияти олдида юксалтириш бўйича қўйилган дадил қадам бўлди.

Тилга эътибор – элга эътибор. Шундай экан, бизга боболардан мерос бўлган ўз она тилимизни асраб-авайлаш, унинг софлиги учун курашиш ҳар бир инсоннинг қон-қонига сингиб кетса, аниқки, она тилимиз завол топмай асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга етиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. “Маънавият”, 2018.
2. Рустамов А. Қадимги туркий тил.

ЎЗБЕК ТИЛИДА УНДОВ СЎЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.Н.Салихова

БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Маълумки, ундов сўзлар кўпгина тадқиқот ишларининг объекти бўлган бўлса-да, унинг нутқий хусусиятлари ҳали тадқиқоталабдир. Ундов сўзларнинг такрор қўлланиши ва матнда бир неча ундов сўзнинг биргаликда қўлланиши сўзларнинг турли маъно қирраларини очиш учун хизмат қилади. Мазкур мақолада шу хусусда мулоҳаза юритилади. Ундовларнинг қайси сўзлар билан қўлланилиши ҳам фикрнинг таъсирчанлигини оширишда, ҳам қайси миллатга мансублигини очиб беришда катта аҳамиятга эгаллиги мисоллар орқали изоҳланган.

Маълумки, XX-XXI аср лингвистикаси тадқиқотлар марказига инсон омилини қўйди. Бу соҳада жаҳон тилшунослигида Н.Д. Арутюнова, Ю.Д. Апресян, Г.А. Золотова, Ю.Н. Караулов, Г.В. Колшанский, Е.С. Кубрякова, В.И.Карасиклар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди[1,2]. Дарҳақиқат, тилни ўз ҳолича ундан ташқарида, унинг яратувчиси – инсонга аҳамият қаратмасдан билиш мумкин эмас. Инсон мулоқот қилиш учун тил яратди. Гапирадиган, ҳис қиладиган, тафаккур қиладиган инсон – энг асосийси ҳаракатдаги шахс дунё ва тил бирлигида бўлади. Инсоннинг дунё ҳақидаги тушунчаси, бошқа одамларга бўлган муносабати ўзи танлаган лисоний ва нутқий бирликларда ифодаланган бўлади.

Ўзбек тили грамматикасининг асосий объекти саналган ундов сўзлар кўпгина тадқиқот ишларининг объекти бўлган бўлса-да, унинг нутқий мулоқотдаги хусусиятлари ҳали тадқиқоталабдир[3,4,5]. Ундов сўзларнинг такрор қўлланиши ва матнда бир неча ундов сўзнинг биргаликда қўлланиши сўзларнинг турли маъно қирраларини очиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари гапдаги ифодавийлик, таъсирчанликни оширади. Ундов деб аввало кишининг ҳис-ҳаяжонини бевосита ифодалайдиган товуш бирликларига айтилади: *оҳ, эҳ, уҳ, уф, э, бе, вой, а, о, ие, ҳе, ҳаҳ, эҳ-ҳа, ўҳ-ўй, войдод* каби. Ундов билан қандай ҳис-ҳаяжон ифодаланаётгани кўпинча аниқ бўлмайди; ундовдан кейин (баъзан олдин) келадиган жумланинг мазмуни ундов қанақа ҳис-ҳаяжонни ифодалашини, қандай оҳангда талаффуз

қилинишини кўрсатиб туради. Баъзи ундовлар аниқ бир ҳис-ҳаяжонни ифодалашга хосланган бўлади. Масалан, *бе* ундови рози бўлмаслик, қўшилмаслик каби ҳис-ҳаяжонни, *ия* ундови ажабланиш, ҳайратланиш каби ҳисларни ифодалашда нутқ жараёнида қўлланилади. Хуллас, ундов сўзларнинг турли маънолари нутқ шароитида, контекстда (қуршовда) равшанлашади. Нутқий мулоқотда ҳаракатни бажаришга чақирувчи ундовлар(чу, тсс (отга), хих (эшакка), ту-ту-ту (товуққа) ҳамда ҳаракатни бажармасликка чақирувчи ундовлар(дирр (отга), иш (эшакка), пўш (хўкизга), кишт (паррандага); ундовларнинг алоҳида гуруҳи деб олинган кишилар орасидаги муомала-мурожаат бирликлари(ассалому алайкум-ваалайкум ассалом, хайр, қутлуғ бўлсин - қуллуқ; раҳмат – арзимаиди, офарин) ҳам тез-тез ишлатилади.

Тилимизнинг мислсиз имкониятлари донишманд халқимизнинг ҳис-туйғулари, эмоциялари, табассуми, чехраларида акс этиб турган мимикалари ва албатта, ундов сўзларни қўллаш билан сайқалланади ва фикрларнинг англаниши яна ҳам тиниқлашади. Айниқса, сўзлашув жараёнини ундовларсиз тасаввур қилиш назаримизда худди мусиқасиз қўшиқ куйлагандек гап. Гап таркибида ундов сўзлар кўпинча қарғиш сўзлар ҳамда ижобий муносабат ифодаловчи бирликлар билан қўлланилиб, сўзловчининг кучли эмоциясини ифодалаб келади. Қуйида Ўткир Ҳошимовнинг „Дунёнинг ишлари“ асаридан келтирилган парчаларга диққатингизни қаратмоқчимиз:

- *Вой, тойчоқ ўғлимдан айланай ! („Тўй“ 40-б.);*
- *Вой, онанг ўргилсин, қўй йиглама, болам. („Тўй“ 43-б.);*
- *Вой , гапингиз қурмасин, овсин, она сутиям сотиладимми . („Тўй“ 45-б.);*
- *Вой, уйингга бугдой тўлгурлар, вой кўпайгурлар, кела қолинглар,- дейди овози товланиб. („Эрмон буванинг тилаги“ 70-б.);*
- *Баракалла, тасаддуқ!- дейди Эрмон бува жилмайиб. („ Эрмон буванинг тилаги“ 75-б.);*
- *Вой... Вой, бечора! - Ойимнинг ранги қув ўчганча шундай инграб юбордики, қўрқиб кетган укам бир зум олазарак бўлиб турди-да, чириллаб йиглай бошлади. („Эрмон буванинг тилаги“ 81-б.);*
- *Вой, онам-а! Рўшнолик кўрмаган онам-а! („ Эрмон буванинг тилаги“ 82-б.);*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

- *Вой, тилёглама бўлмай тиллари кесилсин. („Менинг ача холам” 85-б.);*
- *Вой, тилингиздан ўргилай, овсинжон! („Менинг ача холам” 94-б.);*
- *Вой, овсинжон, вой гапингиз қурсин!-деди ойим овози титраб. („Олтин балдоқ” 167-б.);*
- *Вой гиргиттонлар, вой ўзим гиргиттонлар!- деганча каловланиб ўрнидан турди. („Ой қуёшдан нур олади” 210-б.);*
- *Вой, гапингиз қурмасин! – ойим унинг елкасига қоқди. („Пистачи” 227-б.);*

Матнларда қўлланган *вой* ундов сўз ўзидан кейин қўлланган бирликлар билан қўлланиб, турли ҳис-ҳаяжонни ифодалаб, ўзига хос қурилмани ҳосил этмоқда. Жумладан, юқоридаги синтактик қурилмаларда эркалаш, овутиш-юпатиш, ажабланиш, қарғиш(ижобий маънода), куюниш, қарғиш(салбий маънода), ачиниш каби маънолар реаллашмоқда. Мазкур нутқий штамплашган бирликлар болажон ўзбек халқининг ҳисларни ифодалашда ўзига хос жумлалар тузиш имкониятлари мавжудлигини билдиради. Келтирилган мисолларда ундовлар бошқа миллат тилида учрамайдиган бирикмалар билан қўлланилар экан, ўзбекона характерни очиб бериш, момоларимизнинг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатлари чексизлигини ифодалашга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Артюнова Н. Д.Введение//Логический анализ языка. Ментальные действия. –М.: Наука, 1993. –176 с.
2. Карасик В. И. Культурные доминанты в языке//Языковая личность: Культурные концепты: сборник научных трудов. –Волгоград – Архангельск: Перемена, 1996. –С. 3-16.

ҚИСҚА МАТНЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қодирова Зайнаб
БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ Ушбу мақола реклама матнларининг тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Хусусан, реклама матни қисқа, шунинг учун ундаги сўзлар ёрқин, мазмунли, хотирада қоладиган, услубий бўёқдор сўзлардан ва тасвирий ифодалардан фойдаланиш, унда нолингвистик воситалар тил бирликлари билан биргаликда реклама матнларини ташкил этувчи воситалар сифатида қаралиши маҳсулот рекламаси учун аҳамиятли эканлиги мақолада ўз ифодасини топган. Реклама матнида сўз туркумлларининг, чунончи, феъл ва сифатларнинг қўлланилиши маҳсулот ёки хизматнинг юқори сифатини таъкидлаш учун зарурлиги таъкидланган.

Европа тилшунослигида XXасрнинг иккинчи ярмида реклама матни ва унинг тил хусусиятларини ўрганишга эътибор кучайди. Реклама ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-маданий характердаги маълумотларни бирлаштирган кўп қиррали ҳодиса сифатида мақсадли тадқиқотлар амалга оширилган[8,9,10,11,12,13]. Жаҳон тилшунослигида рекламанинг миқдори, уни яратиш маҳорати, рекламанинг ўзига хос услуби, унинг қабул қилувчиларга таъсири каби муаммоларини назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучайди. Реклама ҳозирги замон маданиятида энг кўп тарқалган матн турларидан бирига айлангани боис, унинг стилистик ва грамматик хусусиятлари, реклама матнининг луғавий-маданий хусусиятларини ўрганиш зарурати кун тартибига қўйилди. Замонавий реклама ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидаги туб ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, ҳозирда мавжуд маданий тушунчалар, қонун ва жамият тартиблари ва уларда инсоннинг ўрнини ўзида акс эттиради. Реклама ўзининг хилма-хил шаклга эга эканлиги билан ажралиб туради, ўз навбатида шартли равишда инсон фаолиятининг турли соҳаларида – тижорат соҳасидан тортиб ижтимоий соҳаларгача кенг қўлланиладиган асосий омиллардан биридир.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Мамлакатимизда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълоннинг қилиниши, шунга кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Давлат тилини ривожлантириш департаменти” ташкил этилиши билан давлат идоралари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ҳокимият органларининг давлат тилида иш юритиши, давлат идораларида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат олиб боришни мониторинг қилиш тизими яратилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёрлиқларининг матнини давлат тилида ёзиш, ёзганда ҳам ўзбек тили имло қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда хато ва камчиликларга ўрин қолдирмаган ҳолда амалга оширилиш ҳамда барча ташқи ёзувлар, эълонлар ва бошқа кўرғазмали ахборот - реклама матнлари давлат тили тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари[7]га мувофиқ бўлиши бугун учун жуда долзарб масаладир.

Реклама матнларининг ҳажми ва ёритиш усулига қараб бир неча хил жанрга ажратиш мумкин:

- эълонлар (қисқа ахборот хабарлари: *“Магазин қиммат нархда”, “Бизда 50% чегирма”*;
- эслатмалар (улар рекламалардан узунроқ бўлади): *“Узоқ қиш давомида ўз қоматингизни сақлаш ва баҳорда тўпланган ортиқча вазн учун ўзингизни айбламасликни хоҳлайсизми?”, “Қатъиятлик билан фаол вазн йўқотиш учун оддий қаҳва ўрнига “Турбослим” қаҳвани танланг”*;
- кўрсатмалар: *“... Янги доридан фойдаланиш... мураккаб даволашда яллигланиш ва томоқ оғригини тезда бартараф этади ва детоксификацион таъсири туфайли тана ҳароратининг нормаллашуви ва ўткир ва сурункали касалликларнинг ҳолатини умумий яхшиланишга ҳисса қўшади”, “рақамига бугуноқ қўнғироқ қилганларга - фирмадан совга!”*;
- тақризлар (китоб, кўрғазма, фильм ва бошқаларни баҳолаш);
- муружаатлар - реклама тахтаси учун одатий бўлган маҳсулотни сотиб олишни "талаб қилиш" билан адресатга тўғридан-тўғри муружаат қилиш: *“Бу сенинг танловинг!”*;
- илмий -оммабоп эслатмалар ва мақолалар (уларда маҳсулотнинг ихтиро қилиниши тарихи, унинг ижобий хусусиятлари ҳақида ҳикоя

қилинади; одатда, бундай матнлар “жиддий” газета ва журналларда чоп этилади ва бутун саҳифани эгаллайди).

Сўз бойлиги даражасида рекламада кўпинча полисемия, омонимия, антонимия ва синонимияга асосланган матнлардан фойдаланилади. Эълон матнида антонимияни қўллашда контраст эффектини яратилади ва бу матнни янада мазмунли қилади. Антитеза усули айнан антонимияга асосланади: *Биз ишлаймиз – сиз ҳордиқ олинг!* Реклама матни хотирада яхши қолиши ва баъзан қўшимча маъноларни яратиш учун синонимлар ишлатилади. Кўпинча сўзларнинг такрорланишларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, реклама қилинган маҳсулотнинг номи кўп такрорланади: *Алоҳида одамлар учун ажойиб кўчмас мулк! КИТ Фортиснинг пайчилик фондлари билан янги йил билан кутиб олинг! КИТ Фортис фондларига бугунги инвестициялар – мен ишонган келажак.*

Реклама матнидаги эпитетлар реклама предметининг истисночилигини, унинг асл эканлигини таъкидлайди, метафора эса реклама қилинган маҳсулот ёки хизматнинг янада ёрқин қиёфасини яратишга ёрдам беради. Клишелар, қолиплар, “сийқаси чиққан” иборалар реклама матнини безатмайди. *“Тийин сўмни тежайди”* клишеси вақт ўтган сари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини йўқотади. Бунда қандайдир эскирган товарни мақтаётгандек таассурот пайдо бўлади.

Реклама тилида кўпинча имконият, истак ёки таклифни ифодаловчи ноаниқ феъл шакли билан қўлланилади. Умуман олганда, реклама матнларидаги феъл сўз туркуми бошқа туркумларига қараганда анча кўп қўлланилади: унинг ифодалилиги, ундовчанлиги бошқа сўз туркумларига қараганда инсонга кучлироқ таъсир кўрсатади. Масалан, **ҳис этинг, ташриф буюринг, марҳамат қилинг, танишиб чиқинг, танланг, кутинг, иштирок этинг, эга бўлинг, шошилинг, лаззатланинг, қувонин** ва ҳоказо.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI
O‘ZBEK MULOQOTIDA PLEONAZM**

Sobirova Dilnoza Rasulovna
BuxDU o‘qituvchisi
Ziyoyeva Marjona Anvar qizi
BuxDU talabasi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada pleonazm hodisasi, uning o‘zbek muloqotida qo‘llanishi badiiy asarlar misolida tahlilga tortilgan. Bunda asosiy e‘tibor leksik, affiksial va leksik-affiksial pleonazm ko‘rinishlariga qaratilgan.

KIRISH. Ma‘lumki, tildagi pleonazm qonuniy va tabiiy hodisa hisoblanadi. Pleonazm til tejamiga zid bo‘lgan hodisa bo‘lsa-da, ayni paytda dialektik o‘zaro bog‘liqdir. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da [3,278] pleonazmga shunday ta‘rif beriladi: “Pleonazm [yun. pleonasmos – ortiqchalik] t.lsh. Bir xil yoki sinonimik til birliklarining semantik jihatdan takror holda qo‘llanishi (mas., *bosh-oyoq sarpo* birikmasidagi forscha *sarpo* so‘zi ham “bosh-oyoq” ma‘nosini ifodalaydi).

ASOSIY QISM. Jahon tilshunosligida pleonazm hodisasini faqat so‘zlar doirasidagina emas, balki boshqa til birliklari, masalan, affikslar, so‘z birikmalari doirasida ham kuzatish mumkin. Shu sababli ham yuqoridagi ta‘riflarni pleonazmning boshqa turlariga, masalan, affiksial pleonazmga tatbiq etib bo‘lmaydi. O.S.Axmanova ana shularni hisobga olib: “... pleonazm nutqiy figura bo‘lib, sinonimik ifodalarning bir joyda yig‘ilib qolishidir” [1, 39], – deydi.

Takrorlanayotgan elementlarning turiga qarab pleonazmni quyidagi guruhlarga:

1. Leksik pleonazmlar; 2. Semantik pleonazmlar; 3. Affiksial pleonazmlar;
4. Leksik-affiksial pleonazmlar; 5. Sintaktik pleonazmlarga ajratish mumkin[2,8].

Biz ushbu kichik tadqiqotimizda leksik, affiksial va leksik-affiksial pleonazm ko‘rinishlarini aniqlab tahlilga tortdik. Pleonazmning o‘zbek tilida keng tarqalgan turlaridan biri leksik pleonazmdir. Pleonazmning bu turi sinonim yoki semantik jihatdan yaqin bo‘lgan so‘zlarning leksik birlik sifatida birikib kelishi natijasida yuzaga keladi.

Kuzatamiz: Bu mollarni yeyib o'tirgan chayqovchilarning **afti, basharasini** aytmaysizmi? (G'.G'ulom "Shum bola", 18-bet)

Ichida odam bormi desa kichkinagina quticha, shayton desa **xudollohning** Muhammadning otini aytib turadi. (G'.G'ulom "Shum bola", 140-bet)

Xo'jayinim **qo'li ochiq, saxiy** odam ko'rinadi. (G'.G'ulom "Shum bola", 116-bet)

Iblisning g'arazi bo'lgan bu urush

Albatta yetadi o'zin boshiga

O'g'lim omon kelar, **g'olib, muzaffar,**

Gard ham qo'ndirmasdan qora qoshiga (G'.G'ulom "Sog'inish" she'ridan)

Tiriklik ko'rkidir mehnat-muhabbat,

Fursatdir qilguvchi **aziz, mukarram.** (G'.G'ulom "Vaqt" she'ridan)

Affiksial pleonazm bir xil leksik yoki grammatik ma'noni bildiruvchi affikslarning takror qo'llanishi natijasida yuzaga keladi.

Og'zim, jag'im, tishim jodidek istagan xashakni qirqib tashlashga yaraydi. (G'.G'ulom "Shum bola").

O'sha paytlarda Toshkentda kalishlarning, kovushlarning narxi oshib ketgan edi. (G'.G'ulom)

Darrov shamni, holvani, nosvoyni, anorni bir chekkaga qo'yib, chilimning suvini yangilab, sarxonasini tozaladim. (G'.G'ulom "Shum bola")

Muallimlardan, murabbiylardan hech qaysisi bolalarga bunday ta'lim bermagan. (G'.G'ulom "Shum bola")

Suttimi, baliqchimi, chittakmi, qumrimi, itolg'imi, qirg'iymi, miqqiymi – biror qushning nomini yashirishadi. (G'.G'ulom "Shum bola")

Muloqotda affiks va sozlarning pleonastik qo'llanishi ham mavjud. Ma'lumki, -zor affiksi asosga qo'shilganda birdaniga jamlik, o'rin ma'nolarini anglatadi. Lekin o'zbek tilida shunday so'zlar borki, ular o'rin ma'nosini anglatuvchi so'z sifatida ishlatilsa-da, uning semantikasida o'sha predmetning jamligi, ko'pligi ham anglashiladi. Shu sababli, ularga takror holatda o'rin va jamlik ma'nosini yasovchi morfemaning qo'shilishiga hech qanday ehtiyoj yo'q. Masalan:

U **to'qayzorda** sassiq alafllarning, qamishlarning, gulni payhon qiluvchi to'ng'izlarning borligidan ajablanmadi. (X.Sultonov)

– Sening sayyorangda, – dedi Kichkina Shahzoda, – odamlar bir **chamanzorda** besh mingta gul o'stirar ekan-u, izlaganini topolmas ekan. (A.Ekzyuperi "Kichkina shahzoda")

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Bu misollardagi *to'qayzor*, *chamanzor* so'zlaridagi *-zor* affiksi pleonastik qo'llangan. Qiyoslaymiz: *daraxtzor*, *olmazor*, *lolazor* kabi so'zlar asosida o'rin ma'nosi ham, jamlik ma'nosi ham yo'q, *-zor* affiksi qo'shilib shu ma'nolar yuzaga kelgan. Lekin *to'qayzor*, *chamanzor* so'zlarining o'zagida (*to'qay*, *chaman*) ham o'rin, ham jamlik ma'nosi anglashiladi.

XULOSA. O'zbek tilida, ayniqsa, so'zlashuv uslubida pleonazm hodisasi ko'plab uchraydi. Tabiiyki, pleonazm nutqning ta'sirchanligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –Москва: Наука», 1969. стр. 422.
2. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент. Фан, 1988, 96 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томли. 3 том. Тошкент: Ўзб. Мил. Энцикл., 2006–2008.
4. www.ziyonet.com

PUBLITSISTIK MATNLARDA SO'Z BIRIKMASI- SARLAVHALAR

Sobirova Dilnoza Rasulovna
BuxDU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada so'z birikmasi bilan ifodalangan publitsistik matn sarlavhalari substansial tilshunoslik yutuqlari asosida tahlilga tortiladi.

KIRISH. Matnda ifodalangan mazmuni kishiga dastlabki axborot tarzida yetkazuvchi, ta'sir qiluvchi va o'z navbatida kishi diqqatini o'ziga jalb qiluvchi vosita sarlavha hisoblanadi. "Sarlavha - maqola va materialning ichki mazmunidan kelib chiqib, unga qo'yiladigan nom" [1,30].

ASOSIY QISM. Publitsistik matn sarlavhalari orasida so'z birikmasi ko'rinishidagi sarlavhalar ham uchraydi. Bunday sarlavhalar matn mazmunini aniqlashtirish, gazetxon(tomoshabin, tinglovchi)ga mavjud material mazmuni bilan yaqindan tanishish imkonini beradi. Publitsistik matnlarda qo'llanilgan so'z birikmasi so'z bilan chambarchas bog'liq

bo'lsa-da, ma'no anglatish, fikr ifodalash xususiyatlariga ko'ra undan ajralib turadi.

“So'z birikmasi tilda sintaktik sath birligi va nominativ sath birligi sifatida baholanadi. Bunga sabab shuki, so'z birikmasi mayyan lug'aviy birliklarning tobe-hokimlik munosabati asosida yuzaga keladi [3, 27]”.

Ma'lumki, so'z birikmasi substansial jihatdan tadqiq etilgan. Atoqli olim S.A.Nazarova tomnolaridan lisoniy bosqichda so'z birikmalarining 16 xil LSQ(lisoniy sintaktik qolip)i mavjudligi aniqlangan. Quyida biz substansial tilshunoslik yutuqlari asosida so'z birikmasi-sarlavhalarini tahlil etishga harakat qilamiz:

[I q. k. ~ I e.k.] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar. Odatda bunday LSQli sarlavhalarda qaratuvchi-qaralmish munosabati mavjud bo'ladi. Publitsistik matnlarda bunday sarlavhalar ko'pchilikni tashkil etadi: “*Mirzo Anvarning Ra'nosi*” (H., 20.05.2009), “*O'zbekning sarlochini*” (T., 01.01.2015), “*Umidaning umidlari*” (T., 07.01.2015) kabi.

[I ch. k. ~ I cheg.] = SB LSQli olim S.Nazarova tadqiqotlariga ko'ra nutqda [masofa-hudud] ma'noli so'z birikmalarini hosil qiladi[3, 95]. Kuzatishlarimiz davomida bu kabi sarlavhalarni uchratmadik.

[Sabab-harakat], [vosita-harakat], [qo'zg'atuvchi-harakat] ma'nolarini hosil qiluvchi **[I ch./ j. k. ~ F m./o.n.] = SB** LSQli so'z birikmasi biz tahlilga tortgan publitsistik matnlarda sarlavha sifatida qo'llanmagan.

Ism va fe'lning o'zaro tobe-hokimlik munosabatiga asoslangan **[I k. k. ~ F] = SB**, **[I o'xsh. ~ F] = SB** LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar ham kuzatilmadi.

[I k. k. ~ Sf] = SB LSQli o'zida [o'xshatish-qiyoslash] ma'noli so'z birikmalarining sintaktik mohiyatini o'zida aks ettiradi. Publitsistik matnlarda bunday LSQli sarlavhalar oz bo'lsa-da uchraydi: “*Salomatlikka foydali*” (T., 07.02.2015).

Harakatning tarzi va holatini ifodalovchi so'z birikmalarini nutqda voqelantiruvchi **[F r.d. ~ F] = SB** LSQli sarlavhalarga duch kelmadik.

[S k. k. ~ S] = SB LSQli so'z birikmalarida asosan son so'z turkumiga mansub birliklarning tobe-hokimlik munosabati mavjud bo'ladi.

Kelishik ko'rsatkichlari bilan shakllangan ismlarning otlar bilan tobe-hokimlik munosabatiga kirishuvidan hosil bo'luvchi **[I k. k. ~ O] = SB** LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar publitsistik matnlarda faol qo'llanadi: “*Yetakchilarga ko'makchi*”(T., 14.02.2015), “*Talabalikka bag'ishlov*” (M., 03.10.2018).

[I o'xsh. ~ I] = SB LSQli so'z birikmalari o'zida o'xshatish-qiyoslash ma'nolarini mujassamlashtiradi. Kuzatishlar davomida bunday sarlavhalar

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

mavjud ekanligiga amin bo'ldik: *“Vatandek muqaddas, bahordek go'zal”* (T., 07.03.2015).

Fe'ning sifatdosh shakli va ot orasida yuzaga keluvchi tobe-hokimlik munosabatini aks ettiruvchi [F^{s.d.} ~ O] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar faol qo'llanishda ekanligiga guvoh bo'ldik: *“Takomillashayotgan saboqlar”* (T., 18.03.2015), *“Kutilmagan ko'rsatkich”* (M., 03.10.2018).

Publitsistik matnlarda [I ~ O] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar ko'plab o'rinlarda qo'llangan. Jumladan, *“Maftunkor geografiya”* (T., 14.02.2015), *“Hushyor o'quvchi”* (M., 03.10.2018) kabi.

[Belgi-harakat] ma'noli so'z birikmalarini yuzaga keltiruvchi [I ~ F] = SB LSQli sarlavhalarni kuzatmadik.

Juda ham ko'plab publitsistik matnlarda [O^{b.k.} ~ O^{e.k.}] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar qo'llanganiga guvoh bo'ldik. *“Umid bahori”* (H., 15.04.2009), *“Ustoz baxti”* (29.04.2009), *“Ingliz tili muallimasi”* (M., 10.10.2018).

Kuzatishlarimiz davomida [O_{m-a.} ~ O_{n-b.}] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalarni uchratmadik.

Shaxsni anglatuvchi ot so'z turkumiga oid birliklarning o'zaro birikuvidan yuzaga keluvchi [O_{sh.} ~ O_{sh.}] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar oz bo'lsa-da mavjud: *“Zargar o'g'il”* (Y., 2017-yil, 1-son).

XULOSA. Kuzatish va tahlillar publitsistik matnlarda [I^{ch.k.} ~ I^{cheg.}] = SB, [I^{ch./j.k.} ~ F^{m./o.n.}] = SB, [I^{k.k.} ~ F] = SB, [I^{o'xsh.} ~ F] = SB, [F^{r.d.} ~ F] = SB, [S^{k.k.} ~ S] = SB, [I ~ F] = SB, [O_{m-a.} ~ O_{n-b.}] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar deyarli uchramasligini, [I^{k.k.} ~ Sf] = SB, [I^{o'xsh.} ~ I] = SB, [O_{sh.} ~ O_{sh.}] = SB LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar juda ham oz, [I^{q.k.} ~ I^{e.k.}] = SB, [I^{k.k.} ~ O] = SB, [F^{s.d.} ~ O] = SB, [I ~ O] = SB, [O^{b.k.} ~ O^{e.k.}] = SB, LSQli so'z birikmasi-sarlavhalar esa faol qo'llanishda ekanligini ko'rsatdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдурахмонов А. Газета журналистикаси терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983, 30-б.
2. Абдусaidов А. Газета сарлавҳаси. – Самарқанд, 1995, 45-б.
3. Назарова С. Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда. –Т.: “Фан”, 2015, 100 б.
4. “Ma'rifa”t gazetasi
5. “Hurriyat” gazetasi
6. “Turkiston” gazetasi

МИЛЛИЙ КОРПУС ФРАГМЕНТИ ИНТЕРФЕЙСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АЛГОРИТМИ

Тоирова Гули Ибрагимовна

Бухоро давлат университети филология
фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD),
доцент

АННОТАЦИЯ. Мақолада миллий корпус ва муаллифлик корпусларининг интерфейси турли дизайн, тузилишга эгаллиги, унинг мукаммалиги корпус яратувчи муаллифнинг зиммасига юкланиши, интерфейс корпус ҳақида илк таассурот қолдирувчи, ўзига жалб этувчи умумий кўриниш бўлиши уқтирилади. Интерфейс яратишда миллий коллоритни экс эттирувчи безаклар ҳамда мумтоз ёки замонавийликни акс эттирувчи белгилар эътиборга олинishi, интерфейсда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилиши, фотогалерея қисми ҳам бўлиши шартлиги ёритилиб берилган. Шунингдек, ички ва ташқи интерфейс кўринишлари муҳокама қилинган.

Компьютер - инсон ва машина ўртасида турли хил ахборот алмашинувини таъминлайдиган ягона алоқа тизимидир. Миллий корпус ўзига хос интерфейсга эга бўлиши керак. Хўш, Интерфейс нима? “Интерфейс” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “ташқи кўриниш” деган маъноларда ишлатилади. Ушбу сўз кўпинча компьютер ва компьютер технологиясида қўлланилади. Интерфейс - бу битта тизимнинг иккита элементи ва ушбу тизим ёрдамида ишлайдиган боғловчи бўғин. Интерфейс турли хил тугунлар ва мураккаб ускуналар блоклари, шунингдек, технология ва фойдаланувчи ўртасидаги алоқа тизими ҳисобланади. Бу мантиқий (ахборот вакиллик тизими) ва жисмоний (ахборот узатиш хоссалари) шаклида ифодаланади[5]. Унинг ёрдамида сиз буйруқлар берасиз ва компьютер уларни бажаради. Бундай интерфейс фойдаланувчи интерфейс деб номланади. Ҳар қандай қурилманинг интерфейси бажарадиган вазифаларига қараб ташқи ва ички кўринишларга бўлинади. Ички интерфейс, фойдаланувчи тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлмаган, яширилган нарсаларни англатади. Унинг хусусиятлари хусусий деб номланади. Ташқи интерфейс фойдаланувчи тўғридан-тўғри алоқа қиладиган ва унинг ёрдамида

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

қурилмани бошқарадиган нарсага ишора қилади. Уларнинг хусусиятлари оммавий дейилади. Ушбу икки турдаги интерфейс ҳар доим битта қурилмага киради ва унинг ишлашини таъминлайди, улар алоҳида мавжуд бўлолмайди. Фойдаланувчи интерфейсани 2 қисмга бўлиш мумкин, бу қурилмага маълумот киритиш учун жавобгар бўлган ва фойдаланувчига унинг чиқиши учун жавобгар бўлган қисм. Агар биз оддий иш компютери ҳақида гапирадиган бўлсак, унда биринчи тоифада биз компютерда ишлайдиган барча нарсалар мавжуд. Энг оддий мисоллар - сичқонча, клавиатура, USB-порт. Шунга кўра, ҳамма нарса иккинчи тоифага тегишли бўлиб, унинг ёрдамида компютер фойдаланувчига маълумотни бир хил клавиатура, сичқонча ва бошқа кириш мосламалари, яъни мониторлар, карнайлар, наушниклар, принтерлар, плутерлар ва бошқалар орқали берилган буйруқларга жавоб бериб, узатади[13]. Компютер технологиясида ишлатиладиган интерфейс қуйидаги турларда бўлади:

Визуал. Мониторда намоиш этиладиган визуал тасвирлар ёрдамида маълумотларни узатадиган стандарт компютер интерфейсани.

Имо-ишора. Қоида тариқасида, у телефонлар ёки планшетлар учун интерфейс бўлиб хизмат қилади. Кўпгина ҳолларда, бу тизимни бошқарадиган одамнинг бармоқларининг ҳаракатларига жавоб берадиган ва ҳар бир аниқ ҳаракатга маълум даражада жавоб берадиган сенсорли панел. Оддий визуал интерфейснинг соддалаштирилган версияси деб аташ мумкин.

Овоз. Ушбу турдаги интерфейс нисбатан яқинда пайдо бўлди. Овозли буйруқлар ёрдамида тизимни бошқариш имкониятини беради. Тизим, ўз навбатида, фойдаланувчи билан мулоқот орқали ҳам жавоб беради. Энг қизиғи шундаки, замонавий технологиялар бизга нафақат телефонлар ёки компютерларнинг овозини, балки маиший техника ва ҳатто бортли компютерларнинг овозини бошқаришга имкон беради.

Ушбу соҳадаги энг янги йўналишлардан бири бу сенсорли интерфейс. Унинг ишлаш принципи маълум объектлар орқали амалга ошириладиган фойдаланувчи ва машинанинг жисмоний ўзаро таъсирига асосланади. Айтишимиз мумкинки, бу монитордан фойдаланган ҳолда фойдаланувчига илгари маълумотни графикавий равишда олган маълумотларни тақдим этишга уринишдир.

Тизим ва дастур интерфейсани. Бундай интерфейслар 2 турга бўлинади: тизим ва амалий дастурлаш интерфейсани. Тизим интерфейсани икки хил бўлиши мумкин: буйруқ берувчи ва график.

Илова дастурлаш интерфейси ёки API бу баъзи бир дастур бирон бир операцияни бажариш учун операцион тизимга мурожаат қиладиган бир турдаги сўров орқали амалга оширилади. Ушбу интерфейс турли хил ишлаб чиқувчилар томонидан дастурларни яратиш учун ишлатилади. Одатда буйруқ берувчи интерфейс фойдаланувчи маълум кўрсатмаларни киритадиган буйруқ қатори бўлиб, аксарият ҳолларда ўз синтаксисига эга (масалан, ubuntu операцион тизими) ва тизим уларни бажаради.

График интерфейс буйруқ берувчи интерфейс буйруқлари туфайли ишлайди, аммо ундан фарқли ўлароқ, буйруқлар буйруқлар сатрига матн орқали кирмайди, балки пиктограмма, ойналар ва бошқалар каби график тасвирлар орқали юборилади. Ушбу турдаги интерфейс энг кенг тарқалган бўлиб, бутунги кунда кўпгина шахсий компьютерларда қўлланилади. Бундай интерфейслар кўпинча WIMP деб аталади, яъни бу - Window (Окошко), Icon (Иконка), Menu (Меню), Pointing device (Манипулирующее устройство) сўзларининг биринчи ҳарфларининг қисқартмасидир [14].

Муаллифлик корпусларининг интерфейси турли дизайн, тузилишга эга бўлиб, унинг мукаммалиги корпус яратувчи муаллифнинг зиммасига юкланади. Чунки интерфейс корпус ҳақида илк таассурот қолдирувчи, ўзига жалб этувчи умумий кўринишдир. Интерфейс яратишда миллий коллоритни акс эттирувчи безаклар ҳамда мумтоз ёки замонавийликни акс эттирувчи белгилар эътиборга олиниши лозим. Интерфейсда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилиши, фотогалерея қисми ҳам бўлиши шарт. Юқорида санаб ўтилган материаллар корпусдан электрон кутубхона сифатида фойдаланиш имконини беради. “Қидирув” тизимда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилиши, фотогалерея каби ойналар корпуснинг имкониятларини ишга солади. Бу ойналар корпус бирликларининг разметкаланиши асосида қидирувни таъминлашдаги дастурий таъминотдир. Муаллифлик корпусининг интерфейси фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай, энг оптимал вариантдаги серқирра разметкаланган, мукамал бўлиши керак. Глобал тармоқда мавжуд корпуслар катта ҳажмли (материалларнинг кўплиги), ҳамда чуқур разметкага эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, Пушкин ва Чехов корпуслар морфологик ва семантик аннотацияланган, мукамал корпуслардир. Аммо у замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб бермайди. Чунки уларнинг яратилганлигига 8-10 йил бўлган. Кейингиси Шекспир муаллифлик корпуси қидирув

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

тизимининг мукамаллиги ҳамма дизайннинг ёркинлиги билан ажралиб туради, аммо у морфологик ва семантик разметкаланмаган. Мавжуд корпусларнинг ҳар бири ўзгача камчиликга эга. Масалан, тожик тили корпуси фақат электрон кутубхона вазифасини, фото ва видео галерея вазифасини бажара олади. Бу корпус умуман разметкаланмаган, қидирув тизими номукамал ва ноқулайдир. Фақат яхлит асаргагина ишора қила олади. Рус тилшунослари томонидан яратилган Пушкин ва Чехов корпусларида синтактик разметка мавжуд эмас. Яратилган муаллифлик корпуси Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси корпуси бўйича электрон-маълумотлар базаси ҳисобланади, сунъий интелект асосида ўзбек тилини қайта ишлашга: имловий-тахрир, автоматик ишлов бериш ва таржима дастурларини тузишга, турли белгилар асосида қидирув амалга оширилади[6]. Яратилган корпус - сўзнинг қўлланиш даври ва частотасини аниқлай олади, тилнинг жонли қурилишини, сўзларнинг ўзаро бирикиш имкониятини таҳлил қила олади, матнни автоматик қайта ишлайди (мас., таржима қилиш) ва турли қидирув тизимлари автоматик бажара олади. Вақтни 100 барорбар тежайди.

Демак, миллий корпусни яратишда интерфейс асосий роль ўйнайди. Замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб берадиган, фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай шаклда яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (соғда гаплар мисолида): Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018.

2. Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни тахрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар тахрири дастури учун): Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис.–Фарғона, 2019.–Б.22.

3. Авлиёқулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. – Т.:Янги аср авлоди, 2004. –106 б Степанов А.Н. 6.3. Архивация файловых объектов // Информатика: базовый курс: для студентов гуманитарных специальностей вузов. – Питер, 2010. – 719 с.

4. Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского слова (предварительные сообщения) // Научно –техническая информация. 1985, №12. -С.12-36.

ҚЎҚОН ШАҲРИ ТАРИХИЙ МИКРОТОПОНИМЛАРИНИНГ ЛУҒАВИЙ ҚАТЛАМЛАРИ

София Усмонова,

Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мақолада Қўқон шаҳри тарихий топонимик объектларининг луғавий қатламлари (умумтуркий, ўзбекча сўзлар ва бошқа тиллардан ўзлашган жой номлари)га оид маълумотлар берилган.

Жой номларини ўрганишда топоним учун асос бўлган сўзнинг тарихий-генетик келиб чиқишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Қўқон шаҳри тарихий микротопонимлари таркибига назар ташласак, уларнинг умумтуркий ва ўзбекча сўзлар билан бир қаторда бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар орқали шаклланганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.

Шу нуқтаи назардан биз ўрганаётган ҳудуд топонимларини ҳам ўз ва ўзлашган қатламга мансублиги жиҳатдан кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Ўз қатлам топонимлари. Ўзбекча топонимлар асосидаги сўзлар турли хил кўринишга эга бўлиб, уларнинг қуйидаги лексик-тематик гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Жойнинг табиий-географик шароитин акс эттирган топонимлар: 1) ўсимликлар дунёсига алоқадор ҳолда номланган: Узумзор, Ўрикзор, Толзор, Олмазор, Токзор, Олчазор, Жийдалибоғ, Тераклибоғ (бу ҳақда манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд) “Ирфон – асли Самарқандлик, Хўқанд шаҳрида Марғилон даҳасида (ги) Теракли боғ маҳалласидан бўлган” [6, 311-бет]; 2) ер юзасининг рельеф шакллари, тупроқ таркиби, ранг-тусга кўра ном олган: Тепакўрғон, Қоратепа, Чуқурмаҳалла, Тошлоқ, Арзиқтепа бошқалар. “Арзиқ – оҳақли модда бўлиб, арзиқли тупроқдан урилган девор ниҳоятда мустаҳкам бўлади. Баъзан арзиқни яхшилаб элаб, куйдириб, ундан ганч ўрнида ҳам фойдаланишган” [2,106].

II. Гидрографик топонимлар: 1) сой номлари: Улкансой (Қўқонсой), Оқтепасой, Қиялисой; 2) кўл номлари: Аччиқкўл,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ойдинкўл; 3) сувлик номи билан боғлиқ бошқа топонимлар: Тўғонбоши, Тахтали ҳовуз, Чалчиқ, Бақақуриллоқ 4) кудуқ ва ариқ номлари: Кудуқли, Қипчоқариқ, Хонариқ, Қўшариқ, Қорасув ариғи; 5) булоқ номлари: Оқбулоқ, Булоқбоши, Қайнарбулоқ, Тўққизбулоқ, Қизбулоқ, Оқариқ, Ширмонбулоқ (Чермонбулоқ), Ойбулоқ кабилар. Топонимлар таркибида қўлланган оқ, қора сўзлари ранг маъносидан ташқари хилма-хил маъноларни ифодалаб келади. Бу хусусият олимлардан А.Н. Кононов, В.Л. Вяткин, Э. М. Мурзаев, Н. Г. Маллицкий, Ҳ. Ҳасанов, С. Қораевларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Оқсув - тоғ суви, тоғдаги музликлардан оқиб чиқадиган сув, ичишга яроқли сув; Қорасув - ердан чиққан сув, сизот сув, ичишга яроқсиз сув.

III. Касб-ҳунар билан боғлиқ ойконимлар.

Ўтмишда Қўқонда ҳунармандчилик кенг миқёсда тараққий этган, маълумотларга кўра, шаҳар аҳолисининг 52 фоизи ҳунармандлар ҳисобланган [3, 114]. Шу вадан кўпгина маҳалла, гузарлар кишиларнинг ижтимоий турмуш тарзи, хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда ифодаланган касб-корни ифодаловчи лексемалар билан юритилиб кетган. Тароқчилик, Кўнчилик, Эгарчилик, Тақачилик, Пичоқчилик кабилар.

IV. Туркий сўзлар билан аталган этпонимлар (уруғ, қабила, халқ номлари)га алоқадор ҳолда яратилган топонимлар: Бешқовоқ, Қоракўрпа, Учуйли, Қатағон, Тома, Қирғиз, Жалойир, Тоғлиқ, Қирқлар, Минглар Юзлар ва бошқалар.

Ўз қатламга четдан кирган сўзлар таркибига ўзбекча аффиксларни ҳамда ўзбекча сўзларга қардош тиллардан ўзлашган қўшимчаларни қўшиш орқали ҳосил қилинган сўзлар ҳам киради. Заргарлик, Дегрезлик, Рихтагарлик, Мисгарлик (бу маҳаллада яшаган шоир Субҳий ҳақида “Тазкираи Қайюмий”да маълумот берилади. “Субҳий – Қатағон даҳа, Мискарлик маҳалласидан. Маҳаллада бўлмиш “Аврод” масжидда имом бўлган”[6, 591] Поякилик, Қоғозгарлик, Пўстиндўзлик, Галабаққолик; Жиякчилик сингари.

“Ҳозирги Ўзбекистон территориясида, шунингдек, унга қўшни бўлган Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикалар ҳудудида қадим замонларда тожикларнинг боболари яшаганлиги кўпдан маълум. Маҳмуд Қошғарийнинг гувоҳлик беришича, XI асрнинг

ўрталаридаёқ ҳозирги Тўқмоқ ва Марки туманларида яшовчи суғдлар (тожикларнинг боболари) ҳам туркча, ҳам суғдча гапира олишлари қайд қилинган” [1, 5]. Кўринадикки, ўзаро алоқалардан, босқинлардан ташқари қадим аجدодларнинг яшаш ҳудудлари муқим бўлмаганлиги ҳам тилнинг лексик таркибида ўзлашмаларнинг учраши табиий эканлигини кўрсатади.

“Марказий Осиёдаги турли тарихий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан, араблар, мўғуллар ва руслар истилоси, қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари билан қўшничилик муносабатлари ҳам ўзбек тили тараққиётига жиддий таъсир ўтказган, бунда айниқса туркий-араб, ўзбек-араб, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-туркман билингвизми каби омилларнинг роли катта бўлган.” [4, 245].

Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси таркибида ҳам ўзлашган топонимлар бирмунча учрайди. Турли тоифа, табақа, гуруҳ, касб-хунар номлари билан ифодаланган топонимлар: Боён (“бойлар”), Дехқонон “Собиржон мулла Абдуллажон ўғли... Хўқанднинг кун чиқиш томонида собиқ Марғилон даҳасида Дехқонон номли собиқ маҳаллада... савдогар оиласида дунёга келмишдир” [6. 634], Маддоҳон (“маддоҳлар”), Шайхон (“шайхлар”), Шайхони боло (юқори), Шайхони поён (қуйи), Беквачча (“беклар авлоди, беклар тўпи”), Хўжамаҳалла, Дарвишобод, Эшонмаҳалла, Мўйи Муборак (халқ тилида “Мўймарак”), Бахмалбоф, Парпашабоф, Дасторбоф, Адрасбоф, Алачабоф, Хосабоф, Карбосбоф, Кўрпабоф, Читгарон, Панжарасоз, Пиллакаш, Пўстиндўз, Сўзанадўз, Дуппидўз (-дўз – “дўзанда” тожикча тикувчи) кабилар.

“Ўзбекистон топопомиясида кўп қўлланувчи арабча сўзлардан яна бири вақф терминидир. Вақф сўзи “дин йўлида ажратилган мол-мулк”, “қўзғолмас мулк” деган маъноларни англатган. Ислом анъанасида давлат ва айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжид, мадрасалар ва бошқаларга ажратилган мол-мулк вақф термини билан юритилган. Ислом мамлакатларида вақфдан келган даромадлар ўша вақф аталган диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиган дин пешволарига сарфланган, ислом ва руҳонийларнинг ихтисодий қудратини мустаҳкамлашга ёрдам берган” [5, 21-22].

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ҳозирги вақтда топонимияда вақф атамаси ваҳм, ваҳим шаклида тез-тез учраб туради. Республикаимизнинг айрим ҳудудларида Ваҳим, Воҳим қишлоқлари ана шу маъно асосида юзага келган.

Қўқон шаҳрида “Вақф чорсу” номли маҳалла ва МФЙ мавжуд. Қўқон хони Норбўтабий тахтга ўтирган дастлабки йилларида, “Оқ тўнли азизлар” мозори атрофидаги ерларни вақф мулкига айлантиради. Кейинчалик давлат арбоблари ва бойлар ҳам шу атрофдан ер сотиб олиб, мазор вақфига берадилар. Мазкур мазор ва хонақоҳнинг тўрт томони вақф мулкига айлангач, одамлар бу жойни “Вақф чорсу”, яъни, тўрт томони вақфга айланган ер (чорсу – тўрт томон) деб атай бошлайдилар. Ҳозирда тарихий ном сақланиб қолган, бу жойлар аҳоли яшаш масканларига айланиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон шаҳри тарихий микротопонимларининг номланишига ўз ва ўзлашма қатламга мансуб сўзлар асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса топонимияда ўзига хос қонуниятлар мавжуд эканлигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.5.
2. Дадабоев Муҳаммад Яҳёхон. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Фарғона: “Фарғона”, 2007. – Б.106.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент, 1994. – Б.114.
4. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1995. – Б.245.
5. Охунов Носиржон. Тил ва жой номлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б. 21-22.
6. Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III. 1996. – Б. 5.

SO‘Z BIRIKMALARI TASNIFINI MATN ASOSIDA O‘RGANISH

Yoqubova Shahnoza Yusufovna,
BuxDU o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o‘zbek tilidagi so‘z birikma(SB)lari tasnifini oliy ta‘limda o‘rganish masalasi yoritilgan. Oliy ta‘limda o‘zbek tili sintaksisini o‘qitish jarayonida talabalarning ona tili sintaktik imkoniyatlaridan foydalanish qobiliyatlarini rivojlantirish va nutqiy bilim malakalarini oshirish maqsadida SBlari turlarini matn asosida o‘rganish bo‘yicha fikr-mulohazalar bayon etilgan.

KIRISH. Shaxsning lisoniy kompetensiyasi va nutq madaniyati aynan kommunikativ aktda yuzaga chiqadi. Shuning uchun til ta‘limida lisoniy birliklarni o‘rganish maqsadi tilning amaliy faoliyatini bilish va tahlil qilishga, aniqrog‘i, ona tili lisoniy imkoniyatlarining nutqiy voqelanish ko‘lami, darajasi va chegarasini aniqlashga qaratilishi lozim. Zotan, zamonamiz odami miqdoran oz va hajman kichik imkoniyatlaridan amalda kengroq va ko‘proq samarali foydalana olishi uchun hamda ko‘p vaqt talab qilinadigan mehnat unumdorligiga qisqa muddatda erishishi uchun zaruriy bilim-ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak. Bunda eng muhim vosita til bo‘lib, undan foydalanish qobiliyatlarini rivojlantirish va nutqiy bilim malakalarini shakllantirishga alohida e‘tibor qaratish talab etiladi. Tabiiyki, bunga tildan foydalanish qobiliyatlarini rivojlantirish va nutqiy bilim malakalarini shakllantirish vazifalarini til ta‘limi maqsadiga singdirish orqali erishiladi. Demak, ona tilimizni o‘qitishda bosh maqsad tilning grammatik tabiatidan ko‘ra, o‘zbek tilining lisoniy imkoniyatlari, bu imkoniyatlarning rang-barangligi, boyligi va go‘zalligini anglash hamda ulardan amalda foydalanish layoqatlarini rivojlantirishdan iborat bo‘lmog‘i lozim.

Asosiy qism. Oliy ta‘lim tizimida o‘zbek tili sintaktik sathi va uning birliklarini, jumladan, so‘z birikma(SB)larini o‘rganish va o‘qitish bilan aloqador ayrim mulohazalarni bildirish maqsadga muvofiqdir. Oliy ta‘limda SB sintaksisi masalalari “Filologiya va tillarni o‘qitish (o‘zbek tili)” ta‘lim yo‘nalishi bakalavriatida o‘qitiladigan “Hozirgi o‘zbek tili” fani tarkibida o‘rganiladi. Fan dasturida ajratilgan mavzular orasida “So‘z

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

birikmasi tasnifi” mavzusi alohida o‘rin egallaydi. Birinchi navbatda, bu mavzuning nazariy asoslari ma’ruza darslari orqali talabalarga yetkaziladi. Biroq o‘zbek tilida SBlari tasnifiga oid nazariy ma’lumotlarni amalda tatbiq etish, ya’ni nutq voqeligida SB turlarini ajratish, SB ko‘rinishlarini mustaqil holda hosil qilish, bu sintaktik birliklarga xos ma’noviy xususiyatlarni aniqlash ko‘nikmalarini rivojlantirish, eng asosiysi, kommunikativ jarayonda SBlarini nutq niyati va maqsadiga mos, to‘g‘ri, o‘rinli qo‘llay olish malakasini shakllantirish uchun amaliy mashg‘ulotlarning ahamiyati beqiyos. Chunki aynan amaliy mashg‘ulotlarda SBlarining turlari ularning tasnifi asosida, ya’ni nazariy asoslarga tayanib o‘rganilishi tabiiydir. Yuqorida qayd etilgan jihatlarni inobatga olib, amaliy mashg‘ulotlarda SBlarining turlarini o‘rganishga doir ayrim mulohazalarimizni bayon etishni joiz topdik. Zero, millat kelajagini yuqori salohiyatli yoshlar sifatida tarbiyalashda biroz bo‘lsa-da, ahamiyatli bo‘lsa va tatbiq etilsa, ta’lim tizimi sifatini oshirishga hissamiz qo‘shilgan bo‘ladi.

SBlarining turlarini o‘rganishda birinchi galda SBlari qanday sinflarga ajratilganligi masalasini aniqlashtirish lozim. Zotan, SBlari tasnifini o‘rganishga doir yangicha yondashuv va qarashlar shakllangan. Xususan, S.Nazarovanning SBlari tasnifiga doir fikrlari e’tiborga molik: “*Birinchi*dan, SB hokim komponentining qaysi turkumga tegishliligiga ko‘ra tasniflanishi so‘zlarning lisoniy (birikuvchanlik) imkoniyatlarini aniqlash jihatidan ahamiyatli bo‘lib, *ismli va fe’lli birikmalar* tarzida ajratilishi substansial nuqtayi nazardan maqsadga muvofiqdir. *Ikkinchi*dan, tobe-hokimlik munosabatida bog‘langan so‘zlarning nutq jarayonida turli kommunikativ birliklar tarkibida muayyan sintaktik ma’no (vazifa)ga egaligi inobatga olinishi SBlarini *atributiv birikmalar, relyativ birikmalar, obyektli birikmalar, subyektli birikmalar* sirasida ajratilishiga imkon beradi. *Uchinchi*dan, nutqiy voqelikga so‘zlarning o‘zaro birikishi natijasida tarkibiga ko‘ra bir tobe va hokimdan tuzilgan hamda bir necha tobe yoki bir necha hokimning qo‘shnichiligidan iborat SBlari kuzatiladi. Bu esa sodda va murakkab SBlari mavjudligidan darak beradi. ... bir tobe va hokimdan tuzilgan birikmalarni sodda birikmalar sifatida, bir necha tobe yoki bir necha hokimning qo‘shnichiligidan iborat SBlarini murakkab birikmalar sifatida ajratish to‘g‘ri bo‘ladi. ...murakkab birikmalarning tarkibiga ko‘ra, 1) *tobe a’zosi kengaygan birikmalar*, 2) *hokim a’zosi kengaygan birikmalar*, 3) *ham tobe, ham hokim a’zosi kengaygan birikmalarga* bo‘linishi

birikuvchanlik qonuniyati hamda sintagmatik munosabat talablariga muvofiq bo'ladi. *To'rtinchidan*, SBlari lisoniy tizim belgilagan vazifasiga asoslansak, 1) *atash (nomlash) vazifasini bajaruvchi birikmalar* va 2) *grammatik ma'no ifodalovchi birikmalarga bo'linishi* ularning lisoniy mohiyatini to'la anglashga yordam beradi. Zero, SBlari nafaqat narsa, hodisa, shaxs, belgi, harakat, jarayon(va shu kabilar)ni atash, nomlashga, ya'ni leksemalar kabi lug'aviy ma'nolarni bildirishga, balki muayyan grammatik ma'nolarni ifodalashga ham xizmat qiladi. *Beshinchidan*, SB hosilaviy birlik, u ma'lum bir LSQning nutqiy voqelanishidan yuzaga keladi. Shuning uchun ularni bir-biridan farqlovchi asosiy lisoniy belgi – qaysi LSQning mahsuli ekanligini ko'rsatish orqali belgilanadi. SBlarining LSQlari paradigmasida yetakchi a'zo $[W_1 \sim W_2]=SB \text{ LSQi}$ bo'lib, qolgan ikki a'zoning umumiy belgisi asosida SBlarini 1) $[I \sim I]=SB \text{ qolipi hosilalari}$ hamda 2) $[I \sim F]=SB \text{ qolipi hosilalari}$ sifatida ajratish mumkin" [1, 43-44]. SBlarining a'anaviy yoki yangicha besh tomonlama tasnifini amaliy mashg'ulotda muhokama qilgandan ko'ra, bizningcha, oddiygina matn ustida ishlash, matnda voqelashgan SBlarining muayyan turlarini aniqlash ma'qulroqdir.

Matn SBlarining hosil bo'lishi, lisoniy qurilishi va lisoniy qurilish qolipi (LSQ), birikma tarkibiy qismlarining aloqasi, so'zlarning birikuvchanligi va biriktiruvchanligi, SBlarining nutqiy va uslubiy vazifalari, qolaversa, sitagmatik munosabatni anglash, tushuntirish, tahlil qilish uchun eng qulay vositadir. Zero, matn qanday shakl yoki qaysi uslubda ifodalanmasin, lisoniy sathlar va ularning birliklari mohiyati va imkoniyatlarini til birliklarining mazmuniy butunlikni to'g'ri chiziqsimon munosabati asosida ochib beruvchi voqelikdir. Umuman, bahsimiz matn ustida emas, shu bois asosiy e'tiborni SBlarini matn asosida o'rganishga qaratamiz.

Matn tanlanar ekan, bunda guruh bo'lib, umumiy bir matn ustida ish yuritilishi yoki har bir talabaga alohida matn berilishi yoxud matnni mustaqil tanlash imkoniyati taqdim etilishi mumkin. Masalan, Abdulhamid Cho'lponning "Kecha va kunduz" romanidan quyidagi matn tanlanishi mumkin.

"Har yil bir keladigan bahor sevinchi yana ko'ngillarni qitiqlay boshladi. Yana tabiatning dildiragan tanlariga iliq qon yugurdi...

Tollarning ko'm-ko'k sochpopuklari qizlarning mayda o'rilgan kokillariday selkillab tushmoqqa boshladi. Muz tagida loyqalanib oqqan suvlarning g'amli

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yuzlari kuldi, o'zlari horg'in-horg'in oqsalar-da, bo'shalgan qul singari erkinlik nash'asini kemira-kemira ilgari bosadilar. Simyog'ochlarning uchlarida yakka-yakka qushlar ko'rina boshladi. Birinchi ko'ringan ko'klam qushi birinchi yorilgan bodroq nash'asini beradi. Bultur ekilib, ko'p qoshlarni qoraytirgan o'sma ildizidan yana bosh ko'tarib chiqdi... Muloyim qo'llarda ivib, suvga aylangandan keyin go'zal ko'zlarning supasida yonboshlashni muncha yaxshi ko'rar ekan bu ko'kat! Erkaklarning gullik do'ppisiga tegmay, yalang ayollar bilan, ularning sochlari, gajaklari va ro'mol popuklari bilan hazillashib o'ynagan salqin shabada... ko'klam nash'asi bilan sho'xlik qiladi.

Hayot nega bu qadar go'zal va shirin bo'ladi bahorda?" [2, 21]

Ushbu matndagi SBlarini tahlil qilish jarayonida 1) badiiy matnda voqelashgan SBlarini aniqlash; 2) SBlaridagi hokim a'zoning qaysi turkumga tegishliligiga ko'ra turlari; 3) SBlarining tuzilishiga ko'ra turlarini jadval tuzib, alohida ustunlarda ajratib ko'satish vazifasi topshiriladi. Bu vazifa quyidagi tarzda bajarilishi kutiladi:

<i>No</i>	<i>SBlarining ko'rinishlari</i>	<i>Ismlı birikmalar</i>	<i>Fe'llı birikmalar</i>	<i>Sodda birikmalar</i>	<i>Murakkab birikmalar</i>
1.	<i>Bahor sevinchi</i>	+		+	
2.	<i>Ko'ngillarnı qitiqlay boshlamoq</i>		+	+	
3.	<i>Tabiatning dildiragan tanlari</i>	+			+
4.	<i>Tollarning ko'm-ko'k sochpopuklari</i>	+			+
5.	<i>Loyqalanib oqqan</i>		+	+	
6.	<i>G'amli yuzlar</i>	+		+	
7.	<i>Horg'in-horg'in oqmoq</i>		+	+	
8.	<i>Bo'shalgan qul</i>	+		+	
9.	<i>Birinchi ko'ringan ko'klam qushi</i>	+			+
10.	<i>Bultur ekilib</i>		+	+	

SBlari nafaqat jadvalda ajratilgan turlarga, balki 4) tobe so'zning sintaktik vazifasiga; 5) qanday LSQ asosida hosil bo'lishiga ko'ra turlarga egaligini ham hisobga olish lozim. Bu esa matndagi nutqiy hosilalarni sanab o'tilgan belgi-xususiyatlar asosida tahlil qilishni taqozo etadi. Jadval

ustunlari SBlarining tobe soʻzning sintaktik vazifasiga (4); qanday LSQ asosida hosil boʻlishiga koʻra (5) turlarini ajratish natijasida toʻldirib boriladi. Bu jadval quyidagicha shakllantiriladi:

<i>No</i>	<i>SBlarining koʻrinishlari (nutqiy hosilalar)</i>	<i>Tobe soʻzning sintaktik vazifasiga koʻra turi</i>	<i>Qanday LSQ asosida hosil boʻlishiga koʻra turi</i>
1.	<i>Bahor sevinchi</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
2.	<i>Koʻngillarni qitiqlay boshlamoq</i>	<i>obyektli birikma</i>	<i>[I~F]=SBLSQi hosilasi</i>
3.	<i>Tabiatning dildiragan tanlari</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
4.	<i>Tollarning koʻm-koʻk sochpopuklari</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
5.	<i>Loyqalanib oqqan</i>	<i>relyativ birikma</i>	<i>[I~F]=SBLSQi hosilasi</i>
6.	<i>Gʻamli yuzlar</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
7.	<i>Horgʻin-horgʻin oqmoq</i>	<i>relyativ birikma</i>	<i>[I~F]=SBLSQi hosilasi</i>
8.	<i>Boʻshalgan qul</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
9.	<i>Birinchi koʻringan koʻklam qushi</i>	<i>atributiv birikma</i>	<i>[I~I]=SBLSQi hosilasi</i>
10.	<i>Bultur ekilib</i>	<i>relyativ birikma</i>	<i>[I~F]=SBLSQi hosilasi</i>

Tabiiyki, SBleri turlarini ajratish uchun yuqorida keltirilgan ilmiy asoslar va nazariy maʼlumotlar talabalarga oldindan berilgan boʻlishi, talabalar amaliy darsga tayyorlanish jarayonida bu maʼlumotlarni oʻquv va ilmiy manbalar asosida oʻqib oʻzlashtirgan boʻlishini unutmaslik lozim. Aks holda, koʻzlangan maqsadga erisholmaslik ham mumkin. Biroq diqqat faqat nazariy maʼlumotga qaratilishi nojoiz. Chunki bilimning amaliy jihati nazariya bilan uygʻun boʻlmogʻi lozim.

SBlarining matn asosidagi tahlili va jadvaldagi maʼlumotlar asosida oʻzbek tilida SBlarining turlari haqida xulosani talabalar ixtiyorida qoldirish behad ahamiyatli boʻlib, mantiqiy mushohada yuritish va tafakkurda umumlashtirish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Bunda talabalar mavzuni qanday tushunganliklari maʼlum boʻladi. Shuningdek, oʻzbek tilida SBlarining hosil boʻlishi, soʻzlarning sintaktik aloqasi nutqda roʻyobga chiqishi, SBlarining nutqiy uslubiy imkoniyatlarini mustaqil kuzatish, SBleri va turlarini ajratish natijasiga erishadilar.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

XULOSA. Nutqda atash vazifasini bajaradigan SBlari til egalarining kommunikativ maqsadlarini ifodalashda bevosita ishtirok etadi. Chunki tilning axborot tashish vazifasi SBlariga emas, balki gapning turli ko‘rinishlariga yuklangan bo‘lib, SBlari gap tarkibiy qismlarini shakllantiradi. Tushunchalarni aniq ifodalash ehtiyoji SBlarini nutq faoliyatiga olib kiradi. SBlarini tayyor matn asosidagina emas, balki tobe yoki hokim so‘zlarni kengaytirish natijasida hosil qilinadigan erkin matnlar asosida ham o‘rganish mumkin. Bunda so‘z va SBlarining atash va tushuncha ifodalash, so‘zlarning birikish va biriktirish hamda matn tarkibiy qismi sifatidagi xususiyatlari aniqlanadi. Demak, SB tasnifi, hosil bo‘lishi, vazifasi va ma‘nosi bilan bog‘liq muhim xulosalar amaliy ish jarayonida shakllanadi hamda talabalarning nutqiy faoliyat layoqatlari va lisoniy tafakkurini o‘stirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nazarova S. So‘z birikmalari tasnifiga doir// Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. – Buxoro, 2015. –№1. –B.40-44.
2. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман. –Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. –576 б.

ХАЙРЛАШУВ – ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА

Зарипова Азиза
БухДУ талабаси

АННОТАЦИЯ. Мақолада нутқий мулоқот якуний босқичлари лисоний вербал воситаларининг ахборот бериш имконияти ва лисоний новербал воситаларнинг лингвистик моҳияти – грамматик тизимдаги ўрни масаласи хайрлашиш мисолида ёритилган. Хайрлашув – фатик мулоқотнинг тури сифатида моҳиятан урфий-одатий (этикетик) эканлиги, мулоқотни якунлаш, дискурсни охишлашга хизмат қилиши таъкидланади.

Нутқий мулоқотнинг якуний босқичи – хайрлашув ҳисобланади. Бу босқич нутқий мулоқотнинг сўнги босқичи бўлиб, нутқий мулоқотнинг хотимасидир. Хайрлашиш — маънавий тамойилларга асосланадиган хатти-ҳаракат шакли, нутқ одоби унсури. Ҳар қандай нутқий мулоқот тури хайрлашиш билан якунланади. Худди

саломлашишдаги сингари хонани тарк этадиган ёки ким учун мақбул бўлса, у биринчи бўлиб хайрлашади. Худди шундай талаб қўл бериб хайрлашишга ҳам тааллуқли: катта биринчи бўлиб кичикка қўл узатади. Ташриф буюрувчининг хизмат хонасидан бирор ишга алоқадор масала ҳал этилгандан кейин чиқиб кетиши олдидан суҳбатдошига стол устидан қўл узатиши ножоиз ҳисобланди. Ёши ўзидан катта шахс ёки аёл билан суҳбатлашган ижтимоий ходим учун энг яхши йўл қуйидагилар ҳисобланади: ташриф буюрган, хайрлашиш учун ўрнидан туриб кетишга чоғланганда ўридан туриш. Кексайган, айниқса, ногирон киши кетаётганда уни эшиккача кузатиш одобдан бўлади. Суҳбатнинг яқуни сифатида хайрлашиш бир қатор ўзига хос вазифани ўтайди: биринчидан, бу одатдаги одобга риоя этиш; иккинчидан, коммуникатив алоқани яқунловчи бир ҳаракат. Хайрлашиш билан суҳбат яқунига етади ва бўлиб ўтган суҳбат кейинчалик эътиборда қолишига муайян кафолат беради. Ўзбекларга хос хайрлашув одоби ва унинг миллий қадриятларимиз тизимидаги ўрни катта. Бизнинг миллий урф-одатимизга кўра, тўғри хайрлашиш усулларига амал қиладиган одам юксак маданиятли, маънавиятли инсон (шахс) саналади. Чунки кишиларнинг ахлоқ-одоби, улар ҳақидаги дастлабки тассурот саломлашиш, мулоқот (суҳбат), хайрлашиш вақтида пайдо бўлади. Хайрлашиш одоби кишиларга болаликдан шакллантирилади. Бунда боланинг хулқий гўзаллиги ортади. У таълим-тарбиянинг асл меваси, инсоний фазилат бўлиб, кишининг ички дунёсини намоён этувчи ахлоқий сифатнинг бир қиррасидир. Саломлашганда ёки хайрлашганда айтиладиган “ассалому алайкум”, “саломат бўлинг” деган сўзларда инсонларнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтироми, хайрихоҳлик изҳори билан бирга теран мазмун ва мулоҳаза мужассамлашган[2].

Нутқий мулоқотнинг ҳар бир босқичи вербал ёки новербал шаклда ўз ифодасини топади. Шу ўринда хайрлашиш ҳам вербал ва новербал кўринишларга эга бўла олади.

Масалан, («хайр», «кўришгунча», «яхши қолинг», «хайр, кўришгунча») ва новербал — айтилган сўзга қўшимча тарзда енгил таъзим, қўл ҳаракати ва ҳ. орқали намоён бўлиши мумкин. Чунончи, *Одамлар соддалиги! Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиздирмайди. Мен қаёққа боришим керак? Қора ерда мен ётсам бўлмасмиди!- Акбарали қабр тошидан бошини кўтарди. – Мен яна*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўзимни ўйлаяпман. Наҳотки, шундан бошқага ярамасам? Бирзумлик хато... Бир нафас тубанлик... уни энди бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди. – Акбарали ўзининг ҳайкалига қаради. – Хайр... Бектемир ака
(А.Мухтор. Чинор).

Кеча мазор бошига бориб, дадангни мазорини суваб келдим. Раҳматли орзу-ҳавасингни кўролмай кетди. Тунов кунни Собиржондан хат келган экан, сени сўрабди. Яхши, дедим. ишқилиб, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл (Ў.Умарбеков. Совға).

Ёки: Иброҳимбий: Буйругингиз қайтармоқ қўлимдан келмайдир, қабул этаман. Бироқ бир кун менинг ҳам ўлимимга ҳукм чиқарарсиз, хоқоним!

Хон: Қабул этдингми?

Иброҳимбий: Қабул этдим.

Хон: Эмди чиқиб, сақловда ётингиз. Эрта билан ёрлиқларингиз чиқар. Иккаласи ҳам дуо қилиб, енгил тазим ила чиқиб кетарлар

(А.Фитрат. Абулфайзхон).

Фатик мулоқотнинг хайрлашув тури ҳам моҳиятан урфий-одатий (этикетик) бўлиб, мулоқотни яқунлаш, дискурсни охирлашга хизмат қилади[1]. Ўзбек суҳбат одоби бўйича у, албатта, суҳбатдошларнинг суҳбатдан, мулоқотдан мамнунлиги ҳақида ахборотни ўз ичига олиб, бир-бирларига эзгу тилакларини, қайта мулоқотга тилақдошликлари ҳам ифодалайди. Одатан суҳбатни яқунлаш вазифаси мезбон / катта ёшли суҳбатдош / юқори мартабали шахс зиммасига тушади ва “Хайр, омон бўлинг! Суҳбатдан жуда мамнун бўлдим. Худо яна учраштирасин! / Келиб туринг! / Узилиб кетманг!” каби одатий иборалардан тузилади. Бу ташаббуси меҳмон / ёши кичик / даржаси/мартабаси қуйи шахсдан чиқадиган бўлса, у, албатта, узр айтиб, мезбонни хайрлашишга ундайди, суҳбатни яқунлашни сўрайди ва, албатта, суҳбатдан мамнунлигини таъкидлаб мезбонни безовта қилгани/вақтини олгани учун узр сўрайди. Бунинг жуда чиройли намунасини “Алишер Навоий” драмасининг Мўмин Мирзононинг Мир Алишер билан суҳбатни яқунлаш лавҳасида кўриш мумкин:

Мўмин: Устоз, мен доим ёнингизда бўлишни истар эдим. Аммо вазият ҳозироқ жўнаб кетишимни тақозо қилади. Мен Сизни, хушхабар билан қиротда кутаман. Менга рухсат[4].

Мулоқот ўзини суҳбатдошлардан баланд тутадиган домоғдор, такаббур Шахс ва унинг тобелари орасида бўлса, о ўзига хос шакл-у воситаларга ега бўлади. Чунончи, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи ибтидосида, раёнда ўқиб, Фирқа лақабини олган ва қишлоқ советига раис бўлиб тайинланга Ботир фирқанинг илк мулоқотининг якуни:

- Унда, сизларга топшириқ: боринглар, мени ким эканимни билиб келинглар!

Қўшчи шундай дея, супадан тушди[8].

Мулоқот араз-жанжал, адоват-у нафрат каби салбий муносабат руҳида бўлса, суҳбатдошларнинг савиясига кўра у бошқача шаклларда ва воситаларда болиши мумкин. Чунончи, мазкур драмада Мир Алишернинг подшоҳ билан хайрлашиши қуйидагича баён этилади:

Навоий: Мен кетдим!

Хусайн: Қаёққа?

Навоий. Ижодимга. Халқимга! (Кета бошлайди.)

Хусайн: Алишер, қайтинг! Хузуримда қолинг!

Навоий: Хатоларни кўпайтириш, гуноҳларни орттириш учунми? Хайр, Шаҳаншоҳ![4]

Мулоқотнинг мазмуни, коммуникантларнинг бир-бирига муносабати, нутқ шароити ва қатор бошқа омиллар таърида хайрлашиш бошқа кўриншларда ҳам бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, нутқий мулоқотнинг якуний босқичи – хайрлашув. У нутқий мулоқотнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. –Москва:Прогресс,1977. –С. 52.
2. Карцевский С. Об *асимметричном* дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч.II. –Москва: Просвещение, 1965. –85 с.
3. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. –Калилин: КГУ, 1985. –С. 12-18.
4. Султон И. Асарлар. Тўрт томлик. 1-том. Драматургия. – Тошкент: Ғафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 440 б.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

5. Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 358 б.
6. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 365 б.
7. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 270 б.
8. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайдди. – Тошкент, 2001. – 102 б

MADANIY ALOQALARNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY VA XORIJIY TILLARNING O'RNINI

Zoxirov Nodirbek Ulug'bekovich

O'zbekiston Respublikasi MGHTI talabasi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada chet tilini o'qitishda madaniy aloqalarni rivojlantirishda milliy va xorijiy tillarning o'rnini haqida fikr yuritilgan. Ma'lum bir millatning har qanday maxsus madaniyati nafaqat ushbu millat vakilining o'zini tutishida, balki muloqot jarayonida ham sezilishi mumkin.

KIRISH. Har bir xalqning, millatning o'ziga xos milliy xususiyatlari mavjud. Milliylik esa ko'p qirralidir. Millatlar va milliy tillar muayyan bir ijtimoiy taraqqiyot davrining mahsuli hisoblanadi. Odamlarning tarixan tarkib topgan mustahkam birligi bo'lgan millat, til, hudud, iqtisodiy turmush va madaniyat birligida ko'rinadigan psixik tuzilishi asosida yuzaga keladi va taraqqiy etadi. Har bir millatning o'ziga xos turmush tarzi, urf – odatlari va uning tarixan shakllangan madaniyatini belgilovchi o'ziga xos tushunchalari bo'ladi va ular so'zsiz uning tilida, tilning so'z boyligi (lug'aviy birliklari)da, ibora (frazologizmlar), maqol, matal, hikmatli so'zlar va boshqa janrlarda o'z aksini topgan bo'ladi.

ASOSIY QISM. Milliy til – milliy madaniyatning asosiy negizidir. U nafaqat madaniyatni saqlab qolishning asosiy va kerakli vositasi, balki madaniyatning vujudga kelishi tarixi, rivojlanishi to'g'risida ma'lumot beradi. Milliy madaniyatda tilning ahamiyati ikki xil ko'rinishda bo'ladi: muloqot, munosabat vositasi, madaniyatning tarkibiy elementi hisoblanadigan madaniy va ilmiy qadriyatlarni takomillashtirib boruvchi vosita. Demak, milliy tillar taraqqiyoti darajasini shu tilda gaplashuvchi kishilarning ijtimoiy – iqtisodiy, siyosiy – ma'naviy talablari belgilaydi.

Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida milliy tilning ijtimoiy roli ortmoqda, bunga sabab, bu nafaqat millat teng huquqligining ko'rsatkichi,

balki ona tilining rivojlanishi uchun imkoniyatlarning yaratilishi demakdir. Demak, til kamoloti millatimiz taraqqiyoti, milliy madaniyatimiz rivojlanishining hal qiluvchi omillaridan biridir. Xalqning ma'naviy boyligi, aql – idroki va taffakuri, tarixi va madaniyati uning tilida, madaniyatida o'z ifodasini topadi. Prezidentimiz aytganidek “Ona tilning buyuk ahamiyati shundaki, u ma'naviyat belgisi sifatida kishilarni yaqin qilib jipslashtiradi”.

Til – bu faqat odamlar o'rtasidagi muloqot vazifasi bo'libgina qolmay, balki madaniyatning ulkan yutug'i, xalqlarning ijtimoiy – siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayoti, ko'p asrlik rivojining ko'zgusi hamdir. Tilni qonuniy muhofaza qilishning asosiy maqsadi har bir millat va elatning, qolaversa barcha xalqlarning tiliga nisbatan hurmatini saqlagan holda, o'z ona tilidan erkin foydalanish va uning rivojlantirish huquqini ta'minlashdan iboratdir. Aynan shu til erkinligi har bir millat vakilida milliy ongning shakllanishiga zamin yaratadi. Milliy ong va uning shakllanishi, eng avvalo, milliy uyg'onish zamirida boshlanishi tabiiydir. Hozirgi kunda milliy uyg'onish, davr taqozosiga ko'ra, taraqqiyotning obyektiv ijtimoiy voqeligiga aylanmoqda. Chunki kishilarning dunyoqarashi hayotiy xulosalar, munosabatlar, iroda va xohishlar, milliy turmush tarzi, milliy rasm – rusumlar, odat va an'analar tufayli shakllanadi va rivojlanadi. Milliy ong va uni anglash har bir kishidan o'zining qaysi millatga mansubligi, milliy tarixi, madaniyati va merosi, urf – odatlari, milliy tili mohiyatini to'g'ri, har taraflama, bilishini taqozo etadi. Aynan shu til yordamida milliy ongning tarkibiy qismlari shakllantiriladi. Tilimizning shakllanishi va jadal tarraqiy etilishini o'zbek davlatchiligining asoschisi, buyuk sohibqiron Amir Temur saltanati, Temuriylar davrida milliy madaniyatimiz rivojiga ko'rsatilgan g'amxo'rlik hamda e'tibordan ayricha tasavvur etish mumkin emas, albatta. Bu bosqichni Markaziy Osiyo tamaddunidagi “uyg'onish davri” deb atash joizdir. Hazrat Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur va boshqa ko'plab buyuk mutafakkirlar o'zbek tilida asarlar yozib, tilimiz qudratini, behad imkoniyatlarini isbotlab berdilar. Ayni paytda xuddi shu davrlarda o'zbek millati, davlatchiligi, madaniyati va ma'naviyati taraqqiyoti ham til tadriji bilan bevosita bog'liq ekanligi ayon bo'ldi. Afsuski, feodal tarqoqlik va keyinroq chor Rossiya bosqini tufayli tilimiz rivojiga yetarlicha e'tibor berilmadi. Avval fors – tojik, so'ngra rus tili yetakchi o'ringa qo'yilgani uchun o'zbek tili rasmiy muomaladan chetlashtirildi. Shunga qaramasdan xalqimiz o'z tili, milliy madaniyati bebaho qadriyatini mudom asrab-avaylab keldi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Til va milliy madaniyat, shu tarzda kuchli bosimlar ostida bo'lsada, o'zligini, o'zining betakror go'zalligi hamda benazir o'ziga xosligini saqlab keldi. O'zbekiston Respublikasi milliy mustaqilligi tom ma'noda ona tilimizni ikkinchi bor qayta tug'ilishi hamda milliy madaniyatimizning gurkirab rivojlanish bosqichini boshlab berdi. Bu tarixiy olamshumul voqea o'zbek xalqining asriy orzu – armonlarini ushaltirdi. O'zligining har tomonlama namoyon etishi uchun barcha shart-sharoitlar yaratdi.

Millatlarning bir-biriga samimiy yaqinlashishida, komil inson bo'lishga boshqa millatlar va xalqlar bilan madaniy aloqalarni rivojlantirishda xorijiy tillarni o'rganish katta ahamiyatga ega. Mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab xorijiy tillarni o'qitishga katta e'tibor berilmoqda va har bir ota-ona o'z farzandini xorijiy tillarni o'rganishini, rivojlangan mamlakatlarga borib bilim olib, tajriba orttirishlariga katta e'tibor bermoqda. Millatlarni tarbiyalashda chet tillari alohida ahamiyat kasb etadi va umuminsoniy qadriyatlarning tiklanishida muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Millatlar, xalqlar, mamlakatlar hamda qit'alar orasidagi madaniy va ma'naviy aloqalarni jadallashtirishda chet tillarning ahamiyati katta. Bugun biz xalqaro tillar orasida keng tarqalgan ingliz tiliga suyanishimiz lozimligini xalqaro aloqalar ko'rsatmoqda. Kelgusida millatlarni bir-biriga yaqinlashtirishda ingliz tili bilan bir qatorda boshqa tillarning rivojiga e'tiborni qaratish lozim bo'ladi.

Xulosa. Yurtimiz yoshlarining kelajagi nurli va go'zaldir, maqsadlari aniq – buyuk mustaqil davlat tuzishdir. Bu bitta maqsad va g'oya atrofida birlashgan ko'p millatli xalqimizning madaniy-ma'naviy boyligini oshiradi. Bu ishlarni amalga oshirishda nafaqat o'zbek tilini balki xorijiy tillarni mukammal o'rganish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bushuy T. Til va insoniyat tarixi. Til va jamiyat. Xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. (Samarqand sh., 2003-yil 28-30 may) Samarqand-2003.
2. Safarov. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. T.: "Fan", 2007.
3. English for international tourism. U.S.A press 1999. p.40- 56 2. How can you learn language while you are in the oversea? Italia 2007 pp. 102-144. 3. www. Learn English feel good.com

ЯЗЫК - ДУША НАРОДА И ЗЕРКАЛО, В КОТОРОМ ОТРАЖАЮТСЯ НАШИ МЫСЛИ И УСТРЕМЛЕНИЯ

Шарипова Феруза Негматуллоевна
Бухарский ИТИ, кафедра “Иностранные языки”

АННОТАЦИЯ. В этой статье мы хотим поразмышлять о роли языка и культуры в преподавании иностранного языка. В конце концов, любая особая культура конкретной нации может ощущаться не только в поведении представителя этой нации, но и в процессе общения.

Лучший язык - тщательно сдерживаемый; лучшая речь - тщательно обдуманная, когда ты говоришь, слова твои должны быть лучше молчания.

У каждой нации, как и у государства, есть свой язык, как и у нашего родного Узбекистана, и есть свой язык, которого наша страна достигла до обретения независимости. Великий немецкий писатель Иоганн Вольфганг Гете писал об изучении иностранных языков: «Любой, кто не знает других языков, плохо понимает свой собственный язык». Если вы усердно работаете, изучение других языков - не самая лучшая вещь.

Что определяет страну? Ее культура, традиции, история, жители и, несомненно, язык. Ведь не зря так распространено выражение «Народ без языка исчезнет, а сохранивший язык станет нацией». Он постоянно развивается, обогащаясь новыми словами, отражающими непрерывное движение общества вперед, прогресс научной и технической мысли, процессы глобализации.

В настоящее время в нашей стране растет внимание к преподаванию иностранных языков, как и во всем мире. Как известно, узбекский язык входит в группу самых древних и богатых языков мира. Важно то, что сама жизнь показывает великое значение, ценность нашего родного языка. У многих народов повысился интерес к изучению узбекского языка. Нужно особо отметить, что в нашей независимой стране, где мирно сосуществуют представители многих наций и национальностей, на законодательном уровне закреплено уважительное отношение к их родному языку, культуре, традициям. В

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

настоящее время в Узбекистане обучение ведется на узбекском, казахском, таджикском, русском языках. Опыт республики в этом направлении признается в качестве образца и на международном уровне Указ. Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова 2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» в 2012 году служит стимулом для дальнейшего совершенствования работы в этой области. Также важно подчеркнуть важность понимания особенностей культуры изучающих язык при обучении иностранным языкам во всем мире. Они неоднократно говорили, что за каждым языком стоит нация и люди, что отношение к языку является их собственным, и что любовь учащихся к своему языку никогда не угаснет, поскольку они осваивают каждый язык. Как правило, язык изучается в сравнительной форме. Сила слова выражается в форме речи и речи в свете того, как каждое слово и фраза выражаются в других людях. Они всегда чувствовали необходимость подходить к этому с ответственностью и ответственностью, поскольку язык социальных сетей является источником дискурса, который в настоящее время признан единицей идеологии, которая уравнивает отношения между народами мира. Язык накапливает и закрепляет в своих единицах (главным образом в словах, словосочетаниях, фразеологических оборотах) знания, опыт, приобретенные людьми на протяжении многих веков. Язык становится своеобразным зеркалом жизни народа, но не только в настоящем, но и в силу способности закреплять и накапливать «память поколений» в своих единицах он сохраняет в народной памяти «следы» далеких эпох и недавнего времени. Поэтому любой язык – бесценное национальное достояние, воплотившее национальный склад ума, самобытность внутреннего мира, психологии, философии народа, неповторимость его исторического пути. В этой статье мы хотим поразмышлять о роли языка и культуры в преподавании иностранного языка. В конце концов, любая особая культура конкретной нации может ощущаться не только в поведении представителя этой нации, но и в процессе общения. Мы можем привести много примеров. Например, многие мои русские друзья, которые живут в Узбекистане, говорят, что когда они посещают Российскую Федерацию, они очень быстро приезжают из Узбекистана.

Причина этого заключается в том, что они видят русских, как "Здравствуйте", а затем возлагают руки на их груди. Всем, кто знаком с узбекской и русской культурой, очевидно, что русские не кладут руки на глаза, когда видят их, а пожимают друг другу руки. Положить руку на грудь - скорее этнический узбек. Многие русские, которые живут в Узбекистане с местной общиной, справились с этим, и местные жители в российском государстве, как говорится, идентифицируют «узбекских русских» таким образом. Естественно, это не только результат жизни с узбеками, но и общение на языке. Мы уже изучили влияние одного аспекта узбекской национальности на мировоззрение другого народа. Теперь мы должны кратко остановиться на влиянии одного из аспектов английской культуры на узбекский язык.

Как мы все знаем, у нас есть пара слов на узбекском, например, родители, братья и сестры. Почти во всех этих случаях мы видим, что слова, представляющие мужской пол, являются первым элементом в этом типе парных слов. Когда мы смотрим на фразу «дамы и господа» на узбекском языке, альтернативу английскому термину «дамы и господа», мы обнаруживаем обратное: слово «гендер» здесь. Во многих случаях это кажется студентам узбекского происхождения, которые только начинают изучать английский язык. В заключение важно отметить, что учителя иностранных языков должны стараться информировать своих студентов о культуре языка, на котором говорят, нации, тем самым обеспечивая согласованность языка и культуры.

ЛИТЕРАТУРА:

- 1.Исаев Е. И. Проблемы проектирования психологического образования педагога // Вопр. психол. 1997. № 6. С. 48—57.
- 2.Браун Х.Д. Изучение второго языка. Издательство Кембриджского университета, 1986.
- 3.Обучение коммуникативному языку. Кембридж: издательство Кембриджского университета. Manchón, R.M. & de Larios, J.R. (2007).

AN'ANAVIY MAVZUNING YANGICHA TALQINI

Shirinova Aziza Dehqonovna,

BuxDU magistranti

ANNOTATSIYA. Muhabbat mavzusiga aloqador an'anaviy obrazlar sanalmish oshiq, ma'shuqa va ag'yor mumtoz adabiyotning asosiy obrazlari sirasiga kiradi va bu boradagi tadqiqotlar yetarli. Maqolada ana shu an'anaviy obrazlarning Shavkat Rahmon she'riyatida tutgan o'rnini xususida fikr yuritilgan.

An'anaviy obrazlar ma'lum bir xalq adabiyotida uzoq davr mobaynida shakllangan, ma'lum ma'noda qolipga tushgan obrazlardir. Mumtoz she'riyatda an'anaviy mavzu sanalgan muhabbat bilan bog'liq obrazlar: oshiq, ma'shuqa va ag'yor ana shunday obrazlar sirasiga kiradi. Ammo mavzu hamda obraz an'anaviy bo'lsa-da, har bir ijodkor uni o'ziga xos uslubda idrok etadi va badiiy gavdalantiradi. Ayniqsa, XX asr o'zbek she'riyatida ishqning yangicha ifodalari ko'zga tashlandi. Vatanga, xalqqa muhabbat ifodasi kuchaydi. Ayni damda, adabiyotning doimgi, an'anaviy mavzusi hisoblangan yor ishq mavzusi saqlanib qoldi, saqlanib qoladi ham. Ammo ifoda, munosabat yangilanib boraveradi. Bu holatni Shavkat Rahmon she'riyati misolida ko'rish mumkin.

Shavkat Rahmon she'riyatida an'anaviy mavzu va obrazlar shoirning poetik maqsadi yo'lida xizmat qildirilgan. Adabiyotshunos Ulug'bek Hamdam shunday yozadi: "Shavkat Rahmon ko'p qirrali shoir: u – tabiat oshig'i, u faylasuf, u – ijtimoiy adolat himoyachisi, u – muhabbat kuychisi" [1.113.]. Quyidagi satrlarda ham ma'shuqadan ayrilgan oshiqning dil tuyg'ulari aks ettirilgan:

Muhabbat – chiroyli kapalak,
Qo'rqaman sho'rlikni tutgani.
Kapalak quvganim yodimda,
Yodimda yo`q ammo yetganim.

Ehtimol, shundandir hamisha
Gul kabi ochilmas tunlarim.
Qarayman, muncha ko'p umrimda
Kapalak quvmagan tunlarim [2.127.].

She'rni o`qir ekansiz, shoir tashbehlariga nisbatan savol tug`ilishi tabiiy o`quvchida. Nega muhabbat chiroyli kapalak? Nega tunlar gul kabi ochilmaydi? Agar tabiatni teran nigoh bilan kuzatsangiz, unda hech bir narsa ortiqcha yoxud xunuk emas. Uning har bir zarrasi orasida ajralmas zanjir mavjud. Biz adabiyotni hayotning in`ikosi deb ataymiz. Shundan kelib chiqqan holda birinchi misradagi tashbeh ham o`zini to`la oqlaydi. Jonli mavjudot ichida eng go`zali, eng nozigi va ayni damda, eng qisqa umr ko`ruvchisi kapalak hisoblanadi. Uni ozmuncha mehnat bilan qo`lga kiritish mumkinmi? Qo`lga kiritgach ham kapalak ma`lum soniyadan so`ng bu yorug` olamni tark etadi. Uni faqat tabiat qo`ynida kuzatib, chiroyidan bahra olish mumkin. Xuddi shu holatni lirik qahramon o`z muhabbatiga o`xshatadi. Erisholmagan muhabbatini ortidan quvib yetolmagan kapalakka mengzaydi. Bu she`rda oshiq obrazi bor. Oshiq – lirik qahramon. U quvib yetolmagan kapalak – muhabbatning ortida ma`shuqa yashirin. Madomiki, ular hijronda ekan, demak she`rda mutlaqo ko`rinmay turgan ag`yor ham bor:

Yuragim ranjigan boladay
Na ermak, taskinga ko`nadi.
Muhabbat – chiroyli kapalak,
Hali ham gullarga qo`nadi.

Ortidan halloslab chopaman,
Uyalib ketaman g`o`rlikdan –
Men qancha yugurmay, baribir
Orqada qolardim sho`rlikdan [2.127].

Endi ikkinchi banddagi o`xshatishga diqqatni qaratadigan bo`lsak, tunlarining gul kabi ochilmasligini oshiq aynan kapalakka yetolmagani, ya`ni muhabbatiga yetolmagani bilan bog`laydi. Negaki, oshiq kunduzlari tabiat quchog`ida kapalakni – muhabbatini garchi quvib yetolmasa-da – ko`rib, joni ozgina orom topadi. Tunda esa hijron uni kemirib ado qiladi. Agar kapalakni tuta olganda edi, hijronli tunlar visol bilan almashar va oshiqning tunlari ham gul kabi ochilib, chiroyli bo`lar edi. Mumtoz adabiyotda oshiq, ma`shuqa, ag`yor obrazlari aksariyat hollarda aniq ifodalanadi. Ko`rinadiki, shoir Shavkat Rahmonning an`anaviy obrazlarga yondashuvi o`ziga xos. Oshiq yuragidagi g`alayonlarni aks ettirishning juda mohirona usulini topgan shoir uni ranjigan bolaga o`xshatadi. Ayriliq

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

bilan yakun topgan muhabbat mumtoz adabiyotdagi kabidir. Ammo bu she'rdan biz oshiq deb atayotganimiz lirik qahramon ma'shuqa tomonidan sevilganmi?! Ag'yor aslida kim, tarzidagi savollarga aniq javob yo`q. An'anaviy obrazlarga munosabatning o`zgaligi shu jihatlar bilan ham bog'liqdir.

Shavkat Rahmon ijodida muhabbat haqidagi she'rlar ko'pchilikni tashkil qilmaydi. Muhabbatni chiroyli kapalakka o`xshatgan shoir boshqa bir she'rida uni go`zal qushchaga qiyoslaydi. Avvalgi she'rida kapalakka mengzalgan muhabbatning bu she'rdan qushchaga o`xshatilishida asos bormikan? Nega shoir endi uni go`zal qushcha deyapti? Yoxud kapalakka yetolmagan oshiq bu she'rdan visolga yetdimikan?

Muhabbat
bir go`zal qushchadir,
u kelar,
dil-dildan og`rinib,
hayotni sog`inib,
bir o`zing
o`ylanib, qiynalgan chog`ingda [2.94].

Yuqorida tahlilga tortilgan she'rdan farqli o`laroq bu she'rdan lirik qahramon muhabbatdan mamnun. "Go`zal qushcha diling og`riganda, hayotdan zerikib, qiynalganingda uchib keladi", – deydi shoir va she'rxonda umidvorlik yuzaga keladi. Demak, bu muhabbatdan oshiq mamnun. Endi she'rning qolgan misralarini tahlilga tortamiz. Oshiq holatidagi bu ruhiyat asar oxirigacha davom etadimi?

U kelar,
qo`lingni uzatsang
yetguday bir joyda tovlanar,
Bilmayman,
chiroyli bu qushcha
qay usul, qay holda ovlanar.
Umrimda ko`p bora ko`rganman,
har safar o`ylab men tutishni,
ortiqcha harakat, sharpa-la
uchirib qo`yganman bu qushni [2.94-95].

Mumtoz adabiyotdagi kabi an'anaviy mavzu – ishq mavzusi. Ammo "ishq" so'zi o'rnida "muhabbat" so'zi qo'llanmoqda. Muhabbat tuyg'usi obrazlantirilgan. Muhabbat – qushcha. Xuddi oldingi she'rdagi kabi hijron boru, uning sababi ifodalanmagan. Bu hajrning gunohkorlari ma'shuqa va ag'yor obrazi yashirin.

Shoirnig she'riyatini nazardan o'tkazib, shunday fikr paydo bo'ladi: Shavkat Rahmon she'riyatining lirik qahramoni bo'lgan oshiq muhabbatiga yetolmagan, hijrondan iztirob chekkan, lekin bundan hech bir yomonlik axtarmaydigan, ezgu tasavvurli qahramondir:

Bu qushcha sira ham tutilmas,
Kuzatmoq kerakdir yiroqdan,
Nafasing chiqarmay bir umr
Bir umr, bir umr
Titroqda [2.95].

Navoiy hazratlari "Layli va Majnun"da ifodalagan pokdomon ishq ifodasining yangicha, betakror ifodasi she'rxonni maftun qiladi. Shoir shunday ishqning tarafdori sifatida she'rxonni o'z safiga torta oladi. Chunki qushchani qay usulda ovlanishini bilmay nuqul uchirib yuborayotgan kishi muhabbatiga erisha olmagan oshiq bo'lishi bilan bir qatorda poklikda tengsiz ham-da. Oshiqning bu holati o'quvchi ongida ham muhabbat haqida o'zgacha bir tuyg'u tug'diradi: oshqlik faqat visoldan iborat emas. Agar diqqat qilinsa, mavhum tushuncha hisoblangan muhabbatni aniq gavdalanitirish uchun istifo'da etilgan har ikki obraz (kapalak, qushcha)da ma'lum bir umumiylik bor. Kapalak ham, qushcha ham shu darajada nozikki, biror harakat tugul, oddiy sharpadan ham hurkib ketadi. Ular go'yo zaminiy mavjudotlar emas. Ular erkin-erkin uchib yuradigan samo mavjudotlaridir. Shuning uchun ham ularning har ikkisini tutish mumkin emas. Kapalakni ham, qushchani ham tutish – ularni o'z mohiyatidan mahrum qilish demak. Shoir tasavvurining kuchi bilan topilgan har ikkala obraz ham muhabbatning ilohiy bir tuyg'u ekanligini juda aniq-tiniq ifodalaydi. Xulosa shuki, Shavkat Rahmon qalamga olgan an'anaviy mavzu ifodasi, an'anaviy obrazlar tasviri o'ziga xoslik kasb etgani bilan e'tirofga loyiq.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ulug'bek Hamdam. Shoir – "tuzalmas" haqiqatparast / Kitobda: Shavkat Rahmonni xotirlab. – Toshkent: Sharq NMAK, 2012. – B.107-122.
2. Shavkat Rahmon. Abadiyat oralab. – Toshkent: Movarounnahr, 2012. – 384 b.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**6-SHO`BA: BADIY SO`Z SAN`ATI VA
LINGVOPOETIKA.**

ONA TILI UMUMMILLAT MULKIDIR

Adizova Nilufar Istamovna

BuxDU o`zbek tilshunosligi
kafedrası o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada tilning millat hayoti va uning xalq ma`naviyatini shakllantirishdagi beqiyos ahamiyati hamda til - millatning borligini ko`rsatuvchi ko`zgu, o`zida ajdodlardan saqlanib kelayotgan, ulkan qadriyatlarni aks ettirgan bebaho boylik sifatida e`tirof etilishi to`g`risida fikr yuritiladi. Shu bilan birga, tilning taraqqiy etishi uchun kelajak avlodni tilda aks etgan so`zlarning rang-barang jilolanuvchi ma`no qirralari bilan yaqindan tanishtirish, ularni asrash, boyitishga hissa qo`shish, ularni nutqda qo`llash mahoratini oshirib borish ona tili boqiyiligini ta`minlashning muhim omili ekanligi haqida fikr va mulohazalar aytib o`tiladi.

So`z-sehr, so`z-joziba, so`z-zar, so`z-olmos, so`z- mislsiz qudrat... Bu safni yana uzoq davom ettirish mumkin. Inson so`z bilan ko`ngillarni mahv etadi, u orqali ko`ngil dardlariga malham topadi. Ollah insonga so`z aytish imkoniyatini hadya etib, jamiki xilqatlardan afzal bildi. Unga teran idrok, lutf, lutfda latofat ham baxsh etdi. Ulug` shoir Abdurahmon Jomiy so`zga shunday baho beradi:

So`z oltinga bo`lmagay muhtoj,
Balki oltin boshiga bo`lgay toj.
Dunyoda qancha-qancha tilsim bor,
Uni ochmoq kishigadir darkor.

So`z tilning tasvir ifodachisi, asosiy qurolidir. Til esa millat mulkidir. Tilda millatning umumiy, ma`naviy qiyofasi, azaliy qadriyatlari aks etadi. Uni asrab-avaylash, taraqqiyotiga hissa qo`shish uning har bir vakili zimmasidagi ulkan mas`uliyatdir. O`zbek tili tarix chig`iriqlarida toblandi, yo`q bo`lishga-da mahkum etildi. Biroq

buyuk istiqlol tufayli unutilayozgan ona tilimiz, millatimiz asrab qolindi, uning qadri yuksaklarga ko'tarildi, qadriyatlarimiz, an'analarimiz qadr topdi. "Davlat tili haqida"gi Qonunning qabul qilinishi bilan esa o'zbek tilining davronlar soyasida qolib ketgan obro'si va nufuzi yana bir bor oshirildi, uning qo'llanish jabhalari kengaytirildi. "Davlat tili haqida"gi Qonunning ikkinchi moddasida o'zbek tili o'zbek xalqining ma'naviy mulki ekanligi va uning taraqqiyoti, muhofazasini ta'minlash O'zbekiston Respublikasining huquqiy doirasiga kirishi ko'rsatib o'tilgan [2, 5].

Ulug' mutafakkir, so'z mulking sultoni A.Navoiy o'z zamonasida yaratgan asarlari bilan tilimizning ulkan imkoniyatlari va nufuzini ko'kka ko'targan edi. Mustaqillik sabab ona tilimizning yo'qotgan, oyoqosti bo'lgan qadr-qimmati qayta tiklangani shoir M.Yusuf tilida shunday aks etadi:

Bir qarasam, har shevangda ming jilolar,
Har novdangda, har mevangda ming jilolar.
Qodiriylar, Cho'lponlar-u, Abdullolar,
Sening qaytgan kuning men tug'ilgan yilim,
Ona tilim, ey muqaddas Ona tilim [5,269].

Bugun globallashgan davrda yoshlar bir necha chet tillarda bemalol gaplasha olishadi. Bu esa barchani birdek zavqlantiradi. Chet tilini bilish yorqin kelajak sari dunyo eshiklarini ochadi, keng imkoniyatlarga yo'l bo'shatadi. Biroq ulkan mahorat sohibi, so'z ustasi, ulug' o'zbek yozuvchisi Abdulla Qahhor maqolalaridan birida Chet tillar pedagogika instituti talabalariga xitoban "...sizlar joylarga chet tillar bilan birga, balki birinchi navbatda o'z ona tilimizga – o'zbek tiliga cheksiz muhabbat tuyg'usini olib boringlar! O'zbek tili g'oyat boy, nihoyatda chiroyli, har qanday fikr-u tuyg'uni ifoda qilishga qodir ekanini amalda ko'rsatinglar", - deb ta'kidlaydi. Fikrini davom ettirgan holda sobiq sho'ro davrida ba'zi bolalar o'z ona tilisini bilmasligi, bu esa ota-onani zarracha ham tashvishga solmasligini, hatto ba'zi oilalarda bola o'z ona tilisida gapirgani nomus qilishini ham aytib o'tadi [4,105]. Bu fikrlar A.Qahorning nafaqat o'tkir til sohibi, balki o'tkir nigoh, o'tkir idrok egasi ham ekanligini namoyon etadi. Bir qarashda, A.Qahhor o'tgan kunlar haqida gapirgandek tuyuladi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ammo, afsuski, bu fikrlar bugungi kunda ham “o`z mazmunini yo`qotgan” deb bo`lmaydi. Hozir ham ba`zi o`zbek oilalarida o`z ona tilida gapira olmaydigan yoki gapirishni istamaydigan yoshlar topiladi. Shunday oilalar borki, oila a`zolari bir-biri bilan o`zaro doimiy boshqa tilda so`zlashishdan voz kecha olishmaydi, ona tilining go`zalligini his etisholmaydi, keng ifoda imkoniyatlarini tasavvur ham qilisholmaydi.

To`g`ri, o`zbek tilining “Davlat tili” maqomi bilan mustahkamlanishi ulkan yutuqlardan biri sifatida e`tirof etildi, uning qo`llanish doirasi kengaydi. Biroq unga amal qilishda, tilning o`ziga xos qonuniyatlarini namoyon etishda, ifoda imkoniyatlarini kashf etish hamda unga munosabatda haligacha bir qator kamchiliklarning mavjud ekanligi O`zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2019-yil, 21-oktabrda PF-5850 Farmonning qabul qilinishi orqali yana bir bor o`z isbotini topdi. Unga ko`ra, yurtimizda “21-oktabr- O`zbek tili bayrami kuni” sifatida e`lon qilindi. Bu esa ona tilimizga yuksak e`tibor bilan qarash, ardoqlash, uning xalqaro maydondagi nufuzini oshirishda har bir fuqaro ulkan mas`uliyat, burchni his etishi lozimligini namoyon etdi. Ushbu farmon ona tilimizga shu choqqacha loqaydlik bilan munosabatda bo`lganlarni biroz hushyor bo`lishga undashi, vijdonini uyg`otishi shubhasiz. Til millatning bebaho boyligi, uni asrab-avaylash, boyitishga hissa qo`shish shu xalqqa, shu yurtga, shu millatga bo`lgan beqiyos muhabbat ramzidir.

Tilning jamiki go`zalligi, ifoda imkoniyatlari, ayniqsa, badiiy adabiyotda yaqqol o`z ifodasini topadi. Zero, ulug` rus yozuvchisi M. Gorkiy ta`kidlaganidek, “Adabiyotning birinchi elementi, uning asosiy quroli tildir va til turmush faktlari va hodisalari bilan birga adabiyotning materiali hamdir”. Til birliklari vositasida badiiy adabiyotda ijodkor rang-barang qiyofalar yaratadi, milliy ruhni namoyon etadi. Chinakam o`lmas asarlar xalq hayotining haqiqiy qiyofasini o`zida aks ettiradi, xalq tilini ifoda etadi, uni o`qigan kitobxon xalqimizga xos qadriyatlardan voqif bo`ladi. Ularda tasvirlangan personaj va qahramonlar o`ziga xos tarzda xalq tilida so`zlashadi, uning hayoti bilan yashaydi. Ulardan millatga xos milliy ruh ufurib turadi. Poeziyada esa yozuvchi Oybek ta`biri bilan

aytganda, soʻzlar chertib, tanlab olinishi, har bir soʻz uzukka qoʻyilgan qimmatbaho tosh kabi porlashi lozimdir” [4,104].

XVI asrda yashagan fransuz olimi Dyu Belle “Ona tilini himoya qilish Vatanni himoya qilish bilan barobardir”. “Odamning oʻz mamlakatiga boʻlgan mehrini ona tiliga boʻlgan mehrisiz anglash mumkin emas”, - deb yozgan edi [4,109].

Haqiqatdan ham, tilni millatdan, millatni tildan, til va millatni esa Vatandan ayro tasavvur etib boʻlmaydi. Tarix zarvaraqlarida yoqutdek tovlangan, qudratli davlatlarni bunyod etgan, ilm-fan yutuqlarida dunyo hayratiga sazovor boʻlgan shu bagʻrikeng xalqimiz bor ekan, tilimiz yashayveradi, millatimiz boqiy boʻladi, jonajon Vatanimiz taraqqiy etib boraveradi. Bugun farzandlarimiz chet tillarda ham ona tilidek soʻzlab, yuksak salohiyat va iqtidorlarini namoyon etishi ularning chinakamiga dunyoni lol etgan shu yurt, shu millat davomchilari ekanligining yaqqol dalilidir. Ularga, avvalo, ona tilimizning naqadar jozibador, ulkan ifoda imkoniyatlariga ega ekanligini anglatmoq lozim. Zero, oʻzbek tili dunyoda hech bir tildan qolishmaydigan qadim tarixga ega eng boy, jozibador tillardan biri ekanligini A. Navoiy asarlarida bitta harakat maʼnosini feʼlning yuzlab maʼnodoshlari orqali ifoda eta olish imkoniyatiga ega ekanligida yoki Mahmud Qoshgʻariyning “Devoni lugʻotit turk” asarida ifoda etilgan ulkan til birliklari manbai asosida ham koʻrish mumkin.

Til – millatning borligini koʻrsatuvchi koʻzgu. U ulugʻ ajdodlardan bizga qadar saqlanib kelayotgan bebaho boylikdir. Tarixga nazar tashlaydigan boʻlsak, ne-ne qudratli davlatlar oʻz ona tillarini tarixning shafqatsiz “oʻyin” larida boy berishganiga guvoh boʻlish mumkin. Ona tilini asramoq millatni asramoqdir. Kelajak avlodni tilimizda aks etgan soʻzlarning rang-barang jilolanuvchi maʼno qirralari bilan yaqindan tanishtirish, ularni asrash, taraqqiy toptirishga hissa qoʻshish, ularni nutqda qoʻllash mahoratini oshirib borish ona tilimiz boqiyiligini taʼminlashning muhim omilidir. Zero, Birinchi Prezidentimiz taʼkidlaganlaridek, “.. oʻzlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar oʻrtasidagi ruhiy-maʼnaviy bogʻliqlik til orqali namoyon boʻladi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili- bu millatning ruhidir” [1,83].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. “Yuksak ma`naviyat- yengilmas kuch”. Toshkent-2008.
2. Abdumajidov A.G'. Shohnazarov T.T. O`zbekiston SSRning Davlat tili haqidagi qonuniga sharhlar. “O`zbekiston” nashriyoti. Toshkent-1990.
3. Abdullayev A. “O`zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi” O`zbekiston SSR “Fan” nashriyoti. Toshkent-1983.

ҚИЗИҚМАЧОҚЛАРНИНГ БОЛАЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Н.Б.АДИЗОВА

БухДУ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада ўзбек болалар фольклорининг қадимий, анъанавий, кенг тарқалган мустақил шеърлий шаклларида бири – қизиқмачоқлар халқ қўшиқчилигининг жанрий жиҳатдан тадрижий тараққиётини ўрганишда муҳим манбалардан бири эканлиги, улар ўзига хос жанрий табиати, ғоявий-бадий мазмуни, поэтик шакли, образлар тизими ҳақида фикр юритилган.

Қизиқмачоқ жанри намуналари кулгили кичик шеърлий ҳикоялар бўлиб, уларнинг асосида қизиқ ва ўткир гап, пичинг, қочириқ, ҳазил ётади. Қизиқмачоқларда кулгили ифода, юмористик маъно муҳим ўрин тутди.

Қизиқмачоқлар болаларнинг маънавий камолотида катта аҳамият касб этади. Улар болани ташқи олам билан муносабатга киришишга таёрлайди. Теварак-атроф билан таништиради. Бола фантазиясини ривожлантиришга хизмат қилади. Қизиқмачоқлар болаларни қизиқтириш, дунёқарашини кенгайтириш учун ижро қилинади.

Қизиқмачоқларнинг энг муҳим вазифаларидан бири шуки, у болаларни ижтимоий муаммолар, синфий муносабатлар, баъзи фалсафий категориялар моҳиятини тушунишга етаклайди. Мазмунан

муҳим ҳаётий-тарбиявий масалаларни қамраб олади. Мана шуниси билан улар болаларга зерикарли туюлмайди.

Қизиқмачоқларда кўпинча тасодифий кулгили воқеалар, кулгили вазиятлар баён этилади. Шунинг учун уларда ҳазил-мутойиба, юмор муҳим ўрин тутди. Қизиқмачоқлар катталарнинг болалар билан сўз ўйини қилишига ўхшаб кетади. Улар гарчи катталар томонидан яратилса-да, барибир болалар халқ шеърятининг намунаси ҳисобланади.

Қизиқмачоқлар эркалама ва овутмачоқлар каби сўзга асосланади. Бироқ улар ижросида айтувчининг турли хил хатти-ҳаракатлари, мимикалари, овоз оҳанглари муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода уларни ўзига хос сўз ўйини, дейиш мумкин. Улар айтилади, куйланмайди.

Қизиқмачоқлар ижросини ўйин ҳаракатлари бошқармайди. Мана шу сабаб қизиқмачоқлар ўйин фольклорига кирмайди. Аниқроқ айтганда, уларнинг ижроси ўйинга хос ҳаракатлар ёки предметлар билан бошқарилмайди.

Қизиқмачоқлар ўзига хос ижро хусусиятларига эга. Қизиқмачоқлар ижросининг ўзига хос хусусиятлари эса қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, қизиқмачоқлар тили чиққан, яъни гапира биладиган, гапни тушунадиган ва берилган саволларга жавоб қайтара оладиган болаларга айтилади. Шунинг назарда тутиб, қизиқмачоқлар, асосан, болага икки-уч ёшдан айтила бошланади, чунки бу ёшда боланинг сўз бойлиги ортган ва у кўп сўзларнинг маъносини илғайдиган бўлади.

Иккинчидан, қизиқмачоқларнинг аксарияти диалог (суҳбат), яъни айтишув кўринишида ижро қилинади. Шунинг учун уларнинг бадиий қурилишида поэтик диалог алоҳида ўрин тутди.

Учинчидан, қизиқмачоқлар ижросида ўйин ҳаракатлари деярли кузатилмайди. Уларда сўзга эътибор кучли.

Тўртинчидан, қизиқмачоқларнинг ижро жараёнида сўз ва ҳаракат омукталиги кўзга ташланади. Чунки қизиқмачоқларни ижро этаётганда, одатда, катталар кўпинча болаларни тиззаси устига ўтиртириб, тиззасини енгил қимирлатган ҳолда ижрони шу ритмга мослайди. Бунда бир қўли билан болани ё елкасидан, ё белидан қучиб турса, иккинчи қўли билан қизиқмачоқ матнидаги образ даражасига кўтарилган айрим нарсаларни кўрсатиб, уларга ишора қилганича ўз сўзини айтади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Қадимдан отни муқаддас билиб, унга эътиқодий муносабатда бўлиб келган аждодларимиз болаларга от билан боғлиқ қарашларни доимо сингдириб келишган. Масалан, болани тиззага ўтирғизиш тебратиш, эркалаш ҳолатида уни худди от устида чопиб бораётган чавандоздек тезкор, абжир бўлишга ундаш мақсади сезилади.

Ҳали ўйинчоқлар пайдо бўлмаган вақтларда бармоқлар ва қўллар ҳаракати ҳам ёш болаларни ўйнатиш воситаси бўлган. Қўл билан боғлиқ ўйинлар бутун Европа ва Осиё мамлакатлари орасида кенг тарқалган.

Қизиқмачоқ ижросида болани рўпарама-рўпара ўтиртириб, у билан шеърӣй диалогга киришиш ҳолати кўп кузатилади. Бунда айтилаётган сўзларни бола яхшилаб уқиб олиши учун қўл ҳаракатидан фойдаланилади. Қўл ҳаракати эса таъкидлаш вазифасини бажаради.

Бармоқ билан боғлиқ ўйинлар ёки қўл ҳаракатлари, ёхуд умуман, гавданинг бирор қисми (оёқ, бош) билан боғлиқ ўйинлар болани қизиқтириш, овутиш мақсадида ижро қилинади. Шунинг учун О.И.Капица бундай ўйинларни “овутмачоқлар” деган умумий ном билан атади. Олима қизиқмачоқларни ҳеч қандай ҳаракат билан боғланмайдиган қўшиқлар сирасига киритади. Лекин болани овутиш учун уни нимагадир қизиқтириш лозимлиги аён ҳақиқат. Чунки шундагина боланинг эътибори чалғитилади. Уни бир руҳий вазиятдан иккинчи бир руҳий вазиятга мослаштиришга ёрдам беради.

Қизиқмачоқлар болаларнинг ўзи яшаб турган теваарак-атрофда мустақил сайр қилишни ўргангандан кейин айтила бошланади. Кўпинча қизиқмачоқни болага сайрдан қайтгандан сўнг айтадилар. Бунда кўпинча болага ҳаётӣй ҳодисалар ҳақида маълумот беришга эътибор қаратилади:

Илон – қамчи,

Ит – изчи,

Този – тезчи,

Кийик – қочоқ,

Чаён – чўқоқ.

“Хоразм хазинаси” тўпламидан олинган бу парчада ҳар бир жониворга хос муҳим хусусият ҳақида маълумот берилаётир. У орқали бола илоннинг қамчидай узун ва силлиқ бўлишини, итнинг ҳид олишда, тозининг эса изқуварликда тенгсизлигини, кийикнинг чопағонлигини, чаённинг захарли ва чақадиган хавфли жониворлигини билиб олади. Бундай қўшиқлар болаларга тил

ўргатишда, теваарак-атроф реалиялари ҳақида тасаввур уйғотишда, уларда муסיқий кўникмани шакллантиришда, энг муҳими, болалар билан катталар ўртасида эмоционал муносабатни қарор топтиришда катта аҳамият касб этади. Боланинг кайфиятини кўтаради. Унинг билимини оширади, ўзига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди. Болани инжиқ ва йиғлоқи, ланж ва эътиборсиз бўлишдан асрайди.

Бешинчидан, қизиқмачоқлар катталар томонидан болалар учун ёки болаларнинг ўзи томонидан ижро қилиниши мумкин. Қолаверса, уларнинг яратилиши ҳам шундай хусусиятга эга эканлиги сезилади. Айтайлик, баъзан айрим болакайлар ё тевааракдагиларни хурсанд қилиш, завқлантириш учун, ё уларни ўз маҳорати, билағонлиги билан қойил қолдириш мақсадида узун шеърый шаклга эга бўлган қизиқмачоқларни ёд айтадилар. Ҳақиқатан ҳам, ёшгина боланинг шунча сўздан ташкил топган шеърни адашмай, чалғимай ёддан айтиб бериши катталарни завқлантиради, қизиқтиради. Боланинг қобилиятлилиги эътиборга тушади.

Хуллас, қизиқмачоқларнинг ижроси ана шундай қатор хусусиятларга эга. Шуниси билан улар болаларнинг эътиборини тортади ва уларга олам-олам завқ бағишлайди. Энг муҳими, қизиқмачоқлар ижроси орқали болага бадий сўзнинг куч-қудрати англадила боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Охунжон Сафаров ва Камол Очилов. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.334.

2.Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи З.Хусаинова. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.510.

3.Читтигул. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Йўлдош Султонов, Насимхон Раҳмонов, Шомирза Турдимов. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.96.

4.Хоразм хазинаси. Тўпловчи Собир Эҳсон Турк, нашрга тайёрловчи Комил Нуржонов. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. – Б.178.

5.Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Т.:Ўқитувчи, 1985. –Б.250.

**БИОГРАФИК МЕТОДНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА
ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСИ ШАРЛЬ СЕНТ
БЪЁВНИНГ ЎРНИ**

О.Адизова – БухДУ доценти

АННОТАЦИЯ. XIX асрнинг биринчи ярмида француз илмий-адабий муҳитида бадиий ижод намунаси орқали кириб келган Шарль Сент Бъёвнинг биографик метод асосида ўрганилган асарлари таҳлилга тортилган. Олим ўз ижодида тарихий-бадиий муаммолар талқинида ўзига хос индивидуал таҳлил тамойилига таянилганлиги ҳақида муносабат билдирилган.

XIX асрнинг биринчи ярми француз илмий-адабий муҳитида бадиий ижод намунасини биографик метод асосида ўрганиш сари дадил қадам ташланди. Аниқроғи, Сент-Бъёв ижодкорга ва у яратган асарга, албатта, оилавий муҳити, ижтимоий шароити ва ҳолати, яқинлари билан муносабати, атроф-муҳити, диний қарашлари, табиатга муносабати, шахсий ютуқ ва камчиликлари, ожиз томонлари, касаллиги, орзу-интилишлари ва бошқалар таъсир кўрсатишини ўз тадқиқотлари орқали асослаб берди. Натижада олимнинг бу борадаги қарашлари акс этган “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” (1828), “Адабий портретлар” (1836-1839), “Душанба кунларидаги суҳбатлар” (1851-1862), “Янги душанба кунлари” (1863-1870), “Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи” (1861) китоблари кўпчилик эътиборига тушди. Шу асосда Сент-Бъёв биографик методнинг назарий асосчиси сифатида тан олинди. Бироқ бу тадқиқ усулининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Адабиётшунослик илмида азалдан биографик методга хос хусусиятлардан фойдаланиб келинган.

Европа ижтимоий муҳитида Уйғониш даврига келиб, инсон тасвири ва талқини ўзаришга юз тутгани маълум. Шундан сўнг инсон моҳиятан яратик эмас, балки яратувчи ҳам экани асослана бошланди. Адабиётда инсонпарварлик тарғиби кучайиб, ҳатто бу асосий йўналишга айланди. Архаик адабиётда маъбудлар бошқарувида талқин этиб келинган инсон образи Уйғониш даври адабиётида эксцентрик тадқиқ объекти мақомини эгаллади. Энди барча нарсалар: борлиқ ва мавжудот, воқелик ва ҳаракат, макон ва замон кабилар

инсоннинг шахсиятига боғлаб талқин этила бошланди. Одамзотнинг борлиққа таъсир кўрсата олиш қудрати, унинг ақл-заковати, қўл кучи билан яратилган предметлар (кема, тўп, милтиқ сингари), маконлар (қалъа, саройлар) тасвири ва тарғиби бадиий асарларда етакчи ўрин эгаллай бошлади.

Маълумотларга қараганда, Шарль Сент-Бьёв 1821 йили Бурбон номидаги коллежда таълим олган вақтида фалсафа ўқитувчиси Дамироннинг “Ҳар қандай ижод намунаси муаллиф шахсияти билан бир бутунликда ўрганилиши лозим” деган фикри эътиборини тортган. Дамироннинг бундай фикрга келишига “Француз фалсафаси тарихи” китоби асос яратган. Шу-шу, бу китоб талаба Шарлнинг ҳам энг севимли китобига айланган. Коллежда ва кейинги таълим жараёнларида табиат, физиология, химия, медицина, мантиқ, тил ва адабиёт илмларини мукамал ўрганган Сент-Бьёв учун Дамирон фикрлари умри ва ижодий фаолияти давомида таянч концепция бўлиб қолади.

Сент-Бьёв 1829 йил биринчилардан бўлиб илмий салоҳиятчилар тўғарагини очган ва қобилиятли ижодкор ёшлар билан ишлаган. Улардан ижодкорлар гуруҳини тузиб, “Шарль Огюстен де Сент-Бьёв Биографик мактаби”ни ташкил этган. Шунинг таъсирида у 1829 йилдан бошлаб “Ревю Париж” журналида илк адабий портретларини чоп эта бошлаган.

Сент-Бьёв 1832 йилдан адабиётда портрет жанри устида ижод қилишда фаоллик кўрсатди. Унинг дастлабки илмий тадқиқоти айнан фалсафий мавзуда бўлиб, “Барҳаёт руҳ ҳақида” деб номланади. Шундан сўнг олим Корнель, Буало, Лафонтен айниқса, романтизм адабиётининг қатор вакиллари ҳақидаги адабий портретларини бирма-бир эълон қила бошлади. Кейинчалик эса уларни жамлаб, “Адабий портретлар” номи билан тўплам ҳолида нашр қилдирди. Унда муаллиф: “Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилатлари, маънавий-руҳий қиёфаси, бир сўз билан айтганда, машҳур ёзувчиларнинг биографиясини ўрганиш ўзига жалб этиб келди”, – дея алоҳида таъкидлайди.

Сент-Бьёв бу йўналишда “Адабий танқидий портрет” (“Critiques et portraits litteraires”, 1832-1836), “Адабий портретлар” (“Portraits litteraires”, 1862-1864), “Замонавий портретлар” (“Portrait

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

contemporains” 1869) каби асарларини яратди ва уларда ёзувчилар ижодини таҳлил қилди.

Шарль Сент-Бьёвнинг “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” китоби ўрта асрлар француз адабиётини, XVI аср поэзиясини, унинг Корнель, Расин, Буало, Мольер, Лафонтен сингари мумтоз намояндалари, XVIII аср ёзувчиларидан Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо; XIX аср қалам аҳлидан Шатобриан, Гюго, Мюссе, Жорж Санд ва Флобер ижодини тадқиқ этгани жиҳатидан диққатга сазовордир. Олим ўз китобида бу ижодкорларнинг биографияси билан ижодий фаолиятига дахлдор маълумотларни синтезлаштириб, бир бутунликда талқин қилгани кўпчилиكنинг эътиборини қозонди.

Сент-Бьёвнинг биографик танқидчилиги унинг тарафдорлари ва унга қаршиларни вужудга келтирди. Бу билан Сент-Бьёв икки хил қиёфада гавдаланди: а) ўқишни биладиган ва бошқаларга бадиий асарларни ўқишни ўргатадиган киши сифатида; б) танқидчилик абадий ижодкорликдир деган таърифни ўзида намоён этган киши сифатида.

Бундан танқидчи, аввало, китобхон эканлиги англашилади. Фақат бу китобхон санъат асарини қайта яратади. XIX асрда Сент-Бьёв томонидан ривожлантирилган биографик танқидчилик шахсни яратувчанлик фаолиятининг марказига қўяди.

Сент-Бьёвнинг фикрича, ёзувчи ва унинг асари ўртасида умумий боғлиқлик бўлиши лозим. Ёзувчининг билимлари, фикрлари унинг асари яхши қабул қилиниши учун жуда муҳимдир. Бирор-бир ёзувчининг фикрларини англаш ва объектив баҳолаш учун унинг шахсини ва қандай инсон эканлигини билиш муҳимдир. Сент-Бьёв бадиий асарнинг мағзида ўрганиш лозим бўлган қалб, эътиқод, бахтли ёки бахтсиз ҳиссиётлар бор деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий асар тайёр риторика (дабдабали нутқ)ни қўллаш орқали эмас, аксинча, истеъдод бағрида, самимий ва оддий ижоддан дунёга келиши лозим.

У бир мақоласида шундай ёзади: “Мен ҳар доим ёзишмалар, суҳбатлар, ғоялар, инсон характеридаги барча деталлар, феъл-атвор, биография, бир сўз билан айтганда, буюк ёзувчиларни яхши кўрганман; айниқса, мен айтаётган биография бошқа бир ёзувчи томонидан тузилмаган (ёзилмаган), бу борада ҳар кимнинг ўз сўзи бўлса. Бирор-бир машҳур марҳум муаллиф, шоир ёки файласуфнинг

ёзмалари билан икки ҳафтага қулфланиб оласан; уни ўрганасан; уни қайта жойига қўясан, бўш вақтингда у ҳақида яна қайта бош қотирасан, олдинга қўясан; бу деярли ўн беш кунни тоғ ён бағридаги қишлоқда Байрон, Скотт, Гётенинг портретини чизиш ёки ҳайкалини ясаш билан ўтказганингдек; бунда яратган намуналарингдан ўзингни мамнун ҳис қиласан ҳамда улар билан ўзингни юзма-юз ҳис қилишинг сенга қандайдир яқинлик бахш этади”.

Ёзувчиларнинг кундалик ҳаётдаги фаолиятларини ўрганиб туриб, Сент-Бьёв уларнинг бадиий ижоддаги чехрасини топишга ҳаракат қилди. Олимнинг француз адабиётшунослигини ривожлантиришдаги уринишлари у тенгсиз йўлбошчиси бўлмиш адабий танқидчилик тарихининг муҳим босқичини белгилаб берди.

Хулоса қилиб айтганда, биографик метод жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, француз адабиётшунослигида шаклланиб, кенг тараққий этиб борган. Шунингдек, Сент-Бьёв ҳар қандай тарихий давр силсиласида муайян ижодкорнинг ўрнига урғу берди. Унинг маълум бир давр адабиёти ёки унинг алоҳида бир тури (ё шеърят, ё наср, ё драматургия каби) тарихий тараққиётида индивидуал ўрин эгаллашини асослади. Олим бундай тарихий-бадиий муаммолар талқинида ўзига хос индивидуал таҳлил тамойилига таяниб иш юритди.

Хуллас, замонасининг ўткир адабий танқидчиси Сент-Бьёв ўзининг талаб ва қоидалари билан илм-фан ўчоғининг узоқ тарихини санъат даражасига кўтарди. Адабий асарлар Сент-Бьёв ижодининг ажралмас қисми бўлиб, унинг методи авторнинг биографиясидаги майда-чуйда элементларигача синчковлик билан ўрганиш – генеологияси, оилавий муҳити, маълумоти, ташқи кўриниши, севги ва муҳаббат муносабатлари, иқтисодий аҳволи, юмшоқ табиатини батафсил кўрсатиб беришни тарғиб қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Antoine Pevi de la Grange. Histoire littéraire de la France. V.1. – Paris: Imprimerie Nationale, 1733. – P.12.
 2. G. Rhéteurs illustres. – Paris: C.I.F. Panckoucke, 1845. – P.127.
- Beuve S. Tableau historique et critique de la poésie française et du théâtre français au XVI e siècle. V.2. – Paris, Ressouvenances, 1828. – P.52.

OBIDALARNI KUYLAGAN MUARRIX SHOIR

Azimova M,

BDTI akademik litseyi

ANNOTATSIYA: Buxoro ulug` shahar sifatida asrlardirki, madh etiladi va bu asarlar tadqiq ham etib kelinadi. Maqolada Buxoro va uning obidalarini mavzusi ijodining asosini tashkil qilgan shoir Sadridin Salim Buxoriy she`rlari tahlilga tortilgan.

Dunyo sharif shahar sanagan shaharlar orasida Buxoroyi sharif bor. Bu shahar jahonga tanilgan alloma farzandlari bilan yanada ardoqlidir. Shu sabab va tuprog`i muqaddasligi bois uni tarannum etgan shoirlarning old safi Ro`dakiyga taqalsa, keyini ko`rinmaydi. Bu haqda tasavvufshunos olim N.Komilov shunday yozadi: "...Hech kim Buxoroni Sadridin Salimdek kuylagan emas. Buxoro uning nazarida tarixning bir buyuk shoh asari, xalqimiz iste`dodi, ma`naviyati tajassumi" [1.6.]. Buxoroni shoir shunday tavsiflaydi:

Bu shoh asar, buni ko`rmoqqa
Farang kelar, olmoni kelar.
Uzoq-yaqin yurtning shoh-faqir
Yaxshi hamda yomoni kelar [1.6.].

Har bir inson uchun tug`ilgan, kindik qoni to`kilgan zamin muqaddasdir. Ammo shoir uchun, ayniqsa, Sadridin Salim Buxoriy uchun Vatan – tengsiz, hech qanday zar-u zevalarga alishilmaydigan ulug`lik, shoirning iymoni va yuragi.

Yuragim misoli Buxoro,
Uning ham qal`asi vayrondir,
Lang ochiq o`n ikki darvoza,
Ehromin ko`rganlar hayrondir [2.59.].

Sadridin Salim Buxoriy bu satrlarni istiqloldan ilgari aytoldi, sho`ro matbuotida dadil turib Buxoro obidalarini qutqarish lozimligi haqida bong urdi. Aynan shoirning tashabbusi bilan ziyoratgohlar, tarixiy obidalar tiklanishiga kirishildi, qayta ta`mirlanishi boshlandi. Nemis va ingliz tilini chuqur bilgan shoir Buxoro obidalarini YUNESKO ro`yxatiga kiritilganini ham she`rlarida, ham publitsistik asarlarida ta`kidlab, bu ma`lumotdan unumli foydalanib, dardlarini to`kib-soldi:

Buxoro, bu – qo`riqxonadur,
Shahar – muzey bo`lish asli baxt!
Kulayotir nechun ehromlar
YUNECKOni tan olmasmi zax?
Bo`g`zigacha axlatga botib,
Mag`zavaga botib, vo darig`! –
Cho`kayotir muqaddas kema –
Halokatga uchragan yanlig`[2.102.].

Buxoro – muqaddas kema. Kema suv ustida og`ir yuki bilan qush kabi yengil parvoz etadi. Shoirning Buxoroni kemaga o`xshatishini ikki xil talqin etish mumkin: 1) Buxoro ulkan kema yanlig` o`tmish yukini salobat bilan o`z yelkasiga ortib kelmoqda; 2) kema halokatga uchrasa, cho`kishi mumkin. Shoir biz qo`riqlamaganimiz uchun yer uyalib, yorilib ketguday va obidalarni yashirmoqchi, deya so`z o`yini qilar ekan, real voqelikdan o`gitli xulosa chiqaradi. Bu shoirning mahoratidan, albatta.

“Buxoroning past ko`chalari” misralari bilan boshlanuvchi 3 she`r turkumni yuzaga keltirgan. Turkumning birinchi she`rida Buxoroning past ko`chalari sayyohni adashtirmasdan Buxoro bo`ylab sayohatga olib chiqadi. Sayyoh Labi Hovuz yonida ming yildan beri yo`l ko`rsatayotgan Minorani, cho`li ham yo`lini to`sa olmaydigan Sharq bozori karvonini ko`radi. Buxoroning past ko`chalari tor, ular o`ng-u chapga qayrilib, daraxt tomiridek yoyilib ketgan. Qarangki, shoir past so`zini o`z ma`nosida qo`llar ekan, to`g`ri yo`ldan adashayotgan pastlarga kinoya qiladi go`yo. Vataniga dard-u hol qilish orqali tarixni soxtalashtirayotganlarni tanqid qiladi: To`g`ri yo`ling ko`pdir-ku Vatan,

Lol bo`lasan tarix varaqlab,
Aqling yetmay qoladi ba`zan,
To`g`ri yo`lda adashganda qalb... [2.32.]

Shoir tanqidni shunday aytadiki, go`yo bor ayb o`zida. Bu uning sharqona odobidandir. Shoir “ko`ngil, yurak” so`zlarining “qalb” ma`nodoshini o`rinli qo`llaydi. Ma`nodoshlik qatorida salbiy ma`noni beruvchi so`zni tanlagani ham shoirning mohirligini namoyon qiladi. Ikkinchi she`rda Buxoroning past ko`chalari Rudakiyni arshga, Ibn Sinoni ming yoshga yetkazgani aytiladi va shoir past ko`chalar deb aytayotgani aslida ko`rinishda shundayligini, mohiyatan ulug` ko`chalar ekani she`rxonga bilinadi. “Pastak tomining ustidan Donish boshining osmonga

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yetgani haqida soʻylagan lirik qahramon ulugʻ muarrix sifatida shoirning xulosasini sheʼrxonga yetkazadi: ayb Rudakiy-u, Ibn Sino-yu, Donishni kamol toptirgan past koʻchada, past tomda emas, balki insonning oʻzida. Shoir “Ey past odam oʻzing boʻlsang past”, koʻchalarda ayb yoʻq, deya hisoblaydi. Sheʼrlarning xulosasi past koʻchalarni obraz darajasiga koʻtargan va uch sheʼrning kompozitsion butunligini taʼminlashda muhim oʻrin tutgan. Turkumdagi uchinchi sheʼr Buxoroning past koʻchalari gumbazlari laylaksiz qolgan Buxoro tomon chorlashi haqida. Bu sheʼr “Laylaksiz gumbazlar” deb nomlanib, Buxorodagi xiyobonlardan birida temirdan laylak yasab, gumbaz ustiga qoʻyilgani haqidagi izoh bilan boshlanadi. Pokiza qush sanalgan parrandasiz qolgan bechora mardum oʻziga temir-qanot, temir-oyoqli temir laylak yasadi. Temirga bogʻlangan qushning Buxorodan janubga qarab uchib ketishidan shoir hadikda. Uchala sheʼr ham 4 misrali bandda yozilgan boʻlib, har bandning juft misralari oʻzaro qofiyalangan. Sadriddin Salim Buxoriy hatto Buxoroning past koʻchalari ham tarixni eslatuvchi bir obida ekanligini uch sheʼrida taʼkidlaydi. Boshqa shoirlardan farqli ravishda u faqat Minora, Ark kabi meʼmoriy obidalarni kuylamaydi. Shoir uchun Buxoroning nafaqat mahobatli, betakror imoratlari, balki uning past koʻchalri, ariqlari, Balxi tuti, hatto uni tark etgan laylagi, koʻmilgan hovuzlari ham tarixiy obidadir. Shoir quruq daʼvo qilmay har birini munosib dalillaydi. Muhimi, har bir dalili orqali sheʼrxonga betakror saboq beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Komilov N. Buxoro kuychisi / Kitobda: Sadriddin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. Saylanma. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2011. – B. 5-8.
2. Sadriddin Salim Buxoriy. Hikmatdir dunyo. Saylanma. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2011. – 356 b.

“G’AROYIB US-SIG’AR” DEVONIDAGI AN’ANAVIY OBRAZLAR, ULARNING G’OYAVIY-BADIIY VAZIFALARI

Baxshilloeva Madina Ixtiyorovna

Buxoro viloyati Romitan tumani 23-
ixtisoslashtirilgan maktab o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada Alisher Navoiyning “G’aroyib us-sig’ar” devonidagi an’anaviy obrazlar, ularning g’oyaviy-badiiy vazifalari haqida so`z boradi. Muallif an’anaviy obrazlarga Layli, Majnun, Farhod, Shirin, Yusuf, Zulayho kabi obrazlarni misol qilib ularning vazifalari, devonda qanday g’oya tashishi haqida batafsil bayon etgan.

Kirish. Mumtoz adabiyotda asosan, an’anaviy oshiqlar obrazi sifatida Farhod, Majnun, Yusuf kabilar tushuniladi. Ayni paytda, ular bilan birgalikda Shirin, Zulayho, Layli obrazlari ham yonma-yon keladi. Bu timsollar adabiyotimizda, jumladan, Navoiy she’riyatida ham “an’anaviy obraz” sifatida talqin qilinmoqda. Shoir devonlarida ularning nihoyatda ko`p qo`llanganligi kuzatiladi. Ushbu timsollar to`g`risida ko`pgina adabiyotshunos olimlar turlicha qarashlarni ilgari surganlar.

Asosiy qism. Professor A. Hayitmetov an’anaviy obrazlar haqida fikr yuritib, uni quyidagicha izohlaydilar: “An’anaviy obrazlar- badiiy adabiyotda bir ijodkordan ikkinchi ijodkorga o`tib yuruvchi ko`pchilikka tanish bo`lgan qahramonlar obrazlaridir. Bunday qahramonlar qachonlardir adabiyotga kirib kelgan va qattiq o`rnashib qolgan obrazlar bo`lib, har bir shoir uni qalamga olar ekan, yangi xususiyatlar bilan boyitadi...”

A.Hayitmetovning ushbu fikrlariga asoslanib, adabiyotshunos T.Xo`jayev ham an’anaviy obrazlarni quyidagi belgilar asosida tasniflaydilar:

1. “An’anaviy obraz” deganda adabiyoti, madaniyati, bir-biriga yaqin til va hududiy o`zaro bog`liqlikka ega turli xalqlar adabiyotida ko`zga tashlanadigan obrazlarni nazarda tutish.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

2. “An’anaviy obrazlar ” sirasiga kiruvchi timsollardan deyarli barcha soha kishisi yoki adabiyotga daxli bo’lmagan kishilar birdek xabardor bo’lishi .

3. Har bir obraz xalq orasida, xalq og’zaki ijodi asarlari yoki yozma adabiyotda doimo o’ziga taalluqli yetakchi belgilari bilan namoyon bo’lishi.

4. Sharq mumtoz adabiyotida - fors-tojik, arab, turkiy adabiyot vakillarining deyarli barcha asarlarida uchrashi.

5. An’anaviy obrazlar shaklan turlicha bo’lishidan qat’iy nazar, poetik funksiyasi jihatidan umumiy yaxlitlik kasb etishi - asosiy maqsad va mohiyatni yoritishda uzviylikka ega bo’lishidir.”

Xususan, Navoiy she’riyatida qo’llangan obrazlar, timsollar shu qadar ko’pki, ular asarning qiymatini oshiribgina qolmay, she’rlarning badiiy ahamiyatini oshiradi. Adabiyotshunos T.Xo’jayev shoir she’riyati to’g’risida fikr yuritib, an’anaviy obrazlarning turli poetik vazifalarni bajarishi kabilarga ko’ra N.Mallayevning quyidagi tasnifini keltirib, o’tadi: “ An’anaviy she’riyatda uchraydigan an’anaviy – mifik obrazlar.:

a) Ezgulik miflari: Kayumars, Jamshid..;

b) Yovuzlik miflari: Axriman, ajdar, jin ..;

c) Abadiy tiriklik timsollari: Hizr, pari...;

d) Payg’ambar, avliyo va so’fiylar timsollari : Nuh, Muso, Iso, Ya’qub, Yusuf, Dovud, Sulaymon, Ayyub ..;

e) Afsonaviy qahramonlar, tarixiy shaxslar va sevgi- muhabbat timsollari: Iskandar, Noshirvon, Farhod, Majnun, Shirin, Layli, Arastu, Suqrot..;

f) Sharq she’riyatidagi tasavvufiy obraz va timsollar: oshiq, yor, raqib, gul, bulbul, may, soqiy...”

Biz “G’aroyib us-sig’ar” devonini sinchiklab o’rganar ekanmiz, undagi obrazlarni adabiyotshunos T. Xo’jayevning yuqoridagi tasnifiga asoslandik va ularning dostonida necha bor qo’llanganliga guvoh bo’ldik. Devondagi “Layli” ,” “Majnun”, “Farhod” , “Shirin” , “Vomiq”, “Uzro”, “Ya’qub”, “Yusuf” “Iskandar” obrazlarni an’anaviy obraz deb hisoblab, ularni quyidagicha tahlil qildik. Xususan, Majnun obrazi 65 o’rinda, Farhod obrazi 29 o’rinda, Shirin obrazi 4 o’rinda,

Vomiy obrazi 8 o`rinda, Uzro obrazi bir o`rinda, Ya`qub obrazi 2 o`rinda, Yusuf obrazi 15 o`rinda, Iskandar obrazi 3 o`rinda qo`llangan .

Birgina Majnun timsolining qo`llanishiga e`tibor beradigan bo`lsak, bu obraz devonda 65 o`rinda ya`ni, eng ko`p uchrashi aniqlandi. Xususan, Majnun obrazi 4 o`rinda Farhod va Vomiy timsollari bilan birga , 12 o`rinda Layli timsoli bilan, 14 o`rinda Farhod timsoli bilan hamda 35 o`rinda yakka holda qo`llanganligiga guvoh bo`lindi. Bu timsolning takror -takror, ba`zida birin-ketin boshqa obrazlar bilan qo`llanib, yangicha mazmun kasb etishi kishini hayratga soladi.

Meni gah dasht-u gah tog` uzra ko`rgan,
Tirilmish sog`inur Majnun-u Farhod.

Ushbu baytda oshiq o`z ahvolini yorga ma`lum etar ekan, “ ishq ko`yida hatto Majnun va Farhoddan ham o`tib ketgani, uni goh dasht, goh tog`da ko`rganlar Majnun-u Farhodlar qayta tirilibdi deb o`ylaydilar degan fikrga kelishlarini bildiradi...” Layli va Majnun oshiq va ma`shuqa timsollari bo`lganligi tufayli mumtoz adabiyotda ham, Navoiy lirikasida ham ko`p uchraydi. Majnun obrazi Layli obrazi bilan qo`llanilganda asosan Oloh jamoliga oshiqlik ko`zda tutiladi.

Professor N. Komilov “ Layli va Manun ” dostoni haqida fikr yuritar ekan, Navoiy Majnun ishqini “ xos kishilar” ishqiga mansub deb topganligini ta`kidlab, Majnun ishqiga nisbattan “mazhar” atamasini qo`llaydi va uni quyidagicha izohlaydi:

1. Pok muhabbat har qanday jismoniy lazozatlar, jinsiy qo`shilishlar intilishidan xoli bo`lishi kerak.

2. Bunday ishq faqat “ahli suluk” – komil insonga xos .

3. Ular Iloh jamoli zuhur etgan (“mazhar”) kishilarni sevishi mumkin.

4. Bu mazharni behad sidq va dard-u oshub bilan sevish orqali haqiqiy ishqdan bahra oladilar.

“Layli va Majnun” dostonining mohiyatini ham ana shu “majoziy ishq”ning taraqqiy etib, “haqiqiy ishq”qa aylanishini obrazlar orqali ko`rsatib berish tashkil qiladi. Bunda Majnun-Haq jazbasi

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tekkan, Haq jamolini kuchli shavq bilan sog'ingan solik timsoli bo'lsa, Layli ilohiy tajalliyot nuri porlagan o'sha "mazhar"dir."

Ne ishga bo'ldi beorom ko'zgu aksidek Majnun,
Yuzi ko'zgosida aksini gar ko'rguzmadi Laylo.

Keltirilgan bayt Olohga bag'ishlangan hamd g'azallardan hisoblanadi. Bu baytda shoir "Layli yuzi ko'zgosida aksini ko'rgizmagan bo'lsa, nega Majnun ko'zgu aksidek beorom bo'ldi?!" deya o'tli savolini o'rtaga tashlaydi...

Majnun timsolining devonda Vomiq va Farhod kabi oshiq obrazlari bilan kelishi bejizga emas. Bu ko'tarilgan g'oyaning ta'sirchanligini ta'minlab, ularning "an'anaviylik" xususiyatlarini yanada to'ldiradi. Jumladan:

Ko'p o'qudum Vomiq-u, Farhod-u Majnun qissasin,
O'z ishimdin bul-ajabroq dostone topmadim.(433-bet)

Ushbu baytda shoir o'zidan ilgari bu mavzuda qalam tebratgan ustozlarining dostonlarini o'qiganiga ishora qiladi Ularni ko'p o'qigan esa-da, o'z ishq dostonidan-da qiziqroq doston topolmaganini ta'kidlaydi. Shoir asarlarida birorta obrazni o'rinsiz qo'llamaydi. Hatto u Majnun obrazini devonda ko'p o'rinda yakka holda, ba'zan takror-takror qo'llasa-da, biror g'alizlik sezilmaydi. Aksincha, bu g'azalning jozibadorligini oshiradi.

Tiyradur Majnunki, mendek debsan ani, ey xirad,
Aqlu hush aqlini bu devonag'a o'xshotma ko'p.

Shoir ushbu baytda aqlga qarata: "Ey aql, Majnunni mendek sharmanda debsan, aqli, hushi bor odamlarni bu devona - oshiqqa ko'p o'xshataverma", deya uqtiradi. Bilamizki, Majnun – telbalik, jununvashlik bilan shuhrat qozongan timsol. Bu yerda shoir ana shu jununlikda hatto Majnundan ham ilgarilab ketganini va Majnun uning oldida aqli, hushi bor odam sifatida ko'rilishini aytib o'tadi.

Xulosa sifatida shuni aytib o'tish mumkinki, shoir devonida "an'anaviy obrazlar"ning qo'llanishi xilma-xil. Biz bu obrazlardan bittasi bo'lgan Majnun timsolini ko'rib o'tdik xolos. Ko'rsatilgan tasniflardan ham shuni bilish mumkinki, an'anaviy obrazlar faqat bir ijodkor asarlarida emas, bir ijodkordan ikkinchi bir ijodkorga o'tib yuruvchi, barcha soha egalariga yaxshi tanish bo'lgan hamda adabiyotimizda qattiq o'rnashib qolgan obrazlar hisoblanar ekan. "G'aroyib us-sig'ar"

devonini o`rganish esa, undagi an`anaviy obrazlarni topish va ularning poetik vazifalarini tahlil etish bilan birgalikda, Navoiy devonlari tilining naqadar betakror ekanligini isbotlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. G`aroyib us-sig`ar. To`la asarlar to`plami. Birinchi jild. –Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. 23, 89,147-betlar

2. Hayitmetov A. Adabiy merosimiz ufqlari. – Toshkent: “ O`qituvchi ” , 1997.208-210- betlar

3. Komilov N. Tasavvuf. –Toshkent: “O`zbekiston” 2009.194-bet.

QADRING BALAND BO`LSIN, ONA TILIM!

**Davlatova Dilsora
Shamsiyevna**

Buxoro viloyati Peshko` tumani
44- maktabning ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada ona tilimiz – o`zbek tili xususida so`z boradi. Ona tilining ahamiyati cheksiz ekanligi ta`kidlanib, tilni madh etuvchi she`r va aforizmlar keltirilgan.

Kirish. “Har bir millatning dunyoda borligini ko`rsatadigan oinayi jahoni uning til va adabiyotidir”, -degan edi ulug` ma`rifatparvar bobomiz Abdulla Avloniy.

Til ijtimoiy hodisa ekan, demak, u jamiyat va millatga daxldordir. Uning erki –millat erki. Uning rivoji millat tafakkuri rivojidir. Necha asrlardan buyon ma`naviy xazinamiz hisoblanmish badiiy asarlarimizda, tilimiz hurmati saqlangan har bir o`zbek nutqida boshqa millat vakillarining shu tilda so`zlashib hattoki olib borayotgan tadqiqotlarida tilimiz qadrining nechog`lik baland ekanligini ko`ramiz.

Asosiy qism. Bilamizki, tariximizning ma`lum bir davrlarida o`z qadricha qadrlanmagan, boshqa tillar imkoniyatiga taqlidan o`rganilgan tilimiz Mahmud Qoshg`ariy, Alisher Navoiy, Abdurauf Fitratdek zabardast allomalarning mehnati-yu zahmati tufayli qayta ko`rk-u jamol kasb etgan.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Shu ma'noda, Mahmud Qoshg'ariy turk tilining nozik bilimdoni va tolmas targ'botchisi sifatida "arab tili bilan ikki uloqchi ot singari teng poyga qilib o'zib borayotgan turk tilini" ko'klarga ko'targan. Alisher Navoiy esa yirik va hassos tilshunos olim sifatida 1498-yilda yaratilgan "Muhokamat ul-lug'atayn" asari orqali turkiy va fors-tojik tilini qiyoslab turkiy til ustivorligini har jihatdan isbotlab bergan. Har bir so'zning ma'no nozikliklarini shoir nigohi bilan she'riy parchalarda tarannum etsa, olim sifatida shu so'zlar ma'nosini ilmiy asoslab bergan. Bir bugina emas, turkiy tilda yaratilgan jamiki asarlari bilan o'zbek tilidagi ifoda imkoniyatlarining boyligini ko'rsatib bergan.

Abdurauf Fitratning ham tilshunoslik sohasidagi mehnatlari salmoqlidir. "Dunyoning eng boy va baxtsiz bir tili qaysi tildir? Bilasizmi? Turkcha! Shoirlik qilmoqchi emasman, so'zning to'g'risi shudir! Ming yildan beri ezila kelmishdir. Lekin bitmamishdir. Bitmas, yashamishdir, yashar. Negakim boydir!" - deydi u "Tilimiz" (1919) maqolasida. U ona tilining chuqur tadqiq etilmagani, boshqa xalqlar tomonidan siquvda bo'lgani, unga chet so'zlarning yopirilib kirgani uchun ko'p qayg'urgan edi. Shu bois "Etimologiya", "Nahv. O'zbek tili qoidalari to'g'risida bir tajriba" (1930) singari kitoblari, darsliklari, buy o'nalishdagi qator maqolalari qalb ehtiyoji va davr talabi bilan maydanga keldi. U yigirmanchi asr o'zbek madaniyati arboblari ichida birinchilardan bo'lib "Devoni lug'otit turk" asarini o'rganishga kirishdi. Mo'g'ul tili lug'atini tuzish harakatida bo'ldi.

Adabiyotimizdagi har bir asar ona tilimiz imkoniyatini ko'rsatib tursa-da, bu uchala tilshunos olim tilimiz tarixining zulmatida go'yoki nur misol porladi. Bu buyuk allomalar o'z davrida ona tilimiz qadrini baland ko'rmoq istab shu yo'lda harakat qilganliklari bois ham adabiyot osmonining eng yorqin yulduzlariga aylanishgan.

Tilimiz mustaqillikka erishgach o'z qadricha baholanib, ajdodlarimiz orzu qilgan mavqega erishdi. Tilimiz erki-millatimiz erkinining kafolati bo'ldi. Bugungi kunda ham ona tilimiz ravnaqi uchun berilgan imkoniyatlar va bu borada erishilgan yutuqlar qadri baland ona tilimiz uchun chinakam e'tibordir, aslida. Zero, "Tilga e'tibor-elga e'tibor". Har doim el dard-u tashvishi, uning farovon yashashi bosh masala bo'lgan hukumatimiz va uni odillik bilan boshqarayotgan yurtboshimiz tilimiz

nufuzini yanada ko'tarib, o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun, ya'ni 21- oktabrni – O'zbek tili kuni deb belgilashi tilimizga bo'lgan hurmatning bir ko'rinishidir. Bundan tashqari tilimiz imkoniyatining go'zal xazinasini yaratib avlodlarga tuganmas xazina qoldirgan adiblarimiz, so'z ustalari, tilimiz mavqeyini ko'targan olimlarni yod etish, ularning ijodiy merosiga alohida ixlos bilan qarash maqsadida yurtboshimiz tashabbusi bilan bunyod etilgan adiblar bog'ining bunyod etilishi alohida tahsinga sazovordir. Bu esa o'z navbatida tilimiz go'zalligi, boyligi, latifligining qay darajada baholanishini ko'rsatib turuvchi ijod mahsullariga hurmatdir, aslida. Tilimizning naqadar sayqal topgani, jozibasini, avvalo, mana shu adiblar, shoirlar, so'z ustalari va olimlar asarlarida namoyon bo'ladi. Shuning uchun tilimizga baho berishda ayrim tilimizga hurmat bilan qaramaydigan, bildirayotgan fikriga har xil chet so'zlarni qo'shib gapiradigan, o'z ona tili turib boshqa til imkoniyatlarini ko'klarga ko'taradiganlar nutqidan kelib chiqib xulosa qilinmaydi. Chet tillarni o'rganish, albatta, koni foyda. Buni hech kim inkor etmaydi. Lekin bu degani o'z ona tilisiga bepisand qarash degani emas. Zero, millatning millat ekanligini belgilab beruvchi muhim omillardan biri bu-til. Bejizga xalq orasida "Xo'sh", -deganingizdan bilsak, o'zbek ekansiz", -degan jumla yurmaydi. Vaholanki, tilimizni boshqa millat vakillari ham o'rganib tadqiqotlar olib borayotgan bir paytda. Bunga misol qilib milliylikimiz singdirilgan, badiiy adabiyotimizning nodir namunasi hisoblanmish Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romani ilk bor bevosita o'zbek tilidan ingliz tiliga tarjima qilindi va Amerika Qo'shma Shtatlarida "Bygone days" nomi ostida kitob holida chop etildi. Mashhur asar tarjimasi amerikalik taniqli tarjimon va tadqiqotchi Mark Edvard Riz tomonidan amalga oshirilgan. U bu haqda shunday deydi: "...men o'n besh yil mobaynidagi ish jarayonida nafaqat adib tiliga xos jihatlarni, balki 1938-yilda uning qatag'onga uchrash va o'limiga sabab bo'lgan, asarlarida jo etilgan chinakam milliy ruhni ilg'ashga muvaffaq bo'ldim", -deydi. Qizig'i, 660 betdan iborat asar amerikaliklarga tushunarli bo'lishi uchun tarjimon unga 400 dan ortiq tushuncha va izohlar yozgan.

Xulosa. Shu o'rinda Islom Karimov til haqida ta'rif bera turib, uning millat ruhi ekanligini aytgani va ona tilimizdagi mehr-oqibat, mehr-muhabbat, mehr-shafqat, qadr-qimmat degan bir – birini chuqur ma'no-mazmun bilan boyitadigan iboralarni, qanchalik g'alati tuyulmasin, boshqa

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

tillarga aynan tarjima qilishning o'zi mushkulligini aytgani yodimizga keladi."O'tkan kunlar "romanining ingliz tilidagi tarjimasi kitobxonlar tomonidan aniqlanadigan "Besh yulduzli" reytingda yuqori bahoga sazovor bo'lmoqda. Bu ham ona tilimiz mavqeyi va nufuzining millatimiz ravnaqi monand qadr topayotganining yorqin misolidir.

ONA TILIMSAN

O'tmishning zalvorli yukin ortmoqlab,
Latif yelkang uzra ko'tara bilding.
Purma`no,serjilo manziling bo`ylab,
Sodiq farzandlaring yurgiza bilding.
Sen o`zbek xalqining mash`al tug'isan.
Qadri baland xalqning Ona tilisan!

Ma`naviy merosda sayqaling topding,
Har o`zbek nutqida hurmating topding.
Jahon tillarining silsilasida
Baland qadr-u qimmat,martaba topding.
Sen o`zbek xalqining javhar durisan,
Qadri baland xalqning Ona tilisan!

Seni nurafshon el tongi kutgaydir,
Bog'-u chaman ichra sozi kutgaydir.
Jahoniy minbarda zukkko avlodning,
Baxt-u iqbol quchgan so`zi kutgaydir.
Sen millat ertasin nurli yo`lisan,
Qadri baland xalqning Ona tilisan!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон. 2019 йил 21 октябр.

2. Фитрат А. Танланган асарлар. 4-китоб. – Т. : Маънавият, 2000.

QARAQALPAQ TILINDE SESLIK SIMVOLIZM HÁM SESLERDİŇ POETIKALIQ XIZMETLERI

Dosjanova Gúlnaz Daryabaevna,
filologiya ilimleriniń kandidatı, docent
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

ANNOTACIYA: Maqala qaraqalpaq tilinde til sesleriniń lingvopoetikalıq xızmetlerin izertlewge arnalğan.

Kirish. Sóylewde ses hám dawıstan paydalanıw, tásirsheńlikti kúsheytiw, hár qıylı jollar menen ámelge asadı. Gáptiń emociyalı, tásirli shıǵıwında, seslik simvolizm alliteraciya, assonans qubılıslar áhmiyetli orındı iyeleydi. Hár qıylı quslardıń, haywanlardıń dawısına eliklew de pikirdi bórttiriwde hám oǵan ekspressiyalıq tús beriwde keń qollanıladi. Bunday processlerdi poeziyalıq hám prozalıq shıǵarmalarda, naqıl-maqallarda, xalıq ertekleri hám dástanlarda da ushıratıw múmkin.

Asosiy qism. Tildegi ayırım predmetlerdiń atamaları olardıń shıǵaratuǵın sestine eliklew nátiyjesinde kelip shıǵadı: ǵarǵa, shımshıq, áchók, dúńgir hám t.b. Stilistikada olardıń artikulyaciyalıq tárepi úyreniledi. Belgili bir qosıq qatarlarında seslerdiń tákirarlanıp keliwi olarda qanday da bir uqsashlıq, súwretlenetuǵın predmettiń qosımsha seslik xarakteristikası, obrazı ańlatıladi.

Xalıq awızeki dóretpelerinde de sesler arqalı obrazlar jaqsı beriledi.

Seslerdegi bunday ózinshelik belgilerdi, obrazlılıq qásiyetlerdi kórkem sóz sheberleri ashıp berdi. Mısalı I.Yusupovtıń «At zánǵisi dıńıldar» qosıǵında únli hám sonor dawıssızlardıń bir neshe mártebe qaytalanıp keliwi nátiyjesinde shawıp baratırǵan atlardıń dúbirlisi, jelisi esitilgende boladı [2.19]:

Tarlan shabıs talwas etip tańlarda,
Tań samalı oynap sulıw jallarda,
Besiktey terbelgen alma kóz atlar
Barar edi gúwlep gúzar jollarda.

Sonday-aq shayırdıń «Xalıq sózleri» qosıǵında seslerdiń tákirarlanıwı arqalı jasalǵan qatarlar júdá tásirli shıqqan. Mısalı:

Qorqqanlarǵa qos kóriner,
Joldashlıq jolda biliner,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Júrgenge jormal iliner,
Kóp kórersené júre-júre.

Seslik qaytlawlar prozalıq dóretpelerde de ushırasadı: Tórt pil súyeginen torlanǵan tórt múyeshli tilla taxttıń ústinde, omırawın kóterip oylanǵan túrde Tınaxmet otır (“Posqan el”, 513-bet).

Kórgen-kórgendey betlerin basısıp, uw-shuw, ǵawır-ǵawır («Jaman shıǵanaqtaǵı Aqtuba», 180-bet).

Predmetti seslerge teńew arqalı sol kórinis kóz aldına elesleydi. Jaydaǵı koridorlar «T» pishiminde eken, kelte koridordan zıyarahılar úlken koridorǵa shıqtı («Jaman shıǵanaqtaǵı Aqtuba», 301-bet).

Sonday-aq dawıslılardıń tákirarlanıwı da tásirsheńlikti támiyinleydi. Bulardan tısqarı haywanlardıń, quslardıń shıǵarǵan seslerine adamlardıń hár qıylı ses kompleksi arqalı eliklew qubılısınan hám stilistikada halattıń kúshliligin bórttirip kórsetiw, oǵan ekspressivlik tús beriw ushın keń paydalanıladı.

Samal esti ǵır-ǵır,
Jıparaqları sıldır-sıldır.

Qaytalawlar leksikalıq, morfologiyalıq, sintaksislik birliklerde de ushırasadı. Leksikalıq kózqarastan birdey sózlerdiń qaytalawı úyrenilse, fonetikada seslik qaytalawlar, ayırım orınlarda buwınlar uqsaslıǵı qaraladı. Seslik simvolizmniń ózine tán ózgesheliklerin kórsetiw menen birge, rifma, alliteraciya, assonans qubılıslarınıń stilistikalıq táreplerine toqtaymız. Rifmanıń ózine tán ózgesheligi tenles eki komponentli frazeologizmlerde ayqın kózge taslanadı. Bul qaraqalpaq tilinde G.Aynazarovanıń miynetlerinde qısqasha sóz boladı. Mısalı: hám palaqpan, hám saqpan; birde biye, birde túye; janıń jayılsın, ushıń uzaysın; kóylegi tirsegine jetpey, shapanı dizesinen ótpey; otırsa opaǵ, tursa sopaǵ; tayaǵına karay kulanı, jerine karay jılanı; haramnan pıshıǵı, hadaldan tawıǵı (joq) [1.35].

Alliteraciyanıń pikirde kórkemlilikke arttırıw menen birge ǵápte sózlerdiń komponentlerin birlestiriwde de áhmiyeti kúshli. Máselen, kórkem shıǵarmalar tilinde birdey dawıssızlardıń qaytalanıwı kórkemlilikke kúsheytiw menen bir qatarda mánilik jaqtan da bir-biri menen tıǵız baylanıslı. Qaraqalpaq ádebiyatında K.Mámбетov shıǵarmalarında alliteraciya, assonans qubılısları jiyi ushırasadı. Mısalı: Bekmurat biydáwlet, Seytek sabırsız, Toqtamırza turaqsız. hám t.b.

Bular poeziyalıq dóretpelerde, tildiń qaýmaǵı bolǵan frazeologizmlerde, naqıl-maqallarda, jańıltıpaslarda, kórkemlilik, obrazlılıqtı arttırıwda úlken áhmiyetke iye. Sonday-aq dástanlarda, erteklerde de sózlerdiń baylanısın támiyinleydi.

Paydalanılǵan ádebiyatlar

1. Aynazarova G. Qaraqalpaq tilinde teńles eki komponentli frazeologizmler. Nókis, 2005.
2. Bekbergenov A. Qaraqalpaq tiliniń stilistikası. Nókis, 1990.
3. Mámбетov K. Posqan el. Nókis, 1990.
4. Seytov Sh. Jamanshıǵanaqtaǵı Aqtuba. Nókis. 1993.

ЎЗБЕК ТИЛИ – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Лола Эргашева

Республика маънавият ва маърифат маркази
Жондор туман бўлинмаси раҳбари

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада она тилининг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида сўз боради. Муаллиф тил софлиги хусусида ўз фикрларини баён этади.

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Хусусан, сўнги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги мунособати билан 2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850 сонли Фармонларининг қабул қилинганлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Давлат тилини ривожлантириш Депортаменти” тузилганлиги, 21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиниши бу соҳадаги ишларнинг қўламини нақадар муҳимлигини белгилаб берди.

Худудларда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши эса бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Бугун шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда 7 мингдан ортиқ миллат яшаса, ёки 250 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, фақатгина 170 та тилга давлат тили мақоми берилган. Бизнинг она тилимиз ҳам ана шундай улуғ мақомга эга эканлигидан фахрланамиз.

1989 йил 21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мамлакатимиз мустақил бўлишидан аввалги энг унутилмас, муҳим сана бўлиб, Ватанимиз тарихига ёзилди. 70 йиллик тоталитар тузумдан кейин барча жабҳаларда иш юритуви ЎЗБЕК ТИЛИДА олиб борилмоқда. Ўзбек тили жаҳондаги тиллар сафида алоҳида мавжуд тил сифатида тан олинди. Дарҳақиқат, халқни халқ, миллатни миллат сифатида танитувчи восита бу – тил. Олтой тиллар туркуми туркий тиллар оиласининг энг қадимий ва энг катта бўлаги ўзбек тилининг асрдан асрга сайқалланиб, оҳангги гўзаллашсада, ўзаги ўзгармай келишида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг ўз замонасида чеккан заҳматлари, бу йўлда қилган меҳнатлари каттадир.

Бугун жаҳон тан олган бобокалонимиз Алишер Навоий, ўзбек тилининг сўзга бойлиги, сермаъно ва гўзал тил эканлигини етарли асослар билан ўзининг илмий асарларида таъкидлаб ўтган. Биз авлодлар ҳам бобокалонларимиз томонидан авайланиб, бизгача етиб келган ўзбек тилимизни келажак авлодга асосини бузмай, ўзагига зарар етказмай қолдириш миллат олдидаги энг катта бурчимиздир.

Бу билан нима демоқчиман: чет тилларидан кириб келиб, она тилимизда ўрнашиб қолаётган, тилимиз ўзгаришига хавф солаётган сўзлар ҳам талайгина. Айниқса, айрим савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконларидаги реклама ва эълонларни ёзишда кўпчилик «Давлат тили хақида», «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларини кўпол равишда бузилишига йул қўйишмоқда. Айрим маиший хизмат кўрсатувчи шаҳобчаларда «Салон «ВЕЛЛА», «МАНГО», «ОПЕН», «Мойка БЕСТ ишлаяпти», «Тринажёрный заль», «Арома Парфюм» каби халқимиз тушунмайдиган сўзлар ёзилган лавҳалар учрайди. Бундай тилимизга, ёт бўлган ёзувларни ўзбек тилидаги барча учун тушунарли ва миллийлигимиз тимсоли бўлган гўзал сўзлар билан ёзиш мумкин.

Эркин фуқаролик жамиятида яшаймиз. Ҳар биримизга сўз эркинлиги инъоми берилган. Жаҳон спорт ареналарида "чала, ёнбош, ҳалол" каби курашга оид сўзларимиз янграб, спорт миқёсида тан олиниб терминга айлангани, ҳамюртларимиз давлатимиз мадҳиясини баралла ўзбек тилида ер шарининг турли бурчакларида айтиб қайтаётгани ўзбек тилига бўлган фахр-ифтихор туйғуларини дилимизда мустаҳкамлайди.

Бошқа чет тилларини камситмаган, чет тилларини ўрганиш замон талаби эканлигини инкор этмаган ҳолда айтмоқчимизки, она тилимизни дунёга билдирадиган вақт етди. Биз шундай бўлайликки, чет элликлар ҳам ўзбек тилини ўргансин, шунга эҳтиёж сезсин. Деярли бир ярим минг йиллик тарихга эга энг қадимий туркий ёзма тил ҳисобланмиш она тилимиз, алломаларимиз энг гўзал ва устун жиҳатларини таъкидлаб ўтган ўзбек тили халқаро тилларининг бири бўлишига ҳар томонлама ҳақлидир.

Ҳар биримиз ўзбек тилининг софлигини таъминлаб, унинг нуфузи ва мавқеини юксалтиришни миллий ғуруримиз, шаънимиз, ватанпарварлик бурчимиз деб билмоғимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. "Маънавият", 2018.
2. Рустамов А. Қадимги туркий тил.

МАЪШУҚА ЭПИТЕТЛАРИНИНГ
ИСТИОРАЛАШИБ ҚОФИЯНИНГ ҲОСИЛ
ҚИЛИШИ

Эшонқулов Хусниддин Пиримович

БухДУ доценти, филология фанлари номзоди.

АННОТАЦИЯ. Мақолада Навоийнинг ошиқона ғазалиётидаги маъшуқага хос эпитетларнинг истиоралашиб қофиянинг ҳосил қилиши таҳлил этилган.

Кириш. Алишер Навоий бадиий ижод, хусусан, ғазалнависликда шакл ва мазмун масаласига ниҳоятда талабчанлик билан муносабатда бўлган. У “Бадойеъ ул-бидоя” “Девоча”сида ўзига қадар ижод этилган ғазалларнинг айна жиҳатини танқидий руҳда таҳлил қилиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан етук ғазаллар битиш борасида ниҳоятда муҳим поэтик тамойилларни эътироф этади [1, 19-26]. Адабиётшунос Ё.Исҳоқов Навоий ғазаллари композицияси унинг мазмуни ва тасвир усуллари каби ниҳоятда ранг-баранглигини таъкидлаб, шоир ғазалларини асосий типларидан келиб чиққан ҳолда уларни таъриф, тавсиф, мадҳ ва шарҳи ҳол тарзда тасниф этади, уларнинг муҳим композицион хусусиятларини умумлаштиради [4, 54-67]. “Навоий поэтикаси”да эътироф этилган ғоятда муҳим илмий хулосалар Навоийнинг ниҳоятда ранг-баранглик касб этган ошиқона ғазалиётининг бадиий қурилишига оид ўзига хосликларни илмий ўрганиш, уларни таҳлиллар асосида муайянлаштиришга йўналтиргани билан аҳамиятли. Уларнинг бирида олим: “... поэтикага доир асарларда қайд этилган ва уларда учрамайдиган юзлаб поэтик воситаларнинг ранг-баранг поэтик жилосини биз Навоий ғазалиётида кузата оламиз” [4, 64], - дея эътироф этади. Бундай тасвирий воситалар ғазалнинг композицион қурилишига ҳам, унинг семантик структурасига ҳам таъсир этиб, ҳар бир ғазалнинг ўзига хос бадиий қурилишини вужудга келтиради. Шундай бўлса-да, муайян тасвирий воситалар асосида шакланган бир неча ғазалларнинг поэтик қурилишига оид типик хусусиятлар, анъанага айланган услублар ҳам мавжудки, Навоий уларни салафлар ижодидан ўрганган, уларни янгича кўринишларда ривожлантирган, айримларида эса ўзига хос

поэтик маҳоратини намоён этган. Масаланинг айна жиҳатига эътибор қаратсак, маъшуқага хос истиоралашган эпитетларнинг Навоийнинг ошиқона ғазалиётида қофия вазифасининг бажариши эътиборга лойиқдир.

Асосий қисм. Ошиқона ғазалиётдаги маъшуқа таърифу тавсифи ва ошиқ ҳолига алоқадор сўз, жуфт сўз ва изофа шаклдаги эпитетларнинг истиоралашиб, қофия поэтик функциясида қўлланиши Навоийга хос бир бадиий услуб сифатида намоён бўлади. Бу услуб маъшуқа таърифу тавсифлари ва ошиқ ҳолини алоҳида таъкидлаб, ижодкор адабий ниятини эҳтиросли ифодалаши билан мазмунга таъсир кўрсатибгина қолмай, балки ғазалнинг ўзига хос ички композициясини ҳам ҳосил қилади. Улуғ шоирнинг *“Менмудур менким сенинг васлинг муяссардур манга”* [2, 35] сатри билан бошланадиган саккиз байтли *“Манга”* радибли ғазалининг *“покиза гавҳардур”, “бодому шаккардур”, “хуришдпайкардур”, “сарви суманбардур”* сингари қофиядош истиоралар қўлланган байтларида бу ҳол кузатилади. Ғазалдаги ўзига хос бу услуб истиоралашган маъшуқа образи билан боғлиқ хилма-хил адабий манзараларни ва сўз ўйинларини ҳосил қилишда шоирга қўл келади. Айна ҳолат ушбу байтлар шеърхон томонидан ўқилганиданоқ англашиб қолади:

Эй кўнгул, гаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб

Гар насиб эмди ўшал покиза гавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,

Кўзию оғзи букун бодому шаккардур манга.

Ою хуришингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам

Ҳамдам ул ой чехралиғ хуришдпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй бозбон

Ким, бутун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга [2, 35].

Худди шундай оҳанг ва кашф этилган адабий лавҳалар билан шеърхонга эстетик таъсир ўтказиш Навоийнинг *“Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин, Ё кўнгил топти Масиҳ анфосидин жон муждасин”* [2, 360-361] матлали ғазалида янада теранроқ намоён бўлади. Эътироф этилган хусусиятларга кўра Навоийнинг машҳур *“Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт”* сатри билан бошланувчи ғазали алоҳида аҳамиятга молик. Унда таъриф-тавсиф билан билан ошиқ ҳоли тасвири мувозий қўлланиб, ўзаро контраст ҳолатни

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

вужудга келтиришида ҳам истиоралашган қофиялар муҳим поэтик вазифани бажарган:

Эй сабо, ҳолим бориб *сарви хиромонимга* айт,
Йиғларимнинг шиддатин *гул барги хандонимга* айт.
Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи,
Яхши фурсат топсанг, *ул бадъаҳду паймонимга* айт.
Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили,
Куфр ила бўлмиш мубаддал *номусулмонимга* айт.
Буки қилмишмен жаҳону жонни анинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин *яхши жононимга* айт.
Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлига бир ваъда қилгондин *пушаймонимга* айт.
Буки юз минг фитна кўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз *кўзи фаттонимга* айт.
Буки чок айлаб ёқа, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлиб эл жон топар, *бебок нодонимга* айт.
Даҳр боғи гулларин хуснин вафосиз эрканин,
Юзи - гул, жисми - суман, *кўйи - гулистонимга* айт.
Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин *шоҳи сухандонимга* айт [3, 66-67]

Саккиз байтдан таркиб топган ушбу ғазалдаги қофиядош сўзлардан “*номусулмонимга*”, “*пушаймонимга*” бир сўздан таркиб топган бўлса, “*бадъаҳду паймонимга*” жуфт сўз сифатида шаклланган. “*Яхши жононимга*”, “*бебок нодонимга*” сифатловчили, “*кўзи фаттонимга*” ажратилган сифатловчили бирикмаларни ўзининг эпитетидан, “*кўйи - гулистонимга*” ташбеҳи мўъкадни эса ўхшатиладан айро ҳолда қофия сифатида талқин этиш ғазал оҳангига таъсир кўрсатади. Булар ичида “*яхши жононимга*”дан ташқари байтлараро қофиядошликни таъминлашга хизмат қилдирилган “*сарви хиромонимга*”, “*гулбарги хандонимга*”, “*шоҳи сухандонимга*” изофалари сингари қофиядошларнинг барчаси истиоранинг очиқ ёки ёпиқ тури сифатида қўлланиб, маъшуқанинг ўхшатишга асосланган эпитетларини ҳосил қилган. “*Яхши жононимга*”даги “*яхши*” сифатловчиси ҳам, маъшуқа билан маънодош сифатида қўлланивчи “*жононимга*” сифатланмиши ҳам истиорани ҳосил қилмаган бўлса-да, сифатловчили бирикма ҳолида

маъшуканинг эпитетларидан бирини ифодалашга хизмат қилган. Кўринадики, ғазалдаги қофиядош сўз ва бирикмалар маъшуқага алоқадор сифатлар бўлиб, улар эпитет, истиора ёки ташбеҳга асос бўлган ва байтларда образли тасвирни вужудга келтирган. Айни чоқда бу эпитетлар ғазалнинг мақтаъ ва ундан олдинги байтидан бўлак ҳар бир байтида ошиқнинг маҳзун ҳоли билан контраст тасвирни ҳосил қилган.

Матланинг илк мисрасида сабога мурожаат этган ошиқ ундан сарв сингари қомати тик, чиройли юрувчи маҳбубасига ўз ҳолидан хабар етказишини ўтиниб сўрайди. Бу ўтинчдан ошиқнинг ҳоли яхши эмаслиги англашилади. Кейинги мисрада йиғиларининг шиддатли тус олганини гулнинг барги янглиғ кулиб турувчига айтишга ундалишидан дастлабки муҳим контраст тасвир намоён бўлади. Шу тариқа севгилисига берган аҳду паймонини бажариш қийинчиликларидан мабодо ошиқ ўлиб қолса, унинг хабарини баъдахду паймонга, маъшуқа зулфининг зуннори (узун гажакларнинг иймон тимсоли бўлган юзни тўсиб туриши)дан таъсирланган ошиқ тоат-ибодатлари самарасининг куфр (динга тўсқинлик қилиш) билан алмашганини номусулмон - бераҳмга, жаҳону жонни унинг йўлига садқа қилган ошиқнинг бундай жасоратини юз-минглаб жону жаҳондан яхши жононга, севгилиси йўлида юз-минглаб жонни садқа қилса ҳам, ошиқнинг пушуймон бўлмаслигини васлига бир ваъда қилгандан пушаймонга, одамларни мағлуб этиш ниятида севгилининг ёқасини чок қилиб, сархуш ҳолда чиққанидан уялган ошиқнинг ўлим топиши-ю, бошқаларга жон бахш этилишини бебок - андишасиз нодонга етказиш билан боғлиқ сабога ўтинчлар замирида ошиқ ҳоли билан маъшуқа сифатлари ва севгилининг дунё гўзалликларидан беқиёс устунлиги орасидаги зиддиятлар юқорида қайд этилган тасвирий воситаларга таяниб бадийлаштирилади. Ғазалда маъшуканинг *“номусулмон”, “бебок нодон”* сингари қусурлари истиоралар воситасида санъаткорлик билан бадийлаштирилганлиги боис улар шеърхонга инсонга хос иллатлар сифатида таассурот қолдирмайди. Мақтадан олдинга байтда дунё боғидаги гулларнинг гўзалликлари вафосиз - ўткинчи эканлиги билан боғлиқ ирфоний мазмун касб этган хулосавий тамсилни шундай гўзалликлари ташбеҳи мўъкадлар ёрдамида бадийлаштирилган *“Юзи - гул, жисми - суман,*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

кўйи - гулистонимга” етказиш ўтинчи воситасида маъшукани кибрдан сақланишга, ошиққа эътиборли бўлишга даъват этилади. Мақтада ҳеч бир гулшаннинг Навоийдек хушнаво булбули мавжуд эмаслигини сўзамоллар шоҳига етказиш билан боғлиқ ўтинч замирида улуг шоир ўз ижодидан масрур эканлигини ҳам шеърхонга билдириб қўяди.

Хулоса. Кўринадикки, ғазалдаги ошиқ ҳоли ва маъшуқа сифатларига оид эпитет, истиора ва ташбеҳлар улуг шоирнинг адабий ниятига уйғун ҳолда поэтик вазифани бажариб, таъриф-тавсифу ҳол талқинига бағишланган ушбу ғазалнинг ғояси ва ўзига хос композициясини таъминлашда хизмат қилдирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик, 1-том, - Тошкент: “Фан”, 1987.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик, 3-том, Тошкент: “Фан”, 1988.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик, 4-том, -Тошкент: “Фан”, 1989.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент: “Фан”, 1983.

NUTQIMIZDAGI LINGVOMA’NAVIY VOSITALAR TADQIQI

Hamdamova Nodira Ergashovna

Buxoro viloyati G’ijduvon tumani 17- DMTT direktori

ANNOTATASIYA. Hozirgi o‘zbek adabiy tilining to‘liq shakllanganligi va ulkan ijtimoiy vazifani bajarayotganligi hech birimizga sir emas. Bu til diyorumiz vakillari uchun umumiy til sifatida shakllandi. Ushbu maqolada o‘zbek tilining nutqimizdagi voqealanishiga doir masalalar yoritilgan.

KIRISH. O‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi respublikamizda davlat ishlarining, o‘qish-o‘qitish, ta’lim-tarbiya, targ‘ibot-tashviqot ishlarining shu tilda olib borilishi uchun juda katta imkoniyat yaratdi. Tilga bo‘lgan munosabat tubdan o‘zgardi, uning barcha imkoniyatlarini o‘rganish ishlari keng ko‘lamda olib borilmoqda. Lekin shuni ham ta’kidlash joizki, tilning ijtimoiy vazifasini

bajarilish darajasini belgilovchi omillardan biri bo'lmish nutq madaniyatiga rioya etilmayotganligi achinarli bir holdir.

ASOSIY QISM. Hozirgi kunda har qanday fan hissiy bilish (empirik) bosqichdan nazariy bilish bosqichiga ko'tarildi va sistemaviy munosabat asosida izchil rivojlanmoqda. Olamning dialektik rivojlanishida tabiat va jamiyatdagi har qanday hodisa sistemaviy munosabatni tashkil etishi hech kimga sir emas. Hozirgi o'zbek adabiy tili ham katta makrosistemadir. Uning me'yorlari esa shu sistemaning elementlaridir. Qachonki, qaysidir me'yor buzilsa, sistemaning yaxlitligiga putur yetadi. Tilimizga davlat tili maqomining berilganiga ham yaqinda 31 yil to'ladi. Shaxsan men bu vaqtni shu tildan foydalanuvchilariga uning me'yorlarini yetarli darajada o'rganish va uni jonli muloqotga tatbiq etishlari uchun yetarli deb hisoblayman. Lekin, hanuzgacha jonli nutqimizda adabiy tilning leksik me'yorlariga zid bo'lgan so'zlardan foydalanmoqdamiz. Afsuski, bu bizning og'riqli nuqtalarimizdandir. Masalan yoshlarimiz o'zlarining nutqida "хорошо", "уже", "спасибо", "пака" va hokazo so'zlarni qo'llashadi. Vaholanki, ushbu til birliklarining o'zbek tilida yaxshiroq ekvivalentlari bor.

Muloqotning samarali kechishi ma'lum qoidalar, muomala tamoyillariga amal qilish bilan bog'liq. Dunyo xalqlari muloqot odobi, muomala mas'uliyatiga oid minglab maqol – matallar yaratganlar, bu borada behisob nodir asarlar bitilgan. Jumladan, sharq milliy madaniyati durdonalari bo'lmish "Qutadg'u bilig", "Qobusnoma", "Hibbat-ul haqoyiq" kabi madaniy yodgorliklar, buyuk mutafakkirlar Kaykovus, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yassaviy, Ahmad Yugnakiy, Alisher Navoiy, So'fi Olloyor kabilarning asarlari bunga misoldir. Kaykovusning "Qobusnoma" da keltirilgan quyidagi pandlarini eslaylik: "Gar so'zni va hunarni yaxshi bilsang ham hech bir so'zni sindirmag'il, to'g'ri ta'rif qilg'il va uni bir rangda aytg'il: xosga xos so'z, omiyga omiy so'z deg'il, toki u hikmatga muvofiq bo'lsin va eshitg'on kishiga og'ir kelmasin, yo'qsa so'zingni dalil va hujjat bila ham eshitmag'aylar. Undin so'ng ularning rizosiga qarab so'zlag'il, to salomat bo'lg'aysan". Eng asosiysi, bu an'analar hozirgacha davom etmoqda va nutq mas'uliyati, muloqot odobi, so'zlashish madaniyati kabi masalalar doimiy ravishda o'z dolzarbligini yo'qotmayapti.¹ shu o'rinda Husayn Voiz Koshifiy suhbat, gapirish odobi o'n olti (martabaga yetganlar uchun – sakkizta va martabaga yetmaganlar uchun – sakkizta) tamoyiliga amal qilishni talab etishini qayd qilib ketganligini eslatmoqchiman: "Agar martabaga erishganlar suhbatda qaysi qoidalarga amal qilishi kerak, deb so'rasalar, aytg'il, quyidagi sakkiz qoidani esda saqlashlari kerak: birinchidan, har kimning ahvoliga qarab,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

munosib soʻz aytsin. Ikkinchidan, dagʻallik qilmasdan, lutf va muloyimlik bilan gapirsin. Uchinchidan, gapirayotgand, tabassum qilib, ochilib gapirsin. Toʻrtinchidan, ovozini baland koʻtarmasin, eshituvchilarga malol kelmaydigan qilib gapirsin. Beshinchidan odamlarga nafi tegadigan maʼnoli gaplarni gapirsin. Oltinchidan agar soʻzning qimmat – qadri boʻlmasa, uni tilga olmasin, chunki ulugʻlarning soʻzi bamisoli urugʻdir, agar urugʻ puch yoki chirigan boʻlsa, uni qayerga ekmang unib chiqmaydi”²

Darhaqiqat, Alisher Navoiy “ . . . daryodin gavhar gʻavvos vositasi bila jilva namoyish qilur va aning qiymati javhariga koʻra zohir boʻlur”, - deb bejiz aytmagan. Chunki, biz nutq irod qiluvchi – gʻavvosmiz, til – daryo, dur-u gavharlar – soʻz, gavharlar bozori nutqdir. Shunday ekan, biz til daryosidan dur-u gavharlarimiz javhari – soʻzlarimizning maʼno yuki goʻzalligi, nozikligiga qarab belgilanadi. Buning uchun tilda juda katta imkoniyatlar xazinasi mavjudki, ulardan oʻrinli foydalanish mahorati bizning nutqiy layoqatimizga bogʻliq.

Nutqiy muloqot jarayonidan muloqot aʼzolarining bir – biriga nisbatan hurmat tamoyili asosiy planda turadi. Hurmat – ehtiromning nutqiy muloqotda nechogʻlik ahamiyatga molikligini Alisher Navoiy satrlarida ham koʻramiz:

Har kimki chuchuk soʻz elga izhor aylar,
Har nechaki, agʻyor durur yor aylar.
Soʻz qattigʻi el koʻngliga ozor aylar,
Yumshogʻi koʻngillarni giriftor aylar.

XULOSA. Nutq shakllanishi dastlab kognitiv faoliyat bosqichidan oʻtadi, yaʼni botiniy (ichki) nutq jarayonida boʻlgʻusi nutq tuzilmaning namunaviy qoliplari shakllanadi. Bunday namunalar turli koʻrinishda boʻladi. Soʻzlovchining vazifasi – ushbu namunalardan birortasini tanlash. Shunday ekan, biz nutqimizning sofliğini taʼminlash uchun adabiy tilning barcha meʼyorlariga amal qilishimiz kerak. Ana undan keyin buyuk ijodkorlarning ijodiy laboratoriyasiga material boʻlgan oʻzbek tili har tomonlama oʻzining goʻzal koʻrinishiga keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Safarov Sh. “Pragmalingvistika” Toshkent, 2008-y. B. -124
2. www.ziyonet.com
3. www.lingvist.ru

ҲОФИЗ ИЖРОСИДАГИ БИР СЎЗ ҚИММАТИ

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович,
филология фанлари номзодит
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси
доценти,

АННОТАЦИЯ. Мақолада аждодларимизнинг тил, нутқ, сўзга бўлган муносабати, унинг аҳамияти, бир сўзнинг қадр-қиммати, киши руҳий дунёсига таъсири хусусида фикр юритилган.

Кириш. Комил инсон ахлоқига хос энг муҳим хусусият Қуръони карим Нисо сурасининг 135-ояти каримасида зикр этилган: “Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва кариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да Оллоҳ учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар! У (яъни гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбағал бўладими ҳар иккисига ҳам Оллоҳнинг Ўзи (сизлардан кўра) яқинроқдир. Бас, адолат қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар” [4, 66]. Аён бўлаётирки, Қуръони мажид бандаларга адолатли ва ҳақгўй бўлиш таълимини бераётир. Алишер Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга кўра эса инсон “ўзлук иморати”ни бузмай туриб адолатли бўла олмайди. Чунки “одиллик” – “ал-адл” Аллоҳнинг сифати. Мол-у мулк, таъма ҳирси, шахсиятпарастлик, кибр-у ҳаво (“кибр ибтилоси”), мансабпарастлик (“жох истиғноси”), ёмон ва тубан хислатлар (“замима хисол”)ни фано ўтида буткул қўйдуриб, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ризоси ила ўзин тузатган, “кўнгли уйига ошнолиғ шамъидан нур етган” комил инсондагина олий ҳақиқат сифати – “ал-адл”- одиллик зухур этади: “Мосиволлоҳ лавси орийдин кутулди ва ал-мутаҳаллиқу биахлоқуллоҳ сифоти била муттасиф бўлди” [1, 39].

Асосий қисм. Алишер Навоийнинг “Хамсатул-мутаҳаййирин”даги талқинларидан Мавлоно Абдурахмон Жомийда мазкур сифат (адолат) жамулжам экани аён бўлади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ёзишларича, Ҳиротнинг нуфузли хонадонларидан бирида ўтказилаётган базмда замонасининг хушовоз ҳофизи Мутаҳҳари Удий уд асбоби жўрлигида машҳур форсийгўй шоир Хожа Ҳасан Деҳлавийнинг “Зиҳи дарунаи дилро замон замон ба ту майле” (Кандай яхшики кўнгили ич-ичидан туриб-туриб сенга интилади)

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

мисраси билан бошланадиган ғазалини ижро қилади. Уднинг нозик торларига ҳамоҳанг сатрлар қуйидаги байтга етади:

Мисоли катраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд,
Чунин асар диҳад алҳақ тулуи чун ту сухайле [2, 17].

Байтнинг мазмуни:

Ёмғир қатралари каби кўз ёшларимнинг ҳаммаси дур бўлди,
Ҳақиқатан, сенинг Сухайл (юлдузидек) чиқиб келишинг шундай таъсир қилди [2, 187] (Порсо Шамсиев таржимаси).

Давра иштирокчиларининг барчаси таниқли арбоблар, шоир ва фозил кишилар, ҳурматли, эътиборли зотлар эдилар. Уларнинг баъзилари хофизга эътироз билдириб ва айримлари танбиҳ бериб кўчирилган байтдаги “дурр шуд” ўрнига “хун шуд” (“қон бўлди”) деб ўқиш лозимлигини талаб қиладилар. Йиғин аҳлининг “дур” калимаси ғазал мазмунига мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикрига фақат Алишер Навоийгина муносабат билдирмасдан сукут сақлайдилар. Анжуман аҳли Алишер Навоийни ҳам мунозарага тортади: “Мажлис хуззори фақирға дағи машғуллик бунёд қилдиларким: “Сен дағи невчун бу сўзда асҳоб била мувофиқ эмассен?” деб, фақир дедим: “Мен ул жонибменким қоил адо қилди, яъни:

Мисоли катраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд ростдур, балки муңдоқ керак” [2, 17]. Даврада ҳозир бўлганларнинг барчаси фикран шоирга қарши туришади. Бутун давра аҳли бир ён бўлиб турганида ёлғиз ўзи бир тарафда туриб фикрини ўтказишга кўзи етмаган улуғ мутафаккир ишончли бир кишини ҳакам қилиб гаров боғлаш маслаҳатини ўртага солади. Мазкур таклиф ҳаммага маъқул тушади: “Барча иттифоқ қилиб айттиларким, Ҳазрати маҳдум (Нуриддин Абдурахмон Жомий) олам афозилининг ҳаками, балки ҳокимидур, аларни мусаллам тутмас киши йўқтур. Чун сўз мунға қарор топти. Фақир алар била гарав боғлаб, мажлиснинг кайфиятин ва ул баҳсинг сабабин ва ул байтда “хун” лафзи муносиброқ ё “дурр” лафзи мувофиқроқдур деб, мақсуднинг иснодин ҳамул замон битиб, ул ҳазрат хизматлариға юборилди” [2, 18].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек дунё кўрган, салоҳиятли шахс, йирик давлат ва маданият арбоби томонидан: “Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин

Хуросон, Батаҳсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай” [3, 159-160] - дея тавсифланган Ҳиротнинг энг мутаайин кишилари, арбоблари, шоирлари, олий даражали олиму фузалоларининг Нуриддин Абдурахмон Жомийни ҳакам сифатида танлашида чуқур ички мантиқ бор. Зеро, фақат маънавият соҳасидагина эмас, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида тарафлар ўртасидаги мунозарали масалаларни қозисиз ечишга энг холис, энг диёнатли, энг адолатли, эл ишончига кирган баркамол инсонгина қодирдир. Ҳикоятнинг давомидан ўқиймиз: “Бир яхши замондин сўнгра борғон киши жавоб келтурди ва ул Ҳазрат бу мисрани битиб эрдиларким:

“Сухан “дурр” асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад”.

(Сўз – дурр (инжу), шоҳ қулоғига тааллуқи бор).

Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға (Алишер Навоийга – Ш. Ҳ.) аларнинг тарбият ва мададлари бу навъ етти. Маълум эмаски, ҳаргиз киши бу навъ мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутиб, мажолисда нақл қилурлар эрди” [2, 18].

Шу биргина қатор жавобда аждодларимизнинг заковати, сўз ва маънога, шоир ва ҳофизга, куй ва оҳангга юксак эътибори теран ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Бухоро санъат музейи хазинасидаги 27780-рақамли қўлёзма, – В. 119.

2.Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 20жилдлик, 15-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1999. – Б. 236.

3.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Юлдузча”, 1990. – Б. 367.

4.Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – Б. 496.

ЭНАХОН СИДДИҚОВА ШЕЪРИЯТИДА
МЕТАФОРА

Хулкар Ҳамроева,

Ўзбекистон давлат хореография академияси
катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Матлуба Муродова,

Ўзбекистон давлат хореография академияси
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси муdiri,
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Гулшан Насруллаева,

Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ҳудудий маркази кафедра муdiri, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова шеъриятида метафоранинг ўзига хос хусусиятлари ва лингвокультурологик жиҳатлари тадқиқ қилинди.

Метафора борлиқни билиш, тилда акс эттириш, номлаш ва таснифлашнинг, нутқни таъсирчан баён этиш, унга бўёқдорлик бахш этишнинг асосий усулларидан биридир. “Метафоризация эса тилда янги ифода воситаси қидирмай, ҳосил қилмай, тежамкорлик қонунияти, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўхшашлиги, мувофиқлиги, мавжуд сўз ҳамда ибораларга уларнинг онтологик имкониятлари асосида янги кўп қиррали вазифалар ва масъулият юклаш демақдир”. Метафора нутқнинг таъсирчанлиги ва яратувчанлик вазифасига мувофиқ равишда антик дунёда риторикада вужудга келиб, инсоният интеллектуал оламининг барча соҳаларини забт этган. Тилнинг бутун қудрати метафорада мужассамлашган. Энг кучли тасвир воситалари ҳам метафорага таянади.

Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова руҳий оламида, маънавиятида нурланган ватанпарварлик, фидойилик, тафаккур ёғдулари, тиниқлик ва самимият унинг шеъриятида ўзига хос, бетакрор жилоларини намоён қилмоқда. Шоира қаламга олаётган

инсоний туйғулар, кўнгил қувончлари ва изтиробларининг, ҳаётий муаммоларнинг, латиф хаёлларининг замирида хокисор ва мунис, фидойи ва таъсирчан аёл қалбининг нафис зарблари бор. Тархи тоза, зуваласи пишиқ, самимият уфуриб турган сатрлар ўқувчи қалбини сеҳрлайди: *Жаннат - тугилганинг ўз кулбанг экан, Гарди остонаси ҳур каъбанг экан. Анбар ифор берар ҳатто хас, тикан, Ҳар гиёҳи ҳақдан муждадир, кўнгил, Шу Ватан пойига саждалар қилгил!*

Шоира туғилиб ўсган гўшасини, гарчанд у оддий кулба бўлса ҳам, *жаннатга, остонасининг гардини муқаддас каъбага, ҳар гиёҳини ҳақдан келаётган муждага ўхшатапти*. Унинг Ватан ҳақидаги шеърлари юрт шаънига айтилган шараф кўшиқларидир. Одатда, ижодкорнинг салоҳиятига баҳо беришда унинг ўз оҳанги ва услубига эгаллиги назарда тутилади. Ижодкорнинг дунёни кузатиш, ундаги эврилишларни ижодий ўзлаштириш жараёнида у орттирган ҳаёт ва ҳиссиётлар тажрибаси оламини ўзига хос рангларда кўриш, идрок этиш, англаш имконини беради. Олимларнинг фикрича, “метафора – фикрнинг бемисл қуроли, илмий тафаккур шакли... метафора – бу ифодаларни кўчиришдир”. Юқорида шоира ижодида метафора ёрдамида сўз маъно ифодаларининг кўчишига гувоҳ бўлдик. Шоира қайси жанрда ижод қилмасин, Ватанни ва табаррук тупроқни улуғлаш, замондошларнинг мураккаб ички дунёсини тасвирлаш, инсон руҳиятини теранроқ тадқиқ этишга интилиш ижодининг бош тамойили бўлиб қолаверади. Албатта, ижодкорга мавзуни ҳам, қағрамонлар ва туйғуларни ҳам ҳаётнинг ўзи беради. Шоира ўз дунёқараши, маънавий-руҳий олами, эстетик идеали, истеъдодининг нозик таъбига биноан образлар ва воқеликлар танлайди. Айниқса, Ватан мавзусидаги шеърларида ифтихор, садоқат туйғулари кучли бўлса-да, баъзан кескин хулосалар чиқаради. “Эй, дарахт” сарлавҳали шеърда шоира шундай дейди: *Кўлим етмас бужур танангга, Ўхшолмайман битта новдангга. Бу гофил, бу бедаст бандангга, Хиёнатсиз яшашни ўргат!*

Шеърдаги дарахт – Ватан тимсоли. Унинг танасидаги *бужурлар* – ўтмишнинг излари. Шоира Ватаннинг қадрини билмаганларни, садоқат туйғусини тушунмаганларни *гофил, бедаст бандага қиёслаяпти*. Ёки “Фарғона, Фарғона” шеърида: *Бу кун кўрку ҳусни Боги Эрам Фарғона, Фарғона, Боқар ҳайратда лол рўйи олам, Фарғона, Фарғона.*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Мазкур метафора шеърнинг бадиий қувватини, таъсирчанлигини оширяпти. Ўзбекистон халқ шоири Э.Сиддиқова қалбидаги халққа ва юртга меҳр туйғуси халқнинг ўзи унга берган муҳаббат туфайли камол топган ва туганмас сарчашмага айланган. Ўзбекона ғурур ва ифтихор туйғулари ифодаланган ўринларда Навоий даҳоси ва ижодига эҳтиром ва ҳамоҳанг мулоҳазалар кузатилади. Халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида сўз юритар экан, ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати ва ҳурматини Навоий даҳосидан қарздорлик ҳисси билан ифодалайди. Шоиранинг “Тандан жон кетса ҳам кетмайди эрklar” сарлавҳали шеъри шундай сатрлар билан бошланади: *Юзинг ёруғми шу ватандан зотан, Бир гул экдингми, айт, ҳур айвонига. Айт, қайси юз билан борармиз бир кун, Ҳазрат Навоийлар ёнига!*

Бу савол, бу хитоб Э.Сиддиқова маънавий оламида, латиф дунёсида нурланган ўзига хос, такрорланмас туғён, ёғду мисол юракларимизга кўчиб, дилларни мунаввар қилаётган олий мақсаддир. *Юзи ёруғлик* метафораси ватанга фидойилик, чин фарзандлик маъносини билдирияпти. Ҳаёт – мактаб, ҳаёт – китоб. Ундан олинган сабоқлар ота меҳри, она садоқати рамзида Энахон Сиддиқовани улғайтирди, унинг нафис кўнглига илҳом, тафаккурига тиниқлик, орзуларига қанот берди. Шоиранинг ижод оламидаги қадамлари залварли, илҳом қанотлари эса ниҳоятда кенг ва қудратли бўлди. Унинг эл меҳрини қозонаётган шеърлари қалбнинг чинакам кашфиётлари бўлиб янграйди. Унинг “Навоий” шеърида шундай ўтли сатрлар бор: *Бир қуёшки, мунаввардир назми кўк, Бир шарафки, шарифлар ичра ўзбек, Бир уммонки, бир ўзани эзгулик, эрк, Озодликнинг маёғидир Навоий.*

Ҳазрат Навоий ижоди ва шахсияти ёруғликда ҳаммага бирдек нур сочадиган *қуёшга*, фалсафий кенглиги “бир ўзани эзгулик”, бир ўзани эрк бўлган *уммонга* қиёсланияпти.

Метафора кўп қиррали жараён. М. Йўлдошев унинг икки турини фарқлаш лозимлигини айтади: “Лингвистик метафора ва хусусий – муаллиф метафоралари”. Маълумки, лингвистик метафора тил тараққиёти билан боғлиқ. “Бундай метафоралар асосан, аташ, номлаш вазифасини бажарганлиги учун уларда услубий бўёқ,

экспрессивлик, бинобарин, улар ифодалаган нутқ предметга нисбатан субъектив муносабат акс этмайди”.

Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ижодида метафоранинг бир неча турларини учратамиз. Яъни метафоранинг шарқона ифода йўсинлари, тафаккур тарзи унинг асарларидан мустаҳкам ўрин олган. Чунки, теран маъно-моҳиятни кашф этиш, поэтик маҳоратни тўғри англаш, санъаткорнинг руҳий тугёнларини, қалб кечинмаларини, ижод жараёнидаги ҳиссиётларини чуқурроқ ёритиш, яъни бадиий – эстетик оламини кашф этишдир. Шоира “Фасли баҳор” шеърида Фарғонани чаманга, уйларни тўйхонага менгайди: *Фасли баҳор юракларда тароналар, Сайли чаман бу кун гўзал Фарғоналар. Она халқим, Наврўзиндан ўргулайин, Ҳар кўчангда байрам, уйинг тўйхоналар.*

Муаллиф юртининг гўзаллиги, халқининг улуғвор қудрати олдида ҳайратини яшира олмайди. “Олтиариқ” шеърида қуруқ риторикадан холи, ўзининг самимий муҳаббати ва ғурурини рангин сатрларда таъсирчан услубда тасвирлайди. Киндик қони томган табаррук тупроқни муқаддас билган шоира шундай дейди: *Халқи авлиёдир, пирдир мен учун, Ҳалоллик, покликдан топган бутун ризқ. Яратмоқлик унга умрининг ганжи, Файзу баракотлар кони Олтиариқ.*

Шоира шеърий нутқ образлилигини таъминлаш, ифоданинг жонли ва таъсирчан чиқишига эришиш, лирик ҳароратни, ҳаяжонни акс эттириш, муайян ҳолат-кайфият, фикр – туйғуни метафора орқали беради. Олтиариқни файзу баракотлар конига, халқини авлиё, пирга, олтиариқликларнинг юртни яшнатиш, яратиш иштиёқини умрининг ганжига қиёслайди. Англашиладики, метафора маънони кучайтириш, таъкидлаш, эстетик таъсирчанликни ошириш, тафаккур қамровини кенгайтириш, муаллиф ниятини ёрқин бўёқларда тасвирлашга хизмат қиляпти.

Зеро, тил ҳар бир замонда миллат, қавм, элат, қабила ёки уруғнинг ёрлиғи бўлиб келган. Антик давр манбаларида ҳам халқларнинг ахлоқий тутумлари, қадриятларини билиш учун унинг тилини ўрганиш кераклиги уқтирилган. Тил маданиятнинг қуроли, воситаси, шакли эканлиги бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Тўғри, тил маданиятнинг ё қуроли, ё воситаси ёки унинг шаклларида бири эканлиги масаласида мунозарали фикрлар кўп

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

бўлишига қарамасдан, уларнинг учаласидан алоҳида мавжудлик эканлиги ҳақидаги фикрлар йўқ. Шунинг ўзиёқ тил ва маданият муштараклигини кўрсатади. Муқаддас китобларда “аввал калом бор эди” дейилишининг ўзи ҳам ҳамма нарса ва ҳодисалар талқинини сўздан бошлаш кераклигига ишора бор.

Атоқли шоира Энахон Сиддиқованинг шеъриятида сўз ва унинг маънолари ички товланишлари, метафоралари оҳорлилиги билан ажралиб туради. Шоира бадиий услубга хос сўзларни уларнинг маъно қирраларини чуқур ҳис қилган ҳолда қўллаш билан бирга, уларнинг лингвопоэтик хусусиятларидан ҳам моҳирона фойдаланади. Унинг шеърларида метафора экспрессив бўёқдорликни кучайтиради, тасвирни теранлаштиради. Шоира “Оқ олмалар” шеърисида олма дарахтининг бир-бирига бир оз эгилиб турган шохларини бир онадан туғилган *ога-инига*, серҳосил тутни “*дуо қилаётган авлиё- ота*”га ўхшатади: *Оғочлари ога-инингдай, Кўришмоққа елкасин тутар. Йўлга чиқсанг, худди отангдай Дуо қилар авлиё тутлар.*

Лисоний бирликларни жонли ҳаёт билан боғлаб текшириш эҳтиёжи натижасида тилшунослик фанининг бошқа ёндош фанлар билан узвий алоқаси натижасида янги илмий парадигмалар шаклландики, энди уларда тил ва маданият муштараклиги масаласи даврнинг янги талаб ва эҳтиёжлари асосида қайта кўрила бошлади. Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова ижодида метафоранинг айнан миллий қадриятлар, миллий нигоҳ ва миллий маданият билан уйғунлашиб келиши ўқувчини ўзига тортади. “Набирам Акбаржонга” шеърисида шоира беғубор гўдак илк қадамларини қўяётган дунёни шундай тасвирлайди: *Ҳаёт - Ўқилмаган бир китоб. Тангридан илоҳий хат, Манглайингдаги дастхат, Сен уни ўқи, болам. Ҳаётни – ўқилмаган китобга, тақдирни пешонага битилган илоҳий хатга қиёслаётган шоира ҳаёт ва тақдирнинг нозик маъновий жиҳатларини илғайди ва халқ тилидан ижодий фойдаланади. Ўқувчида мушоҳада юритиш, воқелик ҳақида кучли таассурот уйғотиш мақсадида руҳий кенгликларни очиб беради.*

Тил мавжуд экан, миллий нигоҳ ҳам мавжуд ва давр билан ҳамоҳанг равишда сайқалланиб бораверади. Ҳар қандай тирик мавжудотнинг давр ва муҳитга мослашиши, уларнинг таъсирларини қабул қилиши, шунингдек, уларга ўз вақтида “муносабат билдириши”нинг ўзи ҳам

ривожланиш ва тараққиёт белгисидир. Лозим бўлса, борлиққа миллий нигоҳнинг ҳам глобаллашув негизида ривожланиши ўсиш омили сифатида қаралиши керак. Энахон Сиддиқованинг ватан ва юрт, истиқлол, аждодлар даҳоси, миллий-маънавий қадриятлар ҳақидаги шеърлари ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, уларнинг ахборот хуружларига муносабатларда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, ахборот бўҳронлари таъсирида мафкуравий бўшлиқларнинг бўлишига йўл қўймаслик руҳида тарбиялайди. “Эй дўст”, “Ёмғирдан сўнг”, “Кўнглим менинг”, “Дилхат”, “Кўлингизда китоб бўлсин” шеърларидаги миллий ибо, андиша, нафсоният туйғуларининг устуворлигини таъминлаш асосида глобаллашув жараёнида миллий ўзликни сақлаб қолиш ва умуминсоний қадриятларнинг позитив хусусиятларини баҳолашда объективлик каби хислатларнинг шаклланиши ва ривожланишини тинимсиз таъминлаб бориш заминида миллий нигоҳ ва баҳолашнинг тараққиётга гаров бўладиган жиҳатларини сақлаб қолишга интилиш ётади.

Айтиш мумкинки, она тилида миллий ўзига хослик тўла-тўқис акс этади. Ўзбекистон халқ шоири, замонавий ўзбек адабиётининг етук намояндаси, серқирра истеъдод соҳиби Энахон Сиддиқова тилимизнинг ранг-баранг имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган. Шоира халқ фалсафасини чуқур англайди, унинг шеърларидаги метафора, ҳар бир чизги халқона сўзлар орқали теран ифодаланади. У бошқа тасвирий воситалар қаторида метафорага ҳам ижодий ёндашади, кўп ўринларда унга янгича жило бахш этади ва ўзига хос оригинал услубни яратиш орқали ўзбек поэтик нутқини бойитишга улкан ҳисса қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лингвистический энциклопедический словарь. гл. ред. В.Н. Ярцева. – 2-е изд., доп. – М.: Большая рос. энцикл., 2002. – 709 с.
2. Ортега-и-Гассет Х. Две главные метафоры / Теория метафоры. Сборник статей – М.: Прогресс, 1990. – С.68.
3. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Т., 1976, 13-бет.
4. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – “Фан”, 2007.

ДВЕ ЖЕМЧУЖИНЫ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

Исматова Хурият Сафоевна,

Преподаватель Школа №20 Бухарский район Узбекистан, Бухара

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещено добро, красота, любовь, справедливость - были вечными темами, традицией в устном народном творчестве и до сих пор воспеваются поэтами, отражаются в произведениях писателей.

Когда речь заходит о традиции, то сразу перед нами предстают великие творения наших великих предков, их назидательный труд для нас, для нынешнего поколения, всегда будет являться традицией, школой назидания и поучения. Обращение великих представителей искусства к традициям - это естественно и неизбежно. Так как это помогает сопоставлять два события, распознавать их новые, неизвестные грани, даёт возможность увидеть нераскрытые до сих пор стороны явлений.

Алишер Навои и Абдулла Арипов! Навои и Арипов не являются современниками. Их разделяют несколько столетий, тысячи неизмеримых расстояний и совершенно разная среда, окружение, общество. Но есть такое, своего рода «поле», которое их объединяет. Это, несомненно, гармония в творчестве, национальность, родина, любовь, справедливость и добродетель.

А. Навои показывает любовь к народу, любовь к национальным традициям. Он возвеличивает тюркский быт, традиции и обычаи, тюркский язык, тюркскую мелодию и песни. Такие строчки созвучны со стихами нашего современника А.Арипова. В стихотворениях воспеваются присущие нашему народу гостеприимство, добродушие. Значит, то, что начато нашими великими предками, то продолжают претворять в жизнь наше поколение, наши поэты-современники. Каждый творец на протяжении целой литературной, социальной, политической деятельности живёт и работает ради интересов человека и народа, темой для раскрытия ставит самые насущные проблемы жизни, проблемы современности, почитает гуманизм. Значит, творец всё своё творчество посвящает интересам народа, и тем самым несомненно будет являться народным служителем, народным певцом. Надо отметить, что народное творчество занимает

главенствующее место в литературе. Потому, что настоящая литература и искусство заложено в самом сердце, в самых глубинах души народа. Также и Навои вместе с тем, что он умело использовал произведения устного народного творчества, и призывал поэтов, творителей обращаться к оригиналу и жемчужине литературы, чем и является устное народное творчество. Также и А.Арипов стремился в своём творчестве насыщать, пропитывать свои произведения этим неиссякаемым источником. Навои возвеличил наш язык, он твердил, что возможности выражения мысли, слов безграничны: “Те, кто предпочитают творить на тюркском языке и думают, что это легко - сильно ошибаются. Правда в том, что тюркский язык являясь для них родным, им на нём писать нетрудно. Этот язык им знаком с детства, всё его богатство и преимущество для них открыты. Точно такого мнения был и Арипов. Обретение независимости позволило создать чудеса литературного творчества, шире изучить творческий опыт классической и современной литературы. «Поэзия периода независимости: анализ и интерпретация (газета УзАС, 2005 год 27 апреля, № 17) глубоко проникнута религиозно-нравственными идеями, обращена к священному Корану. Примером могут являться произведения: А.Арипова «Хаж дафтари» («Записки во время хаджа»), Сирожидина Сайида «Кирк хадис» («Сорок хадисов»), Шукура Курбана «Унутмадим адолат расмин» («Не забыть мне справедливости законы»), Тахира Каххара «Мухаммад билан сухбат» («Беседа с Мухаммедом»). Состоящая из пятидесяти хадисов «Заметки о хадже» А.Арипова достойны особого внимания. В этом произведении А. Арипов продолжил идеи, философско-нравственные взгляды А. Навои «Арбаин хадис». Это явилось главным направлением в концепции полноценного человека, в них проявляется совокупность философско-эстетических идей. “Когда я находился возле Каабатуллох - священном жилище Аллаха, бодрствуя провёл ночь, повторяя имя Аллаха, читая молитвы в честь Аллаха, я написал несколько байтов. Строчки сами по себе лились рекой”. Все по собственной воле должны совершать хадж, достичь этого - непросто так, это путь к познания истины. Очищение души человека, повышение его духовной нравственности является приоритетными особенностями, ведущими общество к нравственному совершенству.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Жизнь и творчество выдающегося узбекского поэта Абдуллы Арипова, которого полноправно можем назвать вторым “Навои” современной узбекской литературы., имя его навечно останется в памяти его почитателей.

Автор пламенных строк, любимый сын своего народа, народный поэт, заслуживший почёт и внимание узбекского народа, государственный и общественный деятель, Герой Узбекистана, автор текста государственного гимна Республики Узбекистан, наставник Абдулла Арипов после тяжёлой болезни в возрасте 75 лет 5 ноября 2016 года покинул этот мир навсегда.

В 1994 году награждён государственной премией имени Алишера Навои. В 1998 году — наградой “Герой Узбекистана”. Кроме этого, Абдулла Арипов - автор слов гимна Республики Узбекистан. Когда напечатали его первое стихотворение “Кушча” (“Птичка”), он был ещё студентом. После в 1965 году был опубликован его сборник стихотворений “Митти юлдуз” (“Маленькая звёздочка”). Позже были опубликованы его книги “Кузларим йулингда” (“В ожидании тебя”), “Онажон” (“Милая мама”), “Рухим” (“Дух мой”), “Узбекистан”, “Юртим жамоли” (“Краса моей страны”), “Жаннатга йул” (“Дорога в рай”), “Хаким ва аёл” (“Судья и женщина”), “Нажот калъаси” (“Крепость спасения”), “Йиллар армони”. Абдулла Арипов внёс неоценимый вклад в литературу: он перевёл произведения-шедевры мировой литературы на узбекский язык. Это “Божественная комедия” Данте (часть “Ад”), произведения А. С. Пушкина, Н. А. Некрасова, Л. Украинки, Р. Гамзатова, К. Куйлиева. В его произведениях нашли яркое представление идеи милосердия и верности Родине, вера в завтрашнее будущее, новые взгляды на жизнь, простота и разнообразие. Он за время протяжения своего творения был признан своими почитателями в качестве “Навои”, и в качестве государственного и общественного деятеля. На истоках поэзии особое место занимают самые бесценные образцы великого Навои и узбекской классической литературы. Творчество Навои — это бесподобное проявление духовной свободы человека. Обладатель бесценных произведений, талантливый поэт Абдулла Арипов в своём творчестве, беря истоки с творений А. Навои, обогатил поэзию периода независимости. В данной статье мы старались показать

некоторые стороны творчества уважаемого и почитаемого всеми нами, действительно народного поэта Абдуллы Арипова.

Любимый узбекским народом поэт на протяжении всего своего плодотворного творчества создал множество бессмертных произведений, занявших достойное место в мировой литературе. Надо, отметить, что А.Арипов поддерживал идеи национальной независимости. Светлая память выдающегося, талантливого и многогранного поэта, великого сына узбекского народа навсегда останется в сердцах его почитателей, поклонников его творчества.

Литература:

1. Ishmuhamedov R. Ways to improve the effectiveness of education using innovative technologies. -T.: 2003.
2. Haydarov F.I. Motivation of educational activities. - Tashkent: Science, 2005.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА КОМПОЗИЦИОН УСУЛЛАР

Д.З.Ражабов (БухДУ)

Н.Қ.Рўзиев (БухДУ)

Ўзбек халқ қўшиқларидаги поэтик пейзаж мавзу доираси – қамровига кўра миллий пейзаждан иборатдир. Она-Ватан табиатининг бадий умуллама сифатида тимсоллаштирилган поэтик манзараси *миллий пейзаж* дейилади. Ўзбек халқ қўшиқларида миллий пейзажнинг кўпгина сара намуналари яратилган. Миллий пейзаж Ватан табиатининг гўзаллигини, худудий-жўғрофий тузилишини, ҳайвонот ва наботот оламини, ўзига хос табиий-иқлимий шарт-шароитларини поэтик англашнинг бадий ифодаси сифатида юзага келган бадий ҳодисадир. Халқ қўшиқларида ўлкамиз табиатининг ўзига хос хусусиятларини очиб берадиган турғун мотивлар, образлар ва бадий тимсоллардан ташкил топган миллий пейзаж намуналари яратилган.

Ул Зарафшондан келур,
Шаршаранинг овозаси,
Бир ситамкор ёр учун
Икки жаҳон овозаси.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Хуллас, пейзажни санъат сифатида тушуниш, муайян манзарани бор латофати ила образли фикрга айлантиришга интилиш халқ эстетик қарашларининг моҳиятини ташкил этган. Табиат ҳаёти боғлиқ поэтик образлар халқнинг олам гўзалликлари ҳақидаги қарашларига салмоқли ижтимоий фон бериши асосида юзага келади. Ҳар бир поэтик образ орқали халқнинг эстетик дунёси, олам ва одам дардлари тўғрисидаги мулоҳазалар, моддий оламни бадий идрок этиш тажрибаси ҳақида мукамал маълумотларни билиб олиш мумкин. Ҳар бир поэтик образ – воқеликнинг табиий чизилган лавҳаларидир.

Айрим қўшиқларда портрет худди пейзаж сингари алоҳида ўрин тутгани кузатиладики, бундан унинг композицияга алоқадор муҳим компонентлар қаторида туриши англашилади.

Қўшиқларда инсон портретини бериш қадимий анъаналардандир. Бунинг далилини бевосита Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги қўшиқлар мисолида ҳам асослаш мумкин. Зеро, унда инсонларнинг юз кўриниши ва тана аъзолари қизил ан – қизил юз ёноғи; а:қ сақол эр – оқ соқол, соч-соқоли оқарган киши (ўғузча); чақир – кўк кўз, чоғир кўз; арсал сач – қизилга мойил соч маъноларини ифодалаб келган бирикмалар учрайдики, улар инсонларнинг кўринишини ифодалашга хизмат қилиши билан эътиборни тортади.

Бундан ташқари, халқ қўшиқларида диалог, монолог, туш сингари композицион унсурлар ҳам ўзига хос ўринга, поэтик вазифаларга эга. Уларнинг ҳар бири халқ қўшиқларида ўзига хос ўрин тутди ва муайян меъёрни сақлаб туради. Пейзаж ва портрет кўпинча халқ қўшиқларининг бошланғич икки мисрасида келтирилса, туш мотив сифатида қўшиқ ичида келади. Монолог ва диалог эса қўшиқ бандлари орасидаги муносабатни, улар ижросига хос тартибни илғашга ёрдам беради. Бироқ туш, диалог каби композицион унсурлар барча қўшиқларда учрайвермайди.

Лапарлар ва ўланлар, одатда, воқебандлиги, диалог шаклида ижро этилиши билан ажралиб туради. Улар ички кечинмаларни ошкор, эркин ифодалайдиган, бадий жиҳатдан юксак, киши юрагидан ўчмас жой эгаллайдиган, асосан, ишқ-муҳаббат кечинмаларини тасвирлайдиган қўшиқлардир. Ўланлар ва лапарлар

халқ кўшиқларининг тури сифатида кўпинча бармоқ вазнида, баъзилари аруз вазнида яратилгандир. Улар, одатда, қизлар бир томон, йигитлар бир томон бўлиб, диалог шаклида айтиладиган халқ кўшиқларидир. Уларнинг бошқа кўшиқлардан фарқи шуки, уларнинг мазмунида оху фиғон, ҳасрат, ҳижрон аламлари, жудолик, шахсий тутқунлик, диний тазйиқ изтироблари оз бўлиб, нисбатан фикрий эркинлик бор. Ўлан ва лапар айтишдан мақсад кўпнинг кўнглини олиш, тўйни қизитиш, кўнгилдагиларни изҳор этиш, дунёнинг иссиқ-совуғи, аччиқ-чучуғи билан ёшларни таништириш экан, тўйга келиб ўлан ё лапар айтмаслик яхши эмаслиги айтилиб, уларга хос турлитуман йўллар билан танқид қилинади.

“Фарғона водийсида ўланлар, асосан, қишлоқлар, тоғли жойлардаги чорвадорлар орасида кенг тарқалган. Ўланларнинг ўзини ҳанузгача “турк” деб юритувчи аҳолининг қорабош, бекзода, барлос уруғлари орасида кўп учратиш мумкин. Ўланлар келин тушди тўйларида келин ва куёв томон йигит-қизлар орасида худди лапарлар каби баҳслашув тарзида, баъзан меҳмондорчилик ўтиришлари: базмлар, гап-гаштакларда малакали ўланчилар томонидан тарафкашлик усулида, диалог шаклида ижро қилинади.

Халқимиз орасида кенг тарқалган ва қиз-йигитларнинг диалогик нутқи тарзида ижро қилинадиган “Билакузук”, “Дейди-ё, дейди-ё”, “Қошингни қаро дейдилар”, она ва қиз ўртасида куйланадиган “Бошгинам оғрийди”, отанинг қизига айтадиган “Бозорга борайми, қизим?” чол ва кампир ижросида кечадиган “Қилпиллама” ва ҳоказо сингари кўшиқлар машҳурлиги билан эътиборни тортади.

Халқ кўшиқлари орасида монологик нутққа асосланганлари кўпчиликни ташкил қилади. Хусусан, лирик ва меҳнат кўшиқлари бунга кўпроқ мисол бўла олади. Масалан, ёрғичоқда, яъни уй шароитида ун тортишга мўлжалланган қўл тегирмони билан ишлаётган аёл бу меҳнат қуролини ўзига кўмақдош, ҳамдард ҳисоблагани учун уни ишлатиш жараёнида куйлайдиган кўшиқларида “ёрғичоғим” дея, ёрғичоққа инсон каби мурожаат қилиши, уни ўзига яқин олиши кузатилади. Кўшиқда ёрғичоқ тортаётган аёлнинг юраги дардга, ҳасратга тўлиб- тошганлиги алоҳида таъкидланаётир. Куйловчининг қалбидаги дард бедаво эканлиги, унинг оғриқлари олдида ёрғичоқ тортиб толиққан қўлнинг

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

жазиллаши ҳеч нарса эмаслиги айтилмоқда. Халқимизда узоқ йиллар давомида тузалмаган хасталик “дарди бедаво”, “қўхна касал” деб юритилади. Қўшиқда ҳам бу дарднинг етти йиллик, яъни эскириб кетганлигига алоҳида урғу берилмоқда. Аниқроғи, бу дард хотин-қизларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ ижтимоий дард, ҳаётий фожиа бўлиб, унинг давоси фақат жамият тартибларини ўзгартиришни тақазо этган. Фақат ўтмишда бунинг учун етарли шарт-шароит бўлган эмас. Шунинг учун ўтмиш аёлларига бу ҳол “бедаво дард” бўлиб кўринган. Демак, ушбу қўшиқда хотин-қизларнинг бахтли ҳаётга эришиш ҳақидаги орзу-истаклари тараннум этилмоқда.

Монологик тарзда ифода этилган бундай ҳасратни меҳнат қўшиқларининг бошқа турларида ҳам учратиш мумкин:

Ўрмакни ўрдим тақ-тақлаб,
Харидор келди шақ-шақлаб,
Бир мири, икки танга олтин эмас,
Шунча азоб бу пулга тенг келмас.

Бўзчиларга ўз ички дардини айтиш борасида эстетик қониқиш бахш этган бу силсиладаги меҳнат қўшиқларида бўзчининг ўз меҳнатига баҳоси, муносабати реал акс этгани кузатилади:

Бўз тўқийман, қироғини ўхшатиб,
Мокки отаман қўлгинамни қақшатиб,
Бозордаги шоҳилардан яхшироқ,
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Бўзчи тилидан куйланаётган ушбу қўшиқда бўзчи-косибларнинг соатлаб қўл-оёқни бир маромда ҳаракатлантиришлари натижасида ўта толиқиш, бироқ тайёр бўлиб келаётган матони кўриб, бу толиқишни унутиш, писанд қилмаслик сингари ҳислар ҳақида куйланыпти. Бўзчи ишлайдиган жой – “дўкон уй” деб аталган:

Дўкон уйга кирсам, танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам, яхшийди,
Қариси тиллага кетса қанийди?!
Менинг бўзим шундай арзон кетарми?

Қўшиқ мазмунидан бўз тўқиш ишининг жуда машаққатли, унумсиз эканлигини, шунинг учун бўз тўқишни бошлаш учун дўкон қурилма олдига ўтиришдан безиллаб қолган бўзчининг қалб тугёнларини ҳис этиш мумкин.

“...YOVVOYI TOG’ KIYIGIN...” QO’LGA O’RGATGAN YUSUF XOS HOJIB

Karimova Laylo Izzatullayevna

Buxoro viloyati G’ijduvon tumani
21- umumiy o’rta ta’lim maktabining
o’zbek tili fani o’qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada Y.X.Hojibning turkiy tilning naqadar boy leksik ma’nolarga, sinonimlarga ega ekanligini mashhur asari “Qutadg’u bilig” misolida, undagi she’riy parchalarda qo’llanilgan sinonimlar orqali ochib berilishi haqida fikr va mulohazalar bayon qilingan.

Moziydan bugungacha o’zining ma’no nozikliklarida Navoiyni maftun qilgan turkiy tilimiz azal-azaldan boy til bo’lgan. Uning shakllanishi-yu taraqqiyotida ulug’ so’z san’atkorlaridan Yusuf Xos Hojib ham ona tiliga so’z mulkining sultonidan kam shaydo bo’lmagan. Buni uning bugungi kunda nodir durdonamiz hisoblangan “Qutadg’u bilig” asaridan bilish mumkin. Zero, hozirgi o’zbek adabiy tilining lug’at boyligi o’zbek tilining butun tarixiy taraqqiyoti davomida shakllangan hodisadir.

Ma’lumki, tilning boyligi va nutqning jozibadorligi, ta’sirchanligini ta’minlashda sinonimlarning ahamiyati katta. Sinonimik qatorni tashkil etgan so’zlar qaysidir ma’no qirralari bilan bir-biridan farqlanadi va o’z navbatida ma’no nozikligini ta’minlaydi. “Sinonimlar nutqda qaytariqlarga yo’l qo’ymaslik, nutqni ravon tuzish imkoniyatini beradi”. Tahlilimizda hozirgi emas, balki XI asrda ishlatilgan sinonim so’zlarga e’tibor qaratamiz.

Qamug’ nangka vaqt ul, kuni belguluk,

Nafas, tin to’qurqa sani belguluk.

Yil, ay, kun kechartek tiriklik kechar,

Kechar kun kechirkay sani belguluk.

(www.ziyouz.com kutubxonasi)

Ma’nodosh so’z sifatida misrada kelgan *nafas, tin* to’qurqa so’zi hozirgi o’zbek adabiy tilida *dam olmoq, nafas olmoq, tin olmoq* kabi ma’nolarni anglatib keladi (O’TIL 145-bet). Mazkur so’zlar o’zining “*orom olmoq, hordiq olmoq*” ma’nosi bilan bir sinonimik qatorni tashkil etadi. Bunda ‘nafas olmoq’ so’ziga nisbatan “tin olmoq” so’zida ma’no ottenkasi

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

kuchliroq va badiiy uslubga xos soʻz hisoblanadi. Mazkur leksemalar sheʼrdagi nutqiy taʼsirchanlikni oshirgan. Ushbu sinonim soʻzlar sheʼrdagi oʻynoqi ohang hamda jozibadorlikni taʼminlagan.

Tirig beg kishika kerak edgu yang,
Kerak boʻlsa bulgʻay qamugʻ edgu nang.
Esizka nekulug kerak *mal, tavar*.
Necha kirsra boʻlgʻay chigʻay birla teng.
(www.ziyouz.com kutubxonasi)

Mol, tovar soʻzlari mazkur bandda maʼnodosh sifatida qoʻllangan. Soʻzlarni sinonimik qatorga ajratishda ularning grammatik va leksik maʼnolariga tayaniladi. Chunonchi, sinonimik qatordagi soʻzlarning grammatik maʼnolari bir xil boʻladi va bir soʻz turkumiga kiruvchi til birliklaridan tashkil topadi. Ushbu sinonim soʻzlar ot soʻz turkumiga doir boʻlib, mol soʻzi bosh soʻzdir.

Mol – arabcha “*boylik, mulk, pul jamgʻarmasi*” maʼnosini (OʻTIL III 610-bet), *tovar* esa “*talab, ehtiyojni taminlovchi oldi-sotdi, bozor munosabatlarining obyekt*” (OʻTIL III 610-bet) maʼnosini bildiradi. Bu yerda ‘*tovar*’ ga nisbatan “*mol*” leksemasining ishlatilish doirasi kengroq. Shuning uchun ham sheʼrda ohangdorlik hamda maʼno oʻynoqiligi yuzaga kelmoqda.

Y.X.Hojibning “*Qutadgʻu bilig*” asarida leksemalar oʻrtasidagi sinonimlik bilan bir qatorda soʻz va iboralar oʻrtasida ham sinonimlikni kuzatish mumkin:

Biliglig kerak bir, *uqushlugʻ, udugʻ*
Angar tegmasa bir moʻfacha yudugʻ.
*Qilinch*edgu, *erdam* kerak ming tuman.
Ati edgu boʻlsa, tutunsa budugʻ.
(www.ziyouz.com kutubxonasi)

Mazkur sheʼrda sinonim soʻz sifatida Y.X.Hojib *uqushlugʻ, udugʻ, qilinch, erdam* leksemalarini qoʻllagan. Bu soʻzlar Qayum Karimov tomonidan *dono boʻlish, oqil boʻlish, xislat, feʼl* deya tabdil qilingan. *Qilinch (xislat)* – “*kishining muhim ijobiy belgisi, sifati, xususiyati,*” (OʻTIL. IV.402-bet) maʼnosini va *erdam (feʼl)* soʻzi – “*kishi xarakterini tashkil etuvchi ruhiy xususiyatlar va undan yuzaga keluvchi xatti-harakatlar majmui*” (OʻTIL. IV. 340-bet)ni bildiradi. Bunday sinonim soʻzlar adibning mahoratini koʻrsatmoqda va oʻrinsiz qaytariqlarning oldini olishga xizmat qilyapti.

Kerak *oqil, dono* va hushyor *boʻlish*,
To insonga yuz urmagay dushvor ish.
Kerak ming tuman *xislat-u ezgu feʼl*.
Er otin qilur ezgu oʻzni tutish.

(www.ziyouz.com kutubxonasi)

Ushbu o'rinda sifat so'z turkumiga oid leksemalar bir sinonimik qatorni tashkil etgan. Bunda sifat so'z turlumiga kiruvchi *uqushlug'* (*oqil*) – "*o'tkir aql sohibi, aqlli*," (O'TIL III 178-bet), *udug'* (*dono*) so'zi "*aql-zakovatli, donishmand, oqil*" (O'.T.I.L.I tom.234-bet) ma'nosini bildiradi. Bu esa fikrda ta'sirchanlikni yuzaga keltiradi.

Asal yangluq o'g'li o'gush nang terar
Nekuka, tegarmu, saqinmas birar.
Buyursa, tilakini tapsa tugal,
Tugatur tiriglik *ajal, jan berar.*

G'ofil inson o'g'li talay mol terar,
Nima muddaoda, tushunmay biror.
Boyisa, tilagini topsa tugal,
Tugatur hayotni, *o'lar, jon berar.*

(www.ziyouz.com kutubxonasi)

"*Yashashdan to'xtamoq*" ma'nosini anglatuvchi *ajal* (*o'lmoq*) so'zi frazeologik birikma sanalmish *jan berar* (*jon bermog*) iborasi bilan o'zaro sinonimlikni hosil qilmoqda. "*O'lmoq*" leksemasi sinonimik qatorda dominanta so'z hisoblanadi. Adib bosh so'zdan keyin xuddi shunday ma'noni anglatuvchi iborani keltirish bilan fikrda ta'kid, ma'noda kuchaytirish va ta'sirchanlikni hosil qilgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, "*Qutadg'u bilig*" dan olingan yuqoridagi misollarda Yusuf Xos Hojib turkiy tilni haqiqatdan ham yovvoyi tog' kiyigi singari qo'lga o'rgatgan, ya'ni uning eng nozik va intim ma'nolarini topa olgan va tahlil qila bilgan. Shu sababdan ham, ilm olamida "*Qutadg'u bilig*"dek nodir yodgorlik bugungacha o'z salmog'ini yo'qotmaydi va aksincha, kundan kunga maqomi oshib boryapti. Shuning uchun ham bunday asarlarni ko'proq tahlilga tortsak, o'qib o'rgansak, ziyo olami uchun nurli shu'la bo'lib xizmat qilardi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov H, Eshonqulov E. O'zbek tili. – Toshkent: 1982.
2. Aliqulov A. Leksemalarning tasnifiga doir. "*Til va adabiyot ta'limi*" jurnali. 2005, 2-son
3. Abduraxmonov H., Mahmudov N. So'z estetikasi. – Toshkent: "*Fan*", 1981.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

4. Jamolxonov H. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – Toshkent: “To`lqin”, 2005.

TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ONA TILIM

Aziza Kenjayeva

Kogon tuman 1-IDUM

Ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o`zbek tilining eng jozibador til ekanligi xususida so`z boradi.

“O`zbekchilik! Qanday sodda, qanday qalbga yaqin, qanday samimiy, qanday jafokash bu so`z! Tong qorong`usida turib ko`cha supurayotgan kelinchakning supurgisi shu so`zni qo`shiq qilib aytayotganday, paxtazordan paxta to`la qop orqalab chiqayotgan yigitning qoraygan, ajinli yuzlaridan oqib lablariga tushgan terda «o`zbekchilik» degan so`zning ta`mi bor”. O`zbekiston Qahramoni Erkin Vohidovning yuqoridagi fikrlarini eshitgan, balkim o`qigan insonning qalbi junbushga kelmay iloji yo`q.

Ha, o`zbekchilik qo`yingki, o`zbeklar haqida gap ketar ekan dunyo hamisha lol va hayron. Shu o`rinda o`zbek tili ham asrlardan sog`-omon o`tib, biz yoshlarga shu ko`rinishga yetib kelganiga shukronalar aytmaslikning o`zi bir loqaydlikdir.

1989-yil... ona tilimiz necha yillik istibdod zulmidan ozod bo`lib, hurritay sari yuz tutdi. 1989-yil... tilimiz qaytadan tug`ildi. Mustaqillik bizga qanot bag`ishlaganidek, tilimizga davlat tili maqomining berilishi ham uning o`zligini namoyon qilish uchun keng imkoniyat yaratdi.

Jahon arenalarida o`z ona tilingda gapirish qanchalar maroqli. Buni o`zga yurtlarga borib yurtimiz nomini tanitayotgan yoshlar ko`zidan ko`rishimiz mumkin.

Bola ilk qadam tashlagan kun va “ota-ona” deb so`zlagan kun hamisha yodda qoladi. Ayniqsa, bu so`zlar bizning ona tilimizda yanada jarangdor eshitiladi. Radiodan yoki oynayi jahon orqali tilimizda yangragan kuyni eshitib, beixtiyor shu tilda so`zlashadigan xalqning farzandi bo`lganingdan Ollohga shukronalar aytasan!

Tilimiz shunchalar boyki, bir ma'nodagi so'zni bir necha xil ko'rinishda aks ettira olamiz. Masalan, *ota, padari buzrukvor, qiblayi olam*. Aynan shu so'zlarni tarjimonlar ham tarjima qila olmaydi. Ular yodlagan ulkan lug'atlar ham tilimiz oldida lol. O'zbekning jafokash bir farzandi Abdulla Qodiriy ta'kidlaganidek: "O'zbek tili kambag'al emas, balki o'zbek tilini kambag'al deguvchilarning o'zi kambag'al, ular o'z nodonliklarini o'zbek tiliga to'nkamasinlar".

Bizning taqdirimizga ko'chgan, o'zligimizni anglashimizning sababchisi bo'lgan o'zbek tiliga tasannolar bo'lsin, hamisha navqiron va go'zal yurtimizning boshidagi toji bo'lib tursin.

Davlat tili maqomi berilganining qutlug' 31 yilligi muborak bo'lsin, ONA TILIM!!!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vohidov E. Saylanma. VI jild. Erk saodati. 2018.
2. www.ziyonet.com

INDIVIDUAL NUTQ NEOLOGIZMLARI HAQIDA

Sarvinoz Mardonova Oripovna

BuxDU II bosqich magistranti

ANNOTATSIYA. Maqolada neologizm va u bilan bog'liq individual nutq neologizmlari, ularning yuzaga kelish mezonlari yoritilgan. Badiiy asarda leksik neologizmlar, neologizm-leksema, affiksasiya usulidagi individual nutq neologizmlari, kompozisiya usulidagi individual nutq neologizmlari haqida fikr yuritilgan.

Individual nutq neologizmlari neologizmning bir ko'rinishi bo'lib, mazkur hodisaning tadqiqi bilan ham bog'liq. O'zbek tilshunosligida neologizm hodisasi tarkibida "yangi leksika", "sof yangi leksika", "faollashgan leksema", "umumtil neologizmi", "individual nutq neologizmlari", "okkazonalizm" va h.k. atamalar uchraydi [2;3;4;10]. Shuningdek, "individual-stilistik neologizm" (N.Mahmudov), "maromsiz yasamalar" (S.Toshaliyeva) kabi qo'llanishlar ham kuzatiladi.

Ma'lumki, badiiy matn uchun ijodkorning o'zi tomonidan badiiy niyatini ifodalash maqsadi bilan yasalgan, yaratilgan individual neologizmlar estetik qimmatga molikdir [7,34].

O'zbek lingvopoetikasida bu borada, ya'ni badiiy uslubda

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

individuallik, uning ko‘rinishlari borasida ayrim ijodkorlar misolida u yoki bu darajada tadqiqotlar amalga oshirilgan [5;6;9], oshirilib kelinmoqda.

Badiiy adabiyotda individual nutq neologizmlarini yasashda umumli so‘z yasovchi affikslar ishtirok etganligi kuzatiladi. Umuman, individual nutq neologizmlari, odatda, ijodkorlar tomonidan favqulodda yaratilgan nutqiy hosilalar hisoblanib, okkazional (g‘ayritabiiy) xarakterda bo‘ladi. Ular vaqt o‘tishi bilan umumiste‘moldagi so‘zga aylanishi yoki ma‘lum bir asar doirasida qolib ketishi mumkin. Masalan, G‘.G‘ulom ijodida o‘z davrida individual nutq ko‘rinishi bo‘lgan *mozollanmoq* (*mozollangan qo‘llar* – “Olqish”) so‘zi qo‘llanish doirasini kengaytirib, umumiste‘moldagi so‘zga aylangan bo‘lsa, *fashistlanmoq* (*fashistlanaroq* – “To‘qinish”), *qo‘ng‘irlamoq* (*Qo‘zichoqning barrasiday ... mayda qo‘ng‘irlab* – “Non”) kabilar shu asar miqyosida qolib ketgan, ya‘ni ommalashmagan.

Ijodkor “o‘z yasamasi”ni – ijod mahsulini ommalashishini, shu til egalari lug‘at qatlamidan qat‘iy o‘rin olishini maqsad qilmaydi. U so‘zni zarurat mahsuli sifatida yaratadi. O‘quvchining diqqatini qaratishga, unga estetik zavq ulashishga harakat qiladi. Adabiyotning, xususan, she‘riyatning asl maqsadlaridan biri ham shu. Misollarni kuzatamiz: 1.*Biri bog‘ egasi, o‘zgasi molchi yoki shoir kabi o‘ta xayolchi* (Ertakdan) 2.*Yurakdoshmiz! Biz she‘r degan bir balo dardga yo‘liqqanmiz.* (U.Azim) 3. *O, O‘zbekiston, asal sandig‘im mening, asalistonim mening.* (O.Matjon) 4. *Yozda changiston-u, qishda balchig‘iston ko‘chamen.* (E.Vohidov) 5.*Tillarim biyrondir, tillarim savolkor/ Javob topolmasman – dillarim xira.* (U.Azim)

Ko‘rinadiki, misollardagi yangi yasalmalar bir o‘qishdayoq o‘zgacha ta‘sir etadi, diqqatni tortadi. Ba‘zida ijodkor jimjimadorlikka berilgandek, til me‘yorlari chegarasini buzgan kabi taassurot uyg‘otadi kishida, lekin his-tuyg‘ulari oshgan, ilhomlangan ijodkor doim ham lug‘at qatlamidagi mavjud so‘zlarga ko‘na qolmaydi. Masalan, iste‘dodli shoir O.Matjon yuqoridagi misrada O‘zbekistonning epiteti sifatida *asal sandiq* birikmasini va *asaliston* nutqiy yasama so‘zini qo‘llaydi. Har ikkala tasvir ifodasi ohorli, betakror deya olamiz. Vaholanki, chinakam badiiy ma‘no uchun eng muhim o‘lchov uning yangiligi, ohorlilik hisoblanadi [7,32].

Affiksatsiya usulida yasalgan bu kabi individual-badiiy neologizmlar ijodkor istak-xohishi (subyektiv ehtiyoj), badiiy niyati tufayli yaralgan, albatta. Ular so‘z yasash me‘yorlariga ham shaklan, ham mazmunan javob

bera oladi. Masalan, *odamzor*, *duozor* soʻzlari [ot+zor], *navroʻzfurush* soʻzi [ot+furush], *ishqlanmoq*, *alvonlanmoq* [ot/sifat+lan] soʻz yasash qolipi mahsuli sanaladi.

Maʼlumki, nutqimizda mavjud qoʻshma soʻzlar til birliklari sanaladi, ularni lugʻatlar qamrab oladi. Biroq badiiy adabiyotda – ijodkorlar ijod mahsulida amaldagi imlo va izohli lugʻatlarda uchramaydigan nutqiy qoʻshma soʻzlar ham kuzatiladi. Buni esa qoʻshma soʻzlarning taraqqiyoti bilan baholash mumkin:

1. *Shamollar ot solar Qoʻshtegirmonga,*
Osmonni supurar nuqratan terak. (I.Mirzo)

2. *Sheʼriyat bu qadim buyuk soʻqmoq ekan,*
Kiyiksoʻqmoq ekan, kiyik soʻqmoq ekan. (M.Yusuf)

Misollarda *nuqratan*, *kiyiksoʻqmoqi* [ot+ot] qolipi tarzidagi nutqiy yasama qoʻshma soʻzlar qoʻllangan.

Kuzatishlar koʻrsatdiki, qoʻshma soʻzlar yaratishda M.Yusuf ijodi yetakchilik qiladi. Uning ijodiy merosida *oʻzbekmomo*, *kiyiknigoh*, *kiyiksoʻqmoq*, *toʻykoʻcha*, *sohibdil*, *oyqovoq*, *kulkoʻrpa*, *lodayonoq*, *tillabarmoq*, *suvsumbul*, *arslonpanja* va h.k. shaklan va mazmunan betakror soʻzlar oʻrinli qoʻllanganligiga guvoh boʻlamiz. Bularning qoʻllanishida suniylik sezilmaydi.

Umuman, tilimizda qoʻshma soʻzlarning yasalishi davomli kechmoqda. Xususan, mustaqillik davri oʻzbek adabiyotida yangi yasalmalar salmoqli oʻringa ega. Misollarni kuzatamiz: *yulduzgul* (*Osmon chamanida yulduzgul tering.* I.Mirzo), *koʻngilshoh* (*Oʻz doʻstini oʻylamaydigan/ Koʻngilshohning nimasi buyuk.* B.Fazliddin), *chaqmoqtuyoq* (*Chaqmoqtuyoq toyimdan/ Ayirmoqchi boʻlishdi.* M.Yusuf), *billurtan* (*Qor–billurtan farishta.* U.Azim), *Odamtoshlar* (Z.Mirzayeva).

Koʻrinadiki, ijodkorlar qoʻshma soʻzlar yaratishda til qonuniyati uchun muhim boʻlgan, yaʼni soʻzlarning mazmuniy-mantiqiy, grammatik birikish usullari (meʼyorlar) dan chekingan emas.

Juft va takror shakldagi individual nutq neologizmlari ham uchrab turadi: Qochmay elatning tanti-mardlari, Kelsa ham doʻzaxning balo-badlari. (U.Azim)

Iboralarning yangicha koʻrinishlari (qayta ishlangan, tarkibiga yangi birliklar kiritilgan, tarkibi qisqartirilgan va b. Masalan: *Yana uch kun jim turib bersangiz*, *mulla mingan velosipeddek yuvosh boʻlib qolasiz.* S.Ahmad)

DAVLAT TILI – IJTIMOYIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

badiiy adabiyotda kuzatiladi[7,36].

Til ijtimoiy hodisa sanalib, undagi soʻzlar davr bilan bogʻliq holatda maʼno imkoniyatini oshirishi yoki aksincha holga tushishi mumkin[1]. Soʻzning qoʻshimcha maʼno kasb etishi neologizm-semema atamasi ostida ham oʻrganiladi. Neologizm-semema neologizm-leksemaga nisbatan kam kuzatiladi.

Isteʼdodli shoir U.Azimning “Gʻaroyib ajdarho” dostonida *lipillamoq* soʻzi bilan yangi neologizm-semema vujudga kelganiga guvoh boʻlamiz: *Bir maʼno uqqanday/ Cholning soʻzidan/ Quvonch lipillaydi/ Shohning yuzida.* Shoir “quvonch alomatlarining inson tashida yuz koʻrsatishi”ni *lipillamoq* yasama feʼli orqali ifoda etgan. Mazkur maʼno “Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da oʻz ifodasiga ega emas[8,500]. Shuning oʻziyoq bu soʻzning neologizm-semema ekanligidan dalolat beradi.

Soʻzning qoʻshimcha maʼno ifodalari isteʼdodli shoir Faxriyor ijodida ham salmoqli oʻringa ega. Masalan: *Gullarim qonaydi/ Alvon gullarni/ menga ravo koʻrmish bu taqdir/ Hijronroʻy qizgʻaldoq boʻldi yupanchim.* Mazkur misralarda ikkita individual neologizmi kuzatish mumkin. Biri *hijronroʻy* soʻzi boʻlsa, ikkinchisi neologizm-semema boʻlgan *qonamoq* soʻzidir. Ijodkor ushbu parchada *qonamoq* soʻzini oʻz maʼnosidan tashqari maʼnoda, yaʼni lugʻatlarda izohlanmagan maʼnoda qoʻllaydi. Gullarning qizil tusga kirishini “gullarim qonaydi” birikmasi bilan ifoda etgan. Shu bilan birga, mazkur soʻz maʼnosi orqali shoirning alam, dardlarini ham oʻquvchi his qila oladi.

Xullas, individual nutq neologizmlari lugʻat qatlamimizning boyishiga ham maʼlum maʼnoda xizmat qila oladi. Ulardan oʻrinli foydalanish nutq taʼsirchanligini taʼminlashda qoʻl keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Mirtojiyev M.M. Oʻzbek tili semasiologiyasi. –Toshkent: “Mumtoz soʻz”, 2010. – 284 b.
- 2.Sayfullayeva R. va b. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent: “Fan va texnologiyalar”, 2010. – 404 b.
- 3.Toshaliyeva S.N. Oʻzbek tilida okkazional soʻz yasalihi. Filol. fanlari nomz. ... dis. avtoref. –Toshkent: 1998. – 27 b.

4. Tursunov U. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Oliy o'quv yurtlari filologiya fakultetlari talabalari uchun darslik. – Toshkent: "O'zbekiston", 1992. – 339 b.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Mukumova Dilrabo Burxanovna

Buxoro viloyati G'ijduvon tumani 78-DMTT direktori

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, o'zbek tilining taraqqiy topishi va rivojlanishi va keng imkoniyatlari, o'zbek tilini o'rganish va o'rgatishning ahamiyati to'g'risida fikrlar yuritilgan.

Har birimiz davlat tiliga bo'lgan e'tiborni mustaqillikka bo'lgan e'tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni ona vatanga ehtirom va sadoqat deb bilishimiz, shunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantirishimiz kerak, degan edilar muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev.

Til – millat ko'zgusi. Davlat timsoli va uning ma'naviy mulkidir. Ana shu ma'naviy mulkni asl holicha asrash, rivojlantirish – millat va davlatning tom ma'nodagi yuksalishi demakdir.

Jannatmonand O'zbekistonimiz va sofdil, shirinsuhan o'zbek xalqimiz ana shunday yuksalish yo'lini tanladi. Bundan 31 yil muqaddam o'zbek tilimizga davlat tili maqomi berilgan edi. Bu esa o'zbek millatimizning mustaqillik, ijtimoiy taraqqiyot, milliy yuksalishga qo'ygan ilk poydevori bo'lgan desak mubolag'a bo'lmaydi. Shuning bilan birgalikda o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi milliy qadriyatlarimizning tiklanishi va rivojlanishi uchun ham katta imkoniyatlar eshigini ochib berdi. Shu yillar oralig'ida o'zbek tilimizning nufuzini oshirish va uni ilmiy rivojlantirish uchun anchayin samarali say'i – harakatlar amalga oshirildi. Respublikamizning barcha ta'lim muassasalarida o'zbek tilini o'qitish, ilmiy va rasmiy ma'muriy ishlarning barchasini o'zbek tilida olib borilishi yo'lga qo'yildi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Bugungi kunda esa ona tilimizga mehrni, uning badiiyligi,sofligi,takrorlanmas go'zalligini yosh avlod ongu shuuriga maktabgacha yoshdanoq singdirib borish ko'p jihatdan biz pedagoglarning vazifamizdir. Ta'lim oluvchilarda milliy tafakkur va dunyoqarashni, mustaqil mantiqiy ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalashga qaratilgan ta'lim maqsadi ishlab chiqildi. Milliy tilimizning o'ziga xos qurilishi, talqinini o'z ichiga olgan ta'lim mazmuni yo'lga qo'yildi.Tafakkur salohiyatini rivojlantirishning eng samarador ta'lim usuli joriy etildi. Shu jumladan maktabgacha ta'limda ham ilk yoshdagi bolalar bilan olib boriladigan ta'lim –tarbiya ishining vazifasi va mazmuni, vosita va metodlari bu yoshdagi bolalarning nozikligi, yordamga muhtojligi,mustaqil hayotga moslashmaganligini e'tiborga olgan holda ishlab chiqildi. Maktabgacha yoshdanoq bolalarga badiiy o'zbek tilida to'g'ri so'zlashishni, atrofdagilar bilan sof, samimiy munosabatni, kitobga bo'lgan mehrni shakllantirib borsak maqsadga muvofiq bo'ladi. Chunki ona tilini o'rgatish maktabgacha ta'limda millat kelajagining poydevoridir.

Inson hayotidagi maktabgacha yosh, maktab yoshi davri hamda ijtimoiy yetuklik va katta yosh davri bo'ladi. Bu davrlardan har biri qisqaroq yosh bosqichlar bo'lib ular inson kamol topishining muayyan, o'ziga xos jihatlari bilan ajralib turadi. Bolalar nutqini rivojlantirishda ota-ona va tarbiyachi o'zaro hamkorlikda ishlagina maqsadga erishadi. Shunday ekan, avvalo tarbiyalanuvchiga ta'lim tarbiya berayotgan tarbiyachining o'zi har tamonlama yetuk,vatan tuyg'usini, go'zallikni his qiladigan, o'ta zukko, bilimli, hozirjavob notiq, zamonaviy fan yutuqlaridan xabardor, qolaversa, xushmuomala, yuksak ma'naviyat va madaniyat sohibi bo'lishi lozim. Zero nutq eng katta boylikdir. Inson nutqi va gapira olishi bilan ulug'dir. Barcha asrlarda xalqlarni bir-biriga bog'laydigan yaqinlashtiradigan asosiy vosita bo'lgan.Ayrim tillar hatto xalqlar o'rtasida ko'prik vazifasini bajargan. Shuning uchun ham "Til bilgan dil biladi" deyдилar.Til insonlar o'rtasida muloqot vazifasini bajaradi. Har bir millat tarixi, qadriyatlarini aks ettiradigan til bu milliy tildir.Til har bir xalq hayoti bilan bog'liq holda taraqqiy qiladi,boyiydi,sayqallanadi,jamiyatda qadr topadi.Shuning uchun ham u ijtimoiy hodisadir.Insonning nutqini kamolga yetkazish uchun oila, maktabgacha ta'lim, maktab va uzluksiz ta'limning bosqichlarida ma'lum bir tadbirlar amalga oshirib boriladi.

Xususan yuqorida ta'kidlanganidek, nutqning ilk shakllanish davri bu oila hisoblanadi. Oilada biz kattalar bolalar oldida so'zlarni to'g'ri va to'liq talaffuz etishga odatlanishimiz darkor. Ta'lim-tarbiya tashkilotlarida esa tarbiyachilar murabbiy va o'qituvchilar bola andoza oluvchi jonli ko'rgazmali qurollardir. Bundan kelib chiqadiki, bola nutqiga andoza bo'lmoq uchun tarbiyachi, murabbiy va o'qituvchilarning o'zlari ham nutqi raso bo'lmog'i kerak.

Zero, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ta'kidlanganidek, " ... jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga avvalo ona allasi va ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili bu – millatning ruhidir. O'z tilini yo'qotgan har qangay millat o'zligidan judo bo'lishi muqarrar".

Til va ruhiyat, tafakkur bir-biri bilan chambarchas bog'liq tushunchalar hisoblanadi. Ona tilimizning taqdiri, buguni va ertasi uchun kuyinish hissi u xoh tilshunos olim, biror soha rahbari, muallim yoki tarbiyachi, xoh oddiy dehqon, tijoratchi yoki muhandis bo'lsin millatning har bir vakili qalgida jo'sh urib turishi kerak.

Biz tilni asraylik har nedan ortiq,
Yagona zaminni asragansimon.
Bobolardan qolgan bu tortiq,
Toki avlodlarga yetolsin omon!

Zero, hazrat Navoiy aytganidek, "Tilga ixtiyorsiz – elga e'tiborsiz". Bu hikmatli so'zlar ayni shu kecha kunduzda biz uchun dasturil amal bo'lmog'i darkor. Chunki til va el yaxlit bir hodisa hisoblanadi. Ulardan biriga zarar yetsa ikkinchisiga ham ta'sir etmay qolmaydi. Shunday ekan, o'zbek tili javohir xazinasining benihoya boyligi, go'zalligi, nafisligi jozibadorligini asraylik. Tilimizning bebaho xazinalarini qunt bilan o'rganaylik. Va uni asrab-avaylab, kelgusi avlodga asl holicha yetkazishda o'z hissamizni qo'shaylik! **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. "O'zbekiston" 2018 yil

2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T.: Ma'naviyat. 2008.

ТРАГЕДИЯДА ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАР

Мизрובה Ж.И.

БухДУ инглиз адабиёти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ. Шекспир ижоди тагматнидаги “олам-саҳна” каби яширин метафораси муаммоси Шекспир фаолиятининг энг кам ўрганилган соҳаларидандир. Мазкур метафорани Шекспир ўзининг бутун ижоди тагматнида, яширин ҳолда ишлатади. “Ҳамлет” трагедиясининг тагматнида яширинган “олам - саҳна” метафораси эса янада кенгайтирилган бўлиб, асар адабий усулининг элементи сифатида қатъий структурал функцияга эга ва фожианинг ўзи ҳам худди шу метафора асосида қурилган.

Кириш. «Ҳамлет» трагедиясида «олам-саҳна» каби яширин метафораси муаммоси, трагедиядаги синтаксис ва паремиологик бирликлари, фожидадаги турли образли услубий воситаларнинг ўзига хос хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда ўз аксини топиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Асосий қисм. Мазкур бўлимда «Ҳамлет» фожиасида қўлланилган «олам-саҳна» концептини ифодаловчи «action», «to act», «an act», «to play», «a play», «to perform», «a performance» (театр намоиши, спектакль), «to show» (кўрсатмоқ, намоиш), «a show», «art», «an audience», «stage», «fool», «player», «actor» айёрлик, маккорлик, ҳийлагарлик, муғомбирлик, макр, найранг, ҳийла-найранг каби таърифлари қиёсланадиган таржималарда таҳлил қилинган. Масалан биринчи мисолда “In action how like an angel!” каби гапида муаллиф Ҳамлет тилидан инсон шаклан ва ҳаракатлари билан фариштага ўхшаса ҳам, аслида, трагедия тагматнидаги “олам-саҳна” метафорасига мувофиқ фариштамонанд ҳаракатлари ортида сохталик, ясамалик ва унинг ҳаёт саҳнасида моҳир актёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Маҳоратли ўзбек мутаржими “action” сўзини (туриш-турмуши) деб жуда тўғри ўгиради. Ўзбек таржимони аслиятдаги “action” сўзининг миқёсини айнан Шекспирнинг ўзидай ифодалай олган ва рус вариантларидаги сўзларнинг (в действии – М.Л., поступками – Б.П.) маъноси кўлами жиҳатидан ҳам анча устун келган.

Трагедиядаги синтаксис ва паремиологик birlikлар таржимасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида аслият синтаксиси ва паремиологик birlikлари лингвопоэтик хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда акс эттирилишдаги ўзига хосликлари кўринадди. Биргина мисолда: Ҳамлетнинг қизгин нутқидан кўриниб турибдики, М. Шайхзода Б. Пастернак таржимаси воситасида ағдарганлиги туфайли рус вариантыда тушириб қолдирилган қаторлар ўзбек ўғирмасида ҳам қатнашмаган. Натижада, юқорида келтирилган М.Шайхзоданинг таржима матни ҳажми жиҳатидан аслият матнидан анча қисқартирилганини кузатишимиз мумкин.

Ж. Камол ўз таржимасини бевосита аслиятдан амалга оширган. Шу боис, унинг таржимасида аслият мазмуни аниқроқ ифодаланган ва мазкур таржимага янги қанот бағишлаган. Масалан, Шекспирнинг кичик ҳажмдаги нутқий бутунлигида, аслият матнида ҳам, рус таржима вариантларида ҳам **“масал”** каби сўз қатнашмаган бўлса- да, бевосита ўзбек таржимасида мазкур лексик birlikнинг қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат Ж.Камолнинг нафақат аслий матн, балки **“Ҳамлет”** асарига тегишли изоҳ-тасвирлар билан ҳам яқиндан таниш эканлигини кўрсатади Маълумки, У. Шекспир ижоди - инглиз тилига ўрнашиб олган паремиологик birlikларнинг асосий бадиий манбаи сифатида эътироф этилади. Тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллари натижасида баъзи таржималарда аслиятдаги паремиологик birlikларнинг сўзма-сўз таржималарини ёки сўзма-сўз ўғирмадан воз кечиб, турли трансформациялар ёрдамида муутаржимларнинг ижодий ёндашганини кузатишимиз мумкин. Масалан: калька, хиазм, инверсия, модуляция, конкретизация каби усуллар шулар жумласидандир.

Аслиятдаги турли образли услубий воситаларнинг (касаллик, оғир дард, уруш ва зўравонлик, қурилишга оид, егулик ва ҳазм қилиш, гўзаллик, инсоний фазилатлар) ларнинг қиёсланаётган таржималардаги шакли, уларнинг замирида турувчи тимсолларнинг турли грамматик, лексик ёки комплекс трансформацияларига ва ўзгаришларга учраган. Масалан: Масалан, Шайхзода курраи заминни **“this goodly frame”** яъни, **“кўркем иморат”** деб атайди. Ва Ж.Камол

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

таржимасида “коинот гулшани” ва М. Шайхзода ўғирмасида “коинотнинг бу гулзори” деб метонимия шаклига алмаштирилган. Кўринадик, ўзбек таржималарида шакл ҳам, тимсол ҳам ўзгартирилган. Аслиятда курраи заминга “кўркам иморат” тимсоли берилган, ўзбек таржималарида курраи заминга “гул” тимсоли берилиб, у коинотнинг гулшани ва гулзори деб мутаржимлар аслиятнинг бадий эффеќтини қайта яратиш маќсадида окказионал мослиќда ўзгартирилган. Ўзбек китобхони учун кўркамлик концептига мос келадиган “гул” тимсолини қўллаганлар: ва уларнинг таржималари табиий ва ишонарли чиќқан.

Паремиологик бирликларнинг таржимасида доим ҳам аслият миќёсига тўла-тўќис эришмоќлик қийин. Одатда, бундай табдилда ёки паремиологик бирликнинг ўзи ёки, унинг мазмуни қурбон бўлиши табиийдир. Асардаги паремиологик бирликларнинг ўғирмасида учрайдиган бир қатор лингвистик ва экстроллингвистик тўсиќларга қарамасдан мутаржимлар таржима трансформациялари ёрдамида аслият паремияларини таржима тилига яќинлаштиришга уларнинг стилистик буёғи ва ҳаттоки, афористик хусусиятларини, шунингдек, мазкур бирликларнинг структурасини ҳам имкон қадар асраб қолишга уринганлар.

Аслиятдаги сўз ўйинлари, паремиологик, фразеологик бирикмалар турли таржималари таҳлилларида уларнинг семантик, синтактик ва прагматик мутаносибликларда қурилган. Шекспир матнидаги бу каби турғун бирликларнинг адекват таржимаси деганда биз маълумотнинг семантик ва синтактик (эквивалент) структурасининг қисман ёки бутунлай ўзгарса-да, уларнинг прагматик хусусиятлари асраб қолингани кўрилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991. – Б. 920.
2. http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html
3. Маќсуд Шайхзода. Танланган асарлар. Учинчи жилд. – Тошкент., 1983. – Б. 124.

СЎЗ ҚИММАТИ

Сиддиқжон МЎМИНОВ,

ФарДУ профессори, филология фанлари доктори.

Наргизахон УМАРОВА,

ФарДУ доценти, филология фанлари номзоди.

Анваржон ЮЛДАШЕВ,

ФарДУ тадқиқотчиси.

АННОТАЦИЯ. *Мақолада сўзнинг илмий, тасаввуфий ва бадиий талқинлари, ёзма ва оғзаки нутқда тутган ўрни, семантик маъноси ва қиммати ҳақидаги фикрлар баён қилинган.*

Дунёда жуда кўп нарсаларнинг қиммати (нархи, баҳоси)ни аниқ биламиз. Бу соҳада бизга ёрдам берадиган ўлчов асбоблари (вазн, оғирлик ўлчайдиган тарози; вақтни ўлчайдиган соат; суюқлик ва узунлик ҳажмини ўлчайдиган литр, метрлар) яқиндан ёрдам беради. Аммо кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган меҳр, муҳаббат, садоқат каби ноёб туйғулар нархи, баҳосини аниқ билмаймиз. Шулар қаторида оламнинг аввалу охири бўлган СЎЗнинг қадр-қиммати ҳам бизга қоронғу. Хўш, бу ҳақда олимлар, тасаввуфчилар, ижодкорларнинг фикри қандай? Мақолада айнан мана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Машҳур рус тилшунос олими А.А.Потебня сўзнинг қимматини унинг ҳаётийлигидан, ҳаракатидан, лозим бўлса – энергетик кучидан излайди. “Одатда, биз сўзни унинг луғатдаги изоҳига биноан тавсифлаймиз. Бу ўсимликни гербарийда қандай кўринишига нисбатан тавсифлаш билан баробардир. Аммо бундай тавсифда сўзнинг ҳақиқий ҳаёти назардан четда қолади. Тилшуноснинг асл мақсади сўзнинг ҳақиқий ҳаёт кечирिश тарзини билишдир. Фақат шундагина биз тилнинг тафаккурни фаоллаштирувчи ва, айни пайтда, уни ифодаловчи кучга эга эканлигини тасаввур эта оламиз” [4, 466].

Сўзнинг лисоний фаолиятда тутган ўрнини, “энергетик кучи”ни билиш учун эса, ўз навбатида, унинг ботиндаги шаклу сиймосини тасаввур қилишимиз лозим бўлади [7, 154].

“Сўз – либос, маъно – унда яширин асрор” (Жалолиддин Румий). Бундан кўринадики, тилдаги ҳар бир сўз ҳам пурмаъноли бўлмаслиги мумкин, яъни муҳим белги даражасига кўтарила олмайди. Бу дегани

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

хар қандай сўз ўз концептосферасини ярата олмаслиги мумкин ёки биз шундай ўйлаймиз: арзимас калима, деб. Бир қарашда луғавий концептнинг семантик структураси абсолют даражада идрок этилмаслиги ҳам мумкиндек. Лекин ҳар ҳолда мушоҳадалар орқали концептга хос семиотик қурилма шаклланиб боради. Румий таъбири билан айтиладиган бўлса: “Ҳар нечук маҳрумият – муяссарият. Ҳар нечук муяссарият – маҳрумиятдир” [5, 257].

Ҳаким Санойй айтганидек, сўз ҳам яширин, ҳам майдонда. Лекин у менга гапиришни кўпроқ яхши кўради. У менга сўз сўзлаганда, мен сўзда йўқоламан [6, 26-27]. Бу ўринда сўзда йўқолмоқни сўз таъсирига берилмоқ, сўз маъноси денгизига шўнғимоқ маъносида тушуниш ўринли бўлади.

Диний-тасаввуфий талқинда сўз ҳалоллиги тушунчаси ҳам мавжуд, яъни сўз фақатгина Пайғамбаримизгагина ҳалол қилинган экан: “Сўзланг, эй Муҳаммад! Чунки сўз сизга ҳалол қилинди. Сўзингиз улуғворлик соҳиби Аллоҳдандир” [6, 43]. Бу сўз – Қуръон демакдир. Сўзнинг ниҳоясиз, чексизлиги, бебаҳолиги ҳақида “Қуръони карим”нинг “Каҳф” сураси 109- оятида шундай ояти калима бор: “Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар! [9, 214]”.

Хўш, ҳазрат Алишер Навоий сўзни қандай таъриф-тавсиф этади-ю, унинг моҳиятида қандай тушунчалар баён этилади?

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг сўзга бўлган чексиз эътиқод ва садоқатини “Ҳайратул-аброр” достонининг XIV-XV бобларини тўлиқ сўз таърифига бағишлаганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. XIV бобда, жумладан, шундай таърифларни ўқиймиз: “Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди. Тўрт садаф (тўрт унсур – сув, ҳаво, ер, ўт) ичидаги гавҳарга қути ҳам шу сўз, етти осмон юлдузларининг буржи ҳам шу сўз:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.

Сўз ўлган одамнинг танасига пок руҳ бағишлайди. Сўздан танадаги тирик руҳ ҳалок бўлиши мумкин...” [2, 13-14].

Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарининг бир неча танбихларида сўз ва унинг соҳиби, сўз қудрати, мулоийим сўзлилиқ, чин сўзнинг афзалликлари, ёлгон сўзнинг зарари ҳақида ибратли фикрларни келтиради [1, 15-95].

Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида тилга олинган, бироқ “Маҳбубул-қулуб” да тўлақонли ва изчил баён этилган “сўз” концепти доирасидаги нутқ одоби ҳақидаги мазкур қарашлар ўзбек миллий мулоқот хулқининг барча жиҳатларини ўзида мужассам этган, дея оламиз.

“Маҳбубул-қулуб” асаридаги 118 танбихдан 12 тасида сўз концепти доирасидаги мулоҳазалар баён қилинган. Айрим стереотиплар баъзи матнларда қайтарилган. Лекин бу каби стереотип такрорлар гарчанд аввалгиларига ўхшаса-да, айна бир фикрнинг такрори эмас. Бошқа тасаввур, бошқа мушоҳада ва бошқа ифода кўринишида бўлади. Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, Шарқ мутафаккири айтганидек, “... муқаллид (тақлид қилувчи) менинг сўзларимни на такрор эта олур, на уларга пайров қила олур. Улар мавҳум ва мураккаб. Мен уларни юз карра айтгум, ҳар гал янги бир маънони аён этгум. Лекин асосий маъно ҳеч кимга аён бўлмагай, дахлсиз ва мусаффолигича қолгай” [5, 259]. Назаримизда, ана ўша ҳеч кимга аён бўлмаган, дахлсиз ва мусаффо бўлган асосий маъно сўз концептосферасининг биз учун қоронғу қисмидан жой олганлиги бор гап.

Таъкидлаш керакки, ахлоқий, этик ҳикмат ва дидактик характердаги мазкур асарда кўпинча сўз концептининг фрейм структурасида сўз воқелигидаги нутқ, нутқ жараёни ва унинг натижаси ҳақида, сўзнинг ижтимоий-функционал жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Бунда мулоқотнинг фаол ва нофаол иштирокчиларига муносабат нуқтаи назари ифодаланади, сўзнинг моҳият эмас, балки ҳодиса сифатидаги хоссалари баён қилинади. Бунда сўз концептининг универсал маданий белгилари таъкидланади.

Сўз “инсон табиатининг ботинидан сузиб чиқадиган фикр, ғоянинг яратувчиси бўлиши” учун у “тафаккур воситаси” ва “фикрнинг боқувчиси” бўлиши керак. Сўзнинг фикрга оналик қилишини уларни боғловчи тугунда турган ботиний шакли таъминлайди. Шунга биноан ботиний шаклни топиш нафақат сўзлар ва жумлаларнинг маъносини англаш учун зарур, балки янгиликнинг яратилиши, маъно ижодкорлиги жараёнининг кечишини кузатиш учун ҳам даркор. Сўзнинг “ҳаёти” унинг қўлланиши, яъни мулоқот матнининг турли шароитларига мослашуви сифатида эътироф

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

этилар экан, “хар қандай янги сўз ясалиши билан янги маъно ва янги тасаввур пайдо бўлади. Шу боис айтиш мумкинки, хар қандай сўз даставвал уч унсурдан таркиб топади:

- товушлар бирикмаси, яъни маънонинг зоҳирий белгиси;
- тасаввур, яъни маънонинг ботиний белгиси ва
- маънонинг ўзи” [4 , 133].

А.А.Потебня томонидан қайд этилган сўзнинг бу уч унсурини Алишер Навоий ҳам эътироф этган. Навоий борлиқ оламни англашда сўзнинг ўрнини алоҳида таъкидлар экан, унинг бизни қуршаб турган олам яралмасдан аввалроқ мавжуд бўлганлигини, у мўъжизавий қудратга эга эканлигини таъкидлайди:

Бўлмаса эъжоз мақомида назм,

Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

Замондош ижодкорларимиз ҳам сўз қадр-қимматига оид турли жанрдаги асарларни яратганлар ва яратмоқдалар. Бу борада, айниқса, Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати”, Эшқобил Шукурнинг “Бобо сўз изидан” деб номланган адабий-бадий нашр услубида ёзилган китобларини алоҳида таъкидлаш керак. “Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади, – деб ёзади Эрин Воҳидов ўз китобининг ибтидосида, – Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан...” [3 , 5].

Эшқобил Шукурнинг сўз ҳақидаги хулосаси эса шундай: “...сўз ўзи ҳақида ўзи гапиради. Фақат унга диққат билан қулоқ солиш керак...” [8,7].

Дарвоқе, сўз қадри, қиммати ҳақида билмоқчи бўлсак, жавобни ўзидан изламоғимиз – унга диққат билан қулоқ солишни билмоғимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
2. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
3. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: O‘ZBEKISTON, 2014.

ОНА ТИЛИМИЗНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ, АЗИЗ ЗАМОНДОШ!

Шохида Мухаммедова,
Бухоро тумани 38- мактаб
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

Абдулла Қодирий

Ривоят қилишларича, бир филчани туғилганидан оқ қозикдаги узун занжирга боғлаб қўйибдилар. Филча йигирма йил шу қозик атрофида айланиб ҳаёт кечирибди. Уни озод этишибди. Фил гарчи занжирбанд бўлмаса-да, яна йигирма йил ўша қозик атрофида айланган экан... Мустабидлик занжирларини узганлигимизга қарийб ўттиз йил тўляпти. Бугун биз қалбан, маънан, руҳан, сийрату суратан ўзбек деган номга муносиб бўлиб яшашга тўла ҳақлимиз.

Статистик маълумотларга кўра: Дунёда тахминан 5621 та тил ва шева мавжуд бўлиб, ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган, холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви бўлмай, уларнинг аксарияти фақат оғзаки нутқ шаклига эгадир.

Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукамал шакланган, деб ҳисобланади. Фахрлансак арзийдики, ўша 40та тилнинг орасида ўзбек тили ҳам бор.

Дунёда энг бой тиллар қайси тиллар деб ўйлайсиз? Дунёда сўз бойлиги жиҳатдан энг бадавлат тиллар араб ва инглиз тиллари деб тан олинган бўлиб, инглизларнинг ҳисобида икки ярим миллиондан ошиқ сўз бўлса, араб тилида эса уч ярим миллиондан ортиқ луғат бойлиги борлиги манбаларда қайд этилади.

Дунёда энг камбағал тиллар ҳам борми? Дунёда энг камбағал тил сифатида эътироф этиладиган Африка Гвинея (пойтахти–Бисау шаҳри)да маҳаллий **таки** тили мавжуд. Унда бор -йўғи 340 та сўз бор, дейди статистика маълумотлари.

Шунингдек, Латвияда ливон тили бўлиб, унда жами 200 га яқин киши мулоқот қилиши ҳам аниқланган.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Дунёда энг кўп тарқалган тил қайси? Дунёда энг кўп тарқалган тил–испан тили. Испан тилининг асрлар давомида оммалашиб кетишига, аввало, машхур сайёҳлар, денгиз қароқчилари ҳамда испанларнинг мустамлакачилик билан боғлиқ сиёсатлари сабаб бўлган бўлишига қарамай, ҳозирда у дунёда энг кўп тарқалган тил мақомига эгадир. Ҳа, АҚШнинг 50та штатидан 23 тасида давлат тили испан тили (21тасида инглиз тили амалдаги тил ва қолган штатларда эса француз тили) ҳукмронлик мавқеини сақлаб турибди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-хунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуқтаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил қолипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди.

Масалан, шу кеча-кундузда, бозорда ёки дўконда бирор янги (айтайлик, четдан келтирилган) маҳсулот растага ёки пештахтага чиқса (табiiийки, ўша маҳсулотнинг номи ҳам тилимизга кириб келади, ўзлашади), орадан ҳеч қанча вақт ўтмай халқ ўша янги маҳсулотнинг номи билан боғлиқ янги сўзларни тилда ясаб ишлатаверади: *компьютер* (ўзлашган сўз)– *компьютерчи*, *компьютерфуруш*, *компьютершунос*, *компьютерли* (*синф*), *бекомпьютер* (*ўқувчи*), *компьютерлаштирмақ* (ясалган сўзлар); *диск* (ўзлашган сўз)– *дискчи*, *дискфуруш*, *дискли* (*ноутбук*), *дисксиз* (*ёзмақ*), *бедиск* (*ишламоқ*) (ясалаётган сўзлар); *саунтрик* (ўзлашган сўз), *саунтрикчи*, *саунтрикли* (*кинофильм*) (ясалаётган сўзлар); *лаваш* (ўзлашган сўз)–*лавашчи*, *лавашфуруш*, *лавашпаз*, *лавашли* (*дастурхон*), *лавашсиз* (*тушлик*), *лавашхўр* (ясалаётган сўзлар) ва ҳ.

“Аслида камолот мураккабликда эмас, соддаликдадир, – деб ёзади таниқли тилшунос олим Алибек Рустамов “Сўз хусусида сўз” (Тошкент, 2009.) рисоаларида. – Биз бу билан ғарб, чет тилларини камситмоқчи эмасмиз. Аммо билишимиз зарурки, ғарб техникада илғор, аммо маънавият, маърифат, санъат ва тилда шарққа нисбатан анча орқада”.

Инсон зоти борки, ҳар соҳада, ҳар жабҳада, ҳар ўринда гўзалликка интилади. Инсон қачонки гўзалликка интилмас экан, унинг табиати инсонийликдан чекинади. Ўзбек тилида тирикликка хос жамики гўзалликларни бадиий ифодалаш имконияти ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. Шу боис биз ўзбеклар нутқимизда сўзлар тизмасидан шунчаки фойдаланмаймиз.

Эътибор беринг-а?!

1. «Сочингдан ушлаб турибман, ҳаёт-мамотинг менинг қўлимда!» (Айниқса, бу гап эркак қавми томонидан аёлга нисбатан айтилганда, ўта аянчли. Сабабки, инсон учун, айниқса, ўзбек аёли учун ор-номус масаласи ҳаёт-мамот масаласидир.) Айнан шу гапни Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон бундай ифодалайди:

*Бир тутам сочларинг менинг қўлимда,
Ғижимлаб ўпайму ё тараб ечай?
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,
Сир деб сақлайинму ё елга сочай?
Сочилган сочингдай сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан...*

2. «Орзуларинг амалга ошмаса, бу дунёда ўлганинг яхши!» Қўпол жумла. Шундай эмасми?! Айнан шу гапни шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бундай ифодалайди:

*Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк етса киши.
Шул иккиси муяссар ўлмаса оламда
Бошин олиб бир сорига кетса киши.*

3. «Бу ёққа кел! Кетма! Кўз олдимда бўл!» Баъзан кўнгили истақларимиз шу аснода тилимизга кўчади. Буни «авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони» ҳазрат Мир Алишер Навоий шундай ифодалайди:

*Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил...*

4. «Халқига хизмат қилмаган одам одам эмас, ҳайвондир!»

Буни ҳазрат Навоий таъбири билан айтсак:

*Одами эрсанг демагил одамий,
Ониким йўқ халқ гамидан гами.*

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

5. «Шоир Эркин Воҳидов 80 ёшида дунёдан ўтди». Совуқ, кўнгилни оғритадиган хабар. Мазкур хабарнинг бадиий талқинини шоир Абдулла Орипов таъсирли ифодалайди:

*Роса тортишдилар ер билан осмон,
Шафаққа айланди яноқлар чунон.
Шоирни меники дер эди само,
Меники дер эди она ер аммо.
Шоир-чи, куйлади иккаласин ҳам,
Заминдан куч олди, самога ҳамдам.
Саксон йил чорлашди ўртага олиб,
Охир тортишувда Ер чиқди голиб.*

6. «Дунёда кир қидирувчи бўлсанг, худодан топасан!» Аёвсиз, аммо аниқ мантиқ. Бу мантиқни устоз Садриддин Салим Бухорий шундай ифодалайди:

*Иллат излаганга иллатдур дунё,
Гурбат излаганга гурбатдур дунё.
Ким нени изласа, топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.*

Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Зеро, миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзига хослигини белгиловчи омиллардан, асосийси, унинг она тилидир. Бу борада улуғларимизнинг тил ҳақида айтган фикрлари ҳам улуғ:

«Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» (А.Навоий);

«Миллатнинг ўзлигини, дунёда борлигини, ўзига хослигини белгиловчи омиллардан асосийси унинг она тилидир» (А.Фитрат);

«Халқ тили ҳамиша миллий руҳ билан чамбарчас боғланган» (В.Гумбольд);

«Она тилини ҳимоя қилиш – ватанни ҳимоя қилиш» (Д.Белле);

«Тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз» (Ч.Айтматов);

«Тилга ихтиёр – элга меҳр» (П.Қодиров);

«Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир» (И.Каримов).

Хўш, биз ХХI аср кишилари бунга тўлиқ амал қияпмизми? Бизга аждодлардан етиб келган, Яратганнинг улуғ неъматини бўлмиш

тилимизнинг софлигини сақлаб, бойитиб келажак авлодларга етказиб беришимиз кераклиги масъулиятини ҳамма вақт ҳам ҳис этишимизми?! Афсуски, бунга ҳамиша ҳам ижобий жавоб қайтара олмаймиз.

Зиёлиликнинг ибтидо белгиси тўғри сўзлаш ва тўғри ёза олишда. (Афсуски, буни зиёли қатламга мансуб барча кишиларда ҳам кузатмаймиз. Демак, шу ўринда ҳам зиёлилар икки тоифага ажралади: зиёлилар ва олий маълумотга эгаллиги ҳақида дипломи борлар. Бу алоҳида масала.) Зиёлиликнинг яна бир белгиси сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатишдир. Хўш, биз ҳамма вақт ҳам бунга риоя этишимиз ёки буни уддалай оляпимизми?!

Ўзбек эфирларида тап тортмай шевада сўзламоқда «зиёлиларимиз». Қўшиқларни-ку, савияси, овози борлар эмас, оғзи борлар куйламоқда. («**45** (?) кунлик бу дунё арзимас фидо бўлишга»; «Сени кўргим келади, Кошки орзуларим бўлсайди **рўё** (?)», «Ўзга **ўй**да (?) бахтли бўл, лек унутма мени»...) энг даҳшат томони шундаки, буни фарзандларимиз тинглапти, ўрганяпти, тақлид қиляпти.

Қани бу ўринда тилга эътибор, сўзга эҳтиром?! Афсус...

Умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида она тили таълими айнан ўқувчига нутқида «сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатишни уддалаш» учун ҳам ўқитилади. Шу боисдан ҳам она тили ўқув предмети ўқитиш ўзбек тилида олиб бориладиган таълим муассасалари ўқув режасида асосий фан блокларининг бошидан ўрин олади.

Тилнинг инсон зотиغا Яратмиш томонидан тортиқ этилган бебаҳо неъматлигини, уни асраб авайлаш миллатнинг яшовчанлигини таъминловчи асос эканлигини таъкидловчи бу мантиқ асрлар давомида исбот талаб қилмайдиган олтин қоидага айланганлиги бежизга эмас.

Тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, илдизлари дунёни дол қолдирган қадим маданиятдан сув ичган она тилимизга бўлган садоқат, алоҳида эътибор халқ жонкуярларининг ҳамиша диққат марказларида бўлганлигига ва шундай бўлиб қолажасига амин бўламиз.

XII аср... Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги давом этаётган бу даврда туркий тилимизга расмий эътиборнинг сусайиши табиий эди. Бироқ тилпарвар фидойилар ўша шароитда ҳам ўз

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ватанпарварликларини, халқпарварликларини намоён эта олдилар: буюк мутафаккир Маҳмуд Қошғарий «Девони луғатит турк» асарини яратиб тил яловбардори сифатида майдонга тушди. Бу ҳолат XV асрда яна такрорланди. Туркий тил яловини ҳазрат Алишер Навоий шу қадар юксакликка қададики, қарийб олти аср беридан ҳам «Хамса», «Муҳокаматул луғатайн»лар маёқдек порлаб турибди.

Совет тузуми даврида ҳам онадек мўтабар тилимизга бўлган эътибор бир қадар сусайганлиги сезилди. Тилнинг миллат руҳи, тафаккур воқелиги эканлигини чуқур англаган зиёлилар, фан арбобларию мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бундан ўттиз йил аввал ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди.

Бугун дилимиздаги тилимизга чиқади: жарангларингдан ўргилай, Мустақиллик! Сен туфайли ўзимизга, ўзлимизга қайтиш, миллий қадриятларимизни қадрлаш, минбарларда ҳам ўз тилимизда эркин сўзлаш, асосийси, тафаккуримизнинг миллийликдан озиқланишига, гуркирашига эришдик. Республикамизда миллий тилнинг мавқеи ҳар қачонгидан ошди; ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – бошқарув ва расмий муомалаларда ўзбек тилидан фойдаланилмоқдаки, бу уни ўрганишга ҳамда ўргатишга бўлган эҳтиёж кўламини кенгайтди. Бугун таълимнинг барча тур ва бўғинларида она тили таълимида фарзандларимиз русча қолиплардан холи тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаб ўрганувчи тилшунослик ютуқларига таянган миллий грамматикамизга таянган тил имкониятларини ўрганишмоқда.

Том маънода, она тили машғулотлари тафаккур дарсларига айланиб бормоқда. Сабабки, миллий ўзлик, миллий онг ва миллий қадриятлар ҳар бир ўқувчи, талаба, магистрант – таълим олувчиларнинг барчаси тафаккурига беқиёс озуқа берувчи, битмас-туганмас манба. Демакки, тафаккур ривожланса, тил ривож топади (унинг сон-саноксиз, ранг-баранг имкониятлари юз очади), нутқ равонлигига ва мантиғига эришилади. (Аниқ фикрлайдиган инсон равон сўзлайди.) Зеро, тилшунослик тилимиз ва ўзбек тили бирликларининг тизимий имкониятларини очиб беради, она тили таълими шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, айтиб бир ахборотни юзлаб усулу воситалар билан ифодалаш йўлларини,

улардан аниқ бир шароитда қай бири энг қулай ва таъсирчан эканлигини тўғри аниқлай олиш ва қўллашни ўргатади.

Ютуқларимизнинг бисёрлиги дилни қувонтиради. Аммо она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз зарур бўлган билим, малака, кўникмалар ҳам анчагина. Она тилимизга эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигига 30 йил тўлди. Мутахассисларимиз ўтган йиллар давомида тилимизнинг мақомини орттириш учун кам ҳаракат қилдик, дейишяпти; бу борадаги камчиликларни санаб ўтишяпти; ўзбек тилининг мақомини ошириш учун қилиниши лозим бўлган ишларни таклиф қилишяпти. Бу яхши. Аммо статистик таҳлил шуни кўрсатади: ўзбек тили шу давр ичида мақомини тиклади, Қонун ўз вазифасини бажарди, Қонунни мукаммаллаштириш вақти келди. Қонунни қайта ишлаш жараёнида давлат тилини қўллашга қатъий талаб қўйиш, уни бошқа давлатларнинг давлат тили ҳақидаги қонуни билан солиштириш, ижобий томонларидан намуна олиш вақти келди. Бугун ўзбек тилининг давлат тили мақомини янада кучайтириш ҳақида бош қотиришимиз, бу йўлда собитқадамлик билан амалий ишлар қилишимиз лозим.

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲУМО МИФОЛОГИК ОБРАЗИ СТИЛИЗАЦИЯСИ ВА МЕТАФОРИЗАЦИЯСИ

Нуруллаева Сарвиноз Мажидовна,
БухДУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодига мансуб Ҳумо мифонимининг замонавий ўзбек шеъриятида стилизация ва метафоризация қилиниши ҳақида фикр юритилган.

Қириш. Ўзбек шеърияти ранг-баранг образлар тизимида эгадир. Улар орасида мифологик образлар ҳам борки, ўзига хос вазифаси, хусусиятлари ва поэтик талқини билан алоҳида диққатга сазовордир.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Мифологик образлар замонавий ўзбек шеъриятида кўчма маънода қўлланилиб, инсоннинг турли кечинмаларини бадиий ифодалашга хизмат қилади. Жумладан, Ҳумо ва Семурғ бахт ва давлат, Самандар вафодорлик маъносини ифодалаш учун қўлланилади.

Рамз ва метафора, асосан, бадиий асарнинг ўзига хос ифода услуби сифатида қўлланилади. Бу шуни англатадики, метафоризациялаш орқали ўқувчининг тасаввурига конкрет образ тасвири етказиб берилади.

Замонавий ўзбек шеъриятида Ҳумо мифологик образини стилизациялаш ва метафоризациялаш орқали ижодкор туйғу, кечинмалари ва мақсади ўқувчи-адресатга ҳиссий таъсирчан қилиб етказилади. Ҳумо, Семурғ, Анқо, Самандар, Жестирноқ каби қуш қиёфасидаги мифологик образлар шеъриятда бахт, омад, бойлик, садоқат, ноёблик, тинчлик, вафо каби тимсолий маъноларни ифодалаш учун бадиий восита бўлиб хизмат қилади.

Асосий қисм. Ҳумо эзгулик рамзи бўлган афсонавий қуш номи бўлиб, халқнинг ишонч-эътиқодига кўра, агар у кимнинг бошига қўнса ёки сояси тушса, ўша киши энг бахтли бўлади, давлат ва салтанатга эришади, деб қаралади. Шундан келиб чиқиб, эътиқод қилинган бу афсонавий қушни “бахт қуши”, “давлат қуши” ҳам дейдилар.[6,561]

Ўзбек фольклорига Ҳумо қуши образини махсус тадқиқ қилган олим К.Имомовнинг қайд этишича, Ҳумо қушининг мифологик маъноси “қуёшга қўнган қуш”дир. Ҳар бир ҳаракати эса илоҳий ва магик қудрати билан боғлиқ белгиларда тавсифланган. [2,24]

Замонавий ўзбек шеъриятининг ёрқин вакилларида бири О.Ҳожиёвнинг “Хонадон” шеъридан олинган қуйидаги мисраларда Ҳумо образи тўғридан-тўғри бешикка ўхшатиш ва ушбу образ рамзий маънода бахтни, инсоннинг гўдаклик чоғлари энг бахтли ва беғам онлар эканлигини кўрсатиш хизмат қилган:

Шўх юлдузлар ҳақидаги қўшиғинг
Ўқтин-ўқтин тушиб қолса эсингга,
Кўзмунчоқлар бегаб турган бешигинг
Ҳумо қушдай кўринади кўзингга. [7,78]

Ж.Сирождиннинг “Даъват” шеърида ҳам Ҳумо қуши давлат ва бахт, омад, фаровонлик маъносида стилизация қилинган:

Золим замон ўтиб, мазлумға дўнар,
Бўлур озод Ватан маҳрам работим!
Тобакай тўнкага *Ҳумо* қуш қўнар?!
Озод бўл, обод бўл, эй хароботим. [4,4]

Шоир ватанида зулм, тобелик ҳукм сураётган замонни тўнкага *Ҳумо* қуши қўнганига менгзаб, унинг бошимизга соя соладиган вақти келганлигини таъкидлайди, хароб юртни озод ва обод қилишга чақиради. Ж.Сирожиддин қаламига мансуб қуйидаги сатрларда ҳам *Ҳумо* образи бахт, омад, фаровонлик, гўзаллик, хушвақтлик маъноларини умумийлаштириб келган:

Ажаб қушхонани кўрғил, ажаб қушхонани кўрғил!

На парвозу, на роз, бозу-*ҳумолар*ни соғинган дил. [4,111]

Кўриниб турибдики, юқоридаги мисраларда мустамлака юрт қушхонага (қафасга), унда зулм ҳукм сураётгани қушхонадаги ҳолатга ўхшатишган. Мутелиқда қўнғил қуши на эркин парвоз қила олади, на ўйнаб кула олади. Шу боис юрак бахтли, хуррам кунларни соғинганини шоир *Ҳумо* мифологик образи орқали ифодалайди.

Шоира Ҳ.Аҳмедованинг “*Ҳаммаси ўткинчи...*” шеърида эса “бахтли кунлар” маъноси *ҳумолар* метафораси воситасида берилган. Ташвишли кунлар ўткинчи, оининг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ эканлигини рамзий ифодалаган:

Ҳаммаси ўткинчи, ҳаммаси,

Барини кечирар самолар.

Замин интиҳосиз айланаверар –

Минг бора туғилар *ҳумолар*. [1,30]

Тўра Сулаймон ижодида ҳам *Ҳумо* мифологик образдан фойдаланилган. Чунончи:

Бахт қуши топмиш қўналға шонли Туркистон айланиб –

Ўз ҳолиға келмиш Турон замондин замон айланиб.

Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Ўзбекистон айланиб,

Туғросига қўнмиш *Ҳумо* мустаҳкам Қўрғон айланиб,

Чор атрофга зоғ йўлатмас Семурғ довон айланиб.

Амир Темур руҳи шодмон иззатли Султон айланиб,

Бу не бахтким, юрса Ҳудҳуд Тўра Сулаймон айланиб! [5,18]

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Шоирнинг “Айланиб” шеърдан келтирилаётган ушбу мисраларда бахт куши номини олган Хумо, Семурғ образларига муурожаат қилинмоқда.

Юқоридаги шеърда Хумо куши образи орқали шонли Туркистонга яна қайта бахт инъом этган истиқлолдан шодланиш, руҳланиш, ғурурланиш ғояси илгари сурилмоқда. Бугунги кунда ҳур Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсон худди бошига Хумо куши қўнгандай ёхуд Ҳазрати Хизрга йўлиққандай, ўз орзу-истагига тез етишаётгани ёритилмоқда.

“Шайдолик” шеърда эса Хумо образи Хумой шаклида ифодаланган:

Юлдузлар йиғилиб Ой бўлса кошки,
Ҳар қандай куш Хумой бўлса кошки.
Ҳар ким ҳам Ҳотамтой бўлса кошки,
Диёнат не қилсин мунофиқ зотда. [5,21]

Хулоса қилиб айтганда, рамзийлик, образлилик, тасвирийлик каби категориялар хос бўлган бадиий нутқда тилнинг эстетик функцияси намоён бўлади. Ўқувчига алоҳида куч билан таъсир қилиш, образ яратиш учун тасвирий восита сифатида, асосан, метафорадан фойдаланилади. Шунинг учун улар орқали инсоннинг турли эмоцияси экспрессив, таъсирчан тарзда ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедова Ҳ. Эрк даричаси: Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 120 б.
2. Имомов К. Ўзбек фольклорига Хумо куши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2011. – №5. – Б. 24.
3. Nurullaeva S.M., Uraeva D.S. Metaphorization of the “dragon” image in Uzbek classic poetry. – World Science: Problems and Innovations. – Пенза, 2020. – С. 119 – 221.
4. Сирожддин Ж. Заҳҳок салтанатинда (Шеърлар). – Самарқанд: Суғдиёна, 1994. – 136 б.
5. Сулаймон Т. Гулшан. – Т.: Ғ.Ғулом, 1988. – 100 б.
6. ЎТИЛ. 5 жилдлик. 5-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2008. – 592 б.
7. Ҳожиёва О. Мушфиқ онажон (Шеърлар ва шеърый қисса). – Т.: Ғ.Ғулом, 1983. – 274 б.

АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНДА ТИЛНИНГ ЎРНИ

Насима Саидбурхоновна Қодирова,

Бухоро давлат университети

Ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

АННОТАЦИЯ. Тил – бадиий адабиётнинг бош қуроли бўлганидек, адабиётшуносликнинг ҳам етакчи қуролидир. Зеро, муаллифнинг бадиий матнга ёки матн яратувчисига муносабатини, у ҳақидаги фикрлар доираси, хулосаси унинг тили орқали юзага чиқади. Ва айнан тил орқали биз адабиётшунос ички олами ва дунёқарашини, бадиий матнга ва унинг муаллифига муносабатини англаймиз. Олим тил орқали китобхонни матннинг тағмаънолари билан таништиради, муаллифни тушуниш калитларини баён этади, ҳам матн ижодкори сифатида ўзининг маънавияти, илмий-бадиий салоҳиятини юзага чиқаради.

Кириш. “Танқидчи учун мақоласининг тили ва услуби бадиий асарларни таҳлил қилиш, китобхон ва ёзувчига таъсир кўрсатадиган, умуман, адабиётнинг ривожланиш жараёнининг кучли воситасидир”. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов илмий меросининг тил хусусиятларини тадқиқ этиш муҳимдир, чунки бу мунаққид услубини белгиловчи муҳим жиҳатлардан биридир. Олим илмий-бадиий таафаккурининг қамрови кенглиги боис мақолаларининг тили ҳам бир-биридан фарқ қилиши кўзга ташланади. Бу фарқ мақола жанри, китобхон дунёқарашини ва ёши, муаллифнинг мақолада таҳлил этилаётган ижодкорга муносабати жиҳатидан фарқланади.

Асосий қисм. Мақолаларда китобхонлар аудиторияси савияси ва дунёқарашини инобатга олиш олим ижодининг эътиборга молик фазилятларидан бири. Унинг мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган асарлари тилининг соддалиги, қизиқарлилиги, ўта илмий ва узун баёнлардан холилиги ва раволиги билан аҳамиятли. “Занжирбанд шер қошида” китобининг китобхон диққатини тортадиган жиҳатларидан бири, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қизиқарли ривоятларга кенг ўрин берилишидир. Масалан, “Ривоят қилинишича, қадим-қадим замонларда оқил бир одамнинг сулув қизи бўлган эмиш. Шу дилбарга иккита фариштанинг ишқи тушибди...” (“Тилга эътибор – элга эътибор”).

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ёш китобхонларга масала моҳиятини осон тушунтириш унинг зидди билан қиёсланиб, амалга оширилса, янада самарали бўлади. Буни теран англаган И.Ҳаққул “Занжирбанд шеър қошида...” китобида фикрларини тушунтириш, байтларни шарҳлашда антитезадан самарали фойдаланган: “Сўзнинг эътиборлиси ва яхшиси – чин сўз. Энг ёмони – ёлғон”. Бу йўл билан олим ўқувчиларни Алишер Навоий асарлари моҳиятини чуқур тушуниш ва ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга чорлайди.

Иброҳим Ҳаққулов айрим мақолалари, хусусан эсселари тили бадиий асарга жуда яқинлиги билан ўзига хослик касб этади. Бу бир томондан эссе жанрининг ўзига хос хусусияти бўлса, иккинчи томондан олим услуби жозибасини намоён этади. Олим томонидан қўлланиладиган ўхшатишлар, маъно кўчишлар (метафора, синекдоха, киноя), жонлантиришлар асарнинг жозибасини ошириб унинг мароқ билан ўқилишини таъминлайди. Олим мақолаларида “адабиёт” сўзини баъзан ўз маъносида баъзан кўчма маънода кўплаб қўллайди. Аксарият ҳолларда уни жонлантиради: “Адабиётга хиёнатни ҳаммадан олдин адабиёт сезади - уни сотганларни адабиёт сотмайди, улар ўз-ўзини сотади, ўз-ўзини аянч аҳволга гирифтор этишади.” Ушбу жумлада “Адабиёт” кўз олдимизда кўплаб хиёнатлар, жафоларни бошидан ўтказган, аммо буюк қудратга эга сиймо сифатида гавдаланади. Ва шу жумла орқали адабиёт тарихи, бугуни ва келажаги борасидаги фикрлар китобхон қалбини чулғаб олади. Ёхуд “Ҳақ-ҳуқуқсиз яшашдан толиқиб, айтарли ҳамма нарсага бекфарқ қарашга кўниккан одамлар қалбига адабиётдан ойдин нур оқиб келарди” жумласидаги “адабиётдан қалбга нур оқиб келиши”ни моҳирона топилма дейиш мумкин. Ушбу метофорик бирикма орқали инсон қалбида кечадиган ҳузурбахш бир ҳолат манзараси чизилган. Шунингдек, адабиётнинг нажоткорлик хусусияти таъкидланганки, бу ўқувчини мушоҳадага, китобхонликка даъват этади.

Иброҳим Ҳаққулов мақолаларида “шахс” сўзининг ишлатилиши эътиборни тортади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз 1- Кимса, киши, зот маъноларини англатиб, жамиятдаги алоҳида бир кишини ифодалаши; 2-шахсият маъносида келиши айтилган. Олим бу сўзни баъзан имло қоидасига кўра гап ўртасида кичик ҳарфлар билан ёзса, айрим ўринларда қоидага зид равишда биринчи ҳарфини катта ҳарф билан баъзан эса барча ҳарфларини катта ҳарфлар билан ёзади. Биринчи ҳолатда сўз ўз луғавий маъносини ифодалайди, аммо иккинчи ва учинчи ҳолатда “шахсият” сўзи англадиган мазмунга мос келади ва бир қанча услубий маъноларга ҳам эга. Чеховга

нисбатан “Бу бетакроп Шахсни мен рус халқи ва адабиётининг бебаҳо бойлиги деб биламан” деганда “шахс” сўзи орқали унинг рус ва жаҳон адабиётида турган ўрнининг беқиёслигига ишора қилинади. “Менинча, “Миллатчи” ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўядиган кимса эмас, балки уни ҳеч қайси улдуғ миллатдан паст кўрмайдиган, тил, тарих ва маданиятининг камситилишига чидай олмайдиган ғурурли ШАХСдир” деганда эса “шахс” сўзида ўз халқи тақдирига бефарқ бўлмаслик, озодликка интилиш, фидойилик, мардлик семалари ҳам мужассам. “Ўзининг миллий салоҳияти ва тафаккур куч-қувватига ишонч кучайишини истаган халқ биринчи навбатда Шахсни вояга етказадиган таълим-тарбия тўғрисида ўйлаши зарур.” Иброҳим Мўминовга аталган эсседан олинган ушбу парчада эса, “шахс” сўзи орқали камолот босқичларининг эгалланилиши, бу эса ватанпарварлик туйғулари билан боғланиб кетишлиги таъкидланади. “Энди ижодда ҳам мутлақо мустақил, бутун борлиги ила санъаткорликка содиқ кучли Шахслар фаолият бошлаши зарур” – ушбу мисолда эса, бу сўз орқали ўз-ўзини англашга даъват маъноси англашилмоқда. Кўринадики, олим биргина сўз воситасида турли маъноларни ифодалай олган, айнан шу сўз орқали айтмоқчи бўлган фикрига таъкидни кучайтирган. Бу унинг сўз маъносини чуқур ҳис этиб, уни қўллашдаги маҳоратини кўрсатади.

И.Ҳаққул ижодида илмий ва бадий тафаккурнинг қоришиқлиги, айрим мақолаларда соф илмий тилдан фойдаланилган бўлса, айримларида бадий тилнинг жозибасини кўриш мумкин. Масалан, олимнинг Ойбек лирикаси таҳлиliga бағишланган “Ойбек шеърляти ва шахсиятига доир” муаммоли мақоласини кўзидан кечирсак, мақола тилининг ўзига хослигини кўрамыз, олим турли ташбеҳлардан моҳирона фойдаланади: “Оламини мунаввар қилган нур ва ёлқин офтобдан таралгани билан унинг айнаи ўзи эмас-да”. Бу ўхшатиш Ойбек кўнглига тегишли, ушбу жумла орқали мунаққид шоир кўнглининг чексиз уммонлигига, уни ҳар қанча таърифлаган билан бутунлигича, тўла ифодалаб бўлмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Ойбекка берилган “кашф этилмаган сир”, “сўз сеҳргари”, “сир шоири” каби таърифларда мунаққиднинг шоирга чексиз муҳаббати, ихлоси, шунингдек, Ойбек ижодининг билимдони эканлиги яққол сезилади.

Иброҳим Ҳаққуловнинг адабий-танқидий мулоҳазалари сиқиклиги, ўткирлиги билан, тили эса бу майдонда ўзининг афористиклиги билан ҳам ажралиб туради. Афоризмлардан, асосан, фикрни далиллашда, ихчам ифодалашда, матн жозибасини

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

оширишда, мунаққид баҳс юритаётган муаммонинг барча замон ва маконларда муҳим эканлигини таъкидлашда фойдаланилади. Шу сабаб афоризмлар кўлами ҳам кенг: айтиб бериш ҳодиса шарҳида ҳам шарқ адабиёти ҳам ғарб адабиётининг даҳо ижодкорлари фикрларидан фойдаланилади. Масалан, олимнинг Шекспир ижодига бағишланган “Буюк қалб муҳаббати” мақоласини кузатсак. Мақола бир ғарб шоирининг “Кўнгил билан фикрлаб, ақл билан ҳис қилишни ўргангил” деган фикри билан бошланади. Олим бу фикр орқали Шекспир ижодининг айнан шу хилда яратилганлигини айтиш билан бирга, китобхонга кўнгил ва ақл мувозанатини таъкидлайди. Мақолада рус адиби Н.В.Гогол, олмон шоири Гёте, даниялик файласуф Серён Керкегор, француз шоири Буало, араб мутафаккир шоири Ибн Арабий ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан моҳирона фойдаланилган. Мақолада келтирилган афоризмлар орқали Шекспир ижодининг ҳудудсиз кенглиги ва бугунги кундаги аҳамиятини ҳам англаб оламиз. Шунингдек, олим илмий тафаккури кенглиги, ҳам ғарб ҳам шарқ адабиётининг етук билимдони эканлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулов мақолалари тилининг бўёқдорлиги, илмий-адабий тафаккурда бадиий воситалардан моҳирона фойдаланилганлик каби хусусиятлари билан ўзига хос ва ижодкор услуби индивидуаллигини ҳам белгилайди. Шунингдек, унинг сўзга бўлган муносабати – ихчамликка интилиш, сўз маъносини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз ўрнида қўллаш кабилар олим мақолаларининг адабиётшунослигимиздан муносиб ўрин эгаллашини таъминлади десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бурсов Б. Мастерство Чернышевского критика. Ленинград. “Советский писатель”.1956.
2. Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида..Тошкент.Юлдузча.1989.
3. Ҳаққул И.Талант – жасорат жавҳари.Тошкент.“Муҳаррир”.2018.
4. Ҳаққул И. Ҳаёт,адабиёт ва абадият.Тошкент. “Тафаккур”.2019.
5. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур.Тошкент-2007.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. 4-жилд. Ўз.Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2008.

“ЮРАГИМНИНГ ОСТИДА САЙРАБ ТУРГАН БУЛБУЛИМ”

Дилрабо Қувватова, БухДУ Ўзбек адабиёти
кафедраси профессори, ф.ф.д.
Гавҳар Ходжиева, БухДУ Ўзбек адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

“Тил – миллатнинг кўзгуси”, “Тил – миллатнинг руҳи”. Бу ибратомуз фикрлар бугунги кунда замонавий мақоллар сирасига кириб улгурди. Зеро, мазкур жараён жанрнинг яшовчанлик хусусиятини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Зеро, улуғ маърифатчи А.Авлоний тўғри таъкидлаганидек: “Ҳар бир миллатнинг бу дунёда борлигин кўрсатурғон ойина ҳаёти – унинг тил ва адабиётидир”. Ҳақиқатан, тилда ҳар бир халқнинг руҳи, қалби, энг юксак туйғулари акс этади. У – миллатнинг маънавий бойлигидир.

Адабиётимиз тарихи саҳифаларини кўздан кечирсак, Юсуф хос Ҳожибдан замонавий шоирларгача тилнинг маънавий қудратига юксак баҳо берилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб шундай ёзади:

Заковат, билимга калитдир бу тил,
Ёритгувчи эрни равон тилни бил.
Кишин тил улуғлар, топар қут киши,
Кишин тил тубанлар, ёрилар бош.

Адибнинг фикрича, тил билимли ва заковатли бўлишнинг асосий қуролидир. Инсон тили туфайли ўз билими, ақл-идрокига сайқал беради, фикрини ойдинлаштиради. Бинобарин, тил кишининг қадр-қимматини оширади.

Мутафаккир Навоий тилга юксак эҳтиром билан қараган: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”. Улуғ шоир фикрича, тилни қадрламаган киши элга эътиборсиз бўлади. Элга эътиборсиз бўлган инсонда Ватан ва ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Бу туйғуни ҳис этиш эса она тилини севишдан бошланади.

Маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўз даврида она тилидан ташқари бир неча тилни билиш кераклигини тарғиб қилади:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Тил воситаи робитаи оламиёндир.

Шоирнинг таъкидлашича, бошқа тилларни билиш оламни билиш сари йўл очади, элларни бир-бирига боғлайди. Шунинг у ёшларни ҳам тил эгаллашга чақиради.

Ўтган аср бошларида А.Авлоний, А.Фитрат, А.Чўлпон каби жадид ижодкорлари тилимиз софлиги учун курашдилар. Бинобарин, А.Авлоний ўзбек тилини ҳимоя қилиш – “ҳифзи лисон” ҳақида фикр юритар экан, ёзади: “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур. Ҳайҳот! Биз туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун кундан-кун унутмак ва йўқотмақдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмақдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлғон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зиғир ёғи солуб мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур”. Кўринадики, маърифатпарвар ижодкор миллий тилнинг миллат ҳаётидаги маънавий вазифасини тўғри англайди. Зеро, миллий тилни йўқотиш – миллатнинг руҳини йўқотиш билан тенг. Қолаверса, у тилимизда арабий ва форсий сўзлардан ташқари, рус тилидаги сўзларнинг ишлатилишини ҳам оқламайди. Бу ҳолатни шоир образли қилиб ифода этади. Яъни мошкичири таомига зиғир ёғи қўшилса, унинг таъми бузилади. Тил ҳам шундай. Унга бошқа тилдаги сўзлар аралаш ишлатилса, жозибаси, табиий жарангига путур етади.

XX аср шоирлари ҳам миллий тил қудратига катта баҳо бердилар. Жумладан, кичик халқнинг катта шоири Расул Ҳамзатов ўзининг авар тили ҳақида: “Жонимга Масихдир шу она тилим” деб ёзади. Яъни авар тили дунё минбарларида жарангламаса ҳам, шоир учун жон киритувчи, Исо Масихчалик қудратга эга. Бу миллий шоирнинг қалб эътирофларидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов бу туйғуни теран англаганида навқирон ёшда эди:

Она тилим, сен борсан шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган куни, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Бундаги булбул ва тўти образлари орқали шоир ўзбек тилига баҳо беради. Бинобарин, тўтининг одати – тақлид орқали сўз сўзлашдир. Булбул куйи эса ранг-баранглик касб этади. Шу боис шоир ўзбек тилининг булбул куйи янглиғ жаранглашини истайди.

Ёхуд Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов “Она тилим ўлмайди” дея ҳайқирганида, йигит ёшида эди.

Замонавий ўзбек шоири Ш.Қурбоннинг “Юрагимнинг остида сайраб турган булбулим” сатри ҳам катта маънавий бойлигимиз саналган тилимизга берилган гўзал таърифдир, аслида.

Бугун ўзбек тили дунё минбарларида жарангламоқда. Беқиёс спортчиларимиз ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси ўзбек тилида янграмоқда. Бу – улўғ ижодкорлар орзуларининг рўёби, албатта. Зеро, жонажон она тилимиз ҳам юрагимиз остида ҳамиша булбул мисол сайраб турсин.

АДАБИЙ ТАЊҚИДДА ТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

О.Қурбонова

БухДУ ўзбек адабиёти
кафедраси таянч докторанти

АННОТАЦИЯ. Мақолада истеъдодли мунаққид И.Ғафуровнинг мақолар ва тадқиқотларидан тилдан фойдаланиш маҳоратига оид баъзи мулоҳазалар устида сўз юритилади.

Ўзбек адабиётшунослигида ўз овози ва услубига эга мунаққид И.Ғафуровбадий асарни таҳлил этиш билан кифояланиб қолмай, кўпинча шу таҳлил этаётган асари таъсирида туғилган ҳис ва кечинмалари билан ўртоқлашадиган ва шулар орқали фикр юритаётган асар ёхуд ёзувчи ижоди ҳақида тасаввур беришга интиладиган, мантиқий тафаккурни бадий фикрлаш йўсинига бўйсундирадиган, бадий асарни ўрганиш, талқин этиш баҳонасида аксар ҳолларда ўзининг руҳий оламини намоён этувчи мунаққидлардан биридир.

Кириш. Мунаққид И.Ғафуров мақолаларини жозибадор қиладиган асосий омиллардан бири унинг тилидаги

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ширадорликда, образлиликда. У кўпинча фикрларини афористик шаклда ифодалашга интилади.

Масалан, у ёзади: «Инсониятнинг дардларини теран англаган одамларгина унинг онгли курашчиларига айланади». Ёхуд ҳақиқий поэзия билан назмбозлик ўртасидаги фарқни очар экан, мунаққид шундай образдан фойдаланади: «Қофия, туроқ алифбесини ёдлаб олган саводхон шеърни юракдан эмас, тилнинг учгинасида айтади, бундай шеър нўноқ хотин қорган хамирдай ошмай тош бўлиб тураверади». Бундай парчалар, образли иборалар, образли ифодалар, афористик ифодалар бирлашиб, Иброҳим Ғафуров услубига ўзига хос ранг, бетакрор жозиба бахш этади.

Иброҳим Ғафуров «Юрак-аланга» китобида Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ, Турсунбой Содиқова, Олмос, Миразиз Аъзам, Анвар Эшонов каби ёшлар билан бирга, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиёва каби тажрибали шоирлар ҳақида ҳам батафсил ёзади. У ҳатто бошловчи шоирларнинг илк машқларини ҳам эътиборсиз қолдирмайди-обзор мақолаларда шеърини меҳнатнинг машаққатларини очиқ беради. Танқидчининг бу мақолалари ҳам талабчанлик руҳида ёзилиши билан бирга ёшларга нисбатан том маънодаги ғамхўрлик ва хайрихоҳлик суғорилган.

«Юрак-аланга» китобидаги яна бир муҳим фазилат асарнинг услубига тегишлидир. Танқидий асар ҳам бадиий асар каби ўқимишли бўлиши керак. Бу оддий ҳақиқат ҳаммамизга яхши маълум. Маълумликка маълум-у, лекин амалда мақолаларини ўқимишли қилиб ёзиш устида ҳамма ҳам қайғурмайди. Натижада, фикрлар нўноқлик билан ифода этилади, бир жумлада ифодалаш мумкин бўлган гапни бутун бир саҳифага чўзилади. Бундай мақолалардан китобхоннинг диққинафас бўлиб кетиши ва умуман, танқидчиликдан қўнгли қолиши ҳеч гап эмас. Иброҳим Ғафуров бу жиҳатдан ҳам яхши ибрат кўрсатмоқда. Унинг мақолалари марок билан ўқилади, негаки унинг услуби раво, калами ўткир. Бу ўткирлик мақоланинг у ер-бу ерига бирон жонли воқеани қистириб кетиш ёки икки-уч оғиз кулгили гап айтиш йўли билан туғилмайди. Уни вужудга келтирадиган биринчи омил-фикрлаш тарзи, қўнглидаги гапни ҳаяжон билан самимий айта олиш ва бу гапларнинг мазмунан бўлиқлигидир. Масалан, у ҳаёт диалектикаси

хақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «Дунё ҳеч қачон, ҳеч бир дақиқада бир текис зулматга ботган эмас. Агар шундоқ бўлганида ҳаёт аллақачонлар тугаб кетган бўларди. Унинг бир чеккасига доимо коинот тирқишларидан ёруғлик тушиб турган ва бинобарин, зулмат билан ёруғликнинг абадий кураши одам боласини ўстирган чиниқтирган». Муҳими шундаки, бу чиройли ва тўғри фикр мақоланинг мағзига сингиб кетган, унинг асосий ғоясини очишга хизмат қилади. Иброҳим Ғафуров мақолаларида бундай парчалар кўп.

Танқидчи ижодида адабий портретлар ҳам талайгина. Миртемир ижодига бағишланган портрет мақолада шоир ижодига назар ташлаш орқали унинг руҳий дунёси очилади, қисматидаги мураккаблик ва зиддиятларнинг омиллар кўрсатилади. “Мақсуд Шайхзода” адабий портретида эса шоир ва том маънодаги “шайхона” сиймода тажассум топган, драматик ва поэтик асарларда намоён бўлган фалсафий тафаккур йўсинлари очилади. Адабий портрет “Сахий шеърийат”, “Айрим саналар”, “Воқелик ва шеър”, “Машриқдан Мағрибга”, “Тинчлик амр этади”, “Достон шоирнинг романидир”, “Шайхзода тарих варақлайди”, “Оламнинг хуснига мадҳия” каби қатор бўлимлардан ташкил топган. Ана шунинг ўзиёқ танқидчининг санъаткор ижодидаги ҳар бир қирра ва босқични алоҳида-алоҳида умумлаштириб, тадқиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганини кўрсатади. Энг муҳими, олим таҳлил қилаётган асарларнинг тилига, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига ҳам диққат қаратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ижод- кўнгил мунавварлиги. Тошкент.” Мумтоз so‘z”. 2011.
 2. Комилов Н.Бедор қалб. Китобда: Дил эркинлиги.Т., 1998.
 3. Ғафуров И. Ҳаё- халоскор. Тошкент. 2006, 5- бет.
- Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. Т. Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

BOQIYSAN IFTIXORIMSAN, ONA TILIM

Rajabova Iqbol To'rayevna

Buxoro viloyati G'ijduvon tumani 41-sonli DMTT direktori

ANNOTATSIYA. Bu maqolada o'zbek tilining ma'nodorligi, jozibadorligi, o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, o'zbek tilining taraqqiy topishi o'zbek tili borki millatning, rivojlanishi uning barhayotligi to'g'risida ijobiy fikrlar yuritilgan.

O'zbek tili har bir o'zbekning iftixoridir.
Garchi zulm qilganlarni yoqtirmadim.
Sher yozdimu bo'lak ishni qotirmadim,
Tilim turib o'z tilimda gapirmadim,
Bir eslasam, esladimda bag'rim tilib,
Ona tilim kechir meni, ona tilim.

Ona tilimizning qiyosida olamcha ma'no bor. Ilk bor ona taftini sezgan murg'ak mo'jiza, ilk bor ona allasidan uyg'ongan shuur, ilk so'zi ham "ona" bo'lib yorug' olamda, shuning uchun muqaddas bu til. Til-ajdodlar merosini biz avlodlarga ko'prik qiluvchi vosita.

Til butun bir xalqni ezgullikka, nurafshonlikka eltuvchi mayoqdir. Ona tili- millatning ruhidir. Til- davlat timsoli, mulki. Tilni asrash, rivojlantirish- millatning yuksalishi demak. O'zbek tili mustaqil davlatimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi qatorida turadigan, qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas davlat ramziga aylandi. Bundan 31 yil muqaddam o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan edi. Bu o'z davrida tom ma'noda olamshumul voqea bo'lgan edi. Chunki Beruniy, Ibn Sino, Al Xorazmiy, Al Farg'oniy, Alisher Navoiy, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Bobur Mirzo singari buyuk siymolarni yetishtirgan xalq tili yo'qolishi arafasiga kelib qolgan edi. Mustaqillikka ilk qadamlar tashlanayotgan davrdayoq Birinchi Prezidentimiz tomonidan o'zbek tiliga davlat maqomi berish masalasi kun tartibiga qo'yilib, bu ish amalga oshirilgan edi. Ona tilimiz – o'zbek tiliga 1989-yil 21-oktyabrda davlat tili maqomi berildi. Bu mamlakatimiz, yurtdoshlarimiz hayotidagi unutilmas, tarixiy voqega

aylandi. Agar o'shanda til to'g'risidagi qonun qabul qilinmaganda edi, o'zbek tili ham tarix sahifalarida bo'lmas edi. Shuni ta'kidlash kerakki, o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi xalqimizning milliy mustaqillikka erishish yo'lidagi muhim qadamlaridan biri bo'lgan edi. O'zbek tilining xalqaro miqyosida obro'si oshdi.

Ona tilimiz bor ekan millat barhayot. Til – millat qiyofasining bir bo'lagi. Dunyodagi barcha xalqlar o'zining milliy rasmiy tiliga ega deb aytolmayman. Chunki bu xalqning milliy mustaqilligi bilan bog'liq. Mutaxassislarining so'zlariga qaraganda, bugungi kunda har ikki haftada bitta til yo'qolib bormoqda. Tillarni saqlab qolish bu o'sha xalqning madaniyati, urf-odati, rasm-rusumlarining saqlanib qolinishini anglatadi. Chunki xalq taqdiri til taqdiri bilan bevosita bog'liq. Til har bir millat madaniyatining o'zagidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.: "O'zbekiston", 2018.

2. www.ziyonet.com

3. www.lingvist.ru

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА ТАБИАТНИ ПОЭТИК ТАЛҚИН ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Дилшод Зарипович Ражабов

БухДУ филология фанлари доктори

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада халқ қўшиқларидаги табиатнинг поэтик тасвири берилган бўлиб, у халқнинг фалсафий-эстетик қарашларига боғлиқ ҳолда мифологизация ёки табиат ҳодисаларини поэтик мифологемалар, хаёлий-фантастик образлар, жонлантириш ёки табиат ҳодисаларига инсонларга хос фазилятларни сингдириш, яъни табиатни инсонлаштириш, метаморфоза ёки поэтик эврилиш, табиат ҳодисаларини манзара лирикаси воситасида тасвирлаш, табиатга мурожаат қилиш ва табиат монологи ёки табиат тилидан сўзлаш усуллари орқали ёритилган.

Кириш. Қадимги инсонлар ўз атрофини ўраб олган оламни илоҳий, мифологик идрок этишган. Табиат ва жамиятга хос

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

хусусиятлар билан ўз хусусиятларини қиёслаган. Уларнинг ўхшашлигини кўрганда эса ҳайратланган. Мана шу ҳайрат ҳисси қўшиқларда жило топган. Табиатдан олинган туйғулар қўшиқ мисраларига кўчирилган. Қўшиқларда табиат манзаралари шунчаки тасвирланмайди, балки у орқали қўшиқ қаҳрамонининг ички кечинмалари, руҳиятида кечаётган ўзгаришлар, эҳтирослар, ишқий тугёнлар юзага чиқарилади. Ҳатто табиат тасвиридан фойдаланган ҳолда, давр ва инсон қисматига доир муаммолар ҳам ифода этилади.

Асосий қисм. Ўзбек халқ қўшиқларида табиатни поэтик талқин қилиш усуллари ҳам ранг-баранг бўлиб, у халқнинг фалсафий-эстетик қарашларига боғлиқ ҳолда қуйидагича намоён бўлади:

1. Мифологизация ёки табиат ҳодисаларини поэтик мифологемалар, хаёлий-фантастик образлар воситасида тасвирлаш. Бундай қўшиқларда заминдан ўзга маконларни, руҳ, арвоҳ, пари каби образларни кўрамиз. Негаки, қадимги инсонлар кўзга кўриниб турган оламдан ташқари ўзга олам борлигига катта ишонч билан қараганлар ҳамда унинг мавжудлигини тасдиқлаш учун турли хаёлий мифологик образлар (дев, пари, алвасти, ажина, жин каби) ҳақида фикр юритганлар. Шулардан бири пари образидир.

Биримда кўрдим бир **пари**,

Кокиллари дур хайдари.

Ўзи жононлар сарвари,

Жонон хаёлинг кимдадур?

Ёр бунча зор этдинг мани?

Ёки:

Аслинг сани арабмисан, тожикмисан?

Манинг билан сирдошмисан, ётмисан?

Кўзима кўринган **паризод**мисан?

Йўқса, менга жавобимни бер энди.

Бу қўшиқларда пари образи орқали гўзал ёр, маъшуқа тимсоли бадий ифода этилмоқда.

2. Жонлантириш ёки табиат ҳодисаларига инсонларга хос фазилатларни сингдириш, яъни табиатни инсонлаштириш усули. Бунга кўра, халқ қўшиқларида тасвирланаётган табиат тасвири замирида инсон руҳиятини оҳангдор мусиқий мавжлари гавдаланганлигини, табиатнинг ранг-баранг бўёқларида лирик

қахрамон ўй-хаёлларининг жонли оқими, инсоннинг табиий кечинмалари мужассамланганини кўриш мумкин. Масалан:

Боққа кирсам боғ шамоли,
Кокилимни ёяди.

Бу қўшиқ мисраларида шамол тимсоли жонлантирилган бўлиб, қадимги инсонлар табиатдаги жамики жонли ва жонсиз нарсаларга руҳий қувват индириб, уларга инсонга хос хусусиятларни юклаганлар. Бу тажриба ҳанузгача сақланиб келаётир.

3. Метаморфоза ёки поэтик эврилиш усули. Бу усул кўпинча мотам маросими билан боғлиқ қўшиқларда учрайди. Чунки қадимги инсонлар ўлимни бир оламдан бошқа оламга кўчиш, бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш сифатида тушунишган. Шунинг учун мотам маросимига дахддор Наврўз йўқловларида шундай мисраларга дуч келиш мумкин:

*Қабрингизда сиз ўрнизга,
Қарши олди лолалар.
Кўзгинамдан қуюлади,
Ёмғир бўлиб жолалар.
Бинафшалар, ҳой бинафшалар,
Сабза уриб, қувнаб яшнанглар.
Ташлаб кетган онажонимдан,
Менга хабар бериб туринглар.*

Халқ орасида лола ва лолақизғалдоқ ўтган эски йилда ўлган марҳумларнинг қонидан униб чиқади, деган тасаввурлар бор. Афсоналарга кўра, ер ўлганларнинг қонини ўзига сўриб олиб, кейин уларни баҳор гуллариغا берармиш. Шу тариқа марҳумлар иккинчи – абадий ҳаётга эришармиш.

4. Табиат ҳодисаларини манзара лирикаси воситасида тасвирлаш усули. Манзара лирикасида ғоялар кучли эҳтирос билан очиб берилади. Тасвирланаётган поэтик манзара инсон кечинмаларининг бетиним ҳаракатини ўзида мужассамлаштириб, табиат ўзгаришларини инсон руҳиятидаги ички жараёнларга боғлаб ёритиш орқали поэтик фикрни ранго-ранг оҳанглар силсиласида ифодалаш имкониятини беради.

Дарёнинг бўйида толлар соядир,
Қалдирғоч қанотин сувга ёядир.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Кўнглинг бошқа бўлса, йўлингдан қолма,
Қоракўлнинг қизи санга зоядир.

Бу кўшиқнинг дастлабки икки мисраси табиат манзарасидан иборат. Уни тинглаган кишининг кўз ўнгида беихтиёр дарё бўйидаги сўлим ва салқин гўша, толлар соя солган оромбахш макон, сув узра қанот ёйиб учаётган қаддирғочлар парвози тасвири жонланади.

5. Табиатга мурожаат қилиш усули. Кишилар ўз поэтик фикрини баён қилишда бевосита табиат ёки табиат ҳодисаларига, жонзотларга мурожаат қилиш усулидан ҳам фойдаланади. Бунда куйловчи инсониятнинг буюк паноҳи табиатга мурожаат қилиб, ундан сингил, опа, ота ва она, ёр бўлиб, дилдошлик қилишини илтимос қилади. Табиатга мурожаат қилиш уни жонлантиришдан, олам билан одам бирлигининг буюк қудратини поэтик англашдан келиб чиқади.

Гулга қўнган, булбулим.
Сайрамасанг на бўлди?
Азалдан куйган жонни,
Куйдирмасанг на бўлди?
Ёки:
Ғужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-ай,
Тўп бўл ўрайик,
Хўпда кўрайик.

Бу кўшиқларнинг биринчисида булбулга, иккинчисида буғдой доналарига мурожаат қилинмоқда. Маълумки, булбул шеърятда куйган, ўртанган ошиқ тимсолини ифодалаб келади. Ушбу кўшиқда ҳам унинг шу анъанавий роли сақланган.

6. Табиат монологи ёки табиат тилидан сўзлаш. Кўшиқларда давр дардларини, инсон қалбининг кечинмаларини, ижтимоий-сиёсий қарашларини табиат ҳодисалари, нарса ва предметлар, ўсимлик ва жониворлар тили билан ифодалаш анъанаси ҳам мавжуд. Масалан, халқ орасида машҳур бўлган “Қорадарё” кўшиғида давр дардлари ўсимликлар тилидан куйидагича баён қилинади:

Арпа айтар замон-замон,
Сувсизликдан бўлдим сомон.
Мен бўлмасам нон қайдадир,
Тўлмадингми, Қорадарё?

Буғдой айтар олишаман,
Тўйларга хўп ярашаман,
Ўқловларга ёвушаман,
Тўлмадингми, Қорадарё?

Хуллас, ўзбек халқ кўшиқларида юртимиз табиатининг миллий поэтик қомуси ёки бадий табиатномаси яратилган. Уларда табиатни рамзий образлар воситасида бадий идрок этишнинг ранг-баранг усуллари қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари, 98-б.
2. Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ кўшиқлари ва термалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – Б.119.
3. Очилов К. Қалдирғочни қўндирган кўшиқ. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. -74
4. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б.27.

М. БЕҲБУДИЙНИНГ АДАБИЙ ТИЛ МУАММОЛАРИГА МУНОСАБАТИ

М.Б. Ражабова

БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти

Ҳар бир давр адабиёти ўз замонасининг акс садоси бўлиб дунёга келади. Миллий уйғониш даври деб аталган адабиётимиз саҳифаларини ўз ижод маҳсули билан бойитган адибларимизнинг ҳаёт йўли ва қолдирган маънавий меросини таҳлил ва талқин қилиш бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ жадиличлик ҳаракати намояндалари фаолияти ўрганиш, халқимизнинг зиёли вакиллари номини қайта тиклаш борасида талайгина хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Туркистон жадиличлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Беҳбудий қолдирган меросни ўрганишга кенг йўл очилди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолияти кўп қиррали. У биргина адабиётнинг публицистика, драматургия, адабий танқид соҳаларига оид тадқиқотларни яратди. Беҳбудий зукко тилшунос ҳам эди. Ўзи ташкил қилган “Ойна” журналида нафақат тил ва адабиёт масалаларига оид, балки, тарих, география, ҳуқуқ, ахлоқ масалаларига доир қизиқарли мақолаларни бериб борди.

Беҳбудий миллатнинг маънавияти ва маърифатини кўрсатувчи ойна - унинг адабиёти ва тили эканлигини чуқур англади. Мазкур масалаларни ўзининг “Икки эмас, тўрт тил керак”, “Жаҳолат дардларидан”, “Танқид-сараламоқдур”, “Сарт сўзи маълум бўлмади”, “Тил масаласи” каби қатор публицистик мақолаларида ёритиб берди. Мазкур мақолаларда муаллиф ягона адабий тил ва унинг софлигини сақлаш, тил ўрганишнинг миллат тақдири ва маданиятида тутган ўрни ҳақида баҳс юритади. Чунки миллат тараққиётидаги асосий омиллардан бири – жаҳон илм-фани янгиликларидан хабардорликдир. Бунинг учун тил билиш зарур. Беҳбудий ўзининг “Икки эмас, тўрт тил керак” мақоласида мазкур масала ҳақида фикр юритади. У туркий тилни қадрлаган ҳолда бошқа тилларни (форсий, арабий, русий) ўрганишни тарғиб қилади. Шу билан бирга бу соҳадаги камчиликларга ҳам эътибор қаратади. Муаллифнинг фикрича, “дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақриру таржимани форсийлиги хила ажибдур”. Бунинг учун Беҳбудий “усули таълим ва тадрисни ислоҳ этмак керак” дейди (150 бет).

Тил ўрганиш, албатта, миллат манфаати учун хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳақда мазкур мақолада ёзади: “Бизга лозимки, ўз нафъимиз учун русча билайлуқ. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто, дини ислом ва миллатга хидмат илмсиз бўлмайдур” (152). Беҳбудий бу ўринда илм деганда тилни назарда тутди.

Тил софлиги масаласи ҳам Беҳбудий эътиборидан четда қолган эмас. Бу ҳақда ўзининг “Тил масаласи” номли мақоласида фикр юритади. Мақолада муаллиф фикрини соддагина қилиб, “Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур” деб ўз мақсадини баён қилади. Беҳбудий ҳар бир тил луғатининг бойишида ўзга тиллардан сўз олиш ҳисобига бўлишини инкор қилмайди. Мақола муаллифининг таъкидлашича, “Бегона тилдан сўз олмоқдан қутилган тил йўқдур”. Бироқ ҳар бир

тилнинг ички имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги, бу йўлда бажарилиши лозим бўлган вазифалар Бехбудийни ўйлантиради. Унинг фикрича, узоқ йиллар истеъмолда бўлган арабий ва форсий тил элементларидан тилни “тозалаш” ноимкон бир ҳолат, “қуруқ хаёли фосидгинадур”. Маҳмудхўжа Бехбудий арабий сўзларнинг туркий тилда мавжуд бўлган муқобилларини қўллаш орқали ҳам тил софлигига эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, “улум, фунун, уламо, қуззот... еринда фанлар, илмлар, олимлар, қозилар ёзингиз” дея ўз фикрини асослайди (187). Шу билан бирга “фаний ва илмий ва диний истилоҳ ва иборатларга муқобил туркчадан исм тайин қилмоқ фикрига чўммоқ ўзни чарчатиб ва матбуотни зоеъ қилмоқдин бошқа нарса эмас” лигини уқтиради. Хўш тил софлиги, ягона адабий тилга қандай эришиш мумкин? деган масала Бехбудийни қизиқтиради. Бунинг учун “Барча илму фан ислоҳ ва луғатларига туркчадан муқобил охториб вақтни зое” қилмасликни, “тараққий этган миллатлар оналари ўқутар экан, биз аввал оналаримизни ўқутиб, анга тил ўргатмоғимиз керак” лигини уқтиради (189)

Бехбудий замонасидаги саводсизликдан ўксунди. Бу ҳақда “Жаҳолат дардларидан” номли мақоласида ачиниб ёзади: “Исмимизни билмаймиз! Нима учун бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдусамад экан “Абсамат”, ҳатто қишлоқларда “Апсат” дерлар”. Муаллиф бунинг туб илдизи сифатида “Айб жаҳолатга ва мактабсизликга ва руҳонийларнинг мусохабаларинда, диний ва миллий ишларга диққат этмаганларида” дея кўрсатади (165).

Маҳмудхўжа Бехбудий халқимизни илм-маърифатда, ҳақ ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари қаторида кўришни орзу қилди. Бу орзуларини кўпроқ публицистик мақолаларида баён қилди. Бехбудийнинг миллат ва Ватан тақдири, тил ва ахлоқ тарбияси, тарих, фалсафа ва дин ҳақидаги қарашлари акс этган мақолалари ўзбек публицистикаси ривожига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Улар ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда беминнат хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тил софлиги, ягона адабий тил учун кураш Бехбудий фаолиятининг бир қиррасини ташкил қилади. У “мусулмон бўлиб тараққий қилмоқ” учун ҳам бошқа тилларни

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўрганиш зарурлигини ўз вақтида тўғри тарғиб қилди. Адибнинг миллат тараққийси учун бир неча тилни билиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бугун ўзга тилларни ўрганиш орқали жаҳонга юз тутмоқ мамлакатимиз сиёсатидаги устивор масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Тошкент. “Маънавият” нашриёти. 1999.

ФОРС ЁЗУВИДАГИ “ЙО” ВА “КАСРА”НИНГ КИРИЛЛ ЁЗУВИДАГИ ИФОДАСИ

Комилжон Раҳимов

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигида икки хиллик ёки чалкашлик билан ёзилдиган форс ёзувидаги “йо” ва “касра”нинг кирилл (ёхуд лотин) ёзувидаги ифодаси ҳақида фикрлар баён этилган. “Макорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасида шеъринг парчаларнинг форсча аслини кирилл ёзувида беришда учрайдиган айрим чалкашликлар ва уларнинг ечимлари кўрсатилган.

Ҳалигача ўзбек эроншунослигида классик форс тилида ёзилган матнлар, хусусан шеъринг парчаларнинг форсча аслини кирилл (ёхуд лотин) ёзувида беришнинг ягона ва аниқ қоидалари ишлаб чиқилмаган бўлиб, бунда ҳар бир таржимон ёки тадқиқотчининг форсий парчаларнинг кириллча транскрипциясини ўз истаган тарзда бериши кузатилади.

Айтиб ўтиш лозимки, форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржималарда ёки тадқиқот асарларида келтирилдиган форсча парчаларнинг кирилл (ёхуд лотин) ёзувидаги транскрипцияда беришда учрайдиган муаммолардан энг асосийлари форс тилидаги чўзиқ ва қисқа унлилар ҳамда бу тилда мавжуд бўлган изофа

қўшимчасини ифодалашдаги ноаниқлик ва турли хилликдан иборатдир. Жумладан, ўзбек таржимонлари ва тадқиқотчилари асарларида форс тилида э “вов” ҳарфи воситасида ифодаланадиган чўзиқ “ў” (ў, бўй, рўй) ҳамда ُ “пеш” ҳарф усти белгиси воситасида ифодаланадиган қисқа “у” (гул, мурод) товушини, шунингдек, ى “йо” ҳарфи билан ифодаланувчи чўзиқ “ий” (дийдор, Навоий) товуши ҳамда ِ “зер” ҳарф ости белгиси билан ифодаланувчи қисқа “и” (инсон, одил, қодир) товушини беришда чалкашликларга йўл қўйилганлиги, аниқроқ қилиб айтганда, айрим ўринларда талаффузи фарқланадиган икки чўзиқ ва қисқа товушнинг бир хил ҳарфлар билан берилиши (куни, гули сурх), бошқа ўринларда эса айнан бир товушнинг икки хил кўринишда ифодаланиши (дид, дийдор) кузатилади. Бу эса, биринчидан, форсча сўзлар талаффузининг нотўғри берилишига, иккинчидан, ўша сўзлар иштирокида тузилган гаплар маъносининг бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади.

Бу борада, аниқса, араб алифбоси асосидаги форс ёзувидаги ى “йо” ҳарфи ҳамда ِ “зер” ҳарф ости белгиси билан ифодаланувчи товушларнинг кирилл ёзувидаги транскрипцияда биргина “и” ҳарфи билан берилиши жиддий муаммолардан ҳисобланади. Чунки бу нарсa, юқорида айтиб ўтганимиздек, нафақат ушбу товушлар иштирокидаги форсча сўзлар талаффузининг нотўғри берилишига, балки ўша сўзлар иштирокида тузилган гаплар маъносининг бузиб кўрсатилишига ҳам сабаб бўлади. Айтиб ўтиш лозимки, бу ўринда қийинчилик туғдирадиган асосий масалалардан бири – бу форс тилида мавжуд бўлган изофа қўшимчасининг ёзувидаги ифодаси бўлиб, қисқа “и” товушидан иборат бўлган изофанинг ҳам, чўзиқ “ий” товушининг ҳам биргина “и” ҳарфи билан берилиши кўп ўринларда маънонинг бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Биз ушбу муаммони “Мақорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасидан олинган айрим мисоллар воситасида кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Икки хиллик

“Мақорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасида (1941, 1948, 1967 йиллар), ушбу асарда мисол сифатида келтирилган шеърининг парчаларининг форсча аслини кирилл ёзувида беришда, “а” товуши билан тутаган форсча сўзлардан кейин келадиган изофани

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ифодалашда икки хилликка йўл қўйилган. Жумладан, бундай изофа муайян ўринларда “пардаи ғайб” (19-б) ёки “қоидаи ақл” (108-б) кўринишида, бошқа ўринларда “моёи хирад” (31-б) ёки “хомаи ду забонат” (57) кўринишида берилган. Айтиб ўтиш лозимки, форсий парчаларни кириллча транскрипцияда беришда “а” товуши ва бошқа унли товушлар билан тутаган форсча сўзлардан кейин келадиган изофани ифодалашда мазкур сўзлар билан қисқа “и” товушидан иборат бўлган изофа товуши ўртасида “й” товушининг қўйилиши, яъни бундай сўзлардан кейинги изофа “и” кўринишида эмас, балки “ий” кўринишида берилиши мақбулдир.

Чалкашлик

“Макорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасида, ушбу асарда мисол сифатида келтирилган шеърий парчаларнинг форсча аслини кирилл ёзувида беришда, форс тилида мавжуд бўлган изофа қўшимчасининг ёзувдаги ифодаси бўлган қисқа “и” товушининг ҳам, ی “йо” ҳарфи билан ифодаланувчи чўзиқ “ий” товушининг ҳам биргина “и” ҳарфи билан берилиши кўп ўринларда маънонинг бузиб кўрсатилишига олиб келган. Мисоллар:

1) چو مايه خرد يافتى در جهان шеърий сатрининг кириллча транскрипцияси асарнинг биринчи таржимасида “Чу моёи хирад ёфти дар жаҳон” (31-б) кўринишида берилган. Эътибор қилинг: бу ўринда مايه (моёйи) сўзидаги қисқа “и” изофа товуши ҳам, يافتى (ёфтий) сўзидаги чўзиқ ی “ий” товуши ҳам биргина “и” ҳарфи билан берилмоқда. Бу эса нафақат ушбу сўзлар талаффузининг нотўғри берилишига, балки мазкур шеърий сатр маъносининг бузиб кўрсатилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки, агар асар таржимони изофа товушини “и” ҳарфи билан беришга қарор қилиб, مايه сўзини “моёи” кўринишида берган экан, унда таржимон “ёфти” кўринишида берган сўздаги “и” товуши ҳам ی “йо” ҳарфи воситасида ифодаланувчи чўзиқ “ий” товуши эмас, балки изофани ифодаловчи қисқа “и” товуши бўлиши керак бўлади. Бундай ҳолда, таржимон “ёфти” кўринишида берган сўзнинг форс ёзувидаги шакли يافتى “ёфтий” (қўлга киритдинг, қўлга киритсанг) кўринишида эмас, балки يافت “ёфти” (қўлга киритгани, топилмаси, топилма) кўринишида бўлиши керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу шеърий сатр маъносининг ўзгариб кетишига сабаб бўлади. Яъни, шундай бўлган

тақдирда, ушбу шеърий сатрдан асар муаллифи кўзда тутаётган “Бу дунёда ақл неъматини қўлга киритсанг” маъноси эмас, балки “Ақл неъматини бу дунё эшиги топилмаси бўлса” маъноси келиб чиқади.

2) *تا صيد كنى هزار دل هر نفسى* шеърий сатрининг кириллча транскрипцияси асарнинг биринчи таржимасида “То сайд куни ҳазор дил ҳар нафасе” кўринишида берилган. Бу ўринда ҳам *كنى* (куний) сўзидаги чўзиқ *ى* “ий” товуши, худди изофани ифодаловчи қисқа “и” товуши каби “и” ҳарфи билан берилмоқда. Бундай ҳолда, таржимон “куни” кўринишида берган сўзнинг форс ёзувидаги шакли *كنى* “куний” (қилсанг) кўринишида эмас, балки *كون* “куни” (кети, кўти) кўринишида бўлиши керак бўлади. Бунинг натижасида эса ушбу шеърий сатрдан асар муаллифи кўзда тутаётган “Ҳар нафасда мингта кўнгилни овлайсан ...” маъноси эмас, балки “Ов ҳар нафасда мингта кўнгилнинг кўтидир” маъноси келиб чиқади.

3) *تركى زبان* “туркийзабон” (туркий тил) сўзи “турки забон” (тилнинг турки) (48-б) кўринишида берилган. Агар таржимон “турки забон” (тилнинг турки) кўринишида келтирган вариантни тўғри деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда бу сўз асарнинг форсча аслида *ترک زبان* кўринишида келтирилган бўлиши керак эди.

4) *ببشود بر فارسى گوهران* шеърий сатрининг кириллча транскрипцияси асарнинг биринчи таржимасида “Бибахшид бар форси гавҳарон” (48-б) кўринишида берилган. Бу ўринда асар таржимони *فارسى* “форсий” (форсий, форс тили) сўзидаги чўзиқ “ий” товушини берувчи *ى* “йо” ҳарфини ҳам худди изофани ифодаловчи қисқа “и” товуши каби “и” ҳарфи билан берган. Натижада, ушбу форсий парчани кириллча транскрипцияда ўқиётган ўқувчи таржимон “форси” кўринишида берган сўзнинг араб ёзувидаги вариантини *فارسى* “форси” (форси, форс миллатига мансуб бўлган кишиси) кўринишида, яъни “форс” сўзининг изофа билан келган ҳолатида тасаввур қилади. Бунинг натижасида эса ушбу шеърий сатрдан асар муаллифи кўзда тутаётган “Форсийга (форс тилига) гавҳарлар бағишлади” маъноси эмас, балки “Гавҳарларнинг форсига (форс миллатига мансуб бўлган кишисига) бағишлади” маъноси келиб чиқади.

Хатонинг моҳияти

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Макорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасини амалга оширган таржимонларнинг бу ўринда йўл қўйган асосий хатоси шундан иборатки, улар форсча сўзларни кириллча транскрипцияда беришда, айниқса чўзиқ “ий” ҳамда қисқа “и” товушларини беришда ягона қоидага риоя қилишмаган. Яъни, ушбу таржимонлар изофани ифодаловчи қисқа “и” товушини “и” ҳарфи билан беришга қарор қилишган экан, барча сўзлар охиридаги “и” ҳарфлари ҳам изофа сифатида ўқилиши керак бўлади. Ёки, агар ушбу таржимонлар ۋ “йо” ҳарфи воситасида ифодаланувчи чўзиқ “ий” товушини “и” ҳарфи билан беришни тўғри деб билган бўлишса, унда барча сўзлар охиридаги “и” ҳарфлари ҳам чўзиқ “ий” товуши ўрнида ўқилмоғи лозим бўлади. Бундай ҳолда эса изофани ифодаловчи қисқа “и” товушини бериш учун бошқа ҳарф ёки белги топиш керак бўлади. Чунки, форс тилини бошланғич даражада билувчи киши ҳам яхши биладики, ۋ “йо” ҳарфи билан ифодаланувчи чўзиқ “ий” товуши ҳамда ۋ “зер” ҳарф ости белгиси билан ифодаланувчи, шунингдек, изофани ифодалаб келувчи қисқа “и” товуши битта товуш бўлмасдан, бир-биридан кескин фарқ қиладиган бошқа-бошқа товушлардир. Шунга кўра, форс тилини яхши билмайдиган таржимон ёки тадқиқотчигина форсча парчалардаги ушбу икки товушни битта ҳарф билан ифодалайди.

Эслатиб ўтиш лозимки, форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржималар ҳамда тадқиқот асарларида келтирилган форсча парчаларни кириллча транскрипцияда беришдаги ушбу қўпол хато биргина “Макорим ул-ахлоқ” асарининг биринчи ўзбекча таржимасига эмас, балки совет давридан тортиб мустақиллигимизнинг шу кунларигача амалга оширилаётган аксарият таржималар ва тадқиқот асарларига хосдир.

Бироқ, форсча парчаларни кириллча транскрипцияда беришда бундан бошқача бўлган яна бир хато усулнинг қўлланилгани ҳам кузатилди. Алишер Навоийнинг йигирма жилддан иборат бўлган “Мукамал асарлар тўплами”ни тайёрловчилар (Тошкент, “Фан”, 1987 – 2003 йиллар) шоир асарларидаги форсча қисмлар ва парчаларни кириллча транскрипцияда беришда, нимагадир тўғридан-тўғри, яъни ҳеч қандай изоҳсиз ва тушунтиришсиз, кирилл алифбоси асосидаги тожик ёзувидан фойдаланишга қарор қилишган.

Жумладан, унда нафақат шусиз ҳам ўзбек тилида мавжуд бўлган “ў” ҳарфи умуман асосиз равишда унинг тожик алифбосидаги муқобили бўлган “ӯ” ҳарфи воситасида берилган, балки “ж” товушини тожик алифбосидаги “ч” ҳарфи ёки чўзиқ “ий” товуши (ёки товушлар бирикмаси)ни тожик алифбосидаги “й” ҳарфи билан беришдан олдин тожик алифбосидаги ушбу ҳарфлар қандай товушларни ифодалаши тўғрисида ҳеч қандай тушунтириш берилмаган. Қизиғи шундаки, ушбу асарлар тўпламини тайёрловчилар кирилл алифбоси асосидаги тожик ёзуви ҳарфларини қўллашдан олдин нафақат ушбу ҳарфлар қандай товушларни ифодалаши тўғрисида тушунтириш беришмаган, балки бегона тил алифбоси элементларини қўллаш заруратини асослаб ҳам беришмаган.

Бизнинг услуб

“Мақорим ул-ахлоқ”нинг камина томонидан амалга оширилган илмий-изоҳли академик таржимасида (Тошкент, “Академнашр”, 2018), асарнинг биринчи ўзбекча таржимасидан, қолаверса, форс тилидан ўзбек тилига амалга оширилаётган кўпчилик таржималардан фарқли равишда, форсий изофани қўйишда хатоликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида, шеърий парчаларнинг форсча аслини кирилл ёзувида беришда *ё* “йо” ҳарфи билан ифодаланувчи чўзиқ “ий” товушини сўз охирида келган ҳолатларида ий ҳарфлар бирикмаси, сўз охирида изофани билдириб келувчи ва *ё* “зер” ҳарф ости белгиси билан ифодаланувчи қисқа “и” товушини эса и ҳарфи воситасида берилди. Жумладан, асарнинг олдинги ўзбекча таржимасидаги “Чу мояи хирад ёфти дар жаҳон” (31-б) шеърий сатри “Чу мояи хирад ёфтий дар жаҳон” кўринишида, “То сайд куни ҳазор дил ҳар нафасе” (31-б) шеърий сатри “То сайд куний ҳазор дил ҳар нафасе” кўринишида, “Ба турки забон нақше омад ажаб” (48-б) шеърий сатри “Ба туркийзабон нақше омад ажаб” кўринишида, “Бибахшид бар форси гавҳарон” (48-б) шеърий сатри “Бибахшуд бар форсий гавҳарон” кўринишида ва ҳк. ислоҳ қилинди.

Биз қўллаган ушбу услубнинг афзаллик томони шундаки, бунда изофани ифодаловчи қисқа “и” товуши билан *ё* “йо” ҳарфи воситасида ифодаланувчи чўзиқ “ий” товуши ўртасида аниқ фарқ ва чегара қўйилади ҳамда ўқувчи форсий парчани ўқишда изофани тўғри қўяди. Натижада, изофа бўлмаган “ий”ни изофа сифатида

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўқиш ёки аслида изофа бўлган “и”ни оддий чўзиқ “ий” сифатида ўқиш ҳолатларининг олди олинади.

ODDIY FOLKLORIZMNING SHE’RDAGI O’RNI

Salohiddinova Lobar Qahramon qizi

BuxDU boshlang’ich ta’lim nazariyasi kafedrası 2-kurs magistri

ANNOTATSIYA. Adiblar folklorning maxsus turiga mansub maqol va mataldan foydalanish orqali oddiy folklorizmni yuzaga keltirishadi. Maqolada oddiy folklorizmning she’rda qanday ahamiyat kasb etishi tadqiq qilingan.

Kirish. Yozma adabiyotning folkloridan foydalanishi natijasida folklorizm yuzaga keladi. Folklorizm oddiy va murakkab folklorizmga bo’linadi. Olima L.Sharipova “XX asrning 70-80-yillari o’zbek she’riyatida folklorizm” nomli monografiyasida “folklorizm” atamasi dastlab tibbiyotda qo’llangan bo’lib, keyinchalik adabiy istiloh sifatida ahamiyat kasb etgani haqida yozar ekan, maqol va matallarning biror bir ijodkor asari tarkibida uchrashi oddiy folklorizm hisoblanishini ta’kidlaydi [2.16-41]. Maqollardan badiiy adabiyotning barcha turida keng foydalaniladi. Mumtoz adabiyot vakillari xalq maqol va matallarini mahorat bilan qo’llar ekanlar, turli poetik maqsadlarni ko’zlaganlar.

Asosiy qism. Ayni damda, o’zbek bolalar she’riyatida ham oddiy folklorizm o’ziga xos o’rin tutadi. Jumladan, o’zbek bolalar shoiri Dilshod Rajab ham oddiy folklorizmlarni yuzaga keltirib, o’z maqsadi yo’lida xalq donishmandligidan o’rinli foydalana olgan. Shoirning “Xirmon” she’ri majoziy obrazlar asosida yaratilgan. Shoir “O’roqda yo’q, mashoqda yo’q, xirmonda hozir” maqolining bir qismini keltirib, dehqonchilik ish qurollari obrazlarini yaratish orqali she’rxonga ijtimoiy voqelikni anglata olgan:

Xashak to’pladi borin,
Ho’p ham bo’ldi haydalib.
O’roqda yo’q panshaxa,
Hozir bo’ldi qaydandir [1.10].

Aslida yig’ilgan xirmon yanchilgach, panshaxa don va somonni ajratish chog’ida sovurish uchun zarur bo’lgan. Bu uning uchun vazifa, hayotiy hodisa sifatida qaralsa, salbiylik yo’q. Ammo shoir shu hayotiy hodisaga salbiylik ma’nosini yuklab, panshaxani salbiy obraz sifatida

gavdalantiradi. “Beli og’rimaganning non yeyishini ko’ring” matali sal o’zgartirib qo’llanar ekan, she’rning xulosasi ham xalqning purhikmat xulosasiga tayanib berilgan. Bola she’rxon bu she’rni ulg’ayib borgani sayin takror eslasa, ota-onasi yig’gan boylikni sochib, yo’qotib yuborgan takasaltang farzand obrazini ko’z o’ngida qayta jonlantiradi. Dilshod Rajab shu she’rning o’zida xalq qarg’ishini ham qo’llaydi va yana bir oddiy folklorizmni yuzaga keltiradi:

Og’rimagan-da beli,
U och-yupun qolgurning.
Shuncha xirmonni kelib,
Zumda elga sovurdi [1.10].

“Och-yupun qolgur” qarg’ishi bir kishining mehnatini qadrlamagan, topilgan boylikni oson sovurgan insonlarga nisbatan qo’llanmoqda. Bunday insonlar qarg’ishga yo’liqadilar va o’z-o’zidan ham och-yupun qoladular. Shoirning mahorati tufayli qarg’ish o’z o’rnini topa olgan. Shoir “Qarg’a” she’rini xalq maqolini epigraf tarzida keltirish orqali boshlaydi. Ayni choqda, she’rda ham shu maqolni keltirib qarg’a obrazini boshqacha talqin qiladi:

To’g’ri, “qag’-qag’” etaman,
O’z ko’nglim chog’ etaman.
Buning nimasi yomon,
Axir qish sovuq chunon,
Turmayman-da titrab zor,
Anov musicha misol [1.16.].

Shoir hamma vaqt, hatto qishda ham kuylay bilish kerak, g’amga botib o’tirmaslik lozim deb xulosa qiladi. Doim salbiylik ma’nosini tashiydigan qarg’a obrazi bu she’rda qiyinchilikdan qo’rqmaydigan, har qanday holatda ham olg’a intiladigan obraz sifatida gavdalantirilgan. Qiyinchilik oldida titrab o’tirmaslikni o’rgatishi tufayli she’rxonga o’rnak bo’la bilgan.

Shoir xalq maqol va matallarini goh aynan, goh o’zgartirib qo’llash natijasida asl hamda qayta ishlangan folklorizmni hosil qilgan:

Qay biriga qarashni,
Bilmay, shoshib qolding-a?
Shaftolini aytolmay,
“Shap-shap-shap” deb tolding-a? [1.4.]

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Yuqoridagi misralarda xalqning “shap-shap deguncha, shaftoli de” matalidan foydalanilgan. Bu matal chaynalib o`tiradigan, gapini ifodalay olmaydigan maydakash kishilarga nisbatan qo`llanadi. Ammo bu o`rinda shoir xalqdagi ifodani o`zgartiradi. Fikrini emas, aynan so`zning o`zini aytishda qiynalgan bolakay holatini ifodalaydi. She`rxon bog`ning go`zalligini, shaftolilar ko`pligini, rang-barang navlarini ko`rib shoshganidan so`zni chala talaffuz qilgan lirik qahramon holatini ko`z oldiga keltiradi. Shoir bir she`rning o`zida yana bir oddiy folklorizmdan foydalanadi. Mevalarning go`zalligidan lol qolgan bolakay holati orqali bog`ning husnini she`rxon ko`z o`ngida jonlantirgan shoir endi iboradan foydalanadi:


Bu yoqqa boq, bu yoqqa,
Ko`rsatay bog' go`zalin.
So`zim kirmas quloqqa,
Olma terar ko`zlaring [1.4].

“Ko`zi olma kesak teradi” tarzidagi xalq iborasi ko`zi tog`ri bo`lmagan insonlarga nisbatan qo`llanadi. Ammo shoir iborani ko`zlari to`rt tarafga olazarak bo`ladigan, ko`zi nopok kishilarga nisbatan qo`llamaydi, balki bog' husnidan lol, nafsini jilovlashga jinday qiynalgan bolakay obrazini yaratadi. Bunday satrlar yordamida boshlang`ich sinf o`qituvchisi iboralar ko`p ma`noli ekanini, bolalarga matal, ibora kabi hodisalarni tushuntirishi mumkin.

Shoirning “Maqollar kitobi” she`ri oddiy folklorizmning betakror, chiroyli namunasi [1.40.]. She`rda “Shohning ishq qurbaqaga tushibdi”, “Yaxshi so`zga ilon chiqar inidan”. “Tuya hammomni orzu qilibdi”, “Chumchuq semirib botmon bo`lolmas”, “Mushuk tekinga oftobga chiqmaydi” singari matallar; “Arslon izidan qaytmas, yigit so`zidan qaytmas”, “Sichqon sig`mas iniga, g`alvir bog`lar dumiga”, “Ayrilganni ayiq yer, bo`linganni bo`ri”, “Yolg`iz otning changi chiqmas, changi chiqsa ham dong`i chiqmas” maqollari qo`llangan. Ammo barcha maqol va matallarni aynan o`z ma`nosida, o`z shaklida qo`llamagan: “Do`stlardan ayrilganni yeydigan ayiqlar, bo`ri”, “Changi chiqsa ham dong`i chiqmaydigan yolg`iz ot”. Maqolning ma`nosida o`zgarish, shoirning maqsadiga moslashtirish borligi sezilib turibdi. Jamiyatda shunday “ayiqqlar” borki, ular kuchli bo`lsalar ham duch kelganni yemaydilar, balki do`stlaridan ayrilib, himoyasiz, madorsiz qolganlarni yeydilar. Bu, albatta,

maqoldagi ma'nodan foydalanib, ijtimoiylikni kuchaytirishdir. Jamiyatda shunday otlar borki, dong tarataman deb yakka yurib, hamma yoqni changitadi. Boshqa shoirlar singari Dilshod Rajab ham maqollar yordamida davr manzaralarini she'rxon ko'z o'ngida namoyon qiladi. Shoir "Tez yordamchi", "Sinf" she'ri orqali o'quvchilardagi kamchiliklarni sanaydi va bolalardagi bu nuqsonlarni davolovchi ham bolalarning o'z ichidan chiqishi kerak deb hisoblaydi. She'rni maqolni o'zlashtirish orqali oddiy folklorizmni yuzaga keltirish bilan yakunlaydi.

Xulosa. Bundan ko'rinadiki, Dilshod Rajab oddiy folklorizmlarni yuzaga keltirar ekan, quyidagilarga erishdi:



Shoir folklor qudratiga tayanib, yosh she'rxoniga ta'sir qilishning samarali usullaridan foydalana bildi. Bu esa shoir she'rlarining zamonaviy o'zbek bolalar she'riyatidan munosib o'rin topa bilishiga sabab bo'ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Dilshod Rajab. Otamning bog'i. – Toshkent: Cho'lpon, 1996. – 48 b.
2. Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o'zbek she'riyatida folklorizm. – Toshkent: Fan, 2011. – 152 b.

HASHAROT NOMLARI ASOSIDA SHAKLLANGAN O'ZBEK XALQ PAREMALARI IZOHI

G.Y.Samandarova,

O'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi

ANNOTATSIYA. Ushbu maqolada hasharot nomlari asosida shakllangan xalq paremalarining izohi berilgan. Paremalar adabiyotshunoslikning o'rganish obyekti bo'libgina qolmay, ular so'zlardan tuzilib, ma'lum bir fikrni ifodalovchi gaplardan iborat bo'lganligi uchun tilshunoslikning ham o'rganish obyekti ekanligi ta'kidlangan. Hasharot nomlari asosida xalq paremalarining shakllanishiga ularning tashqi ko'rinishi, biologik xususiyati, rang tusi va hayot

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

kechirish tarzi kabi belgilari asos bo'lib xizmat qilganligi misollar orqali yoritib berilgan.

Olimlarning aniqlashlaricha, har bir kishi tilimizdagi 800 ga yaqin maqol, matal yoki aforizm haqida tushunchaga ega ekan. Lekin tilning paremiologik boyligi bir necha o'n minglab paremalarni o'z ichiga oladi. Hozirgi o'zbek yoki boshqa adabiy tilni yaxshiroq, mukammalroq bilish uchun o'sha tilning fonetikasi, grammatikasi, leksikasi bilan bir qatorda uning boy paremiologik me'rosini ham chuqur egallash lozim.

Paremiologiya (yun. *paroimia* - hikmatli so'z, zarbulmasal) ma'lum bir tildagi avloddan avlodga og'zaki shaklda ko'chib yuruvchi, ixcham, sodda, qisqa va mazmundor, mantiqiy umumlashma sifatida paydo bo'lgan maqol, matal, aforizm kabi hikmatli iboralarni o'rganadigan fan sohasi hisoblanadi.

Paremalar avloddan avlodga faqat og'zaki holdagina o'tib kelganligi, xalq og'zaki ijodining mahsuli bo'lganligi uchun adabiyotshunoslikning o'rganish obyekti hisoblanadi, chunki ularning aksariyati ko'pincha she'riy shaklga o'xshaydi va ularda o'xshatish, antiteza, anafora, alliteratsiya, kinoya, piching kabi bir qancha tasviriy vositalar qo'llanadi.

Shu bilan birga paremalar so'zlardan tuzilib, ma'lum bir fikrni ifodalovchi gaplardan iborat bo'lgani uchun tilshunoslikning ham o'rganish obyektidir. Paremiologiya ana shu ikki jihatni o'zida birlashtiradi.

Premalarni to'plash, o'rganish Mahmud Koshg'ariy («Devonu lug'otit turk») va Gulxaniy («Zarbulmasal») zamonlaridan to hozirgi kunlargacha davom etib kelmoqda.

Hasharotlar tabiatda juda keng tarqalgan jonzotlardir. Tabiatda ko'pchilik hayvonlar va o'simliklarning hayoti hasharotlar bilan bog'liq. Hasharotlar qaldirg'ochlar, qizilishtonlar, chittaklar va boshqa qushlar, sutemizuvchilardan ko'rshapalaklar, tipratikanlar, kaltakesaklar va baliqlarning asosiy ozig'i hisoblanadi.

Hasharot nomlari asosida xalq paremalari shakllangan va bu shakllanishga ularning quyidagi belgilari asos bo'lib xizmat qilgan:

- tashqi ko'rinishiga ko'ra: *“nihoyatda kichik”*. *Bir tomchi suv chumoliga daryo ko'rinar. Bit ham bo'lsa – panoh. Burganing ko'ziga igna xari bo'lib, chumoli fil bo'lib ko'rinar;*

- biologik xususiyatiga ko'ra: "zaharli", "tez ko'payuvchi". *Chayon chaqqan uxlaydi, Qorni och uxlamaydi. Bolaning erkasi – bitning sirkasi;*

- rang tusiga ko'ra: "qora". *Qo'ng'iz bolasini oppog'im der, Kirpi bolasini yumshog'im der;*

- hayot kechirish tarziga ko'ra: *O'rgimchakdek o'rmalama, bedanadek yo'rg'alama. Yumshoq yog'ochga qurt tushar. Yantoqli yerda so'na bor.*

"Hasharot" nomlari asosida shakllangan o'zbek xalq paremalari ko'proq hasharotlarning tashqi ko'rinishi va hayot kechirish tarziga ko'ra yuzaga kelganligini ko'rsatadi.

Chumoli birlashsa, chayonni yiqar.

Chumoli birlashsa, chayon po'stini yirtar.

Ahillik, uyushqoqlik bor joyda hamma qiyinchiliklarni osongina bartaraf etish mumkin, – degan ma'noda qo'llanadi.

Ikki nor urishsa, o'rtada chivin o'lar.

Odatda, ikkita kuchli olishganda kuchsiz ularning zarbasiga dosh berolmaydi yoki kuchlilarning, kattalarning xatti-harakati: nizosi, tortishuvi kuchsizlarga, kichiklarga ziyon yetkazadi.

Chayonning kasbi – nish urmoq.

Hayotda nuqul birovga zarar yetkazib yashaydigan, shunday hayot tarzini o'ziga kasb qilib olgan kishilarga nisbatan kinoya tarzida qo'llanadi va kuchli emotsional-ekspressiv ma'no tashiydi.

Pashshaning mahmadanasi axlatga qo'nar.

Mahmadana, boshqalarga navbat bermaydigan, befarosat, shilqim kishilarga nisbatan kinoya tarzida qo'llanadi.

Burganing ko'ziga igna xari bo'lib, chumoli fil bo'lib ko'rinar.

Qo'rqqoq, imkoniyati cheklangan kishiga kichkina narsa ham dahshatli bo'lib ko'rinadi, – degan ma'noni ifodalagan.

Burgani deb po'stinni olovga tashlama.

Inson hayotda maqsadga erishish yo'lida turli to'siqlarga uchraydi. Mana shu to'siqlarni mardona yengib o'tgan kishigina o'z niyatiga erishadi, degan ma'noda ishlatiladi.

Itidan yorug'lik chiqmas,

Bitdan – chorig'lik.

Yomon kishilardan hech qachon yaxshilik kutma. Unday kishilar hamma vaqt o'z manfaatini o'ylab ish tutadi, boshqa birov bilan esa ishi bo'lmaydi, – degan mazmunda qo'llanadi.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Hasharot nomlari asosida shakllangan o'zbek xalq paremalarida hasharot nomi tasviriylikni, obrazlilikni ta'minlovchi vosita sifatida nisbatlash, o'xshatish, ma'no ko'chirish orqali kishilarning ko'rinishi, muomala-madaniyati, xulq-atvori, xatti-harakati, xarakter-xususiyati, nutqi kabilarni ifodalashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бердиёров Ҳ., [Расулов](#) Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати, Т., 1984.
2. Имомов К. Мақоллар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: 1980.
3. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 104 б.
4. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. – Тошкент: Академнашр, 2019.
5. Mavlonov O. Zoologiya. 7-sinf uchun darslik. – Toshkent, 2005.

САМАНДАР ВОҲИДОВ ИЖОДИДА ВАҚТ ВА ЗАМОН КЕНГЛИКЛАРИ МАНЗАРАЛАРИ

Сафарова Ҳилола Охунжоновна,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти.

АННОТАЦИЯ. Мақолада шоир Самандар Воҳидовнинг давр ва замона руҳини ҳис қилишда тарихий ҳодисалар ва тарихий шахслар тақдирига поэтик муносабат билдириш орқали ўша жараёнларни акс эттириши ва ўзига хослиги ҳақида фикр юритилган.

Самандар Воҳидовнинг поэтик ижодида вақт хронотопи лаҳзалар, кунлар, тунлар, тонг, оқшом, фасл ва йил тимсоллари орқали ифодаланса-да, баҳор тонги қиш тонгига, ёз оқшоми куз оқшомига ўхшамаслиги билан, шунингдек, ҳар бир фаслнинг табиати ўзига хос бетакрор белги ва фазилатлари билан, қолаверса, тоғ сўқмоғи саҳро сўқмоғидан, қишлоқ йўли шаҳар йўлидан, дарёлар дарёлардан, кўллар кўллардан, пахтазор буғдойзордан фарқ қилувчи тароватга эгаллиги билан ўқувчини замон оқими ва ватан кўркамлигини таъминлаган манзаралар оғушига олиб киради, ўқувчида вақтда ўзини, ўзлигини англаш ва она-юртдаги ҳар бир

бўлакни идрок этиш орқали Ватанни бир бутун ҳолда кўра ва сева билиш иқтидорини тарбиялайди.

Шоир давр ва замона руҳини теранроқ ҳис қилиш ниятида тарихий ҳодисалар ва тарихий шахслар тақдирига айрича поэтик муносабат билдириш орқали ўша жараёнларни синчковлик билан бадий тадқиқ қилади, шу тарихий ҳодисалар ва тарихий шахслар қисматидан бугунча даҳлдор маъно топишга интилади. “Ривоят”, “Ғалабанинг илк куни”, “Етилмай янчилган донлар”, “Наврўз бобонинг умр сўнгида туйган ҳақиқати”, “Занжирбанд айиқ”, “Дехқон оиласининг бир куни”, “Шариф Нурхоннинг сўнги тилаги”, “Абдулла Қодирий”, “Мозийдаги қилич”, “Қўзивой чолнинг иқрори”, “Файзулла Хўжанинг сўнги нидоси”, “Ҳазрат Яссавийга ҳасби ҳол”, “Ҳазрати Нақшбандни айла зиёрат”, “Мангулик қасидаси”, “Боқи беданабознинг жайдари фалсафаси”, “Темурбек авлодлари”, “Далавой қўшчининг хотинига таскини”, “Умрзоқ бобонинг хотира кунидаги нутқи”, “XX аср билан хайрлашув”, “Қурғоқчилик”, “Ҳожи Тешабобо Нақшбанд ҳикматларидан”, “Уруш ветеранларига”, “Сени кўмсаб...”, “Жанггоҳда”, “Абдуллатифнинг ўчмас фарёди”, “Бири аллома шоҳу бири авлиё шоир”, “Истиқлол нақш этган янги битиклар”, “Ҳазрат Ҳафс Кабир ва оила аёллар ҳикояти” ва бошқа ўнлаб шеърлари шундай изланишлар ҳосиласи тарзида дунёга келган. Шоир бу шеърларининг аксариятида замонни тарихий шахслар хислати орқали кўрсатиш йўлидан борса, бошқа бир қанчасида замон руҳини ўша даврга хос ашёлар воситасида ифодалаш йўлидан боради. Шеърларда тасвирланган воқеликнинг қайси даврда кечганлигига қараб хронологик асосда тартиблантирилса, халқимизнинг минг йилдан зиёдроқ тарихи манзаралари кўриниши ҳосил бўлади.

Замонасининг улкан олими бўлгани туфайли “Кабир” (буюк), соҳибқароматлиги туфайли “ҳожатбарқор” деб эъзозланган Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767-832) VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ислом фикҳшунослигига асос солган, тарих, ахлоқ, фалсафа ва ҳадис илмлари билан жиддий шуғулланган аллома бўлиб, Ўрта Осиёда ҳанафий мазҳабининг ёйилишида алоҳида ташаббус кўрсатган. Унинг шарофатидан Бухорои Шариф “Қуббатул ислом” унвонига мушарраф бўлган. Унинг “Алаваъ вал ихтилоф” (“Ҳавои гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ал раддул ҳалал лафзия”

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

(“Юзаки қаровчиларга раддия”) ва бошқа асарлар ёзгани маълум. Шунга қарамай, у пок тийнатли, ҳалол, иймони бутун ва хоксор инсон сифатида шуҳрат қозонган. Халқ орасида унинг ажойиб фазилатлари ҳақида ҳамон хилма-хил ривоятлар сўзлаб келинади. Шундай ривоятлардан бири асосида Самандар Воҳидов 2006 йилда “Абу Ҳафс Кабир ва оила аёллар ҳикояти” воқеабанд дидактик шеърини ёзди. У бунда Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ал-муттақин” асарида Абу Ҳафс Кабир ҳақида келтирилган ривоятдан ижодий фойдаланган. Асарда Бухоро аҳлининг исломни қабул қилиш жараёнидаги ҳаёти аксини топган. Абу Ҳафс Кабир халқни исломий эътиқодга чорлаб юрган бир палла ҳали Бухоро аҳлининг бир қисми оташпарастлик эътиқодида эди. У шундай оғир вазиятда Абу Ҳафс Кабирдан элни исломий эътиқодга даъват этувчи ваъз айтиш сўралган. Шунда у минг андишага бориб, охири ваъзга чиқиш олдидан хотинидан маслаҳат сўраса “андишали оила аёли” унга:

– Ҳазрат, келмасин малол,
Ҳақингизга қиларман дуо.
Ваъзда бўлсин тилингиз бурро.
Алҳамдулиллоҳ, нурдай покдирсиз,
Ваъз айтмоққа ҳақдироқдирсиз.
Парҳезкорсиз, риёдан халос,
Фозилдирсиз, воизларга хос.
Лекин беайб бир парвардигор,
Хотирангиз варақланг бир бор:
Ҳаётингиз давомида Сиз
Шубҳали иш қилмаганмисиз?
Эгасидан сўрамай рухсат,
Нафсингиз панд бериб қай фурсат,
Бирор луқма емаганмисиз?..

Бир хотирланг, лозим кўрсангиз...– дея сўз қотибди. Абу Ҳафс Кабир бу сўзларни мулоҳаза қилиб, узоқ ўйлаб қолибди, ниҳоят сергак тортиб, ёшлигида ўйнаб туриб, бир оташпарастнинг кўчасига боргани-ю, ноҳос унинг саройига кирса боғдаги гандано (барра биёзга ўхшаш шифобахш ўсимлик)ни кўриб, нафси ғолиб келганидан эгасидан сўрамай биттагина баргини узиб егани эсига тушиб, шу воқеани хотинига айтиб берибди. Шунда рафиқаси:

– Ё, Имом!
Ош бўлмагай норизо таом.
Бўлса ҳамки биттагина барг,
Қолар ундан танда нопок гард.
Шу гард токи жисмингизда бор,
Сўзларингиз чиқмас маънодор.
Покланмаса воизда нафас,
Тингловчига бетаъсирдир ваъз.
Топиб ўша оташпарастни,

Рози қилиб покланг нафасни, – дея уни гандано эгасини рози қилишга ундайди. Имом гандано эгасини топиб, уни воқеадан воқиф этиб, нима қилса рози бўлишини сўрабди. Оташпараст “Мусулмонлик – ҳалоллик дейсану баргни ўғирлаб ейсанми?” – дея унга маломат қилади. Шунда Имом “шу биргина баргингни сота қол,” “пулини тўлаб, дилимдаги доғдан қутилай” дейди. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин деганларидай, оташпараст ҳам бир мирига арзимайдиган бир барг нархини юз дирҳамга чиқаради. “Бу ҳали охиргиси эмас, ҳақиқий нархини эртага эшитасан”, дея савдони кейинги кунга қолдиради. Ўзи эса бу савдосидан ич-ичидан яйраб, бўлган воқеани хотинига айтса, у ранжиб эрига дашном бера бошлабди:

– Шу гап агар бўлса рост,
Иш қилибсан номардларга хос.
Аллақачон ейилган барг деб,
Бир мард келса ранги сарғайиб,
Айт-чи, қайси инсофли одам,
Узрхоҳдан сўрар юз дирҳам?
Аҳли муслим пок, ҳалол экан,
Яъни ислом безавол экан.
Ҳақ дин экан Хожанинг дини,
Наҳотки фахр этмадинг шуни?!
Уялмабсан савдолашгани,
Мўмин билан гап талашгани...
Энди сенга будир маслаҳат,
Хожани топ, кўрсатгил ҳурмат.
Кечирдим де, беэваз, бепул,

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ва динини айлагил қабул.
Тўғри йўлга бизни ҳам шояд,
Ислом дини қилса ҳидоят.

Оила хотини гапи таъсирида оташпараст ўз хатосини англаб, ислом эътиқодини қабул қилибди ва гандано пулидан воз кечибди. Бу воқеа эл оғзига тушиб, юртдаги бор оташпарастлар Оллоҳга имон келтириб, мусулмонликни қабул қилишибди. Бу ривоят орқали ўтмишда сочи узун, ақли қисқа деб қаралган аёлларнинг донолиги ва жамият тараққиётида нечоғли рол ўйнаганларини кўрсатишга муваффақ бўлган. Ҳатто улуғ авлиё ва аллома бўлганига қарамай, Абу Ҳафс Кабир оила аёлидан иймони саломатлиги йўлида покланиш сабоғини олган бўлса, зикна оташпараст нафсини тийиб, ҳалоллик дини бўлган исломий эътиқодни қабул қилади. Шоир аёл донолигини шарафлаб, асарини ҳикмат даражасидаги мантиқий якун билан хотималайди:

Доно аёл бўлса ҳамнафас,
Демак, инсон ҳақ йўлдан тоймас.

Шоир халқимиз тарихини чуқур мушоҳада этаркан, ундаги ҳар бир порлоқ ва қора нуқтанинг сиёсий-ижтимоий моҳиятини теранроқ англашга ва эстетик баҳолашга айрича аҳамият беради.

Фойдаланилган адабиётлари рўйхати:

1. Орзунинг осмони кенг. Сайланма, 3-жилд.–“Бухоро” нашриёти, 2006, 18,6 б.т.
2. Оламдан ранг излаб. (Шеърлар).–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 2,5 б.т.

ШЕЪРИЯТДА ГРАДУОНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Р.Р.Сайфуллаева

ЎзМУ ўзбек тилшунослиги
кафедраси профессори, филология
фанлари доктори

АННОТАЦИЯ. Бугунги тилшунослик фанида градуонимия ва унинг ўзбекча маънодоши даражаланиш атамалари сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўринишини атовчи илмий тушунча сифатида оммалашди ва ўзбек тилшунослигига мустаҳкам ўрнашиб олди дейиш мумкин. Ушбу лисоний ҳодисанинг шеъриятда воқеланиш хусусиятларини ўрганиш ҳам долзарблик касб этади. Муҳаммад Юсуф шеърларини лисоний жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, бу жараёнда унинг сўз танлашга катта эътибор берганлиги, лексема маъносидаги нозик жиҳатларни илғаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Белгини даражалаб келувчи лексик бирликларни ўзаро бирлаштириш тилшуносликда узоқ тарихга эга. Маъноси даражаланиб келувчи сўзлар қаторини алоҳида ҳодиса сифатида ажратиш Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ҳам учратиш мумкинлиги *йиги* ҳолатини ифодаловчи лексик бирликлар мисолида изоҳланганлиги манбаларда қайд этилади. Ўзбек тилшунослигида лисоний бирликлар орасидаги даражали муносабатлар муаммосини ўрганиш алоҳида долзарб масала сифатида "градуонимия" атамаси тарзида Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ш. Орифжонова, М.Нарзиева, С.Саидов, Г. Неъматова, О.Бозоров, Н.Ширинова каби қатор тилшунослар тадқиқотида ўрганилган[1;5;6;7;10;11]. Ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилган мазкур масала олима Ж.Жумабоева[2] диссертациясида инглиз тили материаллари асосида қиёсий таҳлилни топди. Бугунги тилшунослик фанида градуонимия ва унинг ўзбекча маънодоши даражаланиш атамалари сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўринишини атовчи илмий тушунча сифатида оммалашди ва ўзбек тилшунослигига мустаҳкам ўрнашиб олди.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ушбу лисоний ҳодисанинг шеъриятда воқеланиш хусусиятларини ўрганиш ҳам долзарблик касб этади. Эл ардоқлаган шоир Муҳаммад Юсуф шеърларини лисоний жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, бу жараёнда унинг сўз танлашга катта эътибор берганлиги, қийин жумлаларни эмас, балки халқона, ўзбекона, содда сўзларни қўллашга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шоир ижодида от, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумларига хос сўзлардан тизилган градуонимик қаторлар мавжудлиги маълум бўлди. Ижодкор шеъриятининг мавзу йўналишига эътибор берар эканмиз, бунда Ватан мавзусидаги шеърларнинг салмоғи юқори эканига гувоҳ бўламиз. Чунончи, "Ватан" шеъридаги қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Шодон куним *гул* отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.

Мисралардаги *гул* ва *чечак* сўзлари даражаланиш қаторини ҳосил қилиб, ғайрилисоний омилар асосида боғланган, яъни ўсимликнинг энди гуллаётган ҳолати ва тўла очилган гул ҳолати ифодаланади. Бу сўзларнинг аташ маъноси таркибида белгининг ёшига кўра турли даражаларини ифодалаш маъноси кўринади.

Бир *дарёга* уланмаган *ирмоқлар*,
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.

"Ўғлонлар" шеъридан олинган мазкур парчадаги *дарё* ҳамда *ирмоқ* сўзлари белгининг ҳажми, катта-кичиклиги билан фарқланади ва градацияни юзага келтиради. Ирмақ дарёнинг бошланиш жойи, нуқтаси бўлиб, у турли ўзанларга қўшилиб бораверади ва охирида катта дарёга қўшилади. Бундан ташқари, М.Юсуфнинг яна бир шеърида *дарё* сўзи билан боғлиқ даражаланиш қатори кўзга ташланади:

Куйиб кўксим ўтар бўлсам,
Оқар бўлсам кетар бўлсам,
Мени *дарё* тушунгайдир,
Сен эй *уммон*, тушунмайсан.

Ушбу сўзларни ҳажмига кўра даражалайдиган бўлсак, қуйидаги даражаланиш қатори юзага келади: ирмоқ – дарё – денгиз(уммон)(уммон ва денгиз сўзлари синонимлар). Ижодкор лирикасида яна шундай қаторлар борки, улар ҳам бир неча шеърларда нозик дид ва зийраклик билан қўлланган. Бу "уй" бош сўзи асосида ҳосил бўлган градуонимик қаторлардир. М.Юсуфнинг "Кундошли уй" шеъридаги қуйидаги бандга эътибор берайлик:

Кундошли уй вайронадир,
Ош ўрнига айрон татир.
Кошонанг бўлса ҳам қаср,
Ғамхонадир, ғамхонадир.

Бунда уй – кошона – қаср қатори предметнинг ҳажми ва ҳашамига кўра даражаланади. Айнан шу сўз атрофида бирлашган градуонимик қаторни Ҳ. Неъматов ва Р.Расуловларнинг "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" китобида ҳам учратамиз. Муаллифлар бу қаторни қуйидагича ифодалашган: "Кулба – хужра – хона – уй – ҳовли – қаср – сарой – кошона"[5]. Шу ўринда градуонимия ҳодисаси синонимияга ўхшаб кетади, чунки "даражаланиш қаторининг бош лексемаси маънодошлиқ қаторининг бош лексемаси сингари нутқда ўз қатори аъзоларининг ўрнини боса олади". "Уруш йилларининг жонон қизлари" шеърига назар солсак:

Қаҳрамон йигитлар урушга кетди,
Чўғ бўлиб ёндириб қолди излари.
Оловлар ичида бўйингиз етди,
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Бу мисолда чўғ ва олов сўзлари белгининг белгисига кўра даражаланиш қаторини ҳосил қилган. Чўғ сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида тубандагича таърифланган: "Чўғ - алангаси сўнган қип-қизил ўт, олов" [13,389]. Олов эса "юқори ҳароратда ёниб, нурланиб турган газ, аланга, ўт [12,534]. Маълум бўладики, чўғ бу оловнинг бир кўринишини, яъни даражасини ифодалаб келади. "Дардим менинг" шеърида эса кул сўзини ишлатади:

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб
Кул бўлади.
Инсон бир кун ўз майлига
Кул бўлади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Шоир наздида чўғ тутаб-тутаб ахийри кулга айланади. Аслида ҳам шундай. Чўғнинг охирги кўриниши кулдир. Бу икки от лексема ҳам ўзига хос даражаланиш қаторини ҳосил қилиб, ғайрилисоний асослар билан боғланган.

Демак, келтириб ўтилган икки шеърий парчадаги от лексемаларни бир даражаланиш қаторига қўядиган бўлсак, яхлит қатор ҳосил бўлади: *олов - чўғ - кул*. Ушбу қатордаги лексемалар маънонинг ўсиб эмас, балки пасайиб бориши даражасига кўра жойлашган бўлиб, предметнинг бир кўринишдан кейинги бир кўринишга ўтиш ҳолатини ифодалайди. Яъни, оловнинг ҳолати нуқтаи назаридан ёндашсак, бу қаторда [олов] лексемаси бош сўз саналади.

Кўринадики, шоирнинг сўз ва унинг турли қирраларидан фойдаланиш маҳорати жуда юқори. "Биби" шеъридан олинган бандга эътибор берсак:

Асли-ку, шаҳарга йўлим чап эди,
Нетай, пойтахтдаман, насибам экан.
Сенинг-ку, душманинг бир Зайнаб эди,
Менинг кундошим кўп, ёвларим улкан.

Бир қарашда мисралар таркибидаги *душман* ва *ёв* отлари синонимга ўхшайди. Лекин уларнинг аташ маъноларида зидликнинг, ўзаро зиддиятли муносабатларнинг кучайиб бориши каби нозикликларни кузатиш мумкин. *Душман* сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида "...дунёқараши, манфаатлари, ғоялари бир-бирига қарама-қарши бўлган, зид; бир-бирига ёмонлик қилувчи, ғаним"[12,241], дея изоҳланган. *Ёв*га эса "уруш, жанг ҳолатидаги қарши томон, қарама-қарши мақсаддаги ғаним" [12,253], дея изоҳ берилган. Бу таърифлардан шуни англаш мумкинки, *ёв* сўзини кўпроқ сон жиҳатидан кўп бўлган рақибларнинг умумий номи сифатида қўллаш мумкин, албатта, лекин кўп ҳолларда яқка рақиб *ёв* деб эмас, душман деб номланади. Демак, *ёв* сўзида зидлик (оппозиция) белгининг ҳажми ва сони жиҳатидан юқорилигини ифодалаб келади.

Маълумки, деярли барча турдаги шеърларнинг таъсирчан бўлиши, бадий тасвир воситаларининг ўринли ва маромига етиши бевосита сифат сўз туркумига оид сўзларни тўғри қўллаш билан

боғлиқ. М. Юсуф шеърларида ҳам бир-бирини такрорламайдиган тасвирий воситалар, ўхшатишлар мавжуд.

Мен ҳам *шайдо*, мен ҳам *мафтун*,
Мен ҳам ҳеч кими йўқ *Мажнун*.
Сени лайло тушунгайдир,
Сен эй жонон тушунмайсан.

Мисралардаги *шайдо*, *мафтун* ҳамда *Мажнун* лексемалари белгининг миқдори жиҳатидан даражаланади. *Мафтун* "эс- хушини йўқотган, юракдан берилган"[12,24] деган маъноларни англатса, *шайдо* ошиқлик белгисининг *мафтундан*-да юқорилигини ифодалайди ва "ашаддий, бирор кимсани ғоят даражада севиб қолган, унинг учун ҳамма нарсага тайёр, мажнуннамо" [13, 453] демақдир. *Мажнун* лексемасида ҳам ошиқликнинг ўзига хос ғайритабиий кучли белгисини кузатиш мумкин.

"Мадина" номли шеърнинг тўртинчи бандида шоирларнинг машҳурлик даражасини ифодалаш учун бир қатор сифатлардан фойдаланилган:

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,
Ҳаммаси *машҳур* ва ҳаммаси *номдор*,
Улуғвор, уларга етмоқ кўп душвор...

Мисраларда ажратиб кўрсатилган сўзлар шахснинг машҳурлик белгисини даражалаб кўрсатса, ижодкорнинг "Турғунлик" шеърида ҳарорат билан боғлиқ *совуқ* лексемасининг қуйидаги градуониясини белгилаш мумкин:

Совуқ дейсизми?
Ҳа, *қаҳратон*!
Қўлчалар қўйнида қотган нон...
Бари жимжималар қоғозда,
"Зангори кема"лар қоғозда,
Пахта теришади *аёзда*,
Биринчи синф болалари.

Совуқ бу ҳавонинг ноль ва ундан паст даражаси бўлиб, ўз даражаланиш қаторининг бош сўзи саналади. *Аёз* эса "ҳавонинг очик ва аччиқ *совуқ* пайти, қора *совуқ*" [12, 28]. *Қаҳратон* аёздан-да *совуқ*ни билдиради, яъни "жуда қаттиқ, ортиқ даражасидаги *совуқ*" [13, 568]

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ҳисобланади. Демак, бунда градуонимик қатор *совуқ* - *аёз* - *қаҳратон* тарзида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф шеърлятида градуонимик қаторларни ҳосил қилган сўзлар миқдори анча бўлиб, улар орасида от, сифат, феъл сўз туркумига оид градуонимик қаторлар энг кўп қўлланилган; жуда кам ўринларда сон сўз туркумига градуонимлар учрайди; равиш ва олмошга доир градуонимик қаторлар эа шоир шеърляри орасида кузатилмади, айрим ўринларда фонетик ҳамда синтактик градуонимиядан жуда унумли фойдаланган. Даражаланувчи бирликлар тилнинг луғат тизимида жуда кенг тарқалгани туфайли тилнинг луғат бойлигини ўрганишда уларнинг аҳамияти юқори саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. –Тошкент:Фан, 1995.-132 б.
- 2.Жумабоева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. –Т.: Мумтоз сўз,2014. –147 б.
- 3.Муҳаммад Юсуф. Сайланма. - Т.: Шарқ, 2012.-288 б.
- 4.Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. - Т.: Ниҳол, 2008.-192 б.
- 5.Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1995.-128 б.
- 6.Неъматов Ҳ., Бегматов Э., Расулов Р. ва б. Лексик макросистема ва унинг тадқиқ методикаси \ ЎТА, 1989, -№6.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ВА ОНА ТИЛИ

Раъно Сайфуллаева,

ЎзМУ профессори, ф.ф.д.

Хулкар Ҳамроева,

Ўзбекистон давлат хореография академияси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов публицистик асарларидаги она тили нуфузи ва таълимига оид фикрлар тадқиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқи бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солди. Тарихда биринчи марта дунёнинг энг нуфузли, энг олий минбарида соф ўзбекча сўз жаранглади. Мустақил Ўзбекистон раҳбарининг: “Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади”, деган сўzlари инсониятни огоҳликка чорлади.

Маълумки, халқлар ўртасидаги мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик тил орқали амалга оширилади. Бинобарин, “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.

Ватаний ишни виждон амри деб билган она тилимизнинг улкан жонкуярларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, замонавий ўзбек адабий танқидчилигининг ёрқин намояндаси, атоқли жамоат арбоби, моҳир сўз санъаткори Озод Шарафиддинов эди. Унинг илмий-публицистик ижодида маънавият, миллий яхлитлик, миллий тил, давлат тили, тил таълими, тил тараққиёти ва софлиги каби масалалар ва уларнинг ечими энг етакчи муаммолар ҳисобланади. Зеро, ҳар бир даврда замоннинг пешқадам олимлари тил ва жамият муаммосига алоҳида эътибор қаратишган. Ўз даврининг етук жамоат арбоби Озод Шарафиддиннинг она тили — ўзбек тили ҳақидаги қарашлари, мақолалари, чиқишлари ўткир тафаккур эгасининг чуқур билими, шижоати ва маҳоратини ифодалагани билан ажралиб туради.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Олимнинг публицистик мақолаларидан бир нечтаси бевосита она тилимизнинг ҳозирги аҳволи, унинг жонкуярлари, равнақи ва бу соҳадаги муаммолар хусусида. “Адабиёт тилдан бошланади”, “Навоний сабоқлари”, “Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам”, “Тилда ҳикмат кўп”, “Тил илмининг дарғаси”, “Отажон Ҳошимов шахсияти. Тақдири. Ижоди” каби мақола ва эсселар бевосита она тили ва унинг хусусиятлари ҳақида бўлса, бошқа жуда кўплаб эсселарида бошқа муаммолар билан бирга, йўл-йўлакай она тили, тил таълими, уни ривожлантириш каби муаммолар доирасидаги қатор долзарб масалаларни кун тартибига қўяди.

Албатта, публицистик услубда асосий мақсад – ижтимоий-сиёсий муносабатни ифодалаш. Мутахассислар публицистик услубга тезкорлик, ҳозиржавоблик ва жанрий ранг-баранглик хос эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, лингвистик нуқтаи назардан у неологизмларга бойлиги билан ҳам характерланади. Умуман олганда, истиқлол даври публицистик услуби лексикасида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеликка мувофиқ катта ўзгаришлар юз берган бўлиб, бу тур лексикани мавзувий, структур-семантик ва структур-грамматик жиҳатдан монографик тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан биридир. Адабиётшунослик майдонида у сўз санъатига яловбардор, ҳақиқий истеъдод эгалари бўлган ижодкорларнинг суянчиғи ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлди. Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабоевнинг эътироф этишича, “Озод Шарафиддиновнинг адабий суҳбатларига “қулоқ тутганда” ҳам устознинг мақола ва таржималаридаги фидойи руҳ ҳукмронлик қилганини, қадимги Бобил афсоналаридан тортиб, шу кунги маънавий ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси учун ўзини масъул билиб, ўз сўзига ва овозига эга бўлган олимнинг ўткир нигоҳи таҳлилдан ўтганини кузатамиз”.

Мунаққид истиқлол йилларида асосан публицист сифатида фаолият кўрсатди. Публицистикага хос тезкорлик ва ҳозиржавоблик, ундаги эркинлик ҳамда кенг қамровлилик ҳамisha ижтимоий фаол бўлиб келган О.Шарафиддиновни ўзига тортмасдан иложи йўқ эди. Дунёқарашлар алмашинаётган, ижтимоий муносабатлар ўзгараётган, иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тубдан ислоҳ қилинаётган, янги мулкчилик муносабатлари шаклланаётган бир

шароитда Озод Шарафиддиновдек адолатгўй ва исёнкор, шижоатли шахс публицистикага қўл урди, долзарб мавзуларда мақола ва эсселар ёзди, эссенависликнинг юксак намуналарини яратди.

Муаллиф ҳаётининг масалалар ҳақида ёзар экан, мантиқий мулоҳаза, далилларга асосланиши ва ўқувчи ёки тингловчини бунга ишонтириши, унинг ҳис- туйғуларига таъсир қилиши зарур. Шу жиҳатдан бу услуб бошқа айрим услубларнинг хусусиятларига таяниб ҳам иш кўради (масалан, турли соҳаларга оид терминлар, эмоционал бўёқ, образли ифодаларнинг унда қўлланиши табиийдир). Образли ифодалар, яъни муболаға, кесатик, истиора, ўхшатиш, эпитет кабилар инсон ҳис-туйғусига кучли таъсир қилади. Булардан фақат бадиий эмас, балки публицистик услубда ҳам кўп фойдаланилади. Бунга О.Шарафиддинов қаламига мансуб баъзи бир асарлар билан танишганимизда имонимиз комил бўлди. Адиб томонидан қўлланган *"...Ахён-ахёнда сахрода адашган ёлғиз йўловчининг фарёдидек..."* ўхшатишни билдирувчи бирикма она тилимиз тақдири ҳеч кимни қизиқтирмагани, баъзида "бирор-бир одамнинг зорланиши эшитилиб қолмаса, тилдаги бу салбий тамойиллар ҳеч кимнинг парвосига келмайдигандек туюлади" га мазмунан тенгдир. Бир ҳодисани бошқасига ўхшатган ёзувчи ҳар икки ифодани кетма-кет беради ва ўқувчини таъсирлантириб мулоҳазага ундайди. Масалан, Гўё тил қалъаси бедарвоза қолгандек, унда истаган одам истаган хунарини кўрсатиши мумкиндек. Мисолнинг 1 - қисми ниҳоятда чиройли - тил қалъаси бедарвоза қолгандек шаклида берилган ва унинг изоҳи мисолнинг иккинчи қисмидир.

Она тилимизга сунъий сўзларнинг киритилиши, кенг омма уларни тушунмаса-да, ҳали ҳам қўллаётгани ҳақида ёзиб, шундай дейди: *"Ҳар хил "илмгоҳ"-у, "тайёрагоҳ"лар, "ноҳия"-ю "жарида"лар ва яна бошқа юзлаб, балки минглаб ясама иборалар чала тузилган боладай совуқ кўринишига қарамай ҳамма ёқни босиб кетди"* (Д.ў., 254-б.). Бу гапда ҳар жиҳатдан қўлланиши нотўғри бўлган сўзларнинг (улар ўзлари англантиши керак бўлган тушунча ва воқеа-ҳодисалар моҳиятини ифодамай олмаса ҳам) кўпайиб кетгани аччиқ бир киноя, ички бир дард билан кайд этилмоқда.

Адиб ўз асарларида жуда кўп халқ мақол, маталларидан фойдаланади: Бехуда уриниш белни синдиради; ...ютиб юборгудай

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

шақиллаб гапириб турипти; ... қарсақ икки қўлдангина эмас, балки юракдан чиқишига амин бўлдик; ... шўро замонида мажлислардан қувилган она тилимиз лоақал битта нутқда мажлисга қайтгани учунми, буюк бобомизнинг ўша тўйи тўйдек бўлди, каби гаплар таркибида шундай бирликлар борки, уларни бошқа шакллар билан алмаштирилса, унинг таъсир кучи пасаяди. Яна бир мисол: "Назаримда, Навоий асарларининг тилини бугун тушуниш учун бирмунча қийин бўлиб қолгани ҳақидаги гаплар сузишни билмаган одамнинг сувни кўриб ваҳима қилаётганига ўхшайди" (Д.ў., 267-б). Улуғ бобомиз асарларини уқиш учун тинимсиз мутолаа қилиш зарурлиги ниҳоятда ишонарли тарзда берилган.

Келтирилган мисолларнинг деярли ҳаммасида адиб ишлатган ўхшатишлар, қиёслашлар бошқа бирор асарда учрамайди. Ҳар бир сўзни танлаш, ўз жойига қўйиб ишлатиш учун, олим айтганидек, улар "...ҳамиша хизматингизда камарбаста турган содиқ мулозимларга ўхшайди - бирор нарса ёзишга киришишингиз билан қаршингизда саф тортиб хизматини таклиф қилади - энг маъқулини, энг жозибадорини ё жумлангизга узукнинг кўзидай ярашигини танлаб олаверасиз" (Д.ў., 269-б). Ўйлаб, танлаб олинган сўзлар "...шунчаки бирор маънони ифодалаб қўя қолмайди, балки камалак ранглари билан товланади, гўзаллиги билан сизни маст қилади. Ахир, шундай гўзалликлардан ҳузурланмай, фахрланмай бўладими?" (Д.ў., 269-б.).

Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили умумпублицистик тилнинг бир кўриниши бўлса-да, шарафиддиновча тафаккур ва мантиқ оддий, халқона ифодалар билан уйғунлашганини кузатиш мумкин. Бу асосий омиллардан биридир. Фикрлар содда, жимжимадорликдан холи ҳолда берилади. Озод Шарафиддинов публицистикасида қисқа жумла, содда гап фаол. Буни олимнинг ўзи ҳам таъкидлайди: "Кейинги пайтларда тил борасида авж олиб бораётган ёмон иллатлардан яна бири жимжимадор қилиб, баландпарвоз оҳангларда гапиришдир. Ўрни бўлса-бўлмаса, учтагина сўз билан ифодалаш мумкин бўлган нарсани ярим қулоч қилиб баён этади. Масалан, «Эшматнинг даласида пахта очилди», деб қўя қолиш ўрнига «халқимизнинг виждонидай оқ ва покиза, ўзбекнинг бағридай беғубор ва юмшоқ пахтамиз дилларга хушнудлик бағишлаб, кўзимизни қувнатиб, ўзимизни яшнатиб Эшмат ака даласида оқ байроқлардай

очилди». Бунақа чучмалликни кўрганда энсаларинг қотиб кетади. Мен келтирган жумла — тўғри, ўзим тўқиган жумла. Лекин ишонаверинг — ТВ кўрсатувлари, радио тўлқинлари ва матбуот саҳифаларидан ёзиб олганларим қалашиб ётипти – уларни келтираман десам, бутун бошли бир китоб бўлади».(Д.ў.275-б.) Бу ақидасига тўла маънода амал қилган адиб қисқаликка «талантнинг эгачиси» сифатида муносабатда бўлади: *Тилда ҳикмат кўп. Беҳуда уриниш белни синдиради. Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам. Тарих жадиждлар йўли ҳам тўғри эканини тасдиқлади* каби жумлалар публицист ижодида кўплаб учрайди.

Ҳар бир масалада адиб тил ва жамият, тил ва тараққиёт, тил ва мафкура, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклиги тамойиллари асосида ўз нуқтаи назарини баён қилди. Буюк олим, адиб, мунаққид О.Шарафиддиновнинг бу дил сўзлари, мерос бўлиб қолган теран фикрлари биз учун дастуриламалдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1.ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи."Янги Ўзбекистон", 2020 йил 23сентябрь

2.Президент Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>

3.Болтабоев Ҳ. Озод сўз соғинчи // Озод Шарафиддинов замондошлар хотирасида. – Т.: "Шарқ" 2019.194-б.

4.Шарафиддинов О. Танланган асарлар . "Шарқ" Т.2019.

ЎЗЛИГИМГА ҚАЙТГАН ТИЛИМ БАРҲАЁТДИР!

Тўхтамишева Салтанат

Жондор туманидаги 1- умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Ҳар бир халқнинг миллат бўлиб шаклланишида, шубҳасиз, миллий тилнинг ўрни беқиёсдир. Жадид адабиётининг йирик вакили Абдулла Авлоний “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир” деб бежизга айтиб ўтмаганлар. Дарҳақиқат, тил халқнинг улуғ қарвон йўлидир. Бу йўлда аждодларимиз тарихи, ўтмиши ва авлодларимиз келажаги мужассам бўлади. Ўз миллий тилини йўқотган халқ маънавияти, қадрияти ва миллийлигини йўқотиб, ўзлигидан йироқлашади. Бундай халқнинг эса на келажаги, на ўтмиши бўлади. Ҳар бир инсон ўз она тилида илк бор, она, нон деган сўзларни айтади. Тили чиқиши биланоқ онаси, юрти билан бир қаторда ўз она тилига ҳам муҳаббати шаклланаверади. Она тилига муҳаббат она алласи, юрт муҳаббати била бирга юксалаверади. Ўз ватанинга бўлган чинакам муҳаббатингни ўз тилинга бўлган муҳаббатингсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Тил ёрдамида суҳбатлашиб, савол-жавоб қилинади. Фикр тил ёрдамида ифодаланиб, узатилади. Аждодлардан маълумот олиб, авлодларга узатамиз. Тилнинг энг муҳим алоқа воситаси эканлиги шунда намоён бўлади.

Шундай миллат ёки халқлар борки, ўзининг маконига, заминига ёки она тилига эга эмас. Шукурки, бизга Ўзбекистондай жаннатмакон бир гўша ва она тилимиз - ўзбек тили инъом этилган. Ҳеч бир тил ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг умумхалқ тили бўлиб шаклланишига қанчадан қанча сувлар оқиб ўтмоғи керак. Ўзбек тили ҳозирги кўринишига қадар узоқ тарихий жараённи бошидан кечирган.

Келиб кетди қанча дунёлар,

Келди ҳаёт, йиғлади ўлим.

Сен деб жафо чекди боболар,

Улар кетди – сен қолдинг, тилим!

Дарҳақиқат, тилимиз шу даражага етишишига минглаб аждодларимизнинг машаққатли ҳаёти, чексиз меҳнати ва тўкилган қонлари ётади?!

Бундан бир неча йиллар муқаддам собиқ тузум даврида бизнинг она тилимиз ҳисобланмиш ўзбек тили ҳам мана шундай машғум жар ёқасига келиб қолган эди. Навоий бобомиз ардоқлаган, Бобур Мирзо қалам тебратган, фарзандлар қалбига она алласи бўлиб сингган ўзбек тили иккинчи даражали тил сифатида қаралган эди. Расмий иш ҳужжатларининг барчаси рус тилида юритилар, кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам деярли ҳаммаси русий забонда олиб бориларди.

Хурлик шамоли энди эсаётган бир пайтда 1989-йил 21-октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди ва 30 моддадан иборат “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4- моддасида ва “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир” деб қайд этилган. Қонун Ўзбекистон халқи собиқ шўро таркибида бўлган вақтда қабул қилинганлиги сабабли мустақиллик қўлга киритилгандан кейин уни қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун 1995 йил 21 декабрда янги тахрирдаги “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Аввалги 30 моддадан иборат Қонуннинг 11 моддаси чиқарилиб, 5 модда янгидан қўшилди. Натижада Қонун 24 моддадан иборат бўлди.

2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунини қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан кенг миқёсда маънавий маърифий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузулмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Шунингдек ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун 21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами кунини” деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

2020 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли қарори қабул қилиниб ушбу қарор билан Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари тузулмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, унинг вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

2020 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “21 октябрни “Ўзбек тили байрами куни ” деб эълон қилиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

Бу Қонун ўзбек тилининг нуфузини юртимиз ва дунё ҳамжамияти олдида юксалтириш бўйича қўйилган дадил қадам бўлди.

Жаҳон ареналарида байроғимиз ҳилпиллаганини ёки мадҳиямиз жаранг сочганига, минг шукурким, бир неча марта гувоҳ бўлганмиз. Менимча, бир ҳолат бир менда эмас кўплаб кўнгил кишиларида бўлса керак, кўзимга беихтиёр ўз-ўзидан ёш келади. Бу, албатта, севинч, бахтиёрлик ва фахрланиш кўз ёшларидир. Мана шундай севинч кўз ёшилари она тилимиз, ҳа-ҳа, ўзбек тилимиз жаҳон минбаридан жаранг сочган пайтда ўз-ўзидан пайдо бўлди.

Куни кеча, яъни 2020 йил 24 сентябрда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўз нутқларини она тилимиз бўлмиш ўзбек тилида баён этганлари ҳаммамизнинг қувончимизга сабаб бўлди. Ахир, бизнинг тилимизни бутун жаҳон тинглади. Бу, албатта, бутун миллатимиз, юртимиз ва шу забонда сўзлашувчилар учун чексиз фахр ва ифтихор туйғусини бахш этгани шубҳасиздир.

Жаҳон минбаридан янграган тилимизда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган глобал мавзулар ўзбек тилида жаранг сочди ва бунини бутун жаҳон тинглади. Халқимиз ва миллатимиз Президентимиз ортида туриб, яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Она тилимиз янада куч олди.

Жаҳон минбаридан Янграган тилим! Она тилим – ўзбек тилим. Жарангларингдан айланай, ўзимнинг тилим! Мовий байроғимиз каби яна ҳам юксакларда кўрайлик сени, Она тилим!

Она тилим – онам тили, қадри осмон,
Ғуруримсан, суруримсан – отамдайн.
Ҳам акамсан, ҳам опамсан – жон томирим,
Асрагайман кўзим нури – боламдайн!
Тилга эътибор – элга эътибор.

Шундай экан, бизга боболардан мерос бўлган ўз она тилимизни асраб-авайлаш, унинг софлиги учун курашиш ҳар бир инсоннинг қонқонига сингиб кетса, аниқки, она тилимиз завоқ топмай асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга етиб боради.

АТОВ ГАПЛАР ЛИНГВОПОЭТИК ВОСИТА СИФАТИДА

Юсупова Орзибони Суннатовна
филология фанлари номзоди, доцент
СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси

АННОТАЦИЯ. Тилдаги барча бирликлар сингари атов гаплар ҳам бадиий матннинг эстетик таъминотида иштирок этади ва бу вазифани ҳал этишда муайян юкни ўз зиммасига олади. Ушбу мақолада атов гапларнинг бадиий матндаги ўзига хос ўрни мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Эгасиз гапларнинг бир кўриниши – атов гаплар бадиий матнда алоҳида лингвопоэтик хусусиятга эга. *Баҳор. Атрофни қип-қизил лолақизгалдоқлар қоплаган* гапларини олиб кўрайлик. Аслида бу икки гап битта мазмунга эга: *Баҳор келиб, атроф қип-қизил лолақизгалдоқлар билан қоплаганлиги* ҳақида ахборот беради. Аммо бадииятнинг асл муддаоси воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот бериш эмас, балки воқелик ҳақида тасаввур ўйғотиш, ундан завқланиш ҳиссини ўйғотиш, таъсирлантириш. Мана шундай пайтда ижодкор ифоданинг янги усуллари ахтаради. Энг керакли тушунчага, фикрга урғу беришга ҳаракат қилади. Унинг ифодаси бўлган тил бирлигини гап таркибидаги бошқа элементлардан ажратиб кўрсатишга интилади. *Баҳор келиб, атроф қип-қизил лолақизгалдоқлар билан қоплаган* гапи таркибидан ижодкор муҳим ҳисоблаган *баҳор* нинг ажратиб олиниши ва гапнинг *Баҳор. Атрофни қип-қизил лолақизгалдоқлар қоплаган* тарзида икки қисмга ажратилиши билан ифодалилик бутунлай ўзгаради.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Ўқувчи ёки тингловчининг диққати айнан *баҳор* га қаратилади, *атрофнинг қип-қизил лолақизгалдоқлар билан қопланиши* га сабаб баҳор эканлиги таъкидланади, йилнинг ушбу фаслига нисбатан меҳр-муҳаббат пайдо қилинади, ундан завқланиш ҳисси уйғотилади. Гап структураси ўзгариши ва *баҳор* нинг автономлик олиши билан у ифодадаги экспрессивлик ифодалаш вазифасини ўз зиммасига олади, чинакам маънодаги эстетик вазифани адо этувчи поэтик воситага айланади. Бу икки гап мазмунан бир бўлгани ва бир гапдан ажралиб чиққани сабабли, улар бир-бирига ниҳоятда зич боғланган. Иккинчи гапсиз биринчи гап стилистик қимматга эга эмас. У алоҳида олинганда гап бўла олмайди. Иккинчи гапнинг тасвирийлигини кучайтириш учунгина алоҳида урғу ва алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади, мустақил гап мақомига эга бўлади.

Атов гаплар ҳажми турлича бўлиши, ядровий сўз ёнига ёрдамчи birlikлар қўшилиши ва шу йўл билан ифода кўлами кенгайтирилиши, бадийлик теран акс эттирилиши мумкин. «Улуғбек хазинаси»дан олинган қуйидаги парчага эътибор қаратамиз: *Фақат ипакдай майин мезонлар сузиб юрган бу маъсум далалар, хазон тушалган ярим яланғоч боғлар, шувоқ ва ёвшан билан қопланган бу қўнғир қирлар, ҳарир туман қўйнидаги юксак тоғлар... булардан жудо бўлмоқ... Ё раб! Яна ўша ўй, ўша ғам-андух! Ўзинг сабот ато қилгайсен, ҳаллоқи олам!..* (О.Ёқубов). Унинг ихчам шакли қуйидагича бўлиши мумкин: *Далалар, боғлар, қирлар, тоғлар... булардан жудо бўлиш оғирлик қилади...* Мана шу ҳолатда ҳам *Далалар, боғлар, қирлар, тоғларга* атов гаплар сифатида қараш мумкин. Аммо гап таркибидаги ҳар бир сўз маъносининг ёрдамчи воситалар билан тўлдирилиши ифодани янада гўзаллаштиради, бу сўзлар ифодалаган тушунчалар ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради, бадий-эстетик самарадорликка олиб келади. Атов гаплардан кейинги гап кесимининг инфинитив (*жудо бўлмоқ*) тарзда берилгани учун экспрессивлик оттенкасига эга. Бу икки гап яхлитлиги ва ўзаро уйғунлиги бадий тасвирнинг ажойиб намунасини юзага келтирган.

Айрим мисоллар таҳлили атов гапларнинг бадий-эстетик вазифаси фақат шу билангина чегараланиб қолмаслигини кўрсатади: *О, юлдузлар... юлдузлар!.. Мирзо Улуғбек элик йил уларга ошифта бўлди. Кечаларни бедор ўтказиб, ҳар бир ситора, ҳар бир юлдузнинг буржини,*

яъни, ҳаракатидаги чамбар йўлини кузатди (О.Ёқубов). Парчадаги *О, юлдузлар... юлдузлар!.. Мирзо Улуғбек эллик йил уларга ошифта бўлди гапларини Мирзо Улуғбек эллик йил юлдузларга ошифта бўлди тарзида ўзгартирамиз. Гапда тасвирийлик фақат ошифта сўзи ҳисобидан юзага келиб, юлдуз бу вазифани зиммасига ололмай қолади. Ёзувчи муддаосига боғлиқ ҳолда унинг асосий гап таркибидан ажратиб олиниши, алоҳида оҳанг билан талаффуз этилиши, бунинг устига такрорланиши ва унинг олдидан о ундовининг ишлатилиши эса баёнга алоҳида бадиий тус беради. Бу сўз шунчаки тасвирийлик воситаси, ҳаяжон ифодасигина бўлиб қолмасдан, Мирзо Улуғбекнинг – бутун ҳаётини уларнинг сирини ўрганишга бағишлаган буюк мунажжимнинг қалбидан отилиб чиқаётган нидони ифодаловчи қудратли лингвистик воситага айланади.*

Атов гаплар ижодкор қаламида ўзининг ғоятда ранг-баранг эстетик жиловларини намоён этиши мумкинлигини мана бу мисоллар ҳам тасдиқлайди: *О, ўша кунлар! Мавлоно Муҳиддиннинг жавонлари китобга тўла осуда хонасида ўтган масъуд дақиқалар!.. Хуршида бону ҳаммиша юзига қандайдир зар толалар сочилган ҳарир ипак дурра ташлаб, бежирим кобулий кавушчаси билан ерни унсизгина босиб, оҳиста кириб келар эди (О.Ёқубов). О, юлдузлар, сеҳрли юлдузлар! У қирқ йил сенларнинг сирларингни билмоқ ниятида яшади, саноқсиз тунларни бедор ўтказди. (О.Ёқубов). Парчалардаги атов гаплар – О, ўша кунлар! Мавлоно Муҳиддиннинг жавонлари китобга тўла осуда хонасида ўтган масъуд дақиқалар!.. О, юлдузлар, сеҳрли юлдузлар! Ёзувчи ва асар қаҳрамони руҳиятидаги уйғунликни бера олган муҳим тасвирий восита сифатида баҳоланиши керак. Чунки асар қаҳрамони руҳиятида кечаётган ўй-хаёллар фақат унинг ўзиники эмас, уларга ёзувчи ҳам шерик. Ёзувчи ҳам персонаж билан биргаликда қувонади, изтироб чекади ва ҳоказо. Бу каби матнларда атов гаплар ана шу руҳий ҳолатлар уйғунлиги ифодасининг ажойиб намунаси сифатида намоён бўлади.*

Бадиий ижод жараёнида шоирлар, ёзувчилар атов гапларнинг бу имкониятлари билан чегараланмайдилар, уларга жило беришга, қўшимча оттенкалар беришга, маъноларини кучайтиришга интиладилар. Шу мақсадда:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

-ана, мана юкламалари қўлланилади: *Мана, шеър битилган қозозлар, кўринг, Қаҳру газабимдан қорайган, мана (М.Али)*. Баъзи ҳолатларда бу юкламалар атов гаплар шаклланишининг асосий омили бўлади, уларсиз атов гаплар тумтоқ, тушунарсиз бўлиб қолади. Қиёс учун: *Ана, қонун! Бу тўғрида кўп жойларга югурдим (А.Қаҳҳор) – Қонун! Бу жумла охиридаги атов гаплар кейинги жумлада давом эттирилади, бу билан мумтоз шеърий санъатлардан бири – тасбиғ ҳосил қилинади [3. –Б.50]: Пир ҳақида гап кетар бутун... Қудрат эса ишга чиқар.Тун. Тун. Тун... Йирик юлдузлар қат-қат (М.Али)*.

-уюшиқ бўлаклар тарзида шакллантирилади: *Рост дўппилар, Ёлгон дўппилар, Киноларда қолгон дўппилар. Чуст дўппилар, Анжон дўппилар, Мунчоқдек маргилон дўппилар(М.Юсуф)*.

Атов гапларнинг бошқа унга шаклан ўхшаш гаплардан фарқланишида оҳанг муҳим аҳамият касб этади. Масалан: *Баҳор – кўшиқ, таваллуд фасли, Бунда сенга чунон ҳам зор бор (Зулфия) ва Баҳор. Кўшиқ, таваллуд фасли, Бунда сенга чунон ҳам зор бор семантик-стилистик жиҳатдан бир хил қийматга эга эмас. Улар алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинади ва ёзувда алоҳида тиниш белгилари билан берилади.*

Атов гапларга хос эмоционаллик уни бадиий матнларнинг барча тур ва жанрларида фаол қўлланишига шароит яратади. Ҳис-туйғу, қалб кечинмалари устувор бўлган шеъриятда атов гаплар таъсир уйғотишдан ташқари, таъкид, индивидуаллик ҳосил қилишда иштирок этади. Шунинг учун М.Йўлдошев қуйидагиларни ёзган: «Яна бир ҳодиса борки, уни тадқиқотчилар «сегментация» номи билан атайдилар. Сегментлашда ҳам ана шундай мантиқий таъкидли узв, бўлак ёки бўлаклар гапдан ташқарига чиқарилади, аммо парцелляциядан фарқли ўлароқ гапнинг олдига чиқарилади. Сегментлаш натижасида асосий ҳолларда *атов гаплар шаклланади. Атов гаплар ҳамиша поэтик актуаллашган бўлади*»[4. –Б.269-270].

У.Азимнинг «Ғафур Ғулом ҳақида хужжатли фантазия» шеъри шундай бошланади: *Апрель. Олмаота. Тонготар. Жимлик. Мисрада вақтни, ўринни, пайтни, ҳолатни англатувчи тўртта оддий сўз кетма-кет жойлашган. Сўзларнинг автоном ҳолатда қўлланилиб, алоҳида оҳанг билан талаффуз этилиши уларни мустақил гапга айлантирган. Алоҳида тушунчаларнинг ифодаси сифатида кетма-кет келиши эса*

уларни мазмунан бирлаштирган ва ҳар бир сўз-гап муайян фикрнинг ғоятда ихчам ифодаси эканлиги билан стилистик мазмун касб этган. Шеърый матн учун эса кенг воқеликнинг бир неча сўз ёки қисқа жумлаларда берилиши аҳамиятли саналади. Шу ҳолатнинг ўзиёқ мисрада тизилган сўзларнинг поэтик актуаллаша бошлаганидан далолатдир. Аммо унинг ҳақиқий лингвопоэтик воситага айланиши ўзидан кейинги мисралар билан боғлиқ ҳолда кечади: *Бир енгил шаббода оқади равон*. Шаббаданинг енгил ва равон эсиб турганлиги ҳақидаги хабар қулай шароитдан далолат. Биринчи мисрадаги воқелик иккинчиси билан тўлдирилади. Аммо кутилмаганда: *Машъум бу хабарни етказди кимдир – Деворга суянди Ғафур ал Ғулом*. Машъум хабар – 1966 йилда Тошкентда содир бўлган мудҳиш зилзила. Машъум хабарни эшитиб, Ғафур Ғуломнинг оғир аҳволга тушиб қолиши ва биринчи икки мисрадаги шоирнинг хотиржам ўтирганлиги ҳақидаги хабар бир-бирига зидлантирилгач, атов гапларнинг таъсир кучи янада ортади ва мантикий таъкид олиб, чинакам маънода лингвопоэтик воситага айланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, атов гаплар бадиий услубда эмоционал-экспрессивликни таъминловчи асосий воситалардан саналади. Мабодо бу вазифани бажармаган тақдирда ҳам улар нутқий самарадорликка – дўндалик, қисқалик, ихчамлик каби стилистик оттенкаларнинг юзага чиқишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.
2. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.
3. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
4. Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.д-ри ...дисс. – Тошкент, 2009.

**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

**SAMANDAR VOHIDOVNING SO‘Z QO‘LLASH
MAHORATI**

Zoyirova Go‘zal Nematovna,
BuxDU tadqiqotchisi

ANNOTATSIYA. Maqolada shoir Samandar Vohidovning poetik so‘z qo‘llash bilan bog‘liq o‘ziga xosliklari, shoir asarlarining ifoda xususiyatlari, tasviriy ifodalar qo‘llash va yaratishdagi individual jihatlari yoritib berilgan.

Inson ongini band qilib turgan o‘y-fikrlar, turmush tashvishlari, munosabatlardagi ziddiyatlar, hayot baxsh etgan shodliklar huzuri ko‘ngil olamida hissiyotlar og‘ushida qayta tiriladi – she‘r bo‘lib dunyoga keladi. She‘riyat shoirdan faqatgina hissiyotlar junbushini emas, tafakkur darajasining eng yuqori-oliy cho‘qqisini zabt etganlikni, undan so‘nggina qalb torlarini og‘riqli yoki quvonchli chertayotgan makon sari olg‘a borishni, bora olish qobiliyatini talab etadi. Tafakkurda esa shoirning o‘zigagina tegishli bo‘lgan aqliy hosiladan tashqari umuminsoniyatga taalluqli bo‘lgan qoida va chegaralar mujassam bo‘ladi. Bularning har ikkisiiga daxldor va biri ikkinchisini inkor etmaydigan shoirona so‘z ayta olish esa katta mahoratdir. Faqat shoir yuragigina ana shunday eng ichki, eng nozik ruhiy sezimlarga quloq tuta olishga, ularni anglay olishga, kichik, ammo shiddati bo‘rondek kuchli hislarni so‘zlar qatiga jo qilishga qodir. Qadim Buxoroyi Sharifning asl shoiri Samandar Vohidovning ijodiy mahorati aynan shunday ta‘rifga munosibdir. Obyektiv mazmun bilan poetik mazmunni birlashtira olish, real obrazlardan ramziy ma‘nolar keltirib chiqarish, ya‘ni hayotiy voqealardan zarur ekspressiv xulosalarni poetik ifoda etish Samandar Vohidov ijodida ham yetakchilik qiladi. Shoir she‘rlaridagi har qanday birlik aniq ahamiyat kasb etadi. U so‘zlardan shunday mahorat bilan foydalanadiki, natijada kutilmagan ma‘nolar, kutilmagan tasvirlar yaraladi. Jumladan, “Otamning sabog‘i” she‘rida dastlab shunday mazmundagi aniq voqeani tasvirlaydi: qilgan aybini ukasiga to‘nkab, vaziyatdan oson qutulgan akaga otasi aybsiz aybdor holda termulib turgan ukasini jazolash uchun toldan xipchin olib kelishni buyuradi. Aka ham otasiga “Yaxshi ko‘rinmoq uchun” tezda xipchin uzib keladi. Biroq ota “Mehrning shumidi nokas, Yuraging tosh chamamda” deya darg‘azab bo‘lib akaning yelkasiga xipchin soladi. Ayni voqeani

bayon qilar ekan, muallifning ilk satrlari “Kechagiday esimda” jumlasini boʻladi. Birgina shu jumla bayon qilinajak voqeni ancha yillar ilgari – bolalik damlarida sodir boʻlganligini anglatib turadi. Ushbu jumla keltirilmaganida, bunday tasavvur paydo boʻlmas edi. Voqeaning sodir boʻlish payti, aka va uka obrazlarining yoshi, qiyofasi birgina shu birikma orqali oʻquvchi koʻz oʻngida jonlanadi. Ammo sheʼrning badiiy mazmuni akaning aldovi, otaning ukasiga nisbatan mehirsizlik qilayotgan akadan gʻazablangan holatini tasvirlash emas. Shoir oʻz poetik maqsadini shu voqea asosida quradi. Sheʼrdagi aka, uka, xipchin obrazlari poetik mazmun ifodalashga oʻtar ekan, ularning har biri ancha keng ijtimoiy maʼno anglatib boshlaydi. Uka – hayotdagi mazlumlar, jabrdiyda insonlarga; aka – muallif taʼbiri bilan aytganda “Qamchiga dasta boʻlmoq”qa odatlangan, shafqatsiz kimsalarga; xipchin esa, oddiy tol novdasi emas, haqiqiy gunohkorning nasibasi – jazosi boʻlishiga ishora.

Qamchiga dasta boʻlmoq
Birovlarga eʼtiqod.
Yigʻlaganlardan kulmoq
Kimlardir qilar shod.

Shoir sheʼrni “Xipchin – uni uzganning Yelkasida sinsaydi” misralari bilan yakunlaydi. “Qamchiga dasta boʻlmoq” birikmasini esa ikki marta qoʻllaydi. Anglash mumkinki, xipchin va qamchidan odamga faqat yomonlik, ogʻriq, azob yetadi. Bu birliklar orqali yomonlikka sheʼrik boʻlayotgan, uning ortishiga koʻmak berayotgan kishilar nazarda tutilib, maʼno kengaygan.

Samandar Vohidov xalq maqollaridan ham oʻz badiiy maqsadi yoʻlida unumli foydalana olgan. Agar maqollar aynan keltirilsa, muallifning oʻz fikrlari ifodasi ham vazn, qofiya jihatlari maqol bilan mutanosiblik hosil qiladi.

– “Ot aylanib-aylanib,
Qozigʻini topadi”...
Tutqunlikni tuymagan,
Shunday piching otadi.

Baʼzan esa intermatn sifatida tanlangan maqolni muallif ifoda yoʻsiniga boʻysundirilgan hollarni ham uchratish mumkin. S.Vohidov sheʼrlarida maqollar shaklan oʻzgargan holda ifodalansa-da, asl shakl va maʼnosini esga solib turaveradi. Masalan, “Hayf” nomli sheʼrida “Maqtanma gʻoz, hunaring oz” maqoli quyidagicha qoʻllaniladi:

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Gerdaysa ham behunar g'oz,
Lochin kabi qilmas parvoz

Samandar Vohidov she'rlari xalqona jumlalarga boyligi bilan ham e'tiborni tortadi. Shoir ko'p hollarda ortiqcha tasvir vositalarini qo'llab o'tirmaydi. Oddiy so'zlashuvdagi birliklarni o'z holicha qo'llayveradi. Bu esa she'riy matndagi mazmunning tez va oson o'zlashtirilishini ta'minlaydi. She'riy matnlarda "O'lay agar kutmasam", "O'ralashmang oyoq ostiga", "Bularga ming aytganing bir pul", "Balo urib", boshlaydi tag'in", "Har kovakka suqmaysiz tumshuq", "Pul bo'lmasa karmonda, qolasiz-ey armonda" singari jaydari so'z birikmalari orqali tabiiy ifodaga erishilgan bo'lsa, yana bir jihati shuki, hayot faqat ko'ngil olamidani iborat emasligini ham yodga solib turadi. Bunday ifodalarni ko'pincha shoirning hayotiy voqealarni poetik tasvirlash jarayonidagi she'rlaridagina uchratish mumkin. Shu sabab o'quvchi ularni hech bir erishsiz o'qiydi. Ularni siyqasi chiqqan gaplar deb emas, ko'z o'ngidagi insonlar qiyofasi-yu ularning gap-so'zlarini yana bir bor tinglagandek bo'ladi

She'riyatda tasviriy ifodalarning ham o'z o'rnini, bajaradigan vazifasi bor. Ular takroriylikning oldini olish bilan birga ajoyib tasvir usuli hamdir. Shu bilan birga ularning ta'sir doirasi ham so'zga nisbatan ancha yuqori. Tasviriy ifodalarning bu xususiyatidan shoir Samandar Vohidov ham samarali foydalana olgan. Biroq shoir ijodida siyqasi chiqqan tasviriy ifodalar aslo uchramaydi. Balki, shu sababdir shoir ularni qanday mazmunli so'zni tasvirlayotgan bo'lsa, shu so'z bilan birga qo'llaydi.

"Qushlar – jannat ko'rgan jonzot" deb,
Ushoq sochib, tilardi duo.
Hatto o'lar chog'i "Qabrimga –
Don soching", deb qildi iltijo.

Qushlarni "Jannat ko'rgan jonzot" deb tasvirlash ularni asrab-avaylashga bo'lgan munosabatni kuchaytirish bilan birga ularga nisbatan ilohiy tuyg'uni ham paydo qiladi.

Bahor fasli "fasllar kelinchagi", "uyg'onish fasli" kabi qator tasviriy ifodalar bilan nomlanadi. Ammo Samandar Vohidov ijodida bu faslga nisbatan bundan-da ajoyib, qalblarni larzaga soluvchi tasvirga duch kelasiz.

Fasllarga fazilat taqib,
"Bahor – yilning imoni", derdi.
Niyati shu edi – bahorda

Bandalikni bajo keltirdi.

S.Vohidovni tasviriy ifodalar yaratuvchisi sifatida ham tilga olishga yetarlicha asos bor. Shoirning “Samolyotda tug‘ilgan she‘r” nomli she‘rini to‘lig‘icha tasviriy ifodalar orqali bitilgan deyish mumkin. She‘rda “Tog‘-kultepa, Daryo – ensiz kamar, Sahro – taram-taram kaft, Uylar – gugurt quti, Daraxtlar – gugurt donasi, Odamlar – g‘ivir-g‘ivir chumoli...” “...Tog‘ – ma‘danga homilador ayol, Sahro – gulzorni yashirgan xayol, Daryo – visolga oshiqqan oshiq, Daraxt – yashil qo‘shiq” deya tasvirlanadi.

“Erkak ko‘z yoshi” she‘rida yurt uchun yosh to‘kkan ko‘zlarga nisbatan “imon bulog‘i” tasvirini qo‘llaydi. Quyoshga nisbatan esa “qo‘ldan qochgan olov shar”, qurbaqalarni “suv kakliklari”, osmonni “dog‘i tozalangan yarqiroq oyna” singari tutilmagan tashbehlari natijasida eng go‘zal tasviriy ifodalarni yarata olgan.

“Samandar Vohidov she‘riyati Buxoroda toshi og‘ir she‘riyat hisoblanadi. Uning qalamiga mansub she‘rlar chittakdek yengil emas, qaldirg‘ochdek oroli, iboli. Ginasi ham, afsusi ham oh-u nidosi ham jamalakdek uzun bo‘lsa-da, begona ko‘zdan qimtinib so‘zlaydi, yomondan hazar qiladi, halol luqma izlaydi” Haqiqatdan ham, Samandar Vohid o‘z hislarini uzoq mushohada etgachgina qog‘oz qoralashi uning har bir satrida sezilib turadi. Ifoda, izhor uchun tanlangan har bir so‘z shoir she‘riyatining qimmatini oshishi uchungina xizmat qilgan. Bir qarashda sodda, ammo o‘ta murakkab badiiy topilmalar, betakror tasvirlar tufayli ko‘plab she‘rlarini bir marotabagina o‘qish orqali asl mohiyatini anglash mushkul. Shunday bo‘lsa-da, kishi uni qayta o‘qishdan og‘rinmaydi. Bir o‘qishdan so‘ng, go‘yo xarid qilishi kerak bo‘lgan narsasini izlab bozorga tushgan xaridordek, misralar aro qayta yo‘l kezadi – o‘qiydi. Shu bois, Samandar Vohidov she‘riyatiga xos so‘z qo‘llash mahorati nazariy jihatdan juda keng o‘rganilishni taqozo etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vohidov S. Aylanadir bu dunyo. Saylanma. I jild. - Buxoro, 2003.
2. Vohidov S. Orzuning osmoni keng. Saylanma. III jild. - Buxoro, 2006.
3. Vohidov S. Dunyo kami bitmagay. Saylanma. IV jild. - Buxoro, 2014.
4. Vohidov S. Halovatni halollikdan izladim.- Buxoro, 2005.
5. Vohidov S. Sunbula. So‘zboshi. Dilmurod Jabbor. - Buxoro, 2002.

MIRZO KENJABEK SHE'RLARI BADIHIY TILI

O'roqova Nafosat

f.f.f.d (PhD), BuxDU

Sharipova Munisa

Filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi

Mirzo Kenjabek – o'zbek adabiyotida o'zining go'zal chizgilari ila betakror asarlar yaratayotgan shoir. Uning ijodiga nazar solar ekanmiz, mavzular turfaligi va takrorlanmas o'xshatish namunalari uchun kelamiz. Shoir ijodidagi mana shunday rang-baranglikdan biri bu tabiat manzarasi bo'lib, bunda ijodkor oddiy tabiat hodisalari-yu haqiqatlaridan goh mahzunlik, gohi shodlik yarata oladi va buni o'quvchiga his qildiradi:

Kuylab raqs etadi yomg'ir va shamol

Maysalar yulqinar bu kuy nag'madan [1, 14]

Ijodkor ushbu misralardagi tashxis san'ati orqali o'quvchi ko'z o'ngida sahna asari yaratdi: shamolning kuyiga yomg'ir raqsga tushadi, maysalar esa kuyga mos tebranishlar bilan ularga qo'shiladi. Bu manzara hech kimga sir emas, ammo shoir bu manzaradan novatorona uslubda go'zallik yarata oldi:

Archaning qorlarga qarshi isyoni

Yashil bahor bo'lib kuldi oqibat

Yam-yashil hislarga to'ldi oqibat... [1, 16]

Bunda atrof oq choyshabga o'rangan bo'lishiga qaramay, mudom yashil bir go'zallik kasb etib turuvchi archa qorlarga qarshi isyon ko'targan va qorlar ustidan g'alaba qozongan bahodir sifatida talqin qilingan. Xuddi shu oq qo'shinli fasl ta'rifi keltirilgan misra:

Qorlar- o'rilmakka mahkum oq maysa

Qarayman o'tmas tig' – kun nurlariga.

O'ylayman: sen hech vaqt g'amgin boqmaysan

Ko'milgan toklarning qabrlariga ... [2, 35]

Bu misralarda qorlar vaqti yetgach o'rilishga mahkum "oq maysa"ga muqoyasa qilinadi. Darhaqiqat, butun borliqni chulg'ab olgan oppoq qorlarni maysalarga qiyoslash juda go'zal o'xshatish, ammo bu misra orqali ijodkor har bir ishning muqaddimasi bo'lgani kabi xotimasi

borligiga ham ishora beradi. Ushbu maysalarni o'rishga hukm etilgan "kun nurlari" esa "o'tmas tig'"ga o'xshatilishi umr qishini mahv etish har doim ham muvaffaqiyatli bo'lavermasligiga ishora. Ammo umid har doim insonni olg'a harakat qilishga undashi kerak. Har kech kuzda ko'milib, bahorda yana yangi hayot boshlovchi toklar bunga yorqin misol. Bir qarashda, shoir nazarida, qabrni eslatuvchi bu manzara zamirida yana bir yangi hayot uchun debocha nafasi ham kelib turadi.

Biz yuqorida keltirib o'tgan tashbehlarni shoir ijodidagi faqat tabiat tasvirlarida emas, boshqa ijtimoiy-falsafiy mavzudagi yoki bo'lmasa, boshqa bir istalgan mavzudagi misralarida ham uchratishimiz mumkin.

Biz kuydik... Taqdirni bitgandi qalam,
Dovot tandirmidi, siyohi olov?
Bu tashqi shamoyil quvonchi karam,
Kechmishim kultepa, jonimdir qalov [w.w.w.ziyo.net]

Yuqoridagi misralarda falsafiy ishoralar ham uchraydi. Bu ijodkorning yuksak tasavvufiy bilim sohibi ekanligini anglatadi. Birinchi misra **Qur'ondagi qalam surasiga** ishora qiladi. Keyingi misrada esa dovotni "tandir"ga, siyohni "olov"ga o'xshatilishi ishq yo'lidagi qiyinchiliklardan dalolat. Xuddi shu yo'sinda yaratilgan taqdir yo'li oqibatida lirik qarahrmon kechmishi "kultepa"ga, joni "qalov"ga qiyoslanadi.

Shahar o'rtasida favvora yig'lar,
Dardi buyuk ekan oshkora yig'lar... [2, 48]

Ushbu misralardagi ohorli tashxis e'tiborni tortadi. Shovqin solib otilib turgan favvoralarga boqib, ularni ko'zyosh to'kib turgan holda tasavvur etish hassos qalb sohibining noyob topilmasidir.

"Yor-yor" aytar terimchi qizlar...
Quyoshni osmonga kelin qiladi,
Tushlikni shiyponga kelin qiladi,
Kunduzni yulduzga kelin qiladi,
Charchoqni qo'shiqqa keli qiladi!-
"Yor-yor" aytar terimchi qizlar.
Anov traktorga –arava kelin,
Anov haydovchiga – traktor kelin,
Dalani oralab sarala kelin,
Kerakdir, kerakdir, kerakdir kelin!-

MILLIY YUKSALISH MEZONI

“Yor-yor” aytar terimchi qizlar.
Yengchani bilakka kelin qiladi,
Belini etakka kelin qiladi,
Paxtani xirmoga kelin qiladi,
Orzuni armonga kelin qiladi,
Kuzni qahratonga kelin qiladi!-
“Yor-yor” aytar terimchi qizlar [2, 35].

Yuqoridagi misralar biz avval keltirib oʻtgan misollardan tubdan farqliligi bilan kishi eʼtiborini tortmay qolmaydi. Bir qarashda, oddiy va sodda soʻz va jummalardan tuzilgan sheʼrda musiqiylikka katta urgʻu berilgan. Dalada javlon urib mehnat qilayotgan terimchi qizlar uchun joʻshqinlik va kuch gʻayrat bagʻishlardi bu misralar. “Quyosh” ni “osmon”ga, “tushlik”ni “shiypon” ga, “kunduz” ni “yulduz” ga “kelin” qilib shoʻx kuylovchi terim qizlarning holatini tasvirlashda ijokdor faqat shoʻxchanlikka emas balki, ularning “orzu” larini “armon”ga “kuz”ni “qahraton” ga “kelin” qilishlariga urgʻu bergan holda terimchi qizlarning zahmatkashliklari va ogʻir mehnat ostida ekanliklarini ham taʼkidlab oʻtishni unutmaydi.

Biz yuqorida koʻrib oʻtgan misollar shoir ijodidagi kichik-kichik yaratmalar edi, xolos. Aslini olib aytganda, bunday misollarni biz ijodkorning har bir misrasida uchratishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Mirzo Kenjabek. Quyoshga qaragan uy. Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi Adabiyot va sanʼat nashriyoti, 1983.
2. Mirzo Kenjabek. Munojot. Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi adabiyot va sanʼat nashriyoti, 1986.

O‘ZBEK ZAMONAVIY NASRI VA ULUG‘BEK HAMDAM LINGVOPOETIKASI

G‘ayratova Gulzoda San‘at qizi

BuxDU talabasi

ANNOTATSIYA. Inson tafakkurining yangilanishida, uning ongiga ma‘lum bir g‘oyani singdirishda hech qaysi soha adabiyotchilik qurbat va imkoniyatga ega emas. Shu nuqtai nazardan qaraganda, yangi XXI asr inson tafakkuri taraqqiyotiga, uning tez o‘sishi va yangilanishiga jiddiy ta‘sir ko‘rsatdi. Chunki adabiyot badiiy so‘z va obrazlar vositasida omma ruhiyatida tubdan o‘zgarish yasaydi. Buning uchun ijod ahli erkin nafas olish, xohlagan mavzusida qalam tebratish, istagan muammosini ko‘tarish va, albatta, ko‘ngliga ma‘qul keladigan qahramon timsoli orqali tasvirlash huquqiga ega bo‘lishi kerak. Qariyb chorak kam bir asr mobaynida qog‘ozda boru amalda bo‘lmagan bunday “erkinlik” adiblarimiz tafakkurini tushovga solib qo‘ygandi. Mustaqillik tufayli bu tushov uzildi. Adabiyotga – so‘z san‘atiga chinakam erkinlik berildi va u qonun asosida mustahkamlab qo‘yildi. Natijada, adabiyotda juda katta ijobiy o‘zgarishlar yuzaga keldi.

Buning samarasi tez orada aniq ko‘zga tashlandi, ya‘ni, jadallik bilan o‘sib borayotgan siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy tafakkurlar ta‘sirida adabiy-badiiy tafakkur ham shakllanib, ulg‘ayish yo‘liga kirdi. Dastlab, odamzodning iqtisodiy bo‘hronlar ummonidagi suzish qiyinchiliklari, cho‘kish azobi, ikkilanish, bemaqsad quloch otishlarini real tasvirlashdan o‘zini tiygan adabiyot ahli yangi asrning ilk yillaridan boshlab, bu mavzuni jiddiy ishlashga kirishdi. Bozor va inson taqdiri keyingi yillar o‘zbek nasrining eng ko‘p ishlanayotgan muammosiga aylandi.

Badiiy asar tirik organizm kabidir. Unda har bir detal, har bir hujayra o‘z vazifasini – missiyasini bajaradi. «Munojot» qissasidagi qahramon xarakterining shakllanishi – tashqi faktor bilan emas, ichki faktor bilan qiyoslash mumkin. Azal-azaldan ota-bobolarimiz tafakkurni e‘tiqod darajasiga ko‘tarib kelganlar. Yuksak ma‘naviyatli, bilimli va aqli zavo oriylarimiz – tafakkur qurolidan foydalanishgan. Shu sabab «Munojot»da ham G‘arib xakteri murakkab chizilgan. Bir qarashda yosh bolakayning xatti-harakatlarini qissa atalmish serjilo janrga joylab

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

qo'ygandek, boshqa tomonda qissasining mohiyatiga umuminsoniy tafakkur yo'lqinlari singdirilgandek taassurot uyg'otadi o'quvchida. Negaki, mohiyat e'tibori bilan qissada ko'p qatlamli tasvir usulidan foydalanilgan. Isajon Sultonning ijodiy dunyosi go'zalliklari, nafosatidan bahra olmoqchi bo'lgan o'quvchi birinchi bo'lib «Munojot»ni o'qishi va chuqur his qilishi lozim. Uning qolgan asarlarida dunyoqarashi, tafakkur ko'lamini kengayib, butun olam miqyosida tiriklik sir-sinoatini tushunmoqchi bo'layotgan G'aribning turli nom va ko'rinishdagi qiyofasi namoyon bo'ladi. Aytmoqchimizki, Isajon Sultonning barcha asarlarining bosh qahramoni «Munojot»dagi G'aribdir. Faqatnom va muhit o'zga. Balki yozuvchi kitobini G'arib deb nomlaganida ham hech qanday mazmun o'zgarmaydi.

Ma'lumki, badiiy ijoddagi muayyan yo'nalish o'z – o'zidan yuzaga kelmaydi. Uning o'z asosi, tarixi bo'ladi. Uning asosi esa zamon hamda davrdagi o'zgarishdir. Istiqloq davri hikoyachiligidagi yangilanish va tamoyillarning vujudga kelishi xuddi shunday omillarga bog'liq. Ya'ni unutilgan qadimiy qadriyatlarining tiklanishi, ma'rifat – ma'naviyatning asosi bo'lgan dinga, e'tiborning kuchayishi, davlat boshqaruvida demokratik yo'nalishning yuzaga kelishi, bozor iqtisodining tarkib topishi va hokazolar. Bu o'zgarish odamlarning boshqacha harakat qilishga undadi. Aniqki bunday sa'y –harakatning barchasi ong, taffakur orqali boshqariladi. Zero, shunday ekan, taffakurdagi evrilish adabiyotda o'z ifodasini topishi muqarrar va tabiiydir. Qahramonlar faoliyatiga, ruhiy dunyosiga, shuningdek voqyealar zamiriga sindirilib berilmagan g'oyaga ega bo'lgan asar to'la ma'noda badiiy asar sanalmaydi. Haqiqiy badiiy asarda voqyealar tizimi g'oyaga suyanib tuzalishi, qahramonlari g'oya asosida gapirishi yoki harakat qilishi kerak emas. Haqiqiy badiiy asar sanalishi uchun g'oya, yozuvchi asari orqali ko'zlangan maqsad, niyat voqyealar olamidan qahramonlar faolityaini sizib chiqishi kerak.

Darhaqiqat, ma'rifat tushunchasini hayot shioriga aylantirishga ulgurgan G'arib o'z qo'llari bilan chizgan Mashrab va boshqa-da tabiat tasvirlariga kelgan rassomning javob xatini o'qib chiqarkan yuragini timdalagan og'riqdan rangro'yi uchib ketadi. Axir, u ne mashaqqat bilan Mashrabi donishning rasmini chizgan edi. Uning bolalik nigohlari yigitlik va undan ham oshib donishlik nigohlariga aylanmoqda emasmi? Shunday edi. Aslida, farosatsiz rassomning javobi g'aribga otilgan ilk tosh

deb qabul qilish lozim. U o'zi erisholmagan cho'qqilarni G'arib iste'dodida anglab o'ziga uni raqib sifatida bilib qoladi. G'arib esa o'z bilganidan qolmay, qalbining so'roqlariga javob topishda izlanishda davom etaveradi.

Har qanday mamlakatning iqtisodiy qudrati og'ir sanoatining qanchalik rivojlanganiga qarab belgilanganidek, har qanday milliy adabiyotning insoniyat estetik tafakkuriga qo'shgan hissasi ham undagi badiiy asarlar salmog'i bilan tayin etiladi. Chunki badiiy asar millat badiiy tafakkurining taraqqiyot darajasini namoyon etadi. Qahramon atamasiga adabiyotshunoslik atamaları izohli lug'atida shunday ta'rif beriladi: "QAHRAMON, adabiy qahramon – 1) asar personajlari tizimida yetakchi mavqe tutib, g'oyaviy-badiiy kontseptsiyani shakllantirish va ifodalashda muhim ro'l o'ynovchi shaxs obrazi. Terminni bu ma'noda tushunish epik yoki dramatik asar personajlarini darajalashni ko'zda tutadi: syujet voqealari qahramon atrofida uyushtirilib, boshqa personajlar u bilan bog'liq holda asar voqeligiga kiritiladi; ular qahramon bilan integrativ aloqada (hokim-tobe) bo'lib, unga nisbatan yordamchi funksiyalarni bajaradi. Ko'p chiziqli murakkab syujet qurilishiga ega yirik hajmli asarlarda bir emas, bir nechta qahramon harakatlanishi ham mumkin. Bu holda personajlar sistemasi o'z ichida mikrosistemalarga ajralib, ularning markazida qahramonlardan biri turadi".

Darhaqiqat, badiiy asar roman va qissa yoki hikoya bo'ladimi – har bir asarning o'z qahramoni bor. Shunday ekan bularning namoyon bo'lish qirralarini tasniflab o'rganish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Nasrning bugunini tushunish va istiqbolini bashorat qilish uchun bu janrning nima uchun, qachon va qaerda paydo bo'lganini aniqlash hamda unga xos etakchi belgilarni tayin etish lozim bo'ladi. Bugungi kunda o'zbek nasri o'z taraqqiyotining polifonik bosqichiga yetib keldi. Endilikda, mavzuning dolzarbligi, voqealarning qiziqarli yoxud tilning shirali ekani asarni o'qishli qilgani holda, uning umrzoqligini ta'minlay olmasligi mumkinligi anglab etildi.

Zamonaviy o'zbek nasri muallifidan har bir qahramonini tushunish va aks ettirishning birovnikiga mutlaqo o'xshamaydigan konseptsiyasiga ega bo'lish talab qilinadi. Bu borada faol qalam tebratayotgan U.Hamdam, I.Sulton kabi nasrnavislar ijodini keltirish mumkin. Ulug'bek Hamdam badiiy izlanishlarida – turfalik ko'zga tashlanadi. U xar bir asarida qahramon ruhiyatiga to'laligicha kirib tasvirlaydi. Adibning 2003 yilda

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

yoʻzilgan «Isyon va itoat» romanida Akbar xarakterini toʻla namoyon qilishga erishgan. Unda Akbarning safari natijasida koʻzdan kechirgan ziddiyatli munosabatlar – ogʻir yoʻqotishlar yozuvchining oʻy-xayollari mahsuli emas, u hayot bilan uygʻun tarzda yaratilgan voqelik sifatida koʻz oʻngimizda zohir boʻladi. Akbar – ilm izlagan kishi boʻlibgina qolmay, u baxt va iqbol yoʻlida tinimsiz kurashuvchan qahramon boʻlib tasvirlanadi.

Maʼlumki, badiiy asarni tahlilga tortayotib, psixologik tasvirning turli asarlarda turlicha vazifalarni bajarishini nazardan chetda qoldirmaslik kerak. Baʼzi asarlarda ruhiy tahlil va psixologik detallar unchalik koʻp emas, faqatgina muallif niyatini amalga oshirishga yordamlashib yuborish uchun ishlatiladi. Bunday hollarda biz faqat psixologik tasvir elementlari haqida gapirishimiz mumkin. Ayrim hollarda esa, psixologik tasvir matnning salmoqli qismini band etish barobarida boshqa unsurlarga nisbatan mustaqillik kasb etadi va asar mazmunini tushunishning favqulodda muhim jihatiga aylanadi. Adabiy portretlar – xarakterlar badiiy tasvirining asosiy vositalaridan biri sifatida muhim ifodaviy funktsiyalarni bajaradi: xarakterga “kirish” hisoblanadi; uning muhim qirralarini belgilaydi; xarakter toʻlaligiga, butunligiga aniqlik kiritadi; birgina personajning bir yoki bir nechta portreti orqali xarakterning jonsiz yoʻ dinamikligi koʻrinadi. U.Hamdani qahramon haqidagi toʻla tasavvurni kitobxon fantaziyasiga ishonib topshiradi-da, uni tasvirlash bobida bor-yoʻgʻi bir nechta yorqin detal bilan cheklanib qoʻya qoladi. Yozuvchining diqqati personajning alohida qirralariga qaratilgan boʻlishi mumkin, qolganini esa oʻzimiz, xayolimizda tiklaymiz, chizib olamiz. Xullas, psixologik tasvir orqali qahramonning maʼnaviy dunyosi aniqlavshan koʻrinadi. Sanʼatkor obrazning qalbini, ichki dunyosini chuqur yoritish uchun portretni harakatda berishga tirishadi.

Barchamizga maʼlumki, keyingi yillarda yaratilayotgan, xususan epik janrlar orasida ikmoniyati, mavzu doirasi anchayin keng romanda ramziymajoziy talqin yetakchi unsurlar sirasiga kirib bormoqda. Aslida, avvalligina nazmiy asarlarda, yaʼni jadid adabiyotigagacha boʻlgan davr oraligʻida hissiy kechinmani (bu hol koʻproq lirikada) hayotiy maʼno va falsafiy-ruhiy tasavvurlarni tabiat jonzotlari timsolida, baʼzan uygʻun ravishda idrok etish anaʼnasi kuchaygani barchamizga oydek ravshan. Buning yorqin misolida Gulxaniy masallari, Turdi Farogʻiy, Soʻfi Ollohyor lirikasida koʻrishimiz mumkin. Adabiy tadrij davom etgani bois, XX asr

ibtidosida nasriy asarlar urf bo'la boshlagan bir davrda Qodiriy, Cho'lpon kabi zabardast nosirlar ijodida bunga o'zgacha yondashildi. Xususan, shakllangan adabiy an'analar istiqloq davriga kelib o'zgacha mohiyat kasb etdi.

U.Hamdamning ikkinchi «Isyon va itoat» romanida o'zgacha shakli shamoyil – tasvir ixchamligi, tafsil qisqaligi va ana shu jarayonda xarakter badiiy tadrijini rivojlantirishda ilohiy-diniy kiritmalarni matn qariga ustalik bilan singdirishi badiiy yaxlitlik kasb etadi. Roman kutilmagan vaziyat bilan boshlanadi. Demak, asar muqaddimasidagi – tun ramzi va Yaratilishi birinchi kunidayoq qahramonning keyingi hayotiga, uning qismatiga ishora mavjud. Janr ichki intizomi, voqealar ketma-ketligi, yozuvchi badiiy niyati va ko'lami ham aynan, odamzotni tozarish sari qadam qo'yayotgani – Isyon qilayotganini mantiqiy asoslab boradi. Mutolaa va tahlil jarayonida shu narsani his etish mumkinki, romanda inson ruhiy borlig'i turfa ko'rinishlari qabarib ko'rinadi. Chunki asar voqealari izchil suratda bir-biriga mantiqan bog'langan - uchta qism, sakson sakkiz bobdan iborat bo'lib, har bir bobda yozuvchi tavirlanayotgan hodisotga qisqalik bilan to'xtaladi va ayni shu ixchamlik shaxs olamini anglashga, davr ziddiyatlaridan voqif bo'lishga, o'tmish va kelajak xususida jiddiy mushohada yuritishga kitobxonda tasavvur uyg'otadi:

«Olam uzra zulmat hukmron edi u paytlar. Na qittay yorug'lik bor edi va.jinday harakat. Ehtimol, mavjud edi ular. Biroq zulmatning qa`rida cho'kib yotardi. Boshqa yoqdan esa yorug'likni, harakatni ko'ra oladigan, ularni idrok eta biladigan xilqatning o'zi yo'q edi. Faqat Tangri taolo bor edi. Vaqti kelib U bilinmoqni istadi. Zulmatning qornini yorib, butun boshli dunyo yaratishni niyat qildi. Va, «Yorug'lik bo'lsin!» dedi. Shunda zulmatning bag'ri chok-chok so'kilib ichidan nur oqib chiqdi. Dunyoda zulmat va nur, tun va kun paydo bo'ldi. Bu yaratilishning birinchi kuni edi...». Roman muqaddimasida keltirilgan ushbu lavhada yozuvchi olamning yaratilishi xususida fikr yuritadi. Aynan, adib badiiy voqelikning shartlanganlik mohiyatidan sira uzoqlashmagan holda o'ziga xos uslubi - ruhiyat tasviriga mantiqiy urg'u beradi. Bu erda zinhor shaxs ruhiyatidan so'z ochilmaydi. Ammo roman tafsilotlarida keyingi hodisotlarga ishora qiladi. Chunki bosh qahramon Akbarning «qamoqxona tuynugidan tashqariga qarab turishi», o'zligi bilan to'qnash kelish hollariga badiiy

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

chizgilar beradi. Aytish joizki, Ulugʻbek Hamdam inson zotining kuchli va ojiz jihatlarini xilma-xil nuqtai nazarlarda aks ettiradi. Ayniqsa, bashariyatning ilk tarixi bilan qiyosiy tahlil etishda ijobiy mazmundagi kiritmalardan foydalanish ijobiy natijalar bergan.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.U.Hamdam. Isyon va itoat. –T: yangi asr avlodi. 2003 yil
- 2.Psixoanaliz asoslari. Oʻquv qoʻllanma. – Toshkent: Oʻzbekiston,2004. – 142b
3. Yoʻldoshev Q. Yoniq soʻz. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007. – 546

СЎЗНИ МАДҲ ЭТГАН ШОИР

Шарипова Лайло Фрунзеевна

БухДУ филология фанлари доктори, доцент

АННОТАЦИЯ. Дунё адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида сўзни таърифлаб яратилган асарлар, сўзни улуғлаган адиблар бор. Мақолада шоир Саъдулла Ҳаким шеърияти тадқиқ қилинар экан, сўз мадҳи алоҳида ўрин тутиши хусусида фикр юритилган.

Кириш. Устоз шоир мақомига етган Саъдулла Ҳаким бугун камолот сари вазмин қадамлар билан собит тарзда одимлаб бормоқда. У умрнинг оғиру-енгилида яхши-ёмонга самимий, тоза дил билан муносабат қилди. Бир хулосага келди: инсондан қолса фақат яхши ном, яхши сўз, яхшилик қолади. Бу уч тушунча бир-бирига боғлиқ ва яқин. Аммо оғринганда шоир кескин, айни дамда ҳаётий, фалсафий мисраларни тизади:

Яхшилик, биламан, юрагинг пора,
Номардлар юзинга чапламиш қора.
Қўявер, ҳар қасдга топилар чора,
Сени йиққанларни Холиқ йиқитар.
Мулзамдир мазлумга ёқмаган пешво,
Кўнглини эл ишқи ёқмаган пешво,
Ғарибдир ғарибга боқмаган пешво,
Ғарибни охири ғариб йиқитар [5.4].

Диққат қилсангиз, шоир мисолнинг иккинчи тўрт мисрасида иштиқоқ (мулзам, мазлум), тажнис (ёқмаган, яъни хуш келмаган – ёқмаган, яъни ёндирмаган), тақрир (ғарибдир, ғарибга, ғарибни, ғариб) каби бадиий санъатларни қўллаш орқали фикрининг рангинлигини, таъсирчанлигини оширган. Хулосада яна шоир ўзини тафтиш қилади, яна ўз дунёсига назар солади. “Умрингни сўз учун тикдинг”, – дейди ўз-ўзига. “Не-не алплар ўтган майдонга чиққанида” шоир “гоҳ сўзни у, гоҳ сўз уни йиққанини” таъкидлар экан, бу майдонда ўзини “Йиқса ҳам бир сўзи зариф йиқитар”, – деб иқроор бўлади. Баъзан шоир оғринса, киноя орқали фикрини айтар экан, жилмайиб туриб, ҳажвнинг қиличини кўтаради. Халқнинг матали кўмагида фикрини очиқроқ ифодалайди:

Бир бор сир бой берса ким,
Кўнглидан кетмас доғи.
Боболар демиш: “Бордир
Деворнинг ҳам қулоғи”.
Энди эскирди бу гап,
Замоннинг ўз сўзи бор:
“Бугун деворнинг, ажаб,
Ҳам қулоқ, ҳам кўзи бор!” [5.4.]


Охирги икки сатр кесатик маъносида ҳам, замондаги ошкоралик маъносида ҳам ўзини оқлайди. Муҳими, шоир ифодада, фикрлашда ўзига хослик ҳосил қила олган. Унинг ижодида аксарият шеърлар ҳажман мухтасарлик касб этган. Саъдулла Ҳаким тўрт мисрага манзарани, руҳий ҳолатни жо қила оладик, бу шоир қаламининг ўткирлигини кўрсатади:

Тун ва қуёш

Юлдузларни дондек териб,
Ой булоғин ичиб кетди.
Қора товуқ тилло тухум
Қўйди-ю, сўнг учиб кетди [3.50].

Шеърхон учун сарлавҳа – калит. Сатрларни жадвалга солсак.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI



Шоирда бекиёс қиёслаш бор. Қора товуқ – туннинг тилло тухуми – қуёш. Шоирда бундай шеърлар талайгина.

Шоир ижодидаги тадрижга разм солишга ҳаракат қилайлик. Сўз ҳақидаги шеърларини чоғиштирак, мақсадга мувофиқдир. Чунки шоир учун сўз жуда қадрли экани, унинг сўзшунослиги бутун ижодида бўртиб турибди. “Сен кутган баҳор” китобида “Сўзни тушуниш”, “Сўзлар” шеърлари бор:

Ўткир бир сўз ётар сўзнинг тубида,
Айтиб бўлмас, лекин тушунса бўлар.
Ўткир бир кўз ётар сўзнинг тубида,
Қарашидан умринг маънога тўлар [1.8].

“Сўзлар” шеърида шоир сўзларни шахмат доналарига қиёс қилиб, шахмат доналари вазифаси билан сўз вазифасини қиёслайди. Охирида “Мен ёниб турган бир сўзингман оташ! Сўзлар ўхшар Ватан фарзандларига...” – деб хулосалайди. Бу шоир Саъдулла Ҳакимнинг 34 йил илгари сўз ҳақида битганлари, ўйлаганлари. Ўзига хос! Аммо шоирнинг сўз ҳақидаги фикрлари сайқалланиб бораверган. 2013 йилда чоп этилган “Бола ботир” достонида бахши – бош образ, шоир бу образ кўмагида асли сўзни улуғлаган:

Сўзни анбиё айтса ярашар,
Сўзни Муҳаммад пайғамбар киройи айтган.
У ҳам, асли, бир сўзни айтган.
Бошқа айтилганлар бари ўша битта сўзга шарҳ.
ҳазрат Навоий айтганлари ҳам
ўша битта сўзга битилган гўзал шарҳлар.
Сўз ўзи битта! [3.18.]

Достон сўзнинг улуғлигини, шоирлик ошиқлик эканини, ошиқ шоир руҳияти авлиё руҳиятига тенг бўлишини, ўша ҳолда у истаган эврилишни амалга ошира олишини намойиш қила олган:

Сўздан сўз туғилар чақалоқ каби,
сўз яшар, сўз қарир, сўз оламдан ўтар.
Сўз – бу Афандининг чопони, яъни
сўз – либос, моҳият унда яширин.
Муҳими сўз эмас, моҳият!
Шоирдан сўз эмас,
ривоят қолиши керак.
Бола Ботирдан ривоят қолди.
Моҳият шу! [3.21.]

Шоир илгари ҳам сўз ҳақида чиройли ёзган, аммо бу сатрлар комиллик сари одимлаб бораётган, тафаккури тўқ буғдойдай етилган шоирнинг сатрлари. Йиллар оралиғидаги тафовутни изоҳлаб ўтирмадик.

Хулоса. Шоирнинг дастлабки шеърлари ҳам ўқимишли, гўзал. Аммо йил ўтиб боргани сайин шеърлардаги гўзаллик фалсафийлик билан, ўткир ва вазмин, ҳаётгий ва умуминсоний фикр ҳамда ғоялар билан туйиниб, моҳияти мукаммаллашиб боргани кўриниб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саъдулла Ҳаким. Сен кутган баҳор. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 48 б.
2. Саъдулла Ҳаким. Бола Ботир. Достон. // "Шарқ юлдузи", 2013. – № 2. – Б.10.
3. Саъдулла Ҳаким. Юрт ўғлони. – Тошкент: Mashhur-Press, 2019. – 152 б.
4. Саъдулла Ҳаким. Сендан сенга қараб кетаётирман. Шеърлар туркуми // "Гулистон" журнали, 2020. – №4. – Б.10-11.
5. Саъдулла Ҳаким. Шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2020 йил 24 июль. – Б.4.

ҚАЙТА ТАРЖИМА ТАЛАБЛАРИ

Тўхсанов Қаҳрамон Раҳимбоевич

БухДУ доценти

АННОТАЦИЯ. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари ўша давр адабий тил ҳисобланган форс-тожик тилида яратилган бўлиб, мавзу олами кенг, мазмун жиҳатдан ниҳоятда бойдир. Саккиз юз йил орадан ўтган бўлса ҳам асарнинг қадрини кун сайин ошиб бораётгани, камайгани йўқ. Манзуманинг дунёнинг кўп тилларига қайта-қайта таржима бўлаётгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Хусусан, мустақиллик даврида мутаржимлар томонидан бир неча бор ўзбек тилига ҳам таржима қилинди.

Таниқли таржимашунос Эргаш Очиллов қайта таржимага қўйидаги омиллар сабаб бўлади, деб ёзади:

- аввалги таржиманинг тил жиҳатдан эскирганлиги;
- бадиий жиҳатдан бўш таржима қилинганлиги;
- воситачи тили орқали ўтирилганлиги;
- ижодий беллашув истаги.

У шунингдек қайта таржима борасида шундай тавсиф беради: “Қайта таржима – муайян асарнинг бир тилдаги иккинчи, учинчи ва ҳоказо таржимаси. Масалан, Саъдийнинг “Гулистон” асари ўзбек тилига тўрт марта, А.С. Пушкиннинг “Ҳайкал” шеъри олти марта таржима қилинган ва ҳоказо”.

Биз мазкур мақолада имконият даражасида “Маснавийи маънавий” манзумасидаги бир байтни таржималари хусусида сўз юритишни мақсад қилдик.

Ҳар кй аз ҳамзабоне шуд жудо,

Безабон шуд, гарчи дорад сад наво (Д.1. саҳ 16)

Таржима қизиқ бир жараён, уни ижодий иш ҳам дейиш мумкин. Дарҳақиқат, бир тилдан иккинчи тилга ўгириш, шеърий мисралардаги сўзларни, сўз брикмаларни, ибора ва мисраларни аслиятдек қайта жойига қўйиб таржима қилиш ижодкорликдан далолат беради. Қийёслашга тортилган байтнинг аслиятида 12 та сўз мавжуд бўлиб, Асқар Маҳкам таржимасида 10 та сўз орқали ўзбекчага ўтирилган. Аслиятдаги “ҳар” сўзи ифодасини топмаган. “Ҳамзабоне”

аслиятдек “хамзабони” тарзида, “аз” эса “-дин” қўшимчаси орқали “шуд” ўзбекча ифодаланиши “бўлиб” унда “дир” қўшимчасини қўшиш билан ифодаланган. “Кий” ўзбекча ифодаси “ким” муқобилини топиб ўтирган ва аслиятдаги биринчи мисранинг биринчи қофияси “жудо” шундайлигича сақланган. Иккинчи мисрадаги “безабон” сўзида “дур” қўшимчаси қўшиш билан ўтирган бўлса, форс-тожикча матнидаги “гарчи дорад” ибораси “гар чалар” тарзида берган. Албатта “дорад” сўзининг маъноси “унга бор”, бўлса “чалар” билан “унга борни” сўзи бизнингча маъноси бир бирига мос ҳам келимайди, ҳатто яқин маънодош ҳам эмас. Лекин мисранинг умумий маъноси “чалар” мазмунини беради, чунки “наво” сўзининг ифодаланиши мусиқани борлигидан далолат беради. Мисра охиридаги ибора “сад наво” тўғри ўтирилган бўлиб, “юз наво” тарзида ифодаланган, фақат мутаржим ўздан битта сўз “бир”ни қўшган. Таржимон байтни ўзбекчага ўтирар экан, форс-тожикча матнидаги “жудо ва наво” қофияларни аслиятдек сақлайди.

Асқар Маҳкам таржимаси:

Хамзабонидин бўлибдир ким жудо,

Безабондур, гар чалар юз бир наво (52-бет)

Иккинчи таржимон Жамол Камол мазкур байтни ўзбекчага ўтирар экан, Асқар Маҳкамдек “хамзабон”, “безабон”, “жудо”, “наво” сўзларни айнан беради. Асқар Маҳкам “ким” деса Жамол Камол ўрнини алмаштирган ҳолда “кимки” тарзида берса, “бўлибдир” сўзини “бўлгай” шаклида биринчи мисрани ўтиради. Аввалги таржимон аслиятдаги “гарчи” сўзини “гар” шаклида ифодаласа, иккинчи мутаржим сўзни аслиятдек сақлайди. “Дорад” сўзини эса “унда” шаклида бериб, “сад наво” иборасини муқобили “юз наво” деб ўтиради. Аслиятдаги қофияларни ҳам сақлаган ҳолда байт ўзбекчалаштирилган. Хулоса шундан иборатки, ҳар иккала таржимон ҳам форс-тожик тилидаги байтни ўзбекчага ўтирганда қарийб бир хил йўл тутган.

Жамол Камол таржимаси:

Кимки бўлгай хамзабонидин жудо,

Безабондир, гарчи унда юз наво (Ж.Камол. 12 бет)

Тилнинг бойлигидан фойдаланиш, бир сўзнинг бир нечта синонимини таржима жараёнида қўллаш ҳам юксак таржимонлик

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

маҳоратидан далолат беради. Эргаш Очилов назарийчи ва ҳам амалиётчидир. Яъни таржима соҳасининг билимдони десак, муболаға бўлмайди. Биз аслият билан ўзбекча таржималарини қиёслаб турган байтининг учинчи таржимони ўзига хос йўлни танлайди. У аслиятдаги сўзлардан воз кечиб, уларни ўзбекча муқобилини қўллаш орқали байтни ўзбекчага ўтиради. Аслиятдаги байтнинг диққат марказида “ҳамзабон” сўзи кўпроқ маъно ташувчи бўлиб, китобхон асосан шу сўзнинг моҳияти ва мазмунига эътибор беради. Эргаш Очилов айнан шу сўзга урғу беради. Бу сўз замирида бир миллат вакили ҳақида сўз бораётгани йўқ. Балки одамлар руҳий жиҳатдан бир-бирларига яқин шунингдек, бошқа миллат вакили бўлса ҳам, дўстликларининг чегараси йўқ, қалбан яқин одамларгина сирдош бўла олади. Шунини инобатга олган мутаржим “сирдош”ни тўғри танлаган. Иккинчи мисрасидаги “безабон”ни ҳам “бенаво” шаклига берган. Қолган аслиятдаги сўзларни ўзбекча муқобилини топиб қўллашга муваффақ бўлган. Яъни ҳар учала таржимон ҳам аслиятдаги қофияни шундайлигича беришган.

Эргаш Очилов таржимаси:

Кимки сирдош дўстидан бўлди жудо,

Бенаводир топса ҳам у юз наво (Э.Очилов. Ҳикмат 269 бет)

Бошқа таржимон Одил Икром “безабон”ни айнан ўзбекча муқобили “тилдоши”ни беради, “безабон”ни эса “ул забундир” тарзида ифодалайди. Мутаржим байтни ўзбекчалаштирар экан, Асқар Маҳкамдек “гарчи чалгай” иборсини айнан қўллайди. Мутаржим бошқа таржимонлардек аслиятдаги қофияни сақлайди.

Одил Икром таржимаси:

Кимда-ким тилдошидан бўлгай жудо,

Ул забундир, гарчи чалгай юз наво.

Таржима жараёни ҳам, ўзбек тилининг луғавий бойлиги ҳам одамни ҳайратга қолдиради. Биз қиёслашга танлаган байтни шоир, таржимон, адабиётшунос ва шоир Мирзо Кенжабек ҳам ўзбекчага ўтирган. Байтнинг диққат марказида бўлган “ҳамзабон” Одил Икромдек “тилдош” деса, бошқа таржимонлардан фарқли ўлароқ “безабон”нинг айнан ўзбекча муқобили бўлмиш “тилсиз” шаклида беради. Қолган барча сўзлар у ё бу мутаржимлардек ифодасини

топган. Бешинчи таржимонимиз ҳам аслиятдаги қофияни бирор ўзгаришсиз берган.

Мирзо Кенжабек таржимаси:

Кимки ўз тилдошидан бўлди жудо,
Қолди тилсиз, қилса ҳам у юз наво.

Ҳар бир одамнинг ўз қараши, истеъдоди, маҳорати бор. Ижод оламида ҳам худди шундай. Биз таржималарини қиёслаб турган байтни шоир ва таржимон Сулаймон Раҳмон ҳам форс-тожик тилидан ўзбекчага ўтирган. Сулаймон Раҳмон “ҳамзабон” сўзини Одил Икром, Мирзо Кенжабекка ўхшаб “тилдошидан” тарзида беради. “Безабон”ни Мирзо Кенжабекка қўлланган “тилсиз” аслиятдаги сўзнинг айнан ўзбекча муқобилини топиб ўтиради. “Сад наво”ни иккинчи мисранинг бошига олиб, ўзбекча муқобили “юз наво” тарзида беришга муваффақ бўлади. Сулаймон Раҳмон байтни ўзбекчалаштирар экан, бошқалардан фақат бир жиҳатидан фарқ қилган, яъни аслиятдаги қофиядан воз кечиб, уларни ўрнида “кас ва бас” сўзлари билан қофиялайди. Лекин “кас” сўзи форс-тожикча бўлиб, “кимса ё шахс”ни ифодалайди.

Сулаймон Раҳмон таржимаси:

Магар тилдошидан айрилса қай кас,
Юз наво чалса ҳам, тилсиздир у, бас.

Қайта таржима талабларини мисоллар асосида қиёслаш орқали тадқиқ қилар эканмиз, охириги байтдаги бешта мутаржим томонидан амалга оширилган таржималарнинг ўзи ижодий беллашувдан далолат беради, десак хато қилмаймиз.

Биринчи ва иккинчи таржимонларимиз “ҳамзабон” ва “безабон”ни аслиятдек берса, учинчи мутаржимимиз Эргаш Очилов “сирдош” ва “бенаво”ни қўллайди. Мутаржим умуман ўзига хос йўлни танлангани унинг бу соҳадаги маҳоратидан далолат беради. Тўртинчи таржимонимиз, яъни Одил Икром бошқача йўлни танлаб, айтилган сўзларни “тилдош” ва “забун” тарзида беради. Мирзо Кенжабек ва Сулаймон Раҳмон “тилдош” ва “тилсиз” тарзида, айнан ўзбекча муқобилини топиб, байтни ўзбек китобхонларига тақдим этадилар. Бу ҳолат ижодий беллашув бўлиб, Мирзо Кенжабек ва Сулаймон Раҳмон байтни маромига етказиб таржима қилишга

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

ҳаракат қилганлар. Яъни бошқа таржимонларга нисбатан байтни тўлақонлича ўзбекчалаштирган, десак муоблаға бўлмайди.

Хулоса, форс-тожик тили ҳам, ўзбек тили ҳам луғат жиҳатдан ниҳоятда бой бўлиб, янги мутаржим бу байтни ўзбекчалаштирганда яна бир янги сўз топиши мумкин. Илмнинг чегараси йўқ. Маҳоратли ва истеъдодли кишилар ниҳоятда кўп. Бир асрда, қарийб бир замонда бир асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш бу бизнингча, таржимашинос Эргаш Очилов айтгандек фақат ижодий мусобақадан бошқа нарса эмас.

ТИЛ-БЕБАҲО БОЙЛИК

Нигора Худоёрова

Ислом Каримов номидаги ТДТУ

Термиз филиалининг она тили

ва адабиёти фани ўқитувчиси

Обидова Фарангиз

ТерДУ талабаси

“Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси,

Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган тимсоллардан биридир”

И.А.Каримов “Юксак маънавият- энгилмас куч”

Юқорида берилган таърифдан ҳам кўриниб турибдики , тил бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у одам деган мавжудотни шакллантирган, бирлаштирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган бемисл воситадир.

Зеро, Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам буни неча асрлар илгари эътироф этиб, шундай ёзмишлар:

“ Сўздурки , нишон берур ўлукка жондин,

Сўздурки, хабар берур жонга жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билки, гуҳари шарифроқ йўқдир ондин”

“Гуҳари шариф”, яъни иккинчи сигнал системаси - нутқнинг борлиги билан инсоният ҳайвонот олаmidан фарқ қилади. Шу тилнинг борлиги, нутқнинг латифлиги, нутқимиздаги сўзларнинг уйғунлиги асрлар оша барчамизни лолу ҳайрон этиб келмоқда.

Сўзга ошуфталик, фикрга мос либос кийдира билиш, мақсадга мувофиқ сўз ва ибораларни танлай олиш, сўз билан тингловчининг фақат қулоғини эмас, балки қалбини ҳам забт эта билиш Шарқда , хусусан, ўзбекларда тарбияланганликнинг, маърифатнинг асосий белгиларидан бири саналади.

Бобокалонларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб “Одобнинг боши тилдир”, -деб таъриф берганларида бенихоя ҳақ эдилар. Зеро, нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, айтилаётган фикру ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос хусндир, бу хусн охир-оқибатда жамиятнинг, қолаверса, миллатнинг хуснини кўрсатади. Юқоридаги фикрларни қўллаган ҳолда тилга нописандлик инсониятнинг ўзлигига нописандлик эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Ҳазрат Навоий бобомиз: “ Тилга эътиборсиз - элга ихтиёрсиз” деганларида шуларни назарда тутган бўлсалар, ажабмас. Бежиз эмаски, халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига юксак муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб, ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларида фахрланган. Шу боис, ўзбек ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапиради, топиб гапиради, дилга етказиб гапиради.

Шу ўринда бир ибратли ҳикоятни келтиришни жоиз топдик:

“Бир кеча Ҳорун ар - Рашид туш кўради: тушида унинг барча тишлари тўкилиб кетган эмиш. Тонгда мудҳиш тушнинг таъбирини муаббирлардан сўрайди. Биринчи муаббир халифага: “Ҳамма қариндош-уруғинг, яқинларинг-у , хеш-ақраболаринг ўлиб, сендан бошқа ҳеч ким қолмайди” деган қайғули таъбирни айтади ва ўз жонига калтак сотиб олади.

Иккинчи муаббир эса туш таъбирини чиройли қилиб қоғозга ўраб: “ Амиралмўъмин, сенинг умринг барча қариндошларинг, яқинларинг умридан узоқ бўлади”, -деб ифода этади.

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

Буни эшитиб, Хорун ар - Рашид дейди:” Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбирининг негизи бир ерга бориб тақалади, аммо бу ибора билан у иборанинг орасида фарқ бағоят кўпдир”.

Бу ибратли ҳикоятда тилнинг нечоғлик нозик ва мураккаб қудрат эканлиги, лисоний ифодаларни зийраклик билан танлашнинг нақадар муҳимлиги содда тарзда таъкидланган.

Тилнинг қудрати, сўзнинг соҳир иноятини тилга олар эканмиз, Кайковус бобонинг ўз авлодларига қилган қуйидаги насиҳатлари ёдга тушади:

“Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмақдан қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур. Аввало буни шундоқ далиллаш мумкин, агар бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остида бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва доя унга гапирмасалар, Ўу ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, ул ўғлон катта бўлганда, лол бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар кар бўлурлар”.

Демак, тилнинг пайдо бўлиши, унинг ривож топиб бориши, одамзоднинг бу неъматга мураккаб жараёнда ижтимоий муҳитнинг, атрофдаги кишиларнинг, айниқса, оила, уй хонадоннинг, жамиятнинг роли каттадир.

Худди шу ўринда збекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асаридан парча келтириб ўтмоқчиман: “Инсон табиати, феъл- атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради. Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учун айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.”

Тилга берилган юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, тил - энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодисадир. Аслида тил, энг аввало дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Қолаверса, тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик керак.

Бизнинг она тилимиз бизнинг онг-у шууримизга онажонлар алласи, боболар ўгити, оталар насиҳати билан сингади.

Биз она тилимизнинг гўзаллигини, бетакрорлигини бебаҳо сўз устаси Навоий наволаридан, юртининг бир тилим қовунига ташна зор ўтган шоҳ ҳам шоир Бобур рубоийларидан , ватандин айро тушган Фурқат фиғонидан, Нодирабегим ва Увайсийлар зору нолаларидан, ўзининг машҳур шеърларини совуқ Сибирь ўрмонларида қайинларга қўшиқ қилиб айтиб кетган Усмон Носир алёрларидан, истиқлол шарофати ила ижоди гуллаган, ўзбек халқининг юрагидан чуқур жой олган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ғазалларидан, бетакрор ашъорларидан ўқидик, ўргандик, фахр туйғусини дилга туйдик ва бундан кейин ҳам шундай муборак заминда она тилимиз улуғланаётганидан, ривожланаётганидан дилда улуғ ишонч ва ғурур билан яшаймиз.

Бугунги пандемия шароитида, Ўзбекистоннинг оғир ва синовли даврида бир-биримиздан ширин сузимизни, дардларга малхам булувчи утлуг каломни аямасак, нур устига аъло нур буларди.

Ох, она тилгинам, мукаддас тилим,
Бир огиз сузингга жоним тасаддук.
Бунчалар ширинсан, бунчалар сулим,
Бормикан гузал тил сендан-да ортик

***“O‘ZBEK TILINING DAVLAT TILI
SIFATIDAGI NUFUZI VA
MAVQEINI TUBDAN OSHIRISH:
BUXORO FILOLOGLARINING
TARIXI, BUGUNI, KELAJAGI”
MAVZUSIDA TADBIR***

**2019-YIL 21-OKTABRDAGI PF-5850-SON
FARMONI IJROSINING BUXORO
SHAHRIDA O'RGANILISHI YUZASIDAN
LAVHALAR**



DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI



O'ZBEK ADABIYOTI KAFEDRASI TARIXI



O'ZBEK ADABIYOTI KAFEDRASINING BUGUNGI KUNI



O'ZBEK ADABIYOTI KAFEDRASINING KELAJAGI YOSHLAR QO'LIDA



**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**



DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI





DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI





**DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA
MILLIY YUKSALISH MEZONI**

Qaydlar uchun

DAVLAT TILI – IJTIMOIIY TARAQQIYOT VA MILLIY YUKSALISH MEZONI

*(O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining 31 yilligiga
bag‘ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari)*



«Sharq – Buxoro» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahar Mustaqillik ko‘chasi 70/2 uy.
Tel: 0(365) 222-46-46